

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Э.Нуриддинов, И.Игамбердиев

ТАРИХИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ СЎЗ ВА
АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ТОШКЕНТ 2021

Нуриддинов Э.З., Игамбердиев И.Р.
Тарихий ва ижтимоий-сиёсий сўз ва атамаларнинг қисқача изоҳли
луғати

Тузувчилар:

Нуриддинов Э.З., тарих фанлари доктори, профессор,
Игамбердиев И.Р., тарих фанлари номзоди

Тақризчилар:

Исматуллаев Ф.О., тарих фанлари номзоди, доцент,
Мирзаев Ғ.Р., т.ф.ф.д. (PhD)

Илмий муҳаррир:

Фармонов Р.Ф., тарих фанлари доктори, профессор

Тарихий ва ижтимоий-сиёсий сўз ва атамаларнинг қисқача изоҳли луғати Низомий номидаги ТДПУ ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил 18 июндаги № 11 сонли масофавий ўтказилган йиғилиш баённомаси билан наширга тавсия этилган.

Сўзбоши

“Таълимга эътибор – келажакка эътибор” дейилиши бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 7 феввалида имзоланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ва “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги Қарорлари ҳам бевосита таълим тизимига тааллуқли бўлиб, бу соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари учун бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилган дарсликларнинг замонавий янги авлодини, ўқув ва услубий қўлланма ҳамда қўшимча адабиётларни яратиш, таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказларини замонавий технологиялар, қўшимча адабиётлар билан бойитиш ишлари кенг йўлга қўйилди, бу борадаги ишлар давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар бир ўғил қиз, аввало, ўзининг тарихини чуқур ўрганиши ва билиши керак. Бунинг учун бўш вақтини зое кетказмасдан китоб мутолаасига, тарихий манбаларга мурожаат қилиши талаб этилади.

Дастурий хужжатларда кўзланган мақсадга эришиш ёш авлодни баркамол шахс сифатида камолга етказиш йўлида бугунги кунда бошқа фанлар билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанлардан ҳам дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди яратилмоқда. Аммо талабаларнинг чуқур билимга эга бўлишлари учун бунинг ўзи билан кифояланиш тўғри бўлмайди, албатта. Зеро, илм-фанда бирон-бир соҳани мукамал ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаб етиш учун, биринчи навбатда, шу фанга оид ҳар қандай тушунчанинг калити бўлган сўз, атама ва ибораларнинг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўқувчи-талабалар учун яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларда шу фанга доир атамалар, тушунчалар воқеа-ходисаларнинг изоҳини тўлиқ бериш имконияти биров чекланган. Шу сабабли ҳар бир фан йўналишида дарслик ва қўлланмалардан ташқари қўшимча манбалар, яъни изоҳли луғатлар, маълумотномаларнинг бўлиши фойдадан ҳоли эмас, албатта. Кузатишлардан келиб чиқиб, тарих фанидан ҳам ўқувчи, талабалар учун изоҳли луғатнинг яратилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Муаллифлар томонидан тақдим этилган ушбу изоҳли луғат, бугунги кунга қадар яратилган ва чоп этилган луғатларни камситмаган ҳолда ўз ичига ижтимоий-гуманитар фанларга тааллуқли бўлган сўз, атама ва ибораларнинг шарҳини баён этиш асосида тайёрланди.

Тақдим этилаётган изоҳли луғат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети негизида тайёрланган бўлиб 5110 6000 – Тарих ўқитиш методикаси ва 5111 600 – Миллий ғоя мънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишларига мўлжалланган. Шу билан бирга у асосан “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фанларига тегишли бўлиб, унда қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги даврларга тааллуқли бўлган воқеа-ходисалар мазмуни, улар билан боғлиқ сўзлар, атамалар, тушунчалар батафсил ёритиб берилди. Мазкур изоҳли луғатнинг янгилиги шундан иборатки, унда сўнги йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалар билан боғлиқ бўлган жараёнлар, воқеалар, тушунчалар ҳамда янги сўзлар ва ибораларнинг мазмуни баён этилди.

Изоҳли луғатда келтирилган маълумотлар умумэтироф этилган қоидага мувофиқ алифбо тартибида жойлаштирилди. Бир йўла бир неча маънони англатувчи сўз ва иборалар бўлса, у ҳолда бу маъноларнинг ҳар бири 1, 2, 3 ва шу каби рақамлар билан кўрсатилиб, улар бир-биридан нуқтали вергул билан ажратилди.

Мазкур изоҳли луғатни тайёрлашда ижтимоий-гуманитар соҳага тааллуқли бўлган фанлар юзасидан яратилган луғатларга ҳам мурожаат этилди. Хусусан, “Тарихдан қисқача изоҳли луғат” (Б.Т.Аҳмедов, Т., 1977.), “Тарих терминлари изоҳли луғати” (Х.Ю.Бекмуҳамедов, Т., “Ўқитувчи”, 1978.), “Қадимги дунё тарихи изоҳли луғати” (М.Қ.Бобоева, Р.С.Қурбонғалиева, Т., “Ўқитувчи”, 1992.), “Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати”. Тўлдирилган иккинчи нашри. (З.Т.Чориев, Т.: Академия, 2002.), Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Учинчи тўлдирилган нашр.(Т.:“Шарқ”, 2006.), “Тарих атамалари луғати” (М.Исмоилов, А.Шаропов, Т.,“Академнашр”, 2013.) кабилар шулар жумласидандир.

Тақдим этилаётган изоҳли луғат 4717 сўзни ўз ичига олган.

Айтиш жоизки, ҳар қандай имло ва изоҳли луғат, ахборот ва маълумотномаларда мунозарали ўринлар, айрим нуқсонлар бўлиши табиий. Ана шундай ўринларни аниқлашда ёрдам берувчи танқидий фикрларни, луғатни такомиллаштиришга кўмаклашувчи мулоҳазаларни луғат тузувчилари миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

Муаллифлар

Абадий қадриятлар – Оила, маҳалла, давлат ва жамият институтлари, дин, авлодлар ўртасидаги ворисийлик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, барқарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ўз қадрини ҳеч қачон йўқотмайдиган тушунча ва тамойиллар, мас., “Авесто” китобидаги “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий мерослари ва ҳоказо.

Аббат – 1. Христиан дини католиклар мазҳабида монастир бошлиғи. 2. Францияда христиан дини католиклар мазҳаби черковида рухонийларнинг унвони.

Аббос I – Сафавийлар давлатининг машҳур ҳукмдори (1587-1629 йиллар). Аббос I ҳукмронлиги даврида мамлакатда шаҳарлар ривожланган, йўллар, кўприклар, карвонсаройлар қурилган, кўплаб ариқлар қазилган, Бухоро хонлиги, Россия, Англия, Австрия, Испания, Голландия ва бошқа мамлакатлар билан элчилик муносабатлари ўрнатилган. Аббос Iни ҳозиргача Эронда “буюк”, унинг ҳукмронлик даврини эса “олтин давр” деб эъзозлашади. Аббос I вафотидан кейин сафавийлар давлати таназулга юз тута бошлаган.

Аббос III – Сафавийлар давлатининг ҳукмдори. 1732 йилда Нодиршоҳ томонидан тахтга ўтказилган.

Аббосийлар – Араб халифалигида 750-1258 йилларда ҳукмронлик қилган сулоланинг номи.

Аббосийлар (Бағдод) халифалиги – Араб халифалигининг 750–1258 йиллардаги даври. Аббосий қабиласидан бўлган Абул Аббос 750 йилда Дамашқни забт этган ва аббосийлар ҳукмронлигини бошлаб берган. Охирги умавийлар халифи Марвон II ва барча умавий зодагонлар аббосийлар томонидан ўлдирилган. Умавийлардан фақат Абдурахмон I қутулиб қолган ва у Испанияга қочиб бориб, ўша ерда 756 йилда янги умавийлар давлати – Қуртуба (Кордова) халифалигини тузишга муваффақ бўлган. Аббосийлар халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳри бўлган. Шунинг учун бу халифаликни “Бағдод халифалиги” деб ҳам аташади. VIII-IX асрлар аббосийларнинг “олтин даври” деб аталади. Бу даврда илм фанга ҳомийлик қилган Мансур (754-775 йиллар), Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар) Ал-Маъмун (813-833 йиллар) каби қудратли халифалар ҳукмронлик қилишган. Халифалар Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун ҳукмронлиги даврида Бағдодда “Байт ул-ҳикмат” деб номланган илмий марказ ташкил этилган. Аббосийлар ҳукмронлигига қарши 769-783 йилларда Мовароуннаҳр (Сўғдиёна)да Муқанна (ниқобли) лақабли Ҳошим ибн Ҳаким раҳбарлигида, 815 йилдан бошлаб эса Озарбайжонда Бобек бошчилигидаги кўзғолон бошланган. Бу кўзғолон 20 йилдан ортиқ давом этган. IX асрда аббосийлар халифалиги таркибидан Миср, Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ажралиб чиққан. Аббосийлар халифалиги Мўътадид замонидан (892-902) бошлаб таназулга юз тута бошлаган. 1055 йилда заифлашган аббосийлар халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳри салжуқий турклар томонидан босиб олинган.

Шундан кейин аббосий халифалар кўлида фақат диний ҳокимиятгина қолган. Араб халифалигига мўғуллар кўшинлари 1258 йилда барҳам беришган.

Абвер – Фашистлар Германиясининг разведка ва контрразведка органи.

Абдол – Ўринбосарлар. Тасаввуф таълимотига кўра, мусулмонлар орасида ҳамisha яшайдиган етмишта авлиёларнинг бири.

Абдолий – Афғонистон худудида мавжуд бўлган қабила. Кейинчалик “дурроний” деб аталган.

Абдукаримбий – Кўқон хонлигининг хони (1733-1750 йиллар). Абдукаримбий ҳукмронлик даврида давлат пойтахти эски Кўқон яқинидаги Тепакўрғон қишлоғидан ҳозирги Кўқон худудига кўчирилган. Кўқонда янги хон қароргоҳи, сарой, мадраса ва бошқа иншоотлар қурилган.

Абдулазизхон – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1645-1680 йиллар). 1680 йилда Абдулазизхон Бухоро тахтини укаси Субҳонқулихонга топшириб, ўзи ҳаж сафарига йўл олган ва йўлда 1681 йилда вафот этган.

“Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”, “Зафарномаи Абдуллахон”) - 1584-1590 йилларда Таниш Бухорий томонидан Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II га бағишланиб ёзилган тарихий асар.

Абдуллатиф – 1423-1450 йилларда яшаб ўтган темурий шоҳзода. 1447 йилда Ҳирот ҳукмдори Шохрух вафот этгандан кейин ворислик масаласида темурий ҳукмдорлар ўртасида рақобат кескинлашган. Улуғбек ва Балх ҳокими этиб тайинланган унинг катта ўғли Абдуллатиф муносабатларида зиддиятлар кучайиб борган. 1449 йилда Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғида ота-ўғил кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда Абдуллатиф ғалаба қозонган. Тожу тахтдан Абдуллатиф фойдасига воз кечган Улуғбек ўғлидан Маккага, ҳаж сафарига боришни сўраган. Абдуллатиф отасининг бу хоҳишини маъқуллаган, лекин 1449 йилнинг 27 октябрида Улуғбек Абдуллатиф буйруғи билан Самарқанд яқинида ўлдирилган.

Абдуллахон II – Шайбонийлар давлатининг энг йирик ҳукмдорларидан бири (1583-1598 йиллар). Илм-фан ҳомийси бўлган. Абдуллахон II Мухаммад Шайбонийхон вафотидан кейин парчаланиб кетган шайбонийлар салтанатини қайта тиклаш учун кураш бошлаган. У Балх (1573 йили), Самарқанд (1578 йили), Тошкент (1582 йили), Фарғона (1583 йили), Бадахшон (1584 йили), Кўлоб (1585 йили), Хуросон (1588 йили), Хоразм (1595-1596 йиллар) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухоронинг Жўйбор мавзесида Жўйбор хожаларига атаб мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ, (1558-1566 йиллар), Абдуллахон мадрасаси, Абдуллахон тими (1569-1570 йиллар), Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк (1582 йили), Тошкентда Абдуллахон II нинг нуфузли амири Қулбобо Кўкалдош шарафига Кўкалдош мадрасаси, Нуротада Абдуллахон банди ва хоказолар қурилган. Абдуллахон II ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган, шаҳарларда хунар-мандчилик, савдо-сотик ривожланган, ҳарбий санъат тараққий топган. 1589 йилда Абдуллахон II ва унинг ўғли Абдулмўмин ўртасида тахт масаласида муносабатлар кескинлашганидан фойдаланиб қозоқ хонларидан бири – Таваккалхон Тошкент вилоятига бостириб кирган. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон II Самарқандга етганда вафот этган ва Бухоро яқинидаги

Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги Дахмаи шоҳон (Шоҳлар дахмаси)да дафн этилган.

Абдуллахон банди – XVI асрнинг 80-йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II фармони билан қурдирилган сув омбори. Бу иншоот қолдиқлари ҳозиргача Нурота тумани марказидан 65 км. шарқда сақланиб қолган.

Абдуллахон мадрасаси – Шайбонийлар давлатининг ҳукмдори Абдуллахон II томонидан 1569-1570 йилларда Бухоро шаҳрида қурдирилган меъморий ёдгорлик.

Абдуллахон мадрасаси – 1855 йилда Хива хони Қутлуғ Муроднинг хотини ўз ўғли Абдуллахон хотирасига бағишлаб қурдирган меъморий ёдгорлик. Хиванинг Ичан қалъасида жойлашган.

Абдуллахон тими – Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II ҳукмронлиги даври (1583-1598 йиллар)да Бухорода қурилган йирик усти берк савдо растаси.

Абдулло – Хуросонда мавжуд бўлган Тоҳирийлар давлатининг учинчи ҳукмдори (828-844 йиллар).

Абдулло Мирзо – 1433-1451 йилларда яшаб ўтган Мовароуннаҳр ҳукмдори (1450-1451 йиллар). Темурийлардан. Улуғбекнинг укаси Иброҳим Мирзонинг кенжа ўғли. Абдуллатиф вафотидан кейин тахтга ўтирган.

Абдуллоҳ Ансорий мақбараси – 1425-1429 йилларда ҳозирги Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида қурилган меъморий ёдгорлик.

Абдуллоҳ ибн Муборак – 736-797 йилларда яшаб ўтган буюк муҳаддис ва фақиҳ.

Абдуллоҳ ибн Умар – 622-693 йилларда яшаб ўтган машҳур саҳобалардан бири, муҳаддис ва фақиҳ. Ҳазрат Умарнинг ўғли.

Абдуллоҳ Муқриъ – Тахм. VII-VIII асрларда яшаб ўтган муҳаддис ва шайх.

Абдулмажид – Усмонли турк империяси султони (1839-1861 йиллар). Султон Абдулмажид ҳукмронлиги даврида Туркиядаги ислохотларнинг “танзимот” деб номланган даври бошланган. Унга кўра, Туркия саноати ва қишлоқ хўжалиги Европа мамлакатлари учун очиқ деб билдирилган, номусулмон ва мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинган, мамлакатда адабиёт, санъат, илм-фан, маориф ривожига катта имкониятлар яратилган, миллий зиёлилар фаолиятини жонлантириш назарда тутилган ва ҳоказо. Абдулмажид топшириғига биноан Туркияда фуқароларнинг ҳаёти, виждон эркинлиги ва мулк дахлсизлиги, қонун бузилишларига барҳам берилиши, солиқлар миқдори камайиши бўйича чора-тадбирлар ўтказилган. Туркиянинг йирик зодагонларининг қаттиқ қаршилигига қарамасдан мамлакатда ҳуқуқ ва маъмурий, молия, ҳарбий ва маориф соҳаларида сезиларли ислохотлар ўтказилган. Ушбу ислохотлар натижасида Туркияда, бир томондан, армияда, иқтисодда, маданий ҳаётда ижобий ўзгаришлар амалга оширилган бўлса-да, иккинчи томондан, улар мамлакат миллий маданиятига салбий таъсир ўтказган, Туркияни секин-аста иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Европа мамлакатларига қарам бўла бошлаган. Танзимот сиёсати XIX аср 70-

чи йиллар ўрталарида Туркия султони Абдулхамид II томонидан бекор қилинган.

Абдулмалик – Умавийлар халифалигининг халифаси (685-705 йиллар).

Абдулмалик ибн Нух – Сомонийлар давлатининг ҳукмдори (954-961 йиллар). Сомоний ҳукмдор Нух ибн Насрнинг ўғли.

Абдулмалик (Катта тўра) – 1848-1909 йилларда яшаб ўтган Бухоро амири Амир Музаффарнинг катта ўғли. Уни “Катта тўра” деб ҳам аташган.

Абдулмалик (Катта Тўра) бошчилигидаги кўзғолон – 1868-1870 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида Абдулмалик бошчилигида чор Россияси мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган кўзғолон. 1868 йили Бухоро амири Амир Музаффар кўшинлари Россия кўшинлари томонидан енгилиб, Бухоро амирлиги Россия империясининг вассалига айланган. Бу ҳолдан норози бўлган Шаҳрисабз, Китоб, Қарши руҳонийлари, ҳарбийлари ва оддий фуқаро ўша вақтда Ғузор беклигининг беки лавозимида бўлган Абдулмалик атрофида тўпланганлар. Улар Шаҳрисабзда Абдулмаликни амир деб эълон қилиб, Бухоро озодлиги учун курашишга қарор қилишган. Амир Музаффар ўз ўғлига қарши кўшин билан борган, лекин мағлуб бўлган. Шунда у Россиянинг Туркистондаги маъмурларидан ҳарбий ёрдам сўраган. 1868 йил октябрь ойида генерал Абрамов бошчилигидаги рус кўшинлари Қарши шаҳрини Абдулмалик кўшинларидан озод этиб, Амир Музаффарга топширишган. Лекин кўп ўтмай Абдулмалик Қаршини яна ўз тасарруфига ўтказган. 1870 йилда генерал Абрамов рус кўшинлари билан Абдулмалик кўшинларини Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши шаҳарларида тор-мор этган. Ушбу кўзғолонда мағлуб бўлган Абдулмалик дастлаб Афғонистон, кейинчалик Қашқарга ўтиб кетган. Абдулмалик 1909 йили ҳозирги Покистоннинг Пешовар шаҳрида вафот этган.

Абдурасулбой мадрасаси – 1906 йилда Хивада қурилган меъморий ёдгорлик.

Абдурахмон I – Аббосийлардан қочиб, Испанияда Кордоба (Қурдоба) халифалигини тузган умавийлар сулоласининг Бағдоддаги охириги халифаси.

Абдурахмон Вали мақбараси – XIV асрда Бухорода қурилган меъморий ёдгорлик.

Абдулқодир Гилоний — 1077-1166 йилларда яшаб ўтган илоҳиётчи, мутасаввиф, қодирия тариқати асосчиси

Абдулхамид II – Усмонли турк империясининг султони (1876-1909 йиллар). Ўзининг қаттиққўллиги билан ном чиқарган. Абдулхамид II ҳукмронлиги даврида танзимот сиёсати бекор қилинган, Туркия Ғарбий Европа мамлакатларининг яриммустамлакасига айланиб қолган. Абдулхамид II 1877-1878 йилларда Россия билан урушда Туркиянинг мағлубиятида Туркия парламенти фаолияти сабабчи деб билиб, уни тарқатиб юборган ва мамлакатни яқка ўзи бошқаришга киришган. Шунинг учун Абдулхамид II ҳукмронлик даврини “истибдод даври” деб аташади. Абдулхамид II мамлакатда Конституция тарафдорларини таъқиб эта бошлаган, уларнинг баъзиларини қатл эттирган. Абдухамид II шу даврда ташкил этилган “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотини таъқиб этган. Бунга жавобан мамлакатда султоннинг тираник режимига қарши кураш бошланган. 1907-1908 йилларда

Туркияда инқилобий вазият кескинлашган. 1908 йил 3 июлида “Ёш турклар” ташкилотининг раҳбарларидан бири бўлган Станбул ҳарбий гарнизонининг бошлиғи Ниёзбей биринчи бўлиб султонга қарши чиққан. Уни Туркия армияси Бош штабининг бошлиғи бўлган Анварбей қўллаб-қувватлаган. Абдулҳамид II амалда қуролли кучларсиз қолган. Шунинг учун 1908 йил 24 июлида Абдулҳамид II 1876 йилги Туркия Конституцияси қайта тикланганлиги ва парламентга сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонларни имзолашга мажбур бўлган. Мамлакатда ўтказилган парламент сайловларида “Ёш турклар” ғалаба қозонишган. Шундан сўнг Туркияда демократик эркинликлар қайта тикланган, 40 мингдан ортиқ сиёсий маҳбуслар озод қилинган, сиёсий муҳожирларга ўз ватанларига қайтишга рухсат берилган, мамлакатнинг барча фуқаролари тенг ҳуқуқли деб эълон қилинган, тақиқланган газета ва журналлар чоп этила бошланган. Абдулҳамид II 1909 йили апрель ойининг бошларида Ғарб мамлакатларининг ёрдамига таяниб ўзининг истибдод сиёсатини қайта тиклаш учун “Ёш турклар”га қарши кураш бошлаган. “Ёш турклар”, ўз навбатида, қарши ҳужумга ўтиб, 1909 йил 29 апрелида Абдулҳамид IIни тахтдан ағдариб, унга Муҳаммад V Рашидни ўтказишган. 1911-1912 йилларда Италия-Туркия уруши бўлиб ўтган. Бу урушни Туркияга тегишли бўлган шимолий Африкадаги (Триполитания ва Киренаика) ерларини ўз тасарруфига ўтказиш мақсадида Италия бошлаган ва ғалаба қозонган. 1903 йилда Германия Туркия султонининг розилиги билан машҳур Бағдод темир йўлини қуриш ҳуқуқини қўлга киритган. 1909 йилда “Ёш турклар” Абдулҳамид II га қарши бош кўтарганлар ва уни тахтдан ағдарганлар. Абдулҳамид II 1918 йилда маҳбусликда вафот этган.

Абдурахимбий – Қўқон хони (1721-1733 йиллар). Қўқон хони Шохрухбийнинг ўғли. Абдурахимбий қўшинлари томонидан 1725 йилда Хўжанд, 1726 йили Ўратепа, 1729 йили эса Самарқанд забт этилган. Шаҳрисабзни ҳам ўз таъсир доирасига киритишга муваффақ бўлган. Шу тариқа Қўқон хонлигининг ҳудудлари кенгайган. Абдурахимбий 1733 йилда суиқасд натижасида ўлдирилган. Шундан кейин Қўқон тахтига Абдурахимбийнинг укаси Абдукаримбий ўтирган.

Абдурахмон офтобачи – 1844-1884 йилларда яшаб ўтган Қўқон хонлигида офтобачи, сўнгра парвоначи ва мингбоши лавозимларида хизмат қилган. Кейинчалик Қўқон хонлигининг жанубидаги тоғли вилоятларда яшовчи қирғизлар ва қипчоқларни Қўқон хони Худоёрхонга қарши курашлари раҳбарларидан бири. 1875 йилнинг 22 августидан бўлиб ўтган Маҳрам жангида Абдурахмон офтобачининг беш минглик қўшини Фарғона вилояти генерал-губернатори М.Д.Скобелев бошчилигидаги рус қўшинларидан мағлубиятга учраган. 1876 йил 24 январидан генерал М.Д.Скобелев билан учрашгандан сўнг ўз сафдошлари билан рус қўшинларига таслим бўлган ва ўз жангчиларини тарқатиб юборган.

Абдурахмонхон – Афғонистон шоҳи (1880-1901 йиллар). Афғонистон шоҳи Шер Алихоннинг ўғли. Абдурахмонхон инглизларнинг зўравонлиги остида “Дюранд чизиғи”ни Афғонистоннинг жанубий-шарқий чегараси сифатида тан олишга мажбур бўлган.

Абеляр, Пьер – 1079-1142 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи, илоҳиётчиси ва шоири. Ҳар бир ҳодисани кўр-кўрона эътиқодга асосланган ҳолда эмас, балки фикр юритиш асосида баҳолашни тарғиб этгани учун черков вакилларининг ғазабига дучор бўлган.

Абжад – Араб алифбосида ҳарфлар кетма-кетлигини кўрсатувчи саккизта уйдирма сўзлар. Ушбу сўзлардаги ҳар бир ҳарфи бир рақамни ифодалайди, мас., “абжад” сўзидаги алиф ҳарфи бир рақамини, бе ҳарфи икки рақамини, же ҳарфи уч рақамини ва дол ҳарфи тўрт рақамини ифодалайди ва ҳоказо.

Абидос – Қадимги Миср давлатининг пойтахти ва диний марказларидан бири. Ривоятларга кўра, Абидосда ўликлар оламининг худоси ҳисобланган Осирис ўлдирилган ва ўша ерда дафн этилган.

Аболиционизм – Йўқотиш, бекор қилиш. 1. XVIII асрдан Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Буюк Британияда пайдо бўлган қора танлиларни кулликдан озод қилиш ҳаракати. 2. Бирор қонунга барҳам бериш учун уюштирилган ижтимоий ҳаракат.

Аборигенлар – Бирор жой ёки мамлакатнинг қадимдан яшаб келаётган маҳаллий, туб аҳолиси.

Абраам – Иудаизм дини таълимотига кўра, яҳудий халқининг асосчиси.

Абру, Ҳофиз – 1361- 1430 йилларда яшаб ўтган тарихчи ва географ. Амир Темур ва Шохрух саройларида хизмат қилган. Машҳур асари “Тарихи Ҳофизи Абру”.

Абрўй – Турк ҳоқонлиги шаҳзодаси.

Абрўй кўзғолони – 585-586 йилларда Бухоро аҳолисининг зодагон деҳқон ва бой савдогарларнинг зулмига қарши бўлиб ўтган кўзғолони. Ушбу кўзғолонга Турк ҳоқонлиги шаҳзодаси Абрўй (тахаллуси, асл исми Тўрамон) бошчилик қилган. Пойкенд кўзғолончиларнинг қароргоҳи сифатида танланган. Кўзғолончилар меҳнатқашларнинг манфаатларини ифода этадиган ҳукумат тузганлар. Йирик мулклар чекланган, зодагонлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Турк ҳоқонлиги ҳоқони Қорачурин кўзғолонни бостириш учун ўғли Шери-Кишвар (Элбарс, Эларсхон) бошчилигида катта кўшин юборган. Кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилган. Абрўй тутиб олиниб, қизил асалар билан тўлдирилган қопга тиқиб ўлдирилган.

Абсентеизм – Фуқароларнинг сайловлар ва турли сиёсий мажлисларда иштирок этишдан бош тортишлари ёки бефарқ бўлишлари. Мамлакатда мавжуд бошқарув тартибларига, сиёсий институтлар фаолиятларига нисбатан норозилик билдириш шакли.

Абсолют монархия – *Қар.: Абсолютизм.*

Абсолютизм – Мутлақ, чекланмаган. Монарх (шоҳ)нинг чекланмаган ҳукмронлигига асосланган давлатни бошқариш усули.

Абсолют ҳақиқат – Объектив борлиқни тўлиқ ва мукамал билиш. Объектив борлиқнинг инсонлар онгида акс этилиши масаласи диалектик материализм билиш назариясининг асосини ташкил этган. Унга мувофиқ объектив ҳақиқат инсонлар онгидан ташқарисида мавжуд. Идеалистик фалсафа тарафдорлари эса объектив ҳақиқат мавжудлигини, оламнинг инсонлар онгидан ташқарисида мавжудлигини инкор этишади.

Абстракционизм – XX асрда дастлаб тасвирий санъатда пайдо бўлиб, кейинчалик адабиётга ўз таъсирини ўтказган оқим. Абстракционизм намояндалари санъат борлиқни эмас, санъаткор ҳис-туйғуларини инъикоси деган ғояни илгари суришган.

Абсурд – Муайян нарса, ходиса, фикр ёки хулосанинг бемаъни, нотўғри ва ясама экани, сохталик, қалбакилик.

Абу – 1. Ота маъносини билдирувчи арабча сўз, мас., “Абу Али” сўзларининг маъноси – Алининг отаси. 2. Шоҳлар, машҳур шахслар номлари олдидан келтириладиган ва уларнинг шажараларини билдирадиган куня. Куня “Абу” сўзи билан ҳам, “ибн” сўзи билан ҳам ифодаланган.

Абу Бакр Сиддик – Ислонда дастлабки тўрт халифалардан биринчиси (632-634 йиллар). Муҳаммад Пайғамбарнинг яқин сафдоши ҳамда қайнотаси (Ойшанинг отаси).

Абу Жаъфар Мансур – Аббосий халифа (754-775 йиллар). Бағдод шаҳрига асос солган ва аббосийлар халифалиги пойтахтини шу шаҳарга кўчирган.

Абу Наср Порсо мақбараси – Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган вакили Шайх Абу Наср Порсо қабри устига Балх шаҳрида XV асрнинг 70-йилларида қурилган ёдгорлик.

Абул Аббос Абдуллоҳ Саффоҳ – Аббосийлар халифалигининг биринчи халифаси (749-754 йиллар). Арабча “саффоҳ” сўзи “хунрез” (“қон тўкувчи”) маъносини англатади.

Абул Башир – Башарият отаси, Одаматонинг лақаби.

Абулғозий Баҳодирхон – Хива хонлигининг ҳукмдори (1643-1663 йиллар). Абулғозийхон тарихчи-олим ҳам бўлган. Унинг эски ўзбек тилида ёзилган “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) ва “Шажарайи турк” (“Туркий халқлар шажараси”) асарлари Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. У тиббиёт илмига оид “Манофиъ ул-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) асарини ҳам ёзган. Абулғозий Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида марказий ҳокимият нисбатан кучайган. 1657 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги қўшинлари ўрталарида бўлиб ўтган жангда Анушахон қаҳрамонлик кўрсатиб, жанг тақдирини хиваликлар фойдасига ҳал қилган, отаси Абулғозий Баҳодирхонни ўлимдан сақлаб қолган. Бунинг эвазига Абулғозийхон ўғли Анушахонга туғ, лашкар ва Ҳазорасп шаҳрини инъом этган ва Хива шаҳрида унинг номига катта “Анушахон ҳаммоми”ни қурдирган. 1663 йилда Абулғозийхон ҳокимиятни ўз ўғли Анушахонга топширган.

Абу Муслим қўзғолони (ҳаракати) – 747-749 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Абу Муслим бошчилигида араб халифалигининг умавийлар сулоласи ҳукмронлигига қарши бўлиб ўтган қўзғолонлар. VIII аср ўрталарида аббосийлар сулоласи вакиллари умавийларга қарши кураш бошлаганлар. Аббосийларнинг рамзий ранги ва байроғи қора бўлган. Шунинг учун Абу Муслим қўзғолони тарихда “қора кийимликлар ҳаракати” деб ҳам ном олган. 746 йилда аббосийлар ҳаракатининг раҳбарлари томонидан Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги умавийларга қарши ҳаракатга бошчилик қилиш учун Абу

Муслим (асли исми Абдурахмон ибн Асад) юборилган. Тез орада Хуросон ва Мовароуннахр Абу Муслим раҳбарлигидаги кўзғолончилар томонидан эгалланган. 749 йилда эса Абу Муслим кўшинлари халифаликнинг марказий вилоятларига кириб бориб, Дамашқни эгаллашган. Умавий халифа Марвон II тахтдан ағдарилган. Аббосийлар вакили Абул Аббос Саффоҳ (749-754 йилларда халифалик қилган) халифалик тахтини эгаллаган. Шу тариқа аббосийлар сулоласи вакилларининг халифалигига асос солинган. Абу Муслим аббосийларни халифалик тахтига ўтказган бўлса-да, аббосийлар ундан тахт даъвогари сифатида кўрққанлар. Шу боисдан ҳам 755 йилда халифа Абу Жаъфар Давонақий-Мансур (754-775 йилларда халифалик қилган) Маккага келган Абу Муслимни ҳийла билан қўлга олиб ўлдиртирган. Абу Муслимнинг ўчини олиш учун 755 йилда Райда Сунбод бошчилигида (70 кун давом этган), Мовароуннахрда Исҳоқ бошчилигида, 772 йилда Хуросонда Устоз Сиз бошчилигида ва 782 йилда Жўржонда кўзғолонлар бўлиб ўтган.

Абулхайр, Абусаид – 978-1049 йилларда яшаб ўтган мутасаввиф, тариқат пири.

Абу Суфён – 567-652 йилларда яшаб ўтган маккалик йирик савдогар. Дастлаб Муҳаммад Пайғамбарнинг янги диний таълимотларига қарши чиққан. Кейинчалик Муҳаммад Пайғамбар билан ярашиб, 630 йилда унинг кўшинларига Маккани жангсиз топширган. Халифа Усмон даврида Абу Суфённинг ўғли Муовия Сурия ҳокими этиб тайинланган.

Абу Ҳавл (Даҳшат отаси) – *Қар.: Сфинкс.*

Абу Ҳомид Ғаззолий – 1058-1111 йилларда яшаб ўтган сўфий, фақиҳ, мутакаллим, файласуф.

Авангард – Ҳарбий сафар вақтида асосий кучларни кўриқлаш учун олдинда боровчи ҳарбий кўшилма, қисм ёки бўлинма. Авангард қадимий туркий қисмларда ҳиравул, аванғор, мўғул лашкарларида манқлай, манғлай дейилган.

Авангардизм – Бадиий ижод соҳасидаги мавжуд меъёр ва анъаналарни рад этиб, янгича тасвир ва ифода воситаларини янгилик деб талқин этадиган бадиий ижод йўналиши. XX асрда шаклланган.

Аванпост – Кўшиндан илгарироқ, душманга яқин қўйилган соқчилар ва улар эгаллаб турган жой.

Авгурлар – Қадимги Римда қоҳинлар жамоаси, асосан қушлар парвози ва овозига қараб Худолар иродасини таъбир қилганлар.

Август – Худоларга ҳурмат юзасидан қилинадиган мурожаат. Рим императори Гай Цезарь Октавианга берилган лақаб.

Август форуми – Архитектура комплекси. Рим императори Октавиан Август ҳукмронлиги даври (мил. ав. 29-милодий 14-йиллар)да Рим шаҳрида қад кўтарган архитектура комплекси.

Августин, Аврелий – 354-430 йилларда шимолий Африкада яшаб ўтган христиан дини илоҳиётчиси, файласуф.

Август, Октавиан – Мил. ав. 63-милодий 14 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим императори (мил. ав. 29-милодий 14 йиллар). Юлий Цезарнинг набира жияни. Рим комиция (халқ мажлиси)си мил. ав. 42-йилда Римда

ҳокимиятни Марк Антоний, Эмилий Лепид ва Гай Цезарь Октавианга топшириш бўйича қарор чиқарган. Натижада Римда иккинчи триумвират вужудга келган. Кўп ўтмай Эмилий Лепид ҳокимиятдан четлаштирилган. Шундан кейин Октавиан ва Марк Антоний ўрталаридаги рақобат кескинлашган. Октавиан Мисрдан Марк Антоний ва Миср маликаси Клеопатра кўшинлари устидан ғалаба билан Римга қайтгандан кейин мил. ав. 29-йилда сенат томонидан умрбод император этиб ҳам тайинланган. Бундан ташқари у яқка консул ва барча легионлар кўмондони этиб тайинланган. Шундан кейин у “август” (худолар томонидан шарафланган) лақабини олган. Октавиан Август легионларнинг жамлаш сифати, жанговар қобилияти, аскарларнинг яшаш шароитларини яхшилаган. Легион ҳарбий хизматчилари 20 йил хизмат қилишган. Хизматдан бўшаган ҳарбий хизматчиларни “ветеран” деб аташган. Хизмат даврида легион аскарлари яхши йиллик маош олишган, хизматдан кейин эса уларга яхши тухфа ва ер ажратиб бериладиган бўлган. Октавианнинг ўзини кўриқлаш учун 9 та “когорт” деб аталадиган ҳарбий тузилмалар тузилган. Бундан ташқари, иккита ҳарбий кемалар эскадраси ҳам тузилган. Октавиан тузган мунтазам армия шакли Рим империясида яна 400 йилга яқин мавжуд бўлган. Октавиан Август ҳукмронлиги даврида Апеннин ярим ороли Альп тоғларигача бўлган ҳудуд “Италия” деб аталган ва шу ҳудуддаги фуқароларига Рим фуқаролиги берилган. Римда улкан қурилиш ишлари олиб борилган. Римнинг ўзида 82 та ибодатгоҳ (ҳрам) қурилган ёки таъмир этилган. Римнинг асосий майдони бўлган форумда “Август форуми” деб аталган архитектура комплекси қад кўтарган. Август Рим шаҳридаги Палатин тепалигида улкан бино қурдирган. Кейинчалик кўплаб Италия императорлари Палатин тепалигида ўзларининг қасрларини қурдиришган. Октавиан Август яқинлари ўзларининг уйларига Римнинг атоқли шоир ва ижодкорларини таклиф этиб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатишган. Улар эса, ўз навбатида, Августни таърифлаб асарлар ёзишган. Бу ишлар билан энг фаол шуғулланган киши Августнинг яқин дусту Гай Цильний Меценат бўлган (“меценатлик” сўзи шундан келиб чиққан). Октавиан Август ҳукмронлиги давридаёқ Юлий Цезарь ва Октавиан Августнинг илоҳийлаштириш жараёнлари бошланган. Октавиан Август эҳтиёткор ташқи сиёсат олиб борган. Унинг ҳукмронлиги даврида Италия ўз ҳудудларини шимолда Дунай соҳиллари ва Периней ярим оролининг баъзи ҳудудлари ҳисобидан кенгайган. Милодий 14 йилнинг август ойида Октавиан Август Рим яқинидаги кичкина Нол шаҳарчасида вафот этган.

Августулани, Ромул – Охирги Рим императори. 476 йилда варварлар томонидан ҳукмронликдан маҳрум этилган.

“Авесто” – Зардуштийлик динининг муқаддас китобининг номи. Мил. ав. VII-VI асрларда Хоразм воҳасида яратилган. “Авесто” сўзининг маъноси “ҳаёт йўриқномаси”дир. “Авесто” диний китоб бўлиши билан бирга, унда мил. ав. XII асрдан милоднинг IV асргача бўлган даврдаги тарихий воқеалар, географик, маълумотлар, Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, диний қарашлари, қадриятлари ҳақида маълумот берилган. “Авесто”да инсон одоб-ахлоқи, маънавияти қуйидаги учликда: Гумата – яхши фикр, Гугта – яхши сўз,

Гварша – яхши иш (амал) тамойилларида ифодаланади. Зардуштийлик дини асосчиси Зардушт ўз даврида мавжуд бўлган “Авесто”нинг 30 та қадимий нусхаларини тўплаб, уларни қохинлар билан уч йил давомида ўрганиб, таҳлил қилиб бир тизимга солган ва ўн икки минг хўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган. “Авесто”нинг кўп қисми македониялик Александр ва араблар истилоси даврларида йўқ қилинган. Биринчи асрда Парфия шоҳи Вологес I нинг фармони билан “Авесто”нинг ёзма ва оғзаки қолдиқлари жамланган. Сосоний подшоҳлар Ардашир I ва унинг ўғиллари Шопур I ва Шопур II ҳукмронлик даврларида “Авесто” паҳлавий тилига таржима қилинган ва унга изоҳлар берилган. Бу шаклдаги “Авесто”ни “Занд Авесто” деб аташган. “Авесто”нинг бизгача етиб келган энг мукаммал нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда у Копенгагендаги кутубхонада сақланмоқда. “Авесто”нинг қисмлари: 1. Вендидод – 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахурамазда ердаги барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги баён этилган; 2. Висперед – 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат кўшиқларидан ташкил топган; 3. Ясна – 77 бобдан иборат бўлиб, дуолар ва қурбонлик маросими вақтида айтиладиган кўшиқлардан ташкил топган; 4. Яшт – 22 кўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик маъбудаларининг мадҳи куйланган; 5. Хурда Авесто (Кичик Авесто) – қуйш худоси, ой худоси ва бошқа худолар ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

Авлиё – 1. Валийлик мартабаси, шайх ва пирнинг мақоми. 2. Ислом динининг тасаввуф таълимоти бўйича илоҳий кудратга эга бўлган, одамларнинг ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата оладиган Аллоҳга яқин киши, бандаларнинг ҳомийси. 3. Донишманд, узоқни кўра оладиган, келажакни башорат қила оладиган, маънавий баркамол киши.

Авлиё Пётр қалъаси – “Етти мўъжиза” сифатида эътироф этилган Галикарнас мақбараси материаллардан салибчилар томонидан қурилган қалъа.

Авлиё София ибодатхонаси – 532-537 йилларда Константинополда қурилган ибодатхона.

Авлод – 1. Алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлмиш фарзандлар ва уларнинг зурриётлари. 2. Миллат, халқ, цивилизация ривожининг муайян босқичида ягона ғоя, мақсад ва вазифалар билан майдонга чиқадиган кишилар гуруҳи, мас., кекса авлод, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлод ва ҳоказо.

Авлоний, Абдулла – 1878-1934 йилларда яшаб ўтган ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби, жаҳидчилик ҳаракатининг қатнашчиси. Янги усул мактаб ўқувчилари учун ёзилган дарсликлар муаллифи.

Авом – 1. Ўқимаган, билимсиз кишилар. 2. Оддий халқ оммаси.

Аврангбардор – Ҳарбий юришларда тахти равон, яъни кўчма тахтни олиб юришни бошқарадиган хон ва амирлар хизматкорларининг бири.

Аврангзеб (асл исми: Муҳйиддин Муҳаммад) – Ҳиндистондаги бобурийлар давлатининг ҳукмдори (1658-1707 йиллар). Шоҳ Жаҳоннинг ўғли. “Аврангзеб” сўзи “тахт беағи” маъносини англатади. “Аврангзеб” билан бирга у ўзига “оламгир” (“оламни забт этувчи”) лақабини ҳам олган. Машҳур

шоира Зебуннисо Аврангзебнинг қизи бўлган. Аврангзеб ҳукмронлик даврида солиқларнинг миқдори кўпайгани, ҳиндларнинг давлат ишларидан узоқлаштирилгани, бутхоналар мол-мулкининг мусодара қилингани, ҳиндлар орасида ислом динини жорий эттиришга уринишлар содир бўлгани натижасида мамлакатда Аврангзебга қарши исёнлар бўлиб ўтган. Натижада Аврангзеб ҳукмронлиги даврида жанубий Ҳиндистон бир нечта мустақил хонлиқларга бўлиниб кетиб, бобурийлар сулоласининг ҳукмронлиги емирила бошланган, маҳаллий халқнинг бобурийларга нисбатан нафрати ошиб борган.

Аврора – 1. Қадимги Рим мифологиясида инсонларга тонг ёруғлигини келтирувчи маъбуда. Қадимги Юнонистон афсоналарида Эос номи билан юритилади. Аврора отлар кўшилган ғилдиракли аравага тушган ҳолда океандан чиқиб келаётган ёш, икки қанотли аёл сиймосида тасвирланган. 2. Чор Россияси Болтиқ флотининг крейсераининг номи.

Авсат – 1. XIX аср–XX аср бошларида Хива хонлигида 5-10 таноб ери бўлган ўртаҳол деҳқонлар. 2. Ўтмишда мадраса талабаларининг ўрта гуруҳи.

Австралопитеклар – Одамсимон маймунларнинг қирилиб кетган кенжа оиласи. Австралопитекларнинг суяк қолдиқлари дастлаб 1924 йили Жанубий Африканинг Калахари саҳросидан, кейинроқ Марказий Африканинг Олдувай дараси (Танзания) Омо дарёси водийси (Эфиопия), Рудольф кўли ва Хадар деган жой яқинида (Кения) топилган. Австралопитекларнинг бўйи 120-130 см, тана массаси 30-40 кг. бўлган. Улар оёқда тик юришган.

Автаркия – Фақат давлат доирасида, миллий маҳдудлик муҳитида мамлакатни бошқа мамлакатлардан айириб қўйиб бошқариш сиёсати. Автаркиянинг асосий воситалари: мамлакатга киритиладиган товарлар учун юқори чекловчи божлар ва квоталар жорий этиш, истеъмол товарлари нархини ошириш, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга турли тўсқинлар қўйиш.

Автократия – Якка шахснинг ҳеч қандай қонун, ҳуқуқий меъёрлар билан чекланмаган ягона ҳокимияти. Қадимий Шарқ, Юнонистон, Рим империяси, ўрта аср Европасида мутлақ монархия тузуми, коммунистик ва фашистик диктатура даврида автократия давлатнинг муҳим белгиси бўлган. *Яна қар.: Тоталитаризм.*

Автоматлаштириш (Автоматизация) – Ишлаб чиқариш соҳасини автоматик суратда бажарадиган дастгоҳ ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

Автономия – Бирор давлат аҳолисининг бир қисми яшайдиган ҳудудларида Конституция билан кафолатланган сиёсий ва маъмурий жиҳатдан ўзини-ўзи мустақил суратда идора қилиши. Мухторият.

Авторитаризм – Жамиятни бошқаришда якка шахс (асосон давлат раҳбари)нинг обрўси, фикр ва қарашларининг устувор бўлиши. Авторитаризм сиёсий ҳокимият шакли сифатида автократия ва диктатура билан уйғунлашади. Авторитаризм жамиятда ҳақиқий демократиянинг йўқлигини англатади.

Авторитар онг – Янгилик ва ижодийликдан маҳрум бўлган бир қолипдаги онг, тафаккур.

Агент – 1. Маълум бир вазифани бажариш учун корхона ёки муассаса томонидан тайинлаб қўйилган вакил, мас., молия агенти. 2. Махфий разведка ходими, айғоқчи.

Агентлик – 1. Агент фаолияти, жосуслик, айғоқчилик. 2. Мухбирлар ёрдамида мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига доир маълумотлар тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланадиган муассаса.

Агиография – *Қар.: Маноқиб.*

Агни – Ҳиндуизм дини таълимотига кўра, олов, хонадон худоси, бош худолардан бири.

Агностицизм – Объектив борлиқ ва унинг қонуниятларини тўлиқ билиш мумкинлигини инкор этадиган идеалистик фалсафий таълимот. Антик даврда мавжуд бўлган скептицизм ва Ўрта асрларда мавжуд бўлган номинализм негизида пайдо бўлган.

Агора – Қадимги Юнонистонда халқ йиғини, шунингдек йиғин ўтказиладиган майдон. Майдон бўйлаб ибодатхоналар, давлат идоралари, савдо расталари жойлашган.

Агрессив хулқ – Шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очиқдан-очиқ салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусусият.

Агрессия – 1. Бирон-бир бузғунчи ғоя, вайронкор мафкурага таяниб амалга ошириладиган информацион-психологик хужум, ахборот хуружи, маънавий-мафкуравий бузғунчилик. 2. Бир ёки бир неча давлатларнинг бошқа бир давлатнинг худудини куч ишлатиб босиб олиш, у ерда яшаётган фуқаролар мустақиллигига барҳам бериб, уларни иктисодий ва сиёсий жиҳатдан бўйсундириш. Тажовуз.

Адабий-маданий мерос – Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ёдгорликлар, кадриятлар.

Адад (Адду) – Қадимий Шарқнинг бир қанча халқлари динларида момақалдироқ, шамол ва ёмғир Худоси сифатида тан олинган худо.

Адам – Шарқ фалсафасида йўқликни билдирадиган тушунча.

Адаптация – Бирор бир муҳит ёки шароитга, янгиликка мослашув жараёни.

Адвокат – Суд жараёнида қонунларга белгиланган ваколатлар асосида айбланувчи ёки жабрдийда манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ёқловчи ҳамда ҳуқуқ масалалари юзасидан маслаҳат берувчи юрист.

Адвокатура (Адвокатлар уюшмаси) – Аҳолига ҳуқуқ масалалари юзасидан маслаҳатлар бериш, тушунтириш, аризалар ёзиб бериш, судда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган адвокатлар уюшмаси.

Адекват – Айнан акс эттириш, тенглаштириш, эквивалент.

Аденауэр, Конрад – 1876-1967 йилларда яшаб ўтган Германия Федератив Республикасининг канцлери (1949-1963 йилларда).

Адити – Қадимги ҳинд мифологиясида табиат ва коинот ҳодисаларини назорат қилувчи худолар (адитлар) онаси.

Адл – Адолат, одиллик, ҳаққонийлик.

Администрация – *Қар.: Маъмурият.*

Адмирал – Баъзи мамлакатларда юкори ҳарбий денгиз флоти қўмондонларига бериладиган ҳарбий унвон. Арабча “Амир ал-бахр” сўзларининг ўзгартирилган шакли.

Адно – XIX аср–XXаср бошларида Хива хонлигида 5 танобгача ери бўлган пастки табақадаги деҳқонлар.

Адоват – Нафрат, гина-кудурат асосидаги душманлик, узоқ вақт бирор кишига нисбатан кек сақлаш.

Адолат – Одиллик, тўғрилиқ, ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойиллари.

Адолатпарварлик – Одиллик, адонат билан иш кўриш, қонун асосида, жамиятда шаклланган устувор инсоний муносабатлар доирасида барчага тенг ва холис муносабатда бўлиш.

Адолатсизлик – Адонат меъёрлари, қонун ва жамиятда мавжуд адонатли тамойилларнинг бузилиши, маънавий тамойилларга амал қилмаслик. Протекционизм, бюрократизм, маҳаллийчилик, боқимандалик ва шу қабилар адолатсизликнинг шакллари ҳисобланади.

Адонис – Қадимги Финикия мифологиясида ҳосилдорлик худоси. Бобил худоси Туммузга тўғри келади. Мил ав. V асрдан Адонис култи Юнонистонда, кейинчалик қадимги Римда кенг тарқалган.

Адъютант – Бошлиқ (командир, қўмондон) ҳузурида турли топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи.

Аёллар ҳуқуқи – Аёл жинсига мансуб шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқлари мажмуи.

Ажал фариштаси – *Қар.: Азроил.*

Ажам – Араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда яшайдиган барча ерлар ва халқларнинг умумий номи. Араб бўлмаган мамлакатлар. Кўпинча Эрон кўзда тутилган.

Аждод – Шахснинг илгари ўтган ота-боболари.

Ажзчи – Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий сафарга отланган қўшинни машаққатли жойлардан олиб ўтиш мақсадида маҳаллий аҳоли ичидан танлаб олинган йўл кўрсатувчи.

Азархўрро – Зардуштийлик динида муқаддас олов. Азархўрро ҳар бир шаҳарда махсус жойларда сақланиб, кеча- кундуз ёниб турган.

Аз-Замахшарий, Абулқосим – 1075-1144 йилларда яшаб ўтган тилшунос, адиб, исломшунос олим.

Азнаурлар – Ўтмишда грузин оқсуяклари. Подшолар, князлар ва черков оқсуяклари бўлган.

Азон – Масжидларда муаззиннинг мусулмонларга ҳар куни беш маҳал намоз ўқиш вақтини эълон қилиш ва уларни адо этиш учун даъвати.

Азроил – Ислом динидаги тўрт фаришталардан бири. Азроилга одамлар жонини олиш (малак ул-мавт) вазифаси юклатилган (ажал фариштаси).

Аида – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида ер ости олами худоси.

Айрмачилик – *Қар.: Сепаратизм.*

Аймоқ – 1. Мўғул ва туркий халқларда қадимий йирик уруғларда ажралиб чиққан, турли-туман худудларда яшаса-да, ўзаро қон-қариндошлик асосида боғланган инсонларнинг ижтимоий бирлиги. 2. XV-XVI асрларда Фарғона водийси ва Қашқадарё воҳасида яшаган туркий қабиланинг номи.

Айний, Садриддин – 1878-1954 йилларда яшаб ўтган адиб, шоир, жамоат арбоби.

Айритом – Мил. ав. II-милодий III асрларда мавжуд бўлган манзилгоҳ. Археологлар томонидан 1932 йилда топилган. Ҳозирги Термиз шаҳридан 20 км. шарқроқда, Амударёнинг ўнг тарафида жойлашган. Бу манзилгоҳдан шу жумладан йирик будда ибодатхонаси ва арфа чалиб турган аёл хайкали топилган.

Айюб – Сабр-қаноат тимсоли сифатида талқин қилинадиган пайғамбар. У серфарзанд ва бой-бадавлат бўлган. Лекин бирин-кетин бошига фалокат тушади: мол-дунёсидан ажралади – қаноат қилади; етти ўғилу етти қизидан жудо бўлади – сабр қилади; бутун аъзои бадани қуртлаб кетади – шикоят қилмайди. Бу сабру қаноатининг ажри сифатида Аллоҳ таоло унинг барча йўқотганларини қайтариб беради.

Айғоқчилик – *Қар.: Жосулик.*

Айғучи – Турк хоқонлигида ҳукмдорнинг давлат маслаҳатчиси.

Академ – Қадимги Юнонистон халқлари тасаввуридаги афиналик афсонавий қаҳрамон.

Академия – 1. Мил. ав. IV асрда Платон томонидан асос солинган юнон фалсафий мактаби. Афина яқинидаги жой номи билан аталган. 2. Илм-фан ва санъатни ривожлантириш учун тузилган кўплаб олий илмий муассасалар, мас., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Акбаршоҳ – Ҳиндистондаги бобурийлар давлатининг шоҳи (1556-1605 йиллар). 1556 йилда отаси Ҳумоюн сарой кутубхонаси зинапоясидан йиқилиб ҳалок бўлгандан кейин тахтга 13 ёшли Акбаршоҳ ўтирган. 1574 йилдан бошлаб Акбаршоҳ марказлашган салтанат тузиш мақсадида қўшинларни қайта жамлаштирган, қуроолантирган ва унинг устидан қаттиқ назорат ўрнатган, мамлакатни бошқатдан маъмурий туманларга бўлган, никоҳ ришталари орқали маҳаллий халқ билан алоқаларни мустаҳкамлаган, халқлар ўртасидаги бирдамликни ўрнатиш мақсадида маҳаллий халқ вакиллари (асосан ҳиндлар)ни юқори лавозимларга тайинлаган ва янги “дини илоҳий” деб номланган динни жорий этган, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо-сотиқни ривожлантиришга катта эътибор берган, солиқларни тартибга солган, савдо йўлларида карвонсарой ва қудуқлар қурдирган, илм-фан, санъатга ҳомийлик қилган. Акбаршоҳ 1605 йилда вафот этган.

Аккад давлати – Тахм. мил. ав. XXIV аср – 2200 йилларда Месопотамия худудида мавжуд бўлган давлат тузилмаси. Аккад ҳукмдори Саргон ўз давлати марказини Аккад шаҳрида жойлаштирган. Аккад шаҳри ҳозирги Ироқ Республикаси пойтахти Бағдод шаҳрининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Мил. ав. XXIV асрда Саргон бутун Месопотамияни, шу жумладан Шумерни ҳам забт этгандан кейин Месопотамияда йирик, марказлаштирилган

давлат вужудга келган. Аккад давлати мил. ав. 2200 йилда шарқдан уларга ҳужум қилган тоғли, жангари гутий халқи томонидан барҳам берилган.

Аккредитив ёрлик – Бирор ҳукуматнинг чет мамлакат ҳукумати ҳузуридаги элчисига бериладиган ишонч ёрлиғи.

Аккультурация – Маданиятларнинг бир-бирига таъсири, бир халқ томонидан бошқа халқ маданиятининг тўлиқ ёки қисман қабул қилиниши.

Акрополь – Юнон шаҳарларининг муҳофазаланган ва баландликка жойлашган қисми. Уларнинг энг каттаси қадимги Юнонистоннинг Атика полиси ҳудудида мавжуд бўлган. Акрополь дастлаб юнон жамоасининг диний ва маданий маркази саналган.

Аксинқилоб – Кучайиб бораётган инқилобга қарши ёки ғалаба қозонган инқилобнинг самараларини йўқ қилиш учун курашувчи кучлар.

Аксиология – Қадриятлар соҳасини ўрганадиган фан, қадриятшунослик.

Акция – Акциядорлар жамияти томонидан шу жамият сармоясига ўз ҳиссасини кўшган акциядор (пайчи)ларга бериладиган қимматбаҳо қоғоз, ҳужжат.

Акциядор – Акция эгаси ёки акциядорлар жамиятининг аъзоси, пайчи.

Акциядор (акционер)лар жамияти – Пайчи (акциядор)лардан тўпланган маблағ асосида тузилган йирик жамият, тузилма.

Ала – Қадимги Рим армиясида ёрдамчи отлик бўлинма.

Алам – 1. Байроқ. 2. Азиз авлиёлар дафн этилган мазорлар ҳудудида диндорлар томонидан боғланган латта.

Аламбардор – *Қар.: Тугчи.*

Алаф пули – Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида бедазор, ўтлоқ, боғ ва узумзор эгаларидан давлат ҳисобига ундириладиган солиқ.

Ал-Афғоний, Жамолiddин – 1839-1897 йилларда яшаб ўтган Мисрнинг диний арбоби. Панисломизм назарияси асосчиси ҳисобланади. Ал-Афғонийнинг асосий ғояси ислом динини ислоҳ қилиш, уни замон талабларига мослаштириш ва ундан кейин мусулмон оламини ислом байроғи остида бирлаштиришдан иборат бўлган. 1871 йили Ал-Афғоний Мисрда “Ҳизб ул-Ватан” (“Ватан партияси”) партиясини тузган. “Ҳизб ул-Ватан” партияси аъзолари Мисрнинг мустақилликка эришиш учун экстремал (фавқулодда) ҳаракатлар қилиш тарафдорлари бўлишган. Улар 1910-1912 йилларда Миср давлати душманлари деб ҳисобланган бир нечта сиёсий арбоблар, вазирлар, давлат маъмурларини ўлдиришган. Шундан кейин Миср ҳукумати “Ҳизб ул-Ватан” партиясини ҳуқуқдан ташқари деб эълон қилган. 1879 йилда ал-Афғоний Александрияда “Ёш мисрликлар” жамиятини тузган. Ўша йили ал-Афғоний сиёсий фаолияти учун Мисрдан ҳайдаб юборилган. 1879-1883 йилларда у полициянинг қаттиқ назорати остида Ҳиндистонда яшаган. 1883 йилдан бошлаб эса ал-Афғоний Ғарб мамлакатларида яшаган. Ал-Афғоний 1892 йили Туркияга келган ва шу ерда 1897 йили вафот этган. 1944 йилда Ал-Афғонийнинг хоки Кобулга олиб келиниб дафн этилган.

Алгебра – “Алгебра” атамаси Хоразмий томонидан ёзилган “Ал-китоб вал мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал муқобала) (“Ал-жабр ва ал-моқобала ҳисоби

ҳақида қисқача китоб”) номли рисоласидаги “ал-жабр” сўзининг лотинча талаффуз ифодасидан келиб чиққан сўз.

Александр I – Россия императори (1801-1825 йиллар). Александр I Россияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида ҳарбий департамент бошлиғи генерал А.А. Аракчеев таклифи билан мамлакатда ҳарбий қишлоқлар ташкил этган. Бу қишлоқлардаги деҳқонлар деҳқончиликдан ташқари ҳарбий хизматни ҳам ўташган. Ҳарбий қишлоқларда қаттиқ ҳарбий интизом мавжуд бўлган. Деҳқонлар ҳарбийлашган бўлинмаларга бўлиниб, казармаларда яшашган. Улар барабан садолари остида туришган, саф тортиб ишга боришган. Кейинчалик Александр I ўзининг барча фармонларининг ижросини назорат қилишни ҳам генерал А.А. Аракчеевга топширган. Шафқатсиз бўлган А.А.Аракчеев ўз мансабини суиистеъмол қилиб, мамлакатда истибдодни кучайтирган, “таёқ зарбасига таянган тартиб”ни ўрнатган. Натижада генерал А.А. Аракчеев Россияда императордан кейин иккинчи одамга айланган. А.А. Аракчеев томонидан ўрнатилган тартибни Россияда “аракчеевчилик” деб аташган.

Александр II – Россия императори (1855-1881 йиллар). Россия “Қрим уруши”да Туркиядан мағлуб бўлгандан кейин Александр II мамлакатда улкан ислохотлар ўтказиш зарурлигини англаган. Александр II 1861 йил 19 февралда Россияда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги фармонни имзолаган. Унга кўра Россия деҳқонлари ерга эга бўлмаган бўлсалар-да, мамлакатда капиталистик муносабатларни шакллантириш жараёнини тезлаштирган, саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, санъат ва бошқа соҳалар ривожига катта туртки бўлган. Россияда XIX аср 70-чи йилларида бошқа бир қатор ислохотлар ҳам ўтказилган: 1. Ҳарбий ислохот (1862 йил). Бу ислохот натижасида Россияда ёлланма аскарлар ёллаш ўрнига ҳарбий мажбурият эълон қилиш орқали мунтазам армия тузилган. Ҳарбий хизматни мамлакатнинг 21 ёшдан катта бўлган эркаклари ўташи мажбур бўлган, армияда барча тан жазолари ман этилган, ҳарбий хизматчиларга таълим бериш ва армияни замонавий қурол-яроғлар билан жиҳозлашга катта эътибор берилган. 2. Земство ислохоти (1864 йил). Бу ислохот натижасида Россиянинг губерния ва уездларида “земство” деб номланган сайланадиган ҳукумат органи таъсис этилган. Земстволар ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, ўз ҳудудларида тиббиёт, маориф, янги йўллар қуриш каби масалалар билан шуғулланишган. 1870 йилда Россияда шаҳар бошқаруви ислохоти ҳам ўтказилган. Унга кўра шаҳарларда ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган шаҳар думалари таъсис этилган. 3. Суд ислохоти (1864 йил). Бу ислохот натижасида суд давлат маъмурий органларидан мустақил деб эълон қилинган. Маҳаллий судлар ва жаҳон (мировой) судлари таъсис этилган. Судларда жамоатчилик (присяжный) институтлари жорий этила бошланган. 4. Маърифат соҳасидаги ислохотлар (1863-1864 йиллар). Бу ислохотлар натижасида Россияда университетлар ислохоти ўтказилган, аёлларнинг ўрта таълими ва бошланғич таълими жорий этилган. Александр II ҳукмронлик даврида Туркистоннинг кўп ҳудудлари Россия қўшинлари томонидан босиб олинган, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия вассалига айланган, Сибирнинг кўп қисми забт этилган.

Александр II 1881 йили унга қарши уюштирилган суиқасд натижасида ўлдирилган.

Александрия (Искандария) – Македониялик Александр буйруғига билан Нил дарёси бўйида бунёд этилган шаҳар. Александрия ривожланган савдотик порт шаҳар сифатида машҳур бўлган. Унда илм-фан ривожланган.

Александрия маёғи – Қадим замонда эътироф этилган етти мўъжизаларнинг бири. Македониялик Александр Мисрни забт этгандан кейин Нил дарёсининг дельтасида янги шаҳар бунёд этишни буюрган. Унинг буйруғи бажарилган. Александриянинг энг машҳур обидаси унинг маёк (маяк)и бўлган. У Александрия шаҳри ёнидаги Фарос оролчасида мил. ав. 285-280 йилларда қурилган. Александрия маёғи уч қаватли, минора шаклида қурилган. Александрия маёғининг учинчи қаватида бронзадан ишланган денгиз худоси Посейдоннинг улкан ҳайкали ўрнатилган. Худди шу учинчи қаватда гулхан ёқилган. XIV асрдаги қаттиқ ер қимирлаши натижасида Александрия маёғининг тепа қисми қулаб тушиб, фақат пастки 30 метри сақланиб қолган. Кейинчалик Александрия маёғи батамом вайронага айланган. Ҳозирги кунда маёқнинг пойдеворигина сақланиб қолган холос.

Александрия Эсхата (чекка Александрия) – Македониялик Александр фармони билан Сирдарё бўйида, ҳозирги Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Ўратепа тумани ҳудудида қурдирилган шаҳарнинг номи. Ҳозирги кунда сақланмаган.

Али ибн Абу Толиб – 601-661 йилларда яшаб ўтган тўғри йўлдаги (“Хулафо ар-рошидийн”) тўрт халифалардан бири (656-661 йилларда халифалик қилган). Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиваччалари ва куёвлари.

“Ал-Ихвон ал-муслимун” ташкилоти (“Мусулмон биродарлар”) – 1928 йилда Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Ҳасан Абдурахмон ал-Банно томонидан тузилган тажовузкор диний-сиёсий ташкилот. “Соф ислом динини” ўрнатиш даъвоси билан сиёсий майдонга чиққан ушбу диний ташкилот 1939 йилга келиб халифалик шаклидаги “исломий давлат” қуриш ғоясини тарғиб эта бошлаган. Шундан кейин “биродарлар” “Аллоҳ-мақсадимиз, Пайғамбар-етакчимиз, Қуръон Конституциямиз, жиҳод-буюк орзуимиз” деган шиор асосида фаолият юритиб, ягона “буюк ислом давлати”ни қуришни асосий мақсадлари сифатида эълон қилганлар. 1940 йилда Ҳасан ал-Банно “ал-Ихвон ал муслимун” аъзоларидан асосий вазифаси террорчилик хужумлар уюштириш бўлган “махфий аппарат” тузган. 150 киши атрофида бўлган “махфий аппарат”даги жангарилар бешликларга бўлинган ҳолда махсус тайёргарликдан ўтишган. Ўтган асрнинг 40-чи йилларида ушбу жангарилар томонидан ўтказилган кўплаб операцияларга Германиянинг фашистик ҳукмрон доиралари ҳомийлик қилишган. “Ал-Ихвон ал-муслимун” Буюк Британия ҳукуматидан ҳам маблағлар олиб турган. 1948-1949 йилларда “Ал-Ихвон ал-муслимун” ташкилоти аъзолари Миср ҳукумати Араб-Исроил жангида журъатсизликда айблаб, мамлакатда катор террорчилик ҳаракатларини амалга оширишган. Бунга жавобан Миср ҳукумати “биродарлар”га қарши кураш бошлаган. 1949 йилда Ҳасан ал-Банно ўлдирилган. Шундан кейин “Ал-Ихвон ал-муслимун” ташкилотида тарқоқлик

вужудга келган, ягона ташкилот сифатида ўз фаолиятини тугатган ва бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. 1964 йилда “биродарлар” фаоллари амнистия туфайли озодликка чиққач, яна ҳукуматга қарши фаолиятларини бошлашган. Миср президенти Жамол Абдул Носирга бир неча маротаба суиқасд уюштирганлари учун “Ал-Ихвон ал-муслимун” ташкилоти яна тазйиққа учраган, 1966 йилда Саййид Қутб бошчилигидаги бир гуруҳ “биродарлар” етакчилари қатл қилинган. 1981 йилда Миср давлатининг президенти Анвар Садат “Ал-Ихвон ал-муслимун” ҳаракатининг экстремистик гуруҳи вакили томонидан ўлдирилган ва шундан сўнг уларнинг фаолияти кўп малакатларда ғайриқонуний ҳисобланиб, ман этилган. Шунга қарамасдан, “Ал-Ихвон ал-муслимун” ташкилотининг минтақавий бўлинмалари дунёнинг кўплаб мамлакатларида яширин ҳолатда ўз фаолиятларини давом эттирган.

Алиф – Араб алифбосининг биринчи ҳарфи ва унинг номи.

Алифбо (алифбе) – Бирон-бир тил ҳарфлар тизимининг маълум бир тартибда жойлаштирилган ёзув белгилари, мас., араб алифбеси, лотин алифбеси ва ҳоказо.

Алихонтўра Шокирхўжа ўғли (тахаллуси Соғуний) – 1885-1976 йилларда яшаб ўтган дин ва жамоат арбоби.

Али Қушчи, Алоуддин – 1403-1474 йилларда яшаб ўтган буюк астроном ва географ олим. Самарқандда туғилган. Самарқанддаги Улуғбек илмий мактабининг буюк намояндалардан бири. Али Қушчининг отаси Амир Темур саройида хизмат қилган. Алоуддин ёшлигида саройда қарчиғайлар боққани учун уни “Али Қушчи” деб аташган. Қушчи Самарқанд мадрасаларида илм ўрганган. Машҳур олим Қозизода Румий ҳам унга дарс берган. 1414-1417 йилларда у Эроннинг Кирмон шаҳридаги мадрасаларда таълим олган. Али Қушчи табиий фанлар, айниқса, фалакиёт ва риёзиётни, пухта ўрганган. Самарқандга қайтиб келиб Улуғбек мадрасасида таҳсилни давом эттирган. Али Қушчи Улуғбек расадхонаси қурилишида фаол қатнашган. Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асарини ёзишда Али Қушчининг ҳиссаси катта бўлган. 1438 йилда Улуғбек Али Қушчини Хитой давлатига элчи қилиб юборган. Улуғбек вафотидан кейин Самарқандни тарк этишга мажбур бўлган Али Қушчи Улуғбек кутубхонасини сақлаб қолган деган тахминлар мавжуд. У Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бир неча шаҳарларида яшаб, 1465 йили Туркиянинг Истанбул шаҳрига борган. Ўша вақтдаги Туркия султони Муҳаммад II Али Қушчини сарой хизматида таклиф қилган ва сарой олимларига раҳбар этиб тайинлаган. Али Қушчи риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, мантик, адабиёт, мусиқа ва бошқа фанлар бўйича 20 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг “Улуғбек зижига шарҳ” асари, айниқса, диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда Али Қушчининг кўплаб асарлари Туркиядаги Ас-Сўфиё мадрасаси кутубхонасида сақланмоқда.

Алкмена – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида ярим худо ҳисобланган Гераклнинг онаси.

Аллома – Илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳаларини мукаммал эгаллаган киши, билимдон шахс.

Аллоҳ таоло (Оллоҳ таоло) – Ислом динида олий илоҳий куч, худонинг исми. “Таоло” сўзи “улуғ”, “олий” деган маъноларни англатади. “Аллоҳ”, “Худо”, “Тангри” сўзларига “таоло” сўзини қўшиб айтишади.

Ал-Маъмун – Аббосийлар халифалигининг халифаси (813–833 йиллар).

Ал-Маъмун академияси – *Қар.: Байт ул-ҳикмат.*

Алогизм – Инсонга хос ақл ва мантиқнинг ўрни ва аҳамиятини инкор этадиган фалсафий оқим. Алогизм тарафдорлари табиат ва жамият тараққиёти ҳеч қандай қонуният, тартиб ва заруратга боғлиқ эмас, балки уларнинг негизида тартибсизлик ҳукмрон, деган қарашга таянадилар.

Алп – 1. Ўзбек халқ достонларида ғайритабиий куч-қудратга эга, мардлиги, жасорати, бунёдкорлиги билан ажралиб турувчи, тақдири халқ тақдири билан уйғун оловқалб авлод дарғасининг сифати ва унвони. “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонларида бош қаҳрамон. 2. Ўтмишда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланиши олдидан яккама-якка олишувда иштирок этувчи паҳлавонлар, жангчилар.

“Алпомиш” – Ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони.

Алптакин – 962-1040 йилларда мавжуд бўлган ғазнавийлар давлатининг асосчиси.

Алтмиш – Ўрта асрларда туркий халқларда душман қисмлари жойлашган манзилларни аниқлаш билан шуғулланувчи айғоқчи гуруҳ (разведка).

Алтруизм – Маънавий хоксорлик, фидоийлик, ва инсонпарварлик. Эгоизмга қарама-қарши ахлоқий тамойил бўлиб, шахсий манфаатлардан кечиб, ўзгалар манфаати, бахт саодати йўлида беғараз хизмат қилиш.

Алуфа (Улуфа) – 1. Ҳарбий қўшин ва лашкар ихтиёридаги от-улов аҳолидан тўланадиган натурал солиқ. Жангчиларга бериладиган маош ҳам “алуфа” деб аталган. 2. XVIII асрда Бухоро амирлигида ғозийларни натура ҳамда пул билан тақдирлаш.

Ал-Харти бошчилигидаги қўзғолон – 1888 йилда шарқий Африкада маҳаллий аҳолининг испан мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган қўзғолон.

Альенде, Сальвадор – Чили президенти (1970-1973 йиллар). 1973 йил 11 сентябрда генерал Пиночет томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши жараёнида ўлдирилган.

Альфред (Буюк Альфред) – Инглиз-сакслар қироли (871-900 йиллар). Данияликларга қарши муваффақиятли кураш олиб борган. Унинг ҳукмронлиги даврида инглиз-сакс қироллигининг ҳудуди кенгайтирилган. Альфред илм-маърифатга ҳомийлик қилган. Альфред Англияда “данияликлар пули” деб ном олган солиқни жорий этган. Ушбу солиқдан тушган маблағлар даниялик (скандинавлар)га қарши курашда сарфланган.

Амазонкалар – Қадимги Юнонистон афсоналаридаги жангчи аёллар. Ривоятларга кўра, амазонкалар Кичик Осиёда ва Азов денгизи қирғоқларида яшаганлар ҳамда наслларини сақлаш мақсадида қўшни қабила эркаклари билан бир йилда бир маротаба жинсий алоқада бўлишган. Улардан пайдо бўлган ўғил болаларни оталарига қайтариб, қизларга ўзлари ҳарбий тарбия берганлар. Камон тортганда ҳалакит бермаслиги учун қизларнинг ўнг

кўкракларини куйдиришган. “Амазонкалар” сўзи “кўкраксизлар” деган маънони билдиради.

Амалдор – Амал эгаси, мансабдор шахс.

Амброзия – Қадимги Юнонистон мифологиясида худолар таоми. Нектар-худолар ичимлиги билан биргаликда худоларга мангу ҳаёт ва абадий ёшлик бахш этади деб ҳисобланган.

Аменхотеп IV (Эхнатон) – Қадимги Миср ҳукмдори (мил. ав. 1372–1354 йиллар). У мамлакатда диний ислоҳотлар ўтказишга уринган. Аменхотеп IV ибодатхоналар мол-мулки ва ерларини мусодара этиб, мамлакатда кенг тарқалган Амон худоси ўрнига янги худо – Атон (куёш маъбудаси)ни жорий этишга уринган. Шунинг учун у кейинчалик тарихда Эхнатон (Атонга маъқул) номи билан машҳур бўлган. Янги худо – Атон куёш шаклида тасвирланган. Унинг шуълалари охирида инсон панжалари чизилган бўлган. Аменхотеп IVнинг ўзи Атонга бағишлаб мадҳиялар битган. Мамлакат аҳолиси бошқа худолар, маъбудаларга ҳам сиғинишган бўлса-да, Аменхотеп IV фақат бир худога, яъни Атонга сиғинган. Аменхотеп IV тарихда биринчилардан бўлиб монотеистик дин яратишга уринган ҳукмдорлардан ҳисобланади. Эхнатон IV ўлгандан кейин эски динга содиқ дин арбоблари олдинги мавқеларини тиклаб олганлар. Натижада жамиятда Атон худосининг мавқеи пасайган. Бу жараёнлар Эхнатон IVнинг куёви Тутанхамон ҳукмронлиги даврида содир бўлган.

Америка Қўшма Штатлари-Вьетнам уруши – 1965-1973 йилларда АҚШ ва Вьетнам ўрталарида бўлиб ўтган уруш. 1964 йил август ойида Тонкин бўғозида Шимолий Вьетнам ҳарбий кучлари Америка Қўшма Штатлари кемасига хужум қилишган. Ушбу воқеани баҳона қилиб 1965 йил февраль ойида АҚШ президенти Л.Жонсон Шимолий Вьетнам шаҳарларини бомбардимон қилиш ҳақида буйруқ берган ва АҚШ-Вьетнам уруши бошланиб кетган. Жаҳоннинг сулҳпарвар кучлари бу урушга нисбатан ўз норозиликларини билдиришган. Минглаб АҚШ ҳарбийлари Вьетнам жангида вафот этганлар. АҚШнинг ўзида ҳам бу урушга қарши норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтган. Вьетнам уруши оқибатида АҚШ-собиқ СССР муносабатлари кескинлашган. 1973 йилда АҚШ-Вьетнам уруши АҚШнинг мағлубияти билан яқунланган. 1976 йил 2 июлида Шимолий ва Жанубий Вьетнамнинг бирлашуви амалга оширилган ва Вьетнам Социалистик Республикаси таъсис этилганлиги ҳақида эълон қилинган.

Америка Қўшма Штатлари ва Испания уруши – 1898 йилда Америка Қўшма Штатлари ва Испания ўрталарида бўлиб ўтган уруш. 1898 йил февраль ойида Куба соҳилларининг олдида Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий кемаси портлатилган. Натижада 268 киши ҳалок бўлган, 100 дан ортиқ киши яраланган. АҚШ ҳукмрон доиралари бунда Испанияни айблаб, унга қарши уруш эълон қилган. АҚШ-Испания уруши уч ой давом этган. Бу урушда АҚШ ғолиб чиққан. 1898 йил охирида Парижда АҚШ–Испания уруши яқунлари бўйича конференция бўлиб ўтган. Унинг қарорларига кўра: Пуэрто ва Гуам ороллари АҚШ тасарруфига киритилган; Испания Кубага нисбатан барча даъволаридан воз кечган (яъни, Куба АҚШ таъсир доирасига кирган); 20 млн.

доллар эвазига Испания ўз мустамлакаси ҳисобланган Филиппинни АҚШга топширган.

Америка Қўшма Штатларининг Конституцияси – 1787 йилда Америка Қўшма Штатларининг Таъсис конвент (парламент)и томонидан қабул қилинган. Ўз замонасида Америка Қўшма Штатлари Конституцияси энг демократик Конституция ҳисобланган. Кейинчалик унга 30 тага яқин ўзгартиришлар киритилган.

Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси – 1776 йилнинг 4 июлида Америка Қўшма Штатларининг Филодельфия штатида қабул қилинган. Декларацияда АҚШда ҳокимиятнинг асосини халқ ташкил этади, деб таъкидланган. Бу ҳужжат остида ўша вақтда АҚШда мавжуд бўлган 13 та штат бирлашишган. Америка Қўшма Штатларида 4 июль мустақиллик куни сифатида ҳозиргача байрам қилиб келинади.

Амеша Спанта – Зардуштийлик динида бош Худо-Аҳурамазданинг яқин хизматчилари бўлган еттига худо. Амеша Спанта таркибига Воху Мана (эзгу ўй), Аша Ваҳишта (олий ҳақиқат), Кшатра Вайрья (илоҳий ҳокимият), Спента Армайти (муқаддас итоат), Хаурватат (яхлитлик), Амертат (барҳаётлик), Сраяша (бўйсунуш) ёки Спента-Майнью (муқаддас рух)лар кирази.

Амин, Ҳафизулло – Афғонистон президенти. 1979 йил 25 декабрида собиқ СССРнинг “Альфа” бўлинмаси хизматчилари томонидан ўтказилган махсус операция натижасида ўлдирилган.

Амир – 1. Исломгача бўлган даврда арабларда қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ. 2. Араб халифалиги даврларида қўшин қўмондони, йирик лашкарбоши. 3. Мўғуллар истилосидан сўнг Олтин Ўрда, Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилаларида улус бошлиғи, мас., Амир Темур. 4. Бухородаги манғитлар сулоласи ҳукмдорларининг энг юқори лавозими.

Амири шикор (мири шикор) – Ўрта Осиё хонликларида хонлар, ҳукмдорлар, зодагонлар учун овни ташкиллаштирадиган ва бошқариб борадиган мансабдор шахс.

Амири лашкар – Ўрта Осиё хонликларида йирик ҳарбий ҳаракатлар, юришлар даврида тайинладиган ҳарбий унвон, бош қўмондон.

Амирлик – Амир томонидан бошқариладиган мамлакат.

Амир Музаффар – Бухоро амирлигининг ҳукмдори (1860-1885 йиллар). Амир Насруллонинг ўғли. Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида Англия ва Россиянинг Марказий Осиёда ўз таъсир доираларини кенгайтириш бўйича рақобатлари кескинлашган. 1865 йилнинг июль ойида Амир Музаффар Россия билан муносабатларини яхшилаш мақсадида Нажмиддинхўжа бошлиқ элчиларни Петербургга жўнатган, лекин бу сафорат кўзланган натижани бермаган. 1866 йилнинг май ойида Жиззах билан Ўратепа ўртасида жойлашган Эржар деган жойда Россия ва Бухоро амирлиги қўшинлари ўртасида биринчи тўқнашув бўлиб ўтган. Унда Бухоро амирлиги қўшинлари мағлубиятга учраган. 1868 йилнинг 2-3 июнида Зирабулоқ жангида Россия қўшинлари амирлик қўшинларини яна мағлубиятга учратилган. Ўша йили 23 июнда Самарқандда Бухоро амири Амир Музаффар Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган. Унга кўра Бухоро

амирлиги Россиянинг вассали, яъни тобе давлатига айланган, Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарлари ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми Россия тасарруфига ўтган. Бундан ташқари, Бухоро амири Россия фойдасига жанг товони сифатида 500 минг олтин танга тўлаш, хорижий давлатлар билан мустақил алоқалар ўрнатмаслик, рус савдогарларнинг Бухоро амирлиги ҳудудларида эркин (яъни солиқ тўламасдан) савдо қилишлари ва улар учун махсус карвонсаройлар ҳамда дўконлар очиб бериш ва бошқа мажбуриятларни ўз зимасига олган. Амир Музаффарнинг фаолиятдан норози бўлган унинг катта ўғли Абдумалик (Катта тўра) кўзғолон бошлаган. Амир Музаффар 1885 йилда вафот этган.

Амир Насрулло – Бухоро амирлигининг ҳукмдори (1826-1860 йиллар). Амир Ҳайдарнинг ўғли. Амир Насрулло ҳукмронлигининг биринчи кунларидан бошлаб келажакда тахтга эгалик қилиши мумкин бўлган қариндошларини шафқатсизлик билан қатл эттирган. Шунинг учун халқ унга “Амири қассоб” (“Қассоб амир”) деган ном берган. У Хива ва Қўқон хонлиқларини Бухоро атрофида бирлаштиришга уринган, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида уруғ ва қавм бошлиқлари бўлган кўплаб амалдорларни қуйи табақа вакилларида бўлган ёш ва ғайратли кишилар билан алмаштирган. У 1837 йилда ҳарбий ислоҳот ўтказиб, қўшинларнинг жанговар ҳолатини яхшилаган (ҳар бири 800 кишидан иборат 50та сарбозлар бўлинмалари ва 250 кишилик тўпчилар гуруҳи ташкил қилган, амирликдаги мунтазам пиёда қўшиннинг сонини 40 мингтадан ортиқ кишига етказган). Бухорода кўплаб мадрасалар қурилган. Амир Насрулло 1842 йилда Фарғона уламолари илтимоси билан Қўқон хонлигига ҳарбий юриш амалга ошириб, Қўқон хони Муҳаммад Алихон (Мадалихон), унинг онаси машҳур шоира Нодирабегим ва бошқаларни қатл эттирган. Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда ўз таъсир доираларини кенгайтириш бўйича Англия-Россия рақобатлари кескинлашган. Амир Насрулло 1860 йилда вафот этган.

Амир Тарағай ибн Барқул – Барлос уруғининг оқсоқоли, соҳибқирон Амир Темурнинг отаси.

Амир Темур (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул) – 1336-1405 йилларда яшаб ўтган Мовароуннахрни мўғуллар истибдодидан халос этиб, таназулдан олиб чиққан, ташқи ва ички хавф-хатарларга қарши халқни бирлаштира олган, халқаро муносабатларда энг оқил йўлларни топа олган буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда қудратли давлат бунёдкори, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан жаҳонгир лашкарбоши. “Соҳибқирон”, “Кўрагон” деган фахрли номлар билан ҳам аталган. Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри)га қарашли Хожа Илғор шаҳрида таваллуд топган. Амир Темур Зайниддин Абубакр Тайободий, Шамсиддин Кулол ва Саййид Баракаларни ўзининг пирлари деб билган. 1370 йил апрель ойида Амир Темур Мовароуннахрда ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг қўшинлар тузишга, солиқ тизимини тартибга келтириш, мамлакатни марказлаштириш ва унинг сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берган. Амир Темур-

нинг Жаҳонгир Мирзо (1356-1376 йиллар), Умаршайх Мирзо (1356-1394 йиллар), Шохрух Мирзо (1377-1447 йиллар) исмли ўғиллари ва Оқа Беги хоним (1359-1383 йиллар) ҳамда Султон Бахт бегим (1362-1430 йиллар) исмли қизлари бўлган. Амир Темурнинг 35 йиллик ҳарбий юришлари натижасида буюк салтанат ташкил этилган. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида нафақат мамлакат пойтахти бўлган Самарқандда, балки бошқа йирик шаҳарларда ҳам олим, шоир ва мутафаккирлар тўпланган, уларнинг яшаш ва ижод қилишлари учун шароитлар яратилган. Мамлакатда тарих, астрономия, математика, тасвирий санъат, мусиқа санъати ривожланган. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида мамлакатда улкан сарой, масжид, мадраса, хонақоҳлардан ташқари, ҳаммомлар ва истироҳат боғлари барпо этишга ҳам катта аҳамият берилган. 1405 йил 18 феввалида Хитойга қарши ҳарбий юриш жараёнида Ўтторр шаҳрида касалланиб вафот этган ва Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида пири Саййид Бараканинг оёқлари остида дафн этилган. “Темур тузуклари” деб ном олган асарнинг муаллифи.

Амир Темур салтанати – Амир Темурнинг 35 йиллик ҳарбий юришлари натижасида ташкил этилган буюк давлат. Унинг таркибига Мовароуннахр, Хуросон, Хоразм, Каспий денгизи атрофидаги вилоятлар, Эрон, Туркия, шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор ҳудудлари кирган. Амир Темур салтанати сиёсий жиҳатдан унча кучли бўлмаган. Мамлакатни ўғиллари, набиралари ва яқинларига суюрғол қилиб тақсимлаб берилганлиги Амир Темур вафотидан кейин салбий ҳолатларга олиб келган ва темурийлар орасида ворислик масалалари бўйича низолар бошланган.

Амир ул-мўъминин – Мўминларнинг амири. Халифаларнинг илк ислом даврида қўлланилган унвони. Бу унвонни биринчи бўлиб халифа Умар олган.

Амир ул-умаро – Амирлар амири, энг олий амир. Ўтмишда энг юқори ҳарбий унвонли амалдор. У бош қўмондон ҳисобланиб, бутун ҳарбий ишлар унинг қўлида бўлган.

Амир Шохмурод – Бухоро амирлигининг ҳукмдори (1785-1800 йиллар). 1785 йилда Дониёлбий Оталиқ вафот этгандан кейин унинг ўғли Шохмурод Бухоро тахтига расмий равишда ўтирган аштархоний шахзода Абдулғозийхонни тахтдан ағдариб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилган. Амир Шохмурод ўнта укасининг ҳар бирига вилоятлар ҳокимлигини берган ва амирликда сиёсий тарқоқликни бирмунча заифлаштирган. У тасаввуф ғоялари билан суғорилган “Айн фи-ҳикмат” (“Донишмандлик асослари”) асарини ёзган, ҳанафия мазҳабига доир “Фатавайи аҳли Бухоро” (“Бухоро аҳлига фатволар”) тўпламини тuzган. У халқ ичида “Амири маъсум” (“Беғуноҳ амир”), “Умари соний” (“Иккинчи Умар”), “ғозий” каби унвонларга сазовор бўлган. Амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида пул ислоҳоти ўтказилиб, Бухоро амирлигида соф кумушдан танга зарб этилган, Усмонли турк империяси ва Россияга бир неча маротаба элчилар юборилган, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, хонақоҳ, турли бинолар, сув иншоотлари қурилган. Амир Шохмурод 1800 йилда вафот этган.

Амир Ҳайдар – Бухоро амирлигининг ҳукмдори (1821-1825 йиллар). Амир Шохмуроднинг ўғли. Амир Ҳайдар Бухоро мадрасаларида 10 йил таҳсил олиб, диний илмларни эгаллаб, “Амир ал-мўъминин” унвонига сазовор бўлган. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида манғитларнинг марказий ҳокимиятига қарши Миёнқала халқининг кўзғолони бўлиб ўтган. Амир Ҳайдар айирмачилик кайфиятида бўлган Шаҳрисабз, Самарқанд, Ургут ҳокимларига қарши ҳам жанглар олиб борган, Балх, Бадахшон, Кундуз, Маймана Бухоро амирлиги тасарруфига қайтадан киритган. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида Бухорода илм-фан, хусусан тарих ва диний фанлар ривожланган, Чор Минор ва Халифа Ниёзқул мадрасалари, масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар, Қарши шаҳрида эса Али ва Мир Муҳаммад мадрасалари қурилган. Амир Ҳайдар 1826 йилда вафот этган ва Бухородаги Жўйбор мавзесидаги Эшони Имло қабристонига, отаси Шохмурод ёнида дафн этилган.

Амир Ҳусайн – Балх ҳокими. Амир Темур хотини Улжой Туркон (Сароймулкхоним, Бибихоним)нинг акаси. Чигатой улусининг хони Қазағоннинг невараси. Дастлаб Амир Темур билан бирга мўғулларга қарши курашган. Кейинчалик Амир Темур ва Амир Ҳусайн муносабатлари кескинлашган. 1370 йилда Амир Темур кўшинлари Амир Ҳусайн кўшинларини Балх атрофидаги ҳал қилувчи жангда мағлуб этган. Амир Ҳусайн ўлдирилган. Амир Темур Амир Ҳусайн хотини Сароймулкхонимга уйланиб, “соҳибқирон” лақабини олган.

Амитис – Қадимги Эрон худудида мавжуд бўлган Мидия давлатининг маликаси.

Амлоқдор – Бухоро амирлигида мансабдор шахс. Амир ёки беклар томонидан тайинланган. Амлоқдорга бир нечта қишлоқ (амлоқ) қарам бўлган. Улар ўз ерларини деҳқонларга ижарага бериш, деҳқонлардан солиқ ундириш, юзага келган можароларни ҳал қилиш, гуноҳкорларга жарима солиш каби вазифаларни бажарганлар.

Амлоқ ерлар – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида ер эгалиги шаклларида бири. Амлоқ ерлар амир ва хонларга қарашли бўлган. Улар деҳқонларга фойдаланиш учун ижарага берилган.

Амнистия – Муҳим тарихий сана ёки умуммиллий воқеалар муносабати билан жазога ҳукм қилинганларнинг олий давлат ҳокимияти қарори билан қисман ёки батамом жазодан озод қилиниши.

Амонқулихон – Эрон шоҳи. Нодиршоҳнинг жияни. 1747 йилда Нодиршоҳни ўлдириб, Эрон тахтига ўтирган.

Аморализм – Маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабатда ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-атвор мезонларига эътиборсизлик, уларга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлиш.

Амр ибн Лайс – Хуросонда мавжуд бўлган саффорийлар давлатининг ҳукмдори (879-900 йиллар). Саффорийлар ҳукмдори Ёқуб ибн Лайснинг укаси. Амр ибн Лайс аббосий халифасига ўз вассаллигини билдирган. Бунга жавобан халифа Амр ибн Лайсни Хуросон ва Эрон ноибни эканлиги тўғрисида

ёрлик юборган. 900 йилда Бухоро остонасида Исмоил Сомоний қўшинларига қарши жангда мағлубиятга учраган.

Амри маъруф – 1. Ислом таълимотига кўра, Амри маъруф (яхшиликка буюриш) ҳар бир мусулмон учун ўз фарзандлари ва яқинларини ислом йўлига киритиш мажбурийлиги. 2. Бирон сабаб ёки ният билан ўтказиладиган диний маросим.

Амударё хазинаси – Мил. ав. V-III асрларга оид 200 дан ортиқ олтин ва кумушдан ясалган буюмлар мажмуаси (ҳайкалчалар, идишлар, билакузуклар, тангалар, узуклар, одамлар ва ҳайвонлар расми тасвирланган пулакчалар ва ҳоказо). 1877 йили Амударёнинг Қободиён (жанубий Тожикистон)дан ўтадиган ўнг қирғоғида мавжуд бўлган эски шаҳар харобаларидан топилган. Ҳозирда Амударё хазинаси Буюк Британия музейларида сақланмоқда. Амударё хазинасини “Окс хазинаси” деб ҳам аташади.

Амур – Қадимги Рим мифологиясида севги худоси.

Амфитеатр – Қадимги Юнонистон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатиладиган маҳобатли бино. Энг машҳур амфитеатр мил. ав. 80 йилда Римда қурилган ва у ўз бағрига 50 минг томошабинни сиғдира оладиган Колизей ҳисобланган.

Ан – Месопатамия халқлари тасаввурларига кўра, осмон худоси, худолар отаси, осмон бунёдкори. Шумерда “Ан”, Аккадда “Анум”, “Ану” номлари билан аталган.

Анализ – 1. Объект, ҳодиса, воқеаларни фикран таркибий қисмларга ажратиш ва уларнинг айрим томонларини, хусусиятларини илмий асосда тадқиқ қилиш усули. 2. Ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш.

Анаксимандр – Мил. ав. 611-545 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. Фалеснинг шогирди. Анаксимандр дунёвий борлик газсимон апейрондан иборат, деб таъкидлаган. Унинг фикрича, иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик апейрондан ажралиб чиқиб, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини таъминлайди. Анаксимандр одамлар балиқлардан келиб чиққан деган ғояни ҳам илгари сурган.

Анаксимен – Тахм. мил. ав. 585-525 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. Анаксимен Анаксимандрнинг шогирди ва яқин дўсти бўлган. Анаксименнинг фикрича, борликнинг асоси ҳаво бўлиб, унинг қуюқлашуви ва сийраклашувидан барча нарсалар пайдо бўлади.

Анархизм (ҳокимиятсизлик) – Раҳбар сифатида фақат алоҳида шахснинг хоҳиш-иродасинигина тан олиб, ҳар қандай давлат ва унинг сиёсий-ҳуқуқий тизимини батамом инкор қилувчи ва уни тан олмайдиган сиёсий-ақидавий оқим, ҳокимиятсизлик.

Анархия – Давлатда ёки жамиятни бошқаришда ягона раҳбарнинг, ҳамма учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрларининг йўқлиги, ҳокимиятга даъвогар турли сиёсий кучларнинг ўзаро кураши кучайиши оқибатида юзага келган ҳолат.

Анархо-синдикализм – Халқаро касаба уюшмаси ҳаракатида сиёсий ва ғоявий жиҳатдан анархизм таъсирида бўлган оқим. Ушбу оқим тарафдорлари

синдикатлар (касаба уюшмалари)ни ишчиларнинг бирдан-бир бошқарув ташкилоти бўлиши керак, деб ҳисоблашади.

Анас ибн Молик – 610-712 йилларда яшаб ўтган саҳоба. Муҳаддис.

Анафема – Хринстианликда черков томонидан лаънатланиш. Бирон кишини черковдан ҳайдаш, диндан қайтган деб эълон қилиниши.

Анаҳита – Зардуштийлик динида ободончилик ва фаровонлик маъбудаси. Қадимда деҳқонлар ёғингарчилик ва ҳосилдорликни Анахитанинг мўъжизаси деб ҳисоблашган. Анахитани бир қўлида анор ёки олма ушлаб турган аёл шаклида тасвирлашган.

Анбиё – Набилар, пайғамбарлар.

Анвар пошо (Анварбей) – 1881-1922 йилларда яшаб ўтган Туркиянинг ҳарбий саркардаси ва давлат арбоби. “Иттиҳод ва тараққий” партияси раҳбарларидан бири, “Ёш турклар” инқилобининг фаол қатнашчиси. Анвар пошо Талъат пошо ва Жамол пошо билан бирга Туркияда норасмий учлик ҳокимиятини тузишган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Анвар пошо турк қўшинларига қўмондонлик қилган. Бу урушда Туркия енгилгач, у дастлаб Германия ва Россияга, 1918 йилнинг ноябрь ойида Жамол пошо билан бирга Туркистонга келган. 1921 йилнинг октябрь ойида Бухоро амирлигига келган ва ўлкадаги истиқлолчилик ҳаракатига қўшилган. 1922 йилнинг март ойида Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм ва Шарқий Бухорогача бўлган ҳудудда Анвар пошо бошчилигида истиқлолчи кучларнинг умумий fronti тузилган. Анвар пошо билан Шермуҳаммадбек ва Жунаидхон ўртасида доимий равишда ўзаро алоқалар бўлиб турган. 1922 йилнинг 15 апрелида Бойсун атрофидаги Кофирун қишлоғида бўлган Туркистон кўрбошилариининг қурултойида Анвар пошо истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони ва сиёсий раҳбари этиб сайланган. 1922 йилнинг 4 августида ҳозирги Тожикистон Республикасининг Болжувон маҳалида қизил қўшинларга қарши бўлиб ўтган кичик бир жангда ҳалок бўлган.

Ангишти I – Урарту давлатининг ҳукмдори.

Ангиштихинили – Қадимда Урарту давлатининг ҳукмдори Ангишти I шарафига Аракс дарёсининг чап соҳилида қурилган шаҳарнинг номи.

Англиканлар – Англияда христиан дини протестантизм мазҳаби тарафдорларининг аталиши.

Англия-бурлар уруши – 1899-1902 йилларда Жанубий Африка ҳудудларида Англия билан бурлар ўрталарида бўлиб ўтган уруш. XIX аср охирида бурларнинг иккита республикаси мавжуд бўлган – Трансвааль ва Оранжевая. Бу республикаларда асосан келиб чиқишлари Голландия, Франция ва Германиядан бўлган аҳоли яшашган. Улар маҳаллий қора танли аҳолисини оғир ишларга жалб этишган. Шунинг учун, улар Англия-бурлар урушида бурлар томонида туриб Англияга қарши урушишмаган. Шунга қарамадан уруш бошида бурларнинг қўллари баланд келган. Англиянинг бурларга қарши қўшини 500 минггага етказилгандан кейин, Англия бу урушда ташаббусни ўз қўлига олган. Инглизлар шафқатсиз уруш олиб боришган. Бурларнинг мингдан ортиқ фермалари ёндирилган, кўплаб қорамол ва полизлари нобуд қилинган. Инглиз қўшинлари қўмондонлари буйруғига биноан 100 минглаб

бурлар қамоққа олинган. Уларнинг кўп қисми ташналикдан, очликдан ва касалликлардан вафот этишган. Шу тариқа, Англия бурлар устидан ғалабага эришган. 1902 йилда томонлар имзолаган шартномага мувофиқ, Трансвааль ва Оранжевая республикалари Англия доминионлари, яъни Англияга қарам бўлган ўз-ўзини бошқарадиган ҳудудларга айлантирилган. 1910 йилда Бур республикалари Англия томонидан тузилган Жанубий Африка иттифоқи таркибига киритилган. Кейинчалик 1961 йилда Жанубий Африка Иттифоқи Жанубий Африка Республикасига айлантирилган.

Анда – Қадимги турк-мўғул халқларида тутинган ака-ука. Анда бўлишликни истаган шахслар қон чиқариб, уни бир-бирларига суртганлар ака-ука тутинганлар.

Андалус – Испаниянинг қадимги номи.

Андижон қўзғолони – *Қар.: Дукчи эшон қўзғолони.*

Анжуман – Кенг доирада ўтказиладиган йиғин, йиғилиш, кенгаш, мажлис.

АНЗЮС – Австралия, Янги Зеландия ва Америка Кўшма Штатлари аъзо бўлган ҳарбий блок.

Анимизм – Ибтидоий одамларнинг табиатдаги ҳар бир нарсада жон, рух бор деб ишонишлари ва шу асосда табиат кучлари ва ҳодисаларига сиғинишлари.

Анклав – Бошқа давлат томонидан ҳамма томондан қуршаб олинган ва денгизга чиқиш имконидан маҳрум бўлган мамлакат ёки унинг бир қисми. Агар анклав денгиз қирғоқларига эга бўлса, ярим анклав дейилади. Ҳозирда уч мамлакат тўлиқ анклав ҳисобланади: Ватикан ва Сан-Марино Италия ичида, Лесото эса Жанубий Африка Республикаси ичида жойлашган. Ярим анклав давлатлар: Малайзия, Португалия ва ҳоказолар.

Аннексия – Бирор давлат томонидан бошқа бир давлат ҳудуди зўравонлик билан бутунлай ёки қисман босиб олиниб, ўз давлатининг ҳудудларига киритилиши.

Аннотация – Бирор асар, китоб ёки мақоланинг аҳамияти, мазмуни ҳақидаги қисқача маълумот.

Аноним – Муаллифи кўрсатилмаган асар, хат ёки шикоятнома.

Ансорлар – Муҳаммад Пайғамбар саҳобалари бир табақасининг номи. 622 йили Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмонлар (муҳожирлар)га ва Муҳаммадга ёрдам берган ҳамда ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва ҳазраж қабилаларининг аъзолари. Ансорлар муҳожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил қилган.

Антагонизм – Қарама-қарши томонларнинг келишиб бўлмайдиган зиддияти.

Антанта – 1904-1907 йилларда Буюк Британия, Франция ва Россиянинг Германия, Австро-Венгрия ва Италия иттифоқига қарши шаклланган иттифоқи. 1904 йилнинг 8 апрелида Англия ва Франция ўрталарида битим имзоланган. Бу битим кейинчалик “Антанта” (французча: “тушуниш”, “келишиш”) деб аталган. Антанта битими “Учлик битими” деб ҳам аталади. 1905 йилда Англия ва Франция ўрталарида ҳарбий битим ҳам имзоланган. Шундан кейин Англия ва Франция Антантага Россияни ҳам жалб қилиш учун

ҳаракат бошлаганлар. 1907 йилнинг 31 августида Англия ва Россия ўртасида “Россия ва Англия ўртасида Персия, Афғонистон ва Тибет масалалари бўйича конвенция” (“Конвенция между Россией и Англией по делам Персии, Афганистана и Тибета”) имзолангандан кейин Россия ҳам Антантага қўшилган. Европа тарихида бошқа бир нечта ҳарбий блоklar ҳам Антанта номи билан аталган.

Антиквариат – Маълум бир қимматга эга бўлган турли-туман қадимий нарса-буюмлар. Антиквар буюмлар қаторига кўпроқ кўҳна ва ноёб санъат асарлари, мебель, антиквар китоблар, расмлар ва ҳоказоларни киритадилар.

Антикоммунизм – Коммунистик ҳаракат ва коммунизм ғояларига қарши қаратилган таълимот.

Антик (қадимги) дунё тарихи – Қадим замонлардан милодий V асргача бўлган давр тарихи.

Антиқа – 1. Қадимий. 2. Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажойиб, ғалати.

Антимилитаризм – Милитаризм сиёсатига, уруш ва қуролланишга, янги уруш оловини ёқувчиларга қарши қаратилган халқаро ҳаракат.

Антиох I Сотер – Салавкийлар сулоласининг машҳур ҳукмдори (мил. ав. 280-261 йиллар). Отаси салавкийлар сулоласи ҳукмронлигига асос солган Селевк I, онаси эса суғд қаҳрамони Спитаменнинг қизи бўлган.

Антиохия князлиги – Салибчилар томонидан Яқин Шарқда тузилган давлат тузилмаси. Қуддус қиролиги вассали бўлган.

Антипапа – Католик черкови томонидан тан олинмаган Рим папалари.

Антисемитизм – Яҳудийларга нисбатан душманлик, ирқий шовинизм шаклларида бири. Тарихда антисемитизм турли шаклларда – яҳудийларга қарши атайин ёлғон, тухмат тарқатиш, ҳар хил камситишлардан тортиб то оммавий равишда аҳолини кўчириб юбориш ва қирғин қилиш, геноцидгача намоён бўлган.

Антисфен – Мил. ав. 444-366 йилларда яшаб ўтган эллинизм даврида Юнонистонда вужудга келган киниклар фалсафий оқимининг асосчиси. Антисфен Сукротнинг шогирди бўлган. У қуллар ва қашшоқларга хос либослар кийиб юриб, киник фалсафий мактабининг бошқалардан фарқ қилишини кўрсатишга ҳаракат қилган. Антисфен ўзини “зотсиз кўппак” деб атаган. Ундан энг зарур илм қайси эканлиги хусусида сўраганларида “илмнинг энг зарури кераксиз нарсаларни унутиш илмидир”, деб жавоб берган экан. *Яна қар.: Киниклар оқими.*

Антифашист – Фашизм душмани, фашизмга қарши курашувчи.

Антология – *Қар.: Тазкира.*

Антоний, Марк – Мил. ав. 83-30 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим саркардаси ва давлат арбоби. *Яна қар.: Римдаги иккинчи учлик ҳокимияти.*

Антропогенез – 1. Антропологиянинг инсоннинг ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқиш жараёни, унинг келиб чиқиши, жисмоний ҳамда маънавий ривожланиш жараёнларини ўрганадиган бўлими. 2. Инсоният келиб чиқиш ва ривожланиш жараёни.

Антрополог – Антропология олими.

Антропология – Инсон табиат ва жамиятнинг энг олий қадриятидир, деган қарашга асосланган ғоя.

Антропология – Одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, турли ирқларнинг тузилиш белгилари (бош суяги, бўйи, териси, сочининг ранги ва хоказолар), одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ-тафовут, ўзгарувчанлигини ҳар томонлама ўрганадиган фан.

Антропоморфизм – Инсонга ўхшашлик, тирик бўлмаган табиатнинг ҳодиса ва предметларига инсоний хусусиятлар бериш, худо ёки худоларни инсоний қиёфада тасаввур этиш.

Антропоцентризм – Инсон борлиқ моҳиятининг асоси эканлигини таъкидлайдиган фалсафий ғоя.

Анубис – Қадимги мисрликларнинг ўлим худоси. Қора шоқол, ит ёки шоқол бошли инсон қиёфасида тасвирланган.

Анушахон – Хива хонлигининг хони (1663-1686 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида ҳозирги Қорақалпоғистон худудида мавжуд бўлган Султон Вайс ва Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари таъмирланган. Анушахон Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мажмуасида дафн этилган.

Ануширвон (Нўширавон) – Сосонийлар давлатининг шоҳаншоҳи (1663-1686 йиллар). Адолатпарвар, маърифатпарвар шоҳ сифатида тарихда ном қолдирган. Ануширвон Шарқ халқлари орасида адолат тимсолига айланган. Унинг ҳукмронлиги даврида маздакийлар ҳаракатига барҳам берилган, солиқлар қатъий равишда бир йилда бир маротаба, аввалдан белгиланган миқдор ва муддатларда олинадиган бўлган, ҳинд халқининг эпоси ҳисобланган “Калила ва Димна”, арабларнинг машҳур китоби “Минг бир кеча” ва бошқалар паҳлавий тилига таржима қилинган, йилномалар ёзиш одат тусига кирган, мамлакатда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар обод бўлган, эски қадриятлар тикланган, ўзаро урушларга барҳам берилган. Шарқ тарихий манбалари ва дostonларида Ануширвон ҳақида маълумотлар келтирилган.

Анхра-Манйу (Ахриман) – Зардуштийлик динида барча ёвузликлар: зулмат, қурғоқчилик, очлик, совуқ, захарли жониворларни яратувчи ва бошқарувчи худо. Анхра-Манйу доимо Ахурамазда худоси билан курашган.

Аншлюс – Биринчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг Австрияни ўзига қўшиб олишдан иборат бўлган зўравонлик сиёсати. Аншлюс 1938 йилнинг 11-12 мартда фашистлар Германиясининг Австрияни босиб олиши билан яқунланган. Кейинчалик Иккинчи жаҳон урушидан кейин Австрия ўз мустақиллигини қайта тиклаган.

Анъана – Қадим замонлардан авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб, давом этиб келган урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари, қараш ва хоказолар.

Анқара жанги – Амир Темурнинг Туркия ҳукмдори, жаҳоннинг ўша вақтдаги буюк саркардалардан бири бўлган Султон Боязид I Йилдирим билан Анқара шаҳри атрофида 1402 йилдаги уруши. Бу урушда Амир Темур ажойиб ғалабани қўлга киритган. Анқара жангидан кейин Яқин Шарқдаги ҳукмдорлар Амир Темурга жангсиз таслим бўлишган, Миср ҳукмдори ҳам унга ўз итоаткорлигини изҳор этган.

Анко – Афсонавий қуш. Қадимги Шарқ халқлари афсона, эртақ ва дostonларида бош қахрамонга ҳомий. У инсонлар кўзига кўринмайдиган, қаноти, пати олтин, кумушдан деб таърифланади. Шарқ халқлари орасида анко бахт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса, ўша бахтли бўлади деган фикр мавжуд. Такчил, камёб нарсалар ҳақидаги “анқонинг уруғи” деган ибора шундан олинган. Ривоят, эртақларда анко Семурғ, Хумога ҳам ўхшатилади.

Апаоша – Зардуштийлик динида қурғоқчилик иблиси. Меҳрибон ёмғир яратувчиси Тиштрйанинг душмани.

Апартеид – Ирқий камситишнинг энг жирканч кўриниши. Жанубий Африка Республикасида ҳукмрон бўлган оқ танлиларнинг қора танлилар ва ҳиндуларга қарши қаратилган давлат сиёсати. “Апартеид” сўзи африкаанс тилида “алоҳида-алоҳида яшаш” маъносини англатади. Апартеид сиёсатининг қўлланиши натижасида Жанубий Африканинг аҳолиси ирқий аломатларига қараб уч қисмга: 1. оқ танлилар; 2. қора танлилар, яъни туб африкаликлар; 3. индейслар ва дурагайларга бўлиб бошқарилган. Мамлакатнинг 74 фоиз аҳолисини ташкил этадиган қора танлилар учун сохта давлатлар-бандустанлар тузилган, улар ўз ерларидан ҳайдаб чиқарилиб, ўша бандустанларда яшашга мажбур этилган. Қора танлилар сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқлардан маҳрум бўлишган, улар оқ танлилар яшовчи шаҳарларда истиқомат қилишлари ман этилган. Жанубий Африка маҳаллий халқларининг апартеид сиёсатига қарши курашлари XVII асрлардаёқ бошланган. 1912 йилда мустамлакачиларнинг апартеид сиёсатига қарши курашиш учун Африка Миллий Конгресси тузилган. 1994 йили Жанубий Африка Республикасида апартеид сиёсатига барҳам берилган.

Апатия – Инсондаги эмоционал пассивлик, бефарқлик, ҳиссий лоқайдлик каби кайфиятлар.

Апелла – Қадимги Юнонистоннинг Спарта полисида халқ мажлиси. Унда 30 ёшга тўлган тўла ҳуқуқли эркак фуқаролар қатнаша олган. Апелла ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланса-да, герусия ва шоҳ томонидан зарарли деб топилган қарорлари бекор қилинган. Апелла турли масалаларни кўриб чиққан, лекин унинг қарорлари бажарилиши мажбурий бўлмаган. Апелланинг мажлислари ҳар ойда очик жойда ўтказилган. Унинг иштирокчилари ҳайқириклар билан овоз беришган. Аристотель мазкур овоз бериш йўлини танқид қилиб, уни “боларларча овоз бериш” деб атаган.

Апис – Қадимги Миср мифологиясида ҳосилдорлик худоси.

Апокалипсис – Христиан дини талқини бўйича охир замон. “Инжил” китобидан олинган сўз.

Аполитизм – Ҳар қандай сиёсий мунозара ва курашларни инкор этиш, сиёсатсизлик.

Аполлон – Юнон мифологияси бўйича Зевснинг ўғли. Худо-шифокор ва башоратчи, санъатнинг ҳомийси. Аполлон камон ёки кифара (муסיқа асбоби) ушлаб турган чиройли ўсмир сифатида тасвирланган.

Апостоллар – Христиан динини фаол тарғиб этган Иисус Христоснинг энг яқинлари. Апостоллар ҳали руҳонийлар пайдо бўлмаган даврларда жамоадан-жамоага кўчиб тарғибот юритиб, христиан динининг ёйилишида асосий роль

ўйнаганлар. Кейинчалик епископлар пайдо бўлгач, апостолларга хожат қолмаган. *Яна қар. Ҳаворийлар.*

Араб Давлатлари Лигаси – Араб мамлакатларининг минтақавий халқаро ташкилоти. 1945 йил 22 мартда тузилган. Унинг Низоми 1945 йил 10 майда кучга кирган. Араб Давлатлари Лигасига 20 ортиқ араб давлатлари ҳамда Фаластин мухторияти аъзо. Унинг асосий мақсадлари: сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда Лига аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни ташкил этиш; аъзо давлатлар мустақиллигини таъминлаш; аъзо давлатларнинг манфаатларига тегишли бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш; аъзо давлатларга қарши агрессияларни бартараф этиш чора- тадбирларни кўриб чиқиш ва хоказо. Араб Давлатлари Лигасининг олий органи Кенгаш бўлиб, у беш йил муддатда Лиганинг Бош котибини сайлайди. Араб Давлатлари Лигасининг штаб-квартираси Қоҳира (Миср)да жойлашган.

Араб-Исроил урушлари – 1947 йил 29 ноябрда Англиянинг таклифи билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Фаластин ерларини фалас-тин ва яҳудий қисмларга бўлиш бўйича қарор қабул қилган. 1948 йил 14 майда эса сионистлар йўлбошчиси Бен Гурион мустақил Исроил давлати таъсис этилганлиги ҳақида эълон қилган. Бу Исроил-араб мамлакатларининг 1948-1949 йиллардаги урушига сабаб бўлган. Беш араб давлатлари (Сурия, Ливан, Ироқ, Миср ва Иордания) янги тузилган Исроилга қарши урушиб мағлубиятга учрашган. Миср, Сурия, Ливан ва Иордания бу урушда ўз мағлубиятларини ҳамда Исроил давлати мавжудлигини тан олишган. Фақат бу урушда қатнашган Ироқ Исроил давлатини тан олмаган. 1956 йилда Мисрга қарши Англия-Франция-Исроил тажовузи бошланган. Бу урушда собиқ Совет Иттифоқининг ҳарбий ёрдамига таянган Миср давлати ғолиб чиққан. Мисрда Англия ва Франциянинг барча мулклари миллийлаштирилган. Араб мамлакатларида собиқ СССР билан яқинлашаш кайфиятлари бошланган. 1964 йилда Ливан ҳудудида Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ташкил этилган (узоқ йиллар унинг йўлбошчиси Ёсир Арофат бўлган). 1967 йилнинг 5-10 июнида Исроил кўшинлари араб мамлакатларига хужум бошлаган ва ғалабага эришган. Бу уруш тарихда “олти кунлик уруш” деб ном олган. 1973 йилнинг 6-23 октябрида навбатдаги Исроил-араб уруши бўлиб ўтган. Унда собиқ Совет Иттифоқи ёрдами билан ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан кучайган Миср ва Сурия Исроилга хужум қилишган. Бу жангда Исроил араблардан биринчи маротаба мағлуб бўлган.

Араб Муҳаммадхон – Хива хонлигининг ҳукмдори (1602-1621 йиллар). Унинг ҳукмронлик даврида мамлакатда ички низо ва курашлар авж олган. 1602 ва 1603 йилларда рус казаклари, 1620 ва 1621 йилларда эса қозоқлар ва қалмоқлар Хива хонлигига талончилик юришларини амалга оширишган. Хонликда дарвеш шайхларнинг мавқеи ошган. Араб Муҳаммаднинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс дарвеш шайхларнинг таъсирига тушиб, оталарига қарши кураш бошлаганлар. Бу курашда Араб Муҳаммадхон мағлуб бўлган. У зиндонга ташланган ва 1621 йилда қатл этилган. Араб Муҳаммад хукмронлик даврида Хива шаҳрида Араб Муҳаммадхон мадрасаси қурилган.

Аракчеев – Александр I ҳукмронлиги даврида Россиянинг ҳарбий департаменти бошлиғи. Генерал.

Аракчеевчилик – Россиянинг ҳарбий департаменти бошлиғи, генерал Аракчеев маслаҳати билан XIX аср бошида император Александр I томонидан мамлакатда ҳарбий кишлоқлар тузиш баҳонасида амалга оширилган сиёсат. Асосан деҳқонларга қарши қаратилган зўравонликка, зулм ва ўзбошимчаликка асосланган.

Арарат подшолиги – *Қар.: Урарту давлати.*

Арасту – *Қар.: Аристотель.*

Арафа – 1. Ислом динида Рамазон ва Қурбон ҳайитлардан олдинги кун. 2. Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун.

Арафот – Макка яқинидаги водий.

Арбоб – 1. Бухоро амирлигида маҳалла бошлиғи, оқсоқол, кишлоқ мироблари бошлиғи. 2. Ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги фаолияти билан халққа танилган, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган киши.

Арбобона – Ўтмишда кишлоқ оқсоқоллари фойдасига йиғиладиган солиқ.

Аргишти I – Мил. ав. IX-VI асрларда Оссурия шимолида, ҳозирги Туркия ва Арманистон ҳудудларида мавжуд бўлган Урарту давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 786-764 йиллар). Унинг ҳукмдорлиги даврида Урарту давлати энг юксак ривожланиш чўққисига етган. Аргишти I Аракс дарёсининг чап соҳилида мустаҳкам истехкомга эга янги шаҳар қурдирган. Бу шаҳар Аргишти шарафига “Аргиштихинили” деб номланган.

Аргумент – Яққол исбот, аниқ фикр, даъво ва шу кабиларни исботлаш учун асос, далил. Асос сифатида фикрнинг тўғрилиги ёки нотўғрилигини исботлаш учун қўлланиладиган мантиқий далил.

Ардашир I, Папакон – 226-651 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқда мавжуд бўлган Сосонийлар давлатининг асосчиси. Отасининг исми Папак бўлган. Папак эса сосонийлар сулоласи бобокалони Сосоннинг ўғли бўлган. Дастлаб Ардашир Парфия подшоси Артабон V хизматида бўлган. 200 йилда Форс вилоятидаги Дарабгира қалъасининг ҳокими бўлган. 224 йилда зодагон ва руҳонийлар ёрдамига таяниб Ормиздагон текислигида парфияликларга қарши урушган ва ғалаба қозонган. Бу урушдан кейин Парфия подшолиги тугатилган. 226 йилда Ардашир I ўзини шоҳ деб эълон қилган. Шундан сўнгра Ардашир I Римга тааллуқли бўлган Арманистон ва Месопотамияни ўз тасарруфига туширган ва Сосонийлар давлати ҳудудларини кенгайтирган.

Арена – Қадимги Рим томошахоналарининг амфитеатр ўртсидаги кум сепилган айлана майдони. Спорт ўйинлари, гладиаторлар уруши, ўлимга маҳкум этилганларнинг ёввойи ҳайвонлар билан жанг томошаси учун мўлжалланган.

Ареопаг – Қадимги Афинада давлат органи. Ареопаг оқсоқоллар уюшмаси бўлиб, суд ва диний ишлар устидан назорат қилиб турган. Унинг аъзолари умрбод сайланган (9 киши).

Арес – Қадимги Юнонистонда уруш худоси. Жангарилик, ёввойилик ва золимлик ифодачиси.

Аржуманд – Азиз, қадрли, иззатли, ҳурматли, мўътабар.

Аржуманд Бону – Бобурийлар ҳукмдори Шер Жаҳоннинг суюкли хотини Мумтоз Маҳалнинг асл исми. *Яна қар.: Тож Маҳал мақбараси.*

Арзбеги – Амир Темур салтанатида арз-дод, шикоят билан келганларни қабул қилишни уюштириш, тушган ариза, шикоят, таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъул мансабдор шахс.

Арзхона (Арзҳовли) – Ўтмишда хонга арз (шикоят)га келган кишилар қабул қилинадиган махсус жой.

Аристократ – *Қар.: Оқсуяк.*

Аристократия – Давлат ҳокимиятида мавжуд бўлган имтиёзли иқтисодий ҳукмрон табақа, зодагонлар, аслзодалар, оқсуяклар.

Аристоник – Қадимда Кичик Осиё ҳудудида мавжуд бўлган Пергам шоҳлигининг ҳукмдори. Аттила III нинг қариндоши.

Аристотель (Арасту) – Мил. ав. 384-322 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистоннинг файласуфи ва қомусий олими. Шарқда “Арасту” номи билан машҳур бўлган. Аристотель Македониянинг бўлғуси ҳукмдори Филипп II билан бирга катта бўлган. У 17 ёшидан 37 ёшигача Платон академиясида таҳсил олган. Аристотель македониялик Александрга мураббийлик қилган. Александр ўлгандан кейин Аристотель худосизликда айбланиб, таъқиб қилинган. У Эвбея оролининг Халкида шаҳрига қочишга мажбур бўлган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Аристотель ижоди ўз замонидаги деярли барча билим соҳаларини қамраб олган. Аристотель мантиқ, эстетика фанларининг асосчиси ҳисобланади. Шунингдек, у тарбия ва сиёсат назарияси, иқтисодиёт соҳаларида ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Унинг асарлари Шарқ мутафаккирлари ижодига ҳам чуқур из қолдирган. Абу Наср Форобий Аристотелнинг бир қатор асарларига илмий шарҳлар ёзиб “Шарқ Арастуси” ёки “Иккинчи муаллим” деган унвонга сазовор бўлган. Ибн Сино Аристотель ва Форобий ғояларини янада ривожлантиргани учун “Учинчи муаллим” деб аталган.

Аристофан – Тахм. мил. ав. 445-385 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон шоири.

Ариқбуко – Чингизхон давлатининг улуғ қоони Мункэнинг укаси. Мункэ вафотидан кейин у Хубилай билан тахт учун курашган.

Арк – Ўрта Осиё шаҳарларининг подшолар, хонлар, амирлар, уларнинг сарой амалдорлари уйлари, ҳукумат идоралари, девонхона, танга зарб этадиган зарбхоналар жойлашган ички қисми.

Аркон – Улуғ мартаба эгалари, катта амалдорлар.

Армада – Испания ва Португалияда йирик ҳарбий денгиз кучлари. Испан тилида “енгилмас армия” маъносини англатади.

Армия – 1. Давлатнинг барча қуролли кучлари йиғиндиси. 2. Турли хил қўшинлардан тузилган оператив қўшилма.

Армуғон – Совға, тортиқ, туҳфа.

Аррода – *Қар.: Манжаниқ.*

Арсенал – Қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий денгиз қўшинлари қурол-яроғларини ясайдиган, тузатадиган ва сақлайдиган жой. Мовароуннаҳрда қурол-яроғ сақланадиган жой “жевахона” деб аталган.

Арслонхон – Қорахонийлар давлати ҳукмдорларига бериладиган унвон.

Артабон V – Парфия шоҳи (209-224 йиллар).

Артемида – Қадимги Юнонистон халқлари ривоятларига кўра, Аполлоннинг эгизак опаси. У ер юзида яшайдиган барча жонзотлар, ўт-ўланлар ривожланишига ғамхўрлик қилган, оилада болалар туғилишини қўллаб-қувватлаган. Артемида бошида ўқ-ёй, баъзан яримой ҳолатида тасвирланган. Рим афсоналаридаги Диана тимсолига мос келади.

Артемида ибодатхонаси – Қадимги даврда “етти мўъжиза” сифатида эътироф этилган иншоотлардан бири. Эфес Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида мавжуд қадимий шаҳар бўлган. Артемида худоси эса Эфеснинг ҳомийси, ҳимоячиси сифатида эъзозланган. Қадимги юнонликлар Артемида худосини ов кийимида, елкасига ўқдон осиб, кийик етаклаб келаётган гўзал қиз қиёфасида талқин этишган. Қадимги Юнонистон календар (таквим)ида Артемисион деган ой бўлган ва бу ой эфесликларда байрам оyi ҳисобланган. Эфесликлар Артемида шарафига улкан ибодатхона бунёд этишган. Ушбу ибодатхонада катта диний маросимлар ўтказилган. Юнон тарихчиларининг маълумотлари бўйича Артемида ибодатхонаси 120 йил деганда қурилиб, мил. ав. 550 йилда битказилган. Ибодатхонанинг катта залида Артемиданинг 15 метрлик ҳайкали ўрнатилган бўлган. Эфес шаҳрининг оддий фуқароси шуҳратпараст Герострат ўз номини тарихда абадийлаштириш мақсадида мил. ав. 356 йилда Артемида ибодатхонасига ўт қўйган. Кейинчалик ибодатхона таъмирланган, лекин милодий 263 йили Эфесга герман қабилаларидан бўлган готлар ҳужум қилишган ва Артемида ибодатхонасини вайронага айлантиришган. Милодий 358 ва 365 йилда бўлиб ўтган zilзилалардан ҳам Артемида ибодатхонаси катта зарар кўрган. XX аср бошларида инглиз олимлари ҳозирги Туркиянинг Измир шаҳридан 50 км. жанубда Артемида ибодатхонаси қолдиқларини топишга муваффақ бўлишган.

Артемизия II – Қадимги Галикарнас шаҳри ҳукмдори Мавсоланинг хотини.

Архаизм – Эскириб, истеъмолдан чиқиб қолган сўз ёки ибора, қоида, талаб, тамойил ва бошқалар.

Археография – Ёрдамчи тарих фани. Қўлёзма манбаларни қайта ишлаш усуллари ва уларни нашрга тайёрлаш билан шуғулланадиган фан.

Археолог – Археология олими, мутахассиси.

Археология – Ёрдамчи тарих фани. Қазилмалар натижасида топилган ёдгорликларни ўрганиш асосида кишилиқ жамиятининг тарихий ўтмишини, ҳаёти ва маданиятини ўрганадиган фан, қадимшунослик. Меҳнат қуруллари, уй-рўзғор буюмлари, қурул-яроғлар, зеб-зийнатлар, уй-жой, устахоналар, мудофаа ва ирригация иншоотларининг қолдиқлари ҳамда ўтмишга оид турли топилмалар археологиянинг манбалари ҳисобланади.

Архив – 1. Эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, таснифлаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса, мас., Давлат архиви. 2. Бирор бир муассасанинг эски ҳужжатлар, амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар ва шу қабила сақланадиган бўлими, мас.,

институт архиви. 3. Бирор шахснинг ҳаёти ва иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, кўлёмалар, фотосуратлар ва шу қабилар йиғиндиси, мажмуи.

Архившунос – Архив ишлари бўйича мутахассис олим.

Архимандрит – Православ черковида олий монахлик лавозимларидан бири.

Архипелаг – Денгизда бир-бирига яқин жойлашган бир нечта ороллар, ороллар тизмаси.

Архонт – 1. Қадимги Юнонистонда олий мансабдор шахс. 2. Византияда провинциялар раҳбарлари, ҳарбий саркардалар, ниҳоятда бадавлат кишилар.

Арш (Арши аъло) – 1. Ислом таълимотига кўра, Аллоҳнинг осмондаги еттинчи қаватида жойлашган оёқлари бор тахти бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. 2. Осмон, фалак.

Аршакийлар – Мил. ав. 250 йилдан милодий 224 йилларгача Парфия давлатида ҳукмронлик қилган сулола. Ушбу сулолага Аршак асос солган. Аршакийлар давлатига ҳозирги шарқий Эрон ва ғарбий Туркманистон ерлари кирган. Ушбу давлатнинг илк пойтахти ҳозирги Ашхобод шаҳри яқинида мавжуд бўлган Нисо шаҳри бўлган.

Арьергард – Европа давлатлари армияларида ҳарбий юриш, ҳужум ёки чекиниш вақтида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларнинг шу томондан хавфсизлигини таъминловчи аскарий қўшилма, қисм ёки бўлинма. Туркий халқлар ҳарбий кўшинида “соқа” деб юритилган.

Арғадал – Қадимги туркий халқларда, кейинчалик Амир Темур ва теурийлар даврида душманга қўққисдан зарба бариш мақсадида аскарлар беркинадиган жой, пистирма.

Асархаддон – Месопотамияда мавжуд бўлган Оссурия давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 681-669 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Оссурия давлати ўзининг юксак ривожланиш чўққисига чиқиб, унинг ҳудудлари Нил воҳаси, Ўрта ер денгизнинг шарқ соҳилларигача етган.

АСЕАН – *Қар.: Жанубий- шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси.*

Асир – Уруш вақтида душман кўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган киши.

Асирий, Тошхўжа - 1864-1915 йилларда яшаб ўтган шоир.

Аскар – Давлат ва мамлакат муҳофазаси ёки ҳарбий юришларда иштирок этувчи ҳарбий хизматчи, курулли жангчи.

Аскетизм – *Қар.: Зоҳидлик.*

Асклепий – Қадимги Юнонистон афсоналарида табобат худоси, Аполлон ўғли. Асклепий қадимдан табиблар ва дори-дармон тайёрловчиларнинг ҳомийси ҳисобланган.

Асмо (Асмои ҳусна) – Исmlар. Аллоҳ таолонинг гўзал исmlари ҳақидаги илм бўлиб, бу исmlарнинг жами 99 та. У “Асмои ҳусна” (“Гўзал исmlар”) деб ҳам аталади.

Асорат – Озодликдан, мустақилликдан маҳрумлик, асирлик.

Асосий қонун – *Қар.: Конституция.*

Асотир – 1. Ибтидоий давр кишилари томонидан коинот, табиат ҳодисаларининг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш

мақсадида яратилган оғзаки ҳикоялар. 2. Миф, афсона, ривоятларни ўрганувчи фан соҳаси.

Аспарух – Шарқий Европада 681-1018 йилларда мавжуд бўлган Биринчи Булғор шоҳлигининг асосчиси. Аспарух туркийзабон булғор қабилалари иттифоқи йўлбошчиси Қубратхон (Қоротхон)нинг учинчи ўғли бўлган. Аспарух 701 йилда вафот этган.

Асп – 1. Юз йил. 2. Қуёш ботишига яқин вақт.

Ассамблея – Халқаро жамиятлар ёки бир нечта давлат вакилларининг дипломатик ва бошқа характердаги ялпи мажлиси.

Ассигнатлар – Буюк француз инқилоби даврида қоғоз пуллар; 1789- 1797 йилларда муомалада бўлган.

Ассигнациялар – Россияда 1769 йилдан 1849 йил 1 январгача чиқарилган қоғоз пуллар.

Ассимиляция – Бир халқнинг иккинчи бир халқ урф-одатларини, маданияти ва тилини ўзлаштириши натижасида унга аралашиб, қўшилиб (бир бўлиб) кетиши. Баъзи мамлакатларда миллатчилик шароитида мажбурий ассимиляция ўтказилиши мумкин.

Ассоциация – Бирор бир соҳа кишиларининг ёки шу соҳага оид муассасаларнинг бирор бир умумий сиёсий, маданий ёки хўжалик мақсадларига эришиш учун тузилган иттифоқи, уюшмаси, мас., халқаро юристлар ассоциацияси.

Астор, Нэнси – 1879-1964 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия сиёсатчиси, биринчи аёл парламент аъзоси.

Астрал эътиқодлар – Осмон ёритгичлари ва ходисаларига ҳамда у билан боғлиқ сеҳргарлик хатти-ҳаракатларига сиғиниш. Астрал эътиқодлар муайян даражада барча халқларда бўлган. Юлдузлар вазиятига қараб бу билан даврий боғлиқликка эга бўлган дарёларда сув тошқини бўлишини олдиндан айтганлар. Астрал эътиқодлар асосида астрология, фолбинлик ва каромат қилиш вужудга келган.

Астрология – Юлдузлар илми, юлдузларнинг жойлашишига қараб одамларнинг тақдирини, ердаги воқеаларни олдиндан айтиб бериш, фол очиш билан шуғулланадиган сохта фан.

Астрономия – Осмон жисмлари (юлдузлар, комета ва бошқалар) ва коинотнинг тузилиши, ўзгариши ва ҳаракатларини ўрганадиган фан, фалакиёт.

Асхоб – Дўстлар, суҳбатдошлар.

Асфандиёрхон – Хива хонлигининг ҳукмдори (1623-1643 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Орол денгизи бўйидаги ўзбек қўнғиротлари марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйишган, туркманларнинг хонлик сиёсий ҳаётидаги таъсири кучайиб борган, XVII асрнинг 30-40-йилларида Бухоро ва Россия савдо карвонларига зарар етказётган қалмоқларга қарши кураш олиб борилган, Ҳабаш Султон ва Элбарсга Хива тахтини эгаллашга ёрдам берган уйғур ва найман қабилаларининг чорва моллари тортиб олинган, уларга қарши қирғин уюштирилган. Асфандиёр ҳукмронлик даврида мамлакатда тарқоқлик ва зулм кучайган. Бундан фойдаланиб мамлакатдаги йирик мулкдор ва

зодагонлар 1643 йилда ўз вакиллари бўлган Абулғозий Баҳодирхон (Асфандиёрнинг укаси)ни хон деб кўтаришган. Ўша йили Асфандиёрхон вафот этган.

Асьенто – Испан монархияси томонидан 1543-1834 йилларда Испания мустамлакаларига Африкадан қора танли қулларни келтириш учун алоҳида шахслар ёки компанияларга берилган монополь ҳуқуқ. Асьенто учун португаллар, голландлар, кейинчалик француз ва инглизлар рақобат курашига киришган.

Ата (Ате) – Қадимги Юнонистонда ақл-идрок хиралашуви худоси, Зевснинг қизи.

Атаман – Куролланган казаклар отряди бошлиғи. Халқ кўзғолони бошлиқлари ҳам атаман деб аталган (мас., Степан Разин ва бошқалар). Дон казакларида кўшин атамани, станица атамани, қароргоҳ атамани, поход атамани бўлган. 1917 йилда атаман унвони бекор қилинган.

Атаргитис – Ўтмишда сурияликларнинг ҳосилдорлик ва тинчлик худоси. Афродитага тенглаштирилган.

Атеизм – Худони инкор этиш, даҳрийлик. Диний ва атеистик дунёқарашлар бир-бирига зид бўлиб, бунинг замирида идеалистик ва материалистик фалсафий йўналишлар ўртасидаги кураш ётади. Бу кураш узок тарихга эга.

Атеист – Даҳрий, худосиз.

Атка – Темурийлар даврида амирзодаларга илм-фан, ҳарбий санъат, одоб-ахлоқнинг нозик жиҳатларидан тарбия берувчи мансабдор шахс.

Атлантида – Гибралтар бўғози яқинида мавжуд бўлган афсонавий, сирли орол. Тахминларга қараганда Атлантида Атлантика океанининг Европага туташ қирғоқларида жойлашган. Юнон файласуфи Платоннинг фикрича, Атлантида 12 минг йил олдин бир кеча-кундуз ичида денгиз қаърига чўкиб кетган.

Ато – Худонинг лутфу марҳамати, инояти, тухфаси, саховати.

Атоий – XV-асрда яшаб ўтган лирик шоир. Самарқанд, Бухоро ва Балхда яшаган. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, Атоий Улуғбек саройи шоирлари орасида ҳам бўлган. Машҳур шоир ва сўфийликнинг яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган. Туркий, араб ва форс адабиётини чуқур ўрганган. Атоий асосан ғазаллар ёзган. Унинг девони 260 та ғазални ўз ичига олади. Атоийнинг адабий мероси бизгача тўла етиб келмаган.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилувчи ихтисослаштирилган ҳукуматлараро ташкилот. 1957 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қарорига биноан ташкил этилган. МАГАТЭ билан 150 дан ортиқ давлатлар ҳамкорлик қилади. МАГАТЭ атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича илмий ва техник ҳамкорлик борасида ҳукуматлараро етакчи форум сифатида фаолият юритади. Агентликнинг бош вазифаси – 1968 йилда имзоланган ядро қуролини тарқатмаслик шартномасининг бажарилишини назорат қилиш. Агентликнинг раҳбар органи барча аъзо давлатлар вакилларидан иборат, ҳар йили чақириладиган Бош конференция ва

35 аъзодан иборат бошқарувчилар кенгашидир. Бошқарувчилар кенгашининг 13 аъзоси Кенгаш томонидан тайинланади, 22 аъзо эса Бош Конференция иштирокчилари томонидан сайланади.

Атон – Қадимги Миср афсоналаридаги қуёш худоси. Қуёш гардиши кўринишида тасвирланган.

Атробон – Оташпарастларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас олов-азархўррога ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган руҳоний.

Атропатена – *Қар.: Кичик Мидия.*

Ат-Термизий – 824-892 йилларда яшаб ижод этган ҳадисшунос олим. Ат-Термизий Термиз шаҳрида туғилган. Узоқ йиллар Ироқ, Исфохон, Хуросон, Макка, Мадинада яшаган ва ижод қилган. Ат-Термизийнинг камолотга етишида Исмоил Бухорийнинг ўрни катта бўлган. Ат-Термизийнинг машҳур асарлари: “Ал-Жомеъ” (“Ал-Жомеъ ус-сахих”, “Ал Жомеъ ул-кабир”, “Суннан ат-Термизий”), “Аш-шамол ан-набавийа” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) ва бошқалар.

Аттика – Қадимий Юнонистоннинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган вилоят, полис (шаҳар-давлат). Аттика худудида энг ривожланган полис Афина бўлган. Қадим замонлардан Аттикада олий ҳокимият Акрополь чўққисидаги қароргоҳда яшайдиганлар қўлида бўлган. Уларни “басилейлар” деб аташган. Қадимги Аттикада барча давлат мансабларига фақат аристократ (евпатрид-зодагон)лар табақасидан бўлган шахслар сайланишган. Мил. ав. VII асрда қадимги Аттикада аристократлар билан демос (халқ, қадимги Юнонистонда фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган эркин аҳоли)лар ўртасида рақобат кучайган. Мил. ав. 640 йилда евпатрид табақасидан бўлган, Олимпия ўйинларининг ғолиби Килон Зевс худоси шарафига уюштирилган байрам жараёнида Аттикада ягона ҳоким бўлиш мақсадида ўз тарафдорлари билан Акрополдаги басилейлар қароргоҳини ишғол этган. Лекин кўп ўтмай Килон ўз тарафдорларини Акрополда қолдириб қочган, бошқа килончилар эса таслим бўлишган. Кейинчалик уларнинг барчаси қатл этилганлар. Қадимги Аттикада дастлаб қонунлар ёзиб борилмаган. Бу аристократия манфаатларига мос келган. Килон қўзғолонидан кейин мил. ав. 621 йилда Аттикада архонт Драконт томонидан ёзиб, тартибга солинган қонунлар мажмуаси эълон қилинган. Драконт қонунлари ўзининг ўта шафқатсизлиги билан шуҳрат қозонган.

Аттила III – Пергам шоҳлиги ҳукмдори. Мил. ав. 133 йилда вафот этган.

Аттор, Фаридиддин – Тахм. 1148/51-1219/21 йилларда яшаб ўтган шоир, мутафаккир.

Ауто – Испания ва Португалияда XIII – XVIII асрларда диний мазмунга эга бўлган бир пардали драматик томоша.

Аутодафе – Испания ва Португалияда инквизиция ҳукмининг тантанали эълон қилиниши, шунингдек, шу ҳукм ижроси (асосан, “гуноҳкор”ни омма олдида гулханда ёқиш). Дастлабки аутодафе XIII асрга тааллуқли. XV аср охиридан кенг тарқалган.

Афина (Афина паллада) – Қадимги Юнонистонда уруш ва ғалаба, санъат ва ҳунармандчилик, билим ва донолик маъбудаси. Зевснинг қизи. Афина шахри ҳомийси. Римликлардаги Минервага мос келади.

Афкор – “Фикр” сўзининг кўплик шакли, фикрлар.

Афлотун – *Қар.: Платон.*

Африка Бирлиги Ташкилоти – Африка қитъаси давлатларини бирлаштирувчи минтақавий халқаро ташкилот. 1963 йил 25 майда Аддис-Абебада ташкил этилган. Таркибига 50 дан ортиқ Африка давлатлари киради. Ташкилотнинг асосий мақсадлари: Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш; Африка давлатлари ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим, маданият, давлат ҳимояси ва хавфсизликни таъминлаш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш ва ҳоказо. Африка Бирлиги Ташкилотининг штаб-квартираси Аддис-Абебада жойлашган.

Африка Миллий Конгресси – 1912 йилда тузилган сиёсий ташкилот.

Африканерлар – *Қар.: Бурлар.*

Африғийлар – Хоразмда милодий IV-VIII асрларда ҳукмронлик қилган сулола.

Афродита (Киприда) – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида дастлаб ҳосилдорлик, кейинчалик гўзаллик ва муҳаббат маъбудаси. Афродитани “Киприда” деб ҳам аташган, чунки у, ривоятларга кўра, Кипр ороли атрофидаги денгиз кўпигидан пайдо бўлган. Афродита қадимги римликларда Венера деб юритилган.

Афросиёб – Қадимги Самарқанд шахрининг харобалари. Шаҳарнинг “Афросиёб” деб аталиши мил. ав. VIII-VII асрларда Турон давлатини бошқарган ҳарбий саркарда ва давлат арбоби Афросиёб номи билан боғлиқ. Бу тарихий шахс туркий манбаларда Эр Тўнға, форсий манбаларда эса Афросиёб номи билан тилга олинади. Баъзи мутахассислар Афросиёбни афсонавий тимсол сифатида эътироф этишади. Афросиёб харобалари ҳозирги Самарқанд шахрининг шимолий чегараларига туташ кенг тепаликлардан иборат.

Афсона – Авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келган фантастик ҳикоя, ривоят.

Афғон Туркистони – *Қар.: Чорвилоят.*

Ахборотлашган жамият – Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга “ишлов бериш”, сақлаш ва жамият аъзоларига етказишга боғлиқ эканини англатадиган тушунча.

Ахборотлаштириш – Замонавий инфорацион-технологик воситалар ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтириш.

Ахборот ресурс маркази (АРМ) – Ихтисослашган муассасада тўпланган ҳамда марказлаштирилган босма ва аудиовизуал материаллар мажмуаси.

Ахилл – Қадимги Юнонистондаги Спарта полисининг ботир жангчиси.

Ахлоқ – Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга

муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси.

Ахлоқ тузатиш меҳнат лагерлари Бош бошқармаси – *Қар.: ГУЛАГ.*

Ахлоқ тузатиш муассасалари – Маънавияти бузилган, ахлоқ талабларига риоя қилмаган кишиларга, жиноят йўлига кирган, амалдаги қонунларга итоат этмаган кимсаларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо турларини амалга оширадиган муассасалар.

Ахурамазда – Зардуштийлик динида ёруғлик, фаровонлик, саломатлик каби эзгуликларни яратувчи ва бошқарувчи худо. Ахурамазда доимо Анхра-Манъё (Ахриман) худоси билан кураш олиб боради.

Ахурлар – Зардуштийлик динида ёвузлик ва зулмат кучларига қарши курашувчи илоҳий мавжудотлар.

Ацтеклар давлати – XV асрда ҳозирги Мексика ҳудудида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда майин иқлимли водийда вужудга келган давлат. Ацтеклар қабиласи XIII асрда шимолдан ҳозирги Мехико ҳудудига бостириб кириб, у ерда ўрнашиб олганлар. 1325 йилда улар томонидан Теночтитлан қишлоғи (ҳозирги Мехоко шаҳри) барпо этилган. Кейинчалик улар ўз давлатларини тузишган. Ацтеклар давлатида кўплаб канал, каср, ибодатхоналар мавжуд бўлган. Унда заргарлик, меъморчилик, ҳунармандчилик ривожланган. Теночтитлан шаҳрида ҳар йили шоир-қўшиқчилар мусобақалари ўтказилган. Ацтеклар давлати 1519-1521 йилларда испанлар томонидан забт этилган. Испан мустамлакачилари ацтекларнинг асрлар давомида тўплаб келинадиган хазинасини қўлга киритиб, унинг бир қисмини Испания қироли, қолган қисмини эса ўзлари бўлиб олишган.

Ашока – Мауриялар давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 268-262 йиллар).

Аштархонийлар (Жонийлар) давлати – 1601-1756 йилларда Мовароуннаҳр ҳудудида мавжуд бўлган давлат. XV асрда Олтин Ўрда (Жўчи улуси) заифлашиб борган ва бир нечта мустақил хонликларга бўлиниб кетган. Шу хонликларнинг бири XV асрнинг 30-йилларида вужудга келган Аштархон хонлиги бўлган. 1556 йилда Аштархон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан сўнг, Аштархон хони Ёрмуҳаммадхон шайбонийлар ҳукмдори Искандар рухсатини олиб, фарзандлари билан Бухорога кўчиб келишган. Кейинчалик Искандар ўз қизи Зухрани Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек Султонга хотинликка берган. Бу никоҳдан Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад ва Валимуҳаммадлар дунёга келишган. 1599 йилда шайбоний хони Абдулмўмин вафот этгандан сўнг, шайбонийлар орасида тахт вориси қолмаган. Шайбонийлар давлатининг нуфузли амирлари келишиб, аштархонийлардан бўлмиш Жонибек султонни Бухоро тахтига таклиф қилганлар. У рози бўлмагач, тахт Жонибекнинг катта ўғли Динмуҳаммадга таклиф қилинган. Динмуҳаммад шайбонийлар хони Абдуллахон II томонидан Нисо ва Абивард ҳокими этиб тайинланган эди. У Абиварддан тахтни эгаллаш учун Бухорога келаётганда йўлда вафот этган. Натижада Бухоро тахти Динмуҳаммаднинг укаси Боқимуҳаммадга насиб этган. Боқимуҳаммад шайбонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори бўлган Пирмуҳаммадхон II томонидан 1599 йилда Самарқанд ҳокими этиб тайинланган. Кейинчалик Самарқандда ўз

ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгандан сўнг Пирмуҳаммадхон II га бўйсунмай кўйган ва, ҳатто, унга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлаган. 1601 йил июнь ойида Самарқанднинг Боғи Шамол деган жойида Пирмуҳаммадхон II ва Боқимуҳаммадхон кўшинлари ўрталарида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтган. Унда Боқимуҳаммадхон ғолиб чиққан. Шундан сўнг Боқимуҳаммадхон Бухорога келиб, хонлик тахтини эгаллаган. Жонибекнинг учинчи ўғли-Валимуҳаммадхон эса Балхга ноиб қилиб жўнатилган. Шу тариқа Мовароуннаҳрда аштархонийлар (уларнинг бошқа номи жонийлар) сулоласининг ҳукмронлиги бошланган. Аштархонийларнинг сўнгги ҳукмдорлари Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги амалда марказий ҳокимиятдан мустақил мулклар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Бухоро хонлигидаги оғир сиёсий ва иқтисодий вазиятдан Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ усталик билан фойдаланиб, 1740 йилда Бухоро амирлигини ўз тасарруфига туширишга муваффақ бўлган. 1747 йилда Нодиршоҳ фитна натижасида ўлдирилган. Бухорода эса ўша йили Абулфайзхон тахтдан ағдалириб, қатл этилган. 1753 йилда Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлигига асос солган, 1856 йилда эса у расман Бухоронинг амири деб эълон қилинган. Шу тариқа аштархонийлар давлатига барҳам берилиб, Бухорода олий ҳокимият ўзбек манғитлар сулоласи вакиллари кўлига ўтган.

Ашшурбанапал – Месопотамияда мавжуд бўлган Оссурия давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 669-630 йиллар). Ашшурбанапал Оссурия тарихида энг доно ва илмли ҳукмдор деб тан олинган. У ўз замонасида мавжуд бўлган деярли барча илм ва ҳунарларни ўрганган. Ашшурбанапал Оссуриянинг ҳудудлари ва олдинги мавқеини сақлаб қолиш мақсадида кўшни давлатларга қарши кўплаб ҳарбий юришларни амалга оширган. Ашшурбанапал вафотидан кейин унинг ворислари асосан давлат ҳудудларини сақлаб қолиш учун курашганлар.

Ашшур давлати – Месопотамияда мавжуд бўлган қадимий давлат тузилмаси.

Аъзам – Энг улуғ, энг улкан.

Аъло ҳазрат – Ҳазрати олийлари. Шоҳлар ва хонларнинг номларини улуғлаш мақсадида уларга мурожаат қилинганда кўлланадиган ибора.

Ақида – Эътиқод, ишонч. Баъзан “ақида” сўзи ҳақиқатга зид, кўр-кўрона қабул қилинган фикр, қоидани ҳам англатади. Қар., масалан “ақидапарастлик”.

Ақидапараст – Ўз ақидаларини замон ва макондан ажратган ҳолда англаб, уларни мутлақ ўзгармас ҳақиқат деб биладиган, бошқа қарашларни тан олмайдиган киши.

Ақидапарастлик – Кишиларнинг қалби ва онига мафкуравий тазйиқлар асосида сингдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш шаклларида бири. Ақидапарастлик иккита шаклда намоён бўлади: а) дунёвий шакли – эгоизм, шовинизм, большевизм, коммунизм, атеизм, миллатчилик ва бошқалар; б) диний шакли – ваҳҳобийлик, “Ҳизб ут-таҳрир”, “Ҳизбуллоҳ”, “Ал-Қоида” ва бошқалар.

Ақинчи – Қорахонийлар давлати кўшинида кечаси душман устига кўққисдан ҳужум уюштирадиган махсус ҳарбий бўлинма.

Ақиқа – Мусулмонларда янги туғилган боланинг “қорин сочи”га қайчи уриш муносабати билан жонзот сўйиб зиёфат ўтказиш маросими. Ақиқада болага исм ҳам қўйилади.

Ақл – Инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилият.

Ақор – Темурийлар замонида ер-сув, боғ, тегирмон, канал, дўкон, устахона ва бозорлар каби кўчмас мулклар. Ақор васият билан вақфга айлантирилиши мумкин бўлган. Зарафшон водийсидаги Ақор, Оқар, Агар каби жой номлари ақор атамасидан келиб чиққан.

Ақраб – 1. Ўн икки буржнинг бири. Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган. 2. Ҳижрий-шамсий тақвими бўйича саккизинчи ойнинг арабча номи (Григорян тақвимининг 21 октябрь-21 ноябрь даврларига тўғри келади).

Ағра – Оғирлик ва юза ўлчов бирлиги. Хивада қўлланилган.

Аҳад – Бир, битта, воҳид, ягона. Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири.

Аҳднома – Расмий шартнома, битим.

Аҳли байт – *Қар.: Саййид.*

Аҳмадшоҳ (Аҳмадшоҳ Дурроний) – Афғонистоннинг биринчи шоҳи (1747-1773 йиллар).

Аҳмад Ҳанбал – 780-855 йилларда яшаб ўтган суннийликдаги ҳанбалия мазҳаби асосчиси, илоҳиёт олими.

Аҳмонийлар (Аҳамонийлар) – Мил. ав. 558-330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Аҳмонийлар сулоласига қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳмон (Аҳамон) асос солган.

Аҳмонийлар (аҳамонийлар) давлати – Мил. ав. 558-330 йилларда ҳозирги Эрон давлати ҳудудида мавжуд бўлган қадимий давлат. Энг ривожланган даврида аҳмонийлар давлати таркибига ҳозирги Эрон давлатининг ҳудуди, Ҳинд дарёсидан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудлар, Ўрта Осиё (Хоразм, Парфия, Марғиёна, Бактрия, Суғдиёна), Миср ва Болқон ярим оролининг шарқий ҳудудлари кирган. Аҳмонийлар давлатининг асосий дини зардуштийлик бўлган. Аҳмонийлар давлатига қадимий форс подшолари хонадони- аҳомонийлар вакили Кир II асос солган. Кир II ҳукмронлик даврида Аҳмонийлар давлати буюк империяга айланган, Ўрта Осиё ҳудудлари ҳам унга бўйсундирилган. У Марказий Осиёдаги юришлари вақтида ўлдирилган. Кир IIнинг ўғли Камбиз (мил. ав. 530-522 йилларда ҳукмронлик қилган) Мисрга зафарли юришни амалга оширган. Мил. ав. 522-486 йилларда аҳмонийлар давлатида Дороти I ҳукмронлик қилган. У мамлакатда маъмурий-ҳудудий ва пул ислохотларини ўтказган. Тобе вилоятларида аҳмонийлар ҳукмронлигига қарши кўплаб кўзғолонлар бўлиб ўтган (мас., Марказий Осиёдаги Тўмарис, Широқ қахрамонликлари, Марғиёна кўзғолони). Мил. ав. 330 йилда Александр Македонский кўшинлари зарбалари остида аҳмонийлар давлати қулаган. Аҳмонийлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Дороти III бўлган.

Аҳриман – *Қар.: Анхра-Манйу.*

Ахура Мазда (Хурмузд) – Зардуштийлик дини таълимотига кўра умидсизликка учраган кишилар қалбига ёруғлик, эзгулик нурини таратувчи, кишиларни ўз кучига, келажакка ишончини мустақкамлашга йўналтирувчи илохий куч. Ахура Маздани Хоразмда “Хурмуз”, Эронда “Ормозд”, юнонларда эса “Армузд” деб аташ расм бўлган.

–Б–

Бадавий – Кўчманчи ёки ярим кўчманчи араб қабилаларига мансуб киши, саҳройи.

Бадал – 1. Ўрнига ўрин, бир нарсанинг эвазига тўланадиган ҳақ ёки бир нарсанинг ўрнини босадиган бошқа нарса. 2. Тўлов, мас., аъзолик бадали.

Бадарға – Бутун бир мавзе аҳолисини ёки алоҳида шахсни яшаб турган жойидан ҳайдаб юбориш ёки муайян жойларда туришини тақиқлаш.

“Баён” – XIX аср ўрталарида Эронда бўлиб ўтган “Бобийлар қўзғолонгари”нинг етакчиси, махдийликни даъво қилган Али Муҳаммад китобининг номи.

Баёний – 1840-1923 йилларда яшаб ўтган шоир ва адиб.

Баённома (Баёнот) – Бирор воқеа юзасидан ёзилган расмий маълумот ёки хабар.

Базоз – Ип-газлама билан савдо қиладиган киши ёки дўкандор.

Базм – 1. Тўй, зиёфат ва шу қабиларда машшоқлар ва раққосалар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси. 2. Ўйин-кулгили ширин суҳбат.

Базмгоҳ – Базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган жой.

Байрам – Бирор-бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш.

Байрон, Жорж Ноэл Гордон – 1788-1824 йилларда яшаб ўтган инглиз шоири.

Байроқ – Давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ифодалайдиган, унинг ғурур-ифтихорига айланган рамзлардан бири. Байроқда халқ ва давлатнинг тарихи, кадриятлари, дунёқараши ўзига хос тарзда мужассам этилади.

Байроқдор – *Қар.: Тугчи.*

Байтуллоҳ – Аллоҳнинг уйи, яъни Каъбага берилган ном.

Байт ул-мол – Исломий давлатнинг хазинаси. Байт ул-молда закот, қимматбаҳо буюмлар, мол-мулклар ҳамда эгасиз қолиб давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк ва шу мол-мулк сақланади.

Байт ул-муқаддас – Мусулмонлар томонидан Каъбага берилган ном.

Байт ул-ҳарам – *Қар.: Каъба.*

Байт ул-ҳикмат (Донишмандлар уйи, Билимлар уйи, Ал-Маъмун академияси) – 832 йилда аббосий халифа Абдуллоҳ ал-Маъмун ҳомийлигида Бағдод шаҳрида бунёд этилган илмий муассаса. “Байт ул-ҳикмат” қошида иккита расадхона, илмий марказ ташкил этилиб, уларда кўплаб турли тилларда битилган нодир китоблар тўпланган ва араб тилига таржима

қилинган. Ўрта Осиёдан 20 дан ортиқ олимлар бу марказнинг ривожига ўз салмоқли ҳиссаларини қўшишган. “Байт ул-ҳикмат” кейинчалик европаликлар томонидан “Ал-Маъмун академияси” деб аталган.

Байҳақий – 1106-1174 йилларда яшаб ўтган олим, табиб ва шоир.

Баковул – 1. XV асрдан бошлаб шоҳ, хон ва лашкарга овқат тайёрлаш устидан назорат қилиб турувчи ҳарбий мансабдор. Лашкарга маош ва озиқ-овқат тақсимлаш ҳам баковуллар зиммасига юклатилган. 2. XVI-XIX асрларда белгиланган жойларда савдогарларнинг бож солиғини тўлаб ўтишлари устидан назорат қиладиган кичик мансабдаги ҳарбий хизматчи. 3. Ҳозирги кунда тўйларда кураш, улоқ (кўпкари), пойга мусобақаларини бошқарадиган ҳамда тўйларда таом тайёрлаш устидан назорат қилувчи кишилар.

Бакунин, Михаил Александрович – 1814-1876 йилларда яшаб ўтган рус инқилобчиси, анархизм таълимотининг асосчиларидан бири. М.А.Бакунин анархистик ғояларининг асосий мазмунини барча турдаги давлат тузумини, парламентаризмни инкор этиш, аполитизм, федерализм ташкил этади. М.А.Бакунин фикрича, ҳар қандай давлат – бу озчиликнинг кўпчиликка ўтказадиган зулми ва мажбурлашидир.

Балогардон – Балони қайтарувчи, даф қилувчи, бало-офатлардан сақловчи, қутқарувчи, халоскор, мас., Баҳоуддин балогардон.

“Бальзак ёши” – 30-40 ёшлар орасидаги аёллар. Француз адиби Оноре де Бальзакнинг “ўттиз ёшли аёл” романи эълон қилингандан кейин пайдо бўлган.

Балхий, Абу Шукур – 915 йилда туғилган (вафот этган йили номаълум) шоир.

Бальямий, Абулфазл – 940 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) сомонийлар шоҳларининг вазири. Мамлакат ободончилиги, илм-фан ривожини йўлида кўплаб ишларни амалга оширган, кўплаб шоир ва олимларни ўз ҳимоясига олган, шу жумладан Абу Абдулло Рудакийни ҳам.

Бангладеш Халқ Республикаси – 1975 йилда Шарқий Покистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейин вужудга келган давлат тузилмасининг номи.

Банда – Ислом таълимотига кўра, ҳар бир мусулмоннинг Аллоҳ олдида тобе ва итоаткор эканлигига ишора, мас., мўмин банда, ғофил банда.

Бандаргоҳ – 1. Порт ва унга кириш-чиқиш йўллари. 2. Чўл, дашт ва тоғли ерларда йўллар кесишган, гавжум, қўниб ўтиладиган жой.

Банди – Тутқин, асир, озодликдан маҳрум этилган шахс.

Бандустанлар – Жанубий Африка Республикасининг оқ танли ҳукмдорлари томонидан мамлакат ҳудудида ташкил этилган қўғирчоқ “миллий давлатлар”.

Бан Чао – Ҳозирги Хитой ҳудудида 25-220 йилларда мавжуд бўлган Сўнги Хань империясининг машҳур лашкарбошиси. Бан Чао Хитойнинг ашааддий душманлари бўлган гуннларни мағлуб этган, 90-йилларда Кушон империясига катта зарба берган.

Баптизм – Христиан дини мазҳабларидан бири. Баптизм тарафдорлари христиан черковининг бир қатор қоида ва расм-русумларини рад этадилар.

Барака – 1. Бирор ишга Аллоҳдан ривож тилаш, оқ фотиҳа бериш. 2. Меҳнат фаолиятида, ҳосил ва даромадда унум, мўл-кўллик.

Баранғар (Баранғор, Буронғор) – 1. Чингизийлар салтанати барпо этилгунга қадар мўғуллар мамлакати ўнг қанот-баранғар ва сўл қанот-жуванғарга тақсимланган. Чингизхон асос солган улкан салтанатда ҳам бундай бўлиниш сақланган. 2. Темур ва темурийлар, ўзбек хонликлари даврида кўшиннинг ўнг қаноти.

Барбад – *Қар.: Уд.*

Барбаросса – Италян тилида “малла соқол” маъносини англатади. Германия императори Фридрих I (1125-1190 йиллар)нинг лақаби бўлган. Фридрих I Италияга бир неча мартаба босқинчилик юришларини амалга ошириб, яшнаб турган шаҳару кишлоқларни хонавайрон қилган. 1940 йил декабрь ойида Фашист Германияси раҳбари Гитлер томонидан имзоланган собиқ Совет Иттифоқиға ҳужум қилиш режасини ҳам “Барбаросса режаси” деб атаган. Унга кўра, Германия яшин тезлигида, яъни 1941 йил охиригача собиқ СССРни мағлуб этиш режалаштирилган.

Барда – Ўтмишда Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқда асир олиниб, сотиб юборилган ёки қулга айлантирилган киши.

Бардий – Аҳмонийлар давлати ҳукмдори Камбизнинг укаси.

Барид – 1. Чопар, хат элтувчи. 2. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиёда кенг қўлланилган масофа ўлчови. Бир барид икки фарсах, яъни ўртача 12 км.га тенг масофа бўлган.

Барин – 1. Аслзода, помещик, дворян, ер эгаси, хўжайин. 2. Чор Россиясида мурожаат шакли.

Барлос – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик уруғлардан бири. Барлослар тоғли ва тоғ олди жойларда яшаб, асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Соҳибқирон Амир Темур барлос уруғидан бўлган. Ҳозирда барлослар Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳамда Тожикистон, Афғонистон ва Қирғизистон ҳудудларида яшашади.

Барокко – XVI аср охири–XVIII аср ўрталарида Европа ва Америка санъатидаги асосий услубларидан бири. Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безаклари кўплиги ва ягона ғояга бўйсунishi билан ажралиб туради. Барокко Италияда ривожланиб, Европага кенг ёйилган.

Барон – Ғарбий Европа мамлакатларида дворянлар, аслзодаларнинг графдан бир даража паст унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. Бароннинг хотини ёки қизи “баронесса” дейилган.

Барот – 1. Подшоҳ, хон томонидан бирор солиқ ёки жаримадан озод этиш. 2. Маълум шарт билан бирор мулк ёки мансабни эгаллаш, халқдан солиқ тўплаш ёки пул, ғалла, ем-хашак олиш учун берилган махсус ёрлик, гувоҳнома ёки ҳужжат.

Баррикада – Кўча жангларида турли нарсалар (ёғоч, дарахт ёки тош, қум, тупроқ солинган қоплар)дан фойдаланиб рақиб ҳаракатларини

қийинлаштириш, душман ҳужуми вақтида уни шаҳарнинг бошқа қисмларига ўтказмаслик мақсадида ясалган сунъий тўсик, ғов, кўчабанд.

Барсчи – Амир Темур кўшинида овчилар ҳамда кўшин учун озиқ-овқат тайёрлайдиган кўшиннинг бошлиғи.

Барқарорлик – Жамиятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган тинч шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ижтимоий қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ҳамда давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик қарор топгани.

Басилейлар – Қадимги Юнонистоннинг Аттика полиси ҳудудида мавжуд бўлган Акрополь чўққисида яшайдиган зодагонлар. Аттика полисида ҳокимият басилейлар кўлида бўлган.

Басрий, Ҳасан – 642-728 йилларда яшаб ўтган ислом илоҳиётчиси.

Бастилия қалъаси – Париж шаҳридаги қалъа-турма. Франция монархиясининг таянчи ҳисобланган.

Бастион – Атрофи мустаҳкам девор билан ўралган, бешбурчак шаклида қурилган ҳарбий истеҳком. Бастионлар биринчи марта XV асрда Италияда пайдо бўлган.

Батальон – Қуруқликдаги, ҳаво-десант ва денгиз пиёдалари кўшинларидаги асосий тактик ҳарбий бўлинма. Мотоўқчи, танк, денгиз пиёдалари, алоқа, автомобиль ва бошқа батальонлар бўлиши мумкин.

Батарейя – Артиллерия қисмлари ва ҳарбий кемаларда 2-4 ёки ундан кўпроқ тўплардан иборат артиллериянинг биринчи ўт очувчи ва тактик бўлинмаси.

Батрак – Чор Россиясида қишлоқ хўжалигида ёлланма ишчи, унинг меҳнати кўпинча мавсумий характер касб этган.

Батый – *Қар.: Ботухон.*

Бах, Иоганн Себастьян – 1685-1750 йилларда яшаб ўтган немис композитори. Бах ўзидан 300 га яқин муסיқий асарлар қолдирган.

Бахши – 1. Халқ дostonчиси. Кўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, шоир, оқин. 2. Дуолар ўқиб, дам солиб, иримлар қилиб даволовчи табиб. 3. Мўғуллар истилоси даврида будда динидаги қаландарларни, уйғур алифбоси асосида турли хужжатлар тузувчи идора ходимларини, мўғулларда жарроҳларни, чиғатой улуси, Олтин Ўрда, Қозон ва Қрим хонликларида котибларни, Бобурийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва уларга маош тўловчи йирик амалдорларни, Бухоро амирлигида маъмурий бинолар қуришда маблағ (сарф-харажат) ҳисобини олиб борувчи кишиларни, туркманларда уруғ оқсоқолларини ҳам “бахши” деб аташган.

Бахшийлар – Амир Темур ва темурийлар давлатида ёзув ишлари билан шуғулланадиган девон ходимлари.

Башарият – Инсоният, инсонлар.

Башир ибн Лайс – 806-810 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда аббосийлар халифалиги зулмига қарши бўлиб ўтган кучли қўзғолоннинг раҳбари. Рофе ибн Лайснинг укаси. 809 йилда араб кўшинлари Бухоро шаҳри

учун жангда аббосий халифалиги лашкарлари Башир ибн Лайсни асирга олишган, Тус шахрига олиб бориб қийнаб ўлдиришган.

Бақо ва фано – Шарқ фалсафасидаги тушунча. Чексизлик ва чеклилик маъноларида талқин қилинган. “Бақо” ва “фано” арабча сўзлар бўлиб, биринчиси абадийлик, барқарорликни, иккинчиси эса ўтқинчилик, вақтинчалик маъноларини англатади.

Бақтро – Ҳозирги шимолий Афғонистонда жойлашган Балх шаҳрининг қадимий номи.

Баққол – Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қишлоқларда ўз ховлиси ёнида қурган дўконида мева, сабзавот, доривор, гуруч, мош каби маҳсулотлар сотувчи майда савдогар.

Бағдодий, Жунайд – 910 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) тасаввуф шайхи, жунайдия тариқатининг асосчиси.

Бағдод пакти – *Қар.: СЕНТО.*

Бағдод темир йўли – Узунлиги 2400 км. бўлган Босфор бўғозини Форс кўрфази билан боғлайдиган темир йўлининг XX аср бошларида кенг тарқалган номи. Туркия, Сурия ва Ироқ давлатлари ҳудудидан ўтади. Дастлаб 1871 йилда Босфордан Измиргача бўлган қисми қурилган. 1888 йилда Германиянинг “Дойче банк”и ушбу темир йўлни Измирдан Анқарагача давом эттириш бўйича концессиясини Туркия ҳукуматидан сотиб олган. 1899 йилда Франция ва Германия ўрталарида тузилган битимга мувофиқ ушбу йўл қурилишига Франция шерик бўлган. 1903 йилда Бағдод темир йўли қурилишини давом эттириш бўйича концессияни Туркия Германияга берган. Бунга ўша даврдаги йирик Европа давлатлари зиддиятларини кучайтирган. 1914 йилда имзоланган битимга мувофиқ Бағдоддан Форс кўрфази томон олиб борадиган Бағдод темир йўлини қуриш Англияга топширилган. Бағдод темир йўли 1934-1941 йилларда фойдаланишга топширилган. Ҳозирда ушбу темир йўл Туркия, Сурия ва Ироқ давлатлари тасарруфига кирган ва олдинги стратегик аҳамиятини йўқотган.

Бағдод халифалиги – *Қар.: Аббосийлар халифалиги.*

Бағрикенглик – Ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий бўлишлик, толерантлик. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлишни тақозо этади.

Баҳодир (Ботир) – Қўрқмас, довюрак. Ўрта асрларда турк-мўғул халқлари кўшинларида жангларда кўрсатган улкан жасорати ва қаҳрамонлиги учун бериладиган фахрий унвон. Чингизийлар даврида Чингизхон авлодидан бўлмаган зодагонлар, йирик лашкарбошиларга баҳодир унвони берилган.

Баҳодиршоҳ II – Ҳиндистондаги бобурийлар давлатининг охирги шоҳи (1837-1858 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик амалда инглиз мустамлакачилари қўлларида бўлган. Ҳиндистонда инглизларга қарши бўлиб ўтган “Сипоҳийлар кўзғолони”дан кейин 1858 йилда Баҳодиршоҳ II асирга олиниб, Бирмага сургун қилинган. Шу билан бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги барҳам топган.

Баҳром I – Сосонийлар давлатининг ҳукмдори. 276 йилда Баҳром I зардуштийлик дин пешволари тавсиясига кўра монийлик дини асосчиси Монийнинг дастлаб терисини шилиб олиш ва кейинчалик қатл этиш тўғрисида фармон берган.

Баҳром Гўр – Сосонийлар давлатининг ҳукмдори (421-438 йиллар). Яздигард I нинг ўғли. Баҳром Гўр Яман подшоҳи саройида тарбия олган. Отаси Яздигард I ўз ҳукмронлиги даврида мамлакат аҳолисига кўплаб зулм ўтказган. У вафот этгандан кейин мамлакат аҳолиси Ардашир авлодидан бўлган Хусравни тахтга кўтаришган. Бундан хабар топган Баҳром Гўр Эронга қўшин тортиб келган. Мамлакат зодагонлари олдида отасининг хатоларини такрорламасликка ваъда берган. Шундан сўнг, ривоятларга кўра, анъанавий шартга мувофиқ иккита шерни ўлдириб, улар орасида турган тожни олган ва сосонийлар давлатида шоҳаншоҳ тахтига ўтирган. Унинг севган машғулоти гўр (кулон) ов қилиш бўлган. Шунинг учун унга “гўр” лақабини беришган. Баҳром Гўр ҳукмронлиги даврида зардуштийлик дини кенг тарқалган, мамлакат ҳудудида кўплаб оташкадалар қурилган. Аксинча, христианлик динининг бир оқими ҳисобланган настурийликнинг вакиллари таъқиб остига олинган. Натижада 423-424 йилларда Эрон-Византия уруши бўлиб ўтган. Бу жангда сосонийлар қўшинлари мағлуб бўлгандан кейин, Баҳром Гўр настурийларга нисбатан ўз муносабатини юмшатишга мажбур бўлган. Баҳром Гўр шарқий ҳудудларга қарши ҳам юришлар амалга оширган. V асрнинг 30-йилларида сосонийлар давлати қўшинлари Озарбайжон ва Хуросонни эгаллашган. Баҳром Гўр шоир ва бастакор-созанда ҳам бўлган. Тарихий манбаларда Баҳром Гўр шеър ва мусиқа вазнларининг ижодкори сифатида талқин қилинади. Шарқ тарихий асар ва дostonларда Баҳром Гўр адолатли шоҳ, жасур саркарда, айни вақтда маишатпараст, худбин шахс сифатида тасвирланган.

Баҳром Чўбин – Сосонийлар давлатининг машхур саркардаси ва ҳукмдори. У сосонийлар уюштирган кўплаб жангларда қўшинлар раҳбари сифатида ғалабаларга эришган. Кейинчалик сосонийлар давлатининг ҳукмдори Хурмузд IV билан муносабатлари кескинлашган ва у саркардалик мансабидан четлаштирилган. Бундан норози бўлган Баҳром Чўбин 590 йилда қўшин тўплаб Сосонийлар давлатининг ўша вақтдаги пойтахти Ктессифонга юриш бошлаган. Айни шу вақтда Ктессифонда Хурмузд IV саройида уюштирилган суиқасд натижасида ўлдирилган. Хурмузд IV ўрнига унинг ўғли Хусрав II Парвиз тахтга ўтирган. Баҳром Чўбин эса пойтахтга юришини давом эттириб, Хусрав II Парвизни тахтдан ағдарган ва ўзини шоҳаншоҳ деб эълон қилган. Хусрав II Парвиз Византияга қочиб кетган. 591 йилда у Византия императори Маврикий ёрдамида Сосонийлар тахтини қайта қўлга киритган. Баҳром Чўбин эса Турк ҳоқонлиги ҳукмдори олдига қочиб кетган ва кўп ўтмай ўша ерда ўлдирилган.

Беватан – 1. Ватансиз. 2. Хива хонлигида давлат (шоҳ) ерини ижарага олиб ишлайдиган деҳқон.

Бевосита демократия – Фуқаролар турли масалаларни тўғридан-тўғри ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ уларга сайловлар натижасида берилади. *Яна қар.: Вакиллик демократияси.*

Бегар (Бегор) – Ўрта Осиё хонликларида ҳар бир фуқаро ҳар йили давлат манфаатлари (мас., қалъа, сарой, йўл қурилиши, канал ва ариқлар қозиш) учун 12 кун ишлаб бериши шарт бўлган кунлар.

Бегоналашув – Кишининг жамиятдан, уни бошқаришдан, ўзи яратган муносабатлар ва нарсалардан четлашуви.

Бедил, Мирзо Абдулқодир – 1644-1721 йилларда яшаб ўтган шоир ва мутафаккир.

Бек (Бег, Бей) – 1. Қадимги туркий халқларда хон хизматидаги алоҳида ҳарбий қисм вакиллари. 2. Мовароуннаҳр хонликларида давлат арбобларининг болалари ва яқин қариндошлари, зодагонларга бериладиган фахрий унвон. 3. Кавказорти туркий халқларида Ўрта асрлар ва Янги даврда ер эгаси, мулкдор унвони. 4. Усмонли турк салтанатида вилоят (санжоқ) ҳокими. 5. Бухоро амирлигида бекликлар бошлиғи. Мас., Бухоро амирлиги бир неча бекликларга бўлинган. Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинланган бек бошқарган.

Бека – Юқори мартабали амалдорнинг хотини.

Бекларбеги – Юқори маъмурий унвон ва лавозим; вилоят, катта шаҳарлар ҳокимлари. Бекларбегининг асосий вазифаси солиқ ва бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, ҳукмдор фармонларини бажаришдан иборат бўлган. Бекларбегилар айна вақтда саркарда ҳисобланиб, уларнинг қўл остида юзбоши ва даҳбошилар бўлган.

Беклик – Бухоро амирлигида бек томонидан идора этиладиган маъмурий ҳудуд, мас., XX аср бошларида Бухоро амирлиги 27 та бекликдан иборат бўлган.

Бекович-Черкасский – 1716-1717 йилларда Россия императори Пётр I томонидан Каспий денгизи соҳилларидаги ҳудудларни ўрганиш мақсадида юборилган ҳарбий экспедициянинг раҳбари.

Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси – 1716-1717 йилларда Россия императори Пётр I томонидан Каспий оролининг шарқий ҳудудларида Россия таъсирини кучайтириш мақсадида уюштирилган ҳарбий экспедиция. Ушбу экспедиция таркибига 4 минг ҳарбий кўшин, 2 минг Ёйиқ (Урал) казаклари, бир неча денгиз офицери, иккита муҳандис, иккита савдогар кирган. 1716 йил февраль ойида Бекович-Черкасский Россия императори Пётр I дан Амударёнинг эски, яъни Каспий денгизига борувчи ўзанини топиш ва Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш жойида истехком (тўғон) қуриб, унинг сувларини Каспий денгизигача бориш-бормаслигини текшириб кўриш ҳамда Амударёнинг юқори оқими бўйлаб савдо қарвонини юбориб, ундан Ҳинд (Инд) дарёсигача ўтиб бўлиш-бўлмаслигини ўрганиш, яъни, Ҳиндистонга олиб борадиган сув йўли мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотлар тўплаш топшириқларини олган. Пётр I Бекович-Черкасский экспедицияси натижаларига суяниб (Амударёнинг эски ўзани тикланган ва Амударёни Инд дарёси билан боғланган тақдирда), Россиядан Ҳиндистонгача сув йўлини тиклаб, Осиё ва Европа қитъалари савдо йўлини Россия орқали ўтказишни

режалаштирган. 1717 йил баҳорида Бекович-Черкасский Хива хонлигига юриш бошлаган. Хивадан 120 чақиримча бўлган Қайрағоч дарасида Хива хони Шерғозихон (1714-1728 йилларда ҳукмронлик қилган)нинг 24 мингли кўшинлари билан Бекович-Черкасский кўшинлари ўртасида уч кун жанг давом этган. Жангда ҳар икки томон катта талафот кўрган. Шерғозихон Бекович-Черкасскийга сулҳ шартномасини тузиш учун Хивага таклиф қилган. Шерғозихон таклифи билан рус экспедицияси аъзоларини Хива хонлигининг бешта шахрида жойлаштирилган ва улар хон сарбозлари томонидан қиличдан ўтказилган. Россия ҳарбий экспедицияси аъзоларидан бир нечтасигина қочиб қутулишган холос. Бекович-Черкасскийнинг ўзи 1717 йил 29 августда қатл этилган. Шу тариқа Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси тугатилган ва Пётр I режалари барбод бўлган. Шундан сўнг Россия-Хива муносабатлари кескинлашган. Вазиятни юмшатиш мақсадида Шерғозихон Россияга ўз элчиларини юборган. Лекин Хивадан юборилган элчилар қамоққа олинган, улардан атиги бир кишигина қочиб, Хивага қайтиб келишга муваффақ бўлган.

Белинский, Виссарион Григорьевич – 1811-1848 йилларда яшаб ўтган рус файласуфи ва публицисти.

Беллона – Қадимги Рим афсоналарида уруш маъбудаси. Икки ғилдиракли жанг аравасида, кўпинча жанг марказида қилич ёки туғ ушлаган ҳолда тасвирланган.

Белобог – Ғарбий славян халқларида омад ва бахт-саодат худоси.

Бени йамин (бенъямин) – Яхудийларнинг дастлабки номи.

Бенилюкс – Бельгия, Нидерландия (Голландия) ва Люксембург давлатлари номларидан қисқартириб ясалган сўз бўлиб, бу ном бу уч давлатнинг ҳамкорлиги ва ҳарбий-сиёсий иттифоқини ифодалайди. 1944 йилда Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари раҳбарлари томонидан Лондонда муҳожирликда бўлганларида Америка Қўшма Штатлари ташаббуси билан тузилган. Бенилюкс давлатлари 1949 йилда НАТО аъзолигига қабул қилинган.

Бердяев, Николай Александрович – 1874-1948 йилларда яшаб ўтган рус файласуфи.

Беринг – 1681-1741 йилларда яшаб ўтган Россиянинг машҳур денгизчи-сайёҳи. Беринг асли даниялик бўлган. Берингнинг асл исми шарифи Витус Ионассен бўлган. Россияда уни кўпинча “Иван Иванович” деб аташган. 1703 йилдан Россия флотида хизмат қилган. 1729-1730 йилларда Беринг Россия ҳукмрон доиралари томонидан уюштирилган Камчатка экспедициясига раҳбарлик қилган. Бу экспедиция натижасида Чукотка ярим ороли билан Аляска ўртасида бўғоз борлигини аниқлаган. Кейинчалик бу бўғоз “Беринг бўғози” деб аталган. Шунингдек Беринг номи билан Тинч океанининг шимолида жойлашган денгиз ва орол ҳам аталган.

Берлин конференцияси – *Қар.: Потсдам конференцияси.*

Беруний, Абу Райҳон – 973-1048 йилларда яшаб ўтган буюк қомусий олим ва мутафаккир. Хоразмнинг Кот (ҳозирги Беруний шахри) атрофида туғилган. Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари билан шуғулланган. У 162 та асар ёзган бўлса-да, бизгача улардан атиги 28 таси етиб келган. Унинг машҳур асарлари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”,

“Геодезия”, “Маъданшунослик”, “Масъуд қонуни”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” ва бошқалардир.

Бесс – Аҳмонийлар давлатига қарашли бўлган Бактриянинг сатрапи. Аҳмонийлар давлати шоҳи Доро III македониялик Александр қўшинларидан мағлуб бўлиб шарқ томон чекиниб бораётганда Бесснинг кўлига тушиб қолган. Бесс Доро III дан Эрон тахтидан унинг фойдасига воз кечишни талаб этган. Доро III бу талабга рад жавобини берган. Шунда Бесс Доро III ни ўлдириб, унинг мурдасини йўлга ташлаган, ўзини эса Эрон шоҳи деб эълон қилган. Лекин Бесс Ўрта Осиё томон кетаётган вақтда македонияликлар томонидан қўлга олинган. Македониялик Александр Бессни қаттиқ қийноқлардан кейин қатл эттирган.

Бетарафлик – 1. Икки ва ундан ортиқ томонларнинг низо ва тортишувларига аралашмаслик. 2. Давлатнинг урушда ва ҳарбий-сиёсий иттифокларда қатнашмаслик сиёсати ва ўзига хос ҳуқуқий мақоми.

Бешим сардор исёни – *Қар.: Бухоро операцияси.*

Беш йиллик уруш – Амир Темурнинг 1392-1396 йилларда Ғарбий Эрон, Ироқ ва Кавказ худудларида олиб борган урушларининг умумий номи.

“Бешинчи колонна” – Мамлакат ичкарисида давлат тўнтаришини амалга ошириш учун пайт пойлаб турган жосус, диверсант, хоинларни назарда тутиладиган ибора. Ушбу иборанинг оммалашиб кетишига ёзувчи Эрнест Хэмингуэйнинг 1938 йилда ёзган “Бешинчи колонна” романи сабаб бўлган.

Беш китоб – *Қар.: Панчатантра.*

Бешотар – Ўқдони (магазини)га бешта ўқ жойлаштириладиган милтиқ. 1891 йили рус курулсози С.И.Мосин ихтиро қилган.

Бехбудий, Маҳмудхўжа – 1875-1919 йилларда яшаб ўтган маърифатпарвар, Туркистон жадиличлик ҳаракати раҳнамоларидан бири, драматург, журналист.

Бехзод, Камолиддин – 1455-1536 йилларда яшаб ўтган буюк миниатюрachi мусаввир. У тасвирий санъатда ўзига хос услуб яратган. Камолиддин Бехзод “Иккинчи Моний” деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Уни Султон Ҳусайн Бойқаро саройининг китобдори Мирак Наққош (1507 йилда вафот этган) ўз тарбиясига олган ва унга устозлик қилган. Бехзодга Алишер Навоий ҳам мураббийлик қилган. 1487 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро фармони билан Камолиддин Бехзод салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Бехзоднинг саъй-ҳаракатлари билан бу кутубхона ўз даврининг ўзига хос бадиий академиясига айланган. Уни “Нигорхонайи Бехзод” деб аташган. Камолиддин Бехзод мусаввир, хаттот бўлиши билан бирга музаҳҳиб (зарҳловчи)лар етакчиси ва устози ҳам бўлган. Музаҳҳиблар китобат санъатида кўлёзма китобларнинг мукова ва сарлавҳа, наққошликда бино ва буюмларнинг нақшларини олтин ёки кумуш суви югуртириб безашган. Бехзод кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Бехзод миниатюра мактаби кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Табриз миниатюра мактабларининг вужудга келиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Камолиддин Бехзод замондошлари бўлган Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон портретларини яратган. Камолиддин Бехзод

асарлари бугунги кунда жаҳон кутубхоналари, қўлёзма фондлари, музейлари ва шахсий мажмуаларда сақланиб келмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “Қамолиддин Бехзод” номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди (1997 йил, 23 январь).

Биант – Тахм. мил ав. 600-530 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон донишманди.

Биби мушкулкушод – Ўзбеклар ва тожикларнинг афсоналарида ҳаётдаги турли мушкулларни осон қилувчи кампир сиймоси. Ривоятларга кўра, Баҳоуддин Нақшбанднинг холаси. Аёллар турмушда бирон-бир бахтсизликка учраган кезларида ёки ишлари юришмаганда, одатда, чоршанба куни Биби мушкулкушодни эслаб, унга атаб мажлис қуришган, зиёфат уюштиришган, тиланчиларга хайр-садақа беришган.

Биби сешанба – 1. Ислом таълимотига кўра, аёллар сиғинадиган авлиё она, чарх йигирувчи, тикувчи аёлларнинг пири. 2. Диний маросим.

Би-би-си – 1922 йил 18 октябрда бир қатор хусусий корпорациялар томонидан ташкил топкан Буюк Британия радиоэшиттириш компанияси (British Broadcasting Company).

Бибихоним – *Қар.: Сароймулкхоним.*

Библиография – 1. Асарларнинг тизимли, алифбо ҳарфлари асосида тузилган рўйхати. 2. Бирор масалага доир китоб, журнал ва мақолалар рўйхати.

Библия (Инжил) – Христиан динининг муқаддас китоби.

Бидъат – Анъанавий диний ақидаларга бирор янгилик киритилиши. “Бидъат” арабча сўз бўлиб, “янгилик” маъносини англатади. Ҳозирги кунда баъзи тажовузкор диний оқимлар вакиллари Муҳаммад Пайғамбардан кейин пайдо бўлган фикр, ақида, қоидаларни “бидъат” деб, уларга қарши чиқмоқдалар.

Бидъатчи (Бидъаткор) – Диний ақидаларни ислоҳ қилувчилар, диндаги расмий таълимотларига тўғри келмайдиган янгиликларни киритувчилар.

Бизнес – Фойда келтирадиган ҳар қандай иш, савдо-сотик.

Бий – 1. Ўтмишда қабила ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи. 2. Юқори мансабли кишиларни улуғлаш учун ишлатиладиган сўз. 3. Кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқолларига бериладиган унвон. 4. Хива хонлигида оталиқлардан кейин турадиган мансаб.

Билик – 1. Қадимги туркий қавмларда илм, билиш, ҳикматли сўз, доно маслаҳат. 2. Чингизхон ҳаёт чоғида айнан ва ёзиб қолдирган ҳикматли сўзлар мажмуи.

Билимлар уйи – *Қар.: Дор ул-ҳикмат.*

Билль – Дастлаб “билль” сўзи қўлёзма, ёрлиқ маъносига эга бўлган. Кейинчалик инглиз ҳуқуқида турли маъноларда, кўпинча қонунлар номида, ишлатилган.

Биной, Қамолиддин – 1453-1512 йилларда яшаб ўтган шоир, муסיқашунос, тарихчи.

Биполидлар – Айни бир вақтда икки ва ундан ортиқ давлат фуқароси бўлган шахслар.

Бирдамлик – Кишиларнинг муайян ғояда яқдиллиги, маълум бир фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган яқинлик.

Биринчи Афина денгиз иттифоқи – *Қар.: Делос иттифоқи.*

Биринчи “афюн уруши” – 1840-1842 йилларда Хитой ва Англия ўртасида бўлиб ўтган уруш. XVII-XVIII асрларда Цинь сулоласи ҳукмдорлари Хитойда изоляция сиёсатини қўлланишган. 1757 йилда эълон қилинган фармон бўйича хорижий савдогарлар Хитой ҳудудида фақат Цинь маъмурлари назорати остида савдо-сотикни амалга оширишлари мумкин бўлган. Хитойликлар Цинь маъмурларисиз ҳаракат қилаётган инглиз савдо карвонларига ҳужум қилиб, уларни талашган. Инглизлар юклари ичида Ҳиндистондан сотиб олинган афюн (опиум) ҳам бўлган. Натижада Англия-Хитой муносабатлари кескинлашган ва 1840 йилда Англия ва Хитой ўртасидаги уруш (“афюн уруши”)га олиб келган. Инглизларнинг кўриқдаги қўшинлари ва ҳарбий кемалари Хитойнинг жанубий-шарқий ҳудудларига ҳужум қилишган. Камон ва найзалар билан қуролланган хитойликлар ўша вақтдаги замонавий қуроллар билан қуролланган (тўп, ўқотар қуроллар) инглизларга қаршилик кўрсата олишмаган. 1842 йилда Англия ва Хитой ўртасида Нанкин шартномаси имзоланган.

Биринчи Бобил шоҳлиги – Месопотамияда мил. ав. 1894-1518 йилларда мавжуд бўлган давлат. Биринчи Бобил шоҳлигининг энг ривожланган даври Хамураппи ҳукмронлиги даври (мил. ав. 1792-1750 йиллар)да бўлган.

Биринчи Булғор шоҳлиги – 681-1018 йилларда Шарқий Европада мавжуд бўлган шоҳлик. Кўчманчи туркийзабон булғор (болгар)лар хазарлар тазйиқи остида Азов денгизи бўйларида Бессарабияга, сўнгра Дунайнинг Византияга қарашли ўнг соҳилига кўчиб келишган. Ҳозирги Болгария давлатининг шимолий қисмида улар етгита славян қабилаларини ўзларига бўйсундириб, давлат тузилмасини барпо этишган. 681 йилда Византия бу давлатни тан олган. Шунинг учун айнан 681 йили Булғор (Болгар) шоҳлигининг вужудга келган йили деб ҳисобланади. Биринчи Булғор шоҳлигининг асосчиси Аспарух (643-701 йилларда яшаб ўтган) ҳисобланади. Аспарух Византия императори Константин IV билан болгарлар ва славянлар учун фойдали шартнома тузишга муваффақ бўлган. Ушбу шартномага мувофиқ Византия Болқон ярим оролининг катта бир қисмини бирлашган “варварлар”га, яъни булғорларга, беришга рози бўлган, Аспарух янги болгар-славян давлатининг бош князи деб тан олинган. Булғорлар славянлардан деҳқончилик, хунармандчиликни ўрганганлар, славян тили ва урф-одатларини қабул қилганлар. Ерли славян ва келгинди булғор зодагонлари битта ҳукмрон синф бўлиб қолганлар. Булғорлар 865 йили христиан динини қабул қилишган. Буюк Симеон ҳукмронлиги даври (883-927 йиллар)да кирол саройида славян адабий маркази ташкил этилган. Симеон ўлгандан кейин (927 йили) Биринчи Булғор подшолиги тушкунликка юз тутган. Византия таклифи билан Киев руси князи Святослав Биринчи Булғор подшолигига 970-971 йилларда ҳужумлар уюштирган. Святослав болгар феодалларини тор-мор этгандан кейин Византиянинг ўзига қарши ҳужум бошлаган. Лекин Византия ҳукмдори Иоанн Цимисхий Святослав кўшини ва унга қўшилиб Византияга қарши урушган

булғор кўшинларини мағлуб этган. Цимисхий Биринчи Булғор шоҳлигининг катта қисмини Византия таркибига кўшиб олган. Биринчи Болгар шоҳлигининг ғарбий қисмини эса зодагон Василий II га берган. Василий II “Болгоробойц” (“Булғоркесар”, “Булғорлар қотили”) лақабига эга бўлган. Бу лақабни у булғорларга қарши амалга оширган шафқатсизлиги учун олган. У 1014 йилда ўзи учун муваффақиятли тугаган жангдан кейин асирга олинган 15 минг булғорларнинг кўзларини ўйиб олишга буйруқ берган. Биринчи Булғор подшолиги 1018 йилда батамом тугатилган ва унинг худудлари Византия тасарруфига тушиб қолган.

Биринчи жаҳон уруши – 1914-1918 йилларда бўлиб ўтган уруш. Биринчи жаҳон уруши 4 йил, 3 ой ва 10 кун давом этган. Унда 38 давлат иштирок этган. Биринчи жаҳон урушида 1,5 млрд. киши қатнашган (бу ўша вақтда жаҳонда яшаётган аҳолининг 4 дан 3 қисмини ташкил этган), улардан 10 млн.дан ортиғи ҳалок бўлган, 20 млн.дан ортиғи эса яраланган. Биринчи жаҳон урушининг асосий сабаби ривожланган давлатларнинг ўзаро халқаро муносабатларининг бўҳрони, уларнинг тақсимланган дунё (мустамлакалар)ни қайтадан тақсимлаш иштиёқи бўлган. XIX аср охири-XX асрнинг бошларида Англия атрофида Франция ва Россия (кейинчалик Италия, Япония, АҚШ ва бошқа давлатлар)- Антанта ҳарбий блоки, Германия атрофида эса Австро-Венгрия, Туркия ва Болгария-Учлик иттифоқи ҳарбий блоки бирлашишган. 1916 йилдан бошлаб тез ғалабаларга ишониб урушга кирган деярли барча давлатларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб борган. Иқтисодий ва сиёсий аҳвол, айниқса, Россияда жуда оғир бўлган. 1917 йил февраль ойи охирларида Россияда буржуа-демократик инқилоби натижасида император Николай II тахтдан воз кечган ва Россияда монархия тузумига барҳам берилган. Шундан кейин Россияда иккиҳокимиятчилик: бир томондан, буржуа партиялари вакилларида иборат Муваққат ҳукумати, иккинчи томондан, ишчилар ва аскарлар депутатларининг Шўролар (Советы) ўрнатилган. 1917 йил 25 октябрида большевиклар партияси давлат тўнтаришини амалга ошириб, Россияда ҳокимиятни ўз қўлларига олишган. 1918 йил 3 мартда Россия Германия билан Брест-Литовскда сулҳ шартномасини имзолаган. Бу сулҳ шартномаси Россия учун шармандали ва оғир бўлган. Россиянинг Брест-Литовск сулҳ шартномасини имзолаб урушдан чиқиши Биринчи жаҳон урушида Антанта мавқеини заифлаштирган. Бундан фойдаланиб, Германия кўмондонлиги 1918 йил апрель ойида Антанта мамлакатларига қарши ҳужумга ўтишган. Дастлаб Германия баъзи муваффақиятларга эришган бўлса-да, кейинчалик унинг ҳолдан тойгани, иқтисодий захиралари етарли эмаслиги кўзга ташланган. Америка Қўшма Штатларининг 1917 йил апрель ойидан Антанта томонида урушга киргани Биринчи жаҳон урушининг Антанта учун зафарли яқунланишига асосий омил бўлган. 1918 йил август ойидан бошлаб Антанта барча фронтларда ҳужумга ўтган ва Германия ва унинг иттифокчилари бирин-кетин мағлубиятга учраганлар. Шунга қарамасдан 1918 йил 30 октябрида Германия ҳарбий эскадраси инглиз ҳарбий кемаларига ҳужум қилиш ҳақидаги буйруқни олишган. Германия флотининг хизматчилари бу буйруқнинг фойдасизлигини англаб, уни бажаришдан бош

тортганлар. 3 ноябрда Германиянинг Киль шаҳрида ҳарбийларининг намоишлари бошланган. Бу намоиш тезда инқилобга айланиб кетган. 9 ноябрда Берлин шаҳрида қўзғолон бошланган. Ўша куни Германия императори мамлакатни ташлаб, чет элга қочиб кетган. Германия республика деб эълон қилинган. 1918 йил 11 ноябрида Париж яқинидаги Компьен ўрмонида Европадаги Антанта қўшинларининг бош қўмондони француз маршали Фошнинг вагон-қароргоҳида Германия ҳайъати Германиянинг Биринчи жаҳон урушидаги мағлубияти ҳақидаги битимга имзо чекишган. Ушбу битимга кўра Германия ўз қўшинларини босиб олган худудлардан олиб чиқилиши, ҳарбий флотини иттифоқчилар портига қайтариши, Антанта давлатларига ўз қурол-яроғларини топширишлари лозим бўлган. Шу тариқа Биринчи жаҳон уруши тамом бўлган.

Биринчи инглиз-афғон уруши – 1838-1842 йилларда Англия ва Афғонистон ўртасида бўлиб ўтган уруш. Бу урушни Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш мақсадида бўлган Англия бошлаган ва мағлуб бўлган.

Биринчи Интернационал (Халқаро ишчилар иттифоқи) – 1864 йил 28 сентябрида Карл Маркс ва Фридрих Энгельс томонларидан ташкил этилган Европа мамлакатлари ишчилар партиялари иттифоқи.

Биринчи Пуни уруши – Рим ва Карфаген ўртасида мил. ав. 264–241 йилларда бўлиб ўтган уруш.

Биринчи Хань империяси (Ғарбий Хань империяси) – Мил. ав. 206 милодий - 25 йилларда ҳозирги Хитой худудида мавжуд бўлган давлат. Хитой тарихида “Биринчи Хань империя” (“Ғарбий Хань империя”)си (мил. ав. 206 йилдан милодий 25 йилгача) ва “Сўнгги Хань империя” (“Шарқий (Иккинчи) Хань империя”)си (25-220 йиллар) мавжуд бўлган. Бу империялар даврида товар-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдо ривожланган. Шарқий Туркистон орқали Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига бориладиган савдо йўли ҳисобланган Буюк ипак йўли ривожлантирилган. Биринчи Хань империясининг ҳукмдори У-ди (мил. ав. 140-87 йилларда яшаб ўтган) ҳукмронлиги даврида сайёҳ Чжан Цянь ғарбга борадиган йўллар ва давлатларни ўрганиш учун юборилган. Чжан Цянь Даван, Кангюй (Хоразм) ва Бактрия давлатларида бўлган, Парфия ва Ҳиндистон ҳақида кўплаб маълумотлар тўплаган. Ҳарбий юришлар натижасида Биринчи Хань империясининг худудлари жанубий, шимолий ва, айниқса, шимолий-ғарбий худудлар ҳисобидан кенгайган. У-дининг қўшинлари Даван мамлакатигача етиб борган. У-ди ҳукмронлиги даврида мамлакатда солиқлар ва мажбуриятларнинг миқдори бениҳоя катта бўлган. Жон солиғи ҳатто болалар ва кексаларга ҳам жорий этилган. Бу оммавий тарзда болалар ва қарияларни ўлдиришга олиб келган. Ван Ман ҳукмронлиги даври (9- 23 йиллар)да Биринчи Хань империясида камбағаллар қўзғолонлари бошланган. Энг кучли қўзғолон 18 йилда бўлиб ўтган. Бу қўзғолоннинг раҳбари Фань Чун бўлган. Фань Чун барча қўзғолончиларга ажратувчи белги сифатида ўз қошларини қизил рангга бўяшни буюрган. Шунинг учун бу қўзғолонларни “қизил қошлилар қўзғолонлари” деб аташган. 25 йилда қўзғолончилар Биринчи Хань империясига барҳам берганлар, ҳукмдор Ван Манни ўлдирганлар. Бироқ,

“қизил қошлилар кўзғолонлари” стихияли, режасиз бўлган. Шунинг учун улар ҳокимиятни ўз қўлларига киритолмаганлар. Вазиятдан фойдаланиб олдинги Хань сулоласи зодагонлари ўз ўрталаридан Лю Сюни император лавозимиغا кўтарганлар ва Сунгги (Шарқий, Иккинчи) Хань империясига асос солганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) – 1945 йилда жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган, барча миллатларнинг умумманфаатларини ифода этадиган, дунё давлатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг нуфузли халқаро ташкилот. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)ни тузиш тўғрисидаги фикрлар собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британия раҳбарларида 1942 йилда пайдо бўлган. 1943 йилда Москвада бўлиб ўтган собиқ СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой давлатлари ташқи ишлар вазирларининг қўшма кенгашида бу фикр аниқ айтилган. БМТнинг Низом (Устав)и ушбу тўрт давлат вакиллари томонидан 1944 йилда ишлаб чиқилган ва Қрим конференциясида маъқулланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йил 25 апрелида Америка Қўшма Штатларининг Сан-Франциско шаҳрида ташкил этилган. БМТнинг Низоми 1945 йил 26 июнида Сан-Франциско шаҳрида дастлаб 51 давлат вакиллари томонидан имзоланган. Ушбу Низом 1945 йил 24 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан ратификация қилинган ва кучга кирган. БМТнинг асосий мақсади ҳақида унинг Низомида қуйидагича ёзилган: “Келажак авлодларни ҳаётимиз давомида инсониятнинг бошига икки марта мислсиз қайғу солган уруш фалокатларидан ҳалос этиш”. Ҳозирда БМТнинг қароргоҳи Нью-Йорк шаҳри (Америка Қўшма Штатлари)да жойлашган. Женева шаҳри (Швейцария)да эса БМТнинг Европа бўлими жойлашган. БМТнинг Устави бўйича давлатлар ўз фаолиятларида давлатларнинг куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатларнинг суверен тенглигини эътироф этиш, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш каби талаб (принциплар)ларга амал қилишлари шарт. БМТнинг асосий органлари Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан 1946 йилда болалар ҳуқуқлари муҳофазаси ва уларнинг ҳаёт даражасини яхшиланишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган жамғарма. Ушбу жамғарма 1989 йилда БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватлаган Болалар ҳуқуқи ҳақидаги конвенциянинг тўлиқ амалга оширилишига интилади. ЮНИСЕФ 1965 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган. Юнисеф 36 кишидан иборат ижроия кенгаш томонидан бошқарилади. ЮНИСЕФ таркибида олти мингдан ортиқ ходим турли мамлакатларда ишлайди. ЮНИСЕФнинг бош қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Копенгаген, Флоренция, Женева шаҳарларида ЮНИСЕФнинг ҳудудий бўлимлари мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош маслаҳат органи. Унга барча БМТга аъзо давлатлар киради. БМТнинг Бош Ассамблеяси қуйидаги вазифаларни бажаради: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича барча масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш, БМТнинг бош котибини тайинлаш, БМТга янги аъзоларни қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш. Бош Ассамблея аъзолари оддий сессияларига ҳар йили сентябрь ўрталаридан то декабрь ўрталаригача йиғиладилар. Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиялари ҳам чақирилиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий-ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)нинг ёрдамчи органи. 1946 йил февраль ойида тузилган. Комиссиянинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қўпол ва оммавий равишда бузилишига қарши курашишдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Олий комиссари – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котибига бўйсунадиган ва унинг фаолияти инсонларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат бўлган масъул лавозим. Олий комиссар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 4 йил муддатга тайинланади ва лавозимига кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби ўринбосари ҳисобланади. Штаб-квартираси Женева шаҳри (Швейцария)да жойлашган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилоти. 1946 йилда ташкил этилган. ЮНЕСКОнинг асосий мақсади маориф, фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, маданий ва илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек, таълим масаласида турли чеклаш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳамда миллий маданиятни ҳимоя қилиш ва ҳоказолардан иборат. Ташкилотнинг олий органи-унинг ҳар икки йилда чақириладиган Бош конференцияси ҳисобланади. Конференцияда қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини Бош конференцияда сайланган 58 аъзодан иборат Ижроия кенгаши назорат қилади. ЮНЕСКОнинг штаб-квартираси Париж шаҳрида жойлашган. ЮНЕСКО ташкил топгандан буён 190 га яқин давлат унга аъзо бўлган. Ўзбекистон Республикаси бу нуфузли ташкилотга 1993 йил 26 октябрда аъзоликка қабул қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро терроризм бўйича махсус қўмитаси – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи. 1972 йилда тузилган. Таркибига 40 га яқин давлатлар киради. Махсус қўмита “халқаро терроризм” тушунчасини аниқлаш, бу ҳодисанинг асосий сабабларини ўрганиш ва унга қарши курашишда аниқ тавсия ҳамда амалий чоралар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ЮНИТАР) – Ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ва унинг мухтор муассасаси сифатида 1965 йилда тузилган. Институт фаолияти Женевада жойлашган бош қароргоҳ ҳамда Нью-Йоркдаги маъмурияти томонидан бошқарилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳарбий кузатувчилари миссияси – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можаролар мавжуд ёки келиб чиқиши эҳтимоли бўлган ҳудудларда низолашаётган давлатлар ёки кучлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва келишилган шартларнинг бажарилишини текшириш ҳамда назорат қилишга қаратилган миссияси.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши – БМТнинг асосий органларидан бири. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига 15 та давлат аъзодир. Улардан бешта давлат – АҚШ, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Франция ва Хитой-Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Қолган 10 давлат Хавфсизлик Кенгашининг вақтинчалик аъзоларидир. Улар икки йил муддатга сайланадилар. Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари кўпчилик 9 овоз билан қабул қилинади, аммо доимий аъзолардан ҳар бири вето ҳуқуқига эга. Хавфсизлик Кенгашининг асосий вазифаси халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашдир. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашига мамлакатлар томонидан қуролли кучлардан фойдаланиш, ҳарбий операциялар ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

“Бирлик” халқ ҳаракати – 1989 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки норасмий ҳаракат. Ушбу ҳаракат дастлабки пайтларда халқнинг маънавий қадриятларини тиклаш, Орол фожиасининг олдини олиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиш каби долзарб масалаларни кўтарган. Бироқ, у ғоявий, сиёсий, ташкилий жиҳатдан етарли даражада уюшмаган. “Бирлик” халқ ҳаракати раҳбарлари мамлакат манфаатларидан келиб чиқадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва аниқ мақсадларни амалга ошириш йўлида сиёсий кураш олиб бориш ўрнига, намойишлар ва митинглар уюштириш, кўча ва майдонларда тўпланган оломон эҳтиросларини қўзғатиш билан шуғулланиб, ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Оқибатда “Бирлик” бўлиниб кетган.

Бирук – Қорахонийлар даврида даргоҳда фаолият юритган мансаблардан бири. Бирук саройдаги меҳмонларни қабул қилиш, уларга керакли хизматларни ташкил этиш ва уларни ҳукмдор олдида тартиб билан ўз ўрнига ўтқозиш каби вазифаларни бажарган.

Бисмарк, Отто – 1815-1898 йилларда яшаб ўтган. Германия давлат арбоби. Германия империясининг биринчи рейхканцлери. Бисмарк катта ер эгаси бўлган, кўп йиллар Европа мамлакатлари сафоратхоналарида ишлаган. 1862 йили Пруссия қироли Вильгельм I Бисмаркни биринчи вазир (министр-президент) лавозимига тайинлаган. Бисмарк ўз лавозимидан фойдаланиб, барча немис давлатларини Пруссия атрофида бирлаштириш сиёсатини амалга оширишни бошлаган. Бисмарк бу йўлда дипломатик усуллар, олим ва

файласуфлар фикрларини тан олмаган, у фақат қурол кучига ишонган. 1866 йилда немис давлатлари ичида гегемон бўлиш масаласида Пруссия ва Австрия ўртасида уруш бошланган. Бу урушда Австрия мағлуб бўлган. Шундан кейин Австрия раҳбарлигида 39 немис давлатларидан иборат бўлган Германия иттифоқи тарқатиб юборилган. Унинг ўрнига Пруссия раҳбарлигидаги 22 немис давлатларидан иборат Шимолий Германия иттифоқи ташкил этилган. 1870 йилда Пруссия билан ўша вақтда Европада гегемон макеига эга бўлган Франция ўрталарида уруш бўлиб ўтган. Бу урушда Франция мағлуб бўлган. Пруссиянинг бу ғалабаси Германиянинг бирлашувига замин яратган. 1871 йили Версаль қасрининг залларидан бирида тантанали тарзда Германиянинг Пруссия атрофида бирлашгани ҳақида эълон қилинган. Пруссия қироли Вильгельм I бу тантаналарда қатнашаётган немис монархлари олдида бирлашган Германиянинг император (кайзер)и деб эълон қилинган. 1871 йилда умумгерман Конституцияси қабул қилинган. Германия империяси иттифоқ давлат деб эълон қилинган, унда Пруссиянинг гегемонлиги тан олинган. Пруссия қироли Вильгельм I янги тузилган Германия империясининг императори, Бисмарк эса унинг канцлери (Иттифоқ Шўросининг бошлиғи) бўлган. Бисмарк бирлашган Германия ҳаётининг барча соҳаларини Пруссиягидек қилишга уринган. 1888 йилда Германия императори Вильгельм I вафот этган. Ундан кейин императорлик лавозимини Вильгельм II (1888-1918 йилларда хукмронлик қилган) эгаллаган. Янги, ёш императорнинг Бисмарк билан муносабатлари ёмонлашган. 1890 йилда Германияда Бисмарк истеъфога чиқишга мажбур бўлган.

Бистагоний – Салжуқийлар даврида аскарлар оладиган ойлик маошнинг номланиши.

Битик – Қадимги туркий тилларда қалам билан битилган ёзувлар. Араблар истилосидан сўнг “битик” сўзи ўрнига “хат”, “мактуб” каби сўзлар ишлата бошланган.

Битикчи – Ўрта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб боровчи мансабдор. Кейинчалик “мунший”, “котиб”, “мирзо” сўзлари битикчи маъносида ишлатилган.

Битим – Ўзаро келишув, шартнома.

Бихевиоризм – Ҳайвонлар ҳатти-ҳаракатини ўрганишдан олинган маълумотларни инсонни тадқиқ этиш ва фаолиятини бошқариш соҳасида қўллашга таянадиган психология фанининг илмий йўналиши.

Биҳишт – *Қар.: Жаннат.*

Бланкизм – XIX асрда Европада пайдо бўлган сиёсий оқим. Бланкистлар синфий курашни инкор этадилар. Уларнинг фикрича, инсоният қулликдан пролетариатнинг синфий кураши орқали эмас, балки озчиликни ташкил этган интеллигентлар гуруҳининг фитна уюштириши йўли билан қутулади.

Блиндаж – Бомба, тўп ўқи ҳамда минадан сақланиш учун қурилган мустаҳкам ертўла (ҳарбий истеҳком).

Блицкриг (Яшин тезлигидаги уруш) – Германия ҳарбий раҳбарияти томонидан XX аср бошида тузилган тез фурсатда тугайдиган уруш олиб бориш назарияси. Альфред фон Шлиффен томонидан асос солинган. Германия

бош штабининг биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида яшин тезлигида муваффақиятларга эришиш режалари барбод бўлган.

Блок – Давлатлар, сиёсий партиялар, ташкилотларнинг бирор бир умумий мақсад (сиёсий, ҳарбий ва ҳ.к.)ни амалга оширишни кўзда тутиб, биргаликда ҳаракат қилиш учун тузган иттифоқи, мас., сиёсий блок, ҳарбий блок.

Блокада – Бирор давлатни ёки унинг айрим қисмини ҳарбий, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан яққалаб, ажратиб қўйиш ёки қамал қилиш.

Боб – 1. Китоб, асар, мақола ва шу кабиларнинг бир қисми. 2. Араб тилида эшик, дарвоза. 3. XIX асрнинг ўрталарида Эронда бўлиб ўтган “Бобийлар кўзғолонлари”нинг етакчиси Али Муҳаммаднинг лақаби.

Бобийлар кўзғолонлари – 1848-1852 йилларда Эронда шоҳ маъмурлари ва феодаллар зулмига қарши бўлиб ўтган кўзғолонлар. Бу кўзғолонларни бобийлар диний ҳаракат раҳбарлари остида ўтганлиги учун тарихда “бобийлар кўзғолонлари” деб аташади. 1844 йили бобийлик ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган Саид Али Муҳаммад (1820-1850 йиллар) ўзини Боб деб эълон қилган. У Маҳдийнинг хоҳиш-иродаси, йўл-йўриқлари халққа мен орқали етиб боради, деб даъво қилган. Боб халоскор Маҳдийнинг ерга келиши яқинлашган, деб таъкидлаган, янги дин асосида тенглик ва тенгҳуқуқлик ҳукм сурадиган муқаддас бобийлар давлатини таъсис этишни таклиф этган. 1847 йилда Боб шоҳ маъмурлари томонидан қамокқа олинган. Қамокда Боб “Баён” (тушунтириш, ёритиб бериш, таърифлаш) асарини ёзган. Унда Боб бобийлар ҳаракатининг асосий ғояларини ёритиб берган. Биринчи бобийлар кўзғолони 1848 йил сентябрь ойида Мозандаронда бўлиб ўтган. Кўзғолончилар Эрондаги мавжуд тузумни афдариб, “абадий бахтли ҳаёт” тузишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Кўзғолон иштирокчилари асосан деҳқонлар, ҳунармандлар, шаҳар камбағаллари ва кичик савдогарлардан иборат бўлган. Мозандарондаги бобийлар кўзғолони шоҳ кўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилган. Бобийларнинг иккинчи кўзғолони 1850 йил май ойида Занжон шаҳрида бошланиб, бошқа вилоятларга ҳам тарқалган. Бундан ваҳимага тушган шоҳ маъмурлари 1850 йил июль ойида зиндонда бўлган Бобни суд қилиб, ўлимга маҳкум этишган. Боб қатл этилгандан кейин 1850 йил охирида бобийларнинг Занжон шаҳридаги кўзғолони ҳам бостирилган. 1850 йилда Эроннинг Найриз шаҳрида ҳам бобийлар кўзғолони бўлиб ўтган, лекин у бир неча кун ичида шоҳ кўшинлари томонидан бостирилган. Шундан сўнг Эронда бобийлар ҳаракати заифлаша борган. 1852 йилда бобийлар Эрон шоҳига қарши суиқасд уюштирганлар, лекин шоҳ омон қолган. Шундан сўнг шоҳ кўшинлари бобийларга қарши курашни кучайтириб, уларни тўла тор-мор этишган. Қутулиб қолган бобийлик тарафдорлари яширин фаолиятга ўтишган ёки Эронни тарк этишган.

Бобийлик – Бобийлик Ислом дини шиа йўналиши негизда вужудга келган диний ҳаракат (оқим). Шиа мазҳаби таълимотига кўра, охириги имом бўлган Имом Маҳдий ўлмаган, у самога кўтарилган ва замон охир бўлганда ерга қайтиб келади ва адолатли тузум ўрнатади. XIX аср бошларидан бошлаб Эронда бир маҳдийлик гуруҳи фаолият кўрсата бошлаган. Гуруҳ аъзолари Имом Маҳдий ерга тушишидан олдин ерда бир одам пайдо бўлади, Имом

Маҳдий шу одам орқали ўз хоҳиш-иродаларини инсонларга етказди, деб тарғиб қила бошлаганлар. Уларнинг фикрича, бу одам Маҳдий ва инсонлар ўртасида эшик (арабча “боб”) ролини ижро этади. “Боб” сўзини бу гуруҳ аъзолари “ҳақиқат ва адолат йўлига олиб борувчи эшик” маъноларида талқин қилишган. Шунинг учун бу ҳаракат “бобийлик” деб аталган.

Бобил асирлиги – Мил. ав. 586 йилда Бобил шоҳи Навуходоносор II томонидан Қуддус шаҳри вайронага айлантирилгани, яҳудийларнинг катта қисми асир қилиб Бобилга олиб кетилганини ифода этувчи ибора.

Бобил (Вавилон) давлати – Месопотамияда мил. ав. 1894-1518 ва мил. ав. 626- 538 йилларда мавжуд бўлган давлат. Бобил давлати Месопотамиянинг жанубий қисмида (ҳозирги Ироқ Республикасининг Хилда шаҳри ҳудудида) мавжуд бўлган. Бобил шаҳрининг ўзи мил. ав. XXI аср охирида барпо этилган ва у кейинчалик Бобил далатининг пойтахти бўлган. Бобил давлати тарихида “Биринчи Бобил шоҳлиги” (мил. ав. 1894-1518 йиллар) ва “Янги Бобил шоҳлиги” ёки “Бобил шоҳлигининг Халдей даври” (мил. ав. 626-538 йиллар) деб номланган даврлар бўлган.

Бобил осма боғлари – *Қар.: Семирамида (Бобил) осма боғлари.*

Бобил шоҳлигининг халдей даври – *Қар.: Янги Бобил подшолиги.*

Бобур, Заҳириддин Муҳаммад – 1482-1530 йилларда яшаб ўтган ўзбек халқининг йирик мутафаккири, темурий шоҳзода, бобурийлар сулоласининг асосчиси, ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили, тарихчи олим, шоир ва таржимон. 1483 йилда Андижонда туғилган. Унинг тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо бўлиб, “Бобур” (маъноси: довюрак, жасур) унинг тахаллусидир. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими бўлган. Бобур ёшлигида барча темурий шаҳзодалар каби замонасининг йирик олимларидан тарбия олган. 1494 йилда Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо 39 ёшида бевақт вафот этган ва 12 ёшли Бобур Фарғона вилояти тахтига ўтирган. Бобур ўз олдида Амир Темур салтанатини қайта тиклаш мақсадини қўйган. 1497 йилда Бобур катта қўшин билан Самарқандни шайбонийлардан тортиб олиш мақсадида ҳарбий юришни амалга оширган. Етти ойлик қамалдан кейин у шаҳарни эгаллаган. Самарқандда уч ой ҳукмрон бўлгандан кейин Андижонда ўзига қарши кўтарилган кўзғолонни бостириш учун Андижонга қайтишга мажбур бўлган. Бобур Хўжандда ўрнашиб, бир ярим йилдан сўнг Андижонда ўз ҳокимиятини тиклашга муваффақ бўлган. 1499 йилда Муҳаммад Шайбоний Самарқанд тахтини эгаллаб, у ерда темурийлар ҳукмронлигига барҳам берган. Бундан хабар топган Бобур Самарқанд шаҳри томон юриш бошлаган. Бобур Самарқандгага тўсатдан ҳужум қилиб, уни ишғол этган. 1501 йил баҳорида Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Кўҳак (ҳозирги Зарафшон) дарёси соҳилларида Бобур ва Муҳаммад Шайбоний қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган. Бу жангда Бобур қўшинлари мағлубиятга учраган. Бобур омон қолган қўшинлари билан Самарқандга чекинишга мажбур бўлган. Шайбоний қўшинлари эса шаҳарни қамал қилишган. Бобурнинг Самарқанддаги мавқеи заифлашган. Самарқанд тахтини сақлаб қолишга кўзи етмаган Бобур 1504 йилда 300 га яқин оила аъзолари, яқинлари ва навкарлари билан Афғонистон

сари йўл олган. Ўша вақтда Афғонистонда мавжуд бўлган ички низолардан фойдаланиб, Бобур Ғазни ва Қобул шаҳарларини қўлга киритган ва уларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. 1511 йилда Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий қўшинлари ёрдамида Бобур Ҳисор, Самарканд ва Бухорони қўлга киритишга муваффақ бўлган. Лекин маҳаллий халқ Бобурнинг ислом динининг шиа мазҳабидаги эронийлар билан иттифоқ тузгани учун ундан норози бўлишган ва уни қўллаб-қувватлашмаган. 1513 йилда Бобур Мовароуннаҳрда шайбонийлардан яна бир маротаба мағлуб бўлгандан кейин Қобулга қайтишга мажбур бўлган ва шундан сўнг шайбонийлар билан кураш олиб бориш ниятидан бутунлай воз кечган. 1519 йилдан бошлаб Бобур Ҳиндистонга бир неча маротаба ҳарбий юришлар уюштирган. Ниҳоят, 1526 йили Деҳли шаҳридан тахминан 100 км. шимолда жойлашган ялангликда бўлиб ўтган жангда Бобур Деҳли султони Иброҳим Лудий қўшинларини тор-мор этган. Бу жангда Бобур лашкарлари 12 мингтани, Иброҳим Лудий лашкарлари эса 100 мингтани ташкил этган. Шунга қарамай бу жангда Иброҳим Лудий ва тахминан 50 минг ҳинд жангчиси ҳалок бўлган. Бобур Деҳли ва Аграни эгаллаб шимолий Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанатига асос солган. Бу давлат 1526 йилдан 1858 йилгача (жами 332 йил) мавжуд бўлган. Ҳиндистон бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган, у ерда жаҳонга машҳур иншоотлар қурилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳонга машҳур “Бобурнома” асарининг муаллифидир. 1530 йил декабрь ойида Бобур 47 ёшида Агра шаҳрида вафот этган. Кейинчалик 1539 йилда, Бобурнинг васиятига мувофиқ унинг хоки Аградан Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган “Боғи Бобур” боғига дафн этилган.

Бобурийлар – Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача ҳукмронлик қилган сулола.

Бовур (Бовурчи) – Ўрта асрларда Ўрта Осиёда подшоҳ ва хонларнинг хусусий ошпази.

Богол – Қадимги мўғул жамиятида уй юмушларини бажарадиган кул.

Бода – Май, ичкилик, шароб.

Бодия – Саҳро, биёбон, чўл.

Бож – 1. Бозорларда савдогарлардан олинадиган махсус тўлов. 2. Араблар салтанати даврида шаҳарликлардан ундириладиган солиқ. 3. Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтадиган карвонлардан олинадиган солиқ.

Божхона – Бож олинадиган жой ёки идора.

Бозаргон (Бозургон) – Ўрта асрларда вилоят, мамлакатлараро юриб савдо қилувчи шахс, савдогар. Бозаргонлар олди-сотди ишларидан ташқари айғоқчилик ҳам қилиб, борган мамлакатларининг иқтисодий аҳволи, ҳарбий қудрати ҳақида маълумот тўплашган.

Бозор – Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ва истеъмолчилар (харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар йиғиндиси, ушбу жараён амалга ошадиган жой.

Бозор ислохотлари – Бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Бозор иқтисодиёти – Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган иқтисодий тизим. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим умумий белгилари қуйидагилардан иборат: мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, тадбиркорлик ва танлов эркинлиги, рақобат кураши ва муҳитининг мавжудлиги, юқори фойда ва нафга интилиш иқтисодий фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи экани, эркин бозор нархларининг талаб ва таклиф, рақобат асосида вужудга келиши, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги.

Бозор иқтисодиётига ўтиш – Бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар. Бозор иқтисодиётига инқилобий (революцион) ёки тадрижий (эволюцион) йўл билан ўтиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг инқилобий (революцион) йўли – Бозор иқтисодиётига ўтишнинг инқилобий йўли туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирданига ва батамом синдириш, тугатиш асосида замонавий бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо этиб, “фалаж даволаш” усули (“шоковая терапия”) деб аталади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бундай жадал ўзгаришлар аҳолининг кенг қатламлари турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига, кишиларнинг тушкун ҳолатга тушиб қолишларига, ишсизлик, камбағаллик ва қашшоқликнинг кучайишига олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий (эволюцион, босқичма-босқич) йўли – Бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўли эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантириш орқали замонавий бозор иқтисодиётига ижтимоий ларзаларсиз, аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетишининг олдини олган ҳолда ўтишни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси замонавий, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл орқали ўтиш моделини танлаган.

Бой – 1. Бадавлат, давлатманд. 2. Ҳурмат юзасидан киши номига қўшиб ишлатиладиган сўз, мас., Юсуфбой, Салимбой.

Бойкот – Айрим шахс, ташкилот ёки давлат билан барча алоқаларни бутунлай ёки қисман тўхтатиш, улардан маълум молларни сотиб олмай қўйиш, сайловларда қатнашишдан бош тортиш, ишчиларнинг ишга чиқишдан бош тортишини англатадиган сўз. Бу усуллар инсоният тарихида илк бор 1880 йил ирланд ижарачилари томонидан уларнинг хўжайини, англиялик Бойкот фамилияли кимсага қарши қўлланилган.

Бойқаро, Ҳусайн – 1438-1506 йилларда яшаб ўтган темурий шаҳзода. Амир Темур ўғли Умаршайхнинг эвараси. 1469-1506 йилларда Хуросон ҳукмдори бўлган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик даврида Хуросонда маданий-маърифий ва ободончилик ишлари, ҳунармандчилик ривожланган, иқтисодий ҳаёт, савдо-сотик юксалган, кўплаб иншоотлар қурилган, каналлар қазилган, боғлар барпо этилган. Ҳусайн Бойқаро “Ҳусайний” тахаллуси билан эски ўзбек тилида шеърлар ёзган, Ҳиротда шеърият мажлисларини уюштирган. Ундан бизгача шеърлар девони ва Алишер Навоийга бағишланган “Рисола”

асари етиб келган. Хусайн Бойқаро юрак хасталигидан 1506 йилда вафот этган ва Ҳиротда ўзи курдирган мадраса ичида дафн этилган.

Бокира – Ифбатли, эр кўрмаган.

Боккаччо, Жованни – 1313- 375 йилларда яшаб ўтган италян адиби.

“Боксчилар” – *Қар.:* “Ихэтуань” ташиклоти.

Болболлар – *Қар.:* Тош маъбудлар.

Боливар, Симон – 1783-1830 йилларда яшаб ўтган Жанубий Америка халқларининг машҳур қаҳрамони. У Венесуэлада бой креола оиласида туғилган. Креолалар жанубий Америкага энг аввал келиб қолган испанлар бўлишган. Симон Боливар яхши таълим олган, кўплаб Европа мамлакатларида саёҳат қилган. У Венесуэлада таркибида испан-креолалар, ҳиндулар ва негрлардан иборат бўлган озодлик армиясини тузган. 1819 йилда Венесуэла мустақилликка эришган. Шундан сўнг Симон Боливар ўз армияси билан ҳозирги Колумбия, Панама (олдинги Янги Гренада), Эквадор (олдинги Кито вилояти) ҳудудларини ҳам испан мустамлакачиларидан озод этган. Симон Боливар ҳозирги Венесуэла, Колумбия, Панама ва Эквадор давлатлари ҳудудида Буюк Колумбия республикасини барпо этган. У 1819-1830 йилларда шу республиканинг президенти бўлган. Боливар барча испан зулмидан озод бўлган жанубий Америка давлатларини бирлаштиришни орзу қилган. 1825 йилда Перунинг жанубий-шарқий қисмида янги давлат пайдо бўлган. Бу давлатни Боливар шарафига “Боливия” деб аташган. Боливар халқ ичида “Халоскор” (“Освободитель”) номи билан машҳур бўлган.

Болотников кўзғолони – 1606-1607 йилларда Русь ерларида крепостнойлик тузумига қарши бўлиб ўтган кўзғолон. Бу кўзғолонга Иван Исаевич Болотников раҳбарлик қилган. Болотников асли бир бояр хизматкори бўлган. У боярдан қутулиш учун казаклар томонига қочиб кетган. Татарлар уни тутиб олиб, туркларга кул сифатида сотишган. Турклар ҳарбий кемасида у эшкакчилик қилган. Болотников кулликдан қочишга муваффақ бўлиб, Россияга қайтган ва деҳқонлар кўзғолонларига раҳбарлик қилган. 1606 йил июль ойида Россиянинг жанубий-ғарбий қисмида бошланган Болотников кўзғолонига Россиянинг Лжедмитрий I га содиқ кучлари келиб қўшилишган. Октябрь ойида кўзғолончилар жанглари билан Москва остонасигача етиб келишган ва уни икки ой давомида қамал қилишган. Болотников раҳбарлигидаги кўзғолон Русь ерларининг 70 дан ортиқ шаҳарларига ёйилган. 1607 йил январь ойида кўзғолончиларга қарши қурашаётган қўшинларга шахсан Василий IV Шуйский раҳбарлик қила бошлаган. 1606 йил 2 декабрида бўлиб ўтган жангда 150 минглик шоҳ қўшинлари кўзғолончилар устидан ғалаба қозонишган. Кўзғолончилар дастлаб Калуга, кейинчалик Тула томон чекинганлар. 1607 йил кузагача кўзғолончилар қурашни давом эттирганлар. Ўша йилнинг октябрь ойида Болотников кўзғолони бостирилган. Таслим бўлган кўзғолончиларнинг барчаси қатл этилган. Болотников асирга олинган. У Каргополь шаҳрига сургун қилинган. 1607 йилда эса иккала кўзи ўйиб олинган ва сувга чўктирилган.

Большевизм – Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП)да вужудга келган икки оқимнинг бири. “Большевизм” тушунчаси РСДРП

иккинчи съездида (1903 йили) Ленин тарафдорлари партия раҳбар органларига сайловларда кўпчилик овоз олганидан сўнг юзага келган. Большевиклар меньшевикларга қарама-қарши социализм ва коммунизм қуриш жараёнида социалистик инқилобнинг амалга ошириш зарурлигини, пролетар диктатурасини ўрнатишни, жамиятда ишчиларнинг гегемонлигини эътироф этишган. *Яна қар.: меньшевизм.*

Бомарше, Пьер – 1732-1788 йилларда яшаб ўтган француз драматурги. Машхур комедиялари “Севиля сартароши” (“Севильский цирюльник”) ва “Фигаронинг уйланиши”.

Бомдод – 1. Эрта тонг, саҳар. 2. Эрта билан кун чикмасдан мусулмонлар томонидан ўқиладиган биринчи тонгги намоз.

Бонапарт, Люсвена – Наполеон I Бонапартнинг акаси.

Бонза – Япония ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида ибодатхоналардаги бош руҳоний номи. Европада буддизмнинг барча монахларини “бонза” деб аташади.

Бонистика – Ёрдамчи тарих соҳаси. Бонистика муомаладан чиққан қоғоз пулларни жамиятнинг иқтисодий ҳамда сиёсий тарихи манбаси сифатида ўрганadi. Мазмун жиҳатидан нумизматика фанига яқин туради.

Бону – 1. Юқори табақаларга, зодагонларга мансуб аёллар унвони. 2. Ҳурмат юзасидан хотин-қизлар исмига кўшиб ишлатиладиган сўз, мас., Мадинабону, Нигорабону.

Бора – Қалъа деворининг ўқ отиш учун махсус мустаҳкамланган жойи.

Боргоҳ – Подшоҳ ёки хоннинг қабулхонаси.

Борей – Қадимги Юнонистонда шимолий шамол худоси. Зефира, Эвра ва Нота шамоллари иниси. Унинг яшаш жойини Фракия деб билишган.

Борлик – Олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фалсафий категория. Материалистик дунёқараш тарафдорлари “борлик” тушунчасини моддийлик билан айнийлаштириб ва мутлақлаштириб, “онг” тушунчасига қарама-қарши қўйишади. Янги замон фалсафасида борлиқнинг тўрт шакли фарқланади: табиий борлик, ижтимоий борлик, маънавий борлик ва инсон борлиғи. “Борлик”нинг муқобили “йўқлик”.

Борнс, Александр – 1837 йил декабрь ойида Афғонистонга Англия томонидан юборилган сафратнинг раҳбари.

“Бородино жанги” – 1812-1814 йиллардаги Франция-Россия урушининг асосий жангларидан бири. Бу жанг 1812 йил 26 августида Москванинг 124 км. ғарбида жойлашган Бородино қишлоғи яқинида бўлиб ўтган.

Боруд (Борут) – Ўқотар қуроллар доруси, порох.

Босмахона – Китоб, газета ва бошқа нашрларни босиб чиқарадиган корхона, матбаа.

“Босмачилик” – Ўрта Осиёда совет ҳукуматига қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган қуролли ҳаракатга совет ҳукумати томонидан берилган ном (“басмачество”). 1918 йил бошидан 1919 йил ўрталаригача бўлган архив ҳужжатларида “босмачи” сўзи учрамасдан, унинг ўрнига “қароқчи”, “босқинчи” сўзлари қўлланилган. 1919 йил ўрталаридан бошлаб

аввал вақтли матбуотда, сўнгра расмий ҳужжатларда “босмачи” ва “босмачилик” сўзлари кенг ишлатилган.

Босқоқ – Мўғул хонлари томонидан босиб олинган мамлакатларга маҳаллий ҳокимлар фаолиятини кузатиб бориш учун юбориладиган махсус мансабдор. Босқоқлар аҳоли ҳисобини олиш, ўлпон ва солиқ йиғиш билан ҳам шуғуллаганлар.

Ботин – Муайян нарса, воқеа-ходиса, жараённинг ички мазмун-моҳияти. Ботин зоҳирнинг зидди, аксидир. Ботин зоҳир каби Аллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, ушбу маънода у барча сиру асрор ва яширин нарсаларнинг билгувчиси, ҳеч кўз уни кўришга ва ҳеч қандай ваҳму хаёл уни қамраб олишга қодир эмас. Илоҳий сиру асрордан воқиф бўлган кишиларни тасаввуфда “ботин аҳли” деб аташган.

Ботир – Довюррак, кўркмас, жасур.

Ботмон – 1. Мовароуннаҳр ва Хуросонда оғирлик ўлчови бирлиги. Ботмоннинг оғирлиги турли жойларда турлича бўлган. Масалан, Мовароуннаҳрда бир ботмон икки пуд, яъни 32 кг.га, бошқа жойларда 898,5 г га тенг бўлган. 2. Ўтмишда тахм. бир гектарга тенг сатҳ ўлчов бирлиги.

Ботурбоши (Баҳодурбоши) – Кўкон хонлигида шаҳар ҳокими қарамоғидаги қўшин бошлиғи.

Ботухон (Боту) – 1208-1255 йилларда яшаб ўтган Мўғул хони. Чингизхоннинг набираси, Жўжихоннинг иккинчи ўғли. Мўғуллар давлатининг улуғ қоони Ўқтойхон 1235 йилда Ботухонни Волга дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган ерларни босиб олиш учун юборган. Ўқтойхон Ботухонга ўндан ортиқ мўғул хонларининг қўшинлари ҳамда йирик саркарда Субутой баҳодирни маслаҳатчи сифатида юборган. Рус ерларида Ботухонни “Батый” деб аташган. Ботухон 1236-1237 йилларда Ботухон бошчилигидаги муғул-татар қўшинлари шимолий-шарқий Русь ерларида жойлашган Рязань, Коломна, Москва, Владимир, Суздаль, Ярославль, Тверь, Кострома, Ростов, Углич ва бошқа йирик шаҳарларини забт этиб, уларни талон-торож этган. Муғуллар истилоси натижасида Руснинг кўплаб шаҳарлари вайронага айлантирилган, минглаб аҳолий ўлдирилган, маданий бойликлар ва обидалар нобуд қилинган. Муғуллар истилоси Русь ерларининг иқтисодий тараққиётига ҳам салбий таъсир ўтказган. XIII аср ўрталаридан бошлаб рус князлари Олтин Ўрдага қарам бўлишган ва катта миқдорда ўлпон (солиқ) тўлашган. 1240-1241 йилларда Ботухоннинг қўшинлари Киев, Галич ва бошқа шаҳарларни босиб олгандан кейин, Карпат тоғларидан ошиб Венгриянинг 60 минглик қўшинини тор-мор этган. Ундан кейин Польша ҳудудига бостириб кириб, бирлашган поляк ва немис қўшинларини мағлуб этган. Мўғул қўшинлари Чехия, Австрия, Хорватия, Боснияни ҳам ўзиларига бўйсундиришган. Ботухон Дунай дарёсидан Иртиш дарёсигача бўлган улкан ҳудудда Олтин Ўрда давлатини барпо этган. У қуйи Волга бўйида улкан қароргоҳ бунёд этган. Кейинчалик Астрахон (Аштархон) яқинида Олтин Ўрданинг пойтахт шаҳри Сарой Ботуни қурдирган. Ботухон Олтин Ўрдада савдо-сотик ва ҳунармандчиликни ривожланишига эътибор қаратган. XIV аср бошларидан бошлаб Олтин

Ўрданинг пойтахти Янги Сарой шаҳри бўлган. Янги Сарой шаҳри Сарой Боту шахридан шимолроқда жойлашган бўлган.

Бошибузуклар – Туркларнинг номунтазам пиёда ҳарбий бўлинмалари номи. Усмонли турк империяси ҳудудидаги жанговар қабилалар: черкеслар, албанлар, курдлар ва бошқалардан ёллаб олинган. Бошибузуклар ўта довжурак бўлганлар. Ҳукумат уларни қурол-яроғ, озиқ-овқат билан таъминлаган, лекин маош бермаган.

Бошқарув маданияти – Бошқарув ва раҳбарлик соҳасида муайян мақсадга эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнида намоён бўлиши.

Бошқарув маънавияти – Маънавият тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти ва бошқа соҳаларда бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлиши.

Боязид Бистомий – 961 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) султон ул-орифин-орифлар султони унвони билан машҳур тасаввуф шайхи, тайфурия тариқатининг асосчиси, олим, шоир.

Боязид I Йилдирим – Усмонли турк империясининг султони (1389-1402 йиллар). 1359-1403 йилларда яшаб ўтган. Туркия султони Мурод I нинг тўнғич фарзанди. Ўз ҳукмронлиги даврида Боязид I Йилдирим (шиддатли) Дунай дарёси соҳилларида жойлашган давлатларни ўзига бўйсундирган. У 1389 йилда Болгариянинг Никополь шаҳри остоналарида француз, италян, инглиз, испан, чехлардан ташкил топган 60 мингли сайланма салибчи рицарларни мағлубиятга учратган. Боязид I нинг фармони билан Никополь жангида асир тушган 3 минг салибчи рицарлар қатл этилган. Ушбу ғалабадан кейин туркларнинг Европадаги мавқеи янада мустаҳкамланган. Боязид I ўша йили Византия пойтахти Константинополни ҳам қамал қилган. Византиянинг аҳволи аянчли бўлган. Амир Темурнинг 1402 йилда бўлиб ўтган “Анқара жанги”да Боязид I Йилдирим кўшинлари мағлубиятга учрагани Византияни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолган. Анқара жангидан кейин кўп утмай 1403 йилда Султон Боязид I вафот этган. Шундан сўнг 1403 йилдан 1413 йилгача унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш олиб борилган. Натижада Усмонлилар давлати заифлашган.

Боярлар – 1. IX –XVII асрларда Рус давлатида мулкдорларнинг олий табақаси. 2. Руминияда XIII–XIV асрларда вужудга келган мулкдор табақа.

Боқимухаммадхон – Аштархонийлар давлатининг биринчи ҳукмдори (1601- 1605 йиллар).

Боқирғоний, Сулаймон – 1186 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) шоир, тасаввуфнинг йирик намояндаси.

Боқи пули – Ўрта Осиё хонликларида ариқ ва каналлар қозиш, сув ҳавза ва шаҳобчаларини тозалаш, мавжуд суғориш иншоотларини таъмирлаш ёки янгиларини қуриш вақтида ҳашарга чиқмаганлардан ундириладиган жарима пули.

Боғи Бобур – Захириддин Муҳаммад Бобур томонидан Қобул шаҳрида бунёд этилган боғ.

Боҳарзий, Сайфиддин – 1190-1261 йилларда яшаб ўтган сўфийликдаги “кубровийлик” тариқатининг йирик намояндаси. У 1190 йили Хуросондаги Боҳарз қишлоғида таваллуд топган. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида таҳсил олган. Ҳаж сафарини адо этган. Кейинчалик Хоразмга келиб Нажмиддин Кубродан тасаввуфни ўрганган ва Бухорога юборилган. Тулуй (Чингизхоннинг кенжа ўғли)нинг хотини Суюркўкта Сайфиддин Боҳарзийга атаб Бухорода Хония мадрасаси ва хонақоҳ қурдирган, унга кўп қишлоқларни вақф қилиб берганлиги тарихда маълум. XIII аср ўрталарида Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога келган ва Сайфиддин Боҳарзийга мурид тушиб, ислом динини қабул қилган. Кейинчалик Беркахон ўзига “Баракахон” номини олиб, Шимолий Кавказдан Сибиргача бўлган Олтин Ўрда ҳудудларида ислом динини жорий этган. Бу ҳудудларда у кўплаб масжид ва мадрасалар қурдирган. Сайфиддин Боҳарзийга “Шайх ул-олам” (“Олам шайхи”) унвони берилган, Бухоро шаҳрига эса “Бухорои шариф” мақоми берилган. Сайфиддин Боҳарзий араб ва форс тилларида “Шарҳ ал-асмо ал-ҳусно” (“Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи”), “Рисола дар ишқ” (“Ишқ ҳақида рисола”), “Воқеаи хилват” (“Хилватдаги воқеа”), “Рубоиёт”, “Рўзнома”, “Васиятнома” ва бошқа асарлар ёзган. Сайфиддин Боҳарзий Бухорода 30 йилдан ортиқ яшаб, 1261 йилда вафот этган. Амир Темур Бухорога ташриф буюрганда Сайфиддин Боҳарзий қабрини зиёрат қилган. Унинг фармони билан мақбара обод қилинган, мақбаранинг шарқий пештоқи ва шайх қабри устига махсус сағана қурилган. Мустақиллик йилларида Сайфиддин Боҳарзий мақбараси қайта таъмирланган, унинг атрофида гўзал Фатҳобод боғи бунёд этилган.

Брахма – Ҳиндуизм динида Вишну ва Шива билан биргаликда илоҳий учликни ташкил этувчи худолардан бири. Коинотни яратувчи ва бошқарувчи олий худо ҳисобланган. Ҳиндуизм таълимотига кўра, дунёда фақат брахма мавжуд бўлиб, қолган барча нарса ва ҳодисалар унинг соясидир. Брахма кўпинча 4 қиёфада, 4 кўлли оққуш устида ўтирган шаклда тасвирланган.

Брахманизм (брахманлик) – Веда дини асосида мил. ав. 1 минг йилликнинг бошида Ҳиндистонда пайдо бўлган диний таълимот. Брахманизм учун Веда динидагидек ведалар асосий манба бўлган. Брахманизмда қуйидаги учта худо эътиборли, нуфузли ҳисобланган: Брахма- оламини яратувчи ва бошқарувчи, Вишну- одамларни муҳофаза қилувчи, Шива- ҳамма мавжудотни нобуд этувчи. Брахманизм таълимотига кўра, инсон ўз жонини халос қилиши, уни бундан кейинги қайта пайдо бўлишдан сақлаб қолишдир (чунки бу дунёда кийинчилик, азоблар кўп). Бунинг учун инсон жони Брахма билан қўшилиши лозим. Агар инсон Брахманинг илоҳий моҳиятини тўла билиб олса, фикрини фақат худога қаратса ва ташқи оламдан бутунлай воз кечсагина бунга эришиш мумкин. Брахманизмда илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиғи сифатида ҳайвон (сигир, маймун)ларни, айрим ўсимликларни илоҳийлаштириш мавжуд. Мил. ав. VI-V асрларда Ҳиндистонда буддизм ва жайнизм динлари вужудга келган ва улар брахманизмни ижтимоий ҳаётдан сиқиб чиқаришган.

Брахманлар – 1. Ҳиндистондаги олий касталардан бири. Келиб чиқиши бўйича коҳинларнинг қадимий табақаси (варна)га мансуб. Қадимда брахманлар коҳинлик вазифасини ўтаб, қурбонлик маросимларига раҳбарлик қилган, халқ орасида ведаларни тарғиб этиш билан шуғулланишган. Ўрта асрларда эса давлат ишларига ҳам аралашиб, кўпроқ қозилик лавозимларини эгаллашган. 2. Асосан веда динига хос расм-русумлар баёни ва шарҳидан иборат бўлган қадимий хинд муқаддас китоблари (мил. ав. VIII-VI асрлар) бўлиб, улар ведаларни мазмунан тўлдирган. Қурбонликнинг аҳамиятини кўрсатиш, ер худолари-коҳинларни осмон худоларидан юқори қўйиш брахманларнинг асосий ғоясидир.

Брест-Литовск сулҳ шартномаси – 1918 йил 3 мартда Россиянинг большевиклар ҳукумати ва Германия томонидан имзоланган сулҳ шартномаси. *Яна қар.: Биринчи жаҳон уруши.*

Бригада – Барча турдаги қуролли кучлар, қўшин турлари ва махсус қўшинлар бўлинмаларининг тактик бирлашмаси.

Бригантина – 1. XVIII–XIX асрларда ҳарбий-денгиз флотида кенг қўлланилган икки мачтали елканли кема. 2. XVIII асрда рус флотида қирғоқ районларига қўшин ва юкларни ташишга мўлжалланган елканли-эшкакли кема. Икки-уч қурол билан жиҳозланган бўлган.

Брихадратҳа – Мауриялар давлатининг охириги ҳукмдори. Мил. ав. 180 йилда ўлдирилган.

Бронза – Миснинг қўрғошин, қалай ва алюминий билан қотишмаси.

Бронза даври – Ибтидоий- жамоа тузумининг мил. ав. 2-1 минг йилликни камраб олувчи даври.

Бруно, Жордано – 1548-1600 йилларда яшаб ўтган италян астрономи, файласуфи ва шоири. Бруно Коперникнинг гелиоцентрик системаси бўйича таълимотини ривожлантирган. У ўз ҳурфикрлиги учун католик черкови томонидан таъқиб этилган. Бруно Италиядан чиқиб кетиб Швейцария, Франция, Англия, Германияда яшашга мажбур бўлган. Бу давлатлар университетларида Жордано Бруно астрономия, фалсафа фанларидан дарс берган. 1592 йилда роҳиблар Брунони Италияга таклиф қилганлар. Ўз ватанига қайтиши билан роҳиблар уни ушлаб, қамокқа ташлаганлар. Брунони даҳрийликка айблаб, ўз ғояларидан қайтишга ундаганлар. Лекин Жордано ўз ғояларидан қайтмаган. Саккиз йиллик қамокдан кейин Жордано Бруно христиан черковининг инквизиция суди қарори билан гулханда ёндирилган. Ҳозирги кунда Бруно ёндирилган Рим шаҳридаги майдонда унинг ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал пойига “У ҳамма халқлар учун фикр эркинлигини талаб қилди ва шу талаби учун қатл этилди”, деб ёзиб қўйилган.

Будда – “Будда” сўзи санскрит тилида “хотиржам”, “нурланган”, “олий ҳақиқатга эришган” маъноларини англатади. Будданинг асл исм-шарифи Сиддхартҳа Гаутама бўлиб, у мил. ав. 623-544 йилларда яшаб ўтган. Будда буддизм динининг асосчиси ҳисобланади. Буддизмга тааллуқли китобларда Гаутама барча худолар, руҳлар ҳамда табиат кучлари устидан ҳукмрон буюк ва қудратли зот сифатида тасвирланган.

Буддизм (буддавийлик) – Мил. ав. VI-V асрларда шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлган, кейинчалик Бирма, Таиланд, Мўғулистон, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда тарқалган дин. Христианлик ва Ислом динлари қаторида дунёвий дин ҳисобланади. Ривоятларга кўра, буддизм динига Сиддхартха Гаутама (Будда) асос солган. Гаутама тарихий шахс-шоҳзода бўлган. Буддизм таълимотига кўра, Гаутама дунёга келган заҳоти “Мен барча жонли махлуқларнинг энг буюгиман. Бу менинг охириги туғилишим”, деб хитоб қилган. 35 ёшида Гаутама коинотнинг барча сир-асроридан воқиф бўлиб Буддага айланган. Буддизм таълимотига кўра, будда бу – бир неча бор қайта туғилишлар жараёнида мутлақ ҳақиқатга етишган ва бошқаларга диний нажот йўлини кўрсата оладиган зотдир. “Будда” дунё ташвишларини тарк этиб, олий ҳақиқатга эришган Сиддхартха Гаутаманинг исми ҳамдир. Гаутама Буддага айлангандан кейин 45 йил давомида ўз таълимотини тарғиб қилган ва 80 ёшида вафот этган. Будда ва унинг таълимотлари бир неча аср давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган ва асосан мил. ав. I асрда “Трипитака” номли китоблар мажмуасида баён этилган. Буддизм фалсафаси ведалар матнлари асосида яратилган. Сиддхартха ўз таълимотини “тўрт олий ҳақиқат” шаклида баён этган: 1) азоб-уқубат ҳақидаги таълимот; 2) азоб-уқубат сабаблари ҳақидаги таълимот; 3) азоб-уқубатлардан халос бўлиш ҳақидаги таълимот; 4) азоб-уқубатлардан қутулишнинг нажот йўллари топиш ҳақидаги таълимот. Сиддхартханинг тўртинчи таълимотининг ечими “нажотнинг олижаноб саккизлик йўли”да ўз ифодасини топган: тақводорлик эътиқоди, қатъияти, сўзи, иши, турмуш тарзи, тақводорликка интилиш, тақводорликни орзу қилиш, тақводорлик фикру хаёли билан яшаш. Бу йўлга амал қилган одам, буддизм таълимотига кўра, оқибатда юксак камолотга эришади, яъни архат (чин ҳақиқатни англаб етган авлиё)га айланади ва нирвана (рўшнолик)га ўтади. Буддизм таълимотига кўра, Будда жамоасига кириш учун, брахманизмдан фарқли ўларок, инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси варндан эканлиги шарт бўлмаган. Шундай бўлса-да, қуллар будда жамоасига кириши мумкин бўлмаган. Буддистлар ўз ибодатларини, диний маросимларини турли тилларда олиб боришган. IX асрдан бошлаб буддизм Ҳиндистонда инқирозга учраган ва унинг ўрнига ҳиндуизмнинг мавқеи ошиб борган.

Будрун кўрғони – Қадимда Кичик Осиёда мавжуд бўлган Галикарнас шаҳрида турклар томонидан Авлиё Пётр қалъаси ўрнига қурилган кўрғон.

Бузургмеҳр – Эрон шоҳи Ануширвоннинг донишманд вазири.

Бузғунчи ғоялар – Бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуи. Ҳар қандай инсон, халқ, жамият, давлатнинг туб манфаатларига зид бўлган, уларни тараққиётдан қайтариб, ўз измига солиш мақсадида четдан тазйиқ йўли билан киритиладиган бегона ғоялар йиғиндиси. Ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм ва шу кабилар вайронкор ғоялар сирасига киради.

Букинист – Эски ва нодир китоблар олиб-сотувчи.

Булла – 1. Ўрта асрларда думалоқ металл муҳр. Одатда, император, қирол актларини тасдиқлаган, шунингдек, ана шундай ҳужжатларнинг ўзи. 2. Ўрта

асрларда папаларнинг асосий хужжати. Қўрғошин (алоҳида вазиятларда олтин) муҳр билан тасдиқланган. XV асрдан камдан-кам чиқарилган. 3. Кейинги даврларда папаларнинг муҳим қарорлари ва тантанали номалари “булла” деб аталган.

Булунғор – Қўшиннинг илғор қисми (авангарди) олдида ва қанотларда борувчи махсус кузатувчи ҳарбий бўлинма.

Бундесрат – Германия Федератив Республикаси парламентининг юқори палатаси.

Бундестаг – Германия Федератив Республикаси парламентининг қуйи палатаси.

Бург – Ғарбий Европадаги ўрта асрлар қалъаси. VIII–XVI асрга қадар қурилган. Ҳимоя деворлари ва сув тўлдирилган хандақлар билан ўралган. Душман ҳужум қилган пайтда, аҳоли унга кириб жон сақлашган. Айрим бурглар атрофида шаҳарчалар вужудга келган: Гамбург, Магдебург, Аугсбург ва хоказолар.

Бургомистр – Баъзи Ғарбий Европа давлатлари (Германия, Бельгия, Нидерландия, Австрия) ва Россия империясида шаҳар ҳокими, шаҳар бошқармасининг бошлиғи.

Бурж – 1. Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркумининг мажмуи ва уларнинг номи: Ҳамал (қўй), Савр (сигир), Жавзо (эгизак), Саратон (қисқичбақа), Асад (шер), Сунбула (ўтоқ), Мезон (тарозу), Ақраб(чаён), Қавс (ёй), Жаддий (эчки), Далв (қовға), Ҳут (балиқ). 2. Ўтмишда Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида деворга ташқи томондан тиргак сифатида ишланган қурилма. Қалъа деворларига туташган минора шаклидаги қўшимча бино. Баъзи буржлар устида ва ичкарасида махсус хоналар қурилган. Мудофаа мақсадида қурилган махсус буржлар ҳам бўлган.

Буржуа – XV аср охирларидан бошлаб шаҳарликларнинг юқори табақаси, бой савдогарлар, банкир-пул майдаловчи ва саноат корхоналари эгалари.

Буржуа инқилоби – Бош мақсади феодал тузум ёки унинг қолдиқларини тугатиш, буржуазия ҳокимиятини ўрнатиш, капиталистик тараққиёт учун шароит яратиш бўлган инқилоб. Илк буржуа инқилоби XVI асрда Нидерландияда, XVII асрда Англияда юз берган. Америка Қўшма Штатларида эса XVIII асрда буржуа инқилоби Буюк Британияга қарши мустақиллик кураши билан биргаликда кечган.

Бурлар – Голландия ва Франциядан жанубий Африкага келиб қолганларнинг дастлабки номи. Кейинчалик улар ўзларини “африканерлар” деб аташган.

Буроқ – Ислом таълимотига кўра, меърож кечаси Муҳаммад Пайғамбарни Маккадан Байтулмуқаддасгача, кейин осмонга олиб кетган отнинг номи.

Бурса – Ўрта асрларда университетлар қошидаги қашшоқ студентлар учун очилган ётоқхона. Дастлаб Францияда юзага келган. Бадавлат кишиларнинг ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан таъминланган.

Бурунғор – Қўшиннинг муқаддима қисми орқасидан борувчи махсус ҳарбий бўлинма.

Бурхон – Буддизм динига сиғинадиган олтойликлар, Сибирь ва Марказий Осиёнинг бир қатор халқларининг илоҳи, Будданинг кенг тарқалган эпитети.

Бурхонлар хонадони – XII–XIII асрларда Бухорода ҳукмронлик қилган хонадон. Бурхонлар хонадонига Абдулазиз ибн Умар асос солган. Садри жаҳон унвони унга султон Санжар томонидан берилган. Абдулазиз ибн Умар вафотидан сўнг бу лавозим ўғлига, кейинчалик невараларига берилган. Уларнинг авлодлари 1207 йилгача Бухорода мустақил ҳукмронлик қилган. Сўнгги садри жаҳон Бурхониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ўша йили Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан мансабдан туширилган. Бурхонларнинг айрим намояндалари илгаригидек нуфузга эга бўлмасалар-да, имтиёзлари мўғуллар даврида ҳам сақланиб қолган. Улар вақф ерларини назорат қилишган, ўз ерлари, савдо-хунармандчилик корхоналари бўлган (кавон савдоси билан шуғулланишган - *керак эмас!!!*). XIII асрда Малик Санжар садри жаҳонларга қарши халқ кўзғолонини бошқарган.

Бусидо (жангчи йўли) – Самурайларнинг ахлоқ кодекси. Бусидо самурайлардан ўз хўжайинига содиқ бўлишни, ҳарбий ишни самурайга муносиб бирдан-бир касб деб ҳисоблашни талаб қилади. Самурайлик шаънига доғ туширган жангчи ўзини ўзи ўлдириши (харакири) шарт бўлган.

Бут – 1. Идол (санам) – диний сиғиниш объекти ҳисобланувчи худо ёки руҳнинг тасвири. 2. Икона – христианликдаги Исо, Биби Марям ва авлиёлар тасвири. 3. Крест (салиб) – христианлик рамзи.

Бутпарастлик – Бут, санам, салиб, иконаларга чўқиниш, сиғиниш. Фетишизм, мажусийлик каби ибтидоий динларга хос. Бутпарастлар бутни, санамни худолар қиёфаси, тимсоли деб билганлар. Мажусийликдаги бутпарастлик одати христианлик, буддизм каби динларда ҳам сақланиб қолган. Мас., христианликда икона, крестга, буддизмда ҳайкалчаларга чўқинишади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – Соғлиқни сақлаш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи институти. 1948 йилда ташкил топган. Ташкилотнинг асосий мақсади барча халқлар саломатлик даражасини юксалтиришдир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг раҳбар органи Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси бўлиб, унинг таркибига барча аъзо давлатлар киради. Ташкилотнинг Браззавил (Конго), Вашингтон (АҚШ), Қоҳира (Миср) Копенгаген (Дания), Нью-Дехли (Ҳиндистон) ва Манила (Филиппин) каби шаҳарларда худудий бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Бутхона – Бутпарастларнинг ибодатхоналари.

Бухенвальд – 1933 йилда нацистлар томонидан барпо этилган биринчи концентрацион лагерь.

Бухор – Бухоро хонлигида зарб қилинган 15 тийинлик танга.

Бухорий, Имом-Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил – 810-870 йилларда яшаб ўтган дунёда энг буюк муҳаддис сифатида тан олинган аллома. 810 йил 20 июлда Бухорода таваллуд топган. Оталари Имом Исмоил саводли бўлганликлари учун бу санани ёзиб қолдирган. Ал-Бухорий 16 ёшида онаси ва акалари билан бирга ҳаж сафарига чиқиб, 4 йил Макка шаҳрида яшаган. Сўнг Имом Бухорий Расулulloҳ ҳақидаги ҳадиси шарифларни ўрганиб, тўплаш

мақсадида Хуросон, Ироқ, Шом, Ҳижоз, Миср ва бошқа мамлакатларда бўлиб машҳур уламолар билан танишган, улар билан ҳадислар ҳақида суҳбатлар қилган. Кейинчалик Имом Бухорий Бухорога қайтиб келиб мадрасаларда ҳадисдан дарс бера бошлаган. Лекин ҳасадгўй, сохта олимлар бу кишини ҳукмдорга ёмонлашган. Натижада Бухоро ҳокими Аз-Зухайли Имом Бухорийни Бухородан бадарға қилган. Имом Самарқандга бориб, Хартанг қишлоғида бир неча муддат турган ва ўша ерда 872 йил 1 сентябрида дунёдан кўз юмган. Исломоламида Имом Бухорий биринчилардан бўлиб саҳиҳ ҳадисларни ғайрисаҳиҳ ҳадислардан ажратишни бошлаган. Имом Бухорий Муҳаммад Пайғамбарнинг 600 минг ҳадисларини жамлаб, шулардан 300 мингини ёддан билган. Ал-Бухорийнинг тўрт жилддан иборат “Ал-жомий ас-саҳиҳ” (ҳозирда бу асар “Саҳиҳи Бухорий” номи билан машҳур), яъни “Ишончли тўплам” номли китобларига 7275 саҳиҳ деб ҳисобланган ҳадисларни келтирган. “Ал-жомий ас-саҳиҳ”да фикҳ, исломий маросимлар, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳақида, шунингдек ўша давр тарихи ва элшунослигига доир кўплаб маълумотлар киритилган. Исломоламида Имом Бухорийнинг “Ал жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) ҳадислар тўплами бошқа муҳаддислар тузган ана шундай тўпламлар орасида энг ишонарли ва мукаммали деб тан олинган. Имом Бухорий “Ал-жомий ас-саҳиҳ” асаридан ташқари, “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”), “Ат-тарих ас-сағир” (“Кичик тарих”), “Ат-тарих ал-кабир” (“Катта тарих”), “Ал-қироату халфа вал-Имом” (“Имом ортида туриб қироат қилиш”), “Ат тарих ал-авсат” (“Ўрта тарих”), “Ат-тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир”), “Ал-жомий ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Китоб ул-киба” (“Ҳадия китоби”) каби асарларнинг ҳам муаллифидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳиҳ” асари илк бор 4 жилдда ўзбек тилида нашр этилган. 1998 йил октябрида мамлакатимизда аллома таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланган. Ал-Бухорий дафн этилган Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида буюк алломага бағишлаб улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилган.

Бухорий, Нажмиддин Кавкабий – 1532 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) ўз замонасининг етук мусиқашуноси, шоири. Ўзининг “Рисолаи Мусиқий” асарида мусиқа илмининг ўн икки мақом тизимига оид назарий тушунчалар берган. Ўз шеърларида у асосан мусиқанинг илоҳий кучини тараннум этган.

“Бухоро операцияси” – Совет ҳукумати томонидан 1920 йилда Бухоро амирлигини тугатиш бўйича ишлаб чиқилган ҳарбий операция. Ушбу операция натижасида қизил армия кўшинлари Бухоро амирлигини тугатиши ва унинг ҳудудида советлар ҳокимиятини барпо этишлари кўзда тутилган. Бухоро операцияси олдиндан келишиб олинган Бешим Сардор исёни билан бошланган. 1920 йилнинг 23 августида Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқлар исён кўтариб, Чоржўй яқинидаги Сақор бозорини, кейин эса Эски Чоржўйни босиб олишган. Исёнчилар юздан ортиқ амалдорларни қамоққа олишган, Чоржўй беклиги хазинасини кўлга киритишган. Шундан сўнг Бешим Сардор бошчилигида Чоржўй инқилобий кўмитаси (ревкоми) ташкил қилинган. Олдиндан келишилган режага кўра, бу

қўмита ўша куниёқ (23 август) Туркистондаги совет ҳукуматиға ёрдам сўраб мурожаат қилган. Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе “ёрдам” тўғрисидаги мурожаатни олгандан сўнг ўз қўшинларини 4 та гуруҳ (Самарқанд, Каттақўрғон, Чоржўй ва Когон)га бўлиб, 1920 йил 28 августдан 29 августга ўтар кечаси Бухорога қарши уруш ҳаракатларини бошлаган. Қизил армия Қарши, Китоб, Шаҳрисабзни босиб олиб, амирлик пойтахтига яқинлашган. Лекин бу ерда босқинчилар амир қўшинининг қатъий қаршилигига дуч келганлар. Туркфронт қўмондонлиги буйруғи билан Эски Бухоро самолётлардан бомбардимон қилинган, тўп ва бронепоезд қуролларидан қаттиқ ўққа тутилган. Ҳал қилувчи жанглар Бухоро дарвозалари яқинида рўй бериб, қонли жанглар 4 кеча-кундуз давом этган. 1920 йил 2 сентябрида қизил қўшинларнинг тўхтовсиз зарбалари остида амирликнинг сўнгги таянчи – Арк босиб олинган. Шундан кейин Бухоро шаҳри эгалланган ва амирлик тузуми ағдарилган. Бухородан сўнг қизил армия қўшинлари амирлик таркибидаги 27 бекликни бирин-кетин эгаллашган.

Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР) – 1924 йил 18-20 сентябрь кунлари Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг бешинчи Қурултойи қарори асосида вужудга келган давлат тузилмаси. Ушбу қурултой 19 сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикасини Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган. 1924 йил 18 ноябрида Бухоро Совет Социалистик Республикаси, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ва Хоразм Совет Социалистик Республикаси Марказий Ижроия Қўмиталарининг биргаликда қабул қилган қарори асосида ушбу давлат тузилмалари барҳам берилган ва улар ўз ваколатларини Файзулла Хўжаев раислигида тузилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Муваққат Инқилобий Комитетига топширишган. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш натижасида Бухоро ССР, Хоразм ССР ва Туркистон АССР тугатилган ва уларнинг ҳудудлари янги ташкил этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг таркибларига киритилган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) – 1920 йил 6 октябрида Ситораи Моҳи Хоса саройида иш бошлаган Бутун Бухоро халқ вакилларининг биринчи Қурултойи қарори билан вужудга келган давлат тузилмаси. Ушбу қурултойда 1960 та делегат қатнашган. Қурултой Бухоро амирлигининг тугатилишини эълон қилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги ҳақида қарор қабул қилган. 1920 йил октябрь-ноябрь ойларида Бухоро Халқ Совет Республикаси билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома, 1921 йил 4 мартада эса ҳар икки давлат ўртасида Иттифок шартномаси имзоланган. Бу шартномадан ташқари 1922 йил 9 августидан икки давлат ўртасида иқтисодий, 1923 йил 31 майида эса божхоналар фаолиятлари ҳақида битимлар имзоланган. 1921 йил 18-23 сентябрида Бутун Бухоро халқ вакилларининг иккинчи Қурултойи бўлиб ўтган. Бу Қурултой Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи Конституцияси (1921 йил 21 сентябрь)ни қабул

қилган. Ушбу Конституцияга кўра, БХСРнинг олий ҳокимият органи – Бутун Бухоро халқ вакиллари Қурултойи (Бутун Бухоро халқ депутатларининг Совет съездлари) ҳисобланган. Қурултой 1921 йилнинг 23 сентябрида Усмонхўжа Пўлатхўжаев раислигида 85 кишидан иборат Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасини сайлаган. Конституцияга биноан Халқ Нозирлар Кенгаши давлат ҳокимиятининг ижроия ва бошқарувчи олий органи сифатида ўз вазифасини саклаб қолган. 1923 йил 11-17 октябрь кунлари Бутун Бухоро халқ вакиллариининг тўртинчи Қурултойи Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган. Бу Қурултойда БХСР Конституциясига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Унга кўра, барча савдогар, мулк эгалари ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар. Қурултойда “Совет қурилиши тўғрисида” махсус қарор қабул қилинган. Бу қарор жамиятдаги ижтимоий беқарорликни кучайтирган. Бухорода олиб борилаётган демократик ислохотлар чекланиб, совет ҳокимияти томонидан тикиштирилаётган социалистик қайта қуришларни амалга ошира бошланган. Бу нарса Бухоро Республикасини демократия йўлидан тобора узоқлашиб бораётганлигини билдирган. 1924 йил 18-20 сентябрь кунлари Эски Бухоро шаҳрида Бутун Бухоро халқ вакиллариининг бешинчи Қурултойи бўлиб ўтган. Қурултой 19 сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикасини Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бухорхудот – Араблар босқинидан олдин Бухорода кичик мавзенинг ҳукмдори.

Буш, Жорж (кичик) – 1946 йилда туғилган Америка Кўшма Штатларининг 43-чи президенти (2001-2008 йилларда).

Буюк Альфред – *Қар.: Альфред.*

“Буюк географик кашфиётлар” – XV–XVII аср ўрталарида европалик сайёҳлар томондан амалга оширилган янги ерларни кашф этиш жараёни. Бу кашфиётларнинг асосий мақсади Ғарбий Европадан Ҳиндистон ва Шарқий Осиёга янги денгиз ва океанлар орқали савдо йўллари ахтариб топиш бўлган. Ғарбий Европа мамлакатлари XIV-XV асрларда иқтисодий жиҳатдан ривожланган. Шу даврда Шарқ мамлакатларидан Европага олиб келинадиган моллардан савдогарлар (асосан араблар ва италянлар) 8-10 баробар кўп фойда кўришган. Бу моллар асосан жавохирлар, олтин ва кумуш, зираворлар, фил суяклари, қимматбаҳо мўйна ва бошқалар бўлган. Усмонли турк империяси Ўрта асрларда Болқон ярим ороли ҳудудларини ўз тасарруфига ўтказган. Бу Европанинг Осиё мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларини қийинлаштирган. Буюк Ипак йўли орқали Осиёдан Европага моллар келтирилиши кескин камайган. Натижада Европа давлатларининг ҳукмрон доиралари Осиё мамлакатларига борадиган янги денгиз йўллари ахтариб топиш (географик кашфиётлар)га ҳаракат қилишган. XV-XVI асрларда европалик сайёҳлар томонидан амалга оширилган буюк кашфиётларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: 1. 1488 йили португалиялик денгизчилар Д.Кан, Б.Диаш ва бошқалар кемаларда Африка қитъасининг ғарбий ва жанубий қисмларигача сузиб боришган ва бу ҳудудларни ўрганишган. Африка қитъасининг энг жанубий нуқтасига етган португаллар Ҳинд океани орқали

Ҳиндистонга боришни мўлжаллаганлар. Лекин кема денгизчилари сафарни давом эттиришдан бош тортишган ва Португалияга қайтиб келишган. Португаллар Африканинг энг жанубий нуқтасидан Ҳиндистонга буриладиган йўл очишини умид қилиб, бу нуқтани “Яхши Умид бурни” (“Мыс Доброй надежды”) деб аташган. 2. 1492-1504 йилларда генуялик олим ва сайёҳ Христофор Колумб (1451-1506 йиллар) кемаларда Америка қитъаси томон 4 маротаба уюштирилган экспедицияларга раҳбарлик қилган. Аслида у Ҳиндистонни топиш учун экспедицияларга чиққан. Биринчи экспедицияси даврида (1492-1493 йиллар) Колумб 1492 йили 12 октябрида Багама архипелагидаги Сан-Сальвадор оролига тушган. Бугунги кунда 1492 йили 12 октябрь куни Американинг кашф этилганлиги вақти деб расман тан олинган. 3. 1497-1499 йилларда португалиялик денгизчи ва сайёҳ Васко да Гама (1469-1524 йиллар) араб денгизчилари раҳнамолигида Ғарбий Европадан Африка бўйлаб Ҳиндистонга узлуксиз денгиз йўлини очган. 4. 1519-1522 йилларда португалиялик денгизчи ва сайёҳ Магеллан (1470-1521 йиллар) ва унинг сафдошлари Дунё айлана сузишни амалга ошириб, Ернинг шар шаклида эканлигини исботлашган.

Буюк давлатчилик шовинизми – Кўп миллатли мамлакатларда давлатда етакчи мавқени эгаллаган, ўз миллатини “олий” миллат деб эълон қилган ҳукмрон миллат мафкураси ва сиёсати, шовинизм ва миллатчиликнинг бир тури. Мас., Россия империясида яшовчи мазлум халқларга, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан буюк давлатчилик шовинизмига асосланган сиёсат амалга оширилди, уларнинг қадимий маданияти, маънавияти, илм-маърифати, дини ва урф-одатлари оёқ ости қилинди.

Буюк ипак йўли – Мил ав. II асрдан милодий XVI асрларгача мавжуд бўлган, Хитой ҳудудидан бошланиб ғарб томон 12 минг км.дан ортиқроқ масофага чўзилган, Шарқ билан Ғарбни боғлаган савдо карвон йўли. “Буюк ипак йўли”нинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта ер денгизигача чўзилган. “Буюк ипак йўли” атамаси қадимда ишлатилмаган. Буюк Ипак йўлини тарихий, географик ва маданий жиҳатларини илмий ўрганиш амалда кўплаб мамлакат олимлари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Уни тадқиқ этишда Ғарбий Европа, Россия ва Япония олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. 1877 йилда машҳур немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен (1833-1905 йиллар) ўзининг “Хитой” номли йирик илмий асарида улкан Евроосиё материкининг турли қисмларини боғловчи йўллар тизимини “ипак йўли” деб атаган, кейинчалик унга “буюк” сўзи қўшилиб, “Буюк ипак йўли” атамаси қабул қилинган. Унгача “Буюк ипак йўли” “Ғарбий меридионал йўл” номи билан машҳур бўлган. “Буюк” сўзи ушбу йўлнинг жуда ҳам узун бўлганлигини ҳамда жуда кўп халқлар тақдирига алоқадорлигини англатади. “Ипак” сўзи эса бу йўлнинг асосий қимматбаҳо маҳсулотини – Хитой ипаги савдосига хизмат қилганлигини билдиради.

Буюк Карл – 742-814 йилларда яшаб ўтган Франклар давлатида каролинглар сулоласининг йирик ҳукмдори. Пипин III Пакананинг ўғли. Буюк Карл ҳукмронлиги даврида Франк қироллиги буюк империяга айланган.

Рим папаси давлати ҳам Буюк Карл империясига вассал бўлган. Буюк Карлнинг шахсан ўзи 53 жангда қатнашган. VIII асрнинг 70-йилларида Буюк Карл Пиреней ярим оролида арабларга қарши урушган. VIII асрнинг охири-IX аср бошларида у катта савдо аҳамиятига эга бўлган Балтика денгизига чиқишга ҳаракат қилган. Буюк Карл 30 йилдан ортик (772 йилдан 804 йилгача) сакс қабилаларига қарши урушган. У саксларга мажусий динидан христиан динига ўтишга буйруқ бериб, сакс ерларига кўпдан-кўп франк руҳонийлари юборилган, кўплаб черковлар қурила бошланган. Саксларнинг кўзғолонлари Буюк Карл буйруғи билан шафқатсизлик билан бостирилган. 800 йилда Буюк Карл Римда бўлган вақтида Рим папаси унга Рим императори тожини кийдирган. Европада, Византиядан ташқари, барча ҳукмдорлар Буюк Карл императорлигини тан олишган. Шундан кейин Буюк Карлнинг замондоши бўлган Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид ҳам уни император сифатида тан олган ва улар бир-бирларига элчилар юборишган. Буюк Карлнинг 250 га яқин давлат бошқаруви ҳақидаги фармон (капитулярия)лари бизгача етиб келган. Буюк Карлнинг саройида ўша вақтнинг кўплаб буюк мутафаккирлари яшаб ижод қилишган. Буюк Карл 814 йилда 72 ёшида вафот этгандан кейин марказий ҳукумат заифлашган, унинг ўғли Людовик Художый ва набиралари ўртасида рақобатлар кучайган. Натижада 843 йили Буюк Карлнинг уч набираси Верден шаҳрида тузилган битимга биноан франклар империясини ўзаро бўлиб олганлар. Кейинчалик ушбу бўлиниш асосида Ғарбий Франклар қироллиги—Франция, Шарқий Франклар қироллиги – Германия ва Жанубий Франклар қироллиги –Италия давлатлари вужудга келган.

Буюк Кнуд I – Дания давлатининг ҳукмдори (1017-1035 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Дания таркибига ҳозирги Норвегия, Швеция, Англия ва Шотландия давлатларининг ҳудудлари кирган. Буюк Кнуд I ўлгандан кейин унинг улкан давлати парчаланиб кетган.

Буюк Колумбия – Ҳозирги Венесуэла, Колумбия, Панама ва Эквадор давлатлари ҳудудида Симон Боливар томонидан тузилган давлат.

Буюк Константин – *Қар.: Константин I, Флавий.*

Буюк Моравия давлати – 818-906 йилларда ҳозирги Чехия давлати ҳудудида мавжуд бўлган. Буюк Моравия давлатига князь Моймир асос солган. Моймирдан кейинги Буюк Моравия давлатининг ҳукмдори бўлган Ростислав немис феодалларининг ҳукмронлигига қарши курашган. Ростислав Византия билан алоқа боғлаган ва христианликни тарғиб қилиш учун у ердан асли юнон миссионерлари бўлган Константин (кўпроқ Кирилл номи билан машҳур) ва Мефодийни чақириб келтирган. Кирилл билан Мефодий славян тилини яхши билишган. Улар 855 йилда славянлар учун юнон алифбосига асосланган алифбе тузишган. У алифбе “кириллица” деб аталган. Кейинчалик Кирилл ва Мефодий Германия епископлигидан мустақил бўлган славян черковини ташкил қилишган. 906 йилда Ўрта Дунай дарёси соҳилларида яшаётган кўчманчи венгерлар Буюк Моравия давлатига ҳужум қилиб, уни вайронага айлантирганлар. Шундан кейин Буюк Моравия давлати парчаланиб кетган.

Буюк Мўғуллар (Буюк Моғоллар) – Европа адабиётларида бобурийлар сулоласининг ғайриилмий аталиши.

Буюк мўғул давлати (Эке Мўнғул улус) – 1206 йилда Қорақурум шаҳрида Темучин (Чингизхон) томонидан чақирилган мўғулларнинг қурултойи қарорлари асосида ташкил этилган давлатнинг номи.

Буюк озодлик хартияси – 1215 йилда Англия баронлари томонидан тузилган 63 моддадан иборат хартия. Унга кўра, Англияда қирол ҳокимияти чекланиши назарда тутилган.

“Буюк ремонстрация” – 1641 йилда Англия парламенти томонидан қабул қилинган ҳужжат. Унинг асосий мақсади Англияда конституцион монархия тартибларини жорий этиш бўлган.

“Буюк сафорат” – 1697 йилда Россия императори Пётр I томонидан Европа давлатлари бўйлаб амалга оширилган сафорат. Унинг таркибига Россия амалдорлари, маъмурлари, олимлари, ҳарбийлари (жами 259 киши) кирган. “Буюк сафорат”нинг таркибига Пётр I нинг ўзи ҳам Пётр Михайлович номи билан кирган. Голландия ва Англияда Пётр I ҳарбий ва денгиз илмини ўрганган, кemasозлик корхоналари билан танишган, мактаб ва маориф аҳволини таҳлил этган.

Буюк Симеон – Биринчи Булғор шоҳлигининг ҳукмдори (883–927 йиллар). Унинг саройида славян адабий маркази ташкил этилган.

Буюк француз инқилоби – Францияда 1789-1799 йилларда бўлиб ўтган инқилоб. Франция қироли Людовик XVI 1789 йил май ойида Генерал штатлар мажлисини чақиртирган. Генерал штатларнинг учинчи тоифа вакиллари Франция қироли Генерал штатлар руҳсатисиз мамлакатда солиқлар жорий этмаслигини, учинчи тоифа вакилларига ҳам Генерал штатлар мажлисларида овоз бериш ҳуқуқини берилишини талаб қилишган. Ундан ташқари, учинчи тоифа вакиллари ўзларини Миллий мажлис, яъни мамлакатнинг барча аҳолиси намояндалари, деб эълон қилиб, уларнинг қарорлари қирол томонидан бекор қилиниши мумкин эмаслигини ҳам даъво қилганлар, ўзларини мамлакатдаги энг олий ҳокимият, деб эълон қилган, қиролнинг яккаҳокимлигига барҳам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Людовик XVI Генерал штатлар ва Миллий мажлисга тарқалишни буюрган. Лекин учинчи тоифа вакиллари мамлакатнинг Конституцияси ишлаб чиқилмагунча тарқалмасликка тантанавор қасам ичишган. Людовик XVI Таъсис мажлисни куч билан тарқатишни буюрган, лекин қирол кўшинлари унга бўйсунмаган. Шунда Людовик XVI хорижий давлатлар кўшинлари ёрдамида Таъсис мажлисини тарқатишни режалаштирган. Бундан хабар топган Париж шаҳри аҳолиси 1789 йилнинг 14 июлида кўзғолон бошлаган. Кўзғолончилар монархиянинг таянчи бўлган Бастилия қалъа-тюрмага ҳужум қилиб, уни қўлга киритишган ва барча маҳбусларни озод этишган. Бастилиянинг олиниши билан Буюк француз инқилоби бошланган. Шундан сўнг инқилоб тезда бутун Францияда тарқалган. Париж халқи қирол қасрига ҳужум қилишган. Улар қирол Людовик XVI ни ҳокимиятдан маҳрум этиб, зиндонга ташлашган. Францияда монархия тузуми тугатилган. Шундан кейин Миллий конвент мажлиси 1792 йилнинг 21 сентябрида Францияни республика деб эълон қилган. Кўп ўтмай, Миллий конвент қарори билан Людовик XVI устидан суд жараёни

бошланган. Суд қарори билан Людовик XVI 1793 йилнинг 21 январиди оломон олдида гильотинда қатл этилган.

Буюк Хитой девори – Қадимги Хитойда қурилган улкан девор. Буюк Хитой девори Хитой тилида “Ванли чонгчанг” (“10 минг ли узунлигидаги девор”) деб аталади. Буюк Хитой деворининг дастлабки қисми мил. ав. IV-III асрларда қалъа девори сифатида тош ва ғиштдан қурилган. Мил. ав. II-I асрларда эса ғарбга томон 500 км.га узайтирилган. Буюк Хитой деворининг қурилиши кейинги асрларда ҳам давом этган. Унинг узунлиги 8,85 минг км., баландлиги 6-10 метр, кенлиги 5-6,5 метрди. Буюк Хитой девори ҳозирда меъморий ёдгорлик сифатида сақланиб келинмоқда.

Буюруқ – Турк хоқонлиги, қорахонийлар даврида бош вазирлик мансаби.

Бугролар – Қорахонийлар хоқонлигининг ғарбий қисми (Еттисув, Қашқар ва ҳозирги Жанубий Қозоғистон)ни хоқон номидан идора қилган сулола хонларининг унвони (X-XI асрлар).

“Бхагавадгита” – (“Илоҳий кўшиқлар”) – Ҳиндуизм динининг муқаддас китобининг номи.

Бхарати – Қадимги ҳинд мифологиясида нотиклик ва кўшиқчилик худоси.

Бэкон, Фрэнсис – 1561-1626 йилларда яшаб ўтган инглиз файласуфи, табиатшуноси, тарихчиси ва сиёсий арбоби.

Бюджет – Давлат, муассаса, корхонанинги маълум муддат (кўпинча бир йил) учун белгиланган қирим-чиқим (даромад ва буромадлари) тизими.

Бюллетень – 1. Бирор муҳим воқеа ёки бирор шахсининг соғлиғи ҳақидаги матбуотда эълон қилинадиган қисқача расмий ахборот. 2. Бирор муассаса, идора ёки вазирликнинг вақти-вақти билан эълон қилиб турадиган нашри.

Бюрократ – *Қар.: Қозғозбоз.*

Бюрократизм – *Қар.: Қозғозбозлик.*

Бюрократия – Расмиятчиликка асосланган бошқарув тизими.

“Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил” – Мустамлакачи мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари томонидан қарам давлатларга нисбатан қўлланиладиган усул ва тамойиллардан бири. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли кўп миллатли давлатларда миллатлар ўртасида сунъий равишда қарама-қаршилиқ туғдириб ёки халқлар ўртасида бир-бирига нисбатан ишончсизлик ва нафрат руҳида сиёсат юритиш ҳамда доимо миллий-этник заминда қонли можаролар ташкил қилиш орқали мамлакатни бошқариш.

Бўлис – Чор Россиясида уезд таркибидаги бир қанча қишлоқни ўз ичига олган маъмурий бўлинма ва шу бўлинманинги ҳоқими.

Бўғоз – Икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли, мас., Босфор бўғози.

–В–

Вабо исёни (Тошкент кўзғолони) – 1892 йилнинг 24 июнида Тошкент шаҳрида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатиға қарши бўлиб ўтган кўзғолон. 1892 йил май ойида Жиззахда вабо касали тарқалган. Ўша йил июнь ойида эса касаллик Тошкент шаҳриға ҳам етиб келган. Тошкентнинг янги

шаҳар ҳудудида 417, Эски шаҳар ҳудудида эса 1462 вабо касалига чалинган бемор аниқланган. Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида чор Россияси маъмурлари Тошкент шаҳрига кириш ва ундан чиқиб кетишни тақиқлашган, шаҳарда мавжуд бўлган 12 та қабристон ёпилган. Уларнинг ўрнига маъмурлар 4 та қабристон очилишига ваъда беришган. Лекин амалда фақат битта қабристон очилган. Ҳар бир вафот этган киши врач рухсат бергандагина дафн этилиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилинган, лекин бу ҳақда маҳаллий муллалар, миршаблар, черков хизматчиларига хабар беришмаган, халқ ичида тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Вабо касалига чалиниб вафот этганларни қайси кийимда бўлса, ўша кийими билан қабрга кўйиб, устига оҳак сепиб кўмиш буюрилган. Ўлганларга жамоа бўлиб жаноза ўқиш, яқин қариндошларининг мазорларга бориши тақиқланган. Бу чоратадбирлар мусулмончилик қоида-қонунларига мутлақо зид бўлган. Марҳумларни мусулмон урф-одатларига кўра кўмиш маҳаллий халқ учун амри маҳол бўлиб қолган. Улар марҳумларни махфий тарзда шаҳарнинг эски, яъни кўмиш ман этилган қабристонларга кўма бошлашган. Шаҳар полицияси эса уларни ҳибсга ола бошлаган. Боз устига рус врачлари шаҳар касалхоналардаги беморларга захарли кукун бериб ўлдирмоқдалар, деган миш-мишлар тарқалган. Сабр косалари тўлган шаҳар аҳолиси 24 июнь куни кўзғолон кўтаришган. Кўзғолончилар (мингга яқин киши) шикоят хати тузиб, уни шаҳар ҳокимияти маъмурларига топширишмоқчи бўлганлар. Шаҳар ҳокимияти биноти олдида кўзғолончиларни Тошкент шаҳар ҳокими Путинцев ва Тошкент шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб кутиб олишган. Муҳаммад Ёқуб кўзғолончиларга дўқ-пўписа қила бошлаган. Бунга жавобан кўзғолончилар унга қараб тошлар отганлар. Муҳаммад Ёқуб шаҳар ҳокимияти биноти ичига яширинган. Оломон Путинцевдан шаҳар оқсоқолини уларга тутиб беришни талаб қилганда, у тўппончаси билан халққа пўписа қила бошлаган. Бунга жавобан кўзғолончилар Путинцев ва унинг миршабларини дўппослашга киришган. Шу вақтда рус аскарлари шаҳар ҳокимига ёрдамга етиб келишган. Кўзғолончилар Анҳор дарёси томон чекинишга мажбур бўлишган. Аскарлар уларни таъқиб этишган. Кўзғолончиларнинг кўпчилиги ўзларини Анҳорга ташлаб қутулмоқчи бўлганлар. Қолганлари эски шаҳар томон қочишган. Аскарлар уларга қараб ўқ узганлар. 10 киши ўлдирилган, кўплаб кўзғолончилар яраланган. Эртаси куни Анҳордан 80 кишининг ўлиги топилган. Рус маъмурияти кўзғолончилардан 60 кишини судга беришган. Улардан 3 кишини ўлим жазосига, 20 киши эса турли муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилганлар. Кейинчалик ўлим жазоси умрбод сургун билан алмаштирилган.

Вавилон давлати – *Қар.: Бобил давлати.*

Вазир – Ўрта асрларда Ярим ва Ўрта Шарқ давлатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (девон) бошлиғи. Вазирлар вазири аъзам раҳбарлигида давлатни идора этиш вазифалари билан шуғулланган. “Вазир” сўзи арабча бўлиб, “юк кўтарувчи” маъносини англатади. Вазир лавозимини дастлаб халифа Ал-Мансур (754-775 йиллар) жорий этган. Сомонийлар даврида 10 девон бўлган ва уларни вазирлар бошқарган.

Вазири аъзам – Улуғ вазир, вазирлар бошлиғи, бош вазир.

Вазири ҳарб – *Қар.: Тўпчибоши.*

Вайронкор ғоялар – *Қар. Бузғунчи ғоялар.*

Вайшийлар – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган тўрт варнадан бири. Бу варна таркибига деҳқон, косиб ва кичик савдогарлар кирган.

Вайю – Зардуштийлик динида шамол илоҳи, осмон ва ер, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги воситачи, ҳарбий соҳа ҳомийси.

Вакант – Идора, корхона ва муассасалар штатларида белгиланган, лекин банд қилинмаган, ҳеч ким тайинланмаган бўш ўрин.

Вакил – 1. Бирор киши, муассаса, ташкилот ва шу қабила номидан иш қўришга ваколати бўлган, уларнинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс. 2. Бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ ва шу қабилага мансуб киши, мас., деҳқонлар вакили, жамоатчилик вакили.

Вакиллар палатаси – Парламентларнинг қуйи палатаси.

Вакиллик демократияси – Фуқаролар қонунчилиқ, ижроия ва бошқа вазифаларни бажарувчи органларни сайлаб, аммо бу вазифаларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдиган демократия шакли. *Яна қар.: Бевосита демократия.*

Ваколат – Вакиллик ҳуқуқи, бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва шу қабила номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ.

Ваколатнома – Вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ваколат, ишонч ёрлиғи.

Ваколатхона – Бирор давлат томонидан ўзга давлат ҳудудида таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш қўрадиган муассаса.

Валиаҳд – Подшоҳ ёки хонлар тириклик чоғларида ўз ўрнига тайинлаб қўйган тахт вориси, меросхўр шахзода. Чингизхон ва Амир Темур замонида валиаҳд тайинлашда уларнинг ёшига эмас, балки давлатни бошқара олиш қобилиятига эътибор берилган.

Валимуҳаммадхон – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1605-1611 йиллар).

Валинеъмат – 1. Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс. 2. Олийҳиммат, сахий, қўли очиқ одам.

Валмики – Шарқий Ҳиндистонда мил. ав. II асрда тўлиқ шаклланган ҳинд эпоси “Рамаяна”нинг муаллифи деб тахмин қилинадиган тарихий шахс. *Яна қар.: Рамаяна.*

Вальдземюллер, Мартин – 1470-1522 йилларда яшаб ўтган. Немис хариташуноси ва олими. 1507 йил ўзининг дастлабки яратган харитасида янги кашф этилган қитъани “Америка” деб атаганлиги билан машҳур бўлган. *Яна қар.: Веспуччи Америго.*

Валюта – 1. Давлатнинг пул бирлиги. 2. Хорижий мамлакат пули.

Ван – Қадимда ва Ўрта асрларда Хитой ва Кореяда давлат ҳукмдорлари унвони. Хитойда зодагонликнинг беш даражаси (гун, хоу, бо, цзи, нань)га кирмаган ва уларнинг устида турган.

Вандализм – Ушбу атама 455 йилда Римни забт этиб қўлаб антик ва христиан маданий ёдгорликларини вайрон қилган герман қабиласининг номидан келиб чиққан. Ҳозирги вақтда “вандализм” сўзи маданий

ёдгорликларни, моддий бойликларни ваҳшийларча хароб этиш, йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади.

Ванли чонгчанг – *Қар.: Буюк Хитой девори.*

Ван Ман – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Биринчи Хань империясининг ҳукмдори (9–25 йиллар).

Варварлар – Қадимги римликлар ва юнонликлар дастлаб барча чет элликларни “варварлар” деб аташган. Бу сўз юнон тилидан таржима қилинганда “тушунарсиз тилда гаплашувчи” деган маънони англатади. Кейинчалик Римнинг яшнаб турган шаҳар ва қишлоқларини талаб вайрон қилган, афсонавий гўзаликка эга меъморий обидаларнинг, театр ва ибодатхоналарнинг кулини кўкка совурган герман қабилалари “варварлар” дейилган. Ҳозирда бу ибора шафқатсиз, кўпол, тарбия кўрмаган одамларга нисбатан қўлланилади.

Варварлик – Маданий-маънавий нарсаларга нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлиш, уларни бузиб ташлаш ёки нобуд этиш, жоҳиллик, ваҳшийлик.

Варданхудот – VII аср охири-VIII аср бошларида Бухоро воҳасида мавжуд бўлган Варганзи давлати олий ҳукмдорининг унвони.

Варз (Вар) – Қадимда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган истехком тури; тўрт томони муҳофаа деворлари билан ўралган кўрғон. Одатда, асосан чорва молларини душмандан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. “Вар” сўзи кўпгина қадимги шаҳар ва қишлоқлар номлари таркибига кирган. Мас., Далварзин, Варахша, Вардонзе ва ҳоказо.

Варналар – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган аҳолининг табақаланиши бўйича ҳар бир табақанинг номи. Қуйидаги варналар мавжуд бўлган: брахманлар – дин арбоблари, кшатрийлар – ҳарбий зодагонлар, вайшлар – деҳқон, косиб ва кичик савдогарлар, шудралар – жанглarda мағлуб бўлиб ватансиз қолганлар, ўз қабилаларидан турли сабаблар билан ажралиб қолганлар. Ривоятларга кўра, брахманлар қадимги Ҳиндистонда олий худо саналган Брахманинг оғзи (сўзи)дан, кшатрийлар Брахманинг елкасидан, вайшлар унинг сонидан, шудралар эса унинг оёқ товонидан пайдо бўлганлар. Ахлатларни йиғиштирадиганлар, кўчаларни супурадиганлар, гўрковлар ва шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланадиганлар энг паст табақага мансуб бўлишган. Улар ҳатто энг паст варна ҳисобланган шудралар таркибига ҳам киришмаган.

Варуна – Қадимги ҳинд мифологиясида худо, дунё сувлари ҳукмдори, ҳақиқат ва адолат кўриқчиси.

“Варфоломей туни” – Христианларнинг “Авлиё Варфоломей”га бағишлаб ўтказиладиган байрами арафасида, тунда Франция пойтахти Париж шаҳрида католиклар томонидан гугенот (протестантизмнинг бир тури)ларнинг ялпи қирғин қилинишини ифодалайдиган атама. Бу қирғин-барот 1572 йил 24 августда ўтар кечаси содир бўлган. Бир кечада 30 мингдан ортиқ гугенотлар ўлдирилган.

Варшава шартномаси – 1955 йилнинг 14 майида собиқ социалистик давлатлар томонидан НАТОга қарама-қарши тузилган ҳарбий-сиёсий ташқи-

лот. Унга Албания, Болгария, Венгрия, собиқ Германия Демократик Республикаси, Руминия, собиқ СССР ва собиқ Чехословакия аъзо бўлишган. 1962 йилдан бошлаб Албания Варшава шартномаси фаолиятида қатнашмай қўйган, 1968 йили эса ундан умуман чиқиб кетган. Ўз фаолияти даврида Варшава шартномасининг ҳарбий кучлари социалистик давлатларнинг ички ишларига аралашган (мас., 1956 йилда Венгрияда, 1968 йилда собиқ Чехословакияда) ва социалистик давлатларда социалистик тузумларни куч билан сақлаб туришган. Варшава шартномаси 1991 йилда ўз фаолиятини тугатган.

Васий – 1. Васиятни ижро этувчи шахс. 2. Вояга етмаган, етим болаларга улар вояга етгунча ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка қараб туришни ўз зиммасига олган шахс, маънавий ота.

Василий II – Византия императори (976-1025 йиллар). Дастлаб Византия зодағони бўлган. Кичик Осиёда 976-979 йилларда Византия ҳукмронлигига қарши бўлиб ўтган кўзғолонни бостирган, 995 йилда арабларга қарши Сурияга муваффақиятли юришни амалга оширган, Грузия ва Арманистон ерларини Византия таркибига киритган. Византиянинг собиқ императори Цимисхий Болгар шохлигининг ғарбий қисмини ўша вақтда зодагон бўлган Василий II га берган. Василий II болгарларга нисбатан ўта шафқатсиз бўлган. У 1014 йилда ўзи учун муваффақиятли тугаган жангдан кейин асирга олинган 15 минг болгарларнинг кўзларини ўйиб олишга буйруқ берган. Шунинг учун унга “Болгоробойц” (“Болгаркесар”, “Болгарлар қотили”) лақаби берилган.

Василиклар – Византиянинг қонун-қарорлари тўплами (60 китоб). Император Василий I пайтида тузилиши бошланиб, Лев VI даврида, 890 йиллар атрофида, тугатилган. Тўплам диний ва дунёвий қонунчиликни бирдай қамраб олган.

Василий IV Шуйский – Русь ерлари ҳукмдори (1606-1610 йиллар). Лжедимитрий I га қарши фитна уюштириб, Русь ерлари тахтини эгаллаган. Болотников кўзғолонини бостирган. Лжедимитрий II ва поляклар босқинига қарши курашган. Москваликлар томонидан тахтдан ағдарилган, поляклар қўлида асирликда бўлган ва асирлигида вафот этган.

Васият – 1. Марҳумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзиб қолдирган топшириғи, истаги, насиҳати. 2. Буюк зотнинг ёки ота-боболарнинг ўз издошларига, авлодига айтиб ёки ёзиб қолдирган ўгити, панд-насиҳати, кўрсатиб кетган йўл-йўриғи.

Васиқа – Ер-мулк олди соттиси тўғрисида тузилган расмий шартнома. Васиқа кўчмас мулкка доимий ёки вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқини берган. Ўрта Осиё қозихоналарида васиқа фақат бир нусхада шариат қонунлари асосида тузилган. Ҳар икки тараф, яъни олувчи ва сотувчи ҳамда гувоҳлар васиқага имзо чеккач, уни қози имзолаб муҳрлаган.

Васко да Гама – 1469-1424 йилларда яшаб ўтган португалиялик денгизчи ва сайёҳ. Европадан Ҳиндистонга борувчи денгиз йўлини аниқлаган. 1498 йилда Лиссабондан чиққан Васко да Гама экспедицияси учта кемада Африканинг жанубий соҳиллари орқали Ҳиндистоннинг Каликут шаҳрига етиб келган. Ўша йил август ойида Васко да Гама экспедицияси зираворлар ортилган кемаларида Португалия томон йўл олишган ва 1499 йил сентябрь

ойида Лиссабонга қайтиб келган. 168 та экспедиция аъзоларидан фақат 55 таси тирик қолган, қолганлари экспедиция жараёнида вафот этган. 1502 йилда Васко да Гама 20 та кемада Каликут шаҳрига келиб, шаҳарни ғорат қилган ва катта ўлжа билан 1503 йилда Лиссабонга қайтиб келган. 1524 йилда Васко да Гама учинчи Ҳиндистон экспедициясига раҳбарлик қилган ва шу экспедиция жараёнида Ҳиндистонда вафот этган.

Вассал – 1. Ўрта асрларда Ғарбий Европада йирик феодалдан ер-сув инъом олиб, унга тобе бўлиб қолган кичик ер эгаси. 2. Бўйсундирилган, тобе одам ёки давлат. 3. Бир давлат томонидан иккинчи давлатни сиёсий жиҳатдан ўзига тўла қарам қилиб олиб, у ерда ўз сиёсатини юргизиш.

Ватан – 1. Кенг маънода – бутун бир халқ, уларнинг аجدодлари азалдан истиқомат қилиб келган макон, мамлакат. 2. Тор маънода – киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ.

Ватан равнақи – Ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор ғоя. Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожланишига боғлиқ.

Ватанпарварлик – Ватаннинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолият.

Ватанфурушлик – Ўз элини, Ватанини сотиш, элфурушлик, сотқинлик.

Ватерлоо жанги – 1815 йилнинг 18 июнида Бельгия ҳудудида мавжуд бўлган Ватерлоо қишлоғи ёнида Наполеон I армияси Англия ва Пруссия кўшинлари томонидан тор-мор этилган.

Ватикан – 1. Рим католик черкови бошлиғининг Римдаги қароргоҳи ва саройи. 2. Рим католик черковининг диний-маъмурий ва ташкилий маркази. 2. 44 гектар ерга эга бўлган кичкина суверен шаҳар-давлат.

Вач – Қадимги ҳинд мифологиясида донолик ва нотиклик худоси.

Вашингтон, Жорж – 1732-1799 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг биринчи президенти (1789-1797 йилларда).

Вашингтон конференцияси – 1921 йилнинг 12 ноябридан 1922 йилнинг 6 февралигача бўлиб ўтган конференция. Вашингтон конференциясининг ишида 9та давлат вакиллари – Америка Қўшма Штатлари, Англия, Япония, Франция, Италия, Бельгия, Ниделандия, Португалия ва Хитой иштирок этган. Совет Россияси вакиллари конференция ишига таклиф этилмаган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Америка Қўшма Штатлари кудратли ҳарбий-денгиз флотини яратган. Ана шу флот ёрдамида АҚШ Тинч океани минтақасида ўз гегемонлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Вашингтон конференциясини чақиртирган. Унинг қарорларига кўра, Тинч океани минтақасида давлатлараро муносабатларни белгилаб келган 1902 йилги Англия ва Япония ўрталарида имзоланган шартнома бекор қилинган, конференция ишида қатнашган давлатлар Тинч океани минтақасида ўз таъсир

доираларини белгилаб олишган, Хитойда “очик эшиклар” сиёсатини татбиқ этиш кўзда тутилган, Тинч океани минтақасида томонлар ҳарбий кемаларининг сони келишиб олинган (ёки чекланган). Вашингтон конференцияси қарорлари Версаль тинчлик шартномаларининг мантиқий давоми бўлиб, Тинч океанида пайдо бўлган янги кучлар мувозанатини ўрнатган. Кейинги йилларда халқаро муносабатларда Версаль–Вашингтон тизими инобатга олинган.

Ваъз – Жамоат ўртасида, масжидларда сўзланадиган диний ёки насиҳатомуз нутқ.

Ваю – Қадимги ҳинд мифологиясида шамол худоси.

Вақт – Фалсафий тушунча бўлиб, борлиқнинг асосий шаклларида биридир. Вақт воқеа ва ҳодисаларнинг рўй бериш кетма-кетлиги тартибини, давомийлигини ифодалайди. Вақтнинг асосий хусусиятлари унинг давомийлиги, бир ўлчамлилиги, орқага қайтмаслигидир.

Вақф – 1. Ҳаж сафари фарзларидан бири; ҳажда Арафотда Арафа куни туриш. 2. Қуръон сураларидаги оятлар ўртасида тўхтаб нафас олиш. 3. Мусулмон киши ўз мулкани вақф этиши, яъни молу мулк фойдасидан келадиган даромадни Аллоҳ йўлида бирор диний муассаса ёки мусулмонларга ҳадя этиши. Вақф этилган мулк сотилмайди, бировга ҳадя қилинмайди, мерос тариқасида олинмайди.

Вақф ерлари – Мусулмон дини тарқалган мамлаатларда айрим шахслар томонидан даромаднинг бир қисми ёки ҳаммасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан, аммо сотмаслик шarti билан мусулмон диний муассасаларига васият қилинган ёки берилган ер-сув.

Вақфнома – Мулк эгаларининг ўз ер-суви, хўжалик бинолари ва бошқа мулкларини диний муассасалар, яъни масжид, мадраса ҳамда айрим руҳонийларга ихтиёрий тарзда ўтказганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Вақфномалар қози тасдиғидан ўтгандан кейин қонуний кучга кирган.

Ваҳдат ул-вужуд – Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ таолони муҳаббат ила зикр қилиш асносида У зотдан бошқани унутиб, ёлғиз Унигина идрок этиш ҳоли.

Ваҳдоният – Аллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги.

Ваҳий – Ислom таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан Муҳаммад Пайғамбарга Жаброил фаришта орқали келтирилган хабар. Улар асосида Қуръон вужудга келган. Православие ва католицизмда ҳам муқаддас китоблар, муқаддас ривоятлар худо томонидан ваҳий қилинган деб талқин этилади.

Ваҳҳобийлик – XVIII аср ўрталарида Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудида Ислom дини негизида пайдо бўлган диний-сиёсий оқим. Асосчиси 1703-1787 йиллари яшаб ўтган Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб бўлган. Ваҳҳобийлик диний оқими тарафдорлари биз Ислomни “тозалаш”, уни илк пайдо бўлган даврига, яъни Муҳаммад Пайғамбар даврларидаги асл ҳолига қайтариш учун курашяпмиз, деб даъво қилганлар. Улар фақат Қуръон ва суннани ислom асоси сифатида тан олиб, ижмо ва қиёсни инкор этадилар. Яъни улар чаҳорёрлар, мусулмон оламида мўътабар ва буюк саналган диний алломаларни рад этадилар, уларнинг бебаҳо

асарларини ўқиш ва мутолаа қилишдан бош тортадилар. Ваҳҳобийлар Ислом оламида буюк ва мўътабар саналган сиймоларнинг қабрларини, мусулмонлар учун муқаддас саналган қадамжоларни зиёрат қилишга ҳам қарши чиқадилар. Улар мусиқа, тасвирий санъат, кино, театр, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга қарши чиқадилар. Ваҳҳобийларнинг фикрича, инсон, масалан, мусиқа эшитиб турганда Аллоҳни ёдидан чиқаради, у мусиқа оҳангига маҳлиё бўлиб қолади. Ваҳҳобийлик диний оқими тарафдорлари ўта экстремист ҳисобланишади. Улар ўзларининг диний ақидаларидан бошқа ақидаларни умуман тан олмайдилар, ўзга фикрдагиларни кофирлар деб билиб, уларга қарши курашадилар. Ўз вақтида ваҳҳобийлик диний оқимининг асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб тажовузкорлигига унинг отаси ва акаси Сулаймон ибн Абд ал-Ваҳҳоб ҳам қарши чиқишган. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ўзининг ақидаларини араблар орасида 1740 йилдан бошлаб, яъни отаси оламдан ўтгандан кейингина фаол тарғиб қилишга киришган. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрларда ваҳҳобийликнинг таъсири араб мамлакатларида ошган. Ваҳҳобийлар қуролли гуруҳ туза бошлаганлар. Уларга бу йўлда Европанинг Ғарб мамлакатлари, айниқса, Англия фаол мадад берган. 1802 йили ваҳҳобийлар 12 минглик кўшин билан Карбало чўлига юриш уюштириб, Ислом динининг шиа йўналиши тарафдорларининг буюк имоми ҳисобланган Имом Ҳусайн мақбарасини талон-торож қилганлар. Кейин 8 соат ичида Карбало чўлида қирғинбарот содир этганлар. 4 мингдан ортиқ бегуноҳ киши ваҳҳобийлар юришининг қурбони бўлганлар. 1803 йили ваҳҳобийлар яна Карбало чўлига юриш уюштирганлар. Бу сафар улар Имом Ҳасан мақбарасини бузиб, талон-торож қилганлар. Бу юриш натижасида 2 мингдан ортиқ бегуноҳ киши қурбон бўлган. 1803 йили ваҳҳобийлар дунё мусулмонлари учун муқаддас ҳисобланган Макка ва Мадина шаҳарларининг мачит ва зиёратгоҳларига зарар етказганлар. 1810 йилда эса Муҳаммад Пайғамбар масжидларига зарар етказиб, уни талон-торож қилганлар. 1811 йилдан бошлаб ваҳҳобийларга қарши Миср ҳукмдори Муҳаммад Али кураш бошлаган. Бу кураш XIX асрнинг 30 йилларигача давом этган. Ваҳҳобийлар ҳарбий жиҳатдан мағлуб бўлган. Лекин бу оқим Ислом оламида тўла йўқ бўлмаган.

Веда дини – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган диний таълимот. Веда дини ведалар орқали маълум бўлганлиги учун “Веда дини” деб номланган. Ведалар (санскритча: билим маъносини англатади) ёзма адабий тўпламлар бўлиб, Ҳиндистонда мил. ав. II минг йиллик охири – I минг йиллик бошида яратилган. Бугунги кунгача 4 та ведалар тўплами (самхиталар) етиб келган: “Ригведа” – қасида, мадҳия, дуолар тўплами, “Самаведа” – кўшиқлар тўплами, “Аюрведа” (ёки “Яжурведа”) – қурбонлик қилиш йўллари ҳақида тўплам ва “Атхарваведа” – сеҳрли дуолар тўплами. Веда динида упанишадлар мавжуд. “Упанишад” сўзи “махфий таълимот” маъносини англатади. Упанишадлар – бу асосан фалсафий-диний рисоалардир. Уларда ҳиндлар тангриси ҳисобланган Брахма (Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида “Бироҳим” шаклида келтирилган) борлиқнинг ибтидоси ва интиҳоси, барча мавжудотнинг асоси, деб улуғланган. Упанишадларга кўра, моддий олам, шу жумладан, инсон ҳам

Брахмадан пайдо бўлган ва ўшанга қайтади. Бу фалсафий фикр кейинчалик ислом суфийлари ҳисобланган Ибн Арабий, Мансур Ҳаллож ва бошқалар томонидан такрорланган. Улар бутун борлиқни Аллоҳнинг тажайлиси, жамоли деб билганлар. Уларнинг фикрича, яхши, пок инсонлар Ҳақ висолига етишиб, у билан қўшилиб кетади. Упанишадларда айтилишича, агар инсон бу дунёдаги ҳаётида покиза, эзгу ниятлар билан яшаса, ўлгандан кейин қайтадан дунёга келса, яна инсон бўлиб келади. Аксинча бўлиб, одам тубан, ҳайвоний ишлар қилса, у кейинги сафар дунёга келганида унинг жони ҳайвонга кўчади. Веда дини негизида брахманизм ва ҳиндуизм дини вужудга келган.

Ведалар – Тахм. мил. ав. 1500-600 йилларда Ҳиндистон ярим оролида яшаб ўтган қадимий халқлар томонидан яратилган диний мазмундаги адабиётлар.

Ведиус – Қадимги римликларнинг ер ости дунёси худоси.

“Ведомости” – 1703 йилдан бошлаб Россияда чоп этила бошланган газетанинг номи.

Вексель – Қарздорнинг қарз берган кишига қарзни белгиланган муддатда тўлаш тўғрисида берган ҳужжати.

Велитлар – Қадимги Рим легионида енгил қуроолланган пиёда кўшин.

Вена конгресси – Наполеон I Бонапарт армияси тор-мор этилгандан сўнг 1814-1815 йилларда Вена шаҳрида ғолиб давлатлар томонидан ўтказилган конгресс. Унинг қарорларига кўра, ғолиб давлатларнинг худудий даъволари қондирилган, яъни Швейцария худудлари кенгайтирилиб, бетараф давлат деб эълон қилинган, Голландия ва Франция мустамлакалари Англия тасарруфига ўтган, Польша қироллигининг ғарбий қисми Пруссияга, шарқий қисми эса Россияга ўтган, 39 давлатдан иборат Германия иттиҳоди ташкил этилган, Рим областида Рим папасининг дунёвий ҳукмронлиги қайта тикланган, Франциянинг худудлари 1789 йилдаги ҳолатига келтирилган. Франция ғолиб давлатларга 700 млн. франк контрибуция (жанг товони) тўлашга мажбур этилган.

Венгриядаги 1956 йилги воқеалар – 1956 йилда Венгрияда тоталитар тузумга қарши бўлиб ўтган кўзғолонлар. 1945 йил кузида Венгрия Миллий мажлиси (парламенти)га сайловлар бўлиб ўтган. Унда Майда қишлоқ хўжалиги эгалари партияси 57 фоиз овоз олиб ғалаба қозонишган. Венгрия коммунистик партияси эса атиги 16 фоиз овоз олишган. 1946 йил декабрь ойида Венгрия худудида мавжуд бўлган совет кўшинларига таяниб мамлакат “ватанпарварлар”и “Венгрияда демократик давлат тузумини ағдаришга” уринган Майда қишлоқ хўжалиги эгалари партиясининг кўплаб раҳбарларини қамоққа олишган. Совет Иттифоқининг таъсири билан Венгрияда коммунистларнинг мавқеи сунъий равишда ошиб борган. Кейинги ўн йилликда Венгрияда Совет Иттифоқида мавжуд бўлган социализм нусхаси яратила бошланган. 1956 йилнинг 25 октябрида Будапештда талаба (студент)лар намоёишлари бошланган. Улар мамлакатни демократлаштиришни талаб қилишган. Ҳукумат уларга қарши қуроол ишлатган, Будапешт шаҳрига собиқ Совет Иттифоқи танклари киритилган. Лекин на Будапешт полицияси, на совет кўшинлари кўзғолонни тўхтатолмаганлар. Кўзғолон натижасида

Хавфсизлик Давлат Кенгаши фаолиятига барҳам берилган, жазо органлари, ҳукумат бинолари ёкиб юборилган, кўзғолон қишлоқ жойларни ҳам қамраб олган, Венгрия коммунистик партияси раҳбари Янош Кадар собиқ Совет Иттифоқи кўшинлари базасида яширинган. Венгриянинг Бош вазири этиб сайланган Имре Надь Венгрия Варшава шартномаси аъзолигидан чиққанини эълон қилган, собиқ Совет Иттифоқи кўшинларини Венгриядан олиб чиқилишини талаб қилган ва Венгрияни дахлсиз эканини маълум қилган. 1956 йилнинг 4 ноябрида совет кўшинлари яна Будапештга кириб келган. Бу сафар кўзғолон бостирилган. Бош вазир Имре Надь қамоққа олинган. Янош Кадар ҳокимияти тиклатилган. Имре Надь эса 1958 йилнинг 17 июнида суд қарорига кўра давлат хиёнатчиси сифатида қатл этилган. Кейинчалик 1988 йилда Венгрияда Янош Кадар ўрнига Карой Гроссу Венгрия социалистик ишчи партиясининг биринчи секретари бўлган. Шундан кейин Венгрияда демократик ислохотлар ўтказила бошланган.

Вендетта – Сардиния ва Корсика оролларида ўлдирилган қариндош-уруғлари учун қонли ўч олиш одати (удуми).

Венера – 1. Қуёш тизимидаги 9 та катта планеталаридан бири. 2. Қадимги Римда баҳор маъбудаси ва боғдорчилик ҳамда полиз-сабзавотчилик ҳомийси. Кейинчалик юнон маъбудаси Афродитага таққосланиб севги ва гўзаллик маъбудасига айлантирилган.

Верди, Жузеппе – 1813-1901 йилларда яшаб ўтган италян композитори. Унинг машҳур асарлари “Риголетто”, “Трибадур”, “Травиата”.

Вермахт – Гитлерчилар диктатураси даврида Германия армиясининг расмий номи.

Версаль–Вашингтон тизими – Версаль тинчлик шартномаси ва Вашингтон конференцияси қарорлари асосида вужудга келган халқаро тизим.

Версаль тинчлик шартномаси (Париж тинчлик шартномаси) – 1. Париж тинчлик конференциясида имзоланган барча шартномаларнинг умумий номи. 2. Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатларнинг 1919 йилнинг 28 июнида Париж Версаль саройининг Ойнали залида Германия билан имзоланган шартномаси. Унга кўра, Германия Биринчи жаҳон урушининг асосий айбдори деб ҳисобланган, дунёдаги энг бой темир конларига эга бўлган Эльзас ва Лотарингия Германиядан олиниб, Францияга берилган, Германияга қарашли бўлган Саар кўмир конлари 15 йил давомида Францияга фойдаланиш учун берилган, Рейн дарёсининг ғарбий ҳудудидан Германия ҳарбийлари чиқиб кетишган ва 14 йил мобайнида иттифокчилар кўшинлари жойлаштирилиши кўзда тутилган, Германияда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилиниши ва кўнгиллилик асосда шаклланадиган армияси 100 минг кишидан ошмаслиги лозим бўлган, Германия барча офицерларини хизматдан бўшатилиши, курул-яроғларини Антанта мамлакатларига топшириши кўзда тутилган, Германиянинг Африкадаги мустамлакалари асосан Англия, Франция ва Белгия ўрталарида тақсимланган, Тинч океанида жойлашган Германияга қарашли бўлган ороллар эса Японияга берилган, Германия 1921 йилгача ғолиб давлатларга 5 млрд. доллардан тўлаши, шундан кейин 30 йил давомида 1921

йилда белгиланадиган уруш товонини тўлаши зарур бўлган. Урушдан тойган Германия учун бу миқдорда контрибуция тўлаш жуда оғир бўлган.

Веспуччи, Америго – 1454-1512 йилларда яшаб ўтган Испания ва Португалия флотида хизмат қилган денгизчи сайёҳ. 1499 ва 1501-1502 йилларда Христофор Колумб томонидан Америка қитъасига уюштирилган экспедицияларда қатнашган. Америго Веспуччи ўзининг немис дўсти, хариташунос олим Вальдземюллерга мактуб ёзиб, унда Колумб кашф этган янги ерлар Ҳиндистон эмаслигини таъкидлаб, у ерларни “Янги Дунё” деб аташни таклиф этган. Вальдземюллер Веспуччининг фикрига батамом қўшилган ва Веспуччи шарафига янги кашф этилган қитъани “Америка” деб аташни таклиф қилган. Бу таклиф қабул қилинган. 1505 йилдан ҳозирги Жанубий Америка, 1538 йилдан эса Шимолий Америка ҳам “Америка” деб атала бошланган.

Веста – Қадимги римликларнинг хонадон ва олов илоҳиси, юнонларнинг Гестия илоҳига тўғри келади.

Вестгот – 1. Варварлар қабиласи сирасига кирадиган қабиланинг номи. 2. Галлия ва Испания ҳудудларида вужудга келган биринчи варвар қабилалар давлатининг номи.

Вестернизация – Европацентризм ғоясининг замонавий кўриниши бўлиб, инсоният эришган барча ютуқларни ғарблаштириш (инглизча “вестерн” сўзи Ғарб маъносини англатади), Ғарб дунёсининг ўзига хос тафаккури ва турмуш тарзи натижаси деб кўрсатишга уриниш, Ғарб мамлакатларини илғор ва етакчи куч, идеал ҳодиса сифатида тарғиб этишга қаратилган назария ва амалиёт.

Вестфаль сулҳи – Ўттиз йиллик уруш қатнашчилари томонидан 1848 йилнинг 24 октябрида Германиянинг Мюнстер шаҳрида имзоланган сулҳ шартномаси.

Ветеран – 1. Қадимги Римда хизматдан бўшагандан легион хизматчилари. 2. Меҳнат ва ҳарбий хизмат фахрийси.

Вето – Лотин тилидан олинган бўлиб “тақиқлайман” деган маънони англатади ва бугунги кунда қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Давлат органи чиқарган қарор шу давлатнинг бошқа юқори органи ё мансабдор шахси томонидан бекор қилиниши. 2. Халқаро коллегиал органларда овозга қўйилган қарорга шу орган аъзолардан бирининг қарши чиқиши натижасида ушбу қарор қабул қилинмай қолиши.

Вече – Қадимги ва Ўрта асрларда Рус давлатидаги халқ мажлиси (X–XIV асрлар). Вече уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этган, князларни чақиртирган ва ҳайдаган, қонунлар қабул қилган, бошқа мамлакатлар билан битимлар тузган ва бошқалар.

Вивасват – Қадимги ҳинд мифологиясида қуёш Худоси, осмон ва ерда ёруғлик ифодачиси, инсоният асосчиси.

Виждон эркинлиги – Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи. Виждон эркинлиги демократиянинг ажралмас қисми бўлиб, у фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги, барча диний конфессияларнинг қонун олдида тенглиги,

динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлиги, диний идора ишларига давлатнинг аралашмаслиги, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслигини ифода этади. Виждон эркинлиги ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрида қабул қилинган 36-55-сонли Резолюциясида белгиланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб қайд этилган.

Виза – 1. Бир мамлакатга бориш ё ундан чиқиб кетиш ёки бирор-бир мамлакат орқали бошқа мамлакатга ўтиб кетиш учун ўша мамлакат ҳуқумати томонидан фуқаронинг паспортига битилган ёзма ижозат. 2. Бошлиқ томонидан бирор-бир ҳужжатга қўйилган белги, ёзув.

Византия давлати (Шарқий Рим империяси) – Ўрта асрларда мавжуд бўлган йирик давлат. 476 йилда Ғарбий Рим империяси тугатилган. Лекин Шарқий Рим империяси IV асрдан XV асргача мавжуд бўлган. У ўзини дастлаб расмий суратда “Рим (Ромея) империяси” деб атайдиган. Кейинчалик “Рим империяси” деган ном йўқолиб, “Византия империяси” деган ном билан юритила бошланган. Византия – бу Босфор соҳилларидаги қадимги Юнонистон полисининг номи бўлган. Энг ривожланган даврида Византия империяси ҳудуди таркибига Болқон ярим ороли ва Эгей денгизидаги кўпдан-кўп ороллардан ташқари, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Миср, Месопотомия, Кавказ ортининг бир қисми, Кримнинг жанубий қирғоқлари кирган. Византия пойтахти Константинополь шаҳри бўлган. Илк Ўрта асрларда Византия сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ривожланган. У географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги сабабли Шарқ билан Ғарб ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларининг ривожига сабаб бўлган. 717-802 йилларда Византияда исаврлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Исавр Сурия билан чегарадош вилоят бўлган. Исаврлар сулоласи ҳукмронлиги даврида черков ерларини давлат мулкига айлантириш бошланган. Улар бутларга сиғинишга қарши кўплаб фармонлар эълон қилганлар. Уларнинг буйруқлари билан иконалар ибодатхоналардан олиб чиқилган ва уларнинг катта қисми йўқ қилиб юборилган. Бутларга қарши кураш баҳонасида кўплаб монастирлар ёпиб қўйилган. Бу сиёсат диндорлар ўртасида катта норозилик туғдирган. Бутга қарши курашаётганлар билан бутга чўқиниш тарафдорлари ўртасидаги кураш бир неча ун йилга чўзилган ва баъзан жуда кескин тус олган. VIII аср бошларида араб қўшинлари Кичик Осиёга бостириб кирганлар. Улар Константинополь яқинига келиб уни деярли бир йилгача (717-718 йиллар) қамал қилиб турганлар, лекин забт этолмаганлар. 867-1057 йилларда Византияда македонияликлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Македонияликлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Константинополь шаҳри минтақада катта савдо марказига айланган, Византия империясининг ҳудудлари кенгайган, Византия билан Русь ўртасидаги диний муносабатлар кескинлашган. Константинополь патриархи Русь черкови бошлиғи (Киев метрополити)ни тайинлаш ҳуқуқига

даъво қилган. Бироқ, Рус подшоҳи Ярослав Мудрый 1051 йилда Илларионни Киев метрополити қилиб тайинлаган (кейинчалик 1448 йилда Русь черкови Константинополь черковининг ҳукмронлигидан узил-кесил қутулган). 1054 йилда Константинополга келган Рим папасининг элчилари юнон дин арбоблари билан биргаликда ибодат қилишдан бош тортиб (ибодат қоидалари, ибодат тили ўша вақтда бошқа-бошқа бўлиб кетган) Константинополни ташлаб кетганлар. Бунга жавобан Константинополь патриархи Рим черкови ва унинг бошлиғи бўлган папаси шарафига лаънатлар айтган. Натижада Византия черкови Рим черковидан ажралган. Христиан черкови ғарбий-католик ва шарқий-праваслав қисмларга бўлиниб кетган. Византияда бой ва ранг-баранг маданият яратилган. Бу маданият жанубий славянлар ва Русга катта таъсир кўрсатган. Византияда қурилиш ва рассомчилик ҳам ривожланган. Византияда атоқли энциклопедист олим патриарх Фотий (820-891 йиллар) яшаган. Византияда йилнома ёзиш ҳам жуда ривож топган.

Визит – *Қар.: Ташириф.*

Виконт – 1. Каролинглар сулоласи ҳукмронлиги даврида Франк давлатида граф ўринбосари. 2. Ғарбий Европа давлатларида дворянлар унвони (граф билан барон оралиғидаги унвон).

Виктория – 1. Қадимги Рим афсоналарида ғалаба маъбудаси. Юнонларнинг Ника маъбудасига тўғри келади. 2. Буюк Британия қироличаси. 1837-1901 йилларда ҳукмронлик қилган.

“Виктория асри” – Қиролича Виктория ҳукмронлик қилган давр (1837-1801 йиллар)нинг англияликлар томонидан номланиши.

Вилланлар – Франция, Италия, Германияда феодализм даврида шахсан озод, лекин ер ижарачиси сифатида феодалга қарам бўлган деҳқонлар.

Вильгельм I – Пруссия қироли. 1871 йилдан бирлашган Германиянинг император (кайзер)и.

Вильсон, Вудро – 1856-1924 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатлари президенти (1913-1921 йилларда).

Виндекс – Римнинг ғарбида жойлашган Аквитания ҳокими. 68 йилда Рим императори Неронга қарши қўзғолонга раҳбарлик қилган.

Вира – Қадимги рус ва скандинав халқларида қотиллик учун жазо тури, қотилдан пулли бадал ундиришни назарда тутган. Шунингдек, бошқа жиноятлар учун пулли жарима ҳам “вира” деб аталган. Виранинг ҳажми марҳумнинг мақоми ва ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб белгиланган.

Виртус – Қадимги римликларнинг маъбудаси, ҳарбий жасорат ифодачиси, Марснинг йўлдоши.

Витализм – Идеалистик диний оқим. Унинг тарафдорлари организмда юз берадиган ҳаётий жараёнлар жон орқали амалга оширилади, деган фикрни олға сурадилар.

Виткевич – 1837 йил декабрь ойида Афғонистонга Россия томонидан юборилган сафоратининг раҳбари.

Вифания – Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида жойлашган қадимий давлат. Карфагеннинг машҳур саркардаси Ганнибал умрининг охирларида римликлардан Вифанияда яшириниб юрган.

Вице-президент – Президент ноиби, ўринбосари.

Вице-қиролликлар – Мустамлакачилик бошқарув шакли. Унда мустамлака раҳбари (вице-қирол) чекланмаган ваколатларга эга бўлган ва монархнинг бевосита ноиби ҳисобланган. Европадаги кўпгина давлатлар (Испания, Буюк Британия, Португалия, Италия ва бошқалар) бундай мулкларга эгалик қилишган.

Вишну – Мил. ав. 1 минг йиллик бошида Ҳиндистонда пайдо бўлган брахманизм диний таълимотида одамларни муҳофаза этувчи худо.

Владимир I – Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори (980-1015 йиллар). Святослав I нинг ўғли. Унинг ҳукмронлиги даврида Киев шаҳри қайтадан мустақамланган, унда кўплаб иншоотлар қурилган, мамлакатнинг халқаро обрўси ошган. Владимир I ташаббуси билан 988 йилда Қадимги Русь давлатида христианлик давлат дини сифатида қабул қилинган. Владимир I Русь православ черкови томонидан авлиёлар қаторига қўшилган. Русь халқ оғзаки ижодида Владимир I “Красное солнышко” (“Қизил қуёш”) деб эъзозланган.

Владимир II Мономах – Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори (1113-1125 йиллар). Владимир II Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори Владимир I ва Византия императори Константин Мономах қизининг фарзанди бўлган. Мамлакатда князларнинг ўзаро урушларига қарши курашган. Фарзандлари учун “Панднома” ёзган. Унда фарзандларини Руснинг бирлигини мустақамлашга чақирган. Владимир II Мономах вафотидан кейин мамлакатда феодал тарқоқлик кучайган ва марказий ҳокимият заифлашган.

Владимир – Суздаль князлиги – XII аср ўрталарида Русь ерларида мавжуд бўлган уч йирик князликларнинг бири.

Владислав – Польша қироли Сигизмунд III нинг ўғли. Россиянинг етти бояр ҳукумати томонидан унга Русь давлати тахтига эга бўлиш таклиф этилган.

ВЛКСМ – Русча “Всесоюзный Ленинский Коммунистический Союз Молодёжи” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз.

Вовенарг – 1715-1747 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Водий – Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар орасидаги кенг текислик.

Воевода – 1. Славян халқларида кўшин бошлиғи, ҳукмдор. 2. Воеводлик – Польшадаги асосий маъмурий-худудий бирлик.

Воиз – 1. Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъзхон. 2. Насихатомуз нутқ сўзловчи, нотик.

Волий – Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида вилоят ҳокими (ноиби). Волийлар хон ва подшоҳ тарафидан тайинланиб, вилоятнинг мутлақ ҳокими ҳисобланган.

Волостель – Рус ерларида XVI асргача волостни бошқарувчи ва маъмурий-молиявий ҳамда судлов вазифаларини бажарган мансабдор шахс.

Волость – Чор Россияси (унинг таркибида бўлган Туркистонда ҳам) ва 1929-1930 йилларда собиқ СССРда районлаштириш амалга оширмагунча қуйи маъмурий-худудий бирликнинг номи, уезднинг кичик бир бўлаги. Туркистонда “бўлис” деб аталган.

Волость суди – Россияда умумий судлардан алоҳида турган (ажратилган) куйи табақа деҳқон суди (1861-1917). Ҳайъати раис ва суд маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, маҳаллий урф-одатларга таянган ҳолда деҳқонлар турмушига кўп учрайдиган фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиққан.

Вольтер, Франсуа – 1694-1778 йилларда яшаб ўтган француз адиби, файласуфи ва тарихчиси. Вольтер черков мутаассибларига қарши курашган. У 1717 йилда эркин фикрликда айбланиб қамалган. У қамоқда ўзининг машҳур “Эдип” асарини ёзган. У ҳокимиятни озодлик, тенглик ва биродарлик ғояларига қатъий амал қилувчи одил подшоҳ бошқариши тарафдори бўлган. Вольтернинг фикрича, конституцияли монархия энг оқилона давлат тузумидир. Вольтер ўз достонларида Шарқ мавзудан кенг фойдаланган. У Амир Темур ва Улугбек даври тарихини яхши билган. “Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида” (1753-1758 йиллар) асарида у ер юзидаги қатор давлатлар, монархлар ҳақида маълумот берган. Ушбу асарнинг учинчи жилди Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорларига бағишланган. Вольтер Улугбекнинг ҳукмронлиги, илму маърифатни ривожлантирганини хурмат билан таъкидлаган.

Волюнтаризм – Оламнинг тараққиётида инсон иродаси ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот. Волюнтаризмнинг етук вакили А.Шопенгауэрнинг фикрича, барча тирик мавжудотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи – стихияли инстинктив характерга эга бўлган “яшашга интилиш иродаси” билан белгиланади. Онгли ирода кўр-кўрона, инстинктив индивидуал ирода маҳсулидир.

Ворис – *Қар.: Меросхўр.*

Вотчина – Россияда ер эгалигининг меросий равишда ўтадиган қадимий тури. XVI–XVII асрларда поместьеларга яқинлашиб ва ер эгалигининг янги тури – имениелар пайдо бўлган.

Вотум – Овоз бериш йўли билан ифодаланган фикр, қарор.

Вулкан – Қадимги Рим мифологиясида олов, ёнғин, ўчоқ худоси, олов билан боғлиқ бўлган касб-ҳунарлар ҳомийси. Юнон мифологиясидаги олов ва темирчилик санъати худоси Гефестга тўғри келади. Кўп тилларда тарқалган “вулқон” сўзи шундан келиб чиққан.

ВЧК – Русча “Всероссийская чрезвычайная комиссия по борьбе контрреволюцией и саботажем” (Умумроссия аксилинқилоб ва саботажга қарши кураш фавқулодда комиссияси) ибораси сўзларининг биринчи, иккинчи ва учинчи сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз. 1917 йил декабрида Россияда большевиклар ҳукумати томонидан тузилган хавфсизлик органи.

Вьяса – Қадимги Ҳиндистонда афсонавий авлиё. Вьяса “Махабхарата” асарининг муаллифи деб тахмин қилинади.

–Г–

Габрлар – 1. Оташпараст, зардушт динида бўлган одам, зардуштий. 2. Ўрта асрларда номусулмонларнинг мусулмонлар орасидаги номи.

Габр қалъа (Гавр қалъа) – Ўрта Осиёдаги қадимий қалъалар харобаси. Ислом дини тарқалгунга қадар Ўрта Осиё аҳолиси оташпарастилик (зардуштийлик) динига эътиқод қилган бўлиб, уларни “габр” ёки “муғ” деб атаганлар. Оташпарастиларнинг қалъа ва кўрғонлари вайронага айланиб, асл номи йўқолиб кетгач, аҳоли ўртасида “габр қалъаси” деб аталадиган бўлган.

Габсбурглар – Австрияда ҳукмронлик қилган сулоланинг номи. Ўттиз йиллик урушда Рим папаси, Испания ва Австрия габсбурглари габсбургчиларга қаршилар билан урушишган.

Гавел, Вацлав – Собиқ Чехословакияда 1989 йилда амалга оширилган Бахмал инқилоби” жараёнида тузилган Фуқаролик форуми сиёсий ташкилотнинг раҳбари. Кейинчалик собиқ Чехословакия президенти.

Газ – Шарқ мамлакатларида тахминан 62 см.дан 91,5см.га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

ГАИ – Русча “Государственная автомобильная инспекция” (Давлат автомобиль инспекцияси) ибораси сўзларининг биринчи ҳарфлардан олинган сўз.

Гайдуклар (Хайдуклар) – 1. Жанубий славян халқлари, молдаванлар ва бошқаларнинг XV–XIX асрларда усмонли турк истилочиларига қарши қуролли кураши қатнашчилари. 2. XVIII–XIX асрларда Венгрия ва Польшадаги йирик магнатлар ҳамда помещиклар хизматида бўлган енгил қуролланган жангчилар.

Гай Цильний Меценат – Рим императори Октавиан Августнинг яқин дўсти. Қадимги Римда шоир ва ижодкорларга энг фаол ёрдам кўрсатган шахс.

Галактика – Қуёшни ҳам ўз ичига олган юлдузлар тизими.

Галикарнас (Мавсола) мақбараси – Қадимги дунё тарихида эътироф этилган етти мўъжизаларидан бири. Қадимги Кичик Осиёнинг жанубий-ғарбида мавжуд бўлган Галикарнас шаҳри Мавсола (353 йили вафот этган) ва унинг хотини Артемизия II даврида ўз тараққиётининг юксак чўққисига етган, шаҳарда кўплаб сарой, ибодатхоналар қурилган. Мавсола Миср фиръавнларига ўхшаб тириклик вақтидаёқ ўзига атаб мухташам мақбара қурдира бошлаган. Мақбара битмасдан подшоҳ Мавсола оламдан ўтган. Мавсоланинг хотини Артемизия II, унинг ўғли ҳам мақбара қурилишини ниҳоясига етказишолмаган. Мавсола мақбараси Мавсоланинг набираси томонидан қуриб битказилган. Мавсола мақбараси Салиб юришлари вақтида босқинчи-салибчилар томонидан талон-тарож қилиниб, вайронага айлантирилган. Унинг пойдеворидан фойдаланиб, салибчилар Авлиё Пётр қалъасини қурдиришган. Галикарнас турклар қўлига ўтгандан кейин Авлиё Пётр қалъаси ўрнига “Будрун кўрғони” деб ном олган кўрғон қад кўтарган. XIX асрда инглизлар Мавсола мақбарасини тадқиқ этиб, одамлар, отлар ва шерлар ҳайкалларининг парчаларини, турли барельефларни топишган. Британия музейи ходими Чарльз Ньютон Мавсола ҳайкали парчаларини қидириб топиб, улардан ҳайкални қайтадан тиклашга муваффақ бўлган. Ҳозирги вақтда Мавсола ҳайкали Британия музейига оро бериб турибди. Мавсола мақбарасидан топилган бошқа кўплаб ашёлар ҳам Британия музейида сақланмоқда. Шу тариқа Галикарнас (Мавсола) мақбараси қисман бўлса- да тикланган. Бугунги кунда маъмул бўлган “мавзолей” сўзи айнан “Мавсола” сўзидан олинган.

Галилей, Галилео – 1564-1642 йилларда яшаб ўтган италян физиги, астрономи ва Коперникнинг гелиоцентрик системасининг давомчиси. У аслзодалар оиласида туғилган. Галилей университет профессори унвонига сазовор бўлган. У ўзи ясаган нарсаларни 32 мартаба катта қилиб кўрсатадиган телескоп ёрдамида Ой сиртининг нотекислигини, Қуёш доғларини, Юпитернинг 4 та йўлдошини кашф қилган ва Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлаган. Галилей ўз асарларида Коперник ва Жордано Бруно кашфиётларини тўғри эканлигини исботлаган. 1633 йилда 70 ёшли Галилей католик черковининг инквизиция судига топширилган. Инквизиция суди Галилейни ўз ғояларидан воз кечишга мажбур қилган. Уни гуноҳкорлар кийимида черковда тиз чўкиб тавба-тазарру қилдирилган. Галилейга Ер ҳаракати ҳақида гапириш ман этилган. 1637 йилда Галилей кўр бўлиб қолган. 1992 йилда Рим папаси Иоанн Павел II Галилео Галилей бўйича инквизиция суди қарорларини нотўғри, деб тан олган ва у оқланган.

Галич-Волин князлиги – XII аср ўрталарида Русь ерларида мавжуд бўлган уч йирик князликларнинг бири.

Галликанлар – Францияда христиан дини протестантизм мазҳаби тарафдорларининг аталиши.

“Гандамак сулҳ шартномаси” – 1879 йил май ойида Англия ва Афғонистон ўрталарида имзоланган шартнома.

Ганди, Индира – 1917-1984 йилларда яшаб ўтган Ҳиндистоннинг сиёсий ва давлат арбоби, Бош вазири (1966-1977 йилларда).

Ганди, Махатма – 1869-1948 йилларда яшаб ўтган буюк ҳинд мутафаккири ва давлат арбоби. “Махатма” сўзи Гандининг тахаллуси бўлиб, ҳинд тилида “буюк қалб” маъносини англатади. Ганди 1887-1891 йилларда Англияда ҳуқуқшунослик бўйича маълумот олган. 1891 йилда у адвокат сифатида Англиянинг мустамлакаси бўлган Жанубий Африкага борган. У ерда Ганди Ҳиндистондан келиб ишлаётган ватандошларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилган, апартеид сиёсатига қарши курашган. Ганди негрлар ва оқтанлилар ҳуқуқларини тенглаштириш учун ҳам курашган. Ганди “сатьяграха” (“куч ишлатмасдан курашиш”) ташкилотини тузган. Махатма Ганди 1914 йили Ҳиндистонга қайтиб келган. Тезда у Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракати раҳбарларидан бирига айланган. Инглиз ҳукмдорлари Гандини бир неча мартаба қамашган (1922-1924, 1930-1931, 1942-1944 йилларда). Ганди инглиз ҳокимияти томонидан Ҳиндистонда 1865 йилда жорий этилган туз солиғини бекор қилишни талаб қилган. Унга кўра, туз савдоси Англиянинг монополияси деб эълон қилинган. Туз нархи юзлаб баробар ошиб кетган. Ҳинд халқи кам туз истеъмол қилишлари натижасида турли касалликларга чалинган. Мустамлакачилар ҳокимиятидан рад жавобини олгандан кейин Ганди 1930 йилда бир гуруҳ фикрдошлари билан Арабистон денгизи соҳилларига йўл олиб, ҳинд халқи учун туз тайёрлашни бошлаган. Гандининг бу ҳаракати Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатини кучайтирган. Мустамлакачилар ҳукумати қарши хужумга ўтиб Ҳиндистон ватанпарварларини қамоққа олишни бошлаган. 60 мингдан ортиқ киши, шу жумладан Ганди ва Неру ҳам,

қамалганлар. Ганди 1948 йили хиндуларнинг реакцион шовинистик ташкилотининг бир аъзоси томонидан отиб ўлдирилган.

Гандимиён сулҳ шартномаси – 1873 йилнинг 12 августида Гандимиён қишлоғида Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II томонидан имзоланган шартнома. Ушбу сулҳ шартномасига кўра, Хива хони ўзини “Бутунроссия императорининг итоаткор хизматчиси” деб тан олган (яъни, Хива хони Россия императорининг вассалига айланган), Амударё рус мулклари билан Хива хонлиги ўртасидаги чегара деб белгиланган, унинг соҳиллари Россия тасарруфига ўтган, Хива хони рус олий ҳокимиятининг руҳсатсиз қўшни мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, савдо шартномалари тузиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлган, рус савдогарларнинг Хива хонлиги ҳудудларида эркин (яъни солиқ тўламасдан) савдо қилиш ва молларини Хива орқали бошқа мамлакатларга ўтказиш ҳуқуқларига эга бўлишган, Хива хонлиги жанг товони сифатида Россияга 2.2 млн. сўм тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган, Россия фуқароларига Хива хонлиги ҳудудида кўчмас мулк сотиб олишга руҳсат берилган ва ҳоказо.

Ганди, Ражив – Ҳиндистон Бош вазири (1984-1991 йилларда).

Ганжавий, Низомий – 1141-1209 йилларда яшаб ўтган шоир ва мутафаккир.

Ганнибал – Тахм. мил. ав. 247-183 йилларда яшаб ўтган машҳур Карфаген саркардаси. Мил. ав. 218 йили Ганнибал бошчилигидаги қўшинлар Рим таъсир доирасида бўлган Иберия (Испания) ҳудудида жойлашган Сагунт шаҳрини босиб олган. Рим ҳукмдорлари карфагенликлардан Ганнибални уларга топширишни талаб қилишган. Рад жавобини олишгач, Рим Карфагенга қарши янги – иккинчи урушни (мил. ав. 218-201 йиллар) бошлаган. Римликлар ўз қўшинларининг бир қисмини Африкага, бошқа қисмини эса Иберия томон юборганлар. Юзага келган вазиятдан Ганнибал моҳирона фойдаланган. Мил. ав. 218 йилда у Иберияда барпо этилган Янги Карфаген шаҳридан қўшинлари билан чиқиб ўзининг машҳур 200 км.лик, 33 кунлик Алп тоғини ошиб ўтиш ҳарбий тактикасини қўллаган. Бу тоғ ошиб ўтиш жуда оғир шароитларда амалга оширилган. Ганнибал қўшинлари Римнинг шимолида пайдо бўлганда, уларнинг 80 минг пиёда аскарларидан атиги 20 минги, 10 минг отлик аскарларидан 6 мингигина етиб келган. Ганнибал қўшинларининг Римнинг шимолида ногаҳон пайдо бўлиши римликларни саросимага туширган. Ганнибал Рим қўшинларига катта талафотлар етказган. Мил. ав. 202 йили Шимолий Африканинг Зама деган маҳалида Ганнибал қўшинлари римликлардан мағлубиятга учраган ва Рим шартлари асосида сулҳ битимини имзолашга мажбур бўлган. Ганнибал мил. ав. 195 йилда Сурияга қочиб кетган ва Сурия подшоси Антиох III га ҳарбий маслаҳатчи бўлган. Антиох III мил. ав. 192-188 йилларда Римга қарши урушда мағлуб бўлгач, римликлар ундан Ганнибални беришни талаб қилганлар. Ганнибал Суриядан қочиб ҳозирги Арманистон ҳудудида ва Вифания (Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида жойлашган қадимий давлат)га яшириниб юрган. Мил. ав. 183 йилда Вифания

подшоси уни Римга топширмоқчи бўлганини билиб қолиб, захар ичиб ўзини ўлдирган.

Ганчкор – 1. Ганчдан нақш ясовчи уста. 2. Ганч билан нақшланган.

Гарнизон – Шаҳар ёки қалъада доимий ёки ватинча жойлашган аскарый қисм ва ҳарбий муассаса.

Гастия – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган олимп дини маъбудаси, хонадонлар кўриқчиси.

Гаумата – Аҳмонийлар давлатида зардуштийлик динининг арбоби.

Гаутама, Сиддхартха (Будда) – Ривоятларга кўра, буддизм динининг асосчиси.

Гвардия – Ҳарбий кўшиннинг сараланган имтиёзли қисми. Гвардия дастлаб Италияда XII асрда пайдо бўлиб, давлат байроғини кўриқловчи сара аскарый қисмни англатган. Мунтазам кўшинлар вужудга келиши билан гвардия ички (хукмдорни кўриқловчи) ва ташқи (жанговар мақсадларда) ҳарбий қисмларга бўлиниб, бошқа ҳарбий қисмларга қараганда курол-яроғи, кийими ва таълими яхши бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет куролли кучларининг жангларда ўрнатилган қисмлари, кўшилма ва бирлашмаларига “гвардиячи” унвони берилган.

Геба (Гева) – Қадимги Юнонистон мифологиясида абадий ёшлик худоси; Худолар базмида соқийлик қилган. Гераклнинг хотини.

Гегемония – Бир ижтимоий табақа ёки давлатнинг бошқа ижтимоий табақа ёки давлат (ёки давлатлар)га нисбатан устунлиги, йўлбошчилиги.

Гедонизм – Инсоннинг бутун ҳаёт мазмуни роҳатланишдан иборат, деган ғояни ифода этадиган тушунча. Гедонизм таълимотининг асосчиси Сукротнинг замондоши, мил. ав. 435-355 йилларда яшаб ўтган Аристиппдир. Аристипп инсон руҳининг икки ҳолатини – роҳатланиш ва оғриқни фарқлайди. Роҳатланишга юмшоқлик ва майинлик хос бўлса, оғриқ кўпол ва руҳиятнинг кучли силкинишларидан иборатдир. Аристиппнинг фикрича, инсон оғриқдан қочиши ва иложи борича роҳатланишга интилиши оқибатида бахтга эришиши мумкин, жисмоний эҳтиёжларни қондириш эса инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Гейне, Генрих – 1797- 1856 йилларда яшаб ўтган немис шоири.

Гелиос (Гелий) – Қадимги Юнонистон мифологиясида қуёш худоси.

Гелиоцентризм – Геоцентрик система (назария)ни рад этган ҳолда ҳамма нарсалар, шу жумладан Ер ҳам, Қуёш атрофида айланади, деб ҳисобловчи назария. Бу назарияни илк маротаба 1473-1543 йилларда яшаб ўтган улуғ поляк астрономи Н.Коперник илгари сурган.

Гелиоцентрик система – Ер Осмон гумбазидаги йўлдошларнинг бири бўлиб, ҳамма йўлдошлар каби Қуёш атрофида айланиб туради, деб талқин қилинадиган ғоялар мажмуи. Яъни, гелиоцентрик система ғояларига кўра, коинотнинг марказида Ер эмас, балки Қуёш туради. Гелиоцентрик система-нинг асосчиси поляк астрономи Николай Коперник ҳисобланади. Ундан кейин гелиоцентрик система ғояларини Галилео Галилей ва Жордано Бруно ривож-лантиришган. Улар ўз илмий изланишларида Юнон олимлари ва Мирзо Улутбек асарларидан унумли фойдаланишган. *Яна қар.: Геоцентрик система.*

Гендер – Турли жамиятларда яшовчи эркак ва аёллар хулқини белгиловчи ижтимоий ва маданий вазифалар меъёрлари мажмуаси. Гендер орқали эркак ва аёлнинг жамият ва унинг турли институтлари (оила, сиёсий тузилмалар, иқтисодиёт, маданият, таълим соҳалари ва ҳоказо)даги мавқеи белгиланади. Гендер тизими турли жамиятларда турлича намоён бўлади.

Генеалогия – XVII–XVIII асрларда пайдо бўлган ёрдамчи тарих фанларидан бири. Уруғ ва оилаларнинг келиб чиқиши, айрим шахслар тарихи ва қариндошлик алоқаларини ўрганади.

Генезис – Келиб чиқиш, пайдо бўлиш жараёни.

Генерал-губернатор – 1. Чор Россиясида бир ёки бир нечта губернияни ўз ичига олган маъмурий-ҳудудий бўлинманинг энг олий ҳарбий-маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган ҳоқими, бошлиғи. 2. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари таркибида бўлиб, инглиз қиролини давлат раҳбари сифатида тан олувчи айрим давлатлар (одатда, собиқ доминионлар)да инглиз қироли номидан иш юритувчи мансабдор шахс.

Генерал-губернаторлик – Генерал-губернатор қўл остидаги йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма, мас., Туркистон генерал-губернаторлиги.

Генералисимус – Баъзи мамлакатларда энг олий ҳарбий унвон ва шу унвонни олган киши. Дастлаб 1569 йили Францияда жорий этилган. Россияда генералисимус унвон сифатида Пётр I томонидан 1716 йилда жорий этилган. Собиқ Совет Иттифоқида генералисимус унвони 1940 йили таъсис этилган ва фақат И.В.Сталинга берилган.

Генералитет – Армиянинг олий қўмондонлар ҳайъати.

Генерал-квартирмейстер – Баъзи мамлакатлар армияларида (Буюк Британия, Россия, Германия ва бошқалар) штаб лавозими. Одатда, штабда ҳарбий операцияларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришга бошчилик қилган. Генерал-квартирмейстер лавозими Ғарбий Европада XV–XVII асрларда пайдо бўлган. Биринчи жаҳон урушидан кейин бу лавозим тугатилган.

Генерал-фельдмаршал – Германия, Австрия ва Россиянинг қуруқликдаги қўшинларида олий ҳарбий унвон. Илк бор XVI асрда Германияда жорий этилган. Россияда 1699 йили Пётр I томонидан жорий этилган.

Генерал штатлар – XIV–XVII асрларда Франциянинг юқори бошқарув органи. Генерал штатлар тузилиши бўйича Англияда мавжуд бўлган парламентга ўхшаш бўлса-да, уларнинг ўрталарида катта фарқ мавжуд бўлган. Агар Англияда парламент мажлислари мунтазам ўтказилиб турса, Франциянинг Генерал штатлар мажлиси 1789 йилда 175 йилдан кейин чақиртирилган. Генерал штатлар бир палатали бўлган. Унда уч табақа вакиллари мавжуд бўлган: руҳонийлар, дворянлар ва “учинчи тоифа вакиллари”. Учинчи тоифага буржуазия, деҳқонлар, косиблар ва кичик савдогарлар вакиллари киришган. Учинчи тоифа вакиллари Генерал штатлар мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишмаган. *Яна қар.: Буюк француз инқилоби.*

Генетика – Организм ирсияти ва унинг ўзгарувчанлик қонунларини ҳамда уларни бошқариш усулларини ўрганувчи таълимот.

Гениал – Истеъдодли, мислсиз, талантли.

Гений – Қадимги Рим мифологиясида дастлаб маъбуд, уруғнинг бобо-калони, кейинчалик эркаклар худоси, эркак ботиний кучи ва қобилиятларининг мужассами. Ҳар бир эркак ўз генийсига эга деб ҳисобланган. Гений эркак феъл-атворини шакллантирадиган, уни умри давомида муҳофаза қиладиган эзгу куч саналган.

Геноцид – Аҳолининг айрим гуруҳларини ирқи, миллати, этник ёки диний белгиларига қараб йўқ қилиш, уларни қасдан буткул ёки қисман қириб ташлашни кўзда тутадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш, шунингдек, болалар туғилишини чеклашга қаратилган чоралар. XVIII-XIX асрларда европаликлар томонидан Тасмания ороли аҳолисининг қирғин қилинганлиги геноцид сиёсатининг яққол мисолидир. Охириги тасманиялик 1843 йилда отиб ўлдирилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида нацистлар Германияси томонидан яҳудийларни қириб ташланганлиги, 1975-1979 йилларда Камбоджада Пол Пот ва Иенг Сари жаллодлари томонидан 3 миллиондан ортиқ камбоджаликларнинг ўлдириб ташланиши, 1994 йилда Руандада хуту қабилалари томонидан 800 мингга яқин тутси қабилаларининг қирғинбарот қилиниши ҳам геноцид жинойтига мисолдир. 1948 йилдан эътиборан геноцид Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро жинойт сифатида тан олинган.

Генрих I – Германия ерлари ҳукмдори (919-936 йиллар). Унинг ҳукмронлик даврида Германия ерларида кўплаб муҳофаа қалъалар-бургалар қурилган. Бу қалъаларнинг атрофида кейинчалик савдо-саноат шаҳарлари вужудга келган.

Генрих IV – Германия ерлари ҳукмдори (1056-1106 йиллар). Генрих IV Рим папаси Григорий VII томонидан ўтказилган христиан динининг католицизм мазҳабини марказлаштириш ва жипслаштиришга қаратилган ислохотларга қарши чиққан. Шунинг учун улар ўртасида кураш деярли ярим аср давом этган. Генрих IV папага қарши очик курашга ботинолмаган. У папа билан мураса қилишдан бошқа чораси қолмаган. 1077 йил январь ойида Генрих IV бир нечта мулозимлари билан бирга Италияга келиб, тавбатазарру қилувчи гуноҳкорлар либосида Григорий VII турган Капосса қасри (Тоскана)га борган. Шундан кейингина папа уни ўз ҳузурига киритган ва гуноҳларини кечирган. Капосса қасри дунёвий ҳокимиятни черков ҳокимияти олдида ер ўпиб бош эгиш тимсолига айланган. Орадан кўп ўтмай Генрих IV яна папага қарши кураш бошлаган. Шундан кейин Григорий VII немис феодалларига янги император сайлаш лозимлигини уқтирган. Феодаллар томонидан сайланган янги император-Рудольф Швабский Генрих IV га қарши уруш бошлаган.

Генрих VI – Англия қироли (1422-1485 йиллар). Тўққиз ойлик чақалоқлигида тахтга ўтказилган. Қироллик тахти учун 1455-1485 йилларда Англияда бўлиб ўтган “Қизил ва оқ гуллар уруши”да йоркшерлар хонадонига енгилган ва ўлдирилган.

Генрих VII – Англия қироли (1485-1509 йиллар). Қироллик тахти учун 1455-1485 йилларда бўлиб ўтган “Қизил ва оқ гуллар уруши”да ғалаба қозонган ва Англияда янги-йоркшерлар сулоласи қироллигига асос солган.

Генрих VIII – Англия қироли (1509-1547 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Англияда Реформация ислоҳотлари ўтказилган. Генрих VIII 1534 йили ўзини инглиз черковининг раҳбари деб эълон қилган. Унинг бу қадами Англиянинг Рим папаси таъсиридан чиққанини англатган. Шундан кейин Англияда епископ ва руҳонийларни Генрих VIII нинг ўзи тайинлайдиган бўлган. 1536 ва 1539 йилларда унинг фармони билан Англияда монастир ерлари мусодара қилиниб дворянларга берилган.

Генуя конференцияси – 1922 йилнинг 10 апрелида Генуя (Италия)да бўлиб ўтган халқаро иқтисодий конференция. Унда Совет Россияси ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Г.В.Чичерин бошчилигидаги Совет Россияси делегацияси ҳам қатнашган. Улар Генуядан 30 км. узоқроқдаги Рапалло деган маҳалда жойлаштирилган. Конференцияда Биринчи жаҳон уруши йилларида собиқ Антанта блокига кирган давлатлар Россиядаги совет ҳукуматидан ташқи савдода мавжуд бўлган давлат монополиясининг бекор қилишни, 18 млрд. доллар чор Россия ва Муваққат ҳукуматининг қарзларини тўлашни ва Россияда миллийлаштириш жараёнида хорижий мулкдорлардан тортиб олинган молк-мулкларини қайтариб беришни қатъиян талаб қилишган. Совет ҳукумати делегацияси эса Ғарб мамлакатларига Россияга хорижий интервенция натижасида кўрсатилган зарарлар эвазига 39 млрд. доллар тўлашни талаб қилишган. Генуя конференцияси бирон-бир қарорга келмасдан, муваффақиятсиз тугалланиши муқаррар бўлиб турган бир пайтда 16 апрелда совет Россияси билан шартнома имзоланган. Германия делегацияси Генуя конференциясида Биринчи жаҳон урушининг ғолиб мамлакатларидан Версаль шартномасида кўрсатилган Германияга нисбатан шартларини бажаришда биров енгиллик беришни илтимос қилган. Ғолиб мамлакатлардан рад жавобини олгандан кейин, Германия ҳам Россия каби яккаланиб қолган. Шунинг учун у Россия билан Рапалло шартномасини имзолаган. Ундан кейин Россия ва Германия ўрталарида бир нечта иқтисодий шартномалар имзоланган. Россия Ғарб мамлакатлари томонидан ўзига қарши уюштирган иқтисодий муҳосара (блокада)дан озод бўлган.

Геосиёсат (Географик сиёсат) – Халқаро муносабатларда етакчи давлатлар сиёсий, иқтисодий, миллий ва географик мансубликка қараб “ҳаётий кенгликлар”га эгалик қилиш учун курашларини ифода этадиган сўз. “Геосиёсат” тушунчасини биринчи бор Р.Челлен (Швеция) илмий муомалага киритган. Геосиёсат назарияси XIX аср охири–XX аср бошларида Ф.Ратцель (Германия), А.Мэхан (Америка Қўшма Штатлари), Х.Маккиндер (Буюк Британия томонларидан ишлаб чиқилган. Геосиёсатга оид илмий қарашларда давлатнинг географик жойлашуви (макони) билан унинг ички ва ташқи сиёсати ўртасидаги уйғунлик принципи асос қилиб олинади.

Геоцентризм – Ер куррасини коинот маркази деб ҳисоблайдиган таълимот. Геоцентризм тарафдорлари гелиоцентризм тарафдорларидан фарқли ўлароқ, Ой, Қуёш ва бошқа сайёралар ва осмон жисмлари Ер атрофида айланади, деб таъкидлаганлар. Бу назарияни биринчилардан бўлиб Юнон мутафаккири Птоломей олға сурган.

Геоцентрик система – Коинот марказида Ер туриши, Ернинг атрофида эса Ой, Қуёш ва бошқа сайёралар, юлдузли осмон айланиб туради, деб талқин қилинадиган ғоялар мажмуи. XVI асрга қадар жаҳонда геоцентрик система ғоялари ҳукмрон бўлган. Ушбу ғоялар аксарият диний таълимотларда ҳам талқин қилинган. XVI-XVII асрларга келиб Европада гелиоцентрик система ғоялари пайдо бўла бошлаган. *Яна қар.: Гелиоцентрик система.*

Гера – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида кичик худолар ичида асосий худо саналган Зевснинг хотини, осмон маъбудаси ва никоҳлар ҳомийси.

Геракл (Геркулес) – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида ярим худо. Геракл Зевс билан оддий аёл Алкменанинг ўғли бўлган. У бекиёс кучга эга бўлган. Геракл 12 марта мислсиз жасорат кўрсатган. Шунинг учун у афсонавий қаҳрамон сифатида ҳам эъзозланган. Геракл шер терисига бурканган ва таёқ билан қуролланган ҳолда тасвирланган. Геракл “Геркулес” номи билан ҳам машҳур бўлган.

Гераклит – Тахм. мил. ав. 544-483 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. Гераклитнинг дунёқарашида Шарқ фалсафаси, айниқса, зардуштийлик таълимотининг фалсафаси жиддий таъсир кўрсатган. У олами тўхтовсиз алангаланиб ва сўниб турувчи оловдан иборат деб билган. Гераклитнинг фикрича, ҳамма нарсалар оловдан пайдо бўлган ва ҳамма нарса оловга айланади, нарсалар оловнинг қуюқлашуви ва сийраклашуви оқибатида вужудга келган. Гераклит дунёдаги ҳамма нарса абадий ҳаракат жараёнида, доимо ўзгариб туради, деб таъкидлаган. “Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди”, “биз кўриб турган ҳар кунги Қуёш янги Қуёш” деган фикрлар Гераклитга тааллуқли. Унинг фикрича, ўзгаришлар қарама-қарши кучларнинг таъсири натижасидир, қарама-қаршиликлар абадий курашда, ҳамма нарса кураш ва зарурият оқибатида вужудга келади. Гераклит таълимоти Юнон фалсафий тафаккурига катта таъсир кўрсатган.

Геральдика – Гербшунослик. XI аср иккинчи ярмидан гербларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани сифатида пайдо бўлган. Геральдика моддий маданият ёдгорликларини ҳамда гербли ва рамзли манбаларни ўрганади.

Герб – Бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятлари, табақавий тафовутларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белги. Герб антик даврда пайдо бўлган. Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, қадимги Рим давлати гербида бургут тасвирланган. Амир Темур давлатининг ҳам герби бўлган. Бу гербда уч ҳалқа тасвир этилган бўлиб, бу Темурнинг уч иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳукмрон эканига ишорадир. Ўрта асрларда кўпгина шаҳарлар ўз гербига эга бўлган. Кейинчалик байроқлар, қоғоз пуллар, муҳрларда ҳам гербларнинг тасвири туширила бошланган.

Герилья – Испания ва Лотин Америкасида партизанлар уруши номи.

Геркулес – *Қар.: Геракл.*

Герман миллатининг муқаддас Рим империяси – *Қар.: Муқаддас Рим империяси.*

Германия меҳнат fronti – Фашистик Германияда тарқатиб юборилган касаба уюшмалари ўрнига тузилган ташкилот. Бу ташкилот нацистлар партияси ва корхона хўжайинларига тўлиқ бўйсундирилган.

Германия национал-социалистик ишчи партияси – Адольф Гитлер томонидан 1920 йилда Германияда тузилган партия.

Германия шарқий Африкаси – Германия томонидан Африканинг шарқий қисми ва Занзибар ороли босиб олингандан кейин 1885 йилда тузилган маъмурий ҳудуднинг номи. Биринчи жаҳон урушидан кейин барҳам топган.

Гермес – Қадимги Юнонистон мифологиясида дастлаб чорвадор ва чўпонлар худоси, пода ва яйловлар ҳомийси. Кейинчалик йўл, йўловчилар, савдогарлар ва савдо ҳомийси, ўлчовлар, сонлар ва лира (муסיқа асбоби) ихтирочиси сифатида сиғинилган. Гермес Олимп Худоларининг хабарчиси, мархумларнинг жонини айд (ер ости салтанати, дўзах)га ўтказувчи ҳисобланган. Кўпинча патли шиппак кийиб олган йигитча кўринишида тасвирланган. Қадимги Рим мифологиясидаги Меркурийга тўғри келади.

Геродот – Тахм. мил. ав. 490-425 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон мутафаккири. “Тарих отаси” деган шарафли номга сазовор бўлган.

Геронт – Қадимги Юнонистоннинг Спарта полисида герус аъзоси, оқсоқол.

Геронтология – Биология ва тиббиётнинг тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсоннинг қаришига оид қонуниятларни ўрганувчи соҳаси.

Герострат – Ўз номини тарихда абадийлаштириш мақсадида мил. ав. 356 йилда Эфесдаги Артемида ибодатхонасига ўт қўйган шуҳратпараст шахс.

Герус (герусия) – Қадимги Юнонистон шаҳар-поллисларида олий муассаса ҳисобланган оқсоқоллар кенгашининг номи. Муҳим давлат ишларини кўриб чиққан, сўнгра Халқ йиғинига тақдим этган. Герусия аъзолари – геронтлар сони ва мазкур органнинг сиёсий роли турли полисларда турлича бўлган. Айниқса, Спарта герусияси машҳур бўлган. У ерда герусия 30 аъзо (28 нафари 60 ёшдан ошган сайланган вакил ва икки нафар шоҳ)дан иборат бўлган.

Герцен, Александр Иванович – 1812-1870 йилларда яшаб ўтган рус адиби, публицисти ва файласуфи.

Герцог – 1. Қадимги германларда кабиланинг ҳарбий йўлбошчиси. 2. Ўрта асрларда Ғарбий Европада йирик феодал, мулк эгаси, кейинчалик эса дворян унвонлардан бири.

Геспер – Қадимги юнонларнинг тунги юлдуз худоси.

Гестапо – Гитлерчилар Германиясининг фашизм мафкураси ва амалиётига қарши бўлган кишиларни қирғин қилиш мақсадида 1933 йилда майдонга келган яширин сиёсий полиция. СС ҳарбий тузилмалар таркибида ташкил этилган. Гестапо агентлари жосуслик билан шуғулланишган. Иккинчи жаҳон урушида гестапо томонидан ажал лагерлари ташкил этилган. Германияда фашизм тор-мор этилгандан кейин, гестапо қонундан ташқари деб эълон қилинган.

Гестия – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида хонадонлар кўриқчиси.

Гетералар – Қадимги Юнонистонда турмушга чиқмай эркин ҳаёт кечирувчи турли ижтимоий қатламга мансуб ўқимишли аёллар.

Гетериялар (Этериялар) – 1. Қадимги Юнонистонда фуқароларнинг ҳукумат томонидан расман тан олинган ёки махфий иттифоқлари. 2. Грецияда XVIII аср иккинчи ярми–XIX аср бошларида усмонли турклар ҳукмронлигига қарши курашни ўз олдига мақсад қилиб олган махфий инқилобий жамиятлар.

Гетто – Ўрта асрларда Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида шаҳарнинг маълум бир қисмини диний, мазҳабий, ирқий ва ҳатто касбий мансублигида қараб одамларни мажбурий жойлаштириш “гетто” дейилган. Дастлаб геттоларда яҳудий миллатига мансуб кишиларни жойлаштиришган. Илк бор 1516 йил Венециянинг Гетто деб аталадиган кварталига яҳудийларнинг жойлашишига рухсат берилган. “Гетто” сўзи шу квартал номидан келиб чиққан. Яҳудийларга ана шу Гетто кварталидан ташқари шаҳарнинг бошқа кварталларидан уй сотиб олиш, куриш қатъиян тақиқланган. Венециянинг бу тажрибаси кейинчалик бутун Европага тарқалади. Кейинчалик “гетто” сўзи “резервация” сўзига яқин маънода ишлатиладиган бўлган.

Гефест – Қадимги Юнонистон мифологиясида олов ҳамда темирчилик худоси. Касб-ҳунар ҳомийси сифатида эъзозланган. Иккала оёғи чўлок, бадбашара бўлган ҳолда соҳибжамол Афродитага уйланган. Одатда, Гефест хунароманд кийимида, кўлида болта ёки омбир ушлаган ҳолда тасвирланган. Қадимги Рим мифологиясидаги Вулканга мос келади.

Гея – Қадимги Юнонистон мифологиясида Ер худоси. Олимп худоларидан илгариги энг қадимий маъбуда. Осмон (Уран), денгиз (понт) ва тоғларни яратган. Уранни ўзига эр қилиб олган. Улардан худоларнинг биринчи авлоди туғилган. Уларнинг орасида Зевснинг ота-оналари – Кронос ва Рея ҳам бўлган. Вақт ўтиши билан Гея тақдир ҳукмини биладиган донишмандлик ҳомийси сифатида эъзозланган. Шу сабабли уни Фемида билан тенглаштирилган.

Гёте, Вольфганг – 1749-1832 йилларда яшаб ўтган немис ёзувчиси ва мутафаккири. Машҳур асари Шарқ шеърисидан илҳомланиб ёзган “Мағрибу машриқ девони” ва “Фауст” фожиаси.

Гигиёя – Қадимги Юнонистон мифологиясида соғлиқ худоси.

Гиёҳвандлик – Инсон маънавиятига зид бўлган, унинг ижтимоий-руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган ғоят хатарли иллат, бедаво хасталик, наркомания.

Гилгамеш – Месопотамия халқлари орасида кенг тарқалган ривоятнинг асосий қаҳрамони. Аслида Гилгамеш тарихий шахс, Урук шаҳрининг ҳукмдори бўлган. Гилгамеш ўзининг яқин дўсти Энкид у билан бир қанча қаҳрамонликлар кўрсатган. Великан Хумбабни, самовий хўкизни ўлдирган ва ҳоказо. Бу жанглар ниҳоясида Гилгамешнинг дўсти Энкид қурбон бўлган. Гилгамеш чуқур қайғуга ботиб, ўлим ҳақ эканига ишонч ҳосил қилган. Гилгамеш боқийлик (ўлмаслик) сирини билиш учун олам кезган. У денгиз ошиб ўтиб бир жазирага бориб қолган. У ерда сув бўлиб ўтган босқинидан хотини билан омон қолган ва боқийлик сирини биладиган Утнапиштам деган одамга дуч келган. Утнапиштам маслаҳати билан Гилгамеш денгиз қаъридан

сеҳрли ниҳол шохчасини олиб чиққан, лекин шу пайт бир катта илон пайдо бўлиб, у шохчани олиб қочган. Ушбу ривоятнинг фалсафий мазмуни шундан иборатки, одам қанчалик буюк, бой-бадавлат бўлмасин, барибир вафот этади.

Гилозоизм – Оламдаги барча нарсаларни жонли деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Гильдиялар – Ғарбий Европада Илк ўрта асрларда турли ўзаро ёрдам, сиёсий, диний уюшмалари.

Гильдия мактаблари – Ғарбий Европа шаҳарларида XIII–XIV асрларда савдо гильдиялари томонидан ташкил этилган бошланғич ва юқори мактаблари. Гильдия мактаблари пулли бўлиб, фақат ўзига тўқ оилалар фарзандларигина уларда таҳсил олиш имконига эга бўлишган.

Гильом Рубрук – Франция кироли Людовик IX томонидан 1253 йилда Волга дарёси оқимида жойлашган мўғуллар қароргоҳига юборилган роҳиб.

Гильотина – Францияда XVIII асрда одам калласини кесиб ташлаш учун ясалган махсус дастгоҳ. Вран Ж.Гильотен тавсиясига кўра жорий этилган. Илгари Шотландия ва Ирландияда гильотинага ўхшаш мосламалар бўлган.

Гименей – Қадимги Юнонистон мифологиясида никоҳ худоси.

Гимн – Давлат бирлигининг ифодаси, рамзи сифатида расмий суратда қабул қилинган тантанали куй ва кўшиқ. Қадимги Юнонистонда дастлаб афсонавий халқ қаҳрамонлари, худолар шаънига мақтовлар тарзида вужудга келган. Кейинчалик шахслар, давлатлар, воқеа ва ҳодисаларга бағишланган гимнлар пайдо бўлган.

Гимназия – Чор Россиясида ўрта маълумот берадиган ўқув юрти.

Гинденбург – 1932-1933 йилларда Германия президенти.

Гинекократия – Аёллар ҳокимияти. Жамият тараққиётининг хўжаликда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёллар ҳукмронлигидан иборат босқичи. Фанда кўпинча “матриархат” атамаси ишлатилади.

Гипноз – 1. Ишонтириш, таъсир ўтказиш натижасида одам ва юқори умуртқали ҳайвонда юз берадиган уйқу, қарахтлик ҳолати.

Гипнос – Қадимги Юнонистон мифологиясида уйқу худоси.

Гипотеза – Далиллар асосида исбот қилинмаган, лекин тўғрилиги эҳтимолга яқин илмий фараз, тахмин.

Гитлер, Адольф – 1889-1945 йилларда яшаб ўтган фашистик Германиянинг давлат бошлиғи. Гитлернинг асл фамилияси Шикльгрубер бўлган. У 1889 йили Австрияда кичик божхона амалдори оиласида дунёга келган. 1913 йилда у Вена шаҳридан Германиянинг Мюнхен шаҳрига кўчиб келган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Адольф Германия армияси сафида дастлаб санитар, кейинчалик алоқачи бўлиб хизмат қилган. 1920 йили Гитлер “Германия национал-социалистик ишчи партияси”ни ташкил этган. 1920 йилнинг 24 феврилида Гитлер 25 моддадан иборат ўзининг фаолият дастурини баён этган. Улар антисемитизм, ўта миллатчилик, орийлар иркининг афзаллиги, либерал-демократияга нисбатан нафрат, фюрерлик (“фюрер” сўзи “доҳий” маъносини англатади) ва бошқа тамойиллардан иборат бўлган. Нацистлар партияси мажлисларини кўриқлаш учун Гитлер зарба берадиган отрядлар (штурмовые отряды) – СА “жигаранг кўйлаклилар” (“коричнево-

рубашечники”), шахсан ўзини кўриқлаш учун эса ҳарбийлашган тузилма – СС (немисча SS – “кўриқлаш кўшинлари”) “қора кўйлаклилар” (“чернорубашечники”)ни тузган. ССда қатъий интизом мавжуд бўлган, тузилма аъзолари охирги катра қонлари қолгунча ўз фюрерларини ҳимоя қилишга қасам ичишлари зарур бўлган. 1923 йил ноябрь ойида Гитлер ўз тарафдорлари билан Мюнхен шаҳрида давлат тўнтаришини амалга оширишга уринган, лекин у муваффақиятсиз тугаган. Суд қарори билан Гитлер 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Лекин у 9 ойдан кейин амнистия туфайли озодликка чиққан. 1932 йилда Гитлер президентлик сайловида ўз номзодини кўрсатган. Сайловларнинг охирги босқичида Биринчи жаҳон урушининг машҳур фахрийси, 83 ёшли Гинденбург ғолиб чиққан бўлса-да, Гитлер иккинчи ўринни эгаллаган. 1933 йилнинг 30 январиди Гинденбург Гитлерни Германиянинг рейхканцлер(бош вазир)и лавозимига тайинланган. 1933 йил 27 февралда рейхстаг биносида ёнғин содир бўлган. Бу ёнғин баҳонасида коммунистлар партиясининг раҳбарлари ва коммунист депутатлари қамоққа олинганлар, уларнинг барча нашрлари тақиқланган. Гитлернинг талабига кўра Гинденбург “Халқ ва давлатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги декретни имзолаган. Унга кўра, Гитлерга фавқулодда ваколатлар берилган, террор ва кўрқувга солиш сиёсатига ҳуқуқий асос берилган. 1934 йилнинг 2 августиди Германия президенти Гинденбург вафот этгандан кейин Германиянинг канцлери ва президентиға айланган. Шундан кейин Германияда, нацистлар партиядан ташқари бошқа барча сиёсий партия ва ташкилотларнинг фаолиятини тақиқловчи фармон эълон қилинган, рейхстаг (парламент) тарқатиб юборилган, касаба уюшмалари тарқатилиб, унинг ўрнига нацистлар партияси ва корхоналар хўжайинларига тўлиқ бўйсунувчи “Германия меҳнат fronti” деб номланган ташкилот тузилган, кўплаб газета ва журналлар ёпилган, қолганлари нацистлар партияси назоратида фаолият кўрсатадиган бўлган, мамлакатда мавжуд бўлган барча болалар ва ўсмирлар ташкилотлари тарқатиб юборилиб, уларнинг ўрнига нацистлар партиясига бўлажак аъзоларни тарбиялаб берувчи “Гитлерюгенд” деб номланган ёшлар ташкилоти тузилган, нацистлар партияси мафкурасининг тарғиботи кучайган, муҳолиф кучлар йўқ қилинган, қуролли кучлар офицерлари нацистлар партиясига аъзо бўлишлари шарт бўлган ва ҳоказо. Гитлер ҳукмронлиги даврида мавжуд бўлган давлат идораларининг фаолияти асосан террор ва кўрқувга солишдан иборат бўлган. Унда СС –“қора кўйлаклилар” асосий жазо идорасига айланган. СС таркибига “Гестапо” деб ном олган махфий полиция ва рейхсфюрер (яъни Гитлер)ни кўриқлайдиган СД (хавфсизлик хизмати) кирган. ССнинг асосий вазифаси нацистлар ўрнатган тузумга, уларнинг мафкурасига қарши бўлганларни аниқлаш ва йўқ қилишдан иборат бўлган. “Рейх душманлари”, яъни нацистларга нисбатан бошқача фикрловчиларни оммавий тарзда қирғин қилиш учун 15 та махсус концентрацион лагерлар барпо этилган. Биринчи концлагер 1933 йилда барпо этилган Бухенвальд бўлган. Унда 1933 йилдан 1945 йилгача 1 млн. 350 минг киши йўқ қилинган. Нацистлар яҳудийларга қарши оммавий қирғин ўтказишган. Гитлер мамлакатда меҳнат қилишга ярамайдиган барча касаллар, қаровсиз қариялар, ақли ожизлар, тутқаноқ

касали борларни қириб ташлаш ҳақида фармон берган. XX асрнинг 30-йилларида Германия Версаль тинчлик шартномаси моддаларини кўпол равишда бузиб, тажовузкорона ташқи сиёсат олиб борган. Гитлер Иккинчи жаҳон урушида Германиянинг мағлуб бўлганини англаб, 1945 йил 30 апрелда заҳар ичиб ўзини ўлдирган.

Гитлерчиларга қарши коалиция – Иккинчи жаҳон уруши йилларида Германия ва унинг иттифоқчиларига қарши тузилган давлатлар коалицияси. Собик Совет Иттифоқининг Германия устидан Москва оstonасидаги ғалаба-сидан кейин жаҳонда антифашистик иттифоқ шаклланишини тезлаштирган. 1942 йилнинг 1 январида Вашингтон шаҳрида жаҳоннинг 26 давлатидан вакиллар йиғилишиб, Бирлашган Миллатлар Декларациясини ишзолашган. Унга кўра, ушбу давлатлар тажовузкор давлатларга қарши биргаликда кураш олиб боришга аҳдлашган. 1942 йил 26 майда Лондон шаҳрида собик СССР ва Буюк Британия ўртасида Германия ва унинг Европадаги иттифоқчиларига қарши уруш олиб бориш ҳақида битим имзоланган. 1942 йил июнь ойида Вашингтон шаҳрида собик Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида битим имзоланган. Унга кўра томонлар тажовузга қарши уруш олиб боришда ўзаро ёрдам кўрсатиш принципларини белгилаб олишган ва бир-бирларини мудофаа материаллари билан таъминлаш ҳақида келишиб олишган. Собик Совет Иттифоқи Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари билан музокаралар жараёнида Буюк Британия ва АҚШ Европада 1942 йилда Иккинчи фронт очишни ўз зиммаларига олишган. Маълумки, бу фронт фақат 1944 йилда очилган. Уч йил мобайнида Германия ва унинг иттифоқчиларига қарши асосан собик Совет Иттифоқи уруш олиб борган.

Гитлерюгенд – XX аср 30-йилларнинг ўрталарида Германияда тузилган нацистлар партиясига бўлажак аъзоларни тарбиялаб берувчи ёшлар ташкилоти.

ГКЧП – *Қар.: Фавқулодда ҳолат Давлат Кўмитаси.*

Главкизм – Собик совет Россиясида “ҳарбий коммунизм” сиёсати давридаги бошқарув тизими, юксак даражада марказлаштирилганлиги билан характерланади (1920 йили 50 тача главкалар бўлган: Главнефть, Главцемент, Главодежна ва ҳоказолар).

Гладиаторлар – Қадимги Римда йиртқич хайвонлар ёки бошқа курашчилар билан олишиш учун тайёрланган ҳарбий асир ёки кул. Гладиаторлар махсус мактабларда ўқиганлар. Римда биринчи гладиаторлар жанги мил. ав. 264 йили бўлиб ўтган. Бу жанглар зодагонларнинг кўнгилочар томошоси бўлган.

Глинка, Михаил Иванович – 1804-1857 йилларда яшаб ўтган рус композитори, рус мумтоз муסיқасининг бошловчиси.

Глобаллашув – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши, мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий

маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот- мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши.

Глобус – Ер шарининг кичиклаштирилган модели, шакли.

Гносеология – Билиш жараёни, билимнинг манбаи, шакли ва тўғрилиги ҳақида баҳс олиб борадиган фалсафий қарашлар.

Гностицизм – Фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсонгина борлиқдаги нарса-ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билиши мумкинлигини эътироф этувчи фалсафий таълимот.

Гоббс, Томас –1588-1679 йилларда яшаб ўтган инглиз файласуфи.

Говсар – Қадимги жанг қуроли, гурзининг бир тури. Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида талқин қилингани бўйича, Фаридун гўдаклик чоғида ёввойи сигир эмиб катта бўлган, подшо бўлгандан кейин эса сигир бошини ўзига ҳомий ва мадаккор сифатида қабул қилган.

Гоголь, Николай Васильевич – 1809-1852 йилларда яшаб ўтган машҳур рус ёзувчиси. Н.В. Гоголнинг машҳур асарлари “Тарас Бульба” қиссаси, “Ревизор” комедияси, “Ўлик жонлар” дoston-романи.

Годунов, Борис – Русь давлати ҳукмдори. 1598 йилда бўлиб ўтган Земс собори мажлисида Русь давлатининг янги шоҳи этиб сайланган.

Голитьба – Ўтмишда ялангоёқ, камбағал-қашшоқ казаклар, Дон ва Ёйик (Урал)нинг камбағал казаклари асосий оммаси.

Гольбах, Пол Анри –1723-1789 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи.

Гомендан – 1912 йилда Хитойда Сунь Ятсен томонидан таъсис этилган партия.

Гомер – Тахм. мил. ав. XII–VII асрлар оралиғида яшаб ўтган қадимги Юнонистоннинг сўқир (кўр) бахшиси.

“Гомер даври” – Қадимги Юнонистоннинг мил. ав. XI–IX асрлар тарихининг мажозий номланиши. “Гомер даври” атамаси афсонавий сўқир (кўр) бахши Гомер номидан олинган бўлиб, уни “Илиада” ва “Одиссея” дostonларининг муаллифи ҳам деб ҳисоблайдилар. Гомернинг ўзи ҳақидаги маълумотлар деярли сақланмаган. У мил. ав. XIII–VII асрлар оралиғида яшаб ўтган деб тахмин қилинади. Гомер бахшилар каби шеърлар, дostonлар айтиб юрган. Бу асарлар унинг ўзиники бўлганми, ёки оғзаки халқ ижодиётидан олинганми, маълум эмас (шу жумладан, “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари ҳам). “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари тахм. мил. ав. IX–VIII асрларда пайдо бўлган. Ушбу дostonлар қаҳрамонлик эпослари бўлиб, Юнон мифологияси асосида яратилган. Ҳар иккила дostonнинг мазмуни Троя урушига бориб тақалади. Троя Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбидаги қадимий шаҳар бўлган. Унинг қолдиқлари 1870 йилларда немис археологи Г.Шлиман томонидан қазишмалар натижасида топилган. “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида Болқон ярим ороли ва унинг атрофида жойлашган халқлар ва давлатлар тўғрисида кўплаб географик, иқтисодий, тарихий, этнографик, сиёсий-ижтимоий маълумотлар келтирилган. Улар бу минтақанинг ўша даврдаги тарихини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади.

Гомрул – XIX аср охири – XX аср бошида Британия таркибида Ирландияга автономия берилиши учун олиб борилган ҳаракат. Британия

суверенитети сахланган ҳолда Ирландия ўз парламенти ва бошқарув органларига эга бўлиш таклифлари илгари сурилган.

Гоплитлар – Қадимги Юнонистондаги оғир курулланган пиёда аскарлар (мил. ав. V-IV асрлар). Гоплитлар 8 қатордан 25 қаторгача саф тортиб жангга отланганлар.

Гор – Қадимги мисрликларнинг ёруғлик худоси.

Гораций – Мил. ав. 65-мил. ав. 8-йилларда яшаган қадимги Рим шоири.

Городничий – Шаҳар бошлиғи, ҳокими. XVI асрдан бошлаб Москва давлати, кейинроқ Россия империясида маҳаллий маъмурий вакил. XIX асрда городничий, асосан, жангда ярадор бўлиб хизматдан бўшаган офицерлардан тайинланган. Городничий мансаби 1862 йили бекор қилинган.

Городовой казаклар – XV–XVII асрларда Русь давлатининг жанубий ва шарқий чегараларидаги истехкомларда гарнизон ҳамда чегарачи вазифасини ўтаган казаклар.

Горький, Максим – 1868-1936 йилларда яшаб ўтган рус адиби ва жамоат арбоби.

ГПУ (Главное политическое управление – Давлат сиёсий бошқармаси) – Шўролар ҳукумати давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1922 йили Бутунроссия фавқулодда комиссияси (ВЧК) ўрнига тузилган бошқарма. 1923 йилдан Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) деб аталган. Бу орган собиқ Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар уюштиришган.

Граф – Фарбий Европа мамлакатларида ва чор Россиясида дворянларнинг княздан қуйи, барондан юқори унвони ва шу унвонни олган дворян.

Гренадёрлар – Европа армияларида XVII–XX асрларда пиёда кўшин тури; кўл гранаталарини отиш учун саралаб олинган пиёда кўшин тури. XVIII аср охиридан сараланган пиёда қисм ва кўшинлар. Отлиқ гренадёрлар ҳам бўлган.

Григорий VII – Рим папаси. 1075 йилда сайланган. Григорий VII христиан динининг католицизм мазҳабини марказлаштириш ва жипслаштиришга қаратилган бир қанча ислохотлар ўтказган. У цолибат, яъни барча руҳонийларнинг уйланмаслик тартибини жорий этган ва 1075 йилда ўз фармони билан янги сайланган епископларга император ёки қироллар томонидан узук ва ҳасса беришлари (яъни, лавозимга тасдиқланиши)ни бекор қилган. Шу вақтдан бошлаб руҳонийларни вазифаларга тайинлаш ёрлиғини фақат Рим папаси берадиган бўлган.

Гриффон (Гриф) – Қадимги афсоналардаги қанотли, бургут ёки шер бошли, шер танали афсонавий махлуқ. Гриффон қадимги дунё санъати (меъморчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат)да кенг тарқалган.

Грозный – *Қар.: Иван IV.*

Грош – Турли мамлакатларда турли даврларда зарб этилган танга.

Губерния (Губерна, Губерня) – Чор Россиясида 1708 йилдан мавжуд бўлган асосий маъмурий-худудий бирлик. Уездларга бўлинган. 1917 йилга келиб 78 губерния мавжуд бўлган. 1923-1929 йилларда губерниялар ўрнига ўлка ва областлар ташкил этилган.

Губернатор – 1. Чор Россиясида губерния бошлиғи, ҳокими. 2. Америка Қўшма Штатларининг баъзи штатларида ҳамда Лотин Америка давлатларида сайлаб қўйилган мансабдор шахс, штат ҳокими. 3. Бельгия ва Испанияда провинция ҳокими.

Гувер, Герберт – 1874-1964 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 31-президенти (1929-1933 йилларда). Республикачилар партияси вакили.

Гугенотлар – XVI–XVIII асрларда Франциядаги кальвинизм тарафдорлари. Гугенотларнинг католиклар билан курашлари диний урушларга айланиб кетган. 1598 йилдаги Нант эдиктига кўра, гугенотлар диний эътиқод эркинликларига эга бўлиб, бирмунча сиёсий мустақилликни қўлга киритганлар. Ришелье даври (1629 йили)да Нант эдикти бекор қилинган, гугенотлар эътиқод эркинликларидан маҳрум бўлишган, улар ёки католик динига ўтишлари ёки Францияни тарк этишлари лозим бўлган (гугенотларнинг кўпчилиги мамлакатни тарк этган). XVIII аср охиридаги Буюк француз инқилоби даврида гугенотлар католиклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга эришганлар.

Гузар – Шаҳар ёки қишлоқнинг уч-тўрт кўчасини ўз ичига олган, чойхона, магазин, баққолик, қассоблик дўконлари мавжуд бўлган гавжум ва серкатнов жой, маҳалла.

Гукалп, Зиё – 1876-1924 йилларда яшаб ўтган Туркиянинг машҳур файласуфи, социологи ва давлат арбоби. “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотининг асосий мафкурачиси.

ГУЛАГ (Главное управление исправительно-трудовых лагерей – Ахлоқ тузатиш меҳнат лагерлари Бош бошқармаси) – Собик совет ҳукумати томонидан 1934 йилда тузилган бошқарма. Ушбу бошқармани “ГУЛАГ” деб аташ маъқул бўлган. “ГУЛАГ” атамаси русча “Главное Управление исправительно-трудовых лагерей” сўзларининг бузилиб қисқартирилган шакли ҳисобланади. ГУЛАГнинг махсус бошқармалари турли жойлар, мас., Қарағанда, Дальстрой, Соловки, Беломор-Балтика, Воркута, Норильск ва бошқа ерлардаги ахлоқ тузатиш меҳнат лагерларини бирлаштирган. ГУЛАГларда асосан сиёсий маҳбуслар оғир шароитларда меҳнат қилишган. Уларнинг кўплари касалликларга чалиниб, вафот этган, шулар жумласидан минглаб ўзбекистонликлар ҳам.

Гулистон сулҳ шартномаси – 1913 йилда Россия ва Эрон ўрталарида имзоланган шартнома. Франция ёрдамига қарамай Эрон Россия билан урушда мағлуб бўлгандан кейин имзоланган. Ушбу шартномага кўра, Эрон Доғистон ва шимолий Озарбайжоннинг Россия таркибига қўшилганини тан олишга мажбур бўлган. Кўп ўтмай Эрон Россиядан Гулистон сулҳ шартномасини қайта кўриб чиқишни талаб қила бошлаган. Рад жавобини олгандан кейин Эрон 1826 йили Россияга қарши навбатдаги урушни бошлаган.

Гулҳаний – Тахм. XVIII аср охири–XIX асрнинг 20-йилларида яшаб ижод этган мумтоз шоир, масалнавис.

Гуманизм – Уйғониш даври (XIII–XVI асрлар)да схоластикага ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлилик.

Гуманизм Ғарбий Европадаги бир нечта мамлакатларда ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фанда католицизмга ҳамда шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат бўлган. Гуманизм тарафдорлари ўз замонасининг тараққийпарвар кучлари бўлишган. Улар инсон ҳуқуқи ва олийжаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият учун, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун кураш олиб боришган.

Гуманист – Инсонпарвар.

Гуманитар интервенция – “Инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш”, “инсонпарварлик” ниқоби остида суверен давлатнинг ички ишларига бошқа давлатларнинг кенг кўламда куч ишлатиб аралашishi.

Гумилев, Николай Степанович – 1886-1921 йилларда яшаб ўтган рус шоири.

Гун-гун – Қадимги хитойликларнинг сув илоҳийси.

Гупталар давлати – 320 йилдан VI аср охиригача шимолий Ҳиндистонда мавжуд бўлган давлат. 320 йилда шимолий Ҳиндистоннинг рожаларидан бири Чандрагупта I (320-340 йилларда ҳукмронлик қилган) теварак-атрофдаги подшоликларни ўзига бўйсундириб, Ганг дарёси ҳавзасида катта давлат тузган. Бу давлатни кейинчалик “Гупталар давлати” деб аташган. Бу давлатнинг пойтахти Паталипутра шаҳри бўлган. Гупталар давлати Чандрагупта II ҳукмронлиги даври (380-414 йиллар)да кенгайтирилган ва ривожланган. Гупталар давлатида иқтисодий ва маданий ҳаёт юксалган, аҳолининг касталарга бўлиниши (брахманлар, кшатрийлар, вайшлар ва шудралар) сақланиб қолган бўлса ҳам, у анча эволюцияга дучор бўлиб, касталарнинг миқдори ўн турдан ошиб кетган, кўплаб ибодатхона ва саройлар қурилган, фанлар ривожланган (айниқса, астрономия ва тиббиёт). Ўт-ғиёҳлар билан даволаш ривож топган. Ҳинд табиблари ҳатто одам бош суягини очиб, мураккаб жарроҳлик муолажаларини бажара олганлар. Адабиёт, поэзия ва драма ривожланган. IV аср охири-V асрнинг биринчи ярмида гениал ҳинд шоири Калидаса яшаб ижод этган. Гупталар давлати V асрдаёқ парчалана бошланган. VI аср бошларида эфталийлар Гупталар давлатининг ғарбий ҳудудларини босиб олишган. Гупталар давлати кўшинлари эфталийларга қарши курашда баъзи муваффақиятларга эришган бўлса-да, унинг инқирози давом этган. VI аср охирида Гупталар давлати барҳам топган.

Гурзи – Ўтмишда уруш қуролларида бири. “Чўқмор” деб ҳам аташган.

Гурхон – 1. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги баъзи кўчманчи халқларга тенг ҳуқуқли қабилалар иттифоқига раҳбарлик қилувчи хон унвони. 2. Қорахитой хонларининг фахрий лақаби.

Гусарлар – Енгил қуролланган отлик аскарлари. Дастлаб 1458 йили Венгрияда пайдо бўлган. Кейинчалик гусарлар эскадрон ва полклари кўпгина Европа давлатларининг армияларида тузилган, шу жумладан Россияда ҳам.

Гусчилар ҳаракати – 1419-1437 йиллардаги чех халқининг католик черковига, маҳаллий мулкдорлар ва немисларнинг зулмига қарши кураши. Ян Гуснинг 1415 йилда Германияда католик руҳонийлари томонидан гулҳанда куйдирилгани чех халқини ғазабга келтирган. Чехияда гусчилар ҳаракати бошланган. 1419 йили гусчилар Прага шаҳрининг маъмурларини, унда яшовчи

немис бойларини ҳайдаганлар, ибодатхоналарни остин-устин қилганлар, баъзи руҳонийларни ўлдирганлар. Кўп ўтмай Рим папаси гусчиларга қарши салиб юришларини эълон қилган. Бу юришларга Германия императори бошчилик қилган. Салиб юришлари қатнашчиларининг таркибида немислардан ташқари бошқа Европа мамлакатларидан ҳам рицарлар мавжуд бўлган. Салибчилар 1420 йилда Прага остоналарида бўлган жангларда гусчилар томонидан мағлубиятга учрашган. Кейинчалик гусчиларнинг ичида ҳаракатнинг охири мақсади бўйича радикал (таборитлар) ва мўътадил (чашниклар) қарашларга эга бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳ шаклланган. Таборитлар таркиби деҳқонлар, шаҳарлик фуқаролар, руҳонийлар, майда дворянлар, хунармандлардан иборат бўлиб, улар черковни ислоҳ қилиш, хусусий мулкни ва мулкдорларга берилган имтиёзларни бекор қилиш тарафдорлари бўлишган. Чашниклар таркиби эса панлар, рицарлар, ўрта руҳонийлар, бой хунармандлар, зиёлилардан иборат бўлиб, улар черков ерларини давлат ихтиёрига ўтказиш, мустақил чех миллий черковини ташкил этиш ва черковни ислоҳ қилиш учун курашганлар. Кейинчалик чашниклар (мўътадиллар) католиклар томонига ўтиб кетишган ва 1434 йилда Прага шаҳри яқинида бўлиб ўтган жангда таборит (радикал)ларни мағлубиятга учратишган.

Гусь, Ян – 1371-1415 йилларда яшаб ўтган чехиялик олим ва руҳоний. Ян Гусь Прага университетининг профессори ва ректори бўлган. У ўзининг черков ваъзларида Римда черков мансаблари пулга сотилаётганидан ғазабланиб, папани “қаллоблар пири” деб атаган. Ян Гусь индульгенция савдоларини қаттиқ қоралаган. Кейинчалик у черковнинг тўплаган бойликларини, руҳонийлар ерларини тортиб олишни таклиф қилган. Чунки ўша даврда Чехиянинг учдан бир қисм ерлари, 14 та шаҳар, 900 та қишлоқ тўлалигича черковга тааллуқли бўлган. Чехия ҳудудида мавжуд бўлган черковларнинг аксарияти эса келгинди немис зодагонларига қарашли бўлган. Ян Гуснинг фикрича, Чехия давлатининг ўз мустақил черкови бўлиши лозим. Бу черков Рим папасига эмас, Чехия қиролига бўйсунishi керак. У черковларда ваъзлар маҳаллий халқларнинг она тилларида ўтказилишини, черков маросимларида аҳоли руҳонийларга пул тўламасликни тарғиб этган. Прага архиепископи Ян Гусга ибодатхоналарда ваъзлар айтишни тақиқлаб қўйган. Кўп ўтмай Ян Гусь Рим папаси томонидан ташкил этилган Констанца соборига қатнашиб, унда ўз ғояларини ҳимоя қилиш мақсадида Германияга борган. Констанца Ян Гусь ҳибсга олинган. Собор уни даҳрий деб эълон қилган. Католик суди қарори билан Ян Гусь 1415 йили гулханда куйдирилган.

Гюго, Виктор – 1802-1855 йилларда яшаб ўтган француз адиби. Гюго асарлари 102 томни ташкил этади.

–Д–

Дабир – Подшоҳ ва хонларнинг шахсий котиби. Дабирлар билимли ва воқеаларни ажойиб услубда, чиройли сўзлар билан ифодалаб беришлари лозим бўлган.

Дабиристон – Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида мавжуд бўлган эски мактаб.

Даввоний, Жалолиддин – 1427-1502 йилларда яшаб ўтган мутафаккир, файласуф.

Давид – *Қар.: Довуд.*

Давлат – 1. Бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилот. Давлат жамиятнинг ҳокимият кучига, шунингдек, ижтимоий неъматлар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимиятининг (мажбурлаш, бошқариш аппарати) мавжудлиги; 2) аҳолининг ҳудудий жиҳатдан уюшганлиги; 3) суверенитет; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонунлар чиқаришга қодирлик); 5) аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун сарфланадиган солиқларни йиғиш; 6) ҳудудни қўриқлаш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш. Давлат қуйидаги асосий вазифаларни адо этади: хўжалик юмушлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мулк дахлсизлигини муҳофаза этиш, назорат қилиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи алоқалар, маданий-тарбиявий ишлар, ислохотларни амалга ошириш ва ҳоказо. 2. Бойлик, мол-мулк.

Давлат арбитражи – Давлат идоралари ва муассасалари ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал қилувчи махсус ташкилот.

Давлат байроғи – Ҳар қандай давлатнинг ўтмиши, давлатчилик анъаналари, сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳиятини ифода этадиган рамзларидан бири. Давлат байроғи махсус қонун билан ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Ўзбекистон Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган.

Давлат герби – Ҳар қандай давлатнинг рамзларидан бири. Давлат герби давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хусусиятлари ва давлат тузуми, жуғрофий ва бошқа белгиларини шартли равишда ифодаладиган тамға-белги ҳисобланади. Ўзбекистон Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган.

Давлат гимни – Ҳар бир давлатнинг мақсад-муддаолари шеърий матн ва мусиқа жўрлигида тантанали маросимларда ижро этиладиган, ўзининг қонуний мақомига эга бўлган давлат рамзларидан бири. Давлат гимнининг шакли ва маъно-мазмунида муайян давлатда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳ ва табақалар мақсадлари ҳамда қарашлари акс эттирилади. Ўзбекистон Давлат гимни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 1992 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган.

Давлат департаменти – Америка Қўшма Штатларида Ташқи ишлар вазирлигининг расмий номи.

Давлат котиби – Америка Қўшма Штатларида Давлат департаментининг бошлиғи (яъни, Ташқи ишлар вазири).

Давлат Мудофаа Қўмитаси – Фашистик Германия собиқ Совет Иттифоқиға ҳужум қилгандан кейин 1941 йилнинг 30 июнида И.В.Сталин бошчилигида ташкил этилган қўмита. Унинг қўлиға мамлакатдаги барча давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият жамланган.

Давлат рамзлари – Давлат тимсоллари, яъни унинг суверенитети, миллий ўзига хослиги, иқтисодий кўрсаткичлари, ижтимоий-сиёсий тузуми, миллий мафкурасини ифода этувчи белгилар, энг муҳим ҳужжатлар, ғоялар ва тушунчалар. Давлат рамзлари мустақил давлат тимсоллари сифатида давлат байроғи, давлат герби, давлат гимни, мамлакат Конституцияси, миллий валютаси, муҳим қарор ва анъаналари, улкан иншоотларида ўз ифодасини топади.

Давлат тили – Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти негизида вужудга келган, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг инъикоси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик воситаси, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар яқинлигини ифода этадиган, қонуний мақомга эга бўлган ҳамда қонун билан ҳимояланган расмий тил. Англия, Канада, Япония, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Швеция, Норвегия давлатларида ҳеч қайси тил давлат тили эълон қилинмаган бўлса-да, уларда азалдан мамлакат аҳолисининг кўп қисмини ташкил қилган халқнинг тили давлат тили, расмий тил сифатида тан олинган. Гвинея, Гана, Конго каби собиқ мустамлака давлатларида расмий тил сифатида собиқ мустамлакачилар тили, мас., инглиз ёки француз тили қабул қилинган. Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда ўзбек тили давлат тили сифатида эълон қилинган.

Давомли парламент – Инглиз қироли Карл I Стюарт томонидан 1640 йил 4 ноябрида чақирилган ва амалда Англия буржуа инқилобининг қонун чиқарувчи органига айланган парламент. 12 йилдан ортиқроқ мавжуд бўлган. 1653 йил 20 апрелда Оливер Кромвель томонидан тарқатиб юборилган.

Давос форуми – Цюрих (Швейцария) университети профессори Клаус Шваб томонидан 1971 йилда асос солинган форум. Давос форуми норасмий дипломатик музокаралар ўтказиш ва савдо келишувлари тузиш учун қулай ва бетакрор институтдир. Унинг ҳар йили бир ҳафта давом этадиган анжуманига бутун дунёдан мингдан ортиқ бизнесмен, йирик корхона ва фирма раҳбарлари, эксперт ва банкирлар, сиёсий ва касбауюшмалари арбоблари катнашади.

Дажбог – Рус-славян мифологиясида қуёш ва ўт-олов маъбуди.

Дажжол – 1. Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни Худо кўрсатган тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қиладиган махлуқ. 2. Ўтакетган фирибгар, ёмон одам.

Дай – 1. Ҳижрий-шамсий тақвимида ўнинчи ойнинг арабча номи. Григорян тақвими бўйича 22 декабрь-21 январга тўғри келади. 2. Мил. ав. V-IV асрлардан бошлаб Сирдарёнинг қуйи оқими атрофида яшаган сак қабилаларининг бири. Айрим манбаларда дайларни “дахлар”, “тоҳарлар” деб ҳам аташган. Сўғдлик Спитамен Александр Македонский лашкарларига қарши курашиш учун охирги маротаба дай қабиласи орасидан қўшин тўплагани тарихда маълум. Қанғ давлати даврида дайлар жанубга кўчишга мажбур бўлишган ва мил. ав. 250 йилда бактрияликлар билан биргаликда

Бақтрия давлатига асос солишган. Шунинг учун бу ўлка кейинчалик “Тохаристон” деб аталган.

Даймё – Ўрта асрларда Япониядаги йирик мулкдор князлар.

Дайр – Христианлар ва зардуштийларнинг ибодатхоналари.

Далай-Лама – Тибетдаги ламаизм рухонийлари бошлиғи, диндорлар орасида катта эътиборга эга. У ўлганда олий ламалардан тузилган махсус комиссия янги туғилган тибетлик чақалоклар орасидан Далай-ламанинг илохий моҳияти мужассам бўлган гўдакни қидириб топади. У монастырга жойланиб, махсус тарбияланади.

Далай-Лама XIV – Тибет халқининг маънавий лидери.

Далв – 1. Ўн икки буржнинг бири. 2. Хижрий-шамсий тақвимида ўн биринчи ойнинг арабча номи. Григорян тақвими бўйича 22 январь-22 февралга тўғри келади.

Дали, Сальвадор – 1904-1989 йилларда яшаб ўтган машхур испан рассоми.

Даллол – Муайян ҳақ эвазига савдо-сотик ишларида сотувчи ва харидор ўртасида воситалик қилувчи шахс.

Дальтонизм – Кўзнинг баъзи бир рангларни, кўпинча қизил ва кўк рангларни ажратолмай қолиши.

Дамашқ халифалиги – *Қар.: Умавийлар халифалиги.*

Данданакон жанги – 1040 йилда Данданакон яқинида салжуқийлар ва ғазнавийлар ўрталарида бўлиб ўтган жанг. Бу жангда салжуқийлар ғалаба қозонишган.

Дань – Ўрта асрларда Русь ерларида урушда ғолибларнинг мағлубиятга учраган халқлардан мажбурий ундириладиган солиқ, ўлпон, хирож.

“Дао дэ цзин” (Эзгулик йўли ёки куч ва ҳаракат ҳақидаги китоб) – Даосизм таълимотининг асосчиси Лао цзининг асари. Даосизм таълимотининг ғоялари баён этилган.

Даосизм – Мил. ав. VI-V асрларда Хитойда вужудга келган диний-фалсафий таълимот. Унинг асосчиси Ли Эр ҳисобланади. Ли Эр “Лао-цзи” таҳаллуси билан машхур бўлган. “Лао-цзи” “устоз Лао” маъносини англатади. Лао-цзи мил. ав. 579- 499 йилларда яшаб ўтган. Даосизмнинг ғоялари Лао-цзининг “Дао дэ цзин” (“Эзгулик йўли ёки куч ва ҳаракат ҳақидаги китоб”) асарида баён этилган. Лао Цзи “дао” ва “ци” таълимотларини ишлаб чиққан. Кейинчалик улар “даоцизм” деб аталган. Дао бу – табиий қонун. Жамиятнинг барча аъзолари табиий қонун (дао)га қатъий бўйсунушлари керак. Дао қонунини бузган одам табиат қаҳрига дучор бўлади. Ци бу – жисмларнинг илдизи, яъни борлиқ. Ци бешта унсур – ер, сув, олов, ёғоч ва металлдан ташкил топган. Дунёдаги барча жисмлар, ушбу таълимотга кўра, ушбу бешта унсурнинг турлича бирикишидан юзага келган. Даосизм дунёдаги барча нарсалар негизида қарама-қаршиликлар кураши ётади, улар доимо ўзгаришда, ҳаракатда, деб ҳисоблайди. Даосизм таълимоти инсонларни самовий мажбурият ва бурч кишанларини улоқтириб ташлаб, коинотга эмас табиатга яқин бўлган ҳаётга қайтишга даъват этади. Хитой ривоятларига кўра, Лао-цзи Чжоу салтанати саройида архив ходими бўлиб, кейинчалик “истеъфо”га

чиққан ва тарки дунё қилиб, ғарбга қараб йўл олган. Чегарага етиб келганида чегара хизмати бошлиғи ундан ўз ватанига бирон нарса қолдириб кетишни сўраган. Лао-цзи чегара хизмати бошлиғига 5000 белгидан иборат қўлёзмани топширган. Бу тарихда “Дао дэ цзин” номи билан машҳур китоб бўлган. Даосизм дини конфуцийчилик ва буддизм каби Хитойда кенг тарқалган.

Даракчи – Шарқ давлатлари қўшинларида махсус топшириқларни бажарадиган ва ҳукмдорларга турли хабарларни етказиб турадиган шахс. Даракчилар савдогар, қаландар, туякаш қиёфаларида узоқ ўлкаларга бориб, чет мамлакатларнинг ҳарбий қудрати, урушга тайёргарлик ҳолати, ўз мамлакатидан қочган сиёсий айбдорлар ҳақида маълумот тўплаб, қайтиб келганларида ҳукмдорларга етказганлар.

Дарбон – 1. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда эшик ёки дарвоза соқчиси, давозабон. Қўрғон, қалъа ёки шаҳар дарвозалари белгиланган вақтда дарвозабонлар томонидан очилган ёки ёпилган. Дарбонлар дарвозадан кирувчи ёхуд чиқувчиларни назорат қилишган. 2. Бухоро амирлигида сарой хизматчиси; Бухоро ҳаётини зимдан кузатиб, пойтахт хавфсизлигини таъминлаб турувчи ҳарбий қисм ва тегишли қурол-яроғлар мутасаддиси (бошқарувчиси). Дарбон ихтиёрида зиндон ёки Арқда қамалган маҳбуслар ҳам бўлган; амирлик учун хавфли ҳисобланган жиноятчиларни сўроқ қилган. Дарбонни “тўпчибоши” ёки “тўпчибошии Арқи олий” деб ҳам аташган.

Дарбор – Хон ва беклар саройи, қароргоҳи.

Дарвинизм – Жонли табиатнинг қонуниятлари – ўсимлик ва ҳайвон турларининг келиб чиқиши ва табиий танланиш йўли билан ривожланиши ҳақидаги таълимот. Бу таълимот биринчи мартаба инглиз олими Чарльз Дарвин томонидан 1859 йилда чоп этилган “Турларнинг табиий танланиш йўли билан келиб чиқиши” номли асарида таърифланган.

Дарвин, Чарльз – 1809-1882 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз табиатшунос олими. “Дарвинизм” деб номланган дунёқарашнинг асосчиси. Чарльз Дарвин ўзининг “Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш” (1871 йили) номли асарида одамнинг маймунсимон жонзотлардан келиб чиққанини исботлашга уринган. Яна қар.: *Дарвинизм*.

Дарвиш (Дарвеш) – Тасаввуф таълимотига кўра, тарки дунё қилиб, гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи шахс. Дарвишлар сўфизмнинг турли тариқатига мансуб бўлиб, ўзларининг муайян жамоа (сулук)ларида ўз ғояларини тарғиб этганлар. Ўрта Осиёда дарвишларни “қаландарлар” деб ҳам аташган.

Дарвишлар жамоалари – Дарвишлар уюшмаси ёки биродарлиги. Дарвишлар жамоаларининг низомномалари, рухонийлар иерархияси, турар жойлари – завия, хонақоҳлари, пирлари ва азиз-ҳомийлари бўлган. Дарвиш тариқат мураббийсига, муршиди ёки шайхи (пир, эшон, устоз)га итоаткор мурид бўлиши лозим бўлган. Айрим дарвишлар жамоаларида аёллар учун ҳам турар жойлар бўлган. Дарвишлар жамоалари орасида энг машҳурлари – қодирия, нақшбандия, яссавия, бектошия ва ҳоказолар бўлган.

Дарвоза – Шаҳар, қалъа, сарой, қўрғон, ҳовлиларнинг кириш жойига ўрнатиладиган катта эшик. Қадимда Ўрта Осиё шаҳарларининг атрофи қалъабанд мудофаа деворлари билан ўралган бўлган, бир нечтадан дарвозалари (мас., Тошкентнинг 12 та, Бухоронинг 11 та, Хиванинг 10 та) бўлган.

Дарзибоши – Бухоро хонлигида хон саройида кийим тикувчилар бошлиғи.

Дарик – Қадимги Эрон олтин тангаси. Дарикнинг пайдо бўлишини аҳмонийлар подшоси Доро I номи билан боғлайдилар.

Дарра – XX аср бошларигача Ўрта Осиё хонликларида тан жазосига ҳукм этилганларни жазолаш учун ишлатиладиган қамчининг бир тури.

Дархон (Тархон) – Чингизхон ва унинг ворислари томонидан ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, ҳокимларга алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга берилган унвон. Дархонлик имтиёзига эга киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган. Бундан ташқари дархонлар жиноят қилиб қўйганда ҳам жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. Дархонлик мўғуллар, temuрийлар ҳамда шайбонийлар даврларида ҳам Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалган.

Дастур – 1. Бирор фаолият, иш-ҳаракатнинг режаси, мўлжали, мас., мамлакатни демократлаштириш дастури. 2. Сиёсий партия, жамоат ташкилотлари ва ҳоказоларнинг мақсад ва вазифалари баён этилган ҳужжат, мас., Ўзбекистон халқ-демократик партиясининг дастури. 3. Концерт, спектакль ва ҳоказолар мазмуни ҳамда ижро этувчилар ва қатнашувчилар рўйхатини ўз ичига олган варақа. 4. Зардуштийлик динида энг олий руҳоний. 5. Ўқув фани материалларининг ҳажми ва мазмунини ифода этадиган ўқув ҳужжати, мас., Ўзбекистон тарихи фанининг ўқув дастури.

Дастурхончи – Ўтмишда Ўрта Осиё хонликларида хонлар саройларида келган меҳмонларни кутиб олиш, уларнинг олдига дастурхон ёзиб таом келтириш, уларни кузатиб қўйиш ишларини бошқариб турадиган мансабдор шахс.

“Дауэс режаси” – Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Германия Версаль тинчлик шартномасига кўра, ғолиб Антанта давлатларига репарацион тўловларни тўлаши шарт эди. Бироқ, XX аср 20-йилларнинг бошида Германия иқтисодиёти таназул ботқоғида ботган, мамлакатда сиёсий бошбошдоклик ҳукм сураб эди. Германия нафақат товон тўлаш, ҳатто ўз халқини боқишга ҳам ожиз бўлган. Шунинг учун Франция, Буюк Британия, АҚШ, Италия қандай бўлмасин Германиядан тўлов ундириш учун дастлаб унинг иқтисодиётини тиклашга қарор қилишган. 1924 йил 16 августида Лондон шаҳрида ушбу масала юзасидан конференция чақирилиб, тўлов ундириш мақсадида Германия иқтисодиётини тиклаш бўйича “Дауэс режаси” қабул қилинган. Бу режа муаллифи АҚШнинг йирик Чикаго банки директори Ч.Дауэс бўлган. Режа асосида Германияга 310 миллион АҚШ доллари миқдорида заём берилган. Бу режа туфайли Германия нафақат репарация тўлаган, шу билан бирга ўзининг оғир ва машинасозлик саноатини тиклаб, гуркираб ривожланиш йўлига ўтиб олган. 1929-1930 йилларда репарацион тўловлар миқдори бир оз

енгиллаштирилган. 1933 йилда Гитлер Германияда ҳокимият тепасига келгач, репарация тўловлари умуман бекор қилинган.

Дафгардор – 1. Хонлар саройларига кирим-чиқимларни ҳисобини олиб борувчи лавозимли шахс. 2. Идорага келган-кетган хат-ҳужжатларни қайд этиб борувчи, ёзув-чизув ишларини бажарувчи ходим.

Дахма – Қабр устида ўрнатилган ёдгорлик, мавзолей, макбара.

Дацан – Бурят, қалмоқ каби халқларда будда ибодатхонаси.

Дашнақцутюн (Ҳаракат иттифоқи) – XIX асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган арман миллатчи партияси.

Дашти Қипчоқ – Сирдарёнинг қўйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қўйи оқимигача бўлган ҳудудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу ҳудудда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшашган. Дашти Қипчоқ шарқий (Ёйиқ дарёсидан то Сирдарёнинг қўйи оқими ва Балхашгача бўлган ерлар) ва ғарбий (Ёйиқ ва Волгадан то Днепргача бўлган ерлар) қисмлардан иборат бўлган. Дашти Қипчоқнинг бир қисмини XIII асрнинг 20-йилларида мўғуллар босиб олган ва тарихда машҳур бўлган Олтин Ўрда давлати ташкил топган. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида эса кейинчалик Оқ Ўрда давлати ҳам барпо этилган. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмини Абулхайрхон эгаллаган ва бу ҳудудда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солган.

Дашти Қипчоқ ўзбеклари – Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларнинг тарихий манбаларда аталган умумий номи. Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида келтирилишича, Дашти Қипчоқ ўзбеклари уч тоифадан, яъни шайбонийлар (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), қозоқлар ва манғитлардан иборат бўлган.

Даъватнома – Бирор фаолиятга ёки бирор йўл, маслак ва шу кабига даъват этувчи хат, варақа, ҳужжат.

Дақёнус – Рим императори Диоклетианнинг шарқ халқлари орасида машҳур бўлган номи.

Даҳа – 1. Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эронда ўн кишидан иборат жанговар бўлинма. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги бундай ҳарбий бўлинма бошлиғи “даҳабоши”, “дахбоши” деб аталган. 2. Ўрта Осиё хонликларининг қишлоқ жойлари ва йирик шаҳарлардаги маъмурий-худудий бирлик. Бир неча қишлоқлар бир даҳага бирлаштирилган, йирик шаҳарлар эса бир неча даҳага бўлинган. Унда бир нечта маҳалла, бир ёки бир нечта мадраса, масжид, бозор, ҳаммом ва бошқа жамоат бинолари бўлган. Даҳани оқсоқол (мингбоши) бошқарган. Мас., Тошкентда Кўкча, Бешёғоч, Себзор ва Шайхонтоҳур даҳалари бўлган.

Даҳанабанд – Бухоро амирлигида ариқлар ва каналлар бошланишига, яъни сув бошига махсус қараб турувчи шахс.

Даҳо – Қар.: Доҳий.

Даҳрий – Худонинг мавжудлигини тан олмайдиган, динга эътиқод қилмайдиган шахс, динсиз киши, атеист.

Даҳрийлик – Ҳар қандай диний эътиқодларни рад этувчи қараш, таълимот, атеизм.

Даҳшат отаси – Қар.: *Абу ҳавл.*

Даҳяк – ”Даҳяк” сўзи араб тилидаги “ушр” сўзининг форс-тожик тилидаги синоними. 1. Бухоро амирлигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадраса, мулловаччаларига бериладиган қисми. 2. Хива хонлигида солиқ тури. Даҳяк чиғир билан суғориладиган ерларда ҳосилнинг 1/10, ариқ билан суғориладиган ерларда 1/5 қисмини ташкил қилган.

Дворецкий – 1. XV-XVII асрларда Русь давлатида сарой бошқармасининг бошлиғи. XVII асрдан бошлаб сарой унвони. 2. Россияда XVIII асрдан XX аср бошларигача дворянлар хўжалигини бошқарувчи ва шаҳардаги ҳовли-саройлар бошқарувчиси.

Дворянлар – Ўрта асрларда имтиёзлари меросий бўлиб қонун билан мустаҳкамланган олий табақалардан бири (руҳонийлар билан бирга). Хусусий ер эгалари дворянларнинг иқтисодий ва сиёсий таъсири асосини ташкил этган. Дворянлар олий ва қуйи табақага бўлинган (Англияда барон ва рицарлар, Испанияда грандлар ва идальголар, Польшада магнатлар ва шляхталар ва бошқалар).

Дебитор – Қарздор.

Дебоча – 1. Кириш, муқаддима. 2. Мусиқа асарининг кириш қисми. 3. Дастхат китобларнинг ранг ва зарҳал билан нақш бериб безатилган бош саҳифаси.

“Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) – Махмуд Қошғарийнинг туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари (1071-1072 йиллар).

Девальвация – Қиймати тушиб кетган пулларни қонун чиқариш йўли билан муомаладан чиқариш ва уни тўла қийматга эга бўлган кредит билетлари билан алмаштириш (очиқ девальвация) ёки муомаладаги қоғоз пулнинг расмий курсини тушириш (ёпиқ девальвация) амалиётларидан иборат пул ислоҳоти.

Девон – 1. Шоирнинг алифбе ҳарфлари тартиби бўйича тузилган шеърлар тўплами. 2. Сосонийларнинг Хусрав I Анушервон даврида шоҳга ҳисобот берувчи амалдорлар ва уларнинг идораси. 3. Сомонийлар давлати, асосан, ўнта девон ёрдамида идора этилган. Барча девон бошлиқлари вазирга итоат этган. Салжуқийлар, хоразмшоҳлар ва мўғуллар даврида ҳам сомонийлар замонидаги давлат тузилиши, асосан, сақланиб қолган. 4. Туркияда улуғ вазир, муфти ва бошқа баъзи амалдорларидан иборат султон ҳузуридаги мажлис. 5. Давлатнинг бош идораси ва айрим вазирликларнинг маҳкамалари ҳамда вазирлик маҳкамаси ўрнашган бино.

Девонбеги – 1. Ўтмишда Ўрта асрларда Шарқдаги ислом давлатларида олий сарой мансабларидан бири. Суғориш, молия, ҳарбий, алоқа, адлия ва бошқа ишларни юритувчи маҳкама (девон) бошлиғи. 2. Бухоро амирлигида молия ва хўжалик ишларини ҳамда турли давлат иши соҳалари бўйича марказий ҳукумат девонлари ва вилоятлардаги девонлар фаолиятини бошқарган олий мансабдор шахс. 3. Хива хонлигида девонбеги девон маҳкамаси орқали закот йиғиш ва бозорларда жой пули олиш, тўпланган пулларнинг сарф-харажат қилинишига ҳам бошчилик қилган. 4. Қўқон

хонлигида бирор вилоят ҳокими ихтиёридаги мансабдор шахс. Унинг вазифаси четдан келадиган савдо карвонларидан бож ундириб олиш бўлган.

Девони аддийа – Сомонийлар даврида давлатнинг ер-сув ва мол-мулкдан фойдаланишни бошқарган ҳукумат идораси. Девони аддийа бошлиғини “вакил” деб аташган.

Девони арабхона – Сомонийлар давлати ва Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи араблар масаласи билан шуғулланувчи махсус девон, идора. Араблар Бухоро хонлигида алоҳида имтиёзларга эга бўлганлар. Уларнинг бажарилиши бўйича ишларни шу девон бошқарган.

Девони барид – Сомонийлар даврида давлатнинг алоқа ишларига раҳбарлик қилган ҳукумат идораси.

Девони вазир – Сомонийлар даврида барча амалдорлар устидан раҳбарлик қилган ҳукумат идораси. Девон вазир бошлиғини “вазир” деб аташган.

Девони вақфия – Сомонийлар даврида вақф ишлари билан шуғулланадиган ҳукумат идораси. Девони вақфияга қози раҳбарлик қилган.

Девони муставфий – Сомонийлар даврида давлатнинг молия ишларига бошчилик қилган ҳукумат идораси. Девони муставфий бошлиғини “ҳозин” ёки “ҳазинадор” деб аташган.

Девони мушриф – Сомонийлар даврида давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланган ҳукумат идораси. Девони мушриф бошлиғини “мушриф” деб аташган. *Яна қар.: Мушриф.*

Девони муҳтасиб – Сомонийлар даврида мамлакатнинг ички тартибини сақлаш ишлари билан шуғулланадиган ҳукумат идораси. Девони муҳтасиб бошлиғини “муҳтасиб” деб аташган. Девони муҳтасиб хизматчилари кўча ва бозорларда умумий тартибни назорат қилиб, тартиббузарларни жазолаганлар.

Девони оmid ал-мулк – Сомонийлар даврида давлатнинг ташқи сиёсатини бошқарган ҳукумат идораси.

Девони тўшакхона – Бухоро амирлигида давлат омборхонаси (тўшак, қурол-яроғ, кийим-кечак ва ҳоказолар) ҳисоб-китобини олиб борадиган идора.

Девони шурат – Кўшинлар, хусусан, ҳукмдорнинг шахсий гвардиясига бошчилик қилган ҳукумат идораси. Девони шурат бошлиғини “соҳибшурат” деб аташган.

Девони қозия – Сомонийлар даврида суд ишларини бошқарган ҳукумат идораси. Девони қозия бошлиғини “қози ал-қуззот” деб аташган. XII асрдан бошлаб вақф ишларини бошқариш ҳам девони қозияга топширилган.

Девон пули – Хива хонлигида солиқларни йиғувчи девонларнинг ўз хизматлари учун солиқ тўловчилардан оладиган пули. Девон пули миқдори хонлик томонидан белгиланган.

Деградация – Бирор нарса ё ҳолатнинг тобора ёмонлашиб бориши, таназзулга учраши.

Дедукция – Мантикда умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқариш. Акси-индукция. *Яна қар.: Индукция.*

Дезертирлик – Ҳарбий бурчни ўташдан бош тортиш, уруш вақтида жанг майдонини ташлаб кетиш.

Дезинформация – Матбуот, радио, интернет ва телевидения орқали муайян гуруҳ ва доираларнинг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида нотўғри, сохта маълумотларни тарқатиш асосида ижтимоий фикрни чалғитиш учун қўлланадиган усул, восита. Дезинформациянинг турлари: а) сохта ахборот, овоза ва шов-шувлар тарқатиш; б) конфиденциал маълумотлар “оқиб кетиши”ни ташкил қилиш; в) муайян фактларни бўрттириб ёритиш, зиддиятли хабарларни тарқатиш.

Дезизм – Худони дунёни яратувчиси сифатида тан олувчи, лекин унинг табиат тараққиётига аралашувини инкор этувчи диний-фалсафий таълимот.

Дей – 1. Усмонли турк салтанатининг яничар кўшинларида зобитлик даражаси. 2. Яничар зобитлар кенгаши томонидан умрбод сайланадиган Жазоир ҳокими. 3. Тунисда дей деб 1590-1705 йилларда вақти-вақти билан мамлакатни идора этган турк яничар ҳарбий бошлиқлари аталган.

Декабристлар – 1825 йил 14 декабрда Чор Россиясида монархнинг чекланмаган ҳокимияти ва крепостнойчиликка қарши кўзғолон кўтарган рус дворян инқилобчилари.

Декабристлар кўзғолони – Россиянинг пойтахти Санкт-Петербургда 1825 йил 14 декабрида бўлиб ўтган кўзғолон. Ўша куни Россиянинг янги императори Николай I тахтга расмий ўтиришининг тантанали маросимлари бўлиб ўтиши лозим бўлган. Шу вазиятдан фойдаланиб, Россиянинг бир гуруҳ офицерлари Санкт-Петербургда Сенат майдонига кириб бориб, кўзғолон уюштирганлар. Уларни Россия тарихида “декабристлар” деб аташади. Декабристларнинг талаблари крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш, мамлакатда монархия тузумини йўқ қилиб, давлат бошқарувини ўзгартириш, шоҳ оиласини қамоққа олиш, янги давлат идоралари шаклланмагунча Россияда муваққат ҳукумат тузиш ва унинг таркибига ислохотчиларни киритишдан иборат бўлган. Декабристлар раҳбариятидаги ихтилофлар, Кўзғолон қатнашчиларининг қатъиятсизлиги туфайли бу кўзғолон императорга содиқ кўшинлар томонидан тезда бостирилган. 579 та кўзғолон қатнашчилари жавобгарликка тортилган. Улардан 80 фоизи ҳарбий хизматчилар бўлишган. Беш декабрист суд қарори билан 1826 йил 13 июлида дорга осилган, юздан ортиқ декабристлар эса умрбод Сибирга сургун қилинган. Кўзғолонда қатнашган бошқа ҳарбийлар Кавказга, “тоғликлар”га қарши урушга юборилган.

Декада – Ўн кунлик вақт. Қадимги Мисрда вақт ўлчов бирлиги.

Декларация – Бирор бир муҳим сиёсий масала юзасидан расмий суратда эълон қилинган баённома, мас., 1917 йил ноябрь ойида Россияда совет ҳукумати томонидан эълон қилинган “Россия халқларига берилган ҳуқуқлар тўғрисида декларация”.

Декрет – Давлат олий органининг қонун кучига эга бўлган муҳим қарори, фармони.

Декреталиялар – Рим папаларининг мактуб шаклидаги қарорлари. Энцикликалардан фарқли ўлароқ, декреталиялар аниқ шахсга йўлланган мактуб сифатида расмийлаштирилган ва папага шахсий масаладаги саволларга

жавоб ҳисобланган. Дастлабки декреталиялар характериға эға бўлган ҳужжат IV асрга тааллуқли.

Делегат – Бирор ташкилот, жамоа томонидан уларнинг ирода ва манфаатларини юқори ташкилотларға ифода ва ҳимоя қилиш учун сайланган вакил.

Делегация – Бирор муассаса, ташкилот, ҳукумат ёки давлатнинг сайлаб ёки белгилаб юборган вакиллари.

Делос иттифоқи (Биринчи Афина денгиз иттифоқи) – Қадимги Юнонистонда Афина полиси бошчилигида тузилган ҳарбий иттифоқ. Делос – бу жазиранинг номи. Делос иттифоқи ғазнаси шу жазирада жойлашган. Шунинг учун бу иттифоқ “Делос иттифоқи” деб аталган.

Демагог – Дастлаб қадимги Юнонистонда халқни орқасидан эргаштирган сиёсий гуруҳчалар раҳбарлари, демократик кайфиятдаги сиёсий арбоб, халқ сиёсатчиси. Кейинчалик “демагог” сўзи салбий маъно касб эта бошлаган.

Демагогия – Кенг жамоатчилик ва халқ оммасига эҳтиросли, жозибадор, бироқ ёлғон ва сохта сиёсий ваъдалар бериш, хушомадгўйлик қилиш ҳамда фактларни бузиб талқин этиш орқали кишиларнинг онги ва қалбига таъсир қилиб, ўз томонига оғдариш йўли, ғоявий ва сиёсий сафсата тизими.

Демаркация – Қўшни мамлакатлар ўртасида чегараларни имзоланган делимитаризация шартномалари, уларға илова қилинган харита ва тасвирлар асосида жойларда чегара чизигини ўрнатиш, белгилаш.

Деметра – Қадимги Юнонистон мифологиясида дастлаб ҳосилдорлик, деҳқончилик, кейинчалик никоҳ ва оилавий ҳаёт маъбудаси. Деметра одамларға буғдой бошоғини совға қилган ва уларни деҳқончиликка ўргатган.

Демилитаризация – Халқаро ҳуқуқда бирор халқаро шартномаға биноан муайян ҳудуддаги ҳарбий базалар ва қуролли кучлар сақлаш ёки янги истехкомлар қуришни ҳамда қурол-яроғ ишлаб чиқаришни қисман ёки бутунлай ман этиш.

Демобилизация – 1. Қуролли кучлар ва хўжаликнинг барча соҳаларини уруш ҳолатидан тинч ҳолатға кўчириш. 2. Ҳарбий хизматчиларни захираға юбориш ёки умуман бўшатиш.

Демография – Статистиканинг аҳолининг сони, ўсиши, тарқалиши, ижтимоий келиб чиқиши, ёши ва жинси, миллати ва тили бўйича таркиби ва ҳоказоларни ўрганувчи, таҳлил этувчи бўлими. Демография асосан ҳар йили турли сабабларға кўра вафот этган аҳоли ўрнини дунёға келган янги авлод ҳисобига тўлдириб борилиши қонуниятларини ижтимоий-сиёсий шароитларға боғлиқ ҳолда ўрганади.

Демократизм – Демократияни эътироф этиш ва уни амалға ошириш.

Демократик институтлар – Жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топтиришға хизмат қиладиган ташкилот ва тузилмалар мажмуи. Тарихий жиҳатдан демократик институтларни шартли равишда демократик мазмунға эға бўлган анъанавий ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари) ҳамда фақат демократик жамият шароитида фаолият юритадиган махсус институтларға, мас., инсон ҳуқуқлари амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмаларига ажратиш мумкин.

Демократик тамойиллар – Ҳуқуқий демократик жамият асосини белгилайдиган қонун-қоидалар мажмуи. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, халқнинг ҳокимият манбаи бўлиб хизмат қилиши, ҳокимиятни монополлаштиришга йўл қўймайдиган тизимни ташкил этадиган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, қарорларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилиниши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунуши, фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари (шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий)нинг амалга оширилиши, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ҳамда уларда юксак сиёсий маданиятни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиши ва ҳоказолар демократик тамойиллар сирасига киради.

Демократия – 1. Фуқаролар эркинлиги ва тенглиги тамойиллари асосида Конституция ва қонунларда мустақамланган халқ ҳокимиятининг шакли. 2. Амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган эркин, адолатли давлат ва жамият. Демократия босқичма-босқич ривожланадиган жараён бўлиб, ҳар бир миллат ва жамият, ҳар бир даврда уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби омиллар билан белгиланади. Демократиянинг асосий белгилари: кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларининг сайланиши. Демократиянинг вакиллик демократияси ва бевосита демократия шакллари мавжуд.

Демократия экспорти – 1. Жаҳондаги айрим қудратли давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан суверен давлатларнинг ўз тараққиёт моделини ўзи танлаш ҳуқуқини инкор этиб демократиянинг “ҳаммабоп услуби”ни куч ишлатиш йўли билан бошқа жамиятларга тикиштириш амалиёти. 2. Ёш мустақил давлатларда демократия танқислигини рўқач қилиб, бу мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга уринаётган айрим кучлар ва сиёсий доираларнинг хатти-ҳаракатлари. Аслида, ҳеч бир халқаро ташкилот ё ҳеч бир давлат ўзга мамлакатда зўравонлик билан демократияни ўрнатиш ваколатига эга эмас. Шунинг учун демократия экспорти янги кўринишдаги мустамлакачилик, гегемонизм ва буюк давлатчилик шовинизмига хизмат қиладиган хатти-ҳаракатлардир.

Демокрит – Тахм. мил. ав. 460-370 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи.

Демонолония – Демонлар ҳақидаги диний таълимот. Бу таълимотнинг вужудга келиши ибтидоий даврларга хос ёвуз руҳларга эътиқод қилишга бориб тақалади. Демонология, айниқса, Бобил дини ва қадимги Эрон динида ривожланган, уларда иудаизм, христианлик ва исломга ҳам ўтган. Жодугарликнинг хурофий моҳияти ҳам демонологияга асосланган. Инквизиция даврида жодугар деб ҳисобланган аёллар таъқиб қилинган. Жисмоний ва руҳий касалликлар сабаби ҳам демонлар хатти-ҳаракати билан боғлиқ деб ҳисобла-

надиган ибтидоий азайимхонликдан тортиб ҳозирги даврдаги диний бидъатларгача – ҳаммасида демонология намоён бўлади.

Демос – Қадимги Юнонистонда фуқаролик ҳуқуқларга эга бўлган, лекин аристократия таркибига кирмаган эркин аҳоли. Мил. ав V-IV асрлардан бошлаб демос аҳоли (асосан, шаҳарда яшовчилар)нинг камбағал қатламлари номи.

Демонстрация – *Қар.: Намойиш.*

Демпинг – Хорижий бозорларни эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида маҳсулотларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон сотиш. Монополияларнинг рақобат кураши тури.

Денарий – 1. Юлий Цезарь ҳукмронлиги даврида Римда биринчи мартаба зарб этилган тилла танганинг номи. 2. Ўрта асрларда бир қатор Европа давлатларида пул бирлиги.

Денонсация – Бирор-бир халқаро шартнома бирор-бир мамлакат ҳудудида ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги давлат ахбороти.

Департамент – 1. Чор Россияси ва бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида юқори давлат органларининг бўлими. 2. Америка Қўшма Штатлари ва Швейцарияда – вазирлик. 3. Францияда энг йирик маъмурий-худудий бўлинма.

Депозит – Банкларда сақлаш ёки фойда олиш учун вақтинча қўйилган пул ёки қимматбаҳо қоғозлар.

Депрессия – Иқтисодиётда иқтисодий танглик натижасида ва ундан кейин бошланадиган турғунлик даври. Бу даврда ишлаб чиқариш ўсмайди, иқтисодий жонланиш юз бермайди, ишсизлар сони кўпаяди, товар ва хизматларга талаб паст бўлади.

Депутат – Белгиланган тартибда бирор жамоа ёки ташкилот томонидан ваколатли ҳокимият органларига сайланган шахс. Депутатликка номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар махсус қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Десант – Душман ҳудудида жанг олиб бориш мақсадида кема ёки самолётдан туширилган қўшин.

Деспот – 1. Византияда император томонидан энг ишончли кишиларга берилган унвон. Деспотлар кўплаб имтиёзларга эга бўлишган. Кўпинча императорнинг асранди ва кичик ўғиллари деспот унвонига лойиқ кўрилган. 2. Ҳокимияти чекланмаган ҳукмдор. Унинг бошқарув шакли “деспотизм”, бундай тузумдаги давлат “деспотия” деб аталади.

Деспотия – *Қар.: Мустабидлик.*

Десятина – 1. Ўрта асрларда Европада даромаднинг черковга тўланадиган ўндан бир қисми. 2. XVIII аср бошларигача Россияда епархиянинг бир қисми, черков округи.

Детерминизм – Табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг умумий объектив қонуниятлари борлигини ва улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир бирини тақозо қилишини, бири иккинчисининг сабаби эканини эътироф этувчи назария.

Детинец – Ўрта асрларда рус шаҳарларида князь ёки епископ қароргоҳи атрофида қад ростлаган ички истехком номи. XIV асрдан “кремль” атамаси билан алмаштирилган.

Де-факто – Ҳақиқатда, амалда. Акси- де-юре. *Яна қар.: Де-юре.*

Децимация – Қадимги Рим армиясида интизомни сақлаш чораларидан бири. Қандайдир хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлинманинг ҳар ўнинчи аскарини қатл этиш. Одатда, байроқни йўқотганлик, исён ва дезертирлик учун белгиланган. Шунингдек, қўшинда сентимизация (ҳар юзинчи аскарни қатл этиш) ва вицецимация (ҳар йигирманчи аскарни қатл этиш) мавжуд бўлган.

Де-юре – Юридик жиҳатдан, расмий суратда. Акси- де-факто. *Яна қар.: де-факто.*

Дехлавий, Хусрав – 1253-1325 йилларда яшаб ўтган шоир ва мутафаккир. Хусрав Дехлавийнинг отаси Сайфуддин Махмуд асли кеш (шаҳрисабз)лик бўлган. Хусрав Дехлавий ёшлигида замонасининг асосий фанларини эгаллаган, турк, форс, араб ва ҳинд тилларини мукаммал ўзлаштирган. Унинг шоир сифатида шаклланишида онаси Давлатнозбегимнинг хизматлари катта бўлган. Хусрав Дехлавий дастлаб шоҳлар саройида хизмат қилган. Кейинчалик эса сарой хизматини тарк этиб, сўфийликнинг чиштия тариқатининг машҳур шайхи Низомиддин Авлиёга мурид тушган. Хусрав Дехлавий чиштия тариқатининг барча босқичларини босиб ўтиб, валиуллоҳ мақомига эришган. Шундан сўнг у шоҳона “Хусрав” исмидан воз кечиб, фақирона “Муҳаммад Косалес” номини олган. Хусрав Дехлавий жуда сермаҳсул адиб бўлган. У нафақат назмий, балки насрий асарлар ҳам ижод этган. Хусрав Дехлавий Шарқ адабиётининг деярли барча жанрларида ижод қилган. У форс тилидан ташқари, ҳинд ва араб тилларида ҳам асарлар ёзган. Хусрав Дехлавий Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берган. 1299-1302 йилларда у Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига жавоб ёзган. Хусрав Дехлавийнинг “Хамса”си “Матлаъ ул-анвор” (“Нурларнинг бошланиши”), “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Оинаи Искандарий” (“Искандар ойинаси”) ва “Ҳашт биҳишт” (“Саккиз жаннат”) дostonларидан иборат. Хусрав Дехлавий вафотидан кейин Дехли шаҳрида шайх Низомиддин Авлиёнинг оёқ томонида дафн этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ЮНЕСКО ташкилотининг қарорига мувофиқ 1973 йили Хусрав Дехлавийнинг 700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган.

Дехли султонлиги – 1206-1526 йилларда мавжуд бўлган давлат. Ғазнавийлар давлати 1040 йилда бўлиб ўтган Данданакон жангида салжуқийлардан мағлуб бўлгандан кейин уларнинг ҳудудлари Ғазна вилояти ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми (асосан Панжоб) билан чекланиб қолган. Ушбу ҳудудлар ҳам XII асрнинг 60-йилларида ғурийлар сулоласи тасарруфига ўтган. 1206 йилда ғурийлар ҳукмдори Муҳаммад Ғурий вафот этган. Бундан фойдаланиб Панжоб ноиби бўлган Қутбиддин Ойбоқ ғурийларга бўйсуннишдан бош тортган ва Ҳиндистоннинг шимолида янги мустақил давлат тузган. Бу янги давлатнинг пойтахти Дехли шаҳри бўлган. Шунинг учун Қутбиддин Ойбоқ тузган янги давлат тарихда “Дехли султонлиги” деб ном олган. Қутбиддин Ойбоқ чавгон ўйини пайтида отдан йиқилиб ўлгандан кейин 1211-

1236 йилларда Дехли султонлигида унинг ўғли Шамсиддин Элтутмиш ҳукмрон бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида Панжоб, Синд ва Бенгалия ерлари Дехли султонлиги таркибига киритилган. Элтутмиш вафотидан кейин (1236 йили) Дехли султонлигида тахт учун курашлар бошланиб, мамлакат таназулга юз тутган. XIV асрда Дехли султонлиги ўзини бирмунча ўнглаб олган. 1398-1399 йилларда Амир Темур шимолий Ҳиндистонни ишғол этиб (шу жумладан Дехли шаҳрини ҳам) катта бойлик билан Самарқандга қайтган. Шундан кейин Дехли султонлиги кичик бекликларга бўлиниб кетган. Ҳудудлари қисқартирилган, лекин ҳали ҳам “Дехли султонлиги” деб номланадиган давлатда дастлаб Саййидлар сулоласи (1414-1451 йилларда), кейинчалик афғонларнинг лўди қабиласи вакиллари ҳукмронлик қилишган (1451-1526 йилларда). Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1526 йилда Иброҳим Лўдий қўшинларини мағлубиятга учратиб, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг ҳукмронлигини ўрнатган.

Деххудо – Салжукийлар даврида қишлоқ оқсоқоли.

Дехқон – 1. VII-X асрларда Мовароуннаҳрда ва кейинчалик Салжукийлар даврида йирик ер эгалари. 2. X асрдан кейин Мовароуннаҳрда деҳқончилик билан шуғулланувчи кишилар.

Дзайбацу – Япония монополиялари ва молиявий олигархиясини англатувчи атама. XIX асрдан XX асрнинг биринчи ярмигача банк ва саноат бирлашмалари (карталлар, синдикатлар)ни англатиш учун қўлланилган. Японияда тўртта дзайбацу: “Мицубиси”, “Мицуи”, “Сумитомо”, “Ясуда” машҳур бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг барча дзайбацулар кэйрэцу (йирик корпоратив конгломератлар ва холдинглар)га айлантирилган ва ҳамон Япония иқтисодиётининг катта қисми устидан назорат қилади.

Дзимму – Япон императорларининг афсонавий аждоди, қуёш маъбудаси Аматаэрасу авлоди. Ривоятларга кўра, мил. ав. 660 йили Дзимму тахтга ўтирган кун (11 февраль) ҳукумат қарорига биноан 1873-1948 йилларда ва 1967 йилдан империя (салтанат)га асос солинган сана сифатида байрам қилинади.

Диалект – Давлат тили грамматик қурилиши ва асосий луғат фондининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган маҳаллий тармоғи, шеваси. Яна қар.: грамматика, луғат, фонд, шева.

Диалектик – Диалектикага асосланган.

Диалектика – Табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг энг муҳим қонуниятлари тўғрисидаги таълимот, фалсафий ёндашув ва илмий билиш усулларидан бири. Диалектика борликдаги барча нарсалар, ходисалар, жараёнлар мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзаро алоқаси, сабаб-оқибат боғланиши, ҳаракати, ўзгариши, таъсирлашуви ва ривожланиши билан боғлайдиган таълимот сифатида эътироф этилган. Диалектика таълимотида кўра, оламдаги барча нарса ва ходисалар, шунингдек, улар ҳақидаги тушунча ва билимлар доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади.

Диалектик материализм – Марксизм-ленинизм таълимотининг асосий дунёқараши. Бу дунёқарашнинг табиат ходисаларига ёндашиш, уларни билиш, англаш усули диалектик бўлиб, унинг объектив борлиқ, дунё ходисаларини талқин қилиши ва назарияси материалистикдир.

Диалектология – Умумхалқ миллий тилининг тармоқлари бўлмиш диалектлар, шеваларни ўрганувчи фан.

Диалог – Икки ёки бир неча шахс ўртасидаги гаплашув.

Диана – Қадимги Рим мифологиясида ўсимликлар маъбудаси, гўдаклик ҳомийси, Ой тимсоли. Юнонлардаги Артемида ва Гекатага мос келади.

Диаспора – Илк бор Библия муқаддас китобида учраган. Дастлаб бу сўз яҳудийларнинг Фаластиндан ташқарига, яъни бошқа давлатларга тарқаб кетишига нисбатан қўлланилган. Кейинчалик урушлар, қириб ташланиш хавфи, ижтимоий-иқтисодий ёки экологик таъсирлар оқибатида ўз туғилиб ўсган юртини ташлаб кетиб, бошқа давлат ҳудудида яшайдиган миллат, халқни ифодалайдиган бўлган.

Диаш, Бартоломей – Португалиялик денгизчи ва сайёҳ. Тахм. 1450-1500 йилларда яшаб ўтган. Ҳиндистонга олиб борувчи денгиз йўлини қидирган ва европаликлардан биринчи бўлиб Африканинг энг жанубий чеккасини айланиб ўтган. 1488 йилда Яхши умид бурнини кашф этган.

Диверсия – Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларига путур етказиш мақсадида бошқа давлатнинг агентлари томонидан олиб бориладиган кўпорувчилик ишлари.

Дивиденд – Бирор ширкат аъзосининг ўша ширкат ривожига учун қўшган ҳиссасига лойиқ олинадиган фойдаси.

Дивизия – Кўпгина давлатларнинг турли хилдаги қуроли кучлари ва қўшин турларида асосий тактик бирлашма. Биринчи бўлиб дивизия XVII асрда Францияда, XVIII аср бошларида Россияда пайдо бўлган. Дивизия полклар (бригадалар) ёки батальонлар, шунингдек, турли қўшин турларининг қисм ва бўлинмаларидан ҳамда махсус қўшинларидан иборат.

Дигестлар – Юстиниан кодекслари қисми. Рим классик ҳуқуқшуносларининг асосан, шахсий ҳуқуқ масалаларига оид асарларидан парчалар келтирилган. 533 йили чоп этилган ва 50 та китобдан ташкил топган. Трибониан бошчилигидаги ҳуқуқшунослар гуруҳи томонидан тузилган.

Дидро, Дени – 1713-1784 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи ва ёзувчиси.

Диёнат – Ҳалоллик, софдиллик, виждонлилик.

Дизель, Рудольф – 1858-1913 йилларда яшаб ўтган немис ихтирочиси. 1892 йилда у ёнилғининг сиқилган ҳавога пуркалишидан алангаланадиган ички ёнув двигатели (дизель)ни ихтиро этган. 1897 йилда ички ёнув двигателида ёнилғи сифатида арзон ёнилғи бўлган нефть маҳсулотларидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Кейинчалик бу ихтиро транспорт воситаларида кенг қўллана бошланган.

Дизраэли, Бенжамин – 1804-1881 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия бош вазири (1868 ва 1874-1880 йилларда).

Дике – Қадимги Юнонистонда адолат худоси.

Диккенс, Чарльз – 1812-1870 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби.

Диктат – Кучли мамлакат ўз хоҳиши, талабларини кучсиз мамлакатга зўравонлик билан қабул қилдириш сиёсати.

Диктатор – 1. Қадимги Римда юқори лавозимдаги шахс. Уруш вақтида ва мамлакат ичида давлат учун катта хавф мавжуд бўлган, жуда мушкул фавқулодда вазиятлар юзага келган пайтларда тайинланган. Диктатор айна вақтда, олий фуқаролик, ҳарбий ва суд ҳокимиятига эга бўлган. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам диктаторнинг қўлида бўлган. Мил. ав. I асрда муддатсиз диктатура ҳам бўлган (мас., Сулла, Юлий Цезарь ва бошқаларнинг диктатураси). 2. Давлат конституциясига хилоф равишда узоқ муддат ҳокимият тепасида бўлган, парламентни ўзига бўйсундириб олган, сайловларни демократик мезонлар билан эмас, буйруқ ва зўравонлик билан ўтказадиган, митинглар, намойишларни тақиқлаб қўйган, сўз ва матбуот эркинлигига йўл қўймайдиган ҳукмдор.

Диктатура – Давлат ҳокимиятини нодемократик усуллар билан амалга ошириш тизимини ифодаловчи тушунча, авторитар ёки тоталитар режим. Диктатурага асосланган сиёсий режимда ҳокимият бир шахс-диктатор ёки бир неча шахсларнинг қўлида марказлашади, сиёсатда зўравонлик ва террор кучаяди. Диктатура ўрнатилганлиги диктаторлик ҳокимиятининг чекланмаганлиги ва назоратсизлиги, конституция эълон қилган демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар топталиши, вакиллик органларининг ҳуқуқлари чекланиши билан ажралиб туради. Ҳокимият тўғридан-тўғри зўравонликка таянади. Одатда, йирик ижтимоий гуруҳлар диктатурани ифода этувчи куч сифатида намоён бўлса-да, у бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларда мужассамлашади.

Дин – 1. Ижтимоий-маънавий ҳаёт ходисаси, илоҳий кучларга ишонч-эътиқод асосида шаклланган ғоя ва қарашлар тизими. 2. Борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудот, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи. Инсоният тарихида дин турли шаклларда намоён бўлган. Диннинг дастлабки кўринишлари фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик ва бошқалардир. Уруғ-қабила динлари, миллий динлар (иудаизм, ҳиндуизм, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон динлари (буддизм, христианлик, ислом) мавжуд.

ДИНА – Чилида Аугусто Пиночет режими даврида тузилган махфий разведка тузилмаси.

Динатлар – Византияда олий мартабали зодагон, руҳоний шахслар.

“Дини илоҳий” – Бобурийлар давлатининг ҳукмдори Акбаршоҳ томонидан жорий этилган дин. Бу дин ўзида ислом, ҳиндуизм, жайнизм динлар қоришмасидан иборат бўлган.

Диний бағрикенглик – Турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши. ЮНЕСКО ташкилоти диний бағрикенглик муаммоларига алоҳида эътибор бериб, 1995 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бағрикенглик йили деб эълон қилган. Ўша йили 185 давлат иштирокида Парижда Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинган.

Диний-рицарлик орденлари – XII–XIII асрларда салиб юришлари даврида католик черкови раҳнамоларида ташкил этилган ҳарбий-монахлик ташкилотлари. Шарқда салибчиларнинг мулкларини ҳимоя қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, Европада худудларни ишғол этишни мақсад қилган.

Энг йирик орденлар: иоаннитлар, тамплиерлар, тевтон, алькантира, калатрави ва хоказолар. Диний-рицарлик орденлари иерархик тузилишга эга бўлган. Ҳар бир орденни умрбод сайланган ва папа томонидан тасдиқланган буюк магистр (гроссмейстер) бошқарган. Уларга орденнинг маҳаллий бўлимлари раҳбарлари – приорлар, маршаллар (орденнинг молиявий ишларини юритган амалдорлар), командирлар (қалъа, қасрлар комендантлари) ва бошқаларга бўйсунган. Инъом-эҳсонлар, босқинчиликлар, судхўрлик ва савдо-сотик фаолияти воситасида диний-рицарлик орденлари қўлида катта бойлик тўпланган, улкан ер майдонларига эга бўлганлар. Ғарбий Европада марказлашган давлатларнинг юзага келиши орденлар аҳамиятини йўқолишига сабаб бўлган.

Диний экстремизм – Экстремизмнинг диний соҳада намоён бўлиш шакли. Диний экстремизм муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чоратадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиётни англатади. У намоён бўлиш кўламига кўра, худудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Диний экстремизм руҳидаги қарашларни турли динларда учратиш мумкин. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бунга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайди.

Диний ғоялар – Диний даъватлар, ақидалар, илоҳий кадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи.

Динор – Ўтмишда мусулмон мамлакатларининг олтин тангаси. Шарқда VII асрда илк мартаба зарб қилина бошлаган ва 2,4 грамм олтиндан иборат бўлган. Мовароуннаҳрда бир динор икки мисқол кумушга тенг бўлган. Бир мисқол эса 4,53- 4,55 граммни ташкил қилган.

Диоген – Тахм. мил. ав. 400-325 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи.

Диоклетиан – Қадимги Рим императори (284-305 йиллар). 243-313/316 йилларда яшаб ўтган. 284 йилда ҳарбийлар ташаббуси билан Рим императорлигига сайланган. Диоклетиан давлат бошқарувида ўзгартиришлар киритган. У Рим империяси худудларини тўрт маъмурий бирликка бўлган, армияни мустақкамлаган, солиқларни тартибга солган, жойларда ўзининг кўплаб ёрдамчиларини тайинлаган. Уларнинг ваколатлари император ваколатларига тенглаштирилган. Диоклетиан даврида мавжуд бўлган ҳукмронлик тизимини “доминат” (чекланмаган монархия) деб аташган. 303 йилда Диоклетиан манихейлик ва христианлик динларини ман этган. Бу динларнинг минглаб тарафдорлари таъқиб этилган, конларда ишлатилган, баъзилари қатл этилган. Диоклетиан ўтказган ислохотлар давлат бошқарувини тартибга солган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий инқирозларни тўхтата олмаган. Диоклетиан 305 йилда ҳокимиятдан воз кечган. Диоклетиан шарқ халқлари орасида “Дақёнус” номи билан машҳур бўлган.

Дионис – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида узумчилик ва виночилик худоси. Дионисни гўзал йигит қиёфасида тасаввур қилишган. Қадимги Юнонистонда Дионис шарафига “Дионисия” деб аталган

байрам мавжуд бўлган. Бу байрам бир йилда икки мартаба: баҳорда – узумлар ҳосилга кирганда ва кузда – узум йиғиб олингандан кейин ўтказилган.

Дионисия – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида узумчилик ва виночилик худоси ҳисобланган Дионис шарафига ўтказиладиган байрам.

Диоцез – 1. Дастлаб қадимги Римда мил. ав. I асрдан шаҳар округини англатган атама; кейинчалик принципат даврида, провинция (эпархия)нинг бир қисми. 2. Католик, англикан ва бир қатор протестант черковларида черков маъмурий-худудий бирлиги, архиерей (епископ ёки архиепископ) томонидан бошқарилган.

Дипломат – 1. Чет давлатлар билан расмий алоқа ўрнатиш ёки уларнинг вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун ҳукумат томонидан вакил қилиб тайинланган киши. 2. Бошқа кишилар билан муомала қилишда уста одам.

Дипломатика – Тарихий актларни, ҳужжатларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани. Дипломатика тарихий манбашуносликнинг махсус бўлими бўлиб, ҳуқуқий қонунга бергиланган ҳужжатларнинг мазмунини ўрганади. Актлар, ҳужжатлар, вақфлар, ҳукмдорларнинг фармойишлари, қозихона ҳужжатлари, давлат иш юритиш ҳужжатлари, васиқалар, машҳур шахсларнинг мактублари, муншаот, руқъа, мемуарлар, кундаликлар, йилномалар дипломатика фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Дипломатик корпус (дипломатлар корпуси) – Бирор ҳукумат ҳузуридаги чет дипломатлари.

Дипломатия – Давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти.

Дирам – 1. Бухоро амирлиги, Эрон ва Ироқда оғирлик ўлчов бирлиги. Ўртача вазни 3,235 граммга тенг кумуш танга. 2. Бухоро амирлиги, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги.

Директива – Юқори, раҳбар органнинг ўз қарамоғидаги органларга, ташкилотларга берган фармойиши.

Директория – Олий ҳокимиятни махсус жамоавий шаклда амалга ошириш, бошқарувнинг бир кўриниши: а) 1795 йилда яқобинчилар ҳукмронлигига барҳам берилгандан кейин вужудга келган Қонунчилик корпуси томонидан тузилган беш кишидан иборат Франция ижроия ҳокимияти (1795-1799 йиллар). б) 1917 йил сентябрь-октябрь ойларида Россияда А.Ф.Керенский бошлиқ муваққат ҳукуматининг беш нафар министрлардан ташкил топган олий ҳокимият органи (“Бешлар кенгаши”). в) Сибирь директорияси-муваққат Сибирь ҳукумати (1918 йил июль-ноябрь) министрлар кенгашининг норасмий номи ва ҳоказо.

Дирхам (Дирхам) – VII аср охири (695 йили)дан XIV асргача Осиёнинг мусулмон мамлакатларида, Шимолий Африка ва Испанияда муомалада бўлган пул бирлиги – кумуш танга. Дирхам Ҳиндистонда бобурийлар даврида XVI асрда ҳам зарб қилинган. Мовароуннаҳрда бир дирхам бир мисқолнинг учдан бир қисми оғирлигидаги кумуш танга бўлган.

Дискордия – Қадимги римликларнинг жанжал, нифоқ худоси.

Дискриминация – 1. Маънавий ёки сиёсий камситиш. 2. Бирон-бир шахс, миллат ёки давлат ҳуқуқларининг бошқа давлат, миллат ёки шахс ҳуқуқларига нисбатан чекланиши. Демократик давлатлар қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда дискриминациянинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирки, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик камситишга йўл қўйиш тақиқланган.

Дискуссия – Жанжалли ёки баҳсталаб масалани тўғри ҳал этиш мақсадида мажлисда ёки оммавий ахборот воситалари орқали ўтказиладиган мунозара, тортишув, эркин фикр алмашуви.

Диссентерлар – Англияда XVI–XVII асрларда расмий диний эътиқод (англикан черкови ақидалари)дан чекинганлар номи. Атаманинг келиб чиқиши реформациянинг ёйилиши билан боғлиқ ва XVI асрдан давлат черкови томонидан таъқиб остига олинган шахсларни англатган. Турли даврларда турли эътиқод эгалари шундай аталган. Кўпроқ пуританларга нисбатан қўлланилган. Қиролича Елизавета I даврида англикан черковининг барча муҳолифларига диссентерлар номи берилган.

Диссидентлар – 1. Давлат дини католицизм ёки протестантизм бўлган давлатларда ҳукмрон динга эътиқод қилмайдиган христианлар. 2. Кўпчилик собиқ социалистик мамлакатларда мустабид совет тузумга қарши ҳаракат қатнашчиларининг номи. Диссидентлар маъмурлар томонидан қатағонларга дучор этилган, кўплари жосуслик, давлатга хиёнат қилиш каби сохта айблар билан айбланиб жазога тортилган, мажбурлаб руҳий касалликлар шифохоналарида ётқизилган, мамлакатдан сургун қилинган ёки муҳожирликка кетишга мажбур бўлишган.

Диспут – Илмий мунозара.

Дмитрий – Иван IV Грознийнинг кичик ўғли. Ёшлигида Углич шаҳрида вафот этган.

Добролюбов, Николай Александрович – 1836-1861йилларда яшаб ўтган рус адабиётшуноси ва публицисти.

Довон – Тоғ ёки тепаликнинг ошиб ўтиш учун қулай бўлган жойи.

Довон (Даван) давлати – Мил. ав. III асрда “Даван”, кейинроқ эса “Бохан” ва “Полона” номлари билан аталган. “Полона” бу “Фарғона”нинг хитойча талаффуз этилишидир. Хитой манбаларининг маълумотларига кўра, мил. ав. II асрда Фарғонада 300 минг аҳоли яшаган. Довон давлатининг пойтахти Эрши (ҳозирги Марҳамат), бошқа маълумотларга кўра Гушан (ҳозирги Ўзган) шаҳри бўлган. Мил. ав. 104 ва 101 йилларда Хитой императори У-ди ўз қўшинлари билан Довонга ҳужум қилган. Мил. ав. V асрда Ўрта Осиё ҳудудларида вужудга келган эфталийлар давлати таъсирида Довон давлати ўз мустақиллигини йўқотган.

Довуд (Давид) – 1. Исроил-Яҳудия давлатининг асосчиси. 2. Ислом динида пайғамбар.

Довул – 1. Кучли бўрон. 2. Ўрта Осиё хонликларида овчилар, тунги қоровуллар ёки ҳарбийлар фойдаланадиган махсус ноғора, табл.

Догма – Танқидий нуқтаи назардан текширмасдан чин ҳақиқат деб билиб, қабул қилинадиган ақида, қонун-қоида.

Догматизм – Бирон-бир фикр, таълимот, муайян оқим тарафдорлари, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, қотиб қолган бир томонлама назария ва қонун-қоидалар, ақидаларга асосланган тафаккур тарзи.

Додхоҳ (Додхо) – Ўрта Осиё хонликларида юқори лавозимли киши. Унинг вазифаси ҳукмдорлар қабул қилган қарорлар ва фармонлардан норози бўлиб, улар олдига келган одамларни қабул қилиш бўлган. Одамлар арзларини эшитгандан кейин додхоҳ уларга ёзма ёки оғзаки жавоб берган.

Доктрина – Муайян тизимга келтирилган фалсафий, сиёсий ёки мафкуравий характердаги таълимот, таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғланган концепция, тамойиллар мажмуи.

Доллар – Америка Қўшма Штатлари, Канада ва Эфиопияда пул бирлиги.

Доллар зонаси – Америка Қўшма Штатлари билан бир қатор мамлакатлар ўртасида ўрнатилган валюта (пул) муносабатлари тизими. 1933 йилда стерлинг зонаси ўрнига пайдо бўлган.

Доминат – Чекланган монархия. Қадимги Рим императори Диоклетиан ҳукмронлиги даврининг номланиши.

Доминион – Инглиз қироли (қиролича)ни давлат бошлиғи деб тан олиб келган ва Британия империяси таркибида бўлган давлат. Доминион тушунчаси 1926 йилда империя конференциясида Буюк Британия ташқи ишлар вазири Артур Жеймс Бальфур томонидан эълон қилинган ва 1931 йил 11 декабрдаги Вестминстер низоми билан мустақамланган. Дастлабки доминионлар: Канада (1867 йилдан), Австралия Иттифоқи (1901 йилдан), Янги Зеландия (1907 йилдан) ва бошқалар.

Донар – Қадимги германларнинг момақалдиروق худоси.

Донатор – Католик ибодатхонаси қурилишига буюртма берган ёки уни қурувчи (ташкilotчи, қурилиш ҳомийси) ёхуд ибодатхонани безаб турган тасвирий ва амалий санъат асарларига буюртма берган ҳамда уни черковга ҳадя қилган шахс.

Донжон – Европадаги феодал қасрларининг бош минораси, бошқа бинолардан алоҳида қурилган. Ўзига хос қалъа ичидаги қалъа вазифасини ўтаган. Ҳимоя вазифасидан ташқари донжонлар феодаллар истиқомат қиладиган иншоот ҳам бўлган. Унда қасрнинг энг муҳим бинолари – аслаҳахона, бош қудук, озик-овқат омборлари жойлашган. Донжонлар шакли турли-туманлиги билан ажралиб туради: тўртбурчакли, юмалок, саккизбурчакли, тўғри бурчакли, кўп бурчакли, шунингдек, бир неча шакллар уйғунлашувидаги донжонлар маълум. Германияда донжонлар “бергфрид” деб номланган.

Дониёлбий Оталиқ – Бухоро амирлигининг ҳукмдори (1758-1785 йиллар). Бухоро амирлиги биринчи ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбийнинг ўғиллари бўлмагани учун унинг вафотидан кейин Бухоро амирлиги тахтига Муҳаммад Раҳимбийнинг набираси (қизининг ўғли) Фозил тўра ўтқазилган. Фозил тўрага Муҳаммад Раҳимбийнинг катта амакиси Дониёлбий оталиқ этиб тайинланган. Бундан кўплаб вилоят ҳокимлари ва сарой зодагонлари норози бўлишган. Дониёлбий улар билан келишиб, бир битимга келишга мажбур бўлган. Ўзаро келишувга кўра, Фозил тўра ўрнига амирлик тахтига аштархонийлар

шахзодаларидан бўлган Абулғозий ўтирган. Амалда эса амирликни 1758-1785 йилларда Дониёлбий Оталиқнинг ўзи бошқарган. 1781 йили Россия ҳукумати Бухоро амирлиги билан савдо битимини тузишни таклиф этган. Дониёлбий Оталиқ эса бу таклифни 92 ўзбек қабиласи бошлиқларининг розилигини олгандан кейин кўриб чиқишини баҳона қилиб, рад этган. Бу Бухоро аҳлининг норозилигига сабаб бўлган. Дониёлбий Оталиқ кўшинлар таъминоти учун кўшимча солиқлар жорий этган. Бунга қарши 1784 йилда Бухоро аҳолиси кўзғолон кўтарган. Ушбу кўзғолонни бостириш жараёнида мингга яқин киши ўлдирилган. Дониёлбий Оталиқ 1785 йилда вафот этган.

Донишманд – Кўп нарсани биладиган, билимдон, олим, доно.

Донишмандлар уйи – *Қар.: Байт ул-ҳикмат.*

Донской, Дмитрий – Москва ва Владимирнинг улуғ князи. 1350-1389 йилларда яшаб ўтган. 1364 йилда Москвада оқ харсангдан Кремль бунёд эттирган. Дмитрий Донской Тверь ва Рязань ерларини ўзига бўйсундириб, мўғулларга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлаган. Донскойнинг муғулларга қарши биринчи жанглари муваффақиятсиз бўлган. 1380 йил 8 сентябрида бўлиб ўтган жангда у Мамай бошчилигидаги мўғул кўшинлари устидан ғалабага эришган. Бу жанг Дон дарёси соҳилидаги Куликово майдонида бўлиб ўтгани учун уни “Куликово жанги” деб аташади. Куликово жангида икки томондан 200 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Шу ғалаба шарафига Дмитрийга “Донской” деган шарафли ном берилган. Русларнинг муғуллардан озодлиги кўпга чўзилмаган. 1381 йилда Олтин Ўрданинг янги хони Тўхтамишхон (1380-1397 йилларда Олтин Ўрда хони бўлган) Дмитрий Донской кўшинларини мағлуб этган. Тўхтамишхон Москвани ўз тасарруфига киритган ва Русь ерлари яна Олтин Ўрдага қарам бўлиб қолган.

Дорийлар – Қадимги Юнонистон жануби – Пелопоннесни босиб олиб, кейинчалик Спарта полисига асос солган қabila.

Дорик – Аҳмонийлар шоҳи Доро I томонидан жорий этилган оғирлиги 8,4 граммга тенг пул бирлиги, танга.

Дор ус-салтанат – Хонлар, ҳукмдорлар қароргоҳи.

Доро I – Ҳозирги Эрон худудида мавжуд бўлган аҳмонийлар давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 522-486 йиллар). Доро I мамлакатда маъмурий ва пул ислохотларини ўтказган. Аҳмонийлар салтанати (империяси) 20 та харбий-маъмурий сатрапия (округ)ларга бўлинган, уларнинг тепасида махсус амалдор (сатрап)лар турган. Улар форс подшосига улкан миқдорда солиқлар (пул ва натура ҳолда) тўлашган. Аҳмонийлар давлатининг бой сатраплари ҳисобланган Бобил ва Миср нисбатан кўпроқ солиқ тўлашган. Доро I ҳукмронлиги даврида ягона танга пул бирлиги – 8,4 грамм олтин оғирлигидаги дорик жорий қилинган.

Доро III – Мил. ав. 330 йилда вафот этган Эрондаги аҳмонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори.

Дор ул ҳикмат (Билимлар уйи) – XI аср бошида Қоҳирада ташкил этилган илмий марказ.

Доруға (Доруғачи) – 1. Мўғуллар давлатида маҳаллий ҳокимлар хузуридаги улуғ қоон вакили, ноиб. Доруға зиммасига қуйидаги вазифалар

юклатилган: аҳолини рўйхатга олиш, маҳаллий халқдан кўшин тўплаш, почта алоқаларини йўлга қўйиш, солиқлар йиғиш, тўпланган солиқ – тўловларни улуғ қоон саройига етказиш. 2. Темурийлар ва гайбонийлар даврида вилоят, шаҳар ҳокими. 3. Бухоро амирлигида шаҳарнинг ҳарбий коменданнти.

ДОСААФ – Русча “Добровольное общество содействия армии, авиации и флоту” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз. Аслида бу жамиятнинг тўлиқ номи “Всесоюзное добровольное общество содействия армии, авиации и флоту СССР” (СССР армияси, авиацияси ва флотига кўмаклашувчи умумиттифоқ кўнгиллилар жамияти) бўлган.

Достоевский , Федор Михайлович – 1821-1881 йилларда яшаб ўтган буюк рус адиби. Ф.М. Достоевский 1847 йили рус инқилобчиси ва хаёлий социалисти М.В. Петришевский тўғарагига фаол қатнашган. Ушбу тўғарак аъзолари мавжуд давлат тузумини куч билан ағдариб, унинг ўрнига хаёлий социалистик давлат тузиш учун курашганлар. Ф.М. Достоевский 1849 йили ҳибсга олиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. Нуфузли давлат ва жамоат арбобларининг илтимосини инобатга олиб Россия императори Александр II Ф.М. Достоевскийга нисбатан ўлим жазосини каторга сургуни билан алмаштирган. Ф.М. Достоевский 1850-1854 йилларида Омск каторга қамоқхонасида, 1854-1859 йилларида эса Семипалатинскда интизомий ҳарбий хизматда бўлган. 1859 йилдан умрининг охиригача Ф.М. Достоевский Петербург шаҳрида яшаган. У Россия томонидан Туркистон ўлкасини босиб олинишини мақтаб, жумладан, шундай ёзган: “Биз (Россия) Европага бостириб борсак, улар бизни варварлар сифатида қарши олади, Осиёда эса бизни маданиятли миллат сифатида кутиб олишади”. Ф.М. Достоевскийнинг машҳур асарлари “Жиноят ва жазо”, “Телба” (“Идиот”), “Оға-ини Карамазовлар” романлари.

Дотация – Қорхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат томонидан бериладиган ёрдам, маблағ.

Доуд, Муҳаммад – Афғонистон Бош вазири (1973-1978 йилларда).

Дофин – Францияда XIV аср ўрталаридан 1830 йилгача тахт вориси унвони.

Доҳий – Фавқулодда зехн ва заковат, юқори ижодий истеъдодга эга бўлган шахс, оқил йўлбошчи.

Драгунлар – Европа армияларида XVI-XX асрларда отлик кўшин тури.

Драконт – Мил. ав. 621 йилда қадимги Юнонистоннинг Атика полисида эълон қилинган қонунлар мажмуасининг муаллифи. Драконт қонунлари ўзининг ўта шафқатсизлиги билан шуҳрат қозонган.

Драхма – Қадимги Юнонистонда оғирлик ва пул бирлиги. Мил. ав. VI асрдан бошлаб кумуш танга шаклида зарб қилинган, дастлабки вазни 4,25 грамм, кейинчалик 4,32 грамм бўлган.

Драхмий – Тиббиётда кўп қўлланиладиган оғирлик ўлчов бирлиги. Беруний ва Ибн Сино ўз асарларида бу ўлчов бирлигидан фойдаланишган. Улар қўллаган драхмийнинг оғирлиги 4,25 граммга тенг бўлган.

Дрейк, Френсис – Инглиз денгиз қароқчиси.

Дружина – 1. Уруғчилик тузуми даврида қабила йўлбошчиси атрофида, кейинчалик эса князь (кирол) атрофида бирлашган ва жамиятнинг имтиёзли қатламини ташкил этган жангчилар отряди. 2. Қадимги Римда князь ҳузуридаги урушларда қатнашиш, князликни бошқариш ва князнинг шахсий хўжалигини бошқаришда қатнашган қуролланган отрядлар.

Дуализм – Дунёнинг негизида иккита мустақил, бир-бирига зид ва ўзаро курашувчи сабаб, яъни моддий нарса ва идея (тафаккур) бор деб билувчи, материализм билан идеализмни келиштиришга уринувчи фалсафий оқим.

Дубулға – Тиф ёки ўқдан сақланиш учун темир ёки пўлатдан ясалган ҳарбийларнинг бош кийими.

Дукат – Қадимги кумуш ва олтин танга. Баъзан “цехин” ёки “флорин” деб ҳам аталган. Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларда муомалада бўлган. Оғирлиги 3,44 грамм атрофида бўлган.

Дукчи – Дук ясовчи уста.

Дукчи эшон – *Қар.: Муҳаммадали Халфа Собир.*

Дукчи эшон (Андижон) кўзғолони – 1898 йилда Андижонда Муҳаммадали халфа Собир ўғли раҳбарлигида Россия мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган кўзғолон. Дукчи эшон кўзғолонини “Андижон кўзғолони” деб ҳам аташади. Мустамлакачилар зулмидан эзилган Фарғона водийси халқи Муҳаммадали эшон уйига келиб, ундан муқаддас урушга фатво беришни ҳамда бу курашга раҳбарлик қилишни сўраган. Ўз ерларидан маҳрум бўлган деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари учун Муҳаммадали эшон умид ва ишонч рамзига айланган. Унинг обрў-эътибори халқ ичида тобора ошиб борган. Бундан рус мустамлакачилари ваҳимага туша бошлашган. Ўша даврда маҳаллий деҳқонлар ва Россиядан кўчиб келган “мужиклар” ўртасида рақобат кучайган, жанжал ва тўқнашувлар содир бўла бошлаган. Муҳаммадали уйида бўлиб ўтган кенгашда кўзғолончилар учга бўлиниб Фарғона водийсининг уч шахри – Андижон, Марғилон ва Ўшда жойлашган рус гарнизонларига бир вақтда ҳужум қилишни келишиб олинган. Ушбу ҳужумлар муваффақият билан тугаган тақдирда, кўзғолончилар бирлашиб Кўкон томон ҳужумни давом эттиришлари кўзда тутилган. Андижонга ҳужум қилиши лозим бўлган кўзғолончиларга Муҳаммадали эшоннинг ўзи бошчилик қилган. Кўзғолон 1898 йил 17 майида бошланган. Кўзғолончилар Мингтепадан чиқиб Андижон томон йўл олишган. Йўл-йўлакай кўзғолончилар сафи кенгая бориб, 2000 кишига етган. Кўзғолончилар сафи деҳқонлар, ҳунармандлар, ҳарбийлар, муллалардан ташкил топган. Андижонга етиб келиб кўзғолончилар рус гарнизонига ҳужум қилишган. Ярим соат ичида мустамлакачилар ва кўзғолончилар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган. 22 нафар рус солдати ўлдирилган, 24 киши ярадор бўлган. Кўзғолончилардан эса 15 киши ҳалок бўлган, 8 киши яраланган. Ҳарбий тайёргарлиги ночор бўлган кўзғолончилар чекинишга мажбур бўлишган. Марғилон ва Ўш уездаридаги рус ҳарбий гарнизонларига ҳужум уюштириш режалари турли сабаблар билан амалга ошмаган. Андижон кўзғолонидан хабар топган туркистонликлар турли уездларда рус миршабларига ҳужумлар уюштиришган, лекин улар мағлубиятга учрашган. Андижонда бўлиб ўтган кўзғолондан хабар топган

Россия императори Николай II кўзғолончилардан шафқатсиз ўч олишни буюрган. 1898 йил 12 июнида Андижон шаҳри марказида 8 мингга яқин оломоннинг кўз ўнгида кўзғолон раҳбари Муҳаммадали эшон ва унинг 5 нафар яқин маслакдошлари мустамлакачилар томонидан намоёишкорона тарзда дорга осиб ўлдирилган. Кўзғолончилардан 777 киши ҳибсга олиниб, тергов қилинган. 415 кишининг иши судга оширилган. Дастлаб 380 киши ўлим жазосига маҳкум қилинган бўлса-да, Россия императори “марҳамат”и билан фақат 18 киши дорга осиб ўлдирилган, 344 нафар кўзғолончилар 4 йилдан 20 йилгача каторгага, 3 нафари умрбод каторгага, 8 нафари турли муддатга камок жазосига ҳукм қилинган, 18 киши эса Сибирга сургун қилинган. Кўзғолончилар яшаган Мингтепа, Қашғар, Тожик қишлоқларидан 680 хонадон Қақир даштига кўчирилган. Кейинчалик бу ерларни “Марҳамат” деб аташган. Дукчи эшон кўзғолони XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудида Россия мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган энг катта кўзғолон ҳисобланади.

Дулдул – Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад Пайғамбар ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг лақаби.

Дума – 1. Қадимги Русда боярлар кенгаши ва бошқа йиғилишлар (Боярлар думаси, Земство думаси ва ҳоказо). 2. Россия империясида қонун муҳокамаси билан шуғулланадиган вакиллик (Давлат думаси) ёки шаҳарнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (Шаҳар думаси). 3. Россия Федерациясида қонун чиқарувчи орган.

“Думалоқбошлар” – Англия буржуа инқилоби даврида қирол тарафдорлари орасида кенг тарқалган парламент тарафдорлари лақаби (соч турмаги шаклига кўра). Уларни фарқлаб турадиган яна бир белги қизил мундир бўлган. Дастлаб “думалоқбошлар”нинг йўлбошчиси граф Эссекс бўлган, кейинчалик етакчилик Оливер Кромвел қўлига ўтган.

Дунёнинг мафкуравий манзараси – Жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятини яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллат ва халқлар тарихий шарт-шароит, жуғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр.

Дунёқараш – 1. Инсон маънавиятининг муҳим таркибий қисми, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизими. 2. Инсоннинг моҳияти, оламга муносабати, дунёдаги ўрни, ҳаёт йўли, ўзлигини англашга хизмат қиладиган қарашлар тизими.

Дурбор – Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида Ўрта асрларда подшоҳ ҳузуридаги сарой амалдорлари кенгаши, тантанали қабул маросими.

Дурбош – Подшоҳлик аломати бўлган найза ёки асо. Уни подшоҳ олдида олиб юрганларида кишилар четналишлари лозим бўлганлиги сабабли “дурбош” (нари тур) деб аташган.

Дурроний – Қар.: Абдолий.

Дурронийлар давлати – Ҳозирги Афғонистон ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний ҳисобланади. Афғонистон ҳудудлари Эрондаги сафавийлар давлати таркибига кирган. 1736 йилда асли туркманларнинг афшор қабиласидан бўлган Нодиршоҳ Эрон тахтига ўтирган. Нодиршоҳ армиясининг тўпчилар (артиллерия) дасталари асосан афғонлардан иборат бўлган. 1747 йилда Нодиршоҳ суиқасд натижасида ўлдирилган. Шу вазиятдан фойдаланиб афғонлар тўпларни ва Нодиршоҳ саройидаги бир қисм хазинасини олиб Хуросон томон йўл олишган. Улар Қандаҳорга етиб келиб, 1747 йил октябрь ойида афғон қабилаларининг вакиллари йиғилишиб жирга (мажлис) ўтказишган. Ушбу жиргада улар Афғонистоннинг биринчи шоҳи – абдолий қабиласидан бўлган Аҳмадшоҳни сайлашган. Шу тариқа 1747 йили Афғонистон давлати вужудга келган. Абдолий қабиласи кейинчалик “дурроний” деб атала бошланган. Шунинг учун Аҳмадшоҳни “Аҳмадшоҳ дурроний” деб ҳам аташади. Дурронийлар давлатида шоҳ демократик йўл билан жиргада сайланган бўлса-да, давлатдаги юқори лавозимлар абдолий қабиласининг турли қавмларига мерос сифатида бириктириб қўйилган. Шунинг учун Аҳмадшоҳ афғон қабилаларига ва ўз қабиласининг турли қавмларига қарши кураш олиб боролмаган. Шу сабабдан у тажовузкор ташқи сиёсат олиб бориб, афғон ҳудудларидан ташқарида бўлган ерларга ҳужум қилишдан бошқа чораси қолмаган. Афғонистон учун ўша вақтда бундай ҳудудлар Ҳиндистоннинг шимолий қисми ва Амударёнинг чап соҳилида жойлашган ўзбек ва тожик хонликлари бўлган. Амударё соҳилларидаги хонликлар (Кўлоб, Бадахшон, Шибирғон, Оқча, Маймана, Андхой, Балх, Кундуз) Эронда Нодиршоҳ давлати қулагандан кейин ўз мустақилликларини қўлга киритган. XVIII асрнинг 50-йилларидан бошлаб Аҳмадшоҳ Дурроний шимолдаги ўзбек ва тожик хонликларини забт этишни бошлаган. 1861 йили Аҳмадшоҳ ҳукмронлигининг энг чўққиси бўлган. Ўша вақтда дурронийлар давлати таркибига Амударёнинг чап соҳилидаги ноафғон хонликлар ва шимолий Ҳиндистон ҳудудлари кирган. Аҳмадшоҳ Дурроний вафотидан кейин (1773 йили) шимолдаги ўзбек ва тожик хонликлари ўз мустақилликларини қўлга киритишган. 1818 йилга келиб эса дурронийлар давлати тарқалиб унинг ҳудудларида Ҳирот, Қобул, Қандаҳор, Пешовар каби мустақил давлат тузилмалари пайдо бўлган.

Дуче – Йўлбошчи, дохий, бош раҳбар. Немис фашизмнинг бош раҳбари. Гитлер “фюрер” деб аталганидек, Италияда фашизм дохийси Муссолинининг унвони “дуче” бўлган.

“Душанба оғир кун” – Ўн олтинчи аср ўрталарида Қозон хонлиги Москва ҳукмдори Иван Грозный томонидан босиб олингандан сўнг татарларни мажбурлаб насронийлик динининг православ мазҳабига киритиш, яъни чўқинтириш бошланган. Бу маросим насронийлар учун муқаддас кун ҳисобланган якшанба кунлари ўтказилган. Бундан бош тортганларни эса душанба куни қаттиқ калтаклаб жазолашган. Шу муносабат билан “душанба оғир кун” ибораси келиб чиққан.

Духўл (Духул) – Қадимий ноғора. Ўрта Осиё ҳудудларида ҳарбий юришлардан, овга чиқишдан ва жазолаш олдидан ҳамда қоровул алмашувида, лашкар йиғиш вақтларида чалинган.

Дуғма – Хива хонлиги даврида Хоразмдаги қуллар.

Дъесмо – XVI–XIX аср бошларида Америкадаги испан мустамлакачилари, шунингдек, Филиппинда португалларнинг, Осиё ҳамда Африкадаги мустамлакаларида аҳолидан ундирилган ҳосилнинг 1/10 қисми миқдоридаги солиқ. Мустамлакалар мустақилликни қўлга киритгач, дъесмо бекор қилинган.

Дъяк – Мунши, котиб, мирза. Қадимги Русда айрим муассаса (маҳкама)ларда мунши (котиб) вазифасини бажарган мансабдор.

Дъякон – Православ черковида даражаси бўйича учинчи ўринда турувчи руҳоний.

Дюма-ота, Александр – 1802-1870 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Дюма-ўғил, Александр – 1824-1895 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

“Дюранд чизиги” – XIX аср охирларида инглизлар томонидан Афғонистон шоҳи Абдурахмонхонга мажбур этиб имзолантирилган ҳужжат. Ушбу ҳужжат асосида Афғонистоннинг жанубий-шарқий чегаралари белгиланган. Ҳозирги вақтда “Дюранд чизиги”ни ушбу ҳудудда яшайдиган афғон қабилалари тан олмайдилар.

Дўзах – Кўпчилик диний таълимотларга кўра, дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Зардуштийлик, яҳудийлар, христианлик, ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Ислом ақидасига кўра, дўзахни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Дўзах ичида олов ёниб турадиган даҳшатли чуқурликдир. Дўзахга маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади. Дўзахнинг етти дарвозаси бор. “Жаҳаннам” шу етти дарвозанинг биридир. Унга гуноҳи кабиралар қилиб, тавбасиз ўтган мусулмонлар киришади.

Дўкон – Чакана мол сотиладиган даргоҳ, махсус жой.

Дўкондор – Хусусий дўқонида мол сотувчи савдогар.

Дўст Муҳаммадхон – Афғонистон ҳукмдори (1826-1863 йиллар). Дўст Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида Афғонистонда феодал тарқоқликка барҳам берилган, 1835-1838 йилларда Чорвилоят қайтадан забт этилган, Англия ва Россиянинг Марказий Осиё масалалари бўйича рақобатлари кучайган, афғонлар ғалабаси билан яқунланган Биринчи инглиз-афғон уруши бўлиб ўтган.

–Е–

Евангелия – Иусус Христос ҳаёти ва таълимоти тўғрисида хикоя қиладиган. христианларнинг муқаддас китоби ҳисобланган “Библия”нинг бир қисми. Шарқ мамлакатларида Евангелиени “Инжил” деб аташади. 30 тагача номдаги Евангелие маълум. Христианликда улардан фақат Матвей, Иоанн ва уларнинг шогирдлари Марк ва Лука ёзиб қолдирган Евангелие Библиянинг иккинчи бўлими ҳисобланган Янги Аҳд (Новый Завет)га унинг муҳим қисми сифатида киритилган. Евангелие II асрнинг биринчи ярмида юзага келган.

Еврипид (Эврипид) – Тахм. мил. ав. 480-406 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон шоири ва драматурги.

Евроосиё (Евросиё) – “Европа” ва “Осиё” сўзларнинг қисқартирилган шакли. Европа ва Осиё қитъаларидан иборат катта материк.

Европа Иттифоқи – 1951 йилда Франция ташаббуси билан Франция, Италия, собиқ Ғарбий Германия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург мамлакатлари Европа кўмир ва пўлат бирлашмасини тузишган. 1955 йилга келиб бу давлатларда кўмир ишлаб чиқариш 23 фоиз, темир ва пўлат ишлаб чиқариш эса 150 фоизга ўсган. 1957 йилда Европа кўмир ва пўлат бирлашмасига аъзо давлатлар “Рим протоколлари” деб аталган ҳужжатларни имзолашган. Рим протоколларида қуйидагилар назарда тутилган: 12 йил мобайнида Рим протоколларини имзолаган мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган божхона тусиқларини тугатиш, умумий солиқлар ўрнатиш, кейинчалик эса умуман уларни йўқ қилиш, ишчи кучларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, ишчиларга бир хил ижтимоий шароитлар яратиш, уларга бир хил ҳақ тўлаш. Шу тариқа улар “Европа иқтисодий ҳамжамияти” (ЕИХ)га асос солишган. Европа иқтисодий ҳамжамиятини “Умумий бозор” деб ҳам аташади. Европа иқтисодий ҳамжамиятига кейинчалик Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йили), Греция (1981 йили), Испания, Португалия (1986 йили) давлатлари қўшилган. 1992 йили Европа иқтисодий ҳамжамияти (Умумий бозор)га қирадиган 12 давлат ва ҳукумат бошлиқлари (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия) Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Европа мамлакатларининг сиёсий ва валюта – иқтисодий иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартномани имзолашган. Бу шартнома 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирган. Натижада Европа иқтисодий ҳамжамияти (Умумий бозор)нинг фаолиятига барҳам берилиб, “Европа Иттифоқи” деб ном олган ташкилот пайдо бўлган. Кейинчалик Европа Иттифоқига Финляндия, Швеция ва Норвегия аъзо бўлишган. Европа Иттифоқининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: Европа халқларининг мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш, мувофиқлаштирилган узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга ўзаро ёрдам бериш, ягона валюта яратиш, биргаликда ташқи сиёсат олиб бориш ва хавфсизлик борасида сиёсат юритиш, адлия ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, умумий табиий бойликларни сақлаб қолиш ва ҳоказо. Европа Иттифоқининг асосий органлари қуйидагилардан иборат: Европа Иттифоқи Кенгаши, Европарламент, Еврокомиссия.

Европа иқтисодий ҳамжамияти (Умумий бозор) – *Қар.: Европа Иттифоқи.*

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) – 1991 йилда Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан ташкил этилган халқаро банк. Ушбу банкнинг асосий мақсади Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётини шакллантириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) – 1968 йилда Р.Никсон АҚШ президенти этиб сайлангандан кейин АҚШ ва собиқ СССР

муносабатлари ижобий томонга ўзгариб борган. Бу жараёни “детент” (французча: “юмшатиш”) деб аташган. 1975 йилнинг 30 июлидан 1 августигача Хельсинки (Финляндия) шаҳрида Европанинг 33 давлати, шунингдек АКШ ва Канада давлат раҳбарлари иштирокида учрашув бўлиб ўтган. 1975 йил 1 августидан учрашув катнашчилари Европа хавфсизлик чоралари бўйича якунловчи битимни имзолашган. Имзоланган ҳужжатлар Европада тинчликни таъминлашда муҳим омил бўлган бўлса-да, “совуқ уруш”га буткул барҳам бермаган. Хельсинкида имзоланган ҳужжатлар асосида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши ташкил этилган. 1991 йилдан бошлаб Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши “Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти” деб атала бошланган. ЕХХТнинг фаолияти 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Якунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган декларация каби ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда ЕХХТ таркибига 50 дан ортиқ давлатлар киради. ЕХХТнинг орган ва институтлари тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат олиб бориш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иқтисодий ва экологик хавфсизликни таъминлаш каби масалалар доирасида фаолият юритади. Вена (Австрия)да ҳар йили ЕХХТга аъзо давлатлар делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтади. Ҳар ҳафтада бир марта тўпланадиган ЕХХТнинг Доимий Кенгаши сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашув ўтказадиган ва қарор қабул қиладиган органдир. Булардан ташқари, ҳар йили ташқи ишлар вазирлари иштирокида Вазирлар кенгаши, ҳар икки йилда бир марта Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида барча давлат ҳамда ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ўтказилади. Венада ЕХХТнинг кундалик фаолиятини таъминловчи котибият жойлашган. Унинг Прага (Чехия)да бўлими мавжуд.

Егерлар – XVIII–XIX асрларда Европа армияларида енгил пиёда қўшин ва енгил кавалерия тури.

Екатерина II – Россия императори (1762-1796 йиллар). 1729-1796 йилларда яшаб ўтган. 1762 йилда Екатерина II гвардиячи офицерлар ёрдамида сарой тўнтаришини амалга оширган. Екатерина фармони билан Россия императори ва унинг эри бўлган Пётр III қамокқа олинган, кейинчалик ўлдирилган. Шундан кейин Екатерина II Россия тахтига ўтирган. Екатерина II асли немис князининг қизи бўлган. 1744 йилда Германиядан Россияга келиб, православ мазҳабини қабул қилган, 1745 йили эса Пётр IIIга турмушга чиққан. Екатерина II ҳукмронлиги даврида Россияда капиталистик муносабатлар шаклланган, саноат тез суръатлар билан ривожланган. XVIII аср охирида Россияда 3 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатган. Уларнинг кўп қисми Уралда жойлашган бўлган. Шу билан бирга, Екатерина II ҳукмронлиги даврида Россияда деҳқонларнинг марказий ҳокимиятга нисбатан норозилиги кучайган. 1773-1775 йилларда Россияда марказий ҳокимиятга қарши Емельян Пугачёв қўзғолони бўлиб ўтган.

Елизавета I Тюдор – 1558-1603 йилларда яшаб ўтган Англия қироличаси.

Енгилмас Армада – 1588 йилда Испания томонидан Англияга бостириб кириш учун юборилган флот. “Армада” сўзи испанча бўлиб, “катта флот” маъносини англатади. Ушбу флот таркибида 134 та оғир кема, 20 минг денгиз аскарлари, 2500 та тўп бўлган. Икки ҳафта давом этган денгиз жангида енгил, тез ҳаракатланувчи инглиз кемалари испанларнинг кўплаб бесўнақай кемаларини чўктириб юборишган. Бу жангда испанларнинг “Енгилмас Армада”си енгилган. Испан флотининг омон қолган қисми катта қийинчиликлар билан Испанияга қайтиб келишган. Шу ғалабадан кейин Англия кучли денгиз давлатига айланган ва мустамлакачилик сиёсатини кучайтирган.

Епархия – Христианларда епископ бошчилигидаги маъмурий-худудий бирлик. Католик черковида “диоцез” деб номланади.

Епископ – Православ, католик, англикан черковларида олий мартабали руҳонийлардан бири; черковга қарашли маъмурий-худудий бирлик (епархия) бошлиғи.

Ересь – Христианликда диний ақида масаласида расмий черков таълимотидан воз кечган оқимлар, ғайриодатий диний таълимот. Ўрта асрларда энг юксак чўққисига кўтарилган. Ересь тарафдори “еретик” деб номланган. Уларга қарши инквизиция кураш олиб борган.

Есир олиш (Левират) – Қадимги никоҳ одатларидан бири, бева қолган янганинг қайнисига эрга тегиши. Кўпчилик халқларда уруғчилик тузуми даврида тарқалган бўлиб, Кавказ, Ўрта Осиё халқлари, яҳудийлар ва бошқаларда ҳам сақланиб қолган. Левират одати бўйича ука уйланмаган бўлса ҳам марҳум аканинг бева (есир) қолган хотинига уйланиши шарт бўлган. Айни пайтда, ука ўлса, ака унинг бевасига уйланган.

Етакчи – Ижтимоий гуруҳ фаолияти ва ҳатти-ҳаракатини бирлаштириш, йўналтириш салоҳиятига эга бўлган шахс, лидер.

Етти иқлим – Шарқ олимларининг фикрича, коинот ва курраи заминда етти иқлим мавжуд. Ҳар бир иқлим еттита юлдуз (Зухал, Муштарий, Миррих, Қуёш, Зухро, Аторуд, Қашар)дан бирига мансуб.

“Етти йиллик уруш” – 1. Амир Темурнинг 1399-1405 йилларда Шом (Сурия), Ироқ ва Туркиянинг катта қисмида олиб борган урушларининг умумий номи. 2. 1756-1763 йилларда Австрия, Франция, Россия, Испания, Саксония ва Швеция билан Пруссия, Буюк Британия ва Португалия ўрталарида бўлиб ўтган уруш. Етти йиллик уруш Европа, Ҳиндистон ва Канада ҳудудларида бўлиб ўтган. Унда Англия асосий роль ўйнаган. Етти йиллик уруш натижалари бўйича Канада ва Ҳиндистондаги французларнинг мустамлакалари Англияга ўтган. Канада Англия тасарруфига ўтгандан кейин шимолий Американинг деярли барча ҳудуди унинг мустамлакасига айланган.

“Етти мўъжиза” – Қадимги дунё тарихида энг қудратли деб эътироф этилган етти иншоот. Ушбу иншоотлар рўйхатини дастлаб Геродот тузган. Мил. ав. IV асрда Филон “Етти мўъжизалар ҳақида” номли асарини ёзиб, унда бугунгача эътироф этиб келинаётган қадимги дунёнинг “етти мўъжизаси” рўйхатини тузган ва ушбу иншоотлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу иншоотлар қуйидагича: Форос оролидаги Александрия (Форос) маёғи, Семирамида (Бобил) осма боғлари, Галикарнас (Мавсола) мақбараси, Миср

эхром (пирамида)лари, Родосдаги Гелиос ҳайкали, Зевс ҳайкали ва Эфесдаги Артемида ибодатхонаси.

Еттишаҳар Уйғур давлати – Шарқий Туркистон (Қашқар)да XIX асрнинг 60-йиллари ўрталари-1878 йилларгача мавжуд бўлган давлат. 1864 йилдан бошлаб Шарқий Туркистон (Қашқар)да яшайдиган уйғурлар Хитойнинг Цин империяси зулмига қарши кўзғолон бошлашган. Бу кўзғолонлар натижасида Шарқий Туркистонда Хитойнинг таъсири заифлашиб, бешта мустақил кичик хонликлар вужудга келган. Ушбу хонликларни ўз атрофида бирлаштириш мақсадида Қашқар хонлигининг хони Бузрукхўжа Қўқон хонидан ёрдам сўраган. Қўқон хони Қашқарга собиқ Оқмачит қалъасининг кушбегиси, кейинчалик Хўжанд беги бўлган Ёқуббекни юборган. Ёқуббек Бузрукхўжанинг кушбеги этиб тайинланган. Тез орада Ёқуббек Бузрукхўжанинг давлат ишларини бошқаришда нотавонлигидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлига киритган. Кейинчалик эса Шарқий Туркистонда Еттишаҳар Уйғур давлатини тузишга муваффақ бўлган. Ушбу давлатнинг нуфузи кун сайин ошиб борган. Қўқон хонлигининг ёнида яна бир мустақил мусулмон давлатининг таъсис этилиши Россиянинг бу минтақадаги манфаатларига зид бўлган. Шунинг учун Фон Кауфман Қўқонхони Худоёрхонга Еттишаҳарга қарши ҳарбий юриш амалга оширишни таклиф қилган. Худоёрхон собиқ саркардаси бўлган Ёқуббекдан мағлуб бўлишдан хавфсираб, унга қарши урушишга ботинолмаган. Шундан сўнг Россия Еттишаҳар билан муносабатларини яхшилашга уринган. Англия ҳам Еттишаҳар билан қизиққан. 1873 йил декабрида Еттишаҳарга кўплаб қимматбаҳо совғалар билан Англия сафорати келган. Инглизлар совғалар билан бирга Ёқуббекка минглаб замонавий милтиқлар олиб келишган. 1874 йил бошида Англия ва Еттишаҳар ўрталарида сулҳ шартномаси имзоланган. Шундан кейин Еттишаҳар ҳукмрон доиралари Россияга нисбатан ўз муносабатларини ўзгартириб, рус савдогарларига сунъий тарзда тўсиқлар қўйиб, уларнинг қарвонларини талашни бошлашган. Шу вақтнинг ўзида Ёқуббек инглизлар ёрдамида Туркия билан яқинлашган. Туркия султони Ёқуббекни “амир” деб атаган, Туркиядан Еттишаҳарга ҳарбий йўриқчилар кела бошлаган. Қўқон хонлигида эса Худоёрхон, кейинчалик эса Насриддинбекларнинг мавқеи заифлаша борган. Россия ҳукмрон доиралари юзага келган вазиятда инглизлар Ёқуббекдан Қўқон хонлигини ишғол этишга даъват этишлари мумкинлигидан чўчишган. Қўқон хонлигининг ҳудудлари Ёқуббек тасарруфига ўтган тақдирда инглизларнинг таъсир доиралари Туркистон генерал-губернаторлигининг пойтахти бўлган Тошкент шаҳрининг ёнгинасигача тарқалиши мумкин бўлган. Россия бунга йўл қўйолмаган. 1876 йил 19 феввалида Россия Қўқон хонлигига барҳам берилганлиги ва унинг ҳудудлари Россия империяси таркибига киритилиб, Фарғона вилояти ташкил этилганлиги ҳақида эълон қилган. 1878 йилда эса хитойликлар Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашган ва Еттишаҳар Уйғур давлатига барҳам беришган.

Ефрейтор – Ҳарбий қисмлардаги энг кичик унвон. Дастлаб Германияда XVII аср бошларида пайдо бўлган. Рус армиясида Пётр I томонидан 1716 йилда жорий этилган.

Ёв – Душман, рақиб.

Ёвар – Қўқон хонлигида юз жангчидан иборат тўпчи қисм қўмондони.

Ёднома – *Қар.:* Мемуар.

Ём (Жом) – Чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштириладиган жой, бекат. Ёмда доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. XIII асрда ташкил этилган. Ёмда хизматчиси “ёмчи” деб аталган (русча “ямщик” шундан олинган).

Ёрдамчи тарих фанлари – Тарихий манбаларнинг маълум бир турлари ёки уларнинг алоҳида шакллари ва таркибини ўрганувчи фанлар – генеалогия, геральдика, дипломатика, тарихий метрология, нумизматика, палеография, сфрагистика, хронология, эпиграфика ва бошқалар.

Ёрлик – Турк-мўғул хонлари эълон қилган ёзма ҳужжатлар. Дипломатик ноталар ва давлатлараро битимлар матни ҳам хон ёрлиғи жумласига кирган. 2. Амирлар ва руҳонийларга бирон имтиёз берилиши ҳақида подшо, хон муҳри босилган расмий ҳужжат (мас., ишонч ёрлиғи).

Ёрғу – 1. Ўрта асрларда фуқароларнинг турли даъво ва шикоятларига оид ёки жиноий ишларни кўриб тегишли ҳукм чиқарадиган давлат органи, маҳкама, суд. 2. Маҳкама, суд чиқарган ҳукм. 3. Хива хонлигида жазо маъносида қўлланган атама. Чингизхон Ясоғи асосида чиқарилган суд қарорини расмийлаштирадиган ёрлик “ёрғунома” деб аталган.

Ёрғучи – 1. Марказий Осиёда ҳукм сурган туркий салтанатларда давлат ва шариат қонун-қоидалари асосида иш кўрган амалдор шахс. Ёрғучи маҳкамага тушган турли ишларни кўриш ва ҳукм чиқариш билан банд бўлган. 2. Мўғул давлатларида Ясоқ бўйича иш кўрувчи судья, суд аъзоси.

“Ёш афғонлар” – XX аср бошларида Афғонистонда шаклланган ҳаракат. Бу ҳаракатда зиёлилар, дин арбоблари, йирик ер эгалари ва савдогарлар иштирок этишган. “Ёш афғонлар” Афғонистон миллий мустақиллиги ва озодлиги, шоҳ ҳокимиятини чеклаш, мактабларда дунёвий фанлар ўқитишни кенгайтириш, миллий савдо ва саноатни ривожлантириш учун курашганлар. “Ёш афғонлар”нинг ғоявий раҳбарларидан бири Афғонистон давлат арбоби, тарихчи олим, маърифатпарвар Маҳмуд Тарзий (1866-1935 йиллар) бўлган. У 1911-1919 йилларда Афғонистонда чоп этилган “Сирож ул-ахбор” (“Хабарлар чироғи”) газетасининг ношири ва муҳаррири бўлган.

“Ёш бухороликлар” – Биринчи жаҳон уруши йилларида Бухоро жадиidlарининг сўл оқимидан ташкил топган партия. Ёш бухороликлар партиясининг таркиби асосан тараққийпарвар зиёлилар ва маҳаллий буржуазия вакилларидан иборат бўлган. Бу партия аъзолари дастлаб Бухоро амирлигида демократик ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлишган.

“Ёш турклар” – *Қар.:* “Иттиҳод ва тараққий”.

“Ёш усмонлилар” – 1860 йилда Туркияда пайдо бўлган сиёсий ҳаракат. Ёш усмонлиларнинг назариётчилари ғарбпарастларни танқид остига олганлар. Улар ғарбга суяниш Туркияни қарам мамлакатга айлантириб, маданиятини таназзулга учратади, деб таъкидлаганлар. Ёш усмонлилар

ўзларининг “Ибрат” номли газеталарини нашр эттира бошлаганлар. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Туркиянинг Европа мамлакатларига қарамлиги кучайиб борган. Туркия ўзининг молиявий тизимини банкрот деб эълон қилишга мажбур бўлган. Бу шароитда Ёш усмонлилар ўз фаолиятларини кескинлаштиришган. 1876 йил май ойида Ёш усмонлиларнинг “Ибрат” газетаси даввати билан мамлакатда кучли кўзғолон бошланган. Бу кўзғолон таъсирида 1876 йил декабрь ойида Туркия султони Абдулазиз (1861-1876 йилларда ҳукмронлик қилган) мамлакатда Конституция жорий этилишини эълон қилган. Туркияда парламент ўз ишини бошлаган. Туркия парламенти икки палата – депутатлар палатаси ва сенатдан иборат бўлган. Депутатлар палатаси сайлов асосида шаклланган, сенат аъзоларини эса Туркия султони тайинлаган.

“Ёш хиваликлар” – 1917 йилда Хива жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия. Ёш хиваликлар партияси ўз сафида савдогарлар, кичик диндорлар ва хон хизматида бўлган айрим амалдорларни бирлаштирган. Ушбу партия аъзолари Хива хонлигида демократик ислохотлар ўтказиш, оммани маърифатли қилиш учун курашишган.

Ёқуб ибн Лайс – IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда тоҳирийлар сулоласи зулмига қарши бўлиб ўтган ғозийлар (“эътикод учун курашувчилар”) кўзғолонларининг раҳбари. У тоҳирийлар сулоласининг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир қўшинларини жангда мағлуб этиб, 873 йилда Хуросонда ўз ҳокимиятини ўрнатган Шу тариқа Хуросонда тоҳирийлар ўрнига саффорийлар (мисгарлар) сулоласи ҳокимият тепасига келган.

Ёқут Ҳамавий – *Қар.: Ҳамавий, Ёқут.*

–Ж–

Жаброил (Габриил) – Ислом динидаги тўрт фаришталарнинг бири. Жаброилга худо билан пайғамбарлар ўртасида элчилик қилиш вазифаси юклатилган. Унга пайғамбарларга ваҳий келтириш вазифаси ҳам топширилган. Жаброил “Жибрил”, “Руҳ ул-амин”, “Руҳ ул-қудс”, “Номуси Акбар” ҳам дейилган.

Жабғу (Ябғу) – 1. Кушонлар даврида олий унвонлардан бири. 2. Турк хоқонлигида қаған ва тегин (хонзода, тахт вориси) каби маъмурий-ҳарбий мансаблардан кейин турадиган унвон. Ҳарбий саркарда сифатида қўшиннинг ўнг қанотига сардорлик қилган. Бу мансабни эгаллашга фақат қаған уруғидан чиққан шахсларгина ҳақли бўлган. Ҳарбий турк хоқонлигида жабғу истилоҳи давлат бошлиғи ва олий бош қўмондон маъносида истеъмолда бўлган. 3. Баҳодир.

Жабҳа – 1. Фронт, жанг майдони. 2. Соҳа.

Жавзо – 1. Буржнинг номи. 2. Ҳижрий шамсий- қамарий тақвимида учинчи ойнинг номи. 22 май-21 июнь кунларига тўғри келади.

Жавмак – Темур ва темурийлар даврида ҳарбий ва аҳли давлат ходимларига бериладиган маош.

Жавонмардлик – X-XIII асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракат. Жавонмардлик борини йўқлар билан баҳам кўриш, йўғига шукр қилиб, фақат ўз хунари эвазига кун кўриш, ўзини дўстлар хизматига бағишлаш, бошқаларга беминнат ёрдам кўрсатиш, хожатбарорликни ҳаётнинг мазмуни деб билиш, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, пок яшашни англатадиган тушунча. Жавонмардларни “ахийлар”, “фатийлар”, “айёрлар” деб ҳам аташган. Жавонмардларнинг ўз устозлари ва низомлари бўлган. Улар тасаввуфни ўзлари учун ахлоқ кодекси сифатида қабул қилганлар ва тариқат пешволарига айланганлар. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Баҳоуддин Накшбанд жавонмардлик удумларини давом эттирган зотлардир.

Жавоҳир – Қимматбаҳо тош ёки тошлар.

Жавшан – Ўтмишда жангчининг баданини жароҳатлардан сақлайдиган металл кийим.

Жадид – 1. Янги. 2. Жади́дчилик тарафдори, жади́дчилик ҳаракатининг қатнашчиси.

Жадид мактаблари – Эски диний мактабларни ислоҳ қилиб, уларда янгича усулда таълим берган ва жади́дчилик ғояларини тарғиб этган мактаблар. Дастлабки жади́д мактабини Исмоилбек Гаспринский Қримдаги Боқчасарой шаҳрида 1884 йилда очган. Бундай мактаблар 1893 йилда дастлаб Бухоро ва Самарқандда, кейинчалик 1898 йилда Қўқонда, 1899 йилда Андижонда очилган. 1903 йилга келиб Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган жади́д мактабларнинг сони 103 тага, ўрта жади́д мактаби эса 2 тага етган. Бу мактабларни қуйидаги ўлка зиёлилари очишган: Жўрабой Бухорода, Шакурий, Азизий, Мунзим, Мулла Қилич Самарқандда, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний Тошкентда, Ҳамза Қўқонда, Ибрат, Сўфизода Наманганда ва бошқалар. Жади́длар томонидан тузилган жади́д мактабларида Қуръони Карим, математика, география, она тили, рус ва араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия фанлари ўқитила бошланган. Янги усул мактаблар синф хоналари география картаси, глобус ва бошқа кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Жади́д мактаблари тўрт (бошланғич) ва етти (ўрта) йиллик бўлган. Ушбу мактаблар пуллик бўлган. Ўқувчилар ота-оналарининг ижтимоий аҳволига қараб мактабга бериладиган пул миқдорини белгилашган. Ўзига тўқ оилалар ўз хоҳишлари билан кўпроқ пул тўлаганлар. 35 фоизгача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилган. Мактаб очган жади́дчилар ўз ўқувчилари учун ўзлари дастур, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратганлар. Жади́д мактабларида ҳар бир фан учун дастур ва дарсликлар тузилган, ўқувчилар билимларига кундалик, чорак ва йиллик баҳо кўйиш жорий этилган. Туркистон ўлкасида рус ва рус-тузем мактабларининг сони нисбатан кўпайгандан кейин Россиянинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари томонидан жади́д мактаблари турли йўллар билан сиқув остига олина бошланган.

Жади́дчилик ҳаракати – XIX аср охири-XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, Қрим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа ва тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб

чиққан ижтимоий-маърифий ҳаракат. “Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Бу ҳаракат аъзоларини “жадидчилар” деб аташган. Жамиятни маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурфотдан озод қилиш, халқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади бўлган. Жадидчилар мусулмон давлатларининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганини англаб, уни бартараф этиш учун жамиятда сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ислохотлар ўтказиш кераклигини уқтирганлар. Улар жамият ривожини, халқнинг ўзлигини англаш, сиёсий уйғонишида маърифат ва тарбиянинг ролинини алоҳида таъкидлаганлар. Шунинг учун жадидчилар ўзларини кўпинча “тараққийпарварлар”, “маърифатпарварлар” деб ҳам аташган. Чор Россияси ҳудудида жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиб, ривожланишида қримлик Исмоилбек Гаспирали (Гаспринский)нинг ҳиссаси катта бўлган. 1884 йилда у Қрим (Боқчасарой)да Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчи бўлиб янги мактаб таъсис этган. Бу мактабда диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Гаспирали таъсис этган мактабда ўша вақтда илғор ва тезкор ўқитиш усули бўлган “усули жадид” – савтия усули, яъни овоз чиқариб ўқиш жорий этилган. Бу усул орқали болалар 40 кунда савод чиқаришган: ўқиш ва ёзишни мукаммал ўзлаштирганлар. Жадидчилик ҳаракати Туркистонда қуйидаги даврларни босиб ўтган: 1. 1885-1894 йиллар. Бу йилларда Исмоилбек Гаспиралининг “Таржимон” газетаси таъсирида Туркистон ўлкасида дастлабки жадид мактаблари очилган; 2. 1895-1904 йиллар. 1893 йилда Исмоилбек Гаспирали Тошкент орқали Самарқанд ва Бухорога ташриф буюрган ва Бухоро амири ва ўлканинг зиёли уламолари билан учрашган. 1894 йилда Гаспирали яна бир маротаба Бухорога келиб амир Абдулахадни Бухорода унинг отаси номи билан аталадиган “Музаффария” жадид мактабини очишга кўндирган. Натижада Туркистонда жадид мактабларининг очилиши жадаллаштирилган; 3. 1905-1914 йиллар. Бу йилларда Туркистон жадидчилари мактаб-маорифдан кўра кўпроқ миллий тилларда газета ва журналлар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиётни ташвиқ қилиш ва ривожлантириш билан шуғулланишган; 4. 1914-1917 йиллар. Бу йилларда Туркистон жадидчилик ҳаракати сиёсий тус ола бошлаган; 5. Шўролар даври. 1918 йилда жадидчилар Қўқонда “Туркистон мухторияти”, 1918-1924 йилларда “Чиғатой гурунги”ни тузишган. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Паҳлавон Ниёз Ҳожи, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” ташкилотлари раҳбарлари бошчилик қилишган. XX асрнинг 30-йиллари ва 50-йилларининг биринчи ярмида шўролар томонидан собиқ Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда, олиб борилган қатағон сиёсати натижасида аксарият жадидчилар қурбон бўлишган ва жадидчилик ҳаракатига барҳам берилган.

Жадий - 1. Буржнинг номи. 2. Ҳижрий шамсий-қамарий тақвимида ўнинчи ойнинг номи. 22 декабрь-21 январь кунларига тўғри келади.

Жайнизм – Мил. ав. VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган диний таълимот. Ривоятларга кўра, жайнизм дини асрлар оша 24 устоз-пайғамбар орқали етиб

келган. Буларнинг энг сўнгиси Жанна бўлган. “Жанна” сўзи “ғолиб” маъносини англатади. Жайнизм динининг номи шу “жанна” сўздан олинган. Жайнизм қадимий ҳинд жамиятидаги ҳарбий (кшатрий)лар билан руҳоний (брахман)лар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви оқибатида вужудга келган. Жайнизмда, брахманизмдан фарқли ўлароқ, жонзодларни қурбонликка келтириш шарт бўлмаган. Жайнизм бўйича шудра варнига тааллуқли бўлган кишилар ҳам ўз “руҳларини қутқариш”лари мумкин бўлган. Маълумки, буддизм таълимотига кўра, ҳар қандай истак азоб-уқубатга олиб келади. Шунинг учун инсон ҳар қандай истакдан воз кечиши лозим. Жайнизм таълимотида эса, буддизмдан фарқли ўлароқ, инсон фақирона, кичик истаклар билан (аскетик) умр кечириш истагидан воз кечмаслиги лозим. Жайнлар жамоасига барча варнлардаги эркак ва аёллар кириши мумкин бўлган. Жайнизм таълимотига кўра, инсон жони барча қилмишлари учун жавобгар, кишилар “ўз жонини ўзи халос қилиши”, “қайта туғилишлардан озод бўлиши” мумкин. Бунга эришиш учун Жаннага эътиқод қилиш, Жанна таълимотига ишониш, Жанна белгилаб берган ахлоқ меъёрларига риоя қилиш керак. Жайнизм таълимотига кўра, кишилар зоҳид-(роҳиб)лар ва фуқаро (савдо-судхўрлик билан шуғулланувчи)ларга бўлинган. Жайнизм динининг тарафдорлари ҳозирги Ҳиндистонда ҳам мавжуд. Улар асосан банк ходимлари, судхўрлар, заргарлик билан шуғулланувчилардир. Мил. ав. II-I асрларда жайнизм дини таълимоти асосида жайнизм фалсафий таълимоти пайдо бўлган.

Жайхун – Араб манбаларида VIII асрдан бошлаб Амударёнинг номланиши.

Жак – Гўл. Ўрта асрлар Франциясида феодаллар томонидан деҳқонларга қўйиладиган истехзоли лақаб. 1358 йили Францияда кўтарилган Жакерия кўзғолонининг номи шундан олинган.

Жаконда – Қар.: *Мона Лиза*.

Жалойир – Турк ва мўғул қабилаларининг аралашishi натижасида ташкил топган йирик қabila уюшмаларидан бири. Жалойирлар ўнта йирик қабиллага бўлинган. Чингизхон салтанатида жалойирлардан чиққан бир қатор беклар ва саркардалар хизмат қилганлар. Жалойирлар XII аср охири- XIII аср бошларида Еттисув ва Ўрта Осиёга кўчиб келганлар.

Жалолиддин Мангуберди – Қар.: *Мангуберди, Жалолиддин*.

Жаллоб – Олиб-сотар, савдогар. Қандай мол олиб сотишига қараб жаллоблар “мол жаллоб”, “от жаллоб” каби номлар билан аталган.

Жаллод – Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорлар томонидан одамларга нисбатан чиқарилган тан жазоси ва қатл этиш тўғрисидаги фармонларни ижро этувчи шахс.

Жамият – Табиатнинг бир қисми, борлик, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуи, ўзида моддийлик ва маънавийликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштирадиган тушунча. Жамият ғоят мураккаб ижтимоий тизим бўлиб, у одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий,

мафкуравий ва шу каби муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, жамоа, миллат, дин, давлат, ахлоқ ва ҳоказоларнинг мажмуидир.

Жамоа – Бирор маҳалла ёки қишлоқ, бирор муассаса, ташкилот ёки корхона аҳли.

Жамоалаштириш (коллективлаштириш) сиёсати – XX асрнинг 20-йиллар охири - 30-йилларида собиқ СССРда совет ҳукумати томонидан майда деҳқон хўжаликларини йирик хўжалик-колхоз ва совхозларга бирлаштириш сиёсати ва амалиёти. *Яна қар.: колхоз, совхоз.*

Жамоат (Жамоатчилик) – Бир хил мақсад, бир хил манфаат йўлида жам бўлган кишилар, мас., илмий жамоат, адабий жамоатчилик.

Жамоға – Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида хон ва амир мажлисига даъват этилганларни йиғиб беришга масъул амалдор.

Жанги лой – *Қар.: Лой жанги.*

Жангнома – Тарихий ва афсонавий жанглар, урушлар, айрим тарихий ва афсонавий шахсларнинг мардлик ва қаҳрамонликларини бадиий адабиётда баён қилувчи эпик жанрнинг тури.

Жанггоҳ – Жанг майдони.

Жанда – Дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-куроқ тўни.

Жандармерия – 1. Чор Россияси ва бошқа Европа мамлакатларида давлат сиёсий полицияси. 2. Мамлакат ичкарасига ва армияда соқчилик вазифаларини бажарган полиция. Дастлаб 1791 йили Францияда вужудга келган.

Жанна – Жайнизм динида 24 та устоз пайғамбарларнинг охиргиси.

Жанна д Арк – Франциянинг миллий қаҳрамони. Англия ва Франция ўртасида 1337-1453 йилларда бўлиб ўтган “Юз йиллик уруши”да қаҳрамонлик кўрсатган. 1422 йилда Франция қироли Карл VII олдида 17 ёшли оддий деҳқон қизи Жанна д Арк келиб, англичанларга қарши кескин ҳарбий ҳаракатлар бошлашни таклиф қилган. Жанна Карл VII га авлиёларнинг нидоларини эшитганини, улар уни ҳарбий жасоратларга чорлаганларини таъкидлаган. Карл VII эркакча кийинган Жаннага рицарларнинг бир отрядига қўмондонлик қилишни топширган. Жанна жангларда душман устидан бирин-кетин катта ғалабаларга эриша бошлаган. 1429 йил май ойида у Орлеан қалъа-шаҳарни инглизлардан халос этгани учун халқ уни “Орлеан қизи” деб аташган. Кейинчалик 1429 йил 17 июлида Жанна д Арк валиаҳд Карл VII га тож кийдирилиши ва уни Франция қироли деб расман эълон қилиниши маросимини ташкиллаштирган. Жанна д Аркнинг оддий халқ ва аскарлар ўртасида обрўси ошиб кетиши Франция қироли ва сарой зодагонларига ёқмаган. 1430 йил май ойида Жанна д Арк жанглардан бирида инглизларга хайрхоҳ бўлган бургундияликлар томонидан асирга олинган. Франция қироли Жанна д Аркни қутқариш учун ҳаракат қилмаган. Бургундия герцоги Жанна д Аркни инглизларга 10 минг олтин танга эвазига сотган. Инглизлар Жанна д Аркни черков суди (инквизиция)га топширишган. Черков судининг қарорига биноан Жанна д Арк жодугарлик ва даҳрийликда айбланиб, 1431 йил май ойида Руан шаҳрининг марказий майдонида гулханда ёндирилган. 1456 йилда Франциянинг оқлов суди Жанна д Аркни тўла оқлаган. 1820 йилда эса Рим папаси Жанна д Аркнинг инквизиция қарори билан ўлдирилганлигини хато деб тан олган ва

католик черкови номидан кечирим сўраган. Ҳозирда Жанна д Арк католик черковида авлиёлар қаторига қўшилган.

Жаннат – Диний таълимотларга кўра, дўзах тушунчасининг зидди, диний эътиқод ва талабларни тўлиқ адо этадиган, эзгулик ишларини қиладиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бир сўз билан айтганда, тақводорларнинг вафотидан кейин бахтли ва фаровон яшайдиган маконни англатадиган тушунча. Зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик, ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Ислом таълимотига кўра жаннатнинг саккизта дарвозаси бор. Жаннатни кўриқловчи фаришта “ризвони жаннат” деб аталади. Жаннатда энг олий неъмат Аллоҳнинг дийдорини кўриш ҳисобланади. *Яна қар.: Дўзах.*

“Жанубий Африка Иттифоқи” – 1902 йилда Англия томонидан Трансвааль ва Оранжевая бурлар республикаларига барҳам берилгандан кейин 1910 йилда тузилган давлат тузилмаси. Кейинчалик 1961 йилда Жанубий Африка Иттифоқи Жанубий Африка Республикасига айлантирилган.

Жанубий Африка Миллий Конгресси – Махатма Ганди томонидан тузилган сиёсий ташкилот.

Жанубий Вьетнам мухтор республикаси (Вьетнам республикаси) – 1946 йилнинг ёзида француз мустамлакачилари томонидан Вьетнам жанубида тузилган кўғирчоқ давлат тузилмаси.

Жанубий Корея – *Қар.: Корея Республикаси.*

Жанубий славянлар – Болқон ярим оролида яшайдиган болгар, серб, хорват, словен, черногорлар.

Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) – 1967 йилда ташкил этилган халқаро ташкилот. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жанубий-шарқий Осиё давлатлари томонидан дўстлик шартномаси ва АСЕАН декларацияси имзолангандан кейин юз берган. Ассоциациянинг мақсадлари минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, Жанубий-шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдир. Ушбу ассоциацияга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Лаос, Мьянма (Бирма), Вьетнам ва Камбоджа давлатлари киради. 1996 йилда Россия ва Хитой ҳам ассоциацияга аъзо бўлишган. Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Канада, Янги Зеландия ва Европа Иттифоқи ушбу ассоциация билан доимий ҳамкорлик қилади. Ассоциация котибиятининг қароргоҳи Жакарта (Индонезия)да жойлашган.

Жанубий-шарқий Осиё мудофааси тўғрисидаги шартнома (СЕАТО) - 1954 йилнинг 8 сентябрида Америка Қўшма Штатлари ташаббуси билан Филиппиннинг пойтахти Манила шаҳрида имзоланган шартнома. Ушбу шартнома кўпинча қисқача “СЕАТО” номи билан аталади. 1954 йил апрель-июнь ойларида Женева шаҳрида Ҳиндихитой ярим оролида тинчлик ўрнатиш бўйича конференция бўлиб ўтган. Ушбу конференция қуйидаги қарорларни қабул қилган: Вьетнам, Лаос ва Кампучия халқларига мустақиллик бериш ва уларнинг нейтралитетини таъминлаш ҳамда ушбу давлатлар ҳудудларида чет эл қўшинларини киритиш ва ҳарбий базаларни яратишни ман қилиш. Женева конференцияси қарорларига қарама-қарши 1954 йилнинг 8 сентябрида Аме-

рика Қўшма Штатлари ташаббуси билан Жанубий-шарқий Осиё мудо-фааси тўғрисидаги шартнома имзоланган. СЕАТОга АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Покистон, Таиланд ва Филиппин аъзо бўлишган.

“Жанубий штатлар конфедерацияси” – Америка Қўшма Штатларида фуқаролик уруши йилларида жанубий плантаторлар томонидан эълон қилинган давлат тузилмаси.

Жараён – Иш-ҳаракат, воқеа-ходисанинг бориши, ривожи, оқими.

Жариб – 1. Шарқ мамлакатларида VII асрдан бошлаб қўлланилган ҳажм оғирлиги ва ўлчов бирлиги. Ўрта Осиёда жариб фақат ер ўлчови сифатида қўлланилган. Бир жариб бир танобга тенг бўлган. *Яна қар.:* Таноб. 2. Бухоро амирлигида миршаблар хизмати ҳудудини аниқ белгилаш учун Бухоро шаҳри 12 қисмга бўлинган. Бўлинган ҳар бир қисм “жариб” деб аталган.

Жарибкаш – Ўтмишда ер ўлчовчи мансабдорларга нисбатан ишлатиладиган сўз.

Жарида – Дафтар, китоб, газета.

Жарима – 1. Қонун-қонидани бузганлик, қонунларга хилоф ҳатти-ҳаракат учун тўланадиган пул. 2. Зарарни қоплаш учун бериладиган тўлов, товон.

Жарчи (Жаҳрчи) – Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорларнинг халққа қарата чиқарган фармонларини, уруш бошлангани ёки тугаганлиги тўғрисидаги хабарларни, айрим шахсларни ҳукмдорлар томонидан тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги амрларини ва шу кабиларни бозор майдонлари ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда баланд овоз билан эълон қиладиган шахс.

Жасорат – Инсоннинг жамият ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, муайян вазифани адо этишда фидойилиги, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишини англатадиган маънавий категорияси.

Жаҳаннам – *Қар.:* Дўзах.

Жаҳолат – 1. Илмсиз, қолоқ, маданиятсиз, жоҳил. 2. Жаҳлга эрк берувчи, ўзини идора қилолмайдиган шахсга хос хусусиятларни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат.

Жаҳонгашта – Дунёни кезган, кўп ерларни кўрган, кўп саёҳат қилган.

Жаҳонгир – Жаҳонни забт этган, кўп ерларни забт этувчи.

Жаҳонгир Мирзо – Амир Темурнинг тўнғич ўғли. 1356-1376 йилларда яшаб ўтган. Валиаҳд. 1376 йилда бетоб бўлиб вафот этган. Кеш (Шаҳрисабз)даги Дор ус-сиёдат (Саййидлар уйи) мақбарасида дафн этилган.

Жаҳонгиршоҳ – Ҳиндистондаги бобурийлар давлатининг шоҳи (1605-1627 йиллар). Акбаршоҳнинг ўғли. Асл исми Султон Салим бўлган. Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлиги даврида давлатни бошқариш бўйича “Ўн икки дастур” эълон қилинган. Ушбу дастурларга кўра, деҳқонларга ношаръий солиқлар солиш, маҳаллий ҳокимларга савдогарларнинг молларини очиб кўриш, гуноҳкорларнинг қулоқ-бурунларини кесиш, шароб тайёрлаш, туғилган қизларни ўлдириш (бу одат Рожастонда мавжуд бўлган), солиқ ҳисобига болаларни тортиб олиш (бу одат Бенгалияда мавжуд бўлган) каби иллатлар ман этилган. 1624 йилдан бошлаб давлат ишлари амалда Жаҳонгиршоҳнинг ўқимишли ва тадбиркор хотини Нуржаҳон бегим қўлига ўтган. 1627 йили Жаҳонгиршоҳ вафот этган ва тахтга унинг ўғли Шоҳ Жаҳон ўтирган.

Жаҳон маданияти – Бутун дунё халқлари маданияти, инсониятнинг тарихий тараққиёт давомида яратган ва яратаётган моддий ва маънавий бойликлари мажмуини ифода этадиган тушунча. Жаҳон маданияти моддий ва маънавий соҳалар – тасвирий ва амалий санъат, театр, кино, мусика, рақс, кўшиқчилик, меъморчилик, адабиёт, илм-фан, ахлоқ, дин, сиёсат, мафкура, фалсафа ва ҳоказолардан иборат. Жаҳон маданияти фанда ибтидоий, анъанавий, Ўрта асрлар ва техноген каби даврларга бўлиб ўрганилади.

Жаҳрия – Дарвешлар томонидан худонинг номини баланд овоз ва турли ҳаракатлар билан такрорлаб зикр этишлари. Жаҳриянинг акси–хуфия. *Яна қар.: Хуфия.*

Жевахона – Ўтмишда Мовароуннаҳрда қурол-яроғ сақланадиган жой, арсенал.

Жевачи – Бухоро амирлигида сарой мансабдорларидан бири. Жевачи, одатда, қурол-аслаҳа омборининг бошлиғи вазифасини бажарган.

Женнер, Эдуард – 1749-1823 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз врач. У тарихда биринчи бўлиб сигир чечаги билан оғриб тузалган сут соғувчилар чин чечак билан оғримаслигини аниқлаган. Шу асосда у чин чечакка қарши эмлаш усулини кашф этган. 1803 йилда Лондонда Женнернинг ташаббуси билан чечакка қарши эмлаш институти (ҳозирда Женнер номли институт) очилган. Женнер умрининг охиригача ушбу институтга раҳбарлик қилган.

Жета – XIV-XV асрларда Чигатой улусининг шарқий қисми (Еттисув, Или дарёси воҳаси ва Шарқий Туркистон)да яшаган кўчманчи мўғулларни Мовароуннаҳрда яшаган, ўтроқлашган ва туркийлашган барлос ҳамда жалойирий қабилалари шу ном билан аталганлар.

Жеферсон, Томас – 1743-1826 йилларда яшаб ўтган америкалик давлат арбоби, Америка Қўшма Штатларининг 3-президенти (1801-1809 йилларда). АҚШ “Мустақиллик декларацияси”нинг асосий муаллифи.

Жиззах қўзғолони – 1916 йилда Жиззахда чор Россияси мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган қўзғолон. Россия императори Николай II нинг Россиядаги ғайрирус халқларини “мардикорликка олиш” бўйича 1916 йил 25 июнида имзоланган “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия ҳудудида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” фармони Жиззахда 3 июль куни эълон қилинган. Ушбу фармонга мувофиқ, Сибирь, Қозғистон, Ўрта Осиё ва Грузия маҳаллий аҳолисидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг эркак сафарбар қилиниши мўлжалланган (Ўрта Осиёдан 250 минг киши). Бу фармон туб аҳолининг қаҳр-ғазаби ва норозилигини янада қўзғатиб, қўзғолон кўтарилишига туртки бўлган. 5 июль куни эса дастлабки ғалаёнлар бошланган. Мустамлакачиларнинг Туркистондаги маъмурияти қарорлари бўйича Самарқанд вилояти 38 минг мардикор ажратиб бериши лозим бўлса, шундан 11 минги Жиззах уезди зиммасига тушган. 12 июль куни Жиззахнинг эски шаҳар ҳудудида тўпланган халойиқ Россия императори фармонига бўйсунмасликка, унга қарши кураш бошлашга қарор қилишган. 13 июль куни Жиззах халқи қўзғалган. Қўзғолончилар кетмон, калтак, пичоқ, тўқмоқ, баъзилари милтиқлар билан қуролланган.

Жиззах кўзғолони раҳбарлари Россия таркибидан чиқиб, мустақил беклик тузишни ҳам ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Кўзғолончилар эски шаҳардан янги шаҳар томон йўл олганлар. Жиззах гарнизонининг рус аскарлари уларни қайтаролмаган. Кўзғолончилар аскарларни калтаклаб, милтиқларини тортиб олганлар, мустамлакачилар ҳукуматига ёрдамчи куч етиб келишини қийинлаштириш мақсадида темир йўл станциялари, кўприкларни бузганлар, телеграф симларини узиб ташлаганлар. Шунга қарамай, Жиззахдаги мустамлакачилар маъмурларига ёрдамчи кучлар етиб келган. Кўзғолончилардан бир неча киши ҳалок бўлган. Шунда ҳам кўзғолончилар курашни тўхтатишмаган. Кўзғолон раҳбарлари эски шаҳарга чекиниб, атрофдаги қишлоқ ва овулларга чопарлар юбориб халқни кўзғолонга чорлашга қарор қилишган. Сангзор ва Зоминда кўзғолончилар сони кун сайин кўпайиб борган. Жиззахдаги воқеалар Россиянинг Туркистондаги маъмуриятини саросимага туширган. 15 июль куни Тошкентдан Жиззахга полковник Иванов бошчилигидаги жазо отряди юборилган. 18 июлда эса Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинган. 21 июль куни Жиззах яқинидаги “Қуя боши” деган жойида 4 мингга яқин оломон тўпланган. Мустамлакачилар ҳукумати кўзғолончиларга қарши Жиззахда 13 та рота аскарлари, 2 та артиллерия қисми, казаклар отрядларини жамлаган. Бу кучлар деярли қуролсиз бўлган кўзғолончилар билан жангга киришган. Пулемёт ўқларидан кўзғолончиларнинг кўпи қирилган. Рус аскарлари дастлаб Жиззах, кейинчалик Сангзор, Зомин ва уезднинг бошқа ҳудудларида кўзғолонни бостиришган. Мустабид ҳукумат кўзғолон кўтарган Жиззах халқидан ваҳшиёна ўч олишган: кўзғолон раҳбарлари – Абдурахмон жевачи, Назир хожи эшон, ака-ука Тўракул ва Эшонкул Тўрабековлар, Қосим хожи эшонлар ўлим жазосига маҳкум этилганлар, Жиззах шаҳри ва яна бир неча қишлоққа ўт қўйилиб, яқсон этилган, 3 августдан бошлаб 3 кун ичида ғалаён айбдорларини топиб, уларни жазолаш тадбирлари ўтказилган, 7 августда Жиззах шаҳрида асосан аёллар, қариялар, болалардан иборат омон қолган аҳолини бир жойда тўплаб, уларга қарши пулемётдан ўқ отишни бошлашган. Улар ўз уй-жойларини ташлаб чўл томон қочиб кетишга мажбур бўлганлар. Мустамлакачилар ҳаммаси бўлиб Жиззах кўзғолончиларидан 3 минг кишини ҳибсга олган. Улардан 50 киши ўлим жазосига маҳкум этилган, қолганлари турли муддатларга қамоққа ташланган, сургун қилинган. Жиззах фожиалари ҳақида Туркистонлик жадидчилик ҳаракатининг фаоллари Мустафо Чўқаев ва Убайдулло Хўжа Асадуллахўжаев Петербургга бориб, Россия Давлат думасига шикоят қилганлар. 1916 йил декабрь ойида Жиззахда ишлаган комиссиянинг ахбороти Думанинг ёпиқ мажлисида тингланган. Мардикорлар кўзғолонлари Россия кўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилганини Россия Давлат думасининг оппозицион фракциялари қоралашган. Ўша мажлисда Жиззахга комиссия аъзоси сифатида келган депутат А.Керенский шундай деган: “Мен Жиззах вайроналарини бориб кўрдим. Жаноблар, мен икки фронтда – Кавказ ва Ғарбий фронтида бўлганман, лекин бунақасини ҳали кўрмаганман”. Жадидчилар фаолиятлари натижасида Туркистондан мустамлакачи ҳокимият белгиланган 200 минг 470 киши ўрнига 123 мингдан ортиқ мардикорларни

жалб қилишган холос. Улардан 101 600 мардикор Россиянинг Европа қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жўнатилган. 10 мингдан ортиқ киши Туркистон ўлкасининг ўзида ишлатилган. 1917 йил февраль ойида Россияда буржуа-демократик инқилоби ғалаба қозонгандан кейин фронторти худудларига мардикорлар юбориш бутунлай тўхтатилган. Жиззах кўзғолони Ўрта Осиё худудида бўлиб ўтган мустақиллик учун курашнинг энг қонлиси бўлган. Бу воқеалар Фозил Йўлдош ўғлининг “Жиззах кўзғолони” номли достонида акс эттирилган.

“Жигаранг кўйлақлар” – *Қар.: СА.*

Жизя – Дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатлари (жумладан, Ўрта Осиё)да мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Жизя балоғатга етганларга солинган. Қариялар, аёллар, болалар, қуллар ва ишга яроқсизлар ундан озод қилинган. Жузя, асосан, пул ва натура тарзида ундирилган.

Жиловдор (жиловбардор) – Ўрта Осиё хонликларида юқори мансабдорларнинг отларига қаровчи ва уларга йўлга чиқишда отни ростлаб бериб, йўлдан қайтганда кутиб олувчи хизматкор, шотир.

Жиноят – Маънавият тамойилларига зид бўлган, ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларга менсимасдан муносабатда бўлиш оқибатида, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш натижасида содир этилган ҳодиса.

Жирондистлар – Буюк француз инқилобида қатнашган сиёсий куч. Мўътадил республика тарафдорлари бўлишган.

Жиҳод – Ислом таълимотига кўра, мусулмонларнинг ғайридинларга, яъни кофирларга қарши олиб борган муқаддас уруш. Жиҳодда ҳалок бўлган киши шаҳид ҳисобланиб, унга жаннат ваъда этилган. Жиҳодда ғалаба қилган мусулмон эса ғозий ҳисобланиб, барча гуноҳларидан халос бўлган. Ғазавот.

Жовидон – Доимий, абадий.

Жомеъ масжиди – Мусулмонларнинг жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган катта масжид.

Жомий, Абдурахмон (Жомий тахаллуси; тўлиқ исми шарифи Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад) – 1414-1492 йилларда яшаб ўтган буюк шоир ва мутафаккир. Жом (Хуросондаги вилоят)да таваллуд топган. Жомий дастлаб Ҳирот мадрасаларида таҳсил олиб, кейинчалик билимларини чуқурлаштириш учун Самарқандга келган. Жомий Самарқанднинг Улуғбек мадрасасида фалакиётшунослар Қозизода Румий, Али Қушчи, фикҳшунос Фазлуллоҳ Абуллайс кабилардан таълим олган. У адабиёт, фалакиёт, фалсафа, ҳадис ва тафсир илмларини мукаммал эгаллаган. Абдурахмон Жомий Самарқанддан Ҳиротга қайтгандан кейин тасаввуф йўлига кирган ва кейинчалик нақшбандия тариқатининг йирик намояндасига айланган. У Хожа Аҳрор билан яқин муносабатда бўлган. Хожа Аҳрор таклифи билан Жомий Тошкентда ҳам яшаган. Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий Абдурахмон Жомийни ўзларининг пирлари деб билишган. Алишер Навоий ўзидан анча катта бўлган Абдурахмон Жомийни ўзига пир деб билса-да, аслида улар чин дўст ва ҳамкор бўлганлар. Ўз асарларида улар бир-бирларини ҳурмат билан тилга олганлар. Абдурахмон Жомий жуда бой ва ранг-баранг адабий ва илмий

мерос қолдирган. Адабиётшунос олимлар Жомий асарларининг умумий сони 100 тадан кўпроқ, деб таъкидлашади. Алишер Навоий ўзининг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Жомийнинг 38 та асарини санаб ўтган. Жомий асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига бағишланган. Абдурахмон Жомийнинг машҳур асарлари “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”), “Баҳористон” (тазкира), “Нафаҳот ул-унс” (машҳур сўфийлар ҳаёти ва фаолиятларига бағишланган асар), “Рисолаи мусиқи” (“Мусиқа ҳақида рисола”) ва бошқалар. Абдурахмон Жомий 1492 йилда Ҳиротда вафот этган.

Жон – Инсон ва жонзотлар билан боғлиқ маънавий-руҳий хусусиятни ифодалайдиган тушунча. Қадимий халқлар қарашларига кўра, жон инсон ва ҳайвон вужудида яшовчи, ўлим ҳолатида танани тарк этувчи куч.

Жондор (Силоҳдор) – Сарой лавозимларидан бири. Мовароуннаҳрда, хусусан, қорахонийлар ва хоразмшоҳлар даврида, ясовулбоши, салжуқийлар даврида жондорлар кўриқчилик ва жаллодлик вазифаларини адо этган жангчилар бўлиб, уларнинг бошлиғи “амири жондор” унвонига эга бўлган.

Жонийлар – *Қар.: Аштархонийлар давлати.*

Жон солиғи – Россияда 1722 йили Пётр I томонидан армия таъминоти учун жорий этилган солиқ. Бу солиқ барча фуқаролардан, ёшидан қатъи назар, ундирилган.

Жонсон, Линдон – 1908-1973 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 36-президенти (1963-1969 йилларда).

Жосер – Биринчи бўлиб мил. ав. 1630-1612 йилларда ўзи учун эҳром қурдирган қадимги Миср хукмдори.

Жосер эҳроми – Қадимги Мисрда қурилган биринчи эҳром. Фиръавн Жосер шарафига қурилган.

Жосуслик – Давлат ва жамият хавфсизлигига қарши жиноят, давлат сири ҳисобланадиган маълумотларни бошқа давлат ёки сиёсий доираларга етказиш, шу мақсадда бундай маълумотларни қўлга киритиш ёки тўплаш билан боғлиқ фаолиятни ифода этадиган тушунча, айғоқчилик.

Жубба (Жива, Жева) – 1. Ўрта Осиё ва Шарқ армиясида жангчини ёй ўқи, қилич ва найзадан сақлаш учун симдан тўқилган махсус ҳарбий кийим. Жубба, асосан, жанг пайтларида кийилган. XV–XVI асрларда милтиқ асосий уруш қуролига айлана бошланиши билан жуббага эҳтиёж қолмаган. 2. Авра-астарли, ичига пахта солиб қавилган кенг ва узун махсус чопон. Кўпинча қаландарлар, шайхлар кийган.

Жуванғар (Жавонғор, Жунғар) – 1. Ўтмишда Марказий Осиёда давлат тасарруфидаги ерларнинг чап томони. 2. Қўшиннинг сўл қаноти. Чингизхон ва Темур давлатларидаёқ “жуванғар” истилоҳи қўлланилган.

Жувоз – Мой ишлаб чиқарадиган дастгоҳ.

Жувонмарг – Ёш вафот этган, ўлган.

Жувонмард (Жумард) – 1. Ботир, довьорак. 2. Олиҳиммат, олижаноб.

Жузья – Дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиғи.

Жунайдахон Қурбон Мамед (Муҳаммад) – 1857-1938 йилларда яшаб ўтган Хоразмда мустамлакачи чор Россиясига қарши курашган, кейинчалик совет ҳукуматига қарши истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбари. Туркманларнинг ёвмут қабиласи байрамали уруғининг жунайд тармоғидан бўлган. 1873 йилда Россия қўшинлари Хивага ҳарбий юришни амалга оширганда, Жунайдахон туркман ёвмут йигитлари сафида босқинчиларга қарши урушган. 1915 йилда Хива хони Жунайдахонни туркман қабилаларининг сардори этиб тайинлаган. 1916 йилда эса Жунайдахон ўз қўшинлари билан Хивага ҳарбий юришни амалга ошириб, уни қўлга киритган. Хива хони Асфандиёр Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан юборилган жазо отряди ёрдами билан Жунайдахонни Хивадан ҳайдаб юборишга муваффақ бўлган. 1918 йилнинг январь ойида Асфандиёр Жунайдахонни Хивага таклиф этиб, хонлик қўшинларининг бош қўмондони этиб тайинлашга мажбур бўлган. Ўша йил декабрь ойида эса Жунайдахон Асфандиёрга суиқасд уюштириб, уни ўлдирган ва хоннинг акаси Саид Абдуллахонни Хива тахтига ўтказган. Хоразмда хонлик тугатилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганидан кейин Жунайдахон совет ҳукуматига қарши курашиш учун туркман, ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлардан 30 минглик қўшин тузган. 1920 йилнинг ёзида Жунайдахон бошчилигидаги истиқлолчилар ҳужумга ўтиб, Кўхна Урганч, Хўжайли, Иляли ва Тахтани эгаллаб, кўплаб қизил аскарларни асир олган. 1923 йилнинг охири-1924 йил бошларида Хоразм воҳасида совет ҳукуматига қарши кўтарилган катта қўзғолондан фойдаланиб, Жунайдахон ўз қўшини билан Хивани қамал қилган, ҳатто унинг бир қисмини эгаллаган. Совет ҳокимияти 1923 йилнинг охирида Жунайдахон билан сулҳ музокараларини бошлашга уриниб кўрган. Бироқ, Жунайдахоннинг талаблари ҳукумати томонидан қабул қилинмаган ва музокаралар натижа бермаган. Жунайдахон кўлида бу вақтга келиб катта миқдорда ҳарбий куч тўпланган. Шу билан бирга 1923 йилнинг декабрида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетган. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилганлар. Қорақумда турган Жунайдахон қўшини қўзғолончиларга ёрдамга келиб, ғарб томондан Хивага ҳужум қилган. 1924 йилнинг 10 январидан бошлаб Жунайдахоннинг 15 минг кишилиқ пиёда ва отликлардан иборат қўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришган. 1924 йилнинг 16 январида Хоразм Республикасида ҳарбий ҳолат жорий қилинган. Хоразм Республикасида вужудга келган вазиятдан ташвишга тушган Россия большевиклар партияси Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси ўз қарори билан Жунайдахон бошчилигидаги истиқлолчиларга қарши курашиш учун Э.Берзин (раис), Городецкий, Адинаев ва Хидиралиевлардан иборат фавкулудда комиссия ташкил қилган ва у Хоразм Республикасига жўнатилган. Хоразмга зудлик билан Россиядан қўшимча ҳарбий қисмлар етиб келган. Натижада Жунайдахон қўшини қарийб бир ой давом этган Хива қамалини тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлган. 1924 йилнинг ўрталарига келиб Хоразмда истиқлолчиларнинг асосий кучлари мағлубиятга учраганлар. Жунайдахон Афғонистон ҳудудига чекинишга мажбур бўлган. У танаффуслар

билан совет тузумига қарши 1931 йилгача кураш олиб борган. Жунайдохон 1938 йилда Афғонистон (Ҳирот шаҳри атрофи)да вафот этган.

Жўчи улуси – Чингизхон салтанатининг бўлиниб кетиши натижасида унинг ўғли Жўчихонга теккан мулк, улуснинг номи. Жўчи улуси Иртиш дарёсидан Урал (Ёйиқ) тоғларигача ва ғарбда “мўғул оти туёқлари етган ергача бўлган ўлкаларни қамраб олган. Жануб томондан Жўчи улуси Чигатой улуси билан чегарадош бўлган. Ботухоннинг ҳарбий юришлари натижасида жанубий Россия, Қрим ва Кавказорти ерлари ҳам Жўчи улусига бўйсундирилган Шундан кейин XIII аср ўрталаридан бошлаб Жўчи улуси “Олтин Ўрда” деб аталган. *Яна қар.: Олтин Ўрда.*

–3–

Забур – Диний таълимотларга кўра, Аллоҳ томонидан Довуд пайғамбарга юборилган муқаддас китоб.

Заковат – Ўткир ақл-идрок, зехн.

Закот – Ислом дини асосини ташкил этадиган беш рукн (талаб)нинг бири. Ислом таълимотига кўра, муайян бойликка эга бўлган мусулмон камбағаллар, етим-есирлар, касаллар ва кимсасиз аёлларга закот, яъни садақа, хайр-эҳсон берадилар. Закот миқдори закот берадиган кишининг пул даромадларининг қирқдан бир улушига тенг бўлиши лозим. Закот аввал қариндошлар орасидаги мухтожларга, бундай қариндошлар бўлмаса, камбағал, қарздор, мусофирларга берилади.

Залолат – Йўлдан озиш, гумроҳлик.

Замахшарий, Маҳмуд – 1075-1143 йилларда яшаб ўтган тилшунос, луғатшунос, географ, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мантиқшунос, арузшунос, файласуф.

Замзам – Макка шаҳрининг Каъба яқинида мавжуд бўлган қудуқнинг номи. Ушбу қудуқни мусулмонлар муқаддас ҳисоблашади.

Замзама – 1. Зардуштийларнинг маросим дуоларини оҳиста ва майин оҳангда ўқиши. 2. Ўрта асрларда Шарқ мусулмон давлатларидаги тасаввуф анъаналарида шеър ва ғазалларни оҳанг билан ижро этиш шаклларида бири.

Заминдор – Ўрта Осиё хонликларида йирик ер эгалари.

“Занд Авесто” – *Қар.: “Авесто”.*

Занжилар – Негроид ирқи вакиллари (қора танлиларнинг арабча ва форсча номи).

Зарарли ғоялар – *Қар.: Бузғунчи ғоялар.*

Зарафшон округи – 1868 йили Россия қўшинлари томонидан Бухоро амирлигидан тортиб олинган ҳудудларда тузилган маъмурий-ҳудудий бирлик. Зарафшон округининг биринчи бошлиғи этиб генерал-майор Абрамов тайинланган. Кейинчалик, 1887 йилда Зарафшон округи ўрнига Самарқанд вилояти ташкил этилган.

Зарбхона – Тангалар зарб қилиш, орден, медаллар, кўкрак нишонлари ва бошқа давлат унвон белгилари, шунингдек, зарҳаллаш, кумушлаш ва заргарлик сирлаш усуллари билан металдан ўйма ва босма маҳсулотлар

тайёрлайдиган давлат корхонаси. Энг қадимги зарбхоналар мил. ав. Юнонистонда ва Римда ташкил этилган. Дастлабки тангалар металлнинг оддий кичик бўладиган иборат бўлган. Кейинчалик расмли ва ёзувли тангалар зарб қилина бошланган. Ўрта Осиёда давлат пуллари зарб этадиган зарбхоналар VIII-X асрларда пайдо бўлган.

Заргар – Олтин, кумуш ва бошқа металллардан ҳар хил буюм ва аёллар тақинчоқларини ясовчи хунарманд.

Зардушт – Тарихий шахс. Зардуштийлик динининг асосчиси. “Зардушт” сўзи “олтин туяли” ёки “олтин туя етакловчи” деган маъноларни билдиради. Зардушт мил. ав. 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Унинг отаси саводли, кароматгўй инсон бўлган. Зардушт илоҳиётчи файласуф, шоир ва табиатшунос олим бўлиб, 20 ёшидан бошлаб яккахудолик (монотеизм)ни тарғиб қилган. У 28 ёшида дин раҳбари сифатида шуҳрат қозонган, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмаган. Улар Зардуштни осиб ўлдиришга ҳукм этганлар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томон йўл олган ва ўз ғояларини тарғиб эташда давом этган. У 77 йил умр кўрган.

Зардуштийлик дини – Мил. ав. VIII-VII асрларда Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида кенг тарқалган ва яккахудоликни тарғиб этган дин. Зардуштийлик дини унинг асосчиси Зардушт томонидан ислоҳ қилинган ва такомиллаштирилган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”дир. Дунёдаги барча нарсалар, воқеа-ҳодисалар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқдир, деган ғоя зардуштийлик динининг асосий ғоясидир. Эзгулик, ёруғлик, яхшилик, бахт-иқбол худоси Ахурамазда (бош маъбуда) билан ёмонлик, ёвузлик, қоронғулик, разолат тимсоли – Аҳриман ўртасидаги доимий, муросасиз курашнинг мавжудлиги зардуштийлик динининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Зардуштийлик дини таълимотида ер, сув, ҳаво ва оловни муқаддас деб ҳисобланади.

Зафарнома – Қўлга киритилган зафарлар, ғалабалар тавсифига бағишланган эпик асар.

Захира – Эҳтиёт қилиб, узоқ муддатга мўлжаллаб сақланган озиқ-овқат, буюм, қурол-аслаҳа ва шу кабилар.

Заъфарон – 1. Сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик. 2. Мажозан: сариқ ранг.

Зебуннисо – 1643-1721 йилларда яшаб ўтган машҳур шоира ва маърифатпарвар. Бобурийлар давлатининг ҳукмдори Аврангзебнинг қизи.

Зевс – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида кичик худолар ичида асосий худо, худолар отаси, чакмоқсочар.

Зевс ҳайкали – Қадимги даврда “етти муъжиза”лардан бири сифатида эътироф этилган иншоот. Қадимги Юнонистонда Зевс худоси шарафига улкан ибодатхона қурилган. Ушбу ибодатхона олдида Зевснинг маҳобатли ҳайкали мавжуд бўлган. Зевснинг ҳайкали олтин, фил суяги ва ёғочдан ясалган. Зевс ҳайкалда тахтда олижаноблик ва виқор билан ўтирган ҳолда тасвирланган. Зевс ҳайкали бизгача етиб келмаган.

Земство – Чор Россиянинг марказдан узоқ ўлка ва ҳудудларида сайланадиган ва фақат баъзи маҳаллий масалалар билан (маориф, соғлиқни сақлаш, йўл қурилиши ва ҳоказо) шуғулланадиган ўзини-ўзи бошқарадиган ҳукумат органи. 1864 йилги ислохотга асосан ташкил этилган. 1918 йилги декрет билан бекор қилинган.

Земство соборлари – Россияда XVI аср ўрталари–XVII аср охирларида олий тоифавий-вакиллик муассасалари. Муқаддас собор (архиепископлар, епископлар ва митрополит бошчилигидаги бошқа руҳонийлар, 1859 йилдан патриарх ҳам), боярлар думаси, “ҳукмдор саройи” вакиллари, провинция дворянлари ва шаҳарнинг юқори табақа кишиларидан ташкил топган.

Земщина – Рус давлатининг Иван IV опричнинаси таркибига кирмаган ҳудудларининг асосий қисми. Боярлар думаси ва приказлар томонидан бошқарилган. Ўз қўшинига эга бўлган.

Зенон – Мил. ав. 335-253 йилларда яшаб ўтган эллинизм даврида қадимги Юнонистонда вужудга келган стоиклар фалсафий оқимининг асосчиси. Зенон ёқимсиз ташқи қиёфага эга бўлган. Унинг бўйни қийшиқ, ўзи эса ўта ориқ ва новча бўлиб, оёқлари гавдасига нисбатан йўғонроқ бўлган. У ўзининг қиёфасидан доимо уялиб яшаган. Зенон ғайриоддий тарзда ҳаётдан кўз юмган. Бир куни у қоқилиб йиқилган-да бу ҳолни юқоридан юборилган огоҳлантириш ва чақирик деб ҳисоблаб, ўша заҳоти ўзини ўзи бўғиб ўлдирган. *Яна қар.: Стоиклар оқими.*

Зерцало – Рус давлатида XVI–XVII асрларда темир тахтачалардан ишланган ҳимоя аслаҳаси (совут).

Зефир – Қадимги Юнонистонда ғарбий шамол худоси.

Зиё Гукалп – 1876-1924 йилларда яшаб ўтган Туркиядаги “Иттиҳод ва тараққий” сиёсий ташкилотининг асосий мафкурачиси.

Зиёли – Маънавий баркамол инсон, илмли, ўқимишли, маърифатли шахс маъноларини англатувчи тушунча, интеллигент.

Зиёратгоҳ – Муқаддас, мўъжизали ҳисоблаб зиёрат қилинадиган жой, қадамжой.

Зижлар – Қадимги астрономик жадваллар.

Зиккуратлар – Месопотамия ҳудудида қурилган баланд зинапоялар. Месопотамия халқлари шу зиккуратлар орқали худолар ерга тушиб инсонларнинг бахт, саломатлик ва фаровонлигини таъминлайди, деб ҳисоблашган.

Зимма (Зиммий) – Ўрта асрларда Араб халифалигида мусулмон бўлмаган аҳоли (асосан, христиан ва яҳудийлар)га маъмурият, икки ўртада тузилган шартнома асосида шахс ва мулк дахлсизлиги, шунингдек, ўз жинларига эркин сиғиниш ҳуқуқини таъминлаш ҳақида кафолат берган. Бунинг эвазига зимма жон солиғи – жизя ва ер солиғи – хирож тўлашга мажбур этилган. Зиммийлар жизя тўлаб, ўзлари учун ҳимояга эга бўлганлар ва улар қимматбаҳо кийимлар киймаслик каби шартларни ҳам ўз зиммаларига олганлар.

Зиндон – Ўтмишда Ўрта Осиё хонликлари ҳудудида асирлар, маҳбуслар ва жинойтчиларни сақлаш учун мўлжалланган ер остидаги зах ва қоронғи қамоқхона.

Зиндонбон – Зиндон соқчиси, қоровули.

Зирабулоқ жанги – 1868 йил 2-3 июнда Бухоро амирлиги ва рус қўшинлари ўрталарида бўлиб ўтган жанг. Бу жангда Бухоро амирлиги қўшинлари мағлуб бўлишган.

Зирх – Ҳарбий кема, танк ва шу кабиларнинг ўқ ўтмайдиган пўлат қопламаси.

Зобит – Забт этувчи.

Зовия – Ўрта асрларда дин илмларини ўргатиш учун қурилган маскан, хонақоҳ. Ибн Баттутанинг хабар беришича, зовияга келган ҳар бир йўловчи дастлаб ҳаммомга кирар, сўнгра уни таом билан меҳмон қилишарди ва кечқурун Қуръон ўқишарди, тунда эса ҳаммани таҳажжуд намозига уйғотишарди.

Зоконий, Убайд – 1270-1370 йилларда яшаб ўтган ҳажвчи шоир.

Зоҳид – Тасаввуфда бу дунёнинг молу мулки, лаззатларидан воз кечган, тарки дунё қилган киши.

Зоҳидлик – Худонинг мараҳаматига мушарраф бўлиш учун таркидунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур. Зоҳидлик христианликда монахликда кўринса, исломда дарвишлик, чилла ўтириш, рўза тутиш, зикр тушиш кабиларга намоён бўлади. Тасаввуфда зоҳидлик Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этиш демакдир. Яъни, зоҳидлик қаноат қилиб яшаш, моддий бойликлардан имкон қадар камроқ фойдаланиш туйғусига асосланган ғоя.

Зоҳидов, Воҳид – 1914-1983 йилларда яшаб ўтган адабиётшунос олим, файласуф, публицист.

Зоҳиршоҳ – Афғонистон шоҳи (1933-1973 йилларда).

ЗСФСР – Русча “Закавказская Советская Федеративная Социалистическая Республика” ибораси сўзларининг биринчи ҳарфларидан олинган сўз. Қар.: Кавказорти Социалистик Федератив Совет Республикаси.

Зуавлар – 1. Француз мустамлака қўшинларида XIX–XX асрларда енгил қуролланган пиёда қўшин тури. Шимолий Африкада французлар ва маҳаллий аҳоли вакилларида тузилган. 2. Усмонли турк салтанати армиясида ёлланма ўқчи қўшинлар аскарлари. 3. Америка Қўшма Штатларида фуқаролар уруши даврида айрим кўнгиллилар. 4. Папа зуавлари–1860 йили француз генерали Луи де Ламорисьер томонидан Папа вилоятини мудофаа қилиш учун ташкил этилган ҳарбий тузилмалар.

Зулфиқор – Ислом таълимоти бўйича, Муҳаммад Пайғамбар Ҳазрати Алига тортиқ қилган дудама қилич.

Зулқарнайн – Мусулмонлар орасида тарқалган қадимги ривоятларга кўра, дунёнинг Чин (Хитой)гача бўлган ерларини забт этиб, у ерда яъжуж ва маъжуж йўлига улкан тўсиқ қурган подшоҳ. Айни вақтда, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб ҳукмдори эканлиги ёки тожининг икки чети шохсимон бўлганидан шундай деб аталган деб тахмин қилинади. Баъзи ислом тадқиқотчилари Қуръонда зикр этилган Зулқарнайнни македониялик Александрнинг ўзи деб, баъзилари эса Иброҳим Пайғамбардан олдин яшаб ўтган бутунлай бошқа бир шахс деб талқин қилинади.

Зулқаъда – Ҳижрий- қамарий тақвимида ўн биринчи ойнинг номи.

Зулҳижжа – Ҳижрий- қамарий тақвимида ўн иккинчи ойнинг номи.

Зумрад – Оч-яшил тусли қимматбаҳо тош.

Зуннор – Мусулмон давлатлари худудида яшовчи христиан, яҳудий динларига мансуб кишилар кийиб юришга мажбур бўлган махсус белбоғ, чилвир.

Зухал – Шарқ мамлакатларида Сатурн сайёрасининг аталиши. Мусулмонлар Зухал юлдузини бахтсизлик юлдузи деб атаганлар.

Зухд – Дунёдан воз кечиб, тоат-иболат билан шуғулланиш; тақводорлик, парҳезкорлик.

Зухра – Шарқ мамлакатларида Венера сайёрасининг аталиши. Зухра сайёраси гўзаллик, хурсандчилик, муҳаббат белгиси сифатида талқин этилади.

–И–

Ианна (Наннар) – Қадимги шумерликларнинг ой худоси.

Ибаррури, Долорес – 1895-1989 йилларда яшаб ўтган Испания сиёсий арбоби.

Иберия – Испаниянинг қадимги номи.

Иблис – *Қар.: Шайтон.*

Ибн – Шарқ халқларида эркаклар исмлари таркибида келувчи сўз. Ўғли деган маънони ифодалайди, мас., “Олим ибн Ҳасан” ибораси Ҳасаннинг ўғли Олим маъносини англатади.

Ибн ал-Арабий –1165-1240 йилларда яшаб ўтган араб мутафаккири ва шоири.

Ибн Баттута – 1304-1369 йилларда яшаб ўтган машҳур араб сайёҳи, географи ва тарихчиси. 1325 йилда Марокашдан ҳажга борувчиларга қўшилиб сафарга чиққан ва кўплаб мусулмон мамлакатларида бўлган. 1332 йилда Ибн Баттута яна сафарга чиқиб Маккага бориб ҳаж маросимида қатнашган. Маккадан чиқиб Ибн Баттута Миср, Туркия, Қримга борган. Ҳожи Тархон (Астрахон)да бўлганида Ибн Баттута Олтин Ўрда хони Ўзбекхон қабулида бўлган. Кейинчалик у Урганч, Бухоро, Нахшаб, Термиз, Самарқанд, Балх, Қобул шаҳарларида бўлгандан кейин Ҳиндистонга борган ва Деҳли султонлиги султони Муҳаммад Туғлоқ саройида саккиз йил моликийлар мазҳабидагиларнинг қозиси лавозимида хизмат қилган. Деҳли султонлигидан чиқиб Индонезия ва Хитойга саёҳат қилган ва 1349 йилда Марокашга қайтиб келган. 1349-1353 йилларда Ибн Баттута Испаниянинг араблар тасарруфидаги ерларида ва Судан мамлақатида бўлган. У араб тилидан ташқари форс ва туркий тилларни яхши билган. Унинг “Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-афсар” (“Турли шаҳар ва сафарлардаги ажойиботлар шоҳиди бўлганлар учун туҳфа”) машҳур асари Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё географияси ва тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ибн Баттутанинг бу асари қисқача “Саёҳатнома” деб ҳам аталади.

Ибн Камолпошшо – XV-XVI асрларда яшаб ўтган олим ва шоир.

Ибн Мискавайх – 1030 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) тарихчи, файласуф, адиб ва табиб.

Ибн Сино, Абу Али (тўлиқ исм-шарифи: Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али) – 980-1037 йилларда яшаб ўтган тиббиёт соҳасида жаҳон халқлари эътирофига сазовор бўлган, астрономия, математика, мантик, фалсафа, шеърят ва бошқа қатор фан соҳаларида етук асарлар яратган қомусий олим. Машҳур асарлари: “Шифо китоби”, “Тиб қонуни”, “Билимлар китоби” ва ҳоказо. Европада “Авиценна” номи билан машҳур.

Ибодатхона – Диндорларнинг худога муайян тартибда сиғинадиган жойи, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиладиган бино, иншоотлар мажмуи. Ибодатхонанинг қурилиш услуби ва меъморий беағи диний мавзулар билан боғлиқ. Мас., христианлик ибодатхоналари черков, собор, монастыр ва бошқалар; католикларда костёл, капелла ва бошқалар; буддизм ибодатхоналари тэра, пагода, зиқуррат, дагоба, ступа ва бошқалар; яҳудийларда синагога, мусулмонларда масжид кабилар.

Иброний – 1. Яҳудийларга, яҳудийларнинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. 2. Яҳудий.

Иброҳим Адҳам – 777 йилда вафот этган Балх ҳокими. У тожу тахти, молу мулки, бола-чақасидан воз кечиб, тасаввуф йўлига кирган.

Иброҳимбек (Иброҳим Лақай) – Бухорода, Шарқий Бухорода совет ҳукуматига қарши истиқлолчилик ҳаракатининг энг кўзга кўринган раҳбари. 1889-1932 йилларда яшаб ўтган. Иброҳимбек Бухоро амири Саид Олимхон томонидан лашкарбоши лавозимига тайинланган. 1921 йил 17 сентябрида бўлиб ўтган Бухоро кўрбошиларининг қурултойида Иброҳимбекка “Ислом лашкарбошиси” деган унвон берилган ва Бухородаги барча истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони этиб сайланган. Иброҳимбек ўз олдида Бухоро ҳудудини қизил аскарлардан тозалаб, унда амирлик тузумини қайта тиклашни асосий мақсад қилиб қўйган. У қисқа муддат ичида 10 минглик қўшин тўплаб, Кўлоб, Қоратегин, Балжувон, Дарвоз вилоятларини қизил аскарлардан озод қилган. 1925 йилда Иброҳимбек ўз қўшинлари билан Шеробод-Бойсун атрофларида совет қўшинларига қарши муваффақиятли жанглар олиб борган. 1926 йилда Иброҳимбек Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлган. 1926-1929 йилларда у Қобул яқинида жойлашган собиқ Бухоро амири Олимхоннинг қароргоҳи бўлган Қалъаи Фотудада яшаган. 1929 йил апрель-май ойларида Иброҳимбек Афғонистон ҳудудида ўзи ташкил этган муҳожир қўшинлари билан Афғонистон ҳудудига бостириб кирган совет қўшинларига қарши урушган. 1930 йил 3 июлида Иброҳимбек ўз қўшинлари билан Тожикистон ҳудудига бостириб киришни режалаштирган. Лекин жосуслар Иброҳимбекнинг бу режасини совет ҳукумати вакилларига етказишган. Совет қўшинлари 1930 йил 20 июнида Афғонистон ҳудудига бостириб кириб, Иброҳимбек қўшинларига катта талафот етказишган. 1931 йилнинг 30-мартида Иброҳимбек ўзининг 1500 кишилиқ сараланган қўшинлари билан Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудига бостириб кирган. Ўша йилнинг апрель-июнь ойларида Иброҳимбек қўшини

билан совет қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтган. Жангларнинг бирида Иброҳимбек яраланган ва совет ҳукумати томонидан қўлга олиниб, Тошкентга олиб келинган. Иброҳимбек совет ҳукумати томонидан суд қилинган ва 1932 йилнинг 31 августида қатл этилган.

Ибтидоий жамият – Ибтидоий одамларнинг пайдо бўлишидан то давлат юзага келгунига қадар бўлган давр. Ибтидоий одамлар жамоа бўлиб меҳнат қилиб, ўз меҳнатлари маҳсулини тенг тақсимлаганлар.

Иван III – Москванинг улуғ князи (1462-1505 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Русь ерларининг Москва атрофига бирлашуви жараёнлари бошланган, Москва Кремли қайта қурилган, Руснинг халқаро нуфузи ошган, мўғуллар истибдодига барҳам берилган. 1476 йилда Иван III Олтин Ўрдага солиқ (ўлпон) тўлашдан бош тортган. Олтин Ўрда хони Хон Аҳмад 1380 йили Иван III га қарши қўшинлари билан борган, лекин очиқ жангга киришга журъат қилмай ортга қайтган. 1485 йили Иван III ўзини “Бутун Руснинг улуғ князи” деб эълон қилган. Шу тариқа муғул-татарларнинг Русь ерларидаги икки ярим асрлик ҳукмронлигига барҳам берилган ва марказлашган Русь давлати шакллана бошлаган.

Иван IV, Грозный – 1530-1584 йилларда яшаб ўтган Бутун Руснинг улуғ князи. 1533 йилда уч ёшида Русь тахтига ўтказилган. Иван IV нинг ёшлигидан фойдаланиб боярлар ўртасида ҳукмронликка эришиш учун кескин кураш бошланган. Боярлар шох хазинасини талашган, ўзларига янги-янги ерларни, шаҳарларни бўйсундиришга ҳаракат қилишган. Иван IV фақат 1547 йилда (17 ёшида) подшолик тожини кийган. Иван IV ўз ҳукмронлиги даврида ҳукуматда боярлар таркибини ўзгартирган, уч минг кишидан иборат ҳукмдорни қўриқлайдиган стрелецлар қўшинини тузган, мамлакатда ҳарбий ислоҳотлар бошлаган. Ўз ҳукмронлигини кучайтиргандан кейин Иван IV Русь давлати атрофидаги ҳудудларни забт этишга киришган. 1552 йили Қозон, 1556-1557 йилларда Астрахань, Бошқирд ва Сибирь хонликлари Русь ерлари таркибига киритилган. Иван IV Русь давлати ҳудудларини Шимолий океанга чиқишини орзу қилган. Шу мақсадда у 1558 йилда Ливония (Ливония-ҳозирги Латвия ва Эстония ҳудудларида мавжуд бўлган қадимий вилоят) билан уруш бошлаган. Бу уруш 25 йилга чўзилиб кетган ва Ливония ғалабаси билан яқунланган. 1564 йил декабрь ойида Иван IV кўққисдан ўзи билан оила аъзолари, ғазна ва сарой ходимларини олиб Москвани тарк этган ва Александр слободаси деган жойга кетган. 1565 йил январида Иван IV Москвада қолган боярлар ва шаҳарликларга хитобнома юбориб, унда боярларни хиёнаткорликда айблаган ва ўзининг Москвага қайтиш шартларини баён этган. Иван IV нинг барча шартлари боярлар томонидан қабул қилингандан кейин у 1565 йили Москвага қайтган ва тарихда “опричнина” деб ном олган сиёсатни жорий этган. Бу сиёсатни татбиқ этгани учун Иван IV га “Грозный” (“Даҳшатли”) лақаби берилган. 1572 йилда опричнина сиёсати бекор қилинган бўлса-да, Иван IV нинг деспотик режими сақланиб қолган. Иван IV Грозный 1584 йилда вафот этган. Ҳокимиятга эга бўлган унинг ўғли Федорнинг меросхўрлари, яъни ўғиллари бўлмаган. Шунинг учун Федорнинг вафотидан кейин Русь тарихида

Рюриковлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топган. Яна қар.: “Опричина” сиёсати.

Игорь – Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори. Рюриковичлар сулоласининг дастлабки ҳукмдори (912-945 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакат ҳудудлари кенгайтирилган. Игорь 913 йилда шарққа юриш қилиб, Боку шаҳригача етиб борган. 941 ва 944 йилларда Византияга муваффақиятсиз ҳарбий юришларни амалга оширган.

“Игорь полки жангномаси” – Рус халқи фольклори маҳсули. Унинг асосий мазмунини Қадимги Русь давлати ҳукмдори Игорь Святославич кўшинларининг половец (қипчоқ)ларга қарши урушлари ташкил этган.

Игорь Святославич – Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори (1178-1202 йилларда). Игорь Святославич тахт учун ўзаро курашларда қипчоқ (половец)лар ёрдамидан фойдаланган. Кейинчалик қипчоқларнинг унга қарши тазйиқи кучайган. Шунда Игорь Святославич бошқа рус князлари билан иттифок тузиб, қипчоқларга қарши урушган. Унинг қипчоқларга қарши уруши кейинчалик рус халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлган “Игорь полки жангномаси” (“Слово о полку Игореве”)нинг асосий мазмунини ташкил этган.

Игуман – Православлар монастири нозири. 1764 йилги Екатерина II томонидан ўтказилган секуляризация ислоҳотидан кейин рус монастирлари уч синф бўйича таснифланган; учинчи даражали, куйи монастир бошлиғи “игумен” деб атала бошланган.

Идальго – Ўрта асрларда Испаниядаги рицарларнинг майда ва ўрта табақаси.

Идальго бошчилигидаги қўзғолон – 1810-1811 йилларда Мексикада Мигель Идальго бошчилигида ҳиндулар ва метисларнинг испан мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган қўзғолонлари. Идальго асли қишлоқ жойда жойлашган ибодатхонанинг руҳонийси бўлган. У маҳаллий аҳолий тилини яхши билган ва уларнинг урф-одатларини хурмат қилган. Унинг армияси ўз ерларини испанлардан қайтариб олиш ва мустақилликка эришиш учун курашган. Улар Мексиканинг катта ҳудудини ўз тасарруфларига киргизишган. Идальго кулдорлардан 10 кун муддатда барча кулларни озод қилишни талаб қилган, ҳиндулар жамоалари мустамлакачиларга тўлайдиган солиқларни бекор қилган. 1811 йилда испан мустамлакачиларининг кўшинлари Идальго бошчилигидаги қўзғолонни бостиришган, Идальгонинг ўзи асирга олинган ва отиб ташланган.

Идда – Ислом таълимоти бўйича, эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча эрга тегиш ман қилинган юз кунлик муддат.

Идеал – Муайян шахс, нарса ёки ҳодисанинг энг яхши, ғоят қадрли ва мукамал ҳолати. Мас., идеал инсон, идеал жамият.

Идеализм – Фалсафанинг асосий масаласи ҳисобланган тафаккурнинг борлиққа муносабатини ҳал этишда материализмдан фарқли ўлароқ онг, идея, руҳни бирламчи, табиат, борлиқ, материяни иккиламчи деб ҳисобловчи фалсафий оқим. Идеализмга кўра, моддий олам эмас, бизнинг онгимиз реал тарзда мавжуддир. Идеализм, ўз моҳиятига кўра, субъектив ва объектив идеализмга бўлинади. Субъектив идеализм борлиқнинг асоси сифатида

алоҳида индивидиум, субъектнинг онги ва сезгисини тан олади. Объектив идеализм тарафдорлари эса борликнинг асосини мутлақлаштирилган, илоҳийлаштирилган онг, “универсал ирода”, “мутлақ ғоя” ташкил этади, деб таъкидлайдилар. *Яна қар.: Материализм.*

Идеология – *Қар.: Мафкура.*

Идея – *Қар.: Ғоя.*

Идзанаки ва Идзанами – Қадимги япон мифологиясида дастлабки жуфт худо. Инсон қиёфасида бўлиб, бошқа худоларни дунёга келтириш имкониятига эга бўлишган.

Идора – Бошқариш системасининг таркибига кирадиган муассаса, ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасида муайян вазифаларни бажарувчи ташкилот, мас., қонун чиқарувчи идора, суд идораси.

Идрис I – Ливиянинг собиқ ғарбпараст қироли.

Ижтиҳод ҳуқуқи – Фикҳ соҳасида юксак билимларга эга бўлган кишиларнинг диний-ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил қарорлар чиқариш ҳуқуқи. Бундай кишиларни “мухтаҳид” деб аташган. *Яна қар.: Мужтаҳид.*

Иезуит ордени – Христиан дини католик мазҳабини ҳимоя қилиш ва уни ёйиш ҳамда папалик ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида тузилган жамият. “Иезуит” сўзи лотинча бўлиб, “Исо (Иисус) жамияти” маъносини англатади. Биринчи иезуит ордени 1534 йилда Парижда испан дворяни Игнатий Лойола томонидан тузилган ва у Рим папаси томонидан қўллаб-қувватланиб, тасдиқланган. Иезуит орденлари ҳарбийча тузилишга эга бўлиб, уларда қаттиқ интизом мавжуд бўлган. Ушбу орденларни фақат папага бўйсунувчи киши бошқарган. Иезуитлар папа буйруқларини сўзсиз бажаришлари шарт бўлган. Улар махфий тарзда аҳоли ўртасида юриб Рим папаси душманларини аниқлашган ва уларни жисмонан йўқ қилишган (қилич ё заҳар билан). Иезуит орденлари аъзоларининг ўз монастирлари бўлмаган. Улар оддий кийимларда халқ ичида юрганлар. Иезуит орденларининг аксарият аъзолари катта бойлик, йирик ерлар, корхоналар эгалари бўлишган.

Иероглифлар – Бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалашга хизмат қилувчи график ифода. Иероглифларнинг энг қадимгиси Миср ёзуви белгилари бўлиб, мил. ав. тўртинчи мингйиллик охирида қўлланган.

Ижмоъ – Ислом таълимотига кўра, шариатнинг асос-далилларида Қуръон, ҳадисдан кейинги учинчиси бўлиб, унга кўра, маълум бир асрда яшаган замондош олимларнинг бирор шаръий ҳукм юзасидан ўзаро ҳамфикр бўлиб келишувлари. Агар улардан бири қарши бўлса, ижмоъ юзага келмайди.

Ижтимоий мақом – Шахснинг ёши, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, касби, оилавий аҳволига кўра жамиятда тутган ўрни.

Ижтимоий муносабатлар – Жамият ҳаётида моддий ва маънавий фаолиятлар натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабат ва ҳаракат мезонлари.

Ижтимоий муҳит – 1. Ижтимоий-иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий институтлар мажмуи, ижтимоий онг шакллари ва жамият маданияти, макромуҳит. 2. Инсон бевосита яшайдиган, меҳнат

қиладиган оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, маданият масканлари ва хоказо, микромуҳит.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар – Ҳар бир халқ, бутун башариятнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаоларини ифода этадиган, эркин ҳаёт ва адолатли тузум, давлат ва жамият қурилиши, миллат ва элатлар келажаги ҳақидаги умуминсоний ғоялар.

Ижтимоий тарбия – Шахс онги ва тафаккурини, маънавий-маърифий оламини жамиятнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг равишда шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга даъват этадиган барча эзгу таъсир ҳамда омиллар мажмуи.

Ижтимоий тузум – Жамиятнинг муайян тараққиёт босқичларига хос бўлган ижтимоий муносабатлар тизими. Ижтимоий тузум жамиятда қандай ижтимоий муносабатлар амал қилишини акс эттиради. Жамият одамлар ва улар ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади. Уларнинг ўзаро муносабатлари, шу жамиятдаги тартиб-қоидалар, мулкка эгалик қилиш, ишлаб чиқариш муносабатлари шакли жамиятнинг қандай тузумда эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий фаоллик – Ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши.

Ижтимоий қатлам – Умумий хусусиятлари, интилиш ва манфаатлари ҳамда ижтимоий қарашларига кўра алоҳида гуруҳни ташкил этадиган кишилар жамоаси.

Ижтимоий ҳамкорлик – Турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган атама. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятда тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Ижтимоийлашув – Бирон-бир воқеа-ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимоий моҳият касб этиб, кўпчиликка дахлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар сирасига айланиб бориши.

Изоляция – Бошқалардан ажратиб, яккалаб қўйиш, эркин алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш.

Ийд – *Қар.: Ҳайит.*

Иккинчи “афюн уруши” – 1856-1860 йилларда Хитой ва Англия ўртасида бўлиб ўтган уруш. Бу урушда Биринчи “афюн уруши”дан фаркли ўлароқ Хитойга Англия ва Франциянинг бирлашган қўшинлари ҳам ҳужум қилишган. Улар Пекин остонасида Хитой императорларининг ёзги саройини қўлга киритиб, ундаги бой хазинани талон-тарож қилишган. Бу уруш натижасида инглиз ва француз мустамлакачилари Хитойни ўз манфаатларини ифода этадиган янги шартномани имзолашга мажбур этишган. Унга кўра, мустамлакачиларга яна бир нечта портлар ва савдо-сотикда янги имтиёзлар берилган, Англия ва Франция фуқаролари Хитой худудида мамлакатда

мавжуд бўлган қонунлар талабларини ижро этишдан озод этилганлар. Шундан кейин Хитой яриммустанлака мамлакатга айланиб қолган, Цинь сулоласи заифлашган, Хитойнинг катта порт шаҳарларида хорижийлар яшайдиган махсус кварталлар қурила бошланган. Хитой бозорлари хорижий моллар билан тўлиб кетган, Хитой косиблари, деҳқонларининг аҳволлари ёмонлаша борган.

Иккинчи жаҳон уруши – 1939 йилнинг 1 сентябридан 1945 йилнинг 2 сентябригача бўлиб ўтган жаҳоний уруш.

Иккинчи инглиз-афғон уруши – 1878-1880 йилларда Англия ва Афғонистон ўртасида бўлиб ўтган уруш. 1878 йилнинг 30 июлида полковник Столетов бошчилигидаги Россия сафорати Афғонистоннинг Кобул шаҳрига келган. Бу сафорат афғонлар томонидан зўр тантана билан кутиб олинган. Бундан хабар топган Англиянинг ҳукмрон доиралари ҳам ўз сафоратларини Афғонистонга юборишган. Лекин инглиз сафорати Афғонистон шоҳи Шер Алихон томонидан қабул қилинмаган. Бунга жавобан Англия Афғонистонга қарши навбатдаги урушни бошлаган. Ушбу урушда инглизлар мағлуб бўлишган.

Иккинчи Интернационал (Социалистик партияларнинг халқаро бирлашмаси) – 1889 йилда Фридрих Энгельс томонидан ташкил этилган Европа социалистик партияларнинг халқаро бирлашмаси.

“Иккинчи инқилоб” – 1913 йилда Хитойнинг жанубий (инқилобий) вилоятларида Юань Шикай сиёсатига қарши бўлиб ўтган қўзғолоннинг мажозий номланиши.

Иккинчи Пуни уруши – Рим ва Карфаген ўртасида мил. ав. 218 – 201 йилларда бўлиб ўтган уруш.

Иккинчи триумвират (Иккинчи учлик ҳокимияти) – Мил. ав. 42 йилда қадимги Римда Марк Антоний, Эмилий Лепид ва Гай Цезарь Октавиан таркибида вужудга келган ҳокимият.

Иккинчи фронт – Иккинчи жаҳон уруши йилларида Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия қўшинларидан Германияга қарши тузилган фронт. 1944 йилнинг 6 июнидан 27 июлигача АҚШ генарали Дуайт Эйзенхауэр қўмондонлиги остида АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари Ла-Манш бўғози орқали Франциянинг шимолий-ғарбида жойлашган Нормандия оролларига туширилган. Шу тариқа Европада иккинчи фронт очилган. Нормандия оролларида иттифоқчилар қўшинлари Франциянинг шимолий-ғарбий ҳудудларига ҳужум бошлашган. 1944 йил охиригача АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари Францияда мавжуд бўлган Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати билан бирга Франция, Бельгия ва Италиянинг марказий ҳудудларини немис босқинчиларидан озод этишган. Иккинчи фронт очилгандан кейин Германия икки фронт (шарқий ва ғарбий)да уруш олиб боришга мажбур бўлган.

Икона – Христиан динига мансуб диндорлар сажда қиладиган, чўқинадиган Исо, Биби Марям ва авлиёларнинг рангтасвир ёки бўртма тасвири.

Иксир – Ҳамма нарсани олтинга айлантира оладиган афсонавий тош.

Илекхон – Ўрта Осиёда X–XII асрларда қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган майда ҳукмдорнинг унвони.

Илёсхўжа – Жете (Мўғулистон) давлатининг хони (1363-1365 йиллар).

“Илиада” – Қадимги Юнонистонда яратилган эпик достон.

Иликхонлар – Мовароуннахрни 999 йилдан 1212 йилгача идора қилган қорахонийлар ҳукмдорларининг унвони. Иликхонлар аслида Еттисув ва Қашқарда яшаган яғмо турк қабиласига мансуб бўлган. Қорахонийларда Наср ибн Али 999 йилда Бухорони эгаллаган ва Мовароуннахрда иликхонлар ҳукмронлигига асос солган. Иликхонлар дастлаб қорахонийларнинг Қашқардаги, 1042 йилдан бошлаб эса Ўзгандаги ҳоқонларига номигагина итоат қилган бўлсалар-да, амалда мустақил бўлганлар. Улар Султон Санжар ҳукмронлиги йилларида салжуқийларга, кейинчалик эса қорахитойлар ва хоразмшоҳларга тобе бўлишган.

“Иликлик” (“Оттепель”) – 1953 йил март ойида собиқ Совет Иттифоқининг мустабид ва золим ҳукмдори И.В.Сталин вафот этган. 1956 йил собиқ Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг XX съезидан кейин Сталиннинг жиноятлари фош қилиниб, ноҳақ қатағонга учраган одамларни оқлаш жараёни бошланган. Ана шу эзгу жараёнлардан илҳомланган рус ёзувчиси Илья Эренбург “Иликлик” номли қисса ёзган ва шундан кейин ушбу давр (1956-1962 йиллар) тарихда “иликлик” номи билан кирган.

Илк – Дастлабки, биринчи, бошланғич.

Илк Рим (Патрицийлар) республикаси – Мил. ав. 510 йилда Рим аҳолиси охириги Рим подшоси Тарквинийга қарши кўзғолон бошлашган. Тарквиний Римни ташлаб қочиб кетган. Шундан кейин Римда подшоҳ ҳокимияти бекор қилинган. Римни бошқариш “умумий иш” деб эълон қилинган, яъни Римда республика шаклидаги тузум жорий этилган. Римда вужудга келган республика шаклидаги тизимни “Илк Рим республикаси” ёки “Патрицийлар республикаси” деб ҳам аташади. Патрицийлар Римда қадимдан яшаб келган туб аҳоли авлодлари бўлишган. Римдаги барча ерлар ва давлат лавозимлари уларга қарашли бўлган. Кейинчалик ривожланиб бораётган Рим шахрига турли ўлкалардан савдогарлар ва ҳунармандлар кела бошлашган. Уларни “плебейлар” деб аташган. Плебейлар дастлаб патрицийларга солиқ тўлашган. Улар шаҳар ҳудудларида ерга эга бўлишлари мумкин бўлмаган. Мил. ав. 449 йили Рим республикасида 12 та темир лавҳаларда битилган қонунлар қабул қилинган. Бу қонун патрициялар билан плебейларнинг ҳуқуқларини бирмунча тенглаштирган. Унга кўра, плебейлар ҳам патрицийлар каби хусусий мулкка эга бўлишлари мумкин бўлган. Мил. ав. 326 йилда эса патрицийлар ва плебейлар ҳуқуқларини тенглаштирадиган яна бир қонун қабул қилинган. Илк Рим республикасида фуқароларга кенг ҳуқуқлар берилган бўлса-да, камбағаллар давлат лавозимларига сайланишмаган. Қуллар барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлишган. Шунинг учун Римда мавжуд бўлган республика қулдорлик ва аристократик хусусиятларга эга бўлган. Мил. ав. III асрнинг 60-йилларига келиб Рим йирик давлатга айланган. Шундан кейин Рим давлати Ўрта ер денгизи ҳавзасида гегемон бўлишга интилган. Римнинг бу интилишига Карфаген тўсиқ бўлган. Римликлар Карфагенга қарши уч

маротаба-мил. ав. 264-241, 218 201 ва 149-146 йилларда урушишган. Бу жангларда Рим кўшинлари ғалаба қозонишган. Рим ва Карфаген ўрталаридаги урушлар тарихда “Пуни урушлари” деб ном олган. Мил. ав. III-II асрларда Римда куллар сони жангларда асир тушган аскарлар, денгиз пиратлари хужумлари натижасида кўлга тушганлар, қарзларини тўлай олмаган озод кишилар, хонавайрон бўлган деҳқон ва косиблар ҳисобидан ошиб борган. Қадимги Юнонистон тарихчиси Страбон маълумотларига кўра, Делос жазирасида жойлашган куллар бозорида ҳар куни 10-12 минг кул сотилган. Натижада мил. ав. II аср ўрталаридан бошлаб Рим республикасида куллар кўзғолонлари бўлиб ўтган. Улардан энг йириги мил. ав. 74-71 йилларда бўлиб ўтган Спартак бошчилигидаги кўзғолон бўлган. IV асрнинг 40-йилларидан бошлаб Рим империяси заифлаша борган. II аср охирида Римда ҳокимият тепасига северлар сулоласи вакиллари келган. 235 йилда север сулоласининг охирги вакили Александр Север сирлича ўлдирилгандан кейин Рим империясида сиёсий инқироз бошланган. 235 йилдан 284 йилгача Рим империясида 19 та “қонуний” ва 30 дан ортиқ зўравонлик билан ҳокимиятга келган императорлар бир-бирларини алмаштиришган. Римда император ҳокимияти заифлашганидан фойдаланиб Рим провинциялари ўз мустақилликларини кўлга киритиш учун кураш бошлаганлар. Рим империясининг ўзида халқнинг аҳволи ёмонлашиб, шимолдан “варварлар” қабилаларининг хужумлари кучайиб борган. Рим императори Феодосия I вафотидан кейин 395 йилда Рим империяси Ғарбий Рим империяси ва Шарқий Рим империясига бўлинган. 410 йилда эса варварлар Римни бутунлай ишғол этиб, ўзларига бўйсундиришган. Шундан кейин варварлар Галлия ва Испанияни ҳам ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлишган. Галлия ва Испания ҳудудида тарихда биринчи варвар давлати – Вестгот (вестгот-варварлар қабиласининг номи) шоҳлиги ташкил этилган. 455 йилда варварларнинг вандал қабиласи Римни талон-торож қилиб, кўплаб антик маданият обидаларини вайрон этганлар. “Вандализм” сўзи шундан олинган. 476 йили варварлар охирги Рим императори бўлган 15 ёшли Ромул Августулани ҳукмронликдан маҳрум этиб, ўз зодагонларидан бўлган Одоаркни шоҳ деб эълон қилишган. Шундан кейин Ғарбий Рим империяси барҳам топган.

Илк шоҳлик даври – Қадимги Миср тарихининг тахм. мил. ав. 3100-2700 йилларни ўз ичига олган даври. Қадим замонлардан Миср ҳудудида юқори Миср (жанубда) ва қўйи Миср (шимолда) мавжуд бўлган. Тахм. мил. ав. 3100 йилда юқори Миср ҳукмдори Менес (Мина) қўйи Мисрни ўз тасарруфига киритган ва ягона Миср давлати пайдо бўлган. Қўйи Миср рамзи қизил, юқори Миср рамзи эса оқ рангларда бўлган. Шунинг учун Илк подшолик даврда Миср ҳукмдорлари битта қизил ва битта оқ рангда бўлган икки тож кийишган. Бу тожлар бир-бири устидан кийилган. Пойтахт шаҳри бўлган Абидосда ҳам қўйи ва юқори Мисрни бошқариш учун “Оқ уй” ва “Қизил уй” деб номланган икки муассаса фаолият кўрсатган.

Илм – Бирор бир соҳа, фан, маърифат ва ҳоказоларга оид маълумотлар.

Илми адаб – Филология илми.

Илми баҳс – Мантиқ ва диалектика илми.

Илми жабру муқабала – Алгебра фани.

Илми жамодот – Минералогия.

Илми иншо – Тўғри ёзиш йўл-йўриқларини ўргатувчи фан.

Илми калом – Илоҳиётшунослик.

Илми кимё – Химия фани.

Илми лисон – Тилшунослик фани.

Илми луғат – Луғатшунослик.

Илми мажлис – Муомала илми.

Илми масоҳат – Геодезия фани.

Илми нужум – Астрология.

Илмий-техник инқилоб – XX асрнинг 60-йилларидан жаҳондаги тараққий топган давлатларда бошланган илмий-техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши. Жаҳоннинг тараққий топган давлатлари ишлаб чиқаришида ҳисоб-китоблар, назорат ва бошқариш вазифаларини бажарадиган электрон-ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келган ва кенг қўлланила бошланган. Фан ишлаб чиқариш кучига айланган. Натижада моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятда банд бўлганлар сони ошиб борган. Яъни, уларнинг турмуш даражалари тобора яхшиланиб борган. Айни шу даврда собиқ Совет Иттифоқида илмий-техника инқилобидан фойдаланишга бирёқлама ёндошилган. Собиқ Совет Иттифоқида ҳукмрон бўлган маъмурий-буйруқбозлик тузуми, иқтисодиётга раҳбарлик коммунистик партия томонидан ўта мафкуралаштирилгани уни ислоҳ қилишга тўсқинлик қилган. Мамлакатда ишлаб чиқариш технологиялари эскирган, маҳсулотларнинг сифати паст, улар сотилмасдан омборларда тўпланиб бораверган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосан янги саноат корхоналарини куриш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилган.

Илотлар – Қадимги Спартада қарамликдаги зироаткор аҳоли. Илотлар қулдорлик давлатининг мулки ҳисобланган. Илотлар ҳукмдор табақа-спартиантлар томонидан бошқарилган ер участкаларига бириктирилган.

Иллюзия – Тана аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёни.

Илоқ – Илк Ўрта асрларда ҳозирги Тошкент вилоятининг жанубида, Оҳангарон дарёси воҳасида мавжуд бўлган қадимий давлат. Пойтахти Тункат шаҳри бўлган. X аср охирларида Илоқ давлати Қорахонийлар давлати таркибига кирган. Чингизхон истилосидан сўнг Илоқ ерлари жалойирлар қабиласи тасарруфига ўтган.

Илоҳ – Аллоҳ, худо.

Илоҳиёт – Диний ақидалар ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўз ичига олган диний таълимот. Илоҳиёт фани ҳозир ҳам диний мадраса, институт ва университетларда ўқитилади. Исломда илоҳиёт илми “илми калом” деб аталади.

Илоҳиётшунос – Худо, дин ва диний ақидалар бўйича мутахассис, теолог.

Илу (элохим) – Финикияликлар ва семитларда олий худо, худолар ва одамлар отасию Ҳосилдорлик худоси сифатида эъзозланган.

Илғор (Илға) – VI–VIII асрларда туркий халқларда қўшиннинг олд томонидан борувчи ҳарбий қисм, авангард.

Имиж – Одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижтимоий объектга нисбатан юзага келадиган, идрок этиладиган объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий хулқ-атворга даъват этадиган муайян тўқима образ.

Имом – 1. Намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи диндор. 2. Ислом динининг суннийлик мазҳабида мусулмонларнинг олий раҳбари. 3. Ислом динининг шиалик мазҳабида энг юксак раҳнамо, яъни Ҳазрати Али ва унинг авлодлари.

Имом Ашъарий – 873-935 йилларда яшаб ўтган калом илмининг йирик вакили. *Яна қар.: Калом.*

Имоми Аъзам – 699-767 йилларда яшаб ўтган илоҳиёт олими, фақиҳ, муҳаддис, исломдаги ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг лақаби.

Имомийлар – Ислом динининг шиалик мазҳаби негизида вужудга келган диний оқим. Имомийлар Ҳазрати Али авлодига мансуб ўн икки имомни тан оладилар. Имомийларнинг ақидаларига кўра, ўн биринчи имом Ҳасан ал-Асқарий 873 йилда вафот этгандан кейин унинг ўғли Муҳаммад охириги ўн иккинчи имом сифатида тан олинган. Лекин Муҳаммад сирли равишда йўқолган. Имомийлар уни “яширинган имом”, яъни маҳдий деб эълон қилганлар. Имомийлик оқими тарафдорларининг ақидаларига кўра, Муҳаммад қайтиб келиши билан дунёда адолат тантана қилади.

Имом Маҳдий – Шиа мазҳаби таълимотига кўра, охириги имом.

Имомқулихон – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1611-1642 йиллар). Имомқулихон аштархонийлар давлати чегараларига хавф солиб турган кўчманчи қалмиқ ва қозоқ хонларига қарши тинимсиз кураш олиб борган. 1612 йили Имомқулихон қозоқларни тор-мор этиб, Тошкентни эгаллаган ва у ерда ўз ўғли Искандарни ноиб қилиб тайинлаган. Лекин Имомқулихон Тошкентни тарк этгани билан шаҳар аҳолиси кўзғолон кўтариб, Искандарни ўлдирганлар. Бунга жавобан Имомқулихон катта қўшин билан Тошкентга қайтиб келиб кўзғолонни шафқатсизларча бостирган, кўплаб шаҳарликлар ўлдирилган. Имомқулихон дарвешларни қўллаб-қувватлаган, ўз атрофига олимлар ва шоирларни тўплаган, ўзи ҳам шеърлар ёзган. У Ҳиндистон, Эрон ва Россия билан элчилик муносабатларини ўрнатган. Имомқулихон 1642 йилда кўзи кўр бўлиб, тахтни ўз укаси Надр (Нодир) Муҳаммадга топширган. Ўзи эса ҳаж сафарига кетиб, ўша ерда 1650 йилда вафот этган ва Мадинада дафн этилган.

Имом Ҳасан – Ислом дини шиа мазҳабининг буюк имоми. Муҳаммад Пайғамбарнинг набираси.

Имом Ҳусайн – Ислом дини шиа мазҳабининг буюк имоми. Муҳаммад Пайғамбарнинг набираси.

Имон – 1. Ислом таълимотига кўра, худога бўлган ишонч-эътиқод, кўнгилда ишониш ва тилда иқроор қилиш. Ислом дини ақидалари ва

талабларига эътиқод қилиш, ишониш ва бажариш. 2. Муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишониш, шу ишончни эътиқодга айлантириш.

Император – 1. Қадимги Рим империясида лашкарбошининг фахрий унвони. 2. Давлат, империя бошлиғи.

Империализм – Капитализмнинг йирик капиталистик монополиялар ҳукмронлик қиладиган энг юқори босқичи.

Империя – 1. Император бошчилигидаги йирик давлат. 2. Мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари устидан ўз ҳукмронлигини куч билан ўрнатган ва бу ҳукмронликни қаттиқ зулм ва эксплуатация тизими ёрдамида ушлаб турган мустамлакачи давлат.

Империяча тафаккур – Чор империяси даврида Россиянинг мустамлакасига айлантирилган ўлкалардаги маҳаллий халқларга нисбатан расмий маъмурият ва ҳукмрон доиралар томонидан амалга оширилган, қарам миллатларни иккинчи даражали миллатлар деб қарашга асосланган муносабат бўлиб, бу муносабат шўролар ҳукмронлиги йилларида ҳам давом эттирилган. Баъзи мустамлакачи бўлган мамлакатларнинг маълум доираларида ҳанузгача империяча тафаккур сарқитлари сақланиб қолган.

Империя шаҳарлари – Муқаддас Рим империясида бевосита императорга бўйсунган шаҳарлар. Империя шаҳарлари бундай шаҳарлар аҳолиси маҳаллий феодаллар – князь ва герцогларга эмас, тўғридан-тўғри императорга солиқ тўлаганлар.

Импичмент – “Импичмент” сўзи инглизча бўлиб, “танбеҳ бериш”, “айблаш” маъноларини англатади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда эса, бир қатор мамлакатларда олий мартабали давлат лавозимидаги шахслар томонидан содир этилган хатолари, жиноятлари учун жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби. Унга кўра, одатда, олий мартабали шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент)нинг қуйи палатаси кўриб чиқади ва хулосалар чиқаради. Ушбу хулосалар асосида қандай жазо бериш эса юқори палата ваколатига киради.

Импорт – Чет эл мамлакатларидан келтирилган моллар. Акси – экспорт.

Иммунитет – 1. Ўрта асрларда Ғарбий Европада феодалга тақдим этилган муайян ҳудудда айрим вазифаларни бажариш (суд қилиш, солиқ йиғиш каби) ҳуқуқи. Иммунитет қарам деҳқонларни ғайрииктисодий усул билан мажбурлаш ва уларни крепостнойга айлантириш усуллари билан бири бўлган. 2. Организмнинг доимий равишда ўз ички барқарорлигини сақлаши, турли хусусиятларга эга ташқи таъсирлардан, хусусан, инфекциялар кириб келишидан ҳимояланишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси. Юқумли касалликлар билан оғримаслик учун организмда мавжуд бўлган ички куч, қувват.

Инагурация – “Инагурация” сўзи лотинча бўлиб, “бағишламоқ”, “жалб” қилмоқ” маъноларини англатади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда эса, қадимги Римда бошланган, ҳозирги кунда ҳам аксарият мамлакатларда давом этаётган сайланган олий давлат раҳбари ўз вазифаларини бажаришга расман киришгани муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим.

Инанна – Қадимги шумерликларнинг ҳосилдорлик, севги худоси.

Инглиз-бурлар уруши – Англиянинг 1899-1902 йилларда Жанубий Африка ҳудудида мавжуд бўлган Трансвааль ва Оранжевая (Бур) республикаларига қарши олиб борган босқинчилик урушлари. XVII асрнинг 50-йилларида Голландиянинг Ост-Индия компанияси жанубий Африкада “Кап” деб номланган манзилгоҳ тузишган. Унда асосан голландияликлар, французлар ва германияликлар яшашган. Улар ўзларини дастлаб “бурлар”, кейинчалик “африканерлар” деб аташган. “Бур” (голландча) сўзининг маъноси “деҳқон”дир. Бурлар Герман тиллари гуруҳидаги африкаанс тилида сўзлашган. Африканерлар маҳаллий халқни ўз ерларидан сиқиб чиқара бошлаганлар. XVIII аср охири-XIX аср бошларида Англия Кап манзилгоҳини босиб олган. Бур (африканер)лар Кап манзилгоҳларини ташлаб шимолий ерларга кириб боришга мажбур бўлишган. XIX асрнинг 60-йиллари охирларида Жанубий Африка ҳудудида олмос конлари топилгач, инглизлар қитъанинг янги ҳудудларини шафқатсизларча босиб ола бошлаганлар. Натижада 1899-1902 йилларда Жанубий Африка ҳудудларида инглиз-бурлар уруши бўлиб ўтган. Инглиз кўшинлари томонидан бурларнинг мингдан ортиқ фермалари ёндирилган, кўплаб қорамол ва полизлари нобуд қилинган, 100 минг бурлар қамоққа олинган. Уларнинг кўп қисми ташналиқдан, очликдан ва касалликлардан вафот этишган. Шу тариқа Англия бурлар устидан ғалабага эришган. 1902 йилда томонлар имзолаган шартномага мувофиқ, Трансвааль ва Оранжевая республикалари Англия доминионлари, яъни Англияга қарам бўлган ўзини-ўзи бошқарадиган ҳудудларга айлантирилган. Англиянинг бурларга қарши уруши йилларида Германия Трансваални қўллаб-қувватлаган. Шунинг учун урушдан кейин Германия Англия учун биринчи рақамли душманга айланган. 1910 йилда Трансваал ва Оранжевая республикалари тугатилган, уларнинг ҳудудларида эса Англия томонидан тузилган Жанубий Африка Иттифоқи таркибига киритилган. Кейинчалик 1961 йилда Жанубий Африка Иттифоқи Жанубий Африка Республикасига айлантирилган.

Инглиз инқилоби – Англияда 1642-1660 йилларда бўлиб ўтган инқилоб. XVII асрнинг 20-30-йилларида Англияда икки қарама-қарши сиёсий куч: бир томондан, чекланмаган монархия тарафдорлари, иккинчи томондан, қирол ҳокимиятини чеклаш (парламент фаолияти орқали) тарафдорларининг муносабатлари кескинлашган. 1641 йилда Англия парламенти кўпчилик овоз билан “Буюк ремонстрация” деган ҳужжатни қабул қилган. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади Англияда конституцион монархия тузумини жорий этиш бўлган. Англия қироли Карл I (1625-1649 йиллар) “Буюк ремонстрация”ни имзолашдан бош тортган ва парламентни тарқатиб юбормоқчи бўлган. Лекин жойлардан Лондонга етиб келган минглаб халқ оммалари парламентни сақлаб қолишган. Шундан кейин Англияда инқилобий давр бошланган. 1642 йилнинг январида Англия қироли ўзига содиқ бўлган мамлакат шимолига жунаб кетган ва парламентга қарши уруш эълон қилган. 1642-1646 ва 1648 йилларда Англияда қиролни қўллаб-қувватлайдиган шимол ва парламент тарафдорлари бўлган жанубий-шарқ ўртасида фуқаролик урушлари бўлиб ўтган. 1646 йилда Карл I Шотландияга қочиб кетишга мажбур бўлган. Лекин шотландияликлар катта пул эвазига қирол Карл I ни Англия парламенти ихтиёрига топшириш-

ган. 1648 йилги фуқаролик уруши жараёнида қирол тарафдорларининг ҳарбий кучлари батамом мағлуб бўлишган. Шундан кейин парламент томонидан қирол Карл I ни суд қилиш учун махсус трибунал тузилган. Ушбу трибунал қарори билан қирол Карл I 1649 йилнинг 30 январида қатл этилган. Мамлакатда қирол ҳокимияти ва парламентнинг юқори (лордлар) палатаси йўқ қилинган. 1649 йилнинг 19 майида Англия республика деб эълон қилинган. Ижроия ҳокимияти вазифаларини парламент томонидан тузилган Давлат Кенгаши бажарган. 1653 йилга келиб Англиянинг бир палатали парламенти демократияга қарши сиёсат олиб борувчи кучга айланган. Бундан Оливер Кромвель фойдаланиб Англияда ҳарбий диктатура режимини жорий этган, ўзини эса Англиянинг лорд-протектори деб эълон қилган. 1658 йили Кромвель вафот этгандан кейин унинг ўғли Ричард Англия лорд-протектори бўлган. 1659 йилда эса Ричард ҳарбий диктаторлик лавозимидан воз кечган. Шундан сўнг Англияда ҳокимият генералитет кўлига ўтган. 1660 йил бошларида Англияда янги парламентга сайловлар ўтказилган. 1660 йил апрель ойида ўз ишини бошлаган Англия парламентининг биринчи қарори билан 1642-1647 йиллардаги фуқаролар уруши йилларида хориж мамлакатларда қочиб юрган Карл I нинг ўғли-кичик Карл Стюарт (Карл II)ни инглиз тахтига чорлаган. Англияда республика тузумига барҳам берилган ва инқилобий давр охирига етган. *Яна қар.: Оливер Кромвель.*

Индакчи – Бухоро амирлигида қозикалон ихтиёридаги ясовуллар бошлиғи.

Индивидуализм – Инсоннинг шахсий ҳаёти жамоага боғлиқ бўлмаган, фақат унинг ўзига тегишли алоҳида бир ходиса деб қарайдиган, жамият манфаатларидан инсон ҳуқуқларини мутлақ устун қўядиган фалсафий-ахлоқий таълимот, худбинлик.

Индра – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган веда динида момақалдироқ, чакмоқ ва ёмғир худоси. Кейинчалик подшо ҳокимияти ҳомийси ва олий худолардан бири сифатида ҳурмат қилинган.

Индукция – Жузъий факт, ҳодисалардан умумий хулосалар чиқариш. Акси-дедукция. *Яна қар.: Дедукция.*

Индульгенция – Христиан динининг католицизм мазҳабида мавжуд бўлган ёрлик. “Индульгенция” сўзи лотинча бўлиб, “авф”, “рахм-шафқат” маъноларини англатади. Католиклар ақидаларига кўра, Исо, Биби Марям ва авлиёлар амалларини қамраб олган “хайрли ва савобли ишлар хазинаси” мавжуд бўлиб, пул ёки тухфа эвазига черков шу хазинадан фойдаланиб, гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтиши мумкин. Шу ақидага асосланиб католик черкови XII асрдан бошлаб гуноҳкорларнинг гуноҳларини кечириш ҳақидаги ёрликлар – индульгенциялар ёрликларини тузиб, уни “гуноҳкорлар”га сотишни бошлаганлар. Индульгенция савдоси (XII–XIII асрлардан) черковнинг бойлик орттириш манбаларидан бири бўлган.

Индустрия – Оғир саноат, ишлаб чиқариш қуроли ва воситалари ишлаб чиқарадиган саноат.

Индустрлаштириш (индустриялаш) – Саноатлаштириш, мамлакатда йирик саноатни, энг аввало, ишлаб чиқариш ва машинасозлик қуроллари ва воситалари ишлаб чиқарадиган соҳаларни тараққий эттириш.

Инжил – Қар.: *Евангелие*.

Инжу – Ўрта асрларда Мўғулистонда хотин кишининг сепи (қармоғидаги кишилар билан бирга), шунингдек, чингизий шахзодаларнинг улус мулклари. Мас., Ўқтойхон Чигатойхонга Мовароуннаҳрни 1239 йили инжу тарзида берган.

Инквизиция – Христиан дини католик черкови томонидан эркин фикрли шахсларга, папа ҳокимиятининг ғоявий душманларига қарши курашиш мақсадида XIII асрда тузилган махсус суд-тергов муассасаси. Кўплаб олим, ёзувчи ва зиёлилар мавжуд сиёсий тизим ва черков доктринасининг ғоявий муҳолифатлари сифатида инквизиция қурбони бўлишган. Инквизиторлар сўроқ пайтида оғир жазо ва қийноқларни қўллашган. Инквизиция даврида жосуслик, айғоқчилик, ифвогарлик, сотқинлик авж олган. Жазога тортилганларнинг мол-мулки черковнинг хусусий мулкига айлантирилгани учун инквизиция черковга катта даромад келтириб турган. Машҳур инквизитор Торквемада 1483-1498 йилларда 9 мингдан ортиқ кишини тириклайин гулханда ёқтирган. Испан тарихчиси Хуан Антонио Льорентенинг маълумотига кўра, 1481-1808 йилларда Испанияда 31 913 киши тириклайин ёқилган, 29 145 киши девор ортида қолдирилиб суваб ташлаш, мол-мулк мусодараси жазоларига лойиқ топилган. Инквизиция судлари фаолияти 1835 йилда папанинг буйруғи билан тўхтатилган. 1965 йилда инквизицияга ўхшаш муассаса Диний таълимот конгрегацияси номи билан қайта ташкил қилинган.

Иноятнома – 1. Бухоро амирлигида амирга арз қилиб ёзилган хат, нома. 2. Бирор солиқ ва жаримадан озод қилинганлик ёки бирор имтиёз олганликни тасдиқловчи расмий ҳужжат.

Иноқ – 1. Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида “маслаҳатчи”, “вазир”ни англатган. 2. Бухоро амирлигида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII асрларда хонликда улуғ иноқ ва кичик иноқ бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра кўкалдош ва улуғ қушбеги (қушбеги калон)дан сўнг турган. Улуғ иноқ, асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Иноқи хурд амир номига келган хатларни қабул қилиб олиб, овоз чиқариб ўқувчи мансабдор шахс ҳисобланган. 3. Хива хонлигида юқори маъмурий мансаб; хондан кейинги иккинчи мартаба саналган ва бу лавозимга хоннинг биродарларидан бири тайинланган.

Инсон – Оламдаги бошқа биологик мавжудотлардан ажралиб турадиган муҳим хусусиятларга, яъни ақл, маънавият, маданият, ахлоқ, тафаккур, тил ва бошқа жиҳатларга эга бўлган ижтимоий вужуд, одам зоти.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси – 1789 йилда Францияда қабул қилинган ҳужжат. Унда олий ҳокимиятнинг манбаи миллат (яъни халқ) эканлиги таъкидланган, инсон озод ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилиши баён қилинган, мамлакат аҳолисининг ҳар бири ўзи ёки вакили орқали қонунлар

қабул қилишда, солиқларни белгилашда қатнашиш талаби изҳор этилган, сўз, ахборот эркинлиги, мулкдорлик ҳуқуқларини эълон қилиб, асосиз қамоққа олишларни қоралаган. “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси” XIX асрда Европа давлатларида қабул қилинган конституцияларнинг асосини ташкил этган. *Яна қар.: Буюк француз инқилоби.*

Инсон маънавияти – Инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолат ва унинг ижтимоийлашган шакллари; миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифода этадиган атама сифатида шахснинг ахлоқий, маданий, фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний тасаввурларини англатади.

“Инсон қиёфасидаги социализм” – Собиқ Чехословакияда “Прага баҳори” воқеалари жараёнида ўтказилган ислохотлар мақсадини ифода этадиган атама.

Инсон ҳуқуқлари – Одамларнинг муносиб тарзда яшаши ва фаолият олиб бориши учун лозим бўладиган ҳақ-ҳуқуқлар мажмуи. Инсон ҳуқуқлари ҳар бир давлатнинг Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларида белгиланиб, улар шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқларга: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи; ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот хизматлари, тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи; сиёсий ҳуқуқларга: давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йиғинлар ва намойишлар ўтказиш, уларда қатнашиш ҳуқуқи, касаба уюшмаси, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқи киради. 1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси” қабул қилинган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача бўлган даврда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро қонунчилик тизими – умумэътироф этилган стандартлар шаклланди.

Инспекция – Белгиланган қонун-қоидаларнинг тўғри бажарилиши устидан назорат олиб борувчи муассаса.

Инстинкт – Инсоннинг тилак, майл, тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлари йиғиндиси, рефлекслар.

Инструкция – *Қар.: Йўриқнома.*

Интеллект – 1. Кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўлалигича билишига асосланган ва у орқали намоён бўладиган фаолияти. 2. Инсоннинг тафаккур, фикр юритиш салоҳияти.

Интеллигенция – Ижтимоий тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосан ақлли меҳнат билан шуғулланадиган ижтимоий табақа.

Интендант – 1. XV–XVIII асрларда Францияда давлат бошқарувининг алоҳида соҳаси (савдо, молия ва бошқалар)ни бошқарадиган мансабдор шахс. XVII–XVIII асрларда, шунингдек, суд-полиция, молия ва баъзи жойларда қисман ҳарбий ҳокимиятни бошқарган вилоят интендантлари ҳам мавжуд

бўлган. 2. Куролли кучларда кўшин таъминоти масалаларини ҳал қилувчи мансабдор шахс.

Интервенция – Бир ёки бир неча давлатларнинг бошқа бир давлат ишларига зўравонлик билан аралашуви, курол билан бостириб кириши. Ҳарбий (куролли), иқтисодий, сиёсий интервенциялари бўлиши мумкин. Халқаро ҳуқуқда интервенциянинг ҳар қандай кўриниши ва шакллари тақиқланган.

Интердикт – Католик черковида папа ёки епископ томонидан жорий этилган тоат-ибодат ва диний маросимларни вақтинчалик тақиқлаш.

Интернационализм – Турли миллат, ирқдаги кишиларнинг халқаро бирдамлигини ифода этадиган тушунча. Интернационализмнинг туб моҳиятини инсонпарварлик, халқаро ҳамдўстлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби умуминсоний тамойиллар ташкил қилади. “Интернационализм” тушунчасини синфий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан таърифлаш унинг умуминсоний моҳиятини сохталаштиришга сабаб бўлади. Мас., коммунистик мафкурага кўра, интернационализм империализмни тугатиш ва коммунизм куриш учун курашда ишчилар ва барча меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва ҳамкорлиги назарда тутилган.

Интернет – 1. Катта (глобал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи. 2. Турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узоқ масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, телетасвир айирбошлаш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахборот воситаси ва дастури.

Интерпол – Оғир жиноятларга қарши биргаликда курашиш учун 1919 йилда тузилган халқаро ташкилот. 1956 йилда Интерполнинг янги низоми қабул қилинган. 160 га яқин давлат унинг аъзоси ҳисобланади. Интерполнинг доимий ишчи органи унинг бош котибиятидир. Интерпол билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни таъминлаш учун ҳар бир давлат миллий марказий идора ташкил этади. Штаб-квартираси Лион (Франция)да жойлашган.

Интуиция – Ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз бевосита англаб олиш қобилияти.

Инфант (Инфанта) – Испания ва Португалия (1910 йилгача)да барча шахзода ва маликаларга берилган унвон. XIV асрдан Арагон, Кастилия, Леон ва Наварра кироликларида тахт ворислари “шахзода” деб аталган, киролик оиласининг бошқа фарзандларига инфант унвони берилган.

Инфляция – Мамлакатда муомаладаги қоғоз пуллар сонининг талабдан ортиқ кўпайиб кетиши ва шунинг натижасида уларнинг қадрсизланиши.

Ин Чжэн – Цинь империяси ҳукмдори. Унинг ҳукмронлиги даври (мил. ав. 246-210 йиллар)да Цинь давлатининг буткул бирлашуви амалга оширилган.

Инқилоб – Табиат, жамият ёки тафаккур ривожига рўй берадиган туб сифат ўзгариши, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига кескин тарзда, сакраш йўли билан ўтиш жараёни. Инқилоб ижтимоий, сиёсий, геологик,

илмий-техникавий, маданий соҳалар моҳиятини англатувчи таянч сифат ўзгаришларини белгилайдиган атама сифатида қўлланилади.

Иоанн – Англия қироли (1199-1216 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида феодалларнинг марказ ҳокимиятига қарши курашлари кучайган. Ўз кучига қаттиқ ишонган Иоанн унинг олдида гуноҳкор бўлган баронлар ерларини тортиб ола бошлаган, ўз вассалларидан эса катта маблағлар ундирган. Натижада 1215 йил баҳорида баронлар Иоаннга қарши уруш бошлаганлар. Баронларни руҳонийлар, шаҳарликлар ва рицарлар қўллаб-қувватлашган. Қирол Иоанн баронлар томонидан тузилган 63 моддадан иборат “Буюк озодлик хартияси”ни имзолашга мажбур бўлган. Ушбу хартиянинг аксарият моддалари баронлар ва черков феодалларининг манфаатларини ҳимоя қилган. Уларга кўра, қирол черков озодлигига риоя этиши, вассаллардан анъаналарда ўрнатилган миқдордан кўп маблағ олмаслиги, баронларни зиндонга ташламаслик ва уларнинг мол-мулкларини мусодара этмаслиги кўзда тутилган. Барча озод кишиларга қирол маъмурларининг ўзбошимчаликлари ва асоссиз жарималардан ҳимоя этиш ваъда этилган.

Иоанн II – 1319-1364 йилларда яшаб ўтган. 1350-1364 йилларда Франция қироли.

Иоанн XII – Рим папаси. Оттом I га император тожини кийгизган.

Иоанн Цимисхий – 925-976 йилларда яшаб ўтган. 969-976 йилларда Византия ҳукмдори бўлган.

Ипполита – Қадимги Юнонистон мифологиясида амазонкаларнинг қироличаси.

Ирида – Қадимги юнонларнинг камалак худоси.

Ирод – Яҳудия подшоҳи (мил. ав. 73-4 йиллар).

Иродлар – Римликлар томонидан Фаластин ерларида ҳукмронлик қилиш учун тайинланган маҳаллий сулола.

Ироқ султонлиги – XII аср бошларида салжуқийлар давлатининг бўлиниб кетиши натижасида унинг ғарбий қисмида вужудга келган давлатнинг номи.

Иршод – Тўғри йўлга ҳидоят этиш, йўлбошчилик қилиш.

Иршоднома – Тўғри йўлга ҳидоят этувчи дастур, қўлланма, панд-насихат.

Ирқий дискриминация – Мустамлака ва қарам мамлакатлар аҳолисининг ҳуқуқсизлиги, камситилиши, асоратда яшаши.

Ирқлар – Кишиларнинг ташқи қиёфаси, гавдаси, насли, келиб чиқишидаги ўхшашликларга қараб ажратилган гуруҳлар. Ер юзида жойлашган минтақалар, иқлим шароитлари, географик омиллар, озиқ-овқат истеъмоли хусусиятларига кўра илм-фанда учта йирик ирқ-негроид, европоид ва монголоид ажратиб кўрсатилади.

Ирқчилик – Одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги билан оқлашни тарғиб этадиган ғайриинсоний таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик-ирқий белгилари билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму кўст ва норасо ирқларга ажратадилар. Унга кўра, олий ирқлар жаҳонда хўжайинлик қилиши, қолганлар эса уларга хизмат

қилиши, бўйсунуши шарт. Фашистлар Германияси “олий герман ирқи” ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида Иккинчи жаҳон урушини бошлашган.

Исаведник, Эдуард – Англ-сакс давлатининг ҳукмдори (1042-1066 йилларда). Эдуард Исаведник 1042 йилда Англ-сакс давлатини данияликлар тасарруфидан озод этишга муваффақ бўлган. Эдуарднинг ҳокимияти кучсиз бўлган. Англ-сакс зодагонларининг бир қисми данияликларга мойил бўлса, Эдуарднинг ўзи бошчилигидаги иккинчи бир қисми эса, француз-норман герцоги Вильгельм I билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилишган. Эдуард ўлганидан кейин Нормандия герцоги Вильгельм I “Эдуард васияти”ни пеш қилиб, 1066 йилда кўп сонли норманд, француз ва итальян кўшинлари билан Англияга бостириб кирган ва ўзини Англия қироли деб эълон қилган.

Исавий – Христиан динига сиғинадиган киши, насроний.

Исаврлар сулоласи – Византияда 717-802 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Византия тахтида ўтирган сулола вакиллари: Лев III Исавр (717-741 йилларда бошқарган); Константин V (741-775 йилларда бошқарган), Лев III ўғли; Артавазд (узурпатор: 742-743 йилларда бошқарган), Лев III қизи Аннанинг эри; Лев IV Хазар (775-780 йилларда бошқарган), Константин V ўғли; Константин VI Кўр (780-797 йилларда бошқарган), Лев IV ўғли; Ирина (797-802 йилларда бошқарган), Лев IV бева аёли, Константин VI онаси.

Исида (Изида) – Қадимги мисрликларнинг ҳосилдорлик, сув ва шамол худоси, денгизчилик ҳомийси.

Исида ибодатхонаси – Мисрнинг Филе оролида мавжуд бўлган ибодатхона. Византия императори Юстиниан I фармони билан ёпилган ва ундаги Миср худолари ҳайкаллари Константинополга олиб кетилган.

Искандария – *Қар.: Александрия.*

Ислом дини – Буддизм ва христианлик билан бир қаторда жаҳоний динлар қаторига киритилган дин. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабча “муслим” (“садоқатли” кўпчилиги “муслимун”) деб аталади. Ислом дини VII асрда Ҳижоз (ҳозирги Саудий Арабистоннинг ғарбий қисми)да вужудга келган. Ушбу диннинг асосчиси Муҳаммад Пайғамбардир. Муқаддас китоби “Қуръон” ҳисобланади. Исломнинг асосий ақидаси – “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”. Ислом дини 5 асос ёки устун (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) иймон келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж сафарини амалга ошириш. Иймон 7 та ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишни ўз ичига олади.

Ислом дини тарихининг Бағдод (Эрон-Месопатамия) даври – Аббосий халифалар сулоласи ҳукмронлиги (750–1258 йиллар) даври.

Ислом дини тарихининг Дамашқ (Сурия) даври – Умавий халифалар сулоласи ҳукмронлиги (661–750 йиллар) даври.

Ислом дини тарихининг Макка-Маданий даври – Исломдан олдинги ва Ислом дини пайдо бўлиши (VI–VII асрлар) даври.

Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) – 1969 йилнинг 25 сентябрида Работ шаҳри (Марокаш)да мусулмон давлатлари раҳбарларининг биринчи

саммитида ҳудудлараро халқаро ташкилот сифатида ташкил этилган. Ислом ташкилоти конференциясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, ирқий камситишларга, колониализм (мустамлакачилик)нинг барча шаклларига чек қўйиш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оқилона ёндошиш ва ҳоказо. Ҳозирда ушбу ташкилотга 55 та давлат аъзо, шу жумладан Ўзбекистон ҳам. Ислом конференцияси ташкилотининг тузилиши Конференция, Давлат ва ҳукумат бошлиқлари, Бош котибият ва Ташқи ишлар вазирлари конференциясидан иборат.

Ислом мазҳабчилиги – Ислом динидаги турли оқим ва фирқаларнинг умумий номи. Ислом мазҳабчилиги Қуръон ва ҳадисни турлича талқин қилиш, ислом тарихида ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний ҳаётнинг бошқа соҳаларида юз берган ихтилофлар натижсида вужудга келган.

“Ислом социализми” – Муаммар Каддафий ҳукмронлиги даврида (1979-2011 йиллар) Ливияда амалга оширилган ислохотларнинг номланиши.

Ислох (Ислохот) – Илғор янгиликни жорий этиш, реформа.

Исмоилийлар – VIII аср ўрталарида Ислом дини шиалик йўналишида шаклланган диний оқим тарафдорлари. X-XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Исмоилийлар халифалик тахтини эгаллаган аббосийлар сулоласига қарши чиққанлар. Бу курашга шиалик йўналиши имоми Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли Исмоил раҳбарлик қилган. Шунинг учун имом Жаъфар ўғли Исмоилни тахт ворислигидан маҳрум этиб, кичик ўғли Мусо ал-Козимни ворис қилиб тайинлаган. Бундан норози бўлган Исмоил тарафдорлари имом Жаъфар вафотидан кейин Муҳаммад ибн Исмоилни имом деб тан олганлар. IX аср охирларига келиб, исмоилийлар алоҳида диний оқим сифатида шаклланган. Улар махфий уюшмалар тузишган. Кейинчалик исмоилийлар орасидан низорийлар, мустаълийлар, друзлар, қарматлар мустақил диний оқим сифатида ажралиб чиққан. Ҳозирги вақтда исмоилийлар тарафдорлари Тожикистоннинг тоғли Бадахшон, Сурия, Эрон, Афғонистон, Яман, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Ливан ҳудудларида сақланиб қолган.

Исмоил I Сафавий – Сафавийлар давлатининг асосчиси (1502-1524 йиллар).

Исмоил Сомоний – 849-907 йилларда яшаб ўтган Сомонийлар давлатининг асосчиси ва йирик вакили (893-907 йилларда ҳукмронлик қилган). *Яна қар.: Сомонийлар давлати.*

“Испания мероси” – Испания тахти ва унинг мулкларига эгалик қилиш ҳамда Европада сиёсий устунликка эришиш мақсадида олиб борилган уруш (1701-1714 йиллар). Испаниянинг сўнгги габсбург-ҳукмдори) Карл II нинг вафоти (1700 йили)дан сўнг бошланган. Франция Карл II нинг вориси йўқлигини баҳона қилиб Испания тахтига Людовик XIVнинг набираси Филипп Бурбонни ўтказган. Шунда Буюк Британия, Голландия, Австрия, Пруссия ва бошқа давлатлар ўзаро урушиб, мазкур француз-испан иттифоқига қарши чиққан. Икки ўртадаги уруш Утрехт (1713 йили) ва Раштат (1714 йили)

сулҳ шартномалари билан яқунланиб, натижада Испания Европа ва Шимолий Америкадаги бир қатор мулкидан маҳрум бўлган.

Исправник – Россия империясида уезд полицияси бошлиғи.

Исроил шоҳлиги – Мил. ав. 935 йилда Исроил-яхудия шоҳлиги бўлиниб кетгандан кейин унинг шимолида вужудга келган давлат.

Исроил-Яхудия шоҳлиги – Яхудийларни дастлаб “бени йамин” (“беньямин”) деб аташган. Бени йаминлар исроиллик ва иудейларга бўлинган. Библияда келтирилишича, исроилликлар ва иудейлар бир мамлакатдан бошқасига узоқ муддат кўчиб юрганлар. Улар Мисрда бўлганларида Мусо (Моисей) Пайғамбар бошчилигида Сенай ярим оролидан Фаластинга кириб келганлар. Мил. ав. XIII асрда исроилликлар Фаластиннинг кўп қисмини ўз тасарруфларига киритгандан кейин асосан мамлакатнинг шимолий қисмида, иудейлар эса жанубда жойлашганлар. Исроилликлар ва иудейлар томонидан маҳаллий халқ бўлган ханаанлар қирғин қилинган. Фаластин худуди бутунлай исроил-иудейлар кўлига ўтган бўлса ҳам, 200 йилдан кўпроқ вақт ичида ханаанлар Қуддусда ўз мустақиллигини сақлаб қолишган. Бунинг сабаблари қалъа деворларининг мустаҳкамлиги ва қулай тепаликда жойлашгани, ханаанларнинг қаҳрамонлиги бўлган. Исроил-яхудийларнинг етук дин арбоби Самуил халқ мажлисида Саул деган ҳарбий кишини “қуръа ташлаш йўли билан” шоҳ лавозимига “сайлантирган”. Саул тарқоқ исроил-иудей қабилаларини бирлаштирган бўлса-да, унинг ҳукмронлиги мустаҳкам бўлмаган. Самуил Саулнинг қатъийсизлигини кўриб, ҳокимиятни Давидга олиб берган. Давид Саулнинг қайнотаси бўлган. У шоҳ мавқеини мустаҳкамлаган, Қуддусни ишғол этиб, Исроил-Яхудия давлатининг пойтахтига айлантиришга муваффақ бўлган. Шунинг учун тарихда Давид Исроил-Яхудия давлатининг асосчиси ҳисобланади. Давиднинг ўғли бўлган Соломон ҳукмронлиги даврида маъмурий идоралар мустаҳкамланган, ташқи савдо ривож топган, қурилиш ва архитектура юксалган, Қуддусда Яхве худоси шарафига улкан ибодатгоҳ ва бошқа иншоотлар қурилган. Соломон, бир томондан, оқил ҳукмдор ва қози, адиб сифатида шуҳрат қозонган бўлса, иккинчи томондан, унинг ҳукмронлиги даврида солиқлар кўпайтирилган, бедодгарлик ва порахўрлик кучайган. Бундан, айниқса, мамлакат шимолида яшаётган халқлар кўп азият чекишган. Шунинг учун Соломон вафотидан кейин (мил. ав. 935 йили) мамлакатнинг шимолида марказий бошқарувга қарши кўзғолон бошланган. Натижада шимолда алоҳида Исроил шоҳлиги пайдо бўлган. Унинг пойтахти Самария шаҳри бўлган. Давид таъсис этган давлат эса “Яхудия (Иудей) шоҳлиги” деб номланган. У олдинги Исроил-Яхудия давлатининг жанубида жойлашган. Унинг пойтахти Қуддус бўлган. Бу икки давлатларнинг мустақил мавжудлиги узоқ давом этмаган. Мил. ав. 722 йилда Исроил шоҳлиги оссурияликлар томонидан ишғол этилган. Самария шаҳри вайронага айлантирилган, аҳолиси асирликка туширилиб, ҳайдаб кетилган. Уларнинг ўрнига Оссуриядан халқ кўчириб келтирилган. Мил. ав. 586 йилда Қуддус шаҳри ҳам Бобил подшоси Навуходонсор II томонидан вайрон қилинган, яхудийларнинг катта қисми асир қилиб олиб кетилган, қолган қисми эса Мисрга қочиб кетишган. Бу воқеа кейинчалик тарихда “Бобил асирлиги” деб аталган. Мил. ав. 539 йилда

форслар шоҳи Кир II Бобилни забт этган ва иудейларга ўз мамлакатларига қайтишга, Қуддусни қайта тиклашга рухсат берган. Библия (Инжил)да келтирилган маълумотларга қараганда, 42 минг 369 яҳудий ўз ватанларига қайтиб келишган. Яҳудийларнинг асосий қисми эса Миср ва Месопотамияда қолиб кетишган. Лекин исроил-иудейлар ўз давлат тузумини қайта тиклай олмаганлар. Кейинчалик Фаластиндаги яҳудий жамоалар Македониялик Александр салтанати таркиби, у вафот этгандан кейин эса, дастлаб птоломейлар, сўнгра салавкидлар тасарруфларига тушишган. Мил. ав. 64 йилда Қуддус Рим саркардаси Помпей томонидан забт этилган.

Исрофил – Ислом динидаги тўрт фаришталардан бири. Исрофилга қиёмат куни келганини билдириб, карнай чалиш вазифаси юклатилган.

Истехком – Душмандан сақланиш учун қурилган мустаҳкам тўсиқ, ғов, девор, қалъа ва шу қабилар.

Истибдод – Босиб олинган халқ ёки юртни турли йўл ва воситалар билан тутқунликда сақлаб қолишга қаратилган хатти-ҳаракат ёки фаолиятлар тизими. Истибдод ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Истибдод моҳиятини босқинчилик, зулм ва зўравонлик ташкил этади.

Истило – Қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш, забт этиш.

Истилоҳ – Термин, атама.

Истилоҳот – Атамалар, терминлар, терминология.

Истиқлол – Мустақиллик.

Истиқлолчилик ҳаракати – Марказий Осиёда совет ҳукуматига қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган ҳаракатнинг умумий номи. Собиқ Совет Иттифоқида истиқлолчилик ҳаракати (1918-1938/1942 йиллар) “босмачилик” деб аталган.

Истиҳола – Андиша қилиш, мулоҳаза, тортиниш.

Исҳоқ бошчилигидаги қўзғолон – 755 йилда Абу Муслим учун ўч олиш мақсадида аббосийлар сулоласи халифалигига қарши Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган қўзғолон.

Исҳоқ, Сафиуддин – 1252-1334 йилларда яшаб ўтган сафавийлар сулоласининг асосчиси. Шайх. Суфизмдаги сафавия тариқатининг асосчиси.

Иттифоқ – Блок. Бирлашма.

“Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти – 1889 йилда Истанбул шаҳрининг ҳарбий тиббиёт билим юрти курсантлари томонидан тузилган махфий сиёсий ташкилот. Бу ташкилотнинг асосий мафкурачиси Зиё Гукалп бўлган. “Иттиҳод ва тараққий”нинг асосий мақсадлари султон Абдулҳамид II истибдодини конституцион тузум билан алмаштириш, ажнабийлар ҳукмронлигига қарши кураш ва Туркияда демократик жамият қуриш бўлган. Абдулҳамид II “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотини таъқиб қилган. 1897 йили ташкилотнинг раҳбарлари устидан суд жараёни уюштирилган. Суд қарори билан 13 киши қатл этилган, 69 киши каторга ишларига маҳкум этилган. Шу вақтлардан бошлаб “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти тарафдорларини асосан “Ёш турклар” деб аташа бошлашган. 1902 йили Парижда “Ёш турклар”нинг

биринчи таъсис съезди бўлиб ўтган. Съезднинг асосий талаби Туркияда конституцияни жорий этиш бўлган. “Ёш турклар” аъзолари ичида стратегик масалалар бўйича турли ёндошувлар мавжуд бўлган. Съезд аъзоларининг бир қисми Европа йўлидан бориш тарафдори бўлишган. “Ёш турклар”нинг бошқа қисми эса пантуркизм ва панисломизм ғоялари асосида анъанавий йўл билан тараққий этишни таклиф қилишган. Съездда вужудга келган учинчи гуруҳ эса Мустафо Камол атрофида бирлашишган. Бу гуруҳ “Ватан” деб ном олган. Унга ватанпарварлик руҳиятидаги ҳарбийлар кирган. 1908 йилда “Ёш турклар” ташкилоти партиёга айлантирилган. 1908 йилда Туркияда ғалаба қозонган инқилоб натижасида “Ёш турклар” партиясининг аъзолари Туркия ҳукуматида юқори лавозимларни эгаллашган. 1911-1912 йиллардаги Италия-Туркия урушидаги мағлубият “Ёш турклар” ҳукуматининг мавқеини заифлаштирган. Бундан фойдаланган “Ёш турклар”га муҳолиф бўлган “Хуррият ва иттиҳод” (“Озодлик ва бирлик”) ташкилоти 1912 йилда Туркияда ҳокимият тепасига келган. Лекин 1913 йилнинг январь ойида “Ёш турклар” мамлакатда ҳарбий тўнтариш уюштириб яна ҳокимиятни қўлга олишган. Биринчи жаҳон урушида Туркия мағлуб бўлгандан кейин 1918 йилда “Ёш турклар” ҳукумати истеъфога чиққан. Шундан кейин Туркияда “Ёш турклар”нинг фаолияти тақиқланган. 1922 йилда “Ёш турклар” партиеси қайтадан тикланган. 1926 йилда партиа аъзолари Мустафо Камол Отатуркка қарши суиқасд қилинганликда ноҳақ айбланган. “Ёш турклар” партиеси аъзоларидан тўрт киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Шундан сўнг ушбу партиа ўз фаолиятини тугатган.

Иудаизм дини (Яҳудийлик) – Яҳудийларнинг дини. “Иудаизм” сўзи яҳудо (иуда) қабиласининг номидан олинган. Иудаизм мил. ав. биринчи мингйилликнинг бошларида Қуддус (Фаластин)да вужудга келган. Дастлаб иудаизм кўпхудолик (политеистик) дин бўлган. Мил. ав. X-VI асрларда Иудаизм яккахудолик (монотеистик) динга айланган. Иудаизмнинг асосий ақидалари куйидагилардан иборат: оламни яратувчи худо Яхвега эътиқод қилиш, яҳудийлар худонинг мумтоз бандалари эканлигига ишониш, Мусо (Моисей)нинг пайғамбарлигига ва унга илоҳий китоб Таврот юборилганига ишониш, нариги дунё борлигига, маҳдий (мессия)нинг келишига, жаннат ва дўзахга, гуноҳкорларнинг жазоланиши ва савоб иш қилганларнинг рағбатлантирилишига ишониш. Иудаизмнинг асосий диний китоблари Таврот ва Талмуддир. Иудаизмда қадим замонлардан бошлаб хилма-хил мазҳаб ва оқимлар вужудга келган. Улар ўртасида кескин курашлар бўлиб ўтган. Милодий I-II асрларида шу оқимларнинг бири саналган яҳудий-христиан секта (оқим)лари борган сайин иудаизмдан йироқлашиб бориб, ундан ажралган ва кейинчалик мустақил христиан дини сифатида шаклланган. Иудаизм дини худо расмини чизиш, санамларга сиғинишни ман этган. Қурбонлик келтиришга фақат Қуддус ибодатгоҳида руҳсат берилган.

Ифтор – Ислом таълимотига кўра, рўза тутган одамнинг оғиз очиши билан боғлиқ бўлган диний маросим.

Ифторлик – Ислом таълимотига кўра, рўза кунлари рўза тутган одамларни, диндорларни ифтор қилдириш, яъни уларга зиёфат бериш билан боғлиқ диний маросим.

Ихтилоф – Қарама-қаршилик, келишмовчилик, зиддият, низо.

Ихшид – Суғд ва Фарғона подшолари унвони (V–VIII асрлар). Илк Ўрта асрларда Мовароуннаҳр 15 дан ортиқ майда ҳокимликларга бўлиниб кетган. Улар турли номлар билан юритилган. Бухоро воҳасида бухорхудотлар ва вардонхудотлар, миёнқолда дабусшоҳлар, Уструшонада афшинлар, Чоч ва Илоқда будун, тудун ва бошқалар. Бу кичик давлатлар орасида Суғд ихшидлари энг қудратли саналган. Уларнинг пойтахти Самарқанд бўлган. Ихшид атрофига шахсий қуролли лашкарлар – чокарлари бўлган бадавлат деҳқонлар тўпланган. Суғд ихшиди Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган Самарқанд, Иштихон, Маймурғ, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшаб мулкларини бир иттифоққа бирлаштирган. Мовароуннаҳр Араб халифалигига киритилган, ихшид унвони бекор қилинган.

Ихэтуань ташкилоти – Хитойда XIX аср охирларида махфий тарзда тузилган ташкилот. Хитойча “ихэтуань” сўзи “боксчилар” маъносини англатади. 1898 йилда Хитойда Европа мамлакатлари истибдодига қарши бўлиб ўтган йирик қўзғолонда Ихэтуань ташкилоти аъзолари ва унинг жанговар гуруҳлари фаол қатнашганлар. Боксчи гуруҳларда қатъий интизом мавжуд бўлган. Улар Хитойдаги хорижий консулликларга, фирмаларга, миссионерлик ташкилотларга ҳужумлар уюштиришган. Қўзғолончилар томонидан Пекин шаҳри ҳам қўлга киритилган. Бунга жавобан Германия, Австро-Венгрия, Буюк Британия, Япония, Америка Қўшма Штатлари, Чор Россия, Италия давлатлари Хитойга қарши интервенция бошлаб, 1900 йилда Пекинни ишғол этганлар ва Хитойда ўз таъсирларини сақлаб қолганлар. Интервенция жараёнида мустамлакачи давлатлар қўшинлари маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсиз бўлишган, қўзғолончиларни қўллаб-қувватлаган шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қилишган. Боксчилар қўзғолонлари бостирилгандан кейин, Хитой хорижий Ғарб мамлакатларга катта миқдорда контрибуция тўлаган, мустамлакачилар ўзларининг консуллик ва сафоратхоналарини ҳимоя қилиш баҳонасида Пекинда ўз қўшинларини қолдиришган, хитойликларга қурол олиб юриш ман этилган. Шундан кейин XX аср бошларида Хитой яриммустамлака мамлакатга айланган.

Ичкилар – Мовароуннаҳрда (темурийлар, шайбонийлар) ва Ҳиндистонда (бобурийлар) ҳукмдор саройида хизмат қилувчи навкарлар, хос кўриқчилар, мулозимлар ва беклар. Асосан, ҳукмдорга яқин ва содиқ зодагонлар сафидан ўрин олган ичкилар зарур вақтларда ҳарбий ҳаракатларда ҳам иштирок этган.

Ишлаб чиқариш воситалари – Меҳнат предметлари ва қуролларини ифодаловчи тушунча.

Ишлаб чиқарувчи кучлар – Ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш малакаси, тажриба, малака, фан ютуқлари ва ҳоказолар мажмуи.

Иштар – Қадимги ақкадликларнинг ҳосилдорлик, муҳаббат ва уруш худоси. Шумерликларнинг Инанна худосига тўғри келади.

Ишчи аристократияси – Ишчиларнинг юқори даромад оладиган қатлами. XIX аср ўрталарида Буюк Британияда вужудга келган.

Ишчилар ва аскарлар депутатларининг Шўролари (Советы) – Россияда 1917 йилнинг февраль ойида ғалаба қозонган буржуа-демократик инқилобидан кейин инқилобий кучлар орасида ташкил этилган ҳукумат.

Ишчи уйлари – Европанинг қатор мамлакатларида XVII аср охири–XX аср бошларида синфсизлашган қатламларни мажбуран ушлаб туриш мақсадида тузилган махсус қўналғалар. XVII–XVIII асрларда Буюк Британияда кенг тарқалган.

Иқтидор – Куч-қудрат, кодирлик.

Иқтисодиёт – 1. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол соҳасидаги муносабатлар. 2. Бирон-бир мамлакатнинг миллий халқ хўжалиги ёки унинг маълум тармоғи, мас., транспорт иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) – 1964 йилда ташкил этилган. Қароргоҳи Техрон шаҳрида жойлашган. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг мақсади унга аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларни таъминлашдир. ИХТни дастлаб Эрон, Покистон ва Туркия мамлакатлари таъсис этишган. 1992 йилда ушбу ташкилотга Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистон мамлакатлари қўшилишган.

Иқтоъ – Мусулмон Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлар томонидан лашкарбошиларга, уларнинг қариндошларига, зодагонларга уларнинг алоҳида хизматлари эвазига инъом этиладиган ер. Иқтоъ эгаси “иқтодор” деб аталган. Иқтоъ ерлари умрбод берилмай, ҳукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа кишига тортиқ қилиши мумкин бўлган. Темурийлар даврида иқтоъ ўрнига “тиул” ва “суюрғол”, бобурийлар даврида эса “жоғир” атамалари қўлланилган. *Яна қар.: суюрғол.*

–Й–

Йазидлар – Диний секта тарафдорлари. Йазидлар диний таълимотида христианлик, иудаизм ва ислом динларининг таъсири бор. Йазидлар ягона худо Йазиданни тан олишади, Библия ва Куръонни муқаддас китоблар деб билишади. Улар христианлар ва мусулмонлар томонидан қаттиқ таъқиб этилган. Ҳозирги Туркия, Эрон, Ироқ, Арманистон ва Грузияда яшайдиган курдларнинг бир қисми йазидлар таълимотининг издошларидир.

Йатғоқ – Қорахонийлар даврида ҳукмдорнинг шахсий кўриқчиси.

Йизак – Қорахонийлар даврида кўшиннинг авангарди.

Йилнома – Ўтмишдаги энг муҳим вақеалар тартиб билан баён этилган тарихий асар, солнома.

Йиғин – Йиғилиш, мажлис.

Йоменлар – Ўрта асрларда Англияда шахсан озод майда ер эгалари. Жентридан фарқли ўлароқ, ерни ўзлари ишлашган. Салиб юришлари давридан рицарларнинг ёш қуролланган хизматкорлари “йоменлар” деб атала

бошланган. XV асрга келиб атама ўз хўжалигини мустақил юритган барча деҳқонларга нисбатан қўлланилган.

Йортуғ – Қорахонийлар даврида махсус сараланган ҳарбий қисм. Йортуғ ҳукмдорнинг атрофида бўлиб, уни хавф-хатардан ҳимоя қилган.

Йосол – Ўрта Осиё хонликларида қўшинни ҳарбий юриш ва жанг олдидан кўриқдан ўтказиш.

Йўлбошчи – Умумхалқ ва халқаро миқёсда эътироф этилган атоқли сиймо.

Йўриқнома – Бирор ишни бажариш тартиби, йўл-йўриғини кўрсатадиган расмий ҳужжат, инструкция.

Йўқсил – Камбағал, қашшоқ.

–К–

Кабальерос – Ўрта асрлар Испаниясида рицарлик. Реконкистанинг бошланғич даврларида ўз ҳисобидан қуролланган отлик аскарлар шундай аталган. XII аср арафасидан кортес қарорлари ва бошқа расмий ҳужжатларда “идальго” атамаси билан бир хил маънода қўлланилган.

Кабир – Катта, улуғ.

Кабиса – Ҳижрий-шамсий йилида тўлиқ 366 кундан иборат йил. Одатда, тўрт йилда бир келади, унда февраль ойи 29 кундан иборат бўлади.

Кабрал, Педру Алвариш – 1460-1526 йилларда яшаб ўтган португалиялик денгизчи. 1500 йилда унинг бошчилигидаги экспедиция Бразилия қирғоқларига етиб келиб, бу ерларни Португалия қироли ерлари деб эълон қилган.

Кабудбари – Ўрта Осиё хонликларида беда, маккажўхори, кўқонжўхори, ловия, мош ва шунга ўхшаш экинлардан ундириладиган солиқ. У ҳосилнинг учдан бир қисми ҳажмида бўлган.

Кавалер – Ўрта асрларда Ғарбий Европада рицар, диний-рицарлик ордени аъзоси; XVIII асрдан зодагонлик унвонига айланган.

Кавалергардлар – Рус гвардиясида XVIII–XX аср бошларида имтиёзли кавалерия қисми. Дастлаб 1724 йилнинг 30 мартида Екатерина I нинг тантаналар пайтидаги фахрий қоровули сифатида пайдо бўлган.

Кавалерия – Отлик аскарлар, суворийлар. Қурукликдаги қўшин тури. Қадимда ва Ўрта асрларда қўшиннинг асосий тури ҳисобланган. XIX асрнинг ўрталарида ҳарбий техниканинг ривожланиши натижасида кавалериянинг аҳамияти пасайган.

Кавказорти Социалистик Федератив Совет Республикаси – 1922-1936 йилларда мавжуд бўлиб, ўз таркибига Озарбайжон, Арманистон ва Грузия давлатларини қамраб олган давлат тузилмасининг номи.

Кавсар – Ислом таълимотига кўра, жаннатдаги бир ажиб дарё ёки ҳовузнинг номи. Унинг суви асалдан тотли, қор ва сувдан оқ. Ундан ичган киши абадий чанқамайди.

Кадетлар – 1. Ўрта асрларда Франция ва Пруссияда офицерликка эришгунча оддий аскар бўлиб хизмат қилувчи ёш дворянлар. 2. 1917 йилга қадар Россия ҳамда баъзи чет давлатларда кадет корпуслари талабалари унвони. Бухоро амирлигининг валиаҳди Олимхон Петербургдаги Николаев

кадет (пажлар) корпусида 1893-1896 йилларда ҳарбий таълим олган. XX асрнинг 80-йилларида эса Америка Қўшма Штатлари, Франция ва бошқа давлатларда ҳарбий ўқув юртлари курсантларининг унвони бўлган. 2. Россияда ташкил топган конституцион-демократлар партиясининг аъзоси.

Кадивар – Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда иқтисодий жihatдан бой табақага бутунлай қарам бўлган шахс. Заминдорлар қишлоқларда ўз тазйик доираларини кенгайтириб, бора-бора зироаткор аҳоли устидан хукмронлик қила бошлаган. Шунинг учун ҳам улар илк ўрта асрларда “деҳқон”, яъни “деҳқон ҳокими” номи билан шуҳрат топган. Уларга қарам кишилар кадивар, яъни “қишлоқ кўрғонларида яшовчилар” деб аталган.

“Кадрлар десанти” (“Кадрлар тўдаси”) – XX асрнинг 80-йиллари бошларида марказ (Москва)дан Ўзбекистонга партия ва давлат раҳбарлик лавозимларига юборилган кадрлар жараёни. Бу жараённинг содир бўлиши сиёсий жihatдан иродаси бўш кишиларнинг республика раҳбариятига келиб қолиши билан боғлиқ бўлган. 400 га яқин марказдан юборилган келгинди кадрлар Ўзбекистонни ўз билганларича бошқара бошлаганлар. Ўзбекистон Компартияси ва Республика Министрлар Совети амалда улар томонидан бошқарилган. Биринчи лавозимда ўтирган маҳаллий кадрлар уларнинг қўлида кўғирчоқ бўлиб қолганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиблигига В.П.Анишев, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Огарек, Олий Кенгаш Президиуми раисининг ўринбосари лавозимига Романовский, Тошкент шаҳри партия комитетига Сатин, республика прокурори этиб Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бошлиғи этиб Лаптев, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари этиб Дидоренко тайинланганлар. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида келгинди кадрлар томонидан “пинҳона кабинет” т у з и л г а н. Ушбу “кабинет” куч ишлатиш, тухматлар уюштириш йўли билан миллий ходимларни бадном қилиш, республикага мутлақо алоқаси бўлмаган авантюристлик қарорларни тикиштириш билан шуғулланганлар. Натижада Ўзбекистон миллий раҳбарларининг мавқеи ва обрўси тушиб кетган. Кўғирчоққа айлантирилган маҳаллий раҳбарлар “кадрлар тўдаси” томонидан тайёрланган қарорларга имзо чекишган, холос.

Кадхудо (Катхудот) – 1. Дастлаб катта оила (кат-кент) бошлиғи, кейинчалик қишлоқ оқсоқоли. 2. Салжукийлар даврида шоҳнинг унвони. 3. Қўшиннинг молия ва хўжалик ишларини олиб боровчи амалдор. 4. Хива хонлигида оқсоқоллар, бошлиқлар, раҳбарлар.

Казаклик – Россияда XVIII аср охири–XX аср бошларидаги ҳарбий табақа. XIV–XVII асрларда чегара ҳудудларида ҳарбий хизмат ўтаган ёлланма эркин кишилар; XV–XVI асрларда Россия, Польша-Литва давлатлари чегараларида Днепр, Дон, Волга, Урал, Терекда) ўзини ўзи бошқарувчи эркин казаклар жамоалари юзага келган. Улар Украинада XVI–XVII асрларда халқ кўзғолонлари ва XVII–XVIII асрларда Россияда деҳқонлар урушининг асосий ҳаракатланувчи кучи бўлганлар. Россия императорлари казаклардан чегара-

ларни кўриқлаш, уруш ва бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилганлар ва XVIII асрда уларни бўйсундириб, имтиёзли ҳарбий табақага, подшо самодержавиесининг таянчига айлантирган. XX аср бошларида 11 та казак қўшинлари мавжуд бўлган (Дон, Кубан, Оренбург, Забайкал, Тер, Сибир, Урал, Астрахан, Еттисув, Амур ва Уссурия). 1920 йили казаклик табақа сифатида тугатилган.

Казоб – Ёлғончи, алдоқчи, фирибгар.

Каземат – 1. Ёпиқ истехкомли иншоотларда одамлар ва қурол-яроғни душман ўқидан химоя қилувчи хона. 2. Кемаларда қуролларни ўрнатиш, снарядларни сақлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилган зирҳланган ёпиқ жой (XIX аср охири–XX аср бошлари). 3. XX аср бошларигача қамокхонанинг бир хонали камераси.

Кай – Қадимги Эрон давлатлари шоҳларининг лақаблари.

Кайвон – Зухал (Сатурн) сайёраси.

Кайзер – Германларда монарх унвони. Қадимги римликлардаги “Цезарь” унвонидан келиб чиққан. Немис тилида “император”ни англатган ва барча даврлардаги ҳукмдорларга нисбатан қўлланилган. Баъзида Муқаддас Рим империяси ва Австрия империяси императорларини англатиш учун ҳам кайзер атамасидан фойдаланган.

Кайковус, Унсур ал-Маолий –1021-1098 йилларда яшаб ўтган адиб.

Кала – Қадимги ҳинд мифологиясида илоҳ, вақт ифодачиси.

Календарь – Ой ичидаги ва йилдаги кунларни ҳисоблаш системаси. Календарь жуда узоқ тарихга эга. Жаҳонда энг машҳур календарлар қуйидагилар: Қадимги Хитой ва Қадимги Миср календари, арман календари, Умар Хайём календари, Александр ҳисоби, мусулмонлар ой календари – ой-куёш ҳисоби, асосий цикллар, Қадимги Бобил ва қадимги яҳудий календари, қадимги Юнон, қадимги Рим календари, император Гай Юлий Цезарь томонидан ислоҳ қилинган календари-Юлиан календари, Пётр I замонигача бўлган Россия календари, папа Григорий томонидан реформа қилинган календарь, 1789 йилги Француз инқилоби календари, ва бошқалар. Ҳозирда қўлланилаётган ойларнинг номлари қадимги Римда пайдо бўлган. Римликларда янги йил баҳорда (мартдан) бошланган, аммо ойларнинг номлари бўлмай, улар рақамлар билан аталган. Кейинчалик эса 12 ойдан фақат 4 ой рақам билан аталиб, бошқалаига ном қўйилган.

Калидаса – IV аср охири–V асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган гениал ҳинд шоири.

“Калила ва Димна” – Қадимги Ҳиндистонда вужудга келган “Панчатантра” асарининг ўзбек тилига таржима қилинган номи.

Калиса – Христианлар ибодатхонаси.

Каллиграфия – Қар.: Хаттотлик.

Калимуллоҳ – Аллоҳ билан бевосита сўзлашувчи зот.

Калом – Ислом дини таълимотига кўра, муайян мантиқий далилларга таяниб, диний таълимотни асослашга ҳаракат қиладиган назарий диний таълимот. Калом тарафдорлари “мутакаллимлар” дейилади. Калом илоҳиётчилари файласуф бўлмаганлар. Калом умавийлар ҳукмронлиги

даврида расмий ҳокимият билан хоридийлар, шиалар, муржиъийлар ва бошқа диний-сиёсий гуруҳлар орасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, баҳслар жараёнида пайдо бўлган ва тараққий топган. Калом илмининг асослари X асрга келиб ишлаб чиқилган ва буни Имом Ашъарий (873-935 йиллар) ва Имом Мотуридий (870-944 йиллар) амалга оширганлар. Шундан сўнг калом илми ана шу буюк зотлар асос солган икки мактабни англатадиган атамага айланган. Ашъарий каломи асосан ислом дини шофеъийлар мазҳаби тарафдорлари орасида тарқалган бўлса, мотуридия каломини ҳанафий мазҳабидагилар кенг қўллаб-қувватлашади.

Кальвин, Жан – 1509-1564 йилларда яшаб ўтган реформация тарафдори, протестантизм йўналишидаги кальвинизм оқимининг асосчиси. Францияда протестантлар таъқиб этилгани сабабли 1534 йили Кальвин Швейцарияга кўчиб келган. 1541 йили Кальвин Женева ҳокимлигига сайланган ва шу вақтдан бошлаб ўз таълимотини амалда татбиқ қилишга киришган. Унинг таълимоти кейинчалик “кальвинизм” деб аталган. Кальвинизм протестантизмнинг радикал оқимидир. Кальвинизм таълимоти асосини фақат Муқаддас ёзувни тан олиш, илоҳий қисматга ишониш, одамларнинг нажот топишида руҳонийларнинг ёрдами зарурлигини инкор этиш, черков маросимларини соддалаштириш (ибодат пайтида диний мусиқа чалмаслик, шам ёқмаслик, черков деворларига тасвирлар бўлмаслик) ташкил этади. Женева шаҳри ҳокимлик лавозимида бўлган даврда Кальвин шаҳар аҳолисига ўйин-кулги, рақсга тушиш, чиройли кийимлар кийиб, ясаниб юришни тақиқлаган. Черковга қарши кишилар қаттиқ жазоланишган, баъзилари ўтга ташланган. Кальвинизм кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида ҳамда Америка қитъасида ҳам тарқалган.

Кальвинизм – *Қар.: Жан Кальвин.*

Кальвинистлар – Швейцария ва Нидерландияда христиан дини протестантизм мазҳаби тарафдорларининг аталиши.

Кама – Қадимги ҳинд мифологиясида муҳаббат худоси.

Камарилья – Ўз манфаатларини кўзлаб давлат ишларини бошқарган саройдаги тўда. Камарилья атамаси испан қироли Фердинанд VII (1808, 1814-1833 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида таомилга кирган.

Камбиз – Ҳозирги Эрон ҳудудида мавжуд бўлган Аҳмонийлар давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 530-522 йиллар). Камбиз Мисрга муваффақиятли ҳарбий юришни амалга оширган. У Мисрда бўлган даврида Эронда давлат тўнтариши тайёрланаётганлиги ҳақида хабар олган. Камбиз бу тўнтаришнинг ташаббускори кичик укаси Бардий бўлиши мумкин деб уни ўлдиришга махфий фармон берган. Бардий ўлдирилганлиги ҳақида бир-икки кишидан бошқа ҳеч ким билмаган. Бу вазиятдан мидиялик зардуштийлик дини арбоби Гаумата моҳирлик билан фойдаланган. Гаумата Бардийга жуда ўхшаш бўлган. Шунинг учун у ўзини Бардийман, деб эълон қилган ва Камбизга қарши кўзғолонга раҳбарлик қилган. Бу хабарни эшитган Камбиз Мисрни тарк этиб Эронга қайтаётганда йўлда сирли равишда вафот этган (ёки ўлдирилган). Кўп ўтмай шоҳ саройида Гаумата ҳақиқий Бардий эмаслигига шубҳалар кучайиб борган. Етти зодагонлар суиқасди натижасида Гаумата ўлдирилган.

Шундан кейин зодагонлар аҳмонийлар зодагонларидан бўлган Доро I ни тахтга ўтказишган.

Камердинер – Дворян хўжалигида хўжайин хизматкори. У хўжайиннинг кундалик ташвишларида кўмаклашган.

Камикадзе – Ўлимига рози бўлган кўнгилли япон учувчиси, Иккинчи жаҳон урушида душманнинг кема, танк ва бошқа объектларига қарши сафарбар қилинган. Камикадзеларнинг дастлабки отрядлари 1944 йил 20 октябрда ташкил этилган. Уларнинг биринчи ҳужуми 1944 йил 21 октябрда Австралия флотининг оғир крейсери –“Австралия”га уюштирилган. Иккинчи жаҳон уруши охирига келиб, япон денгиз авиацияси томонидан 2525 нафар камикадзе тайёрланган, яна 1387 тасини армия тақдим этган.

Камингоҳ – Ўрта асрларда хужум қилиб келаётган душманга тўсатдан зарба бериш ва уни таҳликага солиш мақсадида қўшин яшириб қўйилган пана жой, пистирма.

Камонкаш – Камондан ўқ отувчи жангчи.

Кампанелла, Томмазо – 1568-1639 йилларда яшаб ўтган итальян мутафаккири. Хаёлий социализм назариётчиларидан бири.

Кампанила – Ўрта асрлар ва Уйғониш даври итальян меъморчилигида ибодатхоналардаги тўрт қиррали ёки айлана тарҳли кўп қатламли минора-кўнғирокхона. Кўпинча ибодатхонадан алоҳида қурилган.

Кампания – Маълум ижтимоий-сиёсий ёки хўжалик вазифаларини бажариш учун жойларда ўтказиладиган чора-тадбирлар тизими.

Кангюй маданияти – *Қар.: Қанғли.*

Кан, Дьего – Португалиялик денгиз сайёҳи. 1488 йилда амалга оширилган Диаш экспедициясининг қатнашчиси.

Каниз (Канизак) – 1. Ўтмишда қуллик шароитидаги эрксиз (сотиб олинган, урушда ўлжа қилинган ва ҳ.к.) аёл. 2. Подшоҳ саройидаги хизматкор аёл.

Канна атрофидаги жанг – Мил. ав. 216 йилда ҳозирги Италия жанубида жойлашган Канна шаҳри атрофида Рим ва Карфаген ўртасида қадимги давр тарихида бўлиб ўтган энг йирик жанглардан бири. Унда карфагенликлар ғалаба қозонишган.

Каннибализм – Одам гўштини одам ейиши. Тош даврининг энг қадимги босқичида яшаган ибтидоий одамларга хос. Диний каннибализм анча вақт сақланиб, одамлар ўлдирилган душманлар, ўлган қариндошлар жасадларининг турли қисмларини ейишган; бунда одамлар ўликнинг куч-қуввати ва бошқа хусусиятлари унинг гўштини еган одамга ўтади деган тасаввурлардан келиб чиқишган.

Канной (Кандзэон-Босацу) – Қадимги япон мифологиясида химоячи, ҳомий худо.

Канопа – Марҳумнинг мўмиёланган ички аъзоларини сақлаш (Қадимги Миср) ёки жасаднинг ёқилгандан кейинги кулини солиш (Этрурия) учун мўлжалланган идиш.

Канпир девор (Кампир девор, Девори канпирак) – Ўрта Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан химоя қилиш мақсадида барпо қилинган мудофаа иншоотлари тизими ҳисобланади. Қадимда канпир

деворлар Бухорода, Суғд воҳасида, Уструшонада, Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, Тошкент воҳасининг шимолий қисмида қурилган. Мас., Қадимги Суғд воҳасини ўраб олган канпир девор VIII аср охири–IX аср бошларида бино қилинган. Узунлиги 120 километр. Сунъий кўтарма ҳолида сақланган канпир девор харобасининг кенглиги 15-20 метр, баландлиги 2-4 метр бўлган.

Канси – 1654-1722 йилларда яшаб ўтган Хитойдаги Цинь сулоласининг машҳур ҳукмдори. Канси мохир саркарда, олим, адиб ва маърифатпарвар бўлган. У 1662 йилдан (8 ёшидан бошлаб) умрининг охиригача (1722 йили) Хитойда ҳукмронлик қилган. Канси ҳукмронлиги даврида Хитой тўлалигича манжурлар тасарруфига ўтган, Хитой ҳудудлари кенгайган, мамлакатнинг саноати, санъати, маорифи ва адабиёти раванқ топган. Канси Конфуций таълимоти тарафдори бўлса-да, бошқа дин вакиллариغا нисбатан бағрикенг бўлган. Унинг фармони билан кўпжилдли хитой тилининг луғати (“Канси цзидянь”) тузилган. Бу луғат ҳозиргача ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Кант, Иммануил – 1724-1804 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи.

Кантонистлар – 1. Пруссияда 1733-1813 йилларда ҳарбий хизматга мажбур бўлган кишилар, кантонлардан бири томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳудуднинг полкини ташкил этган. 2. Россияда 1805-1856 йилларда туғилиши билан ҳарбий рўйхатларга киритилган аскар ўғиллари ҳам “кантонистлар” деб номланган. Уларнинг тарбиясига катта эътибор қаратилган. 7-15 ёшли кантонистлар мактабга қатнаган. Дастлаб хат-савод, кейинчалик ўқотар қуроллардан фойдаланиш ва ҳарбий фанлар, кўшиқ ва мусиқа, котиблик, чилангарлик ва бошқа касб турларига ўргатилган. Қобилияти пастроқ болалар дурадгорлик, темирчилик, косиблик ва бошқа хунар турларига йўналтирилган. 15 ёшга етган болаларнинг энг қобилиятлилари яна уч йил мактабда ўқишни давом эттирган, қолганлари эса ҳарбий хизматга жалб қилинган.

Кантчилик – XVIII асрда немис файласуфи Кант ва унинг тарафдорлари томонидан яратилган фалсафий оқим. Кантчилар нарсаларнинг онгдан мустақил равишда мавжудлигини эътироф этиб, уларни билиб бўлмайдди, деб даъво қиладилар.

Канфар – Қадимги юнонларнинг вино ичиш учун мўлжалланган икки вертикал бандли қадаҳи. Кўпроқ сополдан, камдан-кам ҳолларда металлдан ясалган. Юнон худолари канфардан ичимлик ичади деб тасаввур қилинган, мас., Дионис кўпинча канфар тутган ҳолда тасвирланган. Канфардан қурбонлик маросимларида ҳам фойдаланишган.

Канцлер – 1. Ўрта асрларда Ғарбий Европанинг федерал давлатларида олий мансабдор шахс, қирол канцелярияси ва архивини бошқарган давлат муҳри сақловчиси ҳисобланган. 2. Бир қанча давлатларда олий мансабдаги шахс (мас., Германия ва Австрияда федерал канцлер –ҳукумат бошлиғи; Буюк Британияда хазина канцлери–молия вазири, лорд-канцлер–лордлар палатасининг раиси).

Кап – XVII асрнинг 50-йилларида Голландиянинг Ост-Индия компанияси томонидан Жанубий Африкада тузилган манзилгоҳнинг номи.

Капелла – Католик ва англикан меъморчилигида унча катта бўлмаган иншоот ёки айрим зодагонларнинг оилавий ибодати учун мўлжалланган кичик ибодатхона, табаррук буюмлар сақланадиган ва хор ижро этиладиган жой.

Капеллан – Католик, православ черковларида, протестант ташкилотлар ва бошқа бир қатор конфессияларда диний хизматчини англатувчи атама. 1. Католикларда капеллан ўрта асрларда (илк бор 741 йили тилга олинган) то XVII асргача кичик бутхона (капелла) ёки уй черковлари рухонийси. 2. Қўшинда хизмат қилувчи рухоний, полк ёки батальон командири ўринбосарига тенглаштирилган, шахсий кўриқчи (адъютант) билан таъминланган. Оддий аскарлар, матрослар ва уларнинг оилалари тарбиясига жавобгар бўлган. 3. Қавм рухонийси (викарий) ёрдамчиси. 4. Полиция, ёнгин хавфсизлиги бўлими, касалхона, госпитал ва бошқа жамоат муассасаларида рухоний. 5. Протестантларда озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбусларга хизмат қилувчи рухоний.

Капельмейстер – Дастлаб XVI–XVIII асрларда хор ёки чолғу капелласи раҳбари, XIX асрда эса театр, хор ёки симфоник оркестр дирижёри.

Капитал (Сармоя) – Кенг маънода ўз эгасига даромад келтириш хусусиятга эга бўлган жами воситалар ва маблағлар. Тор маънода ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги ишга қўйилган, ишлаб турган даромад манбаи (ашёвий капитал). Капиталнинг пайдо бўлишига товар ишлаб чиқариш, товар муомаласи дастлабки шарт ҳисобланади.

Капитализм – Хусусий мулк, бозор иқтисодиёти ва демократик институтларга асосланган жамият тури. Ижтимоий тафаккурнинг турли оқимларида капитализм–эркин тадбиркорлик тизими, индустриал жамият тараққиётининг босқичи деб таърифлар берилган. Капитализмнинг ҳозирги даври эса “аралаш иқтисодиёт”, “постиндустриал жамият”, “ахборот жамияти ва бошқа номлар олган. Марксизмда капитализм ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликка ва ёлланма меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатация қилинишида асосланган ижтимоий-иқтисодий формация деб талқин этилган. Капитализм XIV-XV асрларда Италия (савдо) ва Голландия (мануфактура) шаҳарларида юзага келиб, XVI асрдан бошлаб Европада дастлабки сармоя (капитал) жамғариш деб аталмиш жараён натижасида қарор топган.

Капиталист – Ишлаб чиқариш воситалари, катта сармоя, маблағнинг эгаси, сармоядор.

Капитолий учлиги – Қадимги Римда Капитолий ибодатхонасида улуғланган уч энг муҳим худо: Юпитер, Юнона ва Минерва.

Капитул – 1. Кафедраль капитул-католик ва англикан черковларида диоцез (епархия)ни бошқаришда иштирок этган епископ ҳузуридаги кенгаш (рухонийлардан ташкил топган). 2. Католик диний-рицарлик ва монахлик орденларида раҳбар шахслар ҳайъати.

Капитуляриялар – Меровинглар ва каролинглардан бўлган франк кироллари қонун ва фармонлари. Лотин тилида тузилган, кичик боб ва параграфларга бўлинган. IX асрдан капитуляриялар тузиш тўхтаган. Капитуляриялар матни олий мансабдор шахслар йиғинида кирол томонидан эълон қилинган (250 тага яқин фармонлар).

Капитуляция – 1. Қуруклик, ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари ёки уларнинг қисмлари томонидан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва душманга таслим бўлиш. Капитуляцияда, одатда, барча ҳарбий техника, қурул-яроғ, мудофаа иншоотлари ғолибга топширилади, шахсий таркиб эса асирга олинади 2. Халқаро ҳуқуқда қаршилик кўрсатишни тўхтатиш ва давлатнинг ҳарбий кучларини топшириш. Одатда, мағлуб давлатга мажбуриятлар (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ҳоказо) юклаш билан биргаликда кечади.

Капица, Пётр – 1894-1984 йилларда яшаб ўтган рус физик олими.

Капсан (Кафсан) – 1. Қишлоқ маъмурлари, руҳонийлари ҳамда қишлоқда хизмат қилувчиларга маҳсулот, дон билан тўланадиган ҳақ. 2. Хирмон кўтарилганда камбағалларга бериладиган садақа-сийлов. 3. Бозорларда сотилган ғалладан олинадиган бож.

Карабинерлар – XVII–XIX асрларда Европа мамлакатларида енгил қурулланган кўшин тури. Карабин –бу енгил ўқотар қурул бўлган.

Карвон – Ўтмишда давлатлар ўртасида ўзаро алоқа боғлаш ва савдогарларнинг савдо ишларини олиб боришида асосий транспорт воситаси ҳисобланган туялар ва отлардан тузилган махсус гуруҳ. Карвоннинг узилиб кетмаслиги учун энг олдинги ва охириги ҳайвонга кўнғироқ осиб кўйишган.

Карвонбоши – Карвонни бошқарувчи шахс.

Карвонсарой – Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Кавказорти шаҳарлари, карвонлар ўтадиган жойларда қуриладиган карвонлар, савдогарлар ва сайёҳлар тўхтаб, тунайдиган жой, работ, сарой, меҳмонхона. Кўпинча савдо йўллари устида ва шаҳарларда қурилган.

Кардинал – Католик черкови иерархиясида Рим папасидан кейин, епископдан олдин турувчи руҳоний. Кардиналлар папанинг черковни бошқариш соҳасидаги энг яқин маслаҳатчилари ва ёрдамчилари ҳисобланади ҳамда шу лавозимга папа томонидан тайинланади.

Кармента – Қадимги Рим мифологиясида туғиш пайтида ёрдамлашадиган ва чақалоқнинг тақдирини олдиндан айтиб берадиган (башорат қиладиган) маъбуда.

Кариб кризиси (инқирози) – 1959 йилнинг 2 январида Кубада генерал Р.Ф.Батиста тузуми ағдарилган. Тузилган янги ҳукуматга Куба инқилоби йўлбошчиси Фидель Кастро бошчилик қилган. АҚШнинг Куба ҳудудида мавжуд бўлган мулклари миллийлаштирилган. 1961 йилнинг 16 апрелида Фидель Кастро Гавана шаҳридаги митингда сўзга чиқиб Куба революциясини социалистик характерга эга эканлиги ҳақида эълон қилган. Шундан кейин АҚШ ва Куба муносабатлари кескинлашган. Куба учун АҚШнинг ҳарбий интервенция хавфи ҳам кучайиб борган. Юзага келган шароитда Куба раҳбарияти собиқ СССРдан ҳарбий ёрдам кўрсатишни сўраган. Собиқ СССР Куба ҳудудида ўзининг ракеталарини ўрнатган. Бунга жавобан АҚШ 1962 йилнинг 22 октябридан бошлаб Кубага қарши ҳарбий-денгиз блокада (муҳосара) уюштирган. Натижада тарихда “Кариб кризиси (инқирози)” деб ном олган инқироз вужудга келган. Куба масаласи бўйича социалистик давлатларнинг лидери бўлган собиқ СССР ва капиталистик давлатларнинг лидери бўлган АҚШ ўртасида ядро уруши бошланишига бир қадам қолган.

Ушбу кризис собиқ СССР ва АҚШ раҳбарлари (У.Кеннеди ва Н.С.Хрушев) ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида бартараф этилган. Собиқ СССР ядро қуроли билан жиҳозланган ҳарбий кемаларини Куба оролларида олиб кетиш, АҚШ эса Кубада Фидель Кастро режимини тор-мор этиш ниятларидан қайтиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишган.

Каримов, Ислом Абдуғаниевич – 1938-2016 йилларда яшаб ўтган Ўзбекистоннинг давлат арбоби. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти.

Карл I – Англия қироли (1625-1649 йиллар). 1649 йил 30 январда махсус трибунал қарори билан қатл этилган.

Карл Мартель – Франклар давлатининг ҳукмдори (725–741 йиллар).

Карл Стюарт (Карл II) – Англия қироли. 1660 йилда Англия парламенти қарори билан тахтга ўтқазилган.

Кармал, Бабрак – 1929-1996 йилларда яшаб ўтган. Афғонистон халқ-демократик партиясининг “Парчам” оқими раҳбари. Афғонистон давлат раҳбари.

Карнеги, Дейл – 1888-1955 йилларда яшаб ўтган америкалик инсоний муносабатлар соҳасидаги мутахассис.

Карробаллиста – Енгил ирғитувчи машина, карро деб номланган ўқларни тўғридаги душманга отиш учун мўлжалланган. Қадимги Рим қўшини томонидан мил. ав. III асрдан қуруқликда ва денгизда кенг қўлланилган.

Карроп – Халифа Алининг лақаби.

Картуляриялар – Ўрта асрларда Ғарбий Европада ер тортиқ этиш (кўпинча черков фойдасига) ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган ёрлиқлар нусхалари тўплами. VII асрдан XIV асргача йирик монастирларда латин тилида тузилган. Картуляриялардаги маълумотлар Ғарбий Европадаги ўтмишда турли ижтимоий қатламлар ер мулки миқдори ва таркибини ўрганиш, қарам деҳқонлар мажбуриятлари турларини аниқлаш ва бошқада ёрдам беради.

Картуш – 1. Герб, эмблема, ёзув тасвирланган қалқон ёки ярим ёйилган чакмон кўринишидаги безак. Картуш XVI асрдан бинонинг кириш қисмлари, қабртошлар, ҳужжатларга ўрнатилган. 2. Қадимги Миср иероглиф ёзувида ёзилган матн фиръавн исми эканлигини англатувчи белги, 4-сулола бошида, фиръавн Снофру даврида, муомалага киритилган. Қадимги миср тилида картуш “шену” деб аталган.

Карфаген – Шимолий Африкадаги қадимий шаҳар-давлат. Ҳозирги Тунис давлати ҳудудида жойлашган бўлган. Карфаген шаҳрига мил. ав. 825 йилда Финикия давлати томонидан асос солинган. Дастлаб у Финикия давлати Тир шаҳрининг мустамлакаси бўлган. Кейинчалик Карфаген шаҳар-давлатга айланиб, ўз маҳобати ва мавқеи бўйича Тир шаҳридан ҳам ўтиб кетган. Мил. ав. III аср бошида Карфаген Ўрта ер денгизи бўйида мавжуд бўлган давлатларнинг энг йириги бўлган. Мил. ав. 149 йилда римликлар карфагенликларга Карфаген шаҳрини батамом бўшатиб, унинг аҳолисига 80 стадий (15 км) узоқроқда манзил қуриб кўчиб кетишни талаб қилганлар. Карфагенликлар бу талабни рад этгандан кейин Рим ва Карфаген ўртасида учинчи уруш (мил. ав.

148-146 йиллар) бошланган. Мил. ав. 148 йилда римликлар Карфагенни қамал қилишган. Бу қамал мил. ав. 146 йилгача давом этган. Қамалда бўлган Карфагенда касаллар кўпайган, очарчилик бошланган. Мил. ав. 146 йилда римликларнинг Карфагенга қарши янги хужуми бошланган. Карфагенликларнинг мардона мудофааларига қарамасдан улар мағлубиятга учрашган. Шаҳар римликлар томонидан талон-торож қилинган ва ёндириб ташланган. Вайронага айлантирилган Карфагенда қайтадан уй-жой қуриб яшаш ман этилган. Кейинчалик Карфаген шаҳрини Рим императори Юлий Цезарь қайтадан тиклаттирган.

Касаба уюшмаси – Ишчи ва хизматчиларни меҳнат соҳалари бўйича бирлаштирган ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган оммавий ташкилот.

Касаначи – Ёлланиб, уйда ишлайдиган ҳунарманд, косиб.

Кассация – Суд ҳукмидан норози бўлиб, ишни қайта кўришни талаб қилинган шикоят аризаси.

Кастро, Фидель – 1926-2016 йилларда яшаб ўтган Куба инқилобининг йўлбошчиси.

Катвон жанги – 1141 йилда Самарқанд яқинидаги Катвон даштида салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинларининг қорахитойларга қарши бўлиб ўтган жанги. Бу жангда қорахитойлар ғалаба қозонишган.

Католик мазҳаби – *Қар.: Католицизм.*

Католик черкови – Христиан дини католик мазҳабининг диний ташкилоти.

Католицизм – Христиан динининг асосий мазҳаблардан бири. Католицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида 1054 йили черковларнинг бўлинишидан кейин вужудга келган. XVI асрда католицизмдан протестантизм ажралиб чиққан. Католик черкови қатъий марказлашган, ягона маркази Ватикан, унинг бирдан-бир бошлиғи – Рим папаси. Лотин Америкаси мамлакатларида католицизм ҳукмрон диний таълимот ҳисобланади. Польша, Венгрия, Чехия, Словакия ва Кубада католиклар динга ишонувчи аҳолининг кўпчилигини ташкил этади.

Катон катта – Мил. ав. 234-149 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим адиби ва давлат арбоби.

Катон кичик – Мил. ав. 95-46 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим сиёсий арбоби.

Каторга – Сургун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш жазо чораси ва шундай жазо жойининг ўзи.

“Катта еттилик” – 1974 йилда Франция президенти Валери Жискар д Эстен ташаббуси билан иқтисодий жихатдан ривожланган етти мамлакат Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Япония “еттилик” гуруҳини тузган. Мазкур гуруҳ энг ривожланган давлатлар раҳбарларининг даврий норасмий учрашувлари ушбу мамлакатлар ўртасидаги умумий муаммоларни муҳокама қилиш, улар бўйича фикр алмашиш ва қарор қабул қилиш учун ташкил этилади.

“Катта сакраш” дастури – 1958 йилда Хитойда Мао Цзэдун ташаббуси билан қабул қилинган авантюристик дастур. Унга кўра, 1958-1962 йилларда Хитойда саноат ишлаб чиқаришни 6,5 марта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эса 2,5 марта ўсиши назарда тутилган. Тез орада “катта сакраш” дастури хаёлий экани маълум бўлган ва амалга оширилмаган. *Яна қар.: Мао Цзэдун.*

Катта Хоразм – Қадимда ҳозирги Хоразм ва унинг атрофидаги ерларни қамраб олган давлат. Унинг чегаралари Мурғоб ва Тажанг дарёлари атрофларига қадар ёйилган. Катта Хоразмда хунармандчилик, бинокорлик ва савдо-сотик ривожланган. Тарихда мил. ав. IV асрда Хоразмда хукмронлик қилган Фарасман Ўрта Осиёга қўшин тортиб келган Македониялик Александр хузурига совға-саломлар билан келгани ва унга ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиргани маълум.

Катта Эргаш (Мулла Эргаш) – Фарғона водийсида совет ҳукуматига қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган истиклолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилганлардан бири. 1882-1921 йилларда яшаб ўтган. 1918 йилнинг март ойи охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги барча кўрбошиларнинг биринчи Қурултойи чақирилган. Унда 40 дан ортиқ йирик кўрбошилар қатнашган. Ушбу қурултойда Кичик Эргаш вафот этгандан кейин Фарғона водийсидаги қуруллой ҳаракатининг бошлиғи этиб Катта Эргаш сайланган ва унга бутун мусулмон қўшинининг олий бош қўмондони – “Амир ул-муслимин” унвони берилган. Катта Эргаш кўрбошининг ўринбосарлари этиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбеклар тайинланган.

Каттақўрғоний, Шавқий – 1785-1861 йилларда яшаб ўтган шоир ва адиб.

Катта ғул – Ўрта Осиё хонликларида қўшинларнинг маркази (авангарди)нинг асосий қисми. Бу қисмга, одатда, хонларнинг ўзлари ёки уларнинг номдор амирларидан бири қўмондонлик қилган.

Каудильо – 1. Испаниядаги давлат бошлиғи Франконинг унвони. Каудильога амалда чекланмаган олий давлат, сиёсий ва ҳарбий раҳбарлик топширилган. 2. Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида шахсий диктатурасини ўрнатган давлат раҳбарининг номи.

Кафил – Бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни ўз устига олувчи, кафолат берувчи шахс.

Качкул (Кашкул) – Дарвешу гадоилар елкасига осиб ёки елкасига олиб юрадиган қайиқ шаклидаги ёғоч коса. Улар қўлига тушган нарсани шу качкулга ташлашган.

Кашмир муаммоси – 1947 йилда Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши натижасида пайдо бўлган муаммо. Бу бўлиниш натижасида Кашмир вилояти ҳам иккига бўлинган. Кашмирнинг бир қисми Покистон, катта қисми эса Ҳиндистон (Жамму ва Кашмир штати) таркибига кирган. Кашмир вилояти Панжоб сингари қадим маданиятга эга бўлган вилоятлардан ҳисобланади. Кашмир мил. ав. II асрда Маурия давлати, мил. ав. II-I асрларда эса Кушон империяси таркибига кирган. Кашмирликлар (4 млн. киши) кашмирий тилида гаплашишади. Кашмир тили ҳинд-эрон тиллари гуруҳига киради. Кашмирликлар асосан ислом динининг сунний мазҳабига мансуб бўлиб,

уларнинг ичида ҳиндуизм динига эътиқод қилувчилар ҳам мавжуд. Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам Кашмир тўлалигича унинг ҳудудига киритилишини талаб қилишган. Покистон Кашмирда асосан мусулмонлар истиқомат қилишларини асос қилиб кўрсатса, Ҳиндистон бу ерлар қадимдан ҳиндуизм маҳараджи томонидан бошқарганлигини таъкидлайди. Кашмир муаммосини бартараф этиш бўйича Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари 1955, 1960, 1962, 1963 йилларда музокаралар олиб боришган, лекин улар натижасиз тутаган. XX асрнинг 90-йилларида Кашмирда Ҳиндистон ҳукуматининг тўғридан-тўғри бошқарув режимини жорий этилишига қарши норозилик ҳаракатлари бошланган. Бу норозилик ҳаракатлари кейинчалик сиёсий тус олган. Асосан мусулмонлардан иборат бўлган кашмирликлар Кашмирга мустақиллик беришни талаб қилганлар. Кашмирликларнинг бу талабларини Покистон қўллаб-қувватлаган. Натижада Ҳиндистон ва Покистон ўртасида муносабатлар кескинлашган. 1999 йил май-июнь ойларида Кашмирда Ҳиндистон ва Покистон ҳарбий кўшинлари ўртасида оғир ҳарбий тўқнашув бўлиб ўтган.

Кашоварз (Кишоварз) – Илк ўрта асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр қишлоқларида деҳқончилик билан шуғулланадиган шахс. *Яна қар.: Деҳқон.*

Каъба – Маккадаги тўрт бурчакли уй. Араблар уни “Байт ул-ҳарам” деб аташади. Мусулмонлар Каъбани муқаддас билиб, зиёрат қилишади.

Квадрига – Икки ғилдиракли арава. Бир қатор қилиб терилган тўрт отга уланган. Қадимги Римда пойғаларда ва триумф вақтида қўлланилган.

Квалификация – 1. Мутахассислик даражаси, малакасини аниқлаш, белгилаш. 2. Ихтисос, касб, ҳунар. 3. Малака, маҳорат.

Квартиронлар – Америкада мулатлар ва европеоид irqига мансуб кишилардан туғилганлар.

Квартирмейстер – XVI–XX асрларда бир қатор давлатлар армиялари (Пруссия, Германия, Россия ва бошқалар)да штаб генерали, асосан, оператив уруш олиб бориш масалалари билан шуғулланган.

Квестор – Қадимги Римда мансабдор шахслар – консулларнинг молиявий ва судлов ишларида ёрдамчилари. Шунингдек, армияда кўмондон ўринбосари, кўшин таъминоти ва молиявий масалаларда кўмак берган.

Квиритлар – Қадимги Римда республика даврида тўла ҳуқуқли фуқароларнинг расмий номланиши.

Кворум – Мажлис қарорларини қонуний деб топиш учун қатнашуви лозим бўлган кўпчилик.

Кебхут – Қадимги мисрликларнинг муздек тоза сув илоҳаси.

Келарь – Православ ва католик черковларида монастир хўжалигини бошқарган монах. Унинг зиммасига монастирга келтирилаётган ва олиб кетилаётган маҳсулотларни қатъий рўйхатга олиш вазифаси юклатилган.

Келья – Христиан ибодатхоналарида монах яшайдиган алоҳида хужра.

Кенагас – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабиланинг номи. Кенагасларнинг асосий қисми XVII–XIX асрлар давомида Қашқадарёнинг юқори ҳавзасида яшаб, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Кенагаслар ўз мустақил бекликларини ўрнатиш учун кураш олиб боришган. Бу кураш Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги

ўрнатилгандан кейин янада кескинлашган. Манғитлар сулоласининг биринчи хони Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758 йиллар) бир неча ўзбек қабилаларини, шу жумладан, кенагасларнинг катта бир қисмини ўз ерларидан мажбуран Ҳисор вилоятига кўчирган. Амир Насрулло (1826-1860 йиллар) мустақилликлари учун курашаётган Шаҳрисабз ва Китоб кенагасларига қарши 27 йил давомида курашган. Кенагасларни раҳмсиз қириши эвазигагина 1856 йили Амир Насрулло Шаҳрисабз ва Китобни ўз тасарруфига киритган. Омон қолган кенагаслар тоққа қочиб жон сақлаганлар. Амир Насрулло вафотидан кейин 1860 йили кенагаслар яна ўз мустақилликларини қўлга киритганлар. 1870 йилда чор Россия қўшинлари ёрдамида Бухоро амири Музаффархон Шаҳрисабз ва Китобни амирликка бўйсундирган.

Кеннеди, Жон Фицджеральд – 1917-1963 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 35-чи президенти (1961-1963 йиллар).

Кент – Илк ва ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида бирон жойнинг номи. Суғд ёзуви ва араб географлари асарларида “кат”, “кас”, “канд”, “Девону луғотит турк”да “кенд”, “кэн” шаклида келтирилган. “Кент” сўзи дастлаб бир ёки бир неча оила яшайдиган, атрофи девор билан ўралган ҳовлини англатган. Кейинчалик кент жой (қишлоқ, шаҳар) номларининг таркибий қисмига айланган.

Кесма – Қорахонийлар қўшинида кенг истеъмолда бўлган энсиз узун найза.

Кепаки (Кабакий) – Чигатойлардан Кепакхон ибн Дувахон (1318-1327 йиллар) чиқарган кумуш танга. Кепаки дастлаб Бухоро, Балх шаҳарларида зарб этилган. Темурийлар даврида ҳам кепаки пул муомаласида кўп ишлатилган.

Кешик – Хоннинг хос гвардияси. Чингизхон 1203 йили Шарқий Мўғулистонда ҳокимиятни ўз тасарруфига киритгач кешик тузилишига эътибор қаратган. Кешик кундузги хос соқчилар ва тунги хос соқчилардан иборат бўлган. Кундузги хос соқчилар (тургэут)нинг сони 70, тунги хос соқчи (кебтэул)ларнинг сони 80 нафардан иборат бўлган. Кешик таркибига, шунингдек, ўқчилар (хўрчи), ошпазлар (баурчи), ахтачилар, хўжалик ишлари мутасадди (чэрби)лари ҳам киритилган. Мўғул зодагонлари ва нўёнлари фарзандларидан ташкил қилинган кешик таркибидан ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўшиннинг илғорида жойлашган, тинчлик онларида эса саройда соқчилик билан машғул бўлган баҳодирлар ҳам ўрин олган. Кешик соқчилари ҳар 3 кунда алмашган. 1206 йили Чингизхон кешик тузилишида сезиларли ўзгартириш киритган, унинг сонини 10 минг нафарга етказган. Юань империясининг асосчиси Хубилай даврида кешикнинг миқдори 12 минг кишидан иборат бўлган. Кешик таркибини муттасил тўлдириб туриш мақсадида ҳар бир мингбошининг фарзанди ўзи билан бир қариндоши ва 10 навкарни, ўнбошининг ўғли эса бир қариндоши ва 3 навкарни бошлаб келган. Кешик қаттиқ тартиб ва интизомга бўйсундирилган. Ўз навбати чоғида хизматга келмаган хос гвардиячи бир марта 30 таёқ, иккинчи марта 70 таёқ, учинчи марта эса олдин 37 таёқ уриш билан жазоланган, сўнг кешикдан бутунлай ҳайдалган. Кешик фақат хоннинг ўзи бевосита қўмондонлик қилган ҳарбий юришларда

қатнашган. Лашкаргоҳда қурилган хон қароргоҳининг олдида баҳодирлар, ўнг тарафида ўқчи ва кундузги хос соқчилар, кешикнинг қолган 7 минг нафари чап томонида жойлашган. Кешик сафларидан Чингизхон барпо этган армиянинг кўпдан-кўп атоқли саркардалари етишиб чиққан.

Ки – Месопотамия халқлари сиғинадиган ер худоси.

Кидарийлар давлати – IV асрда кидор уруғи оқсоқоли Цидоло ёки Кидор (Кидара) раҳбарлигида тузилган давлат. V асрнинг 20-йилларида кидорийлар Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Ўрта Осиёга кириб келганлар ва Суғдиёни эгаллашган. Босиб олган ерларда Кидарийлар давлати тузилган. Унинг пойтахти Балх шаҳри бўлган. Кидарийлар давлати таркибига асосан Амударё-нинг ўнг ва чап қирғоғидаги ерлар бирлаштирилган. Кидарийлар Эрон ҳудудида мавжуд бўлган сосонийлар давлати қўшинлари билан узоқ вақт урушлар олиб боришган. 456 йилда сосонийлар қўшинлари кидорийлар устидан ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритганлар. Кейинчалик кидорийларни эфталий қабилалар Ўрта Осиё ҳудудидан суриб чиқарганлар. Кидарийлар шимолий Ҳиндистонга чекиниб, у ерда ўша даврда мавжуд бўлган Гупта давлатини забт этишган. Шимолий Ҳиндистондаги кидорийлар ҳукмронлиги 75 йил давом этган.

Киев Руси (Қадимги Русь) давлати – IX аср сўнгги чораги-XII асрнинг иккинчи чорагигача Шарқий Европада мавжуд бўлган славян давлати. Милодий IX асрда Русь ерларида иккита кучли сиёсий ва иқтисодий марказ вужудга келган: бири Новгород, иккинчиси Киев. Новгород князи Олег 882 йилда Киевни ўз тасарруфига тушириб, бу икки марказни бирлаштирган ва Киев Руси давлатига асос солган. Бу давлатнинг пойтахти Киев шаҳри бўлган. Киев Руси давлатида рюриковлар сулоласи князлари ҳукмронлик қилишган. Олег ўз ҳокимиятини Киевда мустаҳкамлаганидан кейин атрофдаги рус ерларини ўзига бўйсундирган. Киев Русининг машҳур ҳукмдорлари: Игорь (945 йилда вафот этган), Владимир I (1015 йилда вафот этган), Ярослав Мудрый (1019-1054 йиллар), Игорь Святославович (1178-1125 йиллар), Владимир II Мономах (1113-1125 йиллар).

Килон – Қадимги Юнонистоннинг Аттика полисида Зевс худоси шарафига уюштирилган байрам жараёнида Акрополдаги базилейлар қароргоҳини ишғол этган олимпик ўйинларининг ғолиби.

Ким Де Чжун – Корея Республикаси президенти. 2000 йилда “Корея ярим оролида барқарорлик ва ҳамкорликни ўрнатишга йўл очгани учун” тинчлик соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ким Ир Сен – 1012-1994 йилларда яшаб ўтган Корея халқининг мустамлакачиларга қарши миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбари.

Киниклар оқими – Эллинизм даврида қадимги Юнонистонда вужудга келган фалсафий оқим. Асосчиси мил. ав. 444-366 йилларда яшаб ўтган файласуф Антисфен. Киниклар фалсафий оқим тарафдорларининг машғулотлари Афинадаги “киносагерс” деб номланадиган маҳалда ўтказилган. “Киник” сўзи шу “Киносагерс” сўзидан олинган. Киникчилар эпикурчиларнинг беташвиш умр кечириш, ҳаёт гаштини суриш ғояларига қарши чиқиб, қашшоқлик ва гадоликнинг афзалликларини тарғиб этишган.

Шунинг учун бу фалсафий оқим “қашшоқлик фалсафаси” деб ҳам ном олган. Уларнинг ғоялари ўша даврдаги ҳукмрон доираларнинг барча анъаналарига қарши қаратилган бўлган. Киниклар эгниларига калта жомакор камзул кийиб, кўлларида гадойларнинг тўрваси ва дарбадарларнинг таёғини кўтариб юрганлар. Эҳтиёжларини ҳар томонлама чеклаш киникчиларнинг ҳаёт мазмуни ҳисобланган. Яна қар.: *Антисфен*.

Киоксар – Мидия давлатининг энг буюк подшоси (мил. ав. 625–584 йиллар). Унинг ҳукмронлик даврида Мидия қудратли салтанатга айланган.

Киплинг, Жозеф Редьярд – 1865-1936 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби.

Киприда – *Қар.: Афродита*.

Кираса – Европа мамлакаатлари армияларида иккита металл тахтадан (қадимда тери ва намотдан) ташкил топган ҳимоя совути. Инсон танаси шаклида ишланиб, елка ва ёнбош қисмларидаги камарбанд билан бир-бирига маҳкамланган.

Кирасирлар – Оғир қуролланган отлик қўшин тури. Кийган кийимлари-кираса туфайли шундай ном олганлар. XVI асрда Ғарбий Европанинг кўпгина давлатларида тузилган. Кирасирларнинг асосий қуроли оғир шамшир бўлган. Кирасирлар қўшинига фақат баланд бўйли ва бақувват йигитлар саралаб олинган.

Кирилл ва Мефодий – 855 йилда славянлар учун Юнон алифбесига асосланган алифбе тузишган. У алифбе “кириллица” деб аталган.

Кир II – Қадимги аҳмонийлар давлатининг асосчиси. Қадимий форс шоҳлари хонадони – аҳмонийлар вакили бўлган. Кир II ҳукмронлиги даври (мил. ав. 558-530 йиллар)да аҳмонийлар давлати йирик империяга айланган. У мил. ав. 545-539 ва 539-530 йилларда Ўрта Осиёга ҳарбий юришларни амалга оширган.

Кирополь – Аҳмонийлар ҳукмдори Кир II томонидан ҳозирги Тожикистон Республикаси Хўжанд шаҳри яқинида барпо этилган қадимий шаҳар.

Китоббардор – Ўрта Осиё хонликларида сарой кутубхонаси ходими.

Китобдор – Ўрта Осиё хонликларида сарой кутубхонасининг мудирини.

Кифара (Китара) – Қадимги юнонларнинг лира (Қадимги Шарқдаги чанг)га ўхшаш, торли-тирнама мусиқа сози. Дастлаб торлари 4 та бўлиб, кейинчалик 7-18 тагача етган.

Кифарист мактаби – Қадимги Юнонистоннинг Афина тарбия тизимида 7-12 ёшли ўғил болалар учун бошланғич мактаб. Эпосларни, кифара ва лира чалишни, куйлаш ҳамда мусиқа жўрлигида ифодали ўқишни ўрганганлар.

Кичик Мидия – Мил. ав. IV асрнинг сўнгги чорагида ҳозирги Озарбайжон Республикасининг жанубий қисмида вужудга келган қадимий давлат. Бу ҳудуд олдин Мидия давлати таркибида бўлган. “Мидия” номи билан аталган бу янги давлат “Кичик Мидия” ёки “Атропатена” деб аталган. Олимларнинг таъкидлашларича, Атропатенадаги мидияликларнинг бир қисми маҳаллий қабилалар билан аралашиб озарий халқи пайдо бўлган.

Кичик Эргаш – Фарғона водийсида совет ҳукуматида қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки

рахбари. 1885-1918 йилларда яшаб ўтган. Қўқон шаҳар миршабларининг бошлиғи бўлган. “Туркистон мухторияти” ҳукуматида советлар ҳукуматининг ўлкадаги вакиллари билан музокаралар олиб бориш масаласида бўлиниш юз бериб, 18 февралда М.Чўқаев ҳукумати “Шурои уламо” партияси талаби билан истеъфога чиққандан кейин Кичик Эргаш раҳбарлигида Мухториятнинг янги ҳукумати тузилган. “Туркистон мухторияти” ҳукумати совет кўшинлари томонидан бостирилгандан кейин, Кичик Эргаш Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатига раҳбар бўлган. 1918 йилнинг 27 февралда Қўқон атрофидаги Бачқир қишлоғи яқинида истиқлолчилар ва совет кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангларнинг бирида ҳалок бўлган.

Кичик ғул – Ўрта Осиё хонликлари кўшинларининг ўнг ва сўл қанотлари олдида турган ҳарбий бўлинма.

Кичик ҳаж – *Қар.: Умра.*

Клан – Кельт халқларида уруғ, баъзан қабила номи. Кейинчалик, уруғчилик муносабатларининг емирилиши даврида, тахмин қилинган уруғ бошлиғи исми билан аталган қадимги уруғ авлодлари бўлган қон-қариндошларнинг йирик гуруҳлари. Бунда шотландлар ва ирландларда умумий исмга “ўғил”, “ўғли” маъносини англатувчи “мак” кўшимчаси кўшила бошлаган (мас., Мак Картли, Макдональд); ирландларда бунинг бошқа бир шакли ҳам мавжуд бўлиб, исм олдида “о” (“набира”) кўшимчаси кўшилган (мас., О Коннор).

Клаузевиц, Карл – 1780-1831 йилларда яшаб ўтган пруссиялик генерал, ҳарбий назариётчи.

Классификациялаш (классификация) – *Қар.: Таснифлаш.*

Клейнод – 1. Казак кўшинларида фарқлаш белгилари (байроқлар, туғлар, карнайлар, ноғоралар, муҳрлар ва ҳоказо); поляк ва украин гетманларида, казак атаманлари ва полковникларида ҳокимият рамзи (гурзи, тўқмоқ). 2. Империя клейноди – Муқаддас Рим империясида император ҳокимиятининг атрибутлари. Уларнинг энг муҳимлари – империя тожи, муқаддас найза ва император қиличи. Ҳозирда Вена саройининг хазиналар палатасида сақланади.

Клемансо, Жорж – 1841-929 йилларда яшаб ўтган Франция давлат арбоби.

Клеопатра – Қадимги Миср маликаси.

Клерикал – Клерикализм тарафдори.

Клерикализм – Ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда дин ва руҳонийларнинг таъсирини кучайтиришга, уларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга уриниш. Клерикализм тарафдорлари ўз таъсирини оммага ёйиш, уларни диний дунёкарашга эргаштиришга, турли миллий ва халқаро уюшмалар тузишга ҳаракат қиладилар.

Клерухиялар – Қадимги юнонларнинг бўйсундирилган ёки иттифокчи давлатлар ҳудудида уларни ҳарбий-сиёсий назорат қилиш, шунингдек, ерсиз фуқароларга ер ажратиш мақсадида асос солинган ҳарбий-зироатчилик қароргоҳлари. Энг кўп сонли клерухияларга афиналиклар томонидан асос солинган (биринчиси тахм. мил. ав. 570 йили Саламин оролида).

Клефтлар – Адабиётларда XVII аср охири–XIX аср бошларида турк ҳукмронлиги ва юнон заминдорларига қарши курашган деҳқон-партизанларнинг номланиши. Улар ўзларини “паликарлар” деб аташган. Усмонийлар

назоратидан ташқарида бўлган тоғли районларда жойлашганлар. Уларга қашшоқ деҳқонлар, қочоқ жинойтчилар, жамият томонидан четга чиқариб қўйилган шахслар қўшила борган. Клефтлар орасида вендетта (қасос)дан, солиқлардан, қарзлардан ва ҳукумат таъқибидан қочган кишилар ҳам кўп бўлган. Грециянинг озодлик курашида клефтларнинг роли катта бўлган.

Клин – Жанговар саф: немис салибчилари томонидан қўлланилган. Ўткир учли учбурчакка айланувчи трапеция кўринишида бўлган. Клининг қирралари ва қанотларида (баъзан ортида) отлиқ рицарлар жойлашган. Сафнинг ичидан пиёда қўшинлар жой олган.

Клуб – Сиёсий-оқартув муассасаси.

Кметлар – Ўрта асрларда славян халқларида кенг тарқалган ва турли маъноларни англатган атама: а) дастлаб жамоа, қабиланинг эркин аъзолари шундай аталган; б) қадимги рус ёзма ёдгорликларида – баходирлар, дружиначилар; в) Болгария ва Сербияда қишлоқ оқсоқоллари ва ҳоказо.

Князлик – Князлар бошқарган мустақил ва қарам давлатлар, алоҳида мулклар. Князлик шарқий славян ва қадимги рус давлатларида VIII–IX асрларда вужудга келган. Энг йирик князликлар “буюк князликлар” деб аталиб, удел (мулк)ларга бўлинган. Россияда князликлар марказий шаҳарларнинг номи билан аталган. Мас., Киев, Рязань князликлари. Рус давлатининг XII асрнинг иккинчи ярмида князликлар сони кўпайган, бу эса мамлакатнинг кучсизланишига олиб келган. XV аср охири–XVI асрларда князликлар марказлашган Рус давлати таркибига кирган. Россия империясида 1809-1917 йилларда Финляндия Буюк князлик деб аталган. Ғарбий Европада Монако, Андорра ва Лихтенштейн давлатлари ҳозирда “князлик” деб номланади.

Князь – 1. Қабила бошлиғи, давлат ёки алоҳида мулк ҳукмдори. Князь ўрта асрларда Германияда махсус имтиёзларга эга бўлган олий империя аристократияси вакили. Россияда князларнинг каттаси улуғ князь, қолганлари вилоят князлари деб аталган. 2. XVIII асрдан бошлаб баъзи Европа давлатларида подшо томонидан алоҳида хизмат кўрсатган амалдорларга ҳам князлик унвони берилган.

Коалицион ҳукумат – Турли партия вакилларининг ўзаро маълум бир битимга келиб тузилган ҳукумати.

Коалиция – Халқаро муносабатларнинг айрим масалаларида биргаликда иш кўриш ҳақида аҳдлашган давлатларнинг сиёсий ёки ҳарбий иттифоқи.

Когорт – Қадимги Рим қўшинида асосий тактик бўлинмалардан бири. Мил. ав. II асрдан легионда 10 та когорт бўлган. Октавиан Август ҳукмронлиги даврида когортлар таркибига 555 пиёда жангчи ва 66 нафар суворий кирган. Когорт жангчилари “когорталис” деб номланган. Когорт ҳарбий хизматчилари 16 йил хизмат қилишган ва легионлар ҳарбий хизматчиларга қараганда уч баробар кўп маош олишган. Уч когорт Римда, қолганлари Римнинг шимолий ҳудудларида жойлаштирилган. Римда жойлашган когорт зиммасига тартиб ва тинчликни сақлаш, ёнғинларни ўчириш ва шаҳарда тунги қоровуллик вазифалари ҳам юклатилган.

Кодекс – 1. Қадимги Римда мумланган тахтачалар ёки папирус қоғозлар бирикритилган китоб шакли. Замонавий китоблар каби варақлардан ташкил

топган. Кодекс анча ноқулай бўлган ўрама қоғозли китобларни суриб чиқарган. 2. Тизимга солинган қонунлар мажмуаси.

“Колесов воқеаси” – 1918 йилнинг март ойида Ф.И.Колесов бошчилигидаги совет кўшинларининг Бухоро амирлиги кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий можаро ва унинг оқибатлари. 1917 йилда Россияда Октябрь тўнтариши амалга оширилиб, большевиклар ҳукумати ўрнатилгандан кейин Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ёш бухороликларнинг бир қисми Бухорода амирлик тузумига барҳам бериш учун 1917 йилнинг декабрида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф.И.Колесовдан ҳарбий ёрдам сўрашган. Қизил армия томонидан 1918 йил февраль ойида Туркистон Мухторияти ҳукумати тор-мор этилгач, Бухоро амирлигига ҳужум қилишга қарор қилинган. Бухоро шаҳрида ёш бухороликлардан Файзулла Хўжаев раислигида 7 кишилик Инқилобий Кўмита тузилган. Улар амир кўшинларига қарши ҳужумга тайёрлана бошлаганлар. 1918 йилнинг 1 мартида Янги Бухорога Ф.И.Колесов бошчилигидаги 3500 кишилик қизил аскарлар отряди замбарак ва пулемётлар билан қуролланган ҳолатда етиб келган. Ф.И.Колесов билан Инқилобий Кўмита аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, амир Саид Олимхон номига талабнома ёзганлар. Ф.И.Колесов ва Ф. Хўжаев имзолари билан Саид Олимхонга жўнатилган талабнома жавобидан қаноатланмаган Ф.И.Колесов ҳарбий ҳаракатларни бошлашга буйруқ берган. 2 мартда Бухорога ҳужум бошланган. Ҳарбий ҳаракатлар 1918 йилнинг 25 мартида Совет Туркистони билан Бухоро амирлиги ўртасида Қизилтепа битими имзоланиши билан якун топган. Унинг шартларига кўра, Бухоро амирлиги ўз ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар деб ҳисобланган ва товон тўлаш лозимлиги белгиланган. Амир ўз сарбозлари сонини 12000 кишидан оширмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Қизил аскарлар амирлик ҳудудидан чақирилган. “Колесов воқеаси”дан кейин амирлик ҳудудидаги 3 минг киши жадиличликда ноҳақ айбланиб, турли жазоларга тортилганлар, уларнинг мол-мулклари мусодара этилган. Файзулла Хўжаев ва Фитрат каби кўплаб ёш бухороликлар Бухорони тарк этишга мажбур бўлганлар. Вазиятдан фойдаланиб совет ҳокимияти Туркистонда паноҳ топган бухоролик муҳожирлардан инқилобчи кучлар етиштириш ҳаракатида бўлган. 1918 йилнинг апрель-май ойларида Тошкентда Усмон Хўжа бошчилигида Ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳи тузилган. Самарқанддаги шундай гуруҳга Усмон Хўжанинг укаси Отауллоҳ Хўжа бошчилик қилган. 1918 йилнинг сентябрида Тошкентда Бухоро муҳожирлари томонидан Бухоро компартияси ва униинг Марказий Кўмитаси тузилади (раис А. Ёқубов, ўринбосар М. Қулмуҳаммедов). Файзулла Хўжаев эса Туркистон Республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонаси, яъни Москвада 1918 йил октябрда Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини ташкил қилган. Кейинчалик 1920 йилнинг январида Тошкентда Ф.Хўжаев бошчилигида Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси ташкил этилган. Ушбу ташкилотлар совет Россиясининг ҳарбий кучларига таянган ҳолда Бухорода амирлик тузумини ағдариш учун курашга киришганлар. Большевиклар ҳам стратегик мақсадларда ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаланишган.

Коллегиум – XVI–XVIII асрларда Ғарбий Европадаги ёпиқ ўрта, баъзан олий ўқув юрти. Коллегиум, асосан, иезуитлар томонидан очилган. Унда фақат ҳукмрон синф болалари қабул қилинган.

Коллегиялар – 1. Бирга, бамаслаҳат иш кўрувчи раҳбар ходимлар гуруҳи, мас., адвокатлар коллегияси. 2. Россияда Пётр I ҳукмронлиги даврида приказлар ўрнига ташкил этилган давлат институтлари, вазирликлар.

Коллективлаштириш – *Қар.: Жамоалаштириш.*

Колонлар – Қадимги Римда империянинг инқирози даври (III–IV асрлар)да яримқарам деҳқонлар. Феодал муносабатлар шакллана бошланган даврда колонлар қарам деҳқонларга айланганлар.

Колумб, Христофор – 1451-1506 йилларда яшаб ўтган асли генуялик бўлган денгизчи сайёҳ. 1492-1504 йилларда кемаларда Америка қитъаси томон 4 мартаба (1492-1493, 1493-1496, 1494-1500 ва 1502-1504 йилларда) уюштирилган экспедицияларга раҳбарлик қилган. Аслида у Ҳиндистонга олиб борадиган энг қисқа денгиз йўлини топмоқчи бўлган. Биринчи экспедицияси даврида Колумб 1492 йилнинг 9 октябрида Багама архипелагидаги Сан-Сальвадор оролига тушган. Бугунги кунда 1492 йил 9 октябрь Американинг кашф этилганлиги деб расман тан олинган. Кейинги экспедицияларида Колумб Америка қитъасининг бошқа ҳудудларини ҳам кашф этган. Колумб умрининг охиригача янги қитъа, яъни Американи кашф этганини англолмаган. Колумб кашф этган ерларни Ҳиндистон, у ерда учраган аҳолини “индеецлар” (“ҳиндулар”) деб атаган. Кейинчалик, испаниялик денгизчи сайёҳ ва олим Америго Веспуччи кашф этилган янги ерлар Ҳиндистон эмаслигини исботлаган ва у ерларни “Янги Дунё” деб аташни таклиф қилган. Кейинчалик янги кашф этилган қитъа Америго Веспуччи шарафига “Америка” деб аталган. 1497-1499 йилларда португалиялик денгизчи ва сайёҳ Васко да Гама (1469-1524 йиллар) араб денгизчилари раҳнамолигида Ғарбий Европадан Африка бўйлаб Ҳиндистонга узлуксиз денгиз йўлини очган.

Колхоз – Русча “коллективное хозяйство” ибораси сўзларининг биринчи бўғинларидан олинган сўз. Собиқ СССРда мавжуд бўлган йирик деҳқон жамоа хўжалигининг бир тури. *Яна қар.: Совхоз.*

Комендант – 1. Шаҳар ёки ҳарбий лагерларда гарнизон хизматининг бажарилиши, ҳарбий қисмлардан ташқарида ҳарбий хизматчиларнинг тартиб-интизомини назорат олиб боровчи ҳарбий бошлиқ. 2. Баъзи бир давлат ва жамоат муассасаларида, ётоқхоналарда соқчилик ва хўжалик ишларини бошқариб боровчи ходим.

Комендатура – Комендант бошқармаси ва шу бошқарма биноси.

Коменский, Ян Амос – 1592-1670 йилларда яшаб ўтган чех педагог-гуманисти.

Коминтерн – *Қар.: Коммунистический Интернационал.*

Коминтернга қарши битим – 1936 йил 25 ноябрида Германия ва Япония ўрталарида имзоланган битим.

Комиссар – 1. Реч Посполита ва Литва князлигида қайсидир масала юзасидан ёки бирор топшириқни бажариш учун буюк князь, рада ёки сейм томонидан тайинланган комиссия аъзоси. 2. Россия империясида 1765 йилдан

1780 йилгача тайинланган комиссарлик – бир ёки бир неча юз казаклардан тузилган куйи худудий бирлик раҳбари. Комиссарликлар провинцияларга бўйсундирилган. 3. 1772 йилда Псков ва Могилёв губернияларида уезд маъмуриятини бошқарган мансабдор шахс, полиция вазифаларини бажарган. 4. Собиқ СССРда 1917-1946 йилларда министр, вазир, мас., Ташқи ишлар комиссари. 5. Собиқ СССРда 1935-1942 йилларда армия сиёсий ходимларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс, мас., полк комиссари.

Комиссия – Муайян ваколатларга эга бўлган ва бир неча кишидан тузилган доимий ёки муваққат орган, мас., сайлов комиссияси.

Комициялар – Қадимги Римда халқ йиғини; амалдор шахсларни сайлаган уруш ва сулҳ масалаларини ҳал этган. Комицияда оғир жиноятлар содир этган фуқаролар суд қилинган, васиятлар эълон қилинган, фарзандликка олиш ва янги уруғларни жамоа таркибига қабул қилиш масалалари ҳам ҳал этилган. Биринчи аср охирларида ўз аҳамиятини йўқотган.

Комменданция – Ғарбий Европада илк ўрта асрларда ўзини кучлироқ, бойроқ, қудратлироқ киши ҳомийлигига топшириш хужжати. Феодаллар ўртасидаги вассаллик муносабатларини ҳам, деҳқоннинг феодалга шахсий қарамлиги муносабатларини ҳам расмийлаштирган.

Коммуна – Ўрта асрларда Францияда, Шимолий Италияда ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шаҳар. Коммуналарда ҳокимият шаҳар шўроси кўлида бўлган. Ушбу шаҳар шўроси раҳбарини Англия ва Францияда “мэр”, Германияда эса “бургомистр” деб аташган.

Коммунизм – Коммунистик жамият қуришнинг К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин ва унинг тарафдорлари томонидан яратилган ҳаёлий назария. Коммунизм ғояси “идеал жамият” номи билан Платон, кейинроқ Т.Мор, Т.Кампанелла, Ш.Фурье ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган. Ушбу назарияга кўра, коммунизм энг юқори ижтимоий-иқтисодий формация ҳисобланиб, у пролетар инқилоби орқали капиталистик жамият ўрнида пайдо бўладиган ижтимоий тузумдир. Ушбу тузумнинг асосини ягона умумий (ижтимоий) мулк ташкил этади. Марксизм асосчилари фикрларига кўра, коммунизмда хусусий мулкнинг барча кўринишлари йўқ қилиниб, улар умумий мулкка айлантирилади. Шу йўл орқалигина жамиятда эркинлик ва тенглик, бахт ва фаровонликка эришиш мумкин. Марксча тарихий жараён ҳақидаги қарашга биноан, коммунизм капитализм ўрнини эгаллайдиган ва ўз тараққиётида икки босқич (фаза) – социализм деб аталадиган куйи босқич ҳамда коммунизм деб аталадиган юқори босқични ўтадиган ижтимоий-иқтисодий формациядир. Марксистлар коммунизмда “ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша” тамойили амал қилади, “жамиятда ижтимоий тафовутлар бўлмайди, ҳамма тенг бўлади”, “давлат ўз вазифасини бажариб бўлади ва барҳам топади” деб ҳисоблашади. Кейинчалик “ибтидоий коммунизм”, “казарма” коммунизми” каби коммунизм назариялари пайдо бўлган.

Коммунистик жамият – Коммунистик мафкура асосида тавсифланадиган ҳаёлий жамият. Барпо этиладиган ушбу жамиятда гўё ишлаб чиқариш воситалари умумхалқ мулкига айланади, бошқалар меҳнатидан

фойдаланишнинг асоси бўлган хусусий мулк батамом йўқ қилинади, жамиятнинг барча аъзолари ҳар жиҳатдан тенг бўлади, синфлар бўлмайди, шаҳар билан қишлоқ ҳамда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар йўқолади, “ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша” деган принцип амалга оширилади.

Коммунистик интернационал (Коминтерн, Учинчи Интернационал) – 1919 йилдан 1943 йилгача фаолият кўрсатган жаҳон коммунистик партиялар ва коммунистик ташкилотларнинг халқаро инқилобий ташкилотининг марказий органи. Россия большевиклар партияси ташаббуси билан ташкил этилган ва бошқарилган.

Коммунистик мафкура – Марксизм-ленинизм таълимоти асосида шаклланган ҳаёлий назария. Ушбу назариянинг асосини капитализмдан кейин барпо этиладиган коммунистик жамият тавсифи ташкил этади.

Коммунистлар иттифоқи – 1847 йилда Карл Маркс ва Фридрих Энгельс томонларидан тузилган сиёсий ташкилот.

Коммюнике – Халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа, битим, келишув тўғрисидаги давлат ахбороти.

Коморниклар – XIII–XIX асрларда Украина, Белоруссия, Литва ва Польшада на ер, на уйга эга бўлган энг камбағал деҳқонлар ва шаҳарликлар. Уларга тақдим этилган бошпана (коморка) учун хўжайиннинг турли мажбуриятларни бажаришган.

Компрадорлар – Иқтисодий қоқоқ мамлакатлар (мустамлака ёки мустақил) хорижий капитал ва маҳаллий бозор ўртасида воситачилик қилувчи кишилар. Мустамлакачиликнинг юзага келиши даврида пайдо бўлган. Маҳаллий йирик буржуазия.

Компрачикослар – XIII–XVII асрларда Англия, Франция, Германияда болаларни ўғирлаш ва олди-сотди қилиш билан шуғулланган тўдалар. Болаларни жисмонан майиб-мажруҳ қилиб масхарабоз, акробат сифатида фойдаланишган. Компрачикосларнинг ўз қонунлари, одатлари, анъаналари, ҳатто, ўз тиллари бўлган.

Компромисс – Бир-бирига ён бериш асосида ўзаро бир қарорга, битимга келишиш, муроса.

Комсомол – Русча “Коммунистический Союз Молодёжи” ибораси сўзларининг қисқартирилган шакли. Собиқ СССР даврида коммунистик партиянинг фаол ёрдамчиси ва захираси ҳисобланган.

Конвенция – Давлатлар ўртасида халқаро муносабатларга доир махсус масалалар юзасидан тузилган шартнома, мас., темир йўл конвенцияси.

Конверсия – Давлат заёмларининг шартларини ўзгартириш, мас., ютуқ муддатини ўзгартириш, ютуқ фоизини камайтириш.

Конгрегациялар – Католик Черковида: 1. Монахлик орденлари томонидан бошқарилган диний ташкилотлар. 2. Бир неча монастирларнинг битта бошқарма остида бирлаштирилиши. 3. Қадимги Римда куриялар таркибига кирган муассасалар.

Конгресс – 1. Муҳим сиёсий, илмий ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган халқаро кенгаш, мажлис, мас., тинчлик тарафдорларининг

халқаро конгресси. 2. Баъзи давлатлар парламентининг номланиши. 3. Ташкилотларнинг номи, мас., Ҳиндистон миллий конгресси.

Конгрессмен – Конгресс аъзоси.

Кондоминиум – Бир ҳудуднинг икки ёки бир нечта мамлакат томонидан бошқарилиши. Мас., Буюк Британия ва Миср 1899 йилги келишувга асосан Судан устидан кондоминиум ўрнатган. Ҳозирги кондоминиумлар: Мозель дарёси (Люксембург ва Германия, 1816 йили ўрнатилган), Фазан ороли (Испания ва Франция, 1659 йили ўрнатилган) ва ҳоказо.

Коне – Қадимги Римликларнинг зироатчилик худоси, ер остидаги дон захиралари қўриқчиси.

Коннетабль – Ўрта асрларда Франция қироллигида олий ҳарбий давлат лавозими. Шарқий Рим империясида коннетабль вазифалари отхона ва отлар билан боғлиқ бўлган. Византиядан Франклар давлатига ўтган. XII асрдан коннетабллар Францияда олий давлат лавозимларини эгаллай бошлаганлар. XIV асрда коннетабль қирон қўшинларининг бош назоратчисига айланган ва қиролдан кейинги мавқега эга бўлган. Лекин Юз йиллик уруш тугагач, коннетаблларнинг аҳамияти пасайган, маршалларнинг роли ошган. 1627 йили коннетабль унвони кардинал Ришалье талаби билан батамом тугатилган, ҳарбий қўмондонлик бош маршаллар қўлига ўтган.

Конкистадорлар – Америка кашф этилгач, у ерга янги ерларни забт этиш мақсадида йўл олган испан авантюристлари. Канкистадорлар юришлари давомида маҳаллий аҳоли қирғин қилинган, асоратга солинган, талон-торож этилган.

“Конкистадорлар даври” – Американинг 1510 йилдан XVII аср ўрталаригача бўлган даврининг мажозий номланиши.

Конклав – Рим папасини сайлаш мақсадида чақириладиган кардиналлар йиғини (1274 йилдан), шунингдек, йиғин ўтказиладиган бино. Йиғин ташқи дунёдан буткул ажратиб қўйилган бинода ўтади. Конклав ўтказиш тартиби XIII асрда папа Григорий X томонидан белгиланган. Кейинги папалар бу тартибга жузъий аниқлик ва тузатишлар киритган. Папа сайлаш учун қатнашчиларнинг 2/3 қисми ва яна қўшимча бир овоз берилиши талаб қилинади. Конклав қатнашчилари сони 120 дан ошмаслиги керак.

Конкордат – Католик черкови бошлиғи сифатида папа ҳамда қайсидир давлат ўртасида мазкур мамлакатдаги католик черкови ҳуқуқий мақоми ва унинг папа ҳокимияти билан муносабатларини тартибга солувчи шартнома. XIX асрда Европа сиёсий харитасининг ўзгариши билан атаманинг аниқ изчиллиги йўқолган.

Конкубинат – Қадимги Рим ҳуқуқида эркак ва аёлнинг, тўлақонли никоҳдан фарқли ўлароқ, никоҳ муносабатларини ўрнатиш мақсадида бирга яшаши, ёстикдошлик. Ўзига хос жиҳатларга эга бўлган. Мас., конкубинатдан туғилган болалар чекланган мерос ҳуқуқига эга бўлган. Октавиан Августнинг мил. ав. 18 йилги никоҳ ҳақидаги қатъий қонунларидан сўнг кенг қўлланилган. Принципат даврида конкубинат тушунчаси эр-хотинликни тасдиқлаш мумкин бўлмаган барча ҳолатларда (мас., ижтимоий нотенглик боис) нисбатан қўлланилган. Ўрта асрларда конкубинат иккинчи даражали никоҳ сифатида

қарор топган. Византияда IX асрда, Ғарбий Европада XII асрда бекор қилинган.

Консерватизм – 1. Тараққиётга, янгиликка, илғор ғояларга душманлик. 2. Эскиликни, эски тартиб-қоида ва тамойилларни сақлаб қолиш, тиклашга интилиш. Мавжуд тартибот муассасалари ва ижтимоий-маънавий қадриятларни ҳимоя қилувчи ижтимоий- сиёсий таълимот ва сиёсий қарашлар тизими. Консерватизм ғоялари негизида XX асрнинг 70-йилларида неоконсерватизм таълимоти вужудга келган.

Консервация – Корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалар ишини вақтинча тўхтатиш, улардаги ускуналардан фойдаланмасдан сақлаб туриш, қурилишни вақтинча тўхтатиш.

Конскрипция – XVIII аср охири-XIX аср бошларида Францияда умумий ҳарбий мажбурият асосида қўшин йиғиш усули. Буюк француз инқилоби даврида 1793 йил августда Конкент 18-40 ёшли барча французларни, биринчи навбатда, 18-25 ёшли бўйдоқ ва фарзандсиз эркакларни армия сафига мажбуран жалб этиш ҳақида декрет қабул қилган. 1798 йили 6 йиллик умумий ҳарбий мажбурият “конскрипция” деб номланган қонунга айланган. Дастлаб ҳарбий мажбурият шахсий характерга эга бўлиб, чақирувчиларни бошқа кишилар билан алмаштириш тақиқланган. Лекин 1800 йилдан ўриндошлик ва пуллик бадал эвазига хизматдан қутулишга изн берилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳарбий мажбурият конскрипциянинг ўрнини тўлиқ эгаллаган.

Консорт (Консорт-шаҳзода, Консорт-қиролича) – Амалда ҳукмронлик қилаётган қироличанинг эри, ўзи монарх ҳисобланмайди (мабодо бошқа мамлакат қироли бўлмаса). Консортларга ҳозирги Филипп, герцог Эдинбургский (Елизавета II нинг эри) ва шаҳзода Генрих Даниялик (Маргрете II нинг эри)ни мисол келтириш мумкин. Худди шундай мақом қиролнинг рафиқасига ҳам (Консорт-қиролича) берилиши мумкин.

Конспирация – Нолегал, махфий тарзда тузилган ташкилотларнинг ўз фаолиятларини сир тутиш ва аъзоларини яшириш учун қўллайдиган усуллари, чора-тадбирлари.

Константин I, Флавий (Буюк Константин) – Қадимги Рим императори (306-337 йиллар). Константин ҳукмронлиги даврида Римда христиан дини давлат динига айлантирилган. Расмий христиан динига зид бўлган барча оқимлар “ерес” (“ғайридин”) деб эълон қилинган ва уларга қарши курашда давлат маъмурлари диндорларга кўмаклашишган. 313-йилда черков ва черков мулклари диндорларга қайтариб берилган. 324-330 йилларда Константин Болқон ярим оролида мавжуд бўлган Византий шаҳри ўрнига янги шаҳар қурдирган. Бу шаҳар “Константинополь” (ҳозирги Станбул шаҳри) деб аталган ва у Рим империясининг янги пойтахтига айланган. Константинополнинг қурилиши билан Римнинг мавқеи пасайган, Римнинг шарқий вилоятларининг мавқеи эса ошган. Рим империясида христианлик кенг тарқалган бўлса-да, қадимги динларнинг анъаналари, маросимлари халқ ичида сақланиб қолган. Христианликда 354 йилдан бошлаб 25 декабрь Иисус туғилган кун сифатида қабул қилинган ва ҳозиргача байрам қилиб келинмоқда.

Констанца собори – Германиянинг Констанца шаҳрида Рим папаси томонидан чақиртирилган собор (мажлис). Унда 1415 йилда Ян Гусь ҳибсга олинган ва кейинчалик гулханда куйдирилган.

Конституция – Давлат, жамият ва инсонга оид энг асосий ҳуқуқий муносабатларни комплекс тартибга соладиган ва шу борада бошқа қонунлар учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайдиган, олий юридик кучга эга бўлган, қатъий тизимлаштирилган мамлакат мустақиллигининг кафолати бўлган асосий қонун. У давлат тузилиши, уларнинг ваколати ҳамда шакллантириш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади. Давлат фаолиятининг турли соҳаларида конституцияга риоя қилинишини назорат этиш Олий суд ва Конституциявий суд зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ тасдиқланган ва ҳаётга жорий этилган.

Конституциявий бурч – Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳамда уларнинг ривожини таъминлаш учун фуқаролар томонидан адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа ва мажбуриятлар. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчлари куйидагилардан иборат: Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш шартлиги; Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этиши, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаши; атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши; қонунларда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаши; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиши, ўрнатилган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташи ва ҳоказо.

Конституционализм – Жамият ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи тамойил.

Консул – 1. Қадимги Римда илк республика даврида вужудга келган олий мансабдор шахс. Консуллар икки кишидан иборат тартибда дастлаб бир йиллик муддатга фақат патрицийлардан сайланган. Мил. ав. 367 йилдан сўнг консуллардан бири плебейларнинг орасидан сайланган. Консуллар халқ йиғинлари ва сенатни чақирган. Фавқулодда ҳолларда сенат консулга чексиз ҳуқуқлар берган. Консул империя даврида ўз амалий аҳамиятини йўқотиб, фахрий унвонга айланган. Ўрта аср Шимолий ва Марказий Италия шаҳарларидаги олий мансабдор шахс. VIII асрнинг биринчи ярмида консуллар фуқаролар томонидан, асосан, бир йилга 4-12 кишидан иборат таркибда сайланиб, олий ижроия, маъмурий, молиявий, суд ва қисман қонун чиқарувчи ҳокимиятга эгалик қилган ва шаҳар патрицийлари манфаатини ифода этган. 2. Бирор давлатнинг бошқа бир давлат шаҳри ёки маҳалидаги расмий доимий вакили, икки давлат орасида сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериши учун тайинландиган мансабдор шахс.

Консуллик (Консулхона) – Бирор давлатнинг бошқа бир давлат шахри ёки маҳалидаги консул бошлиқ вакиллиги, ваколатхона.

Консултант – Ўз ихтисоси бўйича маслаҳат берувчи, йўл-йўрик кўрсатувчи ёки махсус чақирилган мутахассис.

Консултация – Бирор соҳа мутахассиси ёки олимнинг маслаҳати, йўл-йўриқлари.

Континент – *Қар.: Қитъа.*

Контрабанда – Давлат чегарасидан бошқа давлатдан ғайриқонуний, яширинча, бож тўламай мол-товар ўтказиш ёки тақиқланган мол-товар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ўтказиш.

Контрибуция – 1. Урушда енгилган давлатнинг ғолиб давлатга тўлайдиган товони. 2. Уруш вақтида душман томонидан босиб олинган худуд аҳолисига солинадиган мажбурий солиқ.

Контрреформация – XVI–XVII асрлар ўртасида Европада папалар бошчилигида реформацияга қарши қаратилган диний-сиёсий ҳаракат. Контрреформация дастурининг асосини Тридент собори (1545-1563 йиллар) қарорлари ташкил этади. Собор томонидан тасдиқланган ақидалар ва қонунларга заррача шак келтириш бидъат ҳисобланган. Асосан, инквизиция ёрдамида амалга оширилган. Контрреформацияни монахлар орденилари қўллаб-қувватлаб туришган. Бу ҳаракат икки асрдан кўпроқ давом этган.

Конфедерация – Давлат тузилишининг бир шакли. Унга кўра, конфедерацияни ташкил қилган давлатлар ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади, ўз давлат ҳокимиятини тузади; махсус бирлашган органлар эса муайян (ҳарбий, ташқи сиёсий) мақсадларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш учунгина тузилади. Конфедерация энг кам учрайдиган давлат тузилишидир. Ҳозирда дунёда фақат битта конфедерация- Европа Иттифоқи мавжуд.

Конференция – Бирор давлат ёки партия, жамоатчилик ва олимлар вакилларининг бирор масалани ҳал қилиш ёки муҳокама этиш учун уюштирилган йиғилиши, мажлиси.

Конфискация – *Қар.: Мусодара қилиш.*

Конфликт – Қарама-қарши томонларнинг фикр, куч ва ҳоказоларнинг тўқнашуви.

Конформизм – Мавжуд ижтимоий тартиб, ҳукмрон ғоя ва фикрларга мослашиш, уларни пассив қабул қилиш. Конформистларнинг ўз мавқеи бўлмайдиган, тазйиқ кучига эга ҳар қандай намунага принципсиз, нотанқидий кўр-кўрона эргашаверади.

Конфуций (Кун Фу-цзи) – Мил. ав. тахм. 552-479 йилларда яшаб ўтган қадимги Хитой файласуфи, конфуцийчилик таълимотининг асосчиси. Конфуцийнинг асл исми Кун Цю бўлган. Кун Цю кейинчалик “Кун Фу-цзи” (“ҳурматли устоз Кун”) деган фахрли лақаб билан машҳур бўлган. XVII асрда Европа мамлакатларидан Хитойга келган миссионерлар хитойлик мутафаккирлар таълимотлари (шу жумладан Кун Фу-цзи таълимоти) билан танишганлар. Европа халқини Кун Фу-цзи таълимоти билан таништиришни қулайроқ қилиш мақсадида уни “Конфуций” деб атаётганлар. Кейинчалик Кун Фу-цзи айнан “Конфуций” номи билан машҳур бўлган. Конфуций Хитойнинг энг

машхур ўқитувчиси сифатида шухрат қозонган. Конфуций Хитой бўйлаб кўп сафар қилиб, жойларда ўз таълимотидан сабоқ берган. Унинг 3000 нафар шогирди бўлган. Улардан 72 таси Конфуцийни ҳеч қачон тарк этишмаган. Конфуций ўзи, авлодлари ва яқин шогирдлари учун алоҳида ажратилган қабристонда дафн этилган. Ҳозирда ушбу қабристон “Конфуций ёдгорлик мажмуи” номи билан ибодатгоҳга айлантирилган. “Конфуций ёдгорлик мажмуи” Конфуций туғилиб ўсган жой – Цюйфу шаҳрида жойлашган. Конфуций фақат оғзаки таълим берган. Шунинг учун унинг ўзи бир сатр ҳам қўлёзма қолдирмаган. Конфуцийнинг бизгача маълум (“Сухбатлар ва мулоҳазалар”, “Буюк таълимот”, “Ўрталик ҳақида таълимот” ва бошқалар) асарлари унинг шогирдлари томонидан ёзилган.

Конфуций ёдгорлик мажмуи – Хитойнинг Конфуций туғилиб ўсган Цюйфу шаҳрида жойлашган ва ҳозирги кунда улкан ибодатхонага айлантирилган қабристон–зиёратгоҳ.

Конфуцийчилик – Қадимги Хитойда вужудга келган диний таълимот. Конфуцийчилик Хитойда дастлаб ахлоқий-сиёсий таълимот шаклида вужудга келган. Кейинчалик даосизм ва буддизм каби фалсафий-диний оқимга айланган. Конфуцийчиликнинг асосчиси Конфуций (Кун Цю) ҳисобланади. Конфуцийчилик таълимотида инсонпарварлик, одоб қоидалари ва фазилат тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Конфуцийчиликнинг инсонпарварлик тушунчасига кўра, одамлар ахлоқий ва ижтимоий муносабатларда ёши улуг, мавқеи баланд кишиларни ҳурмат қилишлари, подшоҳларга садоқатли бўлишлари лозим. Ушбу таълимотга кўра, одоб қоидаларига риоя этиш туфайли инсонда юксак фазилатлар шаклланади, жамият ривож топади, адолат тантана қилади. Инсон бурчининг негизини, конфуцийчилик таълимотига кўра, “сен ўзинг нимага эришишни истасанг, унга бошқаларнинг эришишига кўмаклаш”, “сен нимани орзу қилмасанг, уни бошқаларга раво кўрма” тамойиллари ташкил этади. Конфуцийчилик таълимотига кўра, одамларнинг биргаликда оқилона яшашлари уларнинг донолик, инсонпарварлик, садоқат, катталарни ҳурмат қилиш, жасорат каби оддий ва буюк фазилатларига боғлиқ. Конфуцийчиликда жамиятни бошқариш йўлларига катта эътибор берилган. Унга кўра, жамиятни керагидан ортиқ оддий қонунлар билан тўлдириб юбормаслик лозим. Ёки ўтмишда ўрнатилган тартибга сажда қилиш янги қонунлар руҳига зиддир. Конфуцийчилик мил. ав. I асрда Хитойда давлат таълимотига айланган, IX асрда буддизм, XI асрда даосизмдан устун келган.

Концентрацион лагерлар (концлагерлар) – Давлат, сиёсий режим ва бошқаларнинг ҳақиқий ёки гумон қилинган душманларини мажбурий ажратиб қўйиш учун мўлжалланган лагерь. Концентрацион лагерь оддий қамоқхоналар, ҳарбий асирлар учун ва қочоқлар лагерларидан фарқли равишда уруш, кескинлашган сиёсий кураш даврида махсус декрет асосида тузилган. Дастлабки концентрацион лагерлар Кубадаги озодлик кўзғолонлари бошларида (1895 йили) испанлар томонидан, инглиз-бурлар уруши (1899-1902 йиллар) вақтида инглизлар томонидан, Россияда Халқ комиссарларининг “Қизил террор ҳақида” қарори (1918 йил сентябрь) асосида ташкил қилинган. Тоталитар режим шароитида махсус мақсад ва оммавий катағон вақтида

лагерларнинг номи ўзгартирилган (қар. ГУЛАГ). Фашистлар Германиясида концентрацион лагерлар оммавий давлат террори ва геноцид қуроли бўлиб, у босиб олган мамлакатларда тарқалган. Гитлерчи фашистлар шу мамлакатларнинг миллионлаб тинч аҳолисини, ҳарбий асирларни, немис ватанпарварларини концентрацион лагерларда қийнаб ўлдиришган. Энг йирик концентрацион лагерлар қуйидагилар бўлган: Дахау, Бухенвальд, Треблинка, Равенсбрюк (аёллар учун), Заксенхаузен, Маутхаузен, Собибор, Освенцим, Майданек ва ҳоказолар.

Концепция – 1. Қараш, фикр юритиш тизими. 2. Факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш усули.

Концессия – Бирор давлат ёки ўзини-ўзи мустақил бошқарувчи маҳалнинг корхона, ўрмон, кон, ер ости бойликларини маълум шартлар ва муддатларга бошқа давлат сармоядорларига ижарага бериш.

Концлагерь – *Қар.: Концентрацион лагерь.*

Кооперация – 1. Кишиларнинг биргаликда меҳнатни ташкил этиш шакли. 2. Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотик, ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги жамиятлар, мас., уй-жой қурувчилар кооперацияси, хунармандлар кооперацияси.

Коперник, Николай – 1473-1543 йилларда яшаб ўтган поляк астрономи, гелиоцентрик система асосчиси. У 1543 йилда нашр эттирган “Осмон жисмларининг айланиши ҳақида” асарида фан ва динда ўша вақтгача ҳукмрон бўлган геоцентрик системасини рад этиб, гелиоцентрик системани баён этган. Кейинчалик Коперник ғояларини Жордано Бруно ва Галилео Галилей давом эттиришган. *Яна қар.: Геоцентрик система, гелиоцентрик система.*

Корандалик – Ерни ижарага олиш тури. Ўтмишда Ўрта Осиё хонликларида ер эгаси билан ҳосилнинг тўртдан бир ёки ярмини олишга байлашиб ишловчи деҳқон. Корандалик айрим ривожланган мамлакатларда (Америка Қўшма Штатлари, Италия, Испания ва бошқалар) ҳозир ҳам қисман учрайди.

Корвет – 1. XVII–XIX асрларда ҳарбий флотда разведка ва ёрдамчи ишларни бажаришга мўлжалланган елканли кема. 2. Иккинчи жаҳон уруши давридан ҳозиргача Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа ҳарбий флотларида сувости кемалари ҳамда ҳаво ҳужумидан муҳофаа кўшинларига тегишли жанговар кемалар.

Корволант – Отлиқлар, пиёдалар ва енгил артиллериядан ташкил топган жанговар бирлик. 1701 йили Пётр I томонидан ташкил этилган. 1701-1721 йиллардаги Шимолий уруш вақтида мавжуд бўлган. Душманнинг орқа томонида ҳаракатланиш, унинг алоқа воситаларини қўлга киритиш, рақибни таъқиб этиш ва йўқ қилишга мўлжалланган. Асосий кучлардан ажралиб қолганда мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Кориз (Кохрез) – Ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қуриладиган ер ости иншооти; аҳолини сув билан таъминлаш ва суғориш мақсадларида қўлланилади. Кориз Яқин Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиёда тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғ олди зоналарида учрайди. XX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёда кориз сувларидан экинларни суғоришда фойдаланилган.

Коринф конгресси – Македония шоҳи Филипп II томонидан мил. ав. 337 йилда Коринф шаҳрида ўтказилган панэллин (Умумнон) конгресси. Ушбу конгресс қарорларига биноан ҳар юнон шаҳар-давлатлари ўз вакилларини Коринф шаҳрига қолдирадиган бўлган. Улар Македония подшоси гегемонияси остида шаҳар-давлатлар иттифоқига раҳбарлик қилишлари лозим бўлган. Барча юнон шаҳар-давлатлари мустақил ҳисобланиб, ўзаро тинч яшашлари лозим бўлган. Агар улар ўртасида бирор ихтилоф чиқса, уларни ҳал қилиш Коринф конгресси вакиллари зиммасида юклатилган. Коринф конгресси қарорига биноан Филипп II юнон шаҳар-давлатлари ва Македония армияларининг бош қўмондони этиб тайинланган. Бундан фойдаланиб Филипп II Эронга қарши урушга тайёргарликни бошлаган.

Корнет – Бир қатор мамлакатлар қўшинида, кўпроқ отлик қўшинида кичик офицерлик унвони. Муҳораба вақтида жангчиларга қарнайлар билан сигналлар берган. Россияда 1731 йилдан 1917 йилгача мавжуд бўлган.

Корпорация – Бирор касб ёки табақага мансуб кишилар уюшмаси, иттифоқи, бирлашмаси.

Коррупция – Мансабдор шахснинг шахсий бойиш мақсадида ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни бевосита суиистеъмол қилиши.

Кортеслар – Ўрта асрларда Пиреней яриморали давлатларида тоифавий-вакиллик органлари. Дастлаб кортеслар таркибига зодагонлар ва руҳонийлар кириши мумкин бўлган. 1188 йили шаҳарликлар ҳам уларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Абсолютизм ўрнатилиши билан кортеслар ўз аҳамиятини йўқотган.

Косиб – Қўл иши билан шуғулланувчи ҳунарманд.

Космополитизм – “Киши дунё фуқаросидир” деган сохта шиор остида ватанпарварликни, халқларнинг миллий ва маданий анъаналари, мустақилликларини инкор этувчи назария. Македониялик Александр юришлари даврида пайдо бўлган. Бу назария тарафдорлари ҳозирги кунда “бутун дунё ҳукумати тузиш”га интиломқдалар. Космополитизм миллий анъана ва маданиятдан, ватанпарварликдан воз кечишга – беватанликка даъват этади.

Котиб – Қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланадиган шахс, мирза.

Кофир – Ислом таълимотига кўра, ислом дини анъаналарини, манбаларини тан олмайдиган киши.

Коч – Бир палубали, бир мачтали елканли-эшакли мўъжаз ёғоч кема. IX–XIX асрларда кенг тарқалган.

Кошифий, Ҳусайн Воиз – Тахм. 1442/46-1505 йилларда яшаб ўтган воизлик санъати намояндаси, илоҳиёт олими.

Кошона – Ҳашаматли, кўркама бино.

Коҳин – 1. Зардуштийлик дини руҳонийси, сеҳргар. 2. Дин аҳли, руҳоний. 3. Бирор воқеа-ҳодисани олдиндан билиб, хабар берувчи, фолбин.

КПСС – Русча “Коммунистическая партия Советского Союза” (Совет Иттифоқи коммунистик партияси) ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз.

Красс – Қадимги Рим сарқардаси. Мил. ав. 115-53 йилларда яшаб ўтган. Қадимги Римнинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлган. Спартак кўзғоло-

нини бостиришда иштирок этган. Мил. ав. 60 йилда саркардалар Юлий Цезарь ва Помпей билан бирга Рим сенатига қарши курашиш мақсадида махфий тарзда биринчи учлик ҳокимиятини тузган. Мил. ав. 54 йил ёзида Красс Сурияда жойлашган 9 легиони билан шарқ томон ҳарбий юришни бошлаган. У олдинлари Македониялик Александр босиб олган ерларни парфияликлардан озод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лекин Красс қўшини мағлубиятга учраган. Римликлар жароҳатланганларни, юкларини ташлаб тезроқ Сурия худудига етиб олишга уринишган. Красс ва унинг 20 мингга яқин аскарлари ўлдирилган. Красс қўшинларидан кичкина қисмигина Суриягача етиб келган.

Кредит – Қарзга мол-товар бериш ёки олиш.

Кредитор – Қарз берувчи.

Кремация – Мурдаларни ёқиш. Кўплаб қадимги халқларда, буддизм ва ҳиндуизмга эътиқод қилувчи халқларда кенг тарқалган. Ҳозирда ўлган киши жасадини махсус печда куйдиришади.

Кремль – Қадимги рус шаҳарларининг марказий қисми; атрофи девор билан ўралган минорали қалъа, муҳофаа иншоотлари, сарой ва черковлардан иборат. Илк бор 1331 йили ёзма манбаларда “кремник” деб тилга олинган. Кремль деворлари дастлаб ёғоч ва лойдан, XI асрдан тош ва ғиштдан қурилган. Асосан, шаҳарнинг баланд жойида, дарё ёки кўл бўйида барпо этилган. Кремлда князь ёки подшоҳларнинг қароргоҳи, собор, боярлар уйи ва бошқалар бўлган. XVI–XVII асрларда Россияда кремллар қурилиши кенг авж олган.

Креоллар – 1. Америкага энг аввал келиб қолган испанлар ва португалларнинг авлодлари. 2. Бразилия ва Олтин Америкаси ҳамда Вест-Индиядаги инглиз, голланд, француз мустамлакаларида африкалик қуллар авлоди. 3. Африка мамлакатларида африканликлар ва келгинди халқ вакиллари никоҳидан пайдо бўлган авлод. 4. XVIII–XIX асрларда Аляскага кўчиб келган руслар билан индейцлар, эскимослар ва алеутлар никоҳидан пайдо бўлган авлод.

Крепостной ҳуқуқ – Феодал давлатларда деҳқонлар қарамлигининг тўлиқ ва машъум кўринишини мустаҳкамлаган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи. Деҳқонларнинг ўзига ажратилган ердан кетишини тақиқлаш (яъни, уларни ерга маҳкам бириктириб қўйиш, қочоқ деҳқонлар мажбуран қайтарилган), маълум бир феодалнинг маъмурий ва судлов ҳокимиятига меросий қарамликни, деҳқонларни ер участкасини сотиш ва кўчмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этишни назарда тутди. Ўрта асрларда бутун Европа бўйлаб кенг тарқалган. Россияда крепостнойлик ҳуқуқ 1861 йилнинг 19 феврида император Александр II нинг фармони билан бекор қилинган.

“Крестьян армияси” – Россиядан Ўрта Осиёга турли даврларда кўчириб келтирилган рус деҳқонларидан тузилган армия. Ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Жалолобод шаҳри атрофидаги рус деҳқонларидан тузилган. Крестьян армияси дастлаб қизил армия ва дашноқлар сафларида туриб Фарғона водийси аҳолисини қириш, ғорат қилиш билан шуғулланган. Кейинчалик совет ҳукумати томонидан ўтказилган хусусий мулкка қарши

кураш, маҳаллий халқлардан тортиб олинган ерларни мусодара қилиш каби чора-тадбирлари крестьян армиясининг истиклолчилар томонига ўтишига сабаб бўлган. 1919 йилнинг ёзидан бошлаб полковник К.Монстров қўмондонлигидаги крестьян армияси Мадаминбек қўшинлари билан бирга қизил армияга қарши жангларда иштирок этган. 1919 йилнинг 2 сентябрида Мадаминбек ва Монстров ўрталарида совет ҳукуматига қарши биргаликда курашиш тўғрисида расмий шартнома имзоланган. Унга кўра, 10 та полкдан иборат 5000 кишилик крестьян армияси Мадаминбек томонига ўтган, полковник К.Монстров эса Мадаминбекнинг ўринбосари этиб тайинланган. 1919 йилнинг охири-1920 йил ўрталаригача Мадаминбек крестьян армияси ёрдамида Фарғона водийсида катта ғалабаларга эришган бўлса-да, кўплаб ҳолларда крестьян армияси қўмондонлари Мадаминбекка панд беришган (масалан, Андижон қамали вақтида крестьян армияси ўз мудофаа марраларини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишган). 1920 йил 17 январда полковник К.Монстров, сал кейинроқ крестьян армиясининг генерал-майори А.Муханов ўз ихтиёрлари билан қизил армияга таслим бўлишган. Кейинчалик улар совет қўшинлари сафида хизмат қилишган. Крестьян армиясининг қолдиқлари эса 1921 йилнинг февраль ойида қизил армия томонидан бутунлай тугатилган.

Крикс – Қадимги Римда мил. ав. 74-71 йилларда бўлиб ўтган Спартак кўзғолони раҳбарларидан бири *Яна қар.: Спартак бошчилигидаги кўзғолон.*

Криминалистика – Ҳуқуқ илмининг жинойатларни текшириш, аниқлаш ва очиш усуллари ва тактикасини ўрганиш билан шуғулланадиган фан.

Криминология – Жинойатларни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганадиган илм.

Крит давлати – Тахм. мил. ав. XX асрда Крит оролида пайдо бўлган ва мил. ав. XVIII–XV асрларда ўзининг энг ривожланиш чўққисига етган қадимги Юнонистондаги давлат тузилмаси. Қадимги Крит давлати мил. ав. XV асрда Болқон ярим оролининг жанубида яшаган ахей қабиласи томонидан забт этилган.

Кришна – Ҳиндуизм дини таълимотларига кўра маъбуда. Худо Вишнунинг тимсолларидан бири сифатида эъзозланади.

Кромвель, Оливер – 1642-1660 йилларда Францияда бўлиб ўтган инқилобнинг арбоби. 1642-1646 ва 1648 йиллардаги фуқаролик урушида парламент тарафдорлари томонидан тузилган армияга қўмондонлик қилган ва унинг қирол армияси устидан ғалабасига катта ҳисса қўшган. Англия қироли Карл I суд ҳукмига кўра қатл этилган, парламентнинг юқори (лорддар) палатаси тарқатиб юборилган. 1649 йили Кромвель бошчилигидаги инглиз қўшинлари аҳолиси католик мазҳабида бўлган Ирландияни забт этган. 1652 йили эса Шотландия ҳам Англия тасарруфига ўтказилган. Шундан сўнг бу давлат “Буюк Британия” деб аталган. 1653 йилга келиб Англиянинг бир палатали парламенти демократияга қарши сиёсат олиб борувчи кучга айланган. Бундан фойдаланиб Оливер Кромвель парламентни тарқатиб юбориб, ўз протекторати (ҳарбий диктатура режими)ни ўрнатган, ўзини эса Англия Республикасининг лорд-протектори деб эълон қилган. Кромвель Англияда маъмурий-худудий ва ҳарбий ислохотлар ўтказган. У мамлакатни ҳарбий

округларга бўлган. Округлар бошлиқлари этиб генерал-майорлар тайинланган. Аслида эса мамлакатнинг барча соҳаларини Кромвелнинг ўзи бошқарган. Кромвель ҳукмронлиги даври (1653-1658 йиллар)да Англия тез суръатлар билан ривожланган, инглиз ҳарбий кемалари Голландия, Франция ва Испания кемаларини дунё денгизларида сиқиб чиқара бошлаган. Кейинчалик Англиянинг ҳукмрон доираларида монархия тизимини қайта тиклаш кайфиятлари кучайиб борган. 1658 йили Кромвель вафот этгандан кейин унинг ўғли Ричард Англия лорд-протектори бўлган. 1659 йилда эса Ричард ҳарбий диктаторлик лавозимидан воз кечган. Шундан сўнг Англияда ҳокимият генералитет қўлига ўтган. *Яна қар.: Инглиз инқилоби.*

Крон – Ривоятларга кўра, қадимги Юнонистонда ўз отасини тахтдан зўрлик билан ағдариб, ўзини олий худо деб эълон қилган золим шахс.

Крона – Ғарбий Европадаги тангаларнинг умумий номи, унга туширилган тож тасвири учун шундай аталган.

Кронштадт кўзғолони – Россияда 1921 йилнинг 2 мартда “Ҳарбий коммунизм” сиёсатига қарши бўлиб ўтган матросларнинг кўзғолони.

Ксенофобия – Ғайритабиий кўркув ва бегоналарга нисбатан нафрат. Ксенофобиянинг объекти алоҳида гуруҳ, яъни бошқа дин, ирқ, қабила ёки миллат вакиллари, чет элликлар ҳамда барча “бегоналар”дир. Социология фанида ксенофобияни “гуруҳлараро низо”, “этноцентризм”, “этник стереотиплар”, “социал сабрсизлик” каби атамалар билан аталади.

Кубера – Ҳиндуизм динига кўра бойлик, ҳукмдорлар худоси.

Кубровийлик – Тасаввуф оқимларидан бири. Нажмиддин Кубро асос солган. Кубровийлик оқимига мансуб кишилар ўртасида овоз чиқармасдан зикр қилиш амалда бўлган.

Кубро, Нажмиддин (Кубро тахаллуси; асл исм-шарифи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий) – 1145-1221 йилларда яшаб ижод қилган улуғ шайх, тасаввуфнинг йирик намояндаси. Шариат ва тариқат илмининг буюк донишманди бўлгани учун “нажмиддин” ва “кубро” деган лақабларга сазовор бўлган. “Нажмиддин” сўзи “диннинг юлдузи”, “кубро” сўзи эса “улуғларнинг улуғи” деган маъноларни англатади. Истеъдодли муридлар тарбиялашда маҳорат кўрсатгани учун уни “Шайхи валитарош” (“валиларни вояга етказувчи”) деб ҳам эъзозлашган. Маълумотларга қараганда, Нажмиддин Кубро ўн икки кишини муридликка қабул қилган ва уларнинг барчасини тарбиялаб шайх даражасига етказган. Бундан ташқари Кубронинг минглаб шогирдлари бўлган. Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива (Хивак) шаҳрида туғилган. У турли илмларни ўрганган. Кубро шарқнинг турли шаҳарларда бўлиб, атоқли ҳадисшунос, файласуфлардан таълим олган. Хоразмга қайтгандан кейин у муридлар тарбиялаш мақсадида катта хонақоҳ қурдирган. Нажмиддин Кубро сўфийлик таълимотида машҳур бўлган “кубровийлик” (“кубровия”) тариқатига асос солган. У тариқат ва футувват (жавонмардлик)ни бир-бирига қўшган, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этган. Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг машҳурлигидан хабардор бўлган. Машҳур мутафаккир Мавлоно Жалолоддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий” асарининг муқаддимасида келтирган

маълумотга кўра, Урганчга ҳужум қилишдан олдин Чингизхон ўз чопари орқали Нажмиддин Куброга мактуб юбориб, “Мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахсни у ердан кетиб, бизга қўшилишингизни сўрайман”, деган. Кубро Чингизхонга шундай жавоб берган: “Мен етмиш йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тортганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган пайтда қочсам мурувватдан бўлмайди”. Қамалда бўлган Урганч шаҳрини мўғул босқинчиларидан мудофаа этиш вақтида мункиллаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро ўз муридлари ва ватандошлари билан босқинчиларга қарши қўлига қурол олиб шаҳар қалъасини душмандан бир неча кун ҳимоя қилган. У “ё Ватан, ё шарафли ўлим” деган шиор остида Ватан ҳимояси йўлида 1221 йилда мўғул босқинчилари қўлидан ҳалок бўлган. Жангдан кейин Нажмиддин Кубронинг жасадини тезда топиша олмаган. Чунки унинг танаси қийма-қийма қилиб ташланган бўлган. Нажмиддин Кубро Кўҳна Урганчда дафн этилган.

Кудунгарлик – Тўқилган ип-газлама, шийини ҳамда ошлаб олинган чармни уриб текислаш, силлиқлаш ва унга жило бериш (пардозлаш) касби. Кудунгарлик касби билан уста-кудунгар шуғулларган.

Кужула Кадфиз (Киэутцики) – Кушон давлатига (25 ва 50 ёки 78 йй.) асос солган юечжи қабиласининг зодагонларидан бири.

Ку-клукс-клан – Америка Қўшма Штатларидаги ўта ўнг ташкилотнинг номи. Оқ ирқнинг ҳукмронлиги, ирқчилик каби экстремистик ғоялар тарафдори бўлишган. Ку-клукс-клан ташкилоти илк бор 1865 йилнинг 24 декабрида Тенесси штатининг Пьюласки шаҳрида судья Томас Л.Жонс ва олти нафар армия ветерани томонидан тузилган.

Кукулькан – Майяларнинг шамол ва Венера сайёраси худоси, ёмғир ёғдиради деб тушунилган.

“Куликово жанги” – 1380 йилнинг 8 сентябрида рус ва мўғул қўшинларининг Дон дарёси соҳилидаги Куликово майдонида бўлиб ўтган жанг.

Кулол – Лойдан турли сопол идишлар тайёрлайдиган ҳунарманд.

Кулол, Шамсиддин – Соҳибқирон Амир Темур пирларидан бири.

Кунгура – Кўшк, қалъа, арк деворлари ва кўрғонларнинг тароқ тиши шаклида безатилган юқори қисми. Мудофаа деворларида шинак (ўқ отадиган жой), кейинчалик безак сифатида қўлланилган.

Кун Фу-цзи (ҳурматли устоз Кун) – Конфуцийчилик таълимоти асосчиси Кун Цюнинг фахрли номи.

Кун Цю – *Қар.: Конфуций.*

Купидон – Қадимги римликларнинг севги худоси, Венеранинг ўғли. Юнонларнинг Эрот илоҳига тўғри келади.

Курия – Қадимги Рим аҳолисининг энг кўҳна бўлинмаларидан бири. Римликлар тасаввурича, Ромул аҳолини уч трибага, трибаларнинг ҳар бирини эса 10 тадан курияга бўлган. Куриядан ҳар бири халқ йиғинида, курият комицияларида биттадан овозга эга бўлган. Куриялар дастлабки қўшин тузилишининг ҳам асосига айланган.

Курос – Қадимги Юнон санъатида ёш атлет ҳайкали. Ибодатхона ва мақбараларга қўйилган. Куроснинг аёл аналоги – кора. Курослар тўғрига қараган ва чап оёғи олдинроқда турган ҳолатдаги йигитларни тасвирлаган. Илк курослар ёғочдан ишланган. Мил. ав. VII асрда юнонлар мисрликлардан тошга ишлов беришни ўрганишди ва курослар ҳам тошдан ясала бошланди.

Курск жанги – Иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи жанглардан бири. 1943 йил 5 июлидан 23 августигача бўлиб ўтган. Бу жангда фашистик Германия мағлуб бўлиб, 500 мингга яқин ҳарбий хизматчилари, 1,5 минг танк, 3,7 мингдан ортиқ самолёт, 3 мингдан ортиқ тўпидан айрилган.

Кутвол – 1. Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорлар томонидан тайинландиган ва арklar қурилишига, қалъа деворлари ва иморатларини таъмирлаш ишлари билан шуғулландиган мансабдор шахс. 2. Қалъа бошлиғи.

Кутузов Михаил Илларионович – Россия императори Александр I томонидан Наполеон I Бонапарт қўшинларига қарши курашаётган рус армиясига бош қўмондон этиб тайинланган Россиянинг машҳур ҳарбий саркардаси. 1745-1813 йилларда яшаб ўтган.

Кутюм – Францияда феодализм даврида алоҳида провинциялар, ҳудудлар, шаҳарлар ва бошқаларнинг одат ҳуқуқи. Оғзаки шаклда ҳам, ёзма шаклда ҳам мавжуд бўлган.

Куша – Эфиопия давлатининг қадимги номи.

Кушон давлати – Юнон-Бактрия ҳудудларида мил. ав. I милодий III асрларда мавжуд бўлган қадимий давлат. Асосчиси Кужула Кадфиз. Кужула Кадфиз қўшни ҳудудларга юришлар уюштириб Суғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини забт этган. Кейинчалик Амударё бўйидаги ерлар ҳам Кушон давлати тасарруфига ўтган. Кушон давлати Канишка ҳукмронлиги даври (78-123 йиллар)да, айниқса, ҳар томонлама ривожланган. III аср ўрталарида қўшни давлат – Парфия вужудга келиб, тобора кучая борган Эрон сосонийлар ҳукмдорларининг тўхтовсиз уруш ҳаракатлари натижасида Кушоннинг мавқеи заифлашиб, ҳудудлари камайиб борган. Шу билан бирга жанубда ҳинд халқи Кушон давлати таркибидан чиқиб, ўзларининг мустақил давлатларини тузганлари, Хоразм, Сўғдиёна ҳам мустақил давлатларга айланганлиги, Кушон давлатининг таназзулидан дарак берган.

“Кучли давлатдан – кучли жамият сари” – Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислоҳ Каримов томонидан асослаб берилган концепцияси. Бу концепцияга кўра, одамларнинг сиёсий онги ва маданияти, фаоллиги юксалиб борган сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши кучли жамият асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кшатрийлар (Ражанлар) – Қадимги Ҳиндистондаги табақа (варна). Кшатрийлар ҳинд-эроний қавмларнинг ҳарбий демократия босқичи ва синфий жамият шаклланиши даврида орий қабилаларида вужудга келган. Қулдорлик давлатларида кшатрийлар қабила ҳарбий зодагонларини ташкил этиб, сиёсий

ва иқтисодий ҳукмрон мавқеларни эгаллаганлар. Варналар тизими бўлиниши даврида кшатрийлар табақаси қисман имтиёзли мавқеини сақлаб қолган, лекин мулкчилик муносабатлари ривожланиши натижасида узил-кесил тугатилган. Ўрта асрларда кшатрийлар фақат анъанавий тушунча сифатида сақланган. Мас., кшатрий деб қадимги варна билан ворислик алоқаси бўлмаган ҳарбий-мулкдор табақа – ражпутлар кастаси аталган.

Кэмп Дэвид битими – 1979 йилнинг 26 мартда Вашингтон (АҚШ) шаҳри ёнида жойлашган Кэмп Дэвид маҳалида Америка Қўшма Штатлари воситачилигида Миср президенти Анвар Садат билан Исроил раҳбари Бегин тинчлик битимини имзолашган. Унга кўра, Исроил ўз қўшинларини Синай ярим оролидан 1982 йил апрель ойигача олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олган. Кэмп Дэвид битимини бир қатор араб давлатлари қўллаб-қувватлашган бўлса, бошқа араб давлатлари раҳбарлари Анвар Садатни “Учта йўқ” платформасини бузганликда, хоинликда айблашган.

Кўбчур ёсоғи – Кўчманчи ўзбеклар давлатида мавжуд бўлган асосий солиқ турларидан бири, ҳар бир чорвага солинадиган солиқ. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда, бу солиқ Мункэ давридан бери мавжуд бўлиб, чорванинг юздан бирини ташкил этган. Кейинчалик пул жаримаси билан алмаштирилган ва кўчманчилардан ҳам, ўтроқ аҳолидан ҳам ҳар юз бош молдан етмиш олтин танга олинган.

Кўкалдош – *Қар.: Эмакдош.*

Кўкалдошлик – Ўрта Осиё хонликларида юқори лавозимли киши. Кўкалдошларнинг зиммасига хонликнинг дўсту душманлари хусусида маълумот тўплаб, уларни ҳукмдорларга етказиб туриш, жосуслар иши устидан раҳбарлик қилиш вазифалари юклатилган.

Кўкалп, Зиё (асл исми Меҳмед Зиё Тавфиқ Афанди) – 1876-1924 йилларда яшаб ўтган файласуф ва социолог, Туркия Республикаси миллий мафкураси асосчиси. Зиё Кўкалп 1899 йилда ташкил топган “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотининг мафкурачиси бўлган. У барча туркий халқларни туркчилик асосида бирлаштириш, туркий дунё бирлиги ғояларини илгари сурган. Туркияда султонлик тузумига барҳам бериш тарафдори бўлган. Шунинг учун усмонлилар султонлари томонидан қувғинга учраган. Кейинчалик Мустафо Камол Отатурк томонидан Туркия Республикасининг масъул давлат лавозимларига тайинланган.

Кўнка (Конка) – Тошкентда ХХ аср бошида пайдо бўлган транспорт тури; вагонни отлар тор из бўйлаб ҳаракатлантиргани туфайли шу номни олган. Кўнка қурилиш ишлари 1896 йили Бельгиянинг “Тошкент Трамвайи” аноним жамияти томонидан бошланган. 1901 йили кўнканинг биринчи йўли туширилган; у темир йўл вокзалини Эски шаҳар бозори билан боғлаган. 1913 йилга келиб кўнка йўллари умумий узунлиги 9,5 километр, вагонлар сони 30 та, отлар сони 230 тага етган. Шаҳарда трамвай катнай бошлагач (1913 йили) кўнкага ҳожат қолмаган.

Кўнкари – *Қар.: Улоқ.*

Кўппартиявийлик – 1. Жамиятда бир неча сиёсий партияларнинг мавжудлиги. 2. Жамиятнинг эркинлиги, демократлашув ва сиёсий хилма-хиллик даражасининг муҳим кўрсаткичи.

Кўприк пули – Ўрта Осиё хонликлари худудида маҳаллий ва ҳукуматга қарашли бўлган кўприклардан мол олиб ўтувчилардан олинадиган ўтиш ҳақи, бож.

Кўпхудолик (Политеизм) – Бир вақтда бир неча худодарга сиғиниш. Политеизмни, одатда, монотеизм ва атеизмга қарши кўядилар.

Кўрагон (Курагон, Гургон) – Чингизхон хонадонига мансуб маликаларга уйланган шахсларга берилган унвон. Чингизхон ва унинг авлодлари қизларига уйлаган қатор шахслар кўрагон унвонини олганлиги билан фахрланиб юрганлар. Кўрагон Мовароуннаҳрда мўғуллар истилосидан сўнг истеъмолда бўлган. Амир Темур ва темурийлар даврида бу унвон киши исмига қўшиб айтилган. Мас., Амир Темур кўрагон, Улуғбек кўрагон, Мироншоҳ кўрагон ва бошқалар. Шунингдек, темурийлар зарб этган тангаларда ҳам кўрагон унвони битилган. Кўрагон унвонига эга амирнинг бошқа амирларга қараганда имтиёзлари катта бўлган.

Кўринишхона (Саломхона) – Ўрта Осиё хонликлари подшо саройларидаги махсус ҳашаматли қабулхона.

Кўчабанд – *Қар.: Баррикада.*

Кўчкунчи – Ов, саёҳат ва ҳарбий юришлар вақтида хон ва подшоҳларнинг кўниб қолиш масалалари билан шуғулланувчи хизматчи.

Кўчкунчихон – Шайбонийлар давлатининг ҳукмдори (1510-1530 йиллар). Муҳаммад Шайбонийхондан кейин ҳукмронлик қилган. У она томондан Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Бегим ва Ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхоннинг ўғли бўлган. Кўчкунчихон мамлакатни 20 йил бошқарган бўлса ҳам сулола ичида мавжуд бўлган карама-қаршиликларни тугата олмаган. Натижада шайбонийлар давлати заифлаша борган.

Кўчманчилик – Чорвачиликнинг махсус шакли ва бундай хўжалик билан ҳаёт кечирувчи қабилаларнинг турмуш тарзи.

Кўчманчи ўзбеклар давлати – 1428 йилда жанубий-ғарбий Сибирда Абулхайрхон асос солган давлат. Бу давлатнинг пойтахти Тура шаҳри бўлган. Абулхайрхон 1428-1430 йилларда майда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Тараққий топган даврида Кўчманчи ўзбеклар давлати таркибида Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан то Иртиш дарёсининг ўрта оқимигача бўлган ерлар кирган. Абулхайрхон 1468 йилда вафот этгандан кейин Кўчманчи ўзбеклар давлари инқирозга учраган. Қабилалараро урушлар, саройдаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар натижасида Абулхайрхоннинг ўғли, ўша вақтдаги Кўчманчи ўзбеклар давлатининг хони Ҳайдархон ўлдирилган. Абулхайрхоннинг тарафдорлари ва қариндош-уруғларига нисбатан қирғинбарот уюштирилган. Бу қирғиндан Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон, Абулхайрхоннинг ўғиллари Суюнчхожахон ва Кўчкинчихон, Муҳаммад Шайбонийхоннинг укаси Муҳаммад Султон ва бошқа баъзи бекларгина қочиб, омон қолганлар.

Кўчманчи ўзбеклар – Дашти қипчоқ ўзбеклари. XV асрнинг 50-60-йилларида Абулхайрхон асос солган кўчманчи ўзбеклар давлати саройида ички зиддиятлар кучайган. Натижада кўчманчи ўзбекларнинг бир қисми Гирейхон ва Жонибек Султон бошчилигида Чу водийсига кўчиб кетган ва ўша ерда Қозоқ хонлигига асос солган. XVI аср бошларида кўчманчи ўзбекларнинг катта қисми Абулхайрхоннинг набираси Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга бостириб кирган ва темурийлар ҳукмронлигига барҳам берган. Кўчманчи ўзбекларнинг Ғарбий Сибирда қолган қисми XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон наслидан бўлган Ибоқхон бошчилигида Сибир хонлигига асос солган.

–Л–

Лабиринт – Хоналари кўп, йўллари одамни адаштирувчи улкан бино.

Лаввоҳ – Қўлёзма китоб саҳифаларига жило берувчи уста, рассом.

Лаверна – Қадимги римликларнинг даромад худоси, шунингдек, ўғрилар ҳомийси ҳисобланган.

Лагеръ – 1. Вақтли қароргоҳ, мас., ҳарбий лагеръ, туристлар лагери. 2. Ҳарбий асирлар, маҳбуслар қамаладиган жой.

Лазарет – Ҳарбий қисм қошидаги кичкина касалхона.

Лайлат ул-қадр кечаси (Қудрат кечаси) – Ислом таълимотига кўра, ҳижрий-қамарий тақвимда рамазон ойининг 27 кунга ўтар кечасида Қуръон китоби Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга ваҳий қилинган. Шунинг учун айнан шу кеча Аллоҳ ҳар бир инсоннинг ибодат пайтида илтижо қилган тилагини ҳисобга олиб, унинг тақдири ҳақида ҳукм чиқаради. Мусулмонлар ичида Лайлат ул-қадр кечасини Қуръон ўқиб, Аллоҳга илтижо қилиб ўтказиш расм бўлган.

Лаконик – Фикрни лўнда, аниқ ва қисқа ифодалаш.

Лакония – Қадимги Юнонистоннинг Спарта полиси ҳудудида мавжуд бўлган ҳудуднинг номи.

Лакшми – Қадимги ҳинд мифологиясида бахт, бойлик ва гўзаллик худоси, Вишнунинг рафиқаси.

Лакх раҳбарлигидаги кўзғолон – 1885 йилда Ҳиндистоннинг Броч вилоятида Лакх раҳбарлигида инглиз ҳукмронлигига қарши бўлиб ўтган кўзғолон.

Ламаизм – Буддизм динининг бир шакли. Мил. ав. I асрда буддизм динида хинаяна (кичик аравача ёки нажот топишнинг тор йўли) ва махаяна (катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йўли) оқимлари вужудга келган. Махаяна асосчилари Будда таълимотига жаннат тўғрисидаги таълимотни ҳам қўшганлар. Бу таълимот оддий диндорлар учун нирванага қараганда анча тушунарли бўлган. Махаянанинг ҳозирги даврдаги энг муҳим кўриниши айнан ламаизмдир. Ламаизм XV асрнинг охири-XVI аср бошларида Тибетда вужудга келган. Тибетча “Лама” сўзи “энг улуғ, олий Будда роҳиби” маъноларини англатади. Будданинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади, гуноҳлардан покланади.

Ланг – чўлоқ, оқсоқ.

Лангархона – Йўловчилар кўниб ўтадиган жой; камбағал етим-есирларга овқат бериладиган маскан; ғарибхона.

Лао давлати – 916-1124 йилларда Хитойнинг шимолида мавжуд бўлган давлат.

Лао-цзи (тахаллуси; асл исми Ли Эр) – мил. ав. 604 йилда туғилган (вафот йили номаълум) қадимги Хитой файласуфи.

Латифундизм – Ер эгаллиги тизими, асосан йирик помещик ер мулкларилатифундиялар ташкил этади. Мил. ав. II асрда Қадимги Римда юзага келган. Латифундия ерларининг катта қисмини зайтунзорлар, тоқзорлар ва донли экинлар етиштириладиган бепоён далалар ташкил этган ва кўпинча қуллар томонидан ишлов берилган.

Лашкар – 1. Қуролли кучлар бирлашмаси. 2. Мунтазам армия мавжуд бўлмаган хонликларда ҳарбий юриш олдидан ўзига тобе вилоятларга чопар юбориб тўпланадиган кишилар. Лашкарга чақирилган ҳар бир киши ўз оти, қуроли ва озиқ-овқат захираси билан хон саройи олдига келишган.

Лашкарбоши – Қўшин ёки унинг бирор қисмининг кўмондони. Лашкарбошилар ҳарбий бошлиқ, саркарда ҳисобланган.

Лашкаргоҳ – Лашкар ўрнашадиган жой, ҳарбий лагерь.

Лаҳад – Қабрнинг ички, хасад қўйиладиган жойи, гўр.

Лаҳим – Ер ости йўли.

Левенгук – 1632-1723 йилларда яшаб ўтган голландиялик машҳур табиатшунос олим, микроскоп асбобини яратувчиси. Левенгук нарсаларни деярли 300 марта катта қилиб кўрсатадиган линзани ихтиро этган. Линза асосида микроскоп ясаган. Микроскоп ёрдамида эса инсон, ҳайвонот ва набототнинг тузилишларини ўрганишда инқилобий натижаларга эришилган.

Легал – Қонун билан руҳсат этилган, мас., легал партия, легал матбуот.

Легион – 1. Қадимги Рим қўшинидаги асосий ташкилий ва тактик бирлик. Легионлар 5 минг нафар пиёда аскар ва бир неча юз суворийдан ташкил топган. Ҳар бир легион ўз рақами ва номига эга бўлган. 2. XVI–XIX асрларда Франция, Буюк Британия, Германия, Россияда турли ҳарбий қисмлар “легион” деб юритилган.

Лейб-гвардия – Баъзи монархик давлатларда ҳукмдорнинг шахсий қўриқчилари ва энг сара ҳарбий қисмларнинг фахрий номи. Россияда Пётр I томонидан XVII аср охирида таъсис этилган. Кейинчалик Россия армиясининг кўпгина гвардиячи қисмларни “лейб-гвардия” номи билан аталган. Шунингдек, баъзи армиялар таркибидаги полкларнинг номига ҳам “лейб” қўшимчаси қўшилган.

Лейборист – Лейбористлар партиясининг аъзоси. Ушбу партия Англияда мавжуд бўлиб, унинг аъзолари ислохотчи “ишчи”лар манфаатларини ҳимоя қилишади.

Лен – Ўрта асрларда Германияда қирол ёки йирик заминдорлар томонидан инъом этилган ер (Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги иқтонинг синоними).

“Ленд-лиз” – Қурол-яроғ, ўқ-дори, стратегик хомашё, озиқ-овқат ва ҳоказоларни бериш (қарзга ёки ижарага) тартиби. “Ленд-лиз” ибораси инглизчадан таржима қилинганда “ол ва ташиб кет” деган маънони англатади. Америка Қўшма Штатлари президенти Франклин Делано Рузвельт ташаббуси билан 1941 йил 11 мартда Иккинчи жаҳон урушида Германияга қарши урушаётган мамлакатларда қурол, хомашё, озиқ-овқат ва ҳоказоларни қарзга ёки ижарага бериш тўғрисида қабул қилинган қонун. Ленд-лиз бўйича Америка Қўшма Штатларининг харажатлари ана шу кундан 1945 йил 1 августгача 46 млрд. долларга етган.

Ленин, Владимир Ильич (Ленин тахаллуси; асл фамилияси Ульянов) – 1870-1924 йилларда яшаб ўтган Россия большевиклар (коммунистик) партиясининг асосчиси.

“Ленинград муҳосараси” – Иккинчи жаҳон уруши жараёнида фашистик Германия қўшинлари томонидан амалга оширилган 1941 йилнинг 10 июлидан 1944 йил 9 августгача, 862 кун давом этган Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳри муҳосараси.

Леонардо да Винчи –1452-1519 йилларда яшаб ўтган италиялик рассом, ҳайкалтарош ва олим, Уйғониш даври маданиятининг буюк арбоби. Леонардо замонасининг машҳур ҳайкалтароши ва рассоми бўлган Андреа Веррокьога шогирдликка тушган. Леонардо да Винчи ўз фаолияти даврида каналлар, учар аппаратлар лойиҳаларини чизган. У анатомия, геология, гидравлика, механика соҳаларида ҳам илмий тадқиқотлар олиб борган. Леонардо да Винчини жаҳонда машҳур қилган асари унинг “Мона Лиза”(“Жаконда”) портретидир. Леонардо бу суратда ёш жувоннинг ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг ички дунёсини, кечинмаларини ва кайфиятини ажойиб, сирли тарзда акс эттирган. 1516 йили Франция қироли Франциск I Леонардо да Винчи учун Францияда Кло Люсе қалъасини олиб берган. Леонардо умрининг охириги йилларини шу қалъада ўтказган. Леонардо ўлим тўшагида ётиб, унинг ёнида бўлган Франциск I га одамлар учун жуда кам хизмат қилганини айтиб, узр сўраган.

Лермонтов, Михаил Юрьевич – 1814-1841 йилларда яшаб ўтган рус шоири, адиби ва рассоми. М.Ю. Лермонтов 1837 йилда А.С. Пушкиннинг фожиали ўлимига бағишлаб “Шоирнинг ўлими” шеърини ёзган. Бу шеърда М.Ю.Лермонтов А.С.Пушкиннинг ўлимида Россиянинг ўша даврдаги ҳукмрон доиралари айбдор деб билиб, уларни кескин қоралаган. Шунинг учун у Кавказга сургун қилинган. М.Ю.Лермонтов 1838 йили авф этилган ва Петербурга қайтиб келган. Лекин Петербургда унга нисбатан расмий доираларнинг совуқ муносабати туфайли 1841 йили яна Кавказга қайтган. 1841 йилнинг 13 майида М.Ю. Лермонтов Пятигорск шаҳрида дуэлда (яккама-якка олишишда) вафот этган.

Лжедмитрий I (сохта Дмитрий I) – Иван IV нинг ўғли Дмитрий номидан 1605-1606 йилларда Русь давлатида ҳукмрон бўлган москвалик монах Григорий Отрепьев.

Лжедмитрий II (сохта Дмитрий II) – Иван IV нинг ўғли Дмитрий номидан Русь давлатида ҳукмрон бўлиш учун курашган Польша ҳукмрон доираларининг вакили.

Либер – Қадимги римликларнинг ҳосилдорлик, кейинчалик виночилик худоси.

Либерализм – XVII–XVIII асрларда Европа мамлакатларида юзага келган ва фуқаровий, сиёсий, иқтисодий эркинликларга оид асосий қоидаларни эълон қилган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий оқим. Либерализм ғоялари биринчи бор Америка Қўшма Штатлари Конституцияси (1787 йили) ҳамда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида (1789 йили) мужассам бўлган.

Либертинлар – Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римда, шунингдек, Илк Ўрта асрларда Ғарбий Европада озодликка чиқарилган ёки озодликни сотиб олган қуллар.

Либитина – Қадимги римликларда дафн худоси.

Лимес – Қадимги Рим империяси чегараларида кўриқчи миноралари билан бирга қурилган мустаҳкам тўсиқ (девор, кўтарма). Лимес империя учун нафақат муҳофаза истехкоми, балки божхона назорати воситаси вазифасини ҳам ўтаган.

Линкольн, Авраам – 1809-1865 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 16-чи президенти (1861-1865 йилларда). 1861 йилда Америка Қўшма Штатларида қулдорликни бекор қилиш тўғрисидаги фармонни имзолаган.

“Линч суди” – Жиноятда ёки жамият одатларини бузишда айбланган кишининг судсиз, терговсиз, одатда, оломон томонидан ўлдирилиши. “Линч суди” мустақиллик учун кураш даврида бу усулни қўллаган америкалик судья Чарльз Линч ёки 1780 йили Пенсильванияда судсиз тан жазолари ҳақидаги “Линч қонуни”ни жорий этган капитан Уильям Линч шарафига қўйилган деган икки хил қараш мавжуд. Судсиз, терговсиз жазолаш азалдан кенг қўлланилган бўлса-да, “Линч суди” Америка Қўшма Штатларида XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида махсус ижтимоий ҳодиса тусини олган. “Линч суди”нинг асосий мақсади фуқаролик урушидан кейин озодликка чиққан қора танлилар ва илғор фикрли кишиларни жисмонан йўқ қилиш бўлган.

Лира – 1. Қадимда торли тирнама юнон мусиқа чолғуси. 7-11 торли бўлган. Эпик ва лирик шеърлар ижросига жўр бўлган. 2. Туркия Республикасининг пул бирлиги.

Лирика – 1. Қадимги Юнонистонда рубобга ўхшаш мусиқа асбоби. Юнонлар шу асбобни чалиб кўшиқ ёки шеър айтганлар. Ана шу кўшиқ ва шеър “лирика” дейилган. 2. Бадиий адабиётнинг эпос, лирика, драма деб номланган уч асосий туридан бири. Лирика турмушни бирон-бир ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида туғилган рухий кечинма, фикр ва туйғулар орқали акс эттиради.

Ли Сючен – 1850-1864 йилларда Хитойда бўлиб ўтган Тайпин кўзғолонининг етакчиси. Хорижий давлатлар кўшинларига қарши қаҳрамонликлар кўрсатган.

Литография – Тошбосма усулида босилган китоб, асар.

Литургия – 1. Асосон, ўз ҳисобидан умумхалқ байрамларида хорлар чиқишини ташкил этиш. 2. Католик, православ ва Қадимги Шарқ черковларида энг асосий ибодат.

Ли Цзичэн – XVII асрнинг 20-йилларидан бошлаб Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлигига қарши кучайиб кетган деҳқонлар кўзғолонларининг раҳбари.

Ли Шимин – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Тан давлатининг ҳукмдори. 627-650 йилларда Тайзунг номи билан ҳукмронлик қилган.

Ли Эр – Мил.ав. VI-V асрларда Хитойда вужудга келган даосизм диний-фалсафий таълимотнинг асосчиси.

Ли Юан – 566-635 йилларда яшаб ўтган. Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Тан давлатининг асосчиси.

Ллойд Джорж, Дэвид – 1863-1945 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия сиёсатчиси. Либераллар партиясининг Буюк Британиядаги сўнги бош вазири (1916-1922 йиллар). Уинстон Черчиллнинг яқин дўсти.

Лобби (Лоббизм) – Давлат идоралари, қонунчилик, ижроия, суд ҳокимиятларининг минтақалар иқтисодиёти айрим тармоқлари ва соҳаларини, корхоналар, ижтимоий гуруҳларни объектив зарурат тақозоси билан эмас, балки маълум бир манфаатларни кўзлаб, баъзан мансабдор шахсларни сотиб олиш йўли билан қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти. Лоббистлар ҳокимият вакиллари қиёфасида ўз химоясидагиларга катта фойда берадиган давлат буюртмалари, кредитлар, ёрдамлар, имтиёзлар, лицензиялар олишда, иқтисодий ва тижорат фаолиятида, янги корхоналар очиш ва уни рўйхатдан ўтказишда, рақобатчиларни синдиришга қулай шароитлар яратишда кўмаклашади. Аграр лоббистлар ва саноат лоббистлари бўлиши мумкин.

Логика – *Қар.: Мантиқ.*

Логографлар – 1. Қадимги юнон адабиётида тарихий насрнинг илк муаллифлари; мифологик ва тарихий воқеалар ҳақидаги оғзаки нақлларни ёзиб қўйишган, бегона юртлар ҳамда халқлар турмушини тасвирлашган. 2. Афинада (мил. ав. V аср охиридан) мижозлар номидан унинг характери, маълумоти ва ҳоказоларга мослаб суд нутқлари тузувчилар-томонларнинг судда сўзлаши учун мўлжалланган.

Ложувард – Безак буюмлари учун ишлатиладиган кўк, тўқ ҳаво рангли минерал.

Лозанна конференцияси – 1922 йил 20 ноябрдан 1923 йилнинг 24 июлигача Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Яқин Шарқ масалалари бўйича бўлиб ўтган конференция. Бу конференция 1919-1922 йилларда Туркиянинг Англия-Греция интервенциясига қарши урушида ғалаба қозонгандан кейин ўтказилган. Лозанна конференциясида бир томондан Туркия, иккинчи томондан Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Югославия иштирок этган. Конференция якунида Лозанна тинчлик сулҳи имзоланган (1924 йилнинг 24 июлида). Унга кўра, Севр шартномаси бекор қилинган, Туркиянинг чегаралари белгиланган, чет эллик фуқароларнинг Туркия ҳудудида берилган иқтисодий ва сиёсий имтиёзлари, Туркия устидан халқаро молиявий назорат бекор қилинган.

Лой жанги (Жанги лой) – 1364 йилда Мўғулистон хони Илёсхўжа кўшинларининг Амир Темур ва Амир Хусайн кўшинлари билан бўлиб ўтган жанги. Тарихий асарларда таъкидланишича, бу жанг арафасида Илёсхўжа очиқ жангда ғолиб чиқишига кўзи етмай, хийла ишлатган. У яда тоши (туркий халқларда афсун-дуо йўли билан қор, ёмғир, бўронни вужудга келтирадиган ёки уларни тўхтатадиган махсус тош) ёрдамида кучли ёмғир ва жала ёғдиртирган. Натижада Амир Темур ва Амир Хусайн кўшинлари мушкул аҳволга тушиб қолишган. Ёмғир ёғишини олдиндан билган Илёсхўжа кўшинлари эса кигизларга ёпинишган. Шунинг учун бу жанг тарихда “Жанги лой” (“Лой жанги”) деб аталади. “Жанги лой”да Амир Темур ва Амир Хусайн кўшинлари мағлуб бўлишган. Улар 10 минг аскарларидан маҳрум бўлиб Кеш томон чекинишган. Илёсхўжа эса “Жанги лой”да ғалаба қозонгандан кейин ҳеч қандай қаршиликка учрамай Хўжанд, Жиззах ва Мовароуннахрнинг бошқа ҳудудларини ишғол этиб, Самарқанд томон йўл олган. Сарбадорлар бошчилигидаги Самарқанд аҳолиси Илёсхўжа кўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Илёсхўжа Мовароуннахрни ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Лойола, Игнатий – Испан дворяни. 1534 йилда Парижда дастлабки иезуит орденини тузган.

Локаут – Капиталистларнинг ишчиларга қарши кураш усули, корхоналарни ёпиш, ишчиларга иқтисодий босим ўтказиш, иш ташлашларнинг олдини олиш ва бостириш мақсадида оммавий ишдан бўшатиш.

Локк, Жон – 1632-1704 йилларда яшаб ўтган инглиз файласуфи: либерализм асосчиси.

Ломбард – Қимматбаҳо молларни гаровга олиб қарз берувчи муассаса.

Ломоносов, Михаил Васильевич – 1711-1765 йилларда яшаб ўтган рус табиатшунос олими, рус адабий тилининг асосчиси, шоир, рассом ва тарихчи. М.В.Ломоносов 1745 йилда Петербург Фанлар Академиясининг биринчи академиги бўлган. У 1748 йилда Россия Фанлар Академияси қошида биринчи кимёвий лаборатория ташкил қилган, 1755 йилда Москва университетига асос солган (кейинчалик Москва университетига М.В. Ломоносов номи берилган), моддаларнинг атом-молекуляр тузилиши ҳақидаги маълумотларни ривожлантирган, 1756 йилда кимёвий реакцияларда массанинг сақланиш қонунини кашф этган, 1761 йилда Венера сайёрасида атмосфера мавжудлигини аниқлаган, дostonлар, шеърлар, трагедиялар, ҳажвий асарлар ёзган, филологик тадқиқотлар олиб борган, рус тили грамматикасини тузган, бир қанча оптик асбоблар ясаган.

Лорд – 1. Ўрта асрларда Англияда дастлаб ер эгалари номи, кейинчалик инглиз олий дворянларнинг умумлашма унвони. XIX асрдан фан ва маданият арбоблари унвони. 2. Буюк Британиядаги баъзи мансабларнинг таркибий қисми (мас., лорд-канцлер – лордлар палатаси раиси, лорд-мэр – Лондон ҳамда бошқа йирик шаҳарларда маҳаллий ҳукумат идоралари бошлиғи).

Лордлар палатаси – Англия парламентининг юқори палатаси.

Лотин Америкаси – Америка қитъасининг жанубий қисми.

Лотин империяси – 1204-1261 йилларда Византия ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Салибчилар томонидан Византия ишғол этилгандан кейин

унинг худудидида тузилган. 1261 йилда Лотин империясига барҳам берилган ва Византия империяси қайта тикланган.

Лоялистлар – Шимолий Америкада 1775-1783 йилларда мустақиллик учун кураш пайтида метрополия тарафдорлари.

Лохутий, Абулқосим – 1887-1957 йилларда яшаб ўтган шоир.

Лудий, Иброҳим – Деҳли султонлигининг ҳукмдори.

Лудда – Тарихий шахс. У Англияда биринчи бўлиб ўзи ишлаётган дастгоҳни ишчилар ишсизлигининг асосий сабабчиси деб ҳисоблаб бузиб ташлаган.

Луддитлар ҳаракати – Англияда XVIII-XIX асрларда завод ва фабрикаларда машиналар ўрнатилишига қарши чиққанлар. Завод ва фабрикаларда ишлатиладиган дастгоҳларнинг сифати яхшиланиб бориши, янги дастгоҳлар ихтиро этилгани сабабли ишчи кучга эҳтиёж камайиб борган. Натижада Англияда биринчилардан бўлиб ишсизлик пайдо бўла бошлаган. Баъзи ишсизлар бунинг асосий сабабини машина ва дастгоҳлардан билиб, уларни йўқ қилиш, бузиш орқали ўз аҳволларини яхшилаш пайида бўлишган. Бу ҳаракатни “Луддитлар ҳаракати” деб аташган. Бу атама биринчилардан бўлиб ўзи ишлаётган дастгоҳини бузиб ташлаган Нед Лудд номидан олинган деб тахмин қилинади.

Луи Филипп – 1773-1850 йилларда яшаб ўтган. 1830-1848 йилларда Франция қироли. 1848 йилда Англияга қочиб кетган.

Лука – Христиан дини пешволаридан бири.

Лукан, Марк Анней – 39-65 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим шоири.

Лукумонлар – Этрусклар жамиятида жангчи-қоҳинларнинг имтиёзли қатлами. Аҳолининг бошқа табақалари уларга бўйсунган.

Лут – Иудаизм дини пайғамбарларининг бири. Иудаизм дини таълимотига кўра, Лутнинг халқи ёмон ишлари билан ном чиқариб, худо ғазабига дучор бўлишган.

Лутфий – 1366-1465 йилларда яшаб ўтган шоир. Лутфий Шош (Тошкент)да туғилган, деб тахмин қилинади. Лутфий замондошлари томонидан “малик ул-калом” (“сухангўйлар султони”) деб эъзозланган. Алишер Навоий тили билан айтганда, у “форсий ва туркийда назири йўқ” шоир бўлган. Адабиётшунос олимларнинг таъкидлашларича, Лутфийнинг бизгача етиб келган шеърлари 2774 байтни ташкил этади. Лутфий асосан ғазалнавис шоир ҳисобланади.

Лукмон (Лукмони Ҳаким) – Ўрта Осиё халқлари орасида доно, билимдон, одил, ишбилармон шахс. Лукмон ҳакимларнинг пири сифатида тан олинган ва “Лукмони ҳаким” деб эъзозланган. Шарқ адабиёти ва халқ оғзаки ижодиётида донишманд табиб, фозил киши образи сифатида талқин қилинади.

Лэй-гун – Қадимги Хитой мифологиясида момақалдирик худоси.

Лю Бан – Қадимги Хитойда Цинь давлати ҳукмдорларига қарши бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолонининг раҳбари. Асли қишлоқ оқсоқоли бўлган. Қўзғолон натижасида мил. ав. 206 йилда Цинь давлатига барҳам берилиб, янги – Биринчи Хань империясига асос солинган.

Людовик IX – Франция қироли (1226-1270 йиллар). Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ислохотлар ўтказган. Еттинчи (1248-1254 йиллар) ва

саккизинчи (1270 йил) салиб урушларига раҳбарлик қилган. Людовик IX Яқин Шарқда мусулмон ҳукмронлигига барҳам бериш учун мўғул хонларидан фойдаланишни режалаштирган. У мўғуллар орасида христианликни тарқатиб, кейинчалик уларнинг ёрдами билан Қуддусни мусулмонлардан тортиб олиш ниятида бўлган. Шу мақсадда Людовик IX 1253 йили роҳиб Гильом Рубрукни Волга дарёси оқимида жойлашган мўғул хони Ботухон қароргоҳига юборган. Ботухон Рубрукни Қорақурумга – буюк хон Мункэ ҳузурига жўнатган. Людовик IX нинг таклифлари Мункэ томонидан қабул қилинмаган бўлса-да, Рубрукнинг сафорати натижасида европаликлар Осие хонликлари ҳақида қисқача маълумотга эга бўлганлар. Кейинчалик машҳур сайёҳ Марко Поло айнан Рубрук изидан Осиега сафар қилган.

Людовик XIV – Франция қироли (1638-1715 йиллар). Расман 1643 йилдан қирол лавозимида кўтарилган. Людовик XIV ҳукмронлиги даврида Францияда абсолют монархия тузуми ўрнатилган, унинг мафкуравий таянчи эса католик черкови бўлган. Давлат католик динидан бошқа динларга эътиқод қилганларга қарши тазйиқ ўтказган. Франция ўз ҳудудини кенгайтириш мақсадида қўшни давлатлар билан кўплаб урушлар олиб борган. Шундай бўлса-да, XVII асрнинг иккинчи ярми француз маданиятининг ўсиш даври бўлган. Бу даврда Францияда Фанлар Академияси (1666 йили), меъморчилик, рассомчилик академиялари, обсерватория тузилган. 1694 йилда “Француз тилининг луғати” нашр этилган.

Людовик XVI – Франция қироли (1774-1792 йиллар). 1789 йилнинг май ойида Бош штатлар мажлисини чақиртирган.

Людовик XVIII – Франция қироли. 1814 йилда Францияда Наполеон I Бонапарт ҳукмронлигига барҳам берилгандан кейин тахтга ўтирган.

Людовик I Художўй – 778-840 йилларда яшаб ўтган. 814-840 йилларда Франклар давлатининг қироли ва Ғарбнинг императори. Буюк Карлнинг ўғли.

Люмпен-пролетариат – Аҳолининг синфсизлашган қатламлари (дайдилар, кашшоқлар, жинойтчи унсурлар ва ҳоказолар). Атама Карл Маркс томонидан муомалага киритилган.

Лю Сю – Биринчи Хань империяси зодагонлари томонидан император лавозимида кўтарилган ва Иккинчи (Шарқий) Хань империясига асос солган шахс.

Лютеранлар – Германия, Дания ва Швецияда христиан дини протестантизм мазҳаби тарафдорларининг аталиши.

Лютеранлик (лютерчилик) – Христиан дини протестантизм мазҳабининг йирик оқимларидан бири. Асосчиси Мартин Лютер. Лютеранлик Скандинавия мамлакатларида, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Болтиқбўйи мамлакатларида тарқалган. 1947 йилда Жаҳон лютеранлик иттифоқи тузилган.

Лютер, Мартин – XVI асрда Германия ерларида вужудга келган Реформация диний-ижтимоий ҳаракатнинг ғоявий раҳбари. 1483-1546 йилларда яшаб ўтган. Унинг ғоялари асосида христиан динида протестантизм мазҳаби вужудга келган. Кейинчалик протестантизм негизида Лютер номи асосида лютерчилик (лютеранство) йўналиши пайдо бўлган.

Лўлилар – Асосан тиланчилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқ. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда тарқоқ ҳолда яшайди. Ўзбекистонда лўлиларни “мўлтони”, “жўги”, (хиндча: камбағал, қашшок), “мазанг” деб ҳам аталиши уларнинг асл ватани Хиндистон бўлганидан далолат беради.

–М–

Маат – Қадимги мисрликларнинг ҳақиқат ва тартиб-интизом худоси.

Ма-ван – Қадимги Хитой мифологиясида худо, отлар ҳомийси. Унга ҳарбий отликлар ва от эгалари эътиқод қилганлар.

Мавкаб – Ўтмишда хон ва султонларни ҳарбий юриш ва сафар вақтида кузатиб борувчи махсус суворий ёки пиёда ҳарбий қисм.

Мавлоно – Ўрта Осиё, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи ва олимларнинг ҳурмат билан айтиладиган сифат белгиси. “Мавлоно” сўзи шахс исмларидан аввал айтилган, мас., Мавлоно Алишер Навоий.

Мавлуд (Мавлид) – Ислом динида Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган куни муносабати билан ўтказиладиган диний байрам. Ҳижрий-шамсий тақвими бўйича Раби ал-аввал ойининг 12 куни нишонланади. Шу куни мусулмонлар Муҳаммад Пайғамбар шаънига мадҳиялар ўқийдилар, садақалар берадилар, йиғилишлар ўтказадилар.

Маволий – Сосонийлар даврида озод қилинган қуллардан тузилган ва шоҳларга хизмат қиладиган гвардия.

Маврлар – 1. Қадимги римликлар мил. ав. III асрга қадар Шимолий Африкадаги романлашган барча маҳаллий аҳолини “маврлар” деб аташган. Бу ном қадимги барбарларнинг кўчманчи қабиласи ва уларнинг давлат уюшмаси-Мавретания номидан олинган. Мил. ав. 33-йилдан Мавретания Рим провинциясига айланган. 2. Ўрта асрларда Ғарбий Европада Пиреней яримороти ва Шимолий Африканинг ғарбий қисмидаги мусулмон аҳоли – араблар ва барбарларга берилган ном.

Мавсола – Қадимда Кичик Осиёнинг жанубий-ғарбида жойлашган Галикарнас шаҳри ҳокими.

Мавсола мақбараси – *Қар.: Галикарнас (Мавсола) мақбараси.*

МАГАТЭ – *Қар.: Атом энергияси бўйича халқаро агентлик.*

Магатҳа давлати – Хиндистоннинг шимолий-шарқий қисмида, Ганг ва Жамна дарёлари ҳавзаларида мил. ав. VII-IV асрларда мавжуд бўлган қадимий давлат. Мил. ав. VI-V асрларда Магатҳа қўшни давлатларга қарши муваффақиятли урушлар олиб борган ва ўз худудларини кенгайтирган. Магатҳа давлатини мил. ав. 327-325 йилларда дастлаб аҳмонийлар, кейинчалик мил. ав. 327-325 йилларда македониялик Александр қўшинлари забт этишган.

Магеллан – 1470-1521 йилларда яшаб ўтган португалиялик денгизчи сайёҳ. Кемаларда биринчи бўлиб дунё айлана сузишни амалга оширган экспедициянинг раҳбари. Магеллан 1519 йилнинг 20 сентябрида 265 кишилик командаси билан бешта кемада Испаниянинг Сан-Лукар портидан ғарбга томон сузишни бошлаганда икки ой тинимсиз ёмғир ёққан. Магеллан катта

кийинчилик билан ўша йилнинг 13 декабрида Рио де Женеиро кўрфазларига етиб келган. Магелланчилар Жанубий Америка қитъасининг энг жанубий қисмидан ўтиб шимолга ҳаракат бошлаганларида тўрт ой давомида ҳеч қандай ёмғир ёлмаган, тўфон бўлмаган. Шунинг учун магелланчилар бу океанни “Тинч океани” деб аташган. 1521 йилнинг март ойида Магеллан Мариан архипелаги оролларида бирига тушган. Магелланчилар бу оролни бўлажак Испания қироли валиахд Филипп шарафига “Филиппин” деб аташган. Магеллан Мактан оролида маҳаллий халқ билан 1521 йилда бўлиб ўтган тўқнашувда ҳалок бўлган. Магеллан экспедициясининг қолган аъзолари 1522 йили фақат битта “Виктория” кемасида Испанияга қайтиб келган. Магеллан экспедицияси натижасида Ернинг шар шаклида эканлиги узил-кесил исботланган.

Магистр – 1. Қадимги Римда бир неча лавозимлар номи (мас., диктатор ёрдамчиси, империянинг сўнги даврида бош кўмондон). Кейинчалик улуғ магистр (гроссмейстер)–католик руҳоний-рицарлар жамоаси бошлиғи. 2. Айрим мамлакатларда бакалавр ва фан доктори ўртасидаги илмий даража. Таянч олий таълим курсидан сўнг қўшимча дастур бажарган, махсус имтиҳонларни топширган ва муайян илмий ишни ҳимоя қилган шахсларга берилади.

Мадалихон – *Қар.: Муҳаммад Алихон.*

Мадали эшон – *Қар.: Муҳаммадали халфа Собир ўғли.*

Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек) – 1892-1920 йилларда яшаб ўтган Фарғона водийсида совет ҳукуматиға қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган истиқлолчилик ҳаракати раҳбарларидан бири. Мадаминбек Марғилон шаҳри милициясининг бошлиғи бўлган. “Туркистон мухторияти” ҳукумати совет кўшинлари томонидан ағдарилгандан кейин Марғилонда совет ҳукуматиға қарши кураш бошлаган. Дастлаб Фарғона водийсининг истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбари Катта Эргашга Шермуҳаммадхон билан бирга ўринбосар этиб тайинланган. 1919 йилда Мадаминбек ўз лашкари билан Жалолободда турган рус крестьян армияси билан кўшилган. 1919 йилнинг сентябрь ойида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод ва Ўш шаҳарларини, кейин эса Эски Марғилон шаҳрини эгаллаб, водийда йирик стратегик шаҳар ҳисобланган Андижонни қамал қилишға киришганлар. Мадаминбекнинг Фарғона водийсидаги бу ҳаракатлари совет ҳукуматини ларзаға келтирган. 1919 йилнинг 22 октябрида Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида Фарғона водийси кўрбошиларининг Қурултойи бўлиб ўтган. Унда Мадаминбек бошчилигида “Фарғона муваққат мухторият ҳукумати” тузилган. Ҳукумат таркибига 16 туб аҳоли ва 8 европаликлар киритилган. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бир қаторда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати кўшинларининг Олий бош кўмондони этиб ҳам сайланган. 1919 йилнинг октябрида Фарғона водийсидаги барча йирик кўрбошилар Ойимқишлоқда тўпланадилар. Бу Қурултойда Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 тача кўрбошилар гуруҳи тўртта йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон кўмондонлиги остида бирлаштирилган. Қурултойда Мадаминбек ислом кўшинларининг олий

бош қўмондони – “Амир ул-муслимин” этиб сайланган. Аммо бу бирлашув кутилган натижани бермаган. Қурултойдан кейин Холхўжа Эшон бош қўмондон Мадаминбекка бўйсунмай, совет ҳукуматига қарши мустақил ҳаракат бошлаган. 1920 йилнинг бошларида истиқлолчилар катта йўқотишларга дучор бўлганлар. Хусусан, 1920 йилнинг февраль ойида Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек бошчилигидаги қуролли ҳаракатга қарши совет қўшинлари ҳужумга ўтган. Қизил аскарларнинг ҳужумини 5 самолёт, бронепоезд, бронемашиналар ва пулемётлар билан қуролланган қисмлар қўллаб турган. Натижада 1920 йил февраль ойининг охирларида Шермуҳаммадбек, Мадаминбек ва Холхўжа Эшон қўшинлари ҳам катта мағлубиятга учраганлар. Мадаминбек вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, ўз жангчилари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида иккинчи Туркистон ўқчи дивизиясининг қўмондонлиги билан яраш битимини имзолаш мақсадида музокаралар бошлашга мажбур бўлган. Натижада 1920 йилнинг 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида Мадаминбек билан иккинчи Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Верёвкин-Рахальский ўртасида яраш битими имзоланган. Мадаминбек билан бирга совет ҳокимияти томонига унинг ўнлаб қўрбошилари ва 3500 жангчилар ўтган. Мадаминбекнинг бу дипломатик тадбирлари самарасиз тугаган. 1920 йилнинг 14 майида Мадаминбек совет ҳукуматига сотилган Сойиб қори ва Лутфулло Махдумлар томонидан ўлдирилган. Унинг қабри ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудуди Олой водийсидаги Шиғай қишлоғида жойлашган. 1920 йилнинг май ойидан бошлаб Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатига Шермуҳаммадбек бошчилик қила бошлаган.

Маданий бойликлар – Аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугуни ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар, бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк моддий ва табиий ёдгорликлар. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қайд этиладиган Жаҳон маданий бойликлари рўйхатига жами 721 та маданий ва табиий ёдгорликлар киритилган. Улар орасида Ўзбекистоннинг Хива (Ичан қалъа), Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанднинг тарихий марказлари бор.

“Маданий инқилоб” сиёсати – Мао Цзэдуннинг ташаббуси билан 1966 йилнинг августда қабул қилинган “Хитой коммунистик партияси Марказий Комитетининг улуғ пролетар маданий инқилоби тўғрисида”ги навбатдаги авантюристик қарори. Ушбу сиёсат тарихда “маданий инқилоб” сиёсати деб аталган. “Маданий инқилоб” Хитойда зўрлик билан амалга оширилган. Мамлакатда “Маданий инқилоб ишлари бўйича гуруҳ” деб номланган гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳнинг раҳбари этиб Мао Цзэдуннинг собиқ котиби Чэнь Бод, унинг ўринбосарлари этиб Мао Цзэдуннинг хотини Цзян Цинь ва Шанхай шаҳри коммунистик партияси котиби Чжан Чуньяо тайинланишган. Давлат хавфсизлиги органлари устидан кураторлик қиладиган Хитой коммунистик партияси Марказий Комитетининг котиби Канн Шэн “маданий инқилоб” ишлари бўйича гуруҳнинг маслаҳатчиси бўлган. Тез орада “маданий инқилоб” ишлари бўйича гуруҳ “маданий инқилобнинг штаби”га айланган.

Ушбу гуруҳнинг нуфузи олий партия ва ҳукумат органларидан ошиб кетган. Хитойдаги “маданий инқилоб”нинг асосий вазифаларидан бири сифатида “Хитойни капиталистик йўлдан боришга ундовчиларни янчиб ташлаш” деб эълон қилинган. Бу вазифа асосан куч ишлатиш йўли билан амалга оширилган. Мамлакатда “хунвейбин” (“қизил кўрикчилар”) деб ном олган отрядлар шакллантирилган. Бу отрядларнинг таркиби асосан сиёсий жиҳатдан чиникмаган мактаб ўқувчилари, талаба (студент)лар, ишсизлардан иборат бўлган. “Маданий инқилоб” йилларида Мао Цзэдун кўрсатмаси билан “капиталистик йўлдан боришга ундовчилар” ҳисобланган масъул партия ва давлат ходимлари, зиёлилар ишдан бўшатилиб, қамокқа олинганлар. Мао Цзэдун мамлакатда “буржуазия штаби” мавжудлиги ҳақида эълон қилиб, кўплаб партия раҳбарларини “буржуазия диктатураси”ни татбиқ этаётганликда айблаган. Мао Цзэдун ўша штабларга ўт очиш, жойларда инқилобий органлар тузишни таклиф қилган. 1966 йилнинг декабрь ойида Хитойда хунвэйбинлар отрядлари билан бир қаторда “цзаофан” (“ғалаёнчилар”) отрядлари пайдо бўлган. Уларга ёшлар, ишчилар, хизматчилар ва талабалар аъзо бўлишган. Цзаофан отрядлари “маданий инқилоб”ни муассаса ва корхоналарга олиб кириш, “маданий инқилоб” душманларига қарши курашда хунвэйбинчиларга ёрдам кўрсатишлари лозим бўлган. “Маданий инқилоб” душманларининг қаршичилигини бартараф этиш учун 1967 йил январь ойидан бошлаб Хитойда хунвэйбин ва цзаофанчилар томонидан “ҳукуматни кўлга олиш” компанияси бошланган. Кўплаб партия ва ҳокимият вакиллари 17 йил давомида, яъни 1949 йили – Хитой Халқ Республикаси эълон қилингандан буён, мамлакатда “капитализмни таъмирлаш” билан шуғулланганликлари учун эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиб, қатағон қилинганлар. Жойларда халқ томонидан сайланган ҳокимият органлари тарқатиб юборилиб, уларнинг ўрнига таркиби асосан ҳарбий хизматчилардан иборат “инқилобий кўмиталар” тузилган. Хитойнинг расмий маълумотларига кўра, “маданий инқилоб” йилларида 100 млн. хитойликлар жабр кўрганлар. XX аср 70-йилларининг бошларидан бошлаб Хитой халқининг “маданий инқилоб”га қарши иш ташлашлар ва норозиликлари кучайиб борган. 1976 йилнинг январь ойида Пекин шаҳрининг асосий майдони Тяньаньмэнда оммавий намойишлар бўлиб ўтган. Ушбу намойиш куч ишлатиб бостирилгандан кейин Хитойда янги террор даври бошланган. 1976 йилнинг 9 сентябрида Мао Цзэдун вафот этган ва мамлакатдаги террорларга барҳам берилган. Маданий инқилоб ишлари бўйича гуруҳ (“тўртлик тўдаси”- “банда четырёх”) аъзолари қамокқа олинган. 1978 йилнинг декабрь ойида Хитой коммунистик партиясининг Марказий Комитети Хитойда хўжалик ва маданий соҳаларда ислохотлар амалга ошириш бўйича қарор қабул қилган.

Маданий мерос – Авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий кадриятлар.

Маданият – Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий-маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқларни, муайян халқ ёки ижтимоий гуруҳнинг маълум даврда эришган натижалари, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик,

зиёлилик ва маърифатпарварлик ҳамда турмушнинг инсон эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари мажмуи. Маданият моддий ва маънавий маданиятларга бўлинади. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳалари ҳамда уларнинг ҳар бирида эришган натижалар – меҳнат қуроллари, турар-жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва шу қабиларни ўз ичига олади. Маънавий маданиятга ақлий ва маънавий яратувчанлик соҳалари – билим, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, дин, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор ва шу қабилар қиради.

Маданият ва маънавият учоқлари – Маданий масканлар, театр, кино, музей, кутубхона, санъат саройи, маданият ва истироҳат боғлари, маънавият ва маърифат маркази, болалар ва ўсмирлар ижод марказлари, Оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, таълим масканлари мажмуи.

Маданият фалсафаси – Маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фалсафий фан.

Мадинат ун-наби – *Қар.: Ясриб.*

Маддох – 1. Ўрта Осиёда гавжум майдонларда, саройларда, чойхоналарда одамларни тўплаб, уларга азиз-авлиёларнинг каромати, мўъжизаларини изоҳлаб берувчи, диний қонун-қоидаларни шарҳлаб тушунтирувчи диний нотик. 2. Мадҳ этувчи, хушомадгўйлик тарзида бирон кишини таърифловчи.

Мадраса – Ислом дини тарқалган мамлакатларда мусулмон илоҳиёти масалаларини ўқитиш, шарҳлаш билан шуғулланадиган муассаса ва у жойлашган бино. VII–VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида араб мамлакатларида пайдо бўлган. IX–XIII асрларда ислом динига эътиқод қилинадиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда тарқалган. Мадрасалар хонлар ва йирик ер эгалари, бойлар ва бошқа давлатманд кишилар томонидан қурдирилган. Мадрасага мактабни тугатган ўспиринлар қабул қилинган. Мадрасада ўқиш муддати талабалар иқтидорига қараб 7-12 йил бўлган.

Мадҳия – Бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мактовига бағишлаб ёзилган бадиий ёки лирик асар.

Маёк – Русча “маяк” сўзининг ўзгартирилган шакли. Кемаларга йўл кўрсатиш мақсадида денгиз қирғоғига ёки оролга қурилган махсус сигнал воситалари билан жиҳозланган минора.

Мажлис – Расмий доираларда қўйиладиган масалани муҳокама қилиш мақсадида уюштирилган йиғилиш ва муҳокама жараёни.

Мажлисий – XV аср охири, Хоразмда - XVI асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаб ўтган шоир. Ҳаёти ва ижоди қақида айрим маълумотлар Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб» тазкирасида учрайди. Унинг 4000 мисралик «Қиссаи Сайфулмулук» ишқий-саргузашт достони бизгача етиб келган. Асар маснавийда, ҳазаж баҳрида, қисса ичида қисса шаклида ёзилган бўлиб, тузилиши, воқеалар баёни жиҳатидан фолклор асарларига яқин туради. Миср шоҳи Осимнинг ёлғиз ўғли Сайфулмулукнинг Фатина шоҳи Шохбол қизи Бадеулжамолга ғойибона севгиси ва унга эришиш йўлидаги саргузаштлари, умуман инсоннинг ўз бахти учун кураши ва бу жараёнда

унинг камол топиши тасвирланган. Асарда адолат, яхшилик ва эзгулик мадҳ этилган, подшоҳлар адолатга чақирилган, хотинқизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоялари илгари сурилган. Ўзбек адабиётида дostonнинг фолклор варианты ҳам яратилган. Асар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган, қозоқ (Саид Гарай, 1904), туркман (Қурбонали Маъруфий), татар, рус ва бошқа тилларга таржима қилинган. Қозонда қайта-қайта нашр этилган (1807, 1849, 1883, 1914). Тошкентда дастлаб 1916 йил чоп қилинган. Тўла бўлмаган икки қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади

Мажруҳ – 1. Ярадор, жароҳатланган. 2. Ногирон, майиб.

Мажусий – Қуёшга, оловга сиғинувчи, габр, зардуштий.

Мажусийлик – 1. Зардуштийликнинг мусулмонлар томонидан аталиши. 2. Яккахудолик пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган диний эътиқодлар, маросим ва урф-одатларни ифодаловчи атама. 3. Баъзи ҳолларда сеҳргарлик, анимизм, фетишизм тотемизм каби ибтидоий дин шакллари ҳам ифодаловчи атама.

Маздаийлик (Маздаизм) – Ахурамазда номидан олинган. Қадимги Эрон (мил. ав. IX-VI асрларда Мидия, мил. ав. VI-IV асрларда Аҳмонийлар давлати) дини. Моҳиятан зардуштийлик дини эволюцияси жараёнидаги босқичлардан бири. “Авесто” илоҳий китоб ҳисобланган. Унда яхшилик тимсоли Ахурамазда ва ёвузлик худоси Анхрамайнуга эътиқод қилинган. Маздаийликнинг зардуштийликдан фарқи шундаки, унда Зардушт фақат Ахурамазда билан шох ўртасидаги воситачи деб эътироф этилган ва у ортик даражада илоҳийлаштирилган.

Маздак – 470-529 йилларда яшаб ўтган маздакийлик таълимотининг асосчиси ва маздакийлик ҳаракатининг раҳбари. Дастлаб зардуштийлик динининг қоҳини (дин пешвоси) бўлган. Кейинчалик Маздак тенглик ғоясига асосланган таълимот яратган. Қоҳинлар ва зодагонларга қарши деҳқонлар ва ҳунармандларнинг кўзғолонига раҳбарлик қилган. 529-йилда кўзғолон бостирилган ва Маздак қатл этилган.

Маздакийлик – Диний-фалсафий таълимот. Асосчиси Маздак. Маздакийлик ҳаракати VI асрнинг 90-йилларидан –VI асрнинг 20-йилларигача Маздак бошчилигида Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-диний ҳаракат. Маздакийлик таълимотига кўра, оламда бўладиган жараёнлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи яхшилик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи ёмонлик, қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш мулкий тенглик ғояси шиорлари остида бўлиб ўтган. Унда ижтимоий зулмга қарши кураш муқаддас вазифа сифатида талқин этилган ва унга диний тус берилган. Маздакнинг фикрича, дунёнинг барча бойликлари одамларга тенг тақсимланиши керак. Маздакийлар “з” ҳарфи билан бошланувчи тўрт нарсани – “замин” (ер), “зар” (бойлик), “зўр” (ҳокимият) ва “зан” (аёллар)ни одамлар ўртасида адолатли тақсимлаш лозим. Маздакийлар аҳолининг ўрта ва паст табақаларини қўллаб-қувватлашган. Маздакийлик таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Ўрта Осиё (Муқанна кўзғолони) ва Озарбайжон (Бобак кўзғолони)да содир бўлган

деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари кўзғолонлари учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Ҳукмрон табақалар маздакийлар ҳаракатига қарши кураш олиб бориш учун бирлашганлар. Сосонийлар шоҳи Кубоднинг ўғли Хусрав I Ануширвон (531-579 йиллар) ҳукмдорлик даврида маздакийлар ҳаракати узил-кесил бостирилган. 529 йилда Маздак ҳибсга олиниб, қатл этилган.

Мазлум – Зулм остида қолган, эзилган.

Мазохизм – Шахснинг ўзига нисбатан оғриқли ёки ҳақоратли ҳатти-ҳаракатларга мойиллиги, ахлоқсизлик ҳаракатидан лаззатланиш. “Мазохизм” сўзи австриялик романист Леопольд фон Зацер Мазох исмидан олинган.

Мазҳаб – Бирон бир дин негизида пайдо бўлган алоҳида диний ҳуқуқ тизими ёки йўналиши. Ислом динида суннийлик ва шиалик асосий мансаб (йўналиш)лар ҳисобланса, христиан динининг асосий мазҳабларини католиклар, православлар ва протестантизмлар ташкил этади.

Маиший турмуш – Инсоннинг ўз жисмоний қуввати ва меҳнатга қобилиятини тиклаш учун зарур бўлган дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва ҳаётдан завқ олиши билан боғлиқ ҳаёт тарзи.

Маймана – Ўрта Осиё хонликларида лашкарнинг ўнг қаноти.

Майорат – Кўчмас мулк (ер, уй-жой ва бошқалар)ни мерос қолдириш тизими. Унга кўра, ер-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи энг катта ўғилга ёки ёши улуғ қариндошга ўтган. Майорат тартибида мерос қолдиришнинг дастлабки кўринишлари қадимги ҳинд, яҳудий қонунларида, Афина ҳуқуқ тизимида ўз ифодасини топган. Хусусан, қадимги яҳудий қонунига кўра, марҳумнинг асосий меросхўри катта ўғли ҳисобланган ёки у бошқа ўғиллардан икки ҳисса ошиқ улуш олган. Майорат тартиби XI–XIII асрларда Англия, Франция, Германия ва бошқа Европа мамлакатларининг дастлабки ҳуқуқий тизимларида ҳам акс этган.

Майордом – Франклар давлатида меровинглар даври (V аср охири–VIII аср ўрталари)да олий мансабдор шахс. VII аср ўрталаридан майордомлар маълум даражада давлат ҳокимиятини ўз қўлига тўплай бошладилар. Майордом Пипин Пакана 751 йили каролинглар сулоласига асос солган.

Майсара – Ўрта Осиё хонликларида лашкарнинг чап (сўл) қаноти.

Майя қабиласи – Америка қитъасида юксак маданиятга эга бўлган маҳаллий қабила.

Македония давлати – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат.

Македониялик, Александр – Мил. ав. 356-324 йилларда яшаб ўтган Жаҳон тарихида улкан салтанат тузган юнон-македон ҳукмдори, буюк жаҳонгир саркарда.

Македониялик Александр салтанати – Юнонистон ҳукмдори Македониялик Александр томонидан мил. ав. 335-324 йилларда тузилган улкан салтанат. Мил. ав. 336 йилда Македониянинг шоҳи Филип II суиқасд натижасида ўлдирилгандан кейин, кўшинлар вакилларининг йиғинида Македония подшолигига унинг ўғли Александр сайланган. Александр Аристотелдан таълим олган, ҳарбий санъатни эса отаси Филип II дан ўрганган. Мил. ав. 334-331 йилларда Александр кўшинлари аҳмонийлар подшоси Доро

III кўшинларига қарши урушиб ғалаба қозонган. Мил. ав. 332 йилда Александр кўшинлари Фаластинни забт этгандан кейин, форслар давлати тасарруфида бўлган Миср томон йўл олишган. Александр мил. ав. 332 йилда Ўрта ер денгизи соҳили, Нил дарёсининг бўйида катта шаҳар – Александрияни курдиришни буюрган. Мил. ав. 331 йилда Александр Месопотамияга йўл олган. У ерда форслар подшоси Доро III кўшин йиғиб, Александрга қарши урушга hozирланиб турган. Доро III га Бактрия ва Суғдиёнадан кўшинлар ёрдамга келишган. Месопотамиянинг Гавгамела деган жойида Доро III ва Александр кўшинлари ўртасида ўта оғир ва қонли жанг бўлиб ўтган. Бу жангда ҳам Александр кўшинлари ғалаба қозонишган. Доро III шарққа қараб қочган. Александр Эронга қаршли барча ҳудудларни тўла қўлга киритган, форсларнинг ўша вақтдаги пойтахти бўлган Персеполь шаҳрини вайронага айлантирган, шоҳлар қалъасини ёндирган (шу жумладан зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлган “Авесто”ни ҳам). Мил. ав. 329 йилдан бошлаб Александр кўшинлари Марказий Осиё ҳудудига кириб келганлар. Александр мил. ав. 329 йилда Бактрияни эгаллаган. Кейин Александр Мароканда (Самарқанд)ни эгаллаб, Сирдарё томон йўл олган. Сирдарё бўйида Александр янги шаҳар курдирган. Уни Александрия Эсхата (Чекка Александрия) деб атаган. Уструшона (ҳозирги Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Ўратепа тумани) аҳолиси Александрга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Кирополда Александр боши ва бўйнига тош тегиб ярадор бўлган. Александр кўшинлари Кирополни катта қийинчилик билан эгаллаган. Мил. ав. 329 йилнинг кузида Марокандада Спитамен бошчилигида бўлиб ўтган кўзғолонда юнон-македон гарнизони кириб ташланиб, шаҳар кўзғолончилар қўлига ўтган. Александр Спитаменга қарши 3 минг пиёда ва 800 отлик кўшин юборган. Улар мағлубиятга учрагандан кейин Александр яна бошқа кўшинини Марокандага юборган. Бу кўшиннинг қисмати ҳам олдинги юнон-македон кўшинидек бўлгандан кейин Александрнинг ўзи катта кўшин билан Марокандага йўл олган. Спитамен Александр билан очиқ жангга кирмасдан кўшинлари билан чўл ичкарасига чекинган. Александр Спитаменни таъқиб этмаган, лекин Зарафшон воҳасининг тинч аҳолисидан қаттиқ ўч олган. 120 минг кишини ўлдирган, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирган. Александр Суғдиёнадаги бир нечта қалъа ва пойтахт Марокандада катта кўшин қолдириб, ўзи қолган кучлари билан Бактрияга қайтган. Спитамен мил. ав. 328 йилда юнон-македон кўшинларига сезиларли зарбалар берган. Суғдий ва бактриялик зодагонларнинг бир қисми Спитаменга хиёнат қилиб истилочилар томонга ўтиб кетганлар. Мил. ав. 328 йилнинг охирида Спитамен хоинона ўлдирилган (массагетлар ёки ўз хотини томонидан). Спитеман ўлгандан кейин ҳам Суғдиёнада юнон-македон кўшинларига қарши кураш давом этган. Александр маҳаллий зодагон Оксиартнинг қизи Рахшонак (Роксана)га уйланган. Мил. ав. 327 йилнинг охирида Суғдиёна Александр томонидан батамом эгалланиб, кўзғолон бостирилган. Александр суғдлик Оропийни Суғдиёна ҳокими этиб тайинлаб, ўзи эса кўшинлари билан Ҳиндистонга юриш бошлаган. Юнон-македон кўшинлари Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий ҳудудларини ишғол этишган. Александр Ҳиндистоннинг жанубига қараб ҳарбий юришини давом

эттирмоқчи бўлган. Лекин сафар ва касалликлар азобидан ҳолдан тойган кўшинининг очикдан-очик қаршилигига дуч келган. Шу боис у ортга қайтишга мажбур бўлган. Шу тариқа Александрнинг шарқдаги ҳарбий юришлари охирига етган. У 10 йил – мил. ав. 334 йилдан 324 йилгача давом этган. Александр Македонский Бобилда янги юришларга тайёргарлик кўриш асносида безгак касалига чалиниб (бошқа манбаларга кўра, захарланиб), мил. ав. 324 йилда вафот этган. Александр юришлари натижасида вужудга келган салтанат қадимги дунёнинг энг йирик давлати бўлган. Лекин мустаҳкам ички алоқалари бўлмаган бу салтанат Александр вафот этгач, тезда парчаланиб кетган ва унинг ҳудудида бир қанча эллинистик давлатлар вужудга келган. Македониялик Александр вафотидан кейин унинг жасадини Миср сатрапияси ҳукмдори Птоломей Лаг махфий тарзда Бобилдан Мисрга олиб кетишга муваффақ бўлган. Дастлаб Македониялик Александр Мисрнинг эски пойтахти Мемфис шаҳрида дафн этилган. Кейинчалик эса Птоломей Лаг тиллодан ясалган саркофаг ясаиб, Македониялик Александр жасадини фиръавнларга хос тантана билан Александрияда кўмдирган.

Македонияликлар сулоласи – Византияда 867–1056 йилларда ҳукмронлик қилган сулола.

Макиавеллизм – Сиёсатчининг ўз мақсадларига эришмоқ учун ахлоқсизлик, маккорлик, риёкорлик, хоинлик, сотқинлик ва ўлдиришларга асосланган сиёсат, “мақсад воситани оқлайди” шиориға амал қилиш.

Макиавелли, Николло – 1469-1527 йилларда яшаб ўтган итальян мутафаккири.

Маккий, Усмон – 904 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) машҳур шайх.

Макмиллан, Морис Гарольд – 1894-1986 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия сиёсатчиси. Консерваторлар партияси вакили ва Буюк Британиянинг 65-чи бош вазири (1957-1963 йилларда).

Макруҳ – Ислом шариати бўйича, қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган, рад этилган ҳатти-ҳаракатлар, нарсалар.

Мактабхона – Бошланғич таълим мактаби. Дастлаб VII–VIII асрларда араб мамлакатларида пайдо бўлган. IX–X асрларда аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ўрта Осиё, Волгабўйи ҳамда бошқа жойларга тарқалган. Ўғил болалар мактабхоналари аксарияти масжидлар, мадрасалар, қорихоналар қошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхоналари ўқитувчи аёллар уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган. Мактабхонада болалар ўқиш-ёзишга ўргатилган, мадрасаларга ўқишга кириш учун зарур билимлар берилган. Мактабхоналар харажати ва домлаларнинг даромади вақф мулкидан тушган даромадлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан ўқиш учун тўланган маблағлар ҳисобидан бўлган. Етим-есирлар бепул ўқитилган. Болалар ўқиш учун мактабхонага 5-6, баъзан 6-8 ёшдан берилган ҳамда ўқув курси 5-8 йил давом этган.

Малак – Қар.: *Фаришта*.

Малак ул-мавт – Ислом таълимотида ажал, ўлим фариштаси бўлган Азроилнинг лақаби.

Малик – Исломгача бўлган араб давлатлари (Ғассонийлар, Лаҳмийлар)да ҳукмдор. Марказий Арабистондаги қабилалар конфедерацияси ва Жанубий-Шарқий Арабистоннинг баъзи қабилалари бошлиқлари. Ислом вужудга келиши билан “малик” атамаси мусулмон бўлмаган ҳукмдорларга (монарх, маъносида) нисбатан қўлланилган. Араб халифалиги парчаланиб кетгач, халифалик ҳудудида вужудга келган мустақил давлатларнинг ҳукмдорлари “малик” деб атала бошланган. Хоразмшоҳлар давлатида малик ҳарбий унвони 10 минг кишилик отлик қўшинга қўмондонлик қилган кишиларга берилган (мас., Аъзам Малик, Темур Малик ва бошқалар). Мўғуллар босиб олган баъзи мамлакатларда (XIII–XIV асрлар) маҳаллий ҳукмдорлар “малик” деб аталган. Мўғуллар ҳукмдорлиги даврида Арманистон ва Озарбайжон, Сафавийлар давлатидаги ярим мустақил давлатларда малик – йирик мулкдор, маҳаллий қадимги мусулмон ва христиан зодагонларнинг аждоди. Афғон қабилаларида малик – қabila ёки уруғ бошлиғи, қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. Ҳозирда малик баъзи араб давлатлари (Иордания, Марокаш)нинг қироли (подшоҳи).

Малика – 1. Аёл подшоҳ. 2. Подшоҳ оиласига мансуб аёл.

Маликийлар – Ислом динининг сунний мазҳабидаги оқим. Малик ибн Анас асос солган. Маликийлар ҳуқуқ масалаларини ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиқишган.

Малик уш-шуаро – Ҳукмдорлар саройларида хизмат қиладиган шоирларга бериладиган унвон, шоирларнинг раҳбари.

Малконий – Христиан дини негизида вужудга келган диний оқим. Малконийлар Исо Пайғамбарнинг онаси Марямни худо деб билганлар.

Мальтусчилик – 1766-1834 йилларда яшаб ўтган инглиз иқтисодчиси Мальтус томонидан илгари сурган таълимот. Ушбу таълимот бўйича жамиятлардаги қашшоқлик, ишсизликлар жаҳонда аҳолининг жуда тез кўпайиши натижасида пайдо бўлади.

Малюта Скуратов-Бельский – Иван IVнинг ёрдамчиси. Унга опричнина сиёсатини амалда татбиқ этиш топширилган.

Мамай – 1335-1380 йилларда яшаб штган. Мўғул қўшинларининг туманбошиси.

Мамлуклар – Мисрда ҳукмронлик қилган айюбийлар сулоласи (1171-1250 йиллар)нинг сўнги ҳукмдорлари қўшинини ташкил қилган, насл-насаби туркий ва Кавказ халқлари (гурзин, черкес ва бошқалар)дан бўлган қул жангчилар. Уларни ёшлигидан ўғирлаб олиб кетишган ва махсус ҳарбий илмга ўргатишган. Улар ниҳоятда қаҳрли, жасур бўлган. Энг жасурлари оддий мамлукдан саркарда, подшо даражасигача кўтарилган. Улардан айюбийларнинг хос қўшини (гвардия) ташкил этилган. Мамлуклар 1250 йилдан Мисрда (1517 йилгача) ва Сурияда (1516 йилгача) давлатини мустақил бошқаришган.

Ман – Ўтмишда вазн ўлчови. Бир ман етти пуддан ортиқ бўлган.

Манат – Қадимги арабларда тақдир ва қасос илоҳаси, ер ости салтанати ҳукмдори, дафн ишлари ҳомийси.

Манбашунослик – Тарихнинг ёрдамчи фан соҳалари каторига кирувчи тарихий манбаларни излаб топиш, қайд этиш, тўплаш, ўрганиш ва қўлланиш назарияси ва амалий усуллари ҳақидаги фан.

Манглой – Қўшиннинг илғор қисми. Манглой ҳарбий юриш вақтида тузилган. У ўнг ва сўл қисмлардан иборат бўлиб, унинг олд ва орқа тарафида махсус қўриқчи қисмлари турган. Манглойдан кейин марказий қисм ҳамда ўнг ва сўл қанотлар саф тортиб борган. Манглойга шахзодалар ёки моҳир амирлар бошчилик қилган.

Мангуберди, Жалолиддин – Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг катта ўғли. Онаси – Ойчечек туркман канизаклардан бўлган. Жалолиддиннинг туғилишидан бунда хол (манк)и бўлгани учун уни “манкбурни” деб аташган. Кейинчалик бу ном талаффузи ўзгариб, “Мангуберди” номи билан машҳур бўлиб кетган. Мўғул босқинчиларга қарши мардонавор курашган моҳир саркарда. Ғазна яқинидаги Парвон жангида Жалолиддин Мангуберди мўғул қўшинлари устидан ғалабани қўлга киритган. Парвон жангидаги мағлубиятдан сўнг Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолиддин Мангубердига қарши шахсан ўзи отланган. Қўшинларининг сони камайгани натижасида кучлар тенг эмаслигини инобатга олиб, Жалолиддин Мангуберди Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинган. 1221 йилнинг ноябрь ойида Синд дарёси бўйида Чингизхон ва Жалолиддин Мангуберди қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган. Кучлар тенг бўлмаган жангда Жалолиддин Мангуберди мағлубиятга учраган. У омон қолган 4 минг жангчиси билан Синд дарёсини сузиб ўтиб, чўл ичкарасига кириб кетишга муваффақ бўлган (ушбу чўл ҳозирда “Жалолий” деб аталади). Ҳиндистон ҳудудида Жалолиддин Мангубердига қаршилик кўрсатган Дехли султони мағлуб этилган. 1225 йили Озарбайжон, халифалик пойтахти Бағдод, Грузия, 1227 йилда эса Исфаҳондан 30 чақирим узоқликда жойлашган Син қишлоғи яқинида мўғулларнинг 2 минг кишилик авангарди Жалолиддин Мангуберди жангчилари томонидан тор-мор этилган. Ушбу зафарлардан сўнг Жалолиддин Мангуберди қўшни давлатлар ҳукмдорларига мактублар ёзиб, уларни мўғул босқинчиларига қарши курашиш учун бирлашишни таклиф этган. Лекин унинг бу йўлдаги ҳатти-ҳаракатлари самарасиз бўлган. 1230 йилнинг август ойида Арзинжон яқинида Жалолиддин Мангуберди ва унга қарши бўлган бирлашган кучлар ўртасида жанг бўлиб ўтган. Унда Мангуберди қўшинлари мағлуб бўлишган. Мушкул аҳволга тушиб қолган Мангубердини Суриядаги Амида қалъаси ҳокими ўз паноҳига чақирган. Сурия томон бораётганда Майофариқин вилояти (ҳозирги Туркиянинг Сильван вилояти)да мўғуллар тунда, ногаҳон Жалолиддин Мангубердига ҳужум қилиб, унинг оз сонли қўшинини тор-мор этишган. Мангубердини 10 дан ортиқ мўғул жангчилари таъқиб қилишган. Мангуберди Майофариқин вилоятининг Айн ад-дар қишлоғида қароқчи курдлар қўлига тушиб қолган. Курдларнинг бири жангда ўлган ўз иниси қони эвазига Жалолиддин Мангубердини ўлдирган. Майофариқин ҳокими Мангубердига нисбатан бўлиб ўтган воқеадан хабар топгандан кейин Айн ад-дар қишлоғига ўзининг жазо гуруҳини юборган. Ғозий қишлоқнинг барча эркакларини ўлдиргандан кейин унга ўт қўйган. Жалолиддин

Мангуберди ўша Айн ад-дар қишлоғида дафн этилган. Кейинчалик Мангуберди қабри ер билан текисланиб ташланган. Жалолиддин Мангуберди 11 йил давомида мўғул босқинчиларга қарши курашган. У 14 мартаба босқинчиларга қарши урушга кирган, ундан 13 тасида ғолиб чиққан. “Жалолиддин тирик”, “Жалолиддин қайтиб келяпти” деган миш-мишлар мўғулларни узок вақт титроққа солдирган. Мустақиллик йилларида Жалолиддин Мангубердининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1998 йилнинг 24 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинган. Юбилей муносабати билан Урганчда Жалолиддин Мангубердига улкан мемориал ёдгорлик барпо этилган. 2000 йилнинг август ойида “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган.

Мандат – Кўрсатувчининг ваколатини тасдиқловчи расмий ҳужжат, мас., депутат мандати.

Мандела, Нельсон – Африка Миллий Конгресси ташкилотининг етакчиси. Кейинчалик Жанубий Африка Республикасининг биринчи оқ танли президенти.

Манжаниқ – Ўтмишда муҳосара вақтида қалъа деворини бузиш учун қўлланилган, ғилдирак устига ўрнатилган, катта тошларни отишга мосланган махсус қурилма, аррода. Қадимги Юнонистон ва Римда “катапульта” номи билан юритилган.

Манжуқ – X–XII асрларда мусулмон Шарқи халқларининг ҳарбий кўшинидаги байроқ (туғ) учаги ўрнатилган зарҳақ ёки мисдан ясалган яримой. 2. Бунчуқ, яъни учига ярим ой ўрнатилган ва тепа қисмига кўндаланг қоқилган тахтачага от думи осилтириб кўйилган ёғоч-номдор лашкарбошиларнинг ҳокимият белгиси.

Манзилгоҳ – 1. Ибтидоий жамиятда уруғ жамоаларининг вақтинча тураржойи, маскани. 2. Серқатнов ва катта йўл устида қурилган, тўхтаб ўтишга мўлжалланган жой, манзил. Манзилгоҳларда йўловчилар ичимлик, озиқ-овқат билан таъминланган, ҳордиқ чиқариш учун махсус хоналарга жойлаштирилган. Баъзи манзилгоҳларда карвонсаройлар, маълум даражада мустаҳкамланган работлар бунёд этилган. Вақт ўтиши билан айрим манзилгоҳлар ўрнида шаҳарлар ташкил топган. Манзилгоҳлар кўчманчи ҳамда ўтроқ халқлар учрашадиган, улар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиладиган жой сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Манифест – 1. Бирор муҳим воқеа ёки кўриладиган тadbирлар ҳақида аҳолига қарата тантанали суратда эълон қилинган давлат мурожаатномаси. 2. Сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотларининг ўз курашларини, дастурларини ва қарорларини баён қилиб чиқарган мурожаатномаси.

Мания – Қадимги юнонларнинг телбалик худоси, жиноятчилар ва анъаналарни бузувчилар тафаккурини хиралаштирган.

Манн, Томас – 1875-1955 йилларда яшаб ўтган немис адиби.

Маноқиб – Буюк кишилар, атоқли санъаткорлар, шунингдек дин намояндалари ҳақида ёзилган хотира асар. Мас., Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асари.

Мансабпарастлик – Мансабни яхши кўриш, мансабга эришишга интилиш. “Мансабпарастлик” деганда ҳокимият тармоғининг бирор жабҳасида, давлат органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида, давлат муниципал муассасаларида, ҳарбий тузилмаларда ташкилий, тақсимот, маъмурий, хўжалик вазифаларини доимий ёки вақтинча бажараётган мансабдор шахснинг ўз шахсий манфаати йўлида давлат ёки жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зиён етказиб ёки унга чап бериб, мансаб пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиши тушунилади.

Мансур – Аббосийлар халифалигининг халифаси (754-775 йиллар).

Мансур Ҳаллож – 858-922 йилларда яшаб ўтган “Аналҳақ” – “Мен-Ҳақман” дегани учун ваҳшиёна бир тарзда қийнаб ўлдирилган сўфий.

Мантиқ – Тафаккур қонунлари ва фикрлаш шакллари, муҳокама юритишнинг қонун-қоидалари ҳақидаги фан, логика.

“Ману қонунлари” – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган варналар вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган қонунлар мажмуи.

Манускрипт – Антик ва Ўрта асрлар даврларига оид, асосан, Ғарбий Европа кўлёзма китобларига нисбатан қўлланиладиган атама. Умуман, барча турдаги кўлёзмалар.

Мануфактура – Меҳнат тақсимоти ва қўл ҳунари техникасига асосланган корхона. Ишлаб чиқаришнинг энг оддий саноат техникасига асосланган шакли. Мануфактура Ғарбий Европа мамлакатларида XVI аср ўрталарида вужудга келиб, XVIII асрнинг охири чорагигача давом этган.

Манғлай (Манқлай) – Ўрта Осиё хонликлари қўшинларининг олдида ярим доира шаклида саф тортиб борувчи қисм.

Маоизм – Хитойда Мао Цзэдун ғоявий-назарий қарашлари ва кўрсатмаларининг номланиши.

Мао Цзэдун – 1893-1976 йилларда яшаб ўтган Хитой давлат арбоби. 1949 йил 11 октябрида Хитой Халқ Республикаси ташкил топилганлиги ҳақида расман эълон қилинган ва давлат бошқаруви Мао Цзэдун бошчилигидаги Хитой коммунистик партияси кўлига ўтган. Дастлаб Хитой иқтисодиёт ривожига маълум ютуқларни қўлга киритган. 1959 йилдан бошлаб Хитойда Мао Цзэдуннинг шахсига сиғиниш авж олган, унинг ғоявий-назарий кўрсатмалари “маоизм” таълимоти деб талқин этилган. Хитойда Мао Цзэдун марксизм-ленинизм таълимотининг ёрқин давомчиси сифатида ташвиқ этила бошланган. Тез орада “катта сакраш” дастури ҳаёлий экани маълум бўлган ва амалга оширилмаган. 1958 йилда қабул қилинган “катта сакраш” дастури амалга ошмагандан кейин Мао Цзэдун XX асрнинг 50-йиллари охири-60-йилларининг бошларида давлат бошқарувидан ўзини озод этиб, ёлғизлик ва осудаликда яшаган. 60-йилларнинг ўрталарида эса у яна катта сиёсатга қайтган. 1966 йилда Мао Цзэдун ташаббуси билан Хитойда “маданий инқилоб” деб ном олган авантюристтик сиёсат қабул қилинган. 1976 йилда Мао Цзэдун вафот этган ва “маданий инқилоб” сиёсати бекор қилинган. *Яна қар.: “Катта сакраш” дастури, “Маданий инқилоб” сиёсати.*

Мара – Буддавийлик динида ёвузлик ва жонзотларни ўлимга олиб борувчи жамики нарсалар ифодачиси бўлган илоҳ.

Маранлар – Ўрта асрларда Испания ва Португалияда расман христианликни қабул қилган яҳудийлар (асосан 1492 йилги яҳудийларга католикликни қабул қилиш ёки Испанияни тарк этиш тўғрисидаги фармондан кейин). Кейинчалик инквизиция яҳудийларни иудаизмга хуфёна эътиқод қилишда айблаб таъқиб этган.

Марафон – Қадимги Юнонистоннинг Аттика полиси Афина шаҳри яқинидаги жой, маҳал.

Марафон югуриши – Эроннинг аҳмонийлар давлати қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Афина полисини қўлга киритиш мақсадида мил. ав. 490 йилда уюштирган асосий жанги “Марафон” деб номланган жойда бўлиб ўтган. Бу жангда Юнон қўшини 11 минг, форс қўшини эса 20 мингдан иборат бўлса-да, юнонликлар ғалаба қозонишган. Ривоятга кўра, бу хушхабарни бир юнон аскари Марафон қишлоғидан югуриб бориб Афинадаги ҳукмдорларга етказган. У “хурсанд бўлинглар, биз енгдик”, дегандан кейин юраги ёрилиб вафот этган. Марафондан Афинагача бўлган масофа 42 км. 195 метрни ташкил этган. Марафон югуриши 1896 йилдан Олимпия ўйинлари таркибига киритилган.

Марвон II – Умавийлар халифалигининг охириги халифаси.

Мардикорлик – Ўрта асрларда Ўрта Осиёда марказий (хон, амир) ёки маҳаллий ҳукумат фармони билан натурал мажбуриятни бажариш, шунингдек, катта ер эгалари ерида ишловчи деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиш. Канал қазилар, уни таъмирлаш, ҳарбий истехкомлар қуриш ва бошқа оғир юмушларни бажаришда мардикорликка сафарбар қилинганлардан фойдаланилган.

Мардук – Қадимги аккадликларда бош худо, худолар отаси ва ҳаками, сеҳргарлик ва табиблик, сув ва ўсимликлар ҳомийси.

Маржон – Денгиз жониворларининг оҳакли суяк ва қолдиқларидан ҳосил бўладиган тош. Маржондан мунчоқ ва бошқа безаклар ясалган.

Марзбон (Марзубон) – Қадимги Эронда вилоят ҳукмдори унвони.

Марк – Христиан дини пешволаридан бири.

Марка – 1. Ўрта асрларда Ғарбий Европада кўни-кўшни жамоа. Унда ҳайдаладиган ер марка аъзоларининг хусусий мулки бўлиб, яйлов, ўрмон ва бошқа жойлар умумий мулк ҳисобланган. 2. VIII–IX асрларда Франклар давлатида, Ўрта асрларда Германияда маркграф бошчилигида мустақамланган маъмурий чегара округи. 3. Почта ҳақи ёки бошқа бирор давлат йиғимининг тўланганлигини билдирадиган, нархи кўрсатилган, кўпинча суратли қоғоз парчаси. 4. Мол ва буюмларга қўйилган фабрика ёки завод белгиси, тамғаси.

Марк Антоний – Эрамиздан олдинги 82-30 йилларда яшаб ўтган. Рим императори Юлий Цезарнинг дўсти. Римдаги Иккинчи триумвират аъзоси.

Маркграф – Илк ўрта асрларда Ғарбий Европада қиролга бўйсунган амалдор шахс, маркаларда кенг маъмурий, ҳарбий ва судлов ваколатларига эга бўлганлар. Маркграфлик институтига IX аср бошларида Буюк Карл асос солган.

Маркиз – 1. Франклар давлатида маркграфга тўғри келувчи унвон. 2. Ўрта асрларда Франция ва Италияда (X асрдан) йирик мулкдор, ўз мавқеига

кўра табақавий поғонада герцог ва граф ўртасида турган. 3. Франция ва Италияда, XIV-XV асрлардан эса Англия, Испания ва Португалияда меросий дворянлик унвони.

Маркитантлар – Европа феодал армияларининг ҳарбий юришларида уларга ҳамроҳлик қилувчи майда савдогарлар. Қўшиннинг доимий таъминот тизими ўрнатилгунга қадар (XVIII аср) муҳим роль ўйнаганлар. Маркитантлар фаолияти ҳарбий низомлар билан тартибга солинган. XX аср бошларигача мавжуд бўлган.

Марко Поло – 1254-1324 йилларда яшаб ўтган италиялик машҳур сайёҳ ва ёзувчи. Марко Поло 25 йил (1271-1295 йилларда) Шарқ мамлакатларида бўлган. Шундан 17 йилини у Хитойда ўтказган. Марко Поло мўғул қоони Хубилайхон саройида хизмат қилган. Дўсти Рустичано билан бирга ёзган “Марко Поло китоби” (1288 йили нашр этилган)да Кавказ халқлари, Эрон, Хитой, Мўғулистон, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар географияси, этнографияси ва тарихи ҳақида муҳим маълумотлар келтирган.

Марксизм – XIX асрнинг 40-йилларида Ғарбий Европада немис мутафаккирлари Карл Маркс (1818-1883 йиллар) ва Фридрих Энгельс (1820-1895 йиллар) томонларидан асос солинган фалсафий, иқтисодий ва сиёсий таълимот. К.Маркс ва Ф.Энгельс 1847 йилда “Коммунистлар иттифоқи” деб номланган сиёсий ташкилот тузишган. 1848 йилда эса улар Коммунистлар иттифоқининг дастури бўлган “Коммунистик партия манифести”ни ёзганлар. Марксизм таълимотининг асосини коммунизм ҳақидаги сохта таълимот ташкил этади. Марксизмда ишлаб чиқиш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг негизи сифатида қаралади, хусусий мулкчиликка асосланган жамиятда ишлаб чиқаришнинг хусусий характерга эга эканлигини назарда тутиб, ижтимоий инқилоб тўғрисидаги қонунни асослашга ҳаракат қилинади, жамият тарихи синфлар кураши тарихи сифатида қаралади, ишчилар синфи жамиятда энг асосий синф ҳисобланади, ишлаб чиқариш воситаларига фақат ижтимоий мулкчилик тан олиниб, бошқа мулк шакллари инкор этилади, синфий кураш охир-оқибат синфсиз жамият куришни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган пролетариат диктатурасига олиб келиши таъкидланади, коммунистик жамиятда ўтиш икки фаза (босқич)-социализм (қуйи фаза) ва коммунизм (олий фаза)лардан иборат бўлиши таъкидланади. “Социализм” сўзи латинча бўлиб, “ижтимоий” маъносини, “коммунизм” сўзи эса, “умумий” маъноларини англатади. XIX аср ўрталарида деярли барча Европа мамлакатларида ишчи партиялар тузила бошланган. 1864 йили К.Маркс ва Ф.Энгельс томонларидан Биринчи Интернационал (Халқаро ишчилар иттифоқи), 1889 йилда эса, Ф.Энгельс томонидан Иккинчи Интернационал (Социалистик партияларнинг халқаро бирлашмаси) ташкил топган. XX асрда бошқа Интернационаллар ҳам ташкил этилган.

Марксизм-ленинизм – Жамият тараққиёти қонунлари, социалистик инқилоб, социализм ва коммунизм куриш тўғрисидаги К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин томонидан олға сурилган ҳаёлий ва сохта таълимот. *Яна қар.: Марксизм.*

Маркс, Карл – 1818-1883 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи, иқтисодчиси. Марксизм таълимотининг асосчиларидан бири.

Марк Твен – 1835-1910 йилларда яшаб ўтган америкалик адиб.

Мароканда – Самарқанднинг юнонча номи. Қадимда мавжуд бўлган Суғдиёна давлатининг пойтахти.

Маросим – Анъанавий ёки диний урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин.

Марсельеза – Буюк француз инқилоби даври (1792 йил)да ёзилган, кейинчалик Франциянинг миллий гимни бўлиб қолган инқилобий кўшиқ.

Марсия – Бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган лирик асар, мотам кўшиғи.

“Мартабалар ҳақида табель” – 1722 йилда Россия императори Пётр I томонидан имзоланган қонун. Унга кўра, дворянлар, боярлар, давлат маъмурлари ўртасида мавжуд бўлган табақаланишга барҳам берилиб, мамлакатда фуқаролик ва ҳарбий хизматларда 14 зинали мартабалар жорий этилган.

Мартанда – Қадимги ҳинд мифологиясида Адитининг ўғилларидан бири, куёш худоси, кўпинча Вивасват деб аталган.

Мартелл, Карл – Франк давлатининг ҳукмдори (715-741 йиллар). Карл Мартелл черков ерларининг бир қисмини мусодара қилиб, уларни ҳарбийларга ўша ерларда ҳарбий хизмат ўташ шарти билан инъом этган. Шу тариқа Мартелл ҳам давлатни марказлаштирган, ҳам унинг ҳарбий салоҳиятини кучайтирган. 732 ва 737 йилларда Испания ҳудудида мавжуд бўлган араблар Галлияни ишғол этиш учун икки маротаба ҳарбий юришлар уюштирганлар. Лекин ҳар икки марта ҳам улар Карл Мартелл кўшинлари томонидан мағлубиятга учрашган. Яъни, Карл Мартелл арабларнинг Ғарбий Европага ҳарбий-мустамлакачилик юришларини тўхтатган.

Марутлар – Ҳиндуизм динида бўрон, момақалдиноқ ва чакмоқ худолари.

Маршал – 1. Ўрта асрларда Францияда сарой мулозимлари унвони (XVI асргача). 2. Бир қанча давлатлар армияларидаги олий ҳарбий унвон. 3. Польшада баъзи мансабдор шахслар унвони (сейм маршали, сейм-вице маршали).

“Маршалл режаси” – 1947 йилнинг 5 июнида Америка Қўшма Штатлари давлат котиб(ташқи ишлар вазир)и Жорж Маршалл (1880-1959 йиллар) ўзининг Америка Қўшма Штатлари томонидан 1948-1951 йиллар давомида Ғарбий Европа давлатларига иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича эълон қилган режаси. Ушбу режа тарихда “Маршалл режаси” деб ном олган. 1948-1951 йилларда “Маршалл режаси” асосида Ғарбий Европанинг 16 та давлати – Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Дания, Ирландия, Исландия, Португалия, Австрия, Швейцария, Греция ва Туркия АҚШдан 17 млрд. доллар миқдорида ёрдам олишган. АҚШнинг “Маршалл режаси” Европа мамлакатларига фақат иқтисодий ёрдам кўрсатиш билан чегараланмаган. Унинг асосий сиёсий мақсади собиқ СССРнинг Шарқий Европа ва умуман жаҳондаги таъсири ва нуфузини заифлаштириш бўлган.

Марқа – *Қар.*: *Қирқ.*

Марғиёна – Мурғоб дарёси водийсидаги қадимий вилоят. Марғиёна ҳақидаги дастлабки маълумотлар “Авесто” ва “Биҳистун қоя тош ёдгорлиги”да келтирилган. Марғиёна ғарбда Парфия, шимолий-шарқда – Суғдиёна, шарқда – Бактрия, жанубда – Ария билан чегарадош бўлган. Пойтахти қадимги Марв ҳудудида жойлашган. Мил. ав. VI асрда Марғиёнани аҳмонийлар забт этишган. Доро I ҳукмронлиги даврида Марғиёна аҳолиси ўзи сайлаган Фрада исмли лашкарбоши раҳбарлигида аҳмонийларга қарши кўзғолон кўтарган. Аҳмоний лашкарлари ушбу кўзғолонни шафқатсизларча бостиришган. Мил. ав. 328 йили Марғиёнани македониялик Александр қўшинлари босиб олишган. Мил. ав. III аср ўрталарида Марғиёна Юнон-Бактрия шоҳлигига тобе бўлган. Мил. ав. II аср ўрталарида эса Марғиёнани Парфия давлатининг подшоси Митридат I эгаллаган. Милодий I асрда Марғиёна Кушон подшолиги таркибига кирган. III асрда Марғиёнани Эроннинг сосонийлар сулоласи қўшинлари босиб олган. Кейинчалик Марғиёна ёзма адабиётларда Марв вилояти номи билан тилга олинган.

Марғиноний, Бурхониддин – XII асрда яшаб ўтган қомусий алломалардан бири. Марғиноний 1123 йилда ҳозирги Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. Замондошлари уни “бурхон уд-дин ва-л-милла” деб улуғлашган. “Милла” сўзи мусулмон дунёсидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи маъноларини англатади. Марғиноний турли соҳаларда кўплаб асарлар ёзган бўлса-да, уни дунёда машҳур қилган асари фикҳ масалалари таҳлилига бағишланган “Ҳидоя”дир. Ушбу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, унинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига бағишланган. Марғиноний Самарқанд шаҳрида вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

Масжид (мачит) – Мусулмонларнинг жамоа бўлиб кундалик беш вақт намоз ўқийдиган жойлари, ибодатхона. Жума ва Ҳайит намозлари, одатда, жомеъ масжидларида ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад Пайғамбар қурдирган.

Масонлик – XVIII асрда Англияда пайдо бўлган ва кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган, инсонлар “ахлоқини камолотга етказиш”ни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган диний-фалсафий оқим.

Массагетлар – Каспийнинг шарқий қирғоқлари ва Орол денгизи яқинида, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида мил. ав. V-IV асрларда яшаган қабилалар гуруҳининг умумий номи. Юнон тарихчиси Геродотнинг таърифлашича, массагетлар пиёда ва отда жанг қилганлар, улар отларнинг кўкракларига совут кийдирганлар.

Мастаба – Қадимги Миср мақбаралари номи. Мастаба қолдиқлари мил. ав. 3000-2800 йилликка оид. Бу мастабалар уйга ўхшатиб ғишт билан қопланган қумтепалардан иборат. Уларнинг ёнларига ибодат қилинадиган махсус хона ҳамда дафн анжомлари қўйиладиган ертўла ҳам қурилган. Кейинчалик мастабалар фақат тошдан қурилган. Уларда ибодат қиладиган ҳамда марҳумнинг ҳайкалчаси қўйиладиган хоналар бўлган. Қадимги Мисрдаги I ва II сулола даврида мастабалар фиръавнлар мақбаралари вазифасини ўтаган. III

сулола давридан масштаблар ўрнига фиръавнлар ўзлари учун эҳром (пирамида)лар қурдира бошлашган.

Матбаа – Қар.: *Босмахона.*

Матбуот – Қар.: *Оммавий ахборот воситалари.*

Матбуот эркинлиги – Матбуотнинг эркин фаолият кўрсатиши, кишиларнинг матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини тўсиқларсиз ифода эта олишилари.

Материализм – Фалсафада тафаккур билан борлиқ муносабатлари муаммоларини тушунтириш бўйича мавжуд бўлган икки асосий оқимнинг бири. Материализм идеализмга қарама-қарши материянинг руҳга нисбатан бирламчилигини, объектив дунёнинг онга, тафаккурга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини эътироф этади. *Яна қар.: Идеализм.*

Матриархат – Ижтимоий жамиятнинг она томондан қариндошчилик муносабатлари амалга оширилган ва хотинлар оила бошлиғи ҳамда ҳаётда раҳбарлик ролини ўйнаган ибтидоий босқичи. Матриархат даврида жамоавий ишлаб чиқариш, фарзанд тарбияси, хўжалик ва оилани бошқариш, жамоа ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солиш, диний маросимларни ўтказишда аёллар устувор мавқега эга бўлишган. Матриархатнинг зидди патриархат, яъни ота уруғининг ҳукмронлигидир. *Яна қар.: Патриархат.*

Матрилокал никоҳ – Никоҳдан сўнг кўчиб ўтиш шакллари билан бири. Асосан, матриархат даврида мавжуд бўлган. Матрилокал никоҳда эр хотин жамоасига кўчиб ўтган. Матрилокал никоҳ эр билан хотин жуфт яшашининг илк кўриниши бўлган.

Матута – Қадимги римликларнинг аёллар худоси, туғруғ ҳомийси. Унинг шарафига июнь ойида матралия байрами ўтказилган.

Матфей – Христиан дини пешволаридан бири.

Мауриялар империяси – Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудида мил. ав. 317-мил. ав. I асрда мавжуд бўлган қадимий давлат. Унга асли маурия сулоласидан бўлган Магатҳа давлатининг ҳукмдори Чандрагупта асос солган. Мауриялар империяси Ашока ҳукмронлиги даври (мил. ав. 268-232 йиллар)да равақ топган. Мауриялар империясида деҳқончилик, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик ривожланган, Цейлон ва жанубий-шарқий Осиё ҳамда ғарб мамлакатлари билан савдо ва дипломатик алоқалари ўрнатилган. Буддизм дини бутун Ҳиндистон ва қўшни мамлакатларга тарқалган. Ашока ворислари ҳукмронлиги даврида Мауриялар империяси парчаланиб кетган. Мил. ав. II аср бошларида Мауриялар империясининг шимолий-ғарбий қисми Юнон-Бақтрия тасарруфига ўтган. Мил. ав. 180 йилда Мауриялар империясининг охириги ҳукмдори Брихадратҳа шунглар сулоласидан бўлган Пушьямитра томонидан ўлдирилган ва Мауриялар империясига барҳам берилган.

“Мафия” – Бу сўз италянча бўлиб, “ўзбошимчалик”, “зўравонлик”, “қайсарлик” деган маъноларни англатади. Маълум давлат, жамиятда яшаб унинг қонунларига қайсарлик билан бўйсунмаслик, ўзи билганча, ўзи яратган “қонунлар” доирасида яшаш мафияга хос хусусиятдир. XIX аср бошида Италиянинг Сицилия оролида яширин ташкилот сифатида пайдо бўлган. XX асрдан бошлаб мафия гуруҳлари сиёсатга ҳам аралаша бошлашган.

Мафкура – Муайян бир ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамиятнинг орзу-истак, мақсад ва муддаолари, манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий-эстетик қараш (ғоя)лар ва шу кабиларнинг бутун бир тизими. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкуралар ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Мафкура қуйидаги вазифаларни бажаради: а) муайян ғояни одамларнинг онига ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса, ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

Мафкуравий бағрикенглик – *Қар.: Мафкуравий толерантлик.*

Мафкуравий бўшлиқ – Жамият, давлат ва меҳнат жамоалари тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Мафкуравий бўшлиқ ҳукмрон бўлган жамиятда фуқаролар онги ва фаолиятида турли миш-мишлар, сафсаталар устуворлик қила бошлайди. Кишилар руҳиятида бўшанглик, лоқайдлик, бефарқлик кайфиятлари пайдо бўлади.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви – Ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этгани.

Мафкуравий иммунитет – Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва кадриятлар тизими.

Мафкуравий марказлар – Муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалар. Ўзининг характери, мақсадларига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказларнинг ядросини ташкил этиши мумкин. Мафкуравий марказлар ўз фаолиятларини яширин ва ошкора йўл билан амалга оширадilar.

Мафкуравий плюрализм – Ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-баранглик, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллиги. Мамлакатда илғор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, яъни мафкуравий плюрализм ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш имкониятлари шунчалик кенг бўлади.

Мафкуравий профилактика – Ғоявий бўшлиқни бартароф этиш, мафкуравий парокандалиқнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи.

Мафкуравий тажовуз – Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

Мафкуравий таҳдид – Давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси. Фуқаролар онги ва фаолиятига сиёсий экстремизм, диний фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жинойатчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, “оммавий маданият” тажовузи ва ҳоказолар мафкуравий таҳдид шаклида намоён бўлиши мумкин.

Мафкуравий толерантлик (бағрикенглик) – Хилма-хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий қарашларга эга бўлган кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишлари, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжихат фаолият юритишлари. Ҳозирги даврда мафкуравий толерантлик ғояси жамиятдаги барча қатлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутуди ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мафкура яккаҳоқимлиги – Муайян давлат, жамият ёки бир гуруҳ давлатларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлиги.

“Махабхарата” – Мил. ав. X-IV асрларда қадимги Ҳиндистонда халқ оғзаки ижодига мансуб эпик дoston. “Махабхарата” сўзи “Бхарата авлодлари жангномаси” маъносини англатади. “Махабхарата” қадимий ҳинд қаҳрамонлик эпоси бўлиб, мил. ав. X-VIII асрларда унинг дастлабки намуналари юзага келган. Бу эпос 25 минг мисрадан иборат шеърый кўшиқлардир. “Махабхарата” 19 китобдан иборат бўлиб, сюжет ичида сюжет (қисса ичида қисса) услубида яратилган. “Махабхарата” дастлаб оғиздан оғизга кўчиб юриб, кейинчалик санскрит тилида ёзма адабиётга кириб келган. Асар қаҳрамонларидан бири бўлган афсонавий авлиё Вьяса унинг муаллифи ҳисобланади. Ушбу эпосда Ҳиндистондаги қадимги Хастинапур (ҳозирги Дехли) давлатининг шоҳи Бхаратанинг тахт учун олиб борган буюк жанглар тарихи баён этилган. Ҳиндуизм динининг муқаддас китоби бўлмиш “Бхагавадгита” (“Илохий кўшиқлар”) “Махабхарата” орқали ҳозиргача етиб келган.

Махаража – Ҳинд князи, Ҳиндистондаги унвон.

Махдум – Пир ва устозларга бериладиган лақаб. Бошқалар унинг хизматида бўладиган киши; хўжайин, хожа. Уламо ва руҳонийлар унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. Махдумни баъзи жойларда пир, устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатадилар.

Махмур – 1844 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) шоир. Асосан ҳажвий ва танқидий шеърлар ёзган.

Махтумқули – 1733-1793 йилларда яшаб ўтган шоир.

Машинасозлик – Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун машиналар ва машина асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган оғир саноат соҳалари мажмуи.

Машраб (Бобораҳим Мулла Вали ўғли) – 1640-1711 йилларда яшаб ижод этган шоир ва мутафаккир. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб, девон ёки бирор мажмуа тузганлиги ҳам маълум эмас. Машрабнинг “Девони Машраб”, “Девонаи Машраб”, “Эшони Машраб”, “Ҳазрати шоҳ Машраб” номлари остида халқ орасида кўлёзма ва тошбосма шаклида тарқалган қиссалардагина шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар учрайди. 1711 йилда аштархонийлар сулоласининг зодагонларидан бўлган Маҳмудбий томонидан ҳозирги шимолий Афғонистон ҳудудида қатл этилган.

Машрик – Дунёнинг тўрт томонидан бири бўлган шарқ тарафи.

Машшоқ – 1. Машқ қилувчи. 2. Куйни созда ижро этувчи, созанда.

Машҳад-Сарахс темир йўли – 1996 йилда ишга туширилган темир йўл.

Машҳадий, Султонали – 1437-1520 йилларда яшаб ўтган ўз замонасининг буюк хаттоти. Араб ёзувининг настаълиқ хати ривожига ва кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Машҳадий “Султон ул-хаттотин” (“Хаттотлар султони”) ва “Қиблат ул-куттоб” (“Китоблар қибласи”) деб эъзозланган. Ҳиротда темурий ҳукмдорларнинг хизматида бўлган. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Султонали Машҳадий Ҳирот хаттотларига раҳбарлик қилган, ёш мусаввир Камолиддин Беҳзодга ўз фарзандидек муносабатда бўлган. Унинг 500 га яқин юксак санъат даражасида кўчирган китоблари бизгача етиб келган. Улар асосан Туркия, Ҳиндистон, Россия, Англия, Франция, Америка Қўшма Штатлари, Эроннинг музейлари ва кутубхоналарида сақланмоқда. Султонали Машҳадий ҳашаматли иншоотларнинг пештоқларида, қабр тошларда ҳам битиклар битган. Султонали Машҳадийнинг 1519 йилда ёзилган хат санъатига оид “Қавоиди хутут” (“Хат қоидалари”) шеърӣ рисоласи бизгача етиб келган.

Машҳар – *Қар.: Қиёмат.*

Маъбад – Ибодат қилинадиган жой, ибодатхона.

Маъдан – Ердан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар.

Маъмур – Амр қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс, бошлиқ.

Маъмурий – Маъмуриятга доир, бошқариш ва ижро этиш билан шуғулланадиган.

Маъмурият – Муассаса, корхона, ташкилот ва ҳ.к.ларнинг бошқармаси.

Маънавий бойликлар – Кишилиқ жамияти тараққиёти жараёнида кўплаб авлодлар тафаккури ва ақл заковати билан яратилган маънавий мерос. Мас., “Авесто” китоби, ”Алпомиш” достони, Наврўз байрами, буюк аждодларимизнинг бебаҳо асарлари ва ҳоказо.

Маънавий бузғунчилик – Умуминсоний ва миллий ахлоқ, қадрият, маданият, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, ижтимоий, маънавий-ахлоқий меъёрларга риоя этмаслик, инкор этишлик ёхуд уларнинг илдизларини емиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар. Ҳозирги кунда маънавий бузғунчилик палапартиш жинсий муносабатлар,

гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиппар, ахлоқсизлик, куч ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва ҳоказоларда намоён бўлмоқда.

Маънавий ворислик – Миллий-маънавий қадриятлар, урф-одатлар, анъана, ғоялар, тажриба, билимларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши, маънавиятнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ва авлодлар ўртасида маънавий ришталарнинг узвий боғлиқлиги.

Маънавий жасорат – Ер юзидаги барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ва юксак маънавий салоҳиятини ифодалайдиган тушунча.

Маънавий иллатлар – Жамиятда ўрнатилган ижтимоий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий меъёр ва қоидаларга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар. Маънавий иллатлар сирасига ёлғончилик, адолатсизлик, ҳурматсизлик, лоқайдлик, бифарқлик, дангасалик, бюрократизм, тухмат, бўхтон, ҳасад, хоинлик, ўғирлик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждонсизлик, ҳаёсизлик ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Маънавий маданият – Жамият ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шахснинг ҳатти-ҳаракатлари ва қиёфасида маънавият тамойиллари қанчалик чуқур сингиб кетганлигини намоён этувчи атама. Маънавий маданият “моддий маданият” тушунчасидан фарқ қилади, аммо у билан боғлиқ ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Агар “маънавият” атамаси барча маънавий нарсалар ва хусусиятларни – инсониятнинг ижодий, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, бадий, диний, ахлоқий ва шу каби тасавурлар мажмуини англатса, маънавий маданият ана шу тушунча, билим ва тажрибаларнинг кундалик ҳаётда қўлланишини англатади.

Маънавий мерос – Инсон ақл-заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган аждодлардан авлодларга ўтиб келадиган азалий қадриятлар мажмуи. Маънавий мерос бир вақтнинг ўзида миллат, давлат, минтақа ва бутун инсониятга тегишли бўлиши мумкин.

Маънавий тарбия – Муайян шахс, жамоа, гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбий жараёни.

Маънавий таҳдид – Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуи. Ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини ишдан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружлар маънавий таҳдид ҳисобланади.

Маънавий тубанлик – Инсонларнинг ахлоқий фазилатларига қарама-қарши, тескари бўлган хусусиятлар, умуминсоний хулқ атвор меъёрларидан

оғиш натижасида келиб чиқадиган нохуш жиҳатлар. Маънавий тубанлик ҳаром-хариш ишлар, фахш, бахиллик, порахўрлик, манманлик, шухратпарастлик, хиёнат каби салбий хислатларда намоён бўлади.

Маънавий хавфсизлик – Миллий манфаатларни таъминлаш эҳтиёжи боис вужудга келадиган ва жамият аъзолари маънавий, ғоявий-руҳий ҳаётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолият. Маънавий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Маънавий қадриятлар – Жамият аъзоларини тарбиялашга, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга хизмат қиладиган қадриятлар тизими. “Маънавий қадриятлар” деганда, инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга, жамият ва шахс маънавиятини юксалтирувчи урф-одатлар, анъаналар, Ватанни севиш, ўз халқи ва миллатини ҳурмат қилиш, ота-онани эъзозлаш, тинчлик ва тотувликни сақлаш каби қадрият шакллари тушунилади.

Маънавий қарамлик – Инсон ва жамият онгу тафаккурининг бўйсундирилиши, маънавий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил ривожланиш имкониятларининг чеклангани, тараққиётдан орқада қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравий тазйиқи оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараён. “Маънавий қарамлик” тушунчасини алоҳида шахс, оила, миллат, халқ ва мамлакатга нисбатан қўллаш мумкин.

Маънавий ҳаёт – Шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий муносабатлар, жараёнлар, алоқа ва мулоқотлари мажмуи.

Маънавият – Инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, инсоннинг барча қарашларининг мезони.

Маърифат – Табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуи.

Маърифатпарварлик – Жамият ҳаёти, унинг маънавий-маърифий соҳаларида намоён бўладиган жаҳолатга, ижтимоий-сиёсий жоҳилликка зид бўлган ижтимоий-фалсафий ва оммавий-демократик ҳаракатлар мажмуи. Маърифатпарварликнинг мақсади жамият ҳаётини ғоявий жоҳиллик ва мафкуравий зўравонликдан, жаҳолатпарастликдан озод этиб, эркин тафаккур, илғор маърифий фаолият орқали тараққиётнинг барча зарур моддий ва маънавий ютуқларига эришишдир.

Маяк – Қар.: Маёқ.

Мақбара – Қабр устига қурилган бино.

Мақомот – 1. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи халқлари мусиқа илмида пардалар, куй-оҳанглар мажмуи. 2. “Шашмақом” деб аталган олти қисмдан иборат Ўрта Осиё халқларининг классик мусиқа асарининг ҳар бир қисми. 3. Ўрин, мартаба.

Мағриб – Ғарб, кун ботар томон.

Маҳалла – Шаҳар ва қишлоқларнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий-ҳудудий бирлик. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла 50-60 хонадондан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа маъмурий-ҳудудий

таркибига кирган. Маҳалла ҳайъатига сайлаб қўйиладиган элликбоши раҳбарлик қилган. Элликбоши маҳаллалардаги уй-жойларнинг олди-сотдиси, тўй-маърака маросимларини уюштириш ва ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги низоларни бартараф этиш ишларига бошчилик қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз чойхонаси бўлиб, у маҳалланинг ижтимоий-маданий маркази ҳисобланган. Ҳозирги кунда ҳам маҳаллалар Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида сақланиб қолган ва уларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда.

Маҳаллийчилик – Миллий ва умумдавлат манфаатларини ҳисобга олмай, уларга зарар келтирувчи, тор маҳаллий манфаатлар доирасида фаолият юритиш.

Маҳбус – Зиндонга солинган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган киши.

Маҳдий – Ислом динининг шиалик мазҳаби негизида вужудга келган имомийлик оқими таълимотига кўра, сирли равишда ғойиб бўлган 12-имом Муҳаммаднинг номи.

Маҳдийлик – Ислом дини шиа мазҳаби таълимотига кўра, замона охир бўлганда имом Маҳдий ерга қайтиб келади ва адолатли тузум ўрнатади, деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Маҳкама – 1. Ислом мамлакатларида шариат қозилари иш юритадиган жой. 2. Идора, маъмурият.

Маҳмуд – Сафавийлар давлатининг Хуросондаги ҳокими. Мир Вайснинг ўғли. 1722 йилда сафавийлар давлатининг қатта ҳудудини босиб олган.

Маҳмуд II – 1784-1839 йилларда яшаб ўтган Усмонли турк империясининг султони (1808-1839 йиллар). Маҳмуд II ҳукмронлиги даврида ҳарбий ва маъмурий ислохотлар ўтказилган. Уларга кўра, яничарлар полклари тарқатилиб (1826 йилда), мунтазам армия тузиш тўғрисида фармон чиқарилган, Туркия ҳудуди янгидан маъмурий бирликларга бўлинган; европача усулда жамланган ва фаолият кўрсатадиган ички, ташқи ва молия вазирликлари қайта тузилган. Бу ислохотлар Усмонли турк империясини таназзулдан қутқара олмаган. 1831-1833 ва 1839 йилларда Миср билан бўлиб ўтган урушларда Туркия мағлубиятга учраган, унинг Европа мамлакатлари таъсирига тушиб қолиши кучайган.

Маҳмудбий (Маҳмуд Қатағон) – Аштархоний шохзода Муҳаммад Муқимхоннинг оталиғи. Яна қар.: Убайдуллоҳон II.

Маҳмуд Торобий кўзғолони – 1238 йилда мўғуллар зулмига қарши Бухорода бўлиб ўтган кўзғолон. Бу кўзғолоннинг ҳарбий раҳбари Маҳмуд Торобий, ғоявий раҳбари эса йирик тасаввуф шайхи Шамсуддин Маҳбубий бўлган. Бухоро шаҳридан тахминан 20 км. ғарбда жойлашган Тороб қишлоғи (ҳозирги Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудуди) ва унинг атрофидаги деҳқон ва хунармандлар мўғуллар зулмига қарши очик кураш бошлашга қарор қилишган. Торобийнинг ўзи хунарманд бўлган. У айна пайтда табиблик ҳам қилган, суфийлик ғоялари билан таниш бўлган. 1238 йилда кўзғолончилар Бухоро томон йўл олишган. Улар Бухоро шаҳрида жойлашган Малик Санжар қасрини эгаллаб, уни ўзларига қароргоҳ қилишган. Кўзғолончилар Бухоро шаҳрини ўз қўлларига киритиб, мўғул босқинчилари ва мўғуллар хизматиغا

ўтган маҳаллий маъмурларни ўлдириб, уларнинг мол-мулкларини бева-бечораларга тақсимлаб беришган. Маҳмуд Торобий шаҳар султони, Шамсуддин Маҳбубий эса шаҳар садр (вазир)и лавозимларига кўтарилганлар. Мўғул кўшинлари ва маъмурлари Бухородан қочиб, Карманада куч тўплашган. Карманадан Бухорога юборилган мўғул кўшинлари дастлаб мағлубиятга учраб, 10 минг аскардан маҳрум бўлган. Лекин Кармана остонасида мўғуллар қаршилигига учрашган. Бу ерда бўлиб ўтган жангда Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубий ҳалок бўлишган. Маҳмуд Торобий вафот этгандан кейин кўзғолончилар унинг укалари Муҳаммад ва Алини кўзғолон раҳбарлари этиб сайлашган. Шу орада мўғулларнинг янги кучлари Бухорога етиб келган. Кўзғолончилар ва мўғуллар ўртасидаги энг шиддатли жанг Кармана яқинидаги Работи Малик (ҳозирги Навоий тумани маркази Малик Работ)да бўлиб ўтган. Унда бухороликлар мардонавор курашган бўлсалар-да, мағлубиятга учрашган. 20 мингдан ортиқ кўзғолончи шахид бўлган. Жангда Маҳмуд Торобийнинг укалари Муҳаммад ва Али ҳам ҳалок бўлишган. Мўғуллар кўзғолонни шафқатсизларча бостиришган. Улар Бухоро шаҳри аҳолисини талон-торож қилишган. Хўжанддан Маҳмуд Ялавоч ўзининг кўплаб тарафдорлари билан Бухорога етиб келгандан кейин мўғулларнинг зулми бирмунча пасайган. Маҳмуд Ялавоч таланган ва вайронага айлантирилган Бухоро шаҳри аҳолисидан яқин келажакда ҳеч қандай солиқ йиғиб бўлмаслигини Чигатойга айтган. Маҳмуд Торобий кўзғолони бостирилган бўлса-да, у изсиз қолмаган. Мўғул босқинчилари маълум вақтгача маҳаллий халқдан ундириладиган солиқ ва ўлпон миқдорини камайтиришган, турли ўзбошимчаликларга чек қўйишган, маҳаллий халқ билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишган.

Маҳр – Ислом таълимотига кўра, шариат қонунлари асосида никоҳ ўқилиши олдидан куёв томонидан келинга совға қилинадиган кўчмас мулк, пул ёки совға. Маҳр имом ҳузурида икки эркак гувоҳлигида эълон қилинган, никоҳ ўқилган.

Маҳрам – Ўзаро юз кўришуви мумкин бўлган эркак ва аёл, энг яқин қариндошлар. Ислом таълимотига кўра аёл кишига эр, ота-она, ака-ука, амаки, бува, тоға, қайнота, қайнона, қайнотасининг ака-укалари маҳрам ҳисобланган. Одатда аёл киши маҳрамдан юзини беркитмаган.

“Маҳрам жанги” – 1875 йил 22 августда Абдурахмон офтобачи ва Фарғона вилояти генерал-губернатори М.Д.Скобелев бошчилигидаги рус кўшинлари ўрталарида бўлиб ўтган жанг. Бу жангда Абдурахмон офтобачи кўшинлари мағлуб бўлишган.

“Маҳрумлар” – XX асрнинг 20-йиллари охири 30-йилларида собиқ Совет Иттифоқида колхоз ва совхозларга киришни хоҳламаганлари учун сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар.

Маҳшар – Қар.: Қиёмат.

Медиевистика – Тарих фани бўлими. Европанинг Ўрта асрлар даври тарихини ўрганади. Кам қўлланилсада аммо кенг маънода бошқа худудларнинг ўрта асрлар даври тарихини ўрганади. Ўрта асрлар даври тарихини ўрганадиган мутахассисларни медиевистлар деб аташади.

Мезана – Миноранинг юқори, муаззин азон айтадиган қисми.

Мезолит даври – Ибтидоий-жамоа тузумининг мил. ав. 12-7 минг йилликни қамраб олувчи даври. Мезолит даврини “Ўрта тош даври” деб ҳам аташади.

Мезон – 1. Тарози, ўлчов. 2. Ҳижрий-шамсий тақвимдаги еттинчи ойнинг арабча номи. Григорян тақвимининг 22 сентябрь–21 октябрь кунларига тўғри келади.

Меморандум – Бирор ҳукуматнинг дипломатик йўл билан муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиб ёзган номаси.

Мемуар – Бирор шахснинг ўз кўзи билан кўрган ёки қатнашган ўтмиш воқеаларга оид хотиралари, эсдаликлари тарзида ёзилган адабий асар.

Менделеев, Дмитрий Иванович – 1834-1907 йилларда яшаб ўтган буюк рус кимёгар олими. Д.И.Менделеевнинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, унинг энг асосийлари кимё, физика, метеорология, иқтисод ва бошқалар ҳисобланади. Уни бутун жаҳонга машҳур қилган хизмати кимёвий элементлар даврий қонуни (кимёвий элементлар даврий системаси)нинг кашф этганидир.

Менес (Мина) – Юқори Миср ҳукмдори. Тахм. мил. ав. 3100 йилларда у қуйи Мисрни ўз тасарруфига ўтказган ва ягона Миср давлатига асос солган.

Менталитет – Жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

Менуа – Мил. ав. IX-VI асрларда Оссурия шимолида, ҳозирги Туркия ва Арманистон ҳудудларида мавжуд бўлган Урарту давлатининг ҳукмдори. Унинг фармони билан тоғларни ёриб узоқ тоғли чашмалардан каналлар орқали сув келтирилган.

Меньшевизм – Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП)да вужудга келган икки оқимнинг бири. Меньшевиклар большевикларга қарама-қарши социализм ва коммунизм қуриш жараёнида социалистик инқилобни амалга ошириш зарурлигини, пролетар диктатурасини ўрнатишни, жамиятда ишчиларнинг гегемонлигини инкор этишган. *Яна қар.: Большевизм.*

Мерган – Ўқ отиш қуролларидан ёки камондан нишонга бехато отадиган киши.

Меркурий – Қадимги Рим афсоналарида Юпитернинг ўғли, тижорат, санъат, касб-ҳунарлар худоси, сайёҳлар ҳомийси. Юнонлардаги Гермес билан қиёслашади. Меркурий бошида сафар қалпоғи, оёғида патли шиппак, кўлида таёқ билан тасвирланган.

Мерос – Бирор киши вафот этгандан кейин қонун ва васиятномада белгиланган меросхўрга, улар бўлмаган тақдирда давлатга ўтадиган мол-мулк.

Меросхўр – Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мерос эгаси.

Мерт – Қадимги мисрликларнинг мусиқа ва кўшиқчилик худоси.

Месопотамия (Қадимги икки дарё оралиғи) – Тигр (Дажла) ва Ефрат (Фурот) оралиғида жойлашган ҳудуд. Мил. ав. 3 минг йилликнинг бошида Месопотамияда ўнлаб шаҳар-давлатлар мавжуд бўлган.

Метафизика – Фалсафада табиат ва жамият ходисалар ривожини бири-бирига боғланмаган ҳолда, бир-биридан узилган, турғун ва ўзгармас ҳолда текширадиган, уларнинг ички қарама-қаршиликларини инкор этадиган билиш усули.

Метислар – 1. Турли ирқ вакилларида туғилганлар. 2. Европоид ирқи вакиллари ва ҳиндулар авлодлари.

Методология – Фанларнинг ўрганиш усуллари ҳақидаги таълимот.

Метрополия – 1. Қадимги Юнонистонда колония (манзилгоҳ)ларга эга бўлган шаҳар-давлат (полис). 2. Мустамлакаларга эга бўлган давлат.

Метэklar – Қадимги Юнонистонда нотўлиқ ҳуқуқли аҳоли қатлами. Ҳар қандай хорижлик киши маълум муддат ўтгач метэкликка рўйхатдан ўтиши талаб этилган. Шунингдек, озод қилинган қуллар ҳам метэklar синфига қўшилган. Метэklar шахсан озод бўлсалар-да, фуқаро ҳисобланмаганлар ва уларнинг ҳуқуқларидан фойдалана олмаганлар.

Механицизм – Объектив воқеликдаги барча нарсалар, ходисалар ва жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини механика қонунлари билан изоҳловчи дунёқараш. XVIII асрда пайдо бўлган. Механицизм таълимотига кўра, табиатдаги барча нарсалар ўзгармас унсурлардан таркиб топган механик тизимдан иборат ва бу унсурларнинг ҳаракати механика қонунлари билан белгиланади.

Меценат, Гай Цильний – Мил. ав. 74/64-милодий 8 йилларда яшаб ўтган Рим императори Октавиан Августнинг яқин кишиси. Октавиан Август яқинлари ўзларининг уйларига Римнинг атоқли шоир ва ижодкорларини таклиф этиб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатишган, улар эса Августни таърифлаб асарлар ёзишган. Бу ишлар билан энг фаол шуғулланган киши Августнинг яқин дустри Гай Цильний Меценат бўлган (“меценатлик” сўзи шундан келиб чиққан).

Меценатлик – Фан ва санъатга ҳомийлик қилиш.

Меш – Ҳайвон терисидан тикилган оғзи тор қоп.

Мешкоб (Мешкобчи) – Мешда сув ташувчи одам.

Мешчанлар – Россия империясида 1917 йилгача турли тоифадаги шаҳар аҳолиси (хунармандлар, майда савдогарлар ва уй эгалари)дан иборат табақа. Яшаш жойлари бўйича жамоаларга бирлашган, ўз-ўзини идора қилиш юзасидан айрим ҳуқуқларга эга бўлишган. Мешчанлар солиқ тўлови тоифа ҳисобланган, рекрутлик мажбуриятини ўташган.

Меъмор – Иморат ва иншоотларнинг лойиҳасини яратувчи ва улар қурилишини назорат қилувчи уста, мутахассис.

Меҳмед II Фотих – 1432-1481 йилларда яшаб ўтган Усмонли турк империясининг султони (1451-1481 йиллар). 1453 йил март ойида Меҳмед II Фотих 150 минг кишилик қўшин, 80 та ҳарбий кема ва 300 дан ортиқ юк кемалари билан Византия пойтахти Константинополга қарши ҳарбий юриш бошлаган. Константинополни 1453 йилнинг 18 апрель-29 май кунлари қамалда ушлаб тургандан кейин, уни забт этган. Шундан сўнг Византия давлати тарих саҳнасидан тушиб кетган, Усмонли турк империяси эса ўша даврнинг энг кучли империяси сифатида машҳур бўлган. Константинополь шаҳри туркча

“Истанбул” деб аталиб, турклар давлатининг пойтахти Адрианонополдан шу шаҳарга кўчирилган. Византияни мағлубиятга учратгандан кейин Меҳмет II “фотиҳ” номини олган ва бошқа кўплаб Европа ҳудудларини ҳам забт этган. Меҳмед II Фотиҳ турк, араб, форс, юнон ва славян тилларини яхши билган. Унинг ҳукмронлиги даврида Усмонли турк империясида “Қонуннома” номли илк қонунлар мажмуаси тузилган, ҳарбий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказилган. У олим ва мутафаккирларга ҳомийлик қилган, қурилиш ишларига эътибор берган. Фотиҳ даврида мамлакат ҳудудида 380 та масжид қурилган, Истанбул университетига асос солинган. Меҳмед II Фотиҳ 1481 йилда тахт вориси Боязид II фармони билан хос табиби томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

Меҳнат биржаси – Ишсизларни рўйхатга олувчи ва уларни ишга ёллашда иш берадиганлар билан воситачилик қилувчи муассаса.

Меҳржон – Ўтмишда ҳосил байрами.

Меҳроб – Масжид девори ичида махсус қурилган ва Макка томонини, яъни номоз ўқиладиган томонни кўрсатадиган жой.

Меҳтар – 1. Темурийлар ҳукмронлик даврида сарой созандаларининг бошлиғи, етакчи созанда. 2. Бухоро амирлигида закотчилар бошлиғи. 3. Қўқон ва Хива хонликларида давлат хизматчиси.

Мигель Идальго бошчилигидаги кўзғолон – 1810-1811 йилларда Мексикада Идальго бошчилигида хиндулар ва метисларнинг испан мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган кўзғолони.

Миграция – Мамлакат аҳолисининг мамлакат ичида бир жойдан бошқа жойга кўчиши (ички миграция) ёки бошқа мамлакатга кўчиши (халқаро миграция).

Мидия давлати – Тахм. мил. ав. VII асрнинг 70-йиллари-мил. ав. VI аср ўрталарида ҳозирги Эрон Ислом Республикасининг шимолий-ғарбий қисмида мавжуд бўлган давлат. Мидияда зардуштийлик дини кенг тарқалган. Мидия мил. ав. 550 йилда аҳмонийлар томонидан забт этилган.

Миёнчи – Ўтмишда ўзаро низолашиб қолган кишилар ўрталарига тушиб, уларни яраштириб кўювчи шахс.

Миёнқалъа халқининг кўзғолони – XX асрнинг 20-йиллар ўрталарида Миёнқалъа халқининг Бухоро амирлиги ҳукмронлигига қарши кўзғолони. Кўзғолоннинг асосий сабаби аҳолидан хирож йиғишнинг ўта адолатсизлиги бўлган. Кўзғолончилар Каттакўрғон, Челак, Янгиқўрғон ҳудудларини қўлга олиб, у ерда мавжуд бўлган амир Ҳайдар амалдорларини ҳайдаб юборишган. Қўқон ва Хива хонлари ҳужумини қайтариш билан машғул бўлган Амир Ҳайдар кўзғолонни бостира олмаган. Кўзғолончиларга бошчилик қилаётган қипчоқлар Амир Ҳайдарнинг иниси Исҳоқбекни ўзларига амир деб эълон қилиб, Самарқанд ва Карманага юриш бошлаганлар. Амир Ҳайдар 1825 йил баҳоригача кўзғолонни куч билан бостиришга уринган бўлса-да, уни тамомила енга олмаган. Шундан кейин амир кўзғолончиларга ён босишга мажбур бўлган. Амир Ҳайдар кўзғолончиларнинг мулклари дахлсиз эканлиги тўғрисида ёрлик бериш ва бир қанча давлат маъмурларини жазолашга мажбур бўлган.

Микадо – Японияда қадимдан олий ҳукмдорнинг унвони. Ҳозирда истеъмолдан чиққан, унинг ўрнига “тэнно” атамаси ишлатилади. Истилоҳ нафақат монархнинг ўзини, балки унинг уйини, ҳатто давлатини англатган. Япониянинг 124-императори Хирохито Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан сўнг ғолиб талаби билан императорнинг илоҳийлигини ёлғон тушунча деб эълон қилган.

Микеланжело – 1475-1564 йилларда яшаб ўтган италиялик машҳур рассом.

Микоил – Ислом таълимотида тўрт фаришталардан бири. Микоилга коинотни бошқариш вазифаси юклатилган.

Милитаризм – Муайян мамлакат ҳукмрон доиралари давлатнинг ҳарбий қудратини кучайтириш мақсадида фойдаланадиган сиёсий, иқтисодий ва ғоявий воситалар тизими. Қуролланиш пойгаси, ҳарбий бюджетларнинг ўсиши, чет элларда ҳарбий кучларни ушлаб туришга зўр бериш, босқинчиликни кўзловчи ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш, мамлакат иқтисодиёти ва унинг ташқи ҳамда ички сиёсатида ҳарбий-саноат мажмуининг таъсирини кучайтириш милитаризмга хосдир. “Милитаризм” атамаси илк бор XIX аср ўрталарида Наполеон III нинг Франциядаги режимини тавсифлаш мақсадида қўлланилган.

Миллат – Тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. Миллат маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, кишиларнинг маънавий-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч мингга яқин миллат бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоизи элат ва қабилалардир.

Миллатлараро тотувлик – Муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритиши.

Миллатлар Лигаси – 1919-1920 йилларда бўлиб ўтган Париж тинчлик конференцияси ишида қатнашган давлатлар томонидан тузилган дастлабки халқаро ташкилот. Миллатлар Лигасининг Низоми 44 мамлакат вакиллари томонидан имзоланган. Унинг асосий мақсадлари биргаликда халқаро сиёсат олиб бориш, уруш хавфларини биргаликда бартараф этиш деб белгиланган. Германия ва Россия Лигага аъзо сифатида қабул қилинмаган. Ўша вақтда Россиянинг большевиклар ҳукумати “жаҳон инқилоби” умидида бўлишган ва унинг амалга ошириш учун бошқа мамлакатлар ҳудудида “инкилобий интервенция” ўтказиш кўзда тутилган. Америка Кўшма Штатлари эса Версаль тинчлик шартномасида унинг манфаатлари ҳисобга олинмагани учун Миллатлар Лигасига аъзо бўлишдан бош тортган. Миллатлар Лигасининг штаб-квартираси 1938 йилдан Женева (Швейцария)да жойлашган. 1946 йилда тарқатиб юборилган.

Миллатпарварлик – Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти давомида ўз миллатининг ўзига хос жиҳатларига ҳурмат ва садоқат руҳида қараш, миллий

менталитет, урф-одатлар, тафаккур тарзини чуқур ҳис этган ҳолда, миллатнинг ҳар томонлама тараққий топишига хизмат қилиши ва у билан боғлиқ дунёқарашнинг намоён бўлиши. Миллатпарварлик миллатчиликдан тубдан фарқ қилади. *Яна қар.: Миллатчилик.*

Миллатчилик – Миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларнинг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, ўз миллатига “буюк”лик мақомини бериш.

Миллий давлатчилик – Муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий кадриятларига, манфаатларига асосланган, жамият ижтимоий-тарихий тараққиёти натижасида шаклланган давлатнинг шакли.

Миллий истиқлол мафқураси – Миллат ва давлатнинг мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий ифтихор – Миллатга хос моддий ёки маънавий ютуқ, муваффақият билан фахрланиш туйғуси.

Миллийлаштириш – *Қар.: Национализация.*

Миллийлик – Муайян халққа, миллатга хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, кадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

Миллий-маданий марказлар – Ўзбекистонда яшовчи муайян бир миллат вакилларининг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари.

Миллий масала – Миллий зулм ва зўравонликнинг тугатилиши, миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларнинг ўрнатилиши, уларнинг эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун шароитларнинг яратилиши билан боғлиқ муаммолар йиғиндиси.

Миллий онг – Ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маънавий-диний эътиқоди, маданий ривожига жараёнида шаклланган дунёқараш, тафаккури, эътиқод ва ишонч туйғулари.

Миллий руҳ – Миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва кайфияти.

Миллий ғоя – 1. Миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли. 2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган, ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга яхлит таълимот.

Миллий ғурур – Шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан, аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳисси.

Милод (Янги эра, Бизнинг эра) – Кўпчилик мамлакатларда қабул қилинган йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби системаси. Исо Пайғамбар (Иисус Христос)нинг кунидан бошланади. Исо туғилган кун 1 йилнинг 1

январи деб қабул қилинган. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (милоддан аввал), кейинги даври янги эра, бизниг эра (милод, милодий) деб аталади.

Мим – Қадимги халқ театри тури, маиший ва ҳажвий мазмундаги бадиий ҳажвий кичик томошалар. Мил. ав. V асрда Юнонистонда, эллинизм даврида (мил. ав. IV-III асрлар) Яқин ва Ўрта Шарқда, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган. Мимда шаҳар ва қўйи табақалари ҳаёти акс эттирилган. Томошалари шеърӣй ва насрий диалог ва монологлардан, кулгили қўшиқ ва рақслардан ташкил топган, кўча ва майдонларда, кейинроқ сахналарда кўрсатилган. Мим артистлари ниқобсиз ўйнашган. Мим театрининг шакли, эстетик принциплари маълум ўзгаришлар билан бизгача етиб келган.

Мина – *Қар.: Менес.*

Минамото сулоласи – Японияда 1192–1333 йилларда ҳукмронлик қилган сулола.

Минг (Мингли) – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилаларидан бири. 1709 йили Фарғона водийсида Қўқон хонлигига асос солишган.

Мингбоши – 1. Ҳарбий ва маъмурий унвон. Минг кишидан ташкил топган ҳарбий қисм қўмондони. Турк хоқонлиги, қорахонийлар, темурийлар армиясида мингбеги. Ўнбоши ва юзбошилар мингбошига бўйсунган. Амир Темур қўшинида жангда зафар кучган мингбоши вилоят волийси мансаби билан тақдирланган. 2. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий-маъмурий мансаб. Қўқон хонлигида хондан кейинги иккинчи олий мансаб. Асосан, ҳарбий ишларга мутасаддилик қилган. 3. Эрон ва Хуросонда XVIII асрда мингбоши ҳарбий сардор, туркманларда қабила бошлиғи. 4. Ўрта Осиёнинг руслар томонидан босиб олиниши арафасида Тошкент, Оқмачит сингари шаҳар ҳокимлари. Кейинчалик мингбоши Тошкент даҳалари бошлиқлари. Олди-сотди ишларини назорат қиладиган мансабдор шахс. 5. XX асрнинг 20-йилларида мингбоши Ўзбекистонда бир ёки бир неча қишлоқ бирлашувидан ташкил топган маъмурий идора бошлиғи.

Мин империяси – Хитойда 1368-1644 йилларда мавжуд бўлган давлат. XIV аср ўрталаридан бошлаб Хитой халқи Юань мўғуллар сулоласи ҳукмронлигига қарши кураш бошлаганлар. 1368 йили кўзғолончилар Пекин шаҳрини ишғол этганлар ва Хитойда мўғул Юань сулоласи ҳукмронлигига барҳам беришган. Кўзғолончиларга роҳиб Чжу Юанчжан раҳбарлик қилган. У Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берган. Мин сулоласи вакиллари 1380 йилда мўғуллар давлатининг пойтахти ҳисобланган Қорақурум шаҳрини ишғол этгандан кейин, уни талон-торож қилиб, вайронага айлантирганлар. Мин сулоласи ҳукмдорлари тажовузкор ташқи сиёсат олиб боришган. XV асрнинг биринчи йилларида Мин империясининг ғарбдаги қўшниси бўлган Амир Темур билан муносабатлари кескинлашган. 1405 йилда Амир Темурнинг вафот этгани ушбу давлатлар ўртасидаги муқаррар жангнинг олдини олган. XV аср бошларида Мин империяси томонидан Жанубий денгизлар ва Ҳинд океани ҳудудларини ўз тасарруфига киритиш мақсадида Чжэн Хэ қўмондонлиги остида еттита денгиз экспедициясига жўнатилган.

1521 йилда Мин империяси европаликларни Хитой худудига киришини тақиқлаб қўйган. XVII асрнинг 20-йилларидан бошлаб Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлигига қарши деҳқонлар қўзғолонлари кучайиб борган. 1644 йилда қўзғолончилар Мин империяси пойтахти Пекин шаҳрини ишғол этишган. Қўзғолончиларга Ли Цзичэн раҳбарлик қилган. Шу вақтда шимолдан Хитой худудига манжурияликлар бостириб киришган. Мин сулоласининг зодагонлари деҳқонлар қўзғолонларини манжурияликлар қўли билан бостиришга умид боғлаб, улардан ҳарбий ёрдам сўрашган. Манжурияликлар Пекинга киришлари билан ҳокимиятни ўз қўлларига ола бошлашган. Юқори ҳарбий ва маъмурий лавозимларга ўзларининг вакилларидан тайинлашган, яхши ерларни тортиб олишган ва маҳаллий аҳолидан солиқлар ундиришган. 1644 йилда Хитойда Мин сулоласининг ҳукмронлигига барҳам берилган ва ҳокимият тўлалигича манжуриялик Цин сулоласи қўлига ўтган.

Миннезингерлар – Немис рицар қўшиқчи-шоирлари. Миннезинг санъати XII асрда провансаль трубадурлар таъсирида юзага келган. Миннезингларнинг мавзулари: рицарлар муҳаббати, худо ва сюзеренга хизмат қилиш, рицарларнинг ҳарбий ҳаёти ҳамда салиб юришларини шеърга солиш ва ҳоказо. XIV асрда инқирозга юз тутган.

Минин ва Пожарский – 1611-1612 йилларда рус халқининг польшалик Владислав ҳукмронлигига қарши курашларига раҳбарлик қилганлар.

Минора – Асосан масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ қуриладиган доира шаклидаги баланд иншоот. Муаззин минорага чиқиб азон айтади. Миноралардан соқчилик қилиш учун ҳам фойдаланишган.

Минораи Калон – 1127 йилда қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон томонидан Бухоро шаҳрида қурдирилган минора.

Минорат – Кўчмас мулкни мерос қолдириш тизими. Асосан Ғарбий Европа давлатларида маъмул бўлган. Бунга кўра, вафот этганнинг мол-мулки энг кичик ўғил ёки кичик қизга қолади. Бу тартибда мерос қолдириш қадимги ҳинд ҳуқуқий тўпламлари, Ўрта асрлардаги ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинган. Минорат майоратнинг акси бўлиб, асосан, деҳқонлар муҳитида ва кўпроқ аҳолининг ўрта ҳол табақалари орасида учрайдиган ворислик тизимидир. XIX аср бошларида Россия қонунларига кўра, агар кичик ўғил отаси билан турса, у уй-жой ва бошқа мулкларга меросхўр бўлган. Минорат ворислик тартиби Ўзбекистонда ҳам аввалдан мавжуд бўлиб, ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Мин сулоласи – Хитойда 1368-1644 йилларда ҳукмронлик қилган сулола.

Мир – “Амир” сўзининг қисқарган шакли. Ҳукмдор, ҳоким, шох, вазир, юқори лавозимдаги ҳамда ҳурматли кишиларга унвон тариқасида ишлатилган, мас., Мир Алишер Навоий.

Мир Вайс – Сафавийлар давлатининг Хуросондаги ҳокими.

Мирза – 1. “Амирзода” сўзининг қисқартирилган шакли. 2. XIII асрдан XX аср бошларига қадар чор Россиясида яшовчи туркий халқлар (татар, нўғой ва бошқалар) қабила бошлиқларининг умумий номи. 3. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида Мирзахонада мирзабоши раҳбарлигида иш олиб боровчи кичик мансабдор.

Мирзабоши – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида амир ва хон саройларида мирзалар бошлиғи.

Мирзахона – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида мирзабоши бошчилигида иш олиб борадиган даргоҳ, идора.

Мири шикор – Ов амири (бошлиғи). Саройда олий мансабдор шахсларнинг овга чиқишларини тайёрлайдиган ва уни ўтказиш жараёнида раҳбарлик қиладиган олий мансабдор.

Миррих – Шарқ мамлакатларида Марс сайёрасининг номи.

Мироб – Ўрта Осиё хонликларида сув тақсимоли ва суғориш тизими устидан назорат қилувчи мансабдор шахс. Мироблик авлоддан-авлодга ўтган. Кузда мироблар учун деҳқонлардан “миробона” деб номланган солиқ ундирилган.

Мироббоши – Миробларга бошчилик қиладиган мансабдор.

Мироншоҳ Мирзо – 1366-1408 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг учинчи ўғли. 1382 йилда марҳум акаси Жаҳонгир Мирзонинг катта беваси Хонзода (Севин бека) бегимга уйланган. Хонзода бегим чингизийлар авлодидан бўлгани учун “кўрагон” деган унвонга сазовор бўлган. 1402 йилда Амир Темур Эрон ва Озарбайжонни забт этиб, уларни бошқаришни Мироншоҳга топширган. Хукмронлигининг охири вақтларида маишатга берилиб, давлат ишларига қарамай қўйган. Бундан хабар топган Амир Темур уни ҳокимиятдан четлаштирган. Мироншоҳ 1408 йилда Озарбайжон хукмдори Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилган. Унинг жасади дастлаб Озарбайжоннинг Сурхоб туманида, кейинчалик Кешда темурийлар дахмасига, сўнгра эса Самарқанднинг Гўри Амир мақбарасида дафн этилган.

Мирохур – Бухоро амирлигида амир отхонасининг бошлиғи.

Мирхонд – 1433-1498 йилларда яшаб ўтган тарихчи олим. Унинг ота-боболари асли бухоролик бўлишган. Мирхонд Бухорода таҳсил олгандан кейин Ҳиротга кетган. Алишер Навоий Мирхондга керакли шароитларни яратиб бериб, йирик бир тарихий асар ёзишни топширган. Мирхонд 1494 йилгача ўзининг машҳур “Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”) асарининг олтинчи жилд (дафтар)игача ёзиб тугатган. Улар Алишер Навоий тахриридан ўтказилган. Мирхонднинг бу асари халқ ичида “Равзат ус-сафо” номи билан машҳур. “Равзат ус-сафо” дунёнинг яратилишидан сосонийлар сулоласи инқирозигача бўлган воқеа-ҳодисалар, Муҳаммад Пайғамбар ва тўрт халифа тарихи, умавий ва аббосийлар халифалари тарихи, умавий ва аббосийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихи, Чингизхон ва чингизийлар тарихи, Амир Темурдан Абу Саид вафотигача бўлган давр тарихи мавзуларига бағишланган. 1498 йили Мирхонд вафот этган. Шунинг учун Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарининг еттинчи жилдини унинг набираси Хондамир (1473-1535 йиллар) ёзиб тугатган. Бу жилд Султон Ҳусайн ва унинг авлоди даври тарихига бағишланган.

Миршаб – “Мири шаб” (“Кечки амир”) иборасининг қисқартирилган шакли. Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида асосан кечки вақтларда жамоат

тартибини сақловчи мансабдор шахс. Миршаб лавозими Бухоро амирлигида 1920 йилгача мавжуд бўлган.

Миршаббоши – Бухоро амирлигида миршаблар бошлиғи.

Миршабхона – Миршаб маҳкамаси ва қамоқхонаси.

Мирғазаб – Ўтмишда Ўрта Осиё хонликларида маҳбус ва бандиларни жазолайдиган, калтаклаб тергов қиладиган зиндон назоратчиси.

“Миср тавсифи” – Наполеон I нинг 1798 йилда Мисрга уюштирилган ҳарбий экспедицияси таркибига киритилган олимлар томонидан нашр эттирилган 24 жилдлик китобларнинг умумий номи.

Миср эҳром (пирамида)лари – Қадимги Мисрда фиръавнлар томонидан ўзлари учун қурдирилган йирик қабргоҳлар. Улар қадимги дунёнинг “етти мўъжиза”си сифатида эътироф этилган.

Миссионерлик (Мубашширлик) – Бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. Миссионерлик, асосан, христианликка хос. IV асрдан пайдо бўлган. Католик миссионерлигига раҳбарлик қилиш учун папа Григорий XV 1662 йили Диний тарғибот конгрегациясини таъсис этган.

Миссия – Бирор давлатнинг махсус топшириқлар билан чет элга юборилган вакиллари.

Мистицизм – Одамларнинг ғайритабiiй кучлар ва ҳодисалар билан руҳий алоқа қила олиш, турли воситалар орқали борлиқнинг яширин сир-асрорларидан воқиф бўлиш мумкинлигини талқин қиладиган диний эътиқод.

Мисқол – Оғирлик ўлчови. Бир мисқол тахм. 4,68 граммга тенг бўлган.

Митинг – Бирор муҳим воқеа, кўпинча сиёсий масалаларга бағишлаб ўтказиладиган оммавий йиғилиш.

Митра – Қадимда Ҳиндистон, Эронда бош худолардан бири. Митрага ёруғлик, покизалик ва ҳақиқат худоси сифатида эътиқод қилинган. Мил. ав. VI асрдан Митрага сиғиниш Кичик Осиё ҳамда Фурот ва Дажла дарёлари оралиғида тарқалган. Кейинроқ Митрага сиғиниладиган алоҳида дин – митраизм пайдо бўлган. Бу дин эллинлар орасида, мил. ав. I асрдан бошлаб Римда, II асрда бутун Рим империясида машхур бўлган.

Митридат I – Қадимги Парфия давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 171-138 йиллар). Митридат I ҳукмронлик қилган йилларда Парфия давлатининг ҳудудлари Бактрия ва салавкийларнинг бошқа ерларини забт этиш натижасида кенгайтириб борган. 155 йилда Мидия подшолиги, мил. ав. 141 йилда эса Бобил Парфия томонидан босиб олинган.

Митрополит – Христиан дини православ черковида епископларнинг руҳонийлик унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний. Патриархдан кейинги иккинчи мартаба.

Мифлар – Қадимги дунё халқларининг дунё ва табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлар, афсоналар.

Мифология – Бирор халқнинг мифлари, афсоналари мажмуаси.

Михаил Романович – Романовлар сулоласининг биринчи вакили. 1613 йил январь ойида Москвада чақирилган Земство собори томонидан Россия ҳукмдори этиб сайланган.

Миххат – Қадимда Олд Осиёда қўлланган, мих ёки поначаларга ўхшаш чизикча (белги)ларни лой тахтачаларга ўйиб туширадиган ёзув тури. Мил. ав. учинчи мингйиллик бошларида шумерлар томонидан яратилган. Миххатда айрим буюмлар ва умумий тушунчаларнинг номи расмлар билан ифодаланган.

Миқёс ул-жадид – Аҳмад Фарғоний томонидан яратилган Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбобнинг номи.

Михаффа – Подшоҳлар, хонлар, хусусан, уларнинг хотинлари ва болалари тушиб юрадиган махсус кажава, тахтиравон.

Мовароуннаҳр – Арабча сўз бўлиб, “дарёнинг нариги томони” маъносини англатади. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолгача чўзилган ерларни “Мовароуннаҳр” деб аташган. Унинг худди шу маънони англатган форс тилидаги “Вароруд” ва “Варожайхун” шакллари ҳам мавжуд бўлган. XI асрда Европа тарихшунослигида мазкур араб атамасининг лотинча таржимаси бўлмиш янги “Трансоксиана” ёки “Трансоксания” атамалари муомалага киритилган.

Модернизациялаш (Модернизация) – Машина, дастгоҳ, кема ва шу кабиларда ўрнатилган техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида янгилик киритиш, замонавийлаштириш.

Мозий – Ўтмиш.

Моизм – Мил. ав. V асрда Хитойда вужудга келган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий таълимот. Моизмнинг асосчиси мил. ав. 479-400 йилларда яшаб ўтган Мо-цзи ҳисобланади. Мо-цзи ва унинг шогирдлари қарашлари мил. ав. III аср охири-мил. ав. II аср бошида жамланган “Мо-цзи” асарида келтирилган. Моизмчилар конфуцийчиларга қарши ғоявий кураш олиб борганлар. Мо-цзи жамиятдаги барча кишиларнинг тенглигини асослашга уринган. Моизмнинг бу қарашлари конфуцийчиларнинг жамиятдаги “оддий одамлар” билан “аслзодалар”га, бошқарувчи ва бошқарилувчига бўлиш ғояларига қарама-қарши бўлган. Моизмнинг тарафдорлари урушларни давлатлар учун зарарли ва фойдасиз деб билганлар, дабдабали маросимлар исрофгарчиликка, давлатни заифлашишига олиб келади, деб уқтирганлар, ўтмишга кўр-кўрона эргашишга қарши чиққанлар, халқ бахт-саодати ва кишилар эҳтиёжларини кондириш давлат бошқарувининг олий мақсади бўлиши лозим, деб ҳисоблаганлар.

Моймир – Князь. Буюк Моравия давлатининг асосчиси. 818-846 йилларда ҳукмронлик қилган.

Моли амоний (Амон моли) – Ўтмишда бўйсундирилган ерлар халқидан уларга омонлик берилгани эвазига ундириладиган солиқ, контрибуция.

Мольер, Жан Батист – 1622-1673 йилларда яшаб ўтган француз драматурги, комедия театри асосчиси. Машҳур комедияси “Дон Жуан”.

Мом – Қадимги Юнон мифологиясида фисқ-фасод ва масхара худоси. Фиску фужур ишлари учун Зевс уни Олимпдан қувиб юборган.

Момо Ҳаво – Қадимги яхудий ва ислом манбаларида Ҳавво-ҳаёт манбаи. Ислом таълимотига кўра, Одам Атонинг хотини, биринчи аёл ва инсон зотининг онаси (Инжилда Ева номи билан маълум). Момо Ҳаво Одам Атонинг қовурғасидан яратилган деб шарҳланади. Ривоятларга кўра, у Иблисининг сўзига кириб Одам Атони ман қилинган мевани тотиб кўришга ундаган. Шу сабабли Момо Ҳаво Одам Ато билан жаннатдан чиқарилиб, ерда яшашга маҳкум этилган. Улар Макка яқинида яна учрашишади. Момо Ҳаво Одам Ато ўлиmidан кўп ўтмай қазо қилган ва унинг ёнига дафн этилган.

Мона Лиза (Жаконда) – Леонардо Да Винчи чизган машҳур портрет.

Монарх – Давлатнинг якка ҳукмдори. Одатда, ҳокимият унга мерос бўлиб ўтади. Барча монархлик мамлакатларида монарх қонун бўйича дахлсиз одам ва у ҳар қандай масъулиятдан озод ҳисобланади. Турли мамлакатларда монарх турлича: Буюк Британия, Испания, Дания, Швеция, Бельгияда қирол, Малайзия, Бруней, Уммонда султон, Қувайт, Бирлашган Араб Амирлигида амир, Люксембургда буюк герцог, Лихтенштейнда князь деб аталади.

Монархизм – Давлатни идора қилишнинг бирдан-бир тўғри усули монархиядир, деб билувчи сиёсий оқим.

Монархия – Якка ҳокимиятчилик, ҳокимият тепасида монарх, қирол, шох, император турган давлат бошқарув тузуми.

Монастир – 1. Христиан динида ўз ер-мулкига эга бўлган монахлар диний жамоаси. 2. Монахлар диний жамоасига қарашли бўлган черков.

Монахлар – Ижтимоий-сиёсий гуруҳ. Монахлар таркидунё қилиши, мол-мулкдан воз кечиши, нафсини тийиши (оила қурмаслиги), қариндошлик ва ижтимоий алоқалардан холи бўлиши, қатъий интизомга риоя қилишлари керак. Монахлар монастирларда яшаш ва унинг қоидаларини бажариши шарт ҳисобланади. Монахлик дастлаб мил. ав. биринчи мингйилликда Ҳиндистон (буддизм)да, кейинчалик Хитой, Япония, Тибет, Жанубий-Шарқий Осиё ва Қадимги Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Христианликда монархлик III–IV асрларда вужудга келган. Христианликда монахликка ўтган киши сочини олдириб, янги исм қабул қилади, алоҳида кийим кийиб юради. Ислом динида монахлар бўлмаган, лекин моҳиятан уларга яқин турган ўзига хос оқим вакиллари “сўфийлар” деб аталади.

Монахлик орденлари – Католицизмда марказлашган монахлик уюшмалари. Улар ўз фаолиятларида Рим папаси тасдиқлаган низомларга амал қиладилар. Илк монахлик орденлари бенедиктчилар уюшмаси бўлиб, унга VI асрда Италияда асос солинган. XII–XIII асрларда Францияда католикларнинг бир неча монахлик орденлари тузилган. Католик монахлик орденлари аъзоларининг кўпчилиги монастирларда яшайди.

Монизм – Олам ва ундаги ҳодисаларнинг асоси битта, яъни у ё материя ёки рух деб ҳисобловчи фалсафий тизим. *Яна қар.: Дуализм.*

Моний – Тахм. 216–276 йилларда яшаб ўтган тарихий шахс, рассом. III аср ўрталарида пайғамбарликка даъво қилиб, янги дин таълимотини вужудга келтирган. Моний ҳокимият вакиллари ахлоқсизлик, манманлик, порахўрлик, тубанликда айблаган, зардуштийликда мавжуд бўлган ташқи иримлар ва қурбонликларни рад этган, коҳинларнинг бойликка кўмилиб

яшашларига қарши чиққан, таркидунёликни тарғиб қилган. Зардуштийлик диндорлар тавсияси билан сосонийлар шоҳи Баҳром I 276 йилда Монийнинг дастлаб терисини шилиб олиш ва кейинчалик қатл этиш тўғрисида фармон берган.

Монийлик дини – III асрда Эронда кенг тарқалган диний таълимот. Монийлик динининг асосчиси Месопатамиялик моҳир мусаввир Моний (тахм. 216–276 йиллар) бўлган. Монийлик диний таълимоти зардуштийлик, христианлик ва буддизм таъсирида шаклланган. Унда коинотда нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги ўзаро курашни эътироф этишга асосланади. Нур, руҳий асос, яхшилик оламида худо, иккинчисида шайтон (иблис) ҳукм суради. Монийликка кўра, икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада моддий асос олами ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. Бу диннинг муқаддас китоби “Аржанг” деб аталган. Монийнинг баъзи асарлари бизгача етиб келган. Моний таълимоти у ўлгандан кейин ҳам Эрон ва бошқа қўшни мамлакатларда тарқалаверган.

Монография – Бир масала ёки мавзунини ҳар томонлама текширишга бағишланган илмий асар.

Монокультура – Қишлоқ хўжалигида бир жойда нуқул бир экинни экавериш.

Монополия – Савдо ёки ишлаб чиқаришнинг бир соҳасида бир киши, бир гуруҳ ёки давлатнинг танҳо ўзида мужассамланган ҳуқуқи. Монополия бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли ҳатто бозор иқтисодиёти ҳукмрон давлатлар монополияга қарши чора-тадбирларни кўрадилар. Монополиянинг асосий шакллари картель, синдикат, трест, концернлар ҳисобланади.

Монотеизм – Яккахудолик; ягона худо ҳақидаги тасаввурларга асосланувчи диний эътиқодлар. Кўпхудолик (политеизм)нинг акси. Христианлик, иудаизм ва ислом монотеизмга асосланган динлардир.

Монтескьё, Шарль Луи – 1680-1755 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи. Монтескьё ҳокимиятнинг бўлиниши, чекланган абсолютизм тарафдори ва назариётчиси бўлган.

Монту – Қадимги мисрликларнинг уруш худоси.

Мораторий – Муайян мажбурият ва ҳаракатларнинг ижро этиш муддатини ҳукумат томонидан маълум вақтга узайтириш, тўхтатиб қўйиш (мас., ядро қуроллари синовини).

Морзе алифбоси – Ҳарф ва рақамларнинг нуқта ва чизикчалардан иборат шартли телеграф белгилари тизими.

Морисклар – Ғарнота амирлиги қулагач (1492 йилда), Пиреней яриморотида қолган ва мажбуран христианлик қабул қилдирилган мусулмон аҳоли. Уларни хуфёна ислом динига эътиқод қилишда айблаган инквизиция таъкиб этган. 1609-1610 йилларда Испаниядан ҳайдаб юборилган.

Мортира – Ёйсимон ўт очиш учун мўлжалланган калта стволли, асосан, жуда мустаҳкам мудофаа истехкомларини бузиш учун ишлатилган. XV асрдан XX аср ўрталаригача қўлланилган.

Мор, Томас – 1487–1535 йилларда яшаб ўтган инглиз гуманист ёзувчиси. Унинг ҳаёти ва ижодиёти зиддиятларга бой бўлган. Томас Мор Англия қироли саройида юқори лавозимда хизмат қилган. У Англия қироли Генрих VIII билан диний муаммоларни ҳал қилиш йўллари бўйича келиша олмаган ва қирол саройини тарк этган. Лекин кўп ўтмай қирол буйруғи билан “хоинлик”да айбланиб, қатл этилган. Томас Мор ижодиётида унинг “Утопия” асари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу асарда у ўз ҳаёлида тасаввур қилган узок Утопия оролидаги бахтли мамлакат ҳақида ҳикоя қилган. Утопия мамлакатада кўркем ва обод шаҳарлар, гуллаб-яшнаётган боғлар бўлган, ҳеч ким ҳеч кимни мажбурлаб ишлатмаган, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмаган, ҳамманинг ижтимоий аҳволи бир хил бўлган, одамлар олти соат ишлашган, озиқ-овқатлар сероб, ҳар киши ўзларига керакли нарсаларни жамоа омборларидан текинга олишган, бекорчи ёки дангаса кишилар бўлмаган, одамлар бўш вақтларида фан, санъат ва спорт билан шуғулланишган, одамлар пулдан жирканишган, қимматбаҳо тошлардан болаларга ўйинчоқлар ясаб беришган, ўғрилиқ бўлмаган, олтиндан жиноятчиларга қишанлар яшашган, оғир ва ифлос ишларни жинойий жавобгарликка тортилган кишилар бажаришган. Томас Морнинг “Утопия” асарида тасвирланган мамлакат кейинчалик марксизм-ленинизм таълимотида баъзи ўзгартиришлар билан ўз аксини топган. *Яна қар.: Ҳаёлий социализм.*

Морфей – Қадимги Юнон мифологиясида қанотли мулоим туш кўриш худоси.

Москва остонасидаги жанг – Иккинчи жаҳон урушининг асосий жанглардан бири. 1941 йилнинг 30 сентябридан 5 декабригача давом этган. 5 декабрда совет кўшинлари қарши ҳужумга ўтиб, немис кўшинларига қатъий зарба берган. 1942 йил январь ойининг бошларида душман 100-250 км. орқага улоқтириб ташланган. Москва остонасида Германия ўзининг 60 та дивизиясидан маҳрум бўлган. Москва остонасидаги мағлубият фашистик Германиянинг Иккинчи жаҳон урушидаги биринчи йирик мағлубияти бўлган. Бу мағлубият фашистларнинг “яшин тезлигидаги уруш” (“Барбаросса”) режасини барбод қилган. Москва остонасидаги жангда ўзбекистонлик жангчилар ҳам қаҳрамонлик кўрсатишган.

Мотам – Кишилар ўлими муносабати билан аздорлик ва расм-русумларнинг бажарилиши.

Мотамсари она ҳайкали – Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчилар хотирасига бағишлаб Тошкент шаҳрида 1999 йилда бунёд этилган ва “Хотира ва қадрлаш” майдонида ўрнатилган ҳайкал.

Мотуридий, Абу Мансур (тўлиқ исм-шарифи Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий) – 870-944 йилларда яшаб ижод этган фикҳшунос олим. Калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. Мотуридийликнинг кенг ёйилишига унинг мўътадиллик йўлини тутганлиги, ақидавий масалаларда Қуръон, ҳадис ва ақлу идрок, мантиқ ҳамда ҳақиқатга энг яқин турганлиги сабаб бўлган. Мотуридий “Имом ал-худо”, “Имом ал-мутакаллимин” (“Ҳидоят йўли имоми”, “Мутакаллимлар имоми”) номлари билан улуғланган. У Мотурид қишлоғи (ҳозирги Самарқанд

вилоятининг Жомбой туманида жойлашган)да таввалуд топиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган ва катта боғ ҳам барпо этган. Васиятига кўра, Мотуридий Самарқанддаги Чокардиза қабристонидида дафн этилган. Мотуридийнинг асосий асарлари “Китоб ат-тавҳид” (“Яккахудолик ҳақидаги китоб”), “Таъвилот аҳл ас-сунна” (“Суннийлик анъаналари шарҳи”), “Таъвилот ал- Қуръон” асари ва унинг узвий давоми ҳисобланган “Иршод ал-мубтадийин фи тажвиди Каломи раббил-оламин” (“Қуръон ўқишга киришганлар учун кўлланма”) ва бошқалар. “Китоб ат-тавҳид”да ўша даврдаги диний фирқаларнинг қарашлари танқид этилган. Мотуридий “Дин йўлидаги барча адашувларнинг сабаби – риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир”, деб таъкидлаган. Мотуридий Абу Ҳанифа қарашларини ривожлантирган, Имом Ашъарий ишлаб чиққан ислом ақидалари асосларини ривожлантириб, уни суннийлик эътиқодига кириб қолган нотўғри, ғайрисаҳих ақидалардан тозалаган. У дин асосларини мантиқан тушунтирган, танлов ҳуқуқи, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамжихатликни қарор топтириш ғояларини ривожлантирган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000 йилда Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланган. Самарқанд шаҳрида аллома Мотуридий хотирасига ёдгорлик мажмуи бунёд этилган.

Мохур – Ҳиндистоннинг олтин тангаси, XVI–XIX асрлар, 1916-1919 йилларда зарб этилган. Бобурий Акбар томонидан 1562 йили илк бор чиқарилган.

Моцарт, Вольфганг Амадей – 1756-1791 йилларда яшаб ўтган австралиялик композитор. Моцарт 11 ёшида ўзининг биринчи операсини ёзган. Машҳур асарлари “Фигаронинг уйланиши” опера-комедияси ва “Дон Жуан” опера-драмаси.

Мо-цзи (Мо Ди) – Мил. ав. 479-400 йилларда яшаб ўтган қадимги Хитой файласуфи ва сиёсий арбоби. Моизм фалсафий таълимотининг асосчиси.

Мочин – *Қар.: Чин.*

Муаззин – Масжидларда азон айтиб, мусулмонларни намозга чорловчи шахс.

Муаррих – Тарихчи, тарихшунос.

Мубашшир – Ўтмишда ҳукмдорларнинг фармон, мактуб ва бошқа ёзишмаларини ўлка ва вилоятларга етказиб турадиган мансабдор шахс.

Мубошир – 1. Иш юритувчи. 2. Сомонийлар ва салжуқийлар даврида ҳукмдорларнинг ишончли вакили. 3. Бухоро амирлигида марказий давлат идорасининг молия девонидаги амалдор.

Муваққат – Вақтинчалик, доимий бўлмаган.

Муваққат ҳукумати – Россияда 1917 йил февраль ойида ғалаба қозонган буржуа-демократик инқилобидан кейин ташкил топган ҳукумат.

Муваҳҳид – Яккахудоликка ишонувчи шахс.

Мудофаа – 1. Душман ҳужумини даф қилиш, қайтариш. 2. Душмандан сақланиш, ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ёки ҳозирланган восита ва чоралар мажмуи.

Мудофаа деворлари – Аҳолини душман ҳужумидан сақлаш мақсадида қадимги деҳқончилик воҳалари атрофига қурилган деворлар. Бундай деворлар Осиё, Европа ва Африка қитъасидаги кўпгина мамлакатларда қурилган (мас., Буюк Хитой девори, Антонин девори ва бошқалар). Ўзбекистон ҳудудида Шаҳрисабз, Китоб, Нурота деҳқончилик туманлари ва Мароқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлар теварагида мудофаа деворлари қурилган. Ёзма деворларда бу деворлар Ҳоит ул-хорижи (Ташқи девор), Ҳоит ул-кабири (Катта девор), Сур ул-аъзами (Улуғвор девор), Канпир девор, Девори Канди бузург (Катта вилоятнинг девори), Девори Канди дизак (Истехкомли вилоят девори) деган номлар билан аталган.

Мудофаа иншоотлари – Ўт очиш, жанг майдонини кузатиш ва қўшинларни бошқариш, шахсий таркиб, жанговар техника ва транспорт воситаларини ҳимоя қилиш сингари тадбирлар учун мўлжалланган иншоотлар. Мудофаа иншоотларига турли типдаги окоплар, траншеялар, ўт очиш воситалари учун майдончалар, кузатиш пунктлари, пана жойлар, блиндажлар, махсус ўқ-дори омборлари, алоқа йўллари ва бошқалар киради. Мудофаа иншоотлари барпо қилиш жуда узоқ тарихга эга. Қадимда шаҳар ёки қўрғонларни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун мудофаа деворлари қурилган, қўрғонлар атрофида чуқур хандақлар қазилиб, улар сув билан тўлдириб қўйилган. Қалъа ёки қўрғон деворларида ўт очиш туйнуқлари (шинаклар), буржлар бўлган.

Мудохала – 1. Бирор ишга аралашиб. 2. Интервенция.

Мудрий, Ярослав – Қадимги Русь давлатининг ҳукмдори (1019-1054 йиллар). Владимир I нинг ўғли. Ярослав Мудрий ҳукмронлиги даврида Русь ерларининг жанубий ва ғарбий чегаралари хавфсизлигини таъминланган, “Русская правда” (“Русь ҳақиқати”) деб номланган давлатнинг қонунлар мажмуи тузилган, Киев шаҳрида София собори (ибодатхонаси) қурилган, Новгород шаҳрида руҳонийларнинг ўғиллари учун мамлакатда биринчи махсус мактаб очилган, бой кутубхона таъсис этилган, йилномалар тузиб бориш жорий этилган.

Мужмалий, Вожидали – Тахм. XI асрда яшаб ўтган донишманд олим. “Матлаъ ул-улум ва Мажмаъ ул-фунун” асари билан машҳур бўлган.

Мужоҳид – Ислом таълимотига кўра, дин, худо йўлида жанг қилувчи киши.

Мужрим – Айбдор, гуноҳкор.

Мужрим Обид – XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган зуллисонанн шоир.

Мужтаҳид – 1. Ислом динининг сунний мазҳабида фикҳ соҳасида юксак билимларга эга бўлган ва диний-ҳуқуқий масалаларни мустақил ҳал қиладиган, ижтиҳод ҳуқуқи (ижмоъ усули тарзида диний ҳулоса чиқариш)га эга киши. Мужтаҳидлар илгари учрамаган масалаларни ҳаёт талабига мувофиқ, Қуръон ва ҳадисларга асосланган ҳолда ҳал қилганлар. 2. Ислом динининг шиа мазҳабида юқори мартабали диндорлар ва диний ҳуқуқшунослар.

Музалар – Қадимги Юнон мифологиясида санъат, фан ва поэзия маъбудалари, Зевс ва Мнемосинанинг тўққизта қизи. Антик шоирлардан Гесиод (мил. ав. VII аср) тўққизта музани эслатиб ўтади. Хусусан, Клио тарих, Евтерпа лирик поэзия, Талия комедия, Мельпомена трагедия, Терпсихора ўйин, Эрато муҳаббат лирикаси, Полигимния гимнлар, Урания астрономия, Каллиопа эпос маъбудаларидир. Музаларнинг раҳбари Аполлон бўлган.

Музей (Музалар кошонаси) – 1. Эллинизм даврида Мисрнинг Александрия шаҳрида барпо этилган илмий-маърифий муассаса. 2. Тарихий моддий ва маънавий ёдгорликларни, техника, табиий экспонат ва ҳоказоларни тўпловчи, асровчи, ўрганувчи ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи муассаса.

Музей-қўриқхона – Табиий тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни сақловчи илмий-тадқиқий ва маданий-маърифий муассаса; таркибига экспозициядан ташқари қўриқхона ҳудудида жойлашган меъморий, тарихий ва бошқа ёдгорликлар ҳам қирадиган музейлар. Музей-қўриқхоналарнинг тарихий-бадиий, тарихий-меъморчилик, тарихий-маданий, ҳарбий-тарихий, шунингдек, комплекс (мажмуа) турлари бор.

Музофот – Вилоят.

Музофот пули – Солиқ тури. XIX асрда Тошкентда Азиз парвоначи қипчоқлар қамалидан озод бўлиб, хазинаси бўшаб қолганини билгач, ўз яқинлари маслаҳати билан вилоят аҳолисига “музофот пули” деган солиқ солган.

“Мукден жанги” – Рус-япон урушининг катта жанглиридан бири. 1905 йил февраль ойида бўлиб ўтган. Унда японлар ғалаба қозонишган.

Мулатлар – Европоид ирқи вакиллари ва қора танлиларнинг авлодлари. Мулатлар Жанубий Европа (Греция, Италия, Испания, Португалия), Лотин Америкаси ва Қариб ҳавзаси (Доминикан Республикасида 73 %, Кубада 51 %, Бразилияда 38%) ва Африканинг бир қатор давлатлари (Жанубий Африка Республикаси, Намибия)да аҳолининг катта қисмини ташкил этади. Атама илк бор XVI асрдаги испан ҳужжатларида тилга олинади.

Мулқдор – Мулк эгаси.

Мулки вақф – Ўтмишда мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар. Улардан тушган даромад масжид, мадраса, шифохоналар харажатларига, уларни жиҳозлашга, мадраса ва масжидлар ходимлари, шифокорлар, мадраса талабаларининг маошларига сарф қилинган.

Мулки девон – Темур ва темурийлар давлатида давлат ерлари. Бу ерларга суюрғол ва тархон тарзида инъом этилган ерлар кирган.

Мулки ушурия – *Қар.: Ушр ерлари.*

Мулк цензи – Белгиланган мол-мулкка эга бўлмаган кишиларнинг сайловга қатнаша олмаслиги.

Мулла – Мадрасада таҳсил олиб, диний илмларга эга бўлган маълумотли киши, дин арбоби. Баъзи вақтларда “мавлоно” сўзи ўрнига ишлатилади.

Мулла Абдулқаҳҳор – Бухоронинг марказий ва ғарбий ҳудудларида совет ҳукуматида қарши истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбари. 1884-1924 йилларда яшаб ўтган. Мулла Абдулқаҳҳорнинг қўл остида 20 та қўрбоши

бирлашган. Ўрмон Полвон, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги, Ҳамро Полвон, Азимхўжа, Метан Полвон каби кўрбошилар Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан ва Нуротада ҳаракат қилганлар. Истиклолчилар 1922 йил март ойининг бошида Бухоро шахрига юриш қилганлар. Улар қизил аскарларга қарши шахар атрофида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шахрининг катта бир қисмини эгаллаганлар ва бир неча соат мобайнида ўз қўлларида ушлаб турганлар. Бухородаги истиклолчиларга қарши курашаётган қизил армия қисмларига марказдан янги кучлар келиб қўшилиши натижасида ватанпарварларнинг аҳволи оғирлашган. Мулла Абдулқаххор кўрбоши Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида ҳалок бўлган.

Мулла Эргаш – *Қар.: Катта Эргаш.*

Мулозим – Амалдорларнинг хизматида бўлган киши.

Мумтоз Маҳал – *Қар.: Тоғ Маҳал мақбараси.*

Мунавварқори Абдурашидхонов – 1878-1931 йилларда яшаб ўтган Ўрта Осиё жадиличлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, янги усулдаги миллий мактаблар асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир. 1901 йилда Мунавварқори Тошкентда усули жадиद мактабини очган. 1906 йилдан 1917 йилгача у Туркистонда чоп этилаётган турли газеталар ва “Ал-ислоҳ” журналида адабий ходим, ношир, муҳаррир, масъул муҳаррир лавозимларида фаолият кўрсатган. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Мунавварқори Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг турли лавозимларида ишлаган. Мунавварқори усули жадид мактаблари учун махсус ўқув дастурлар ва дарсликлар ёзган. Ижтимоий ва педагогик фаолиятдан ташқари, Мунавварқори бадиий ижод ва публицистика билан ҳам шуғулланган. Ундан кўплаб ҳикоя ва шеърлар бизгача етиб келган. 1917-1924 йилларда Мунавварқори сиёсий характерга эга турли жамият ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилган. У виждон эркинлигини инкор этмайдиган дунёвий демократик давлат тузиш тарафдори бўлган, Қўқонда ташкил этилган “Туркистон мухторияти”ни кўллаб-қувватлаган. 1929 йилнинг 6 ноябрида Мунавварқори қамоққа олинган ва Москвага олиб кетилган. 1931 йил апрель ойида Москвада Мунавварқори устидан суд жараёни бўлиб ўтган ва у ўлим жазосига маҳкум этилган. Москванинг Бутирка қамоқхонасида Мунавварқори отиб ташланган, жасади Москванинг Ваганкова қабристонига дафн этилган.

Мунажжим – Астрология ва астрономия, яъни юлдузларни ўрганиш билан шуғулланувчи олим.

Мунаққид – Танқидчи.

Мунис – Яқин, сирдош дўст, ҳамдам.

Муниципалитет – Маҳаллий бошқармаларнинг сайлаб қўйиладиган, ўзини-ўзи идора қилувчи шахар ёки қишлоқ бошқармаси ва шу бошқарма биноси. Айрим мамлакатлар (мас., Америка қўшма Штатлари, Буюк Британия)да шахар бошқарув органларигина муниципалитет деб аталади. Одатда, муниципалитет мэр, бургомистр ва бошқалар бошчилигидаги сайлаб қўйиладиган раёсат ҳамда ижрочи мулозимлар девонидан иборат бўлади.

Мункар ва Накир – Ислом таълимотига кўра, киши ўлганидан кейин гўрда уни сўроқ қиладиган икки фаришталарнинг исмлари. Мункар ва Накир тақводор бўлган майитларни то қиёмат бўлгунга қадар тинч қўяди, гуноҳкорларни эса, аксинча, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча азоблайди. Мункар ва Накир номлари ҳадисларда эслатилади, Қуръонда эса бу фаришталар тилга олинмаган.

Мункэ – 1208-1259 йилларда яшаб ўтган Мўғуллар давлатининг қоони (буюк хони). Чингизхоннинг набираси, Тулухоннинг тўнғич фарзанди. 1251 йилда Қорақурумда бўлиб ўтган мўғул зодагонларининг буюк қурултойида қоон этиб сайланган. Мункэнинг қоон этиб сайланишига қарши бўлиб чиққан Ўқтойхон тарафдорлари қурултойдан кейин ҳибсга олинган, улардан 77 киши ўлдирилган. Мункэга Чигатой ва Ботухон ҳам душманлик руҳида бўлишган. Шунинг учун Мўғуллар давлатида амалда иккихокимиятчилик вужудга келган. Бир томондан, Мункэ ва, иккинчи томондан, Ботухон Мўғуллар давлатини бўлиб олишган ва бошқаришган. Мункэ 1259 йилда вафот этган.

Муножот – 1. Аллоҳдан нажод, мадад сўраб бажариладиган тунги ибодат. 2. Классик куйлардан бирининг номи.

Мунофиқ – 1. Ислом дини тарихида Ислом динини юзаки қабул қилиб, ўзи эса аввалги қабилавий динига сиғинишни давом эттираётган араб. 2. Иккиюзламачи.

Муноқаша – Мунозара, баҳс, тортишув.

Мунший (Мунши) – 1. Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорлар ёки айрим ҳокимларнинг шахсий котиби. Муншилар зиммасига ҳукмдорларнинг мактуб ва фармонларини ёзиб бориш юклатилган. Тарихий асарларнинг аксарияти муншилар томонидан ёзилган. 2. Амир Темур ва темурийлар давлатида олий ҳукмдор маҳкамасига кирим-чиқимларни қайд этиш билан шуғулланадиган мансабдор шахс.

Муовия – Сурия ноиб. Халифа Усмоннинг яқин қариндоши. 661 йилда ўзини халифа деб эълон қилган ва араб халифалигида уммавийлар сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берган.

Муоз ибн Жабал – 601-640 йилларда яшаб ўтган Муҳаммад Пайғамбарнинг саҳобаларидан. Улуғ фақиҳ.

Мураққаъ – Мактублардан тузилган мажмуа. Мураққаъда ҳуснихат (ёзув) намуналари, алоҳида расмлар тўпланган. Улар муқоваланиб, китоб ҳолига келтирилган. Одатда, шоҳлар, шаҳзодалар мураққаъ тўплаган ва улар тўпловчилар номи билан аталган.

Мурид – Пир ёки эшон (муршид)га қўл бериб, сўфийлик йўлига кирган шахс. Тасаввуфда тариқат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади. Мурид-муршидлик муносабатлари муриднинг ўз пирига сўзсиз итоат этиши, хизмат қилиши ва унинг изидан боришини тақозо қилган. Умуман, “мурид” атамаси суфий ва хатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатган.

Мурод I – Усмонли турк империясининг султони (1362-1389 йиллар). Мурод I ҳукмронлиги даврида Усмонли турк империясининг ҳудудлари асосан Болқон ярим ороли ҳудудлари ҳисобида кенгайтирилган, давлат

ҳукмдорини “бей” (“бек”) ўрнига “султон” деб аташа бошлашган. 1389 йилда турк кўшинлари серб ерларига ҳужум қилишган. Турклар томонига “ўз ихтиёри билан асир тушган” серб армияси жангчиси Милошни Мурод I олдига олиб келишганда, у тўсатдан Мурод I юрагига ханжар санчган. Мурод I вафотидан кейин Усмонли турк империяси тахти унинг тўнғич ўғли Боязид I Йилдиригга насиб этган.

Муроса – Масалани қулай, тинч йўл билан ҳал этиш, шахснинг низоли ва зиддиятли вазиятда келишувга бора олиш қобилияти.

Муртад – Ислом таълимотига кўра, Ислом динидан қайтган, ундан воз кечган шахс.

Мурувват – Инсонпарварлик, бирор кишига қилинган холисона инсоний ёрдам, яхшилик, саховат, лутф.

Мурчал – Мудофаа ёки ҳужум жанглари вақтида қалъа атофида қуриладиган хандак, окоп.

Муршид – Тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

Мусаллах – Қуролланган, қуролли.

Мусаннаф – Ҳадис тўпламларининг махсус тури. Унда ҳадислар муснад туридаги тўпламлардан фарқ қилган ҳолда мавзулар бўйича тўпланган бўлади. Шунинг учун маълум соҳа ёки мавзуга оид ҳадисни топиш мусаннаф тўпламларида осонроқ.

Муслим – Ислом динига эътиқод қилувчи шахс. Муслимнинг кўплик шакли муслимун бўлиб, унинг бузиб талаффуз қилиниши туфайли Эронда “мусалмон”, Ўрта Осиёда “мусулмон”, Россияда “басурман” келиб чиққан.

Муснад – Ҳадис тўпламларининг илк тури. Муснадда, мусаннафдан фарқли ўлароқ, ҳадислар уларни бир-биридан эшитган шахслар силсиласига асосланган (ҳар бир ҳадис уни хабар қилган шахснинг исми билан боғланган) ҳолда жойлаштирилган. Шариатнинг илк вакиллари – Молик ибн Анас ва Ибн Ҳанбалнинг ҳадис тўпламлари муснад туридаги тўпламлардир.

Мусодара қилиш – Кишиларга тегишли бўлган хусусий ва шахсий мол-мулкларни батамом ёки қисман давлат ихтиёрига ўтказиш, конфискация.

“Мусо қонунлари” – Қар. “Таврот”.

Мусоҳаба – 1. Суҳбат, суҳбатлашиш, ҳамсуҳбатлик. 2. Давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказадиган суҳбати. Интервью.

Мусоҳиб – Ҳамсуҳбат, суҳбатдош.

Мустабидлик (Деспотия) – Якка шахс ҳукмронлигига асосланган сиёсий тузум шакли. Мустабид ҳокимияти, одатда зўравонлик, босиб олиш, баъзан эса қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилади. Бундай давлатда ҳукуқий, ахлоқий асослар бўлмайдди, қонунлар ишламайдди, уларнинг ўзи жуда кам бўлади.

Муставфий (Мустовфий) – 1. Ғазнавийлар давлатида молия девонида қирим-чиқим, пул ва бошқа қимматбаҳо бойликларни ҳисобга олиш билан шуғулланувчи амалдор. 2. Хоразмшоҳлар давлатида вилоят молия органи (девон ал-истифоъ) раҳбари, молия маслаҳатчиси, вилоят бошқарув органи

аъзоси. 3. Бухорода Аштархонийлар давлат маблағларининг кирим-чиқим ишлари бўйича мутасадди амалдор.

“Мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш ҳақида баённома” – 1960 йил 14 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган баённома.

Мустамлакачилик – Кучли давлатлар томонидан зўрлик билан эгалланган мамлакат ёки худудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш ғояси асосидаги ўзга халқ ёки мамлакатларни босиб олиш, талаш сиёсати. XV асрнинг охирида Европа давлатлари (Португалия, Испания, Англия, Франция, Голландия) ана шундай сиёсат олиб борганлар. Бундай амалиёт XX аср бошларида авжига чиқиб, натижада дунёнинг катта қисми бир неча империялар ўртасида бўлиб олинган. Бу даврга келиб эски мустамлакачи давлатлар ёнига янгилари: Америка Қўшма Штатлари, Германия, Бельгия, Япония, Россия қўшилган. Иккинчи жаҳон уруши туфайли кучайиб кетган миллий-озодлик ҳаракатлари санокли йиллар ичида мустамлака империяларининг емирилиб, кулашларига олиб келган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисида Декларация қабул қилган (1960 йили). Унда мустамлакачилик инсониятга қарши жинойт сифатида баҳоланган.

Мустафо Камол Отатурк – 1881-1938 йилларда яшаб ўтган Туркия Республикаси асосчиси ва биринчи президенти, ҳарбий саркарда. Дастлаб “Ёш турклар” партиясига аъзо бўлган. XX аср бошларида Туркия олиб борган урушларда ҳарбий саркарда сифатида қатнашган. Мустафо Камол Биринчи жаҳон урушидан кейин Туркияда Севр шартномасига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари (Куртулиш саваши, Камолчилар инқилоби)га раҳбарлик қилган. 1920 йил март ойида Туркияда янги парламент – Туркия Буюк миллат мажлиси тузилган. Мустафо Камол Мажлис ҳамда ҳукумат раислигига сайланган. 1921 йилнинг сентябрида Туркия султони Мустафо Камолни Олий бош қўмондон лавозимига тайинлаган. 1921 йилнинг 6 мартида Москвада совет-турк дўстлик ва биродарлик шартномаси имзоланган. Ушбу шартнома асосида Совет ҳукумати Туркияга 10 млн. сўмлик олтин миқдорида ёрдам кўрсатган. Мустафо Камол бу маблағларни Туркия армиясини замонавий қурооллар билан жиҳозлаш учун сарфлаган. Туркия армияси Греция интервент қўшинлари устидан ғалаба қозонишган. 1922 йил ноябрь ойида Туркияда султонлик тузумига барҳам берилган. 1923 йилнинг 24 июлида Лозанна конференцияси Севр шартномаси қарорларини бекор қилган. 1924 йилнинг 29 октябрида эса Туркия республика деб эълон қилинган. Туркиянинг биринчи президенти Мустафо Камол бўлган. У президентлик билан бирга мамлакатнинг Олий бош қўмондони ҳам бўлган. Мустафо Камол умрининг охиригача (1938 йили) ушбу лавозимларни эгаллаган. 1934 йилда Туркиянинг Улуғ Миллий мажлиси Мустафо Камолга “Отатурк” (“Турклар отаси”) деган фахрий ном берган. Мустафо Камол президентлик даврида Туркия Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган (1924 йил 20-апрелда), мамлакатнинг иқтисоди ривожланган, кўплаб мусулмон диний

мактаблар ёпилган, дин ва вақф вазирлиги фаолияти тугатилган, унинг ўрнига Маориф вазирлиги таъсис этилган, мусулмон диний судлари тугатилиб, уларнинг ўрнига давлат суд муассасалари тузилган, арабча имлодаги алифбо ўрнига латин ёзувига асосланган янги алифбо қабул қилинган, аёллар ҳуқуқлари эркаклар билан тенглаштирилган, уларнинг таҳсил олишларига катта аҳамият берилган. Шу билан бирга Мустафо Камол президентлик даврида Туркияда курдлар ва деҳқонларнинг кўзғолонлари бўлиб ўтган. Туркиянинг барча фуқаролари дини ва миллатидан қатъи назар, турклар деб эълон қилинган. Бундай шовинистик сиёсат, айниқса, курд аҳолисига қаратилган. Деҳқонлар эса камолчилик инқилоби натижасида ерга эга бўлишмаган. Ерлар йирик ердорлар қўлида қолиб кетаверган. Курд аҳолиси ва деҳқонларнинг кўзғолонлари ҳукумат қўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) – Аксарият собиқ СССР таркибига кирган республикалар ҳамдўстлиги. 1991 йилнинг 8 декабрида Белоруссиянинг Беловеж ўрмони (Беловежская пуца)да Россия Федерацияси (Б.Н.Ельцин), Украина (Л.М.Кравчук) ва Белоруссия (С.С.Шушкевич) раҳбарлари учрашганлар. Учрашув якунида улар 1922 йилдаги иттифок шартномасининг бекор (денонсация) қилинганлиги, СССРнинг тугатилиши ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) тузилганлиги ҳақида эълон қилишган. 1991 йилнинг 21 декабрида Қозоғистон пойтахти Олма-Ота шаҳрида Россия (Б.Елцин), Украина (Л.Кравчук), Белорус (С.Шушкевич), Қозоғистон (Н.Назарбоев), Ўзбекистон (И.Каримов), Қирғизистон (А.Акаев), Тожикистон (Р.Набиев), Туркманистон (С.Ниязов), Озарбайжон (А.Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдавия (М.Снегур) давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб ўтган. Ушбу учрашувда Болтиқбўйи республикалари ва Грузия вакиллари қатнашмаган. Ўша куни 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, “Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар” мақомида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) муассиси бўлганлар. 1993 йилнинг январида МДХнинг Низоми имзоланган. Унга кўра, МДХга аъзо давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиёсат фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни шакллантириш, транспорт ва алоқа тизимини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик, аҳоли соғлигини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, чегараларни муҳофаа ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик кўзда тутилган. МДХнинг Ҳукумат бошлиқлари Шўроси, Ташқи ишлар вазирлари Шўроси, Давлатлараро иқтисодий Шўро, Парламентлараро Ассамблея (маркази Санкт-Петербургда), Мувофиқлаштирувчи-маслаҳат Кўмитаси (МДХнинг доимий ижроия органи) органлари мавжуд.

Мустақиллик – Давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда етакчи, ҳукмрон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш – ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан бири. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва халқаро шартномалар ҳамда декларацияларида мустаҳкамлаб қўйилган.

“Мустақиллик декларацияси” – 1990 йил 20 июнида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган декларация. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат орқали Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи республикалари ичида биринчилардан бўлиб ўз давлат мустақиллиги принципларини белгилади. “Мустақиллик декларацияси”да “Ўзбекистон ССР суверен, демократик давлатдир. У ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқ қоидалари, умумбашарий қадриятлар ва демократия тамойиллари асосида олиб боради”, Ўзбекистон ССР давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас”, “СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ҳудудида кучга эга бўлади”, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради” кабилар таъкидланган. “Мустақиллик декларацияси” Ўзбекистоннинг 1991 йилнинг 31 августига қадар мамлакатимизнинг бошқарув ва ҳуқуқий фаолиятида асосий ҳужжат сифатида фойдаланган, барча соҳаларда мустақил сиёсат олиб бориш имкониятини берган.

Мустаҳаб – Ислом таълимотига кўра, шаръий амал; уни бажарган киши савобли бўлади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди. Мустаҳаб амаллар: нафл намозларини ўқиш, нафл рўзасини тутиш, садақалар бериб бориш, турмушда оддий одоб қоидаларига риоя этиш, атрофдаги одамлар учун турли фойдали ишлар ва ҳоказолар.

Мустье маданияти (Мустье даври) – Илк палеолит даврининг сўнгги маданияти (мил. ав. 150–40 минг йиллик). XIX асрнинг 60-йилларида француз археологи Г.Мортилье Франциянинг жанубий-ғарбидаги Ле-Мустье ғоридан суяк ва тош қуроллар топганлиги учун, шу ном билан юритилади. Бу даврда яшаган одамлар неандерталлар номи билан фанга кирган.

Мусулмон биродарлар – Қар.: “*Ал-Ихвон ал-муслимун*” ташиклоти.

Мусулмон халқ университети - 1918 йилнинг 12 майида Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида очилган университет. Орадан кўп вақт ўтмай, турли баҳоналар билан беш йил ўқишга мўлжалланган ушбу олий таълим даргоҳи тўрт ойлик ўқитувчилар курсига айлантирилиб, 1918 йилнинг сентябрь ойида эса совет ҳукумати томонидан умуман ёпилган.

Мусулмонқул – Кўкон хонлигида мингбоши лавозимини эгаллаган. Қипчоқлардан. Яна қар.: *Худоёрхон*.

Мусулмон ҳуқуқи – Жаҳондаги асосий ҳуқуқий тизимлардан бири (континентал ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари билан бир қаторда). Араб халифалигида VII-X асрларда юзага келган. Мусулмон ҳуқуқининг асосий моҳиятини ислом талабларидан келиб чиқадиган, мусулмонларнинг ўзаро муомала ва ахлоқ қоидалари ҳамда уларни бузганликлари учун қўлланиладиган (одатда, диний руҳдаги) жазолар ташкил этади. Қуръон, сунна, ижмо, қиёс, урф-одат мусулмон ҳуқуқининг асосий манбалари ҳисобланади.

Мусхаф – Халифа Абу Бакр Сиддиқ даврида Қуръоннинг кийик терисидан бўлган саҳифалари ёзилган тўплами, саҳифаланган Қуръон, халифа Усмон ибн Аффон даврида кўчирилган Қуръон нусхалари “мусхафлар” деб номланган. Кейинчалик китоб шаклидаги Қуръоннинг ҳар бир нусхаси мусхаф деб номланаверган. Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланадиган Қуръон кўлёмаси (VII аср) ҳам мусхафнинг энг қадимги нусхаларидан биридир.

Мут – Қадимги мисрликларнинг осмон худоси.

Мутаассиблик – 1. Динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона амал қилиш, фанатизм. 2. Бировга кўр-кўрона эргашувчи, бирор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилиш. 3. Консерватив қарашларга мойил киши.

Мутавалли – Вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи, вақф ерларини ижарага берувчи диний амалдор. Баъзи Шарқ мамлакатларида мутаваллиллар ҳозир ҳам бор, улар вақфларни бошқаради. Айрим мусулмон мамлакатларида мутаваллиллар йирик зиёратгоҳлар (мақбара, мазор ва бошқалар)ни, улардан келадиган даромадларни ҳам бошқарадилар. Ўзбекистонда масжиднинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар ҳам мутавалли дейилади.

Мутакаббир – Ўзини катта тутувчи, кибр-хавоси баланд киши.

Мутакаллим – Чиройли сўзловчи илми калом олими.

Мутасадди – Бирор ишни бошқариш учун тайинланган, уни бажариш бўйича жавобгар киши.

Мутасарриф – Ўтмишда хон саройларида молия ва пул ҳисоб-китобини олиб борадиган мансабдор.

Мутафаккир – Тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур мушоҳада юритиш қобилиятига эга киши. Фавқулодда зеҳн ва заковат, чуқур фикрлайдиган истеъдод соҳиби.

Мутойиба – Бир-бирига қизик, кулгили, қочирим гаплар айтиш, ҳазилкашлик.

Мутолаа – Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш.

Мутриб – Созанда ва ашулачи.

Муттасил – Узлуксиз, тўхтовсиз.

Муфассал – Тўлиқ, батафсил.

Муфаттиш – Тафтиш қилувчи, текширувчи.

Муфид – Фойдали.

Муфтий (Муфти) – Ислом таълимотида кўра, суннийлик мазҳабида олий мартабали руҳоний. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш ҳуқуқига эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига муфтий бошчилик қилади. У уламолар кенгаши йиғилишида беш йил муддатга сайланади.

Мухолифат – 1. Расмий ҳукумат, унинг сиёсати билан келишмай бошқача сиёсий йўл тутиб фаолият юритиш. Мухолифатнинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг сиёсий маданиятини белгилаб берувчи муҳим хусусият ҳисобланади. Мухолифат бўлишнинг асосий талаблари қуйидагилар:

ҳокимиятни бошқариш, ташкил этиш бўйича ўз дастурига, ўз “командаси”га, ўз фаолиятининг ғоявий, мафкуравий асосига эга бўлиш; амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида фаолият олиб бориш; ўз дастурини мафкуравий йўллар билан кенг жамоатчиликка етказиш; ўз электорати (сайловчилар доираси)га эга бўлиш, улар манфаатини кўзлаб қонун доирасида курашиш; ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни ечиш учун альтернатив (муқобил) йўлларни таклиф этиб, унинг тўғрилигини амалда исботлашга ҳаракат қилиш. 2. Бирор партия, жамият, ташкилот, идора ичида кўпчиликнинг фикрига қарши чиққан гуруҳ, мас., парламентдаги муҳолифат.

Мухторият – Конституциявий ҳуқуқда бирон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи, автономия.

Мучал (Мучал ҳисоби) – 12 ҳайвоннинг номи билан аталадиган даврий йил ҳисоби. Бу ҳайвонлар: сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз. Киши шу ҳайвонлар номи билан аталган 12 йилнинг қайси йилида туғилган бўлса, унинг мучали шу ном билан аталган. Мучал ҳисобида шу айтилган 12 йиллик давр бир айланиб келса, одам бир мучалга тўлган бўлади. Мучал ҳисоби қоидаси бўйича кишиларнинг ёшини аниқлашда уларнинг она қорнида бўлган вақти бир йилга тенг деб ҳисобга олинади, яъни киши бир мучалга тўлганида унинг ёши 12 эмас, 13, икки мучалга тўлганида 25 деб ҳисобланади. Ёзма манбаларда келтирилишича, мучал ҳисоби дастлаб Бақтрия подшолигида кўчманчи-чорвадор халқлар орасида вужудга келган. Кейинчалик у Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

Мушарраф – Шарафли.

Мушк – Қора рангли хушбўй модда.

Мушкет – Ўтмишда Европа мамлакатлари армияларида ишлатилган пилтали ўқотар қурол.

Мушкетёрлар – XVI–XVIII аср бошларида Европа армияларида мушкетлар билан қуролланган пиёда қўшин тури. Мушкетёрларда шамшир қўшимча қурол вазифасини ўтаган.

Мушкулқушод – Мусулмонлар орасида тарқалган кишининг мушқулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва иримлар.

Мушрикийлик – Кўпхудоликнинг араб қабилалари ўртасида ислом вужудга келишидан олдин кенг тарқалган содда шакли. Мушрикий қабилалар турли санам, тош ва ҳоказоларга, шунингдек, бир қанча эркак ва аёл худоларга эътиқод қилган. Мушрикийлик тушунчаси Қуръонда худони якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп деб тасаввур қиладиган қабилавий динлар таълимотига нисбатан ишлатилган.

Мушриф – 1. Сомонийлар даврида Девони мушриф бошлиғи. Мушриф даргоҳ ва девонлар маъмурларининг фаолиятини зимдан назорат қилиб борган ва эшитган-билганларини олий ҳукмдорга етказиб турган. У хон ва амирларнинг кўз-қулоғи бўлган. Мушрифнинг жойларда вакиллари,

айғоқчилари бўлган. 2. Салжуқийлар даврида шоҳ девонида амалдор ҳисобчи. 3. Хива хонлигида дон билан олинадиган солиқларни ундирувчи амалдор.

Мушт ҳуқуқи – Кучлилар ҳуқуқи. XI–XIII асрларда суд курашининг энг кенг тарқалган тури (айниқса, Германияда) баҳсларни қурол кучи билан ҳал этиш.

Муштипар – Қўлидан бирор иш келмайдиган, ожиз, бечора аёл.

Муқаддас Елена ороли – Атлантик океанида мавжуд бўлган орол. 1815 йилда Наполеон I инглизлар томонидан шу оролга сургун қилинган.

“Муқаддас иттифоқ”– 1684 йилда Австрия, Польша, Венеция давлатлари томонидан Туркияга қарши тузилган иттифоқ. 1686 йилда унга Россия ҳам қўшилган.

Муқаддас Рим империяси – 962 йил бошида Рим папаси Оттом I га императорлик тожини кийгизгандан кейин, унинг давлатига берилган ном. XII асрдан у “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” деб аталадиган бўлган.

Муқанна қўзғолони – 769-783 йилларда Мовароуннаҳрда араб зулмига қарши бўлиб ўтган қўзғолон. Қўзғолончилар оқ рангдаги кийим кийганлиги учун бу қўзғолон тарихда “оқ кийимлилар қўзғолони” деб ҳам аталади. Қўзғолоннинг раҳбари Ҳошим ибн Ҳаким халқ орасида Муқанна (юзига ниқоб кийган маънода) номи билан танилган. Муқанна Марв атрофида жойлашган Қози қишлоғида туғилган. У кудунгар (кигиз босувчи)лик ҳунарини ўзлаштирган. Муқанна ноёб истеъдод эгаси бўлиб, кўплаб қадимги китобларни ўқиган. Хуросон ноиб Абу Муслим ҳукмронлиги даври (750-755 йиллар)да сарҳанг-кичик лашкарбоши лавозимига тайинланган, хизмат пилапояларидан тез кўтарилиб, Абдулжаббор Аздий ҳукмронлиги даври (757-759 йиллар)да вазир лавозимига тайинланган. Давлат хизматини ўташи давомида Муқанна маздакийлик ғоясига эътиқод қилган. У Хуросон ноибига қарши бўлиб ўтган исёнда иштирок этган ва ўзини адолат ўрнатувчи – маҳдий деб эълон қилган. Исён бостирилганидан кейин Муқанна зиндонга ташланган. Лекин у зиндондан қочиб Марвга келган. Бу ерда у аҳолини араб босқинчиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш ва умумий мулкий тенглик ўрнатишга даъват этган. Муқаннанинг даъватлари жамиятнинг турли табақалари томонидан қўллаб-қувватланган. Унинг тарафдорлари Нахшаб ва Кеш шаҳарларида кўпчиликни ташкил этган. Шу боис, Муқанна 776 йилда Марвдан Мовароуннаҳрга ўтиб араб халифалигига қарши қўзғолонга бошчилик қилган. Қўзғолоннинг маркази Кеш яқинидаги Сом (Санам) қалъаси бўлган. Тез орада бутун Қашқадарё воҳаси қўзғолончилар қўлига ўтган. Халифа Абу Жаъфар 776 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ қўшинни Мовароуннаҳрга юборган. Қўзғолончилар билан бўлган жангда Жаброил қўшинлари енгилиб, Самарқандга чекинишган. Жаброилга ёрдамга юборилган қўшин Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор этилган. 776 йилдан қўзғолон Бухоро, Элоқ (Оҳангарон водийси) ҳамда Шошга тарқалган. Наршах қалъасида қўзғолончилар тўрт ой давомида, Самарқандда икки йил давомида кураш олиб борганлар. Араб босқинчиларига қарши кураш 783 йилгача давом

этган. Сом қалъаси узоқ давом этган камалдан кейин араблар томонидан эгалланган. Муқанна ўзини ёниб турган тандирга ташлаб ҳалок бўлган.

Муқаррабун – Қуръонда тўрт бош фаришта (Жаброил, Азроил, Микоил, Исрофил)ларнинг умумий номи. Ислом таълимотига кўра, улар Аллоҳга энг яқин фаришталар.

Муқобил – Қарши турувчи, қарама-қарши, зид.

Муқояса – Қиёс қилиш, солиштириш.

Муғ – Зардуштийликка эътиқод қилган кишининг мусулмонлар томонидан аталиши. Шарқ мумтоз адабиётида “муғ” сўзи майхона эгаси, соқий маъноларида ҳам ишлатилган.

Муғаний – 1. Созанда. 2. Нағма билан кўшиқ айтувчи хонанда.

Муғхона — 1. Оташпарастлар қароргоҳи. 2. Ўтов шаклида тошдан ясалган қабр иншооти (мил. ав. III–II милодий V–IV асрлар). Наманган вилоятидаги Косонсой яқинидан топилган.

Муҳаммад II – Усмонли турк империясининг ҳукмдори (1451-1481 йиллар).

Муҳаддис – Ҳадис илми билан шуғулланувчи илоҳиётшунос олим.

Муҳаммад V – Усмонли турк империясининг ҳукмдори (1909-1918 йиллар).

Муҳаммад Али – Миср ҳукмдори (1805-1849 йиллар). Муҳаммад Али асли албан яничарларидан бўлган. Ёшлигида тамаки сотиш билан шуғулланган. Турк армиясида хизмат қилган. 1805 йили Умар Макрам бошчилигидаги Қоҳирадаги мусулмон уламоларига таяниб, Мисрда ҳокимиятни ўз қўлига киритган. Ҳокимиятга келиши билан Муҳаммад Али Умар Макрамни қатл эттирган. Сўнгра ўз сафдошлари бўлган мамлук бекларини ҳам қириб ташлаган. Муҳаммад Али Туркия султониغا номидагина тобе бўлиб, аслида Мисрнинг яқка ҳокими бўлган. Муҳаммад Али француз мутахассислари маслаҳатига таяниб Мисрда мунтазам армия тузган, Арабистон ярим ороли (1811-1818 йилларда), шарқий Судан (1820-1822 йилларда)ни босиб олган, Туркия султониغا қарши урушлар олиб борган (1831-1833 ва 1839-1840 йилларда). Урушлар харажатларини қоплаш мақсадида Муҳаммад Али вақф, мамлуклар ва ижарадорларнинг ерларини давлат ихтиёрига ўтказган, мамлакатнинг маъмурий идораларини қайтадан туздирган, қишлоқ хўжалиги, саноатнинг ривожини бўйича чора-тадбирларни амалга оширган, ташқи савдони ривожлантирган, мамлакатда бир нечта европача усулидаги мактаблар очтирган, Миср ёшларини хорижий мамлакатларга ўқишга юборган. Шу билан бирга Муҳаммад Али хорижий олимларга Мисрнинг ҳудудларида археологик қазилмалар олиб бориш учун кўплаб лицензиялар берган, тарихий санъат ашёлари мамлакатдан чиқариб кетилган. Фақат 1835 йилга келиб Муҳаммад Али Мисрдан санъат бойликларини олиб чиқиб кетишни ман этадиган фармон эълон қилган.

Муҳаммад Али – Эрон шоҳи (1907-1908 йиллар). Отаси Музаффариддин вафотидан кейин тахтга ўтирган. Муҳаммад Али ўзининг биринчи шоҳлик кунларидан бошлаб мамлакатдаги инқилобий ҳаракатга қарши кураш бошлаган. Лекин мамлакатда бошланган оммавий чиқишлар таъсирида у

Конституцияни ҳам, мажлисни ҳам қолдиришга мажбур бўлган. 1907 йилнинг 7 октябрида Эрон тарихида биринчи марта парламент (мажлис) мажлиси бўлиб ўтган. 1907-1911 йилларда Эроннинг кўплаб шаҳарларида маҳаллий “анжуманлар” тузила бошланган. Анжуманлар жойларда шоҳ бошқарув органлари фаолияти устидан назорат ўрнатганлар. Анжуманлар негизида Эронда мужоҳид (миллий озодлик учун курашувчи)лар ташкилоти вужудга келган. Мужоҳидлар сафида террор усулидан фойдаланиш тарафдорлари ҳам бўлган. Муҳаммад Али 1907 йилнинг апрель ойида аксилдемократик ҳаракатлар тарафдори бўлган Амин ас-Султонни хориждан чақириб олиб, вазир лавозимига тайинлаган. Шундан сўнг мамлакатда демократик ташкилотларга қарши ҳужум бошланган. Шоҳ 1907 йил май ойида тақдим этилган Эрон Конституциясига кўшимчаларни тасдиқлашдан бош тортган. Бунга жавобан мужоҳидлар 1907 йил август ойида шоҳ вазири Амин ас-Султонга суиқасд уюштириб ўлдирганлар. Шундан кейин Муҳаммад Али унга тақдим этилган Конституцияга кўшимчаларни тасдиқлаган. Ушбу кўшимчаларга кўра, Эронда шахс ва мулк дахлсизлиги, мажлислар ўтказиш озодлиги, шариат суди билан бирга дунёвий судлар таъсис этилиши, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни бир-биридан ажралиши, шиалик Эроннинг давлат дини эканлиги эълон қилинган. 1907 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Муҳаммад Али демократик ҳаракатларга қарши навбатдаги ҳужумини бошлаган, лекин у натижасиз тугаган. Шунда у Россиядан ҳарбий ёрдам сўраган. 1908 йилнинг 23 июнида Эроннинг шоҳ кўшинлари Россия казак бригадаси ёрдамида давлат тўнтаришини амалга оширишган. Улар Эрон парламенти (мажлиси) депутатларини қамоққа олишган, уларнинг баъзиларини ўлдиришган. Шаҳарларда мавжуд бўлган анжуманлар тарқатиб юборилган, демократик нашриётлар беркитилган. Лекин Эронда инқилобий намоишлар барҳам топмаган. Бу шароитда Муҳаммад Али Эрон тахтидан ўзининг ўғли бўлган Аҳмад фойдасига воз кечган.

Муҳаммадали Халфа Собир ўғли – 1846-1898 йилларда яшаб ўтган Ўрта Осиёда суфийлик оқимининг йирик намояндаси. У 1846 йилда Андижон уездининг Мингтепа қишлоғида ўртаҳол деҳқон ва хунарманд Муҳаммад Собир оиласида туғилган. У халқ ичида “Муҳаммадали (Мадали) эшон” ёки у ота касби дукчилик билан шуғуллангани учун “Дукчи эшон” номлари билан машҳур бўлган. “Дук” сўзи эски даврларда пахта ёки жундан ип йигирадиган чарх (мослама, дастгоҳ)нинг ип ўралаб борадиган қисмини англатган. Ёшлигида у Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида йирик эшонлардан диний билимлар олган. 1882 йилда Султонхон тўра эшон вафот этгандан кейин, марҳумнинг васиятига биноан Муҳаммадали эшон этиб тайинланган. Эшон – ўша даврда Ўрта Осиёда сўфийлик оқимларида диний раҳнамонинг унвони ҳисобланган. Муҳаммадали 1887-1893 йилларда Маккаю Мадинага бориб, ҳаж сафарини адо этган, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Россиянинг кўплаб шаҳарларида бўлган. У кенг дунёқарашга, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган. Андижондаги “Дукчи эшон кўзғолони” мағлубиятга учраганидан кейин Муҳаммадали эшон 1898 йилнинг 12 июнида Андижон шаҳри марказида 8

мингга яқин оломоннинг кўз ўнгида 5 нафар яқин маслакдошлари билан мустамлакачилар томонидан намоёишкорона тарзда дорга осиб ўлдирилган.

Муҳаммад Алихон (Мадалихон) – Қўқон хонлигининг хукмдори (1822-1842 йиллар). Тахтга 17 ёшида ўтирган. Ёш бўлганлиги сабабли дастлабки даврда хонлик ишларини онаси Нодирабегим бошқарган. 1829 йилда Қўқон хонлиги қўшинлари Шарқий Туркистон мусулмонларининг Хитой зулмига қарши кўтарган кўзғолонларига ёрдам бериш баҳонасида Муҳаммад Алихон ҳарбий юришни амалга оширган. Шарқий Туркистонга қайта-қайта ҳужумлар уюштирилганлиги натижасида Хитой маъмурлари Шарқий Туркистоннинг олти шаҳридаги бозорлардан бож йиғиш ҳуқуқини Қўқон хонлигига беришга мажбур бўлган. Хитой маъмурияти ҳар ойда Қўқон хони саройига совғалар юбориб туришни ҳам ўз зиммасига олган. Қўқонликлар 79 минг шарқий туркистонлик (асосан уйғур)ларни ўзлари билан олиб келиб, асосан Шаҳрихон ва Тошкентга жойлаштиришган. Мадалихон хукмронлиги даврида Пишпак, Тўқмоқ, Кушка, Авлиёота каби ҳарбий истеҳком (қалъа)лар қурилган. 1834 йилгача Қўқон қўшинлари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Ҳисор, Бадахшон, Матчо вилоятларини босиб олган. Мадалихон хонликда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида марҳум отасини қўллаб-қувватлаган, унинг сиёсатини халқ ичида мақтаб юрадиган йирик амалдорларни сургун қилган, баъзиларини эса қатл эттирган. Шунинг учун унинг ички сиёсатидан норозилар сони кўпая борган. Натижада хонга қарши фитна тайёрлана бошланган. Лекин фитначилар ўз кучларига ишонмай, 1839 йилда Бухоро амири Насруллога Мадалихон устидан шикоят қилиб, ундан ёрдам сўрашган. Амир Насрулло Мадалихонни “кофир” деб Қўқонга фатво матнини жўнатган. Бу 1840 йилда Қўқон ва Бухоро ўртасидаги урушга баҳона бўлган. Бу урушда Мадалихон қўшинлари мағлубиятга учраб, ўзини Бухоро амирининг ноиб деб тан олган ва Хўжандни Бухорога топширишга мажбур бўлган. 1842 йилда Қўқон хонлигида кўтарилган Мадалихонга қарши кўзғолондан фойдаланиб, Бухоро амири қўшинлари Қўқонни эгаллаган ва Амир Насрулло Мадалихоннинг ўзи, онаси – шоира Нодирабегим, катта ўғли Муҳаммад Амин, укаси Султон Маҳмуд ва бошқаларни қатл эттирган. Амир Насрулло Қўқон хонлигини Бухоро амирлигига қўшиб олинганлигини эълон қилиб, Иброҳим додхоҳни Қўқонга ноиб этиб тайинлаган. Кўп ўтмай, Тошкент ҳам Бухорога бўйсундирилган. Бухоро қўшинлари Қўқон хонлиги ҳудудларини тарк этгандан кейин уч ой ўтгач, маҳаллий халқ қипчоқлар ёрдами билан бухоролик маъмурларни Қўқондан ҳайдаб, собиқ Қўқон хони Норбўтабийнинг укаси Шералихонни тахтга ўтказишган. Шералихон зудлик билан қўшинлар ва шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга киришган. Қасос олиш учун юборилган Бухоро амирининг қўшинлари Қўқон шаҳрини 40 кун қамал қилган бўлсалар-да, уни забт этолмаганлар ва Бухорога қайтиб кетишга мажбур бўлганлар. Кўп ўтмай, Хўжанд ўз ихтиёри билан Қўқон хонлиги таркибига қўшилган, Тошкент ҳам қайта эгалланган. Хонликнинг ҳудудлари қайта тикланган.

Муҳаммад Аминбек – *Қар.: Мадаминбек.*

Муҳаммад Амин Иноқ – Хива хонлигида ўзбек қўнғиротлари сулоласи ҳукмдорлигини бошлаб берган ҳукмдор (1770-1790 йиллар). 1770 йилда туркманларнинг, 1782 йилда бухороликларнинг ҳужумларини бартараф этиб, Хива хонлигида қўнғиротлар сулоласи ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Қўнғирот сулоласи вакиллари Хива хонлигида 1920 йилгача ҳукмронлик қилишган.

Муҳаммад ибн Тоҳир – Хуросонда мавжуд бўлган тоҳирийлар сулоласининг охириги ҳукмдори (862-873 йиллар). Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли.

Муҳаммад ибн Қосим – Умавийлар саркардаси. 712 йилда Басрадан кемаларда сузиб бориб Ҳиндистоннинг Синд вилоятини босиб олган.

Муҳаммад Пайғамбар – 570-632 йилларда яшаб ўтган Ислом динининг охириги ва сўнги пайғамбари. Маккада ҳукмрон бўлган қурайш қабиласининг хошимийлар уруғига мансуб бўлган. Муҳаммад дастлаб Хадича исмли бой хотинга чўпонлик қилган, кейин унга уйланган ва савдогарчилик билан шуғулланган. Муҳаммад янги дин тарғиботчиси (“пайғамбари”) сифатида 610 йилда майдонга чиққан. Бу дин кейинчалик жаҳонда “Ислом” номи билан машҳур бўлган. Муҳаммад араб қабилаларини бирлаштириш учун кўпхудоликка барҳам бериб, битта худо – Аллоҳга сифиниш кераклигини тарғиб қила бошлаган. Аллоҳ қурайш қабиласида мавжуд бўлган бош худонинг номи бўлган. Муҳаммад Аллоҳга бутун олам худоси мақомини берган. Муҳаммад 622 йили янги динини тарғиб қилиш учун Ясрибга кетган (“ҳижрат қилган”). Айнан шу йилдан бошлаб мусулмон тақвими ҳам жорий этилган. Шундан кейин Ясриб шаҳри “Мадина ун-Наби”, яъни Пайғамбар шаҳри” деб атала бошланган. Янги динни қабул қилиш масаласида Мадина ва Макка шаҳарлари аҳолиси ўртасида кучли рақобат бўлган. Муҳаммад мадиналиклар ва бадавий қабилалар ёрдамида қурол кучи билан Маккани ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлган ва маккаликлар ислом динини қабул қилишган. Муҳаммад Маккани янги диннинг маркази эканлиги, Каъбадаги қора тошнинг муқаддаслигини эътироф этиб, ҳар бир мусулмон Маккага ҳаж сафарини амалга ошириши шарт эканлигини таъкидлаган. Муҳаммад вафот этгандан кейин (632 йили) бирлашган араб қабилалари ислом байроғи остида Арабистон ярим оролидан ташқаридаги ерларни истило қила бошлашган.

Муҳаммад Ғурий – Ғурийлар қабиласи ҳукмдори. 1161 йилда Лаҳорни ишғол этган.

Муҳаррам – Ҳижрий-қамарий йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи. Муҳаррам исломдан илгари ҳам арабларда муқаддас ой ҳисобланган, бу ойда қабилалар ўртасидаги уруш-жанжаллар ва қон тўкишлар тақиқланган. Муҳаррам ойининг биринчи ўн кунда шиалар имом Ҳусайнни ёдлаб, мотам тутадилар, турли диний маросимлар ўтказадилар.

Муҳожир – Ўз ватанидан кетиб, бошқа юртда яшовчи, эмигрант.

Муҳожирлик – Ўз мамлакатидан бошқа бир мамлакатга кўчиб кетиш, эмиграция.

Муҳораба – Уруш, жанг.

Муҳосара – Қамал.

Мухр – *Қар.: Тамға.*

Мухрдор – Хон ва амирлар саройида йирик мансабдор. Мухрдорлар зиммасига мухрни сақлаш ва ёрлиқлар, расмий хужжатларга мухр босиш вазифаси юклатилган.

Мухрона – Ўрта Осиё хонликларида қозилар, муфтийлар ва бошқа амалдорлар томонидан бирор бир хужжатга мухр қўйишгани учун олинган пул, ҳақ.

Мухтасиб – Ўтмишда мусулмон мамлакатларида асосан саййидлардан тайинланадиган амалдор. Мухтасиблар аҳолининг шариат қонун-қоидаларига риоя қилаётганларини текшириб бориш, даъволарни эшитиш ва улар бўйича чоралар кўриш, масжидларда муаззинлар тайинлаш ва бошқалар билан шуғулланишган. Ўрта Осиё хонликларида мухтасиб билан бирга раислар ҳам фаолият кўрсатишган. *Яна қар.: Раис.*

Мэйдзи даври – Японияда 1867 йилда Токугава сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилгандан кейин бошланган давр. Мэйдзи даврида Японияда император мамлакатнинг тўлақонли раҳбари бўлган, Конституция қабул қилинган, икки палатали парламент таъсис этилган. Парламентнинг куйи палатаси депутатлари халқ томонидан сайланган, юқори палатаси аъзолари эса, император томонидан тайинланган. Мамлакат иқтисодини ривожлантириш учун иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш бошланган, мамлакатнинг барча вилоятларида божхоналар йўқ қилинган, шаҳарлардаги ишчилар сонини кўпайтириш мақсадида мамлакатда мавжуд бўлган барча қочоқ қулларни ушлаш пунктлари йўқ қилинган. 1869 йилда “тўрт табақа” тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Унга кўра, ўша вақтда Япония жамиятида мавжуд бўлган аҳолининг тўрт тоифалари: феодал-самурайлар, деҳқонлар, косиблар ва савдогарларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган. 1871 йилда эса “париялар” тўғрисида қонун бекор қилинган. Париялар Японияда барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлган тоифа бўлган. Ушбу қонун бўйича париялар ҳам Япониянинг тўлақонли фуқароларига айланишган. Шундан кейин Япониянинг барча фуқаролари ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳуқуқларига эга бўлишган. Мэйдзи даврида Япония худуди 75 та вилоятларга бўлинган, 1872 йилда мажбурий ҳарбий хизмат жорий этилган. Мэйдзи даврида ўтказилган ислохотлар натижасида XIX асрнинг охири чорагида Япония саноати ривожланган мамлакатлар сирасига кирган. Бунда давлатнинг роли катта бўлган. 1868-1885 йилларда давлатнинг маблағларига 1300 саноат корхоналари қурилиб, улар дастлаб катта ишлаб чиқарувчиларга ижарага берилган, кейинчалик эса уларга арзон нархларга сотилган. XIX асрнинг охири чорагида саноат ривожини суръатлари бўйича Япония Россиядан 10 мартаба олдинда бўлган. 1881-1896 йилларда Японияда турли касб эгаларининг касаба уюшмалари ҳамда сиёсий ташкилотлар – Шарқ социалистик партияси, Шарқ озодлиги партияси ташкил этилган. 1889 йилда Японияда ўша даврдаги энг либерал Конституция қабул қилинган.

Мэйдзи исин инқилоби – Японияда 1867-1868 йилларда бўлиб ўтган инқилоб. Унинг натижасида Японияда Токугава сулоласи ҳукмронлиги тугатилган ва императорнинг давлатдаги ҳукмронлиги тикланган. “Мэйдзи”

сўзи маърифатли бошқариш усули, “исин” сўзи эса янгилашиш, реставрация маъноларини англатади. Мэйдзи исин инқилобини қисқача “Мэйдзи инқилоби, бу инқилобдан кейинги даврни эса “Мэйдзи даври” “Мэйдзи инқилоби” деб аташади.

Мэн-ци – Мил. ав. 372-289 йилларда яшаб ўтган қадимги Хитой файласуфи.

Мэр – Англия, Франция, Америка кўшма Штатлари каби мамлакатларда ўз-ўзини идора қилувчи маҳаллий бошқармада мансабдор киши; муниципалитет бошқармасининг бошлиғи.

Мюнхен битими – 1938 йилнинг 29-30 сентябрида Мюнхен шаҳрида Германия ташаббуси билан Чехословакия тақдирига бағишланган конференцияда Англия, Франция, Италия ва Германиянинг давлат раҳбарлари томонидан имзоланган битим. Унга кўра, собиқ Чехословакиянинг Судет вилоятини Германияга бериш ҳамда Венгрия ва Польша давлатларининг собиқ Чехословакияга нисбатан мавжуд бўлган ҳудудий даъволарини қондириш бўйича қарор қабул қилинган. Яъни, Италия, Англия ва Франция Германияга собиқ Чехословакияни босиб олишида тўсқинлик қилмасликларини билдиришган. 1939 йил 14 мартда Германия кўшинлари собиқ Чехословакияга бостириб киришган ва 16 мартда собиқ Чехословакия давлат сифатида тугатилган.

Мўлтони – Лўли.

Мўмин – Илк ислом даврида Мадина жамоа (умма)си аъзоси. Шаръий амалларни тўла-тўқис бажарувчи шахс эса “муслим” деб аталган. Мўмин ва муслим луғавий жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилган. Кейинчалик улар бир мазмунда тушуниладиган бўлган. Қуръонда мўмин сўзи Аллоҳнинг сифати ва диндор эътиқодининг ички, ахлоқий томонини акс эттирувчи алоҳида тушунча сифатида қўлланилган.

Мўътадид – *Аббосий халифа (892–902 йиллар).*

Мўътадиллик – Ўртача, ҳаммага маъқул вазият, ҳолат.

Мўътадил либераллар – Буюк француз инқилобида қатнашган сиёсий куч. Конституцион монархия тарафдорлари бўлишган.

Мўътасим – Аббосийлар халифалигининг халифаси (833-842 йиллар).

– Н –

Набий – Ўзидан олдинги расул келтирган шариатни давом эттириб, одамларни ўша динга даъват этувчи пайғамбар. Набийлар расул ҳисобланмайди, аммо расуллар набий ҳам дейилади.

Набопаласар – Дастлаб Месопотамияда мавжуд бўлган Оссурия армиясининг оддий хизматчиси, 626 йилда Бобил (Вавилон)нинг Оссурия таркибидан ажраб чиққандан кейин “Янги Бобил шоҳлиғи” (Бобил шоҳлигининг халдей даври)нинг йўлбошчиси. У халдей халқига мансуб бўлган.

Навкар (Нукар) – 1. Мўғул хонлари, нўён ҳузурида хизмат қилувчи олий табақали йигитлар. Навкарлар қуролланган эркин кишилар бўлиб, нўёнларга

ўз ихтиёрлари билан хизмат қилишган ва уларнинг қармоғида бўлишган. Уруш пайтида навкар, авваламбор, жангчи, тинчлик пайтида эса кўрикчи ва “уй кишиси”, хонадонга яқин киши бўлган. Ўз истеъдодини намойиш этган кўпгина навкарлар кейинчалик турли ҳарбий бўлинма ва қисмларга қўмондон бўлганлар. 2. Амир Темур ва темурийлар даврида навкар атамаси “хизматкор”, “аскар”, “кўшин” маъноларида қўлланилган. 3. Усмонли турк империясида XIV–XVII асрларда навкар “тансоқчи”, “хизматкор” маъноларини англатган. 4. Сафавийлар давлатида навкар ҳарбий-маъмурий мансабдорга тобе ҳарбий хизматчи, аскар. 5. Хива хонлигида “навкар” сўзи “лашкар”ни англатган. 6. Бухоро амирлигида навкар хизмати учун давлат томонидан белгиланган маош билан таъминланган ва мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган киши тушунилган. Ҳарбий хизматдан бўш пайтларда навкарлар соқчилик вазифасини бажарган.

Навоб (Набоб) – 1. Бобурийлар салтанатида вилоят ҳокими. 2. Ҳиндистондаги мусулмон аслзодасининг унвони; дабдабали ҳаёт кечирувчи бой.

Навоий, Алишер – 1441-1501 йилларда яшаб ўтган буюк мутафаккир, ўзбек адиби, шоири, давлат арбоби. Алишер Навоийнинг асл исми Низомиддин Мир Алишер бўлиб, “Навоий” унинг тахаллусидир. У 1441 йилнинг 9 феврилида Ҳиротда туғилган. Унинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир Ҳуросон ҳукмдори саройида хизмат қилган. Алишер Навоий темурийзода Ҳусайн Бойқаро билан бирга тарбияланган ва 4 ёшида мактабга берилган. Алишер Навоий 10-12 ёшидан шеър ёза бошлаган, 15 ёшида эса шоир сифатида танилган. 1465 йилда Алишер Навоий Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга келишга мажбур бўлган. Алишер Навоий 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача Самарқандда яшаган. Бу ерда у Фазлуллоҳ Абу Лайс Самарқандий мадрасасида таълим олиб, ўз билимларини кенгайтирган. Ҳусайн Бойқаро Ҳуросон ҳукмдори бўлгандан кейин (1469 йилда) кадрдон дўсти Алишер Навоийни Самарқанддан чақириб олган ва саройда муҳрдорлик вазифасига тайинлаган. Кейинчалик Навоий кўпроқ ижодий иш билан шуғулланиш лозимлигини баҳона қилиб, бу мансабдан озод қилинишини Ҳусайн Бойқародан сўраган бўлса-да, 1472 йилда Алишер Навоий саройда бош вазир қилиб тайинланган ва унга “Амири кабир” унвони берилган. Алишер Навоий бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган даврда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга уринган, вақф ишларини тартибга солган, мамлакат шаҳарларида савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривожига катта аҳамият берган, адолатсизлик, ноҳақликка қарши курашган, ожиз, муҳтожларни ўз ҳимоясига олган. Алишер Навоийнинг обрў-эътибори кун сайин ошиб бориши баъзи сарой маъмурларига ёқмаган. Улар Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўрталарига нифоқ солишга эришганлар. 1487 йили Ҳусайн Бойқаро саройдаги баъзи ғаразгўйлар таъсирида Алишер Навоийни бош вазир вазифасидан озод этиб, Астрободга ҳоким этиб тайинлаган. 1489 йилда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни яна Ҳиротга чақириб олган. Унга саройда бир неча юксак лавозимларни таклиф қилган, аммо у биронтасига рози бўлмаган. Шунда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган расмий унвон

берган. Унга кўра, Алишер Навоий саройнинг барча ишларига (шу жумладан бош вазир ишига ҳам) аралashiши, султон билан хоҳлаган вақтда барча масалалар бўйича суҳбат куриши мумкин бўлган. Алишер Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси ва ҳомийлигида Хуросонда, хусусан Ҳирот ва унинг атрофида, 300 дан ортиқ жамоат бинолари (масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, карвонсарой, работ, истироҳат боғлари) ҳамда суғориш иншоотлари (ховуз, кўприк, сув омборлари) барпо этилган. Тарихий манбаларда айтилишича, Алишер Навоийнинг шахсий хомийлигида 40 та работ (қароргоҳ, меҳмонхона ва турар жой сифатида ишлатиладиган бино), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 19 та ховуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва бир нечта мадраса ва шифохона курилган. Алишер Навоийнинг бош вазирлик даврида Ҳиротда адабий ҳаёт жўш урган. Бу ерда юзлаб шоирлар, созандалар, тарихчилар, котиблар, мусаввирлар қизгин ижод билан шуғулланганлар. Алишер Навоий 1501 йилнинг 3-январида вафот этган ва Ҳирот шаҳрида дафн этилган. Алишер Навоий ўзидан жуда бой ва ранг баранг бадиий мерос қолдирган. Унинг энг асосий асарлари “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”), “Хамса” (беш дostonдан иборат асар), “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам подшоҳлари тарихи”), “Мажолис ун-нафоис” (“Нафислар мажмуаси”), “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”), “Девони Фоний” (“Фоний девони”), “Лисон ут-тайр” (“Қушлар тили”), “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалблар севгилиси”) ва ҳоказо. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. 1991 йилда Алишер Навоийнинг 550 йиллиги тантанали нишонланди. Унинг мукамал асарлар тўплами нашр этилди.

Наврўз – Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий анъанавий байрами. Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби бўйича йилнинг биринчи куни. Григорян тақвими бўйича март ойининг 21 кунига тўғри келади. Тарихий манбаларга кўра, наврўзни байрам қилиш аҳмонийлар давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Мустабид совет ҳукмронлиги даврида Наврўз байрамига қарши расмий ва норасмий кураш олиб борилган. 1989 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистонда Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Навуходоносор II – 586 йилда Қуддусни босиб олган Бобил давлатининг ҳукмдори.

Надел – Чекка ер; чор Россиясида крепостной ҳуқуқи бекор қилингандан кейин дехқонларнинг помешчиклардан олган бир бўлак ер майдони.

Надим – 1. Яқин, сирдош, дўст, ҳамсуҳбат. 2. Хон ва амирлар саройида маслаҳатчи. 3. Салжуқийлар даврида хизматкор.

Надоф – Ўрта Осиё хонликларида пахта титувчи ёки жун саваловчи косиб.

Надр Мухаммадхон – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1642-1645 йиллар). Унинг ҳукмронлик даврида мамлакатда ички низолар ва марказқочар кучларнинг курашлари авж олган. Тошкент, Хўжанд, Туркистон ва бошқа

худудлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган. Надр Муҳаммадхоннинг ўзи ўта такаббурли, мол-мулкка ўч, қайсар бўлган. Шунинг учун зодагонлар ва оддий халқнинг у олиб бораётган сиёсатидан норозилиги ошиб борган. Унга ҳатто ўз ўғиллари (12 та) ҳам бўйсунмай қўйишган. 1645 йилда қўшинлар амирлари Надр Муҳаммад ўрнига унинг ўғли Абдулазизхонни хон деб эълон қилганлар. Надр Муҳаммадхон Балхга қочиб кетишга мажбур бўлган. У бобурий шоҳ Шох Жаҳондан Бухоро тахтини қайтадан эгаллаб олиш учун унга ҳарбий ёрдам беришни илтимос қилган. Шох Жаҳон ўғиллари Муродбахш ва Аврангзебни катта қўшин билан Балхга юборган. Бироқ, Шох Жаҳон улар олдига Надр Муҳаммадхонга ёрдам бериш эмас, балки Балхни босиб олиш вазифасини қўйган. Бундан хабар топган Надр Муҳаммадхон Балх остонасида Муродбахш ва Аврангзеб қўшинларига қарши жангга киришган ва мағлубиятга учраган. Шундан сўнг Надр Муҳаммадхон Эронга шоҳ Аббос II паноҳига қочишга мажбур бўлган. Бобурийлар қўшинлари икки йил Балхда туриб, талон-торожчилик билан шуғулланишган. 1647 йилда Шох Жаҳон ўз қўшинларини Балхдан чиқартириб олган ва Надр Муҳаммадхонга Балхга келиб, ўз ҳукмронлигини давом эттиришни таклиф этган. Надр Муҳаммадхон Балхга қайтган. Бундан хабар топган Бухоро ҳукмдори Абдулазизхон (Надр Муҳаммадхоннинг ўғли) 1651 йилда ўз укаси Субҳонқулини Балхга ҳоким этиб тайинлаган. Надр Муҳаммадхон бундай вазиятда Балх ноиблигидан воз кечиб, ҳаж сафарига кетишга қарор қилган ва йўлда вафот этган. Надр Муҳаммадхон Мадинага, акаси Имомқулихон қабри ёнига дафн этилган.

Нажмиддинхўжа – 1865 йилда Бухоро амири Амир Музаффар томонидан Петербург шахрига юборилган элчилар раҳбари.

Нажотқор – Нажот берувчи, халос этувчи, қутқарувчи.

Назария – Амалиёт синовларидан муваффақиятли ўтган, маълум бир тизимга киритилган илмий қарашлар мажмуи.

Назр – Ислом таълимотида бирор диний ҳатти-ҳаракатни бажариш ёки бирон нарсани дин йўлида ҳады қилиш ҳақидаги диндорнинг аҳди, ўз-ўзига ваъдаси “назр” дейилади. Диндорлар сўфий раҳнамоларига, пирларига фақат пул ва молни эмас, балки фарзандларини ҳам назр қилиб бериш ҳоллари бўлган.

Найза – Душманга қўл билан отиб ёки уриб санчиладиган учи ўткир қурол.

Найзабозлик – Ўтмишда қўл жанги турларидан бири; рақибни найза санчиб маҳв қилиш.

Найман – Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқларининг таркибига кирган йирик қабила уюшмаси. Ўзбек найманлари Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси ва Хоразмда яшаганлар.

Намангоний, Фазлий – XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган шоир, адабиётшунос. Умархоннинг ҳаёти, фаолияти, ҳарбий юришлари, ҳукмронлиги давридаги воқеаларни тасвирлайдиган “Умарнома” достонининг муаллифи. Фазлий Намангоний Қўқон хони Умархон топшириғига биноан 1821 йилда “Мажмуаи шоирон” тазкирасини тузган.

Намоз – Ислом динига эътиқод қилувчилар бажариши фарз ҳисобланган ибодат шакли. Намозни махсус жойнамоз устида таҳорат олингандан кейин ўқилади. Намоз ҳар куни муайян вақтларда беш маҳал: бомдод намози – эрта тонгда, пешин намози – тушдан кейин, аср намози – кун ботишидан олдин, шом намози – кун ботганда, хуфтон намози – тунда ўқилади. Булардан ташқари “тарових намози” мавжуд бўлиб, у рамазон ойида ҳар куни оғиз очилгандан сўнг ўқилади. Жума намози масжидда жамоат бўлиб, жума кунлари ўқилади ва пешин намозининг ўрнини босади. Ҳайит намози Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кунлари масжидда ўқилади.

Намозгоҳ – Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари мусулмонлар намоз ўқийдиган жой, масжид. Бундай кунларда намозхонлар масжидларга сифмаганликлари сабабли баъзи шаҳарларнинг ташқарисида махсус, кенг намоз ўқиладиган жойлар, яъни “намозгоҳ”лар қурилган.

Намойиш – Хайрихоҳлик, ҳамкорлик, бирдамлик ёки норозилик билдириш учун уюштирилган оммавий юриш.

Нанкин шартномаси – Биринчи “афюн уруши”дан кейин 1842 йилда Англия ва Хитой ўртасида имзоланган шартнома. Унга кўра, Гонконг (Сянган) ороли Англия тасарруфига ўтган, савдо учун 5 та Хитой порти Англия ихтиёрига топширилган, Хитой Англияга жанг товонини тўлаган, Англия Хитойда савдо қилиш учун имтиёзларга эга бўлган.

Наполеон I, Бонапарт – 1769-1821 йилларда яшаб ўтган француз давлат арбоби ва саркардаси. 1769 йили Францияга қарашли бўлган Корсика оролида таваллуд топган. Олий ҳарбий билим юртини битириб, зафарли ҳарбий ютуқларга эришган. Наполеон I Бонапарт 1789 йилда бошланган Буюк француз инқилобини илиқ кутиб олган. 1792 йилда у якобинчилар клубига аъзо бўлган. 1796 йилда Италияда ҳаракат қилаётган француз қўшинларининг бош қўмондони этиб тайинланган. Унинг қатъий таклифи билан Франция Директорияси Мисрга ҳужум қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган. Лекин 1799 йил октябрь ойида Наполеон ўз қўшинларини Ўрта ер денгизи соҳилларида қолдириб, Парижга қайтган. Ўша вақтда Директориянинг мавқеи заиф бўлган. 1799 йилнинг 9-10 ноябрида Наполеон Директорияни истефога чиқишга ундаган. Бир кундан сўнг эса акаси депутат Люсвена Бонапарт ёрдами билан Франциянинг олий ҳокимияти бўлган Қонунчилик корпус биносини ўзига содиқ бўлган қўшинлар билан қуршаб олган. Қонунчилик корпуси депутатларига ҳокимиятни Наполеон бошчилигидаги уч консулга топшириш талаби қўйилган. Бу талаб қондирилган. Тезда Наполеон Бонапартни Франциянинг биринчи консули лавозимида тайинлаш бўйича умумхалқ овоз бериш уюштирилган. Кўпчилик овоз билан Наполеон Франциянинг биринчи консули этиб сайланган. Унга катта ваколатлар берилган. Наполеон Буюк француз инқилоби қўлга киритган демократик ютуқларни бекор қилган бўлса-да, мамлакатнинг иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор берган. У 1800 йили француз банкига асос солган. 1802 йили Наполеон I Бонапарт Франциянинг умрбод консули, 1804 йили эса император деб эълон қилинган. Наполеоннинг императорлиги даврида Франция Европада янги ерларни забт этган. Европада тўлиқ ҳукмрон бўлиш мақсадида Наполеон

Англияни забт этишни мўлжаллаган. Бу йўлда у Испания кўмагига суянган. Лекин 1805 йил октябрь ойида бўлиб ўтган жангда инглизлар Франция ва Испания ҳарбий кемаларининг деярли барчасини ёндириб ёки чўктириб юборишган. Шундан кейин Наполеон Англияга нисбатан иқтисодий муҳосира (блокада) эълон қилган. Аммо бундан Франциянинг ўзи кўпроқ зарар кўрган. 1810-1811 йилларда уюштирилган кўплаб ҳарбий юришлари натижасида Франция ҳолдан тойган. Наполеоннинг обрўи пасайган. Франциянинг олдинги буюклигини қайтадан тиклаш мақсадида Наполеон Россия устидан ғалабага эришишни мўлжаллаган. 1812 йилда Наполеон 640 минглик қўшин билан Россияга ҳужум қилган. Бу жангда Франциянинг “буюк армия” деб ном олган қўшинлари Россия қўшинлари томонидан тор-мор этилган. Россиядан чекинаётган француз қўшинларига қарши Европа мамлакатларида озодлик урушлари бошланиб кетган. Францияга қарши Россия, Буюк Британия, Пруссия, Швеция, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг иттифоқи тузилган. 1814 йили март ойининг охирида ушбу иттифоқ қўшинлари Париж шаҳрини ишғол этишган. Ўша йилнинг апрелида Наполеон I Бонапарт ғолиб давлатларнинг қарорлари билан унинг император унвони сақланиб қолинган ва унга Эльба оролини бошқариш буюрилган. Шундан сўнг Франция тахти Буюк француз инқилоби йилларида қатл этилган Людовик XVI нинг укаси Людовик XVIII га насиб этган. Эльба оролида туриб Наполеон Франциядаги ижтимоий-сиёсий вазиятни диққат билан кузатиб борган. Францияда эса Людовик XVIII сиёсатидан катта ер эгалари, ҳарбийлар ва зиёлиларнинг норозилиги кучайиб борган. 1815 йил 1 мартда Наполеон минг кишидан иборат ўз тарафдорлари билан Эльба оролидан чиқиб Парижга ҳарбий юриш уюштирган. Людовик XVIII томонидан Наполеон Бонапартга қарши юборилган қўшинлар бирин-кетин Наполеон томонига ўта бошлаганлар. Людовик XVIII Парижни ташлаб қочган. Натижада уша йилининг 20 мартда Наполеон яна Франция тахтини эгаллаган. Лекин Европа мамлакатлари Наполеон ҳукуматини тан олишмаган. 1815 йили март ойининг охирларида Россия, Буюк Британия, Австрия, Пруссия ўрталарида Наполеонга қарши иттифоқ тузилган. 1815 йил 18 июнида Бельгиянинг Ватерлоо қишлоғи ёнида Наполеон армияси Англия ва Пруссия қўшинлари томонидан тор-мор этилган. 24 июнда эса Наполеон Франция тахтидан воз кечган. Шундан сўнг Францияда Людовик XVIII қайта тахтга ўтирган. Наполеон I Бонапарт эса Атлантик океанидаги инглизларга тааллуқли бўлган Муқаддас Елена оролига сургун қилинган. У ўша оролда 1821 йилнинг 5 майида 52 ёшида вафот этган. 1840 йилда Наполеоннинг хоки Париждаги ногиронлар уйига келтирилиб қайтадан кўмдирилган. XX асрнинг 90-йилларида тарихчилар ва тиббиёт ходимлари Наполеон секин-аста таъсир кўрсатадиган захар билан захарланганини аниқлашган.

Наполеондор – Француз олтин тангаси. Наполеон I томонидан зарб этиш йўлга қўйилган.

Наполеон III (Луи Наполеон Бонапарт) – 1808-1873 йилларда яшаб ўтган Франция императори (1852-1870 йиллар). 1847 йилда Францияда иқтисодий бўҳрон бошланган. Оммавий ишсизлик, иш ҳақининг камайиши,

озиқ-овқат моллари нархининг ошиши мамлакатда инқилобий вазиятни келтириб чиқарган. 1848 йилнинг 22 февралда Париж халқи кўзғолон бошлашган. 24 февралда кўзғолончилар курул-яроғ омборларини, маъмурий биноларни қўлга киритишган. Франция қироли Луи Филипп Англияга қочиб кетган. Натижада Францияда яна республика тузуми ўрнатилган ва “Иккинчи республика” деб ном олган давр бошланган. 1848 йилнинг 12 ноябрида Францияда янги Конституция қабул қилинган. Унга кўра, мамлакатда иккита бир-биридан мустақил ҳокимият – президент ва парламент бўлиши кўзда тутилган. Ўша йил декабрь ойида эса Францияда альтернатив (муқобиллик) асосда президентлик сайловлари ўтказилиб, унда Наполеон I Бонапартнинг жияни 40 ёшли Луи Наполеон Бонапарт сайланган ва Франциянинг биринчи президенти бўлган. Кўп ўтмай Луи Наполеон Бонапарт билан парламент (Миллий қонунчилик мажлиси) ўртасида рақобат кучайиб борган. 1851 йилнинг 1 декабрида Луи Наполеон Бонапарт вазирлар ва ҳарбийлар ёрдамида давлат тўнтаришини амалга ошириб парламентни тарқатиб юборган. Натижада Францияда яна бир мартаба республика тузумига барҳам берилган. Луи Наполеон Бонапарт 1852 йилда ўзига Наполеон III номини олиб Франция императори бўлган ва Франция тарихида Иккинчи империя даври бошланган. Наполеон III ҳукмронлиги даврида Францияда катта буржуазия ҳокимияти мустаҳкамланган, саноат ва савдо ривожланган, Франция шаҳарларининг қиёфаси ўзгарган. Уларда кўпқаватли бинолар, хиёбонлар, кенг кўчалар, қасрлар қурилган. Айниқса, Париж шаҳри юксалган. 1860 йилдан бошлаб Наполеон III Франциянинг демократлари, республикачи ва либераллари таъсирида либерал ислохотлар ўтказишга мажбур бўлган. XIX асрнинг 60-йиллар охирида Франциянинг Пруссия давлати билан муносабатлари кескинлашган ва 1870 йилнинг июлида бу давлатларнинг ўртасида уруш бошланган. Ўша йилнинг 3 сентябрида Франция армияси тор-мор этилган ва Наполеон III пруссияликлар томонидан асирга олинган. Бундан фойдаланиб Парижнинг республикачилари (республика тузуми тарафдорлари), демократлари ва либераллари кўзғолон кўтаришган ва 1870 йилнинг 4 сентябрида Иккинчи империяга барҳам беришган. Наполеон III пруссияликлар асирлигидан озод этилгандан кейин Англияга кетган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган.

Нарамсин (Нарам-Суэн) – Тахм. мил. ав. XXIV–2200 йилларда Месопотамияда мавжуд бўлган Аккад давлатининг ҳукмдори. Саргоннинг набираси. Унинг ҳукмронлиги даврида Аккад давлати тараққий этиб, давлат ҳудудлари кўшни шаҳар – давлатларни босиб олиш ҳисобидан кенгайган. Нарамсин ўзини худо деб эълон қилиб, мустабид ҳокимият ўрнатган.

Нарва жанги – 1700-1721 йилларда Россия ва Швеция ўрталарида бўлиб ўтган “Шимолий уруш”даги биринчи жанг. Унда Россия мағлубиятга учраган.

Наркомания – *Қар.: Гиёҳвандлик.*

Народниклар – XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда пайдо бўлган инқилобий ижтимоий-сиёсий ҳаракат қатнашчилари. Народниклар 1861 йилдан, яъни Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан кейин, асосан прокламация тарқатиш билан шуғулланганлар. Бу прокламациялар

Россиянинг турли табақаларига бағишлаб ёзилган. Прокламациялар унча самара бермагандан кейин, улар бевосита халқ ичига кириб бориб, уларни инқилобга чақирмоқчи бўлишган. Ушбу ҳаракат қатнашчиларини Россия тарихида “народниклар” (“халқчилар”) деб аташади. Народниклар община социализми тарафдорлари бўлишган. “Община” сўзининг маъноси ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоийлиги ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган инсонлар бирлашмасидир. Народниклар деҳқонлар общиналарини идеаллаштириб, Россияда содир бўладиган ижтимоий инқилобнинг асосий кучини деҳқонлар сиймосида кўришган. XIX асрнинг 70-йиллари народниклар назариётчилари М.А. Бакунин, П.Л. Лавров ва П.Н. Ткачёвлар бўлишган. Улар община инқилоби тарафдорлари бўлишсалар-да, уни амалга ошириш йўллариини таклиф этиш бўйича турли фикрларга эга бўлишган.

Наршахий, Муҳаммад – 899-959 йилларда яшаб ўтган Ўрта Осиёлик буюк тарихчи-олим. Бухоро яқинидаги Наршах (ҳозирги Вобкент) қишлоғида туғилган. Унинг “Тарихи Бухоро” (“Бухоро тарихи”) асари бизгача етиб келган. Бу асар сомонийлар ҳукмронлиги даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли манба ҳисобланади.

Насабнома – Шажара, наслу насаб ёзилган ҳужжат.

Насафий, Сайидо – 1637-1710 йилларда яшаб ўтган шоир.

Насимий – 1370-1471 йилларда яшаб ўтган шоир.

Насоро – Аслида “насоний” сўзининг кўплиги бўлиб, масихийлар, христианлар маъносини англатади. Қуръонда Исо пайғамбарга эргашган диндорларнинг аталиши. Ривоятларга кўра, Исо Масих Носира номли шаҳарда туғилган бўлиб, уни “Носирий” деб атардилар. Унга эргашган кишини эса “насоний” деб атай бошлаганлар.

Насроний – *Қар.: Насоро.*

Насруллохий, Абдуллоҳ – Тахм. XV асрнинг 70-йиллари – XVI аср ўрталарида яшаб ўтган тарихчи олим. Шайбоний ҳукмдорларининг хизматида бўлган.

Настаълик – Хаттотлик услуги, араб мумтоз хат услубларидан бири. XIV асрда шаклланган.

Насх – Араб ёзувининг бир тури. Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган “Қуръон” шу ёзувда ёзилиши одат тусига кирган.

НАТО – *Қар.: Шимолий Атлантика шартномаси ташиқлотти.*

Натурализм – Санъат ва адабиётда ижтимоий тараққиёт қонунларини рад қилувчи, табиат қонунларини механик равишда жамиятга кўчирувчи оқим. Натурализм тарафдорлари воқеа ва ҳодисаларнинг сиртқи томонларига эътибор бериб, уларни юзаки тасвирлайдилар.

Натурал хўжалик – Бозорга чиқариб сотиш учун эмас, балки ўз аъзоларининг эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик.

Наутак – Ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудида мавжуд бўлган қадимги шаҳар.

Нахшаб – 1. Қашқадарё воҳаси этагининг қадимги номланиши. Ҳозирги Қарши воҳаси. Нахшаб ҳақидаги дастлабки маълумотлар V асрда Хитой йилномасида қайд этилган. 2. Қарши яқинида арабларга қарши кўзғолон

кўтарган “Оқ қийимликлар” раҳбари Ҳошим ибн Ҳаким Муқанна томонидан ясалган ва анчагина масофани ёритувчи ойсимон асбоб.

Нацизм – 1920 йилда Адольф Гитлер томонидан тузилган “Германия национал-социалистик ишчи партияси” номидан келиб чиққан сўз. “Национал-социалистик” иборасидан иккитадан ҳарфлари олиниб (**Национал-социалистик**), унга “зм” ҳарфлари қўшилган (на-ци-зм). Шунинг учун Гитлер раҳбарлик қилган “Германия национал-социалистик ишчи партияси”ни кўпинча “нацистлар партияси” деб аташади. Нацизм мафкурасининг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат: Германия халқи учун барча йўллар билан “ҳаётий кенгликни” таъминлаш, немис халқи “олий ирқ (орийлар) бўлганликлари учун” Европада, кейинчалик бутун дунёда ҳукмрон бўлишлари шарт, нацистлар мақсадларига эришишлари учун олиб бориладиган “абдий кураш”ни адолатли ва табиий деб тарғиб қилиш, норд (яъни герман) ирқига мансуб бўлмаган барча халқларни абдий қулликка айлантириш, бутун шарқий Европани германлаштириш ва ҳоказо. Нацизм мафкураси қаттиққўллик билан тарғиб қилинган. Германиянинг барча таълим муассасалари, ташкилотлар ҳарбийлаштирилган, аҳолига фюрернинг буюклиги ва даҳолигига ишонч сингдириб борилган.

Национализация – Ер, саноат, транспорт, алоқа, банклар ва ҳоказоларнинг хусусий мулкдан давлат мулкига ўтиши. Национализация характери мамлакатда мавжуд бўлган ижтимоий тузум билан белгиланади. Капитализм шароитида, одатда, етарли даражада даромадли бўлмаган ёки ҳатто зарар келтирадиган корхоналар, ишлаб чиқариш тармоқлари национализация қилинади. Корхона эгаларига компенсация тўланади.

Нақиб – 1. Ўзларини Муҳаммад Пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоасининг етакчиси, раҳбари. Нақиблик лавозими араб халифалиги даврларида вужудга келиб, маҳаллий ҳукмрон доиралар нақиб орқали саййидлар жамоалари билан муомала қилганлар. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ўтган. 2. Салжуқийлар ва Бухоро хонлиги даврида хонга яқин амалдор. Асосан ҳарбий ишлари бўйича қозилик билан шуғулланишган.

Нақшбанд, Баҳоуддин – 1318-1389 йилларда яшаб ўтган буюк тасаввуфшунос олим. Баҳоуддин Нақшбанднинг тўлиқ исми Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий бўлган. У 1318 йилда Бухоро вилоятининг Қасри Ҳиндувон қишлоғи (ҳозирги Когон тумани)да туғилган. Кейинчалик бу қишлоқ Баҳоуддин шарафига “Қасри Орифон” деб аталган. Сўфийлик таълимоти ривоятларига кўра, Баҳоуддиннинг дунёга келишини хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ҳазрат Бобойи Самосий (1354 йилда вафот этган) олдиндан башорат қилган экан. Самосий Бухоро шаҳри яқинидаги Самос (ҳозирги Ромитан тумани ҳудуди) қишлоғида туғилган. У умр бўйи боғбонлик билан шуғулланган. Баҳоуддин туғилгандан сўнг, уни Бобойи Самосий фарзандликка қабул қилган. Бобойи Самосий Баҳоуддин тарбиясини ўзининг шогирди ҳазрат Мир Кулол (1370 йили вафот этган)га топширган. Мир Кулол бу вазифани тўлиқ адо этган. Баҳоуддиннинг отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Баҳоуддиннинг

ўзи ҳам ота касби билан шуғулланган. Шунинг учун у халқ ичида “нақшбанд” номини олган. Сўфийлик таълимотида Баҳоуддинга “нақшбанд” номи берилганлигининг бошқа талқини ҳам мавжуд. У шундан иборатки, Ҳазрат Баҳоуддин ким билан суҳбатлашса, суҳбатдан сўнг Аллоҳнинг номи ўша одам қалбига нақш (нақш бар дил банд – кўнгилга нақш эт)ланиб қоларкан. Баҳоуддин халқ орасида “балогардон”(дуо билан бало-қазони қайтарадиган) номи билан ҳам машҳур бўлган. Нақшбанд икки мартаба ҳаж сафарини адо этган. Баҳоуддин фақирона умр кечирган, ўз меҳнати билан топган ризқ-рўзи билан кифояланган, уйда хизматкор тутишни гуноҳ деб билган. Унинг уйида ҳеч қачон мол-дунё, бойлик сақланмаган. Баҳоуддин Нақшбанд 1389 йили вафот этган ва ўзи туғилган Қасри Орифон қишлоғида дафн этилган. 1993 йилда Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги кенг нишонланган. Ҳозирги кунда Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси таъмирланган ва зиёратгоҳга айлантирилган.

Нақшбандия (нақшбандийлик) тариқати – Сўфийликда Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тариқат. Бу тариқатни яратишда у Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий таълимотларидан фойдаланган. “Нақшбандия” тариқатининг асосини “дил ба ёру даст ба кор” (“кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда”) деган шиор ташкил этади. Нақшбандия тариқатида диний расм-русумлар, одатларни кўр-кўрона адо этиш, сохта диндорлик қораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик билан Аллоҳга интилиш эса юксак фазилат ҳисобланади. Нақшбандия тариқати асосида вужудга келган таълимот Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Махтумқули каби шоир ва мутафаккирлар нақшбандия тариқатида бўлганлар.

Неандерталлар – Қадимги қазилма одамлар, палеоантропларнинг бир гуруҳи. Неандерталлар скелет қолдиқлари (бош мия қутиси, қовурғаларнинг бўлақлари, елка ҳамда сон суяқлари ва бошқалар) 1856 йили Неандерталь водийсида (Германиянинг Дюссельдорф шаҳри яқинида; номи ундан олинган), шунингдек, Осиё ва Африкада топилган.

Невский, Александр – 1200-1263 йилларда яшаб ўтган Русь ерларида мавжуд бўлган Новгород князлигининг князи. Мўғуллар босқинидан фойдаланиб немис феодаллари Болтиқ денгизи қирғоқларида яшайдиган қабилаларни христианликнинг католик мазҳабига ўтказиш баҳонасида Русь ерларига ҳужум бошлашган. Кейинчалик немисларга шведлар қўшилишган. Айни шу вақтда Александрнинг ҳарбий маҳорати намоён бўлган. У ўзининг унчалик катта бўлмаган лашқари билан 1240 йилнинг 15 июлида Нева дарёсининг бўйида жойлашган шведлар қароргоҳига тўсатдан ҳужум қилиб, уларни тор-мор этган. Бу жанг тарихда “Нева жанги” деб аталади. Шундан сўнг унга “Невский” фахрий номи берилган. Кейинчалик Александр Невский немис қўшинларини ҳам мағлубиятга учратган. Невскийнинг немисларга қарши ҳал қилувчи жанги 1242 йилнинг 5 апрелида музланган Чуд кўлида бўлиб ўтган. 1251 йилда мўғуллар хони Ботухон олдига келган ва у билан

дўстлашган. Кейинчалик Ботухоннинг ўғли Сартак билан ака-ука тутинган. 1252 йилда мўғул кўшинларини Русь ерларига бошлаб келган ва Швецияга қочиб кетган акаси Андрей ўрнига Владимирнинг улуғ князи бўлган.

Нейтралитет – *Қар.: Бетарафлик.*

Некрасов, Николай Алексеевич – 1821-1877 йилларда яшаб ўтган рус шоири.

Некролог – *Қар.: Таъзиянома.*

Некрополь – Қадимги қабристон. Бу атама Антик ва Илк Ўрта асрлар давридаги қабристонларга тааллуқли. Некрополлар шакли, тузилиши, кўмиш одати, ижтимоий-этник буюмлари билан бир-биридан ажралиб туради. Некрополлар тошдан ва тупроқдан кўтармали ёки кўтармасиз қилиб қурилган. Улар ер ости ва ер усти мақбараларга ажралади.

Нектар – Қадимги Юнонистон мифологиясида худолар ичимлиги.

Неоколониализм – Янги тарихий даврда империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлаётган шароитда мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар устидан янги ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва бу мамлакатлар халқларини эксплуатация қилишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати, янги мустамлакачилик.

Неолит даври – Тош асрининг янги, энг сўнгги даври (мил. ав. 6-3 мингйиллик). Бу даврда сопол идишлар ишлаб чиқарила бошланган, овчилик, деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган.

Неофашизм – Иккинчи жаҳон урушидан кейин қайтадан тикланаётган фашизм. Неофашизм ашаддий шовинизм, ирқчилик ва жаҳолатпарастлик ғояларига суянади. Ҳозирги даврда бундай кайфиятдаги гуруҳлар турли мамлакатларда пайдо бўлмоқда.

Непотизм – Папаларнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида даромадли мансаблар, черков лавозимлари ва ерларни ўз қариндошларига тақсимлаб бериши. XV–XVI асрларда кенг тарқалган.

Нептун – Рим мифологиясида дастлаб булоқ ва дарёлар худоси, кейин юнонлар худоси Посейдон билан тенглаштирилиб денгизлар худоси сифатида сиғинилган.

Нергал – Қадимги шумерликлар ва аккадликларнинг ер ости салтанати худоси.

Нерон, Клавдий Цезарь – 37-68 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим императори (54-68 йиллар). Нерон 54-йилда император деб эълон қилинганда 17 ёшда бўлган. Дастлаб у барча давлат ишларини сенат ва яқинларига ишониб топширган. Ўзи эса кўп вақтини шеърлар ижод қилиш, театрларда актёр бўлиб чиқишлар қилиш билан шуғулланган. Кейинчалик эса ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашишга мажбур бўлган. Бу курашлар жараёнида Нерон ҳатто хотинини ва ўз онаси Агриппинани хоинликда гумон қилиб ўлдиртирган. 64-йил ёзида Рим шаҳрида катта ёнғин бўлган. Ёнғин 6 кун давом этган. Римнинг 14 та туманидан 3 таси буткул ёниб кетган. 7 тасида эса биноларнинг кўп қисми ёниб кетган. Минглаб одамлар вафот этган. Ёнғин муносабати билан Нерон душманлари у ҳақда бўхтонлар тарқата бошлашган. Улар Нерон Троя ҳалокати ҳақида поэма ёзишни қарор қилган ва уни тасаввур

қилиш мақсадида Римда ёнғин уюштиришни буюрган, деган миш-мишларни тарқатишган. Нерон бўҳтончиларни қаттиқ жазолашга қарор қилган. Римда оммавий қамокқа олишлар ва қатл этишлар бошланган. Римни қайта қуриш баҳонасида Нерон вилоятлар аҳолисидан ундириладиган солиқлар миқдорини оширган. 65-йилда Нерон ўзига қарши суиқасд уюштирилаётганидан хабар топиб, барча суиқасдчиларни қаттиқ жазолаган, кўплаб сенаторлар, шоирлар қатл этилган. 67-йилда Римда эпидемия бошланган. Нерон ўз вакилларини Римда қолдириб ўзи Юнонистонга борган. Юнонистонда Нерон кўплаб шоирлар ва ҳофизлар мусобақаларида, Олимпиада ўйинларида иштирок этган. Шу вақтда Рим империясининг ўзида аҳвол ёмонлашган: Британия ва Иудеяда кўзғолонлар бошланган, Галлия аҳолиси ҳам кўзғолон кўтаришга тайёргарлик кўра бошлашган, Рим шаҳрида императорга қарши янги суиқасд фoш этилган, ғазна бўшаб қолган. 68 йилда Нерон Римга қайтиши билан Римнинг ғарбида жойлашган Аквитания ҳокими Юлий Виндекс раҳбарлигида императорга қарши кўзғолон бошланган. Кўзғолончиларга қарши юборилган қўшинлар Виндекс томонига ўтиб кетишган. Бу воқеадан кўрқиб қолган Нерон ўзини ўлдирган.

Неру, Жавоҳарлал – 1889-1964 йилларда яшаб ўтган Ҳиндистон давлат арбоби. Индира Гандининг отаси. Жавоҳарлал Неру Ҳиндистон мустақиллиги учун курашган. У инглиз мустамлакачилари томонидан таъқиб қилинган, унинг 10 йилдан ортиқ умри қамокда ўтган. Ҳиндистон Миллий Конгресси раҳбарларидан бири. Жавоҳарлал Неру Ҳиндистонда “янги Ҳиндистон бурнёдкори” деб эъзозланган. У мустақил Ҳиндистон Республикасининг биринчи бош ва ташқи ишлар вазири бўлган. Жавоҳарлал Неру Кўшилмаслик ҳаракати асосчиларидан бири ҳисобланади. “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарининг муаллифи.

Нефтни экспорт қиладиган давлатлар ташкилоти (ОПЕК) – 1960 йилда Бағдод конференциясида Венесуэла ташаббуси билан тузилган ташкилот. 12 та давлат унинг таркибига кирган: Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливия, Нигерия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва Эквадор. ОПЕКнинг асосий мақсади аъзо мамлакатларнинг нефть сиёсатини мувофиқлаштириш ва бирхиллаштириш; улар манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали индивидуал ва жамоавий воситаларини белгилаш; нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар манфаатларига доимий эътибор беришдан иборатдир. ОПЕК таркибига конференция ва кўмиталар, бошқарувчилар кенгаши, Бош котиб раҳбарлигидаги котибият ва иқтисодий комиссия киради.

Нехо II – Қадимги Миср ҳукмдори. Мил ав. 663-610 йилларда ҳукмронлик қилган Псамметих I нинг ўғли. Қадимги Мисрнинг сўнгги шoҳлик даврида ҳукмронлик қилган. Унинг ташаббуси билан Миср денгиз аскарларининг кемада Африка қитъаси атрофи бўйлаб илк сафари (экспедиция) муваффақиятли ўтган.

Нигилизм – Мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш.

Нигохдошт – Тасаввуфда қалбни Аллоҳга боғлаб, ундан ўзга барча нарсани унутиш ҳолининг бардавом бўлиши.

Ниёзбей – “Ёш турклар” ташкилоти раҳбарларидан бири. Станбул ҳарбий гарнизонининг бошлиғи. 1908 йилнинг 3 июлида биринчи бўлиб Туркия султониغا қарши чиққан.

“Низоми жаид” – Қар.: *“Янги Низом”*.

Ника – Қадимги юнонлар маъбудаси. Ҳарбий тўқнашувлар ва спорт мусобақаларида ғалаба ифодачиси ҳисобланган.

Николай I – Россия императори (1825-1855 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Россиянинг мустамлакачилик сиёсати кучайган. 1839 йилнинг охири – 1840 йил бошларида Россия Хива хонлигини ўз тасарруфига киритиш мақсадида генерал Перовский бошчилигидаги рус қўшини Хивага ҳарбий юриш уюштирган. Россиянинг Хивага қарши бу ҳарбий юриши мағлубият билан яқунланган. XIX асрнинг 40-50-йилларида қозоқларнинг катта жузи Россия фуқаролигига киритилишига қарши ҳаракатлари бўлиб ўтган. Бу ҳаракатлар Россия қўшинлари томонидан бостирилган. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигининг шимолидаги қозоқ ерларига кириб бориб, ҳарбий қалъалар барпо эта бошлаганлар. 1845 йилда Иртиш дарёси бўйида Урал, 1847 йилда Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойида Райим (Арал), 1848 йилда Қарабулоқ ва Еттисув ҳарбий қалъалари қурилган. Кейинчалик, Россия 1851 йилда Қўқон хонлигига қаршли бўлган Тойчибек, 1853 йили Оқ-мачит, 1860 йилда эса Пишпек ва Тоқмак қалъаларини ҳам қўлга киритишган. Россия Кавказ учун урушларини давом эттирган (1817-1864 йиллар). Николай I ҳукмронлиги даврида Россияда барча турдаги хурфикрлилик таъқиб этилган. А.С.Пушкин ва М.Ю. Лермонтов каби буюк шоирлар декабристларга хайрихоҳ бўлганликлари учун ҳукумат томонидан азият чекишган. Анархизм назариётчиларидан бири бўлган М.А. Бакунин (1814-1876 йиллар) Сибирга бадарға қилинган, инқилобчи-демократлар А.И.Герцен ва Н.П.Огарев хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлишган.

Николай II – Россиянинг сўнгги императори (1894-1917 йиллар). 1917 йил бошида тахтдан афдарилиб, 1918 йилнинг 17 июлида большевиклар партияси томонидан оила аъзолари билан бирга отиб ташланган.

Никоҳ – Ислом таълимоти бўйича эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домла томонидан ўқиладиган шартнома.

Никсон, Ричард – 1913-1994 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 37-чи президенти (1969-1974 йилларда).

Нимфалар – Юнон мифологиясида тоғлар, ўрмонлар, денгизлар, булоқларда яшовчи табиат маъбудалари. Зевснинг қизлари ҳисобланиб, Артемида ёки Диониснинг ҳамроҳлари деб тасаввур этилган ва кўпгина маҳаллий динларда уларга эътиқод қилинган. Нимфаларга бағишлаб, ғорларга, булоқларга, денгиз қирғоқларига қурбонликлар келтирилган.

Нинмах – Қадимги шумерликларда она худо, инсонларни яратган.

Нирвана – Буддизм ва жайнизм динларининг асосий тушунчаси. Инсон интилишининг олий ҳолатини, мақсадини ифодалайди. Буддизмда нирвана-инсон ички дунёсининг мукамаллиги, орзу-истаклари, яшаш ҳисси, қаноат, таркидунёчилик каби руҳий ҳолатлар. Буддизм тараққиёти жараёнида этик-психологик нирвана тушунчасига уни мутлақ деган тасаввур ҳам кўшилди. Жайнизмда нирвана-материя кишанидан, туғилиш ва ўлишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ташвишларидан озод жоннинг мукамал ҳолати.

Ниррити – Қадимги ҳинд мифологиясида илоҳа, вайронкорлик ва ўлим ифодачиси.

Нисаба – Қадимги шумерликларда дастлаб ҳосил, кейинчалик китобат санъати, фан, меъморчилик, мунажжимлик худоси.

Нисо – ҳозирги Ашхобод шаҳридан 18 км. шимолий- ғарбда жойлашган қадимий шаҳар.

Ницше, Фридрих – 1844-1900 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи.

Нобель, Альфред Бернхард – 1833-1896 йилларда яшаб ўтган буюк швед олими, динамит ихтирочиси. Альфреднинг отаси Эммануэль Нобель ҳам (сув ости миналари ихтирочиси), унинг укаси Людвиг Нобель (станоклар конструктори) ҳам йирик олимлар бўлишган. Альфред Нобель кўплаб Европа мамлакатларида динамит ишлаб чиқариш фабрикалари куриб, катта даромад олган. У Нобель мукофотини таъсис этиш тўғрисида васият қилган. Унга кўра, Нобель жамғармаси ташкил этилган. Ушбу жамғармага келиб тушган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, ирки, миллати, жинси ва динидан қатъи назар физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолияти учун берилади. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллик юбилейи муносабати билан иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган кўшимча Нобель мукофотини таъсис этган. Нобель мукофоти Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ бўлган (даромаднинг бешдан бир қисми) маблағдан иборат. Вафот этганларга Нобель мукофоти берилмайди. Биринчи Нобель мукофоти 1901 йилда берилган. Нобель мукофотини топшириш тантаналари ҳар йили Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун, яъни 10 декабрда ўтказилади.

Нобилитет – Рим республикасида мил. ав. III аср бошида келиб патрицийлар билан плебейлар ўртасидаги кураш натижасида шаклланган ҳукмрон табақа. Нобилитетлар давлатнинг олий мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган.

Новгород ерлари – XII аср ўрталарида Русь ерларида мавжуд бўлган уч йирик давлат тузилмаларининг бири.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари (Нодавлат ва жамоат ташкилотлари) – Давлатга қарашли бўлмаган, фоида олиш учун тижорат билан шуғулланмайдиган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1. Аҳолининг айрим тоифалар манфаатларини кўзлаб фаолият олиб борадиган (“Маҳалла”, “Нуроний”

жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ногиронлар уюшмаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳоказо). 2. Ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар (“Экосан”, “Соғлом авлод учун”, “Амир Темур”, “Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш”, “Оролни қутқариш” ва ҳоказо). 3. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти ва ҳоказо). 4. Ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари (ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, судьялар, адвокатлар ва ҳоказоларнинг жамоат ташкилотлари). 5. Миллий маданият марказлари (Ўзбекистонда яшовчи миллий жамоалар вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида тузилган ташкилотлар). 6. Умуммиллий жамиятлар ва жамғармалар (Болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, Талабалар жамғармалари ва ҳоказо). 7. Ижодий қизиқишлар билан боғлиқ маҳаллий бирлашмалар (экология, сайёҳлик масалалари бўйича тузилган бирлашмалар, бадий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари ва ҳоказо). 8. Жамоат муассасалари (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, “Сабр” ишонч маркази ва ҳоказо).

Нодира (асл исми Моҳларойим) – 1792-1842 йилларда яшаб ижод қилган шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. Қўқон хони Умархоннинг хотини, Муҳаммад Алихон (Мадалихон)нинг онаси. “Комила” ва “Макнуна” таҳаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Нодира Қўқон хонлиги ҳудудида бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Қўқонда мавжуд бўлган Гўристони калондаги “Мадрасаи Чалпак”, Тақагарлик растасидаги “Моҳларойим мадрасаси”ни бино эттирган. Бугунги кунгача Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик мероси етиб келган. 1842 йилда Бухоро амири Амир Насрулло фармони билан ўлдирилган.

Нодиршоҳ Афшор – Эрон шоҳи (1736-1747 йиллар). Асли қизилбошлиларнинг афшор қавмидан бўлган. Нодиршоҳ дастлаб Хуросонда ҳарбий қўмондон бўлган. 1726 йили сафавийлар шоҳлари хизматида ўтган. Жанглarda кўрсатган шижоати туфайли сафавийлар саройида Нодиршоҳнинг обрўси ва нуфузи ошган. 1732 йилда Нодиршоҳ сафавийлар шоҳи бўлган Таҳмасп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга ҳомий (регент) деб эълон қилган. 1736 йилда эса Эрон тахтини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Нодиршоҳ марказлашган империя тузишга эришган. У Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Доғистон, Афғонистон, Балужистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, шимолий Ҳиндистон ҳудудларини ўз империяси таркибига киритган. Нодиршоҳ Бухоро хонлигини забт этиш мақсадида ўзининг катта ўғли Ризоқули Мирзони 1200 кишилик лашкар билан юборган. Ризоқули Мирзо Қарши шаҳрини қамал қилиб турганда, Хива хони Элбарс катта қўшин билан бухороликларга ёрдамга келаётганини эшитиб, ортга қайтишга мажбур бўлган. 1740 йили эса Нодиршоҳнинг ўзи катта қўшин билан Бухорога қарши урушга отланган. У Балхни эгаллаб, Бухоро томон йўл

олганда манғит сулоласидан бўлган Қарши ҳокими Муҳаммад Ҳакимбий ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий уни қўллаб-қувватлашган. Уларнинг воситачилигида Нодиршоҳ Бухоро устидан ўзининг сиёсий ҳокимиятини ўрнатган. Нодиршоҳ Хива устидан ҳам ғалаба қозониб, Эронга қайтган. Кейинчалик Нодиршоҳ саройида ички низолар ва фитналар кучайган. 1747 йили Нодиршоҳ ўз жияни Алиқулихон томонидан ўлдирилган. Алиқулихон ўзига “Одилшоҳ” номини олиб Эрон тахтига ўтирган. Нодиршоҳ ўлимидан кейин Эрон давлати кичик хонликларга бўлиниб кетган. Кичик хонликлар ўртасида узоқ давом этган урушлардан кейин 1796 йилда Эронда кождарлар сулоласи вакили бўлган Оға Муҳаммад Эрон тахтини эгаллашга муваффақ бўлган.

“Нодонлик ва жаҳолат даври” – Гуманистлар томонидан аталган қадимги Юнон ва Рим билан Уйғониш даври орасидаги вақт.

Нозир – 1. Қилинаётган ҳаракатнинг тўғрилигини, қонун, қарор ва низомларнинг бажарилишини назорат қиладиган мансабдор шахс, инспектор. 2. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасида вазирликни бошқарувчи масъул шахс-вазир. 3. Баъзи араб мамлакатларида вилоят бошлиғи. 4. Ўрта Осиё хонликларида сарой таъминоти ва унинг харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор шахс.

Нойиб (Ноиб) – 1. Ўринбосар, ёрдамчи. 2. Ўтмишда мусулмон мамлакатларида ўлка ёки вилоят ҳукмдори.

Номаи аъмол – Амаллар дафтари.

Номарх – Қадимги Мисрда ном (маъмурий округ) ҳукмдори. Номнинг маъмурий идоралари, судлов тизими ва қўшинни бошқарган, суғориш тизими, солиқларни йиғиш устидан назорат қилган. Фиръавнларнинг жойлардаги ноиби ҳисобланган.

Номинализм – Ўрта асрлар Ғарбий Европа фалсафасида оламда фақат яқка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса нарсаларнинг номларидангина иборат, деб ҳисоблайдиган оқим, йўналиш.

Номлар – Қадимги Мисрдаги маъмурий округларнинг қадимги Юнонистон ва қадимги Римда аталиши (мисрча “сепат”). Номларнинг маъмурий аппарати номархга бўйсунган.

Нон қонунлари – Буюк Британияда XV–XIX асрларда дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатга олиб кириш ёки олиб чиқишни тартибга солиб турган қонунлар (асосан, олиб киришга божхона тарифларини белгилаш орқали).

Нордизм – Ирқчилик кўринишларидан бири. Нордизм ғайриилмий назария бўлиб, унинг асосида “шимолий” (норд) ёки “арий” ирқи инсониятнинг бошқа ирқларидан устун эканлиги ҳақидаги даъво ётади. Нордизм асосчилари француз социологлари Ж.А.Гобино ва Ж.В.Лапуж ҳисобланади. Нордизм маддоҳлари “шимолий” ва “герман” ирқларини тенг қўйишган, герман ирқини “олий” ирқ ҳисоблаб, цивилизациянинг барча ютуқлари учун инсоният “олий” ирқдан миннатдор бўлиши керак деб даъво қилишган. Германия фашизми назарийетчилари нордизмни ўз расмий мафқурасига айлантирган эдилар.

Нот – Қадимги юнонларнинг жанубий шамол худоси, сернам туман олиб келади деб ҳисобланган.

Нота – 1. Музыка асарининг ёзма матни. 2. Бир давлатнинг иккинчи давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси.

Нотабль – Францияда XIV–XVIII асрларда қирол томонидан давлат масалалари, асосан, молиявий ва маъмурий масалаларни муҳокама қилиш мақсадида чақирилган йиғин аъзолари. Генерал штатдан фарқли ўлароқ, қирол томонидан олий дворянлик вакиллари, рухонийлар ва шаҳар етакчилари орасидан тайинланган. Нотабль йиғини маслаҳат ҳаракатига эга бўлган.

Нотариал акт – Нотариусда гувоҳлантирилган ёзма ҳужжат.

Нотариат – Юридик ҳужжатлар тўғрилигини гувоҳлантириш, асл ҳужжатлардаги ва уларнинг нусхаларидаги имзоларнинг тўғрилигини тасдиқлаш каби ишлар билан шуғулланадиган идора.

Нотариус – Нотариал актларни бажарувчи киши.

Нокус – Христианлар ибодатхоналаридаги зангўла.

Ноҳия – Ўтмишда кичик маъмурий-худудий бўлинма.

Нужум илми – *Қар.: Астрология.*

Нуклеус – Археологияда тош қуроллар ясаш учун чакмоқтош ёки бошқа тош парчалардан учириб олинадиган тош бўлган. Нуклеуслардан қирғич ва найзасимон қуроллар ясашган.

Нумизматика – Тангалар ҳақидаги фан. Нумизматика тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалгани, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганеди. Нумизматика тушунчасига яна қоғоз пулларни ўрганиш (бонистика) ва медаль, жетон, орден ҳамда нишонларни ўрганиш (фалеристика) ҳам киради.

Нунурта – Қадимги шумерликларнинг уруш, ўсимликлар ва ҳосилдорлик худоси.

Нуржаҳон бегим – Бобурийлар давлатининг ҳукмдори Жаҳонгиршоҳнинг ўқимишли ва тадбиркор хотини.

Нуску – Шумер ва аккадликларда олов, ёруғлик илоҳи.

Нут – Қадимги мисрликларнинг осмон худоси.

Нух – Ислом таълимотига кўра, энг узок умр кўрган пайғамбар. Манбаларда унинг 1000 йилдан 1600 йилгача умр кўрганлиги айтилган.

НЭП – *Қар.: Янги иқтисодий сиёсат.*

Нью-Ван – Қадимги хитойликлар худоси, қорамол ҳомийси.

Нюрнберг суд жараёни – Потсдам конференцияси қарорларига кўра АҚШ, собиқ СССР ва Буюк Британия томонидан таъсис этилган Халқаро ҳарбий трибуналнинг 1945 йилнинг 20 ноябридан 1946 йилнинг 1 октябригача Германиянинг Нюрнберг шаҳрида асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан амалга оширилган суд жараёни. Нюрнберг суд жараёни қарорига кўра, 12 киши ўлим жазосига ҳукм этилиб, дорга осилганлар (ўзини захарлаган Г.Герингдан ташқари), 7 киши узок муддатли ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар. Халқаро ҳарбий трибунал СС, Гестапо, СДларни жиноятчи ташкилотлар, деб эътироф этган. Нюрнберг суди агрессия инсониятга қарши энг оғир жиноят деб таъкидлаган.

Ньютон, Исаак – 1643-1727 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз олими ва ҳозирги замон табиатшунослигининг асосчиларидан бири. Ньютон илм ривожига қўшган хизматлари учун 1707 йилда Англияда лорд унвонига сазовор бўлган. Исаак Ньютон, механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратган, бутун олам тортиниш қонунини кашф этган, немис олими Г.В.Лейбниц (1646-1716 йиллар) билан бирга ҳозирги замон олий математикасига асос солиб, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан, кўзгули телескопни кашф этган, оптика соҳасида кўплаб асарлар ёзган, биринчи бўлиб тўлқин узунлигини ўлчашга муваффақ бўлган, инерция (Ньютоннинг биринчи қонуни), таъсир ва акс таъсир (Ньютоннинг учинчи қонуни) қонунларини таърифлаб берган.

Нўён – Қадимги турк ва мўғул қўшинларида шаҳзода ва султонлар. Мас., Чингизхоннинг кичик ўғли Тулуйхон “Улуғ нўён”, Субутой ва Жебелар эса “нўён” деб аталган. Нўёнлар, одатда, бир туман (10 минг киши) қўшинни бошқаришган.

Нўғойлар – 1. Татарлар. 2. Шимолий Кавказнинг шарқий ҳудудларида яшовчи, турк тилида сўзлашувчи халқлардан бири.

–О–

Обдастагардон – Ўтмишда йўқолган ёки ўғирланган нарса ўғрисини “топиш” усули. Бунда ичига сув солинган обдаста бўғзидан ип боғлаб, бармоққа осиб айлантирилган, дуолар ўқилган, обдаста айланишдан тўхтаганда, унинг жумраги даврада ўтирган гумондорлардан қайси бирининг қаршисида тўхтаса, ўша киши “ўғри” саналган.

Обелиск – Мемориал иншоот тури, ёдгорлик. Юқори (учи)га томон ингичкалашиб борадиган, асосан тўртбурчаксимон қиррали устун. Тарихий шахс ёки воқеалар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Дастлаб қадимги Мисрда пайдо бўлган, одатда, сарой ва ибодатхоналар олдида ўрнатилган.

Обид – Тоат-ибодат қилувчи, художўй, тақводор.

Обканд – Қадимда ва Ўрта асрларда шаҳарни сув билан таъминлаш мақсадида қазилган суғориш тармоғи. “Обканд” шаҳар суви, шаҳар ариғи маъноларини англатади. Бухоро шаҳрининг Шаҳруд (шаҳар руди), Тошкентнинг Анҳор канали шу мақсадда қазилган қадимги шаҳар суғориш тармоқларидир.

Обмўри – Ўтмишда қалъа, истехком, қўрғон ва шаҳарларни ичимлик суви билан таъминловчи ер ости сув иншооти. Обмўри икки хил – қудукли ва сопол қувурлар ётқизилган лаҳим (туннел)ли бўлган.

Обо – Қозоғистон, Ўрта ва Марказий Осиёда тоғ чўққиларида маҳаллий аҳоли томонидан бунёд этилган тош уюми. Рухларга сажда қилиш жойи.

Оброк – Ўрта асрларда Россияда помешчиклар томонидан деҳқонлардан пул ва озиқ-овқат кўринишида олинадиган йиллик йиғим. Озиқ-овқат оброки 1861 йил 19 февралдаги Низомга асосан бекор қилинган, пул оброки вақтинча мажбурият асосида ишловчи деҳқонлар учун 1883 йилгача сақланиб қолган.

Обсерватория – *Қар.: Расадхона.*

Объектив борлиқ – Биздан ташқарида ва онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё.

Объективизм – Ташқи оламдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни фалсафий таҳлил қилиш, билиш жараёнида субъект хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда баён этиш. Объективизм ташқи олам нарса ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишни англатади.

Объектив қонуният – Биздан ташқарида ва онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган қоида-қонуниятлар.

Огаҳий – 1809-874 йилларда яшаб ўтган шоир, тарихчи, таржимон.

Один – Скандинавларнинг бош худоси, Маънавий ҳокимият ва донишмандлик ифодачиси, уруш худоси. Ғалаба ёки мағлубият тақдим этади деб тушунилган.

“Одиссея” – Қадимги Юнонистонда яратилган эпос достони.

Озурда – Озор чеккан, ранжиган.

Оила – Эр-хотин иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи.

Ойбоқ, Қутбиддин – Деҳли султонлигининг асосчиси. 1206-1211 йилларда ҳукмронлик қилган.

Ойтамғали – Ўзбек халқи таркибига кирган дўрмон, қипчоқ, қурама, кўнғирот, Нурота туркманлари ва бошқа қабилалар таркибига кирган йирик уруғлардан бири.

Океан – Ер шарининг қитъалари ўртасидаги бепоён сув ҳавзалари: Тинч океани, Атлантик океан, Ҳинд океани, Шимолий муз океани.

Окультизм – Махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар ёрдамида айрим инсонларгина била оладиган коинотдаги сирли кучлар мавжудлигини эътироф этадиган таълимот.

Оккупацион кўшинлар – Ўзга давлатнинг ҳудудини куч билан эгаллаб турган кўшинлар.

Оккупация (Ҳарбий оккупация) – Халқаро ҳуқуқда уруш олиб бораётган томон қуролли кучларининг душман ҳудудини вақтинча эгаллаб олиши. Ҳарбий оккупация режими 1907 йилги тўртинчи Гаага конвенцияси ва “Фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Женева конвенцияси (1949 йил) билан тартибга солинган. Бу ҳужжатларда оккупация қилиб турган ҳокимият ўзи эгаллаган жойларда тартибни сақлаши, фуқароларнинг шаъни, оилавий ҳуқуқлари ва ҳаётини ҳурмат қилиши, мол- мулк, маданий бойликларни яқсон этмаслиги ва ҳоказолар назарда тутилган.

Округ – Мамлакат ҳудудидаги маъмурий-сиёсий, хўжалик, ҳарбий ва ҳоказо бўлинма, мас., ҳарбий округ, сайлов округи, маъмурий округ.

Окс хазинаси – *Қар.: Амударё хазинаси.*

Оксиарт – Ўрта Осиёлик зодагон. Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёлик хотини Рахшонак (Роксана)нинг отаси.

Октябрь давлат тўнтариши – Большевиклар партияси томонидан Россиянинг Петроград шаҳрида 1917 йилнинг 25 октябрида амалга оширилиб, “Улуғ октябрь социалистик инқилоби” деб аталган давлат тўнтариши. Бу тўнтариш натижасида Муваққат ҳукумати аъзолари қамоққа олинган. Ўша куннинг ўзидаёқ Петроградда Бутунроссия Советларининг II фавқулодда қурултойи бўлиб ўтган. Унда В.И.Ленин бошлиқ Совет ҳукумати–Халқ Комиссарлари Совети тузилган. Кейинчалик Советлар бутун Россия ҳудудида ўз ҳукуматини ўрнатиш учун кураш бошлаган. Россия пойтахти Петроградда амалга оширилган Октябрь давлат тўнтаришидан кейин Туркистон ўлкаси (Тошкентда) большевик В.С.Ляпин бошчилигида инқилобий қўмита тузилган ва у қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилган. 1917 йилнинг 27 октябридан 28 октябрга ўтар кечасида бошланган қўзғолон тўрт кун давом этган. 1 ноябрда Муваққат ҳукуматнинг Тошкент қўмитаси ағдарилган. Унинг раиси генерал Коровиченко ва аъзолари қамоққа олинган. Туркистон ўлкасини муваққат бошқариб турувчи Туркистон Муваққат Ўлка Ижроя Комитети тузилган. Ижроқўм таркиби 9 кишидан иборат бўлган. 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган советларнинг III ўлка қурултойи Туркистон ўлкасида янги ҳукумат – Туркистон Ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХКК) тузилган.

Ол – 1. Авлод, насаб, уруғ, сулола. 2. Ўтмишда жанг жараёнида душманни чалғитиш учун қўлланадиган тактикавий усул. Ушбу усулда кичик бир ҳарбий қисм мағлуб бўлгандай чекинади, уни таъқиб қилиб хужумга ўтган душман олдиндан тайёрланиб турган пистирмага дучор бўлади. Дастлаб Чингизхон, кейинчалик Амир Темур ва бошқа Ўрта Осиё лашкарбошилари ол усулидан фойдаланишган. 3. Подшоҳ муҳри, имзо.

Оламгир – Оламни фатҳ этувчи, жаҳонгир.

Олампаҳо – Хон ва амирларга бериладиган лақаб, унвон.

Олег – Новгород князи. 882 йилда Киевни ўз тасарруфига тушириб, Қадимги Киев Руси давлатига асос солган.

Олигархия – Давлат бошқарув шакли. Олигархияда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик аристократлар ёки бойларнинг кичик гуруҳи томонидан амалга оширилади (мас., молия олигархияси).

Олий Бош Қўмондон Қароргоҳи (Ставка Веховного главнокомандования) – Германия собиқ Совет Иттифоқига хужум қилгандан кейин 1941 йилнинг 30 июнида И.В.Сталин раҳбарлигида ташкил этилган қароргоҳ. Ушбу қароргоҳ Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет қўшинлари устидан стратегик раҳбарликни амалга оширган.

Олимп – Юнонистон (Греция) ҳудудида мавжуд бўлган тепалик, тоғ.

Олимп дини – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган дин. Олимп тоғи шарафига аталган. Олимп динида инсонлар илоҳийлаштирилган. Бу дин ақидаларига кўра, худолар – бу абадий яшайдиган, ёш, кучли ва гўзал кишилардир. Олимп дини бўйича катта (улкан) ва кичик (ёш) худолар мавжуд бўлган. Кичик худолар катта худолар ҳукмронлигига барҳам беришган ва жаҳонни бошқаришган. Кичик худолар ичида Зевс энг асосий худо ҳисобланган. У худолар отаси, чакмоқсочар сифатида алоҳида эъзозланган.

Гера Зевснинг хотини бўлган. Гера осмон маъбудаси ва никоҳлар ҳомийси ҳисобланган. Зевс ва Герадан ташқари қадимги Юнонистонда қуйидаги худолар эъзозланган: Посейдон – денгиз худоси, Деметра – ҳосилдорлик ва дон экинлари маъбудаси, Гестия – хонадонлар қўриқчиси, Аида – ер ости олами худоси, Афродита – гўзаллик ва муҳаббат худоси, Дионис – узумчилик ва виночилик худоси, Геракл (Геркулес) – ярим худо.

Олимпиада (Олимпия) ўйинлари – Олимп – бу қадимги Эллада ерида жойлашган тепалиқдир. Қадимги юнонликлар бу тепалиқни муқаддас деб билиб, уни зиёрат қилишган. Олимпия (Олимпиада) ўйинлари айнан шу ерда пайдо бўлган. Бу ҳақда қуйидаги ривоят мавжуд. Қадим замонларда Крон деган худо бўлган экан. У ўз отасини тахтдан зўрлик билан ағдариб, унинг ўрнига олий худо бўлиб олган экан. Крон тахтга даъвогарларни йўқ қилиш мақсадида ҳатто ўз болаларини ҳам еб қўяр экан. Ақалли бирорта бўлса ҳам фарзандини сақлаб қолиш мақсадида Кроннинг хотини маъбуда Рея навбатдаги ҳомилалик даврида Крит оролига қочиб кетган ва ўша ерда Зевс дунёга келган. Рея Зевсни бир ғорга яшириб, Кронга бир тошни йўргаклаб берган. Крон йўргакланган тошни ўзининг навбатдаги фарзанди деб ўйлаб, ютиб юборган. Зевс эса ўша ғорда Амалфея деб аталган эчки сутини ичиб, катта бўлган. Зевс улғайгандан кейин ўз отаси ҳақидаги ҳақиқатни эшитган ва Кронни яккама-якка жангга чақирган. Жангда Зевс ғолиб чиққан ва Кронда ўз ака-сингилларини топиб беришни талаб қилган. Крон ютиб юборган болаларидан Посейдон ва Аидани ҳаётга қайтарган. Шундан кейин Зевс олий худо бўлган ва ер юзидаги барча денгизларни Посейдонга, ер ости дунёсини эса Аидага ҳадя қилган. Ўша вақтдан бошлаб, яъни қонхўр Крон устидан Зевснинг ғалабаси шарафига юнонлар Олимпия байрамини таъсис этишган. Олимпия байрамининг асосий қисмини спорт ўйинлари ташкил этган. Олимпиада ўйинлари Юнонистонда мил. ав. 776 йилдан бошлаб мелодий 394 йилгача ҳар 4 йилда худо Зевс шарафига ўтказилган. Уларда қуйидаги турдаги мусобақалар ўтказилган: икки ғилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш, санъат конкурси (драматург, шоир, қўшиқчи ва созандаларнинг ўзаро мусобақалари). Олимпиада ўйинлари 5 кун давом этган. Ўйинлар вақтида барча урушлар тўхтатилган. Шунинг учун Олимпия ўйинлари чинакам тинчлик даракчиси бўлган. Спорт мусобақаларга эркаклар иштирок этган, аёллардан фақат спарталиқ қизлар қатнашган. Олимпия ўйинлари ғолиблари оддийгина мукофот – муқаддас зайтун дарахти баргларидан тўқилган гулчамбарга сазовор бўлишган. Олимпия ўйинларида ғалаба қозонган киши ғоят даражада иззат-икром қилинган, унинг шарафига қўшиқлар, шеърлар тўқилган, ҳайкалтарошлар ғолиблар ҳайкалларини ясаганлар. 1896 йили Олимпиада ўйинлари қайта тикланган ва умумжаҳон мусобақаларига айлантирилган.

Олимхон – Қўқон хонлигининг ҳукмдори (1801-1810 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида хонлик сиёсий жиҳатдан мустақкамланган. Ҳарбий ислоҳот ўтказиб, қўшинни анча мустақкамлаган Олимхон Оҳангарон, Чимкент, Сайрам, Тошкент вилоятларини ўзига бўйсундирган. Олимхон ҳукмронлиги даврида қўқонлик савдогарлар Россия билан бевосита савдо-

сотик қила бошлаганлар. 1805 йилда Олимхон ўзига хон унвонини қабул қилган ва давлат шу пайтдан эътиборан расман “Кўқон хонлиги” деб атала бошланган. Тахт эгасига эса “бий” эмас, “хон” унвони бериладиган бўлган. Олимхон мамлакатда дин арбобларининг билимини имтиҳон қилиб, ёлғончилар, диний билимлари паст бўлганларни жазолаган. Уламолар Олимхоннинг бу ҳатти-ҳаракатларидан норози бўлишган. Шунинг учун 1810 йилда Олимхон Тошкентда бўлган вақтда дин пешволари ва баъзи зодагонлар томонидан Кўқон саройида фитна уюштирилиб, тахтга Олимхоннинг укаси Умархонни ўтказганлар. Бу хабарни эшитган Олимхон тезда Кўқонга қайтишга қарор қилган, лекин йўлда Кўқондан юборилган қотиллар томонидан ўлдирилган.

Оловкурак – Олов, кул ва шу қабила олиш, ташиш учун ишлатиладиган дастали асбоб, хокандоз.

Оллоқулихон – Хива хонлигининг ҳукмдори (1825-1842 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида хонликда зулм, талончилик, ўзаро урушлар кўпайган. Хивалиқлар бу даврда Бухоро хонлиги ҳудудида 7 марта, Хуросонга 5 марта юриш қилганлар, қорақалпоқ ва туркманларнинг қўзғолонлари шафқатсизлик билан бостирилган. Шундай бўлса-да, бу даврда Хива шаҳрида Оллоқулихон мадрасаси, Оқ масжид, Тошҳовуз қалъаси ва бошқа иншоотлар қурилган, Арабхон ва Муҳаммад Амин Иноқ мадрасалари қайтадан қурилган. Кошинкорлик санъати ривожланган, кўплаб иншоотлар кошинлар билан безатилган, Дишан қалъа (Ташқари қалъа) қурилган. Оллоқулихон 1842 йилда вафот этган ва Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мажмуасида дафн этилган.

“Олти кунлик уруш” – 1967 йилнинг 5-10 июнида Исроил кўшинлари Иордания, Ироқ, Миср ва Сурияга ҳужум қилган. Бу уруш тарихда “олти кунлик уруш” деб ном олган. “Олти кунлик уруш” натижасида Исроил кўшинлари Синай ярим оролинининг Сувайш канали ҳудудларигача бўлган ерларни ўз тасарруфларига ўтказишган, Қуддус шаҳрини эгаллашган, 200 минг араблар Иорданияни, 100 минг суриялик араблар Исроил ва Сурияни ажратиб турувчи Голан тепалиқларини, 300 минг мисрлик араблар Синай ярим оролини ташлаб кетишган.

Олтин бешик ҳақидаги ривоят – Кўқон хонлигининг биринчи беки Шохрухбийнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан эканлигига ишора қиладиган ривоят. Унга кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шайбонийлардан мағлуб бўлиб, Фарғона водийси орқали Афғонистонга кетаётганида йўлда унинг хотинларидан бири ўғил туққан. Бобур янги туғилган болани ўзи билан олиб кетишга имкони бўлмаган. Шунинг учун Бобур болани қимматбаҳо буюмлари билан бешикка ётқизиб, уни ўзининг содиқ хизматкорларидан бири билан қолдириб кетган. Атрофда яшовчи минг қабиласи вакиллари болани топиб олиб, унга “Олтин бешик” деб ном қўйганлар. Олтин бешик минг қабиласи овулида катта бўлган. Олтин бешик вояга етганда унга қирқ, қипчоқ, қирғиз ва минг қабиласидан биттадан қизга уйлантиришган. Олтин бешик битта ўғил кўрган. Уни минг қабиласидан бўлган катта хотини туққан. Туғилган болага Тангриёр (Элоқ султон, Худоёр) деб ном қўйганлар. Ушбу ривоятга кўра, Шохрухбий айнан ўша Тангриёр, яъни Бобур авлодидан

эканлиги таъкидланади. Бу ривоят ҳақиқатга қанчалик тўғри келади, бир нарса дейиш қийин, чунки Бобур ва унинг замондошлари ўз асарларида Олтин бешик ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаганлар.

Олтин ибодатхонаси – Ҳиндистоннинг Амритсар шаҳрида жойлашган сикхларнинг асосий маъмурий ўчоғи.

Олтин Ўрда – Чингизхоннинг набираси, Жўчихоннинг ўғли Ботухон (1208-1255 йиллар) томонидан босиб олинган Шарқий Европа Жўчи улусига бўйсундирилгандан кейин Жўчи улусининг янги номи. Олтин Ўрда таркибига Қуйи Дунай, Фин қўлтиғидан то Иртиш дарёси ва Об дарёсининг қўйи оқимигача, Қора, Каспий, Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган жойлар кирган. Рус ерлари Олтин Ўрдага вассал, яъни қарам бўлган. Олтин Ўрданинг пойтахти дастлаб Ҳозирги Астрахан шаҳри яқинидаги Сарой Боту, кейинчалик эса ҳозирги Волгоград яқинидаги Сарой Берка шаҳарлари бўлган. Олтин Ўрдадан XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, кейинчалик Қозон хонлиги (1438 йили), Қрим хонлиги (1443 йили) ва Астрахан хонликлари ажралиб чиққан. *Яна қар.: Жўчи улуси.*

Олчин – Ўзбек халқининг этник таркибига кирган уруғлардан бирининг номи.

Омил – Ўтмишда солиқ йиғувчи мансабдор шахс.

Оммавий ахборот воситалари – Турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, идоралар, ҳаракатлар, бирлашма ва марказлар, шунингдек, ихтисослашган ва ўз лицензиясига эга бўлган хусусий ва юридий шахслар томонидан чоп этиш воситасида обуна ва эркин савдога чиқариш орқали аҳоли ўртасида тарқатиладиган, турли-туман мавзуларни қамраб оладиган ахборот воситалари, матбуот. Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение ва радиоэшиттиришлар, интернет, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар шулар жумласидандир.

Омнибус – Кўп ўринли от-арава; жамоат транспортининг дастлабки тури. Нечта йўловчи ташишига қараб икки, тўрт ва ҳатто олти от қўшилган. Дастлаб 1662 йилда Парижда пайдо бўлган, кейинчалик бошқа Европа мамлаатларига тарқалган. Шаҳарлар ичида ва шаҳарлар орасида қатнаган. Ички ёнув двигатели пайдо бўлганидан сўнг (1860 йилда) аста-секин ўз аҳамиятини йўқота бошлаган. Баъзи Европа мамлакатларида XX аср бошларигача мавжуд бўлган.

Омул – Ҳозирги Туркменистон худудида мавжуд бўлган Чоржўй шаҳрининг қадимги номи.

Онагр – Қадимги Римда қальани ишғол этиш ва химоя қилишда қўлланилган улкан ҳажмли катапульта тури.

Онг – Ақл-тафаккурни ифода этадиган асосий фалсафий категориялардан бири. Онг кўп қиррали ва мураккаб бўлгани учун фалсафа, психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Онг диний талқинда илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида тарқин қилинади. Онг инсонда алоқалар, муносабат-

лар, объектив дунё қонуниятлари тўғрисида умумий билимлар шаклланишига асос бўлади. Одамнинг фикрлаш қобилияти назарда тутилганда, онг ва ақл атамалари маънолари бир-бирига мос келади.

Оноре де Бальзак – 1799-1850 йилларда яшаб ўтган француз адиби. Машхур асари 97 асардан иборат “Инсон комедияси” эпопеяси.

ОПЕК – *Қар.: Нефтни экспорт қиладиган давлатлар ташкилоти.*

Оппозиция – *Қар.: Мухолифат.*

Оппортунизм – Синфий курашлардан, пролетар революцияси ва пролетариат диктатурасидан воз кечишни, буржуазия билан муросасозлик қилишни тарғиб этувчи сиёсий оқим.

Опричнина – XIV–XV асрларда Русь ерларида буюк князь оиласидан бўлган аёлларнинг махсус удел мулклари.

“Опричнина” сиёсати – Россия ҳукмдори Иван Грозныйнинг 1565-1572 йилларда жорий этган сиёсати. Унга кўра, мамлакатда махсус давлат ҳудуди-опричнина таъсис этилган. Опричнина таркибига Русь ерларининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудлари киритилган. Опричнина ерларини шахсан Иван IV бошқарган. Опричнина ерларига кирмаган ҳудудларни Боярлар думаси-земстволар бошқаришган. Опричнина ерларида Иван IV ўзининг ҳукумат идоралари – дума, приказлар, шоҳ саройи, махсус оприч кўшинларини таъсис этган. Оприч кўшинлари кейинчалик шоҳнинг сиёсий террор ва катагонлар ўтказиш дастгоҳига айланган. Бу террор ва катагонлар ўтказишни Иван IV ўзининг ёрдамчиси бўлган Малюта Скуратов-Бельскийга топширган. У эса опричнина сиёсатини ҳаддан ортиқ шафқатсизларча ўтказган. Минглаб бегуноҳ одамлар ўлдирилган, мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўрган. “Опричнина” сиёсатини жорий этгани учун Иван IV “Грозный” (“даҳшатли”, “кўрқинчли”) лақабини олган. Опричнина сиёсати натижасида Россияда Иван IV нинг шахсий деспотик режими ўрнатилган. *Яна қар.: Иван IV Грозный.*

Опс – Қадимги римликларнинг ҳосилдорлик, экин ва ўрим-йиғим худоси, Сатурннинг рафиқаси.

Оптимизм – Келажак ва умуман ҳар нарса, ҳар иш муваффақиятли бўлишига ишонч билан қараш, кўтаринкилик, қувноқ кайфият. Акси – пессимизм. *Яна қар.: Пессимизм.*

Оракул – Қадимги Шарқ, қадимги Юнонистон ва қадимги Римда гўёки илоҳлардан олинган ҳамда коҳинлар томонидан кишиларга етказилган каромат, шунингдек, каромат эълон қилинадиган жой.

Орган – Бирор ташкилот томонидан нашр қилинадиган ва шу ташкилотнинг қарашларини акс эттирадиган газета, журнал ёки бошқа бир нашр.

Ордалиялар – Ўт ва сув билан қийнаш орқали суд қилиш. Ордалиялар қадимги ҳуқуқнинг кўринишларидан бири бўлган. Илк бор Хаммурапи қонунларида тилга олинган. Сув билан синашда қайноқ сувдан узукни олиш, тезоқар дарёга сакраш керак эди, шунингдек, гумондорнинг оёқ-қўлини боғлаб совуқ сувга туширганлар ва ҳоказо. Ўт билан синашда гумондор қўлини оловга тутиб туриши, ёниб турган гулхандан ўтиши, қиздирилган

темирни ушлаши талаб этилган. Мазкур синовларга бардош берган киши оқланган, аксинча, синовдан ўтолмаганлар гуноҳкор ҳисобланган.

Орипов, Абдулла – 1941-2016 йилларда яшаб ўтган шоир ва жамоат арбоби. Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ориф – Маърифат соҳиби.

Оркус – Қадимги римликларнинг ўлим ва марҳумлар салтанати худоси. Юнонларнинг Аид илоҳига тўғри келади.

Орлеан – Франция жанубида жойлашган қалъа-шаҳар.

Орлеан қизи – Жанна д'Аркнинг француз халқи томонидан эъзозлаб аталадиган номи.

Орол фожиаси – Совет ҳокимияти даврида Амударё, Сирдарё, Чирчиқ, Зарафшон дарёларининг сувларидан ҳисоб-китобсиз фойдаланиш охири-оқибатида пайдо бўлган Орол денгизининг қуриб бориши, экологик муаммо. Орол денгизининг қуриши 1960-1970 йилларда йилига – 18 см, 1971-1980 йилларда – 53 см, 1981-1985 йилларда – 78 см, 1985 йилга келиб эса – 87 см.га етган. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 баравар қисқарган, денгиз ўз қирғоғидан 75-80, баъзи жойларда 100 км.га чекинган. XX асрнинг 80-йиллар бошида Орол денгизига сув келиши деярли бутунлай тўхтаб, нодир сув макони қурий бошлаган. Орол денгизи сувининг пасайиб бориши натижасида 3 млн. га дан ортиқ қуриган денгиз туби қумли саҳрога айланган, Оролбўйи атрофида ҳам жонли, ҳам жонсиз табиат ҳалокат ёқасига келган, минтақанинг иқлим шароитлари ўзгарган, ерларнинг кучли шўрланиши сабабли Оролбўйи минтақасида мавжуд бўлган тарихий ёдгорликларга тузатиб бўлмас даражада зарар етказилган. 1993 йилнинг майида Тошкентда Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича дастлабки Халқаро тадқиқотлар лойиҳаси имзоланган. 1997 йилнинг 18 июнида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилган.

Оромий ёзуви – Мил. ав. VIII аср охирида Яқин Шарқда вужудга келган ёзув. Оромий ёзуви қадимги араб, яҳудий, суғдий ва бошқа ёзувларга асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Оропий – Македониялик Александр томонидан Суғдиёна ҳокими этиб тайинланган киши.

Ортодоксал – Бирор маслакка, дунёқарашга, таълимотга берилган ва ундан сира қайтмайдиган, четлашмайдиган.

Оруэлл, Жорж – 1903-1950 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби.

Орфеизм – Қадимий Юнонистоннинг мистик шоири Орфейга тегишли деб ҳисобланадиган ақидалар, тамойиллар мажмуи. Орфей қалб, руҳ илоҳий, тана эса, нопок эканини таъкидлаган. Орфеизмда ўлим озод бўлиш сифатида талқин этилади.

Осиё – 1. Ер шаридаги энг катта қитъа, Евросиё материгининг бир қисми. Месопотамияда яшаган осурий (ассурий)лар тилида шарқ маъносини англатган “асу” сўзидан олинган деб тахмин қилинади. 2. Тегирмон.

Осиё пули – *Қар.: Тегирмон пули.*

Осий – 1. Ислом таълимоти бўйича дин ва шариятга зид ҳаракат қилган, Аллоҳ ва Қуръонга “тил текизган” гуноҳкор шахс. 2. Қўзғолончи, исёнкор.

Осирис – Қадимги Миср мифологиясида ўликлар оламининг подшоси. Қадимги мисрликларнинг тасаввурларича, ҳар бир инсон вафот этгандан кейин Осирисага ерда яшаган ҳаёти ҳақида ҳисобот бериши ва ундан муваффақиятли ўтганларгина доимий ва илоҳий ҳаётга мушарраф бўлишлари мумкин бўлган. Янги шоҳлик даврида Мисрда “Ўликлар китоби” вужудга келган. Унда ўликларнинг нариги дунёда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар, Осириса олдидаги имтиҳон тафсилотлари ёритилган.

Осори атиқа – Қадимги дунё ёдгорликлари, обидалари.

Оссуарий (Остадон) – Зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяги солинган сопол, тош ёки ганч идиш, суякдон. Зардуштийларда ўликни ерга дафн этиш ман этилган. Шунинг учун ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳарда, тоғ ёнбағри ёки баланд тепаликда махсус супалар ясаб, ўликни ўша ерга элтиб бараҳна (яланғоч) тарзда қўйишган. Ўлимтихўр ҳайвон ва паррандалар мурда гўштларини еб кетгач, суякларини йиғиштириб олиб, алоҳида жойда асрашган. Баъзи қавмларда ўлик куйдирилиб, кули эъзозлаб асралган. Жамоада аждодлар руҳини авайлаб, ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида қопқоқли хумга ўхшатиб оссуарий-суякдонлар яшашган.

Оссурия давлати – Мил. ав. XX-VII асрларда Месопотамиянинг шимолида, Тигр дарёсининг юқори оқими бўйларида мавжуд бўлган қадимий давлат тузилмаси. “Оссурия” сўзи “Ашшур” (“Ассур”) сўзидан олинган. Ашшур Месопотамиядаги қадимий шаҳар-давлатнинг номи бўлган. Мил. ав. XV асрнинг охири-XIV аср бошида Оссурияда ҳарбий саркардаларнинг мавқеи ошган. Улар ҳарбий юришлар ташкил этганлар, мамлакатни тўла ўз назоратларига ўтказганлар. Мил. ав. X аср охири-IX асрда Оссурия армиясида гилдиракли ҳарбий техника фойдалана бошланган, кавалериячилар пайдо бўлган. Оссурия аскарлари тезда муваққат кўприклар яшашни, мудофаа истехкомларни қуриш, қалъалар деворларига таранлар ёрдамида ёриб ўтиш ҳарбий санъатларга эга бўлганлар. Тош ва ёнилғи моддаларни душман томон улоқтирадиган дастгоҳларни ихтиро этишган. Оссурия армияси жанг вақтида ҳарбий- жанговар сафланишга катта эътибор берганлар. Оссурия Асархаддон (мил. ав. 681-669 йиллар) ва Ашшурбанапал (мил. ав. 669-630 йиллар) ҳукмронлиги даврларида ривожланган. Оссуриянинг буткул маҳв бўлишига асосий туртки бўлган воқеа мил. ав. 626 йилда Бобилнинг Оссурия таркибидан ажраб чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилиши бўлган. Бу ҳаракатнинг бошида халдей халқига мансуб Набопаласар турган. Набопаласар олдин Оссурия армияси сафида хизмат қилган. У халдей жангчиларига таяниб, Бобилда ҳукмронликни ўз қўлига киритган ва тарихда “Янги Бобил (халдей) шоҳлиги” деб номланган давлатга асос солган. Набопаласар қўшинлари Оссурия давлатининг пойтахти Ненавия шаҳрини ишғол этиб, унда мавжуд бўлган Оссурия шоҳлари қасрини ёндиришган.

Ост-Индия – Ҳиндистон ҳамда жанубий ва жанубий-шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар ҳудудларининг европаликлар ўртасидаги эски номи. Вест-Индия атамасининг акси сифатида вужудга келган. Ўша вақтларда Американинг Кариб денгизидаги Христофор Колумб кашф этган ороллари

“Ҳиндистон” деб ҳисоблаган европаликлар шарққа томон саёҳат қилиб, ҳақиқий Ҳиндистонни топгач, уни “Ост- Индия” деб атаганлар.

Острог – 1. Қадимги рус князликларининг чегара чизиклари бўйлаб жойлашган ёғоч истехкомлар. XII асрдан бери маълум. Баъзи остроглар кейинчалик йирик шаҳарларга айланган. 2. XVIII–XIX асрларда Россияда девор билан ихоталанган қамоқхона.

Отабек – 1. Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар давлат бошлиқлари унвони (XII– XIII асрлар). 2. Мамлуклар давридаги Мисрда лашкарбоши. 3. Салжуқий султонлар валиахдлари мураббийси. Отабекнинг “оталик” шакли ҳам бўлган.

Отабоев, Қайғусиз Сардоревич – Давлат арбоби. 1887-1937 йилларда яшаб ўтган. Каспийорти вилоятида туғилган. 1917-1920 йилларда Марвда ўқитувчи ва банк ходими бўлиб ишлаган. 1920 йилда Тошкентга чақирилиб Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига тайинланган. Қ.С.Отабоев советлар даврида “босмачилик” деб аталган ҳаракат аслида Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракати эканлигини англаган ва унга қарши қуролли кураш олиб боришни қоралаган. 1922 йилда Самарқанд вилояти ҳудудида қизил армияга қарши курашаётган Баҳромбек кўрбоши билан тенг асосларда тинчлик шартномасини имзолаган. Баҳромбек кўрбошини қамоққа олмагани, у билан тинчлик шартномасини имзолагани учун Қ.С.Отабоев Москвага чақириб олинди, у билан “тарбиявий-тушунтириш ишлари” олиб борилган. 1923 йилнинг ёзида Қ.С.Отабоев Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўроси раисининг биринчи ўринбосари, 1925 йилнинг февраль ойида эса (Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан кейин) Туркманистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси этиб тайинланган. Қ.С.Отабоев 1937 йил 11 июнда Москва шаҳрида қамоққа олинди “халқ душмани” сифатида отиб ташланган. 1967 йилда Туркманистон Республикасининг пойтахти Ашхобод шаҳрида Қ.С.Отабоевнинг ҳайкали ўрнатилган.

Оталиқ – 1. Кавказ халқлари, кельтлар, араблар ва бошқаларда бадавлат хонадон эгалари томонидан фарзандларини тарбиялаш учун вассаллар ёки хизматкорларга бериш. Фарзанд маълум ёшга етганда оиласига қайтган. 2. Салжуқийлар даври (1038-1194 йиллар)да султон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. “Оталиқ сўзи “ота ўрнига ота” деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ҳамда улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи оталиқлар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, аштархонийлар даврида Балхда Маҳмудбий оталиқ (XVIII аср бошлари), манғитлар даврида Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1753-1758 йиллар) ҳокимиятни эгаллаган.

Оташарава – Паровоз, поезд.

Оташгоҳ (Оташхона, Оловхона) – Оташпарастилар сиғинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. Ҳар бир шаҳар ва каттароқ қишлоқда оташгоҳлар бўлган. Улар қавм раиси томонидан тайинланган озарбон (оташбон) томонидан кўриқланиб, назорат қилиб турилган.

Оташкада – Зардуштийлик дини ибодатхонаси. Дастлаб оташкада диний маросим ва ибодатларни бажариш маскани бўлган. Аста-секин оташкаданинг вазифалари ўзгара бориб, сосонийлар даврида жамоа йиғинлари ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган жойга айланган. Оташкадалар бир неча хужра толор (зал)лардан иборат бўлган.

Оташпарастилик – Оташ (олов)га талпиниш, сиғиниш. Қадимги даврларда олов одамларни гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган.

Отин – Диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний маросимларни ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний маълумот бериб, улардан тушадиган ларомад ҳисобига яшаганлар.

Отряд – 1. Жанговар ёки махсус вазифани (разведка, илғор отряд ва бошқалар) бажариш учун тузиладиган вақтинчалик ёки доимий ҳарбий тузилма. 2. Айрим давлатлар ҳарбий ҳаво кучлари эскадрилья таркибига кирувчи бўлинма.

Отсиз, Жалолиддин – Хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдори (1127-1156 йиллар). Хуросон ерларини, Марв, Нишопур шаҳарларини ўз тасарруфига ўтказган.

Оттоман империяси – Усмонли турк империясининг Европа халқлари томонидан аталиши.

Оттон I – Германия ерлари ҳукмдори (936-973 йиллар). Генрих I нинг ўғли. Оттон I ҳукмронлиги даврида немис епископларига кенг ваколатлар, кўп ерлар берилган. Немис дин раҳбарлари Рим папасига деярли бўйсунмай қўйишган. Шунингдек славянларга қарши кураш кучайган, уларнинг энг яхши ерлари тортиб олиниб, колонист-немисларга берилган. Оттон I нинг фикрича, Германия императори “дунёга ҳоким бўлиши” лозим бўлган. Шунинг учун у ўз нигоҳини Италиянинг шимолига қаратган. 961 йилда Рим папаси Иоанн XII Рим баронларига қарши курашда 22 ёшли Оттон I дан ёрдам сўраган. Оттон I Рим феодалларини тор-мор этиб, папани тахтга ўтказган. Бунга миннатдорлик сифатида папа 962 йилнинг бошида Оттонга императорлик тожини кийгизиб, уни Рим императори деб эълон қилган. Шундан кейин бу империя тарихда “Муқаддас Рим империяси”, XII асрдан эса “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” деб аталган. Оттон I, кейинчалик Оттон II ва Оттон III ҳам мамлакатни Римда туриб бошқарганлар.

Офицер – Қуролли кучлар, полиция ва жандармериянинг командирлар (бошлиқлар) таркибидаги ҳарбий хизматчи. Офицер унвори XVI аср охирида дастлаб Францияда, сўнгра Европанинг бошқа давлатларида, Россияда XVII асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган.

Офтобачи – Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдор ва улуғ меҳмонлар кўлига офтобадан сув қуювчи шахс. Офтобачи саройларда юқори лавозим ҳисобланган. Масалан, Қўқон хонлигида Худоёрхон ҳукмронлик даврида Абдурахмон офтобачи масъулиятли давлат топшириқларини адо этган. Хива хонлигида эса офтобачи хоннинг таҳоратига сув берувчи мансабдор шахс бўлган.

Охлократия – Демократиянинг оломоннинг беқарор талаб-истакларига асосланган ва кўпинча демагоглар таъсири остидаги шакли. Ўтиш даври ва инқирозли пайтлар учун характерли.

Охранка – Туркистон ўлкасида чор Россияси ҳукмронлиги даврида мустамлакачиларнинг яширин полиция ташкилотининг номи.

Охунд (Охун) – 1. Мулла, муаллим, устоз. 2. Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган ном. Мадрасаларда мударрислик ва масжидларда имомлик қилган шахслар ҳурмат юзасидан умумлаштирилган ҳолда “охунд” деб номланган.

Очиқ шаҳар – Халқаро ҳуқуқда урушаётган давлатлардан бири томонидан ҳимоясиз деб эълон қилинган ва шу боисдан ҳарбий ҳаракатлар сахнаси бўла олмайдиган шаҳар. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Брюссель (1940 йили), Париж (1940 йили), Бельград (1940 йили), Манила (1942 йили), Рим (1943 йили), Флоренция (1944 йили), Афина (1944 йили) очиқ шаҳарлар деб эълон қилинган.

Ошмеҳтар – Хива хонлигида хон дастурхонига тортиладиган овқатларнинг пиширилишига жавобгар бўлган киши.

Оятлар – Қуръон сураларининг бандлари. Ислом таълимотига кўра, оятлар Оллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад Пайғамбарга ваҳий қилиб бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши мўъжизаси. Қуръоннинг VII асрга оид илк нусхаларидаёқ суралар оятларга бўлинган ва ҳар бир сура доирасида тартиб билан рақамланган. Оятларнинг айримлари қисқа иборалардан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. Қуръон оятлари сони 6236 та экани таъкидланади.

Оятуллоҳ – Исломнинг шиа мазҳабида атоқли диний арбоблар орасида шуҳрат қозонган диний олимнинг олий диний рутбаси. Шиа мазҳаби таълимотига кўра, ақоид, яъни ислом илоҳиёти, ҳадислар ва мусулмон ҳуқуқи соҳасида мукамалликка эга бўлган, тақводорона ҳаёт кечирадиган, шариат меъёрларини мустақил шарҳлай оладиган диний арбобгина оятуллоҳ бўла олади. Оятуллоҳ шиалиқда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган дин олимларининг унвони. Одатда, оятуллоҳ шиа мазҳаби анъаналари бўйича ўз қўшимчаларини баён этган асар муаллифи бўлиши лозим.

Оқа Беги хоним – 1359-1382 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг қизи.

“Оқ ва Қизил гуллар уруши” – 1455-1485 йилларда Англияда қироллик тахти учун олиб борилган уруш.

Оқ гвардия – Россияда 1918-1920 йиллардаги фуқаролар урушида совет ҳокимиятига қарши қуролли курашган қўшинларнинг умумий номи.

Оқ доғлар – Мустабид совет тузуми даврида тарихимизнинг баъзи саҳифалари ҳақида гапириш, уларни таҳлил этиш, илмий ишланишлар олиб бориш умуман ман этилган томонларини ифода этадиган рамзий маънодаги тушунча.

Оқ ерлар – Россияда XIV–XVII асрларда қишлоқ ва шаҳарларда солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод этилган феодал ерлари.

Оқ кийимлилар кўзғолони – *Қар.: Муқанна кўзғолони.*

“Оқлар” – “Оқлар” сўзи Буюк француз инқилоби даврида кирол тарафдорлари байроғи рангидан олинган. Россияда эса фуқаролар уруши даврида пролетар диктатураси ва большевиклар бошбошдоқлигига қарши курашган монархияни тиклаш тарафдорларини “оқлар” деб аташган.

Оқмачит қалъаси – Кўқон хонлигига тааллуқли қалъа. 1853 йили генерал В.А.Перовский бошчилигидаги Россия қўшинлари Оқмачит қалъасини қўлга киритган. Шундан сўнг Россия ҳукмрон доиралари томонидан Оқмачит “Перовский форти”, кейинчалик эса “Перовск” деб аталган (ҳозирда эса у “Қизил Ўрда” деб аталади).

Оқпадар – Отаси лаънатлаган, юз ўтирган киши.

Оқсоч – Бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл.

Оқсоқол – 1. Соч-соқоли оқарган кекса киши, мўйсафид. 2. Ўтмишда Ўрта Осиёда маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ, мутасадди бўлган маҳаллий амалдор.

Оқсоқоллар кенгаши – *Қар.: Сенат.*

Оқсуяк – Юқори, мулкдор тоифасига мансуб киши, аристократ.

Оқтепа – Ўрта Осиёда қадимий бинолар қолдиқлари ва археологик маданий қатламлар сақланган тепаликлар номи. Мас., Тошкент шаҳрининг ўзида бир қанча оқтепалар мавжуд (Кўкча оқтепаси, Чилонзор оқтепаси, Чиғатой оқтепаси, Юнусобод оқтепаси).

Оқ уйлик – Қадимда ва Ўрта асрларда давлатлараро сиёсий муносабатларда сиёсат гарови тариқасида бир давлатдан иккинчи давлатга бериладиган (юбориладиган) кишилар. Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида бир ҳукмдор иккинчи бир ҳукмдорга дўстлиги ёхуд тобелиги исботи тариқасида ўз томонидан оқ уйлик юборган. Оқ уйлик сифатида тобе ҳукмдорнинг ўғли, биродари ёки мамлакатнинг машҳур кишиларидан бир гуруҳи юборилган. Оқ уйликлар юборилган мамлакатда доим назорат остида ва хавфда яшардилар, чунки уларни юборган ҳукмдор ўз аҳдини бузса, оқ уйликлар ўлдирилиши мумкин эди. Баъзан ҳукмдорлар ўзларига мухолиф бўлган шахзолалар ёхуд зодагонларни тантанали суратга оқ уйлик қилиб юбориб, улардан қутулганлар.

Оқ қуюнли давлати – XVI аср бошларида ҳозирги Туркия, Ироқ ва қисман Сурия ҳудудларидан оқиб ўтадиган Дажла дарёсининг юқори оқимида мавжуд бўлган давлат.

Оға – 1. Усмонли турк империясида яничарлар бошлиғи унвони, шунингдек, сарой ходимлари бошлиғи. 2. Хоразмда хон саройида арзга келувчиларни қабул қилувчи киши “эшик оғаси” дейилган.

Оғалиқ – Бухоро амирлигида мавжуд бўлган амалдор. Тарихдан маълумки, Чоржуй, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб вилоятлари ҳокимлари Бухоро амирларига бўйсунилганларда маълум қийинчиликлар, зиддиятлар мавжуд бўлган. Шунинг учун бу вилоятларга оғалиқлар тайинланганлар. Улар асосан исёнкор аҳоли ва вилоят ҳокимлари муносабатларида воситачилик қилиш билан шуғулланишган.

Оға Муҳаммад – Кожар сулоласи зодағони. Эронда 1796 йилда кожарлар сулоласи ҳукмронлигига асос солган.

Павел – Христиан динининг апостоли.

Паганизм – Бутпарастлик, мажусийлик. Қадимги Римда қишлоқ округлари аҳолиси “пагани” деб аталган. Христианлик Рим империясининг давлат динига айлангач, мажусийликка эътиқод қишлоқ аҳолиси орасида кўпроқ сақланиб қолган. Кейинчалик “паганизм” атамаси мажусийларга нисбатан қўлланилган.

Пагода – Будда мемориал иншооти. Буддизмга алоқадор табаррук нарсалар сақланадиган жой. Павильон ёки минора кўринишига эга. Дастлаб милод бошларида Хитойда барпо этилган. Корея, Япония, жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари меъморчилигида кенг тарқалган.

Пагуош ҳаракати – 1957 йилда дунёнинг етакчи олимлари томонидан жаҳонда тинчлик, қуролсизлантириш, халқаро хавфсизлик ва илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган ҳаракат, ташкилот. Унинг биринчи конференцияси 1957 йилда Канаданинг Пагуош шаҳрида ўтказилган. Пагуош ҳаракатининг аъзолари сони қатъий белгиланмаган. Ҳаракат томонидан ҳар йили бир-икки марта ўтказиладиган анжуманларда халқаро муносабатлар, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, қуролсизланиш, ядро қуроли синовини тақиқлаш, унинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш, стратегик қуролларни чеклаш ҳамда камайтириш ва бошқа долзарб муаммолар муҳокама этилади. Пагуош ҳаракатининг штаб-квартираси Лондон (Буюк Британия)да жойлашган.

Падарқуш – Ўз отасини ўлдирган қотил.

Пайза (Пайдза) – Чингизхон Ясоқига биноан жорий этилган олтин, кумуш, чўян, жез ҳамда ёғоч тахтачаларга битилган, мўғул хонлари томонидан мўғуллар ҳукмронлигига тобе мамлакатларга тайинланган ноиблар, шунингдек, чопар ва элчиларга, уларнинг лавозимларига бериладиган ёрлик. Пайзага хоннинг буйруқлари ёзилган ва улар ноиб ёки элчига чексиз ваколат ҳуқуқини берган. Пайза эгаси истаган нарсани талаб қилишга ҳақли бўлган, унинг талаби сўзсиз бажарилган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари пайзаси бор маъмурга от, йўл кўрсатувчи киши, озиқ-овқат ва бошқа хизматларни кўрсатишга масъул бўлганлар. Пайзанинг даражасига қараб унга қуш ёки ҳайвон расми солинган. Энг олий даражали пайза юзига йўлбарс сурати туширилган. Бу турдаги пайза ҳукмронлик ва дахлсизлик белгиси бўлиб хизмат қилган.

Пайкон – Камон ўқининг металл учи.

Пайчи – Шерикчилик асосидаги иш учун пай қўшган киши, ҳиссадор.

Пайғамбар – Иудаизм, христианлик ва исломда худодан ваҳий олган ва уни одамларга етказадиган шахс. Худо билан унинг бандлари ўртасидаги воситачи, худонинг ердаги вакили, элчиси ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, пайғамбарларнинг биринчиси Одам (а.с.) бўлса, охириги Муҳаммад (с.а.в.)дир. “Пайғамбар” атамаси билан бир қаторда кўпинча “расул” атамаси ҳам ишлатилади. “Расул” сўзи арабча бўлиб, “элчи” маъносини англатади.

Ислом таълимотига кўра, расул Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган, тарғибот, даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган тўрт пайғамбарга, яъни Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Исо (а.с.), Муҳаммад (с.а.в.)га нисбатан қўлланадиган атама. Пайғамбарларни “набий” деб ҳам аташади. Набий китоб нозил қилинмаган пайғамбар. Шунинг учун барча пайғамбар (набий)ларни “расул” деб бўлмайди. Ақидага кўра, 124 минг пайғамбар яшаб ўтган. Қуръони Каримда 25 нафар пайғамбарнинг исми зикр этилган.

Пакт – Ёриқ сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро битим; халқаро шартномалар номларидан бири. Мас., Антикоминтерн пакти (1936 йил, 23 октябрь), Молотов-Риббентроп пакти (1939 йил, 23 август) ва ҳоказо.

Паладин – Ўрта асрларда Ғарбий Европа адабиётида Буюк Карл ва кельтларнинг афсонавий қироли Артур сафдошларининг аталиши. Кейинчалик ўз ҳукмдори ёхуд хонимига содиқ бўлган жасур рицарларни “паладин” деб атай бошлаганлар.

Палата – 1. Парламентнинг таркибий қисми., мас.: қонунчилик палатаси. 2. Даволаш ва дам олиш муассасаларида беморлар ёки дам олувчилар ётадиган алоҳида хона.

Палахмон (Палақмон) – Қадимда ва Ўрта асрларда катта тошларни душман томон ирғитиб, уларнинг қалъаларини бузишга мўлжалланган махсус уруш қуроли.

Палее – Қадимги римликлар худоси, эчки ва қўйлар ҳомийси. Палее шарафига апрель ойида палилия байрами ўтказилган.

Палеоантроплар – Палеолит даври одамлари (неандерталлар ва бошқалар).

Палеография – Ёзув белгиларининг яратилиши ва уларнинг ривожланишини ўрганувчи тарихий-филологик фан. Амалий ва тавсифий палеография муайян қўлёманинг қачон ва қаерда яратилганини, уни ёзган ёки кўчирган шахсни ва ҳоказоларни ҳам ўрганади.

Палеолит (қадимги тош) даври – Ибтидоий-жамоа тузумининг тахм. мил ав. 3,5 миллион йил-мил. ав. 12 минг йиллик)ни қамраб олган даври. Палеолит даври Олдувай маданияти, илк, ўрта ва юқори (сўнгги) босқичларга бўлинади.

Палеолит даврининг Олдувай маданияти босқичи – Палеолит даврининг мил. ав. 3,5-3 миллион йил олдин – 700 минг йилликни қамраб олувчи босқичи. Олдувай шарқий Африкадаги даранинг номидир. 1956-1960 йилларда инглиз олими Л.Лиқи шу дарадан тошдан ясалган оддий меҳнат қуролиларини топиб, улар бундан 1 млн. 750 минг йил илгари ясалган деган фикрни илгари сурган.

Палеолит даврининг илк (Ашел) босқичи – Палеолит даврининг мил. ав. 700-100 минг йилликни қамраб олувчи босқичи.

Палеолит даврининг ўрта (Мустье) босқичи – Палеолит даврининг мил. ав. 100-40 минг йилликни қамраб олувчи босқичи.

Палеолит даврининг юқори (сўнгги) босқичи – Палеолит даврининг мил. ав. 40-12 минг йилликни қамраб олувчи босқичи.

Палеонтология – Ернинг бутун ўтмиш геологик даврларидаги жонли табиатнинг тарихий тараққиётини, Ер қатламларидан топиладиган ҳайвон ва ўсимликларни ўрганадиган фан.

Палестра – Қадимги Юнонистонда 12-16 ёшли болалар ўқитилган хусусий гимнастика мактаби. Палестрадаги ўқув дастури таркибига югуриш, кураш, сакраш, найза ва диск улоқтириш, гимнастика машғулоти, сузиш кирган.

Палимсест – Ёзув материалига (асосан, пергамент) ундан аввалги матн ўчилилиб ёзилган қадимги қўлёзма.

Пальмира – Ҳозирги Сурия давлати ҳудудида мавжуд бўлган қадимий давлат.

Панамериканизм – Лотин Америкаси мамлакатларини асоратда ушлаб туришга қаратилган Америка Қўшма Штатларининг сиёсати.

Панацея (Панакея) – Қадимги Римликларда табиб ҳудо.

Пангерманизм – XIX асрда герман буржуазияси ва юнкерларнинг энг тажовузкор намояндалари томонидан илгари сурилган реакцион, шовинистик сиёсий доктрина. Пангерманистлар мустамлакаларни қайта тақсимлашни, бошқа халқларнинг ерларини босиб олиш ҳисобига Германия империясини зўр бериб кенгайтириш ва “Улуғ Германия”ни вужудга келтиришни талаб қилганлар.

Пангерман иттифоқи – 1891 йилда Германияда тузилган шовинистик ташкилот. Унинг шиори “Шоҳ Пруссия устидан ҳукмронлик қилади, Пруссия Германия устидан, Германия эса жаҳон устидан ҳукмронлик қилади” бўлган.

Панжоб муаммоси – Панжоб вилояти жаҳон маданиятининг энг қадимий марказларидан бири ҳисобланади. Мил ав. 2500-1800 йилларда мавжуд бўлган “Хараппа маданияти” айнан Панжоб ҳудудида тарқалган. Панжоб ҳудудида 1765-1849 йилларда алоҳида сикҳлар давлати мавжуд бўлган. 1947 йилда Панжоб Ҳиндистон ва Покистон ўртасида бўлиб олинган. Панжобликлар (90 млн. киши) панжоб тилида сўзлашади. Ҳиндистондаги панжобликлар (30 млн. киши) асосан ҳиндуизм динига, Покистондаги панжобликлар эса асосан ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қилишади. Панжобликларни “сикҳлар” деб ҳам аташади. 1984 йил 5 июнда Ҳиндистон давлат раҳбари Индира Ганди сикҳларнинг асосий маъмурий ўчоғи бўлган Амритсар шаҳрида жойлашган Олтин ибодатхонасини штурм билан босиб олишга фармон берган. Ҳиндистоннинг давлат қўшинлари Олтин ибодатхонасини ва сикҳларга тааллуқли яна 37 та бошқа ибодатхоналарни ҳам куч ишлатиб эгаллашган. Бу операцияларни ўтказиш жараёнида юзлаб кишилар ўлдирилган ва жароҳат олишган. Шундан сўнг бутун мамлакат бўйлаб сикҳларнинг сепаратистик ҳаракатлари кучайган. 1884 йил 31 октябрда сикҳ миллатига мансуб бўлган тан соқчи (телохранитель) Индира Гандига уч марта ўқ узиб ўлдирган. Индира Ганди ўрнини унинг ўғли Ражив Ганди (1944-1991 йиллар) эгаллаган. Ражив Ганди раҳбарлиги даврида ҳам минглаб сикҳлар ўлдирилган, 50 мингдан ортиқ сикҳлар Ҳиндистоннинг бошқа штатларига қочиб кетишга мажбур бўлишган. 1988 йилнинг май ойида яна бир маротаба Амритсардаги Олтин ибодатхонасига давлат қўшинларининг ҳужуми уюштирилган. Натижада минглаб одамлар ҳалок бўлишган. Ражив Ганди 1991 йил 21 майда

мамлакатда ўтаётган парламент сайловлари вақтида суиқасдчи томонидан ўлдирилган. Панжоб муаммоси ҳанузгача ҳал қилингани йўқ.

Панисломизм – XX аср иккинчи ярмида мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси Жамолиддин ал-Афғоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонлар бирлиги ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари суришган.

Пантеизм – Худо билан табиат бир деб ҳисобловчи ва табиатни худонинг мужассамланган ҳолати деб билувчи диний-фалсафий таълимот.

Пантеон – Машҳур одамларнинг жасадлари қўйиладиган сағана; маъбад. Қадимги юнон ва римликларда ҳамма худоларга бағишланган ибодатхона.

Пантуркизм – XX аср бошларида пайдо бўлган сиёсий назария. Бу назария илдизлари анча чуқур бўлса ҳам, бироқ у XIX аср охири-XX аср бошларида Усмонли турк империяси ва чор Россиясининг туркий халқлар яшайдиган ҳудудларга кенг тарқалган. Пантуркизм тарафдорлари Болқон ярим ороли, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказorti ва Волга бўйларида яшаб, туркий тилларда сўзлашувчи халқларни Туркия давлати ҳимояси остида бирлаштириш ва “Улуғ Тўрон” давлатини тузиш ғоясини олға суришган. Ёш туркларнинг партияси “Иттиҳод ва таракқий” мазкур курашни ўз ғояси сифатида қабул қилган. Кейинчалик Туркистондаги жадидчилик ҳаракати намояндалари, Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар ҳам уни ўз дастурий қарашлари сифатида эътироф этишган.

“Панчатантра” (Беш китоб) – Қадимги Ҳиндистонда III–IV асрларда яратилган ёзма адабиёт намунаси. “Панчатантра” донишманд подшоҳ Вишну-шарман томонидан ўз жоҳил ўғилларини тарбиялаш учун яратилган, деб тахмин қилинади. Ушбу асар ҳайвонлар ҳақидаги масал ва ҳикоялардан иборат 5 китобни ўз ичига олган бўлиб, ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган. “Панчатантра”да ноҳақлик фош этилиб, инсонийлик, яхши хулқлар тарғиб қилинади. Ушбу асар жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган ва кўп тилларга таржима қилинган (ўзбек тилига “Калила ва Димна” номи билан).

Панэронизм – Эронда Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳукмронлик даври (1925-1941 йиллар)да амалга оширилган эроний бўлмаган халқларга нисбатан зўравонлик билан ассимиляциялаштириш сиёсати.

Папалик – Католик черкови раҳбарияти; Рим папаси томонидан бошқариладиган диний марказ. Папалик Рим епископлиги асосида вужудга келган. V асрда Рим епископлари ўзларига “папа” номини қўйиб олиб, Рим императорларидан бошқа епископларнинг ўзларига бўйсундириш тўғрисида фармон олишга муваффақ бўлганлар. VIII асрда Папа вилоятининг тузилиши папалар дунёвий ҳокимиятига асос солган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, айниқса, 60-йиллардан бошлаб папалик черковни ақидалар, маросимлар, ташкилотлар ва сиёсат соҳасида ҳозирги даврга мослаштириш йўлига ўтган.

Папа (Рим папаси) – Католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. 1389 йилда қабул қилинган қарорга кўра, папалар кардиналлар мажлиси томонидан кардиналлар орасидан умрбод сайланади.

Папирус – Қадимда ва Ўрта асрларда “папирус” деб номланадиган ўсимлик пояларидан тайёрланадиган ёзув материали. Шу материалга ёзилган қўлёзмалар ҳам “папирус” деб аталган. Папирус ишлаб чиқаришнинг энг йирик маркази Миср бўлган. Кейинчалик папирус ўрнини пергамент эгаллаган.

Парвоначи – Ўтмишда ҳукмдор фармони ва буйруқларини битувчи котиб. 1. Хива хонлигидла кози ва иноқдан кейинги олий даражадаги сарой мансабдори. Парвоначи вафотидан сўнг унинг ўрнига тўғридан-тўғри фарзанди тайинланган, унга зардўз либослар, олтин пичоқ ва тулпор от тухфа қилинган. 2. Бухоро амирлигида парвоначи амир томонидан чиқарилган ёрликларни аркони давлат ҳамда бекларга тақдим этган, айти чоғда, хонликда яшовчи араблар иши билан шуғулланиш учун масъул ҳисобланган. Юқори мансабга тайинланган амалдор парвоначи тақдим этган фармонни уч кун мобайнида ўз салласига қистириб юриши лозим бўлган.

Паргар – Циркуль.

Парджанья – Қадимги хиндларнинг момақалдинок, булут ва ёмғир, ою-ҳаво худоси.

Пари – Кишиларни инс-жинслардан сақлайдиган жуда гўзал қиз қиёфасидаги афсонавий махлук.

Париж Коммунаси – 1871 йилнинг 18 мартдан 28 майгача мавжуд Париж шаҳрида фаолият кўрсатган ҳокимият. 1870 йил 4 сентябрда Францияда иккинчи империяга барҳам берилиб республика тузуми эълон қилингандан кейин ўша йилнинг 9 сентябрида 320 минглик Пруссия армияси Париж шаҳрини қамал қилган. Шу орада Францияда 1871 йил 8 февралда Тьер бошчилигидаги республикачи ҳукумат ташкил этилган. Тьер Германия канцлери Бисмарк олдига бориб, бўлажак Франция-Германия сулҳ шартномасининг лойиҳасини тузган. Париж халқи Франция-Пруссия сулҳ шартномасидан норози бўлиб, Тьер ҳукуматини сотқинликда айблашган. 1871 йил февраль ойининг ўрталарида Парижда янги сиёсий ташкилот – Миллий гвардия Марказий Кўмитаси (кейинчалик Миллий гвардия федерацияси) ташкил топган. Унга Парижда жойлашган 266 Миллий гвардия батальонларидан 215 тасининг вакиллари қатнашган. Тьер ҳукумати инқилобий Парижга қарши қўшинлар юборган, лекин улар кўзғолончилар томонига ўтиб кетишган. 1871 йилнинг 18 мартада кўзғолончилар ҳужумга ўтиб, Париж шаҳрининг барча давлат муассасаларини ишғол этишган. Парижда қолган давлат маъмурлари Версалга қочиб кетишган. Миллий гвардия Марказий Кўмитаси Францияда биринчи инқилобий ҳукумат булган. Бу ҳукумат 1871 йилнинг 26 мартада Париж Коммунасига сайловлар ўтказган. Париж Коммунаси Шўросига 82 киши сайланган. Уларнинг аксарияти ишчилар ва зиёлилар бўлишган. Париж Коммунаси ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижроия органи бўлган. Ўша 28 мартда Парижнинг марказий майдонида Миллий гвардия Марказий Комитети тантанали тарзда ҳокимиятни Париж Коммунаси Шўросига топширган. Париж Коммунаси Шўроси Париждаги эски армияни тарқатиб юборган, Париж халқини қуроллантириш ҳақида қарор қабул қилган, Париж халқининг моддий аҳволини яхшилаш бўйича муҳим чора-тадбирлар

амалга оширган. 1871 йил 21 майда версалчилар, яъни Тьер ҳукуматининг кўшинлари Париж Коммунасига барҳам бериш мақсадида Париж шаҳрига ёриб киришган. Париж халқи Париж Коммунасини ҳимоя қилишган. Париж кўчаларида кўплаб баррикадалар қурилган. Тьер ҳукумати кўшинлари билан коммунарлар жанги 28 майгача давом этган ва у коммунарчилар мағлубияти билан тугаган. 30 мингдан ортиқ коммунарчилар ўлдирилган, 50 минг киши тюрьмаларга ташланган. Париж Коммунаси 72 кун мавжуд бўлган. Париж Коммунасининг мағлубиятидан кейин Францияда инқилобчилар ва уларга хайрхоҳ бўлганларга қарши тазйиқлар бошланган. 1976 йилгача Францияда Париж Коммунаси қатнашчиларини жазога тортиш учун ҳарбий судлар фаолият кўрсатган.

Париж тинчлик конференцияси – 1919 йил январь ойидан 1920 йил январь ойигача Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар томонидан Париж шаҳрида ўтказилган конференция. Париж тинчлик конференцияси ишида 27 давлатдан мингдан ортиқ делегат иштирок этган бўлса-да, асосий масалалар асосан Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция вакиллари томонидан ҳал этилган. Конференция қатнашчилари Биринчи жаҳон уруши натижаларини кўриб чиқиш билан бирга, уларнинг диққат марказларида Россияда амалга оширилган Октябрь давлат тўнтариши ҳам бўлган. Ғолиб давлатлар “большевизм”нинг Европа мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетишидан хавфсираганлар. Шунинг учун улар инқилобий Россияга қарши ҳарбий интервенция амалга ошириш режаларини ҳам тузишган. Париж тинчлик конференцияси жараёнида ғолиб давлатлар Германия ва унинг иттифоқчилари (Австрия, Болгария, Венгрия, Туркия) билан бешта бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган шартномалар имзолашган. Уларни шартли равишда “Версаль тинчлик шартномаси” (баъзан эса “Париж тинчлик шартномаси”) деб аташади. *Яна қар.: Версаль тинчлик конференцияси.*

Париж тинчлик шартномаси – *Қар.: Версаль тинчлик шартномаси.*

Паркана – Таркибига асосан Фарғона водийси ҳудудлари кирган қадимий давлат. Олимларнинг таъкидлашларича, Паркана 2700-3000 йил муқаддам пайдо бўлган. Унда 70 та катта-кичик шаҳарлар бўлган. Паркана ҳукмдори Гушан (ҳозирги Ўзган) шаҳрида яшаган.

Парламент – Демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг умумий номи. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Парламент турли мамлакатларда турлича ном билан юритилади, мас., Англияда – парламент, Америка Қўшма Штатлари ҳамда кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларида – конгресс, Россия Федерациясида – Государственная Дума, Польша ва Финляндияда – сейм, Швецияда – рикстаг, Норвегияда – стортинг, Мўғулистонда Хурал, Исроилда Кнессет, Черногорияда Скупшина, Эрон, Туркия ҳамда баъзи Осиё мамлакатларида Мажлис (Ўзбекистонда – Олий *Мажлис*), Тожикистонда Мажлиси Олий, Қирғизистонда Жўқорғу Кенеш ва ҳоказо.

Парламентаризм – Давлат ҳокимияти тузилиши. Бундай давлат тузилишида парламент имтиёзли мавқега эга бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг функциялари аниқ белгилаб берилади. Парламента-

ризмда ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради.

Паррак – Чирчиқ дарёсининг қадимги номи.

Партия – 1. Маълум ижтимоий табақа манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш мақсадида тузилган сиёсий ташкилот. 2. Бирор мақсад учун бирлашиб, бирга иш олиб борувчи кишилар, мас., геологик партия.

Парфия давлати – Мил. ав. VII аср-милодий 224 йилларида асосан ҳозирги Туркменистон ва Эрон давлатлари ҳудудида мавжуд бўлган қадимий давлат. Парфия давлати Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна каби қадимги давлатлар билан турли алоқалар ўрнатган, унинг Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Хитойнинг Ғарб мамлакатлари билан савдо алоқаларида воситачилик қилгани ҳам тарихда маълум. Парфияликлар оромий ёзувидан фойдаланганлар. Парфияда ягона диний эътиқод бўлмаган, аммо зардуштийлик динининг мавқеи кучли бўлган. Мил. ав. VI аср бошларида Парфия қадимги Эрон ҳудудида мавжуд бўлган Мидия давлати тасарруфига тушиб қолган. Мил. ав. III асрда эса Парфия давлати Бактрия давлати каби Салавкийлар давлати таркибидан чиқиб кетишга муваффақ бўлган.

Паспорт – 1. Эгасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи расмий ҳужжат. 2. Корхона, ускуна, транспорт воситалари ва ҳоказолар тўғрисида асосий маълумотлар қайд этилган гувоҳнома, мас., телевизор паспорти, корхона паспорти, вагон паспорти.

Пастор – Протестант черковининг руҳонийси. Православ ва католик руҳонийларидан фарқ қилиб, у валинеъмат ҳисобланмайди, алоҳида ибодат кийими киймайди, оддий кишилардек ҳаёт кечиради.

Пасха – Яҳудийлар ва христианларнинг баҳор байрами. Қадимда кўчманчи семит қабилалари пасхани чорва молларининг баҳорга болалаш вақтида байрам қилганлар. Бу қабилаларнинг ўтроқлашуви ва деҳқончилик билан шуғулланиши натижасида пасха ўрим-йиғим байрамига айланган. Христиан-ликда бу байрам Исонинг тирилиши тўғрисидаги ривоят билан боғлиқ бўлиб, православларнинг асосий байрами ҳисобланади. Баҳорги тенгкунлик ва тўлин ойдан кейинги биринчи якшанбада нишонланади. Байрам кунлари санасини ҳисоблаб чиқиш учун жадваллар (пасхалия) тузилади. Пасха православ черковида Юлий тақвими бўйича (эски ҳисобда) 22 мартдан 23 апрелгача бўлган даврга: ғарбий христианларда Григорий тақвими бўйича 26 мартдан 23 апрелгача бўлган даврга тўғри келади.

Патриарх – Черков иерархиясида олий унвон. Христиан черковидаги Рим, Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус епископларида шу унвон бўлган. Ҳозирги православиёда олий диний лавозим, автокефал черкови бошлиғи. Черков йиғинида сайланади. Рус православ черковида патриархлик лавозими 1589-1700 йилларда бўлган, 1917 йил 5 (18) ноябрда қайта тикланган.

Патриархал оила (Катта оила) – Эркак бошчилик қиладиган оила. Матриархатдан патриархатга ўтиш даврида вужудга келиб, биргаликда ҳўжалик юргизувчи қариндошларнинг бир қанча авлодидан ташкил топган.

Патриархат – 1. Ибтидоий жамият даврида хос бўлган ижтимоий муносабатлар шакли. Патриархатда жамият, хўжалик, оилада эркак ҳукмрон мавқега эга бўлган. Патриархат даврида ибтидоий жамият емирилиб, унинг сўнгги босқичида мулкӣ табақаланиш ва давлат юзага келган. 2. Христиан дини православ черковида патриархнинг қўл остида фаолият кўрсатадиган черков.

Патрициат – 1. Қадимги Римда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган зодагонлик. 2. Ғарбий Европа шаҳарларида Ўрта асрларда аҳолининг энг бадавлат, имтиёзли табақаси.

Патрицийлар республикаси – *Қар.: Илк Рим республикаси.*

Патрон – Қадимги Римда ўзи озод қилган кишиларга ҳомийлик қилувчи тўла ҳуқуқли фуқаро (одатда, патриций). Айрим мамлакатларда корхона хўжайини, муассаса бошлиғи.

“Пахта иши” (“Ўзбек иши”) – Жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида 1983 йилда собиқ марказ (Москва)дан Ўзбекистонга кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланган. Ушбу гуруҳлар томонидан “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”, “Шарқий фронт” деб ном олган сиёсий жараён тўқиб чиқарилган. Ушбу машъум сиёсатга марказдан юборилган Гдлян ва Ивановлар раҳбарлик қилишган. Москвадан юборилган генераллар, прокурорлар, терговчилар истаган одамларни ҳибсга олишган. Марказий матбуотда Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини қора бўёқларда тасвирлаш, уларнинг барчалари жиноятчи сифатида тасвирлашлар бошланган. Гдлян ва Иванов гуруҳига марказдан Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган вақтда чекланмаган ваколатлар берилган. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қамоққа олиш, жисмоний ва руҳий қийноққа солиш, ҳибсга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишлари оддий ҳолга айланиб қолган. Ўша йилларда айрим маҳаллий раҳбар ходимлар Гдлян ва Иванов гуруҳларига амалий ёрдам беришган. Натижада бутун бир мамлакат ва миллат бадном қилинган. 1989 йилгача “Пахта иши” (“Ўзбек иши”) бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланган. Ўша пайтда республикадаги қамоқхоналарда жой қолмагани учун ҳукм этилганларнинг мингдан ортиғи жазони ўташ учун Сибирь қамоқхоналарига жўнатилган. 1989 йилда Ислон Каримов Ўзбекистонда давлат раҳбарлигига сайлангандан кейин “Пахта иши”ни қайтадан кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилган. Ушбу комиссияга 40 минг томдан иборат ишларни қайта кўриб чиқиш топширилган. Комиссия иши хулосаларига кўра, 1990 йил 13 июнь куни Тошкентдан Москва шаҳрига собиқ СССР Бош прокурори, собиқ СССР Олий судининг раиси ва собиқ СССР Адлия вазири номига батафсил хат юборилди. Ушбу хатда “Пахта иши” бўйича судланганларни оқлаш масаласи қўйилган. Бироқ, марказий ҳокимият хатда баён қилинган фактларни ўрганиб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилиш ўрнига Ўзбекистонга нисбатан тайзиқни кучайтирган. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган биринчи йиллардаёқ XX аср 80-чи йилларида қатағон қилинганлардан 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланган. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов томонидан авф этилган.

Пацифизм – Ҳар қандай урушларга, уларнинг характери ва мақсадларидан қатъи назар, жумладан, адолатли, озодлик урушларига ҳам қарши курашувчи кишилар ҳаракати. Пацифистлар кишиларни қурбон қилишга олиб келадиган ҳар қандай қуролли ҳаракатларни, уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, мақсадлари инсон ахлоқига зид деб қарайдилар ва қоралайдилар.

Паҳлавий, Муҳаммад Ризо – Эрон шоҳи (1941- 1979 йиллар).

Паҳлавон – Кучли, жасоратли жангчи.

Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвалий) – 1247-1326 йилларда яшаб ўтган хивалик шоир ва мутафаккир, кўкраги ерга тегмаган буюк паҳлавон (курашчи). Паҳлавон Маҳмуд асосан телпақдўзлик ва пўстиндўзлик орқасида кун кечирган. Паҳлавон Маҳмуд сўфийлик таълимоти негизида вужудга келган футувват – жавонмардлик гуруҳининг улуғ пешвоси, маънавий раҳнамози ҳам бўлган. У Умар Хайём каби рубоий ёзган. Кўплаб тазкираларда келтирилишича, Паҳлавон Маҳмуд “Канз ул-ҳақоик” (“Ҳақиқатлар хазинаси”) номли маснавий ҳам ёзган, лекин у бизгача етиб келмаган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Ҳиндистонда кураш майдонида олижаноблик кўрсатгани учун Деҳли султони буюк паҳлавонга нима тиласанг, ўшани сенга муҳайё қиламан, деганда, Паҳлавон Маҳмуд: “Менга ҳеч нима керак эмас, Сизнинг зиндонларингизда 200 дан ортиқ юртдошларим асир экан, ўшаларни озод қилсангиз, ватанимга бирга олиб кетсам бас”, – деган экан. Паҳлавон Маҳмуднинг васиятига кўра, унинг жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасида дафн этилган. Вақт ўтиб унинг қабри атрофида бошқа обидалар қурилиб, ҳозирда “Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси” номини олган.

Педру, Алвариш Кабрал – 1460-1526 йилларда яшаб ўтган португалиялик денгизчи. 1500 йилда унинг бошчилигидаги экспедиция Бразилия қирғоқларига етиб келиб, бу ерларни Португалия қироли ерлари деб эълон қилган.

Пекулий – Қадимги Римда оила бошлиғи томонидан оила аъзолари (ўғиллари, қуллари)га фойдаланиш учун ажратилган мулк. Пекулий таркибига устахоналар, савдо расталари, ер майдонлари, иш қуроллари, қуллар кириши мумкин бўлган.

Пелопоннес – Қадимги Юнонистон жанубий ҳудудларининг номи.

Пелопоннес иттиҳоди – Мил. ав. VI асрда қадимги Юнонистоннинг Спарта полиси атрофида бирлашган полислар иттиҳоди.

Пелопоннес урушлари – Қадимги Юнонистоннинг Афина ва Спарта полислари ўртасида мил. ав. 431 йилдан 404 йилгача давом этган урушлар. Мил. ав. 480 йилда бўлиб ўтган Юнон-форс урушининг охирида форсларга қарши асосан афиналиклар қатнашган ва жангни зафар билан яқунлашган. Шундан сўнг қадимги Юнонистонда Афина полисининг гегемонлиги ўрнатилган. Кейинчалик Спарта билан Афинанинг рақобати кучайган. Спарта ўзининг олдинги мавқеини тиклашга уринган. Бунинг учун у Афина мавқеини пасайтириши лозим бўлган. Бу рақобат Юнон полислари иттифоқи: Делос (Афина бошчилигида) ва Пелопоннес (Спарта бошчилигида) ўртасида бўлиб ўтган урушга сабаб бўлган. Бу уруш тарихда “Пелопоннес урушлари” деб

аталади. Мил. ав. 404 йилда куруклик ва денгиздан қамал қилинган Афина спарталикларга таслим бўлишган. Афина ва Спарта ўртасида 50 йилга сулҳ шартномаси имзоланган. Пелопоннес урушидан кейин Юнон дунёсида Спартанинг гегемонлиги тан олинган. Спарта Юнонистонда гегемон бўлган бўлса-да, у иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан Афинадан заифроқ бўлган. Мил. ав. 371 йилда Спарта Фива полисига хужум қилган. Лекин мағлубиятга учраган. Шундан кейин Фива бутун Юнонистонда гегемон бўлишга ҳаракат қилган. Бунга йўл қўймаслик мақсадида Афина мағлуб бўлган Спарта билан яқинлашган. Лекин Афина ва Спарта полислари Фивани енгишолмаган. Фива эса Юнонистонда гегемон бўла олмаган. Бу вазиятдан македонияликлар фойдаланиб, Юнонистонда ўз гегемонликларини ўрнатишган.

Пелтастлар – Мил. ав. V – IV асрларда юнонларнинг пиёда қўшини тури.

Пенни – Қадимги инглиз кумуш тангаси. XVII аср охирларидан пенни мисдан, 1860 йилдан бронзадан зарб қилинган.

Пентагон – Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий вазирлиги ўрнашган бешбурчак шаклидаги бинонинг номи.

Пергам давлати – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат. Пергам шаҳри Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида мавжуд бўлган.

Пергамдаги Аристоник бошчилигидаги кўзғолон – Мил. ав. 133 йилда Пергамда Рим ва маҳаллий зодагонлар зулмига қарши бўлиб ўтган камбағаллар ва қуллар кўзғолони. Пергам Кичик Осиёда жойлашган бўлиб, эллинистик подшолик бўлган. Мил. ав. 133 йилда Пергам шоҳи Аттала III вафот этган. Пергам зодагонлари Аттила III ўлимидан олдин Пергам шоҳлигини Рим сенатига васият қилган, деб эълон қилганлар. Рим сенати бу “васиятни” қабул қилиб, Пергам подшолигини Осиёдаги Римнинг вилояти деб эълон қилган. Пергамда Рим сенатининг бу қароридан асосан озод камбағаллар ва қуллар орасида норозилар кўп бўлган. Вафот этган шоҳ Аттила III нинг қариндоши Аристоник бу вазиятдан фойдаланиб, Пергам тахтига ўтиришга уринган. У кўзғолончиларга, Пергам шоҳи бўлган тақдирда, шоҳликда қулдорликни буткул бекор қилишини эълон қилган. Аристоник бошчилигидаги кўзғолончиларга қарши Рим қўшинлари юборилган ва кўзғолон бостирилган. Аристоник асир олинган ва Рим зиндонида вафот этган.

Пергамент – Пергамликлар кашф этган ҳайвонлар терисидан тайёрланадиган ёзув материали. Қоғоз ихтиро қилингунча қадар қўлланилган.

Периптер – Қадимда юнонлар ибодатхонасининг асосий турларидан бири. Тўрт томонидан устунлар билан ўралган тўғри бурчакли бино.

Периэklar – Қадимги Юнон давлатлари: Спарта, Аргос, Элида, Фессалия ва бошқаларда аҳолининг тўла ҳуқуқли бўлмаган қисми. Илотлардан фарқли равишда, периэklar шахсан эркин бўлишган, ер-мулкка эга бўла олишган, лекин сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлганлар.

Перманент – Узлуксиз, доимий давом этадиган, мас., перманент инқилоб.

Перовский ҳарбий экспедицияси – 1839-1840 йилларда Россия томонидан Хива хонлигига қарши генерал В.А.Перовский бошчилигида уюштирилган ҳарбий экспедиция. В.А.Перовский Оренбург генерал-губернатори бўлган. У 1835 йиллардан бошлаб Россия императори Николай I га мактублар юбориб, уларда хиваликлар рус давлатига душманлик қилаётганликлари, рус савдо карвонларини талаб, рус асирларига ваҳшийларча муносабат қилаётганликларини баён қилган. 1837 йилда Николай I генерал В.А.Перовскийга Хива хонлигини босиб олиш ҳақида буйруқ берган. В.А.Перовский ушбу буйруқни бажариш бўйича чора-тадбирлар кўра бошлаган. 1838 йилда биринчи Англия-афғон уруши бошланган. Россия ҳукмрон доиралари Англия кўшинлари Афғонистонни забт этган тақдирда, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ҳам босиб олишларидан кўрқиб, В.А.Перовскийнинг Хива хонлигига ҳарбий экспедициясини амалга оширишни тезлаштиришга қарор қилишган. В.А.Перовский рус кўшинлари билан 1839 йил 14 ноябрда Оренбургдан чиқиб, Хива томон йўл олган. Шу вақтда қаттиқ совуқ бошланган. Рус аскарлари оғир аҳволга тушиб қолишган. Хива хони Оллоқулихон рус кўшинларига қарши Отамурод кўшбегини 8 минг кўшин билан юборган. Чўчкакўл деган жойда Отамурод кўшбеги рус кўшинларига ҳужум қилган. Ҳар икки томон талафотлар беришган. В.А.Перовский кўшинларида 1054 киши ҳалок бўлган, 10 минг туя, 8 минг от йўқотилган. Ушбу жангдан кейин на рус кўшинлари, на Хива хонлиги кўшинларининг жангни давом эттиришга имкониятлари қолмаган. 1840 йил бошида рус кўшинлари катта қийинчилик билан Оренбургга, хиваликлар эса Хивага қайтиб кетишган.

Персеполь – Сосонийлар давлатининг дастлабки пойтахти.

Перуз – 226-651 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқда мавжуд бўлган Сосонийлар давлатининг шоҳаншоҳи (459-484 йиллар). Перуз ўз кўшинлари билан Эфталийлар давлатига қарши уч маротаба урушиб, барчасида мағлуб бўлган. *Яна қар.: Эфталийлар давлати.*

Перун – Қадимги славянларда момақалдиروق худоси.

Пессимизм – Руҳий тушкунлик, ҳаётга келажакка умидсизлик билан қараш. Акси –оптимизм. *Яна қар.: Оптимизм.*

Петиция – Илтимоснома, ариза, ҳукуматга ёки юқори мансабдор номига кўпчилик ёки бир киши томонидан бериладиган расмий арзнома.

Петроглифлар – Тошларга ўйиб ишланган тасвирлар. Турли-туман мавзуларда бўлиши мумкин. Одатда, энг қадимги даврлардан то ўрта асрларга қадар чизилган петроглифлар дунёнинг жуда кўп мамлакатларида топилган. Асосан, ҳайвонлар тасвирланган.

Печенеглар – Қадимги туркий қавмлардан бирининг номи.

Пештоқ – Мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой ва бошқа биноларнинг олд томони – ҳашаматли кириш қисми.

Пётр I – 1672-1725 йилларда яшаб ўтган Россиянинг биринчи императори. 1689 йилда Россия тахтига ўтирган, 1721 йилда Россия императори бўлган. Пётр I Россия тарихида буюк ислохотчи, сиёсий ва ҳарбий арбоб, маданият ҳомийси сифатида катта из қолдирган. Пётр I ҳукмронлиги даврида давлат

бошқаруви ўзгартирилган. 1711 йилдан бошлаб Боярлар думаси ўрнига Сенат таъсис этилган. Сенат нафақат қонунчилик, балки ижроия ва маҳкама (суд) вазифаларини бажарган. 1718-1722 йиллар ичида 50 дан ортиқ приказ (вазирлик)лар ўрнига 12 коллегиялар фаолият кўрсата бошлаган (Хорижий ишлар коллегияси, Ҳарбий коллегия, Адмиралтейство (ҳарбий- денгиз флоти) коллегияси, Юстиция коллегияси, Мануфактура коллегияси ва ҳоказо). 1715 йилда Санкт-Петербург Денгиз Академияси, 1719 йилда эса Россияда биринчи музей очилган. 1700 йилда Россияда янги тақвим (календарь) жорий этилган. Ушбу тақвимга мувофиқ йилларни ҳисоблаш жаҳоннинг яратилишидан эмас (7207 йили), балки Иисус Христос (Исо) туғилишидан бошланган. Шунинг учун 7207 йили 1700 йили билан алмаштирилган. Янги тақвим буйича янги йил 1 сентябрдан эмас, 1 январдан нишонлана бошланган. 1708-1710 йилларда Россияда “фуқаровий” ёзув ишлаб чиқилган ва жорий этилган. 1703 йилда эса Россияда “Ведомости” деб номланган биринчи газета чоп этила бошланган. 1716-1717 йилларда Пётр I фармони билан Каспий денгизи соҳилларида жойлашган давлатларни келажақда Россия тасарруфига ўтказиш мақсадида князь Бекович-Черкасский бошчилигида ҳарбий экспедиция уюштирилган. Пётр I ҳукмронлик давридаёқ Россия томонидан ҳозирги Қозоқистоннинг шимолий-шарқда Омск (1717 йили), Семипалатинск (1718 йили), Уст-Каменогорск (1720 йили) қалъалари қурилган. Кейинчалик Омск қалъасидан Оренбург қалъасигача Петропавловск қалъаси орқали ўн бирта қалъа 33та хандакли истехком қурилган. Яъни Ўрта Осиё шимолида Россиянинг ҳарбий чизиклари пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик қозоқлар ўртасида “суров” ўтказилган. Натижада 1731 йили қозоқларнинг кичик жузи, 1739 йили эса қозоқларнинг ўрта жуди “ўз ихтиёрлари билан” Россия тасарруфига ўтишган. 1722 йилда Россия Кавказ ва Эронга ҳужум қилган. Бу урушда Россия ғалаба қозониб, Каспий денгизидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва Кавказ устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган Мамлакатда диний ишларни бошқариш Диний коллегия эиммасига юкланган. Бу коллегия таркибига Пётр I томонидан тайинланган руҳонийлар кирган. Коллегиянинг қабул қилган қарорлари Пётр I томонидан тасдиқланган. Пётр I руҳонийлардан ташқари, барча давлат маъмурларига соқолларини олиб европача кийим-кечак кийиб юришни буюрган. 1725 йилда Россияда Петербург Фанлар Академияси таъсис этилган. Пётр I нинг ислохотлари Россия тараққиётида катта роль ўйнаган. Россия ривожланган Европа мамлакатлари даражасига етиб олган. Шундай бўлса-да, Пётр I ҳукмронлиги даврида эришилган иқтисодий ва ҳарбий ютуқлар оддий халқ истисмори эвазига қўлга киритилган. XVIII асрнинг бошларида Россияда Пётр I сиёсатига қарши кўзғолонлар бўлиб ўтган. Пётр I 1725 йил январь ойида ногаҳон, ворисини эълон қилмасдан вафот этган. Шундан сўнг Россия тарихида “Сарой тўнтаришлари даври” деб ном олган давр бошланган.

Пикус – Қадимги римликларнинг ўрмонлар худоси.

Пилта милтиқ – Ўтмишда порох зарядли пилта билан аланга олдириладиган силлиқ стволли милтиқ. Дастлаб арабларда XII асрда пайдо бўлган.

Пиночет, Аугусто – 1973 йилнинг 11 сентябрида Чилида амалга оширилган давлат тўнтаришининг раҳбари. 1974 йилда ўзини Чили президенти деб эълон қилган.

Пионерлар – 1. Француз, герман ва бошқа бир қатор армияларда инженерлик кўшинлари шахсий таркиби номи. Россия армиясида XVIII аср иккинчи ярми-XIX аср биринчи ярмида йўл, кўприк ва дала истехкомлари қуриш учун мўлжалланган пионерлик роталари аскарлари. 1844 йили пионерлар роталари сапёрлик роталари деб ўзгартирилган. 2. Собиқ СССРда болалар коммунистик ташкилоти аъзоси. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси “болаларни марксизм-ленинизм руҳида, ватанпарварлик, меҳнат-севарлик руҳида тарбиялаш” бўлган. 3. Фан ёки техниканинг бирор текширилмаган соҳасини биринчи бўлиб текширган киши ёки бирор соҳада йўл очиб, бошлаб берган киши, мас., Мирзачўлни ўзлаштириш пионерлари.

Пипин Пакана – Франк давлатида ҳукмронлик қилган каролинглар сулоласининг биринчи ҳукмдори (751-768 йиллар). Пипин Пакана давлатни марказлаштирган, араб кўшинларига қарши урушган. 754 ва 756 йилларда шимолий Италия ҳудудларини ўз тасарруфига киритиб, уларнинг бир қисми, яъни Рим областини Рим папаси Стефан II га ҳадя қилган. Шу тариқа Европада Рим папаси давлати вужудга келган.

Пир – Сўфийлик анъанасида бирор бир тариқатнинг олий раҳнамоси. Ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам “пир” деб атаган.

Пирамида – Геометрик шакл. Пирамида шаклида, зинапоя ёки минорасимон қилиб қурилган монументал иншоот. Мас., қадимги Мисрда фиръавнларнинг қабрлари пирамида шаклида қурилган.

Пирмуҳаммад II – Шайбонийлар давлатининг охирги ҳукмдори (1598-1601 йиллар). Пирмуҳаммад II ўзига қарши чиққан Самарқанд ҳокими Боқимуҳаммад билан 1601 йил июнь ойида Самарқанд яқинидаги Боғи Шамолда бўлган жангда мағлубиятга учраган. Шундан сўнг 1500 йилдан 1601 йилгача ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлигига барҳам берилиб, Бухоро хонлигида янги туркий сулола – Жўжи наслидан бўлган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлиги бошланган.

Пистирма – *Қар.: Камингоҳ.*

Пистоль – XVI–XVIII асрларда қўлланилган қадимги испан тангаси. XVII асрда Франция, Италия, Германия ва бошқа мамлакатларда муомалада бўлган.

Питекантроплар – Энг қадимги қазилма одамлар (тахм. 900 минг йил аввал). Неанлерталлардан олдин яшаганлар.

Пифагор – Мил. ав. 576-496 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон математиги ва файласуфи. Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. Зардуштийлик динига жуда қизиққан. У ҳеч қачон йиғламаган ва умуман эҳтирос ҳамда ҳис-ҳаяжонга берилмаган. Пифагор ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга “фалсафа” деб ном берган биринчи мутафаккир бўлган. У душманлари томонидан ўлдирилган.

Пифия ўйинлари – Қадимги Юнонистонда умумюнон байрамлари ва мусобақалари (мустика, спорт бўйича). Дельфада пифиялик Аполлон ибодат-

хонаси яқинида саккиз йилда бир маротаба ўтказилган. Пифия ўйинлари аҳамияти жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турган.

Пишчаль – Ўрта ва узун стволли ўқотар қуролларнинг умумий номи. XIV асрда пайдо бўлган. Душманнинг жонли кучини ёки мудофаа истехкомларини йўқ қилиш мақсадида фойдаланилган.

Планета – *Қар.: Сайёра.*

Плантация – Йирик деҳқончилик хўжалиги. Бундай хўжаликларда, асосан, тропик, субтропик экинлар: пахта, чой, шакарқамиш, кофе ва ҳоказолар етиштирилади. Буюк географик кашфиётлар натижасида Европа мамлакатлари босиб олган мамлакатларда капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида пайдо бўлган.

Платон академияси – Мил. ав. 380 йилда Платон томонидан Афина яқинидаги Академия номи жойда ташкил этган таълим муассасаси.

Платон (Афлотун) – Мил. ав. 428–347 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. Шарқда “Афлотун” номи билан машҳур бўлган. Унинг асл исми Аристокл бўлган. “Платон” (“кенг елкали”) унинг лақабидир. Бу лақабни унга Сукрот берган. Манбаларга кўра, Платон бир нечта дostonлар, лирик асарлар, драма ва комедияларнинг муаллифи бўлган. Ундан турли суҳбатлар шаклида ёзилган асарлар ва 13 та мактублари бизгача етиб келган. Машҳур асарлари: “Сиёсат”, “Қонунлар”, “Давлат”, “Ғоялар дунёси ва соялар дунёси” ва бошқалар. Платоннинг Атлантида тўғрисидаги ҳикояси диққатга сазовордир. Унинг фикрича, 12 минг йил олдин Гибралтар яқинида сирли қитъа мавжуд бўлиб, бир кеча-кундуз ичида денгиз қаърига чўкиб кетган. Платон Атлантиданинг аниқ жойини кўрсатмаган, аммо файласуфнинг обрўйи шу қадар катта бўлганки, дарҳол ғойиб бўлган қитъани излашга киришилган (уни ҳозирда ҳам қидиришмоқда). Мил. ав. 380 йилда Платон Афина яқинидаги Академия номи бир боғни сотиб олган (бу ном афиналик афсонавий қаҳрамон Академ шарафига берилган) ва унда ўзининг “Платон академияси” деб аталган таълим муассасасини ташкил этган. Ушбу Академия Афинада деярли 1000 йил фаолият кўрсатган. Унда Аристотель ҳам ўқиган. Академияда фақат фалсафадан эмас, балки геометрия, астрономия, география, зоология ва ботаника фанларидан ҳам таълим берилган. Платон фалсафасининг асосий моҳиятини “ғоя” (“эйдос”)лар ҳақидаги таълимот ташкил этади. Платоннинг фикрича, ғоя ҳақиқий борлик ҳисобланади. Инсонлар биладиган ва яшайдиган дунё ғоянинг соясидир. Платон ғоялар дунёсини нарсалар дунёсидан устун қўйган. Инсон ғоялар дунёси билан соялар ўртасидаги зотдир. Унинг руҳи ғоялар дунёсига, жисмоний танаси эса соялар дунёсига мансубдир. Шунинг учун руҳ ва тана бирлигидан иборат одам икки оламга тегишлидир. Руҳ инсоннинг ҳақиқий қисмидир. “Ҳаёт” деб аталадиган нарса руҳнинг инсон танасида яшайдиган вақтдир. Платон педагог ва тарбия назариётчиси сифатида ҳам машҳур бўлган. Унинг жамият ва давлат ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Платоннинг фикрича, қаердаки қонунлар ҳоким устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунларга қул бўлса, ўша давлат гуллаб яшнайд.

Плебейлар – 1. Қадимги Римдаги эркин аҳоли табақаларидан бири. Мил. ав. III асргача плебейлар жамоа еридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган, фақат чекка ерлардан шахсий мулк сифатида фойдаланган. Мил. ав. V–IV асрларда плебейлар ўз ҳуқуқлари учун курашганлари натижасида мажбурий куллик бекор қилинган ва плебейлар Рим фуқаролари таркибига киритилган. 2. Ўрта асрларда плебейлар атамаси “оддий халқ” маъносида ишлатилган. Унга цех устасининг қўл остидаги шогирдлар, касодга учраган хунармандлар ва шаҳар камбағаллари кирган.

Плебисцит – Халқ овоз беришнинг бир тури; бирор масалани овозга қўйиб умумхалқ фикрини аниқлаш.

Пленум – Бирор партия, давлат ва бошқа ташкилотларнинг олдиндан сайлаб қўйилган ёки раҳбар органлари аъзоларининг умумий мажлиси.

Плеханов, Георгий Валентинович – 1856-1918 йилларда яшаб ўтган файласуф, халқаро социал-демократик ҳаракати арбоби.

Плиний катта – Тахм. 23-79 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим адиби ва олими.

Плиний кичик – Тахм. 61-114 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим адиби.

Плутарх – Тахм. 46-127 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон тарихчиси ва файласуфи.

Плутократия – Сиёсий ҳокимият расман ҳукмрон табаканинг бадавлат кишилари қўлида бўлган давлат бошқарувининг шакли.

Плутос – Қадимги юнонларнинг бойлик худоси.

Плюрализм – Ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ҳимоя этувчи сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, диний ва бошқа ташкилотлар эркинлиги, ўзаро рақобати.

Подушина – Чор Россияда мавжуд бўлган жон бошидан олинадиган солиқ. Пётр I томонидан 1722 йили ҳовли бошидан олинадиган солиқ ўрнига жорий этилган. Дворянлар, руҳонийлар ва давлат хизматидаги шахслар подушинадан озод қилинган. Бошқа барча эркаклардан подушина ундириб олинган.

Подшоҳ – *Қар.: Шоҳ, шоҳаншоҳ.*

Позитивизм – Объектив борлиқни ва дунёда мавжуд бўлган нарсаларнинг моҳиятини билиш мумкинлигини инкор этувчи, тажрибани субъектив тасавурларнинг йиғиндиси деб билувчи, фаннинг ролини фактлар, ҳодисаларни тавсифлаш билан чеклаб қўювчи, факт ва ҳодисалар моҳиятини тўла англаш мумкинлигини рад этувчи идеалистик фалсафий оқим.

“Пойтахт ахбороти” – VIII аср бошларида Хитойда вужудга келган газетанинг номи. Ушбу газета Хитойда XX аср бошларигача нашр этилган.

Полемос – Қадимги юнонларнинг жанг худоси.

Полиандрия (Кўпэрлилик) – Гуруҳли никоҳнинг камдан-кам учрайдиган шакли, унда аёлнинг бир неча эри (одатда, ака-укалар) бўлади. Асосан, матриархат даврига хос. Бу даврда ҳар бир аёлнинг бир неча эри бўлган. Полиандрияда хотинлар эркин эр танлаганлар, эр-хотинлик, оила турғун бўлмаган.

Полигамия – Ибтидоий жамоа тузуми давридаги гуруҳий никоҳни англаувчи атама.

Полигиния (Кўпхотинлилик) – Асосан, патриархат даврига оид никоҳ шакли, кўпхотинлилик. Полигиниянинг иккита турини ажратишади: сорорат ва сорорат бўлмаган. Сороратда бир киши бир нечта опа-сингилларга, сорорат бўлмаган тизимда эса қондош бўлмаган аёлларга уланади. Айрим халқларда ҳозиргача сақланиб қолган.

Полис – Шаҳар-давлат. Қадимги Юнонистон ва қадимги Римда жамият ва давлатни ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ташкил этишнинг алоҳида шакли. Полис давлат аппарати тўла ҳуқуқли эркак фуқароларнинг халқ мажлиси (апелла, экклесия), кенгаш (герусия, ареопаг, буле, сенат) ва турли сайланувчи мансабдор шахслар (магистратлар)дан ташкил топган. Полислар олигархик (мас., Спарта) ёки демократик (мас., Афина) бўлган.

Политеизм – *Қар.: Кўпхудолик.*

Политимет – Зарафшон дарёсининг қадимий номи.

Полиция – Бир қатор мамлакатларда жамиятда тартиб ва қонунчиликни сақлаш учун тузилган махсус давлат органи.

Полицмейстер – Россияда 1782 йилдан губерния шаҳарлари полицияси бошлиғи, унга приставлар бўйсунган. 1917 йил Февраль инқилоби даврида тугатилган.

Половцлар – *Қар.: Қипчоқлар.*

Полюдьё – Киев Русида князь ёки дружинанинг солиқ йиғиш мақсадида ўзига қарам бўлган ерларни айланиб чиқиши (Ноябрь ойидан апрелгача давом этган). Тарихий манбаларда илк бор X асрда қайд қилинган.

Поместье – Россияда XV аср охири-1714 йилларда феодаллар томонидан маълум ҳарбий-маъмурий хизмат эвазига берилган ер мулки. Сотиш ва мерос қолдириш тақиқланган.

Помешчиклар – Россияда дворян ер эгалари. Дастлаб давлат хизматидаги кишилар, яъни давлат хизматини ўтаганлари учун ер (поместье)дан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар. Поместьелар секин-аста меросий бўла бориб, 1714 йилдан помешчикларнинг хусусий мулкига айланган. 1917 йилда Октябрь тўнтариши помешчиклар ва уларнинг ер мулкини тугатган.

Помешчик деҳқонлари – Россияда дворян-помешчикларга шахсан қарам бўлган крепостной деҳқонлар. Мамлакатда деҳқонларнинг энг катта қисмини ташкил этган. Деҳқонларнинг алоҳида тоифаси сифатида XVI аср охирида шаклланган. 1861 йилги ислохотдан сўнг озодликка эришганлар.

Помпей – Мил. ав. 106-48 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим саркардаси. Спартак бошчилигидаги куллар кўзғолонини бостиришда иштирок этган. Мил. ав. 60 йилда саркардалар Юлий Цезарь ва Красс билан бирга Рим сенатига қарши курашиш мақсадида махфий тарзда тузилган биринчи учлик ҳокимиятининг аъзоси бўлган. Биринчи учлик ҳокимияти барҳам топгандан кейин Юлий Цезарга қарши курашган. Европа ҳудудларида Юлий Цезардан мағлуб бўлгандан кейин Помпей дастлаб Сурияга бориб, у ерда Парфия подшолиги билан бирга Цезарга қарши урушни давом эттиришни мўлжаллаган. Лекин Сурия зодагонлари уни ёмон кутиб олишган. Шундан сўнг Помпей Миср томон йўл олган. Помпей кемадан соҳилга тушиши билан

шоҳ Птоломей XIII уни Диониснинг фармони билан ўлдирилган. *Яна қар.: Юлий Цезарь.*

Понсад – Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий унвон. Понсадлар 500 кишидан иборат қўшинга қўмондонлик қилишган.

Понтификат – Католик черковида Рим папасининг ҳокимияти ва ҳукмронлиги даври, кардиналлар йиғини (конклав)да янги папа сайланган кундан бошланади. Папанинг унвонларидан бири – понтифекс номидан олинган.

Понтификлар – Қадимги Римда энг муҳим қоҳинлар кенгаши; умумдавлат диний маросимларини ўтказиш, тақвим тузиш, консуллар рўйхатини тузиш ва бошқа ишларни назорат қилишган. Понтификлар орасида асосий ролни буюк понтифик ўйнаган. Понтификлар кенгаши дастлаб беш кишидан кейинчалик кўпайиб борган.

Попов, Александр Степанович – 1859-1905 йилларда яшаб ўтган машҳур рус физиги, радио ихтирочиси. А.С.Попов электр сигналларини симсиз узатадиган қабул қилгич (приёмник)ни, яъни радиоалоқани ихтиро этган. 1895 йил 25 апрелда А.С.Попов ўзи яратган радиоприёмникни намоиш қилган. 1901 йилга келиб у радиотўлқинларни 150 км. масофага узатишга эришган.

Пора – 1. Туркиянинг кумуш тангаси, 1623 йилдан зарб этила бошланган. 2. Қрим хонлигининг кумуш тангаси (XVII асрда). 3. Чор Россиянинг Молдавия ва Валахия учун чиқарилган тангаси.

Порт-Артур – 1904 йилда Россия томонидан Хитойдан ижарага олинган Ляодун ярим оролида қурилган порт.

“Портсмут сулҳ шартномаси” – 1904-1905 йиллардаги Рус-япон уруши якуни бўйича Россия ва Япония ўртасида имзоланган шартнома.

Портун – Қадимги Римликларнинг эшиклар худоси, кейинчалик гавангар, дарё ва денгиз портлари худоси ҳам.

Посадник – X–XI асрларда қадимги рус давлатларида князнинг жойлардаги ноиби, шаҳар бошлиғи. 2. Новгород ва Псковда олий давлат лавозими. Вечеда боярлар орасидан сайланган.

Посейдон – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган Олимп динида денгиз худоси. Қадимги Рим мифологиясидаги Нептунга тўғри келади.

Постиндустириал жамият – Ривожланган мамлакатларда XX аср иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётда вужудга кела бошлаган янги босқич. Атама XX асрнинг 70-йилларидан ишлатила бошланган. Постиндустириал жамиятни “технотон жамият”, “ахборот жамияти”, “посткапиталистик жамият” деб ҳам аташади. Бир қатор олимларнинг фикрича, цивилизация тараққиёти анъанавий жамият, индустриал жамият ва постиндустириал жамият босқичлардан иборат. Постиндустириал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳамияти ортади, фан ва таълим асосий ўринни эгаллайди, ижтимоий тизимда етакчилик мавқеи олимлар ва касб мутахассисларига ўтади, назарий билим янгиликлар киритиш ҳамда сиёсатни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилади, ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш жамият фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Постскриптум – Матн охирида, одатда имзодан кейин P.S. харфларини кўйиб, ундан кейин ёзиладиган қисқа матн.

Потсдам конференцияси – 1945 йилнинг 17 июлидан 2 августигача Берлин шаҳри яқинидаги Потсдам саройида (шунинг учун Потсдам конференциясини “Берлин конференцияси” деб ҳам аташади) уч давлат бошлиқлари – Ф.Рузвельт ўлимидан сўнг 1945 йил 12 апрелда АҚШ президентлигига сайланган Г.Трумэн, И.В.Сталин (собик СССР), У.Черчилль (Буюк Британия), кейинчалик унинг ўрнини эгаллаган К.Этти иштирокида бўлиб ўтган конференция. Потсдам конференцияси қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилган: Германияни тўла қуролсизлантириш, фашизм мафкурасини буткул йўқ қилиш, Германияни бошқариш учун СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой давлатлари вакилларида иборат Ташқи ишлар вазирлари Советини таъсис этиш, Польша ҳудудларини Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ҳолатида белгилаш, Кенигсберг (ҳозирги Калининград) ва унинг атрофидаги ҳудудларни Совет Иттифоқига бериш, ҳарбий жиноятчилар устидан суд олиб бориш учун Халқаро ҳарбий трибунал таъсис этиш ва ҳоказо.

Пошшо (Пошо) – 1. Қар.: Шоҳ. 2. Усмонли турк империясида фуқаролар ва ҳарбийларга бериладиган фахрий унвон. Дастлаб вазир, бекларбеги ва бошқа юқори мансабдор шахслар унга сазовор бўлган. Пошшо идора этган вилоят ёки туман “пошшолик” деб аталган. XIX асрдаги ислоҳот (Танзимот)дан кейин ва мунтазам армия тузилган, пошшо генерал ҳамда вазирларга ҳам берилган. Туркия республика деб эълон қилинган (1923 йили), фақат генералларгина пошшо унвонига эга бўлган. Кейинчалик бу унвон Туркиянинг ўзида (1934 йили), сўнгра Мисрда (1952 йили), Ироқда (1958 йили) бекор қилинган.

Православлик (Православие) – Христиан динининг қадимги Византияда католик мазҳабига шаклан қарама-қарши пайдо бўлган, асосан шарқий славянлар ўртасида ёйилган мазҳаби.

“Прага баҳори” воқеалари – 1968 йилда собик Чехословакияда тоталитар тузумга қарши бўлиб ўтган қўзғолонлар. 1968 йил январь ойида собик Чехословакия коммунистик партиясининг раҳбари этиб Александр Дубчек (1921-1992 йиллар) сайланган. Собик Чехословакия коммунистик партияси жамиятдаги раҳбарлик ролидан воз кечган, миллий хавфсизлик хизматининг фаолият доираси чекланган. Собик Чехословакиядаги ислоҳотларни “инсон қиёфасидаги социализм” учун кураш деб аташган. Ушбу жараёнлар таъсирида 1968 йилнинг бошларида собик Чехословакияда талаба (студент)ларнинг намоёнликлари бошланган. Намойишчилар мамлакатда демократик ислоҳотлар (парламент тизими, матбуот ва сўз эркинлиги) ўтказиш, бозор иқтисодиётига ўтишни талаб қилганлар. Собик Чехословакиядаги бу жараёнлар собик СССР раҳбарияти томонидан капитализмни қайтадан тиклаш сифатида баҳоланган ва 1968 йил 21 августда Варшава шартномаси аъзолари бўлган Болгария, собик Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Польша ва собик СССР қўшинлари “Чехословакия раҳбарияти илтимосига биноан” собик Чехословакия ҳудудига киритилган. Александр Дубчек ва собик Чехословакиянинг

бир қатор ҳукумат ва коммунистик партияси раҳбарлари қамоққа олинган ва Москвага юборилган. Кейинчалик 1969 йил апрель ойида А.Дубчек ўрнига собиқ Чехословакия коммунистик партияси раҳбарлигига советпараст Густав Гусак “сайланган”. 1968 йилнинг бошларида собиқ Чехословакияда содир бўлган воқеалар “Прага баҳори” деб аталган. “Прага баҳори”нинг фаол қатнашчилари (асосан зиёлилар) таъқиб этилган, муҳолифат сиқиб қўйилган.

Прагматизм – XIX асрда Америка Қўшма Штатларида вужудга келган фалсафий оқим. Бу таълимот XX асрда Ғарб мамлакатларида кенг ёйилиб, ижтимоий-маънавий ҳаётга кучли таъсир кўрсатган. Прагматизм ҳақиқатни назарий (гносеологик) масала сифатида тан олмайди. Унингча, ҳақиқат ва амалиёт яхлит ҳолда намоён бўлсагина, бирор маънога эга бўлади.

Президент – 1. Ҳозирда кўпчилик республика шаклида идора қилинадиган мамлакатларда сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирган 189 мамлакатнинг 140 дан ортиғида президент лавозими жорий қилинган. Президентлик бошқарув шакли илк бор Америка Қўшма Штатларида 1787 йили вужудга келган. 2. Жамият ёки илмий муассасанинг маълум муддатга сайлаб қўйилган бошлиғи, раиси, мас., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти.

Президентлик бошқаруви – Фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда давлат бошқарувида қўлланиладиган вақтинчалик бошқарув шакли. У, асосан, федератив тузилишдаги давлат бошқаруви (мас., Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон)да қўлланилади. Субъектлар федерал конституция ёки қонунларни, ҳукуматнинг қонуний талабларини бузганда, инсон ҳуқуқлари поймол этилганда, жиддий тартибсизликлар рўй берганда, федератив давлатнинг ягоналигига хавф солинганда, кучли zilзила, сув тошқинлари ва ҳоказо ҳолатларда амалга оширилади. Президентлик бошқаруви давлат бошлиғининг махсус фармони (декрети) билан эълон қилинади. Президентлик бошқаруви пайтида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ваколатлари тўхтатилади, уларнинг вазифасини бажариш президент тузадиган орган ёки президент тайинлаган мансабдор шахс зиммасига юкланади.

Президиум – Съезд, қурултой, мажлис ва кенгашга раҳбарлик қилиш учун сайланган бир гуруҳ кишилар.

Преторианлар – Қадимги Римда дастлаб саркардаларнинг соқчилари (мил. ав. 275 йилгача), кейинчалик император гвардияси. Октавиан Август Италияда тартибни сақлаш ниятида ҳар бири 1000 кишидан иборат тўққизта преторианлар когортасини тузган. Константин хукмронлиги даврида преторианлар гвардияси тугатилган.

Префектура – Қадимги Рим империясида маъмурий бирликнинг номи.

Приказ – 1. Россияда XVI аср охири – XVIII аср бошларида марказий бошқарув органлари. Палата, изба ва бошқа номлар билан ҳам аталган. 2. XVI–XVII асрларда сарой бошқарувининг маҳаллий органлари. 3. XVI–XVII асрларда ўқчи полклари номи.

Примас – Католик ва англикан черковларида бош епископларнинг унвони. Мамлакатдаги бошқа епископлар устидан диний юрисдикцияга эга бўлган.

Принцепс – Қадимги Рим сенаторлари рўйхатида биринчи шахс, одатда, собиқ цензорларнинг энг кексаси. Республика даврида принцепс сенатда ўз фикрини биринчи билдиришдан бошқа махсус ваколат ва ҳуқуқларга эга бўлмаган. Империя даврида принцепс императорнинг муҳим белгисига айланган.

Принцип – 1. Назария, таълимот, фан ва ҳоказоларнинг асосий қонун-қоидалари. мас., тинч яшаш принципи, партиявийлик принципи. 2. Бирор киши қаттиқ ушлаб олган қоида, маслак, нуқтаи назар, қараш.

Приписной дехқонлар – Рўйхатга олинган дехқонлар. Россияда XVII асрдан –XIX аср ўрталаригача аҳолининг федалга қарам табақаларидан бири, улар жон солиғи ва оброк тўлаш ўрнига давлатга қарашли ёки хусусий корхоналарда ишлашга мажбур бўлганлар. 1861 йили крепостной ҳуқуқ бекор қилинган, приписной дехқонлар ҳам тугатилган.

Пристав – 1. Рус давлатида XV–XVII асрларда буюк князь ёки қирол судига кишиларни чақириш учун юборилган амалдор. 2. 1782 йилдан полиция амалдори.

Провинция – 1. Қадимги Римда Диолектиан ислохотларига қадар (296 йили) энг йирик маъмурий бирлик. 2. Россияда 1719-1775 йилларда губерния таркибига кирган маъмурий-худудий бирлик.

Программа – *Қар.: Дастур.*

Прогресс – *Қар.: Тараққиёт.*

Прогрессив – Тараққийпарвар, илғор, ўсиб борадиган, ривожланувчи.

Продразверстка (Озиқ-овқат тарқатиш) – Россияда амалга оширилган “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг тадбирларидан бири. Унга кўра, дехқонлардан дон тортиб олинган. *Яна қар.: “Ҳарбий коммунизм” сиёсати.*

Прокламация – Сиёсий мазмундаги варақа.

Проконсул – Қадимги Римда республика ва империя даврида давлат лавозими. Проконсуллар консуллар каби ҳокимията эга эдилар (одатда, чекланган худудда), лекин улардан фарқли ўлароқ, сентурия йиғинлари бўйича сайланмаганлар. Провинцияларни бошқарувчи проконсуллар сенат томонидан собиқ консуллар орсидан тайинланган. Одатда, проконсулнинг ваколат муддати бир йил бўлган.

Прокуратура – Мамлакатда қонунга амал қилиниши устидан назорат олиб боровчи ва судда давлат номидан тузилган айбномани ҳимоя қилувчи давлат органи.

Прокурор – 1. Прокуратура ходими, давлат қонунларининг тўғри бажарилиши устидан назорат олиб бориш ва судда давлат номидан тузилган айбномани тасдиқловчи шахс. 2. Суд процессида давлат қораловчиси.

Пролетариат диктатураси – Коммунистик мафкура бўйича, пролетариатнинг капиталистик жамиятдан коммунистик жамиятга ўтиш даврида буржуазия ҳокимиятини инқилобий йўл билан ағдариб ва буржуа давлат аппаратини бузиб ташлаш натижасида ўрнатиладиган давлат ҳокимияти.

Пролетарийлар – Қадимги Римда ҳукмдор Сервий Туллий ислохотлари бўйича аҳолининг мол-мулкка эга бўлмаган қашшоқ қатлами. Ночорлиги боис

улар солиқ тўламаганлар, ҳарбий хизматдан ҳам озод этилган. Карл Маркс бу атамани кейинчалик мол-мулксиз ишчиларга нисбатан қўллаган.

Прометей – Қадимги Юнонистон мифологиясида ўт худоси.

Проскрипциялар – Қадимги Римда қонундан ташқарида деб эълон қилинган шахслар рўйхати. Сиёсий рақиблардан ўч олиш, шунингдек, бойлик орттириш (проскрипцияларга киритилган кишиларнинг мол-мулки мусодара қилинган) воситаси бўлган.

Протекторат – Мустамлака қарамлиги турларидан бири. Протекторатга олинган давлат фақат ички ишлардагига айрим мустақилликларга эга бўлади, унинг ташқи муносабатлари, мудофааси ва бошқаларни мустамлакачи давлат ўз ихтиёрига қараб амалга оширади. Бундай давлатларга XVI–XIX асрларда Усмонлилар давлати протекторатида бўлган Қрим хонлиги, Жазоир, 1803-1858 йилларда Буюк Британия протекторати остида бўлган Ҳиндистон, 1939-1945 йилларда Германия протекторати остида бўлган Богемия ва Молравияни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Протекционизм – 1. Давлатнинг ички бозорни чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш (уларга катта бож солиш билан) ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорга чиқишини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсат. 2. Юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахснинг муаммоларини ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик қилиш.

Протестантизм (Протестантлик) – Христиан динида католицизм ва православлик мазҳаблари қаторида Ғарбий Европада XVI асрда Мартин Лютер таълимотлари асосида вужудга келган мазҳаб. Протестантизм католик мазҳаби негизида ва унинг ғояларига қарши курашлар жараёнида пайдо бўлган. Протестантизмда руҳонийларнинг инсон билан худо ўртасидаги воситачилик роли инкор этилади, черков иерархияси йўқ, диний тоат-ибодатлар соддалаштирилган, руҳонийлар оила куришлари мумкин. Бугунги кунда протестантизмда кальвинчилик, лютеранлик, англикан черковлари, методистлар, баптистлар, адвентистлар ва бошқа оқимлар вужудга келган. Протестантизи мазҳаби асосан Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Скандинавия мамлакатлари, Нидерландия, Швейцария, Австралия, Канада, Болтиқбўйи мамлакатларида тарқалган. Протестантизмнинг қайси йўналиши кўпроқ тарқалганини инобатга олиб унинг тарафдорларини Германия, Дания ва Швецияда “лютеранлар”, Францияда “галликанлар”, Англияда “англиканлар”, Швейцария, Нидерландияда “кальвинистлар” деб аташган. Италия, Испания ва Польша мамлакатларида католик черкови ўз мавқеини сақлаб қолган.

Протестация – Мартин Лютернинг “95 тезислари”га қарши Англиянинг баъзи князлари, зодагонлари ва руҳонийлари томонидан тузилган ҳужжат. Кейинчалик шу “протестация” сўзи Мартин Лютер таълимотлари асосида вужудга келган христиан дини протестантизм мазҳабининг расмий номи ўзагини ташкил этган.

Протокол – 1. Мажлисида, йиғилишда ёки сўроқ вақтида айтилган сўзлар ва қабул қилинган қарорлар тўлиқ ёзиб олинган ҳужжат, мас., мажлис протоколи, тергов протоколи ва ҳоказо. 2. Бирор фактни тасдиқлаш учун

тузилган ҳужжат, мас., суд экспертизаси варачи тузган протокол. 3. Халқаро битимлар, келишувлар ҳақидаги ҳужжат.

Профсоюз (Профессиональный союз) – *Қар.: Касаба уюшмаси.*

Прудон, Пьер Жозеф – 1809-1865 йилларда яшаб ўтган француз мутафаккири.

Псамметих I – Қадимги Миср ҳукмдори (мил. ав. 663-610 йиллар). Мисрнинг шимолида жойлашган Саис шаҳрининг ҳукмдори. Дастлаб Мисрнинг шимолида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган, кейинчалик эса Фива шаҳрини эфиопиялик ҳукмдорлардан тортиб олган ва қадимги Миср тарихида сеис ҳукмдорлар сулоласига асос солган. Бу сулола вакиллари Мисрда мил. ав. 664-525 йилларда ҳукмронлик қилган. Миср саислик ҳукмдорлар сулоласи даврида марказлашган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга айланган.

Психея – Қадимги юнон илоҳаси, инсон руҳи ифодачиси. Психея, одатда, капалак ёки капалак қанотли қиз қиёфасида тасаввур қилинган.

Птоломей Лаг – Аҳмонийлар давлатига қарам бўлган Миср сатрапиясининг ҳукмдори.

Птоломей шоҳлиги – Мил. ав. 324-30 йилларда мавжуд бўлган эллинистик давлат. Македониялик Александрнинг салтанати парчаланиб кетгандан кейин Миср ҳудудларида ҳукмронлик қилиш Македонскийнинг мохир саркардаларидан бири Птоломей Лагга насиб этган ва Мисрда птоломейлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган. Мил. ав. 30 йилда Миср маликаси Клеопатра VII ўз жонига қасд қилиб вафот этгандан кейин ушбу сулоланинг ҳукмронлигига барҳам берилган. Птоломей шоҳлиги эллинистик давлатлар ичида энг ривожлангани бўлган. Мисрдан ташқаридаги баъзи ҳудудлар ҳам (Мисрдан жанубда жойлашган Африка китъасининг ҳудудлари, Кипр жазираси, Сирия жануби, Финикия ва ҳоказо) Птоломей шоҳлиги тасарруфида бўлган. Птоломей шоҳлигининг энг ривожланган шаҳри унинг пойтахти Александрия бўлган.

Пугачёв кўзғолони – 1773-1775 йилларда Уралбўйи, Уралорти ва Қуйи Волгабўйи ҳудудларида Россиянинг марказий ҳокимиятига қарши Емильян Пугачёв бошчилигида бўлиб ўтган кўзғолон. Кўзғолончилар таркибида казаклар, заводлар ишчилари ва крепостной деҳқонлар бўлишган. Пугачёвнинг ўзи Дон казакларидан бўлган. У деҳқонларга ерларни бўлиб бериш, крепостной ҳуқуқини бекор қилиш, дворян ва шоҳ амалдорларини йўқ қилиш тўғрисида манифест эълон қилган. Кўзғолончилар сони 30 минг кишига етган. Уларнинг ихтиёрида 86 тўп бўлган. Россия императори Екатерина II кўзғолончиларга қарши мунтазам қўшинлар юборган. Урал дарёси бўйида бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангда кўзғолончилар мағлуб бўлишган. Пугачёв кўлга олинган ва 1775 йилда Москва шаҳрида келтирилиб, қатл этилган. Россия ҳукумати томонидан минглаб Пугачёв кўзғолонининг қатнашчилари шафқатсизларча жазоланган.

Пули сирот – *Қар.: Сирот.*

Пуни урушлари – Мил. ав. 264-146 йилларда Қадимги Рим ва Карфаген ўрталарида бўлиб ўтган урушлар. Ўрта ер денгизида ҳукмрон бўлиш учун Рим

Карфагенга қарши урушган. Бу урушлар тарихда “Пуни урушлари” деб ном олган. Римликлар карфагенларни “пунилар” деб аташган. Римликлар Карфагенга қарши уч маротаба – мил. ав. 264-241, 218-201 ва 148-146 йилларда урушишган. Бу жангларда Рим қўшинлари ғалаба қозонган. Биринчи Пуни уруши (мил. ав. 264-241 йиллар) Сицилияда ҳукмронликка эга бўлиш учун бўлиб ўтган. Ҳақиқатда Сицилиянинг ғарбий қисми Карфаген, шарқий қисми эса Рим тасарруфида бўлган. Рим ҳам, Карфаген ҳам экспансион ташқи сиёсат олиб борганликлари учун улар Сицилиянинг ягона ҳукмрони бўлишга интилганлар. Мил. ав. 218 йили Карфагеннинг лашкарбошиси Ганнибал бошчилигидаги қўшинлар Рим таъсир доирасида бўлган Иберия (Испания) худудида жойлашган Сагунт шаҳрини босиб олган. Рим карфагенликларга Ганнибални жазолаш учун уларга топширишни талаб қилишган. Рад жавобини олишгач, Рим Карфагенга қарши янги – иккинчи урушни (мил. ав. 218-201 йиллар) бошлаган. Римликлар ўз қўшинларининг бир қисмини Африкага, бошқа қисмини эса Иберия томон юборганлар. Юзага келган вазиятдан Карфаген қўшинлари қўмондони Ганнибал моҳирона фойдаланган ва Рим қўшинларига катта талафотлар етказган. Мил. ав. 216 йилда ҳозирги Италиянинг жанубида жойлашган Канна деган жойида Рим ва Карфаген ўртасида қадимги давр тарихида энг йирик жанглардан бири бўлиб ўтган. Бу жангда карфагенликлар ғолиб чиқишган. Канна атрофидаги жангдаги мағлубиятдан кейин Рим сенати мамлакатда умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилган. Унга биноан барча эркаклар 17 ёшдан бошлаб ҳарбий хизматга чақиртирилган. Бундан ташқари, Рим сенати сўнгги имкониятдан фойдаланиб, кулларни ҳам ҳарбий хизматга чақириш бўйича қарор қабул қилган. Шу тадбирлар натижасида римликлар ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига киритиб, жангларда ғалабаларга эриша бошлаганлар. Мил. ав. 205 йилда Янги Карфаген шаҳри римликлар томонидан босиб олинган. Ганнибал ўз қўшинлари билан Италия жанубида душман қуршовида қолиб кетгандан кейин Карфагенга чекинишга мажбур бўлган. Карфагеннинг жанубидаги Зама деган жойида Рим ва Карфаген ўртасидаги ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтган. Бу жангда Рим қўшинлари ғалаба қозонишган. Мил. ав. 148 йилда римликлар карфагенликларга Карфаген шаҳрини батамом бўшатиб, унинг аҳолисига 80 стадий (15 км) узоқда манзил қуриб кўчиб кетишни талаб қилганлар. Карфагенликлар бу талабни рад этгандан кейин Рим ва Карфаген ўртасида учинчи уруш (мил. ав. 148-146 йиллар) бошланган. Бу урушда Римликлар ғалаба қозонишган. Карфаген римликлар томонидан ғорат қилинган ва ёндириб ташланган. Таслим бўлган 50 мингга яқин Карфаген аскарлари қулга айлантдирилган. Вайронага айлантдирилган Карфагенда қайтадан уй-жой қуриб яшаш ман этилган. Кейинчалик Карфаген шаҳрини Рим императори Юлий Цезарь қайтадан тиклатган.

Пуританизм – Англикан церковини католицизмга хос бўлган барча нарса (епископлар ҳокимияти, дабдабали диний маросимлар, дин пешволарининг бойлиги ва ҳоказо)лардан тозалаш. Пуританизм реформациянинг ўзига хос давоми бўлган.

Путч – Одатда, консерватив ва ўта радикал кучлар бошчилигидаги курулли исён, давлат тўнтариши. Рақобатдошлар кўпинча бир-бирини путччилар деб, ўз ҳаракатларини эса инқилоб деб атаганлар.

Пушкин, Александр Сергеевич – 1799-1837 йилларда яшаб ўтган буюк рус шоири, янги рус адабиётининг асосчиси. А.С.Пушкин зулм ва крепостнойликни фош этувчи шеърлар ёзгани учун 1820 йили рус императори Александр I фармони билан Екатеринослав шаҳрига сургун қилинган. Кейинчалик А.С.Пушкин Кавказ ва Қримларга сафар қилган. 1831 йилдан бошлаб А.С.Пушкин Россия Ташқи ишлар коллегиясида хизмат қилган. Бу А.С.Пушкинга давлат архиви материалларидан фойдаланишга имконият берган. У Россия тарихини чуқур ўрганган. А.С.Пушкин 1837 йили дуэлда вафот этган. А.С.Пушкиннинг машҳур асарлари “Боғчасарой фонтани” достони (1823 йили), “Борис Годунов” трагедияси (1825 йили), “Евгений Онегин” шеърый романи (1825-1833 йиллари), “Дубровский” қиссаси (1832-1833 йиллари), “Пугачёв тарихи” қиссаси (1833 йили), “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ” эртаги (1833 йили), “Капитан кизи” қиссаси (1833-1836 йиллари).

Пэр – Франция ва Англияда олий аристократия вакиллари унвони. 1. Буюк Британияда пэрларнинг беш даражаси мавжуд бўлган: герцог, маркиз, граф, виконт ва барон. Дастлаб пэрлар ўз унвони билан боғлиқ ҳудудларни бошқарган, лекин кейинчалик бу анъана барҳам топган. 2. Францияда пэрлар энг йирик феодаллар, қиролнинг бевосита вассаллари бўлган. Дастлаб 12 та пэр мавжуд бўлган: олтита рухоний ва олтита дунёвий зодагонлар. Пэрлар фақат пэрлар суди томонидан суд қилинган, эвазига Франция қиролига содиқлик қасамёди (оммаж) келтиришлари талаб этилган. Францияда абсолютизмнинг кучайиши билан пэрлар аввалига ўз мавқеини йўқота борган. Шу даврдан пэрлик фақат фахрий унвонга айланган.

“Пўлатхон” кўзғолони – 1873-1876 йилларда Қўқон хонлиги ҳудудларида Мулло Исҳоқ бошчилигида Қўқон хони Худоёрхонга қарши бўлиб ўтган кўзғолонлар. Мулла Исҳоқ бу кўзғолонларга собиқ Қўқон хони Олимхоннинг невараси бўлган “Пўлатхон” номи билан бошчилик қилган. “Пўлатхон” кўзғолони дастлаб Жалолобод ва Хонободнинг қирғиз қишлоқларида маҳаллий аҳоли хоннинг солиқ йиғувчиларини ўлдирганлиги билан бошланган. Тез орада кўзғолончиларнинг сони 10 мингга етган. Кўплаб солиқлар тўлашдан тинкаси қуриган хонлик аҳолиси “Пўлатхон” кўзғолонини қўллаб-қувватлашган. Уларга ўтроқ халқ ҳам қўшилишган. Худоёрхоннинг ўғиллари Насриддинбек, Муродбек ва Муҳаммад Амирбек, набираси Назарбек, Қўқоннинг юқори табақа вакиллари ҳам “Пўлатхон” томонига ўтишган. Кўп ўтмай Насриддинбек ва “Пўлатхон” ўрталаридаги рақобат кучайган. “Пўлатхон” ўз обрўсини кўтариш мақсадида Насриддинбек ва хонликда катта нуфузга эга бўлган Абдурахмон офтобачининг ер ва мулкларини меҳнаткаш халққа тарқитиб берган. 1876 йилнинг январида “Пўлатхон”, ўша йилнинг февраль ойида эса Насриддинхон қўшинлари рус қўшинларига таслим бўлишган. Қўлга туширилган “Пўлатхон” мустамлакачилар томонидан 1876 йилнинг 1 мартда Марғилон шаҳрида оломон олдида дорга осиб ўлдирилган.

Ра – Қадимги мисрликларнинг қуёш худоси.

Раб – Аллоҳ, тангри, парвардигор.

Рабаз – Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги Ўрта асрлар шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, маҳаллалари жойлашган қисми. Рабазлар VII-VIII асрларда пайдо бўлиб, шаҳар арки ёки шаҳристон атрофида қурилган. XI–XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларининг мустақкам қисмига айланган. XIII аср бошида мўғуллар истилоси натижасида қўплаб қадимги шаҳарларнинг арки ва шаҳристони харобага айланиб қолган бўлса-да, рабазларда ҳаёт давом этган.

Раби ул-аввал – Ҳижрий- қамарий тақвимида учинчи ойнинг арабча номи.

Раби ус-соний – Ҳижрий-қамарий тақвимида тўртинчи ойнинг арабча номи.

Раббоний, Бурҳониддин – Афғонистондаги Савр инқолобига қарши кучлар раҳбарларининг бири. Кейинчалик Афғонистон президенти.

Рабод – Шарқ мамлакатлари шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган қисми.

Работ (Равот) – Ўрта асрларда арабларнинг мустақкамланган қароргоҳи. Тархи тўртбурчак, деворларида миноралари бўлган. Дастлаб (ислом дини тарқала бошлаган даврда) ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино. Кейинчалик работ фақат кўрғон, истеҳком маъносига эмас, балки меҳмонхона (қарвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган. Зоҳидлар ҳам махсус работларда яшаганлар. Ўрта Осиёда VIII–X асрларда кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар билан чегарадош жойларда кўплаб работлар қурилган. *Яна қар.: Хонақоҳ.*

Рабғузий, Носириддин – XIII асрнинг охири-XIV аср бошларида яшаб ўтган буюк адиб. Носириддин Рабғузий туркий халқлар адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб насрий қисса ва ривоятлар таълиф этган. Носириддин Рабғузидан бизгача 1309-1310 йилларда туркий тилида ёзилган “Қисаси Рабғузий” (“Рабғузий қиссалари”) етиб келган. Бу асар 77 қиссадан иборат.

Раввин – Иудаизмда диндорлар жамоаси раҳбари, дин хизматчиси. Раввин диний ақидаларни талқин қилади, диний маросимларга оид масалаларни ҳал этади, баъзи маросимларни бажариб беради, синагогада ваъз-насихат қилади.

Равза – 1. Гулзор, боғ, гулшан. 2. Жаннат, биҳишт.

Равоқ – Катта биноларнинг олд тарафида баланд қилиб махсус қурилган кўркама ва савлатли қисми.

Рада – Баъзи славян давлатларида халқ ҳокимияти органи, вече, парламент.

Радикализм – Ўз қарашлари, ғояларига ўта берилиш, бошқа ғоя-қарашларга муросасиз бўлиш. Кўпинча ижтимоий-сиёсий соҳадаги ҳаракатларга, айниқса, мавжуд ижтимоий институтларни туб, қатъий ва кескин чоралар, дастурлар билан ўзгартириш тарафдорларига нисбатан қўлланилади. Одатда, мавжуд ижтимоий тартиблар ва анъаналар чуқур инқирозга тушганда бўй кўрсатади.

Раддия – Бирор бир хабар ёки маълумотни инкор этувчи, унинг ёлғон ва асоссиз эканлигини исботловчи расмий ҳужжат.

Ражаб – Ҳижрий-камарий тақвимида еттинчи ойнинг арабча номи.

Разведка – 1. Душман ва унинг қўшинлари, уларнинг жойланиши тўғрисида маълумот тўплаш учун айрим ҳарбий бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган ҳарбий ва тезкор фаолият, мас., ҳаво разведкаси. 2. Бошқа давлатнинг иқтисоди, қуrolли кучлари, сиёсий вазияти ва ҳоказолар ҳақида маълумот тўпловчи давлат органи.

Разночинлар – XVIII-XIX асрларда Россияда дворян бўлмаган табақа (савдогар, руҳоний, деҳқон, майда амалдор)лар ичидан чиққан зиёлилар (ўқитувчи, врач, турли мутахассис, адабиётшунос ва ҳоказолар).

Раззоқ – Ризқ-рўз берувчи, яъни Аллоҳ.

Раис – 1. Ўрта Осиё хонликларида шариат қонун-қоидалари, диний маросимлар, урф-одатлар, рўза тутиш, намоз ўқиш, хайру эҳсон ишларининг ўз вақтида аниқ бажарилишини назорат қилувчи, ота-оналарнинг болаларини мактабга юборишларини, савдо аҳлининг харидорлар ҳақида хиёнат қилмаслиги учун тарози ва тошларнинг тўғри бўлишини текшириб турувчи мансабдор. Раис, шунингдек, шаҳар орасталиги ва хавфсизлиги учун ҳам масъул ҳисобланган. Ҳар бир йирик қишлоқ ўз раисига эга бўлиб, қозикалон тавсиясига биноан ҳукмдор томонидан тайинланган. *Яна қар.: Мухтасиб.* 2. Мажлис, анжуманларни бошқариб боровчи. 3. Корхоналар, идоралар раҳбари.

Раият – 1. Бирор ўлка ёки мамлакат аҳолиси. 2. Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида дастлаб барча солиқ тўловчи қишлоқ ва шаҳар аҳолиси. 3. Усмонли турк империясида XVIII аср охиридан бошлаб раият (раия) атамаси фақат мусулмон бўлмаган аҳолига нисбатан ишлатилган.

Рай – Эрондаги қадимий шаҳар. Ҳозирги Техрон шаҳридан 8 км. шимолий-шарқда жойлашган.

Район – *Қар.: Туман.*

Райосатпаноҳ – *Қар.: Эшон Раис.*

Рамазон – Ҳижрий-камарий тақвимида тўққизинчи ойнинг арабча номи. Ислом таълимотига кўра, рамазон ойида Аллоҳ Муҳаммад Пайғамбарга Қуръони Каримни ваҳий қилган. Шунинг учун рамазон ойи мусулмонлар учун муқаддас ой ҳисобланади ва рўза тутиш буюрилган. Ўзбекистонда рамазон ойининг сўнгги куни-Рамазон ҳайити байрам сифатида нишонланади.

“Рамаяна” – Мил. ав. II асрда шарқий Ҳиндистонда тўлиқ шаклланган ҳинд эпоси. У синскрит тилида битилган. “Рамаяна”нинг муаллифи Валмики деб тахмин қилинади. Ушбу асар 7 китобдан иборат. Эпосда афсонавий шох Раманинг қаҳрамонликлари, зулм ва адолатсизликка қарши кураши баён этилган. Одамхўр девлар подшоси Раван томонидан Раманинг рафиқаси Ситанинг ўғирлаб кетилиши ва Ситани қутқариш учун Раманинг Раванга қарши жанглари “Рамаяна”нинг марказий воқеасини ташкил этади.

Рамз – Бирор ғоя, тушунча, ҳодиса ва шу кабиларни ифодаловчи шартли белги, ишора.

Рамсес II – Мил. ав. 1301-1235 йилларда яшаб ўтган қадимги Мисрнинг Янги шохлик даври ҳукмдори. Унинг ҳукмронлиги даврида Мисрнинг

шимолий-шарқий қисми хеттлар қўлига ўтган. Рамсес II ва хеттлар қўшинлари ўрталарида кўплаб жанглар бўлиб ўтган, лекин мисрликлар ғалабага эриша олмаган. Мил. ав. 1280 йилда Миср фиръавни Рамсес II билан хеттлар шоҳи Хаттусали ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган. Ушбу шартноманинг матни икки тил (Миср ва Аккад тиллари)да ҳозиргача етиб келган.

Ранджит Сингх – XIX асрнинг 30-йилларида Ҳиндистон ва Афғонистон ўрталаридаги Кашмир, Пешовар, Панжоб ҳудудларининг ҳукмдори.

Рапалло шартномаси – Генуя конференцияси жараёнида Совет Россияси ва Германия ўрталарида имзоланган шартнома. *Яна қар.: Генуя конференцияси.*

Расадхона – Астрономик, геофизик, метеорологик ва бошқа тадқиқотлар учун жиҳозланган илмий муассаса жойлашган бино. Дастлаб объектларни кузатиш билан шуғулланадиган жой сифатида пайдо бўлган. Ўрта асрларда Шарқда кўплаб расадхоналар қурилган (мас., Улуғбек расадхонаси). Кейинчалик (XVI аср ўрталаридан) Европада расадхоналар оптик радиофизик ва бошқа асбоблар билан таъминлана бошлаган.

Расизм – Мустамлакачилик сиёсатининг энг жирканч кўриниши. Унга кўра, инсонлар гўё азалдан юқори ва қуйи (паст) ирқларга бўлинган. Шунга кўра, юқори ирқдагилар ҳукмронлик қилиш, паст ирқдагилар эса уларга итоат этиш учун бу дунёга келганлар.

Рассел, Бертран – 1872-1970 йилларда яшаб ўтган инглиз файласуфи, социологи ва жамият арбоби.

Раста – Ўтмишда Ўрта Осиё бозорлари ёки махсус жойларда бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги кўча.

Расул – Ислом ақидаси бўйича Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган ва тарғибот юритиш, ҳидоятга даъват этиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган пайғамбар. Муҳаммад Пайғамбарга нисбатан доимо расул номи қўлланиб келади. Набий – китоб нозил қилинмаган пайғамбар. Шу боис ҳар бир расулни набий деб аташ мумкинлиги, аммо набийларни расул деб бўлмаслиги қайд қилинган. *Яна қар.: Пайғамбар.*

Ратификация – Аҳдлашган давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартноманинг олий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши.

Ратуша – 1. Ғарбий Европада Ўрта асрларда шаҳарнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, Россияда кичик шаҳарларда тоифавий суд органи. 2. Шаҳарнинг ўзини-ўзи бошқариш органи биноси. Одатда, иккинчи каватида удқан зал ва соат минораси бўлган.

Рафаэль – 1483-1520 йилларда яшаб ўтган италиялик машҳур rassом.

Рахшонак (Роксана) – Македониялик Александр хотини, Ўрта Осиёлик зодагон Оксартнинг қизи.

Рационализм – Ақл инсоннинг билиши ва хулқининг асоси, деб қарайдиган фалсафий таълимот.

Раҳимбий, Муҳаммад – Бухоро амирлигининг биринчи ҳукмдори (1856-1858 йиллар). Манғитлар сулоласидан. Муҳаммад Раҳимбий отаси Муҳаммад Ҳакимбий ёрдами билан охирги аштархонийлар хони Абулфайзхон саройида юқори лавозимларда хизмат қилган, Абулфайзхон қизига уйланган. 1740

йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигини ўзига бўйсундирилгандан кейин Муҳаммад Раҳимбий Бухоронинг обрўли кишиларидан 12 минг нафарига бош бўлиб, “оқ уйлик” сифатида уларни Эрон пойтахти Машҳадга олиб борган. 1745 йилда Муҳаммад Раҳимбий Нодиршоҳ фармони билан Бухорога қайтган ва лашкарбеги – бош вазир лавозимини эгаллаган. Айнан шу вақтдан бошлаб Муҳаммад Раҳимбий Бухоро хонлигининг амалдаги ҳукмдорига айланган. 1747 йилда Эронда Нодиршоҳ суиқасд натижасида ўлдирилган. Ўша йили Муҳаммад Раҳимбийнинг буйруғи билан Бухородаги Мир Араб мадрасасида аштархонийларнинг охирги хони Абулфайзхон ўлдирилган. 1747-1756 йилларда Бухоро хонлигида кўғирчоқ хонлар ҳукмронлик қилишган бўлсалар-да, амалда хонлик Муҳаммад Раҳимбий томонидан бошқарилган. 1756 йил 16 декабрда Муҳаммад Раҳимбий расмий равишда Бухоро тахтини эгаллаган. Муҳаммад Раҳимбий 1758 йилда вафот этган.

Раҳимхон I, Муҳаммад – Хива хонлигининг ҳукмдори (1806-1825 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида хонликда бошқарув тизими такомиллашган, солиқлар тизими тартибга солинган. Хива хони саройи қошида доимий фаолият кўрсатадиган Кенгаш (Девон) таъсис этилган. Муҳаммад Раҳимхон I бир қанча иқтисодий, маъмурий ислохотлар ўтказган (масалан, арқда зарбхона ташкил қилиниб, олтин ва кумуш тангалар чиқарилган, ичкилик ва бангилик тақиқланган, хонлик худудида бир қанча каналлар қазилиб, ободонлаштиришга эътибор берилган. Муҳаммад Раҳимхон I илм аҳлига ҳомийлик қилган. Олим, шоир ва донишмандлар билан суҳбатлар ўтказиб турган. Муҳаммад Раҳимхон I 1825 йилда вафот этган ва унинг ҳомийлигида қайта қурдирилган Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мажмуасида дафн этилган.

Раҳимхон II, Муҳаммад – Хива хонлигининг машҳур ҳукмдори (1864-1910 йиллар). “Феруз” тахаллуси билан ижод қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида хонлик сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалган. 1872 йил охирларидан бошлаб Россия Хива хонлигига қарши ҳарбий юришга тайёргарлик кўра бошлаган. Муҳаммад Раҳимхон II рус қўшинлари хавфини бартараф этиш учун Англиядан ҳарбий мадад сўраган. Англия ҳукмрон доиралари Хива хонлигининг мустақиллигини сақлаб қолишида манфаатдор бўлсалар- да, Россия билан муносабатларини бузмаслик учун Хива хонлигига ёрдам беришдан бош тортган. Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман Бухоро амири ва Кўқон хонига мактублар йўллаб, улардан Хива хонига ёрдам бермасликни “сўраган”. Бу шароитда Хива хонлиги Россия қўшинларидан якка ўзи ҳимояланишга мажбур бўлган. Россия қўшинларининг ҳарбий салоҳияти Хива хонлиги қўшинларидан бир неча маротаба устун бўлган. Хива хонлигининг кўплаб худудларини ишғол этгандан кейин, 1873 йил май ойида рус қўшинлари Хива шаҳри остоналарига етиб келишган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Хива шаҳрини вайронагарликдан сақлаб қолиш мақсадида тахтдан воз кечиб, туркман ерлари орқали Макка сафарига отланган. Шу вазиятда Хива зодагонлари Фон Кауфманга мактуб билан мурожаат этиб, Хива шаҳрини вайрон этмасликни илтимос қилишган. Рус

кўшинлари Хивани тўпдан отишни тўхтатишган, лекин шаҳарга кириб хон саройидаги барча қимматбаҳо нарсаларни, 300 тадан ортиқ бебаҳо қўлзма асарларни тортиб олиб, Россия пойтахти Петербургга юборишган. Фон Кауфман Россия императори фақат Муҳаммад Раҳимхон II ни Хива хони сифатида тан олишини уқтириб, Хива зодагонларидан Муҳаммад Раҳимхон II ни топиб, уни қайтадан Хива тахтига ўтқозишни талаб қилган. 1873 йил 12 августда Гандимиён қишлоғида Фон Кауфман ва Муҳаммад Раҳимхон II томонидан “Гандимиён сулҳ шартномаси” имзоланган. Унга кўра, Хива хонлиги Россия вассалига айланган.

Раҳнамо – Йўл кўрсатувчи. Кўпинча йирик давлат арбобларига нисбат бериладиган фахрли атама.

Реал – Қадимги кумуш танга. XV асрдан XIX асрнинг 70-йилларигача Лотин Америкаси, Италия, Португалия ва бошқа мамлакатларда муомалада бўлган.

Реваншизм – Урушга мағлубиятга учраган агрессив доираларнинг урушдан олдинги чегараларни, халқаро муносабатдаги тартибларни қайта тиклаш баҳонаси билан янги уруш тайёрлашга қаратилган сиёсат.

Ревгарий – 1259 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Шофиркондаги Ревгар қишлоғида туғилган. Моҳитобон номи билан машҳур шайх, Хожа Абдухолик Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси.

Ревизионизм – Марксизм-ленинизм таълимотига танқидий назар билан қарайдиган оппортунистик сиёсий оқим. Бу оқим тарафдорлари К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин таълимотини ревизия (тафтиш) қилишни, уни қайта кўриб чиқишни талаб этишган.

Революция – *Қар.: Инқилоб.*

Регентлик – Монархия давлатларида тахтнинг бўшлиғи, тахт эгасининг гўдаклиғи, монархнинг узок давом этган касаллиғи, балоғатга етмаганлиғи ёхуд узок вақт йўқ бўлиши ҳолатларида жамоавий йўл билан (регентлик кенгаши) ёки яқка тартибда (регент) давлат бошлиғи ваколатларини вақтинчалик бажариб туриши.

Регистон – Кўплаб Шарқ мамлакатлари шаҳарларининг марказий майдони. Турли мақсадлар билан одамлар тўпланадиган жой. Регистонлар кўп ҳолларда шаҳар арки ёки ҳокимлар саройлари ёнида барпо этилган ҳамда улар маъмурий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Мас., Самарқанд ва Бухородаги регистонлар.

Режим – 1. Давлат тузуми, давлатни бошқариш усули, мас., бюрократик режим. 2. Иш, дам олиш, маҳбусларни билан ишлаш ва ҳоказоларнинг белгилаб қўйилган қатъий тартиби, мас., санаторияда ўрнатилган режим, жазони ижро этиш режими.

Резидент – 1. Ўрта асрларда муайян мамлакатда доимий яшовчи чет эллик дипломатик вакил. 2. Мустамлакачи давлатнинг протекторатдаги вакили; одатда, у ана шу протекторатнинг ҳокими ҳисобланган. 3. Чет эл разведкасининг бошқа бирор давлатдаги яширин вакили. 4. Муайян

мамлакатда миллий қонунчиликка тўла риоя қилувчи рўйхатдан ўтган юридик ёхуд жисмоний шахс.

Резиденция – *Қар.*: *Қароргоҳ.*

Резолюция – 1. Йиғилиш, мажлис ва ҳоказоларда муҳокама этилган масала бўйича қабул қилинган қарори. 2. Ариза, йўлланма ва ҳоказо ҳужжатларга раҳбар ходим томонидан ёзилган ёзма буйруқ ёки кўрсатма.

Рейган, Рональд – 1911-2014 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 40-президенти (1981-1989 йилларда).

Рейтер агентлиги – Акциядорлар компаниясига тегишли бўлган Англия информация агентлиги. Унга 1851 йили Пол Жулиус Рейтер асос солган. Рейтер агентлигини 2008 йилда Томсон корпорацияси сотиб олган. Ҳозир бу агентликнинг расмий номи “Томсон Рейтер”.

Рейхсвер – 1919-1935 йилларда Версаль тинчлик шартномаси билан чегараланган Германия қуролли кучлари. Ёлланма ҳарбийлардан ташкил этилган. 1935 йилнинг мартада фашистлар Германияси Версаль тинчлик шартномасининг чекловчи моддаларини бекор қилган ва умумий ҳарбий сафарбарлик асосида вермахтни тузишга киришган.

Рейхсканцлер – Давлат канцлери, империя канцлери; 1871-1945 йилларда Германияда ҳукумат бошлиғининг унвони.

Рейхсрат – Собиқ Австрия-Венгрия империясининг Австрия қисмида (Цислейтания) икки палатали парламент, қонун чиқарувчи орган. 1867-1917 йилларда фаолият кўрсатган. Давлатнинг Венгрия қисмида (Транслейтания) қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий Кенгаш амалга оширган. Рейхстар икки палатадан-юқори ва қуйи палаталардан иборат бўлган. 2. Федерацияли тартиб мавжуд бўлган Германия Республикаси (1919-1934 йиллар) ўлкалар вакиллари кенгаши амал қилган даврда турли жойлар юқори палатаси. Ҳар бир ўлка ҳукумати Рейхсратга биттадан вакил юборган. Рейхсрат ҳукумат томонидан чиқариладиган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиб рейхсрат қабул қилган қонунларга қаршилик билдира олган. Германияда федерация тартибига барҳам берган фашистлар 1934 йилнинг январидан барҳам берганлар.

Рейхстаг – 1. Муқаддас Рим империясида олий тоифавий вакиллик органи. XII асрда шаклланган император ҳузуридаги сарой кенгаши-гофтагдан ўсиб чиққан. 1495 йили қонун чиқарувчи ва судлов ваколатларига эга империя тоифаларининг вакиллик органи сифатида рейхстагни таъсис этиш тўғрисида император Максимилиан I ва империянинг олий табақалари ўртасида келишувга эришилган. 1648 йилги Вестфалия тинчлик сулҳи билан рейхстагнинг ваколатлари кенгайтирилган, натижада у давлатнинг қонун чиқарувчи органига айланган. 2. Кейзер даврида Германиянинг олий вакиллик ва қонунчилик органи; империя парламенти қуйи палатаси. Юқори палата вазифасини Иттифоқ кенгаши бажарган.

Рейхстар (Иттифоқ Шўроси) – Германиянинг Олий империя органи.

Реквизиция қилиш (Реквизиция) – Хусусий кишилар ёки жамоат ташкилотларининг мулкани доимий ёки вақтинча давлат ихтиёрига ўтказиш.

Реконкиста – Араблар (маврлар) босиб олган ҳудудларнинг Пиреней яриморали туб аҳолиси томонидан VIII–XV асрларда жанг билан қайтариб

олиниши. Реконкиста 718 йилги Ковадонга жанги билан бошланган. 1212 йилги Лас-Навас-де-Толоса жанги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. XIII асрнинг ўрталарига келиб араблар қўлида фақат Гранада (Ғарнота) амирлиги (1492 йилда қулаган) қолган, холос. Реконкиста урушдан хароб бўлган ерларга аҳолини кўчириш ва иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилган.

Реконструкциялаш (Реконструкция) – 1. Қадимги иншоот, санъат асарлари ва ҳоказоларни улардан сақланиб қолган айрим бўлаклари, тавсифлари асосида қайта тиклаш. 2. Корхона ускуналарини янги ускуналар билан жиҳозлаш.

Рекрут – Ҳарбий хизматга ёлланиш ёки ҳарбий мажбурият юзасидан қабул қилинган шахс. Россия армиясида 1705-1874 йилларда рекрутлик маржбурияти орқали армияга қабул қилинган киши.

Релятивизм – Барча билимларни нисбий, шартли билимлардир деб ҳисоблаб, объектив борлиқни билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик фалсафий оқим.

Рембрандт – 1606-1669 йилларда яшаб ўтган нидерландиялик машҳур рассом.

Ремилитаризация – Қайтадан қуролланиш, илгари қуролсизлантирилган ҳудудни ёки мамлакатни қайтадан қуроллантириш, халқаро шартнома асосида қўшинлар чиқариб юборилган ерга яна қўшин киритиш.

Ренегадос – Пиреней яриморлидаги араб давлатларида (VIII–XV асрлар) исломни қабул қилган христианлар; черков томонидан муртадлар (ренегатлар) сифатида баҳоланган. Араб манбаларда “мувалладлар” деб номланган. Қурдоба амирлигида (756-929 йиллар) ренегадос тўлиқ араблаштирилган эди. Ренегадос Испанияда араб- мусулмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшган.

Ренессанс – *Қар.: Уйғониш даври.*

Рента – Кенг маънода мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмасдан ер, мол-мулк, капиталдан мунтазам оладиган даромади; ссудага берилган капиталдан фоиз, ер эгаларининг ижарага берилган ер участкасидан мунтазам оладиган даромади. Тор маънода қатъий даромадли пул капитали ва қимматли қоғозлар эгалари фоиз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда рента тушунчаси ерни ижарага бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

Рентген, Вильгельм Конрад – 1845-1923 йилларда яшаб ўтган машҳур немис физиги. Рентген 1895 йилда янги нурланишни кашф этиб, уларни “х-нурлар” деб атаган. Кейинчалик бу нурлар “рентген” деб атала бошланган. Рентген нурлари тиббиёт, фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Рентген 1901 йилда физиклар ичида дунёда биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Репарация – Урушда ғолиб чиққан давлатга унинг кўрилган зарарларини тўла ёки қисман қоплаш учун енгилган ва урушнинг бошланишига сабабчи бўлган давлат томонидан тўланадиган товон. Товон миқдори кўрилган

зарарга мос келиши талаб қилинади. Репарация пул ёки маҳсулот шаклида бўлиши мумкин.

Репартименто – Испаниянинг Америкадаги мустамлакалари ва Филиппинда аҳолини асоратга солиш тизими, мустамлакачилар томонидан ерни унда истиқомат қилаётган аҳолининг мажбурий меҳнати ҳам репартименто дейилган.

Репатриация – 1. Ҳарбий ва оддий асирлар ва қочоқларни ўз ватанларига қайтариш. 2. Мамлакатларнинг ўзаро келишуви асосида муҳожирларни ўз юртларига қайтариш.

Репрессия – Қатағон, жазо.

Рескрипт – 1. Қадимги Римда императорнинг унга муҳокама учун тақдим этилган масалалар юзасидан қонун кучига эга бўлган жавоби. Кейинчалик рескриптларнинг ҳуқуқ тизимидаги аҳамияти пасайган. 2. Монархнинг вазир ёки мансабдор шахсларга ёзма тарзда берилган буйруғи.

Республика – Давлат бошқаруви шакли; унда барча давлат ҳокимияти органлари сайлаб қўйилади ёки умуммиллий ваколатли муассасалар (парламентлар) томонидан шакллантирилади, фуқаролар эса шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўладилар. Тарихан республика антик даврда монархиянинг зидди сифатида вужудга келган (мас., Афинадаги кулдорлик демократияси). Мил. ав. V–IV асрларда Спарта ва мил. ав. II асрда Рим давлатида республика аристократлар қисми манфаатларини ифода этган. Ўрта асрларда республика бошқарув шаклини қўллаган Венеция ва Генуя сингари шаҳар давлатлари мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда жаҳондаги 190 давлатда 140 дан ортиғи республика ҳисобланади. Бошқарувнинг республика шакли куйидаги турларга ажратилади: 1) президентлик республикаси (Америка Қўшма Штатлари, Мексика ва бошқалар), бунда президент умумхалқ сайловида сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади; 2) парламентар республика (Италия, Германия, Венгрия ва бошқалар), бунда парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳисобланмайди. 3) аралаш типдаги республика (ярим президентлик; Франция, Португалия, Финляндия, Европада тоталитар тузумдан халос бўлган янги мамлакатларнинг аксарияти, бунда президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади.

Реституция – Халқаро ҳуқуқда урушаётган давлат томонидан душман ҳудудидан ғайриқонуний равишда босиб олинган ва олиб чиқиб кетилган мулкни қайтариб бериш. Реституция тартиби тинчлик аҳди ёки бошқа ҳуқуқий актлар билан белгиланади.

Референдум – Умумхалқ овоз бериш йўли билан қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шакли. Бевосита демократиянинг муҳим воситаси. Референдумнинг сайловлардан фарқи шундаки, референдум ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала – қонун,

қонун лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар, мамлакат халқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатга оид бирон-бир савол қўйилади.

Реформа – Ислоҳот, қайта қуриш, ўзгариш; мавжуд ижтимоий тузум асосларига путур етказмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасини ёки барча жабҳаларини замон талаблари асосида ўзгартириш, қайта қуриш, янги тартиб.

Реформация – XVI асрда Ғарбий ва Марказий Европада тарқалган христиан дини католик мазҳабининг ғоявий таянчи бўлган заминдорларга қарши қаратилган ижтимоий ҳаракат. Бу ҳаракатларнинг раҳбари ҳозирги Германиянинг шимолий қисмида жойлашган Виттенберг шаҳри университетининг илоҳиёт профессори, роҳиб Мартин Лютер (1483-1546 йиллар) бўлган. У 1517 йилда университет черкови эшикларига ўзининг католик черкови асосий ақидаларини инкор этувчи “95 тезислари”ни ёпиштириб қўйган. Бу тезисларда Лютер Рим папасининг гуноҳларни авф этиш ёрлиқлари бўлган индульгенциялар сотишини қаттиқ қоралаган, черков худо ва одамлар ўртасида воситачи бўла олмаслигини, черков папасиз ҳам яшаб олишини таъкидлаган. Мартин Лютер Ян Гусь таълимотининг кўп жиҳатларига ўзининг хайрхоҳлигини билдирган. Бундан ташқари, Лютер христианлик дини ақидалари ҳаммага тушунарли бўлиши учун “Библия”нинг жойларда маҳаллий тилларга таржима этилишини, черковдаги диний маросимлар она тилида олиб борилишини ҳам таклиф қилган. Англиянинг баъзи князлари, зодагонлари ва руҳонийлари Лютернинг тезисларига қарши “Протестация” деб номланган ҳужжатга имзо чекишган. Кейинчалик шу “протестация” сўзи Лютер таълимотлари асосида вужудга келган христиан дини протестантизм (норози бўлиш, келишмаслик) мазҳабининг расмий номи ўзагини ташкил этган ва бу мазҳаб католик ва православлик билан бирга христиан динининг уч асосий мазҳабларидан бирига айланган. Рим папасига Мартин Лютерга қораловчи ёрлиқ юборган. Лютер эса бу ёрлиқни 1520 йили Виттенберг университети ўқитувчилари ва талабаларининг олдида ёқиб ташлаган. Шундан кейин Рим папаси билан Лютер муносабатлари кескинлашган. Кўплаб Германия зодагонлари ва князлари Лютердан ўз ғояларидан воз кечишни талаб қилишган. Саксония князи Фридрих Мартин Лютерни ўз ҳомийлигига олиб, уни омон сақлаб қолган. Лютер Фридрих қалъасида хавф-хатардан холи яшаб, католик динини ислоҳ қилиш борасидаги фикрларини ривожлантирган. У Рим папаларининг дунёвий ҳокимиятига чек қўйиш лозимлигини, черков дунёвий давлатга бўйсунishi кераклигини, Германияда Рим папасига бўйсунмайдиган мустақил черков тузиш зарурлигини таъкидлаган, “Инжил” (“Библия”)ни немис тилига таржима қилган. Протестантлар христиан динининг асосий ақидаларини тан олишган. Шу билан бирга, протестантлар черков ва руҳонийларнинг эътиқод қилувчилар ва худо орасидаги воситачи эканлигини инкор этишган, черков иерархияси, руҳонийлар ва оддий кишилар орасидаги табақаланишни рад қилишган, монахларга, авлиёлар, хоч ва иконаларга сиғинишни нотўғри деб ҳисоблашган, кўп маблағ талаб қиладиган тадбирлар ўтказишни асоссиз деб билишган, целибат (руҳонийларнинг уйланмаслиги)ни инкор этишган. Шимолий Германияда черковларни Мартин

Лютер таълимоти асосида ислоҳ қилиш фаол олиб борилган (монастирлар ёпилиб, черков ерлари мусодара қилинган, диний маросимлар “камчиқим” ўтказиладиган бўлган ва ҳоказо). Англия, Дания, Швеция, Швейцария ва Нидерландияда ҳам черковда ислохотлар амалга оширилган.

Реформизм – Коммунистик мафкура таълимотларига қарши бўлган оппортунистик оқим. Реформизм тарафдорлари (реформистлар) ишчилар синфининг капитализмга қарши инқилобий курашини, пролетариат диктатураси ва социализм учун курашни инкор этиб, жамиятда кичик реформалар ўтказиш сиёсатини ёқлайдилар.

Риёзат – 1. Ўтмишда математика, алгебра, астрономия фанларининг номи. 2. Тасаввуфда тариқат шартларидан бири. Унга кўра, дарвеш, мурид, сўфийнинг нафс истагидан воз кечиб, бу йўлда қийналиши, азоб-укубатларга чидаши лозим бўлган.

Рикобдор – Ўтмишда шоҳ ва амалдорларнинг оти узангисидан тутиб, уларни отга миндирадиган киши.

Римдаги биринчи триумвират – Мил. ав. 60 йилда қадимги Римда саркардалар Юлий Цезарь ва Помпей ҳамда бадавлат Красс ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш бўйича тузилган махфий битим. Красс ва Помпей ёрдамида Цезарь мил. ав. 59 йилда консуллик мансабига сайланган. *Яна қар.: Цезарь, Юлий.*

Римдаги иккинчи триумвират – Қадимги Рим комиция (халқ мажлиси)си томонидан Марк Антоний, Эмилий Лепид ва Гай Цезарь Октавианлардан тузилган ҳокимият. Мил. ав. 44 йилда Юлий Цезарь ўлдирилгандан кейин унинг улкан бойликларига Марк Антоний эга бўлган. Лекин кўп ўтмай Римга Цезарнинг узоқ қариндоши (Цезарь жиянининг набираси) 19 ёшли Гай Октавиан пайдо бўлиб, Цезарнинг улкан бойликларига ворис эканлиги ҳақида даъво қилган. Антоний Октавианга рад жавобини берган. Шунда Октавиан Цицерондан мадад сўраган. Цицерон цезарчилар сафларини заифлаштириш мақсадида Октавианни ўгай ўғил сифатида Цезарнинг қонуний меросхўрлиги ҳақидаги қонунни сенат мажлисида қабул қилдирган. Шу вақтдан бошлаб Гай Октавиан “Гай Цезарь Октавиан” деб номланадиган бўлган. Натижада Антоний билан Октавианнинг муносабатлари кескинлашган. Римда вужудга келган вазиятни юмшатиш мақсадида комиция мил. ав. 42 йилда Римда ҳокимиятни Марк Антоний, Эмилий Лепид ва Гай Цезарь Октавианга топшириш бўйича қарор чиқаришган. Натижада Римда иккинчи триумвират вужудга келган. Биринчи триумвиратдан фарқли ўлароқ, иккинчи триумвират фавқулодда ваколатларга эга расмий давлат органи ҳисобланган. Иккинчи триумвират Цезарь қотилларига берилган амнистияни бекор қилиб, проскрипция (душманлар рўйхати) эълон қилган. Проскрипция бўйича 2 мингга яқин республикачилар ўлдирилган. Биринчилардан бўлиб проскрипция бўйича Цицерон ўлдирилган. Иккинчи триумвират Рим вилоятларини ўзаро тақсимлаб олишган. Антонийга Римнинг Ўрта ер денгизи шарқида жойлашган вилоятларини, Октавианга Римнинг шимолида жойлашган Галлия, Иллирия ва Испанияни, Лепидга Римнинг Африкадаги вилоятларини бошқариш

юклатилган. Рим хуудлари устидан ҳукмронлик қилиш ҳар учала иккинчи триумвират аъзолари бўйнида бўлса-да, аслида унда Октавианнинг мавқеи кучли бўлган, чунки Антоний ва Лепидга нисбатан унинг бошқарадиган хуудлари (Галлия, Иллирия ва Испания) Римга яқинроқ бўлган. Кўп ўтмай Лепид Октавианни ҳукмронликдан маҳрум этиш мақсадида Октавиан тарафдорлари орасида ўзининг тарафига ўтишни ташвиқ қила бошлаган. Бундан хабар топган Октавиан ҳам шу йулни танлаган: Лепид тарафдорлари орасида ўзининг тарафига ўтишни таклиф эта бошлаган. “Цезарнинг ўғли”, яъни Октавианнинг обрўси шунчалик катта бўлганки, Лепиднинг аскарлари Октавиан томонига ўта бошлашган. Яққаланиб қолган Лепид Октавиандан шафқат сўрашдан бошқа иложи қолмаган. Октавиан Лепидни Римдан узоқ хуудга сургун қилган. Шундай қилиб, мил. ав. 36 йилга келиб Ўрта ер денгизи соҳили хуудларида иккита ҳукмдор – ғарбда Октавиан, шарқ (Кичик Осиё ва Сурия)да Антоний қолган. Римда Антонийнинг обрўси тушиб кетган. Бунинг сабаблари Антонийнинг Парфияга қарши муваффақиятсиз уруши ҳамда Миср маликаси Клеопатрага ошиқ бўлиб Мисрда қолиб кетиши бўлган. Антоний Клеопатрани “шоҳларнинг маликаси” деб эълон қилган, унга уйланишини ҳаммага билдирган. Клеопатра эса ўз ўғилларига Ўрта ер денгизнинг шарқий соҳили вилоятларини тақсимлаб беришни бошлаган. Октавианнинг обрўси эса Рим аҳолиси орасида ошган бўлса-да, сенатда унинг душманлари кўп бўлган. Мил. ав. 32 йилда Октавиан сенатни ўз аскарлари билан ўраб олиб, уни Антонийга қарши қарорлар қабул қилишга мажбур этган. Сенат Клеопатрага қарши жанг эълон қилган. Антонийни эса Рим республикасининг душмани деб атаган. Октавиан ва Антоний қўшинлари Юнонистон соҳилларида жамлана бошлашган. Сувдаги биринчи жангда Антоний қўшинлари мағлубиятга учраган. Шундан кейин Антоний-Клеопатра қўшинлари сафида мавжуд бўлган римликлар ва мисрликлар ўрталарида қарама-қаршилиқлар бошланган. Мил. ав. 31 йил 2 сентябрида Антоний-Клеопатра ва Октавиан қўшинлари ўртасидаги асосий жанг арафасида Клеопатра ногаҳон ўз қўшинлари билан жангга тушмасдан, Миср томон йўл олган. Антоний Клеопатрани қайтаришга уринган. Лекин Клеопатра Антонийни ўзи билан бирга Мисрга олиб кетишга муваффақ бўлган. Бу хабарни эшитган Антонийнинг қўмондонлари ўз аскарлари билан Октавиан томонга ўта бошлашган. Мил. ав. 30 йилда Марк Антоний Октавианга қарши янги урушга тайёрланаётган бир пайтда Клеопатранинг ўз жонига қасд қилиб ўлгани ҳақида хабарни эшитган. Бу хабарни эшитган замон Антоний ўзини қиличга ташлаб жиддий жароҳат олган. Ўлим тўшагида ётган Антоний уни Клеопатра жасади олдига олиб боришни буюрган. Антонийни Клеопатра олдига олиб келганларида у соғ-саломат бўлган. Клеопатранинг ўлими ҳақидаги хабар ёлғон бўлиб чиққан. Клеопатра Антонийга ўзини ўлдиришини айтган. Шундан сўнг Клеопатра Октавианга таслим бўлиши ҳақида хабар юборган. Октавиан Клеопатрага, таслим бўлган тақдирда, зарар етказмаслигини айтган. Лекин Клеопатра Октавиан унинг учун олтин занжирлар тайёрлаётганини, уни Римга шармандаларча, занжирбанд ҳолда ўзи билан олиб боришни мўлжаллаётгани ҳақида хабар олган. Шундан сўнг Клеопатра

ўзини ўлдирган. Антоний ва Клеопатра ўлимидан кейин Октавиан якка ҳукмрон бўлиб қолган ва Рим тарихида янги давр – Рим империяси даврини бошлаб берган.

Рим папаси – Христиан дини католик черкови ва Ватикан давлатининг бошлиғи.

Рим ҳуқуқи – Қадимги Рим ҳуқуқи тизими. Хусусий ҳуқуқ ва умумий ҳуқуқни ўз ичига олган. Унда мулкӣ муносабатлар, ашёвий ҳуқуқлар, турли битимлар, шартномага асосланган ва асосланмаган мажбуриятлар, мерос ҳуқуқи ва бошқа масалаларга оид қоидалар мукамал ишлаб чиқилган. Кейинчалик Рим империясининг юксалиши, унинг бошқа давлатларни босиб олиши билан, фақат римликларга тегишли бўлган бу қонун-қоидалар талабга жавоб бермай қўйган.

Рисолачи – Ўтмишда хонликлар девонидаги лавозим. Рисолачининг вазифаси элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб беришдан иборат бўлган.

Рицарлар – Ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида имтиёзли ижтимоий қатлам. Вассаллик муносабатлари орқали ўз синьорларига қарам бўлган. Рицарлар синьорлардан ер мулки (феод) олиб, эвазига уларнинг қўшинида суворий хизматини ўтаганлар. Рицарлар учун қуйидаги ахлоқий нормалар: жасурлик, омонатга садоқат, аёлларга нисбатан олижаноблик шарт бўлган. XV–XVI асрларда мунтазам армиялар тузилиши ва ўқотар қуролларнинг тарқалиши билан рицарларга эътиёж қолмаган.

Рицарлик академиялари – XVI–XVIII асрларда Германияда дворянлар фарзандларини ҳарбий, фуқаролик ва сарой хизматига тайёрловчи табақалашган ўқув юртлари.

Роббер де Сорбон – 1257 йилда Парижда университет таъсис этган Франция қироли хонадонининг руҳонийси.

Робентроп-Молотов махфий протоколи – 1939 йил 23 августда Германия ташқи ишлар вазири Робентроп ва собиқ Совет Иттифоқи ташқи ишлар вазири Молотов томонидан имзоланган махфий протокол. Унга кўра, томонлар учинчи давлатлар иштирокисиз Иккинчи жаҳон уруши бошламасдан олдин Европада ўз таъсир доираларини белгилаб олишган. “Робинтроп-Молотов махфий протоколи”га биноан собиқ Совет Иттифоқи 1939 йил сентябрь ойининг охирида Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияни, 1940 йилда эса Болтикбўйи республикаларини ўз тасарруфига киритган. 1939 йил ноябрь ойдан 1940 йил март ойигача собиқ СССР Финляндияга хужум қилиб, унинг ҳудудлари ҳисобидан ўз давлат чегараларини Ленинград шаҳридан узоклаштирган.

Робеспьер, Максимилиан – Францияда Буюк француз инқилоби даврида ҳукмронлик қилган якобинчилар ҳукуматининг раҳбари.

Робиа Адавия – 801 йилда вафот этган сўфий аёл.

Род – Қадимги руслар худоси, бир аждод авлодлари бирлиги тимсоли.

Родос – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат. Ўрта денгиздаги Родос оролида мавжуд бўлган.

Родосдаги Гелиос хайкали – Қадимги дунёда “етти мўъжиза” сифатида эътироф этилган иншоотлардан бири. Родос Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида жойлашган орол. Ривоятларга кўра, Родос ороли дастлаб денгиз остида бўлган. Уни ёруғликка Қуёш худоси Гелиос олиб чиққан. Родос халқи Гелиосни ўзларининг худолари сифатида эъзозлашган. Мил. ав. 220 йилда Родос оролида даҳшатли ер қимирлаш юз берган. Унинг натижасида Гелиос хайкали қаттиқ шикастланган. Катта уринишларга қарамай, Гелиоснинг улкан хайкалини тиклашнинг иложи бўлмаган. Тарихий манбаларнинг маълумотига қараганда, милодий X асрда бир савдогар Родос ҳукмдоридан Гелиос хайкали бўлақларини сотиб олган ва уларни 900та туяга ортиб номаълум томонга олиб кетган. Шу тариқа Родосдаги улкан Гелиос хайкалидан ном- нишон қолмаган.

Рожа – Ҳиндистондаги ҳокимлар унвони.

Рожпутлар – Ўрта асрларда Ҳиндистондаги ҳарбий каста-табақа; ҳозирги Ҳиндистондаги каста. Рожпутлар аجدодлари мил. ав. биринчи мингйиллик ўрталарида, асосан, Рожастхон худудида яшаганлар. Рожпутлар ўзларини қадимги ҳинд қахрамонлари ва шоҳлари – кшатрийларнинг авлоди деб ҳисоблайдилар.

Роксана – *Қар.: Рахшонак.*

Роллан, Ромен – 1866-1944 йилларда яшаб ўтган француз адиби ва жамоат арбоби.

Рома – Қадимги римликлар илоҳаси, Рим давлати ва Рим шаҳри ифодачиси.

Ромитаний, Хожа Али – XIII аср ўрталари-1316/1321 йилларда яшаб ўтган хожагон-нақшбандия тариқатининг вакили.

Ромул – Рим шаҳрининг биринчи ҳокими.

Ромул Августулани – Охирги Рим императори. 476 йилда варварлар томонидан ҳукмронликдан маҳрум этилган.

Россия ва Англия ўртасида Персия, Афғонистон ва Тибет масалалари бўйича конвенция – 1907 йил 31 августда имзоланган конвенция. Унга кўра, Персия (Эрон) уч зонага бўлинган. Эроннинг шимолий қисми Россия таъсир доирасига киритилган, ўрта зонаси нейтрал деб эълон қилинган, жанубий зонаси эса Англия таъсир доирасига кирган. Россия Афғонистон унинг таъсир доирасида эмаслигини тан олган. Тибет эса Хитой таъсир доирасида деб эълон қилинган.

Россия социал-демократик ишчи (большевик)лар партияси (РСДРПб) – Чор Россиясида большевиклар партиясининг 1912-1918 йиллардаги номи.

Россия социал-демократик ишчилар партияси – Чор, кейинчалик совет Россиясида большевиклар партиясининг 1898-1912 йиллардаги номланиши.

Россиянинг 1877-1878 йиллардаги Туркияга қарши уруши – XIX асрнинг 70-йилларида Болқон ярим оролида жойлашган славян халқлари Туркия зулмига қарши кўзғолонлар уюштирганлар. Бу кўзғолонлар Туркия томонидан шафқатсизларча бостирилган. Бунга жавобан 1877 йил апрель ойида Россия Туркияга уруш эълон қилган ва ўз қўшинларини Болқон ярим оролига киритган. Туркия қўшинлари тор-мор этилган. Россия ва Туркия ўртасида 1878 йил 3 мартда имзоланган Сан-Стефано шартномаси бўйича

Черногория, Сербия ва Руминия мустақил деб эълон қилинган, Болгария Туркия таркибида автономия ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари, Болгария ҳудудида Россия ҳарбий корпуси жойлаштирилган. Туркия Россияга катта миқдорда контрибуция тўлаган. Туркиянинг 1877-1878 йилларда бўлиб ўтган Россия билан урушида мағлубиятга учраб, заифлашганидан фойдаланиб, Франция 1881 йилда олдин Туркияга тааллуқли бўлган Тунисни, 1882 йилда Англия Мисрни, Греция Фессалияни забт этишган. Туркиянинг ўзи эса хорижий займлар ботқоғига ботиб, иқтисодий аҳволи ёмонлашган.

Ростислав – Буюк Моравия давлатининг ҳукмдори (846–870 йиллар).

Рота – Кўпгина давлатлар қуролли кучларидаги мотоўқчи, танк, муҳандислик кўшинларидаги тактик бўлинма. Ҳозирги замонда рота, одатда, бир неча взводдан иборат бўлиб, батальон (полк) таркибига киради.

Ротмистр – 1. XV асрдан XX асргача Польша отлик кўшинларида ҳарбий унвон. Дастлаб ротмистр пиёдалар қисмини ҳам, отликлар қисмини ҳам бошқариши мумкин бўлган. Кейинчалик эскадрон кўмондони “ротмистр” деб аталган (1947 йилгача мавжуд бўлган). 2. Германия ва Австро-Венгрияда ротмистр капитанлик унвонига мос келган. Биринчи жаҳон уруши даврида ротмистрлар эскадронлари, баъзида полкларни бошқарган. 3. Россияда ротмистрлар XVII асрда пайдо бўлган. Империя даврида отлик отлик кўшинда зобитлик унвони. 1917 йилда бекор қилинган.

Рофе ибн Лайс кўзғолони – 806-810 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда аббосийлар халифалиги зулмига қарши бўлиб ўтган кучли кўзғолон. Бу кўзғолонга бухорхудот Туғшоданинг қуёви Рофе ибн Лайс бошчилик қилган. Рофе ибн Лайс кўзғолони Самарқанд ва Бухородан ташқари Хоразм, Шош, Хўжанд, Уструшона, Насаф, Чағониён, Хутталон, Балх ва Тохаристонга кенг ёйилган. Кўзғолоннинг кенгайиб боришидан кўрқиб халифа Хорун ар-Рашид 807 йилда 300 минг кишилик кўшинни Мовароуннаҳрга юборган. Араб кўшинлари шиддатли жанглардан сўнг 809 йилда Бухоро шахрини эгаллашган. Кўзғолон раҳбарларидан бири бўлган Рофе ибн Лайснинг укаси Башир ибн Лайсни араблар қўлга туширишган ва Тус шахрига олиб бориб, қийнаб ўлдиришган. Рофе ибн Лайс Самарқандда мустаҳкам ўрнашиб, унда мудофаа деворлари қурдирган. Араб кўшинлари билан Мовароуннаҳрга юборилган халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун маҳаллий мулкдор Сомонхудот (Сомон ибн Худот)нинг набиралари – Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёс ибн Асадларга мактуб юбориб, Рофе ибн Лайс кўзғолонини бостиришга араб кўшинларига ёрдам беришни сўраган. Бунинг эвазига Маъмун Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисини бир йил хирож тўлашдан бутунлай озод этиб, кейинги йилларда хирож ҳажмини тўртдан бир қисмини камайтиришга ваъда берган. Ёзма манбаларнинг маълумотларига кўра, Сомонхудотнинг набиралари (Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёс) даъватлари билан Рофе ибн Лайс кўзғолон раҳбарлигидан бош тортиб, араб маъмурлари билан сулҳ тузган. Раҳбарсиз қолган кўзғолон 810 йилда бостирилган. Рофе ибн Лайснинг кейинги тақдири бўйича турли маълумотлар мавжуд (халифа саройида хизмат қилган, ўлдирилган ва ҳоказо). Рофе ибн Лайс кўзғолони араб халифалигининг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ҳокимияти ва таъсирлари

заифлашганидан дарак берган. Ушбу кўзғолондан кейин Хуросонда тоҳирийлар, Мовароуннаҳрда эса сомонийлар сулолаларининг мавқеи кучайган.

Роялистлар – Буюк француз инқилобида қатнашган сиёсий куч. Людовик XVI ҳокимиятини сақлаб қолиш тарафдорлари бўлишган.

Роҳиблар – *Қар.: Монахлар.*

РСДРП – Русча “Российская социал-демократическая рабочая партия” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз.

РСДРП (б) – Русча “Российская социал- демократическая рабочая партия большевиков” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз.

РСФСР – Русча “Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика” (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз.

Рубрук, Гильом – Франция кироли Людовик IX томонидан 1253 йилда Волга дарёси оқимида жойлашган мўғуллар қароргоҳига юборилган роҳиб.

Рудакий, Абу Абдуллоҳ – Тахм. IX аср охири-941 йилларда яшаб ўтган буюк шоир. Панжакентга яқин Панжруд қишлоғига туғилган. Сомонийлар саройида хизмат қилган. Умрининг охирида сомоний ҳукмдорлари ғазабига учраб, саройдан қувилган ва ўз қишлоғига қайтиб ночорликда умр ўтказиб вафот этган. Рудакий “Калила ва Димна”, “Синдбоднома”, “Даврони офтоб”, “Ароис ун-нафоис” каби асарлар таълиф этган бўлса-да, уларнинг кичик парчаларигина бизгача етиб келган. Рудакийнинг шеърларида муҳаббат, олийҳимматлик, сахийлик, мардлик, гўзал табиат, таълим ва тарбия, теран фалсафий фикрлар ўз ифодасини топган.

Рузвельт, Теодор – 1858-1919 яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 26-чи президенти (1901-1909 йиллар).

Рузвельт, Франклин Делано – 1882-1945 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 32-чи президенти (1933-1945 йиллар).

Рум – Рим империяси. 476 йилда Ғарбий Рим империяси тугатилгандан кейин “Рум” сўзи Шарқий Рим империяси (Византия)га нисбатан қўлланадиган бўлган. Кичик Осиёнинг ғарбий қисми ҳам XIII-XV асрларда мусулмон тарихчилари томонидан “Рум” деб аталган.

Румий, Жалолиддин – 1207-1273 йилларда яшаб ўтган шоир ва мутафаккир, суфизмдаги “мавлавия” тариқатининг асосчиси. Жалолиддин Румий араб, форс ва туркий тилларда ижод қилган. У 1207 йилда Балхда таваллуд топган. Унинг отаси Баҳоуддин Валад сўфийлик ва фикҳ донишманди, замонасининг энг обрўли алломаси бўлган. Шунинг учун Муҳаммад Хоразмшоҳ уни ўз даргоҳига даъват этган. Лекин Валад бу таклифни рад этиб, мактабдорлик ҳамда илмий-ижодий ишлар билан шуғулланган. Тарихий китобларда келтирилишича, кейинчалик у Муҳаммад Хоразмшоҳ ғазабидан кўрқиб, оиласи ва 400 шогирди билан Макка томон йўл олган. Ўшанда Жалолиддин 6 ёшда бўлган. Жалолиддин Дамашқ ва Бағдод мадрасаларида замонасининг буюк алломаларидан илм олган, Нишопурда Фаридуддин Аттор ҳузурида бир неча ҳафта яшаган. Кейинчалик Жалолиддин оиласи Кўня шаҳри (ҳозирги Туркия Республикаси ҳудудида)га келиб, муқим

яшаган. Ўша вақтдан бошлаб Жалолиддин “Румий” тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаган. Жалолиддин Румийнинг камолотга етишида буюк шоир ва шайх Шамси Табризийнинг таъсири кучли бўлган. Румийнинг ўзи ҳам бир шеърда “Агар Аттор менга рух бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди”, деб таъкидлаган. Жалолиддин Румийнинг Шамси Табризийги хурмати шунчалик юксак бўлганки, у кўплаб ғазалларида “Шамси Табризий”, “Шамс” тахаллусларини қўллаган. Жалолиддин Румийдан бизга қадар шеърлар девони (25 минг байтдан ортиқ), “Макотиб”, “Фиҳи мо фиҳи” (“Ичингдаги ичингдадир”) ҳамда машҳур “Маснавийи маънавий” китоблари сақланиб қолган. “Маснавийи маънавий” 270 дан ортиқ ҳикоятлар, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган. Уларда Қуръони карим оятларининг мазмун-моҳияти тараннум этилган. Жалолиддин Румий 1273 йили вафот этган ва Кўня шаҳрида дафн этилган.

Румий, Қозизода – Тахм. 1360-1437 йилларда яшаб ўтган буюк астроном ва математик олим. 1360 йилда Кичик Осиёдаги Брусса шаҳри (ҳозирги Туркиянинг Бурса шаҳри)да таваллуд топган. Хуросон ва Мовароуннаҳр мадрасаларида таълим олган. Тахминан 1400 йилда илмий фаолиятини давом эттириш учун Самарқандга келган. Самарқандда Улуғбек илмий мактабининг яратилишида ўзининг хиссасини қўшган. Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида математика ва астрономиядан маърузалар ўқиган. Қозизода Румийни замондошлари “Афлотуни замон” (“Ўз даврининг Платони”) деб эъзозлашган. У Улуғбек расадхонасининг яратилиши ҳамда “Зижи жадиди Кўрагоний” асарининг ёзилишида қатнашган. Қозизода Румийнинг ўғли Ҳасан Чалабий ва невараси Мирам Чалабийлар ҳам ўз замонасининг таниқли олимлари бўлишган. Қозизода Румий 1437 йили Самарқандда вафот этган.

“Русская правда” (“Рус ҳақиқати”) – Ярослав I Мудрый ҳукмронлиги даврида тузилган давлатнинг қонунлар мажмуининг номи.

Руссо, Жан Жак – 1712-1778 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи, композитори ва ёзувчиси.

Рустоқ – Ўрта Осиё, Эрон ва қисман араб мамлакатларида қўлланилган тарихий-географик тушунча. Қишлоқ, шаҳар, овул, бозор, ўзлаштирилган ўлка, ўтроқ аҳоли яшайдиган жой, экин майдони ободонлаштирилган шаҳар каби маъноларга эга бўлган. Ўрта Осиё ва Эрон мўғуллар томонидан истило этилгач, рустоқ ўрнига “туман” атамаси қўлланила бошланган.

Рус-тузем мактаблари – Россиянинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари ҳомийлигида маҳаллий аҳоли болалари учун очилган рус мактаблари. Рус-тузем мактаблари ўқувчилари ўқишнинг ярим вақтини рус ўқитувчилари билан рус тили, арифметика ва бошқа дунёвий фанлар, қолган ярим вақтини эса мусулмон домлалари билан диний билимлар олишга сарфлаганлар. Туркистон ўлкасида биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил 19 декабрда тошкентлик савдогар Сайидазимбойнинг уйида очилган. Ўша йилнинг ўзида Россиянинг Туркистондаги маъмурларининг ёрдами билан ўлкада яна 14 та рус-тузем мактаблари очилган. 1891 йили Хивада, 1894 йили Бухорода ҳам рус-тузем мактаби очилган. XIX аср охирида бундай мактабларнинг сони 100 дан ошган. Рус-тузем мактабларида ўқиш муддати тўрт йил бўлган.

Кейинчалик Россия хукмрон доиралари томонидан Туркистон ўлкасида руслаштириш сиёсатини зўрлик билан тадбиқ этишлари натижасида ўлкада маҳаллий мактаблар сони сунъий равишда камайтирилиб, рус-тузем мактабларининг сони кўпайтирилган.

Рус-япон уруши – 1904-1905 йилларда Россия ва Япония ўрталарида бўлиб ўтган уруш. 1898 йили Россия Хитойдан Ляодун ярим оролини ижарага олган. Кейинчалик 1904 йилда бу ярим оролининг жанубида машҳур Порт-Артур қурилган. Россиянинг Узоқ Шарқдаги бу ҳаракатлари Япония манфаатларига зид бўлган. Шунинг учун Япония ва Россия муносабатлари кескинлашиб борган. Япония флоти Англияда қурилган ҳарбий кемалар билан жиҳозланган бўлган. Улар Германияда қурилган Россия ҳарбий кемаларидан замонавийроқ ва кучлироқ бўлган. Бу минтақада Россия армиясининг бир қисми Порт-Артурда, бошқа қисми эса Владивостокда жойлашган бўлган. 1903 йил давомида Япония ва Россия ўртасида Хитой ва Кореяда ўз таъсир доираларини белгилаш бўйича дипломатик музокаралар олиб борилган. Бу музокаралар 1904 йил 4 февралда натижасиз тугаган. 1904 йил 9 февралда япон флоти Порт-Артурда турган Россия ҳарбий кемаларига ҳужум қилиб, унинг икки броненосец ва бир крейсерни чўктириб юборилган. Ўша куннинг ўзида Япония ҳарбий кемалари Кореянинг Чемульпо портида турган Россиянинг “Варяг” крейсери ва “Корея” лодкасига ҳам ҳужум қилган. Япония кўшинлари қамалда бўлган Порт-Артурни 1905 йил 2 январда ишғол этишга муваффақ бўлишган. Россия хукмрон доиралари Узоқ Шарққа адмирал Рождественский қўмондонлиги остида рус эскадраси (бир нечта ҳарбий кемалари)ни юборган. Бу эскадра ҳам Цусимада бўлган денгиз жангида тор-мор этилган. 1905 йилнинг февраль ойида Ляодун ярим оролининг Мукден деган жойида Япония ва Россия кўшинлари ўртасида катта жанг бўлиб ўтган. Бу жангда Россия кўшинлари мағлуб бўлган. Мукден жангида 89 минг рус аскарлари ҳалок бўлган. Япония эса бу жангда 71 минг аскардан маҳрум бўлган. Рус-япон уруши Япониянинг Россия денгиз порти бўлган Порт-Артурни таслим этилгани билан тугаган. Рус-япон уруши якуни бўйича томонлар ўртасида Америка Қўшма Штатлари воситачилигида 1905 йил 18 майда имзоланган шартнома (Портсмут сулҳ шартномаси) асосида Россия Кореяни Япониянинг таъсир доирасида деб эътироф этган, Сахалиннинг жанубий қисми Японияга ўтган, Япония Ляодун ярим оролидан Порт-Артур ва Дальний портларидан Россия билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу урушда Янги даврда биринчи мартаба Осие мамлакати Европанинг катта давлати ҳисобланган Россия устидан ғалаба қозонган. Рус-япон уруши оқибатида Россияда 1905-1907 инқилоби бўлиб ўтган.

Рутба – Унвон, мартаба.

Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ – XVIII асрда яшаб ижод этган шоир, таржимон ва адиб.

Рух – Обьектив дунёнинг фаол инъикосини англатувчи атама. Борлиқни акс эттириш фақат инсонга эмас, жониворлар, ўсимликлар, ҳатто ноорганик дунёга ҳам хос. Мас., сув ёки кўзгуда атроф борлиқнинг акс этиши физик инъикос бўлиб, унда фаоллик йўқ. Ўсимликлар ривожланишида атроф

мухитнинг акс этиши (ёруғлик, ҳарорат ва ҳоказо) биологик инъикос бўлиб, унда куйи даражадаги фаоллик намоён бўлади. Ҳайвон ва жониворларнинг ривожланишида, хулқ-атворида атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг акс этиши физиологик ва маълум даражада рухий инъикос бўлиб (инстинктлар, рефлекслар), улардаги фаоллик ўсимлик дунёсидаги инъикосга нисбатан жуда юқори даражада. Лекин, том маънодаги фаол инъикос инсонга хос бўлиб, бу инъикос “руҳ” деб аталади. Руҳнинг фаоллиги шунда кўринадики, у воқеликни қандай бўлса, шундайлигича эмас, балки тартибга солган ҳолда акс эттиради. Ҳозирги воқеалар, ўтмишда бўлган ва келажакда бўладиган воқеалар инсон руҳида муайян тартиб ҳамда кетма-кетликда ифодаланади. Инсон руҳининг ҳайвонлар руҳидан асосий фарқи шундаки, инсон ўз ҳатти-ҳаракатларини англайди ва режалаштиради. Ибтидоий-жамоа тузуми одамлари уйқу, туш, ўлим сингари ҳодисаларни руҳ билан боғлаганлар. Уларнинг тасаввурларига кўра, руҳ танада мустақил ҳодиса бўлиб, одам ухлаганда ҳамда вафот этганда, у танадан чиқиб кетади, уйғонганда эса танага яна қайтиб киради. Ўрта асрлар мутафаккирлари руҳни танадан ажратиб бўлмади деган фикрларни баён этишган. Янги давр олимлари томонидан рефлекслар назариясининг яратилиши руҳ тўғрисидаги тасаввурларнинг илмий асосга кўчиши учун катта туртки бўлди. Руҳга энг яқин бўлган тушунчалардан бири “онг” тушунчасидир. Онг ва руҳ ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб туради.

Руҳоний – Диний лавозимда хизмат қилувчи, динни тарғиб этувчи киши, дин пешвоси. Руҳоний буддизм, иудаизм, христианлик, ҳиндуизм, ислом ва бошқа динларда мавжуд. Коҳинлар руҳонийларнинг ўтмишдори ҳисобланади. Руҳонийларнинг олий табақасига худонинг ердаги ноиби (католицизмда Рим папаси) ёки худонинг унда мужассам бўлиши (ламаизмда далай-лама, исмоилийларда фирқа бошлиғи) деб эътиқод қилинади. Православ черковида руҳонийлар қора руҳонийлар (монахлик турмуш тарзини қабул қилганлар) ва оқ руҳонийларга бўлинади. Рус православ черковида руҳонийлар моддий жиҳатдан черков қавмлари томонидан таъминланади. Улар диний семинария ва академияларда тайёрланади. Ислом дини эндигина ёйилаётган даврда давлат ва диний жамоа бир-биридан ажралмагани учун махсус руҳонийлар бўлмаган. Маъмурий-сиёсий ишлар билан шуғулланадиган кишилар руҳонийлар вазифасини ҳам бажаришган. Маълум вақт ўтгандан сўнг руҳонийлар қатлами вужудга келган ва уларнинг табақаланиши бошланган. Суннийларда олий руҳоний мувтиф ҳисобланади, шиаликда оятуллоҳ, ҳужжат ал-ислом, шайх ул-ислом ва ҳоказолар. Шариат ишларини бошқарувчи фақиҳ, қози, аълам ва бошқа дарс берувчи мударрислар ҳам руҳонийлар сирасига киради.

Рэм ва Ромул – Ривоятларга кўра, мил. ав. 753 йилда Рим шаҳрини барпо этган шахслар.

Рюриклар сулоласи – Қадимги Русь давлатида ҳукмронлик қилган сулола.

Рўза – Ислом таълимотига кўра, амали фарз ҳисобланган маросимлардан бири. Рўза кунлари ҳар бир мусулмон рамазон ойида 30 кун саҳардан шомгача

чўмилиш, чекиш, гул ҳидлаш, овқат истеъмол қилиш, дори ичишдан узини тийиб, ўз гуноҳларидан кутулади ва савоблар орттиради. Рўза тутишдан ҳомиладор, эмизакли аёллар, оғир беморлар ва сафарда бўлганлар озод этилган.

Рўзбехон Бақлий – 1129-1213 йилларда яшаб ўтган машҳур шайх. Нажмиддин Кубронинг устозларидан бири.

– С –

СА – Фашистик Германияда нацистлар партияси мажлисларини кўриқлаш учун тузилган ҳарбийлашган тузилма. Зарба берадиган отрядлар сирасига кирган. СА аъзоларини “жигаранг кўйлаклилар” деб аташган.

Саботаж – 1. Шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан онгли ҳолда ўз хизмат вазифасини атайлаб бажармаслик ёки сифатсиз ва бепарволик билан бажариш, ишдан бош тортиш. 2. Бирон-бир тадбирни ўтказишга зимдан қаршилик, онгли ҳолда зараркунандалик.

“САВАК” – Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий фармони билан тузилган махфий полиция. Ушбу ташкилот Эронда кучайиб бораётган халқ норозилигига қарши курашган. САВАК идораларида, қамоқхоналарида 380 мингдан ортиқ “норозилар” йўқ қилинган. Бу, ўз навбатида, мамлакатда инқилобий вазиятни вужудга келтирган. 1978 йил сентябрь ойидан бошлаб Эроннинг деярли барча шаҳарларида оммавий намойишлар бошланган. Эрон шоҳини фақат бир гуруҳ ҳарбийлар ва САВАК кўллаб-қувватлаган холос. Муҳаммад Ризо Паҳлавий 1979 йил 16 январда Эронни умрбод тарк этишга мажбур бўлиб, Қоҳира (Миср)га ҳижрат қилган. 1979 йил 15 февралда Техронга Оятулло Ҳумайний қайтиб келган ва “ислом инқилобининг йўлбошчиси” деб эълон қилинган.

Савдо, Абдулқодирхўжа – 1824-1873 йилларда яшаб ўтган шоир ва адиб.

Савр – 1. Ҳижрий-қамарий тақвимида иккинчи ойнинг арабча номи. 2. Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган.

“Савр инқилоби” – 1978 йил 30 апрелда Афғонистонда бўлиб ўтган инқилобнинг номланиши.

САГУ – Русча “Среднеазиатский государственный университет” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз. *Қар.: Ўрта Осиё давлат университети.*

Садат, Анвар – 1918-1981 йилларда яшаб ўтган Мисрнинг давлат ва сиёсий арбоби. Миср президенти (1970-1981 йиллар). 1979 йил 26 мартда Исроил бош вазири Бегин билан Кэмп Дэвид шартномасини имзолаган. 1981 йил 6 октябрда Қоҳирадаги ҳарбий парад вақтида Анвар Садат суиқасдчилар томонидан ўлдирилган.

Садақа – Ислом таълимотига кўра, фақирларга хайр-эҳсон тариқасида бериладиган ҳадя. Садақа, одатда, қаттиқ касаллик, ёмон тушлар, кўкқисдан бирон-бир фалокатга йўлиқмаслик ёки бирор хурсандчилик муносабати билан берилади. Садақанинг мажбурий турларига закот, хирож, ушр, фитр,

каффорат, ихтиёрий турларига худойи, тўй-зиёфатлар, хайрия ташкилотларига, жамғармаларга бериладиган моддий харажатлар киради.

Садақаи жория – Мусулмонларнинг савоби давомли бўладиган яхши ишлари.

Садақаи фитр – Ҳожати аслийсидан, яъни зарурий эҳтиёжларидан ортган маблағи бор мусулмон Рамазон ҳайити куни тонгда камбағалларга бериши вожиб (лозим) бўлган садақа.

Садд – Мустаҳкам қалъа ёки шаҳар девори, тупроқ қўрғон.

Садди Чин (Чин садди) – *Қар.: Хитой девори.*

Садр – 1. XII аср охири – XIII аср бошларида Бухорода диний ва дунёвий ҳокимият ҳукмдори унвони. Садрлар вақф мулкларининг катта қисмини ўз назорати остига олганлар, хусусий ерлари, савдо-хунар ташкилотлари бўлган, карвон савдоси билан шуғулланганлар. Садрлар зулмига қарши Бухоро шаҳрида 1206 йилги халқ қўзғолонига ҳунарманд Малик Санжар бошчилик қилган. 2. Мусулмон мамлакатларида турли мартабали кишиларнинг унвони. XI–XII асрлардан бошлаб садр унвони вазирга тенг бўлган. Садр унвони руҳоний аъёнларга ҳам берилиб, уларнинг зиммасига кўпинча вилоят ёки бутун мамлакат вақфини бошқариш вазифаси юкланган.

Садри аъзам – 1. Амир Темур ва темурийлар давлатида мамлакатдаги барча вақф хўжаликларини назорат қилиш, вақфномалар тузиб, уларни қонунийлаштирган ва, билъакс, уларни бекор қилиш билан шуғулланган мансабдор шахс. 2. Усмонли турк империясида (XVI асрнинг 1922 йилигача) ва Эронда XIX аср охири–XX аср бошларида) ҳукумат бошлиғи (буюк вазир).

Садри жаҳон – XII–XIII асрларда Бухорода ҳукмронлик қилган бурҳонлар хонадони унвони. *Яна қар.: Бурҳонлар хонадони.*

Саёт – Туркий этник гуруҳнинг номи.

Саждагоҳ – Сажда, ибодат қилинадиган жой, қадамжо.

Саид Али Муҳаммад – 1820-1850 йилларда яшаб ўтган Бобийлик ҳаракати раҳбарларидан бири. 1844 йилда ўзини Боб деб эълон қилган.

Саид Муҳаммадхон – Хива хонлигининг ҳукмдори (1856-1864 йиллар).

Сайёра – 1. Қуёш атрофида айланувчи ва ундан тушган ёруғликни акс эттирувчи осмон жисми (Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон). Бизнинг Ер ҳам Қуёш системасидаги шу сайёралардан биридир. 2. Муқим турар жойи йўқ, дарбадар.

Сайис – Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни парвариш қилувчи шахс. Сайислар бевосита отхоналар ёнида қурилган махсус уйлар – сайисхоналарда истиқомат қилишган. Сайислар бошлиғи “мирохур” деб аталган.

Сайид (Саид) – 1. Арабларда Ислом дини вужудга келмагунга қадар қабиланинг сайланадиган раҳбари, масъул шахс. Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиси Абу Толиб қурайш қабиласининг сайидларидан бўлган. 2. Муҳаммад Пайғамбар авлодларига мансуб кишилар, аҳли байт. Шунинг учун бу унвон Муҳаммад Пайғамбарнинг неваралари, Алининг ўғиллари – Ҳасан ва Ҳусаннинг бутун авлодлари исмига қўйиладиган фахрий унвон ҳисобланган. Сайидларнинг қизларига уйланган кишининг фарзандлари ҳам сайид

ҳисобланган. Бухоро амирлигининг охирги амири Саид Олимхон она томонидан Али авлодидан ҳисобланган. 3. Жаноб, хўжайин, бошлик.

Сайид Барака – Соҳибқирон Амир Темур пирларидан бири. Тарихий манбаларда таъкидланишича, Амир Темур 1370 йили ўз қўшинлари билан Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етиб келганда маккалик улуғ зотлардан бўлган Сайид Барака унга пешвоз чиқиб, олий ҳокимият рамзи бўлган катта ноғора (табл) ва байроқ (ялов)ни тортиқ қилган. Шундан сўнг Амир Темур Балх атрофида Амир Хусайн қўшинларини мағлуб этган ва Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини ўрнатган.

Сайид Мир Кулол – 1370 йилда вафот этган тасаввуфда хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси.

Сайлов бюллетени – Сайловчи томонидан сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш воситаси, махсус бланк-қоғоз.

Сайлов цензлари – Конституция ёки сайлов тўғрисидаги қонунларга белгиланган сайлов ҳуқуқини амалга оширишда ўрнатилган шарт ва чекловлар. Цензлар турли бўлиши мумкин: жинс ва ёш цензи (аёлларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга рухсат бериш ёки чеклаш; муайян ёшга тўлганда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш); ижтимоий ва мулкий цент, маълумотлилик, ўтроқлилик, фуқаролик цензи ва бошқалар. Цивилизация ривожлана борган сари у ёки бу цензлар инкор этила борган. Мас., дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга берилган, лекин XX асрга келиб эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган, XIX–XX асрларда табақавий ва мулкий цензлар кенг қўлланилган. Муайян табақа вакиллари (ишчилар, деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар)нинг сайловларда иштирок этишларига йўл қўйилмаган, муайян мулк ва даромадга эга шахсларгина сайлаш ҳуқуқига эришган.

Сайқалий – 1730-1798 йилларда яшаб ўтган шоир.

Сайқали рўйи замин – Ернинг сайқали. Самарқанд шахрига берилган таъриф.

Саклар (Шаклар) – Мил. ав. 1 минг йиллик ва милоннинг бошларида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шимолий-шарқий ҳудудларида яшаган чорвадор қабилалар. Массagetлар ва скифлар қабилаларига яқин, қардош. Аҳмоний подшоларидан Кир II ва Доро I сакларнинг турли қабилалари билан урушлар олиб боришган. Кейинчалик сак қабилалари вакиллари Аҳмонийлар қўшинлари таркибида юнон-форс урушларида қатнашган. Мил ав. II аср ўрталарида саклар бошқа кўчманчи қабилалар билан бирга Парфия подшолигига ҳужум қилганлари тарихий манбаларда қайд этилган. Сак тили Эрон тилларининг шарқий гуруҳига мансуб бўлиб, ҳозирда ўлик тил ҳисобланади.

Саксонияликлар сулоласи – 919-1024 йилларда Германия ерларида ҳукмронлик қилган сулола.

Салавкийлар давлати – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат. Македониялик Александр вафот этгач (мил. ав. 323 йилда), у тузган салтанат Миср, Македония ва Салавкийлар давлатларига бўлиниб кетган. Ушбу салтанатнинг шарқий қисми (Кичик Осиё,

Сурия, Эрон ва Ўрта Осиё) Салавкийлар давлати таркибига кирган. Салавкийлар давлатига Македониялик Александрнинг лашкарбошиларидан бири, Бобил сатрапиясининг диодох (ҳоким)и Салавк I Никотар асос солган. Салавка Спитаменнинг қизи Апаманга уйланган. У мил. ав. 293 йилда ўз ўғли Антиох I ни Ўрта Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлаган. Антиох I ҳукмронлиги даври (мил. ав. 293-261 йиллар)да Ўрта Осиёда дастлабки тангалар – олтин, кумуш, мис дирҳам ва тетрадирҳамлар (пул бирлиги) зарб қилина бошланган, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланган, давлатни бошқаришда юнон-македон саркардалар, зодагонлар билан бирга маҳаллий зодагонлар қатнашган. Мил. ав. III аср ўрталарига келиб тахт учун ички курашларнинг кучайиши натижасида Салавкийлар давлати заифлашган. Натижада унинг таркибидан икки давлат – дастлаб Парфия ва кейинчалик Юнон-Бақтрия ажралиб чиққан.

Салаф – Дастлаб мусулмон бўлган авлод (саҳобалар, тобеъинлар).

Салация – Қадимги римликларнинг денгиз суви ва очиқ денгиз худоси.

Салжуқбек – Салжуқийлар давлати асосчиси Туғрулбекнинг бобоси.

Салжуқийлар – XI-XIV аср бошларида Яқин ва Ўрта Шарқдаги бир нечта давлатларда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола номи кўчманчи турк-ўғуз қабиласи бошлиғи Салжуқ номидан олинган. Салжуқийлар X аср охирларида Зарафшон водийсига кўчиб келишган ва сомоний ҳукмдорларнинг ижозати билан Нурота атрофида яшашган. XI аср бошларида ғазнавий ҳукмдорларнинг ижозати билан Марв атрофига кўчиб келишган. Кейинчалик ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасида рақобат кучайган. Улар ўртасида бўлиб ўтган ҳал қилувчи “Данданакон жанги”да салжуқийлар ғалаба қозонишган ва Хуросонда ўз ҳукмронликларини ўрнатиб, Салжуқийлар давлатига асос солишган.

Салжуқийлар давлати – 1038-1308 йилларда Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Ўрта шарқда мавжуд бўлган йирик салтанат. Сулола асосчиси ўғузларнинг ёбғуси (етакчиси) Салжуқбек, Салжуқийлар давлатининг асосчиси Салжуқбекнинг набираси Туғрулбек ҳисобланади. Салжуқбек ёшлигида жасур саркарда бўлиб, хазарлар ҳоконининг хизматида бўлган. Салжуқбек 5 ўғли ва қариндошлари билан (100 кишидан ортиқроқ) 1500 туя, 50000 қўй ва кўплаб отлар билан Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Жанд шаҳри атрофига кўчиб келган. Салжуқбек Жанд ҳукмдорига яқинлашган ва ўз қариндошлари билан ислом динини қабул қилган. Кейинчалик Жанд ҳокимлигини ўз қўлига олишга муваффақ бўлган. Салжуқбек вафотидан кейин унинг ўғиллари ва қариндошлари сомонийларнинг ижозати билан ҳозирги Нурота ҳудудларига кўчиб келишган. Кейинчалик салжуқийлар Амударёни кечиб ўтиб, Ғазнавийлар давлатининг султони Маҳмуд Ғазнавийдан Марв атрофида чорвачилик билан шуғулланишни сўрашган. Марвда салжуқийлар ўз яйловлари ҳудудини кенгайтириб боришган. Ғазнавийларнинг янги султони Масъуд Ғазнавий салжуқийларни солиқ тўлашга мажбур эта бошлаган. Бунга қарши салжуқий беклар 1035 йилда Марв, Амул шаҳарларини (ҳозирги Туркменистон Республикаси ҳудудида) забт этиб, қадимий Нисо (ҳозирги Ашхободдан 18 км. шимолий-ғарбида жойлашган қадимги Парфия давлатининг пойтахти бўлган) шаҳри томон йўл олишган. Масъуд Ғазнавий

салжуқийларга қарши қўшин юборган, лекин улар мағлубиятга учраган. Шундан сўнг 1038 йили Масъуд Ғазнавийнинг ўзи катта қўшин билан салжуқийларга қарши урушга отланган. Дастлаб Сарахс атрофидаги жангда ғазнавийлар ғалаба қозонишган. Ғазнавийлар билан салжуқийлар ўртасидаги энг асосий жанг 1040 йил баҳорида Данданакон (ҳозирги Марв шаҳридан 33 км. жанубий-шарқда жойлашган шаҳар) яқинида бўлиб ўтган. “Данданакон жанги” деб ном олган бу жанг Ўрта Осиё халқлари тарихида энг қонли жанглардан бири ҳисобланади. Бу жангда салжуқийлар ғазнавийларни мағлуб этишган. Масъуд Ғазнавий катта талафотлар бериб, Ғазна шаҳрига қайтишга мажбур бўлган. Данданакон жанг майдонининг ўзида Туғрулбек ўзини Хуросон ҳукмдори деб эълон қилиб, ўрнатилган чодирда султонлик тахтига ўтирган. 1040-1055 йилларда Туғрулбек Хоразм, Ироқ, Озарбайжон, Арманистонга ҳарбий урушлар уюштириб, бу ҳудудларнинг катта қисмини ўз давлати таркибига киритган. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар ҳам Туғрулбек ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлишган. 1055 йили Туғрулбек аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлган Бағдод шаҳрини эгаллаган. Аббосийлар халифи бўлган Ал-Қоим Туғрулбекнинг “султон” унвонини тан олган ва уни “ал-Машриқ вал-Мағриб султони” (“Шарқ ва Ғарб шоҳи”) деган юксак унвонга сазовор этган. Кейин Туғрулбек ал-Қоимнинг қизига уйланган. Туғрулбек дастлаб Рай шаҳрини ўзига пойтахт қилган, кейинчалик пойтахтни Исфаҳон шаҳрига кўчирган. 1063 йилда эса Туғрулбек ўзини Салжуқийлар давлатининг султони деб эълон қилган. 1071 йилда салжуқийлар Византияни ҳам мағлуб этишган, 1071-1081 йилларда эса улар бутун Кичик Осиё, кейинчалик Сурия ва Фаластинни забт этишган. Салжуқийлар Арманистон, Грузия, Ширвон, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси, ҳатто Шарқий Туркистон, Арабистон ярим ороли, Яман ва Баҳрайнни ҳам ўз тасарруфига ўтказишган. Яъни, Салжуқийлар давлати Хитойдан Византиягача бўлган ҳудудда жойлашган. Салибчиларнинг Шарққа қилган юришларини тўхтатишда салжуқийларнинг хизматлари катта бўлган. XI асрнинг ўрталаридан бошлаб салжуқийлар давлати таназзулга юз тута бошлаган. XII аср бошларида эса салжуқийлар давлати шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетган. Салжуқийлар давлатининг ғарбий қисми “Ироқ султонлиги” деб атала бошланган ва унга Эроннинг ғарбий қисми, Ироқ ва Озарбайжон ҳудудлари кирган. Ироқ султонлигининг пойтахти Ҳамадон шаҳри бўлган. Салжуқийлар давлатининг шарқий қисмига Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Мовароуннаҳр ҳудудлари кирган. Унинг пойтахти Марв шаҳри бўлган. Салжуқийлар давлатининг шарқий қисмига Султон Санжар ҳукмронлик қилган (1118-1157 йиллар). 1141 йили Самарқанд яқинида бўлган “Катвон жанги” (Катвон – даштнинг номи) деб ном олган жангда салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинлари шарқдан Мовароуннаҳрға бостириб кирган қорахитойлар томонидан тор-мор этилган. Султон Санжар бу жангда ўз қўшинлари билан Дарғом дарёси бўйидаги бир дарага қисиб куйилган. У катта талафотлар бергандан кейин ёнидаги 300 та отлик ва шахсий қўриқчилари билан қуршовдан ёриб чиқиб, Термиз шаҳри томон қочиб кетган. Шундан кейин Султон Санжар дастлаб Мовароуннаҳр,

кейинчалик Хуросон ва Хоразмда ҳукмронликдан маҳрум бўлган. 1157 йилда Султон Санжар вафот этган ва шундан сўнг шарқий салжукийларнинг ҳукмронлиги барҳам топган. XII аср давомида салжукийларнинг Ғарбий қисмида мавжуд бўлган султонликларнинг кўплари хоразмшоҳлар томонидан тор-мор этилган. Фақат Кичик Осиёдаги салжукийларнинг Куня (Анадолу) султонлиги 1308 йилгача мавжуд бўлган. Салжукийлар ҳукмронлик қилган даврда иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланган, хунармандчилик тараққий топган. Буюк Ипак йўли салжукийларнинг катта шаҳарлари орқали ўтган. Низомулмулк (машҳур “Сиёсатнома” асарининг муаллифи), Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Юсуф Ҳамадоний, Носир Хисрав каби жаҳонда машҳур алломалар яшаб ўтган. Шаҳарларда, хусусан Марвда, кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилган.

Сали ҳақиқати – Франк давлатида мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар тўплами. *Яна қар.: Хлодвиг I.*

Салла – Эркак мусулмонларнинг бошларига ўраладиган мато. Оқ, яшил кул ранг матолардан иборат бўлиб, дўппи, телпак устидан ўралади. Салла киши сафарда, жангда вафот бўлган пайтларда кафан қилишга мўлжалланган. Салла ўраш усуллари, унинг матоси кишиларнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигини ифодалайди. Мас., ўзларини саййидлар деб ҳисобловчилар ва ҳожилар яшил матодан салла ўраганлар.

Саллоххона – Кушхона.

Салиб – Христианларнинг христиан динига мансублиklarини ифодаловчи, бўйинга осиб юрадиган, тўрт тарафли металлдан ишланган тақинчок.

Салибчилар – 1096-1270 йилларда европаликларнинг Янги Шарқ мамлакатларига уюштирган босқинчилик юришлари иштирокчилари. Кийимларига ҳоч тасвирини тушириб олганлари учун шундай аталган. Бу урушлар “салиб юришлар” номини олган.

Салиб юришлари – 1096–1270 йилларда Ғарбий Европа зодагонлари ва христианлик динининг католик черкови томонидан Ўртаер денгизи бўйидаги мусулмон мамлакатларга қарши диний шиорлар ниқоби остида олиб борилган босқинчилик урушлари. Салиб юришларининг асосий баҳонаси Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг Қуддусдаги қабрини ғайридинлар, яъни мусулмон (салжукий)лар қўлидан озод қилиш бўлган. Бу урушлар “салиб” (христианларнинг рамзи)нинг “ярим ой” (мусулмонларнинг рамзи)га қарши урушлари бўлган. Салиб юришларининг асл мақсади эса Европа давлатларининг шарқдаги бой ерлар, шаҳарларни эгаллаб, мол-мулкларини ўзлаштириш бўлган. Салибчилар, одатда, кийимларига салиб (ҳоч) белгисини тикиб юришган. Салибчиларнинг асосий таркиби қашшоқлашиб қолган рицарлар, сеньорлар ҳамда дехқонлардан иборат бўлган. 1096 йилнинг баҳорида Ғарбий Европа дехқонлари асосан болта, ўроқ, тўқмоқлар билан қуролланиб, бола-чақалари билан араваларда дастлаб жануб томон, кейин шарқ томон ҳаракат қилиб, ўша йилнинг ёзида катта қийинчиликлар билан Константинополга етиб келганлар. Византия императори уларни Кичик Осиёга ўтказиб юборган. Кичик Осиёда салжукий турклар билан биринчи

тўқнашувдаёқ салибчилар катта талафот кўришган. Салибчиларнинг қолган-кутгани Константинополга қочиб қутулишган. 1096 йилнинг кузида пухта тайёрланган Франция, Германия ва Италия рицарлари Шарққа йўл олишган. Улар 1097 йилнинг баҳорида Константинополга тўпланишиб, Кичик Осиёга ўтишган. Салибчилар жанглар билан 1099 йилда Фаластинга етиб Қуддус шаҳрини ишғол этишган. Салибчилар Қуддус мусулмонларини аёвсиз қирганлар, мол-мулкларини мусодара этганлар. Сурия ва Фаластиннинг денгиз соҳиллари ерларида салибчилар ўз давлатларини тузганлар. Уларнинг энг каттаси Қуддус қироллиги бўлган. Салибчилар томонидан шу минтақада ташкил этилган Эдесса ва Триполи графликлари ҳамда Антиохия князлиги Қуддус қироллигининг вассаллари ҳисобланган. Вақт ўтиши билан мусулмон давлатлари салибчилар давлатларига шарқ ва жанубдан ҳужум қила бошлаганлар. Натижада 1144 йилда салжуқийлар Эдесса графлигини, 1189 йилда эса, Миср султони Салоҳиддин Айюбий Қуддус қироллигини босиб олишган. Салибчилар томонидан Эдесса ва Қуддусни қайтариб олиш учун уюштирилган иккинчи (1147-1149 йиллар) ва учинчи салиб юришлари (1189-1192 йиллар)га сабаб бўлган ва улар салибчилар учун муваффақиятсиз тугаган. Салибчиларнинг тўртинчи юриши “ғайридинлар”га қарши эмас, балки Византия (православлар)га қарши амалга оширилган. Рим папаси Иннокентий III навбатдаги салиб юришларини Миср ва Фаластинга қарши денгиз орқали уюштириш мақсадида Венеция Республикасининг кемаларини ижарага олган. Венеция зодагонлари кемалари ижара ҳақи эвазига салибчилардан Византияга ҳужум қилишни сўраганлар. Салибчилар бу талабга рози бўлганлар ва православларга қарши урушганлар. Салибчилар 1204 йили Константинополни ишғол қилиб, уни талон-торож қилишган. Улар ҳатто Муқаддас София ибодатхонасини ҳам талашган, ундаги қимматбаҳо буюмларни ўзаро бўлиб олишган. Константинополь уч кун давомида ёнғин гирдобида қолган. Салибчилар Византия империяси ҳудудида янги давлат – Лотин империясини тузганлар, лекин 1261 йилда Византия империяси қайта тикланган. Салибчиларнинг бешинчи (1217-1221 йиллар), олтинчи (1228-1229 йиллар), еттинчи (1248-1254 йиллар) ва саккизинчи (1270 йили) юришлари муваффақиятсиз тугаган. XIII асрнинг охирига келиб Ғарбий Европада салиб юришларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар тўхтатилган. Ғарб мамлакатлари Шарқ мамлакатлари билан урушиш эмас, тинчлик битимлари орқали савдо-сотиқни ривожлантириш афзаллигини тушуниб етганлар. Салиб юришлари натижасида кўплаб шарқ мамлакатларининг шаҳарлари вайронага айлантирилган, юз минглаб одамлар ҳалок бўлган. Бу юришлар вақтида Ғарб феодаллари Шарқ мамлакатларининг юксак маданият ва турмуш даражаси билан танишишган.

Салим III – Усмонли турк империясининг султони (1789-1807 йиллар). Салим III ҳукмронлиги даврида Туркияда давлат ташкилотларини замонавийлаштириш, ҳарбий ислоҳотлар ўтказиш ҳаракатлари бошланган. “Низоми жаид” (“Янги низом”) деб номланган бу ислоҳотлар натижасида бошқарув, молия, савдо, қишлоқ хўжалиги, илм-фан ва бошқа соҳаларда Европага тақлид қилинган ҳолда янгиликлар жорий этиш бошланган. Салим

III қўшинларни европача янги корпусини вужудга келтириш, уларни замонавий куруллар билан жиҳозлаш ҳақида фармон берган, ҳарбий муҳандислар ўқув юртини очтирган, янги ҳарбий флот тузилган. Бу ислохотларни амалга оширишга мулкдорлар, уламолар ва яничарлар тўсқинлик қилишган. Натижада Туркияда яничарлар қўзғолони бўлиб ўтган. Қўзғолончилар 1807 йилнинг 28 майида Салим III ни тахтдан ағдаришган ва кўп вақт ўтмай, котиллар томонидан ўлдирилган. Салим III бошлаган ислохотларни Султон Маҳмуд II давом эттирган.

Сало давлати – Иккинчи жаҳон уруши йилларида Германия ёрдами билан Муссолини томонидан шимолий Италия ҳудудида тузилган қўғирчоқ давлат. 1943 йилнинг июль-август ойларида АҚШ ва Англия Италиянинг Сицилия ҳудудига десант ташлашган. Италия жиддий қаршилик кўрсатмай мағлуб бўлган. 1943 йилнинг 3 сентябрида Италия қироли Виктор-Эммануил III Сицилия оролида Италиянинг таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолаган. Италия қироли бу мағлубиятнинг асосий сабабини Бош вазир (премьер-министр) лавозимини эгаллаб турган Муссолини фаолиятдан билиб, уни қамоққа олишга фармон берган. Муссолини ўрнига маршал Бадальо Италиянинг Бош вазири лавозимига тайинланган. Муссолини ва унинг тузумини қутқариш мақсадида Германия ўз қўшинларини Италияга киритган. Бадальо ҳукумати иттифоқчилар қўшинлари ҳимоясига қочиб ўтиб, 1943 йил 13 октябрда Германияга қарши уруш эълон қилган. Муссолинини эса Гитлернинг шахсий фармони билан махсус операция ўтказилиб, немис парашютчилари томонидан озод этилган. Шундан кейин Германия ташаббуси билан Италиянинг Германия таъсири кучлироқ бўлган шимолий ҳудудларида “Сало” деб ном берилган қўғирчоқ давлати тузилган. Муссолини Гитлер томонидан ўша давлатни бошқариш учун юборилган. Муссолини 1943 йилнинг 23 ноябрида Сало давлатининг янги ҳукуматини тузган. Муссолини Италиянинг собиқ буюклигини қайтадан тикламоқчи бўлган. 28-29 сентябрда Сало қўғирчоқ давлатини Германия, Япония, Руминия, Болгария ва Хорватия расман тан олишган. 1944 йил август ойида Америка Қўшма Штатлари қўшинлари Италиянинг жанубий ҳудудларини забт этгандан кейин унинг шимолий ҳудудига ҳам ҳужум бошлашган. Шу даврда Италияда Муссолини диктатурасига қарши Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг фаолияти ҳам авж олган. 1944 йил 27 апрелда Муссолини хотини билан партизанлар қўлига тушиб қолган. 1944 йил 28 апрелда Муссолини ва унинг хотини отиб ўлдирилган. Партизанлар уларнинг жасадларини оёқларидан дарахтга осиб қўйишган.

Саломоталиқ – Бухоро амирлигида ҳукмдор номидан халойиққа салом берувчи амалдор.

Саломхона – *Қар.: Кўринишхона.*

Салоҳиддин – Фотимийлар давлатининг вазири. Кейинчалик Фотимийлар давлатига барҳам бериб, Мисрда айюбийлар сулоласи ҳукмронлигига асос солган.

Салоҳиддин Айюбий – Миср султони. 1189 йилда Қуддус қироллигига барҳам берган.

Салтанат – 1. Султонлик, якка хон, амир ёки подшо ҳукмронлиги ҳамда уларнинг мавқеи. 2. Мустамлакалари ёки тобе ўлкалари бўлган йирик давлатлар, империя.

Самандар – Афсонавий қуш номи.

Самарқанддаги сарбадорлар қўзғолони – 1365 йилда Мўғулистон хони Илёсхўжа ўз қўшинлари билан Самарқандга яқинлашганида шаҳар ҳокими улардан қўрқиб қочиб кетган. Шунда мадраса талабаси, обрўли зиёлилардан бўлган Мавлонозода шаҳар жоме масжиди олдида тўпланган 10 мингдан ортиқ турли табақалардан бўлган шаҳар аҳолисига мурожаат этиб, мўғул босқинчиларига қарши курашишга даъват этган. Самарқандни босқинчилардан мудофаа қилишда раҳбарликни Мавлонозода ўз зиммасига олган. Мавлонозодага шаҳар жун тутувчи (наддоф)лар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий Наддоф ва мерган, мавлоно Хурдаки Бухорийлар ёрдам беришган. Қўзғолончилар барча шаҳар дарвозаларини беркитишган, шаҳар яқинидаги кўчалар ва боғлар атрофида ғовлар курдиришган. Самарқанд шаҳрига олиб борадиган бир кўчани очик қолдиришган холос. Шу кўча охирида Мавлонозода 500 кишиси билан пистирмада турган. Ҳукмдорсиз қолган шаҳар мудофаа қилишга қодир эмас, деб ўйлаган мўғул қўшинларининг қоровул гуруҳи шу кўча орқали шаҳарга кириб келганда, Мавлонозоданинг ишораси билан душманга ҳар томондан ўқ-ёйлар, тошлар ёғилган. Босқинчиларнинг 1000 дан ортиқ аскарлари жароҳатланган, 100 таси эса асирга олинган. Эртаси куни ҳам мўғуллар Самарқандга ҳужум қилишган, лекин яна уни ишғол эта олмаганлар. Шундан сўнг мўғуллар шаҳарни камал қилиб, уни ҳолдан тойдириш режасини тузишган. Шу орада босқинчилар отлари орасида ўлат (от вабоси) тарқалиб, улар қирила бошлаган. Бу вазиятда Илёсхўжа дастлаб Самарқандни, кейинчалик эса Мовароуннаҳрни ҳам тарк этиб, Мўғулистонга қайтиб кетишга мажбур бўлган. Мўғул истилочилари устидан ғалаба қозонгандан кейин сарбадорлар шаҳарда ҳокимиятни қўлга олишган. Лекин кўп ўтмай, сарбадорчилар шаҳар аҳолисини талашни, уларга зулм ўтказишни бошлашган. Сарбадорлар қўзғолонидан хабар топган Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўз қўшинлари билан Самарқанд томон йўл олган. Улар шаҳар яқинидаги Конибил мавзесида ўз қароргоҳларини ўрнатишган. Сарбадорчилар раҳбарлари уларни олдиларига иззат-икром, тортиқлар билан келишган. Биринчи куни Амир Ҳусайн уларга илтифот кўрсатган. Иккинчи куни сарбадорлар раҳбарлари яна тортиқлар, камёб моллар билан Амир Ҳусайн олдига равона бўлишган. Лекин улар Карбос деган мавзегга етиб келганларида Амир Ҳусайннинг буйруғига биноан қўлга олиниб, қатл этилганлар. Амир Темур фақат сарбадорлар қўзғолонининг раҳбари Мавлонозодани дор тагидан қутқариб олишга муваффақ бўлган. Сарбадорлар раҳбарсиз қолгандан кейин дастлаб Самарқандда, кейинчалик бутун Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайн ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

Самарқандий, Абдураззоқ – 1413-1482 йилларда яшаб ўтган Ўрта Осиёлик машҳур сайёҳ ва тарихчи олим. 1442-1444 йилларда Шоҳрух Мирзо Абдураззоқ Самарқандий бошчилигидаги элчиларни Ҳиндистонга юборган. Абдураззоқ Самарқандий Жанубий Ҳиндистоннинг кўплаб рожа

(хукмдор)лари билан музокаралар олиб борган. Кейинчалик Ҳиндистондаги ушбу сафари тафсилотларини ўзининг 1467-1469 йилларда битилган машҳур “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”(“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асарида ёзиб қолдирган. 1446-1447 йилларда эса Шохрух Абдураззоқ Самарқандийни дипломатик топшириқ билан Гилон (Каспий денгизининг жанубий-ғарбий соҳилларида жойлашган қадимий вилоят)га ҳам жўнатган.

Самарқандий, Абу Лайс – 1003 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) қонуншунос ва илоҳиёт олими.

Самарқандий, Али Шатранжий – XIV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган ўз замонасининг буюк шахматчиси. Ўзининг “Шатранжи кабир” (“Катта шахмат”) асарида шахмат тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берган, унда келтирилган 60 та мансуба (комбинация)ларнинг 19 таси унинг ўзига тааллуқли бўлган. Амир Темур фармонида биноан буюк шахматчи Самарқандга келган. Али Шатранжий Самарқандий Амир Темур томонидан уюштирила-диган барча шахмат мажлисларида иштирок этган.

Самарқандий, Давлатшоҳ – Тахм. 1436-1495 йилларда яшаб ўтган шоир, адабиётшунос ва давлат арбоби. Унинг отаси Шохрух саройининг нуфузли амири бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий 1480 йилдан саройда турли лавозимларда хизмат қилган. Умрининг охирларида сарой ва ҳарбий хизматларни тарк этиб, ижод билан шуғулланган. Унга шуҳрат келтирган асари “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) 1486 йилда ёзиб тугатилган. Тазкира Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, муқаддима ва етти боб (табақа)дан иборат. Давлатшоҳ ўз тазкирасини ёзишдан аввал жуда кўп тарихий ва адабий манбаларни ўрганиб чиққан ва улардан фойдаланган. “Тазкират уш-шуаро”да X–XV асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган 150 дан ортиқ шоир ва олимлар ҳаёти ва ижодиёти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Самбо – 1. Лотин Америкасида ҳиндулар ва негрлар ёки мулатлар никоҳидан туғилган кишилар. 2. Кураш тури.

Самодержавие – Монархнинг чекланмаган ҳокимиятига асосланган давлат тузуми, мустабид ҳокимият; Россияда дворян-помешчиклар диктатураси; XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб помещиклар ва буржуазия диктатурасини амалга оширувчи сиёсий тузум; абсолютизм.

Самори Туре бошчилигидаги кўзғолон – 1870 йилдаги Ғарбий Африкада маҳаллий аҳолининг француз мустамлакачиларга қарши кўзғолони.

Самоъ – 1. Мусулмон маданиятида шогирдларнинг ҳадис ва бошқа диний асарларни ўзлаштириш йўли, уларни ёзув, матнга қараб эмас, балки муршидлардан эшитиб олиб ёдлаш усули. 2. IX асрдан сўфийларнинг диний ғазалларни оҳангга солиб ўқиш услуби. 3. Зикру самоъ – Ўрта ва Яқин Шарқда тасаввуф мазмунидаги асарларни мусиқий, баъзида эса (мас., Жалололдин Румий асос солган мавлавия тариқатида ва бошқаларда) тана ҳаракатлари воситасида ҳам ижро этиш санъати. IX-X асрларда шаклланган бўлиб, кейинчалик деярли барча тариқат (қодирия, кубравия, яссавия ва бошқалар)да турли кўринишларда кенг тарқалган. Нақшбандия тариқати асосчиси

Баҳоуддин Нақшбанддан самоъ ҳақида сўралганда, “Биз бу ишни қилмаймиз ҳам, инкор ҳам қилмаймиз”, - деб жавоб берган.

Самуил – Исроил ва иудейларнинг етук дин арбоби.

Самурайлар – 1192-1333 йилларда Японияда ҳукмронлик қилган Минамото сулоласи даврида пайдо бўлган, Токугава сулоласи ҳукмронлиги даври (1603-1867 йиллар)да эса буткул шаклланган ҳарбий табақа. “Самура” сўзининг маъноси “хизмат қилиш”дир. Самураининг энг имтиёзли қатламини “хатамото” деб аташган. Самурайларнинг асосий қисми бой япон феодалларнинг хизматида бўлишган. Самурайлар қонунларини “бусидо” (маъноси “жангчи йўли”) деб аташган. Уларда самурайлар ўз эгаларига содиқлик билан хизмат қилиш талаб этилган. Самурайлар душманга асир бўлиши хавфи туғилса, ўзларини ўлдиришган (харакири). Уларни меҳнаткаш оммага нисбатан менсимаслик, уларга нисбатан нафрат руҳида тарбиялашган. Самурайлар ўз эгаларига қаратилган барча қўзғолонларни бостиришга тайёр туришган. Токугава сулоласи ҳукмронлигининг охирларида самурайларга эҳтиёж камайган. Мэйдзи инқилоби (1867-1868 йиллар)дан кейин 1872 йилда самурайлик расман бекор қилинган бўлса-да, жамиятда уларнинг мавқелари сақланиб қолган, Япония армияси офицерлар таркиби асосан собиқ самурайлардан иборат бўлган. Япон милитаристларини, одатда, “самурайлар” деб аташган. Ҳозирда япон ҳарбий доираларини ҳам кўпинча “самурайлар” деб аташади.

Санам – Тошдан, ёғочдан ёки металлдан ясалган инсон қиёфасидаги зийнатланган бут.

Санация – Банкротлик хавфидан қутқариш, корхоналар, фирмалар, компания ва бошқаларнинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган давлат ва банк чора-тадбирлари тизими. Асосий йўналишлари – ночор корхоналарни кредитлаш, қайта ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки фаолият турларини ўзгартириш, ўз ҳомийлигига ўтказиш ва бошқалар. Санация бозор иқтисодиёти учун табиий нарса, чунки бозор қонуниятларига кўра, бир корхонанинг гуллаб-яшнаши, бошқасининг танг аҳволга тушиши юз беради. Санация орқали давлат бозор иқтисодиётига таъсир ўтказиши.

Санжок – Усмонли турк империясида асосий маъмурий-худудий бирликлардан бири. Вилоятнинг таркибий қисми.

Санкция – 1. Рухсат, ижозат. 2. Тасдиқлаб қонун кучига киритиш. 3. Қонунни, келишувни бузган томонга нисбатан кўриладиган чора. 4. Халқаро битимларни бузган давлатга нисбатан кўриладиган жазо чоралари, мас., иқтисодий санкция, ҳарбий санкция.

Сано – Мадҳия, мадҳ.

Саноатлаштириш – *Қар.: Индустрлаштириш.*

Саноатлаштириш (индустриализация) сиёсати – 1927 йилда собиқ Совет Иттифоқида эълон қилинган сиёсат. Унга кўра, йирик саноат корхоналарини куриш назарда тутилган.

Саноат тўнтариши (Саноат инқилоби) – Қўл меҳнатига асосланган мануфактура саноатидан машиналашган индустрия (фабрика, завод)га ўтиш жараёнини ифодаловчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тизими.

Бу тушунча XIX асрнинг иккинчи ярмида А.Тойнби томонидан киритилган. Саноат тўнтариши ишлаб чиқариш машиналарининг ихтиро қилиниши ва қўлланилиши билан бошланган, машиналарни машина томонидан ишлаб чиқариш, яъни машина саноати (оғир саноат) пайдо бўлиши билан яқунланган. Саноат тўнтариши фақат техникавий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий бурилишдир, чунки у капиталистик муносабатларнинг тўла шаклланишига олиб келган.

Санойй, Абдулмажид – 1045-1141 йилларда яшаб ўтган шоир ва адиб.

Сан-Стефано шартномаси – 1877-1878 йиллардаги уруш натижалари бўйича 1878 йилнинг 3 мартида Сан-Стефано деган жойда Россия ва Туркия томонидан имзоланган шартнома. Бу урушда Туркия қўшинлари мағлубиятга учраган. Сан-Стефано шартномаси қарорларига кўра, Черногория, Сербия ва Руминия мустақил деб эълон қилинган, Болгария Туркия таркибида автономия ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари, Болгария ҳудудида Россия ҳарбий корпуси жойлаштирилган. Туркия Россияга катта миқдорда контрибуция тўлаган. Кейинчалик Европа мамлакатлари Сан-Стефано шартномасининг баъзи моддаларига нисбатан ўз норозиликларини баён этишган (асосан Босфор ва Дарданелли бўғозларининг статуси бўйича) ва 1878 йил 13 июлда Берлинда ўтказилган Конгрессда Сан-Стефано шартномасига Россия манфаатларига зид баъзи ўзгартиришлар киритилган.

Санскрит – Ҳинд халқининг қадимги тили ва ёзуви. Ҳозирда ўлик тил ҳисобланади.

Сапа – XV–XVIII асрларда қалъаларни ҳимоя қилишда душман ўқ ёмғири остида истехкомга аста-секин яқинлашиш учун мўлжалланган зовур ёки уни қазиш услуги. Сапа мудофаа иншоотларига яқинлашиш ёки уларни йўқ қилиш учун қўлланилган. Девор тагигача лаҳим (ер ости йўли) кавланган ва ёғоч тўсинлар билан мустаҳкамланган. Сўнгра тўсинлар ёқиб юборилган. Оқибатда девор кулаб, ҳужум қилаётганлар учун йўл очилган. Кейинчалик кавланган лаҳимларни порох ёрдамида портлатиш урф бўлган. XVII асрнинг иккинчи ярмида қатор мамлакатлар қўшинида бундай ишни бажарувчи махсус мутахассислар – сапёрлар пайдо бўлган.

Саратон – 1. Ҳижрий-қамарий тақвимида тўртинчи ойнинг арабча номи. 2. Ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасида жойлашган. 3. Рак касаллиги.

Сарбадорлар – “Сарбадорлар” сўзи форс-тожикча бўлиб, “ўз бошини дорга тикканлар” маъносини англатади. Сарбадорлар ҳозирги Эрон ва Ўрта Осиёда мўғуллар ҳамда маҳаллий зодагонлар зулмига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракатининг қатнашчиларидир. Сарбадорлар кўзғолонларида халқ оммаси – зироатчи, ҳунарманд, зиёли, майда ер эгалари, камбағаллар иштирок этишган.

Сарбоз – Ўтмишда ҳарбий аскар, амир, хон қўшинининг оддий аскар.

Сарвар – Йўлбошчи, раҳнамо.

Сарват – Бойлик, давлат.

Саргон (Шаррумкен) – Мил. ав. XXIV асрда яшаб ўтган Месопотамияда мавжуд бўлган Аккад давлатининг ҳарбий саркардаси. Саргон христианлик

динининг китоби бўлган “Библия” (“Инжил”)да қайд этилган ном. Аслида унинг номи “Шаррумкен” бўлган. “Шаррумкен” сўзи “асл шоҳ” маъносини англатган. Ривоятларга кўра, Шаррумкен туғилгандан кейин онаси уни саватга солиб дарёга қўйиб юборган. Саватни бир оддий сув ташувчи (водонос) ушлаб олиб, болани тарбия қилган. Шаррумкен улғайиб, саркарда бўлган.

Саргон II – Оссурия давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 722–705 йиллар).

Сардоба – Сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз. Ўрта Осиё ва Шарқдаги бошқа мамлакатларда қурилган. Сардобаларнинг девори цилиндр шаклида, диаметри 12-13 метр, чуқурлиги 10-15 метр, ҳовуз юзаси ер сатҳи билан бир текис бўлган.

Сардор – 1. Эрон, Афғонистонда йирик амалдор, қабила бошлиғи. 2. Ўрта Осиёда қўшин кўмондони. 3. Усмонли турк империясида дала армияси кўмондони. 4. Мисрда инглизлар ҳукмронлиги даврида Миср ҳукмдори қўшинларига кўмондонлик қилган инглиз зобити.

“Сарик боғловлар кўзғолони” – 183 йилдан бошлаб қадимги Хитойда Сўнгги Хань империяси ҳукмдорларига қарши бўлиб ўтган кўзғолонларнинг рамзий номи. Кўзғолончилар ажратувчи белги сифатида қўлларига сарик рангли боғловлар боғлашган.

“Сарик матбуот” – Енгил-елпи мавзуларга ўч, сенсация орқасидан қувадиган, кўпинча ёлғон материалларни чоп этадиган матбуот нашрларига нисбатан ишлатиладиган ибора.

Саркарда – 1. Кўмондон, лашкарбоши. 2. Хива хонлигида ҳарбий мансаб. Саркардалар қўшин уруш сафарига чиққан даврида тайинланган. Улар қоида бўйича ўз уруғларидан тайинланмаган. Хонлар буни эҳтиёткорлик деб ҳисоблашган. Саркардалар бевосита хоннинг ёрлиғи билан тайинланиб, ҳарбий маҳкама кишилари бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган. 3. Амир, шаҳар ҳокими, бек, мингбоши ва юзбоши ҳам баъзан “саркарда” деб юритилган. 4. Эронда қўшин бошлиғи.

Саркор – 1. Темурийлар салтанатида қурилиш ва оммавий ҳашарларда ишбоши бўлган мансабдор. 2. Хива хонлигида саркор зарур пайтларда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган ва кўп ҳолларда душман мудофаа истехкомлари ҳамда қалъалари деворлари ёнида барпо этиладиган саркўбларни қуриш, улар устига ўт сочар қурол – тўпни олиб қочиш ишларига бошчилик қилган. 3. Кўқон хонлигида саркор аҳолининг турли қатламларидан солиқ – хирож ундириш, муайян шахсларни солиқлардан озод қилиш, юқори мансабдор тавсиясига ёки бирор киши аризасига биноан фуқаролар ёхуд аскарларни дондун билан таъминлаш вазифасини ҳам бажарган. 4. Эронда маҳаллий ер эгалари ихтиёридаги махсус қуролли бўлинма бошлиғи. 5. Туркияда XVIII–XIX асрларда олий бош кўмондон.

Саркотиб – Котиблар бошлиғи, бош котиб.

Саркофаг (Сарқофа) – Тобут турларидан бири. Асосан, тош, мрамор, ёғочдан тўғри тўртбурчак, баъзан қайиқсимон қопқоқли қилиб ясалган. Саркофагга жасад қўйиш Қадимги Мисрда фиръавнлар сулоласи даври (мил. ав. учинчи мингйиллик)да кенг расм бўлиб, Сурия, Финикия орқали Шарққа, шунингдек, Юнонистон ва Римга тарқалган. Саркофагга кўпинча жасад

мўмиёлаб кўйилган. Амир Темур жасади ҳам саркофагга солинган. Аксарият саркофаглар бадий безак ва турли безаклар билан безатилган.

Саркўб – Мудофаа жанги олиб борилаётган ғанимга қирғин келтириш мақсадида сунъий йўл билан барпо этилган тепа, қалъа ёки ҳисорсимон баланд жой, қурилма.

Сармоя – Катта маблағ, капитал, пул.

Сармоядор – Катта сармоя эгаси, капиталист.

Сармунши – Муншиларнинг сардори, раҳбари.

Сарнайза – Милтиқ найзаси.

Сарой – 1. Дастлаб ҳукмдорлар (хон, подшоҳ, амир ва бошқалар) қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли улкан бино, қаср. 2. Ўрта асрларда Шарқда қарвонлар тўхтаб ўтадиган работ (қарвонсарой). 3. Ўзбек халқи таркибига қирган йирик қабилалар уюшмаси. Саройларнинг аз-сарой, қипчоқ-сарой, қирғиз-сарой, қорабоғ-сарой, мажар-сарой, қўнғирот-сарой, найман-сарой ва бошқа уруғлари мавжуд бўлган.

Сарой-Боту – Олтин Ўрданинг пойтахти.

Саройи, Сайфи – 1321-1398 йилларда яшаб ўтган лирик шоир ва таржимон. Хоразмда туғилган. Мўғуллар истилоси даврида ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлган. Олтин Ўрда, Миср ва Туркияда яшаган. Бизгача Сайфи Саройининг 10 дан ортиқ ғазал, қасида, қитъа, рубоий, “Сухайл ва Гулдурсун” достони ва ”Гулистони бит-туркий” асари етиб келган.

Сароймулкхоним (Бибихоним) – 1341-1408 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг хотини. Чигатой улусининг хони Қозонхоннинг қизи. Амир Ҳусайннинг хотини бўлган. 1370 йил апрель ойида Балх шаҳри Амир Темур томонидан забт этилгандан кейин Амир Ҳусайн асирга олиниб, қатл этилган. Шундан сўнг Амир Темур Сароймулкхонимга уйланган. Хон қизига уйлангани муносабати билан Амир Темур “кўрагон”, яъни “хоннинг куёви” унвонини олган. Сароймулкхоним хон авлодига мансуб бўлгани учун Амир Темур ҳарамида барча маликаларнинг улуғи ҳисобланган ва “Катта хоним” ёхуд “Бибихоним” деган унвонларга ҳам мушарраф бўлган.

Сарона – Ўрта Осиё хонликларида жон бошига қараб ундириладиган солиқ.

Саррож – 1. Ўтмишда от-арава анжомларини сотувчи савдогар. 2. От-арава анжомларини ясовчи уста. Кейинчалик саррожлик касбидан эгарсозлик, тўқимдўзлик, бўйинчадўзлик каби касб тармоқлари ажралиб чиққан.

Сарроф – Ўтмишда шаҳар кўчалари ва расталарида ўтириб, кишиларнинг йирик пулларини майдалаб, қимматбаҳо буюмларини сотиб олувчи шахс. Саррофлар чет элдан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб бериш, қимматбаҳо тошлар, олтин, қумуш ва шу қабилаарнинг баҳосини аниқлаб бериш, айрим кишиларнинг омонат пуллари ва буюмларини маълум муддатгача сақлаш каби ишлар билан шуғулланишган.

Сарт – 1. VI асрларда Ўрта Осиёда яшовчи туркий қабилалар шаҳарларда истиқомат қилаётган форс-тожик тилида гаплашувчи аҳолини “сарт” деб аташган. 2. XII-XIII асрларда мўғул ерларига савдогарчилик билан мусулмон давлатларидан келган савдогарларини “сарт” деб аташган. 3. XVI асрда

шайбонийлар Мовароуннаҳр маҳаллий, ўтроқ ва шаҳар аҳолисини “сарт” деб атаганлар.

Сарҳад – Чегара, ҳудуд.

Сарҳанг – 1. Хоразмшоҳлар давлатида 500 отлиқ аскардан ташкил топган ҳарбий гуруҳ кўмондони. Сарҳанг салтанат олдидаги буюк хизматлари эвазига малик даражасига кўтарилиши ҳамда муайян вилоятга ҳокимлик қилиш имкониятига эга бўлган. 2. Хива хонлигида қалъалар атрофига душман отлиқлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиклар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик қилувчи шахс “сарҳанг” деб аталган. 3. Мумтоз форс-тожик ва ўзбек тили тарихий-бадий манбаларида сарҳанг “лашкарбоши”, “саркарда”, “бошлиқ” маъноларини англатган.

Сателлит – Қадимги Римда ўз хўжайинига ҳамроҳлик қилган қуролланган ёлланма киши.

Сателлит давлатлар – Расман мустақил, аммо амалда бошқа кучлироқ давлатга бўйсунувчи ва унинг амри билан иш қилувчи давлатлар.

Сати – Ҳиндларнинг хурофий одати. Унга кўра, бева аёллар вафот этган эри билан бирга ўтда куйдирилган. Ж.Нерунинг ёзишича, бу одат қадимги скиф қабилаларида урф бўлган. Қадимги санскрит қонунлари сатини расман қоралаган. Бобурий шоҳ Акбар уни ман этишга астойдил ҳаракат қилган. Ҳинд маърифатпарвари ва файласуфи Рам Мохан Рой (1772-1833 йиллар) ва Бенгалия жамоат арбоби Двархант Тагор сатини қонун йўли билан бекор қилишга эришдилар (1829 йилда). Ҳиндистон Республикасининг конституциясига биноан сати одати қонунга зид деб эълон қилинган.

Сатисфакция – 1. Феодал жамиятида бирор киши шаънига айтилган ҳақорат учун, одатда, дуэл шаклида ўч олиш. 2. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилмагани учун иккинчи бир давлатга етказилган маънавий зарарни қоплаш шакли. Сатисфакция жавобгарликнинг сиёсий кўриниши ҳисобланади. Бундай зарар турлари давлат раҳбари ёки дипломатик ва консуллик вакиллари билан суҳбатда одоб қоидаларидан четга чиқиш, давлат рамзларига ҳурматсизлик ва бошқалар бўлиши мумкин. Жавобгар давлат етказилган маънавий зарар учун сатисфакция бериши шарт.

Сатрап – Қадимги ва Ўрта асрларда Эрондаги сатрапия (вилоят) бошлиғи. Форслардан тайинланган. Сатрапиядаги барча расмий-маъмурий ишларни бошқарган, солиқларни ўз вақтида йиғиб, подшоҳ хазинасига топшириш, аҳолини турли қурилиш ишларига мажбуран жалб этишни таъминлаган. У кумуш ва мис танга, чақа пуллар зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Сатрапия (сатраплик) – Айрим давлатлар (Аҳмонийлар, Салавкийлар, Партия ва Сосонийлар)да сатраплар бошқарган ҳарбий-маъмурий округ. Сатрапиялар Аҳмонийлар шоҳи Доро I томонидан ўтказилган маъмурий ислохотлар натижасида вужудга келган деб таъкидланади. Сатрапияга сатраплардан ташқари ҳарбий бошлиқлар ҳам тайинланган, улар чегара, йўлларни кўриқлаш, ўғрилиқ ва босқинчиликка қарши курашган, ҳар бир сатрапия белгиланган миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган. Кўпчилик сатрапияларнинг ўз қонуни, урф-одати бўлган, ўз тилида сўзлашган. Сатрапиялар кейинчалик Салавкийлар, Парфия ва Сосонийлар давлатларида

ҳам мавжуд бўлган. Сатрапияларда сатрапия ҳукмдори – сатраплардан ташқари бошқа маъмурий лавозимлар ҳам бўлган. Ҳар бир сатрапия давлат ҳукмдорига белгиланган миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган.

Сатук Буғраҳон – Қорахонийлар давлатининг асосчиси. 930 йилдан вафотигача (955 йили, бошқа маълумотларда 959 йили) ҳукмронлик қилган. Унинг номига унвон сифатида “қора” сўзи қўшилиб, “Сатук Буғра Қора” ҳокон деб аталган. “Қора” сўзи қадимги туркий тилларда “буюклик”, “улуғлик” маъноларини англатган.

Сатурн – 1. Қадимги Рим мифологиясида экинлар худоси, деҳқончилик ҳомийси. 2. Ривоятларга кўра, Сатурн Италиянинг жуда қадимги подшоси ҳисобланган, у халқни деҳқончиликка ўргатган. Унинг даври ялпи тенглик, тинчлик барқарор бўлган “олтин аср” замонаси эди. Сатурн шарафига ҳар йили декабрь ойида дабдабали ва қувноқ сатурналия байрами ўтказилган. Сатурн узун соқолли ва кўлида ўроғи бўлган одам шаклида тасвирланган. Мил. ав. III аср охири – I аср бошидан сатурнга сиғиниш юнонлар худоси Кроносга сиғиниш билан қўшилиб кетган.

Сатурналия – Қадимги Римда ҳар йили Сатурн шарафига нишонланадиган байрам. Қишки тенг кунлик чоғида, ҳосил йиғиб олинган, ўтказилган. Байрам карнавал тусида бўлиб, унда қуллар хожалари билан “тенг” ҳисобланганлар, ҳатто хожалари уларга мулозамат ҳам қилган, фақир-фуқароларга пуллар тарқатилган. Сатурналия маросимидаги бир-бирига совға бериш одати христианликларнинг Рождество байрами удумларида сақланиб қолган.

Сатьяграха – Ҳинд халқининг инглиз мустамлакаси давридаги кураш шаклларида бири. Махатма Ганди томонидан XX аср бошида ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳинд халқи инглиз мустамлакачиларига қарши тинч намойишлар ўтказиш, чет эл товарларини бойкот қилиш, расмий мансаб ва унвонлардан воз кечиш, солиқ тўлашдан бош тортиш каби кураш усуллари орқали озодликка эришишни тарғиб қилган.

Саф – Ҳарбий бўлинма ва қисмларнинг биргаликда ҳаракат қилиши учун муайян тартибда жойлашуви. Қулдорлик тузумининг вужудга келиши турли кўшин қисмларини маълум тартибга солиш саф тузишни тақозо этган. Яқин Шарқ, Юнонистон, қадимги Рим ва Карфагенда қурол-яроғларнинг ва ҳарбий ишнинг такомиллашуви, жанг араваларининг пайдо бўлиши жанговар сафга алоҳида диққат қилишга замин яратган. Туркий халқлар томонидан жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб отлик аскарлар сафининг жорий қилиниши суворий кўшинининг душман кучлари устидан тўла устунлигини таъминлаган.

Сафавийлар давлати – 1502–1736 йилларда Ўрта Шарқда мавжуд бўлган давлат. Сафавийлар сулоласининг асосчиси суфизмдаги сафавия тариқатининг асосчиси шайх Сафиуддин Исҳоқ (1252-1334 йиллар), сафавийлар давлатининг асосчиси эса Исмоил I Сафавий (1502-1524 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳисобланади. Исмоил I Эроннинг шимолий-ғарбида жойлашган Ардабил шаҳрининг ҳокими бўлган. У XVI аср бошларида Дажла дарёсининг юқори оқимида (бу дарё ҳозирги Туркия, Ироқ ва қисман Сурия

худудларидан оқиб ўтади) мавжуд бўлган Оқ қуюнли давлатини ўзининг қизилбошлилар қўшинлари билан тор-мор этган ва сафавийлар давлатига асос солган. Кейинчалик Сафавийлар давлати таркибига Хуросон, Қандаҳор, Балужистон, Арманистоннинг шарқий қисми, Озарбайжон худудлари киритилган. Грузия шоҳлиги Эронга вассал бўлган. Сафавийлар давлатининг пойтахти дастлаб Табриз, 1548 йилдан бошлаб эса Қазвин шаҳарлари бўлган. XVIII аср бошларида Афғонистондаги сафавийлар ҳокими Мир Вайс ўзини мустақил деб эълон қилган, унинг ўғли Маҳмуд эса 1722 йилда сафавийлар давлатининг катта худудини босиб олган. 1736 йилда қизилбошлиларнинг афшор қабиласидан бўлган Нодиршоҳ Эрон тахтини қўлга киритишга муваффақ бўлган ва сафавийлар ҳукмронлигига барҳам берилган.

Сафарбарлик – 1. Уруш эълон қилиниши муносабати билан захирадаги ҳарбийларни ёки уларнинг бир қисмини ҳарбий хизматга чақириш. 2. Қуролли Кучлар ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини тинч ҳолатидан уруш давридаги ҳолатга келтириш.

Сафиуддин Исҳоқ – 1252-1334 йилларда яшаб ўтган сафавийлар сулоласининг асосчиси. Шайх. Суфизмдаги сафавия тариқатининг асосчиси.

Сафорат – 1. Бирон-бир давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси, дипломатик вакиллик. 2. Бирон-бир давлатнинг бошқа давлатга юборган расмий вакиллар ҳайъати.

Сафоратхона – Бирон-бир давлатнинг чет эл давлатидаги ваколатхонасининг биноси.

Саффор – Мисгар, мис билан ишловчи уста.

Саффорийлар – Саффорийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола. Саффорийлар сулоласининг номи унинг асосчиси Ёқуб ибн Лайс ас-Саффор номидан олинган.

Саффорийлар давлати – 861-900 йилларда ҳозирги Эрон худудида мавжуд бўлган давлат. Сеистонлик деҳқон Якуб ибн Лайс ас-Саффор асос солган. “Саффор” сўзи “мисгар” маъносини англатади. Якуб ўз укаси Амр билан Сеистонда “ғозийлар” (“эътиқод учун қурашувчилар”) ҳаракатига қўшилган. Якуб тез орада бу ҳаракатнинг раҳбарига айланган. 861 йилда Якуб Сеистоннинг пойтахти Заранж шаҳрини тоҳирийлардан тортиб олган. 873 йилда эса тоҳирийлар давлатининг пойтахти Нишопур ҳам саффорийлар қўлига ўтган. 876 йилда Якуб ибн Лайс араб халифалиги пойтахти Бағдодга қўшин тортиб борган, лекин мағлубиятга учраган. Акаси Якуб вафотидан кейин (879 йилда) саффорийлар тахтига ўтирган Амр ибн Лайс араб халифалигига ўз тобелигини билдирган. 900 йилда Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига тушириш мақсадида Бухорога ҳарбий юришни амалга оширган Амр ибн Лайс сомонийлар ҳукмдори Исмоил Сомоний қўшинларидан мағлуб бўлган ва саффорийлар давлати ўзини қайта тиклай олмаган. *Яна қар.: Сомонийлар давлати.*

Сағана (Соғона) – Ўрта Осиё халқларида марҳумнинг дафн этиш билан боғлиқ иншооти. 1. Ер устига пишиқ ғишт ёки тошдан ишланган, шакли бешикка ўхшаш, ичига бир, баъзан бир неча (бирин-кетин) жасад қўйилган қабр. 2. Қабр устига ўрнатиладиган ёдгорлик тури. Ўрта Осиёда XIV–XV

асрларда қабр устига сағаналар пишиқ ғиштдан, тошдан, қора ёки кулранг мрамрдан ишланиб, баъзан усти сиркори кошин, ўйма нақшлар билан безатилган, икки ёни равоқсимон бўлган.

Сағониён – Қар. *Чағониён*.

Саҳобалар – Муҳаммад Пайғамбарни ўз кўзлари билан кўрган, у билан суҳбатда бўлган яқин сафдошлари ва ёрдамчилари. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссаломни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам, кўрган ва иймон келтирган барча кишилар “саҳоба” деб атала бошланган. Саҳобаларнинг Муҳаммад Пайғамбар сўзлари ва ишлари ҳақидаги ҳикоялари (ҳадислар), шунингдек, шахсий ўрнаги ҳамда фикри ислом ахлоқий таълимоти – суннанинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган.

“Саҳродаги тўфон” – Америка Қўшма Штатлари томонидан Ироқ қўшинларини Қувайт ҳудудидан ҳайдаб чиқариш бўйича 1990 йилда ўтказилган ҳарбий операциянинг номи.

Саҳҳоф – Китобларни муқоваловчи косиб, муқовасоз.

Сварог – Қадимги славянларнинг олов худоси.

Свифт, Жонатан – 1667-1745 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби.

Святослав I – Қадимги Киев Руси давлатининг хукмдори (964-972 йиллар). Игорнинг ўғли. Унинг хукмронлиги даврида мамлакатнинг ҳудудлари кенгайтирилган. Святослав I 967 йилда Биринчи Булғор давлатига қарши муваффақиятли уруш олиб борган. 970-971 йилларда эса Византияга қарши урушда мағлубиятга учраган.

СД – Фашистик Германияда СС ҳарбий тузилмалар таркибида ташкил этилган ва шахсан Адольф Гитлерни кўриқлайдиган тузилма.

СЕАТО – 1954 йил 8 сентябрда АҚШ ташаббуси билан Филиппиннинг пойтахти Манила шаҳрида имзоланган Жанубий-шарқий Осиё мудофааси тўғрисидаги Шартноманинг қисқача аталиши. СЕАТО ҳарбий-сиёсий блок ҳисобланган. 1977 йилда тарқатиб юборилган.

Себек – Қадимги мисрликларнинг сув ва Нил тошқини илоҳаси.

Северлар – Қадимги Рим империясида II асрда хукмронлик қилган сулола.

Севр шартномаси – Биринчи жаҳон уруши якунлари бўйича ғолиб давлатлар билан Туркия ўртасида 1920 йил 10 августда Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида имзоланган шартнома. Унга кўра, Туркия ўзининг кўплаб мустамлакаларидан маҳрум бўлган. Туркияда Севр шартномасига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари бошланган. Уларга турк армияси генерали Мустафо Камол (1881-1938 йиллар) раҳбарлик қилган. 1922 йилнинг 20 ноябридан 1923 йилнинг 24 июлигача бўлиб ўтган Лозанна конференцияси қарорлари билан Севр шартномаси бекор қилинган.

Сегрегация – Бирор ирқ ёки этник гуруҳни чегараланган ҳудудга мажбурлаб ёки ихтиёрий йўл билан кўчириш, улар учун алоҳида мактаблар, транспорт воситалари, хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш ёки бўлмаса, бошқа дискриминацион чоралар орқали ажратиб қўйиш, уларга таҳқир кўзи билан қараш, уларни камситиш. Сегрегация дискриминациянинг алоҳида кўринишидир. Тарихда қонунлаштирилган сегрегация ҳоллари бўлган. Чунончи, сегрегация Америка Қўшма Штатлари жанубида XIX

асрнинг иккинчи ярми бошида қоратанлилар озод қилингандан сўнг XX асрда ҳам узоқ вақт сақланиб турган. Жанубий Африка Республикасида XX аср 90-йиллари бошигача сегрегациянинг энг ёмон шакли – апартеид мавжуд бўлган.

Сейм – Баъзи Шарқий Европа давлатларида олий қонун чиқарувчи орган (парламент) номи.

Секта – Мазҳаб, таълимот, маслак; ҳукмрон черковдан ажралиб чиққан диннинг бирор тармоғи.

Секстант – 1. Уфқ устидаги осмон ёритгичларининг баландлигини белгилаш ёки кузатувчи жойи координаталарини аниқлаш мақсадида кўринадиган жисмлар орасидаги бурчакларни ўлчаш учун мўлжалланган кўзгулик-қайтаргичли асбоб. Секстант қадимдан кўпгина расадхоналар (мас., Улуғбек расадхонаси)да қўлланиб келган. 2. Денгизчилик ва авиацияда бурчак ўлчаш асбоби.

Сектантчилик – Гуруҳпарастлик, кўпчиликдан ажралиш.

Секуляризация – 1. Давлат томонидан черков мулкани (кўпроқ ерларни) дунёвий мулкка айлантириш. Секуляризация реформация даври (XVI–XVII асрлар)да кенг қўлланилган. 2. Ғарбий Европада кишининг черков рухсати билан руҳоний ҳолатидан дунёвий ҳолатга ўтиши.

Семизкент – Обод, фаровон, тўкин-сочин шаҳар: Самарқанд шаҳрининг қадимий номларидан бири.

Семинария – Ўрта махсус ўқув юртларининг бир тури. XVI асрнинг иккинчи ярмидан Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида диний ўқув юртларини “семинария” деб аташ бошладилар. 1917 йилгача Россия ва Украинада бошланғич синф ўқувчиларини тайёрлайдиган педагогик ўқув юртлари “ўқитувчилар семинарияси” деб аталган.

Семиотика – Ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белгилар тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан соҳаси.

Семирамида (Бобил) осма боғлари – Қадим замонда эътироф этилган “етти мўъжизалар”нинг бири. Семирамида осма боғларининг қолдиқлари ҳозирги Ироқ давлати ҳудудида немис археологи Роберт Колдевой томонидан топилган.

Сенат – 1. Қадимги Рим Республикаси даврида олий ҳокимият органи. Мил. ав. VI асрда патриций уруғларининг оқсоқоллари кенгашидан келиб чиққан. Республика даврида давлатнинг олий органларидан бирига айланган. Сенат таркибига собиқ магистрлар умрбод муддатга киритилган. Сенат тепасида сенаторлар ичидаги энг муносиби – принцепс турган. Плебейлар ва патрицийларнинг сиёсий кураши даврида (мил. ав. V–III асрлар) сенат ҳокимияти комициялар (ҳалқ йиғинлари) билан чекланган. 2. 1711 йилда Пётр I томонидан Боярлар думаси ўрнига таъсис этилган давлат органи. Нафақат қонунчилик, балки ижроия ва маҳкама (суд) ҳамда давлат идоралари ишлари устидан назорат қилиш вазифаларини ҳам бажарган. 3. Кўпчилик мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси парламентининг юқори палатаси.

Сенека, Луций Анней – Мил. ав. 4 милодий 65 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим файласуфи ва давлат арбоби.

Сенсуализм – Билишнинг бирдан-бир манбаи сезгилар (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, бадан сезгиси) деб ҳисобловчи фалсафий таълимот.

Сентиментализм – Ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари зодагонларининг бузуқ ахлоқига қарши норозилик кайфиятини ифодалаган оқим. Мазкур оқим намояндаларининг карашларида ҳунармандлар, савдогарлар ва деҳқонлар ҳаёти зодагонлар хулқ-атфориغا қарама-қарши қилиб қўйилди ҳамда оддий кишиларга нисбатан ачиниш ҳислари ифодаланди. Сентиментализм учун шахснинг руҳиятини тасвирлаш асосий мезондир.

СЕНТО – 1955 йилда Англия ва Америка Қўшма Штатлари ташаббуси билан тузилган, Буюк Британия, Туркия, Покистон ва Эрон давлатлари унинг аъзоси ҳисобланган ҳарбий блокнинг қисқартирилган номи. 1959 йилгача “Бағдод пакти” деб аталган. Ўша йили Ироқ ушбу ҳарбий блок таркибидан чиққан. 1979 йилда эса Эрон ва Покистон ҳам СЕНТО таркибидан чиққан ва унинг фаолияти тўхтатилган.

Сеньор – Ўрта асрларда Ғарбий Европада: 1. Ихтиёрида қарам деҳқонлари бўлган ер эгаси (феодал). 2. Шахсан қарамлигида майда феодал-вассаллари бўлган мулкдор (қар., Вассаллик). Худуднинг олий сеньори (кирол, князь, герцог) “сюзерен” деб аталган.

Сеп – Турмушга чиқаётган қизга ота-онаси ёки қариндош-уруғлари томонидан тортиқ этиладиган мол-мулк, туҳфалар.

Сепаратизм – Ажралишга интилиш; давлатнинг бир қисмини миллий, диний, этнографик, сиёсий, иқтисодий сабабларга кўра ажратиб олиб, янги давлат тузилмаси тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини мухториятга айлантириш ҳаракати, айирмачилик. Тарихда сепаратизм ҳаракатлари кўп бўлган, улар аксарият ҳолларда можароларга, низоларга олиб келган ва фуқаролар уруши орқали кечган. Сепаратизм миллий-озодлик ҳаракатидан фарқланади.

Сепарат сулҳ – Уруш олиб бораётган мамлакатлар коалициясига кирган давлатлардан бирининг ўз иттифоқчиларини огоҳлантирмай ёки уларнинг розилигини олмай, душман билан тузган сулҳ шартномаси ёки вақтинча яраш битими.

Сервантес, Мигель – 1547-1616 йилларда яшаб ўтган испан ёзувчиси. Сервантесни жаҳонга машҳур қилган асари икки қисмдан иборат “Дон Кихот” романидир.

Сессия – 1. Коллегиал ва сайланма органларнинг, суд, илмий ташкилот ва турли жамиятларнинг маълум вақтларда чақириладиган мажлиси, бирор-бир муносабат билан ўтказиладиган йиғилиши. Мас., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатасининг сессияси. 2. Олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида маълум вақтларда ўтказиладиган имтиҳон, назорат, синовлар даври.

Сет – Қадимги мисрликларнинг чўл ва ёт ўлкалар худоси.

Сёгун – 1192-1867 йилларда Японияда ҳарбий-феодаллар унвони. Улар сабабли император реал ҳокимиятдан маҳрум бўлган. Сёгунларнинг жами учта сулоласи бўлган: Минамото (1192-1333 йиллар), Асикага (1335-1573 йиллар), Токугава (1603-1867 йиллар).

Сёгунат – 1192-1867 йилларда Японияда сёгунлар ҳукумати. “Бокуфу” деб ҳам аталган.

Сиа – Қадимги мисрликларнинг билим ва донишмандлик худоси.

Сигизмунд III – Польша қироли.

Сиддик, Абу Бакр – 573-634 йилларда яшаб ўтган тўрт тўғри йўлдаги халифаларнинг биринчиси, Муҳаммад Пайғамбарнинг қайноталари ва саҳобалари.

Сиёсат – Давлатни бошқариш санъати. Сиёсат ўз табиати, мақсади ва амалга ошириш услублари, манфаатларини ифода этиш бўйича “миллий сиёсат”, “демократик сиёсат”, “тоталитар сиёсат”, “холисона сиёсат”, “нохолис сиёсат” ва ҳоказо кўринишларда намоён бўлади.

Сиёсатшунослик – Сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, категориялари, тушунчалари, сиёсий ҳаёт оқими, бошқарувчилар билан бошқариладиганлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, бетўхтов содир бўладиган сиёсий жараёнлар моҳияти, мазмуни, асосий йўналишлари, жамиятни сиёсий бошқариш маҳорати, ички ва ташқи сиёсат юритишнинг назарий-амалий асослари ҳақидаги фан ва билим соҳаси.

Сийрат – 1. Кишиларнинг ички дунёси, хулқ-атвори. 2. Диний-тарихий адабиётидаги махсус жанр. Сийратларда ислом тарихи ва таълимоти ҳамда Муҳаммад Пайғамбарнинг таржимаи ҳоли, унинг хулқ-атфори ёритилади.

Сикхизм – Ҳиндистондаги монотеистик дин; ҳиндуийликда диний-ислохотчилик ҳаракатининг ғоявий шаклларида бири. XVI аср бошларида Панжобда пайдо бўлган. Сикхизм асосчиси – Нанак (1469-1539 йиллар). Илк Сикхизм шаҳарда яшовчи савдогар-хунармандлар доиралари мафкурасини ифодалаган. Сикхизм барча одамларни худо олдида тенг ҳисоблайди, таркидунёчилик (аскетизм), монахликни қоралайди, маънавий устоз – гуруга сўзсиз тобеликни тарғиб қилади. Ҳозирги вақтда сикхлар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши боис, уларнинг ичида турли оқимлар ва сиёсий партиялар вужудга келган. Сикхизмнинг диний маркази Амритсар шаҳри ҳисобланади.

Силлогизм – Икки фикрдан учинчи бир фикр, хулоса, ҳукмни келтириб чиқариш.

Символ – Муайян ғоя ёки тушунчани образли-тимсол тарзида ифода этган шартли белги, рамз.

Символизм – XIX аср охири-XX аср бошларида вужудга келган адабий-фалсафий оқим. Символистлар бирор тушунчани, ҳодисани ифодаловчи ёки эслатувчи шартли белгини бадиий ижод асоси ҳисоблаб, у мавжуд оламни билиш, тушунишнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Симеон (Буюк Симеон) – 681-1018 йилларда Шарқий Европада мавжуд бўлган Биринчи Булғор шоҳлигининг ҳукмдори (883-927 йиллар). Унинг

хукмронлиги даврида қирол саройида славян адабий маркази ташкил этилган. Симеоннинг ўзи ҳам бир нечта адабий асарлар ёзган. Симеон буйруғи билан Византияда мавжуд бўлган диний-фалсафий ва адабий-тарихий мавзулардаги турли тўпламлардан жуда кўпи славян тилига таржима қилинган. Симеон ўлгандан кейин (927 йили) Биринчи Булғор подшолиги таназзулга юз тутган.

Сименон, Жорж – 1903-1989 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Симония – Христианлик ақидасига кўра, жодугар Симон хаворийлардан “муқаддас рух”ни тасарруф этиш қобилиятини сотишни сўраган. “Симония” ўша Симон номидан олинган. Симонияга кўра, Ўрта асрларда Ғарбий Европада черков лавозимлари ёки руҳонийлик мансабларини сотиш ёки харид қилиш мумкин. Бундай савдо-сотикни папалик, қироллар, йирик феодаллар амалга оширганлар.

Симпозиум – Бирор илмий мавзу бўйича ўтказиладиган халқаро кенгаш.

Синагога – Иудаизм динидаги асосий институт, жамоат ибодатхонаси ва диний жамоа маркази вазифасини ўтовчи иншоот. Тарихчиларнинг фикрича, илк синагогалар 25 аср олдин Бобилда пайдо бўлган. Синагогалар Исроилга, имкон қадар Қуддусга қараб қурилади. Синагоганинг функциялари жуда кенг, кўпинча улар қошида болалар ва ёшларга диний таълим бериладиган мактаблар фаолият юритади.

Синантроплар – Энг қадимги одамлар (архантроплар)га мансуб қазилма одамлар.

Синдикализм – XIX аср охири-XX аср бошларида халқаро ишчилар ҳаракатида пайдо бўлган сиёсий оқим. Синдикализм тарафдорлари пролетариат диктатурасини ва ишчилар синфи партиясининг жамиятда раҳбарлик ролини инкор этади, ишчилар фақат касаба уюшмаси тузиш, иқтисодий кураш олиб бориш билан чекланиши лозим деб уқтирадилар, касаба уюшмаларининг сиёсий курашда қатнашувини қоралайдилар.

Синдикат – 1. Бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бирлашмаси. Маҳсулотни ягона савдо тармоғи орқали биргалашиб сотишни ташкил этиш мақсадларида тузилади. 2. Инвестиция дилерлари гуруҳи; инвесторлар ўртасида тарқатиш учун қимматли қоғозларнинг навбатдаги ёки янги эмиссиясини сотиб олишга розилик билдирилгандан кейин синдикат тузилган ҳисобланади. 3. Баъзи мамлакатлар (мас. Франция)да касаба уюшмаларининг номи.

Синедрион – Қадимги Яҳудияда олий диний муассаса, шунингдек, ҳар бир шаҳардаги 23 кишидан иборат олий судлов органи. Қуддусда олий давлат органи ва 71 аъзодан иборат олий судлов институти –Буюк синедрион ҳам бўлган. Синедрионнинг охириги раҳбари Гамалиэль VI Феодосий II даврида барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган, унинг вафоти муносабати билан 425 йили синедрионлар батамом тугатилган.

Синклид – 1. Қадимги Юнонистонда олий амалдорлар йиғилиши. 2. Византияда Константинополь сенати “синклит” деб аталган.

Синод – 1. Дастлаб епископлар йиғини. 2. Россияда 1721-1917 йилларда олий давлат органларидан бири. Православ черкови ишлари (диний

ақидаларни шархлаш, урф-одатларга риоя қилиш, диний назорат ва маърифат, еретиклар ва мазҳабчиларга қарши кураш)ни бошқарган.

Синийкизм – Қадимги Юнонистонда бир неча қишлоқ ёки шаҳарларнинг ягона полисга бирлашуви.

Синология – Хитой тарихи, маданияти, тили ва адабиётини ўрганадиган фанлар мажмуи.

Синтез – Ижтимоий-сиёсий фанларда нарсалар, ҳодисаларни яхлит, бутун ҳолда олиб, уларнинг таркибий қисмларини ўзаро боғлаб текшириш, таҳлил қилиш усули.

Синтоизм (Шинтоизм) – Японияда тарқалган динлардан бири. VI–VII асрларда вужудга келган. Бу дин буддизм Японияда тарқала бошлаган даврда ҳали аниқ бир ном билан аталмаган. Биринчи марта “синто” (худолар йўли) атамаси XVII асрда буддизмдан фарқ қилиш учун ишлатила бошланган. 1868-1945 йилларда Япониянинг давлат дини бўлган. Синтоизм буддизмдан кўплаб маросим ва тасаввурларни мерос қилиб олган. Синтоизм асосини жуда кўп руҳларга сиғиниш ташкил этади. Унинг таълимотига кўра, одамлар қандайдир руҳлар ёки худо (син ёки ками)лардан тарқалган. Олий худоси – Ама-тэрасу (куёш маъбудаси). Синтоизм таълимотининг асосини император ҳокимиятининг илоҳийлиги (императорга сўзсиз итоат этиш) тўғрисидаги ақида ташкил этади. Синтоизм учун император (Микадо) барча японларнинг яратувчиси – отаси ҳисобланади. Синтоизм кўпхудоликка асосланган. Синтоизмда асосий эътибор ер юзидаги ҳаётга қаратилган, нариги дунё масалаларига қизиқиш кам. Синтоизмнинг кейинчалик буддизм, конфуцийлик ҳамда христианлик таъсирига учраши унинг нуфузини пасайишига олиб келди. Лекин XX асрнинг 50-йилларидан синтоизмга бўлган расмий муносабат яна ўзгариб, унинг япон давлатчилиги билан боғлиқ удум, байрам ва анъаналари тиклана бошлади. Ҳозирги кунда синтоизм бир неча қатламлардан иборат.

Синфлар – Нисбатан барқарор катта ижтимоий қатлам, гуруҳлар (мас., деҳқонлар, ишчилар, буржуазия, ўрта синф). “Синф”, “синфий кураш” тўғрисида қарашларнинг пайдо бўлиши узок ўтмишга эга. Лекин синфлар концепцияси XIX асрда Европада кенг ёйилган. К.Маркс ва Ф.Энгельс синфлар мавжудлигини муайян ишлаб чиқариш усули, меҳнат тақсимоти ва хусусий мулк билан боғлашган. Синфлар курашини тарихни ҳаракатлантирувчи куч деб ҳисоблашган. Улар жамиятни мулкдорлар (эксплуататорлар) ва йўқсиллар (эксплуатация қилинувчилар) синфларига ажратиб тушунтиришган. Бу икки синфлар ўртасида доимо кураш бўлади деб ҳисоблаб, жамият тарихига синфлар кураши тарихи сифатида қараганлар. Улар синфларнинг мавжудлигини жамият тараққиётининг муайян босқичи билан боғлиқ, синфий кураш пролетариат диктатурасига олиб келади, унинг мақсади синфсиз жамият куришдан иборат деб тушунтиришган.

Синьор – Ўрта асрларда Шимолий ва Ўрта Италия шаҳар-давлатлари (синьориялар)да яқка ҳукмдор; шунингдек, “тиран” деб ҳам юритилган.

Синьория – 1. Италиянинг шаҳар-коммуналарида XIII–XIV асрларда ўзини-ўзи бошқариш органи. 2. XIII асрнинг иккинчи ярми – XVI аср ўрталарида Шимолий ва Ўрта Италия шаҳар-давлатларида сиёсий тузум

шакли; бутун фуқаролик ва ҳарбий ҳокимият синьор кўлида тўпланган. Дастлаб умрбод диктатура ўрнатилган, кейинчалик ҳокимият мерос бўлиб ўтадиган бўлган (мас., Висконти Миланда, Медичи Флоренцияда). Тирания деб ҳам номланган.

“Синьхай инқилоби” – 1911-1912 йилларда Хитойда хорижий ҳукмдорлар ва Цинь ҳукуматига қарши бўлиб ўтган инқилоб.

Сионизм – Яҳудийларнинг Фаластинга келишини рағбатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузиш орқали яҳудийларнинг ўз-ўзини англашини тиклашга қаратилган мафкура. “Сионизм” сўзи Қуддусдаги Сион тепалиги номидан олинган. Библия ривоятларга кўра, бу тепаликда Довуд подшонинг қароргоҳи ва худо Яхвенинг уйи бўлган. Сионизм мафкураси XIX аср охирида вужудга келган. 1948 йилдан кейин Исроилни дунё миқёсида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Сионизм социалистик ва либерал оқимлардан тортиб то шовинистик руҳда бўлган бир қанча оқимларни ўз ичига олади. Сионистик ташкилотлар 60 дан ортиқ мамлакатларда иш олиб боради. Етакчиси – Жаҳон сионистик ташкилоти (1897 йилда тузилган), қароргоҳлари Исроил ва Америка Қўшма Штатларида.

Сипоҳий – 1. Салжуқийлар салтанатида унча катта бўлмаган мулкка эгаллик қилган, эркин мулкдор отлик қўшин вакили. 2. Усмонли турк империяси армиясида аниқ шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтовчи шахс. 3. Эрон, Ўрта Осиё хонликларида суворий аскар. Амир Темур, Бобур қўшинида сипоҳий атамаси кўп қўлланган. Ўрта асрларда қишлоқ ва шаҳарларда ҳарбий солиқни ундирувчи кичик мансабдор ҳам “сипоҳий” деб аталган. 4. XVIII аср ўрталари–XX асрнинг 40-йилларида Ҳиндистондаги ёлланма аскар. Сипоҳийлар мустамлакачилар қўшинига маҳаллий аҳоли сафидан жалб қилинган.

“Сипоҳийлар кўзғолони” – 1857 йилда Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлигига қарши бўлиб ўтган кучли кўзғолон. Унда 60 мингга яқин сипоҳий (аскар)лар қатнашган. Сипоҳийларга Ҳиндистон аҳолисининг бошқа тоифалари ҳам қўшилган. Ҳиндистон тарихида “Сипоҳийлар кўзғолони” деб ном олган бу кўзғолон инглиз мустамлакачиларига қарши қаратилган энг катта кўзғолон бўлган. Бу кўзғолонга расман бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II раҳбарлик қилган. Кўзғолон инглизлар томонидан шафқатсизларча бостирилган.

Сипоҳсолор – Сомонийлар салтанатида энг олий ҳарбий унвон. У Нишопурдан Амударёнинг жанубигача сомонийларга тегишли барча ерларга ҳукмронлик қилган Хуросон волисига берилган. 2. Қорахонийлар қўшинида “бош кўмондон”, “саркарда” маъносида сипоҳсолор асл туркий “субоши” атамаси билан параллел қўлланган. 3. Амир Темур қўшинида бу истилоҳ қўлланишда бўлмаган. Бобур қўшинида бош кўмондон “мирсипоҳ” деб юритилган. 4. Хива хонлигида жами отлик ва пиёда қўшинга сипоҳсолор кўмондонлик қилган.

“Сирож ул-ахбор” (“Хабарлар чироғи”) – 1911-1919 йилларда Афғонистонда чоп этилган газета.

Сирот (Пули сирот) – Ислом манбаларида қиёмат куни жаҳаннам узра тортиладиган қилкўприк. Форс ва туркийзабон халқларда “пулсирот” (“пули сирот”) деб юритилади. Диний эътиқодга кўра, жаннатга элтувчи ягона йўл мазкур (“соч толасидан ингичка, шамширдан ўткир”) пулсирот бўлиб, ҳар бир банда ундан юриб ўтишга мажбур этилади. Баъзилар тез, баъзилар секинроқ ўтса, баъзилар ундан кулаб жаҳаннамга равона бўлади.

Сир, Публилий – Мил. ав. I асрда яшаб ўтган қадимги Рим шоири.

Сирагуза – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат. Сицилия оролида мавжуд бўлган.

Система – *Қар.: Тизим.*

Сихем – Исроил шоҳлигининг дастлабки пойтахти.

Сицилиядаги қуллар кўзғолони – Мил. ав. 138-132 йилларда қадимги Римда бўлиб ўтган қуллар кўзғолони. Мил. ав. 138 йилда Сицилиянинг Энне шаҳри ҳокимларига қарши қуллар кўзғолони бошланган. Кўзғолончилар Энне шаҳрини ўз қўлларига киритишган. Улар сафида сириялик асирлар кўп бўлган. Шунинг учун кўзғолончилар “Янги Сирия” деб аталган янги шоҳлик вужудга келганлигини эълон қилишган. Кўзғолончилар Энне шаҳридан ташқари Сицилиянинг бошқа шаҳарларини ҳам ишғол этишган. Рим кўшинлари катта қийинчиликлардан кейин мил. ав. 132 йилдагина ушбу кўзғолонни шафқатсизларча бостиришган.

Сигноқ – Сирдарёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳри жанубида жойлашган қадимий шаҳар. Сигноқ шаҳри ўтмишда ўтроқ халқлар билан дашт кўчманчилари – қипчоқлар ўртасида ўзига хос чегара вазифасини ўтаган. XI асрларда Сигноқ йирик савдо маркази, қипчоқлар давлатининг пойтахти бўлган. Бир вақтлар Бароқхон қипчоқлар давлати тахти учун олиб борган урушларида, Улуғбек унга ёрдам берган. Бароқхон хон тахтига ўтириб, мустақил бўлгандан кейин Улуғбек билан муносабатлари бузилган. Бунинг сабаби Сигноқ шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар бўлган. Бароқхон Сигноқ авваллари қипчоқлар давлатининг пойтахти бўлгани, уни бобоси Ўрусхон обод қилганини таъкидлаб, бу ерлар унинг тасарруфига ўтишини даъво қилган. Бунга жавобан Улуғбек 1427 йил баҳорида Бароқхонга қарши ҳарбий юришни амалга оширган, лекин мағлубиятга учраган. Бароқхон Улуғбек кўшинларини Самарқандгача таъқиб қилиб келиб, теварак-атрофни талаб орқага қайтган. Кейинчалик Шохрух ўз кўшинлари билан Мовароуннаҳрга келиб, Бароқхонни мағлуб этган ва Сигноқ шаҳрини Улуғбекка қайтадан олиб берган.

Сканда – Ҳиндуизмда худолар кўшини йўлбошчиси, уруш худоларидан бири.

Скептицизм – Обьектив ҳақиқатни тўғри ва аниқ билиш мумкинлигига ишончсизлик билан қаровчи фалсафий оқим. Скептиклар фикрича, ҳақиқат субъективдир. Шунинг учун улар ҳақиқатни эҳтимол деб атайдилар.

Скифлар – Мил. ав. VII – милодий III асрларда Қора денгиздан шимолий-ғарбда, Дунай ва Дон, Днепр ва Днестр дарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волга дарёсига қадар бўлган ҳудудларда яшаган чорвадор аҳоли.

Слобода – 1. Аҳолиси крепостной ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган катта қишлоқ. 2. Шаҳар атрофидаги катта қишлоқ, шаҳар атрофи. 3. Россияда XIV асрдан бошлаб турли монастырь, сарбозлар қишлоқларининг номи.

“Смута (мубҳамлик) даври” – Россия давлати тарихининг XVII асрнинг биринчи йилларидан 1613 йиллардаги даврининг мажозий аталиши. Россияда Рюриковлар сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилгандан кейин 1598 йилда бўлиб ўтган Замс собори (мажлиси)да Русь давлатининг янги шоҳи этиб Борис Годунов сайланган. Борис Годунов Иван IV Грозний саройида хизмат қилган, унинг ўғли Федорга регент (ҳомий) бўлган. Борис Годунов ҳукмронлигининг биринчи йилларида Россия ички ва ташқи сиёсатда сезиларли муваффақиятларга эришган бўлса-да, XVI асрнинг биринчи йилларидан бошлаб унда “мубҳамлик” (“смута”) деб номланган давр бошланган. Бу давр 10 йилдан ортиқ давом этган. 1601-1602 йилларда Россияда қурғоқчилик бўлган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашган. Натижада Россиянинг барча тоифадаги аҳолиси томонидан Борис Годуновнинг ҳукмронлигидан норозилик бошланган. Шоҳга қарши боярлар муҳолифати пайдо бўлган. Улар 1591 йилда Углич шаҳрида Иван IV Грознийнинг кичик ўғли Дмитрий вафот этмаган, бошқа бола ўлган, деб миш-мишлар тарқата бошлашган (Борис Годунов ноқонуний шоҳ деган маънода). Россиядаги сиёсий беқарорликдан фойдаланиб, Польша қироли Сигизмунд III 1602 йили Польшада Иван Грознийнинг кичик ўғли Дмитрий I пайдо бўлганлигини эълон қилган. Аслида у Дмитрий эмас, москвалик монах Григорий Отрепьев бўлган. Шунинг учун кейинчалик тарихда Польшада “пайдо бўлган” Дмитрий I ни “Лжедмитрий I” (“сохта Дмитрий”) деб аташган. Лжедмитрий I Польшада католик мазҳабини қабул қилган, Польша қиролига, Россия шоҳи бўлган тақдирда, Россиянинг православ черкови Рим папасига бўйсундиришни, Россия ерларининг бир қисмини Польшага беришни ваъда қилган. 1604 йилнинг кузида Лжедмитрий I аксарияти поляклардан иборат қўшини билан Россияга бостириб кирган. Борис Годунов сиёсатидан норози бўлган Россия деҳқонлари Лжедмитрий I ни қўллашган. Лжедмитрий I Россиянинг бир нечта шаҳарларни ишғол этиб, Москва шаҳрига яқинлашган. 1605 йилда Борис Годунов ногаҳон вафот этган. Бу хабарни эшитган Россия қўшинлари ҳам Лжедмитрий I тарафига ўта бошлашган. Лжедмитрий I Москвага кириб Россия тахтини эгаллаган. Лжедмитрий I ўз ҳукмронлиги даврида Польша қироли ва Россия деҳқонларига берган ваъдаларини бажара олмаган. 1606 йилда Москвада Лжедмитрий I сиёсатига қарши стихияли кўзғолон бошланган. Бу кўзғолон жараёнида Лжедмитрий I ўлдирилган. Шундан сўнг Россия тахти князь Василий IV Шуйскийга насиб этган. У 1606-1610 йилларда ҳукмронлик қилган. Россиянинг кўплаб оддий халқи Лжедмитрий I боярлар томонидан ўлдирилган деб тахмин қилиб, князь Шуйскийнинг ҳукмронлигига нисбатан салбий муносабатда бўлишган. 1606 йилда Россияда Иван Исаевич Болотников бошчилигида деҳқонлар кўзғолони бошланган. Бу кўзғолон шафқатсизларча бостирилган. 1607 йилнинг кузида полякларнинг ёрдами билан ўзини “мўъжиза туфайли” тирик қолган янги сохта Дмитрий-Лжедмитрий II пайдо бўлган. Лжедмитрий II ўз қўшинлари

билан Москва остонасига етиб келган. Тушино деган мавзеда Лжедмитрий II ўзининг сарой, боярлар думаси, приказ (вазирлик)ларини барпо этган. Ўзига хайрхоҳ бўлганларга Лжедмитрий II ерлар ва мансабларни бера бошлаган. Шу шароитда Василий Шуйский, Россия бир ўзи “Тушино ўғриси”ни мағлуб эта олмаслигини англаб, Швециядан ёрдам сўраган. Россия ва Швециянинг бирлашган қўшинлари Лжедмитрий II қўшинларини мағлуб этишган, унинг ўзи ўлдирилган. Швеция қўшинларининг Россияга кириши ва Польша ҳомийлигида бўлган Лжедмитрий II ни мағлуб этишда ёрдамлашганини баҳона қилиб Польша Россияга ҳужум бошлаган. Ўша вақтда Польша Швеция билан уруш ҳолатида бўлган. Россия қўшинлари польшаликларга қаршилик кўрсата олмаган. Шу вақтда Россия шоҳларининг саройида амалга оширилган исён натижасида Шуйский шоҳликдан воз кечишга мажбур бўлган. Уни сочини олиб монахликка ўтказганлар. Шундан сўнг Россияда ҳукумат етти бояр (“семибоярщина”) қўлига ўтган. Етти бояр Польша қўшинларини Москвага кириб келишига рухсат беришган ва Россия тахтини Польша кироли Сигизмунд III нинг ўғли Владиславга тақдим этишган. Мустақилликнинг йўқотилиши хавфи Россия халқини Владислав ҳукмронлигига қарши курашга чорлаган. Стихияли ташкил этилаётган халқ лашкарлари (народное ополчение)га Минин ва Пожарскийлар раҳбарлик қилишган. 1611-1612 йиллардаги курашлар натижасида Россиянинг халқ лашкарлари Польша қўшинларини мамлакатдан ҳайдаб чиқаришган. Натижада Россияда яна ҳокимият масаласи пайдо бўлган. 1613 йилнинг январь ойида Москвада чақирилган земс собори метрополит Филоретнинг 16 ёшли ўғли Михаил Фёдоровични (1613-1645 йиллар ҳукмронлик килган) подшоликка сайлаган. Шу тариқа, Русь ерларида Романовлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган ва мубҳамлик (смута) даври охирига етган. Мубҳамлик даврида Россиянинг иқтисоди катта зарар кўрган, деҳқонлар ўз ерларини ташлаб бошқа ўлкаларга кетишга мажбур бўлишган. Романовлар сулоласи Россияда 300 йилдан ортиқроқ ҳукмронлик килган. 1917 йилнинг февраль ойида Россияда бўлиб ўтган буржуа-демократик инқилоби натижасида Романовларнинг охириги вакили Николай II тахтдан воз кечган, кейинчалик бошевиклар томонидан ўлдирилган.

Снорфу – Мил. ав. 2612–2589 йилларда ўзи учун эҳром қурдирган қадимги Миср ҳукмдори.

Собор – 1. Христианликда олий мартабали руҳонийлар тоат-ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси. Ўрта асрларда соборлар шаҳар марказидаги асосий бинолардан ҳисобланган. 2. XVI–XVII асрларда Россияда энг муҳим ишларни муҳокама қилиш, ҳал қилиш учун тўпланган дунёвий ва диний мансабдор шахслар йиғини.

Совет Иттифоқи – Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи иборосининг қисқартирилган шакли. *Яна қар.:* *Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи.*

Совет Иттифоқи ва Финляндия уруши – Собиқ СССР ва Финляндия ўртасида 1939-1940 йилларда бўлиб ўтган уруш. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ленинград вилоятини Финляндия билан ажратадиган ҳудуд 35

км.ни ташкил этган. 1938 йилдан бошлаб собиқ Совет Иттифоқи раҳбарлари шу ҳудудни Финляндия ҳудудлари ҳисобидан узайтириш бўйича Финляндия томонини музокараларга даъват этган. Собиқ Совет Иттифоқининг талаблари Финляндия томонидан қондирилмаган. Шундан кейин 1939 йил 30 ноябрда собиқ Совет Иттифоқи кўшинлари Финляндияга ҳужум қилишган. 1940 йил 12 мартда собиқ Совет Иттифоқи ва Финляндия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланган. Унга кўра, собиқ Совет Иттифоқи кўзлаган мақсадларига эришган. Собиқ Совет Иттифоқи ва Финляндия чегаралари Мурманск темир йўлидан 130-150 км. узоқликда ўтадиган бўлган. Финляндия устидан эришилган ғалаба собиқ Совет Иттифоқига жуда қимматга тушган: 75 минг Қизил Армия ҳарбийлари ҳалок бўлишган, 175 минги эса яраланган. Бу уруш Қизил Армиянинг замонавий урушга тайёр эмаслигини кўрсатган. Финляндияга қарши урушни биринчи бўлиб бошлаганлиги сабабли собиқ Совет Иттифоқининг халқаро обрўси пасайган. 1940 йил декабрь ойида собиқ СССР Миллатлар Лигаси аъзолигидан чиқарилган.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи – 1922 йилнинг декабридан 1991 йил декабригача мавжуд бўлган давлатнинг номи. 1922 йил 30 декабрда бўлиб ўтган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг биринчи Советлар съезди қарори билан тузилган. Уни қисқача “СССР” ёки “Совет Иттифоқи” деб ҳам аташади. “СССР” атамаси русча “Союз Советских Социалистических Республик” атамасининг бош ҳарфларидан ҳосил бўлган. Совет Иттифоқи таркибига дастлаб Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси (РСФСР), Украина Совет Социалистик Республикаси, Белоруссия Совет Социалистик Республикаси, Кавказорти Совет Социалистик Федератив Республикаси (ЗСФСР) республикалари кирган. Кавказорти Совет Социалистик Федератив Республикасини қисқача “ЗСФСР” деб ҳам аташган. “ЗСФСР” атамаси русча “Закавказская Советская Федеративная Социалистическая Республика” атамасининг бош ҳарфларидан ҳосил бўлган. ЗСФСР таркибига Грузия, Арманистон ва Озарбайжон Республикалари кирган. СССРнинг биринчи Советлар съездида янги тузилган давлатнинг олий қонунчилик органи – Марказий Ижроия Комитети (ЦИК) тузилган. Уни тўрт киши бошқарган – Россиядан М.И.Калинин, Украинадан Г.И.Петровский, Белоруссиядан А.Г.Червяков, Кавказорти Федерациясидан Н.Нариманов. СССРнинг ташкил этилиши большевиклар партияси раҳбарлари томонидан жаҳон инқилоби ёрдамида Жаҳон Совет социалистик республикалар иттифоқини тузилишидаги биринчи қадам деб баҳоланган. 1925 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикалари собиқ СССР таркибига киритилган. 1929 йилда Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Ўзбекистон ССР таркибидан чиқиб, алоҳида республика мақомига эга бўлган ва собиқ СССР таркибига киритилган. XX аср 30-чи йилларида Кавказорти Совет Социалистик Федератив Республикаси (ЗСФСР) тугатилиб, унинг ўрнига Гуржистон, Озарбайжон ва Арманистон Совет Социалистик Республикалари вужудга келган ва собиқ СССР таркибига киритилган. Шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Латвия, Литва ва Эстония Совет Социалистик Республикалари ташкил топган ва собиқ СССР

таркибига киришган. Шу тариқа Совет Иттифоқи 15 та Совет Социалистик Республикаларидан иборат бўлган. Собиқ СССР 1991 йил декабрь ойида тарқалиб кетган.

Совет Халқ Комиссарлари – Россияда 1917 йилги Октябрь давлат тўнтаришидан кейин большевиклар партияси томонидан тузилган давлат бошқарув органи. Совет Халқ Комиссарлари атамасини қисқача “Совнарком” деб аташади. “Совнарком” сўзи русча “**Совет Народных Комиссаров**” (“Совет Халқ Комиссарлари”) атамасидан олинган. Бу атамадаги “комиссар” сўзи ҳозирги “вазир” (министр, вазир) маъносини англатган. Совнарком ҳам қонун чиқарувчи ва ҳам ижро этувчи олий давлат органи бўлган. Суд ҳокимияти эса 1917 йилнинг декабрь ойида тузилган ВЧК (**Всероссийская Чрезвычайная Комиссия** – Умумроссия Фавқулодда Комиссияси) кўлида жамланган. Шу тариқа совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб ҳокимият бўлиниши принципи бузилган.

Совут – Жангда танани ўқ, найза ва қилич зарбидан сақлаш учун кийиладиган мустаҳкам ҳарбий кийим. Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари кўшинларида Илк Ўрта асрлардан бошлаб қўлланишда бўлган. Амир Темур, Бобур ва ўзбек хонлари кўшинида совутнинг ранг-баранг турлари мавжуд бўлган. Жумладан, симдан тўқилган жавшан, темир занжирлардан ясалган зирх, металлдан ясалган жубба, пўлатдан ясалган оҳа, кўҳа каби совут турлари тарихий-бадиий асарларда ўз ифодасини топган. Жанговар отларда ва филларга мўлжаллаб тайёрланган совутлар ҳам қуролланишда бўлган ва улар “кежим” ҳамда “баргуствон” деб юритилган. Аскар тиззаси ва бутини душман қуроли зарбидан сақловчи совутлар турлари “тизлик” ва “бутлук” деб номланган.

“Совуқ уруш” – Иккинчи жаҳон урушидан XX асрнинг 80-йиллари охиригача собиқ социалистик лагерь давлатлари билан империалистик давлатларнинг қарама-қаршилигини ифодалайдиган мажозий атама. Икки йирик давлат – собиқ СССР ва Америка Қўшма Штатлари, икки ижтимоий тизим – капитализм ва социализмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий қарама-қаршилиги. Расман “совуқ уруш” Англия собиқ Бош вазири бўлган Уилямс Черчиллнинг 1946 йилнинг 5 мартида Америка Қўшма Штатларининг Фултон университетида сўзлаган нутқидан бошланган деб ҳисобланади. Унда У.Черчилл коммунизмга қарши курашда инглиз-Америка ҳарбий иттифоқини ташкил этишни, Шарқий Европадан “темир парда” орқали ажралишни таклиф этган. Америка Қўшма Штатлари биринчи бўлиб ядро қуролини ишлаб чиққан ва ундан фойдаланган. 1945 йилдан 1949 йилгача АҚШ дунёда ядро қуролига эга ягона давлат бўлган. Кейинчалик собиқ СССР (1949 йили), Англия (1952 йили), Франция (1960 йили), Хитой (1964 йили), Ҳиндистон (1974 йили), Покистон (1999 йили) ядро қуролига эга бўлишган. “Совуқ уруш” йилларида қуролланиш пойгаси авж олган. Унга улкан маблағлар сарфланган, мамлакатларнинг иқтисодиётига катта зарар етказган. Собиқ Совет Иттифоқи иқтисодиётининг ривожини ана шу “совуқ уруш” сиёсатида бўйсундирилган. Мамлакат иқтисодиёти ички иқтисодий қонунлар асосида ривожланмасдан, сиёсий курашлар талабларини қондириш учун хизмат қилган. Натижада

мамлакатда “космосни эгаллаш”, курул-яроғ пойгасида “ғалаба қозониш”га қаратилган соҳалар ривожланган бўлса-да, аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи озиқ-овқат ва енгил саноати иккинчи даражали соҳа бўлиб қолаверган. Собиқ СССРда 1985 йилда бошланган “қайта қуриш” сиёсати даврида “совуқ уруш” барҳам топган, деб баҳоланади.

Совхоз – Русча “советское хозяйство” ибораси сўзларининг биринчи ҳарфларидан олинган сўз. Собиқ СССРда мавжуд бўлган йирик деҳқон жамоа хўжалигининг бир тури. *Яна қар.: Колхоз.*

Соқар – Қадимги мисрликларнинг ҳосилдорлик худоси, марҳумлар ҳомийси.

Солид – Мил. ав. 309 йили император Константин томонидан чиқарилган Қадимги Рим олтин тангаси. Узоқ вақтларгача Рим империяси, кейинчалик Византиянинг асосий тангаси ва пул бирлиги вазифасини ўтаган. Византия солидининг юнонча номи номизма.

Солик – Тасаввуфда сулук-тариқатни ихтиёр қилиб, уни ўзлаштириш ҳаракатига тушган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид.

Солипсизм – Субъектив-идеалистик оқим. Солипсизм таълимотига кўра, фақат инсон ва унинг онги мавжуддир, объектив олам, шу жумладан, одамлар ҳам фақат инсон (субъект)нинг онгигагина мавжуд.

Солиқ – Маълум тартибда аҳолидан давлат фойдасига ундириладиган пул, маблағ.

Солнома – *Қар.: Йилнома.*

Соломон – *Қар.: Сулаймон.*

Солон – Тахм. мил. ав. 638-559 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон қонуншунос олими.

Солғут – Хива хонлигида турли вақтда миқдори ҳар хил бўлган ер солиғи.

Сомон йўли – Юлдузлар туркумининг номи.

Сомонийлар давлати – 874-999 йилларда Ўрта Осиё худудида мавжуд бўлган давлат. Сомонийлар сулоласининг асосчиси Сомонхудо ҳисобланади. Халифа Маъмун ўзига содиқ Сомонхудо авлодларига катта ишонч билдириб, уларга тоҳирийлар орқали Мовароуннахрнинг турли худудларини мустақил бошқариш ҳуқуқини топшириб қўйган. Сомонийлардан бўлган Аҳмад 820-865 йилларда Фарғонада, Нўҳ 820-842 йилларда Самарқандда, Яҳё 820-855 йилларда Шош ва Уструшонада ҳокимлик қилганлар. Нўҳ ибн Асад вафотидан сўнг 855 йилда Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг Самарқандга ноиб этиб кўтарилган. 865 йилда отаси Аҳмад ибн Асад вафотидан сўнг эса Наср амалда Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолган. 873 йилда тоҳирийларнинг сўнгги вакили бўлган Муҳаммад ибн Тоҳир Бухорога юриш қилиб, маҳаллий халққа нисбатан зулмни кучайтирган. Бухоро халқи Муҳаммад ибн Тоҳирга қарши курашга кўтарилган. Шаҳар амалдорлари Самарқанд ноиб Наср ибн Аҳмадга мурожаат қилиб сомонийлардан бирон кишини Бухорога ноиб этиб тайинлаб юборишни илтимос қилдилар. Наср укаси Исмоилни Бухорога ноиб қилиб жўнатган. Исмоил Бухорога келиб тоҳирийларни мағлуб этган ва уларга қарашли бўлган Бухоро 874 йилда сомонийлар тасарруфига ўтган. Кўп ўтмай ака-ука Наср ва Исмоил ўртасида

низо пайдо бўлган. 886 ва 888 йилларда улар ўрталарида урушлар ҳам бўлиб ўтган. Биринчи жангда Наср ғолиб чиққан. Иккинчи жангда Исмоилнинг кўли баланд келган. Наср кўшини тор-мор этилган бўлса-да, Исмоил Насрдан тахтни тортиб олмаган ва Наср ўз вафотигача (892 йили) сомонийларнинг ҳукмдори сифатида Самарқандда қолган. Наср вафотидан сўнг Исмоил Мовароуннаҳрда сомонийлар давлатининг ягона ҳукмдори бўлган. Исмоил давлат пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчирган. Халифа ал-Муттадис (892-902 йилларда халифалик қилган) Исмоил кудратининг кучайиб бораётганини кўриб, саросимага тушган. У Исмоилни Мовароуннаҳр ҳокимлигидан туширилганлигини ва саффорийлар ҳукмдори Амр ибн Лайсни у ерга ҳоким этиб тайинланганлигини эълон қилган. Бу билан халифа Исмоил ва Амр ибн Лайс ўртасида низо келтирмоқчи бўлган. Ал-Муттадиснинг бу режаси кўп ўтмай “самара” бера бошлаган. Амр ибн Лайс Исмоил Сомонийга қарши кўшин тортган. 900 йили Бухоро остонасида Амр ибн Лайс кўшинлари сомонийлар кўшинлари томонидан тор-мор этилган. Сомонийлар давлати тез орада мусулмон шарқида марказлашган кучли давлатга айланган. Сомонийлар давлатида марказлашган ҳокимият бошқаруви тизими мавжуд бўлган, хўжаликнинг барча соҳалари, илм-фан ривож топган, маданий ҳаёт жонланган, кўплаб илмий ва адабий асарлар ижод қилинган, иншоотлар қурилган. 999 йилда таназзулга юз тутган сомонийлар давлатига қорахонийлар кўшинлари хужум қилиб, ғалабага эришганлар.

Сомонхудот – Мовароуннаҳрнинг мулкдори. Сомонийлар сулоласининг асосчиси.

Сопқон – Ичига тош солиб отиладиган қадимги оддий курул.

Сорбон (Сарбон) – Карвон бошлиғи. Одатда, сорбон карвон олдида биринчи туяда юриб, тўғри йўл билан борилаётганлигига ҳамда тўхташ жойларида от-уловларни озуқа ва сув билан таъминлашга асосий жавобгар шахс бўлган.

Сорорат – Никоҳ одатларидан бири. Эркакнинг бир неча опа-сингилларга уйланиши. Баъзи олимлар сорорат ибтидоий жамоа даврида урф бўлган гуруҳли никоҳнинг қолдиғи дейишади. Сорорат Осиё, Америка, Африка ва Океаниянинг кўпгина халқларида ҳам мавжуд бўлган. Сорорат баъзи давлатларда хотини вафот этган эркакнинг ўз қайнсинглисига уйланиши тарзида сақланган. Кўпинча бу одатни етим болалар тарбияси учун ғамхўрлик билан боғлайдилар.

Сосон – Сосонийлар сулоласи асосчиси. Сосонийлар давлатига асос солган Ардашир I нинг бобоси.

Сосонийлар давлати – 226-651 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқда мавжуд бўлган давлат. Ардашир I асос солган. Ардашир I бобосининг исми Сосон бўлган. Сосонийлар давлатининг барча ҳукмдорлари “шоҳаншоҳ” номи билан аталган. Сосонийлар шоҳаншоҳлари коҳин (дин пешво)ларга таяниб ҳукмронлик қилишган. Сосонийлар давлатининг машҳур шоҳаншоҳлари Шопур I (239-272 йиллар), Баҳром Гўр (421-439 йиллар), Перуз (459-484 йиллар), Хусрав I Ануширвон (531-579 йиллар), Яздугард III (632-651 йиллар) ва бошқалар бўлган. Ардашир I ҳукмронлиги даври (226-239 йиллар)да

зардуштийлик дини давлат дини деб эълон қилинган, мамлакат ҳудудида кўплаб оташкада (“олов саройлари”) бунёд этилган, бошқа динлар таъқиб қилинган. III аср охири-IV аср бошларида Сосонийлар давлати инқирозга учраган. 282 йилда Рим кўшинлари билан бўлиб ўтган жангда сосонийлар кўшинлари мағлубиятга учраган. Сосонийлар давлати шу даврда шарқдаги бир қанча вилоятларидан ҳам ажралган. Шопур II ҳукмронлиги даврида Сосонийлар давлати марказлаштирилган, ҳудудлари кенгайтирилган. V аср ўрталаригача Сосонийлар давлати шарқ ва шимолда жойлашган хионий ва кидарийлар қабилаларига қарши муваффақиятли урушлар олиб боришган, лекин эфталийлар билан урушда мағлуб бўлишган, 484 йилда шоҳаншоҳ Феруз эфталийлар томонидан ўлдирилган. Сосонийлар давлатида III асрда монийлик, V асрда эса маздакийлик дини кенг тарқалган. Маздакийлар ҳаракати бостирилгандан кейин Сосоний шоҳаншоҳлар мамлакатда ислохотлар ўтказишган. Уларга кўра, коҳинлар ва катта ер эгалари мулки оддий жангчилар фойдасига мусодара қилинган, тажовузкор ташқи сиёсат олиб борилган. 558-568 йилларда Сосонийлар давлати эфталийлар, 570 йилда Яман, 589 йилда эса турклар устидан ғалабага эришган. VII аср ўрталарига келиб Эрон кучсиз бир давлатга айланиб қолган. Охирги сосонийлар шоҳи Яздигард III нинг (632-652 йиллар) мамлакатда ҳеч қандай обрўси бўлмаган. Шунинг учун сосонийлар кўшинлари араб кўшинларига қарши муносиб уруша олмаганлар. Яздигард III шарқий ўлкаларга қочиб кетган ва 651 йилда Марв атрофида кичкина қабила бошлиғи томонидан ўлдирилган. Шундан кейин Сосонийлар давлатининг ҳудудлари араб халифалиги таркибида қолиб кетган.

Сотник – 1. Рус кўшинларида IX–XVIII аср бошларигача бўлинма (сотня) бошлиғи. 2. Казак кўшинларида 1798 йилдан офицерлик унвони. 3. XVI–XVIII асрларда маъмурий-ҳудудий бирлик (сотня) раҳбари.

Софизм – Юзаки қараганда тўғри бўлиб кўринса ҳам, аслида нотўғри, сохта хулоса. “Суфизм” сўзи шунингдек атайлаб турли тушунчаларни ишлатиш орқали керакли маъно-мазмунга, мақсадга эришиш, айёрлик қилиш маъноларини англатади.

Софистика – Софизмга асосланган муҳокама, мулоҳаза.

Софистлар – Қадимги Юнонистонда бирон-бир соҳанинг билимдони бўлган кишилар. 1. Мил. ав. V асрнинг иккинчи ярми-IV асрнинг биринчи ярмида фалсафа ва нотиклик санъатининг профессионал муаллимлари (Протагор, Горгий, Продик, Антифонт, Критий ва бошқалар). 2. II–V асрларда қадимги юнон нотиклиги классик намуналарини ёювчи профессионал нотиклар.

София собори (ибодатхонаси) – Ярослав I Мудрый ҳукмронлиги даврида Киевда қурилган ибодатхона.

Софокл – Тахм. мил. ав. 496-406 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон драматурги, шоири, сиёсий ва ҳарбий арбоби.

Социал-демократия – Социалистик партияларнинг умумий номи.

Социализм – Хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали эркинлик ва тенглик, бахт ва фаровонликка эришиш мумкин деб

ҳисобловчи таълимот. Социализм тарафдорлари ана шу йўл билан қурилган ижтимоий тузумни идеал жамият деб ҳисоблайдилар. “Социализм” атамаси Францияда XIX асрнинг 30-йилларида истеъмолга кирган. Лекин ижтимоий адолат жамияти билан боғлиқ тасаввурлар “олтин аср” тўғрисидаги қадимги ғояларга бориб тақалади. Бу ғояларнинг асосчиси Платон ҳисобланади. Аристотель ўша вақтдаёқ хусусий мулкчиликни йўқотишга асосланган жамият тараққиёт йўлининг охири ҳалокатли эканлигини таъкидлаган. Умумий тенглик, “олтин аср” борасидаги ғоялар кейинчалик утопик (хаёлий) социализмнинг турлича кўринишларида ўз ифодасини топган. К.Маркс ва Ф.Энгельс ишлаб чиққан илмий социализм деб аталмиш назарияга кўра, социализм коммунизмнинг қуйи фазаси ҳисобланади. Марксизм-ленинизм таълимотига кўра, социализм бу – пролетариат инқилобининг ғалаба қилиши, буржуазия ҳокимиятини ағдариб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва “истисморгар синфлар”ни тугатиш натижасида вужудга келадиган ижтимоий тузум. Унда, марксизм-ленинизм дохийларининг уқтиришларича, социализм коммунистик жамиятнинг биринчи, қуйи даври бўлиб, бу тузумда ишлаб чиқариш воситалари давлат (умумхалқ) мулки ва кооператив – колхоз мулки шаклларида жамоат мулкига айланади, “ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша” принципи амалга ошади. Социализмга икки хил йўл билан эришиш мумкин деб қаровчилар бўлган. Мас., Т.Мор, Т.Кампанелла, Г.Б.Мабли, Морелли, Н.Чернишевский, А.Бebel ва бошқалар уни тинч йўл билан амалга ошириш тарафдорлари бўлишган. Г.Бабёф, М.Бакунин, К.Маркс, Паприж коммуналари, В.И.Ленин ва бошқалар қуролли кўзғолон йўлини илгари суришган.

Социалистик партияларнинг халқаро бирлашмаси – *Қар.: Иккинчи Интернационал.*

Социалист-инқилобчилар (эсерлар) – Чор Россиясида 1902 йилда ташкил топган сиёсий партия. Эсерлар инқилобий марксизмга қарши чиқиб, пролетариат диктатурасини, инқилобий курашда пролетариатнинг раҳбарлик ролини инкор этишган.

Социология – Жамият, ундаги ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар, шахс ва жамият муносабатлари, кишиларнинг ўзаро муомала қилиш қонуниятларини ўрганадиган фан.

Соъ – Шарқ мамлакатларида 3500 граммга ёки 4,2 литрга тенг ўлчов.

Соқа – Ўтмишда қўшиннинг орқа қисмида борувчи махсус қўриқчи қисм. *Яна қар.: Арьергард.*

Соқий – Май қуювчи, косагул.

Соғуний – *Қар.: Алихонтўра Шоқирхўжа ўғли.*

Соҳиб барид – Сомонийлар ва салжуқийлар даврида почта хизматининг бошлиғи.

Соҳибхтиёр – Ўтмишда подшоҳ ва хон саройи хизматкорларининг бошлиғи.

Соҳибкор – Ўз ишининг устаси.

Соҳибқирон – 1. “Соҳибқирон” сўзининг луғавий маъноси қудратли подшоҳдир. Мунажжимларнинг фикрига кўра, қуёш тизимидаги катта

сайёралар – Зухро ва Муштарийнинг маълум бир даражада уйғун келиши вақти, бир-бирига яқинлаши (қирон буржи) пайтида туғилган одам. Бундай одам бахтли, улуғ мартабали бўлиши олдиндан башорат қилинган. Соҳибқиронлар ҳар саккиз юз йилда бир мартаба дунёга келишаркан. Амир Темур айна қирон вақтида туғилган учинчи ўғил деб таъкидланади. Амир Темурдан олдин Искандар Зулқарнайн ва Муҳаммад Пайғамбар соҳибқирон бўлиб туғилган эканлар. 2. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон ва Тўронзаминда қудратли ҳукмдор, жаҳонгир унвони (Фаридун, Чингизхон ва бошқалар).

Соҳиб ҳаррос (Раиси ҳаррос) – Салжуқийлар даврида зиндонлар бошлиғи.

Соҳил – Қирғоқ.

Спарангиз – Қадимги Ўрта Осиёда массагетлар қабиласи маликаси Тўмариснинг ўғли. Аҳмонийлар давлати ҳукмдори Кир II ҳийла ишлатиб, уни асирга олган. Асирга тушган Спарангиз ўзини ўлдирган.

Спарта – Қадимги Юнонистондаги қадимий полис (шаҳар-давлат). Унга мил. ав. IX асрда Юнонистоннинг жануби – Пелопоннесни босиб олган шимолий ҳудудлардан келган дорийлар асос солишган. Дорийлар кейинчалик ўзларини “спартиатлар” деб аташган. Спарта полиси “эпик” полис бўлган. Хорижий савдогарларнинг Спарта ҳудудига кириши мумкин бўлмаган. Спартиатлар ўз болаларини ёшлигидан жангчи руҳида тарбиялашган. Бола 7 ёшигача онаси тарбиясида бўлган. Ундан кейин 18 ёшигача давлат ҳарбий интернатларида тарбияланишган. Интернатда ички тартиб жуда қаттиқ бўлган. Спарта кўшини ўз даврининг энг кучли кўшинларидан бўлган. Спартиатлар найза, қилич ва қалқонлардан моҳирлик билан фойдаланишган. Спартиатлар аёллар тарбиясига ҳам катта эътибор беришган. Спартиатлар ҳарбий тайёргарлигининг асосий мақсади ташқи душманларга қарши курашиш эмас, балки плотлар (спартиатлар томонидан забт этилган маҳаллий аҳоли)ни тобеликда ушлаб туриш бўлган. Плотларнинг аҳволи аянчли бўлган. Спартада олий сиёсий муассаса – герус (оқсоқоллар кенгаши) бўлган. Оқсоқоллар кенгашидан ташқари қадимги Спартада халқ мажлиси (апелла) ҳам мавжуд бўлган. Унга 30 ёшга тўлган барча спартиатлар кирган. Халқ мажлисининг мажлислари оқсоқоллар кенгашидан бирон вакил иштирок этгандагина бошланиши мумкин бўлган. Халқ мажлиси турли масалаларни кўриб чиқса-да, унинг қарорларини бажариш мажбурий бўлмаган. Қадимги Спартада бир вақтнинг ўзида икки шоҳ мавжуд бўлган. Бири дорий, иккинчиси ахей қабиласидан бўлган. Ҳар икки шоҳ герус таркибига кирган. Умуман герус (герусия) 28 геронт (оқсоқол) ва 2 та шоҳдан иборат бўлган. Ҳар бир геронт Спартанинг атоқли уруғлари вакили бўлган. Геронтларнинг ёши 60 дан, шоҳларнинг ёши эса 30 дан катта бўлиши лозим бўлган. Ҳар бир герусия аъзоси бир овозга эга бўлган. Шунинг учун шоҳлар бошқа герусия аъзолари олдида ҳеч қандай устунлиги бўлмаган. Амалда қадимги Спартада ҳокимият иккита шоҳ ва эфорлар кўлида бўлган. Эфорлар геронтлар томонидан сайланган олий мансабдор шахслар бўлган. Эфорлар шоҳларни ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот бериш учун чақиришлари ҳам мумкин бўлган.

Мил. ав. VI асрда Спарта кўшни полисларни ўзига бўйсундириб, полислар иттиҳодини ташкил этган. Ушбу иттиҳод “Полопоннес иттиҳоди” деб ном олган.

Спартак – Спартак кўзғолонининг раҳбари. Асли Болқон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган Фракия давлатининг шоҳлар хонадони аъзоси бўлган.

Спартак бошчилигидаги кўзғолон – Мил. ав. 74-71 йилларда Қадимги Римда бўлиб ўтган куллар кўзғолони. Мил. ав. II аср охири-мил. ав. I аср бошида Римда гладиаторлар жанглари кўнгилочар тамошолар сифатида авж олган. Собик жиноятчилар, ҳарбий асирлар ва куллар гладиаторларга айлантирилганлар. Қадимги Римда кўплаб гладиаторларни тайёрлайдиган мактаблар мавжуд бўлган. “Тайёр” бўлган гладиаторларни тамошоларни ташкиллаштирадиганларга сотишган. Шундай мактабларнинг бири Капуе шаҳрида мавжуд бўлган. Ушбу мактаб гладиаторларининг бири Спартак бўлган. Спартак фракиялик шоҳлар хонадонига мансуб бўлган. Фракия Болқон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган қадимий давлат бўлган. Рим билан жангларнинг бирида Спартак асир тушиб, кул сифатида сотиб юборилган ва Капуе шаҳридаги гладиаторлар мактабига тушиб қолган. Мил. ав. 74 йилда Спартак тахм. 200 гладиатор билан мактабдан қочган. Улардан 70 гладиатор омон қолиб мактабдан чиқиб кетишга муваффақ бўлган. Тез орада Спартак лашкарининг сони қочоқ куллар ва италиялик кичик ер эгалари ҳисобидан кўпайиб, 70 минг кишига етган. Шундай бўлса-да, Спартак қудратли Рим армиясига қарши урушишга ботинолмаган. Спартакнинг мақсади ўз аскарларини Аппенин ярим оролидан чиқариб, ўз юртларига юбориш бўлган. Лекин кўзғолончиларнинг доҳийларидан бири бўлган Крикс Римга қарши ҳарбий юришни амалга оширишни таклиф этган. Вужудга келган ихтилофлар натижасида кўзғолончилар иккига бўлинган. Кўзғолончиларнинг бир қисми Крикс бошчилигида Рим томон йўл олган. Уларнинг бошқа қисми эса Спартак бошчилигида Римнинг шарқий соҳиллари бўйлаб шимол томон ҳаракат қилганлар. Кўзғолончиларнинг бўлинганини инобатга олиб римликлар сенатнинг қарори билан икки консулнинг легионларини мил. ав. 72 йили кўзғолончиларнинг икки қисмига қарши юборилган. Криксга қарши юборилган Рим армияси ғалабага эришган, Крикс ўлдирилган. Спартак эса жанглар билан Римнинг шимолигача етиб борган ва Апеннин ярим оролидан чиқиб кетиши мумкин бўлган. Лекин ҳозиргача номаълум сабабларга кўра, Спартак кўшинлари яна Римнинг жануби томон ҳаракат қилган. Спартак яна жанглар билан Римнинг жанубигача етиб келган ва Сицилия оролига ўтишга қарор қилган. Шу мақсадда у денгиз қароқчи (пират)лари билан келишиб, уларнинг кемаларида Сицилияга етиб боришни мўлжаллаган. Лекин қароқчилар келишилган пулни олгандан кейин ўз ваъдалари устидан чиқишмаган. Рим сенати Спартак кўшинларини Сицилияга етиб боришга йўл қўймаслик учун Римдаги армиясига ёрдам сифатида Испания ва Франциядан яна икки армия чақиришган. Спартак ва Рим кўшинлари ўртасида мил. ав. 71 йилда шиддатли жанглар бўлиб ўтган. Бу жангларда римликлар ғалаба қозонишган. Спартак ўлдирилган, унинг армияси

қириб ташланган. Римликлар қўлларига тушган 6 мингдан ортиқ кўзғолончиларни Капуедан Римгача бўлган асосий йўл бўйларида хож (крест)ларга михлаб қўйганлар. Спартак бошчилигидаги кўзғолон бостирилган бўлса-да, Рим республикасида мавжуд бўлган кулдорлик муносабатларига кучли зарба берган.

Спартакиада – Халқаро ёки давлат миқёсида ўтказиладиган катта спорт мусобақалари.

Спартиант – Қадимги Юнонистоннинг Спарта полиси аҳолиси. Пелопоннесни босиб олган дорийлар ўзларини кейинчалик шундай деб аташган.

Спикер – Кўпчилик давлатлар парламентининг юқори палатаси раиси. Баъзи давлатларда эса парламентнинг вакиллар палатаси раиси.

Спиноза, Бенедикт – 1632-1677 йилларда яшаб ўтган нидерландиялик файласуф.

Спитамен – Ўрта Осиё халқларининг македониялик Александр қўшинларига қарши курашларига раҳбарлик қилган мароқандлик саркарда ва давлат арбоби.

СС – Германияда фашистлар тузумининг бош таянчларидан бири. Адольф Гитлери қўриқлаш учун тузилган ҳарбийлашган тузилма. СС аъзоларини “қора қўйлаклилар” деб ҳам аташган. 1929 йилдан унга Г.Гимлер бошчилик қилган. СС таркибига концлагерларни қўриқловчи “Ўлик бош”, СО хавфсизлик хизмати (разведка ва контрразведканинг бош идораси) кирган. Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал ССни жиноятчи ташкилот сифатида ҳукм қилган.

СССР – Русча “Союз Советских Социалистических Республик” ибораси сўзларининг бош ҳарфларидан олинган сўз. Қисқача: Совет Иттифоқи. *Яна қар.:* *Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи.*

Сталинград жанги – Иккинчи жаҳон урушининг энг шиддатли ва йирик жанги. Сталинград (ҳозирги Волгоград) шаҳри остонасида 1942 йилнинг 17 июлидан 1943 йилнинг 3 февралигача бўлиб ўтган. 1942 йил 19-20 ноябрда Совет Иттифоқи қўшинлари ҳужумга ўтиб, Сталинград атрофида фашистик Германиянинг 330 минг кишидан иборат 22 дивизиясини қуршаб олишган ва декабрь ойида уларни тор-мор этишган. Ушбу группировканинг 91 минг кишилиқ қолдиқлари генерал-фельдмаршал Ф.Паулюс бошчилигида асирга тушганлар. Асирга тушганлардан 24 таси немис генерали, 26 мингтаси эса офицерлар бўлган. Немис қўшинларининг Сталинград остонасидаги мағлубияти муносабати билан Германияда уч кунлик мотам эълон қилинган.

Стан – 1. Рус давлатида XIV–XVI асрларда маъмурий-худудий бирлик. 2. Россия империясида бир неча волостдан ташкил топган становой пристав бошчилигидаги маъмурий-полиция округи.

Стандарт – 1. Ашёларнинг сифати маълум шартларга жавоб берадиган нусхаси, намунаси, мас., давлат стандартлари жавоб берадиган озиқ-овқатлар. 2. Стандартлар талабларига жавоб берадиган бир қолипдаги ашёлар, моллар, бинолар ва ҳоказо, мас.: стандарт уйлар.

Станица – Бир нечта казак манзилгоҳлари (хутор, посёлка)дан ташкил топган аҳоли манзилгоҳи.

Статистика – 1. Кишилиқ жамияти ва халқ хўжалиги тараққиётидаги сон жиҳатидан бўладиган ўзгаришларни сифат томони билан боғлиқ ҳолда илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган фан. 2. Ҳисобот.

Статус-кво – Маълум пайтда ёки илгари мавжуд бўлган ҳолат, вазият.

Стахановчилар ҳаракати – XX асрнинг 30-йилларида собиқ Совет Иттифоқида авж олган ишчиларнинг ўрнатилган иш нормаларини кўп мартаба ортиқ бажарганлар ҳаракати.

Стендаль – 1783-1824 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Стенография – Оғзаки нутқ, доклад ва ҳоказоларни махсус шартли белгилар ва қисқартмалар билан ёзиб олинган нусхаси.

Стефан II – Рим папаси (752-757 йиллар).

Стефансон, Жорж – 1781-1848 йилларда яшаб ўтган паровозни ихтиро этган инглиз ихтирочиси ва конструктори. 1814 йилда у ўз ёрдамчилари билан биринчи “Блюхер” номли, 1829 йилда эса мукамалроқ “Ракета” паровозларини ихтиро этган. 1823 йилда Стефансон раҳбарлигида Англиянинг Ньюкасл шаҳрида биринчи паровозсозлик заводига асос солинган. Стефансон темир йўллар қуриш лойиҳаларини ҳам тузган.

Стипендия – 1. Қадимги Римда аскар маоши. 2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабаларига давлат томонидан бериладиган нафақа, молиявий ёрдам.

Стоиклар оқими – Эллинизм даврида Юнонистонда вужудга келган фалсафий оқим. Асосчиси мил. ав. 335-253 йилларда яшаб ўтган Зенон. Зенон шогирдлари билан машғулотларини Афинадаги бир бинонинг пешайвонида ўтказган. Пешайвон қадимги юнон тилида “стоя” сўзи билан ифодаланган. “Стоиклар” сўзининг асоси шу “стоя” сўзидан олинган. Стоиклар асосан шафқат, саховат ғояларини тарғиб қилганлар. Уларнинг фикрларича, инсон турли эҳтиросларга берилмасдан, тақдирнинг изми, табиат қонунлари асосида маънавий эркин ҳаёт кечириши лозим.

Столетов – 1878 йил июль ойида Афғонистонга юборилган Россия сафоратининг бошлиғи.

Столипин, Пётр Аркадьевич – Россия давлат арбоби. 1906 йил 8 июнда Россия Министрлар Советининг раиси этиб тайинланган. Россияда бошланган инқилобни бостириш учун кураш олиб борган. П.А.Столипин кўрсатмаларига биноан ҳарбий-дала судлари таъсис этилган, касаба уюшмаларининг фаолиятлари тўхтатилган, инқилобий партиялар аъзолари таъқиб қилинган, нашриётлар фаолияти қаттиқ назорат остига олинган. 1907 йил 3 июлда Россиянинг иккинчи чақириқ Думаси Столипин фитнаси билан император Николай II томонидан тарқатиб юборилган ва 1905-1907 йиллардаги инқилоб ниҳоясига етган. П.А.Столипин ташаббуси билан кўплаб ислохотлар ўтказилган. Уларнинг негизини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ташкил этган. Уларга кўра деҳқонларга чекка ерлардан ер ажратиб берилган. Деҳқонларга ерларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқлари берилган. Яъни, деҳқонлар хусусий мулкка эга бўла бошлаганлар. Россиянинг

марказий губернияларида дехқонлар сонини камайтириш мақсадида уларни Уралорти худудлари (Сибирь, Олтой, Туркистон)га кўчиб кетишлари рағбатлантирилган. Уларнинг бир қисми ҳозирги Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари худудларига ҳамда Фарғона водийсига кўчиб келишган. П.А.Столипин аграр ислохотлари юқоридан туриб ўтказилган бўлса-да, умуман Россиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантирган. 1911 йилда П.А.Столипин Киев шаҳрида суиқасд натижасида ўлдирилган.

Стольник – XIII–XIV асрларда Русда сарой унвонларидан бири. Стольник ҳукмдор дастурхончиси, овқат-ичимлик қуйиб берувчи бўлган.

Стратег – 1. Юнонистонда кенг ҳарбий ва ва сиёсий ваколатларга эга бўлган лашкарбоши. Стратег унвони юнонлар таъсиридаги кенг минтақаларда мавжуд бўлган. Афинада стратег олий давлат лавозими ҳисобланган. Стратег мансабига, одатда, 40 ёшдан ўтган кишилар сайланган. Стратегларнинг энг муҳим ҳуқуқи ҳарбий бошқарув кирим-чиқимларини тасдиқлаш ва ташқи сиёсатнинг кўпгина масалаларни (шартномалар тузиш, уруш эълон қилиш ва ҳоказо) ечиш ваколатига эга Халқ йиғинини чақириш бўлган. Стратеглар маъмурий, ҳарбий, судлов ва молиявий масалаларда кенг ҳуқуқларга эга бўлган. 2. Ҳозирги йирик ҳарбий операциялар (амалиётлар)га раҳбарлик қилувчи саркарда.

Стратегия – 1. Уруш олиб бориш ҳақидаги фан. 2. Йирик ҳарбий операция ўтказишнинг назарий режалари.

Стратиотлар – Византияда VII–X асрларда давлатга ҳарбий хизмат ўташга (шахсий улови ва қуроллари билан) мажбур бўлган эркин зироатчилар. Кейинчалик “стратиотлар” сўзи, асосан, феодал-рицарларни англатган.

Стрелец – Ўқчи аскар, сарбоз. Рус давлатида XVI–XVII асрларда махсус доимий кўшинда хизмат қилган аскар.

Стюарт, Карл (Карл II) – Англия қироли. 1660 йилда Англия парламенти қарори билан тахтга ўтказилган.

Суба – Ўтмишда Ҳиндистонда бир неча саркорликдан иборат вилоят. Бир саркорлик бир неча парганлардан ташкил топган. Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги даврида вилоятлар деб, унинг ҳокими субадор деб аталган. Ҳиндистоннинг худуди 15 та субага тақсимланган.

Субоши – Лашкарбоши, саркарда, олий бош қўмондон. Бу унвон Турк хоқонлигида салтанат учун қилган буюк хизматлари, саркардалик истеъдоди билан донг таратган шахсларгагина берилган. Қорахонийлар кўшинида субошилар ростгўйлик, шижоат ва ботирлик, ҳарбий амалиётлар чоғида турли ҳарбий маҳорат ишлата билишлик талаб қилинган. Салжуқийлар салтанатида субоши атамаси қабила бошлиғи, вилоят, ўлка ҳокими маъноларида қўлланган. Салжуқийлар сулоласи асосчиси Салжуқ ҳам субоши унвонига эга бўлган.

Субстанция – Барча нарса, воқеа, ходисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси.

Субурғон – Мўғул меъморчилигида мемориал ёдгорлик, ламалар мақбараси, муқаддас буюмлар сақланадиган жой.

Субъект – 1. Онг ва ирода эгаси. 2. Шахс.

Субъектив – 1. Шахсий, бир шахс-субъектнинг ўзигагина тегишли кечинмалар, фикрлар, сабаблар. 2. Бир томонлама, бир кишининг шахсий фикри, қарашларига асосланган баҳо, хулоса.

Субъектив идеализм – *Қар.: идеализм.*

Субъективизм – Оламдаги барча нарса-ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгариб боришини фақат инсоннинг руҳиятига боғлаб тушунтирувчи таълимот. Субъективизм инсоннинг назарий ва амалий фаолиятини мутлоқлаштириб, табиат ва жамиятдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари объектив тарзда мавжуд эканини тан олмайди.

Субх – Эрта тонг пайти.

Субҳон – Мақтов, мадҳия, мадҳлар.

Субҳонқулихон – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1680-1702 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида солиқлар миқдори оширилган, кўшинлар сони кўпайтирилган. 1685 йилда Бухоро хонлигига ҳужум қилган хиваликлар Гиждувон яқинида мағлубиятга учраган. Шундан кейин Бухоронинг Хива хонлигига таъсири кучайган. 1686 йилда Субҳонқулихон Аранг Муҳаммадхонга Хива тахтини эгаллашга ёрдам берган. Шундай бўлса-да, 1687 йилда Хива хони Аранг Муҳаммадхон ўз кўшинлари билан Бухорога ҳужум қилган. Субҳонқулихон бу ҳужумни қайтарган. 1688 йилда Аранг Муҳаммадхон отдан йиқилиб вафот этган. Бу вазиятдан фойдаланиб Субҳонқулихон Хива тахтига ўз ноибни Шохниёзни ўтказишга муваффақ бўлган. Субҳонқулихон ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари билан дипломатик муносабатлари яхшиланган. 1689 йилда Бобурий сулоласи шоҳи Аврангзеб, 1691 йилда эса Усмонли турк салтанати султони Аҳмад II томонидан юборилган элчилар Бухорога келишган. 1671-1687 йиллар давомида Субҳонқулихон ва Аврангзеб ўрталарида бир неча маротаба ўзаро мактублар юборилган. Бухоро ва Балх шаҳарларида кўплаб меъморий обидалар қурилган (масалан, Бухородаги Дор уш-шифо, Бухоро Аркидаги саломхона, Жоме масжиди ва бошқалар), илм-фан, айниқса тиббиёт ва адабиёт, ривожланган. Бухородаги Дор уш-шифода беморларни даволаш билан бир қаторда илмий ишлар ҳам олиб борилган. Субҳонқулихоннинг тиббиётга оид шахсий кутубхонаси бўлган. Субҳонқулихон тиббиёт ва илми нужумга оид рисоалар ёзган. У “Нишоний” таҳаллуси билан шеърлар битиб, саройда ўтказиладиган мушоираларда иштирок этган. Субҳонқулихон 1702 йилда вафот этган ва Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги Дахмаи шоҳон (Шоҳлар дахмаси)да дафн этилган.

Сув тегирмони – Сув ёрдамида дон янчишга мўлжалланган тегирмон.

Сувайш (Суэц) канали – Мисрнинг шимолий-шарқий қисмидаги кема қатнайдиган канал. Сувайш каналининг қурилиш ишлари 1859 йил декабрь ойида бошланган. Унинг лойиҳасини франциялик ва италиялик муҳандислар тузишган. Канал қозишда ҳар куни Миср деҳқон (фаллох)ларидан 60 минг киши мажбуран жалб қилинган. Сувайш канали кема қатнови учун расман 1869 йил 17 ноябрда ишга туширилган. Сувайш канали Ўрта ер денгизини

Қизил денгиз билан боғлайди ва Атлантика ва Ҳинд океанлари ўртасидаги энг қисқа сув йўли ҳисобланади. Европаликлар олдинлари Осиё мамлакатларига бориш учун Африка қитъасини айланиб ўтишган. Сувайш канали Осиё билан Африка ўртасидаги шартли чегара ҳам ҳисобланади.

Суверен – 1. Олий ҳокимиятга эга ва уни амалга оширувчи. 2. Мустақилликка эга бўлган, бошқа давлатларга қарам бўлмаган давлат.

Суверенитет – Ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Суверенитетни ҳурматлаш – халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий принципи. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва халқаро ҳужжатларда мустақамланиб кўйилган. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, қонунларни қабул қилиш, уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш, суд ҳокимиятини амалга ошириш, мансабдор шахсларни тайинлаш, мустақил валютага эга бўлиш кабиларни тақозо қилади.

Суворий – 1. Отлиқ аскар, чавандоз. 2. Халқ куйларидан бирининг номи.

Суворов, Александр Васильевич – 1729-1800 йилларда яшаб ўтган Россия саркардаси, генералисимус. Россияда Пугачёв кўзғолонини бостиришда, Етти йиллик уруш, рус-турк урушларида қатнашган. 1798 йилда А.С.Суворов Италияда жойлашган Францияга қарши ҳарбий иттифок кўшинларининг кўмондони этиб тайинланган. 1799 йилда Швейцария Альпидан ошиб ўтиб, қуршовдан чиқиб кетган. Ҳарбий санъат бўйича асарлар ёзган. Собиқ Совет Иттифоқида 1942 йилда Суворов ордени, 1943 йилда эса Суворов ҳарбий билим юртлари ташкил этилган.

Суд – Фуқароларнинг даъволарини ҳал этиш ва жиной ишларни кўриб чиқиш билан шуғулланувчи давлат органи ва унинг биноси.

Судебник – Қонуннома: суд тузилиши, суд ишларининг тартиби ва жиной ҳуқуқ тўғрисидаги қарорлар. 1. Рус давлатида 1497 йилги “Иван III судебники” ёки “Буюк князлик судебники” – “бутун Рус буюк князи” ва Болалар думаси томонидан тасдиқланган қонунлар тўплами – марказлашган Рус давлатининг биринчи қонунлар мажмуаси, эндигина ташкил топган шу давлатни мустақамлаш зарурлиги, давлат ҳокимиятининг марказлашувини таъминлаш, хизматдаги дворянлар ва савдогарларнинг талабларини қондириш, феодалларнинг ўзбошимчалигини чеклаш ҳамда бутун мамлакат худудида судлов фаолиятини муайян тартибга солиш зарурати ана шундай судебник қабул қилишга олиб келганди. 2. 1550 йил қонунномаси ёки “подшо қонунномаси” – марказлашган Рус давлатининг иккинчи қонунлар мажмуаси бўлиб, у подшо Иван IV Грознийнинг топшириғига биноан “1497 йилги судебник” ўрнига тузилган ва 1550 йили Собор томонидан тасдиқланган. Янги судебникнинг қабул қилиниши мамлакатда феодал тарқоқлиги сарқитларини тугатиш йўлидаги ислохотлардан бири бўлиб, унинг охириги қолдиқларини тугатишда муҳим роль ўйнаган.

Судхўр – Оғир шартлар билан ўзгаларга пул, ғалла ва шу кабиларни бериб фойда олувчи.

Судья – 1. Суд органларида суд ишлари бўйича иш кўрувчи, ҳукм чиқарувчи лавозимли киши. 2. Спорт мусобақаларида ҳакамлик қилувчи киши.

Сулаймон (Соломон) – Ҳам шох, ҳам пайғамбар. Исроил-Яхудия давлатининг етук ҳукмдори (мил. ав. 965–928 йиллар). Довуднинг ўғли. Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Диний китобларда таъкидланишича, Унга инсу жинс, жамики жонзот итоат этган, у қурту кумурсқа, паррандаю дарранданинг тилини билган, улар билан суҳбатлашган.

Сулола – Муайян уруғдан, авлоддан тарқалган, ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига эга бўлган, асосан, бирин-кетин тахтга ўтирган подшолар, амирлар ва хонлар насли. Мас., аббосийлар, аҳмонийлар, бувайҳийлар, темурийлар, ғазнавийлар ва бошқалар.

Султон – 1. Мусулмон давлатлари бошлиқларининг унвони. X асрда ислом мамлакатларида ҳукмдор “султон” деб юритилган. Шохлар, хонлар ва уларнинг фарзандлари исмига “султон” сўзи қўшиб айтилган. Рум султонлиги ҳукмдорларига султон унвони XI асрнинг 30-йилларидан берилди бошланган. Мазкур унвонни биринчи бўлиб салжуқийлардан Тўғрулбек 1038 йили олган ва бу унвон 1055 йили Бағдод забот этилгандан сўнг халифа томонидан эътироф этилган. Усмонли турк ҳукмдорлари, хоразмшохлар, ғазнавийлар сингари мустақил давлат ҳукмдорлари ҳам “султон” атамаси билан ифодаланган. Мўғул истилосидан кейин Чингизхон хонадонининг ҳар бир вакили “султон” деб аталган. Темурийлар салтанатида ҳам “султон” атамаси кенг истеъмолда бўлган. Шайбонийларда султон унвони ҳукмдорлар, сулола вакилларига берилган. Жанубий Арабистон ва Ғарбий Африкадаги йирик мулкдорлар, баъзи қабила бошлиқлари, Ҳиндистон ва Индонезиядаги айрим ҳокимлар “султон” деб номланган.

Султон Абдулмажид – Усмонли турк империясининг ҳукмдори (1839-1861 йиллар).

Султон Абдулхамид II – Усмонли турк империясининг ҳукмдори (1876-1909 йиллар). Унинг ҳукмронлик даврини Туркияда “истибдод даври” деб аташади.

Султон Бахт бегим – 1362-1430 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг қизи.

Султон Махмуд II – Усмонли турк империясининг ҳукмдори (1808-1839 йиллар).

Султон Меҳмет II Фотиҳ – Усмонли турк империяси ҳукмдори (1451–1481 йиллар) “Фотиҳ” номига сазовор бўлган.

Султон Салим III – Усмонли турк империяси ҳукмдори (1789-1807 йиллар).

Султон Санжар (Санжар) – 1086-1157 йилларда яшаб ўтган салжуқийлар давлати шарқий қисмининг ҳукмдори (1118-1157 йиллар). Унинг тасарруфига Хуросон, Сиистон, Хоразм ва Мовароуннаҳр худудлари кирган. Салжуқийлар давлати шарқий қисмининг пойтахти Марв шаҳри бўлган. XII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Салжуқийлар давлати таназзулга юз тута бошлаган. 1141 йили Самарқанд яқинида бўлган “Катвон жанги” (Катвон даштнинг номи) деб ном олган жангда салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинлари шарқдан Мовароуннаҳрга бостириб кирган қорахитой ва қарлуқлар томонидан тор-мор этилган. Султон Санжар бу жангда ўз қўшинлари билан Дарғом

дарёси бўйидаги бир дарага қисиб қўйилган. У катта талафотлар бергандан кейин ёнидаги 300 та отлик ва шахсий кўрикчилари билан қуршовдан катта қийинчиликлар билан ёриб чиқиб, дастлаб Термиз кейинчалик Марвга етиб келган. Катвон жангидан кейин Султон Санжар Мовароуннахрдан ажралган. 1153 йилда Султон Санжар очкўз амирлари хоҳишларини инобатга олиб, Балх атрофида кўчманчи Ўғуз (ғуз)ларга қарши урушган ва мағлубиятга учраган. Ўғузлар Хуросонни эгаллаб, талон-торож қилишган. Лекин улар Султон Санжарга ҳурмат-иззат кўрсатиб, уни Балхда фахрий тутқунликда ушлаб туришган. Султон Санжар салжуқийлар тахтини қайтадан эгаллашга уринган бўлса-да, унинг уринишлари беҳуда кетган. 1156 йилда у Марвга келган ва Андаробод қалъасида яшаган. 1157 йилда Султон Санжар ўша қалъада вафот этган. Султон Санжарнинг қабри устига мақбара қурилган. Султон Санжар вафотидан кейин Салжуқийлар давлатининг шарқий қисмига барҳам берилган.

Сулҳ шартномаси – Халқаро шартнома тури. Сулҳ шартномаси асосида уруш тўхтатилади, ҳудудий ўзгаришлар ва давлат чегаралари қайд этилади, бошқа сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалалар (қўшинларни олиб чиқиб кетиш, ҳарбий асирларни қайтариш, репарациялар ва бошқалар) ҳал қилинади.

Сунбул – Ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа ва хушбўй гиёҳ.

Сунбод қўзғолони – 755 йилда Абу Муслим учун ўч олиш мақсадида аббосийлар сулоласи халифалигига қарши Рай шахрида бўлиб ўтган қўзғолон. 70 кун давом этган.

Сунна – Ислом таълимотига кўра, мусулмонлар учун ибрат ҳисобланадиган Муҳаммад Пайғамбарнинг сўзи, қилган иши, ҳатти-ҳаракатлари. Суннага тегишли ҳар бир маълумот ҳадисларда берилган ва тўплам қилинган. Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. Сунна VII аср ўрталаридан йиғила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. Ҳадисшунослик энг таракқий топган IX асрга келиб улар тартибга солинган, дин, ахлоқ ва фикҳнинг манбаига айланган.

Суннийлик – Ислом динидаги тўғри йўлда юривчи (“аҳли сунна вал-жамоа”) йўналиши. Муҳаммад Пайғамбар мусулмонларнинг келажакда бир неча фирқаларга бўлиниб кетишидан ташвишланиб, улардан биттасини-“фирқаи ножиа” (нажотга эришувчи фирқа) деб атаган. Кейинчалик бу фирқа “суннийлик” номи билан аталган.

Сун (Сунг) хонлиги – 960-1279 йилларда Хитой ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Асосчиси Сўнги Чжоу хонлиги саркардаси Чжао Куан-инь (927-976 йиллар) ҳисобланади. У Сўнги Чжоу хонлигида кучайган тахт учун курашлардан усталик билан фойдаланиб, сарой тўнтаришини амалга оширган, пойтахт Кайфин шаҳрини эгаллаб, тахтни ўз қўлига туширган. У янги тузилган давлатга “Сун” (“Сунг”) деб ном берган. Чжао Куан-инь ўзини “Сунг Тайцзу” (“Сун сулоласи асосчиси”) деб атаган. Сун ҳукмдорлари томонидан мамлакат ҳудудларини кенгайтириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, давлат хазинасини бойитишга қаратилган кўплаб ҳарбий-иқтисодий

ислохотлар ўтказишган. Сун хонлиги ҳозирги Хитойнинг шимолида 916-1124 йилларда мавжуд бўлган Лао давлати билан доимо курашиб келган. 979 йилда Сун хонлиги қўшинлари Лао давлати қўшинларидан мағлубиятга учраган. Сун хонлиги ҳукмдори Тайцзун сарой амалдорлари билан пойтахт Кайфинни ташлаб, жанубга қочган. Сун хонлиги Лао давлати билан сулҳ тузишга мажбур бўлган. Сун давлати ҳукмдорлари Лао давлати таъсиридан чиқишга уринишган, ammo бунга эришолмаган. 1279 йилда Сун хонлиги мўғуллар томонидан барҳам берилган.

Сунь Ятсен – 1866- 1925 йилларда яшаб ўтган Хитой сиёсий арбоби. Сунь Ятсен 1905 йили муҳожирлик (Япония)да “Тунмэнхой” (“Бирлашган иттифок”) деб ном олган ташкилот тузган. Бу ташкилотнинг сафи кенгайиб борган. 1906-1910 йилларда Тутмэнхой ташкилоти томонидан Хитойдаги манжурлар сулоласига қарши ўнлаб қўзғолонлар уюштирилган. 1911 йилнинг сентябрь ойида Хитойда темир йўллар қурилишини чет эл монополияларига топширилишига қарши бошланган норозилик ҳаракати Цин ҳукуматига қарши инқилобга айланиб кетган. Бу инқилоб Хитой тарихида “Синьхай инқилоби” деб аталади. 1911 йил 16 декабрида Сунь Ятсень 16 йиллик муҳожирликдан кейин (Япония, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатлар) Хитойга қайтиб келган. Хитойнинг жанубида мавжуд бўлган инқилобчилар таклифи билан 1911 йил 29 декабрда вилоятлар вакилларининг мажлиси (“Миллий мажлис”) бўлиб ўтган. Мажлис Сунь Ятсенни Хитой Республикасининг муваққат президенти лавозимига сайлаган. Миллий мажлис Хитойнинг муваққат Конституциясини ҳам қабул қилган. Унда барчага тенг ҳуқуқ ва демократик озодликлар эълон қилинган. 1912 йил 1 январда Хитой расман республика деб эълон қилинган. Сунь Ятсен янги эълон қилинган Хитой Республикасининг президенти бўлган. 1912 йил 12 февралда Цин сулоласи ағдарилиб, мамлакатда монархия тузуми бекор қилинган. “Синьхай инқилоби”нинг энг авж олган вақтида, яъни 1911 йилнинг декабрь ойида Шанхай шаҳрида Хитой императори ҳукумати вакиллари ва жанубий инқилобий вилоятлар делегатлари ўртасида музокаралар бошланган. Император ҳукумати делегациясига Юань Шикай раҳбарлик қилган. Император ҳукумати делегацияси инқилобни тарқатиб юбориш эвазига инқилобчиларга умумий амнистия эълон қилиш ва мамлакатда конституцион монархия тузумини ўрнатишга ваъда берган. Жанубий инқилобий вилоятлар вакиллари эса Цинь империясига буткул барҳам беришни ва Хитойни демократик республика деб эълон қилишни талаб қилишган. Охир-оқибатда жанубий инқилобий вилоятлар вакиллари хорижий давлатлар таъсири остида Шанхайда таслимчилик шартномасига имзо чекишган. Унга кўра, Цин сулоласининг императори тахтдан воз кечиши, унинг эвазига Юань Шикай Хитойнинг президенти деб эълон қилиниши кўзда тутилган. Юань Шикай президентлик лавозимини қўлга киритгандан кейин мамлакатдаги демократик озодликларни бекор қилган, инқилобий гуруҳларни қуролсизлантириш бўйича буйруқ берган, инқилобий вилоятларга жазо қўшинлари юборган, ишчилар касабаси уюшмаларини тарқатиб юборган, жойларда жазо судлари тузилган, кўплаб инқилобчилар қатл этилган, парламент тарқатиб юборилган, кўплаб

инқилобчи, таракқийпарвар хитойликлар мамлакатни тарк этишга мажбур бўлишган. Шу тариқа Хитойда Синьхай инқилоби мағлуб бўлган. Инқилоб ва қўлга киритилган демократик ҳуқуқларни қутқариб қолиш мақсадида “Тунмэнхой” (“Бирлашган иттифок”) ташкилоти буржуа-либерал гуруҳлар билан бирлашиб, 1912 йил август ойида янги Гомиьндан партиясини тузишган. “Гомиьндан” сўзи қуйидаги маъноларга эга: “го”- давлат ва мамлакат, “минь”- миллат ва халқ, “дан”- партия. Бу партиянинг раҳбари этиб Сунь Ятсень сайланган. 1913 йилда Хитойнинг жанубий (инқилобий) вилоятларида Юань Шикай сиёсатиға қарши қўзғолон бошланган. Бу қўзғолон Хитой тарихида “Иккинчи инқилоб” деб аталади. Бу қўзғолоннинг раҳбари Сунь Ятсен бўлган.”Иккинчи инқилоб” бостирилган. Шундан кейин Хитойда армияға ва эски консерватив кучларға таянган Юань Шикай диктатураси мустаҳкамланган. Сунь Ятсен Японияға ҳижрат қилишға мажбур бўлган.

Сур – Шохдан ишланган карнай, буғ. Қурьонда айтилишича, қиёмат куни Исрофил фаришта сурни чалади.

Сура – Мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланган Қурьон китобига хос тушунча. Қурьоннинг бўлимлари, уни шартли равишда боб билан таққослаш мумкин. Қурьонда 114 та сура бўлиб, ҳар бир суранинг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг номи суранинг бошида келган сўздан олинган. Баъзилариники эса ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсалар, воқеалар, жумла ёки асосий қаҳрамон номиға қўйилган. Энг узун сура 286 оятдан, энг қисқаси уч оятдан иборат. Ҳижратдан олдин нозил бўлган суралар “Мақка суралари”, ҳижратдан кейин нозил бўлганлари “Мадина суралари” дейилади.

Сурон – Ўтмишда қўшинларнинг жанг майдонида бир-бириға қарама-қарши турган ёки ҳужум вақтидаги аскарлар ҳайқирғи. Ўрта асрларда чингизийлар, темурийлар ва шайбонийлар қўшинида аскарларнинг жанговар руҳини кўтариш, душманни ваҳимаға солиш мақсадида кенг қўлланилган тактик амалиёт. Темурийлар қўшинида ўтказиладиган ҳарбий кўриклар чоғида сафға турган жангчилар олий бош қўмондонға ўзларининг бўлажак юришларға шайлигини, кайфиятини изҳор этиш мақсадида бирдан ва бараварига сурон солганлар.

Сутралар – Қадимги ҳинд адабиётида фалсафа, дин, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, грамматика ва бошқалар бўйича ёзилган панд-насихат, ибрат тарзидаги парчалар, қисқа рисоалар. Дастлабки сутралар мил ав. биринчи мингйиллик ўрталарида пайдо бўлган.

Суфий – Тасаввуф тариқатларига кирган киши.

Суфийлик – *Қар., Тасаввуф.*

Сухомлинский, Василий Александрович – 1918-1970 йилларда яшаб ўтган рус педагог-олими.

Суюрғол – Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида кенг тус олган ҳукмдорлар томонидан алоҳида хизмат кўрсатган шахсларға инъом этиладиган мол-мулк, ер-сув. Суюрғолға берилган ер наслдан-наслға мерос бўлиб ўтган. Суюрғол ер эгаси солиқлардан озод этилган. Амир Темур забт этган мамлакатларнинг айрим вилоятларини шу ерларнинг собиқ эгаларига, ўз ўғилларига, невараларига, баъзан эса алоҳида хизмат кўрсатган амирларға,

кўшин бошлиқларига суюрғол қилган. Суюрғол мўғуллар истилосидан сўнг Мовароуннахр, Дашти Қипчоқ, Яқин Шарқ мамлакатларида расм бўлган.

Сукрот (Сократ) – Мил. ав. 469-399 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. У доим эски либосларда, ялангоёқ юрган. Сукрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказиб, уларда доим уни кўли баланд келган. Бундан ташқари Сукрот моҳир раққос бўлган. У талабаларига оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган. Сукрот оламнинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганиш заруратини рад этиб, бу масалаларни ечишга инсон тафаккури қодир эмас деб ҳисоблаган. Сукрот таълимотига кўра, фалсафанинг асосий мақсади ўз-ўзини англаш бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир. Эзгулик эса билим ва доноликдир. Сукрот куйидагиларни инсоннинг энг асосий эзгулик ва яхшилик белгилари деб билган: 1. Ўртамиёналик, мўътадиллик (яъни, эҳтиросларни жиловлай билиш); 2. Довюраклик (яъни, хавф-хатарни енга билиш); 3. Адолат (яъни, илоҳий ва инсоний қонун-қоидаларга риоя эта билиш). Мил. ав. 399 йили Сукрот бир юртдошининг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган.

Сўғд ёзуви – Сўғдийлар ёзуви. Мил. ав. биринчи мингйилликнинг охирларида оромий алифбосидан ажралиб чиққан. Араб алифбоси сингари ўнгдан чапга қараб ёзилган. Сўғд ёзувининг милод бошларига оид қадимий намунаси Самарқанд яқинидаги Толи барзу деган жойдан топилган.

Сўғдиёна – Таркибига ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудлари кирган қадимий давлат. Сўғдиёнанинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Сўғдиёнада аҳоли юқори даражада деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик маданиятига эга бўлган.

Сўғдийлар – Қадимда Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшаган аҳоли.

Сухайл – Энг ёруғ юлдузлардан бири ҳисобланган Канонуснинг шарқона исми. Яман ҳудудидан яхши кўрингани учун ушбу юлдузни “Сухайли Яманий” деб ҳам аташади.

Сфинкс (Абу ҳавл) – 1. Қадимги юнон мифологиясидаги қанотли ярим аёл, ярим урғочи шер. Фива яқинидаги қоя устида яшаб, йўловчиларга топиб бўлмайдиган топишмоқ айтиб, жавоб ололмагач уларни еган. Сфинкс топишмоғи (“Ким эрталаб 4 оёқлаб, тушда 2 оёқлаб, кечкурун 3 оёқлаб юради?”)ни Эдип топган (унинг жавоби: “Инсон болаликда 4 оёқлаб, улғайганда 2 оёқлаб ва кексайганда 3 оёқлаб юради”): шу жавобдан Сфинкс қоядан ўзини ташлаган. 2. Қадимги Мисрда фиръавн Хафра шарафига қурилган эҳром олдида яхлит қоядан ишланган ҳайкал. У шер фигураси ҳайкали бўлиб, унинг бош қисми одам бошига ўхшатиб ишланган. Сфинкснинг баландлиги 20 метрга яқин бўлиб, узунлиги 60 метрни ташкил этади. Мисрликлар бу ҳайкални “Абу ҳавл” (“Даҳшат отаси”) деб аташади.

Сфрагистика – Тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган соҳаси. XVIII асрда дипломатиянинг бўлими сифатида шакллана бошлаган.

Схоластика – Европада христианлик эътиқодини ёйиш, унинг мазмунини тушунтириш ва ақидаларини асослашни мақсад қилган диний-фалсафий оқим.

Съезд – Сиёсий партия, йирик ташкилот, турли касб ёки соҳа вакилларининг йиғилиши, курултойи.

СЭВ – Русча “Совет экономической взаимопомощи” ибораси сўзларининг бош харфларидан олинган сўз. *Қар.:* *Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши.*

Сюань Цзан – 600-664 йилларда яшаб ўтган хитойлик сайёҳ ва дин арбоби. Сюань Цзан 629 йилда Хитойнинг Тан давлати худудидан чиқиб Турк хоқонлиги, ҳозирги Афғонистон ерлари орқали 630 йилда Ҳиндистонга келган. Ҳиндистонда у барча буддизм маданияти марказлари, ибодатхоналарини зиёрат қилган, Наланда ибодатхонасида буддизмдан беш йил таҳсил олган ва йирик буддавий роҳиблар қаторидан жой олган. Сюань Цзан Ҳиндистонда қўлга киритган кўплаб китобларини олиб, 645 йилда Помир ва Қашғар орқали Хитойга қайтган. Тан давлатининг ҳукмдори Ли Шимин (627-650 йилларда Тайзунг номи билан ҳукмронлик қилган) Сюань Цзанни саройга таклиф этиб, ғарб мамлакатлари ҳақида батафсил ёзма маълумот беришни топширган. Ўша йилларда Тан давлати билан Турк хоқонлиги ўртасидаги муносабатлар кескин бўлган. Маълумотларга кўра, Сюань Цзан Ҳиндистондан олиб келган жами 1335 бобдан иборат 74 китобни хитой тилига таржима қилган.

Сўнгги (Ливия – Саис ва Эрон) шоҳлик даври – Қадимги Миср тарихининг тахм. мил. ав. 1100-332 йилларни ўз ичига олган даври. Рамсес II вафотидан кейин (мил. ав. 1235 йили) Мисрнинг жанубида марказқочар кучлар кучайган, дин арбобларининг жамиятдаги мавқеи бениҳоя ошиб кетган. Мисрнинг шимолий ва марказий қисми худудларида Миср армияси сафига ёлланган ливияликларнинг таъсири кучайган. Ливиялик жангчиларнинг қўмондонларидан бири бўлган Шешоик мил. ав. X аср ўрталарида Мисрда ҳукуматни ўз қўлига киритган. Шешоик Миср тарихида ливиялик ҳукмдорлар сулоласининг биринчи вакили бўлган. Ливиялик сулолалар ҳукмронлиги даврида Миср бир нечта кичик, тарқоқ шоҳликларга бўлинган. Ҳар бир вилоятда ё дин арбоби ё ливиялик ҳарбий киши ҳукмронлик қилишган. Бундан фойдаланиб мил. ав. VIII асрда Куша (Эфиопия) ҳукмдори Шабака Мисрни ишғол этган. Мил. ав. VII асрнинг биринчи ярмида эса Мисрга шимолий-шарқдан Оссурия шоҳлари томонидан хужумлар бошланган. Кейинчалик шимолдаги оссурийликлар ва жанубдаги эфиоплар ўртасида Мисрни талаш бўйича ўзаро курашлар бошланган. Бу курашлар натижасида икки томон ҳам заифлаша борган. Бу вазиятдан фойдаланган Мисрнинг шимолида жойлашган Саис шаҳрининг ҳукмдори Псамметих I (мил. ав. 663-610 йилларда ҳукмронлик қилган) дастлаб Мисрнинг шимолида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган, кейинчалик Фива шаҳрини эфиопиялик ҳукмдорлардан тортиб олган. Шу тариқа Псамметих I қадимги Миср тарихида сеис ҳукмдорлар сулоласига асос солган. Бу сулола вакиллари Мисрда мил. ав. 664-525 йилларда ҳукмронлик қилган. Миср саислик ҳукмдорлар сулоласи даврида марказлашган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга айланган. Мил. ав. 600 йилда Псамметих I нинг ўғли Нехо II нинг ташаббуси билан Миср денгиз аскарларининг кемада Африка қитъаси атрофидаги илк сафари (экспедицияси) муваффақиятли ўтган. Бу сафарни уюштириш ва

амалга оширишда финикияликларнинг кўмаклари катта бўлган. Мил. ав. 525 йили Эроннинг ахмонийлар подшоси Камбис Мисрни забт этиб, уни ўз сатрапига айлантирган. Мил. ав. 332 йилда эса македониялик Александр Мисрни ахмонийлардан тортиб олган.

Сўнгги Хань империяси – 25-220 йилларда Хитой ҳудудида мавжуд бўлган қадимий давлат. Сўнгги Хань империясида лашкарбоши Бан Чао шуҳрат қозонган. У Хитойнинг ашадий душманлари бўлган гуннларни мағлуб этган, 90-йилларда Кўшон империясига зарба берган. Кўшон империяси Сўнгги Хань империясига қисқа муддат ичида тўловлар тўлашга мажбур бўлган. Сўнгги Хань империяси даврида Буюк ипак йўли орқали Хитой моллари (асосан ипак, темир ва лак билан бўялган сопол буюмлар) Римгача етиб борган. Уларнинг эвазига Хитойга Европадан турли моллар келтирилган. Сўнгги Хань империяси Ҳиндистон ва Япония билан ҳам савдо алоқаларини ўрнатган. Хань империяси даврида осмоннинг юлдузлар картаси тузилган, куёшнинг доғлари ўрганилган. 183 йилдан бошлаб Хитойда Сўнги Хань империяси ҳукмдорларига қарши кўзғолонлар бошланган. Бу кўзғолонлар тарихда “Сарик боғловлилар кўзғолони” номи билан машҳур бўлган. Кўзғолонларга Чжан Цзяо икки биродарлари билан раҳбарлик қилган. “Сарик боғловлилар кўзғолони” бостирилган бўлса-да, улар Сўнгги Хань империясини чуқур инқирозга учратган ва у 220 йилда парчаланиб кетган. 220 йилдан V аср ўрталаригача қадимги Хитойда кўплаб подшоликлар бир-бирларини алмаштирганлар.

Сўнгги Ўрта асрлар тарихи (Ўрта асрлар тарихининг учинчи даври) – XVI аср охири – XVII асрнинг биринчи ярми тарихи. *Яна қар.: Ўрта асрлар тарихи.*

Сўфий – Масжидда намоз ўқийдиганларнинг сафларини тартибга солувчи шахс. Сўфилар муаззин вазифасини ҳам бажаришлари мумкин.

Сўфи Оллоёр – 1644-1724 йилларда яшаб ўтган мутасаввуф шоир.

Сўқир – Кўр, кўзи ожиз одам.

Сўққабош – 1. Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. 2. Уйланмаган, бўйдоқ.

Сўғим – XV-XVI асрлардаги кўчманчи уруғларнинг ўз хонлари, султонлари олдидаги мажбуриятларидан бири. Қадимдан кўчманчиларда кишга гўшт тайёрлаб қўйиш одати бўлган. Бунинг учун улар ўз чорвасининг маълум қисмини сўйганлар. Буни улар “сўғим сўйиш” дейишган. Сўғим сўйиш пайтида ҳар бир кўчманчи хонга, султонга ва зодагонларга сўғим учун мол олиб келиши керак бўлган.

– Т –

Таадди – Зулм, жабр, шафқатсизлик.

Табарзин – 1. Қадимда урушда ишлатиладиган дастаси узун, болтага ўхшаш ҳарбий қуролнинг номи. 2. Қаландарларнинг ҳассаси.

Табақа – Муайян халқ ичида ижтимоий мавқеига қараб бўлинадиган гуруҳ. Табақа урф-одат ёки қонунга мустаҳкамланган, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган. Шарқ мамлакатларида жамиятнинг

турли табақаларга бўлинганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Мас., қадимги Ҳиндистонда варналар, касталар мавжуд бўлган. Мусулмон мамлакатларида ҳарбийлар, аҳли қалам, уламолар, қозилар, раият ва бошқалар алоҳида табақага ажралган. Ислом дини тарқалгандан сўнг Ўрта Осиёда саййид, тўра, хўжа, мир, бек ва бошқалар жамиятнинг оқсуяклар табақасини ташкил этган бўлса, оддий фуқаро “қорачалар” деб номланган. Табақачиликнинг юксак намунаси Францияда бўлиб, у ерда XIV–XV асрлардан бошлаб табақаларга бўлинган. Юқори табақа аристократия ва майда дворянлар (жентри)дан иборат бўлган. Руҳонийлар бошқа табақага мансуб бўлиб, улар бир оз қуйроқда турсалар-да, махсус имтиёзга эга бўлганлар. Оддий халқни эса кейинчалик “учинчи табақа” деб атай бошлаганлар.

Табор – 1. Чехлар, поляклар, руминлар, венгерларда – қароргоҳ, юк ортилган аравалар – ўғрук. 2. Қариндошлик ришталари билан боғлиқ бўлган кўчманчи лўлилар (циганлар) гуруҳи.

Табризий, Соиб – 1601-1677 йилларда яшаб ўтган шоир.

Табу – Диний эътиқод, ирим, кўрқич ва шу қабилар таъсирида маълум сўз, хатти-ҳаракатлардан тийилиш. Ибтидоий жамият босқичидаги халқларда тарқалган тақиқлаш тизими. Табу тизимини ким бузса, риоя қилмаса, қабила бошлиқлари, зодагонлар томонидан қаттиқ жазоланган. Табуларга ишонадиганларнинг тасаввурларига кўра, табуни бузган одамни ғайритабиий кучлар, руҳлар, худолар касаллик ёки ўлим жазоси билан жазолайди деб тушунилган. Табу объектлари буюмлар, сўзлар, ҳайвонлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳозирги даврда ҳам табунинг баъзи кўринишларини учратиш мумкин.

Таваккалхон – Қозоқ хонларидан. 1589 йилда Абдуллахон II ҳукмронлик қилаётган Шайбонийлар давлати ҳудуди (Тошкент вилояти)га бостириб кирган.

Тавмант – Қадимги юнонларнинг денгиз худоси.

Тавонгар – Бадавлат, давлатманд, бой.

Тавоф – Муқаддас, табаррук деб ҳисобланган киши, нарса ёки жойни зиёрат қилмоқ.

Тавочи (Товочи) – XIII-XIX асрларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Эронда ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик билан етказувчи олий ҳарбий мансабдор. Тавочи зиммасига ҳарбий юриш режалаштирилганда салтанат туман ва вилоятларидан, тобе юртлардан ҳукмдор фармонида белгиланган миқдорда озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак, курол-аслаҳа ва қўшин жам қилиш, лашкаргоҳга йиғилган лашкарни кўриққа тайёрлаш, юриш чоғида дам олиш ва ов қилиш учун қўшинни қулай манзилларга жойлаштириш, ғаним қароргоҳига яқин келингач, уни камал қилувчи қисмларни зарур ва қулай истехкомларга жойлаштириш, қўшинларнинг умумий аҳволини назорат қилиб туриш, жиноятчилар ва асирларнинг жазога тортилишидан ҳукмдорни бохабар қилиш, камал хавфи туғилганда теварак-атрофдаги аҳолини қалъа ёки кўрғонга кўчириб келиб жойлаштириш сингари вазифалар юклатилган.

Таврот – Христиан ва иудей (яхудий)ларнинг муқаддас китоби. Таврот “Қадимий ақд”нинг биринчи беш китоби (Борлиқ, Чиқиш, Ловий, Сонлар,

Иккинчи қонун)дан иборат. Иудаизм дини таълимотига кўра, Худо Тавротни Пайғамбар Мусога ваҳий қилган. Шунинг учун ҳам у кўпинча “Мусо қонунлари” деб ҳам аталади.

Тавқи лаънат – Ўтмишда гуноҳкорнинг бўйнига жазо тариқасида кийгизиб, қулфлаб қўйиладиган кунда.

Тавғочхон – Қорахонийлар давлатида бош хон.

Тавҳид – Яккахудолик ҳақида таълимот. Аллоҳнинг бирлигига ишониш, Аллоҳнинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, феълида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериғи йўқ, деб эътиқод қилиш.

Тагор, Рабиндранатх – 1861-1941 йилларда яшаб ўтган ҳинд адиби ва жамоат арбоби.

Тадрижан – Аста-секинлик, изчиллик билан.

Тазкира – Ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқа маълумот берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган тўплам, антология.

Тайпин давлати (Тайпин тяньяго) – 1853 йилда Хитойда Тайпин қўзғолончилари томонидан барпо этилган “самовий мўл-кўллик давлати”.

Тайпин қўзғолони – 1850-1864 йилларда Хитойнинг жанубий-шарқий қисмида Цинь сулоласи ҳукмдорларига қарши бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолонлари. Тайпин қўзғолонига оддий мактаб ўқитувчиси Хун Сюцюань раҳбарлик қилган. Қўзғолончилар 1853 йилда “самовий мўл-кўллик давлати” бўлган “Тайпин давлати” (“Тайпин тяньяго”)ни барпо этишган. Унинг пойтахти Нанкин шаҳри бўлган. Қўзғолончилар раҳбарлари Хитойда ишлаб чиқариш ва истеъмолда барчанинг тенглигига асосланган утопик аграр дастурни амалга оширишга уринганлар. Улар қатъий интизом мавжуд бўлган армия тузишган. Қўзғолончиларнинг сони 20-30 мингдан 300-500 мингтагача етган. Улар Хитойда катта ҳудудни ўз тасарруфларига ўтказишган. Тайпин давлатининг императори Хун Сюцюань бўлган. Тайпин давлатида ер арендаси солиғи камайтирилган, камбағалларнинг қарзлари бекор қилинган, бойлардан давлат ғазнаси учун солиқ ундирилган, ҳамма ишлаш керак, деб эълон қилинган, эркак ва хотинларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган, деҳқонлар умумий ерларда ишлашган, умумий овқатланишган, умумий бойликка эга бўлишган. Тайпин давлати ҳукмдорларининг фикрича, одамлар энг кам миқдордаги моддий бойликларга қаноат қилишлари лозим. Яъни, Тайпин давлатида қашшоқликдаги тенглик мавжуд бўлган. 1856 йилдан бошлаб қўзғолон раҳбарлари ўртасида зиддиятлар кучайган. 1864 йилда Цинь сулоласи ҳукмдорлари қўзғолончиларга қарши ҳужумга ўтишган. Уларга Англия, Франция ва Америка Қўшма Штатлари қўшинлари ёрдам беришган. Хорижий мамлакатлар қўшинларига қарши жангларда моҳир саркарда Ли Сючен қахрамонликлар кўрсатган. Лекин кучлар тенг бўлмаган. Нанкин шаҳри забт этилган. 100 мингдан ортиқ қўзғолончилар ўлдирилган. Ли Сючен қўлга тушган ва қатл этилган. Хун Сюцюань эса ўзини ўлдирган. Тайпин қўзғолони бостирилган.

Тақаш – Хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдори (1172-1200 йиллар). Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини босиб олган.

Такина хотун – Соҳибқирон Амир темурнинг онаси. Бухоролик таниқли зиёлининг қизи.

Таксиарх – 1. Қадимги Афинада стратегдан кейинги иккинчи ўринда турган ҳарбий амалдор. Таксиархлар оғир қуролланган пиёда қўшиннинг алоҳида бўлинмалари (таксис)ни бошқаришган ва стратегларга бўйсунтиришган. 2. Македон армиясидаги пиёда бўлинма – таксис (тахм. 1500 аскардан иборат бўлган) қўмондони.

Тактика – 1. Жангга тайёрларгик кўриш ва жанг олиб бориш санъати, стратегиянинг таркибий қисми. 2. Жанг олиб бориш ҳақидаги фан.

Такяхона – Мусулмон мамлакатларида бой-сармоядор кишилар томонидан қурилган, мусофир, камбағал, уйсиз шахсларга вақтинча ётоқ, бошпана сифатида бепул хизмат кўрсатадиган меҳмонхона. Такяхона, асосан, карвон йўллари устида, турли зиёратлар мақсадида тез-тез меҳмонлар келиб турадиган жойларда қурилган.

Талаба – Ўрта Осиёда ислом дини ёйилгач (VII–VIII аср), бошланғич мактабдан сўнг билим олиш билан машғул бўлган ҳар бир киши талаба ҳисобланган. Мадрасалар пайдо бўлган X асрлардан уларга таҳсил олаётган кишиларгина талаба дейила бошланган. Европада XI–XIII асрларда университетлар ташкил топгандан сўнг, уларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир одам, яъни сабоқ берувчи ҳам, сабоқ олувчи ҳам “студент” деб аталган. Кейинчалик университетларда ўқитувчилар учун магистр, профессор ва бошқа илмий унвонлар жорий этилгач, фақат сабоқ оладиган кишиларгина “студент” деб юритиладиган бўлган.

Талант – 1. Қадимги Юнонистон, Миср, Бобил, Форс ва Кичик Осиёнинг бир қатор ҳудудларида энг йирик оғирлик ва пул-ҳисоб бирлиги. 2. Катта қобилият, истеъдод.

Талмуд – Яҳудийларнинг қадимий диний китоблар тафсиридан иборат қонун-қоидалар мажмуи, муқаддас китоби.

Талмудчи – Масаланинг моҳиятини тушунмасдан, уни кўр-кўрона, юзаки ёдлаб олган шахс, ҳарфхўр, қироатхон.

Талончилик – Бирон-бир кишига тегишли мол-мулк, миллат ёки давлат ҳудудини талон-торож қилиш.

Талья – Ўтмишда Ўрта асрларда Англия ва Францияда ер солиғи.

Талоқ – Ислом таълимотига кўра, никоҳни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан ўз хотинига айтиладиган сўз.

Талха – Хуросонда мавжуд бўлган тоҳирийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори (822-828 йиллар). Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайннинг катта ўғли.

Таммуз – Қадимги яҳудийларда мавсумий ўсимликлар ва ҳосилдорлик худоси, чўпон-худо.

Тамға – Бирор бир ҳужжатнинг асл нусха ёки ҳаққонийлигини тасдиқлаш ҳамда кимга тегишли эканини кўрсатиш учун қўйиладиган белги, муҳр. 1. Турк-мўғул чорвадор қавмларда хусусий мулкнинг кенг тарқалган белгиси. Дарахтларга, қурол-яроғларга, тери (ҳайвон териси) ва бошқаларга қўйилган. 2. Ўрта Осиё, Кавказорти, Яқин ва Ўрта Шарқнинг айрим мамлакатларида ва

XIII асрдаги мўғуллар истилосидан сўнг Россияда савдо, ҳунармандчилик, турли касб-ҳунарлардан пул билан олинадиган солиқ, XVI асрнинг 70-йилларигача мавжуд бўлган. Эронда шоҳ Тахмасп I томонидан бекор қилинган.

Таназзул – Тамаддун ва умумижтимоий тараққиётнинг зидди, табиий-ижтимоий ўзгаришларнинг беқарорлашуви, инсон ва жамиятнинг заифлашиб, муаммолар ичида қолгани, инқироз. Таназзулнинг табиий-цивилизациявий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ижодий, психологик ва шу каби турлари мавжуд.

Тангри – Парвардигор, худо.

Тангри суди – Илк Ўрта асрларда гумондор шахснинг айбини исботлаш усули, олов, қиздирилган темир, сув (совуқ ёки қайноқ) билан синаш. Одатий суд воситалари ёрдам бермаганда қўлланилган. Вақтлар ўтиб (Англияда XII асрда, Францияда XIII асрда) “Тангри суди” қасамхўрлар суди билан алмаштирилган, лекин унинг услубларини инквизиция кенг қўллаган.

Тангричилик – Қадимги туркий ва қадимги олтой халқлари дини. Қадимги Шумер давлатида (мил. ав. 3-мингйиллик) Тангрига сажда қилишган. Мил. ав. биринчи мингйилликдан бошлаб олтой халқларининг туркий халқлар гуруҳи Ғарбга қайтиш борасида ҳаракатини кучайтирган. Хунлар, сак, массагет, юэчжи, кушон, эфталийлар ягона осмон руҳи – Тангрига сажда қилганлар. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳозирги христиан динининг рамзлари сифатида қараладиган кўп нарсаларнинг бошланғич шакллари (мас., хоч, ибодатхоналар, ибодатлар, иконалар, черков қўнғироқлари ва бошқалар) мил. ав. IV асрда хунлар билан Европага кириб борган.

Тан давлати – 618-907 йилларда Хитой ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Бу давлатда тан сулоласи вакиллари ҳукмронлик қилишган. Асосчиси 566-635 йилларда яшаб ўтган Ли Юан ҳисобланади. Ли Юан Шаньси ўлкасининг раҳбари бўлган. У уч нафар ўғли билан туркий қавмлар ёрдамида суй сулоласи ҳукмронлигига барҳам бериб, пойтахт шаҳар Чанъан (ҳозирги Сиан) шаҳрида ўзини император деб эълон қилган. Тан давлати ҳукмдорлари мамлакат ҳудудларини кенгайтириш мақсадида кўплаб кўшни давлатлар билан муваффақиятли урушлар олиб боришган. Тан давлати VII аср ўрталаридан бошлаб Турк ҳоқонлигига қарши муваффақиятли ҳарбий юришларни амалга оширган. Улар ҳозирги Қирғизистон ва Помирнинг катта қисмини эгаллашган. 750 йилда Шош (Тошкент)га ҳужум қилишган. Шошликлар араблар кўшинлари ёрдамида Тан давлати кўшинларини шаҳардан қувиб чиқаришга муваффақ бўлишган. 751 йилда Тан давлати кўшинлари Талас жангида маҳаллий халқлар кўшинларидан тор-мор бўлишган. Шундан сўнг уларнинг Марказий Осиёдаги урушларига чек қўйилган. Тан давлатида император лашкарбошилари, амалдорлар катта ер майдонларига эгалик қилганлар. Кўплаб ерсиз дехқонлар кул сифатида фойдаланилган. Хитойдаги Лоял Буюк канали қурилишида 2 миллион, Буюк Хитой деворини қуриш ва таъмирлашда 1 миллион, 645-668 йилларда Кореяни забт этишда бир миллиондан ортиқ қуллар жалб этилганлиги тарихда маълум. V асрдан бошлаб Хитойда шаҳарлар ривожлана бошлаган. Уларда мухташам саройлар, ибодатхоналар,

ҳовузлар мавжуд бўлган. VII асрда Хитойда янги танга (цянь) жорий этилган. Тан давлати VII аср давомида Япония ва Ҳиндистон билан дипломатик алоқалар ўрнатган, Хитойга Византия ва Араб халифалигидан элчилар келишган. VIII асрдаёқ Хитойда Ханлин Фанлар академияси ташкил этилган. Илк Ўрта асрларда Хитойда йилномалар ёзиб борилган. VIII аср бошларида Хитойда “Пойтахт ахбороти” номли расмий ҳукумат газетаси вужудга келган. Ушбу газета Хитойда XX аср бошларигача нашр этилган.

“Танзимот даври” – Султон Абдулмажид ҳукмронлиги даври (1839-1861 йиллар)да Туркияда амалга оширилган сиёсат.

Таноб – Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган ер ўлчови. Бир таноб 3600 м.кв.га тенг бўлган.

Таноб пули – Бухоро амирлигида ҳар бир таноб беда учун йилига бир маротаба ундириладиган солиқ, боғ солиғи.

Таносух (Таносух ал-арвоҳ) – Руҳнинг бир жисм (ўлик)дан бошқа жисм (ўсимлик, ҳайвон, инсон)га ўтиши ҳақидаги таълимот. Таносух ҳақидаги тасаввурлар жуда қадимдан маълум бўлган. Унга кўра, инсоннинг руҳи ўлимидан кейин ҳаётлигида қилган амалларига яраша бошқа бир яхшироқ (агар у тўғри ҳаёт кечирган бўлса) ёхуд аксинча, ёмонроқ бир жисмга, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларга ўтади. Таносух баъзан қадимги диний ва фалсафий таълимотларда (мас., браҳманизм ва ҳиндуйликда сансара номи билан) кенг тарқалган. Анъанавий ислом илоҳиёти таносухни рад этади, лекин айрим фирқалари (мас., исмоилийларнинг баъзи шохобчалари)да таносух қисман эътироф этилган.

Тарақачи – Ўрта Осиё хонликларида мерос қолган мол-мулкларни меросхўрларга бўлиб берадиган мансабдор шахс.

Тараққиёт – Юксалиш, ривожланиш жараёнида камолотга эришиш, юқори даражага кўтарилиш, прогресс.

Тарақий, Нур Муҳаммад – Афғонистон халқ-демократик партиясининг “Халқ” оқими раҳбари. Кейинчалик Афғонистон президенти.

Тарзий, Маҳмуд – 1866-1935 йилларда яшаб ўтган Афғонистон давлат арбоби, тарихчи, олим, маърифатпарвар. “Ёш афғонлар” ҳаракатининг ғоявий раҳбарларидан бири.

Тарих – 1. Арабча сўз бўлиб, “воқеалар”, “ўтмиш ҳақида хикоя” маъноларини англатади. 2. Ижтимоий-сиёсий фанлар ичида алоҳида ўрин эгаллайдиган фан. Бу фан инсоният ва унинг ҳаёти, авлодлар алмашуви, цивилизациялар, жамият ва давлатлар шаклланиши, ўтмиши ва тараққиёти билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи фан. Тарих фани инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни яхлит тарзда ўрганади. 3. Қадимги Юнон мутафаккири Геродотнинг шартли равишда номланган китоби. 9 қисмдан иборат. “Тарих” китобида Геродот тахм. мил. ав. 455-447 йилларда бутун Кичик Осиё, Миср, Бобил, Финикия, Юнонистоннинг Болқондаги шаҳарлари, Қора денгиз соҳиллари бўйлаб саёҳат қилганлари жараёнида ўз кўзи билан кўрган ва эшитганларини баён этган.

Тарихий ёдгорликлар – Халқлар ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, жамият ва давлат тараққиёти ҳамда тарихий шахслар, шунингдек, фан,

техника, маданият ва халқларнинг маиший турмуши тараққиёти билан боғлиқ бинолар, иншоотлар, тарихий жойлар ва буюмлар. Тарихий ёдгорликлар мамлакат, халқ тарихий-маданий меросининг бир бўлаги ҳисобланади. Маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш вазифаси умумдавлат аҳамиятга эга бўлиб, у маънавий тарбиянинг асосий қисмини ташкил қилади.

Тарихийлик – Ўтмишда содир бўлган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёни конкрет тарихий вазиятда, муайян шарт-шароит, аввалги ва бўлажак воқеалар билан узвий алоқада тадқиқ этиш, ўрганиш, англаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришни талаб этадиган илмий тамойиллар.

Тарихий манбалар – Инсоният жамияти тарихи ҳақида далолат берувчи ўтмиш ёдгорликлари. Тарихий манбалар уч асосий қисмга бўлинади: а) моддий ёдгорликлари; б) ёзув ёдгорликлари; в) оғзаки ёдномалар, қадимги ёзув ва суратлар, меҳнат қуролилари ва ҳоказолар.

Тарихий метрология – Ёрдамчи тарих фани, турли халқларнинг ўлчов бирликлари тизими, пул бирликлари ва солиқ тизими тараққиётини ўрганади.

Тарихий хотира – Аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши. Кишиларда миллий ғурур ва ифтихор тарихий хотира асосида шаклланади.

Тарих фалсафаси – Тарихни фалсафий шарҳлаш ва баҳолаш. Тарих фалсафаси антик давр фалсафаси ва тарихнависликда намоён бўлса-да, уни фанга М.Ф.Вольтер киритган деб ҳисобланади. Тарих фалсафасининг куйидаги йўналишлари бор: теологик (илоҳиёт) тарих фалсафаси – худонинг иродасини тарихни ҳаракатга келтирувчи куч деб ҳисоблайди; метафизик тарих фалсафаси – ҳеч қандай чегаралар ва доиралар билан чекланмайдиган, турли шакл ва кўринишга кирадиган тушунчалар тизимини тарих фалсафаси деб билади; идеалистик тарих фалсафаси – унда ғоялар, инсоннинг ахлоқий тушунчалари, маънавий-руҳий кечинмалари асосида тарихга муносабат билдирилади; натуралистик тарих фалсафаси учун инсон ҳиссиёти ва туйғуси орқали оламни англаш, ўтмишга назар солиш ва уни баҳолаш асосий мезондир; материалистик тарих фалсафаси – унда иқтисодий омилларга катта эътибор берилади, тарихни йўналтирувчи куч сифатида моддий эҳтиёж ва иқтисодий зарурият асос қилиб олинади. Тарихда шахснинг ролига қандай баҳо берилишига қараб алоҳида шахсни устун қўйиб ёки жамоани биринчи қўйиб фикр юритадиган тарих фалсафаси ҳам мавжуд. Тарих фалсафасида, шунингдек, тарих фани тушунчаси, қонуниятлари, тарихий жараён ва инсон, инсон моҳияти, феъл-атвори, хатти-ҳаракати, манфаати талқин этилади.

Тарихшунослик – Тарих фанининг тарихини ўрганувчи фан. Тарихшунослик тарихий билимлар тараққиётини, муайян тарихий босқичда яратилган илмий маҳсулотларни ёки маълум бир муаммога бағишланган тарихий тадқиқотларни ўрганади ва таҳлил қилади. Тарихшунослик нафақат тарих, балки махсус тарих фанлари (мас., шарқшунослик, этнология, археология ва бошқалар) тарихи билан ҳам шуғулланади. Тарихшуносликнинг асосий вазифаси тарих фани ривожини чуқур ва ҳар томонлама ҳолисона англашдан, муайян тараққиёт даврида тўпланган тарихий билимларни

тахлилий тадқиқ этишдан, амалга оширилган ишларнинг натижасини чиқаришдан ҳамда шу асосда тадқиқ этилган долзарб муаммоларни аниқлаб, келгуси тадқиқотларнинг йўналишларини белгилашдан, тарихчиларни муайян тарихий-илмий муаммо доирасидаги адабиётларга йўналтиришдан иборат.

Тариқат – Сўфийлик таълимотида уч маънода ишлатилган: 1. сўфийлик йўли; 2. сўфийликнинг муайян тармоғи, йўналиши; 3. сўфийлик босқичларидан бири. Одатда, тариқат бирор валий томонидан тузилади ва унинг номи билан боғлиқ бўлади. Ўрта Осиёда яссавийлик, нақшбандийлик, қубровийлик тариқатлари кенг тарқалган. Ушбу тариқатлардан бирига кирган киши суфий ёки солиқ деб аталади ва у қаноат қилиб яшаши, Аллоҳни севиши ва унга интилиши, ихтиёрини пир, муршидга топшириши лозим.

Тарқвиний – Қадимги Рим тарихида Рим шаҳрининг охириги шоҳи.

Таркидунёчилик – *Қар.*: Зоҳидлик.

Тармит антиохияси – Антиох I Сатер томонидан ҳозирги Термиз шаҳри худудларида қурилган шаҳар. Манбалар маълумотларига қараганда, Тармит антиохияси дастлаб македониялик Александр томонидан қурдирилган. Мил. ав. III-II асрларда у “Окс Александрияси” деб аталган.

Тарроҳ – Лойиха ишловчи уста, меъмор, лойихачи.

Тарсо – Ғайридин, кофир.

Тартар – Юнонлар мифологиясида жаҳаннам, Ер ости дунёсининг энг туби. Ер осмондан қанчалик узоқ масофада бўлса, тартар ер юзидан шунчалик узоқ чуқурликда жойлашган. Зевс унга қулатилган титанларни ташлаган. Кейинроқ яратилган афсоналарга кўра, тартарда нариги дунё – Аид бўлган.

Тархон – 1. Туркий халқларда катта ер егаларининг номи. 2. Чингизийлар, темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврларида ҳукмронларга алоҳида хизмат кўрсатганларга бериладиган унвон. Тархон (дархон)лик ёрлиғига эга бўлган мулкдор суюрғол ерларига эга бўлганлар, барча солиқ ва тўловлардан озод этилган. 3. Рус князлари томонидан (XIV–XVI асрларда) йирик феодаллари солиқлардан озод қилувчи ва бошқа имтиёзлар берувчи ёрлик. 4. Ўзбек уруғларидан бирининг номи.

Тарғибот – Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб қилиш.

Тасаввур – Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсир қилиб, мияда сақланган ҳосилалари асосида қайта тикланган образи ҳамда изланиш, тадқиқот, хаёл суриш кабилар натижасида пайдо бўладиган ҳис-туйғулар мажмуи.

Тасаввуф (Суфийлик) – Ислом динида мавжуд бўлган инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий-ахлоқий жиҳатдан комиллик сари етакловчи таълимот, суфийлик. “Тасаввуф”, “суфий” сўзларининг келиб чиқиши ва маънолари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Улар ичида Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У “Муқаддима” асарида тасаввуф “сувф”-“жун”, “пўстин” сўзидан олинган бўлиши керак, зеро, қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юривчи аҳли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар дейди. “Тасаввуф” ва “суфий”

сўзлари IX аср бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнига “зухд”, (“зоҳидлик”, “таркидунёчилик”), “тақводорлик”, “парҳезкорлик” каби сўзлар ишлатилган. Тасаввуф ислом дини шариати талабларини ихлос билан бажарган ҳолда зуҳд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Тасаввуфда қуйидаги тариқатлар мавжуд: тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қодирия, яссавия, маломатия, кубровия, мавлавия, нақшбандия ва ҳоказолар.

Тасбех – Аллоҳнинг номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси.

Таснифлаш – Нарсалар, воқеа-ҳодиса ёки тушунчаларнинг ўзига хос белгилари ва хусусиятларига кўра навлар, туркумлар ва ҳоказоларга ажратиш.

Татлар – Туркий қабилалар томонидан ўзига бегона тилда гаплашадиган элатлар шундай аталган. Аксарият қуллар бошқа қабилалардан бўлгани учун, қулларга нисбатан ҳам шу истилоҳ қўлланган. Масалан, тат + эр = татар–бегона киши.

Тафсир – Бирон нарсани шарҳлаш, талқин қилиш. Ислом таълимотига кўра, Қуръони Карим, ҳадиси шариф ва бошқа диний манбаларни шарҳлаш, талқин қилиш.

Тахмасп II – Сафавийлар давлатининг ҳукмдори. 1732 йилда Нодиршоҳ томонидан тахтдан ағдарилган.

Тахт – Саройда ҳукмдор (шоҳ, хон, хоқон, кирол, амир ва бошқалар) расмий қабул маросими, машварат ва турли тантаналар пайтида ўтирадиган, махсус жойга ўрнатилган, қимматбаҳо маъданлар билан зийнатланган ўриндиқ. Эски мўғул тилида тахт “ўран” деб номланган ва эски ўзбек тилидаги “ўрун”га мос келган. Чингизийлар даврида тахтнинг ўнг томонидан тахт вориси, хонзодалар, ҳукмдорнинг қариндош-уруғи ва котиб, сўл томонидан хотун (малика), ўзга завжалар, рўпарасида эса нўёнлар ўрин эгаллаган. Амир Темур ва темурийлар замонида салтанат, ҳашамат ва уруғликнинг рамзи бўлган махсус тахт сарой ёки боргоҳнинг марказига ўрнатилган.

Тахт вориси – *Қар.: Валиаҳд.*

Тахтиравон – Қадимги ва Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида икки узун ёғочга ўрнатилган тахт. Тахтиравонда подшо, хон, амир, лашкарбоши, турли амалдорлар, шунингдек, маликалар, бадавлат хонадонларга мансуб аёллар кўтариб юрилган.

Тацит – Тахм. 55-117 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим тарихчи-олими.

Ташаббус – Бирон ишни бошлаш, даъват этиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракат, ғайрат.

Ташкилот – Аниқ таркиб ва вазифасига, фаолият дастурига эга бўлган ижтимоий хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси.

Ташриф (визит) – Бирор бир давлатнинг олий мансабдор кишисининг бошқа давлат олий мансабдор кишисининг олдига бирор муносабат билан расмий ёки норасмий бориши.

Таштхона – Ўтмишда подшоҳлар саройида идиш-товоқ ва бошқа меҳмондорчилик анжомлари сақланадиган махсус хона.

Ташғали – Ўзбек халқининг қўнғирот қабиласи таркибидаги уруғларидан бирининг номи.

Таъзия – Марҳум ёки марҳумани йўқлаб бориш, унинг кариндош-уруғлари, фарзандларидан кўнгил сўраш.

Таъзиянома – Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган қисқа мақола.

Таъхир – Кечикиш, ҳаяллаш, ваъдалашган жойга ўз вақтида келмаслик ёки ваъдалашган ишни пайсалга солиш.

Таъкиб – Зимдан, билдирмасдан бировни кузатиш.

Таквим – *Қар. Календарь.*

Такво – Аллоҳдан қўрқиш, ёмон нарсалардан сақланиш.

Такводор - Ўта диндор, бениҳоя художўй.

Тақдир – Инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни якка-ягона яратувчи (худо) амрига боғловчи диний тасаввур, қисмат.

Тақиқланган шахар – Мин империяси даврида Пекин шахрида қурилган Император саройининг мажозий номи. 1925 йилгача унга оддий фуқароларнинг кириши тақиқланган.

Таҳаммул – Қийинчиликларга бардош бериш, чидам, сабр, тоқат.

Таҳдид – Инсон, жамият ва давлат ҳаёти ва фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян беқарор сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазият. Таҳдидларнинг ички, ташқи, иқтисодий, экологик, демографик, маънавий, мафкуравий, ҳарбий ва ҳоказо шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Таҳорат – Ибодат қилиш, намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш олдидан бет, кўл, оёқ ва бошқа аъзоларни ювиш, покланиш.

“Таҳрирчилар” – *Қар.:* “*Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий*” ташкилоти.

Таҳқир – Хўрлаш, ҳақорат қилиш, камситиш.

Тевачи – *Сорбон, туя карвонининг бошлиғи, туякаш.*

Тегин (Такин) – 1. Хунлар даврида ябғудан кейинги иккинчи олий даражали мансаб. 2. Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонлигида (VI–VIII асрлар) ҳукмдор-қаған (хоқон)дан кейинги иккинчи олий лавозим, яъни тахт вориси. Айни чоғда, давлат бошлиғи фарзандлари – хонзодалар исмига кўшиб айтиладиган шарафли унвон (мас., Култегин). 3. Қорахонийлар салтанатида тегин хонзода муайян мулкка эгалик қилган, ҳарбий ҳаракатларда кўшинни бошқарган. Шарқ Турк давлатлари (уйғурлар ва қорахонийлар)да тегин “хонзода” маъносида мўғуллар босқинига қадар мавжуд бўлган. 4. Сомонийлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар лашкарида узоқ муддат хизмат қилиш эвазига юксак мартабаларга эришган кул, ғулом. Хусусан Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси – Сабуктегин субоши-лашкарбоши даражасигача кўтарилган. Хоразмшоҳлар бобокалони Ануштегин дастлаб салжуқий

Билгатегиннинг ғуломи бўлган. Сомонийлар кўшинида кейинчалик сипоҳ-солор унвонини эгаллаган Алптегин ҳам турк ғуломларидан бўлган.

Тегирмон пули – Ўрта Осиё хонликларида сув тегирмонларидан ундириладиган солиқ тури.

Тейсинтай – Иккинчи жаҳон урушида Япония қуроли кучларида ихтиёрий ўзини қурбон қилувчилар тоифалари. Улар кемалар, самолётлар, танклар, қуруклик, сувусти (синё) ва сувости (кайтен, корю, каирю) тейсинтайларга бўлинган.

Тейшебапни – Урарту давлати ҳудудида мавжуд бўлган катта шаҳар.

“Темир биқинлар” – Оливер Кромвель томонидан 1642 йили ташкил этилган “думалоқбошлар”нинг оғир қуролланган отлик аскарлари. 1644 йили “темир биқинлар” асосида янги намунадаги кўшин тузилган. “Темир биқинлар” жуда сипо ҳаёт кечиришган, спиртли ичимликлар ичишмаган, қимор ўйнашмаган ва намунали интизоми билан ажралиб турган.

Темир даври (Илк темир даври) – Инсониятнинг ибтидоий жамоа ва илк ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланаётган давр. Фанда тош ва жез деб юритилган даврлардан сўнг инсоният ҳаётида содир бўлган тарихий босқич. Бу давр хўжаликда оҳангарлик юзага келиши, тарқалиши ва темир қуроллар ишлатилиши билан белгиланади.

“Темир дарвоза” – Ҳозирги Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари чегарасида жойлашган тарихий-географик ёдгорлик. “Темир дарвоза” тор дара бўлиб, унинг узунлиги 2 км., кенглиги 10-20 метр. Қадимда у жуда катта ҳарбий ва савдо аҳамиятга эга бўлган. Шу дара орқали Сўғддан Бактрия ва Ҳиндистонга ва, аксинча, Ҳиндистон ва Бактриядан Сўғдга энг қисқа йўл ҳисобланган. “Темир дарвоза” ҳақида илк маълумотлар Сюнь Цзан (630 йил) давридан бошланган. Ушбу дара ҳақида араб, форс, Хитой, Европа ва Ўрта Осиё ёзма манбаларида кўплаб маълумотлар берилган. “Темир дарвоза” форс манбаларида “Дараи оҳанин”, араб манбаларида “Баб ал-ҳадид”, туркий манбаларда “Темир копуғ”, мўғул манбаларида “Темир капалэк” деб берилган.

Темурийлар – 1370-1500 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Асосчиси – Амир Темур. Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари бўлган.

Темурланг – Соҳибқирон Амир Темурнинг лақабларидан бири. “Темурланг” сўзи “оқсоқ Темур” маъносини англатади. 1362 йилнинг кузида Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўз лашкарлари билан Сиистон вилояти ҳокими Малик Қутбиддиннинг тарафида мекроний (тоғли эронийлик)ларга қарши жанг қилишган. Шу жангда Амир Темур ўнг қўли тирсаги ва ўнг оёғидан жароҳатланган ва оқсоқлаб юрадиган бўлган. Шунинг учун Амир Темурни “Темурланг” деб ҳам аташади.

Темур Малик – Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврида Хўжанд ҳокими. Жалолиддин Мангубердиннинг яқин сафдоши, мўғул босқинчиларга қарши курашган халқ қаҳрамони. Хўжанд шаҳри мудофаасига бошчилик қилган. Шаҳар мўғуллар томонидан қамал бўлгандан кейин Темур Малик 1000 тага яқин аскарлари билан Сирдарёнинг бир оролчасига жойлашиб, босқинчиларга қарши курашни давом эттирган. Темур Малик мўғуллар

қўшинларига катта зарар етказган. Лекин мўғул қўшинлари сон жиҳатдан жуда кўп бўлган. Темур Малик бор озиқ-овқат ва аскарларини 70 та қайиққа жойлаштириб, тунда Сирдарё оқими бўйлаб ғарбга суза бошлаган. Мўғуллар икки соҳил бўйлаб Темур Малик кемаларига тўхтовсиз ҳужум уюштирганлар. Сирдарё куйи оқимининг Барчинлиғкент (Ҳозирги Қизил Ўрдадан тахм. 50 км. жанубда) яқинида дарёни тўсиб қўядилар. Темур Малик қирғоққа тушиб, мўғуллар билан жангга киришга мажбур бўлган. Бу жангдан Темур Малик бир ўзи тирик қолиб 1220 йил ёзида катта қийинчилик билан Урганч шаҳрига етиб келган ва Жалолоддин Мангуберди қўшинларига қўшилган. Темур Малик 1221 йилдан бошлаб Жалолоддин Мангубердининг ёнида туриб, мўғулларга қарши курашган. Тарихий манбалар маълумотларига кўра, Жалолоддин Мангуберди вафотидан кейин Темур Малик дарвеш сифатида Хўжандга қайтиб келган. Хўжандда у мўғуллар қўлига тушиб қолган ва 1232 йилда ўлдирилган.

Темур Қутлуғ – Олтин Ўрда ҳукмдори. Тўхтамишхон ғарб томон қочиб кетгандан кейин Амир Темур уни Олтин Ўрда тахтига ўтказган.

“Темур тузуклари” – Амир Темурга нисбат бериладиган тарихий-сиёсий рисола. Ушбу рисола XIV-XV асрлар тарихига оид қимматли манба ҳисобланади. “Темур тузуклари” икки қисмдан иборат. Асарнинг биринчи қисмида Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиши, марказлашган давлат тузиши, 27 мамлакатни ўз тасарруфига киритиши, ҳарбий юришлари, шу жумладан Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамиш, турк султони Боязид I Йилдирымга қарши урушганлари ҳақида баён этилган. “Темур тузуклари”нинг иккинчи қисмида эса соҳибқироннинг фарзандларига васият, панд-насихатлари, ўғитлари жамланган. Унда давлатни идора этишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг ўзларини тутиши ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини танлаш, қўшинларни тузилиши ва жанг олиб бориш қоидалари, давлат арбобларининг бурч ва вазифалари, уларни тақдирлаш йўллари ҳақида гап боради.

Тенглик – Кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳаёт шароитларидан қатъи назар, маънавий-ахлоқий талаблар ҳаммага бир хил бўлишига асосланган маънавий-ахлоқий тамойил. Тенглик жамиятдаги барча кишилар, қатлам, партия ва шу кабиларнинг қонун олдидаги умумий масъулияти ва имкониятларининг бараварлигини англатади. Тенглик бўлмаган жамиятда адолатсизлик ҳукм суради.

Теночтитлан – Ацтеклар давлатининг пойтахти. Испанлар уни “Мехико” деб аташган.

Теократия – Мамлакатда сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган бошқарув шакли, бунда давлат (одатда, монархия давлати)нинг бошлиғи бир вақтнинг ўзида диний бошлиқ ҳам ҳисобланади. Теократик давлатлар қадимдан маълум. Мас., Яҳудияда мил. ав. V–I асрларда бош руҳоний, яъни олий коҳин давлат ҳокимиятининг тўлиқ эгаси бўлган. Ўрта асрлардаги умавийлар ва аббосийлар халифалиги теократик давлатлар бўлган. Иезуитлар XVII асрда Парагвайда ташкил этган теократик давлат ҳам тарихда маълум;

имом Шомилнинг Чеченистонда ва XIX асрда Кавказни истило қилиш пайтида чор Россия кўшинларига узоқ вақт қаршилик кўрсатган Чеченистонга яқин худудлардаги бошқаруви теократик хусусиятга эга бўлган. Папа вилояти 1870 йили Италия бирлашишидан олдин теократик давлат бўлган. 1951 йили Тибет Хитой Халқ Республикасига кўшилгунча қадар, далай-лама Тибетдаги дунёвий ҳокимиятни ҳам бошқарган. Рим католик черковининг олий раҳбари папа бир вақтнинг ўзида Ватикан давлатининг ҳам бошлиғи ҳисобланади.

Теолог – *Қар.: Илоҳиётшунос.*

Теология – Худо тўғрисидаги фан, таълимот. Худо, унинг сифатлари, белги ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими. Теологияга муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳақиқатлигини исботлаш билан бирга, диндорларнинг ҳаёт тарзи ва меъёрлари мажмуи ҳам киради.

Теорема – Тўғрилиги исбот қилиниши зарур бўлган, аммо ўзи ҳақиқатга асосланган даъво.

Термизий, Абу Исо Муҳаммад – 824-892 йилларда яшаб ўтган мусулмон оламида машҳур олти муҳаддис (ҳадис асари ёзган)лардан бири. Машҳур асарлари: “Ал-Жомеъ” (“Ал-Жомеъ ас-сахих”, “Жомеъ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий”), “Аш-шамоил ан-набавия” (“Аш-шамоил ан-набий саллоллоҳу алайҳи васаллам”), “Ал илал фил-ҳадис” “Ат-тарих” ва ҳоказо.

Термизий, Хожа Самандар – Тахм. 1638-1740 йилларда яшаб ўтган тарихчи, шоир, давлат арбоби.

“Терракота армияси” – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Цинь давлати ҳукмдори Цинь Ши-хуанди музейида экспонат сифатида намойиш этиладиган терракоталар, яъни қизғиш-жигарранг лойдан ясалган 7000 та аскар, от ва 90 та ҳарбий арава ҳайкалларининг умумий номи.

Терроризм – Юксак маънавий тамойилларга зид равишда ёвуз мақсадлар йўлида куч ишлатиб, одамларни гаровга олиб, ўлдириб, кўрқитиб, кўпуровчилик актлар содир этиш орқали оммани даҳшатга солиб ўз сиёсий ва бошқа мақсадларига эришишга уриниш усули. Терроризм сиёсий, иқтисодий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий ва индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Техника – Ижтимоий ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат куруллари ва воситалари мажмуи, барча машина, механик курул ва курулмалар.

Технократия – 1. Техник ходимлар ва мутахассисларнинг сиёсий ҳокимияти зарурлигини тарғиб этувчи концепция. 2. XX асрнинг 30-йилларида Америка Қўшма Штатларида вужудга келган ижтимоий ҳаракат. Ушбу ҳаракат тарафдорларининг фикрига кўра, техник мутахассислар бирлашиб, мамлакатнинг ишлаб чиқаришида муҳим бошқарув лавозимларини эгаллашлари керак.

Техрон конференцияси – 1943 йилнинг 28 ноябридан 1 декабригача Эроннинг пойтахти Техронда собиқ СССР (И.В.Сталин), Америка Қўшма Штатлари (Ф.Рузвельт) ва Буюк Британия (У.Черчилль) давлатлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган конференция. Техрон конференцияси

куйидаги масалалар бўйича қарор қабул қилган: Иккинчи жаҳон урушида Германияга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британиянинг урушдан кейинги ҳамкорлик алоқалари, 1944 йил 1 майдан кечиктирмасдан АҚШ ва Буюк Британия томонидан Европада иккинчи фронт очиш, Польшанинг урушдан кейинги чегаралари. Собиқ СССР делегацияси Техрон конференциясида АҚШ ва Буюк Британия илтимосини инобатга олиб, Германия тор-мор этилгандан кейин, Японияга қарши уруш эълон қилишга ваъда берган.

Тибет муаммоси – Тибетликларнинг дини буддизм ҳисобланади. 1959 йилда Тибетнинг пойтахти Лхаса шаҳрида улкан кўзғолон бўлиб ўтган. Кўзғолон қатнашчилари Тибетга мустақиллик берилишини ва хитойликларни Тибет худудидан чиқиб кетишини талаб қилишган. Кўзғолон Хитой армияси томонидан бостирилган. Тибет халқининг маънавий лидери бўлган Далай-Лама XIV Тибетни ташлаб Ҳиндистонда сиёсий паноҳ топган. У билан бирга 80 минг тибетликлар Ҳиндистонга кетишган. Ҳиндистоннинг Дхарамсала шаҳрида қувғиндаги Тибет ҳукуматининг штаб-қароргоҳи жойлашган. Тибетликлар Ҳиндистонда асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишган, ўзларининг таълим тизимларини сақлаб қолишган, ўз она тили, тарихи, дини ва маданиятини яхши билишади. Тибетликлар Ҳиндистонда 200 дан ортиқ ибодатхоналар барпо этишган. 1989 йили Далай-Лама XIV куч ишлатмасдан Тибет озодлиги учун курашаётгани учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Тизим – 1. Ҳаракат, меҳнат жараёни ва ҳоказоларни уюштириш, ташкил қилиш улардаги муайян тартиб, усул, мас., таълим-тарбия тизими, назорат тизими, сайлов тизими, солиқ тизими. 2. Ижтимоий тизим шакли, мас., демократик тизим. 3. Бирор таълимотга асос бўлган принциплар, қарашлар мажмуи. 4. Бирор нарсани амалга ошириш усуллари мажмуи, мас., даволаш тизими.

Тилак, Балгангадхар – 1856-1920 йилларда яшаб ўтган Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг чап, радикал қанотининг раҳбари. 1885 йили Бомбейда Ҳиндистоннинг миллий зиёлилари ва буржуазия вакиллари томонидан Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясини таъсис этилган. Англиянинг ҳукмрон доиралари дастлаб Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясини фаолиятига тўсқинлик қилишмаган. Чунки ушбу партия ўз олдида инқилобий мақсадлар кўймаган. 1890 йилда Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясини чап, радикал қаноти пайдо бўлган. Бу қанотнинг раҳбари Балгангадхар Тилак бўлган. У Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясини раҳбарларининг мустамлакачилар билан муросачилик тактикасини қоралаб, ҳинд халқининг миллий ғурурини уйғотиш, унинг миллий онгини шакллантириш йўлида курашишни таклиф этган. Тилак раҳбарлигида Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларида митинг ва намойишлар, иш ташлашлар бўлиб ўтган. Тилак “Гомрул” деб аталган оммавий-сиёсий ҳаракатни ташкил этган. Бу ҳаракатнинг асосий вазифаси Ҳиндистоннинг Британия империяси таркибида ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашиш бўлган. Тилак Ҳиндистонда “пайса фонди”ни ҳам ташкил этган. Унинг фикрича, агар ҳар бир ҳинд шу фондга атиги бир пайса (энг кичик пул бирлиги) берса ҳам, у

ҳинд саноати ривожига ўз хиссасини қўшган бўлади. Йиғилган маблағ билан эса Ҳиндистоннинг ўзига тааллуқли бўлган завод ва фабрикалар куриш имкониятлари яратилади. Шу тариқа мустамлакачилардан қутулиш мумкин бўлади, деб таъкидлаган Тилак. Ўзларининг радикал фикр ва ҳаракатлари учун Тилак ва унинг тарафдорлари Ҳиндистон Миллий Конгрессидан ҳайдалганлар. Тилак даъватлари билан Ҳиндистонда инқилобий ҳаракатлар бошланган, иш ташлашлар, намойишлар кўпайган. 1908 йилда Англия мустамлакачилар ҳукумати Тилакни қамокқа олишган. Суд жараёнида Тилак ўз ғояларидан қайтмаган, мустамлакачиларнинг Ҳиндистондаги сиёсатини қоралаган. Тилак 6 йилги каторга ишларига маҳкум қилинган. Суднинг бу қарорига қарши Ҳиндистонда оммавий намойишлар ва иш ташлашлар бўлиб ўтган. Улар Тилакни озод этишни талаб қилишган. Вазиятни янаям кескинлаштирмаслик учун инглиз ҳукмдорлари Тилакка каторга ишлари ўрнига озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Тиловат – Қуръон ўқиш.

Тилсим – Сеҳрлаб қўйилган, сеҳрли нарса, ҳеч ким кира олмайдиган сеҳрли жой.

Тим – Усти ёпиқ бозор, савдо растасининг баланд томи, гумбази. Тимлар қадимда, асосан, йирик шаҳар марказларида, кўчалар кесишган чорраҳа, чорсу, гузар майдонида, карвонсаройлар яқинида жойлашган. Усти улкан гумбаз билан қопланиб, бир неча ҳунармандчилик дўконлари ва савдо расталарини ўз ичига олган. Мас., Бухородаги Абдуллахон тими.

Тимократия – Давлат тузуми шаклларида бири. Унда фуқаролар мулкига, мавқеига ёки даромадига яраша сиёсий ҳуқуққа эга бўладилар. Тимократияда ҳокимият юқори мулк эгалари қўлида тўпланади.

Тинг – Қадимги скандинавлар ва германларда мамлакат ёки вилоятнинг озод эркакларида ташкил топган ҳукумат йиғини. Тинглар нафақат қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширганлар, балки йўлбошчи ва қиролларни ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Дания парламенти фолькетинг, Исландия парламенти альтинг, Норвегия парламенти стортинг ўз номини “тинг”дан олган.

Тинчлик йўлида ҳамкорлик – 1994 йилдан бошлаб амалга оширила бошланган НАТО дастури.

Тиран – Қадимги Юнонистонда ва Ўрта асрларда Шимолий ва Ўрта Италиянинг шаҳар-давлатларида зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаб олган шахс (*қар.*: *Тирания, Синьория*). 2. Ҳокимияти ўзбошимчалик ва зўравонликка асосланган ҳукмдор.

Тирания – Қадимги юнон полисларида зўравонлик йўли билан ўрнатилган ва яққаҳокимликка асосланган давлат ҳокимияти шакли.

Тит Ливий – Мил. ав. 59-милодий-17 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим тарихчиси.

Титул – Алоҳида шахсларга унинг махсус имтиёзини намойиш этиш учун меросий ёки умрбод берилган фахрий ном (мас., князь, граф, лорд ва ҳоказо), айниқса, феодал жамият даврида кенг тарқалган. Айрим мамлакатлар (мас., Буюк Британия)да ҳозирги кунга қадар сақланган.

Тиг – 1. Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совуқ қурооларнинг умумий номи. 2. Кесувчи асбоб, қуроол-яроғ ва шу кабиларнинг кескир қирраси, дами.

Тобе – Қарам, бўйсундирилган.

Тобеъинлар – Ислом тарихида саҳобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами. Тобеъинлардан кейинги даврдаги илоҳиётчилар “тобеъинларнинг тобеъинлари” деб аталган.

Тож – 1. Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошлар қадалган зийнатли бош кийими. 2. Баъзи қушларнинг бошидаги этдор ўсимта.

Тож Маҳал мақбараси – Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги даврида бунёд этилган обидаларнинг энг машҳури. Тож Маҳал мақбараси Шоҳ Жаҳон томонидан Агра шаҳрининг Жамна дарёси бўйида 1631-1652 йилларда суюкли хотини Мумтоз Маҳал (асл исми Аржуманд Бону)га атаб қурдирилган. “Мумтоз Маҳал” сўзларининг маъноси “саройнинг кўрки”дир. Мумтоз Маҳал 14-фарзандини туғиш пайтида (улардан 6 таси ёшлиқда вафот этган) 38 ёшида 1631 йилда вафот этган. Ўлим тўшагида ётган Мумтоз Маҳал Шоҳ Жаҳондан унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли мақбара бунёд эттиришни илтимос қилган. Тож Маҳал қурилишида нафақат Ҳиндистон, балки Ўрта Осиё, Эрон ва Византия меъморлари жалб этилган. Унинг қурилишида 20 минггача уста ва ишчилар иштирок этган. Бу “севги ва вафо қасри”ни Мумтоз Маҳал бегим бошига кийдирилган тож рамзида “Тож Маҳал” деб аташган.

Тожир – Савдогар, тижоратчи.

Тоифавий монархия (Тоифавий-вакиллик монархияси) – Монарх ҳокимияти дворянлар ва шаҳарликларнинг тоифавий-вакиллик органлари билан уйғунлашиб кетган феодал давлати шакли. XIII–XIV асрларда Европанинг аксарият мамлакатларида умумдавлат тоифалари ва тоифавий-вакиллик органларининг (Англияда парламент, Францияда Генерал штатлар, Испанияда кортеслар ва ҳоказо) юзага келиши даврида шаклланган.

Тойободий, Зайниддин Абубакр – Соҳибқирон Амир Темур пирларидан бири. Нақл қилишларича, Зайниддин Абубакр ёш Амир Темурга панд-насихат қилгандан кейин белбоғини ечиб, уни Темур белига боғлаган, ўз дўпписини бошидан олиб, унинг бошига кийдирган, “Ростию русти”-“Ҳақгўйлик ва одиллик” (“Куч адолатдадир”) сўзлари битилган узукни ҳам унга ҳадя қилган. Кейинчалик Амир Темур бу узукка ўзининг исм-шарифини ўйдирган.

Токугава – 1603-1867 йилларда Японияда ҳукмронлик қилган сёгунлар сулоласи. 1603 Токугава Иэясу сёгун-ҳарбий саркарда лавозимини эгаллаган ва Японияда токугава сулоласи ҳукмронлигига асос солган. Сёгун (саркарда) лавозими Японияда ўша даврда давлат раҳбари ҳисобланган. Давлатда сёгун лавозимидан ташқари император лавозими ҳам бўлган бўлса-да, унинг ҳокимияти номигагина мавжуд бўлган. Токугава Иэясу бой феодал бўлган. Япониянинг еттидан бир қисм ерлари унга тегишли бўлган. Токугава сулоласининг вакиллари Эдо қасри атрофида жойлашишган. Улар ҳукмрон сулола бўлгандан кейин бу қаср атрофида кейинчалик ҳозирги Токио шаҳри вужудга келган. Тарихда Токугава сулоласи ҳукмронлигини “Токугава сёгунати” деб ҳам аташади. XVII асрнинг 30-йилларидан бошлаб Токугава

сёгунати (Япония ҳукумати) Японияни ташқи дунёдан изоляциялаш сиёсатини олиб борган. Унга кўра, барча миссионерлар Япониядан ҳайдаб чиқарилган, христиан динини қабул қилган барча японларни ундан қайтишга мажбур қилишган, хорижий савдогарларга тўсқинликлар қилиш бошланган. 1634 йилга келиб Япониядан барча хорижийлар чиқариб юборилган. Японларга хорижга чиқиш ман этилган, хорижга чиқиб кетган японлар эса ўлим жазосидан кўрқиб ватанига қайтиб келмайдиган бўлишган. 1640 йили Япония соҳилларига Португалия савдо кемаси келиб, савдо-сотикни қайтадан тиклашни таклиф қилишган. Бунга жавобан японлар кемада бўлган аксарият кишиларни ўлдиришган, қолганларини содир бўлган воқеани Португалия ҳукмрон доираларига айтиб бериш шарти билан қўйиб юборишган. Шу тариқа, Япония ташқи дунёдан чеккада қолган. Улар ҳатто Хитой ва Корея билан ҳам алоқа қилишмаган. Изоляция сиёсати Япониянинг иқтисодиёти ривожига салбий таъсир ўтказган. XIX аср бошларидан бошлаб Токугава сёгунати сиёсий инқирозга юз тута бошлаган. Аҳволи тобора ёмонлашиб бораётган япон халқи император ҳокимиятини мустаҳкамлаш, “ёпиқ давлат” сиёсатидан воз кечишни талаб қила бошлашган. 1853 йилда Япония соҳилларига Америка Қўшма Штатлари эскадра (бир нечта кема)си келган. Эскадра раҳбари Япония ҳукмдорларига АҚШ президентининг мактубини топширишган. Унда давлатлар ўртасида тинч муносабатларни ўрнатиш таклиф этилган. Япония сёгунати Япония соҳилларида жойлашган икки портни АҚШ ихтиёрига беришни буюрган. Бундан хабар топган инглизлар, голландияликлар ва руслар Япониядан улар учун ҳам портлар ажратиб беришни илтимос қилишган. Шу тариқа, Япония 200 йилдан ортиқ вақтдан кейин жаҳонга “ўз эшикларини очган”. Хорижийлар билан Япония императори эмас, балки сёгун музокаралар олиб борган. Император мавқеини оширишни хоҳлаган япон халқи бунга норози бўлишган. Япон халқи сёгун билан музокара олиб бориб, шартномалар тузган хорижийларни таъқиб этишган, шартномалар шартларини бажаришмаган. Натижада мамлакатда сиёсий инқироз кучайган. Вазиятни барқарорлаштириш мақсадида сёгун хорижий давлатлардан ҳарбий ёрдам сўраган. Сёгун ва хорижий кўшинларга қарши князлар ва самурайлар раҳбарлигидаги муҳолифат курашни бошлаган. Уларни оддий халқ қўллаган. Натижада 1867 йили сёгун ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлган. Шу тариқа, Японияда Токугава сёгунлигининг ҳукмронлиги барҳам топган Мэйдзи даври бошланган.

Токугава Иэясу – Япониялик бой феодал. Япониянинг бирлашувида унинг хизмати катта бўлган. *Яна қар.: Токугава.*

Толерантлик – *Қар.: Бағрикенглик.*

Толстой, Лев Николаевич – 1828-1910 йилларда яшаб ўтган буюк рус ёзувчиси. У 1844-1847 йилларда Қозон университетининг араб-турк ва ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган. Л.Н. Толстой Кавказда бўлиб, Қрим уруши (1853-1856 йиллар)да қатнашган. 1863-1869 йилларда Л.Н.Толстой “Уруш ва тинчлик” эпопеясини ёзган. Л.Н.Толстойга “Анна Каренина” ва “Тирилиш” (“Воскресенье”) романлари ҳам дунёвий шухрат келтирган. Умрининг охириларини Л.Н.Толстой ўзининг Тула губернияси

Ясная Поляна қишлоғида мураккаб рухий гирдобида ўтказган. У 1910 йили Ясная Полянадан чиқиб кетган ва йўлда шамоллаб, вафот этган. Ўрта Осиёлик жадидлар Л.Н.Толстой ижодиётидан хабардор бўлишган. Биринчи ўзбек адвокати ҳисобланган Убайдулла Хўжаев 1909 йилда Л.Н.Толстойга унинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермаслик ҳақидаги ғояси юзасидан хат ёзиб, ўша йил 5 июнида ундан жавоб олган. Дин арбобларидан саналган Абдувоҳид Қориев 1910 йили Ясная Полянага бориб, Л.Н.Толстой билан бир неча маротаба мулоқотда бўлган.

Топиволдиев, Мамадали – 1919-1969 йилларда яшаб ўтган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Жанг бошида яраланиб асир тушиб қолган. 1942 йилда асирликдан қочган. Белоруссияда тузилган “чекист” партизан отрядининг разведкачиси бўлган. У душманнинг 67 аскар ва офицерини йўқ қилиб, 180 тасини асирга олган. М.Топиволдиев кўрсатган жасорати учун Қахрамон унвонига сазовор бўлган. Белоруссиянинг Писарево қишлоғи ўзбек халқининг жасур ўғлони номига “Топиволдиевка” деб аталган.

Топонимика – Жой номларини, уларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиш ва ўзгаришини, тарихий-этимологик манбалари ва грамматик хусусиятларини, уларнинг тузилишини, тарқалиш ҳудудлари ҳамда аталиш сабабларини ўрганувчи фан. Муайян бир ҳудуддаги жой номлари мажмуи “топонимия”, алоҳида олинган жой номи эса “топоним” деб аталади. Топонимика география, тарих, этнография билан чамбарчас алоқада ривожланади.

Тоталитар давлат – Инсоннинг барча сиёсий ҳуқуқлари чекланган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари давлат ва хавфсизлик органлари томонидан назоратга олинган, сўз ва матбуот эркинлиги фақат қоғоздагина мавжуд, мухолифат тақиқланган ва қатағон қилинган давлатларга нисбатан қўлланиладиган ибора.

Тоталитаризм – Марказлаштирилган ҳокимиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борадиган, уларни тўлиқ (тотал) назорат остига оладиган сиёсий бошқарув шакли. Тоталитаризмнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: а) тоталитаризм мафкурасининг ҳукмронлиги; б) мазкур мафкурага содиқ ва одатда яқка шахс томонидан бошқариладиган ягона партиянинг мавжудлиги; в) мукамал ривожлантирилган яширин полиция тизимининг мавжудлиги; г) давлатнинг оммавий ахборот воситалари, барча иқтисодий, ижтимоий, маданий институтлари, курул-яроғ, зўравонлик воситаларини тўлиқ назорат этиши ва ҳоказо.

Тотемизм – Ибтидоий жамиятнинг илк динларидан бири. Тотемизм дини кишиларнинг маълум гуруҳи билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари ўртасида ғайритабiiй алоқа, қон-қардошлик мавжуд, деган эътиқодга асосланади. Тотемизмда уруғ, қабиланинг ҳар бир аъзоси ҳаёти ва фаровонлиги айнан шу уруғнинг аждоди бўлган тотемга – ўсимлик ва ҳайвонга боғлиқ, деб қаралган.

Тош – Ўтмишда Ўрта Осиёда кенг тарқалган масофа ўлчови бирлиги. Бир тош тахминан 8,9-9,5 чақиримга тенг бўлган.

Тош даври – Инсоният тараққиётидаги энг қадимги давр. Бу даврда меҳнат қуроллари ҳамда қурол-яроғлар, асосан, тош, ёғоч ва суяқдан ясалган. Тош даври қадимги (палеолит), ўрта (мезолит) ва янги (неолит) даврларга бўлинади.

Тош маъбудлар – Тош ҳайкаллар ёки тош тахталарга бўрттириб ишланган одам тасвири. Марказий Осиё, Тува, Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистоннинг туркий халқлар яшаган даштларидаги тепаликларга ўрнатилган. Мас., Оҳангарон водийсидан топилган эркак шакли бўрттириб ишланган тош тахт.

Тош раъди – Қадимда қалъанинг девор ва эшикларини бузиш учун тош отадиган махсус қурилма (дастгоҳ).

Тоғар – Кўчманчи ўзбек давлатида аҳолининг ўтроқ қисмидан олинadиган солиқнинг бир тури. Тоғар, асосан, қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш учун олинadиган солиқ ҳисобланган.

Тоҳаристон – 1. Ўтмишда Амударёнинг ўрта ва юқори оқимидаги икки соҳили ҳудудлари ва шу ҳудудда вужудга келган давлатнинг номи.

Тоҳир ибн Ҳусайн – Хуросондаги тоҳирийлар сулоласининг асосчиси. Тоҳирийлар давлатининг биринчи ҳукмдори (821-822 йиллар).

Тоҳирийлар давлати – 821-873 йилларда Хуросонда мавжуд бўлган давлат. Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн бўлган. У 809-813 йилларда Хорун ар-Рашиднинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасидаги курашда Маъмун томонида бўлиб, унга халифалик тахтини эгаллашда ёрдам берган. Шунинг эвазига халифа Маъмун 821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн халифалик томонидан Хуросоннинг ноиби этиб тайинлаган. 822 йилда у тўсатдан вафот этган. Тахмин қилинишича, унинг ўлимида халифа одамларининг қўли бўлган. Шундан сўнг Хуросон ноиби этиб Тоҳир ибн Ҳусайннинг катта ўғли Талха (822-828 йиллар) ва Тоҳир ибн Ҳусайннинг иккинчи ўғли Абдулло Хуросонда ноиб этиб тайинланганлар. Абдулло ноиблик қилган давр (828-844 йиллар)да Хуросон халифатга вассал ҳисобланса-да, аслида мустақил давлатга айланган. Тоҳирийлар давлатида кучли марказлашган ҳокимият бўлган, қишлоқ хўжалиги ривожланган, янги суғориш иншоотлари барпо этилган, қумуш танга-дирҳамлар зарб этилиб, муомалага киритилган, зироатчилик, ҳунармандчилик ривож топган. Шундай бўлса-да, Тоҳирийлар давлатида деҳқонлардан олинadиган солиқлар миқдори, улар томонидан ўтайдиган мажбуриятлар сони кўп бўлган. Натижада марказий ҳокимиятга қарши деҳқонларнинг кўзғолонлари тез-тез бўлиб турган. Улар тоҳирийлар томонидан шафқатсизларча бостирилган. Абдулло вафотидан кейин (844 йили) Тоҳирийлар давлати инқирозга юз тута бошлаган. IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда Тоҳирийлар сулоласи зулмига қарши ғозийлар (“эътиқод учун курашувчилар”) кўзғолонлари кучайган. Бу кўзғолонларга оддий мисгар Ёқуб ибн Лайс раҳбарлик қилган. Тоҳирийлар сулоласининг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873 йиллар) Ёқуб ибн Лайс билан бўлган жангда мағлуб бўлган. Ёқуб ибн Лайс 873 йилда Хуросонда ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлган. Шу тариқа Хуросонда Тоҳирийлар давлатига барҳам берилган.

Трайбализм – Қабилаларнинг маданий-хўжалик, диний ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ажралиб туришга берилиши. Асосан, Африкада қабила-лараро душманликка намоён бўлади. Трайбализмнинг асосий тарқатувчиси қабила зодагонлари ҳисобланади. Трайбализм кўпинча қабилалараро ғанимликнинг кучайиши ва фуқаролар урушига олиб келади.

Трамп, Дональд – 1946 йилда туғилган америкалик тадбиркор. Америка Қўшма Штатларининг 45-президенти.

Трансвааль – XIX аср охирида Африка жанубида мавжуд бўлган бурларнинг республикаси.

ТРАСЕКА – Европа-Кавказ-Осиёни бир-бирига боғлайдиган транспорт йўли лойиҳаси. 1998 йилда қабул қилинган.

Траян – 53-117 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим императори.

Тред-юнионизм – Ишчиларни сиёсий курашга эмас, балки фақат иқтисодий талаблар учун курашишга чақирувчи таълимот.

Тред-юнионлар характери – XIX аср бошларида Англияда вужудга келган ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, иш шароитлари ва иш ҳақини ошириш учун курашадиган касаба уюшмалари. Англия жаҳонда биринчи бўлиб саноатлаштирилган мамлакатга айланган ва биринчи маротаба ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш (перепроизводство), корхоналарда ишчилар сонини мажбуран камайтириш натижасида ишсизлик ҳам вужудга келган. Бу эса, ўз навбатида, “тред-юнион” деб номланган касаба уюшмалари пайдо бўлишига сабаб бўлган. Дастлаб Англиянинг ҳукмрон доиралари тред-юнионлар фаолиятини тақиқлашга муваффақ бўлишган. Лекин ишчилар қўзғолонларидан кўрқиб Англия парламенти 1824 йилда касаба уюшмалар фаолиятини тақиқлайдиган қонунни бекор қилган. Тред-юнионлар асосий курашиш усули сифатида иш ташлашларни қўллашган.

Трест – Империализм даврида капиталистик монополияларнинг асосий формалардан бири. Трестнинг картель ва синдикатлардан фарқи шундаки, мазкур бирлашмага кирган корхоналар савдо ва ишлаб чиқаришдаги мустақиллигини йўқотиб, ягона бошқармага бўйсундилар. Корхоналарнинг собиқ эгалари пайчига айланади. Улар ўзлари қўшган капиталнинг микдорига қараб даромад оладилар. Катта маблағни қўлга киритган ва банк капитали билан яқин алоқада бўлган трестлар йирик саноат корхоналарини вужудга келтириш имкониятига эга бўладилар.

Триарийлар – Қадимги Рим қўшинида мил. ав. IV–II асрларда легионнинг оғир қуролланган жангчилари. Тўлиқ ҳимоя аслаҳалари билан таъминланганлар, узун найзалар ва қиличлар билан қуролланган. Легион жанговар сафида учинчи қаторда турганлар (номи шундан).

Трибунал – 1. XVIII аср охиридаги Буюк Француз инқилоби даврида Францияда сиёсий жиноятларга доир ишларни кўрган фавқулодда судлар. 2. Собиқ Совет Иттифоқида мавжуд бўлган совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги махсус судлари-инқилобий трибуналлар. 3. Айрим мамлакатларда ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларнинг хизмат вақтидаги жиноят ишлари ва баъзи бир бошқа ишларни кўриб чиқувчи судлар.

Трибуналар (Халқ трибуналари) – Қадимги Римда плебейларнинг юқори мансаби, мил. ав. V аср бошларидан эътиборан ҳар йили ўн трибуна сайланадиган бўлган. Трибунанинг шахси дахлсиз ҳисобланган. Трибуна мансабдорларнинг ҳар қандай буйруғини ман (вето) этиш, ҳатто сенат қарорини ҳам бекор қилиш, плебейлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

“Тривиум” – Ўрта асрларда Европадаги “етти эркин санъат”нинг бошланғич ва асосий босқичи. Унда грамматика, риторика, диалектика ўқитилиб, таълим олувчилар нисбатан мураккаб-квадривиум босқичига тайёрланган. Тривиумда ўрганиладиган уч ва квадривиумда ўқитиладиган тўрт фан (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа) “етти эркин санъат”ни ташкил этган ҳамда таълим олувчиларга энциклопедик билим беришни назарда тутган.

Триглав – Ўтмишда Болтиқбўйи славянларида бош худо. Уч бошли қиёфада тасаввур этилган. Триглавнинг ўзига хос атрибутлари қора тулпор ва найза бўлган.

Тримурти – Ҳиндуизмдаги олий худолар: Браҳма, Вишну, Шиванинг ягона намоён бўлиши. Битта бош ва уч қиёфали қилиб тасвирланади.

“Трипитака” – Будда таълимоти баён этилган китоблар мажмуасининг номи.

Триполи графлиги – Салибчилар томонидан Яқин Шарқда тузилган давлат тузилмаси. Қуддус қироллиги вассали бўлган. *Яна қар.: Салиб юришлари.*

Триумф – Қадимги Римда музаффар саркарданинг қўшин билан пойтахтга (Марс майдонидан Капитолийдаги Юпитер ибодатхонасигача) тантанали кириб келиш маросими. Триумф сенат қарори билан ўтказилган ва саркарда учун энг олий мукофот саналган. Триумф маросимини сенаторлар бошлаб беришган, уларнинг кетидан созандалар ва қўшиқчилар кузатувида тўртта оқ от қўшилган жанг аравасида ғолиб саркарда (триумфатор) борган. Жангчилар ўлжа ва бадавлат, зодагон асирларни олиб ўтганлар. Триумф Римнинг зафарли урушлари даврида (мил. ав. III-I асрлар) икки-уч кун давом этган.

Триумфал арка – Ҳарбий ғалабалар ва бошқа муҳим воқеалар шарафига қурилган тантанали иншоотлар. Қадимги Римда пайдо бўлган. Кейинчалик бошқа ерларда ҳам триумфал аркалар қуриш урф бўлган.

Троцкий, Лев Давидович – 1879-1940 йилларда яшаб ўтган собиқ СССРнинг давлат арбоби. Троцкийнинг асл фамилияси Бронштейн бўлган. Л.Д. Троцкий касаба уюшмаларини давлатга бўйсундириш тарафдори бўлган, меҳнат армияларини ташкил қилиб, давлатни ҳарбий лагерга айлантиришни талаб қилган, перманент (жаҳон) инқилоби ғоясини ташвиқ қилган, “деҳқоннинг елкасида коммунизмга қадам” иборасининг муаллифи бўлган. Л.Д. Троцкий партия ишидаги бюрократизмни ва умуман партияда мавжуд бўлган юқоридагиларнинг ҳукмронлиги ва пастдагиларнинг итоаткорлигини танқид қила бошлаган. Л.Д. Троцкий 1927 йилда И.В.Сталин ташаббуси билан партия сафидан чиқарилган, 1929 йили СССРдан ҳайдалган, 1940 йилда

Мексикада яшаб юрганида НКВД агенти (жосуси) бўлган испаниялик Р.Меркадер томонидан ўлдирилган.

Троя уруши – Мил. ав. 1260 йилда бошланиб, 10 йил давом этган Юнонистон полисларининг Троя шаҳрига қарши уруши. *Яна қар.:* “Гомер даври”.

Трубадурлар – XI–XIII асрларда прованс шоир-қўшиқчилар. Трубадурларнинг нафис шеърляти рицарлар муҳаббати, ҳаёт қувончларини тараннум этган. Трубадур ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаётда фаол қатнашганлар. Католик черковини танқид қилганлари учун таъқиб остига олинганлар. Трубадур ижодига Ўрта асрлар латин поэзияси, маҳаллий роман ва араб шеърляти кучли таъсир қилган. Кейинги давр шоирлари трубадур асарларидан илҳомланган. 600 нафар трубадур маълум, 400 нафарининг 2500 та асари бизгача етиб келган.

Трумэн, Гарри – 1884-1972 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 33-президенти (1945-1953 йилларда).

Трумэн доктринаси – 1947 йилнинг 12 мартда Америка Қўшма Штатлари конгресси томонидан қабул қилинган ҳужжатнинг номи. Трумэн доктринасига кўра қуйидаги тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган: Ғарбий Европа давлатларига кенг кўламда иқтисодий ёрдам кўрсатиш (кейинчалик Маршал режаси), АҚШ раҳбарлигида Ғарбий Европа давлатларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқини тузиш (кейинчалик НАТО), СССР сарҳадлари атрофида АҚШнинг ҳарбий базаларини жойлаштириш, Шарқий Европа мамлакатларининг расмий ҳукуматларига қарши фаолият кўрсатаётган оппозиция (муҳолифат)ни қўллаб-қувватлаш, оддий ва ядровий қуроллардан фойдаланиб совет ҳукуматига таҳдид солиш. Трумэн доктринаси эълон қилингандан кейин Европа қитъаси, умуман бутун жаҳон АҚШ ва СССРнинг ё шеригига, ё душманига айланиб борган. Айнан шу икки йирик давлат – АҚШ ва собиқ СССР атрофида иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузила бошланган. Капиталистик ва социалистик тузум ўртасидаги узоқ ва шиддатли кураш бошланган.

Тудун (Тугун) – Турк хоқонлигида хоқон хонадонига мансуб ва бўйсундирилган вилоятлардаги ҳокимлар фаолиятини назорат қилиб, ўлпон ва солиқлар йиғишни ташкил этиш мақсадида тайинланган ноиб унвони. “Тудун” сўзи қадимги турк битиктошларида, хитой, суғд, араб, форс, юнон манбаларида, суғдий, бақтрий ёзувли тангаларида учрайди.

Тузук – Қонун-қоидалар тўплами, низом.

Туман – 1. VII–XVIII асрларда Марказий Осиё, Хуросонда 10 минг кишидан иборат ҳарбий қисм, дивизия. Туркий тилида битилган ёдгорликлардан илк бор Култегин битиктоши ва Билга хоқон битиктошида қайд этилган. Қўшин тумани, ўз навбатида, минглик (ҳазора), юзлик (сада) ва ўнлик (даҳа) қисмларидан ташкил қилинган. Туманларга нўён, туман оқоси, туманбегилар қўмондонлик қилган. 2. Эрон (XIII–XVI асрлар) ва Ўрта Осиё (XIII–XIX асрлар) 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик. 3. Ҳозирги Ўзбекистонда вилоят,

шунингдек, йирик шаҳарларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-худудий бўлинма.

Туманбоши – Ўн минг жангчидан иборат ҳарбий қисм, дивизия қўмондони. Туманбоши лавозими наслдан-наслга мерос сифатида ўтган. Амир Темур кўшинида туманларга бошчилик қилган шахсларга алоҳида талаблар қўйилган. Ғаним кучларини тор-мор қилган ёки унинг худудларини забт этган туманбоши туғ ва довул ҳамда “баҳодир” фахрий унвони билан тақдирланган. Туманбоши машварату кенгашларда қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Туманбошига мингбеги, юзбеги ва ўнбегилар бевосита бўйсунган.

“Тунмэнхой” (“Бирлашган иттифоқ”) – 1905 йилда Хитойда Сунь Ятсен томонидан тузилган сиёсий ташкилот.

Тунқатор – Ўрта Осиё хонлиқларида ҳукмдорни кечаси қўриқлаб чиқувчи ҳарбий хизматчи.

Тупак Амару бошчилигидаги қўзғолон – 1780-1783 йилларда Перуда ҳиндулар раҳбари бўлган Тупак Амару бошчилигида испан мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган қўзғолон. Дастлаб қўзғолончиларнинг қўллари баланд келган. Улар испан маъмурларини Перудан ҳайдаб чиқаришган, қулдорликни бекор қилишган. Лекин кейинчалик испан мустамлакачи қўшинлари ҳиндуларнинг яхши қуролланмаган 60 минглик армиясини буткул тор-мор этиб, уларни қириб ташлашган. Тупак Амару испанлар томонидан қўлга олинган. Испанлар унинг тилини суғуриб олиб, отга боғлаб судрашган ва танасини бир неча қисмларга бўлиб ўлдиришган. Перу халқининг мустамлакачиларга қарши курашлари натижасида 1821 йили Перу ўз мустақиллигини қўлга киритган, 1822 йилда эса Перу республика деб эълон қилинган.

Тургенев, Иван Сергеевич – 1818-1883 йилларда яшаб ўтган рус ёзувчиси. И.С. Тургеневнинг машҳур асарлари: “Муму” қиссаси (1855 йили), “Дворянлар уяси” романи (1859 йили), “Оталар ва болалар” романи (1862 йили).

Турдиев, Қўчқор – 1917-1992 йилларда яшаб ўтган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Жанубий-ғарбий фронт таркибидаги 353-тоғ-ўқчи полки жангчиси. У 1941 йилнинг 25 октябрида сафдошлари билан бирга разведкага, сўнгра душмандан асир олиб келишга юборилган. Отишмада барча қуролдошлари ҳалок бўлган. Қўчқор Турдиевнинг бир ўзи фашистларнинг бир ДЗОТини, 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 тасини асирга олиб келган. Бу жасорати учун Қўчқор Турдиев ўзбекистонлик жангчилар орасида биринчи бўлиб Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган.

Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) – 1918 йилнинг 20 апрелидан 1 майгача Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ишчи, аскар ва деҳқонлар советининг V ўлка қурултойи қарори билан ташкил этилган давлат тузилмаси. Қурултойда 263 делегат, шу жумладан маҳаллий миллатлардан 50 делегат иштирок этган. Қурултой ТАССР Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР) таркибида эканлиги ҳақида қарор қабул қилган. Қурултойда 36 кишидан иборат олий қонун чиқарувчи орган – Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (Туркистон

МИК)ни ва 14 кишидан иборат Халқ Комиссарлари Кенгаши сайланган. 1924 йил 18 ноябрда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Бухоро ССР, Хоразм ССР ва Туркистон АССР тугатилган ва уларнинг худудлари янги ташкил этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг таркибига киритилган.

Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Халқ Комиссарлари Кенгаши – Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР)нинг ижро этувчи органи. Большевик Ф.И.Колесов раҳбарлик қилган. Кенгаш таркибига маҳаллий миллатлар вакилларида С.Турсунхўжаев, Ю.Иброҳимов ва Т.Ашурхўжаевлар сайланган. Совет ҳокимиятининг Туркистонда олиб борган шовинистик сиёсати, синфийлик ва партиявийликка асосланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ўлка ҳукумат аъзоларининг норозилигини юзага келтирган ва большевиклар диктатурасидан норози бўлган муҳолифат шаклланган. 1919 йил 19 январда ҳарбий коммисар К.Осипов раҳбарлигида Тошкент шаҳрида исён бўлиб ўтган. Исёнчилар большевик Ф.И.Колесов раҳбарлигида тузилган ТАССРнинг Халқ Комиссарлари Кенгаши аъзолари (14 киши)ни қамоққа олишган ва отиб ташлашган. Большевиклар қизил қўшинларга таяниб Тошкентдаги К.Осипов бошчилигидаги исённи бостиришган. *Яна қар.: Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР).*

Туркистон генерал-губернаторлиги – 1867-1917 йилларда мавжуд бўлган худудий-маъмурий бирлик. Россия императори Александр II нинг 1867 йил 11 июлда эълон қилинган фармонида биноан ташкил этилган. Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиш билан бирга, Россия императори томонидан 1867 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш Низомининг лойиҳаси тасдиқланган. Унга кўра, Туркистон генерал-губернаторлиги худудидида вилоят (область), туман (уезд), жабҳа (участка), бўлис (волость) ва оқсоқоллик маъмурий бирликлари жорий этилган. Вилоят, туман ва жабҳаларни рус офицер-генераллари, бўлис ва оқсоқолликларни эса маҳаллий халқ вакиллари бошқаришган. Бу маъмурий бирликларининг барчаси Туркистон генерал-губернатори томонидан бошқарилган. Туркистон генерал-губернатори бир вақтнинг ўзида ўлка бош ҳокими, округ кўмондони, бош прокурор ва бош миршаб вазифаларини бажарган. Бундай ҳуқуқ ва имтиёзлар ўша вақтда Россияда мавжуд бўлган бирорта губернаторда бўлмаган. Туркистон генерал-губернатори, жумладан, хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш, солиқлар миқдорини белгилаш, маҳаллий халқларга Россия фуқаролигини бериш, маҳаллий аҳоли устидан чиқарилган ҳукмларни тасдиқлаш ёки бекор қилиш ҳуқуқларига эга бўлган. Россия императори биринчи Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфманга Туркистонни бошқаришда чекланмаган ҳуқуқ ва ваколатлар берадиган “Олтин ёрлик” тақдим этган. Туркистон халқлари Россия императорини “оқ подшо”, Туркистон генерал-губернаторларини эса “ярим подшо” деб аташган. Кейинчалик, 1886 йилда Россия ҳукмрон доиралари томонидан “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” деб номланган қонунлар мажмуи

ишлаб чиқилган. Ушбу Низомга кўра, ўлкада суд тизимининг тузилиши, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ердан фойдаланиш тартиби, аҳолидан ундириладиган солиқлар миқдори, маҳаллий халқларнинг умумдавлат мажбуриятлари, ўлка табиий бойликларидан фойдаланиш тартиблари белгиланган. “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да сиёсий идоралар бошлиқларига “туб аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни таг-туғи билан шафқатсиз бостириш, бирон-бир душманлик ҳолати сезилса, дарҳол унинг кучайишига йўл қўймай бўғиб ташлаш, тартиббузарлар ва уларнинг маслақдошларига тегишли сабоқ бериш ва уларга рус қудратини кўрсатиб қўйиш учун ҳар қандай чора-тадбирлар кўриш” вазифалари қатъиян уқтирилган. Россия ҳудудида мавжуд бўлган барча губерниялар Ички ишлар Вазирлигига тобе бўлган бўлса, Туркистон генерал-губернаторлиги Ҳарбий вазирлик томонидан бошқарилган. Ўлкада ижроия ҳукумати вазифаларини Туркистон генерал-губернаторлигининг канцелярияси бажарган. Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлган Тошкент шаҳри “янги шаҳар” (руслар учун) ва “эски шаҳар” (маҳаллий халқ учун) қисмларга бўлинган. “Эски шаҳар” аҳолиси, яъни маҳаллий аҳоли, “янги шаҳар” қисмига сабабсиз ўтиши қатъиян тақиқланган. XIX асрнинг охирига келиб Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қуйидаги беш вилоят кирган: Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти (Закаспий). Россия ҳукмрон доиралари Туркистонда босиб олинган ҳудудларда кўплаб сиёсий, маъмурий, иқтисодий ва маданий ислохотлар ўтказишган. Бу ислохотларнинг асосий мақсади Туркистонни Россия империясининг тўлақонли таркибий қисмига айлантириш бўлган. Бу эса, Туркистонда мавжуд бўлган анъанавий миллий давлатчилик усулларини йўқ қилиб, русча идора усулларни жорий этишни тақозо этган. Россиядаги 1917 йилги февраль буржуа-демократик инқилобидан кейин Туркистон генерал-губернаторлигининг фаолиятига барҳам берилган.

Туркистон легиони – Фашистлар совет армиясига қарши курашда ҳарбий асирлар ичида совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятида бўлганлардан фойдаланишган. Фашистлар Германияси Вермахтининг 1942 йил декабрь ойидаги буйруғига биноан ҳарбий асирлардан “Рус озодлик армияси”, “Туркистон легиони”, “Волга-Урал легиони” каби ҳарбий қўшилмалар тузишган, улардан совет қўшинлари ва партизанларга қарши курашда фойдаланишган. Чет эл манбаларида бундай тузилмаларга жалб этилганлар сони қарийб 1 млн. кишига етганлиги кўрсатилган. Легиончиларнинг сони бунчалик кўпайишига И.В.Сталиннинг асирликка тушиб қолганларни “ватан хоинлари” деб ҳисоблагани ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Туркистон мухторияти – 1917 йилнинг декабридан 1918 йилнинг 22 февралигача мавжуд бўлган ҳукумат, давлат тузилмаси. “Марказий Шўрои Ислон” ташкилоти ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 1917 йил 26-28 ноябрида (янги ҳисоб билан 1917 йил 9-11 декабрда) Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг IV фавкулудда қурултойи қарори билан ташкил этилган. Қурултойда Туркистон ўлкасининг 5 та вилоятидан 200 нафардан ортиқ вакиллар иштирок этган. Қурултой ишида “Шўрои ислония”, “Шўрои уламо”, Мусулмон ҳарбийлари шўроси, ўлка яҳудийлари ҳам қатнашганлар.

Большевикларнинг маҳаллий аҳолининг манфаатларига менсимаслик билан қарашлари, улар вакилларини ҳокимият таркибига киритилмаганидан норози бўлган маҳаллий сиёсий кучлар вакиллари ўлкада бошқаришнинг мухторият шаклини ўрнатиш учун курашни кучайтиришган. Бу курашга ўлкада янги тузилган “Марказий Шўрои Ислон” ташкилоти раҳбарлик қилган. Қурултойда Туркистон ўлкасида бошқариш шаклини белгилаш масаласи қизгин муҳокама қилинган. Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорга биноан Туркистон Федератив Россия Республикаси таркибидаги ҳудудий жиҳатдан мухтор республика деб эълон қилинган. Ташкил топаётган давлатнинг номи “Туркистон мухторияти” деб аталадиган бўлган. Туркистон таъсис мажлисига қадар “Туркистон мухторияти”да ҳокимиятни Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси кўлида бўлиши белгиланган. Туркистон Муваққат Кенгашига 8 киши сайланган: 1. Муҳаммаджон Танишбоев (муҳандис) – бош вазир, ички ишлар вазири, 2. Ислон Султон Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов, ҳуқуқшунос) – бош вазир ўринбосари, 3. Мустафо Чўқаев (ҳуқуқшунос) – ташқи ишлар вазири (кейинчалик бош вазир), 4. Убайдулла Хўжаев (ҳуқуқшунос) – ҳарбий вазир, 5. Юрали Агаев (агроном) – ер ва сув бойликлари вазири, 6. Обиджон Маҳмудов (муҳандис) – озиқ-овқат вазири, 7. Абдурахмон Ўразаев (ҳуқуқшунос) – ички ишлар вазининг ўринбосари, 8. Саламон Абрамович Герцфельд (ҳуқуқшунос) – молия вазири. “Туркистон мухторияти”нинг Муваққат Кенгаши таркибига кейинчалик европаликлардан яна тўрт вакил киритилиши белгилаб қўйилган. 1917 йил 5 декабрда Оренбургда козоқ тараққийпарварларининг II Умумқозок қурултойида “Алаш-Ўрда мухторияти” тузилганлиги муносабати билан Муҳаммаджон Танишбоев Семипалатинска кўчиб кетган. “Туркистон мухторияти”нинг Муваққат Кенгашида бўшаб қолган Бош вазир лавозимиغا Мустафо Чўқаев сайланган. Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойида Халқ Мажлиси (парламент) аъзолари ҳам сайланган. Унинг таркибига Муваққат Кенгаши аъзоларидан ташқари ўлканинг атоқли арбоблари Т. Норбўтабеков, С. Шарифхўжаев, С. Миржалолов, Носирхонтўра Камолхонтўраев, М. Беҳбудий, С. Юсупов, О. Умаровлар сайланган. 1917 йил 26 декабрда Туркистон Мухториятининг миллий байроғи қабул қилинган. Мамлакатда вақтли матбуот органлари “Эл байроғи”, “Бирлик туғи”, “Свободный Туркестан”, “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана” ўзбек, козоқ ва рус тилларида чоп қилина бошланган. Ҳукумат ўз фаолиятини олиб бориши учун зарур бўлган маблағларни заёмлар чиқариш ва ҳайрия жамғармалари тузиш ҳисобидан тўплашга ҳаракат қилган. Мухторият 30 миллион сўм миқдорида ички заём чиқарган. Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган совет ҳукумати эса “Туркистон мухторияти”ни молиявий манбаларидан, айниқса, банклардан ёрдам олишига тўсқинлик қилган. “Улуғ Туркистон” газетасида қайд этилган маълумотларга кўра, “Туркистон Мухторияти” химоячилари сони тез суръатларда кўпайиб борган. 1918 йил январь ойининг ўзида аскарлар сони 1000 кишидан 2000 кишига етган. Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши ўлка халқлари томонидан хурсандчилик билан кутиб олинган. Улар Туркистон ўлкасида Мухториятни

қўллаб-қувватлаб митинглар, йиғинлар уюштирганлар. 25 декабрда Қўқонда ўз ишини бошлаган Мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавкулодда қурултойи “Туркистон Мухторияти”ни қўллаб-қувватлаган ва Туркистон Мухториятининг Халқ Мажлисига ўз вакилларини киритишга қарор қилган. Қурултой иштирокчилари 27 декабрда Россия Халқ Комиссарлари Совети Раиси Владимир Ильич Ленин номига телеграмма йўллаганлар. Ушбу телеграммада Лениндан Мухторият ташкил этилганини расман тан олиш, ўлкада мавжуд бўлган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ҳокимиятни Туркистон Мухториятига топшириши тўғрисида фармон эълон қилиш сўралган. Совет ҳукумати дастлаб Туркистон Мухторияти фаолиятини диққат билан кузатиб борган. Мухторият обрўйининг халқ орасида ортиб бориши Совет ҳукуматыни қатъий чоралар кўришга мажбур этган. 1918 йил 19-26 январ (1-8 феврал)да Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг фавкулодда I қурултойида Туркистон Мухториятига муносабат масаласи кўриб чиқилган. Большевикларнинг талаби билан қурултой Мухторият ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда эканлиги ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилган. Мухторият ташкил этилганидан кейин Туркистон ўлкасида амалда иккиҳокимиятчилик юзага келган: бир томондан, Совет ҳукумати кўрсатмалари асосида тузилган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети, иккинчи томондан эса Туркистон Мухторияти томонидан ташкил этилган Халқ Мажлиси. Ушбу ҳукуматлар бири-иккинчисини инкор этадиган қонунлар, қарорлар қабул қилган. Бундай ҳолат ўлкадаги вазиятни янада оғирлаштирган. Қўқон шаҳрининг ўзида ҳам иккиҳокимиятчилик давом этган. Бир томондан Мухторият ҳукумати, иккинчи томондан совет ҳокимиятининг тармоғи бўлган инқилобий кўмита (ревком). Инқилобий кўмита Қўқоннинг эски шаҳар қисмидаги қалъада жойлашган. Мухториятчилар Қўқон инқилобий кўмитасидан ўша қалъани бўшатиб беришни талаб қилишган. Инқилобий кўмитадан рад жавобини олгандан кейин, 29 январдан 30 январга ўтар кечаси Мухторият қўшинлари қалъага ҳужум қилишган. Большевиклар ҳукумати Тошкентдан етиб келган ҳарбий қисмлар ёрдамида қалъани ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Замонавий қуроллар билан қуролланган қизил армияга таянган совет ҳукумати Мухторият ҳукумат аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор қабул қилган. Лекин уни амалга ошириш Қўқон кўчаларида жангларга олиб келиши мумкин бўлган. Чунки Мухторият ҳарбий қўшинларидан ташқари кўлида болта, кетмон, таёқ каби нарсалар билан “қуролланган” шаҳарликлар Қўқонни совет ҳукумати қўшинларидан ҳимоя қилиш учун чиққанлар. Уларнинг сони юз мингдан кўп бўлган. Кўча жангларида ҳар икки томондан катта талафот бўлиши муқаррарлигини англаган совет ҳукумати вакиллари Мухторият ҳукумати билан музокараларни давом эттиришга қарор қилган. Советлар ҳукуматынинг ўлкадаги вакиллари билан музокаралар олиб бориш масаласида Мухторият ҳукуматида бўлиниш юз берган. Натижада 18 февралда М. Чўқаев ҳукумати “Шурои уламо” партияси талаби билан истеъфога чиққан. 1918 йил 18 февралда Қўқон шаҳар миршаблар бошлиғи кичик Эргаш раҳбарлигида

Мухториятнинг янги ҳукумати тузилган. Янги ҳукумат қисқа вақт фаолият кўрсатган. 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан катта ҳарбий мадад олган Қўқон инқилобий кўмитаси (ревкоми) Мухторият ҳукуматини таслим бўлиш ҳақидаги ультиматум юборган. Кичик Эргаш ҳукумати уни рад этгандан кейин, 19 февралда кизил кўшинлар шаҳарга ҳужум бошлашган. Қўқон шаҳри дастлаб замбараклардан ўққа тутилган ва деярли буткул вайронага айлантирилган. Шу шароитда ҳам шаҳар ҳимоячилари кўча жангларида мислсиз жасорат кўрсатганлар. Шаҳар уч кун давомида кизил аскарлардан ҳимоя қилинган. Большевиклар шаҳарни босиб олишда туркийларга душманлик билан қаровчи арман дашноқлари отряд-ларидан фойдаланишган. Бегуноҳ тинч аҳоли, болалар, кексалар, аёлларга ҳам шафқат қилинмаган. Қўқон шаҳри учун жангларида юз мингдан ортиқ киши ўлдирилган. 1918 йил 22 февралда “Туркистон Мухторияти” тугатилган. Мухторият 72 кун яшаган бўлса-да, халқимизнинг мустақилликни қўлда қурол билан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатган. Туркистон Мухторияти шафқатсизларча бостирилгандан кейин 1918 йилнинг баҳоридан бошлаб Туркистон ўлкасида совет ҳукуматига қарши миллий-истиклолчилик ҳаракати бошланган.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Кўмитаси (Туркистон МИК) – Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР)нинг олий қонун чиқарувчи органи (парламенти). Унинг таркибига маҳаллий миллатлар вакилларидан Ҳ.Иброҳимов, Д.Мирзабоев, А.Ш.Шарафутдинов, О.Юсупов, Қ.Отабоев ва бошқалар киритилган. *Яна қар.: Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР).*

Туркистон халқ университети – 1918 йил 21 апрелда Тошкентда рус зиёлилари томонидан очилган олий таълим муассасаси. Ушбу университетнинг биринчи ректори иқтисодчи олим, академик Г.Н.Черданцев бўлган. 1920 йилда Туркистон халқ университети “Туркистон давлат университети” деб атала бошланган.

Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроси (Ўлкамусшўро) – 1917 йилнинг 17-21 апрелида Тошкентда “Шўрои исломия” жамияти ташаббуси билан бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи қарори билан тузилган. Қурултой фикрига кўра, Туркистон ўлка мусулмонлари Шўросининг асосий вазифаси ўлкада фаолият кўрсатаётган ва турли мақсад ва интилишлари бир-биридан фарқ қиладиган мусулмон ташкилотларини бирлаштиришдан иборат бўлган. Туркистон ўлка мусулмонлари Шўросининг биринчи йиғилишида унинг марказий органи – Марказий шўро тузилган. Мустафо Чўқаев Марказ раиси, Мунавварқори Абдурашидхонов раис муовини лавозимига сайланган. Шунингдек, Марказий шўро аъзолари сайланган. Марказий шўронинг органи сифатида “Нажот” (муҳаррири – Мунавварқори Абдурашидхонов), кейинчалик “Кенгаш” (муҳаррири – Валидий) газеталари таъсис этилган бўлса-да, амалда Туркистон ўлкасида ҳокимият Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Кўмитаси қўлида бўлган.

Туркистон Ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХКК) – 1917 йилнинг 15-22 ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган советларнинг III ўлка қурултойи

қарори билан тузилган ҳукумат. Унинг таркибига 15 киши киритилган. Ҳукумат бошлиғи лавозимига большевик Ф.И.Колесов сайланган. ХКК таркибини тузишда синфийлик принципига амал қилинган. У асосан ўлка аҳолисининг бир фоизини ҳам ташкил этмайдиган ишчилар вакиллари, яъни европаликлардан тузилган. Кейинчалик большевиклар партияси бутун ҳокимиятни ўз қўлларига киритиш учун фаолият олиб борганлар.

Турккомиссия – 1919 йилнинг кузида совет ва партия қурилишини ривожлантириш, янги совет тузумини мустаҳкамлаш мақсадида большевиклар партияси раҳбарлари томонидан Туркистон ўлкасига юборилган фавқулодда ваколатларга эга бўлган комиссия. Унинг таркибига Ш.Элиава –раис, В.Бокий, Ф.Голошекин, В.Куйбишев, М.Фрунзелар киритилган.

Турклар – 1. Туркиянинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ, турк халқи. 2. Туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқларнинг умумий номи.

Туркманчой шартномаси – 1826 йилдаги Россия-Эрон урушидан кейин 1828 йил февраль ойида имзоланган шартнома. Унга кўра, Ереван ва Нахичеван хонликлари Россия тасарруфига ўтган, Россия фуқаролари Эрон мамлакати ҳудудларида махсус имтиёзларга эга бўлишган, Эрон Россияга 20 млн. рус рубли миқдорида товон тўлаган.

Туркон хотун – Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси. Хоразмшоҳлар саройида унинг мавқеи Аловуддин Муҳаммаддан ҳам кучли бўлган. Мўғул кўшинлари Урганчи қамал қилган вақтида Туркон хотун хоразмшоҳлар хазинасини олиб, ўзига содиқ хизматкорлари билан Мозандарондаги Илол қалъасига қочиб кетган. Қалъада сувсизликдан тинкаси қуриган Туркон хотун мўғулларга таслим бўлган. Хоразмшоҳлар хазинаси мўғуллар қўлига тушган. Кейинчалик Чингизхон Туркон хотунни ўзи билан Мўғулистон пойтахти Қорақурумга олиб кетган. Туркон хотун у ерда қашшоқликда умр кечирган ва 1233 йили вафот этган.

Турктоз – Тўсатдан ҳужум қилиб талон-торож қилиш усули. Ушбу ҳарбий тактик усул, асосан, туркий халқлар томонидан ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўлланган. Турктоздан асосий мақсад ғаним қалбига ғулғула солиш, шаҳар, қишлоқларга қўққисдан ҳамла қилиш, душман кучларини пароканда этиш, зарур бўганда “тил”ни қўлга тушириш, турли шаклдаги ўлжани қўлга киритиш ва ҳоказолар ҳисобланган. Турктоз аксарият енгил қуролланган, миқдоран унча катта бўлмаган суворий гуруҳлар томонидан амалга оширилган. Мазкур амалиётни бажарувчи суворийлар тўдаси қорахонийлар армиясида “ақинчи” (селдай тез келадиган, ҳужум қиладиган), темурийлар қўшинида “чопқунчи”, шайбонийлар лашкарида “юртовул” истилоҳлари билан юритилган.

Турк ҳоконлиги – VI аср бошларида Олтой (Жанубий Сибирь ва Шимолий Мўғулистон)да туркий элатлар ашина уруғи томонидан бирлаштирилган. Ашина уруғининг ҳукмдорлари Асан (Асян) ва Туулар даври (460-525 йиллар)да туркий қабилалар иттифоқи вужудга келган. Туунинг ўғли Бумин 552 йилда Турк ҳоконлиги давлатига асос солган. Олтойдаги Утукан шаҳри унинг пойтахти бўлган. Буминнинг укаси Истеми қўшинлари томонидан Етгисув, Шарқий Туркистон ва бошқа ҳудудлар босиб олинган. Натижада VI аср ўрталарида Шарқда Тинч океани соҳилларидан то Каспий денгизигача,

жанубда Гоби чўлидан шимолда Байкал кўлигача бўлган ҳудудларни бирлаш-тирган йирик Турк ҳоконлиги салтанати вужудга келган. 555 йилда Турк ҳоконлиги кўшинлари эфталийлар кўшинларига зарба бериб, Сирдарёнинг ўрта қисми (Тошкент воҳасининг шимолий томони)дан Орол денгизининг қирғоқларигача бўлган ҳудудларни босиб олишга муваффақ бўлишган. Кейинчалик Турк ҳоконлиги ва Сосонийлар давлати ўртасидаги муносабатлар кескинлашган. Бу вазиятда Турк ҳоконлиги сосонийларнинг азалий рақиби бўлган Византия салтанати билан яқинлашишга ҳаракат қилган. 588 йилда Турк ҳоконлиги вакили Суғд савдогари Маниах бошчилигидаги элчилар Византия императори Юстиниан қабулида бўлган. Византия ўз навбатида Земарх бошлиқ элчиларини ҳоконликка юбориб, иттифоқчилик алоқаларини ўрнатиш истагини билдирган. Икки давлат ўртасида доимий элчилик муносабатлари ўрнатилган. VI асрнинг 80-йиллари охирларида бошланган зодагонларнинг ўзаро урушлари 603 йилда ҳоконликнинг икки қисмга бўлиниши билан яқунланган. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Жунғория (Хитойнинг шимолий-ғарбий қисми) ҳудудлари Ғарбий Турк ҳоконлиги, Мўғулистон ҳудуди эса Шарқий Турк ҳоконлиги таркибига кирган. Ғарбий турк ҳоконлиги ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи Исфижоб (Сайрам) яқинидаги Мингбулоқда, қишки қароргоҳи Суёб шаҳрида жойлашган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан Ғарбий ҳоконлик Шарқий ҳоконликдан устун бўлиб, аҳолиси асосан ўтроқ деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ҳокон Тўн Ябғу ҳукмронлиги даври (618-630 йиллар)да Ғарбий ҳоконлик марказлашган давлатга айланган. Мамлакатнинг чегаралари Олтойдан то Ҳинд дарёси бўйигача кенгайтирилган. Тўн Ябғу ҳокон вафот этганидан кейин Турк ҳоконлиги заифлашиб, бир неча қисмга бўлиниб кетган. Ғарбий Турк ҳоконлигига хитойликлар ва Араб халифалиги кўшинлари таҳдид сола бошлаган.

Турначи – Ўрта Осиё хонликларида ҳарбийларни сафлаштириш билан шуғулланувчи офицер. Турначини “човуш” деб ҳам аташган.

Турнир – Ўрта асрларда Ғарбий Европада рицарларнинг ҳарбий мусобақаси. XI асрнинг иккинчи ярмидан ўтказилган деб тахмин қилинади. Турнирнинг ватани Франция бўлган. Турнирлар, одатда, қироллар, баронлар, йирик сеньорлар томонидан турли тантаналар: қиролларнинг никоҳ тўйлари, тахт вориси туғилиши, сулҳ тузилиши ва бошқалар шарафига уюштирилган. Унинг мақсади рицарларнинг жанговарлик қобилиятини намоён қилиш бўлган. XVI асрда тўхтатилган.

Тус – Хуросонда мавжуд бўлган қадимий шаҳар. Ҳозирда “Фирдавс” деб аталади ва Эроннинг Хуросон вилоятида жойлашган.

Тутанхамон – Аменхотеп IV (Эхнатон)нинг куёви. Қадимги Мисрнинг Янги шоҳлик давридаги ҳукмдорларидан бири.

Тутанхамон қабргоҳи – Қадимги Мисрда фиръавн Тутанхамон дафн этилган қабргоҳ. Тутанхамон 19 ёши (бошқа манбалар маълумотларига кўра, 18 ёши)да вафот этган. Дин пешволари уни ўта тантана билан ер қаърида қурилган қабргоҳда дафн этишган. Мил. ав. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб мисрлик фиръавнларни ер юзидаги эҳромларда эмас, ер қаърида

курулган қабргоҳларда кўмиш одат бўлган. Уларни махфий тарзда кўмган бўлсалар-да, ҳозирги кунда бу қабргоҳларда мавжуд бўлган жиҳоз ва буюмларнинг кўпи ўғирланган. Ўғирлардан омон қолган энг машҳур қабргоҳ айнан Тутанхамон қабргоҳи ҳисобланади. Бу қабргоҳ 1922 йили инглиз археологи Г.Картер томонидан Фива шаҳрининг ғарбида жойлашган “шоҳлар водийси” деб номланган жойда топилган. Тутанхамон қабргоҳи мил. ав. XIV асрда қурилган. Бу қабргоҳ тўрт уйдан иборат бўлиб, уларнинг бирида Тутанхамоннинг мумиёланган жасади мавжуд. Тутанхамоннинг соф олтиндан ясалган тобут (саркофаг)и моҳир заргарлар томонидан жуда маҳорат билан безалган. Ушбу тобут ўз навбатида етти бошқа тилло, тош ва тахтадан ясалган тобутлар ичида қўйилган. Тобутнинг атрофида ҳозиргача яхши сақланган қимматбаҳо идиш ва буюмлар мавжуд.

Тутун пули – *Қар.: Ҳовли пули.*

Туфанг – Чақмоқтош ёрдамида отадиган пилта милтиқ. Ўрта Осиё хонликларида туфанглардан XVI асрдан бошлаб фойдаланишган.

Тухси – Туркий қабилалардан бирининг номи.

Тукбеги (Туғбеги) – Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий мансаблардан бири. “Туғ” (“туқ”) сўзи байроқ маъносини англатган. Тукбеги хон қўшинларининг асосий байроғини кўриқловчи, ҳарбий юриш вақтида эса, уни кўтариб юривчиларга бошчилик қилган.

Туғ – Ўтмишда Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, вазирлик, беклик ва ҳоказолар белгиси. Туғ ҳўкиз ёки от думидан ясалган. “Туғ” атамаси илк марта бир уйғур хоқони шаънига битилган Шине-усу (VIII аср ўртаси) ёдномасида тилга олинган. 1202 йили Чингизхон Ўнан (Онон) дарёси бўйида саккизта туғни тиккан ҳолда салтанат ташкил топганини эълон қилган. Ислом дини қабул қилингандан кейин ҳам туркий давлатларда туғ қўлланишда давом этган. Чингизхон салтанатида, салжуқийлар, мамлуклар, қорахонийлар, усмонийларда, темурийларда ҳам туғ мавжуд бўлган.

Туғро – Ўтмишда Шарқ мамлакатларида подшоҳ ва хонларнинг фармонлари бошида уларнинг унвони – ном ва амалларини кўрсатувчи махсус безакли ёзув, рамзий белги, сарлавҳа ўрнидаги сўз, жумланинг безак сифатида ёзилиши.

Туғрулбек – Салжуқийлар давлатининг асосчиси. *Яна қар.: Салжуқийлар давлати.*

Туғлуқ Темур – Жете (Мўғулистон) давлатининг биринчи хони (1348-1363 йиллар).

Туғчи – Ўрта Осиё хонликларида байроқ (туғ)ни кўтариб юривчи сарбоз. Туғчини “байроқдор” ёки “аламбардор” деб ҳам аташган.

Туғчибоши – Ҳарбий қисм байроғи (туғи)ни олиб юривчи ва кўриқловчи бўлинма бошлиғи. Ўтмишда ҳар бир ҳарбий қисм ўз байроғига эга бўлган. XVIII–XIX асрларда Ўрта Осиё хонликларида амалда бўлган “тўқсабо” ҳамда “тўқсовул” атамалари “туғчибоши” сўзининг варианты ҳисобланади. *Яна қар.: Тўқсабо.*

Тухфа – Кишининг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса, совға, тортиқ.

Тэнно – Япон императори унвони. Шунингдек, “микадо” атамаси ҳам қўлланилади.

Тэтчер, Маргарет – 1925 йилда туғилган Буюк Британиянинг сиёсий ва давлат арбоби, Бош вазири (1979-1990 йилларда).

Тютчев, Федор – 1803-1873 йилларда яшаб ўтган рус шоири ва дипломати.

Тўлғама – Жанг вақтида ғаним кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, ён ва орқа томондан зарба бериш. Ўрта асрларда мўғул ва туркийлар, хусусан, шайбонийлар тарафидан муҳорабаларда муттасил қўлланиб келган махсус ҳарбий тактик амалиёт. Амир Темур армиясида бундай тактик амалиётни амалга оширувчи алоҳида қисм мавжуд бўлган ва у “қунбул” (“кутбул”) атамаси билан номланган. Тўлғамага биноан душман кучлари қанотлардан кучли ҳужумга учраган ва пароканда қилинган.

Тўмарис – Қадимги Ўрта Осиёда массагет қабиласининг маликаси. Аҳмонийлар ҳукмдори Кир II қўшинларига қарши мардонавор курашган.

Тўн Ябғу – Ғарбий Турк ҳоконлиги ҳукмдори (618-630 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида ҳоконлик марказлашган давлатга айланган, унинг чегаралари Олтойдан то Ҳинд дарёси бўйигача кенгайтирилган.

Тўнқатор – Ўрта Осиё хонликларида хон саройига келган улуғ зотларни отдан туширувчи мансабдор шахс.

Тўпхона – Ўрта Осиё хонликларида тўплар ва бошқа қурол-аслаҳалар сақланадиган жой.

Тўпчибоши – Ўрта Осиё хонликларида юқори ҳарбий лавозим. Бухоро амирлигида иккита тўпчибоши ҳарбий унвони бўлган: бири “тўпчибошийи лашкар” номи билан аталиб, Бухоро гарнизонининг бошлиғи бўлган. Уни “вазири ҳарб” – ҳарбий вазир ҳам дейишган. Иккинчи тўпчибоши Бухоро қалъасининг бошлиғи бўлган. Уни “тўпчибошийи арки олий”, яъни қалъа артиллериясининг бошлиғи дейишган.

Тўра (Тўру) – 1. Қонун, қоида, интизом, урф-одат. Қадимги туркийлар ижтимоий ҳаётини тартибга солган мажбурий қоида(норма)лар мажмуи. Туркий давлатларда ҳукмдорнинг бурч ва мажбуриятлари, вазифаси, шунингдек, жамиятдаги ҳуқуқ ва жазони белгилаш тўра асосида амалга оширилган. “Тўра” сўзи “қонун” маъносидан илк бор Хитой йилномаларида (IV аср) учрайди. 1. Мўғуллар истилосидан кейин Ўрта Осиёда шаклланган зодагонларнинг бир гуруҳи, жаноб, шаҳзода. 2. Ўрта Осиё хонликларида хон маъмурлари номига ҳурмат юзасидан қўшиб айтилган атама, мас.: Катта тўра.

Тўрон мамлақати – Араб ва форс манбаларининг маълумотларига кўра, Амударёнинг шимолида жойлашган ерлар.

“Тўрт кичик иқтисодий аждарлар” – Осиё қитъасида охириги йилларда индустриал ривожланган Тайвань, Корея Республикаси, Сингапур ва Сянган давлатларининг мажозий номланиши.

“Тўрт табақа тўғрисида”ги қонун – Японияда 1869 йилда қабул қилинган қонун. Унга кўра, Япония жамиятида мавжуд бўлган тўрт тоифаларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган.

Тўрт фазилат – Ўтмишда улуғланган инсонга хос бўлган фазилатлар: ҳиммат, шижоат, иффат ва адолат.

Тўхтамишхон (Тўхтамиш) – 1342-1408 йилларда яшаб ўтган Олтин Ўрда ҳукмдори. Чингизхон ўғли Жўжихоннинг наслидан бўлган. Тўхтамишхоннинг отаси 1375 йилда Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон томонидан қатл этилган. Шундан сўнг Тўхтамишхон Амир Темур олдига келган ва унинг ёрдами билан дастлаб Оқ Ўрда, 1380 йилда эса Олтин Ўрда тахтини эгаллаган. Тўхтамишхон қисқа вақт ичида ички низоларга барҳам бериб, Олтин Ўрда давлатининг бирлигини қайта тиклашга эришган. 1482 йилда у Москва шаҳрини эгаллаган ва уни талон-торож қилган. Ўзининг кучига ортикча баҳо берган Тўхтамишхон Амир Темурнинг ҳарбий сафарда бўлганидан фойдаланиб, 1381 йилда Озарбайжон ва Мовароуннаҳрга бостириб кирган. У Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини қамал қилган бўлса-да, уларни забт этишнинг уддасидан чиқолмаган. 1388 йили Амир Темур Шероз шаҳридан кўшинлари билан Тўхтамишхонга қарши урушга отланган. Тўхтамишхон Амир Темур билан юзма-юз урушишдан қўрқиб Дашти Кипчоққа қайтиб кетган. 1391-1395 йилларда Амир Темур Тўхтамишхонни Кундузча ва Терек дарёлари бўйида бўлган жангларда мағлубиятга учратган. Амир Темур Олтин Ўрда пойтахти бўлган Сарой шаҳрини ишғол этиб, ғарб томон қочиб кетган Тўхтамишхон ўрнига Темур Қутлуғни Олтин Ўрда хони этиб тайинлаган. Шундан кейин Олтин Ўрда олдинги мавқеини тиклай олмаган. Бу фақат Амир Темур салтанати учун эмас, балки Русь давлати учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Чунки Русь давлати учун муғул-татар зулмидан қутулишда шарт-шароитлар яратган. Тўхтамишхон 1397-1399 йилларда Литва қироли Вютайтаснинг ҳарбий ёрдами билан Олтин Ўрда тахти учун уруш олиб борган, лекин мағлубиятга учраган. 1408 йилда Тўхтамишхон Тюмень шаҳри атрофида қўлга туширилган ва Олтин Ўрда хони Идику (Егидей) томонидан қатл этирилган.

Тўшакчи – Ўтмишда ҳукмдорларнинг сарой хизматчиси. Тўшакчилар ҳукмдорларнинг кўрпа-тўшаги ва бошқа ётиш-туриш анжомларини назорат қилиб боришган.

Тўқсабо (Тўқсобо) – Ўтмишда Бухоро амири томонидан катта қалъа ва кўрғонлардаги ҳарбий гарнизонни бошқариш учун тайинланадиган ҳарбий мансабдор. Қўқон ва Хива хонликларида тўқсабо, асосан, бир полкдан ташкил топган ҳарбий қисм кўмондони. Рутба жиҳатдан чор ҳукумати армиясининг “полковник” унвонига тўғри келади.

Тўғуз (Тўққиз)-Ўғуз – Ўтмишда уйғур қабилалари иттифоқининг номи. Тўғуз-ўғузлар уйғурларнинг илк қабилалари иттифоқи ҳисобланган **теле** таркибида бўлишган. Кейинчалик тўғуз-ўғузлар кучайиб, 663 йили биринчи мустақил Уйғур хонлигини барпо этишган.

–у–

Уатт, Жеймс – 1765 йилда Англияда пар (буғ)да ишлайдиган машинани ихтиро этган ихтирочи.

Убайдуллахон – Шайбонийлар давлатининг ҳукмдори (1533-1540 йиллар). Убайдуллахон тасаввуфнинг яссавия ва накшбандия тариқатларига эътиқод қилиб, шайх сифатида муридларни ҳам тарбиялаган. У ўзбек, форс ва араб тилларида шеърлар (асосан рубоийлар) ёзган. Убайдуллахон ижодида диний-тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида шайбонийлар давлатининг пойтахти Самарқанддан Бухоро шаҳрига кўчирилган, давлатнинг номи расмий равишда “Бухоро хонлиги” деб аталган, Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи ошган (масалан, Мир Араб мадрасаси қурилган). Убайдуллахон 1540 йилда вафот этган ва Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Накшбанд мақбарасидаги Дахмаи шоҳон (Шоҳлар дахмаси)даги шайбонийлар хилхонасига дафн этилган.

Убайдуллахон II – Аштархонийлар давлатининг ҳукмдори (1702-1711 йиллар). Убайдуллахон II нинг отаси Субҳонқулихон ўлими олдидан ўзининг валиаҳди этиб набираси, Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонни тайинлаган. Лекин Убайдуллахон II Бухоро уламолари ва кўшинлари ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаган. Бундан аштархонийлар сулоласининг нуфузли амалдори Муҳаммад Муқимхоннинг оталиғи ҳисобланган Маҳмудбий (Маҳмуд Қатағон) ўз норозилигини билдириб, 1703 йилда Кубодиён, 1704 йилда Термизни ўз тасарруфига ўтказган ва Балхни мустақил давлат деб эълон қилган. 1707 йилнинг март ойида Маҳмудбий беклар фитнаси натижасида Муҳаммад Муқимхонни қатл эттирган. Буни баҳона қилиб Убайдуллахон II 1707 йилнинг май ойида Балхга юриш қилиб, шаҳарни бир ойга яқин қамал қилгандан кейин эгаллашга муваффақ бўлган. Маҳмудбий эса қочиб қолишга улгурган. Кейинчалик (1711 йилда) Маҳмудбий машҳур сўфий шоир Машрабни қатл эттирган. Убайдуллахон II ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрга жунғор (қалмоқ)ларнинг ҳужумлари кўпайган, қозоқ ва қорақалпоқларнинг аштархонийлар давлати ҳудудига жунғорлар зулмидан қочиб, кўчиб келишлари авж олган. Убайдуллахон II мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида давлатни бошқаришда ўрта табақа – ҳунармандлар ва савдогарларни жалб қилган, йирик ер эгаларининг имтиёзларини қисқартирган, давлат хазинасини тўлдириш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида пул ислоҳоти ўтказган, ободончилик ишларига эътибор қаратган. Убайдуллахон II нинг бу ислоҳотлари баъзи Жўйбор хожалари, бадавлат табақа вакилларига ёқмаган. Улар Убайдуллахон II га қарши кўплаб ғалаёнлар уюштиришган. Убайдуллахон II сарой фитнаси натижасида ўлдирилган. У Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Накшбанд мажмуасининг Дахмаи шоҳон (Шоҳлар дахмаси)га дафн этилган.

Увайсий (тахаллуси, асл исми Жаҳон) – 1779-1845 йилларда Қўқонда яшаб ижод қилган шоира ва маърифатпарвар. Увайсий тўртта девон тузганлиги маълум. У мумтоз ўзбек шеърятининг деярли барча жанрларида ижод қилган.

У-ван – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Чжоу шоҳлигининг асосчиси, чжоу қабиласининг раҳбари.

Уд – 1. Қадимий чолғу асбоби, барбад. 2. Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган новдалари қаҳваранг ва хушбўй дарахт.

Удайчи (худайчи) – Ўрта Осиё хонликларида хон саройида тантанали маросимларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш билан шуғулланадиган мансабдор шахс, асли “ҳидоятчи”. Ўнг қўл удайчиси ва чап қўл удайчиси мавжуд бўлган. Улар олий ҳукмдорнинг ўнг ва чап ёнида туриб, саройида ўтказиладиган турли маросим ва тантаналарни бошқаришган. Шунингдек, бошқа давлатлардан келган давлат вакиллари хукмдор олдига олиб кириш ҳам удайчи зиммасида бўлган.

Удель – Рус ерларида князлик оиласи аъзосининг уруғ бошқарувидаги меросий улуши.

Удель ерлари – Россияда 1797 йили сарой ерларидан ташкил этилган подшо оиласининг шахсий ер мулклари. Удель деҳқонлари томонидан ишланган. 1863 йилда удель деҳқонлари озод этилгандан кейин, уларни сотишган ёки ижарага беришган.

Удель князлиги – Рус ерларида XII–XVI асрларда буюк князликларнинг таркибий қисми, буюк князь оиласи аъзоси томонидан бошқарилган.

У-ди – Мил. ав. 140–87 йилларда яшаб ўтган қадимги Хитойда мавжуд бўлган Биринчи Хань империясининг ҳукмдори.

Удум – Ҳар бир уруғ, қабила, элат, миллат ва халққа тегишли бўлган, улар томонидан қабул қилинган тартиб, одат, русум, анъана.

Уезд – Чор Россияси ва собиқ СССРда 1929 йилгача губерния таркибидаги маъмурий-худудий бўлинма. Ҳозирда тахминан туман худуди ва унинг аҳолисига тенг.

Узлар – Қадимги туркий қавм. Узлар VII-VIII асрларда Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта оқими худудларида яшаб Турк ҳоконлиги, кейинчалик Туркеш ҳоконлиги ва Қарлуқ давлати таркибида бўлишган. Узларнинг бир қисми ғарбга силжиб, VIII аср охирида Орол денгизининг жанубий-шарқий худудларига бориб ўрнашиб, ўғузлар тасарруфида бўлишган. Кейинчалик узларнинг ушбу гуруҳи яна ҳам ғарбга силжиб, жанубий рус чўллари орқали Ғарбий Европа (Греция, Венгрия)га ўтиб кетганлар. Узларнинг кейинги авлодлари “тагауз” номи билан ҳозир ҳам Молдавия Руминия ва Венгрияда яшайдилар. Узларнинг салмоқли қисми ўзбек халқининг таркибига кирган. Улар, асосан, Зарафшон воҳасининг ўрта оқимларида (қора уз), Навоий туманида, Каттакўрғон туманининг Улус жамоа хўжалигида ҳозир ҳам яшайдилар. Узларнинг катта гуруҳи Қарши чўлига яқин Хардури, Талоқтепа, Шўрабозор, Утамали қишлоқларида яшайдилар.

Узлат – Кишилардан узоқ, якка ҳолда яшаш, ёлғизлик.

“Узун пичоқлар туни” – Фашистик Германия раҳбари Адольф Гитлер томонидан ўз рақиблирини бартараф қилиш бўйича амалга оширилган тадбир. 1933-1934 йилларда СА –“жигарранг кўйлаклилар” ўзларининг лидери бўлган Эрнст Рем бошчилигида Гитлердан қатъийлик билан ҳаракат қилиб, инқилобий ўзгаришларни тезроқ ўтказишни талаб қила бошлашган. Гитлер икки ўт орасида қолган: бир томондан, инқилобий ўзгаришларни талаб қилаётган “жигарранг кўйлаклилар”, иккинчи томондан эса, мамлакатнинг ичида радикал ўзгаришларни амалга ошириш душманлари ва унга моддий ёрдам кўрсатган ва кўрсатаётган саноатчилар ва армия генералитети. Ушбу

вазиятда Гитлер қатъий ҳаракат қилган. СС – “қора кўйлаклилар” раҳбари бўлган Генрих Гиммлер билан келишилган ҳолда 1934 йил 30 июнда “узун пичоқлар туни” деб номланган тadbир ўтказган, яъни СА – “жигарранг кўйлаклилар”нинг барча раҳбарлари қамоққа олинган, уларнинг аксарияти (шу жумладан капитан Эрнст Рем ҳам) ўлдирилган. Шундан кейин Гитлер деярли барча асосий сиёсий рақибларини мағлуб этиб, диктаторга айланган.

Узурпация – Ҳокимиятни ёки бировнинг ҳуқуқини хилоф равишда зўрлик билан тортиб олиш. Бу ишни амалга оширган кишини “узурпатор” дейилади.

Уитенагемот – VI-XI асрларда Англиядаги англ-сакс қиролликларида зодагонлар кенгаши. Қирол ҳузуридаги олий судлов ва маслаҳат органи саналган.

Уйруқ (уруқ) – 1. Дастлаб амир ёки хоннинг хотини, болалари, хизматкорлари яшаган чодирлар. 2. Кейинчалик “уйруқ” деганда ҳарбий ҳаракатлар вақтида кўшин ортидан боровчи қарвон тушунилган. Унда ҳукмдорнинг хизматкорлари, ҳарам аҳли, қурол-яроғ, озиқ-овқат қабилар олиб юрилган.

Уйғониш даври (Ренессанс) – Инсоният тарихидаги ижтимоий-маънавий юксалиш, илм-фан ривожини ифодалаш учун XVIII аср маърифатпарвар файласуфлари томонидан илмий муомалага киритилган тушунча. Ўрта асрларда инсон тафаккури, ижодий куч-қудрати, яратувчанлик имкониятларини одамзод бахт-саодати, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, жамиятнинг гуллаб яшнаши томон интилишини ифодаладиган маънавий-ижтимоий ҳаракат жараёни. Уйғониш даври XIII асрда Италияда бошланган бўлиб, XIV-XVI асрларда Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Бу даврда фан-техника, адабиёт, санъат, таълим-тарбия соҳалари инсоният тараққиётига улкан таъсир кўрсатган ва унинг маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк аждодлар яшаган. Ренессанс даврида ўзига хос янги маданият яратилган, христиан дини ўзининг мафкуравий ҳукмронлик мавқеини йўқота бошлаган, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида дин ва черковнинг зўравонлик таъсири барҳам топган, кишиларнинг фикрлаш маданиятида туб ўзгаришлар рўй берган. Тарихчи-олимларнинг фикрича, Шарқда Уйғониш даври VIII асрдан бошланган бўлиб, мўғул истилоси ва ҳукмронлиги туфайли XIII-XIV асрларда тўхтатилган ва Амир Темур салтанатида янги раванқ босқичида давом этган.

Уйғурлар – Ҳозирги Хитойнинг ғарбий қисмида, шунингдек, Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи халқ, уйғур халқи.

Уламо – Ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунослари, шунингдек, диний муассасаларда, қозилик маҳкамаларида, диний ўқув юртларида мутасадди бўлган барча мусулмон диндорлар.

Уланлар – Европа армияларида XVIII–XX асрларда енгил кавалерия тури. Номи мўғулларнинг найза билан қуролланган отлик кўшинидан келиб чиққан. Найзалар, қиличлар ва тўппонча билан қуролланишган. Ҳарбий кийимининг ўзига хос белгиси узун тўртбурчак бош кийими бўлган.

Улжой Туркон – Соҳибқирон Амир Темурнинг хотини. Чифатой улусининг хони Қазағоннинг невараси, Амир Ҳусайннинг синглиси.

Улус – 1. Мўғуллар давлатининг шаклланиш даври (XIII аср боши)да муайян бир нўёнга тобе бўлиб, унга қарашли ерларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирувчи катта-кичик оилалар гуруҳи. 2. Чингизхон тузган илк мўғул давлати. 3. Мўғуллар истилоси даврида босиб олинган ҳудудлардан Чингизхон фарзандларига бўлиб берилган мулк (удел)лар (мас., Жўжи улуси, Чиғатой улуси ва ҳоказо).

Улуфа – 1. Ўрта Осиёда ҳарбий қўшин ва лашкар ихтиёридаги от-улов учун маҳаллий аҳолидан ундириладиган натурал солиқ. 2. Ўтмишда жангчиларга бериладиган маош.

Улуғ – Бекиёс, истеъдодли, юксак қобилият эгаси.

Улуғбек, Мирзо – 1394-1449 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек астрономи, математики, ва давлат арбоби. Улуғбек Амир Темурнинг суюкли невараси, Шоҳрухнинг ўғли бўлган. Эрон Озорбайжонининг Султония шаҳрида туғилган. Амир Темур неварасига “Муҳаммад Тарағай” ва “Улуғбек” деб номлар қўйган. Амир Темур Улуғбек тарбиясига алоҳида эътибор берган. 1404 йилда Амир Темур Самарқанднинг Кониғил мавзесида катта маросим ўтказган. Унда олти невараларини, шу жумладан Улуғбекни, никоҳ тўйларини ўтказган. Ўша тўйда Амир Темур тантанали тарзда Улуғбекка Тошкент, Сайрам, Самарқанд, Мўғулистонни то Хитой ҳудудигача суюрғол қилиб берган. Амир Темур вафот этгандан кейин Самарқанд тахтини Амир Темурнинг невараси (Мироншоҳнинг ўғли) Халил Султон эгаллаган. 1409 йили Мовароуннаҳр Шоҳрух қўлига ўтган. Шоҳрух Амир Темур васиятига биноан Улуғбекни Мовароуннаҳр тахтига ўтказган. Ўшанда Улуғбек 15 ёшда бўлган. Улуғбек ёш бўлгани сабабли Шоҳмаликни унга ҳомий этиб тайинлаган. 1411 йилда Шоҳрух Самарқандга келган ва қайтаётиб Шоҳмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетган. Шундан сўнг 17 ёшли Улуғбек Мовароуннаҳрни ўзи бошқарган. 1425 йилда Улуғбек ўзини мустақил деб эълон қилган Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлонга қарши урушган ва ғалаба қозонган. 1427 йили эса Улуғбек Сифноқ шаҳри учун қипчоқлар ҳукмдори Бароқхон (1428 йилда вафот этган) билан урушган ва мағлубиятга учраган. Мовароуннаҳр хавф остида қолганини пайқаган Шоҳрух Хуросондан катта лашкар билан келиб, Бароқхонни мағлуб этган ва Сифноқни ўғли Улуғбекка қайтадан олиб берган. 1447 йилда Ҳиротда Шоҳрух вафот этган ва темурий шаҳзодалар ўртасида рақобат кучайган. Улуғбек 1449 йилда ўғли Абдуллатиф розилиги билан ўлдирилган. Улуғбекнинг жасади Гўри Амир мақбарасида дафн этилган. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даври (1409-1449 йиллар)да Мовароуннаҳрда кўплаб мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва карвонсаройлар қад кўтарган қабристон ва зиёратгоҳлар обод этилган. Самарқанд янада ривожланган. Шаҳарда савдо, ҳунармандчилик, меъморилик, илм-фан, адабиёт тараққий топган. Улуғбек раҳнамолигида Бухорода (1417 йили), Самарқандда (1417-1420 йиллари) ва Ғиждувонда (1432-1433 йиллари) мадрасалар қурилган, Шоҳизинда ансамбли, Амир Темур (Гўри Амир) мақбараси такомиллаштирилган. Улуғбек қурдирган мадрасалар ўша даврдаги ўзига хос дорулфунун бўлган. Самарқандда қурдирган мадрасасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший каби ўша замон

олимлари ва шу жумладан Улуғбекнинг ўзи ҳам ҳафтада бир маротаба маъруза ўқиган. Мирзо Улуғбек Самарқанд илмий мактабини яратган. У курдирган мадраса ва расадхонада 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борган. Бухородаги Улуғбек курдирган мадрасанинг дарвозаси тепасига “Билим олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакнинг бурчидир”, деган сўзлар ёзиб қўйилган. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Шаҳрисабзда Кўк Гумбаз масжиди (1434-1435 йиллар), Гумбази саййидон (1437-1438 йиллар) каби иншоотлар ҳам қурилган.

Улуғбек расадхонаси – 1428-1429 йилларда Мирзо Улуғбек фармони билан Самарқандда Кўҳак (Чўпонота) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган расадхона. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қайд этилишича, Улуғбек расадхонасининг биниси 3 қаватли бўлиб, унинг баландлиги 30,4 метр, иморат айланаси эса 47 метрга тенг бўлган. Унда ўндан ортиқ турли астрономик қурилма ва асбоблар мавжуд бўлган. Бу асбоблар ёрдамида Қуёш, Ой, сайёралар ва алоҳида юлдузлар кузатилган ва ўрганилган. Расадхона ичи ҳам коинот, ер курраси тасвирлари билан безатилгани учун, халқ орасида уни “Нақши жаҳон” деб аташган. Улуғбек расадхонаси қошида 15 минг жилддан иборат бой кутубхона ҳам бўлган. Улуғбек расадхонасида Гиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби ўша даврнинг машҳур олимлари фаолият кўрсатишган. Улуғбек раҳбарлигида расадхонада жамланган маълумотлар асосида 1437 йилда жаҳонда машҳур бўлган “Зижи Кўрагоний” асари яратилган. “Зижи Кўрагоний” “Зижи жадиди Кўрагоний” (“Кўрагоний янги астрономик жадвали”) деб ҳам аталади. Унда 1018 та юлдузнинг таърифи ва жадвали (жойлашган жойи) келтирилган. XVII асргача, яъни жаҳонда оптик асбоблар ихтиро қилинмагунча, бутун дунё олимлари вақтни аниқлаш, географик координатларни ўлчаш ва турли астрономик масалаларни ҳал этишда “Зижи Кўрагоний”да келтирилган маълумотлардан фойдаланишган. Улуғбек математика фанига бағишланган “Рисолаи Улуғбек”, эски ўзбек тилида тарих соҳасига бағишланган “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарларининг ҳам муаллифидир. Улуғбек шеърлар ҳам ёзган. Улуғбек расадхонаси XVI асрга келиб қаровсиз қолган ва вайронага айланган. 1908 йилда археолог, профессор В.Л.Вяткин раҳбарлигида олиб борилган қазилма ишлари натижасида Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари топилган. Мустақиллик йилларида Улуғбек расадхонаси қайтадан таъмирланган.

“Улуғ октябрь социалистик инқилоби” – 1917 йил октябрь ойида большевиклар партияси амалга оширилган давлат тўнтаришининг большевиклар партияси томонидан номланиши. *Яна қар.: Октябрь давлат тўнтариши.*

Ультиматум – Бир давлатнинг иккинчи давлат олдига қўйган қатъий талаб. Талаб бажарилмаган тақдирда фавқулодда чоралар (мас. уруш эълон қилиш, дипломатик алоқаларни узиш, иқтисодий блокада сиёсатини қўллаш) қўрилиши билан қўрқитиш.

Умавийлар – 661-750 йилларда араб халифалигида ҳукмронлик қилган сулола. Ушбу сулоланинг асосчиси маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар

зодагони Абу Суфённинг ўғли Муовия ҳисобланади. Муовия халифа Али ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 йили Муовия ва Али ўрталарида уруш бошланган. Уч ой давом этган жанг натижасиз тугаган. Али 661 йилда вафот этгандан кейин Муовия ягона ҳукмрон бўлиб қолган ва араб халифалигида умавийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Умавийлар пойтахти Дамашқ шаҳри бўлган. 747-759 йилларда Абу Муслим раҳбарлигидаги кўзғолон натижасида Умавийлар сулоласи вакили Марвон II тахтдан туширилган ва араб халифалигида ҳокимият Аббосийлар сулоласи қўлига ўтган.

Умавийлар (Дамашқ) халифалиги – 661 йилдан 750 йилгача мавжуд бўлган халифалик. Пойтахти Дамашқ шаҳрида бўлганлиги учун уни “Дамашқ халифалиги” деб ҳам аташади. Умавийлар сулоласининг асосчиси маккалик йирик савдогар ва курайшийлар зодагони Абу Суфённинг ўғли Муовия ҳисобланади. Муовия халифа Али ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 йили Муовия ва Али ўрталарида уруш бошланган. Уч ой давом этган жанг натижасиз тугаган. Али 661 йилда вафот этгандан кейин Муовия ягона ҳукмрон бўлиб қолган ва араб халифалигида умавийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Умавийлар халифалиги даврида араблар Шимолий Африка ва Пирения ярим оролини (VIII аср бошларида) босиб олганлар. Араблар Константинополга икки марта (669 ва 680 йилларда) ҳарбий юриш қилган. 717-718 йилларда араблар учинчи марта Константинополь остонасига келиб, уни бир йил қамал қилишган. Шарқда араб кўшинлари Ўрта Осиёнинг ичкарасигача кириб бориб, Хива, Бухоро, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини ишғол қилганлар. Арманистон билан Грузия ҳам умавийлар халифалиги таркибига кирган. Халифаликнинг чегаралари Ғарбда Атлантика океанигача, шарқда эса Хитой билан Ҳиндистон чегараларигача бориб етган. Кейинчалик босиб олинган чекка вилоятларда Дамашқ ҳукмронлигига қарши норозилик кучайиб борган. 747 йилда шарқий Эрон ва Хуросон деҳқонларининг умавийларга қарши кўзғолонлари бошланган. Бу кўзғолонга Абу Муслим бошчилик қилган. Абу Муслим кўзғолони, Месопатамия феодаллари тазйиқи таъсирида 750 йилда умавийлар сулоласи ҳукмдори Марвон II тахтдан туширилган ва араб халифалигида ҳокимият Аббосийлар сулоласи қўлига ўтган.

Умар – Араб халифалигининг халифаси (634-644 йиллар).

Умар ибн Абдулазиз – 681-720 йилларда яшаб ўтган умавий халифа.

Умар ибн Хаттоб – 584-644 йилларда яшаб ўтган тўғри йўлдаги тўрт халифаларнинг иккинчиси. Муҳаммад Пайғамбарнинг саҳобалари ва қайноталари.

Умаро – Юқори мансабли ҳарбий амалдорлар, ҳарбий бошлиқлар.

Умархон – Кўқон хонлигининг машҳур ҳукмдорлардан бири (1810-1822 йиллар). Кўқон хонлигининг дин пешволари ва зиёлилари Умархонни унинг акаси Олимхон ўрнига тахтга ўтказганлар. Умархон ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигига қарашли Туркистон (1815 йилда) ва Ўратепа (1817 йилда) босиб олинган, Сирдарё бўйидаги ерларда, яъни Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган муҳим савдо йўлида ҳамда Чимкентдан Или дарёсигача бўлган

худудларда, ҳарбий истехкомлар қурилган, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар қурилган, қабристонлар тартибга келтирилган, Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, Қўқонда ўзига хос илмий-маданий марказ вужудга келган. Умархон “Амирий” тахаллуси билан ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзган. Умархоннинг девони ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган. Унинг саройида 70 дан ортиқ шоирлар йиғилган. 1821 йилда Умархон фармони билан Фазлий Намангоний 63 шоирнинг шеърларини ўз ичига олган “Мажмуаи шоирон” (“Шоирлар мажмуаси”) тазкирасини тузган. Умархон 1822 йилда касалланиб вафот этган.

Умаршайх Мирзо – 1356-1394 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг иккинчи ўғли. Моҳир жангчи бўлган. Амир Темур ёнида туриб, кўплаб жангларда қатнашган. 1394 йилда Умаршайх Форс вилоятини забт этиш билан банд бўлган вақтда Амир Темур Миср ва Шом (Сурия)ни ишғол этаётган бўлган. Амир Темур Умаршайхни ўз хузурига етиб келишини буюрган. Умаршайх йўлда Бағдод яқинидаги Хармоту қалъасига дуч келган. Ушбу қалъани яхшироқ томоша қилиш мақсадида у қалъа ёнидаги бир тепаликка чиққан. Шу вақтда Хармоту қалъаси ичидан отилган камон ўқи Умаршайхнинг қулоғи остидаги кўк томирга теккан. Умаршайх шу заҳоти оламдан кўз юмган. Умаршайх кўшинлари Хармотуни ер билан яқсон қилишган. Умаршайх Амир Темур буйруғи билан Шерозда дафн этилган. Кейинчалик унинг жасади Кеш (Шаҳрисабз)га олиб келинган ва темурийлар дахмасида дафн этилган.

Умма – Мусулмон таълимотига кўра, Ислом динини қабул қилганлар мусулмонлар жамоаси.

Уммат – Бир пайғамбарга эргашган инсонлар жамоаси.

Умра – Каъба зиёратига бориладиган муайян кунлардан бошқа вақтда Маккага бориб ҳаж сафарини адо этиш, кичик ҳаж.

Умумжаҳон Буддистлар биродарлиги – 1950 йилда ташкил этилган ташкилот.

Умуминсоний маънавият – Ҳар бир инсон, жамият ва барча тоифадаги кишилар учун энг олий қадрият сифатида эъзозланадиган ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлган маънавий ҳодисалар, маданий бойликлар, адабиёт, фан, санъат ютуқлари, дин, сиёсат, ҳуқуқ соҳасидаги ютуқлар ва натижалар.

Умуминсоний қадриятлар – Жаҳондаги барча одамлар, халқлар ва давлатлар учун умумий кадрлаш мезони ҳисобланган, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар тизими (озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат, маданий бойликлар ва ҳоказо).

Умумҳиндистон Мустақиллик Лигаси – Ҳиндистонда Жавоҳарлаъл Неру томонидан тузилган сиёсий партия. Ушбу партия аъзолари мустамлакачиларга қарши фаолроқ, кескинроқ кураш олиб бориш тарафдорлари бўлишган.

Унапишадлар – Унапишад (махфий таълимот)лар веда адабиётида келтирилган фалсафий-диний рисоалар бўлиб, уларда ҳиндлар тангриси ҳисобланган Брахма худоси улуғланган.

Унгур – Тоғлиқлардаги тик ўйиқ жой, ғор.

Универсаль – 1. Феодализм даврида Польшада манифест хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар. 2. XVII асрда украин гетманлари ёрлиқлари. 3. 1917-1918 йилларда Украин Марказий радаси мурожаатномалари.

Университет – Турли соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш, айти вақтда илмий-тадқиқот ва кашфиётларни амалга оширадиган олий таълим муассасаси.

Унитар давлат – Давлат тузилиши шакли. Бунда давлат худуди таркибида, федерациядан фарқли равишда, федератив бирликлар (штатлар, ерлар) бўлмайди, балки у маъмурий-худудий бирликлар (туманлар, вилоятлар, кантонлар ва ҳоказо)га бўлинади. Мазкур мустақил қисмлар давлат суверенитети аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий органларнинг ягона тизими ҳамда ягона қонунчилик (конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти) бўлади.

Уния – 1. Давлатларнинг бирлашмаси, иттифоқи: шахсий уния – ягона монарх ҳукмронлиги остида; реал уния – шартнома ёки кучлироқ давлатнинг бир томонлама ҳужжати асосида. 2. Черков унияси – православ ва католик черковларининг Рим папасини тан олиб ўз маросим ва ибодатларини сақлаган ҳолда бирлашиши.

Урарту давлати (Арарат подшолиги) – Мил. ав. IX–VI асрларда Оссурия шимолида, ҳозирги Туркия ва Арманистон худудларида мавжуд бўлган давлат. Урарту давлати христиан динининг муқаддас китоби бўлган Библияда “Арарат подшолиги” деб аталган. Урарту худудида мавжуд бўлган Ван кўлининг суви ўта шўрлиги ва истеъмолга яроқсиз бўлганлиги сабабли тахм. мил. ав. 800 йилда Урарту шоҳи Менуа фармони билан тоғларни ёриб узок тоғли чашмалардан каналлар орқали сув келтирилган. Урарту давлати Аргишти I ҳукмронлиги даври (мил. ав. 786-764 йиллар)да энг юксак ривожланиш чўққисига етган. У Аракс дарёсининг чап соҳилида мустаҳкам истеҳкомга эга янги шаҳар қурдирган. Бу шаҳар Аргишти шарафига “Аргиштихинили” деб номланган. Мил. ав. VIII асрда Оссурия Урарту қўшинларини бир неча марта мағлубиятга учратган. Бу ҳужумлардан Урарту кўп моддий зарар кўрган. Мил. ав. VII асрда Урарту ўзини ўнглаб олган ва Севан кўли атрофида ўз мавқеларини мустаҳкамлаганлар. Урартунинг бу ердаги катта шаҳри Тейшебапни (ҳозирги Ереван шаҳрининг яқинида) бўлган. Мил. ав. VI аср бошида Урарту давлати кучайиб бораётган Мидия томонидан тор-мор этилган ва унинг таркибига кўшиб юборилган. Урарту маданияти аввалда Оссурия маданияти таъсирида шаклланган. Кейинчалик Урартуда ўзига хос маданият вужудга келган. Урартуда тошдан ясалган унча катта бўлмаган зодагонлар қасрлари, ибодатгоҳлар, метал ва тошлардан ясалган ҳайкалчалар ва анжомлар моҳирлик билан яратилган.

Урбан II – Рим папаси. 1095 йилда салиб юришларини амалга оширишга даъват этган. *Яна қар.: Салиб юришлари.*

Урбанизация – Жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши, саноат ва аҳолининг йирик шаҳарларга тўпланиш жараёни.

Ур давлати – Тахм. мил. ав. 2109 йили-мил. ав. XX аср бошларида Месопотамияда мавжуд бўлган қадимий давлат тузилмаси. Ур давлати ҳозирги Ироқ Республикасидаги Никосия шаҳридан тахм. 20 км. жанубий-шарқда жойлашган. Ур давлати ҳукмдорлари ўзларини Шумер ва Аккад давлатлари ҳукмдорларининг намояндалари деб аташган. Мил. ав. XX аср бошларида Ур давлати бир нечта тарқоқ давлатларга бўлиниб кетган. Мил. ав. IV аср охирида эса Ур давлати батамом таназзулга учраган.

Урон – Ўтмишда жанг пайтида аскарлар бир-бирларини адашиб ўлдириб қўймаслик учун ишлатиладиган махсус чақирик, хайқирик, нидо.

Уруш – Ижтимоий гуруҳлар, миллат (халқ)лар, давлатлар ўртасидаги низоларни куч, одатда, қуроли кучлар ёрдамида ҳал қилиниши. Урушда асосий ва ҳал қилувчи восита сифатида қуроли кучлардан, шунингдек, курашишнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва бошқа воситаларидан фойдаланилади. Урушлар давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат натижасидир. Урушларни қуйидагича таснифлаш мумкин: жаҳон урушлари, маҳаллий урушлар, фуқаролик уруши, миллий озодлик урушлари.

Уруғ – Қон-қариндош кишиларнинг ижтимоий-маънавий уюшуви натижасида шаклланган жамоа. Бир аждоддан тарқалган қон-қариндошлар.

Уруғ-аймоқ – Қариндошлик муносабати билан ўзаро боғланган ва бир жойда яшайдиган кишилар, қариндош-уруғ.

Урф-одат – Анъаналар асосида маълум ҳудудда яшовчи халқлар томонидан қабул қилинган, тарихан таркиб топган тартиб-қоида, расм-русум, тамойиллар. Мас., ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, байрамлар арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш ва бошқалар азалий урф-одатлар сирасига киради. Урф-одат ва расм-русумлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади.

Урядник – 1. Чор Россиясида казак қўшинининг кичик офицери. 2. Станица приставига итоат эттирилган уезд полицияси унвони. Урядник мансаби 1878 йили жорий этилган, 1917 йил февраль инқилоби даврида бекор қилинган.

Усмон – Араб халифалигининг халифаси (644-656 йиллар).

Усмон I – 1259-1324 йилларда яшаб ўтган усмонлилар сулоласи ва Усмонли турк империясининг асосчиси. Усмон I даврида ўғуз туркларининг қай уруғи, кейинчалик Усмонли турк империясида яшовчи халқлар “усмонлилар” деб аталган. Усмон I Бурса шаҳрида дафн этилган. *Яна қар.: Усмонли турк империяси.*

Усмон бейлиги (беклиги) – 1299-1922 йилларда мавжуд бўлган Усмонли турк империясининг дастлабки номи. *Яна қар.: Усмонли турк империяси.*

Усмонли турк империяси (Усмонлилар давлати, Оттоман империяси) – Энг ривожланган даврида таркибига Кичик Осиё, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, қисман Кавказ ва Крим кирган, 1299-1922 йилларда мавжуд бўлган улкан салтанат. Салжуқийлар давлатининг парчаланиб кетиши натижасида унинг ҳудудларида кўплаб давлат тузилмалари пайдо бўлган. Булардан бири Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида 1299

йилда вужудга келган Усмон бейлиги (беклиги) бўлган. Бу бекликнинг асосчиси Усмон I бўлган. Усмон беклиги кейинчалик “Усмонлилар давлати” ёки “Усмонли турк империяси” деб атала бошланган. Усмонли турк империясини Европада “Оттоман империяси” деб аташади. Дастлаб Усмонлилар давлатининг ҳукмдорини “бей” (“бек”) деб аташган бўлсалар, кейинчалик Мурод I давридан бошлаб (1362-1389 йиллар) ушбу давлат ҳукмдорини “султон” деб аташа бошлашган. Ўрта асрларда Усмонли турк империяси жаҳоннинг энг қудратли давлатларининг бири бўлган. Амир Темур қўшинларидан 1402 йилдаги “Анқара жанги”да мағлуб бўлгандан кейин Усмонлилар давлати заифлашган. XV асрнинг иккинчи чорагида Усмонлилар давлати ўзини тиклаб олган ва Европада қўлдан кетган ҳудудларни қайтадан ўз тасарруфларига ўтказишган. XVII аср ўрталаридан бошлаб Усмонли турк империясининг ҳарбий ва иқтисодий қудрати Европа мамлакатларига нисбатан заифлаша борган. 1683 йили Вена шаҳри яқинидаги урушда турк қўшинлари Польша, Австрия ва Германиянинг бирлашган қўшинларидан енгилган. 1684 йилда эса Австрия, Польша, Венеция давлатлари Туркияга қарши “Муқаддас иттифок” тузганлар. 1686 йилда бу иттифокқа Россия ҳам қўшилган. Иттифокчилар Туркияга бир неча маротаба қаттиқ зарбалар берганлар. Натижада XVII аср охиридан Турк империяси жаҳон сиёсатидаги мавқеини йўқота бошлаган. Танзимот сиёсати Туркия султони Абдулҳамид II (1876-1909 йиллар) томонидан бекор қилинган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркия Германия томонида туриб Ироқ ва Мисрда Англияга қарши, Кавказ ва Эронда эса Россияга қарши урушган. Биринчи жаҳон урушида Туркия мағлуб бўлгандан кейин 1918 йилда “Ёш турклар” ҳукумати истеъфога чиққан. Шундан кейин Туркияда “Ёш турклар”нинг фаолияти тақиқланган. 1922 йил ноябрь ойида Туркияда султонлик тузумига барҳам берилган. 1923 йил 24 июлида Лозанна конференцияси Севр шартномасини бекор қилган ва Туркиянинг чегараларини белгилаб берган. 1924 йилнинг 29 октябрида эса Туркия Республика деб эълон қилинган. Туркиянинг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк бўлган.

Устоз Сиз бошчилигидаги кўзғолон – 772 йилда Абу Муслим учун ўч олиш мақсадида Хуросонда араб халифалигининг умавийлар сулоласи ҳукмронлигига қарши бўлиб ўтган кўзғолон.

Уструшона – Ҳозирги Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Ўратепа тумани ҳудудларининг қадимги номи.

Устурлоб – Ўтмишда юлдузларни кузатиш учун ишлатиладиган асбобнинг номи.

Утопизм – Хаёлий, хомхаёл қарашлар, назариялар мажмуи.

Утопик социализм – Марксизм-ленинизм таълимоти тарафдорлари томонидан аталадиган таълимот. Уларнинг фикрича, ушбу таълимот реал ҳаёт ва синфий кураш шароитидан ажралган ҳолда, пуч режалар, хомхаёл орзуларга асосланиб жамиятни қайта қуришни тақлиф қилишган.

Утопия – Илмий асослаб берилмаган идеал ижтимоий тузум тасвири; ижтимоий ўзгаришларнинг нореал режалари акс этган барча асарларнинг аталиши. “Утопия” атамаси Т.Морнинг “Утопия” асари номидан олинган. Бу

тушунча кейинчалик адолатли ижтимоий тузум тимсоли – бир хаёлий мамлакат тавсифи сифатида қўлланилган. *Яна қар.: Хаёлий социализм.*

“Учинчи дунё” – Илк бор француз иқтисодчиси, демографи ва социологи Альфред Сови (1898-1990 йиллар) томонидан 1952 йилда ёзилган мақолада қўлланилган ибора. Альфред Сови “учинчи дунё”га Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини киритган. Унинг назарида юксак даражада тараққий топган ғарбий Европа давлатлари “биринчи”, шарқий Европанинг собиқ социалистик давлатлари “иккинчи” дунё давлатларидир.

Учинчи Интернационал – *Қар.: Коммунистик интернационал.*

Учинчи Пуни уруши – Мил. ав. 149-146 йилларда Рим ва Карфаген ўртасида бўлиб ўтган уруш.

“Учинчи рейх” – Германияда Адольф Гитлер томонидан тузилган давлатнинг номланиши.

Уч йиллик уруш – Амир Темурнинг 1386-1388 йилларда Озарбайжоннинг жанубий, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерларда олиб борган урушларининг умумий номи.

Учлик битими – *Қар.: Антанта.*

Учлик иттифоқи (Тройственный союз) – 1882 йил 20 майда Вена шаҳрида Германия, Австро-Венгрия ва Италия давлатлари имзолаган шартнома. 1908 йилда Австро-Венгрия учликдаги иттифоқчиларига ишониб Босния ва Герцоговинани босиб олган. Италия эса 1911-1912 йилларда Туркия билан урушиб, ундан шимолий Африкадаги баъзи ҳудудларини тортиб олган.

“Учта йўқ” платформаси – 1967 йилнинг август ойида араб мамлакатларининг раҳбарлари Исроилга қарши курашда умумий позиция (йўналиш) ишлаб чиқиш учун Судан пойтахти Хартум шаҳрида учрашиб қабул қилинган платформа. “Учта йўқ” платформаси қуйидагилардан иборат бўлган: Исроил билан музокаралар олиб бормаслик, Исроил давлатини тан олмаслик, Исроил билан бир томонлама тинчлик сулҳи тузмаслик. Хартум битимидан кейин Ғарб мамлакатлари ва АҚШ Исроилга ўз ёрдамларини кенгайтирган. “Олти кунлик уруш” вақтида Исроил томонидан босиб олинган араб ерларида оммавий тарзда яҳудийлар кўчиб кела бошлашган.

Ушебтлар – Қадимги Мисрда қабрларга марҳум билан биргаликда кўмилган кўлида меҳнат қуроли ушлаган ҳайкаллар. Мисрликлар тасаввурича, ушебтлар марҳум билан бирга ер ости далаларида ишлашлари керак бўлган. Одатда, ёғочдан ёки юмшоқ тошлардан ишланган. Ушебтлар сони кишининг жамиятдаги мавқеи ва моддий аҳволига қараб фарқланган. Мас., фиръавн Сети I қабрида 700 та ушебтлар топилган.

Ушинский, Константин Дмитриевич – 1824-1870 йилларда яшаб ўтган рус педагог-олими.

Ушр (Ашур, Ашар) – Деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган закот, даромаднинг ўндан бири ҳисобида олинадиган солиқ тури. Мусулмон мамлакатларида натура шаклида (баъзан пул билан) ундирилган. Ушр солиғи йилда бир марта, асосан, деҳқончилик маҳсулотларидан олинган. Ушр олинган ер-сув “мулки ушурия” деб аталган. Турли давлатларда ушр шакли

махаллий шарт-шароитларга кўра ўзгарган. Ўрта Осиёда XX аср бошигача мавжуд бўлган.

Ушр ерлари – Темур ва темурийлар давлатида асосан саййидлар, йирик мусулмон уламолари, илм-фан намояндалари, саркардалар ҳамда “ислом лашкарига ўз ихтиёри билан таслим бўлган”ларга тааллуқли бўлган ерлар. Ушр ерларини “мулки ушурия” деб ҳам аташган. Машҳур тасаввуф вакили Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор йирик мулки ушурияга эга бўлган.

Уэллс, Герберт – 1866-1946 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби.

Уғруқ (Уғрак, Ўғруғ, Укруғ) – Дастлаб амир ёки хоннинг хотини, болалари, хизматкорлари яшаган чодирлар “уғруқ” деб аталган. Кейинчалик “уғруқ” деганда ҳарбий ҳаракатлар вақтида кўшин ортидан боровчи карвон тушунилган; унда ҳукмдорнинг хизматкорлари, хотини ва оиласининг айрим аъзолари, қурол-яроғ, озиқ-овқат ва бошқалар олиб юрилган.

–Ф–

Фабрика – Саноат корхонаси (кўпроқ енгил саноат корхоналари назарда тутилади).

Фавқулодда ҳолат Давлат Кўмитаси (ФХДК) – 1991 йил 19 августда собиқ СССРни сақлаб қолиш бўйича бир гуруҳ фитначилар томонидан тузилган комитет. Фавқулодда ҳолат Давлат Комитетини қисқача “ГКЧП” деб ҳам аташган. “ГКЧП” сўзи русча “Государственный Комитет по чрезвычайному положению” атамасининг биринчи ҳарфларидан олинган. ФХДК таркибига Г.И.Янаев – СССР вице-президенти, О.Д.Бакланов – СССР Мудофаа Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, В.А.Крючков – СССР Давлат хавфсизлиги кўмитасининг раиси, В.С.Павлов – СССР Бош вазири, Б.К.Пуго – СССР Ички ишлар вазири, Д.Т.Язов – СССР мудофаа вазири, В.А.Стародубцев – СССР деҳқонлар уюшмаси раиси, И.Тизяков – СССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа давлат корхоналари ҳамда иншоотлари уюшмасининг президенти киришган. Сиёсий фитначилар давлат раҳбари М.С.Горбачёвни ноқонуний йўл билан ҳокимиятдан четлаштириб, ўзлари ҳокимиятни эгаллаб олганлар. ФХДК Совет раҳбариятининг Баёноти, Совет халқига мурожаатнома, Давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига мурожаат ва бошқа қарорларни эълон қилган. Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети СССРнинг баъзи ҳудудларида фавқулодда вазият ҳолатини жорий этган, СССРнинг 1977 йилги Конституция талабларига зид равишда вужудга келган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юборишни эълон қилган, муҳолиф (оппозицион) партияларнинг фаолиятини тўхтатган, митинг ва намойишлар ўтказишни ман этган, оммавий ахборот воситалари устидан назорат ўрнатган, Москва шаҳрига кўшинлар киритган. Лекин ушбу комитетнинг фитнаси бостирилган.

Фактория – Европалик савдогарларнинг мустамлака мамлакатлардаги савдо идоралари ва қароргоҳлари. Дастлабки факторияга буюк географик кашфиётлар даврида португаллар томонидан Африканинг ғарбий қирғоғи ва жанубий-шарқий Осиёда асос солинган.

Фаланга – Қадимги Юнонистонда оғир қуролли пиёда аскар (гоплит)ларнинг жипс сафга тизилган кўп қаторли жанговар тартиби. Фаланга Троя урушигача маълум бўлса-да, бироқ у мил. ав. VI асрга келиб тўла шаклланган. Македониялик Филипп II фаланга таркибига муайян ўзгартиришлар киритган, уни суворийлар билан мустаҳкамлаган.

Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) – 1964 йилда тузилган ташкилот.

Фалес – Мил. ав. 625-547 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи. Қадимги Римнинг сиёсий арбоби, ёзувчиси ва файласуфи Цицерон: "Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди", деб ёзган. Фалес савдогар, мунажжим, физиолог, сув муҳандиси сифатларида ўз замонасида машҳур бўлган. У Миср ва Бобилда бўлиб, уларнинг маданияти, фани, фалсафий мероси билан танишган. Фалес ёлғизликда ҳаёт кечирган, давлат ишларига аралашмаган. У биринчи бўлиб Қуёшнинг мил. ав. 585 йилда тутилишини олдиндан айтган, Ойнинг ёруғи Қуёш нурунинг ундаги инъикоси эканлигини таъкидлаган, Қуёшнинг бир йил давомида ҳаракати 365 кунга тенг эканлигини исботлаб берган, оламнинг моддий бирлиги ҳақида, бу моддий бирликнинг доимий ҳаракатда ва ўзгаришда эканлиги ҳақида фикр юритган. Фалеснинг фикрича, табиатдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларнинг ибтидоси сувдир ва улар интиҳода яна сувга айланади.

Фаллоқ – Эски мактабларда гуноҳкор болаларга жазо беришда ишлатиладиган арқон.

Фаллоҳ – Араб мамлакатларида ўтроқ деҳқон.

Фалсафа – 1. Табиат, кишилик жамияти ва тафаккур тараққиётининг умумий қонунларини ўрганадиган фан. 2. Бирор шахснинг фалсафий таълимоти, мас., Бедил фалсафаси. 3. Бирор фан, билим соҳаси ва шу кабиларнинг назарий ва методологик принциплари, мас., физика фалсафаси.

Фальсификация – Чин, ҳақиқий нарса, воқеа-ҳодисани бўяб бошқача, нотўғри кўрсатиш, уларни сохталаштириш.

Фамилия – Қадимги Римда қон-қариндошлар билан бирга қулларни ҳам ўз ичига олган оиланинг хўжалик-ҳуқуқий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган номи.

Фанатизм – Бирор бир назарий қарашларга, диний эътиқодга кўр-кўрона тиш-тирноғи билан ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни мутлақо рад этиш. Фанатизмнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) истеъмолчилик фанатизми, яъни муайян моддий-маънавий неъматларни ўзлаштиришга кучли мойиллик; б) диний фанатизм – диний фундаментализм ва экстремизмнинг радикал шакли; в) сиёсий-ғоявий фанатизм; д) этник, миллий ва ирқий фанатизм.

Фань Чун – Биринчи Хань империяси ҳукмдорларига қарши **18-йилда** кўтарилган камбағаллар кўзғолонининг раҳбари.

Фарак (Парак) – Чирчиқ дарёсининг қадимги номи.

Фаранг – 1. Француз. 2. Европалик.

Фараон – *Қар.: Фиръавн.*

Фарз – Ислом таълимотига кўра шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт бўлган қатъий талаблар. Қуръонда кўрсатилган диний эътиқод, маросим,

урф-одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар фарз тушунчасига киритилган.

Фарзона – Кўп нарсадан хабардор, оқил, донишманд.

Фаришта – Ислом таълимотига кўра, нурдан яратилган, нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, Аллоҳ амрини бажарувчи, кўзга кўринмайдиган махлуқот, малак.

Фармойиш – Ташкилот, муассаса, идора раҳбари томонидан чиқариладиган ички ҳужжат.

Фармон – Давлат раҳбари томонидан чиқариладиган ва амр кучига эга бўлган буйруқ, расмий ҳужжат.

Фаррош – Асл маъноси “гилам тўшовчи”. 1. Ўтмишда шоҳ, хон ва зодагонлар саройларида кичик хизматчи. Унинг зиммасига меҳмон кутиш учун зарур бўлган барча анжомларни ҳозирлаш вазифаси юклатилган. 2. Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи, бош пазанда. 3. Хива хонлигида сарой ховлиларини супурувчи. 4. Ўрта Осиёдаги масжид ва мадрасаларни супуриб-сидириб турувчи, гилам ва тўшакларни тўшовчи.

Фарсах (Фарсанг, Парсанг, Порасанг) – Ўтмишда Шарқ мамлакатларида ишлатиб келинадиган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсах 9-12 минг кадамга ёки 6-8 км.га тенг бўлган.

Фарғона давлати – Кўқон хонлигининг 1709-1805 йилларгача бўлган дастлабки номи.

Фарғона муваққат мухторият ҳукумати – 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида бўлиб ўтган Фарғона водийси кўрбошиларининг Қурултойида Мадаминбек бошчилигида тузилган ҳукумат.

“Фарғона фожиаси” – 1989 йилда Фарғона вилоятида маҳаллий ёшлар ва месхети турклари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид совет тузуми томонидан мажбуран Ўзбекистонга кўчириб келтирилган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган. Бунинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда кўшимча муаммолар юзага келган. Бу муаммога советлар давлати ўз вақтида эътибор бермаган. 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарган ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олган. Республиканинг ўша вақтдаги сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмаган, зарурий чора-тадбирлар ўтказилмаган. Мустабид совет тузумининг сиёсий раҳбарияти намойишчиларга қарши ҳарбий қисм ташлаган. 1989 йил 8 июнда Кўқонда тинч намойишчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилган. Натижада 50 дан ортиқ номойишда қатнашган аҳоли ҳалок бўлган, 200 дан ортиғи эса ярадор бўлган. Умуман 3-12 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок, 1009 киши ярадор бўлган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон

қилинган. Фарғона воқеалари орқасида экстремистик кучлар турган. 1990 йили Бўка, Паркент, Ўш, Ўзганда ҳам шундай мудҳиш воқеалар содир бўлган.

Фарғоний, Аҳмад – 797-865 йилларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик қомусий олим. Фарғона водийсининг Қубо (Қува) шаҳрида туғилган. Европада “Алфраганус” номи билан машҳур. 861 йилда аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил (847-861 йиллар) буйруғига биноан Ал-Фарғоний Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Мисрнинг Қоҳира яқинидаги Фустат шаҳрига келган. Унинг раҳбарлигида Равз оролида бир илмий қурилма (нилометр) барпо этилган. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма Нил дарёсининг Сайёлат ул-Род мавзесида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Фарғонийнинг машҳур асари “Китоб ал-ҳаракот ас-самовийа вал жавомий илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”). Бу асарни “Астрономия асослари ҳақида китоб” деб ҳам аташади. Мазкур асар 1145 ва 1175 йилларда Европада латин тилига таржима қилинган. 1998 йилда Ўзбекистонда Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланган. Қадимги Қува шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали ўрнатилган.

Фастлар – Дастлаб қадимги Римда давлат ишларини юритиш ўнғай деб ҳисобланган кунлар, кейинчалик Рим тақвими номи. Коҳин-понтификлар томонидан тузилган олий мансабдор шахслар, коҳинлар, триумфаторларни кутиш рўйхатлари ҳам “фастлар” деб аталган.

Фатализм – Ҳар бир ҳодиса ҳамда инсоннинг барча ҳатти-ҳаракатларини тақдирга боғлиқ деб қаровчи дунёқараш. Фатализм тақдирга тан беришни, итоаткорликни, худонинг иродасига ишонишни тарғиб этади.

Фатво – Ислом таълимотига кўра, муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Фатво диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Фатҳ – Ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш, босиб олиш.

Фауна – Бирор ҳудуд, мамлакат ёки геологик даврга мансуб бўлган барча ҳайвонлар мажмуи, ҳайвонот дунёси, мас., Ўзбекистон фаунаси, денгиз фаунаси.

Фацеция – Латифага ўхшаш кулгили ҳикоя жанри. XII–XIII асрларда Ғарбий Европада юзага келган, уйғониш даврида кенг тарқалган.

Фашизм – Сиёсий диктатурага асосланган давлат бошқаруви, ҳокимият. “Фашизм” атамаси Италиянинг фашистик диктатори Муссолини томонидан тузилган “Жанговар иттифоқ” (“**Фашио** де комбаттимонто”) партиясининг биринчи калимасининг тўрт ҳарфига “зм” қўшилгани натижасида пайдо бўлган. Мустабидлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар, партия ва режимларга нисбатан ҳам фашизм атамаси ишлатилади. Фашистик давлат бошқарувида фақат юқоридан пастга қараб буйруқ берилади, давлатда ҳокимият бўлиниши принципи амал қилмайди. Фашизмнинг хусусиятлари динга душманларча муносабатда бўлиш, бирор бир партия яккаҳокимлиги, жангари шовинизм, деспотиянинг авж олиши, мамлакат аҳолисини қўрқув остида сақлаш, инсон онгини бир мафкурага бўйсундириш, мафкуравий душманларга қарши

катағонлар ўтказиш ва ҳоказолардан иборат. Фашизм жамият аҳолисини мажбурий тарзда “бизникилар” ва “беғоналар”га ажратиб, иркчилик, милитаризм ғоялари асосида “беғоналар”ни йўқ қилишни тарғиб этади. Германия, Испания, Италия тарихида фашистик тартиблар ўрнатилган.

Фақир – 1. Дарвеш, қаландар, сеҳргар, жодугар. Ҳиндистонда мусулмон ва ҳинд дайди монахлари. Улар фолчилик, ҳайвонларни ром қилиш, одамлар кўрган тушларни таъбир этиш, найрангбозлик, сеҳргарлик билан шуғулланишган. 2. XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлиги ва Афғонистонда фақир фуқаро маъносида ишлатилиб, унда деҳқонлар кўзда тутилган.

Фақих – Фикҳ илми (Ислом ҳуқуқшунослиги) бўйича мутахассис. Шариат илмини, шариат ҳукмларини яхши биладиган ҳуқуқшунос.

Февраль буржуа-демократик инқилоби – 1917 йил февраль ойида Россияда бўлиб ўтган инқилоб. Бу инқилоб натижасида Россия императори Николай II тахтдан укаси Михаил фойдасига воз кечган. Михаил эса фақат Таъсис мажлисининг қарори билангина Россия тахтини эгаллашга рози бўлган. Шундай қилиб, Россия тахти эгасиз қолган ва монархия тузуми тугатилган. Шундан кейин Россияда, бир томондан, буржуа партиялари вакилларида иборат Муваққат ҳукумати, иккинчи томондан, ишчилар ва аскарлар депутатларининг шўролари (советы) ҳукумати, яъни иккиҳокимиятчилик ўрнатилган. Муваққат ҳукумати Россияда парламентли монархия тузумини жорий этиш тарафдори бўлса, ишчилар ва аскарлар депутатлари советлари эса мамлакатда инқилобий пролетариат ва деҳқонлар диктатурасини ўрнатиш ва республика тузумини жорий этиш учун курашган. Россияда февраль инқилоби ғалабасидан Туркистонда Россия мустамлака-чилик бошқарув органи ҳисобланган Туркистон генерал-губернаторлиги тугатилган. Унинг ўрнига Муваққат ҳукуматининг қарорига биноан 1917 йил 7 апрелда Н.Н.Шчепкин раислигида 9 кишидан иборат Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Қўмитаси ташкил этилган. Улардан тўрт нафари маҳаллий аҳоли вакиллари бўлишган. Туркистон Қўмитаси билан бир вақтда ўлканинг бир қатор йирик шаҳарларида ишчи, аскар депутатлари советлари ҳам ташкил топган. Яъни, Туркистон ўлкасида ҳам иккиҳокимиятчилик – Муваққат ҳукумати ва ишчи, аскар депутатлари советлари вужудга келган.

Федерализм – Федерация тизимига асосланган давлат тузуми.

Федератлар – 1. Рим империяси чегараларида ҳарбий хизматни ўтовчи варвар қабиалари. 2. XVIII аср охиридаги Франция инқилоби даврида инқилобни ҳимоя қилиш учун Парижга йўл олган кўнгиллилар. 3. Францияда “Юз кун” даврида Наполеонга қарши, коалиция кучларига қарши курашиш учун ташкил этилган кўнгилли отрядлар қатнашчилари. 4. 1871 йилги Париж Коммунасини ҳимоя қилган Миллий гвардия жангчилари.

Федерация – 1. Давлат тузилиши шакли. Юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақиллиги бўлган давлат тузилмаларидан ташкил топган мураккаб (уюшма) давлат. Федератив давлатни ташкил этувчи давлат тузилмалари (штатлар, ўлка, кантонлар) федерация субъектлари ҳисобланади ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинишлари бўлади. Федерацияда ягона конституция, ягона иттифоқ (федерал) давлат ҳокимияти органлари бўлади, ягона

фуқаролик, пул бирлиги ва ҳоказолар амал қилади. Унитар давлатда фарқли равишда, федерация ҳокимият олий органларининг икки тизимига – федерал органлар ва федерация аъзоларининг тегишли органларига эга бўлади. Федерал органлар мамлакатнинг барча ҳудудида ўз ваколат ва вазифаларини амалга оширади. Одатда, федерация аъзоларининг ўз мустақил конституцияси бўлади. Ҳозирда жаҳонда йигирмадан ортиқ федератив давлат мавжуд. 2. Айрим жамятлар ва ташкилотлар уюшмаси, иттифоқи, мас., Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, футбол федерацияси.

Фельдмаршал – Айрим давлатлар армияларидаги олий ҳарбий унвон. Биринчи марта XVI асрда Австрияда, XVII асрда Пруссияда жорий қилинган. Чор Россиясида 1699 йили генерал-фельдмаршал жорий этилиб, 1917 йили бекор қилинган. Фельдмаршал унвони машҳур ҳарбий ва давлат арбоблари, император хонадони вакиллари ҳамда баъзи чет эл ҳарбий арбобларига берилган. Фельдмаршал унвони Буюк Британия ва баъзи давлатларда сақланган.

Фельдцейхмейстер – Австрия империяси ва Австро-Венгрия давлати қўшинида артиллерия генерал ҳарбий унвони. XVI асрда фельдцейхмейстер унвони Германияда артиллерия қўмондонига берилган. У бош қўмондон ва фельдмаршалдан қуйи, пиёда аскарлар қўмондонларидан юқори турган. Кейинчалик Европанинг қатор давлатлари қўшинида ҳам фельдцейхмейстер унвони жорий этилган.

Феминизм – Хотин-қизларни камситишлардан халос этиш, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлари учун курашувчи сиёсий ҳаракат. XVIII асрда юзага келган, XX асрнинг 60-йилларида кенг қулоч ёзган.

Фемлар – Византияда VII–XII асрларда ҳарбий-маъмурий округлар. Фемларни суд, молия, ҳарбий ҳокимиятга эга стратеглар бошқарган. Фемлар давлатга кўнгилли лашкарлар – стратиотларни етказиб берган. VIII–XI асрларда фемлар майда қисмларга бўлиб ташланган, XII асрда фемлардаги ҳокимият фуқаролардан чиққан амалдорлар – судьяларга ўтган, фемлар ўрнига йирик чегара ҳарбий-худудий бирликлар – дукатлар ва катепанатлар пайдо бўлган.

Феноменализм – Обьектив борлиқни билиш мумкинлигини инкор этувчи, фақат феноменлар (ноёб, кам учрайдиган ҳолат ёки инсон, ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ёрқин воқеалар)ни, яъни онгдаги ҳодисаларни билиш мумкин, деб даъво қилувчи субъектив фалсафий оқим.

Феод – Ўрта асрларда Ғарбий Европада сеньор томонидан ўзининг вассалига меросий мулк сифатида инъом этилган ерлар. Бунинг эвазига вассаллар ҳарбий, сарой хизматларини ўташлари, удумга биноан, тегишли бадал пулини тўлашлари лозим бўлган. Феод эгаси “феодал” деб аталган.

Феодал – Катта ер эгаси.

Феодал рентаси – Ғарбий Европада Ўрта асрларда кенг тарқалган ер рентаси шаклларида бири, текинга ишлаб бериш (баршчина), маҳсулот (маҳсулот солиғи) ва пулли турлари бўлган. Феодалнинг ерга эгалик қилиши феодал рентасининг асосини ташкил этган.

Феодализм – Феодалларнинг ишлаб чиқариш воситаларига, биринчи галда ер-мулкка ва крепостной деҳқонларга бўлган хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий-иқтисодий формация.

Феодосий I – Қадимги Рим императори. 395 йилда вафот этган.

Фердинанд, Франц – Австро-Венгрия тахтининг вориси. 1914 йил июнь ойининг охирида Австро-Венгрия қўшинларининг Сербияга қарши урушга қанчалик тайёрлигини текшириш мақсадида Боснияга сафар қилган. 1914 йил 28 июнда Босния пойтахти Сараево шаҳрини томоша қилиб юрган пайтида Франц Фердинанд ва унинг хотини серб миллатига мансуб студент Гаврило Принцип (1894-1918 йиллар) томонидан отиб ўлдирилган. Гаврило Принцип махфий миллатчилик руҳидаги “Ёш Босния” ташкилотга аъзо бўлган. Қуролни Принципга “Қора кўл” деб номланган серб террористик ташкилоти берган. Франц Фердинанднинг ўлимидан кейин Боснияда яшаётган кўплаб серблар камокқа олинган, уларнинг аксарияти суд қарори билан ўлим жазосига маҳкум этилган. Гаврило Принцип эса ўлим жазосидан касаллиги туфайли қутулиб қолган. У 1918 йилда тюрма камераларида сил (туберкулёз) касалидан вафот этган. Австрия ҳукумати Франц Фердинанднинг ўлимига Сербия ҳукуматини айбдор деб ҳисоблаган. 1914 йил 28 июлда Австро-Венгрия Германиянинг тазйиқи остида Сербияга уруш эълон қилган. 1 августда Германия Россияга, 3 августда Германия Францияга, 4 августда Буюк Британия Германияга қарши уруш амалиётларини бошлаб юборган. 23 августда Япония Антанта томонида урушга кирган. Шу тариқа Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетган.

Фермер – Ўзига қарашли ёки ижарага олинган ерда иш юритувчи майда ёки йирик деҳқон. Йирик фермерлар ёлланма деҳқонлардан ҳам фойдаланадилар.

Фетишизм – Ибтидоий қабилалар диний тасаввурларининг бир тури. Фетишизм турли фетишлар, яъни ҳодиса ва нарсаларга сиғиниш. Фетишизм жаҳон динлари таркибида ҳам сақланиб қолган. Мас., христианликда икона ва чиримай сақланиб қолган мурдани, баъзи мусулмонлар эса “муқаддас жойлар”, “қора тош” илоҳий кучга эга, деб талқин қилишади. Фетишлар давр ўтиши билан мураккаблашиб, кейинчалик тумор, санам (бут) ва бошқаларга мурожаат этишган.

Фёдор – Иван IV нинг ўғли. Русь давлатининг ҳукмдори.

Фива – Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган полис.

ФИДЕ – Халқаро шахмат федерацияси.

Фидойилар – 1. Ўрта асрларда Эрон, Сурия, Ливандаги ҳашшошийлар яширин майда ташкилотининг аъзолари. 2. Эрон инқилоби даври (1907-1911 йиллар)да диний зодагонлар, деҳқонлар, ишчилар ва камбағаллардан тузилган кўнгилли қуролли отряд аъзолари. 3. Эрон Озарбайжонида кўтарилган миллий демократик ҳаракат даври (1945-1946 йиллар)да тузилган мудофаа отрядлари аъзолари. Кейинчалик улар халқ лашкарларига айлантирилган. 4. Жазоирдаги миллий озодлик уруши (1954-1962 йиллар)да қатнашган яширин шаҳарлик аҳоли отрядлари. 5. Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати қуролли партизан отрядлари аъзолари.

Филипп II – Тахм. мил. ав. 382-336 йилларда яшаб ўтган Македониянинг ҳукмдори. Македониялик Александрнинг отаси. Филипп II мамлакатда бир қатор ислохотлар ўтказган. Уларнинг энг асосийси ҳарбий соҳадаги ислохот бўлган. Филип II тоғли ҳокимларнинг оғир қуроллар билан қуролланган отлик отрядларини бирлаштириб, доимий жанговар қўшинга айлантирган. Шу йўл билан Филипп II, биринчидан, армияни мустаҳкамлаган, иккинчидан, жойлардаги ҳокимларни заифлаштириб, марказлашган давлат қуришга эришган. Деҳқонлардан иборат пиёда лашкар оғир қуролланган аскарларнинг фалангасига айлантирилган. Македония армиясида қаттиқ интизом мавжуд бўлган. Филипп II ўтказган яна бир муҳим ислохот пул ислохоти бўлган. Ўша вақтда Юнонистонда валюта сифатида кумуш танга ишлатилган. Эронда эса подшо Даро I олтин танга (дарик)ни жорий қилган. Юнон ва Эрон савдогарлари ўзаро тижорат муносабатларида одатда олтин тангани кумуш тангадан афзал кўрганлар. Табиийки, бундан Эрон савдоси анча фойда кўрган. Филипп II Македонияда кумуш танга билан бир қаторда олтин тангани ҳам зарб қилишни буюрган ва бу танга унинг номи билан “филиппик” деб аталган. “Филиппик” Эрон олтин тангасидан бир неча юз грамм оғирроқ қилиб зарб этилган. Натижада эронлик савдогарлар ҳам, юнон ва македон савдогарлари ҳам филиппикни Эрон олтин тангасидан афзал кўрганлар. Бу пул ислохоти мил. ав. 356 йилда ўтказилган. Ўтказилган ислохотлар натижасида Македониянинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий аҳволи мустаҳкамланган, унинг марказий ҳокимияти кучайган. Шундан кейин Филипп II Юнонистоннинг полисларини ҳам Македонияга қўшиб олишга интиланган. Филипп II нинг Юнонистон полислари билан уруши мил. ав. 338 йилда Херония шаҳри ёнида бўлган. Бу жангда Филипп II ғалаба қозонган, Филипп II нинг 18 ёшли ўғли Александр эса ушбу жангда қўмондон сифатида қатнашган. Филипп II Юнонистон полисларини таламаган, уларни вайронага айлантирмаган. Аксинча, у Юнонистоннинг келгуси тақдирини ҳал қилиш мақсадида мил. ав. 337 йилда панэллин (яъни умумюнон) конгрессини чақиртирган. Бу конгрессда Спартадан ташқари Болкон ярим оролидаги юнон шаҳар-давлатлари иштирок этган. Ушбу конгресс тарихда “Коринф конгресси” деб аталади. Коринф конгресси қарорларига биноан ҳар юнон шаҳар-давлати ўз вакиллари Коринф шаҳрида қолдирадиган бўлган. Улар Македония подшоси гегемонияси остида шаҳар-давлатлар иттифоқига раҳбарлик қилишлари лозим бўлган. Барча юнон шаҳар-давлатлари мустақил ҳисобланиб, ўзаро тинч яшашлари лозим бўлган. Агар улар ўртасида бирор ихтилоф чиқса, уларни ҳал қилиш Коринф конгресси вакиллари зиммасида юклатилган. Коринф конгресси қарорига биноан Филипп II юнон шаҳар-давлатлари ва Македония армияларининг бош қўмондони этиб тайинланган. Бундан фойдаланиб Филипп II Эронга қарши урушга тайёргарликни бошлаган. Лекин мил. ав. 336 йилда Филипп II суиқасдчи томонидан ўлдирилган. Қотилни ушлашган, лекин у Филип II ни нима учун ўлдиргани ҳақида қийноқлар остида ҳам ҳеч нима демаган. Филипп II вафотидан кейин Македония тахти унинг ўғли Александрга насиб этган.

Филипп IV – Франция қироли (1285-1314 йиллар). Франциянинг марказлашувида хизматлари катта бўлган. У кўшни мамлакатлар билан муваффақиятли урушлар олиб борган. Филипп IV Европада биринчи бўлиб 1296 йилда христиан черкови ерларидан солиқ ундириш бўйича қарор қабул қилган. Унинг бу қарори Рим папасига ёқмаган. Шунинг учун улар ўртасида низо келиб чиққан. Филипп IV жамиятда ўзига мададкор кучни шакллантириш мақсадида “Бош штатлар” деб номланган ҳукумат бошқарув идорасини тузган. Бош штатлар уч тоифа вакиллари-руҳонийлар, дворянлар ва бой шаҳарликлардан иборат бўлган. Улар асосан алоҳида-алоҳида йиғилишиб турли масалаларни муҳокама этишган. Бош штатларнинг тузилганлиги Франция давлатчилигида муҳим қадам бўлган. Филипп IV руҳонийлар, дворянлар ва бой шаҳарликларнинг вакиллари йиғинига таянган ҳолда мамлакатни бошқарган.

Филиппик – Македония ҳукмдори Филипп II фармони билан зарб этилган олтин танганинг номи.

Филон – Мил. ав. IV асрда яшаб ўтган қадимги Юнонистон мутафаккири.

Филорет – Метрополит. Россияда Романовлар сулоласининг биринчи вакили Михаил Романовичнинг отаси.

Финикия – Ўрта ер денгизининг шарқида жойлашган қадимий давлат. Финикия ерлари ҳозирги кунда Ливан ҳудудига тўғри келади. Финикияда сиёсий бирлик бўлмагани сабабли унинг шаҳарлари Оссурия, Миср, Бобил, хетлар, Форс, кейинчалик Юнон ва Рим тасарруфига ўтиб турган. Мил. ав. I минг йиллик бошларида вазият ўзгарган. Финикияда кучли ҳарбий кемалар яшаш ривожланганлиги сабабли мустамлакачилик сиёсати бошланган. Финикияликлар бирин-кетин Ўрта ер денгизининг жануб ва шимолида жойлашган шаҳар ва давлатларни ўз мустамлакаларига айлантира бошлаганлар. Улар ҳатто Испания соҳилларига ҳам етиб борганлар. Кўп ҳолларда финикияликлар ишғол этган ҳудудларда ўз ҳукмронликларини ўрнатмасдан, у ерларни солиқ тўлаб турадиган маҳаллий ҳукмдорларга беришган. Финикиянинг энг катта шаҳри Тир (ҳозирги Сур шаҳри) ҳисобланган. Тир шаҳрининг энг катта ва кучли мустамлакаси Карфаген бўлган. Унга мил. ав. 825 йилда асос солинган. Кейинчалик Карфаген ўз маҳобати ва мавқеи бўйича Тир шаҳридан ҳам ўтиб кетган. Финикия мил. ав. VIII-VII асрларда Оссурияга, мил. ав. VI асрда Бобилга, мил. ав. 539 йилдан 332 йилгача аҳоманийларга, мил. ав. 332 йилдан македониялик Александр, кейинчалик Салавкийлар давлатига бўйсунган. Финикиялик ҳунармандларнинг маҳсулотлари ўша вақтда жуда машҳур бўлган. Айниқса, Финикияда заргарлик ва шишадан идиш яшаш ривожланган. Финикиянинг моҳир қурувчилари Бобил, Фива ва Қуддусда мухташам иншоотлар қурилишида иштирок этганлари тарихдан маълум. Финикияда кўпхудолик мавжуд бўлган. Ҳар шаҳар аҳолиси ўзининг худосига сиғинган. Малоҳ худосига қурбонликлар бериш одат бўлган. Ҳатто мил. ав. III асрда Финикиянинг мустамлакаси бўлган Карфагенда Малоҳ сурати туширилган ҳайкал олдида болаларни куйдириб қурбонлик бериш ҳодисаси тарихчилар томонидан қайд этилган. Финикияда ёзув мавжуд бўлган. Қадимги Угарит шаҳрида финикия алифбоси ёзиб қолдирилган лавҳа топилган. Яхудийлар, оромийларнинг алифболари Финикия алифбоси асосида

яратилган. Бу алифбо кейинчалик Ҳиндистон, Марказий Осиё, Юнонистонларда тарқалиб, оламшумул аҳамият касб этган.

Фирдавсий, Абулқосим – 941-1025 йилларда яшаб ижод этган шоир, мутафаккир. Хуросонда Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида дунёга келган. Тус шаҳри ҳокимининг боғида боғбон бўлиб хизмат қилган ва ана шу боғда ота касбига нисбат берилиб, “Фирдавсий” тахаллусини олган. Фирдавсий 35 йил меҳнат қилиб, 994 йилда 60 минг байтдан иборат “Шоҳнома” асарини ёзиб тугатган. Абулқосим Фирдавсий бу асарни ёзишда суғдийлар орасида кенг тарқалган паҳлавон Рустам, хоразмийларнинг Сиёвуш ва бактрияликларнинг Исфандиёр тўғрисидаги афсона ва ривоятларидан фойдаланган. Асарнинг асосида яхшилик билан ёмонлик тўғрисидаги кураш ғояси ётади. “Шоҳнома”да македониялик Александр юришидан то Сосонийлар салтанатининг араб босқинчилари томонидан қулатилишигача бўлган катта тарихий давр ёритилган. Фирдавсий ўз асарини Маҳмуд Ғазнавийга бағишлов билан тўлдириб, унга тортиқ қилган. Лекин улуғ шоир янглишган. Фирдавсийга Маҳмуд гўё ваъда қилинган олтинлар ўрнига кумуш тангалар берган. Улуғ шоир бутун умрини сарфлаб ёзган шоҳ асарининг қадрига етмаган Маҳмуднинг бундай муносабатига жавобан у берган пулларни учга бўлиб, бир бўлагини ҳаммом ходимига, бир бўлагини шарбат сотувчисига ва бир бўлагини хоннинг пулини олиб келган мулозимларга тақсимлаб берган. Ривоятларга кўра, кейинчалик Маҳмуд Ғазнавий Фирдавсийга нисбатан адолатсизлик қилганини тушуниб, унга аввалги ваъда қилган маблағини юборган. Лекин Тус шаҳрининг бир дарвозасидан Маҳмуд юборган қарвон кириб келган пайтда, шаҳарнинг иккинчи дарвозасидан Фирдавсийнинг тобутини олиб чиқилган. Фирдавсий “Юсуф ва Зулайҳо” достонини ҳам ёзган. У 1025 йилда Тус шаҳрида вафот этган.

Фиръавн – Қадимги Миср подшоҳларининг номи. Йигирма иккинчи сулоладан бошлаб (мил. ав. XVI аср) подшоҳ унвони. “Фиръавн” сўзи қадимги мисрча “перо” сўзидан олинган бўлиб, дастлаб “шоҳ саройи” (“улуғ уй”) маъносини англатган. Ўн саккизинчи сулоладан бошлаб подшоҳнинг ўзи фиръавн деб аталган. Мамлакатдаги барча экин ерлари фиръавнлар мулки ҳисобланган. Аҳолидан тўпланган солиқлар, одатда, фиръавнларнинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланган. Қадимги Миср диний таассуротларига кўра, фиръавн куёш маъбуди Горнинг ўғли, унинг ердаги инъикоси ва табиат маъбуди Осириснинг меросхўри бўлган. Мисрда фиръавнларга бағишлаб эҳромлар қурилган. Фиръавнларни Европа мамлакатларида “фараон” деб аташади.

Фирқа – 1. Гуруҳ. 2. Партия.

Фискаллар – Пётр I замонида марказий ва маҳаллий муассасаларининг фаолиятини, айниқса, молия ва суд ишлари соҳасида, ҳукумат фармойишларининг қандай ижро этилишини махфий кузатувчи ва қинғирликлар ҳақида махфий маълумот бериб турувчи мансабдор шахслар. 1711 йилда жорий этилган. Фискал ишлари сенат ҳузуридаги оберфискал (1723 йилдан бошлаб генерал-фискал) ва унинг ёрдамчилари томонидан амалга оширилган. Ҳарбий фискаллар ҳам мавжуд бўлган.

Фиск – Бировнинг орқасидан унга нисбатан ёмонлаб тарқатилган уйдирма гап, ғийбат, иғво.

Фитна – Бир ёки бир неча шахс томонидан ўзга шахс ёки шахсларга нисбатан ҳақиқий мақсадни ниқоблаб амалга оширадиган душманлик ҳаракатлари.

Фитр – Ислом таълимотига кўра, рўза муносабати билан бериладиган садақа. Қуръонда бирор сабаб билан рўза тутолмай қолган кишиларнинг фитр бериши ёки ифторлик қилиши талаби қўйилган.

Фитрат, Абдурауф (Фитрат тахаллуси; асл исми Абдурауф Абдурахим ўғли) – 1886-1938 йилларда яшаб ўтган ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамият арбоби, биринчи ўзбек профессори. Фитрат Бухоро шахрида туғилган. “Фитрат” сўзининг маъноси “туғма истеъдод”дир. Фитрат Бухородаги Мир Араб мадрасасини тугатгандан кейин 1902-1903 йилларда ҳаж сафари муносабати билан Туркия, Ҳиндистон ва араб мамлакатларида, 1906-1908 йилларда эса Россиянинг Москва ва Петербург шаҳарларида бўлган. 1909-1913 йилларда Фитрат ўз таҳсилни давом эттириш мақсадида Туркиянинг Истанбул шаҳрида яшаган. Туркияда Фитрат “Ёш турклар” ҳаракатининг фаолияти билан яқиндан танишган. Бухорога қайтгандан кейин Фитрат “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг ғоявий раҳбарига айланган. 1917 йилда Бухоро амирининг тазйиқи сабабли Самарқандга, кейинчалик Тошкентга келган. Тошкентда Фитрат дўстлари ёрдамида “Чиғатой гурунги” маърифий-адабий уюшмаси ҳамда “Тонг” журналининг ташкил этган. “Тонг” журналининг шиори: “Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!” бўлган. 1920 йилда Фитрат Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф, кейинчалик хорижия-ташқи ишлар нозири, Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ нозирлари шўроси раисининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган, Бухоро Халқ Совет Республикаси маблағи ҳисобига 70 нафар туркистонлик иқтидорли ёшларни Германияга ўқишга юборган, Бухорода Шарқ мусиқа мактабини очилишининг ташаббускори бўлган, кўплаб ноёб қўлёзма асарларни жамлашга эришган, Бухоро Халқ Совет Республикасида турк (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинишига, давлат театри очилишига эришган. 1923 йилнинг июнь ойида Москвадан келган Я.Э.Рудзутак бошчилигидаги комиссия Фитратни эгаллаган лавозимидан бўшатиб, Москвага юборган. Москвада Фитрат Шарқшунослик институтида ишлаган. 1926 йилнинг охирида Фитрат Ўзбекистонга қайтиб келган ва 1937 йилгача, яъни камокқа олингунича, Самарқанд Олий педагогика ва Тошкент Тил ва адабиёт институтларида илмий ва маърифий соҳада фаолият олиб борган. Фитратнинг адабий мероси ва илмий мероси бой ва ранг барангдир. У форс ва ўзбек тилларида шеърлар, насрий асарлар, пьесалар ёзган. Фитрат ижтимоий-ҳуқуқий, диний ва маърифий мавзуларда, тилшунослик, адабиётшунослик ва санъатшунослик фанлари бўйича кўплаб илмий мақола ва асарларнинг муаллифидир. Фитрат собиқ совет ҳукумати томонидан 1938 йил қатағонга учраган.

ФИФА – Халқаро футбол федерацияси.

Фикҳ – Ислом (мусулмон) ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа.

Фламинлар – Қадимги Римда алоҳида худолар (Юпитер, Марс, Квирина ва бошқалар) коҳинлари. Юлий Цезарь ва Нерон ҳам ўз фаолиятини фламинликдан бошлашган.

Флибустьерлар – Денгиз қароқчилари (XVII–XVIII аср бошлари). Англия ва Франция томонидан мустамлакаларга эга бўлиш учун Испанияга қарши курашга жалб қилинган.

Флобер, Гюстав – 1821-1880 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Флора – Қадимги римликларнинг гуллар, боғлар, бошоқлар худоси. Ёзнинг бошида унинг шарафига флоралия байрами уюштирилган.

Флот – 1. Ҳарбий-денгиз кучлари. 2. Мамлакатнинг барча ҳарбий ва бошқа турдаги кемалари мажмуи.

Фогт – 1. Германия ва Швейцарияда амалдор, қирол ноиб. 2. Ўрта асрларда Ғарбий Европада черков мулкларида судлов, маъмурий ва солиқ йиғиш вазифаларини бажарадиган мансабдор шахс, епископ вассали.

Фозил – Фан асосларини яхши эгаллаб олган киши, олим.

Фойтун – Кўтарма соябонли енгил извош арава.

Фольксштурм – Фашистлар Германияси томонидан тузилган халқ лашкари. 1944 йил октябрь-1945 йил 9 май ойлари давомида фаолият юритган. 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 1945 йил февралдан эса аёлларни (18 ёшдан) ҳам оммавий сафарбар этиш асосида шакллантирилган. 700 та фольксштурм батальони ташкил қилинган.

Фон Кауфман – Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори. Генерал-адъютант. Фон Кауфман 1867-1881 йилларда Туркистон ўлкасини қаттиққўллик билан бошқарган. Россия ҳукмрон доиралари томонидан Фон Кауфман “Туркистоннинг бунёдкори” деб улуғланган. Фон Кауфман биринчилардан бўлиб русларни Туркистон халқларининг “катта оғаси” деб атаган.

Фонд – Бирор мақсад учун мўлжалланган ёки ажратилган маблағ, пул, нарса, мас., иш ҳақи фонди, уруғлик фонди.

Фоне (Фонт) – Қадимги римликларнинг булоқлар ва фавворалар худоси. Кузда унинг шарафига фонтаналия байрами ўтказилган.

Форд, Генри – 1863-1947 йилларда яшаб ўтган америкалик саноатчи.

Формализм – Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг шакли ва ташқи кўринишини уларнинг мазмунидан устун кўядиган фалсафий йўналиш.

Формация – Кишилиқ жамиятининг муайян иқтисодий тузум ва унга мувофиқ келадиган устқурмаси, мавжуд тарихий тараққиёт босқичлари, мас., капиталистик формация.

Форобий, Абу Наср (тўлиқ исми: Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий) – 873-950 йилларда яшаб ижод қилган Ўрта Осиёлик комусий олим. Мовароуннаҳрнинг Фороб вилоятида туғилган. Фалсафа, мантик, психология, мусиқа, математика, шеърят ва ҳоказоларга доир 160 дан зиёд асарлар ёзгани маълум. Форобий “Ал-Муаллим ас-соний” (“Иккинчи муаллим”), “Шарқ Арастуси” номларига сазовор бўлган.

Форос – Александрия шаҳри ёнида мавжуд бўлган оролчанинг номи.

Форос оролидаги Александрия (Форос) маёғи – Қадимги дунёнинг “етти мўъжизаси” сифатида эътироф этилган иншоот.

Фортификация – 1. Ҳарбий истехкомлар куриш. 2. Ҳарбий истехкомлар куриш, жойларни самарали жанг олиб бориш мақсадида мустаҳкамлаш тўғрисидаги ҳарбий-муҳандислик илми.

Фортуна – Қадимги римликларнинг бахт, тасодиф ва омад худоси.

Форум – 1. Қадимги Римдаги марказий майдон. Форумда атрофида бозор, ибодатхоналар, суд, халқ йиғинлари ва бошқа мақсадлар учун қурилган базиликалар, шаҳар бошқармаси бинолари қурилган. 2. Кенг ваколатли мажлис, йиғилиш.

Фотий – 820-891 йилларда яшаб ўтган византиялик энциклопедист олим, патриарх. Фотий ўзининг “Мириобиблин” деб аталган тўпламида 300 га яқин қадимги Юнон муаллифлари асарларидан очерклар келтирган.

Фотимийлар халифалиги (давлати) – 909-1171 йилларда Шимолий Африкада мавжуд бўлган ҳарбий-теократик давлат. Фотимийлар халифалигида исмоилийлар халифалари ҳукмронлик қилишган. Исмоилийлар сулоласининг насаблари Муҳаммад Пайғамбарга бориб тақалган. Фотимийлар халифалиги дастлаб ҳозирги Тунис давлати ҳудудида вужудга келган. X аср ўрталарига келиб фотимийлар бутун Шимолий Африка ва Сицилияни ўзларига бўйсундиришган. Ўрта ер денгизида фотимийларнинг флоти ҳукмрон бўлган. 969 йилда улар Мисрни босиб олишган ва Қоҳира шаҳрига асос солишган. 973 йилдан бошлаб Қоҳира фотимийлар давлатининг пойтахтига айланган. X аср охирида Фотимийлар халифалиги таркибига ҳозирги Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сурия, Фаластин, Арабистоннинг ғарбий қисми кирган. Фотимийлар халифалигида христианлар ва яҳудийларга нисбатан, асосан, бағрикенглик сиёсати олиб борилган. Фотимийлар халифалиги Ҳиндистон, Византия, Италия, Венеция, Генуя ва бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларини ўрнатишган. X-XI асрларда илм-фан ривожланган, маданий ҳаёт раванқ топган. XI асрнинг бошида Қоҳира шаҳрида “Дор ул-ҳикма” (“Билимлар уйи”) ташкил этилган. Унда буюк олим ва мутафаккирлар яшаб ижод қилишган. XI аср ўрталаридан бошлаб Фотимийлар халифалиги таназзулга юз тута бошлаган. 1048 йилда Шимолий Африка Фотимийлар халифалигига бўйсунмай қолган, 1071 йилда эса норманлар Сицилияни ўз тасарруфларига киритишган. 1169 йилда Фотимийлар халифалигида вазир лавозимида ҳарбий саркарда Салоҳиддин тайинланган. У 1171 йилда Фотимийлар халифаси Адидни давлат тўнтариши натижасида тахтдан ағдарган ва Мисрда айюбийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган.

Фотиҳа – Қуръони Каримда келтирилган биринчи сурасининг номи. Мусулмонлар ундан дуо ўқишда кўп фойдаланадилар. Фотиҳа сурасини “Уммул-Қуръон”, яъни “Қуръоннинг онаси –асли” деб ҳам аташади.

Фрада бошчилигидаги кўзғолон – Мил. ав. 522 йилдан бошлаб Марғиёнада аҳмонийлар зулмига қарши бўлиб ўтган кўзғолон. Аҳмонийлар ҳукмдори Доро I кўшинлари Фрада бошчилигидаги кўзғолонни бостириш жараёнида 55 минг кўзғолончиларни ўлдиришган, 7 мингга яқин кишини асирга олишган. Фрада ҳам қўлга олиниб ўлдирилган.

Фракция – 1. Парламент депутатларининг бирор сиёсий партиёга мансуб гуруҳи. 2. Сиёсий партиё ичида партиёнинг умумий йўлига қарши бўлиб

ажралиб чиққан, лекин партия сафида қолгани ҳолда унга қарши кураш олиб боровчи гуруҳ.

Франклин, Бенжамин – 1706-1790 йилларда яшаб ўтган америкалик олим ва сиёсатчи.

Франко фашистик диктатураси – Испанияда 1939-1975 йилларда мавжуд бўлган сиёсий тузим. 1936 йилда генерал Ф.Франко ўз тарафдорлари билан Испанияда республика тузуми ўрнига фашистик диктатура ўрнатиш учун курашган. Ўша йилнинг кузида Миллатлар Лигаси Испаниядаги республикачи антифашистларга моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатишга қарор қилган. 1936-1939 йилларда Испанияга 54 давлатдан интернационал ҳарбий кучлар келиб, Франко диктатурасига қарши курашишган. Лекин генерал Ф.Франкога фашистик Германия ва Италиянинг ёрдамлари салмоқлироқ бўлган. 1939 йилда Испанияда генерал Ф.Франконинг фашистик диктатураси ўрнатилган. Шундан сўнг, Испания фашистларининг “Испания фалангаси” деб номланган партиядан ташқари барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолияти ман этилган, касаба уюшмалари тарқатиб юборилган, республикачи-инқилобчилар қатағонларга учрашган, ярим миллионга яқин испанлар мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Франко фашистик диктатураси Испанияда 1975 йилда (генерал Ф.Франко вафотидан кейин) барҳам топган.

Франция Миллий Конвенти – 1791 йилда Францияда Конституция кучга киргандан кейин Таъсис мажлиси ўрнига вужудга келган ҳукумат.

Франция-Пруссия уруши – 1870 йилда Франция ва Пруссия ўрталарида бўлиб ўтган уруш. Унда Пруссия ғалаба қозонган.

Франция-Россия уруши – 1812-1814 йилларда Франция ва Россия ўрталарида бўлиб ўтган уруш. Франция императори Наполеон I Бонапарт 1805 йилда Франция Европада ягона ҳукмрон бўлиш мақсадида Испания билан бирга Англияга қарши уруш бошлаган. Бу урушда Англия Франция ва Испаниянинг деярли барча ҳарбий кемаларини чўктириб юборишган. Шундан кейин Наполеон I Бонапарт Англияни иқтисодий жиҳатдан мағлуб этиш мақсадида Европа мамлакатларига Англия билан савдо-сотик қилишни ман этган. 1807 йилнинг 25 июнида Франция ва Россия ўртасида Тильзит сулҳ шартномаси имзоланган. Унга кўра, Россия Наполеон I Бонапарт томонидан Англияга нисбатан минтақавий қуршов сиёсатида иштирок этишни ўз бўйнига олган. 1810-1811 йилларда Франция-Россия муносабатлари кескинлашган. Наполеон I Бонапарт Россия ҳукумати қарори билан 1810 йилдан бошлаб Франциядан Россияга келтириладиган молларга бож миқдорини оширганини баҳона қилиб, Россияга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлаган. Аслида эса Англиядан мағлуб бўлгандан кейин Наполеон I Бонапартнинг Францияда обрўси тушиб кетган. Ўз мавқеини тиклаб олиш мақсадида Наполеон I Бонапарт Россия устидан ғалаба қозонишни мўлжаллаган. 1812 йилнинг 12 июнида 640 минг кишидан иборат Наполеон I Бонапарт армияси Россияга бостириб кирган. Наполеон I Бонапарт армияси таркибида, французлардан ташқари, немислар, поляклар, итальянлар, испанлар, португаллар, швейцарияликлар ва бошқа давлатлар вакиллари бўлган. 1812 йил 8 августда Россия императори Александр I машҳур рус қўмондони М.И. Кутузовни (1745-1813

йиллар) Наполеон Бонапарт кўшинларига қарши курашаётган рус армиясига бош кўмондон этиб тайинлаган. 1812 йил 18 августда француз армияси Смоленск шаҳрини эгаллаб, Москва томон йўл олган. 26 августда Москванинг 124 км. ғарбида жойлашган Бородино қишлоғи яқинида Франция ва Россия кўшинлари ўртасида асосий жанг бўлиб ўтган. Бу жангда рус кўшинлари мардонавор мудофаа жанглари олиб бориб, француз армиясига катта талафот етказган, унинг жанговар қобилиятини заифлаштирган. Бородино жангида французлардан тахминан 55 минг киши, руслардан эса 45 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлишган. М.И. Кутузов ўз армиясини сақлаб қолиш мақсадида Москва томон чекинган ва Москвани умуман ташлаб кетиш ҳақида қарор қабул қилган. 2 сентябрь куни Наполеон I Бонапарт ўз кўшинлари билан Москвага кирган ва шу кундан бошлаб шаҳарда ёнғинлар бошланган. Француз кўшинлари озиқ-овқатсиз, ем-хашаксиз қолиб, чекинишга мажбур бўлишган. Уларни рус кўшинлари таъқиб қилиб боришган. Ноябрь ойида Россияда қаттиқ совуқ бўлган. Натижада Наполеон I Бонапарт армиясининг кўп қисми совуқдан нобуд бўлган. Чекинаётган француз кўшинларига рус ерларида тузилган партизан отрядлари ҳам ҳамла қилишган. 1812 йил ноябрь ойининг охирида Наполеон I Бонапарт француз кўшинлари қолдиқларини ташлаб, Францияга йўл олган. У Францияда Россия билан урушни давом эттириш учун янги кучларни тўпламоқчи бўлган. 1812 йилда Россия, Пруссия ва Австрия ўрталарида Францияга қарши иттифоқ тузилган. 1814 йилнинг март ойида Россия ўз иттифоқдош давлатлари кўшинлари билан Париж шаҳрини ишғол этган. Наполеон I Бонапарт тахтдан ағдарилган ва ғолиб давлатларнинг қарорлари билан унинг император унвони сақланиб қолинган ва унга Эльба оролини бошқариш буюрилган.

Франсуа де Ларошфуко – 1613-1680 йилларда яшаб ўтган француз адиби.

Фрейлина – Россияда Пётр I давридан сарой унвони. Оқсуяк зодагон оила вакили бўлган аёлларга берилган.

Фригольд – Ўрта асрларда Англияда меросий ёки умрбод фойдаланиладиган феодал мулк. Рицарлик, деҳқонлар, шаҳар ёки черковники бўлиши мумкин бўлган.

Фридрих буюк – 1712-1786 йилларда яшаб ўтган Пруссия кироли.

Фронт – 1. Сафнинг олд томони. 2. Жанг ҳаракатлари бўлаётган жойнинг олд томони. 3. Жанг майдони. 4. Уруш вақтида бир кўмондон раҳбарлиги остида энг йирик кўшинлар мажмуи, мас., Иккинчи жаҳон урушида Ғарбий фронт, Украина фронти.

Фузало – Ўқимишли кишилар, фозиллар, зиёлилар.

Фузея – Мушкет ўрнини эгаллаган чақмоқ милтиқ. XVII аср охири-XIX асрларда кўплаб Европа армиялари қуроллари таркибига кирган. 1700 йили Пётр I томонидан рус армиясига киритилган.

Фузилёрлар – Францияда XVII–XVIII асрларда чақмоқтошли милтиқлар (фузея) билан қуролланган пиёда аскарлар. Кейинчалик бир қатор Европа давлатлари кўшинларида ҳам жорий этилган.

Фукидид – Тахм. мил. ав. 460-400 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон тарихчиси.

Фуллер, Томас – 1608-1661 йилларда яшаб ўтган инглиз илоҳиётшуноси ва тарихчиси.

Фундаментализм – Бирор таълимот ақидаларини, илоҳий китоблардаги тушунчаларнинг дастлабки, соф ҳолатини сақлаб қолишни астойдил ҳимоя қиладиган, уларни мажозий маънода талқил этишни рад қиладиган ижтимоий, мафкуравий, диний қарашлар мажмуи. Диний фундаментализм барча динларда мавжуд. Фундаменталистларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади.

Фунт – Англия ва бир қатор араб мамлакатларида пул бирлиги.

Фунт-стерлинг – Англияда 20 шиллингга тенг пул бирлиги.

Фуриялар – Қадимги римликлар мифологиясида қасос ва виждон азоби илоҳалари. Инсонни қилмишларига яраша жазолашган.

Фурқат (тахаллуси; асл исми-шарифи Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғли) – 1859-1909 йилларда яшаб ўтган шоир, мутафаккир, публицист.

Фурқон – Қуръони Каримнинг номларидан бири, ҳақни ботилдан ажратувчи.

Фусаҳо – Чиройли гапира оладиган кишилар, сўз усталари.

Футуризм – 1. Инсоният келажаги, умумбашарий муаммолар, уларни бартараф этиш ҳақидаги умумий концепция ёки тасаввурлар мажмуи. 2. Ижтимоий жараёнлар ҳамда илмий-техника тараққиётига оид соҳалардаги жараёнларни изчиллик билан ўрганиш ва келажагини башорат қилиш.

Фуқаро – Муайян давлат Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана оладиган, қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажариши шарт бўлган шахс.

Фуқаролар уруши – Бир мамлакат ичидаги ижтимоий гуруҳлар ўртасида давлат ҳокимияти учун олиб бориладиган қуролли кураш. Фуқаролар уруши ижтимоий кескинликлар заминиде вужудга келади. Тарихда фуқаролар уруши турли шакл ва кўринишда намоён бўлган: қуллар қўзғолони, деҳқонлар уруши, партизанлар уруши, халқнинг ҳукуматга қарши қуролли кураши ва ҳоказо. Фуқаролар уруши давлатлар ўртасидаги урушлар, чет эл босқинчиларига қарши кураш ва миллий озодлик ҳаракати билан қўшилиб кетиши мумкин.

Фуқаролик жамияти – Жамият тараққиётининг аввалги босқичларида давлат ҳокимияти органлари бажариб келган талай вазифаларнинг жамоат ташкилотлари зиммасига ўтиши, давлат фаолияти устидан ижтимоий назорат ўрнатилиши.

Фуқаролик форуми – Собиқ Чехословакияда 1989 йилда амалга оширилган “бахмал инқилоби” жараёнида тузилган сиёсий ташкилот.

Фюрер – Национал-социалистлар доҳийси Гитлернинг фашистлар Германиясидаги унвони. 1934 йил 9 августда, Веймар республикаси президенти Гинденбург вафотидан кейин берилган. Қонун бўйича, янги фюрер ва рейхканцлер мансаблари президент ва канцлер мансабларини бирлаштирган.

Хабарнома – Бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи ҳужжат, чақирув қоғози.

Хавофий, Маждиддин – 1494 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) Ҳусайн Бойқаро давлатининг йирик мансабдор шахсларидан бири.

Хадив – 1867-1914 йилларда Миср давлати раҳбарларининг унвони.

Хадича – Муҳаммад Пайғамбарнинг бой хотини.

Хаёлий (утопик) социализм – Хаёлий идеал жамият ҳақидаги таълимот. Утопик социализм назариётчиларининг фикрича, бу идеал жамият мулкнинг умумийлигига, мажбурий меҳнат қилишга, адолатли тақсимотга асосланган. Хаёлий социализм ғоялари XIX асрнинг биринчи ярмида кўпроқ илгари сурилган бўлса-да, бу ғоя тарихда илгарилари ҳам баён этилган. XIX аср биринчи ярмидаги хаёлий социалистлар ғояларининг асосини инглиз мутафаккири Томас Мор (1478-1535 йиллар)нинг “Утопия” асари (асарнинг тўла номи “Давлатни яхши бошқариш, янги Утопия ороли ҳақида фойдали ва ажойиб олтин китоб”)да келтирилган фикрлар ташкил этади. Томас Морнинг фикрича, жамиятдаги барча иллатларнинг илдизи хусусий мулкдир. У ўзининг “Утопия” асарида идеал ижтимоий тузумни тасвирлайди. Бу тузум (Утопия ороли)да хусусий мулк йўқ, ҳамма меҳнат қилади, камбағаллар ҳам бойлар ҳам йўқ. “Утопия” асарида келтирилган фикрларга ўхшаш фикрларни италян утописти Томмазо Кампанелла (1568-1639 йиллар) ҳам ўзининг “Қуёш шаҳри” асарида келтирган. XIX асрда хаёлий социализм ғояларининг ривожланишига француз мутафаккири Анри Сен-Симон (1760-1725 йиллар), француз мутафаккири Шарль Фурье (1772-1837 йиллар), инглиз мутафаккири Роберт Оуэн (1771-1858 йиллар), А.И. Герцен (1812-1870 йиллар), Н.Г.Чернышевский (1828-1889 йиллар), В.Г. Белинский (1811-1848 йиллар) ва бошқалар ҳам ҳисса қўшишган.

Хаёлпарастлик – Амалга ошмайдиган, реал бўлмаган орзу-тилак, хомхаёл, утопия.

Хазар денгизи – Орол денгизининг қадимги номи.

Хазар подшолиги – VI аср охирларида Волга дарёсининг қуйи оқимида вужудга келган давлат тузилмаси. Хазар подшолигида 20 мингга яқин асосан савдо билан шуғулланадиган Ўрта Осиёликлар кўчиб келганлар. Уларнинг кўпчилиги хоразмликлар бўлган. Хоразмликлар Хазар подшолигининг ташқи ва ички савдосида муҳим роль ўйнаган. Ҳатто подшоликнинг 1200 кишидан иборат гвардияси ҳам хоразмликлардан тузилган. Мўғулларнинг Олтин Ўрда давлати барпо этилгандан кейин ҳам Волгабўйи ўзбеклари давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзларининг катта мавқеларини сақлаб қолишган.

Хазина – 1. Давлат пули, қимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сақланадиган жой. 2. Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар. 3. Ер ёки табиат бойликлари, табиий бойлик.

Хазиначи – Ўтмишда ҳукмдор ва бошқаларнинг пуллари, қимматбаҳо буюмлари ва бошқа моддий бойликларини сақловчи шахс. Сомонийлар даврида Бухоро регистони атрофида жойлашган 10 та девоннинг иккинчиси,

хазиначи, яъни мустовфий девони ҳисобланган. Қорахонийлар давлатида хазиначи масъулиятли лавозимлардан бири саналиб, “ағичи” атамаси билан ифодаланган. XIV–XVI асрларда Марказий Осиё давлатларида хазина учун масъул шахслар “хозин”, “хазинадор” атамалари билан ифодаланган. Эски ўзбек тилида ҳам “хазиначи” истилоҳи қўлланилган.

Хайём, Умар – 1048-1131 йилларда яшаб ўтган математик, астроном, файласуф ва шоир.

Хайлбоши – Ўтмишда отлиқ аскарлар бўлинмасининг бошлиғи. Сомонийлар ва салжуқийлар даврларида сарой ғуломларидан тузилган отлиқ гвардия бошлиғи.

Халач – Қарлуқ қабила иттифоқидаги қабилалардан бирининг номи.

Халди (Халд) – Урарту давлати динида бош худо. Шер минган соқолли жангчи қиёфасида тасаввур этилган.

Халифа – 1. Илк даврларда мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи. Халифа Муҳаммад Пайғамбарнинг ўринбосари, умавийлар давридан бошлаб эса Аллоҳнинг ердаги ноиби ҳисобланган. Муҳаммад Пайғамбардан кейинги тўрт халифа (Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон, Али)ни “хулафои рошидийн”, яъни тўғри йўлдан боровчи халифалар деб аташган. Аббосийлар, фотимийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар ҳам халифа номи билан аталган. XIII асрдан кейин айрим мусулмон мамлакатларининг ҳукмдорлари ўзини диний бошлиқ ҳам даъво қилиб халифа номига эга бўлишган. XVI асрда турк султонлари ўзларини халифа деб атай бошлаганлар. 2. Тасаввуфда пирининг ўрнига муридларни иршод қилиш вазифаси юклатилган шахс.

Халифалик – VII–VIII асрларда араб истилолари натижасида Арабистон яримороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган халифа томонидан бошқариладиган давлат. Муҳаммад Пайғамбар вафоти (632 йили)дан сўнг вужудга келган. Араб халифалиги 1258 йили, яъни Бағдод мўғуллар томонидан ишғол этилгандан сўнг тугатилган.

“Халоскор” – Симон Боливарнинг Лотин Америкаси халқлари томонидан эъзозлаб аталиши.

Халфа – 1. Эски мактабларда ўқувчиларга етакчилик, мактабдор домлага эса дастёрлик қиладиган бола. Домла йўқ вақтларида халфа машғулотларни ўтказган. 2. Устадан бир поғона паст даражасидаги шахс. Касб-хунар ўрганувчи шогирдлар бошлиғи. Бўзчилик, маҳсидўзлик, дурадгорлик каби касбларда шогирдларга халфа бошчилик қилган ва иш ўргатган.

Халқ – 1. Муайян мамлакатнинг барча аҳолиси. Шу маънода, “Ўзбекистон халқи” деганда миллати, дини, тилидан қатъи назар, мамлакатимизнинг барча фуқаролари ҳамда шу юртда доимий равишда истиқомат қиладиган аҳоли тушунилади. 2. Тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва ҳоказолар. Ҳозирга қадар халқаро ҳамжамият томонидан “халқ” тушунчасининг ягона таърифи ишлаб чиқилмаган. “Халқ” атамаси гоҳида “этнос” ва “миллат” атамаларига синоним сифатида ҳам ишлатилади. “Халқ” атамасининг тахминий таърифи: Халқ

маълум бир давлат фукароларининг умумий бирлигини англатиши билан бир қаторда, муайян ҳудудда тарихан таркиб топган, бошқа гуруҳлардан ўз тили, рухий-психологик ҳолати ва маданияти, шунингдек, умумий онги ва номланиши билан фарқ қилувчи сиёсий ёки этноижтимоий birlik йиғиндиси.

Халқаро ишчилар иттифоқи – *Қар.: Биринчи Интернационал.*

Халқаро меҳнат ташкилоти – 1919 йилда Миллатлар лигаси томонидан мухтор ташкилот сифатида тузилган. 1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус муассасасига айлантирилган. Таркибига 180 га яқин давлатлар киради. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий вазифаси ижтимоий адолат, меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшиланиши орқали ижтимоий барқарорликни таъминлашдан иборат. Халқаро меҳнат ташкилотининг штаб-квартираси Женева шаҳри (Швейцария)да жойлашган ва аъзо-давлатлар пойтахтларида ўз ваколатхоналарига эга.

Халқаро Қизил Хоч – XVII асрда швейцариялик бадавлат сармоядор Анри Дюнан томонидан асос солинган, ярадорлар, ҳарбий асирлар ва уруш қурбонларига ҳамда табиий офатлардан жабр кўрганларга ёрдам беришни мақсад қилган миллий ва халқаро ташкилотлар уюшмаси. Халқаро Қизил Хочга кирувчи миллий ва халқаро ташкилотлар ўзаро мустақилдир. Халқаро Қизил Хочнинг олий органи унинг халқаро конференцияси ҳисобланади. Конференциялар орасида Доимий комиссия иш олиб боради. Халқаро Қизил Хочнинг қароргоҳи Женева (Швейцария)да жойлашган.

Халқ Комиссарлиги – Совет Россиясида, кейинчалик собиқ СССРда 1917-1946 йилларда халқ хўжалиги ёки давлат ҳаётининг бирор тармоғига раҳбарлик қилган давлат органи, мас., Ташқи Ишлар Халқ Комиссари. Халқ Комиссарликлари 1946 йилда министрликларга айлантирилган.

Халқларнинг буюк кўчиши – Европада IV–VII асрларда германлар, славянлар, сарматлар ва бошқа қабилаларнинг Рим империяси ҳудудига ўтишидан иборат ялпи этник кўчишларнинг шартли номи. IV аср 70-йилларидан бошлаб хуннларнинг оммавий равишда ғарбга силжишлари халқларнинг буюк кўчишига бевосита туртки бўлган. V аср мобайнида герман қабилалари Рим империясининг бутун ҳудуди бўйлаб жойлашиб, бу ерда бир неча варвар қиролликларини барпо этганлар. Хусусан, Галлиянинг жануби-ғарбида маркази Тулуза шаҳри бўлган Вестгот қироллиги (418 йили; у кейинчалик Испанияга ҳам тарқалган) Шимолий Африкада Вандаллар қироллиги (429-439 йиллар), Италияда Остготлар қироллиги (493 йили), Шимолий Галлияда Франклар қироллиги (476 йили; кейинчалик у кўплаб варвар қиролликларини тобе этган), Галлиянинг жануби-шарқида маркази Лион шаҳри бўлган Бургундлар қироллиги (тахм. 457 йили); англлар, сакслар, ютлар V аср ўрталаридан Британияни босиб ола бошлаганлар ва VI аср охири–VII асрда бу ерда ўзларининг бир қатор қиролликларини барпо этганлар. Халқларнинг буюк кўчишининг сўнгги босқичи VI аср охири–VII асрларга тўғри келади. 568 йили лангобардлар Шимолий ва Ўрта Италияда муқим ўрнашганлар. Славянлар аварлар ва протоболгарлар (булғорлар) кўмагида Болқон ярим оролида мустақам жойлаша бошлашган. Натижада VII асрга келиб бу ҳудуд аҳолиси, асосан, славянлардан иборат бўлиб, улар ўз князликларини тузганлар. Славянларнинг

бир қисми Кичик Осиёга, Византия империяси худудига бориб жойлашган. Славянлар ғарбга – алеманнлар ва сакслар эгаллаган худудларга қадар тарқалишган. Халқларнинг буюк кўчиши Ғарбий Рим империясининг қулашига олиб келган.

Халқ лашкарлари – Қадимда ва Ўрта асрларда уруш вақтида фуқаролардан (асосан, кўнгиллилардан) ташкил топадиган ҳарбий тузилмалар, чет эл босқинчиларига қарши кураш учун кенг халқ оммасини жалб қилиш шаклларида бири. Халқ лашкарлари деярли барча халқлар тарихида жуда қадимдан маълум. Бир давлат бршқа бир давлатга ҳужум қилганида, босқинчиликка учраган мамлакат халқи ўз ватанини мудофаа қилиш учун қўлига қурол олган ва мунтазам қўшинлар бир қаторда душманга қарши курашган. Халқ лашкарлари кўнгилли ватанпарварлардан ташкил топгани билан партизанларга ўхшаб кетса-да, улар бир-биридан фарқ қилади: яъни партизанлар душман босиб олган худудда ҳаракат қилади, халқ лашкарлари эса душман босиб олмаган худудда тузилади.

“Халқ хартияси” – 1837 йилда Лондон шахрининг ишчилари томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат-талабнома. Унда ишчиларнинг сиёсий ҳуқуқлари баён этилган. “Халқ хартияси” тарафдорларини “чартистлар” деб аташган.

Халқчиллик – Халқона, муайян халққа хос хусусиятларни ўзида мужассам этган адабиёт ва санъат асари ёки воқеликнинг халққа яқин ва халқ томонидан осон қабул қилинадиган содда, ҳаётий ифодаси.

Хаммурапи – Месопотамияда мавжуд бўлган Биринчи Бобил шоҳлиги давлатининг ҳукмдори (мил. ав. 1792-1750 йиллар). Хаммурапи моҳир сиёсатчи ва саркарда бўлган. Унинг буйруғи билан ерга эгалик қилиш, никоҳ-оила, мерос ҳуқуқи, савдо-сотик, қуллардан фойдаланиш шартлари, иқтисодий-ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган 247 моддадан иборат қонунлар мажмуаси тузилган. Бу қонунлар “Хаммурапи қонунлари” номи билан машҳур бўлиб, бизгача етиб келган. Биринчи Бобил шоҳлиги даврида инсонлар қонунлар остида ҳаёт кечираётган озод инсонлар ва қонунлар ҳимоясидан маҳрум бўлган қуллар тоифаларидан иборат бўлган. Бу тоифаларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам Хаммурапи қонунларида белгиланган. Хаммурапидан кейин қадимги Бобил шоҳлиги таназзулга юз тута бошлаган.

Хаммурапи қонунлари – Месопотамияда мавжуд бўлган Биринчи Бобил шоҳлигининг ҳукмдори Хаммурапи буйруғи билан тузилган қонунлар тўплами. *Яна қар.: Хаммурапи.*

Ханаанлар – Фаластин худудида исроилликлар ва яхудийларга қарши курашган маҳаллий қабиланинг номи.

Хандақ – Ўтмишда Ўрта Осиё худудларида душман ўтолмасин деб қалъа атрофида махсус қазилиб, сув билан тўлдириладиган ўра, тўсик.

Хан Фэй – Мил. ав. 280-233 йилларда яшаб ўтган қадимги Хитой файласуфи.

Хаос – Қадимги юнон мифологиясида азалий чексиз фазо. Оламнинг яратилишигача мавжуд бўлган. Қадимги юнонлар тасаввурига кўра, хаос-коинот манбаи, у Гея (Ер), Эрот (севги), Эреб (қоронғулик) ва Ньюка (тун)ни яратган, улардан эса гўё Ерда яшовчи барча нарса пайдо бўлган.

Харакири – Японияда қорнини ёриб ташлаш орқали шахснинг ўз жонига қасд қилиши. Ўрта асрлардан маълум. Самурайлар орасида қабул қилинган бўлиб, ҳукмга биноан ёхуд ихтиёрий суратда амалга оширилган.

“Хараппа маданияти” – Ҳозирги Ҳиндистоннинг шимолий ва Покистоннинг жанубий ҳудудларида тахминан мил. ав. 2500-1800 йилларда мавжуд бўлган маданият. Ҳиндистоннинг энг қадимги маданияти намунаси. Хараппа маданиятининг марказлари Хараппа ва Мохенжо-Даро шаҳарлари бўлган. Хараппаликлар денгиз ва қуруқлик орқали Месопотамия ва Ўрта Осиё давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатишган. Хараппа ва Мохенжо-Дарода шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланган. Уларда пишиқ гиштдан икки қаватли бинолар қурилган, умумшаҳар канализациялари ва сув таъминоти тизимлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар натижасида Хараппа маданияти тарқалган ҳудудда ёзувлар битилган мингдан ортиқ муҳр, сопол ва металл буюмлари топилган. Лекин уларни ханузгача олимлар ўқишга муваффақ бўлишгани йўқ. Хараппа маданиятининг ҳалокатга учраши сабаблари номаълум. Баъзи олимлар бу ҳалокатнинг сабаби мил. ав. 2 минг йиллик биринчи ярмида шимолий-ғарбдан Ҳиндистонга орий қабилалари кириб келиши билан боғлиқ деб тахмин қилмоқдалар.

Харбор (харвар, харвор) – Ўтмишда Ўрта Осиёда ўлчов бирлиги. Бир эшак кўтара оладиган ўртача юк (тахм. 180-200 кг.) оғирлиги.

Харзийлар – Мунчоқ, маржон ва шунга ўхшаш зийнат буюмларини сотиш билан шуғулланувчи хорижий савдогар.

Хартия – Ўрта асрлардаги (шаҳарлар ва коммуналар хартияси, Эркинликнинг буюк хартияси ва бошқалар) ва янги замондаги (Буюк Британияда 1838 йилги халқ хартияси, конституцион хартия ва бошқалар) оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий тусдаги ҳужжат. Халқаро ҳуқуқда, одатда, декларация сўзининг синоними сифатида қўлланиб, мажбурий кучга эга бўлмайди, халқаро актнинг умумий қоидалари ва мақсадини ифодалайди (мас., Янги Европанинг Париж хартияси).

“Хартия – 77” – 1975 йилда Чехословакия ҳокимиятига қарши шаклланган норасмий оппозиция. 1973 йилнинг январь ойида Чехословакия инсон ҳуқуқлари ҳақидаги пакт, 1975 йилда эса Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашининг яқунловчи актини ратификация қилган. Бундан руҳланиб Чехословакиянинг бир гуруҳ маданият ва фан, дин арбоблари, ёзувчи ва шифокорлар вакиллари давлат раҳбарларидан конституцияга тўла риоя этиш, сиёсий маҳбусларни қамоқхоналардан озод этиш, совет кўшинларини Чехословакиядан чиқиб кетишини талаб қилган. Бу гуруҳ Чехословакиянинг расмий ҳокимиятига норасмий муҳолифатга айланган ва кейинчалик “Хартия–77” номини олган. Чехословакия раҳбарияти “Хартия–77”га нисбатан тазйиқ ўтказган бўлса-да, унинг фаолиятини ман қилишга журъат этолмаган. Чехословакиядаги “Хартия- 77” ҳаракати халқаро майдонда катта обрўга эга бўлган.

Харша – Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган Харша давлатининг ҳукмдори (606-647 йиллар).

Харша давлати – VII асрда Хиндистоннинг шимолида мавжуд бўлган давлат.

Хастинапур – Деҳли шаҳрининг қадимги номи.

Хатамото – Японияда самурайнинг энг имтиёзли қатлами.

Хатиб – Масжидда жума ва диний байрам кунлари, яъни ҳайит намозлари пайтида хутба ўқийдиган диндор.

Хатми Қуръон – Мусулмонларда марҳумлар арвоҳига атаб Қуръони Каримни бошидан охиригача кироат билан ўқиб тамомлаш ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим.

Хатна – Мусулмонлар ва баъзи бошқа халқларда ўғил болалар жинсий аъзоси терисининг озгина қисмини кестириш.

Хаттусали – Мил. ав. XIII аср бошларида Мисрнинг шимолий-шарқий қисмини босиб олган хеттлар қабиласи ҳукмдорларидан бири.

“Хаттусали сулҳ шартномаси” – Мил. ав. 1280 йилда Миср фиръавни Рамсес II билан Хаттусали ўртасида имзоланган сулҳ шартномаси. Ушбу шартноманинг матни ҳозиргача етиб келган.

Хафра (Хефрен) эҳроми – Қадимги Мисрда қурилган эҳром. Фиръавн Хафра шарафига қурилган. Хафрани юнонлар “Хефрен” деб аташган. Хафра эҳромини қуришда қизил гранитдан фойдаланишган. Хафра эҳроми Хуфу эҳромидан 8 метр паст. Хафра эҳроми олдида яхлит қоядан ўйиб ишланган тош сфинкс ҳам сақланиб қолган.

Хеопс – *Қар.: Хуфу.*

Хефрен – *Қар.: Хафра.*

Хива хонлиги – 1511-1920 йилларда мавжуд бўлган давлат. 1510 йилдан бошлаб Хоразм халқи сафавийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши кураш бошлашган. Бу курашга, Вазир шаҳри (ҳозирги Устюрт шаҳри, Кўҳна Урганч шаҳридан 60 км. узоқликда жойлашган) қалъаси қозиси Умар ва Мулла Саид Хисомиддин деган кишилар раҳбарлик қилишган. Қўзғолончилар Чингизхоннинг ўғли Жўжи авлодидан бўлган Элбарсхонга Хоразмда хон бўлишни таклиф қилишган. Элбарсхон шайбоний султонларидан бўлган. Элбарсхон Вазир шаҳрига келган ва хоразмликлар қўшинлари билан эроний қизилбошлиларни Хоразм худудидан ҳайдаб чиқарган. Шундан кейин 1511 йилда Элбарсхон янги тузилган Хоразм давлатининг ҳукмдори деб тан олинган. Дастлаб бу давлатнинг пойтахти Вазир шаҳри бўлган бўлса-да, кейин Кўҳна Урганчга кўчирилган. Маълумки, XVI аср охири–XVII аср бошларида Амударё ўз ўзанини ўзгартирган, яъни бу дарё ўз сувини Каспий денгизига эмас, Орол денгизига ташлайдиган бўлган. Шунинг учун Кўҳна Урганч шаҳрининг мавқеи пасайган, унинг аҳолиси яшаш учун қулайроқ бўлган шимолий худудларга кўчиб кета бошлашган. Ўша ерда янги шаҳар барпо этилган. Уни “Янги Урганч” деб атай бошлаганлар. Шу билан бирга шу минтақада Хива шаҳрининг мавқеи ҳам кучли бўлган. Элбарсхон вафотидан кейин (1516 йили) Хива хонлигида хонлар тез-тез алмашиб турган. 1556 йилда Хоразм хони Аванешхон (1526-1538 йиллар) Хивани давлат пойтахти деб эълон қилган. Араб Муҳаммадхон ҳукмронлиги даври (1602-1621 йиллар)да Хива шаҳри янада ривожланган. Шу даврдан бошлаб Хоразм давлати “Хива

хонлиги” деб атала бошлаган. Хива хонлиги тасарруфига Амударё қуйи оқимидаги воҳалар, Манғишлоқ, Даҳистон (Машҳад) ва Ўзбой атрофидаги кўчманчи туркман ҳудудлари кирган. Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари, Марв учун қирғинбарот урушлар бўлиб турган. Бу ҳудудлар бир неча маротаба қўлдан-қўлга ўтган. Хива хонлигига шимолдан шайбонийлар, қалмоқлар, қozoқлар, Урал казаклари тез-тез ҳужум қилиб турганлар. Хива хонлигининг машҳур ҳукмдорлари Абулғозий Баҳодирхон (1643-1664 йиллар), Муҳаммад Раҳим I (1806-1825 йиллар), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910 йиллар) бўлишган. Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, мусиқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳалари ривожланган. Хонликда Мунис Хоразмий (1778-1829 йиллар), Огаҳий (1809-1874 йиллар), Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1845-1910 йиллар), Комил Хоразмий (1825-1899 йиллар) каби шоиру адиблар фаолият кўрсатишган. Хива хонлигида ҳаттотлик ҳам ривожланган. Хива хонлигида сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан сўнг Хива хонлигида вазият кескинлашган. Бундай қалтис вазиятда давлатни бошқара олмай қолган Хива хони Асфандиёрхон 1918 йил январь ойида туркманлар сардори Жунаидхон Қурбон Мамедни Хивага таклиф қилган. Хон юқори мартабали амалдорлар ва дин аҳллари иштирокида давлатни бирга бошқариш ҳамда большевикларга қарши курашиш учун Жунаидхон билан Хивада музокара олиб борган. Асфандиёрхон Жунаидхонни “сардори карим” (қўшинлар қўмондони) қилиб тайинлаган. Шундан сўнг у Жунаидхон қўлидаги қўғирчоқ хонга айланиб қолган. 1918 йил 1 октябрда Асфандиёрхон саройдаги душманлари томонидан тахтдан ағдарилган ва унинг ўрнига тоғаси Саид Абдуллахон (1918 йил октябр-1920 йил 2 февраль ҳукмронлик қилган) ўтқазилган. Абдуллахон ҳам номигагина хон бўлган. 1918 йилдан бошлаб Хива хонлигида бутун ҳокимият тўлалигича Жунаидхон қўлига ўтган. 1919 йил бошларида “Ёш хиваликлар”нинг Тўрткўл Қўмитаси аъзоларининг бир қисми Жуманиёз Султонмуродов бошчилигида Тўрткўлда ёш хиваликлар коммунистик гуруҳи (фракцияси) тuzганлигини эълон қилинган. Большевиклар ҳукумати Хива хонлигига барҳам беришда мана шу ёш хиваликлар ҳамда Жунаидхонга қарши бўлган Қўшмамедхон ва Ғуломалихон каби туркман уруғи сардорлардан унумли фойдаланишган. Қизил армия қисмлари 1919 йил 25 декабрда Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирганлар. Қизил армиянинг катта кучлари Хива хонлигининг шимолий ва жанубий ҳудудларига ҳужум қилиб, 1920 йил бошларида унинг катта қисмини ишғол этганлар. Жунаидхон ўз қўшинлари билан мағлубиятга учраган ва Қорақум чўлига чекинган. 1 февралда хонлик пойтахти Хива қизил армия томонидан жангсиз ишғол қилинган. 1920 йилнинг 1 февралда Саид Абдуллахон қизил аскарлар ва ёш хиваликлар талаби билан тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги манифестни имзолаган. 2 февралда манифест халққа ўқиб эшиттирилган ва мажлис чақирилгунга қадар Хивада ҳокимият Муваққат инқилобий ҳукумат қўлига ўтганлиги эълон қилинган. 1920 йилнинг 26-30 апрель кунлари Хива шаҳрида бутун Хоразм халқ вакилларининг биринчи Қурултойи бўлиб ўтган. Унда 200 га

якин делегат қатнашган. Қурултой хонликда амалдаги монархия тузуми ўрнига Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) тузилганлигини эълон қилган.

Хиёнийлар давлати – IV асрда Амударёнинг ўнг қирғоғида мавжуд бўлган қадимий давлат.

Хилват – Тасаввуфда узлатда қолиб ибодат қилиш.

Хилхона – Қабристонда мархумларни дафн этиш учун бирор уруғ-авлодга ёки маҳаллага ажратилган бир қисми.

Хильят – Одатда, инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн.

Хирадманд – Ақл-заковатли, доно.

Хирож (Хараж) – Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиё хонликлари халқларидан ундириладиган ер солиғи. Сосонийлар давлатида Кубод I ва унинг ўғли Хусрав I Ануширвон ўтказган солиқ ислоҳоти натижасида жорий қилинган ер солиғи (харанг). Хирож илк халифалик ҳудудида “жизья” атамасининг синоними сифатида қўлланилиб, мусулмон бўлмаган аҳоли билан бир қаторда ер-сувга эга мусулмонлардан ҳам ундирилган. Хирож Ўрта Осиёда VII асрда араблар томонидан жорий қилинган. Хирож йиғиш учун ҳар бир вилоятда саркор, қишлоқда девонбеги ва котиб тайинланган.

Хирқа – Дағал ва арзон матолардан тикилган либос, дарвешлар кийими. Хирқа, одатда, суфийликда пирдан шогирдга ўтган, узоқ вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қуроқ ва ямоқ бўлган. Хирқа баъзида “жанда” деб аталган.

Хисрав I – Сосонийлар давлатининг ҳукмдори (531-579 йиллар).

Хисрав, Носир – 1004-1088 йилларда яшаб ўтган форс-тожик шоири, сайёҳи, мутафаккири. Дастлаб ўз қишлоғи Кубодиён (ҳозирги Тожикистон Республикаси)да таҳсил олган. Кейинчалик Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд Ғазнавий саройида мирзалик қилган. 1045-1052 йилларда Носир Хисрав Эрон Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиққан. Ушбу мамлакатлар ҳақидаги таассуротларини ўзининг “Сафарнома” асарида баён қилган. Носир Хисрав уч йил Мисрда яшаган. У ерда шиа йўналишидаги исмоийлик оқимида кирган. Балх шаҳрига қайтиб исмоийлик ғояларини тарғиб қилгани учун кофирликда айбланиб, суннийлик йўналиши уламолари томонидан ўлимга ҳукм қилинган. Шундан кейин 1052 йилда Носир Хисрав Бадахшонга қайтиб келган ва қолган умрини ўша ерда ўтказган.

Хисрав II Парвиз – Сосонийлар давлатининг шоҳаншоҳи (579-590 йиллар). Ҳурмузд IV нинг ўғли. Отаси вафотидан кейин (590 йили) тахтга ўтирган, лекин Баҳром Чўбин кўзғолони натижасида ундан маҳрум бўлган. 591 йилда Византия императори ёрдамида Сосонийлар давлати тахтини қайтадан қўлга киритган. Унинг ҳукмронлиги даврида босиб олинган мамлакатлар талон-торож этилган, аҳолидан ундириладиган солиқлар ҳажми ошган. Шу билан бирга Хусрав II Парвиз шоирлар, машшоқлар, мутафаккирларга ҳомийлик қилган. VII асрнинг 20-чи йилларида Византия императори Ираклий хазарлар ва турклар билан иттифоқ тузиб, Сосонийлар давлати пойтахти Ктессифонга қарши юришни амалга оширган. Шу вақтда сосонийлар зодагонлари Хусрав II Парвизни тахтдан ағдариб, қатл этишган. Шарқ

халқлари оғзаки ижоди, тарихий асарлар ва дostonларда Хусрав II Парвизнинг образи “Хусрав” номи билан кенг тарқалган. Мас., Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийнинг “Хусрав ва Ширин” дostonлари, Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” дostonида ва ҳоказо.

“Хитой коммунистик партияси Марказий Комитетининг улуғ пролетар маданий инқилоби тўғрисида”ги қарори (“Маданий инқилоб”) – Мао Цзэдун ташаббуси билан 1966 йилнинг августида қабул қилинган қарор. *Яна қар.:* “Маданий инқилоб” сиёсати.

Хитойлар – Ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бири. Хитой уруғининг келиб чиқиши, асосан, II-асрда қорахитойлар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бир қисмини босиб олганликлари билан боғлиқ.

“Хитойлик Бонапарт” – Қар.: Чан Кайши.

Хлодвиг I – Франк давлатининг асосчиси ва ҳукмдори (488-511 йиллар). Хлодвиг I 486 йили римликлар устидан ғалаба қозонган ва бутун шимолий Галлияни эгаллаб олган. Бу ҳудуднинг пойтахти Париж шаҳри бўлган. Шундан кейин франклар бу ҳудудга кўчиб кела бошлаган ва Франк давлати пайдо бўлган. 496 йилда Хлодвиг I христианликни қабул қилган. Хлодвиг I дан кейин унинг ўғил ва неваралари ўзаро урушлар олиб боришларига қарамай, Хлодвиг I яратган қиролликнинг ҳудудлари асосан ўзгармаган. Хлодвиг I ҳукмронлиги даврида “Сали ҳақиқати” деб номланган франкларнинг ҳуқуқий нормалари тўплами яратилган.

Хожа Аҳрор – 1404-1490 йилларда яшаб ўтган сўфизмнинг нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва тарғиботчиси. Хожа Аҳрорнинг асл исми Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший бўлган. У 1404 йилда ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани Боғистон қишлоғида туғилган. Хожа Аҳрорнинг отаси шайх Хожа Маҳмуд тасаввуфнинг нақшбандия тариқатига мансуб бўлган, тижорат ва зироат ишлари билан шуғулланган. Она томонидан Шайх Хованди Тоҳур (XIII аср) Хожа Аҳрорнинг бобоси бўлган. Хожа Аҳрор Тошкент ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Кейинчалик Ҳирот шаҳрига бориб, таникли тасаввуфшунослардан сўфийлик тариқатлари ҳақида маълумотлар олган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Ёқуб Чархий (1447 йилда вафот этган)дан нақшбандия тариқати асосларини ўрганган ва муршиди комил даражасига етган. Шундан кейин Хожа Аҳрор нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида шуҳрат қозона бошлаган. Уламолар ўртасида у “валий” (“авлиё”) сифатида танилиб “Аҳрор” (“Озод”, “Ҳур”) номига сазовор бўлган. Уни “Хожа Аҳрори валий” деб атай бошлаган. Хожа Аҳрор жуда катта мулкдор бўлган. У деҳқончилик ва тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Хожа Аҳрорнинг савдо қарвонлари Мовароуннаҳрдан Хуросон ва Ҳиндистонга қатнаган. Ҳаёти даврида Хожа Аҳрор жуда кўп хайрли, савоб ишларни қилган. Ҳожатманд кишилар ва уларнинг оилаларига доимо ўз ёрдами аямаган, улар тўлаши лозим бўлган солиқларни тўлаган. Хожа Аҳрор мазлумларнинг ҳомийсига айланган. Хожа Аҳрорнинг жамиятдаги мавқеи жуда баланд бўлган. Шунинг учун у сиёсий воқеаларда иштирок этган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ зотлар Хожа Аҳрорни ўзларига маънавий пир, устоз деб

билишган. Хожа Аҳрордан ҳозирги кунгача етиб келган асарлари “Фақарот ул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”), “Волидия” (“Отага бағишлов”), “Ҳавроийя” (XI асрда яшаб ўтган машҳур сўфий шоир Абу Саид Абдулхайрнинг “Ҳавро”, яъни “хурлар”-“фаришталар” сўзи билан бошланувчи бир рубоийсининг шарҳи келтирилган) ва Хожа Аҳрорнинг ўз замондошларига ёзган мактубларидан иборат. Хожа Аҳрор Самарқанд вилоятида дафн этилган.

Хожаи калон – Қўқон хонлигида диний мансабдорлар марказий бошқарувида шайхулисломдан кейинги ўринда турган унвон. Хонликнинг марказий бошқарувида икки хожаи калон тайинланган. Улар томонидан давлат идора ишларида шаръий қонунларнинг бузилмаслиги қаттиқ назорат остига олинган.

Хокрез – Тупроқдан ясалган кўтарма, тепалик. Хокрездан Ўрта асрларда ҳарбий ишда мудофаа иншооти сифатида фойдаланилган. Одатда, хандак билан қальанинг ташқи девори оралиғида барпо этилган. Хокрез душман кўшинларининг қалъага қаттиқ ҳужум қилишида қийинчилик, қалъа мудофаачилари учун душманни ўққа тутишда қулайлик туғдирган. Баъзида ҳалок бўлган мудофаачилар хокрезда дафн этилган.

Хоксор (хокисор) – Ниҳоят даражада камтар киши.

Холокост – Фашистик Германия раҳбарлари томонидан тузилган яҳудийларни қириб ташлаш режаси. Унга кўра яҳудийлар “гетто” деб аталган махсус жойларда яшашлари шарт бўлган, давлат идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, кийимларига махсус белги (олти қиррали юлдуз) тақиб юришлари керак бўлган. Яҳудийларнинг мол-мулклари мусодара қилинган, банклар ва саноат корхоналари “орийлаштирилган”, яъни “тоза қонли” немисларга берилган. Нацистларнинг яҳудийларга нисбатан махсус дастури бўлган “холокаст” (якуний қарор)ни амалга оширилиши натижасида Европада 6 млн. яҳудий қириб ташланган.

Хон – Туркий халқлар ва мўғул ҳукмдорларининг унвони. “Хон” сўзи дастлаб қабила бошлиғи кейинчалик олий ҳукмдорни англатган. Салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврида хон вилоят, шаҳар ҳокими ёхуд даражасига кўра амир ёки малик лавозимларига нисбатан юқори ҳисобланган, айти пайтда, мамлакат бошлиғи султонга тобе бўлган туркий бошлиқни билдирган. Хон арслон, буғра сингари сўзлар билан бирикиб Қорахонийлар давлати ҳукмдорларини англатган. Чингизхон давлатида улус бошлиғини “хон” деб аташган. Ўрта Осиёнинг олий ҳукмдорлари ҳам, чингизийлар авлодидан бўлса, ўзларини “хон” дейишган. Мўғул ҳукмронлиги Эронда номусулмон ҳукмдорлар хон, мусулмон ҳукмдорлари эса султон деб аталган. Кожарлар давлатида турли даражадаги ҳарбий ва маъмурий амалдорлар, Ҳиндистондаги мусулмон давлатларида турли мартабадаги мансабдорлар ҳам хон деб юритилган.

Хонақоҳ – Сўфийлар, дарвишлар тўхтайдиган ва яшайдиган маскан. Ўрта Осиёда Исломи дини тарқалгандан кейин пайдо бўла бошлаган. Дарвишлар, йўловчилар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзида қурилган. Хонақоҳларни араб мамлакатларида “зовия” ёки “равот” (“работ”) деб аташган.

Хонақоҳнишин – Хонақоҳдан чиқмасдан тоат-ибодат билан шуғулланадиган, умрини асосан хонақоҳда ўтказадиган, тарки дунё қилган киши.

Хондамир – 1473/76-1534 йилларда яшаб ўтган тарихчи олим.

Хондойлиқий, Сидқий – 1884-1934 йилларда яшаб ўтган шоир, таржимон.

Хонекер, Эрик – Собик Германия Демократик Республикасида мавжуд бўлган Германия социалистик Бирлашган партиясининг раҳбари.

Хонзода – Хоннинг фарзанди (ўғли ёки қизи), хон авлоди.

Хоний – Ҳукмдорлар томонидан элчиларга, мударрис ва олимларга вақти-вақти билан пул тариқасида бериладиган инъом.

Хонлик – Хон томонидан бошқариладиган давлат.

Хонсолар – Ўтмишда ҳукмдорлар учун овқат тортиш ишларини бажарувчи мансабдор шахс.

Хонумон – Уйдаги мол-мулк, бисот, бойлик.

Хоразм денгизи – Каспий денгизининг қадимги номи.

Хоразмий, Мунис – 1778-1829 йилларда яшаб ўтган шоир, тарихчи, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар.

Хоразмий, Мусо – 783-850 йилларда яшаб ўтган Ўрта Осиёлик қомусий олим. Алгебра фанининг асосчиси. Хоразмийнинг география, тарих, астрономия фанлари соҳалари бўйича ҳам хизматлари катта. Машҳур асарлари: “Алжабр вал-муқобала”, “Ҳисоб ал-инд” (“Ҳинд ҳисоби”), “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати ҳақида китоб”), “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”), “Муфотих ал-улум”, “Китоб ал-амал бил устурлабат” (“Устурлоб-юлдузларнинг ҳаракатини кузатиш”) ва бошқалар. 1983 йили жаҳон аҳли Мусо Хоразмийнинг 1200 йиллигини катта тантана билан нишонлаган.

Хоразм Маъмун академияси – XI асрда хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун II ташаббуси билан Хоразм пойтахти Гурганж (Қуҳна Урганч)да Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл ал Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абу Ҳасан Ҳуммор, тарихчи Ибн Мискавайҳ каби машҳур мутафаккир олимларнинг бевосита маслаҳатлари асосида “Дор ул-ҳикма ва маърифат” номи билан ташкил этилган йирик илмий маскан. 1997 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. 2004 йилнинг 9 ноябрида эса Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси “Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарорни қабул қилган.

Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) – 1923 йил 17-20 октябрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг IV Қурултойи қарорига биноан ташкил этилган давлат тузилмаси. Ушбу қурултой Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)ни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган. 20 октябрда ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган. Унга кўра, барча ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинган, ерга хусусий мулкчилик бекор қилинган, вақф ерлари бутунлай тугатилиб, улар маориф нозирлиги ихтиёрига ўтган. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил этилган. Шу тариқа 1923 йил октябрь ойидан бошлаб ХССРда мамлакатдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилган. 1924 йил 29 октябрь-2 ноябрида Хива шаҳрида Бутун Хоразм халқ вакилларининг V Қурултойи

ўтказилган. Унда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиши ўтказилганлиги муносабати билан ХССР тугатилганлиги эълон қилинган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) –1920 йил 26-30 апрелда Хива шаҳрида бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг биринчи Қурултойи қарори билан тузилган давлат тузилмаси. Ушбу қурултойда 200 га яқин делегат қатнашган. Қурултой Хива хонлигида амал қилган монархия (хонлик) тузуми ўрнига Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) тузилганлиги ҳақида эълон қилган. Қурултой томонидан 15 кишидан иборат ХХСРнинг ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши (раис Полвонниёз Хожи Юсупов) тузилган. 1920 йил 30 апрелда ХХСРнинг Муваққат Конституцияси қабул қилинган. Совет Россияси янги тузилган ХХСРни ўз таъсир доирасига олиш мақсадида 1920 йил 13 сентябрда ХХСР билан иттифоқ шартномасини тузган. Шартномада Хоразм Халқ Совет Республикасига Совет Россияси томонидан ҳарбий, иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Лекин бундай ёрдам замирида Хоразм Халқ Совет Республикасининг ички ишларига аралашиб, унинг сиёсатини ўз манфаатларига бўйсундириш мақсадлари ётган. 1921 йил 6 мартда қизил аскарлар Хива шаҳрида давлат тўнтаришини амалга ошириб, Полвонниёз Хожи Юсупов бошлиқ ёш хиваликлар ҳукуматини ағдалириб ташлашган ва янги инқилобий Қўмита тузишган. Большевиклар томонидан Хоразм Халқ Нозирлар Кенгаши аъзолари камокқа олиниб, кўпчилиги отиб ташланган. 1923 йилнинг 17-20 октябрида Хива шаҳрида Бутун Хоразм халқ вакилларининг IV Қурултойи ўтказилган. Ушбу қурултой ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Хоразмшоҳ – Хоразм ҳукмдорлари унвони.

Хоразмшоҳ, Алоуддин Муҳаммад – Хоразмшоҳлар давлатининг йирик ҳукмдори (1200-1220 йиллар). У расман шоҳ бўлса-да, Хоразмшоҳлар давлатида унинг онаси – Туркон хотуннинг мавқеи кучлироқ бўлган. Унинг “Умидим фақат Аллоҳдан” деган ёзуви бор муҳри ҳатто Хоразмшоҳ Муҳаммад муҳридан кудратли ҳисобланган. 1210 йилда Талас водийсида ҳал қилувчи жангда қорахитойларни мағлуб этгандан кейин Хоразмшоҳ ўзига ортиқча баҳо бериб, ўзини “Искадари соний” (“Иккинчи Искандар”), “Худонинг ердаги сояси” деб атаган. Мамлакат аҳолиси эса Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлигидан норози бўлган. 1206-1207 йилларда Бухорода Малик Санжар бошчилигида, 1211 йилда Самарқандда унинг ҳукмронлигига қарши кўзғолонлар бўлиб ўтган. Чингизхон давлати вужудга келгандан кейин Чингизхон ва Муҳаммад Хоразмшоҳ ўрталаридаги муносабатлар кескинлашган. 1220 йилда Самарқанд шаҳрининг муғул қўшинлари томонидан камал қилингани давридаёқ Балхда бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни ўз ҳолига ташлаб, ғарб томон кетган. Узоқ саргардонликлардан кейин у Каспий денгизининг жанубида жойлашган Ашурада оролига бориб қолган. Ўша ерда у ўпка қобиғига сув йиғилиш (плеврит) касалига чалиниб, 1220 йил декабрь ойида вафот этган. Жалолоддин Мангуберди отасининг жасадини тоғлик Ардаҳи қалъасига олиб бориб дафн этган. Кейинчалик Ардаҳи қалъаси мўғуллар томонидан забт этилгандан кейин, босқинчилар унинг жасади қолдиқларини қабридан қовлаб

олиб, Чингизхоннинг ўғли Ўқтойга юборишган. Ўқтой Муҳаммад Хоразмшоҳ жасади қолдиқларини ёқиб юборишни, кулини эса кўкка совуришни буюрган.

Хоразмшоҳлар давлати – 1097-1231 йилларда мавжуд бўлган давлат. XI аср охирида Хоразм зодағони Ануштагин Хоразмни салжуқийлардан мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. Шундай бўлса-да, салжуқийларнинг Хоразмга таъсири кучли бўлган. 1141 йилда қорахитойлар ва салжуқийлар ўртасида бўлиб ўтган Данданакон жангида салжуқийлар қўшинлари мағлубиятга учрашган ва минтақада уларнинг мавқелари заифлашган. Бундай вазиятдан Хоразм шоҳи Жалолоддин Отсиз (1127-1156 йиллар) усталик билан фойдаланиб, Хуросон ерларини, Марв, Нишопур шаҳарларини ўз тасарруфига ўтказган. Отсизнинг вориси Эл Арслон (1156-1172 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳам Хоразм мустақиллигини кучайтириш йўлида қорахитойлар билан жанглар олиб борган. 1172 йилда тахтни эгаллаган Такаш (1172-1200 йиллар) Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини босиб олган. 1194 йилда эса салжуқийларга кучли зарба бериб, Эронни Хоразмшоҳлар давлати тасарруфига ўтказишга муваффақ бўлган. Хоразмшоҳлар давлати Такаш ва Аловуддин Муҳаммадлар ҳукмронликлари даврида кучли салтанатга айланган. Хоразмдаги Гурганч, Қиёт, Кот, Ҳазорасп сингари обод шаҳарларнинг савдо-сотик ва ҳунармандчилик марказлари сифатидаги мавқеи тўхтовсиз кўтарила борган. Ташқи савдода Хитой, Андалусия, Россия, Яқин Шарқ мамлакатлари билан алоқалар кенг йўлга қўйилган. Бу даврда Хоразм ҳунармандчилигининг 50 дан ортиқ турлари мавжудлиги манбаларда қайд этилган. 1217 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ катта қўшин билан аббосийлар халифалиги маркази бўлган Бағдодга ҳарбий юриши муваффақиятсиз тугаган. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аббосийлар халифалигига қарши амаллари унга нисбатан дин пешволари, руҳонийлар норозилигини кучайтирган ва унинг мавқеини заифлаштирган. Хоразмшоҳлар давлати мўғул қўшинлари томонидан эгаллаб олинган.

Хорижий легион – Францияда (1831 йилдан) ва Испанияда (1920 йилдан) ёлланма ҳарбий қисмлар номи. Асосан, синфсизлашган жинорий унсурлардан ташкил этилган. Мустамлакалардаги миллий курашларни ва мамлакатдаги инқилобий ҳаракатларни бостиришда фойдаланилган.

Хорун ар-Рашид – Аббосийлар халифалиги халифаси (786-809 йиллар).

Хосе Морелос бошчилигидаги кўзғолон – 1813-1815 йилларда Мексикада маҳаллий халқларнинг испан мустамлакачиларига қарши кўзғолони.

Хотам – Имзо ўрнига мактуб охирида босиладиган мактуб эгасининг номи ўйилган тамға, муҳр. Хотамлар кўпинча узук кўзига ўрнатилган ва кўлга тақиб юрилган.

Хотира китоби – Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 1994 йил 16 мартдаги Фармони асосида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонликлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида нашр этилган 34 жилддан иборат мажмуа.

Хотун (Қатун) – Хокон хотини ва ҳукмдор аёлга нисбатан қўлланилган туркий унвон, турк ҳоконлигида олий ҳукмдорнинг умр йўлдоши, хотини. Дастлаб хунлар даврида (мил. ав. III-милодий – III асрлар) қайд этилган. Тарихда туркий ҳукмдорларнинг бир неча хотини бўлганлиги, фақат улардан

бири бош хотун бўлганлиги маълум. Хоқон вафот этганда ўрнини эгаллайдиган ўғли ёш бўлса, хотун унинг номидан ҳокимиятни бошқарган.

Хо Ши Мин – 1890-1969 йилларда яшаб ўтган Вьетнам халқининг мустамлакачиларга қарши миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбари.

Хоқон (Қаған, Қоон) – Марказий Осиёдаги айрим халқларда, шу жумладан, туркий халқларда ҳукмдорларнинг энг олий унвони. Ушбу унвон император, шоҳаншоҳ унвонлари билан тенг маънони билдирган. Мил. ав. I асрдан то Сўнги Ўрта асрларгача Марказий Осиё, Шимолий Хитой, Шимолий Кавказ, Жанубий Россия, шарқий Европа, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда ҳукм сурган туркий сулолаларнинг аксариятида ҳукмронларни англантиш учун қўлланилган. VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Турк хоқонлиги ҳукмдорлари ҳам “хоқон” номини олган, кейинчалик эса бошқа турк қабилалари ҳам ўзларини “хоқон” деб атаётган.

Христиан дини (христианлик) – Буддизм ва Ислом динлари қаторида жаҳон дини ҳисобланган дин. Яҳудийларнинг дини бўлган иудаизм таълимотига кўра, худо Яхве римликларга қарши курашаётган яҳудий халқига мессия (масих, дохий) юбориши ва у золимлар ҳукмронлигига барҳам бериб, ер юзида худонинг минг йиллик подшолигини ўрнатиши лозим бўлган. Рим саркардаси Помпей мил. ав. 64 йилда Қуддусни забт этгандан кейин яҳудийлар жамоалари Рим тасарруфига ўтган. Рим ҳукмдорлари Яҳудияда маҳаллий зодагонлардан бўлган Иродни ҳоким этиб тайинлашган. Ирод римликларга содиқ, ўта золим ва шухратпараст бўлган. У нафақат оддий халққа, балки ўз яқинларига нисбатан ҳам шафқатсиз бўлган. Ирод буйруғи билан уч ўғли, сингилларининг икки эри, хотини ва унинг онаси ўлдирилган. Яҳудияда Ирод халқни ғорат қилиш эвазига бойиб кетган. У кўплаб мухташам иншоотлар қурдирган. Ирод мил. ав. 4 йилда вафот этган. Лекин шундан кейин ҳам оддий халқнинг аҳволи яхшиланмаган. Мамлакатни Ироднинг уч ўғли бошқаришган. Уларнинг золимлиги оталаридан ҳам ошиб кетган. Яҳудияда ҳукмдорларнинг халққа нисбатан зулми, айниқса, I аср ўрталарида кучайган. Ирод хонадонига қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари шафқатсизларча бостирилган. Вақт ўтиб борар, лекин Яхвенинг мессиясидан дарак бўлмаган. Римликлар ҳамон Яҳудея халқига азоб берар, уларни қулларга айлантириб сотиб юборар эдилар. Яҳудийлар тушкунликка туша бошлаган. I аср 60-йилларининг охирида Рим империясининг шарқий вилоятлари (асосан Кичик Осиёда ва Яҳудия)да бир гуруҳ диндорлар Яхве юборган вакил –Христос ер юзига аллақачон инсон қиёфасида юборилган, деган фикрни тарғиб қила бошлашган. Уларнинг айтишларича, Христос (Исо) руҳоний қиёфасида инсонларнинг орасида юриб уларни руҳлантирган, барча ўлганлар вақти келиб тирилиши муқаррарлигини таъкидлаган. Христос Қуддус диндорлари томонидан ҳож (крест)га михлантириб ўлдирилган. Лекин уч кундан кейин у қайта тирилиб, осмонга учиб кетган. Янги дин пешволарининг таъкидлашича, Христос иккинчи маротаба ерга қайтади ва художўйлар бунга тайёрланиб туришлари лозим. I аср охири-II аср бошларида Христоснинг ҳаёти, азоб-уқубатлари, ўлиши ва қайта тирилиши ҳақида турли диндорлар томонидан турли жойларда тузилган ривоятлар тўплами пайдо бўла бошлаган. Уларни “евангелия” деб аташган. IV асрда

христиан динининг пешволари Матфей, Марк, Лука ва Иоанн томонидан тузилган 4 та евангелияни “ҳақиқий” (“каноник”) деб ҳисоблашган. Қолганларини “ёлғон” (“апокритик”) деб эълон қилишган ва уларни йўқ қилишга уринганлар. Вужудга келган янги христиан динини тарғиб қилишда апостол (христиан динини фаол тарғиб этган Иисус Христоснинг энг яқинлари)лар Павел ва Пётрларнинг хизматлари катта бўлган. Улар христиан динини тарғиб этганлари учун Римда қатл этилганлар. II аср охири-III асрнинг бошларида христиан динининг асосий таълимотлари шаклланган. Бу таълимотни қабул қилмаганларни “еретик” (“адашган”, “ғайридин”)лар деб аташган. Бу даврга келиб христиан дини йирик ижтимоий кучга айланган. Янги христиан дини инсонларга нариги дунёда бахтли ҳаёт мавжудлигини талқин қилган, ҳукмдорларга итоат этишга даъват этган. Шунинг учун римлик ҳукмдорлар дастлаб христиан динини қабул қилганларга шубҳа, нафрат кўзи билан қараб уларни таъқиб қилишган бўлса, кейинчалик бу янги динни қабул қила бошлаганлар. Христиан динининг мавқеини мустаҳкамланишида Рим императори Константин (306-337 йиллар)нинг хизмати катта бўлган. У христиан динини ҳимоя қилган ва уни давлат динига айлантирган. Шундан кейин христианлик герман қабилалари орасида ёйила бошланган. Кейинчалик VI асрда христианлик Англия ва Ирландия, IX асрда Скандинавия, X асрда Киев Русида қабул қилинган. Болтиқбуйи қабилалар XIII-XIV асрларда христианликка ўтишган. Христианликда қуйидаги етти сирли маросим мавжуд: чўқинтириш (крещение), нон ва вино тотиш (причастие), руҳонийлик унвонини бериш (рукоположение), тавба-тазарру қилиш (исповедь), миро мойи суртиш (миропамазание), муқаддас зайтун мойи суртиш (елеосвещение), никоҳ (брак). Христианлик дини 1054 йилда ғарбий-католик ва шарқий-православ черковларига бўлинган. XVI асрда эса христианликда протестантизм оқими вужудга келган. *Яна қар.: Католицизм, Православлик, Протестантизм.*

Хронограф – Византия, Болгария, Сербияда Ўрта асрларга оид умумжаҳон тарихи бўйича асарлар. VI асрдан маълум. Хронографларнинг манбалари Библия, антик давр муаллифлари, черков авлиёлари асарлари, хроникалар ва бошқалар бўлган. Хронографларда тарихий, адабий, географик маълумотлар келтирилган.

Хронология – 1. Воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлган вақт тартибида бирин-кетин кўрсатилган рўйхати, мас., Иккинчи жаҳон уруши хронологияси. 2. Тарих фанининг воқеа-ҳодисаларнинг вақт жиҳатдан содир бўлган кетма-кетлигини аниқлаш билан шуғулланувчи соҳаси.

“Хрусталли тун” – 1938 йил 10 ноябрь кечаси нацистлар Германиясида яҳудийларга тегишли уйлар, дўконлар, фабрикалар, банклар, нашриётлар оммавий равишда вайрон қилиниб, уларга ўт кўйилган. Бу ваҳшийликлар яҳудийларга тегишли мол-мулкларнинг дераза ойналарини синдиришдан бошланган. Шу боис 10 ноябрь кечаси тарихда “Хрусталли тун” сифатида кирган. Айнан шу кундан бошлаб яҳудийлар “тўлақонли инсон эмас” деб эълон қилиниб, уларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ва улар оммавий равишда ўлим лагерларига жўнатила бошлаган.

Хубби – Зардуштийлик дини таълимоти бўйича сув тангрисининг номи. У кемачи ва балиқчиларнинг ҳомийси ва мадакори ҳамда дарёда ғарқ бўлаётганларнинг халоскори ҳисобланган. Афсоналарда у навқирон балиқчи йигит қиёфасида тасвирланади.

Хубилай – 1210-1294 йилларда яшаб ўтган Юань давлатининг асосчиси ва ҳукмдори. Хубилай асли Чингизхоннинг ўғли Тулунинг тўртинчи ўғли бўлган. 1251 йилда Қорақурумда бўлиб ўтган мўғул зодагонларининг буюк қурултойида Хубилай раислик қилган. Ушбу қурултойда Мункэ қоон этиб сайланган. Мункэ қурултойдан кейин (1251 йилнинг ўзида) Хубилайни мўғуллар томонидан босиб олинган Хитой ерларини бошқаришни буюрган. Мункэ вафот этгандан кейин (1259 йил) Хубилай ва Мункэнинг укаси Ариқбўқо ўртасида тахт учун кураш бошланган. 1260 йилда Хубилай Мўғуллар давлатининг пойтахти бўлган Қорақурумни қўлга киритган. 1264 йилда Ариқбуқо Хубилайга таслим бўлган. Шундай бўлса-да, Хубилай Ариқбуқони тахтда қолдирган ва умрининг охиригача унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаган. 1271 йилда Хубилай Хитой ҳудудида барпо этган давлати ва сулоласини хитойча “Юань” деб атала бошлаган. 1279 йилда Юань давлати қўшинлари Жанубий Сунь давлатини мағлуб этишган ва Хитой ҳудудлари мўғуллар тасарруфига ўтган. Хубилай ўз қўшинлари билан Япония, Бирма, ҳозирги Вьетнам, Индонезиянинг Ява ва бошқа оролларига асосан муваффақиятли ҳужумлар уюштирган. Хубилай ҳукмронлиги даври (1260-1294 йиллар)да қоғоз пуллар муомалага киритилган, темир тўплар яшаш бошланган, квадрат шаклли ёзув ихтиро қилинган, мўғулларнинг хитойлашуви жараёнлари бошланган. Хубилай Тибет ламаси бўлган Пагбани давлат маслаҳатчи лавозимига тайинлаган, венециялик сайёҳ Марко Поло, турклар Насриддин ва Мисарийларнинг ҳарбий билимлари ва маслаҳатларидан фойдаланган. Хубилай ҳукмдорлиги даврида Хитойда кўплаб Будда ибодатхоналари қурилган. Хубилайнинг 12 ўғли бўлган. У тахтни невараси Темур ҳоконга васият қилган. XIV аср ўрталаридан бошлаб Юань давлати таназзулга юз тутта бошлаган.

Худбинлик – Фақат ўзини билиш, ўз манфаатини бошқа кишилар ва жамият манфаатларидан юқори қўйиш., эгоизм.

Худо – Диний сиғиниш ва эътиқод қилишнинг объекти сифатида намоён бўладиган буюк қудрат, азалийлик ва абадийлик, яратувчанликнинг тимсоли. Худо турли диний таълимотларда турлича талқин этилган. Ислом динида эътиқод қилинадиган якка худо “Аллоҳ” деб аталади.

Худоёрхон – Қўқон хонлигининг ҳукмдори (1845-1858, 1863 (3 ой) ва 1865-1875 йиллар). Худоёрхон биринчи марта Қўқон тахтига 13 ёшлигида ўтирган. Ўша вақтда Қўқон хонлиги саройида қипчоқларнинг таъсири кучли бўлган. Мусулмонқул қипчоқ саройида мингбоши лавозимида бўлган. Қўқон хони Шералихон қипчоқлар ёрдамида тахтни эгаллаган бўлса-да, кейинчалик Мусулмонқул билан муносабатлари кескинлашган. 1845 йилда Ўш шаҳрида Қўқон хонининг солиқ сиёсатига қарши қўзғолон бошланган. Мусулмонқул қўшинлар билан ушбу қўзғолонни бостириш учун Ўш шаҳрига юборилган. Шу вақтда Қўқон саройида тўнтариш амалга оширилиб, Қўқон хони

Шералихон ўлдирилган. Собиқ Қўқон хони Олимхоннинг ўғли Муродхон Қўқон тахтини эгаллаган. Муродхон тахтни сақлаб қолиш мақсадида ўзини Бухоро амирининг ноибидек тан олган, Мусулмонқулни эса мингбошилиқ лавозимида қолдириш ҳақида фармон чиқарган. Қўқонликлар Муродхоннинг бу ҳаракатларидан (айниқса, Бухоро амирининг ноибидек тан олганлигидан) норози бўлиб, уни қўллаб-қувватлашмаган. Шуларни инобатга олиб, Мусулмонқул Ўшдаги қўзғолонни бостиргандан кейин Қўқонга эмас, балки Наманганга келиб, ўз қизини Шералихоннинг 13 ёшли ўғли Худоёрга турмушга берган. Шундан кейин Қўқонга келиб Муродхонни ўлдирган ва ёш Худоёрхонни Қўқон хони деб эълон қилган. Худоёрхон ёшлиги сабабли хонликдаги барча бошқарув ишлари Мусулмонқул бошлиқ қипчоқлар қўлига ўтган. Мусулмонқул вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, хонликдаги катта лавозимларга қипчоқлар вакиллари тайинлаган. Натижада яна Қўқон хонлигидаги зодагонлар ва қипчоқлар ўртасида кескинлик вужудга келган. Худоёрхон Қўқон зодагонлари талабларини инобатга олиб, Мусулмонқулни, яъни ўз қайнатасини, мингбошилиқ лавозимидан бўшатишга мажбур бўлган. Мусулмонқул Қўқон хонлигида ўз мавқеини қайтадан тиклаб олиш мақсадида 1853 йилнинг баҳорида чор Россияси вакили тарихчи, шарқшунос, археолог олим В.В.Вельяминов-Зернов билан махфий учрашган. Шуни баҳона қилиб қирғиз ва ўзбек зодагонлари қипчоқларга қарши кураш бошлашган. Худоёрхон ҳам улар тарафига ўтган. Мусулмонқул асирга олиниб, қатл этилган. Шундан сўнг қипчоқларга қарши қирғин бошланган. 20 мингга яқин қипчоқлар ўлдирилган. Қипчоқлар қирғинидан кейин ҳам Қўқон хонлигида тахт учун курашлар тинчимаган. Натижада 1858-1862 йилларда Шералихоннинг катта ўғли (Худоёрхоннинг акаси) Маллахон, 1862-1863 йилларда Шохмуродхон. 1863 йилнинг май-июнь ойларида яна Худоёрхон, 1863-1865 йилларда Маллахоннинг ўғли султон Сайидхон Қўқон хонлари бўлишган. 1865 йилда Қўқонда қипчоқ ва қирғизлар Худойкулибекни хон деб эълон қилишган. У атиги 14 кунгина хонлик қилгандан кейин саройдаги барча хазина ва бойликларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Шундан кейин Худоёрхон ҳеч қийинчиликларсиз яна Қўқон хонлиги тахтини эгаллаган. Бундай беқарор ички вазиятдан фойдаланган чор Россияси Қўқон хонлигига қарши истилочилиқ ҳаракатларини бошлаб юборган. 1875 йилда “Пўлатхон” қўзғолонини бостиришга кўзи етмаган Худоёрхон сарой хазинасини олиб Тошкентга Туркистон генерал-губернатори олдига қочиб кетган. Шундан сўнг Қўқон тахтини Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек эгаллаган ва русларга қарши ғазавот эълон қилган. Рус қўшинлари билан бўлиб ўтган жангларда Насриддинбек қўшинлари мағлуб бўлган.

Худойи – Марҳумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун Худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат.

Худосизлик – *Қар.: Дахрийлик.*

Хулафо ар-рошидун – *Қар.: Чорёрлар.*

Хун Сюцюань – Оддий мактаб ўқитувчиси. Кейинчалик Хитойдаги Тайпин қўзғолонлари раҳбари ва Тайпин давлатининг императори.

“Хунвейбин” (“Қизил кўриқчилар”) – Хитойда “Маданий инқилоб” сиёсати даврида тузилган отрядлар. Хитойча “хунвейбин” сўзи “қизил кўриқчилар” маъносини англатади. *Яна қар.: Мао Цзэдун.*

Хунрез – Қон оқизувчи, жаллод.

Хунта – 1. Испан тилида сўзлашувчи мамлакатларидаги бирлашма, иттифок, комиссиялар, давлат органлари номи. 2. Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимият тепасига келган ҳарбий ҳукумат.

Хуржун – Эгар устига ёки елкага ошириб ташланадиган, юк солинадиган икки кўзли қоп, қўшхалта.

Хуросоннинг Сабзавор вилоятидаги сарбадорлар кўзғолони – 1337 йилда Хуросондаги Сабзавор вилояти ҳокимининг жияни Боштин қишлоғига келиб, аҳолидан шароб ва паричехралар талаб қилган. Мўғуллар зулмидан эзилган қишлоқ аҳли уни ўлдиришган. Шундан сўнг қишлоқ чеккасида дор тикиб, мархумнинг салла ва тақа (дўппи)сини дорга илиб тошбўрон қилишган, камонлардан ўққа тутишган. Кўзғолончилар ўзларини “сарбадорлар” деб аташган. Дастлаб Боштин қишлоғининг 700 киши мўғулларга қарши курашишга қасамёд қилганлар. Мўғуллар томонидан юборилган қўшинлар устидан ғалаба қозонгандан кейин сарбадорчилар Сабзаворни ишғол этишган ва Сарбадорлар давлатини тузишган. Шундан сўнг сарбадорчилар Нишопур, Тўс, Гургон (Астробод), Жанубий Хуросонни ҳам ишғол этиб, ўз давлатлари таркибига киритишган. Сарбадорлар давлати 50 йилга яқин мавжуд бўлган.

Хурофот – Дев, пари каби ғайритабиий кучларга ишониш ва уларга сиғиниш туфайли юзага келган урф-одатлар, ирим-сиримлар. Хурофот маънавий-руҳий ва маърифий жиҳатдан кишининг табиат ва жамият, инсон тафаккуридаги сир-асрорлари, нарса ва ҳодисаларни билишдаги ожизлигидир.

Хуррабий – XVI асрда яшаб ўтган. “Равзат ул-ошиқин” (“Ошиқлар боғи”) асарининг муаллифи.

Хусусийлаштириш – Мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусий мулк шаклига ўтказиш.

Хутба – 1. Жума ва ҳайит кунлари масжидда имом хатиб томонидан айтиладиган ояту ҳадислар, панд-насихатлар. 2. Ўтмишда халифа ва маҳаллий ҳукмдор номини тилга олиб имом томонидан айтиладиган дуо.

Хуфиёна – Бошқаларга билдирмасдан, яширин равишда.

Хуфия – Дарвешлар томонидан овоз чиқарилмай худонинг номи зикр этилиши. Хуфиянинг акси – жаҳрия. *Яна қар.: Жаҳрия.*

Хуфтон – 1. Куёш ботганидан бир-икки соат кейинги вақт. 2. Муслмонлар томонидан куёш ботганидан бир-икки соат ўтгач ўқиладиган сўнгги, кечки намоз.

Хуфу (Хеопс) эҳроми – Қадимги Мисрда қурилган энг катта эҳром. Фиръавн Хуфу шарафига қурилган. Хуфуни юнонлар “Хеопс” деб аташган. Хуфу эҳромининг баландлиги 146,6 метрни ташкил этади. Юнон тарихчиси Геродотнинг маълумотига кўра, Хеопс эҳроми 30 йилдан ортиқроқ вақтда, 100 минг киши томонидан қурилган. Хеопс эҳромининг ҳар бир томони 233 метрга тенг бўлиб, 2 млн. 300 минг плиталардан иборат. Ҳар бир плитанинг

оғирлиги икки тоннага яқин. Бир-бирининг устига силлиқлаб, зич қилиб қўйилган тош плиталар орасига ҳатто қил ҳам сиғмайди.

Хемингуэй, Эрнест – 1899-1961 йилларда яшаб ўтган америкалик адиб.

Хўжалар – 1. Биринчи араб истилочиларининг Мовароуннаҳрда яшаган авлодлари. 2. Ижтимоий табақа. Хўжалар саййидлардан кейинги ўринда туришган. Хўжаларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи исломшунос олимлар хўжаларни дастлабки тўрт халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али авлодлари деб таъкидласалар, бошқалари арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг насли деб билишади. Хўжалар оқсуяк табақаси сифатида кўп ҳолларда ўлим ва тан жазоси, урушларда қатнашиш, солиқ тўлашдан озод этилиш каби имтиёзларга эга бўлганлар.

Хўжаев, Файзулла – 1896-1938 йилларда яшаб ўтган давлат арбоби, тарихчи ва иқтисодчи олим, публицист. Бухорода бой савдогар оиласида туғилган. Бухоро мадрасасида таҳсил олгач, 1907-1912 йилларда Москвада хусусий мактабда ўқиган. 1912 йилда Бухорога қайтгач, “Ёш бухороликлар” партиясига аъзо бўлган. Файзулла Хўжаев отасидан мерос қолган катта бойликларни янги усул мактаблар очишга сарфлаган. 1917 йилдан бошлаб Файзулла Хўжаев Фитрат билан бирга Бухорода дастлаб конституцион монархия, кейинчалик эса демократик республика тузиш учун кураш олиб борган. “Ёш бухороликлар” партияси аъзолари Бухоро амири томонидан таъқиб қилинган, Файзулла Хўжаев Бухорони тарк этишга мажбур бўлган. 1920 йилда Бухоро амирлиги қизил армия томонидан тугатилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгандан кейин Файзулло Хўжаев Бухорога қайтган ва Халқ Нозирлар Шўросининг раиси (ҳукумат бошлиғи) этиб тайинланган. Бухоро Халқ Совет Республикасида у Халқ Нозирлар Шўросининг раиси лавозимидан ташқари Ташқи ишлар нозири, Ҳарбий ишлар нозири, Ички ишлар нозири, Меҳнат ва мудофаа кенгаши раиси, Шарқий Бухоро Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси лавозимларда ҳам ишлаган. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилгандан кейин 1925–1937 йилларда Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимида ишлаган. Файзулла Хўжаев ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий равнақига хизмат қилувчи тадбирларни амалга оширган, совет ҳокимияти томонидан олиб борилган бой деҳқон (қулоқ)ларни синф сифатида йўқ қилиш сиёсатини ёқламаган, Ўзбекистонда замонавий саноат иншоотлар қуриш ташаббускорларидан бири бўлган. Файзулла Хўжаев 1937 йилнинг 9 июлида Москва шаҳрида камокқа олинган. Унга совет ҳокимиятига қарши “ўнг троцкийчи блок” деб ном олган сиёсий ташкилот фаолиятида қатнашгани, “босмачилик” ҳаракати ва унинг қўрбошиларини қўллаб-қувватлагани, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик қилгани каби айблар қўйилган. Файзулла Хўжаев 1938 йилда ўлим жазосига маҳкум этилиб, ҳукм Москва атропофидаги Бутово қатлгоҳида ижро этилган. 1965 йилнинг 6 мартада собиқ СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб

топиб, уни оқлаган. 1996 йилда Ўзбекистонда Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллик юбилейи нишонланган.

Хўжазода – Хўжа авлодидан келиб чиққан киши.

–Ц–

Цезарь, Юлий – Мил.ав. 102 (ёки 100) – 44 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим диктатори. Мил. ав. 60 йилда саркардалар Юлий Цезарь ва Помпей ҳамда бадавлат Красс ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш бўйича махфий битим тузишган. Бу махфий битим тарихда “биринчи триумвират” (“биринчи учлик ҳокимияти”) деб ном олган. Красс ва Помпей ёрдамида Цезарь мил. ав. 59 йилда консул мансабига сайланган. Мил. ав. 44 йилнинг 15 мартида Цезарь шарқга юриши олтидан сенат мажлисига бораётганда суиқасдчилар томонидан ўлдирилган. Цезарь танасига 23 маро-таба ханжар санчилган. Римнинг форуми (асосий майдони)да Цезарни дафн этиш маросими бўлиб ўтган. Унда Цезарнинг дўсти консул Марк Антоний сўзга чиқиб, марҳумнинг васиятини оммага ўқиб эшиттирган. Васиятда Римнинг барча камбағал фуқароси ва жанглар фахрийларига 3 минг денарийдан тўлаш кўзда тутилган. Цезарнинг танаси куйдирилган. Кейинчалик у илоҳий шахс деб эълон қилинган. Танаси куйдирилган жойда Цезарь шарафига ибодатгоҳ қад кўтарган.

Ценз – 1. Қадимги Римда мол-мулкни кўрсатган ҳолда фуқароларни рўйхатга олиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ва солиқ тўлаш қобилиятини аниқлаш мақсадида ўтказилган. 2. Айрим мамлакатларда конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган у ёки бу сиёсий ҳуқуқдан фойдаланишга руҳсат этиш шартлари (мас. Сайлов цензлари).

“Цзаофан” (“Ғалаёнчилар”) – Хитойда “Маданий инқилоб” сиёсати даврида ташкил этилган отрядлар. Бу отрядларнинг вазифаси “маданий инқилоб” душманларига қарши курашда хунвэйбинчиларга ёрдам беришдан иборат бўлган.

Цивилизация – 1. Маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи. Турли минтақалардаги цивилизация (турмуш тарзи, меҳнат қуроллари, дини, маданий маънавий ҳаёти, овқатланиши, кийиниши ва ҳоказо) бир-бирларидан фарқ қилади. Турли ўлкаларда яшайдиган халқларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичида эришилган моддий ва маънавий маданият даражаси. Шунинг учун “Қадимги Шарқ цивилизацияси”, “Антик дунё цивилизацияси”, “Ғарб цивилизацияси”, “Ислом цивилизацияси”, “Христиан цивилизацияси”, “Ҳозирги замон цивилизацияси” каби тушунчалар мавжуд. 2. Ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи. 3. Ўзига хос диний, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, таълим-тарбиявий ва ҳоказолардан иборат қонуниятларга эга йирик ижтимоий-маданий тизим. Давлат тузилмаси, табақалар, шахарлар, хатларга эга жамият. Маданият, маданий тараққиёт. Аслан цивилизация тушунчаси XVIII асрда “маданият” тушунчаси билан узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Цинь давлати – Мил. ав. 221-206 йилларда ҳозирги Хитой ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Цинь империясининг буткул бирлашуви Ин Чжэн

хукмронлиги даври (мил. ав. 246-210 йиллари)да амалга оширилган. У мил. ав. 221 йилда ҳозирги Хитой ҳудудида мавжуд бўлган олтига подшоликни забт этиб, марказлашган империя барпо этишга муваффақ бўлган. Ўша йили Ин Чжэн ўзини Хитойнинг биринчи императори – Цинь Шихуанди деб эълон қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида хун қабилаларига қарши турли даврларда қурилган мудофаа деворини бир-бирига боғлаб, яхлит ҳолатга келтириш бошланган. Кейинчалик бу девор “Буюк Хитой девори” деб ном олган. Цинь Шихуанди кўлида қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти жамланган. Цинь Шихуанди фармонида биноан олдинги даврларни мақтаган, конфуцийчиларнинг таълимотини тарғиб этадиган фалсафий ва тарихий асарлар мусодара этилган ва ёндириб ташланган. Унинг фармони билан 460 нафар конфуцийчи олимлар қатл этилган. Цинь Шихуанди ҳукмронлиги даврида кўп сонли армия, улкан давлат маъмурияси тузилган, маҳобатли истехком ва қасрлар қурилган. Цинь Шихуанди ўзига аталган мақбарани ҳаётлигидаёқ қуришни бошлаган. Унда 700 минг асир ишлаган. Ўлимидан кейин ҳам ҳарбий кучга таяниш учун у олти минг жангчи ва отлар хайкаллари инсон бўйи баландлигида ясаб, у билан бирга кўмишни буюрган. Цинь Шихуанди мақбараси Хитойнинг ҳозирги Сиань шаҳри атрофида 1974 йилда топилган. Цинь давлатида деҳқонларнинг елкасига катта солиқлар юкланган. Кўплаб деҳқонлар хонавайрон бўлиб, қулларга айланган. Оғир зулмга қарши Цинь Шихуанди даврида бошланган деҳқонлар кўзғолонлари унинг вафотидан кейин янада кучайган. Деҳқонларга қуллар қўшилган. Шундай деҳқонлар кўзғолонларидан бирининг раҳбари, қишлоқ оқсоқоли Лю Бан мил. ав. 206 йилда Цинь давлатига барҳам бериб, янги – Биринчи Хань империясига асос солган.

Цин империяси – Хитой ҳудудида 1644-1912 йилларда мавжуд бўлган давлат.

Цин сулоласи – Хитойда 1644-1912 йилларда ҳукмронлик қилган манчжурияликлар сулоласи.

Цин Ши-хуанди (биринчи Цинь императори) – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Цинь империяси ҳукмдори Ин Чжэннинг фахрли номи.

Цин Ши-хуанди мақбараси – Цинь давлати ҳукмдори Цинь Ши-хуанди шарафига қурилган улкан мақбара. Бугунчага Хитойнинг Сиань шаҳрида сақланиб қолган.

Цитадель – Қалъа, қўрғон, арк. Қалъа ичида мустақил мудофаага мосланган мустаҳкам иншоот.

Цицерон, Марк Туллий – Мил. ав. 106-43 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим адиби, нотики ва сиёсий арбоби.

– Ч –

Чавандоз – От чоптириш, улоқда қатнашиш, от устида ўйнаш каби санъатларни эгаллаган киши.

Чавгон – 1. Учи эгри узун таёқ. 2. Ўтмишда Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган миллий спорт ўйини. Чавгон ўйинида отда икки гуруҳ бир-бирига

қарши мусобақалашиб, чавгон ёрдамида рақиб дарвозасига тўп киритишга ҳаракат қилишади.

Чавдур – Туркман уруғларидан бири.

Чайковский, Пётр Ильич – 1840-1893 йилларда яшаб ўтган рус композитори, дирижёри. Машҳур асарлари 4-6 симфониялари, “Ромео ва Жульетта” симфоник увертюраси, “Евгений Онегин” операси, “Уйқудаги гўзал” балети, “Шчелкунчик” балети ҳисобланади.

Чакса – Қадимдан XX аср бошларигача ишлатиб келинган оғирлик ўлчов бирлиги. Ўрта Осиёнинг турли жойларида турлича вазни билдирган (тахм. 3-4 кг.).

Чандавул – Ўтмишда кўшин ортини ҳимоя қилувчи бўлинма бошлиғи.

Чандрагупта – Мил. ав. 319-293 йилларда яшаб ўтган қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган Магатҳа давлатининг ҳукмдори. Кейинчалик Маурия давлатининг асосчиси. Чандрагупта дастлаб Магатҳа ҳукмдорларининг сароёида хизмат қилган. Кейинчалик эса уларга қарши тахтга эгалик қилиш учун курашган. Бу курашда мағлубиятга учраб, Магатҳа давлатининг шимолий-ғарбий қисмига қочиб кетган. У ерда македониялик Александр кўшини сафига кирган. Македониялик Александр шимолий Ҳиндистондан кетгач, Чандрагупта ҳинд халқининг юнон-македон босқинчиларига қарши озодлик курашига раҳбарлик қилган. Тарихий манбаларда Чандрагупта македониялик Александр билан учрашган, деб таъкидланади. Чандрагупта Ҳиндистоннинг барча шимолий ҳудудларини ўзига бўйсундирган. Кўп ўтмай Чандрагупта Магатҳа тахтини эгаллашга муваффақ бўлган ва шимолий Ҳиндистонда Мауриялар империясига асос солган. У ўзининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида македониялик Александрнинг ворисларидан бўлган Селевк билан яқинлашган, унга 500 та жангари филлар туҳфа қилган, Селевкнинг қизига уйланган. Бунинг эвазига Селевк Балужистон ва ҳозирги Афғонистоннинг бир қисмини Чандрагуптага берган. Баъзи маълумотларга кўра, Чандрагупта мил. ав. 293 йилда жайнизм динини қабул қилиб, тожу тахтдан воз кечган ва роҳиблик билан шуғулланган. *Яна қар.: Магатҳа давлати, Мауриялар империяси.*

Чандрагупта I – *Қар.: Гунталар давлати.*

Чандрагупта II – *Қар.: Гунталар давлати.*

Чан Кайши – 1887-1975 йилларда яшаб ўтган Хитой давлат арбоби, Тайванда тузилган гоминьданчилар ҳукуматининг асосчиси. Чан Кайши дастлаб Хитойда, кейинчалик Японияда ҳарбий таълим олган. 1911 йилда Чан Кайши Гоминьдан партиясига аъзо бўлган. 1914 йилда Японияда Чан Кайши биринчи маротаба Сунь Ятсен билан учрашган ва унинг шогирдига айланган. 1925 йилда Сунь Ятсен вафот этгандан кейин Чан Кайши Гоминьдан ҳукуматининг раҳбарига айланган. Ҳукмрон-лигининг биринчи кунлариданок Чан Кайши узоқ вақтлардан орзу қилиб юрган “шимолий юриш”ни амалга ошириб, мамлакат шимолида ҳукмронлик қилаётган маҳаллий милитаристларни мағлуб этмоқчи бўлган. “Шимолий уруш”да гоминьданчиларга Хитой коммунистлари иттифоқчи бўлишган. Ушбу юриш натижасида Хитой шимолининг катта ҳудудлари милитарист-лардан озод этилиб, Гоминьдан ҳукумати тасарруфига ўтган. 1926 йил октябрь ойдан

1927 йилнинг март ойигача Хитой коммунистик партияси Шанхайда Гоминьдан партиясига қарши бир неча мартаба қуролли ҳужумлар уюштирган. Шундан кейин 1927 йилнинг апрель ойида Чан Кайши бошчилигида Гоминьдан партияси Шанхай ва Хитойнинг бошқа шаҳарларида Хитой коммунистик партиясига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаган. Чан Кайши армияси 1949 йилда Хитой коммунистик партияси қўшинларидан мағлуб бўлгач, Тайвань оролига чекинган. Америка Қўшма Штатлари Хитой воқеаларига аралшиб, Хитой коммунистик партияси қўшинлари Тайванга бостириб кирган тақдирда, у ўзининг еттинчи флоти кучи билан Тайванни ҳимоя қилишини эълон қилган. Шундан кейин Хитой расмий Хитой ва Тайвань давлатларига бўлиниб кетган. Тайванда Чан Кайши ўз ҳукуматини тузган. Чан Кайши шахсий ҳаётда шеърят ва мусиқани яхши кўрган. У моҳир хаттот ҳам бўлган. Чан Кайши этика, сиёсий философия, миллий ва жаҳон тарихига бағишланган китобларни кўп ўқиган. У спиртлик ичимликлар ичмаган, чекмаган. Уни “хитойлик Бонапарт” деб аташган. Чан Кайши умрининг охиригача коммунистларга қарши курашган. Чан Кайши 1975 йилда вафот этган.

Чаноҳ (Жаноҳ) – Темурийлар даврида қўшин қанотини англаган истилоҳ. Соғ чаноҳ ва сўл чаноҳ қўшиннинг ўнг ва чап қанотларини англаган.

Чаплин, Чарльз – 1889-1977 йилларда яшаб ўтган америкалик комик актёр, сценарийчи, продюсер.

Чартизм – XIX асрнинг 30-40 йилларида Англия ишчиларининг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш ва ўз иқтисодий аҳволини яхшилаш учун олиб борган оммавий-инқилобий ҳаракатлар.

Чартистлар – XIX асрнинг 30-40 йилларида Англия ишчиларининг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш ва ўз иқтисодий аҳволларини яхшилаш учун ҳукуматка мурожат ҳаракатларини олиб борганлар. 1837 йили Лондон шаҳрининг ишчилари “Халқ хартияси” деб номланган ҳужжат-талабнома ишлаб чиқишган. Унда ишчиларнинг сиёсий талаблари баён қилинган. “Халқ хартияси” тарафдорларини “чартистлар” деб аташ маъмул бўлган. 1839 йили Англия парламенти чартистлар талабларини рад этган. Бунга жавобан 1840 йилда Англияда чартистлар партияси тузилган. Партия ишини ҳар йили қайтадан сайланадиган Бош ижроия кўмита бошқарган. Чартистлар партияси аъзолари аъзолик бадаллари тўлашган ва уларда аъзолик билетлари бўлган. Чартистлар партияси дунёда тузилган илк партиялардан бири бўлган.

Чақа – Қиймати энг кичик пул.

Чақирим – 1. Ўтмишда 1,06 км.га тенг узунлик ўлчови. 2. Одам бақирганда овози етиб борадиган масофа.

Чағдавул (Чангдовул, Чағдаул, Чағдуул) – 1. Чингизийлар, темурийлар армиясида қўшиннинг орт-арьерганд қисми. Унга шахзодалар ва тажрибали лашкарбошилар кўмондонлик қилган. 2. Қўшиннинг орт (арьергард) қисми кўмондони.

Чағониён (Сағониён) – Ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё ва қисман Тожикистон худудида мавжуд бўлган қадимий вилоят.

Чаҳоржўй – Ҳозирги Туркменистон ҳудудида мавжуд бўлган Чоржўй шаҳрининг эски номи. Чоржўй қадимда “Омул” деб ҳам аталган.

Чегара – Бир жойни бошқа бир жойдан ажратувчи ер, ҳад.

Чегара билмас шифокорлар – 1971 йилда бир гуруҳ шифокорлар томонидан асос солинган ташкилот. Ушбу ташкилот бетарафлик тамойилини рад этиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишини ошқора қоралайди ва бундай ҳолатлар ҳақида халқаро жамоатчиликка ахборот бериб боради. Чегара билмас шифокорлар миллати, давлатидан қатъи назар, тиббий ёрдамга муҳтожларга зарурий ёрдам кўрсатишга чақиради.

Че, Гевара Эрнесто – 1928-1967 йилларда яшаб ўтган “инқилоб экспорти” ғоясининг йирик назариётчи ва амалиётчиси. Че ўз инқилобий фаолияти давомида Гватемалада империалистик интервенцияга қарши курашда қатнашган (1954 йилда), Кубада инқилобий ҳаракатларда иштирок этган (1956-1959 йилларда), Конгодаги партизан жанглирида қатнашган (1967 йилда), Боливияда қуролли тўқнашувларда иштирок этган ва ўша ерда ўлдирилган (1967 йилда). Ченинг фикрича, Боливия буюк партизан мактабига айланиши керак эди. Бу мактабга бутун Лотин Америкасидан инқилобчилар келиб, “тахсил олишлари” режалаштирилган. Лотин Америка озод бўлгандан кейин Вашингтон (Америка Қўшма Штатлари)га қарши “буюк юриш” бошланиши лозим бўлган.

Чекка Александрия – *Қар.: Александрия Эсхата.*

Чемберлен, Артур Невилл – 1869-1940 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия сиёсатчиси.

Чемишкезек – Курд қабиласининг номи.

Черик – 1. Ўтмишда Турк хоқонлиги, қорахонийлар, салжуқийлар, чингизийлар, темурийлар, шайбонийлар, Хива ва Бухоро хонликларида ҳарбий юриш вақтида туман, вилоят, ўлка ва улуслардан олий ҳукмдор томонидан чақирилган фармонга мувофиқ йиғиладиган мунтазам кўшин. Черик, асосан, отлик, қисман пиёда қисмлардан ташкил топган. Черик ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга тақсимлаган. 2. Усмонлилар салтанатида 1362 йили Мурод I томонидан жангларда асир олинган ва махсус тарбияланган насроний ўсмирлардан тузилган алоҳида мунтазам ҳарбий қисм. Тарихда “йени чери” (“янги кўшин”) номи билан машҳур бўлган. *Яна қар. Яничарлар.*

Черков – 1. Христианлар ибодатхонаси. 2. Христиан динида эътиқодлари ва диний расм-русумларни бажариш жиҳатидан яқин бўлган диндорларнинг диний ташкилоти.

Черчилл, Уинстон – 1874-1965 йилларда яшаб ўтган Буюк Британия давлат арбоби.

Чехов, Антон Павлович – 1860-1904 йилларда яшаб ўтган рус адиби.

Чехословакиядаги “бахмал инқилоби” – 1989 йил 17 ноябрда Прагада Чехословакия ҳукуматининг сиёсатига қарши талаба (студент)ларнинг намоийишлари бошланган. Кўплаб намоийишчилар қамоққа олинган ва жазоланган. Шундан кейин “бахмал инқилоби” янги куч билан авж олган. “Хартия–77” ҳаракати ташаббуси билан Чехословакияда “Фуқаролик форуми” деб ном олган сиёсий ташкилот тузилган. Фуқаролик форуми қисқа вақт ичида

“Бахмал инқилоби”нинг бош штабига айланган. “Бахмал инқилоби” ғалабаси натижасида Чехословакияда мамлакат Конституциясида мавжуд бўлган коммунистларнинг мамлакатда раҳбарлик ролини тасдиқловчи моддаси бекор қилинган, Фукаролик форуми йўлбошчиси Вацлав Гавел мамлакат президенти, Александр Дубчек эса Федерал мажлиси раиси этиб сайланган, бозор иқтисодиётига асосланган сиёсат амалга оширила бошлаган, 1993 йилнинг 1 январидан Чехословакия ўрнига Чехия ва Словакия мустақил давлатлари вужудга келган.

Чжан Цзяо – Икки бародарлари билан қадимги Хитойда мавжуд бўлган Сўнгги Хань империяси ҳукмдорларига қарши бўлиб ўтган кўзғолонларга раҳбарлик қилган шахс.

Чжанго даври (Урушувчи давлатлар даври) – Мил. ав. 475-221 йиллар қадимги Хитойда Цинь, Чин, Чу, Хан, Чжоу, Вэй, Ян (хаммаси бўлиб еттита) давлатлар ўртасида бўлиб ўтган урушлар даври. Бу урушлар Цинь подшолигининг ғалабаси билан тугаган. Чжанго даврида Хитойда темирдан курул яшаш, деҳқончилик, хунармандчилик тез ривожланган, шаҳарлар юксалиб, улар деворлар билан ўралган. Бу даврда астрономия, математика ривожланган, тақвим пайдо бўлган, компас, порох кашф этилган.

Чжан Дао – Даосизм фалсафий таълимот асосида мил. ав. III–I асрларда қадимги Хитойда вужудга келган даосизм динининг асосчиси.

Чжан Цянь – Тахм. мил. ав. 103 йилда вафот этган хитойлик сайёҳ ва дипломат. Хитой императори У-ди мил. ав. 138 йилда Чжан Цянни ғарб томон юборган. Чжан Цяннинг вазифаси юечжи ва хуннуларга қарши курашда иттифоқдошлар топиш бўлган. Лекин у хуннулар кўлига тушиб қолган ва фақат ўн йилдан кейин (мил. ав. 128 йилда) асирликдан қочишга муваффақ бўлиб, саёхатини давом эттирган. У Тяньшань тоғлари этаклари бўйлаб Фарғона водийси (Довон давлати)га келган. Довон ҳукмдори Чжан Цянга Хитой билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш хоҳиши борлигини билдирган. Чжан Цянь Довон давлати тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. Довон давлатидан чиқиб Чжан Цянь Қанғ давлатига, кейин Қизилқумдан ўтиб Бактрия давлатига борган. Бактрияда бир йил туриб Помир орқали Хитойга қайтган. Чжан Цяннинг ғарбий ўлкаларга қилган саёхати 13 йил давом этган. У билан саёхатга чиққан 100 кишидан фақат икки киши – ўзи ва йўлбошчиси Хитойга омон қайтиб келган. Чжан Цянь Хитой императорига Ўрта Осиё давлатлари ҳақида батафсил маълумот берган. Унинг бу ҳисоботи ҳозирги кунда Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги тарихини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Чжан Цянь томонидан Хитойдан Ўрта Осиёга келган йўллари кейинчалик Буюк ипак йўлининг асосини ташкил этган.

Чжао Куан-инь – 960-1279 йилларда Хитой худудида мавжуд бўлган Сун хонлигининг асосчиси. 927-976 йилларда яшаб ўтган. Дастлаб Сўнгги Чжоу хонлигида саркарда бўлган. Кейинчалик у тахтни ўз кўлига туширишга муваффақ бўлган ва Сун хонлигига асос солган. *Яна қар.: Сун хонлиги.*

Чжоу шоҳлиги – Мил. ав. 1122-III асрларда Ҳозирги Хитойнинг марказида, Шанг-Инь давлатининг ғарбий томонида мавжуд бўлган қадимий давлат. Чжоу қабиланинг номи. Мил. ав. 1122 йилда Чжоу қабиласининг

рахбари У-ван Шанг-Инь давлатини мағлубиятга учратган ва янги Чжоу давлатига асос солган. Чжоу давлати подшоҳларининг уч маслаҳатчиси (олий мураббий, олий устоз ва олий ҳомий) ва уч бошқарувчи (дин ишлари бўйича, ижтимоий ишлар, шу жумладан ирригацион ишлари бўйича ва ҳарбий ишлар бўйича)дан иборат бўлган. Дастлабки Чжоу ҳукмдорлари забт этилган катта ҳудудларда ўз қариндошлари, яқинлари ва лашкарбошилари ҳоким(ван) қилиб тайинлашган. Кейинчалик ванлар вилоятларда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаган ва ўзаро курашлар бошлаб, марказий ҳокимиятни тан олмай қўйишган. Натижада Чжоу давлати ҳудудида бир нечта мустақил шоҳликлар вужудга келган. Чжоу давлати мил. ав. 475-221 йилларда бўлиб ўтган “Чжанго даври”даги урушларда мағлубиятга учраган.

Чжу Юан-Чжан – XIV аср ўрталарида бошланган Хитой халқининг мўғуллар ҳукмронлигига қарши кураш раҳбари. Асли роҳиб. 1368 йилда кўзғолончилар Пекин шаҳрини ишғол этиб, Хитойда мўғул Юань сулоласи ҳукмронлигига барҳам беришган. Чжу Юан-Чжан Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлигига асос солган.

Чжен Хэ – Хитойлик машҳур сайёҳ. XV аср бошларида Мин империяси томонидан Жанубий денгизлар ва Ҳинд океани ҳудудларини ўз тасарруфига киритиш мақсадида “Жонка” деб номланган қайиқларда 25 йилдан ортиқ вақт ичида етти маротаба ташкил этилган денгиз экспедицияларининг раҳбари. Ушбу экспедициялар натижада у Индонезия, Цейлон, Суматра ороллари, Арабистон (Макка)ни хитойликлар учун кашф этган ва ушбу ўлкаларга денгиз орқали бориш йўлларини кўрсатган.

Чигил – Қадимги туркий қабилалардан бирининг номи. Улар асосан Или дарёси водийсида ҳамда Исиккўл атрофларида, айрим гуруҳлари эса ҳозирги Талас дарёсининг ўрта оқимларида яшашган. Чигиллар X аср охирларида қарлуқ, халаж, яғмо ва бошқа туркий қабилалар билан Қорахонийлар давлатининг ташкил топишида фаол қатнашган. XI аср давомида чигилларнинг асосий қисми ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган.

Чиллагузарон – Янги бола кўрган онанинг чилласи чиққандан сўнг ўз ота-онасиникига ёки бошқа яқинлариникига меҳмонга бориши ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим.

Чилтон (Чилтан) – 1. Тасаввуфда рижол ул-ғайб, яъни қирқта авлиё. 2. Тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий 40 та руҳ. Ривоятларда чилтонлар одамлар кўзига кўринмайди, баъзан улар орасида одам қиёфасида яшайди деб талқин этилади. Улар, одатда, мазор ва одамлар бўлмайдиган жойларда учрайди деб тасаввур қилинади. Турли офатлардан сақланиш, касалдан қутулиш мақсадида чилтонларга атаб пиликдан ясалган 40 чироқ ёқиш, уларга бағишлаб турли таомлар пишириш одат бўлган. Бу таомлар “чилтон оши” деб аталган ва улар шу маросим муносабати билан тўпланган хотин-қизларга тарқатилган.

Чин – Қадимги Шарқ манбаларида Шимолий Хитой –“Чин”, Жанубий Хитой эса “Мочин” деб аталган.

Чир суви – Чирчиқ дарёсининг қадимги номи.

Чирпит – Қадимда уч литрга яқин ҳажм ўлчов бирлиги ва шу ҳажмдаги шиша идиш.

“Чифатой гурунги” – Туркистон жадиidlари томонидан ташкил этилган ва 1919-1921 йилларда фаолият кўрсатган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот. Фитрат бошчилигида Тошкентда тузилган. Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (АССР) миллий ишлар халқ комиссарлиги томонидан “сиёсатга аралашмаслик шарти билан” ушбу ташкилотни тузишга рухсат берилган. “Чифатой гурунги” аъзолари туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни ўрганишган. 1921 йилнинг бошларида “Чифатой гурунги” ташкилотининг фаолияти Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан тўхтатилган.

Чифатойлар – Чифатой улусини идора этган сулола (1224-1370 йиллар). Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чифатой (1242 йилда вафот этган) номидан олинган. Йирик Чифатой улуси ҳукмдорлари: Чифатой (1224-1242 йиллар), Олғу (1261-1266 йиллар), Муборак (1266 йил), Бароқ (1266-1271 йиллар), Алоуддин Тармаширин (1326-1334 йиллар), Туғлуқ Темур (1359-1370 йиллар).

Чифатой улуси – Чингизхон томонидан иккинчи ўғли Чифатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятларнинг умумий номи. 1224-1370 йилларда мавжуд бўлган. 1224 йилда Чингизхон забт этилган ўлка ва вилоятларни тўрт мулк (улус)ка бўлиб, уларни тўрт ўғилларига тақсимлаб берган. Чифатойга Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳр ерлари теккан. Мўғуллар кўчманчи халқ бўлганликлари учун уларда ўтроқ халқни бошқариш тажрибалари бўлмаган. Шунинг учун Чингизхон Хўжандга кўчиб келган хоразмлик Маҳмуд Ялавочни Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинлаган. Чифатойнинг ўзи эса умрининг охиригача укаси Угэдэй қоон саройида бош маслахатчи сифатида фаолият кўрсатган. 1251 йилда Қорақурумда мўғулларнинг қурултойи бўлиб ўтган. Унда Ботухоннинг қарори билан Чингизхоннинг набираси Мункэ (Тулихоннинг тўнғич фарзанди) қоонлик тахтига ўтирган. Қурултойда Мункэнинг қоон бўлишига қаршилик кўрсатган собиқ қоон Угэдэйнинг тарафдорлари ҳибсга олинган. Кейинчалик улардан 77 таси қатл этилган. Чифатой ва унинг тарафдорлари ҳам Мункэга нисбатан душманлик муносабатида бўлишган. 1251 йилдаги қурултойдан кейин Чингизийлар империясида Чингизхон асос солган яккаҳоқимлик ўрнига Ботухон ва Мункэ раҳбарлигидаги иккиҳоқимиятчилик вужудга келган. Чифатой авлодлари ҳоқимиятдан четлаштирилиб, уларнинг кўплари Угэдэй тарафдорлари билан бирга қатл этилган. Мовароуннаҳр Ботухонга қарам бўлган. 1265 йилда Оҳангаронда чингизийлар авлодидан бўлган Муборакшоҳ ўзини хон деб эълон қилган. Муборакшоҳнинг “ўзбошимчалиги”дан ғазабланган мўғулларнинг улуғ қоони Хубилай ўз фармони билан Чифатой улусига Бароқхонни хон қилиб тайинлаган. Бароқхон ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларига келиб ўзига содиқ мўғул жангчиларни тўплаган. 1266 йил сентябрь ойида Хўжанд яқинида Муборакшоҳ ва Бароқхон кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда Муборакшоҳ мағлубиятга учраб, асирга олинган. Шундан сўнг Бароқхон Ўзган (ҳозирги Қирғизистон ҳудудидаги шаҳар)да ўзини Чифатой хони деб эълон қилган. Кейинчалик Бароқхонда улуғ қоон Хубилайга бўйсунмаслик

кайфиятлари пайдо бўлган. Барокхон ҳукмронлиги даври (1266-1271 йиллар)да Андижон шаҳрига асос солинган. XIV асрнинг биринчи ярмида Чиғатой улуси мўғулларининг ўтроқлашув, ислом маданияти таъсирининг кучайиб бориш жараёнлари содир бўлган. Бу жараённи тезлашишида 1318-1326 йилларда Чиғатой улусининг хони бўлган Кебакхоннинг ўрни катта бўлган. У бутунлай Мовароуннаҳрга кўчиб келиб, ўз қароргоҳини Насаф шаҳри ёнида барпо этган. Кейинчалик бу сарой ўрнида янги Қарши шаҳри бунёд этилган. 1326-1334 йилларда Чиғатой улусида Кебакхоннинг укаси Оловиддин Тармаширин Чиғатой хони бўлган. У ўтроқ халқ ҳаёт турмуш тарзини каттиқ ҳимоя қилиб, ислом динини Чиғатой улусида расмий динга айлантирган. Тармаширин 1334 йилда унинг сиёсатидан норози мўғул зодагонлари томонидан ўлдирилган. Тармаширидан кейинги Чиғатой хонлари ҳукмронлик давларида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган бўлса-да, Чиғатой улусининг қудрати пасая борган. XIV асрнинг 40-йилларида Еттисувда Дуғлот амирлиги вужудга келиб, унинг амири Чиғатой улуси хонига бўйсунмаган. Бу амирлик кейинчалик “Жета” (“Мўғулистон”) деб аталган. Шундан кейин Чиғатой улусининг ҳудудлари фақат Мовароуннаҳр ҳудудлари билан чегараланган. XIV асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик авж олган, унинг ҳудуди бир неча ярим мустақил қисмларга бўлиниб кетган. 1370 йилда Амир Темур салтанатининг ўрнатилиши билан чиғатойлар ҳокимиятига барҳам берилган.

Чиғил – Қарлуқ қабилаларидан бирининг номи. Чиғиллар асосан Иссиқкўлнинг жануби-шарқида, Талас дарёси ҳавзасида, Тароз шаҳри яқинида ҳамда Қашқарда яшашган. Улар Қарлуқ давлатининг сиёсий ҳаётида ва ўзбек халқининг этногенетик жараёнларида муҳим роль ўйнаган. Чиғиллар XI аср бошларида Мовароуннаҳр ҳудудларига кўчиб ўтиб, Ғарбий Қорахонийларнинг давлат ишларида фаол қатнашганлар. Кейинчалик маҳаллий аҳоли билан аралашиб, этник номларини унутиб юборишган.

Чиғир – Қирғоқ сатҳидан анча паст оқадиган канал, ариқ ва анҳорлардан юқорига сув чиқариш учун ишлатиладиган қурилма, чархпалак.

Човуш – *Қар.*: *Турначи.*

Чокар – Ўрта асрларда қишлоқнинг йирик мулкдор деҳқонларнинг кўрғонлари ва мулкларини қўриқлаш ва уларни ташқи ҳужумлардан муҳофаза этиш учун тузилган ёлланма қуролли отряд (гуруҳ). Чокарлар деҳқон кўрғонларига яқин ёки шаҳар атрофида қурилган истехкомларда яшашган. Бундай истехкомлар Чокардиза деб юритилган.

Чонғи – Ўтмишда ҳарбий юришлар вақтида ўтказиладиган кенгаш.

Чопар – Ўтмишда муҳим хабарни бирон жойга ёки ҳукмдорга етказиш учун юборилган отлик, сувори.

Чоповул (Чаповул) – Темурийлар, шайбонийлар, Ўрта Осиё хонликлари кўшинларида душман кучларига кўққисдан ҳужум қилиб уни парокандаликка учратиш мақсадида кенг қўлланилган тактик амалиёт ёки суворий гуруҳ.

Чопқун (Чопғун) – Ўтмишда ҳарбий юриш вақтида кўшиннинг озиқ-овқати, ем-ҳашаги ва бошқа эҳтиёжлари учун, шунингдек, қамалда қолган

аҳоли ва қўшиннинг тинқасини қуритиш мақсадида теварак-атрофдаги қишлоқларга қарши амалга ошириладиган талончилик босқини. Чопқунда мингтагача отлиқ жангчилар – чопқунчилар иштирок этган. Чопқун вақтида қўлга киритилган барча нарсалар ва бандилар қароргоҳга ўлжа сифатида олиб келинган.

Чорак – 1. Тўртдан бир улуш, тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири. 2. Ўтмишда Ўрта Осиёда оғирлик ўлчов бирлиги. Унинг оғирлиги бир пуднинг бир бўлаги, яъни 4,1 кг.га тўғри келган.

Чорвилоят – Ҳозирги Афғонистоннинг Кундуз, Балх, Андхой ва Маймана вилоятлари. “Чорвилоят” сўзи “тўрт вилоят” маъносини англатади. XVIII-XIX асрларда Амударёнинг чап соҳилларида жойлашган Сарипуль, Шибирғон, Хульм, Гури каби вилоятлар унчалик катта бўлмаган. Шунинг учун улар бу ҳудуднинг сиёсий ҳаётида унчалик муҳим роль ўйнамаган. Чорвилоят вилоятлари эса ўша вақтда нисбатан жипслашган давлатлар бўлган. 1835-1838 йилларда Афғонистон ҳукмдори Дўст Муҳаммадхон Чорвилоятни босиб олган ва шундан кейин бу ҳудудларни “Афғон Туркистони” деб атала бошланган. Чорвилоятда Бухоро амирлигидай ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар яшашган, уларнинг анъаналари, урф-одатлари бир хил бўлган, улар ўртасида тарихан савдо-сотик, маданий муносабатлар мавжуд бўлган. Шунинг учун Чорвилоятдаги хонликлар ўзларини де-факто Бухорога қарашли деб билишган. Ҳозирги кунда “Чорвилоят” ва “Афғон Туркистони” иборалари синоним бўлиб, улар Афғонистоннинг шимолий ноафғон ҳудудларини англатади.

Чорёрлар – Тўрт дўст. Муҳаммад Пайғамбардан кейинги тўрт халифалар – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али. Улар “Хулафо ар-рошидун”, яъни “тўғри йўл билан борган халифалар” номи билан машҳур бўлганлар.

Чор Россияси – Шохлик давридаги Россия. “Чор” сўзи русча “царь” сўзининг ўзбекча талаффузда айтилиши.

Чорсу – Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой. Одатда, чорсуларда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган.

Чортоқ – 1. Ўтмишда шаҳар атрофида қурилган кузатиш пункти, соқчилар турадиган жой. 2. Лашкарбошилар томонидан жангнинг боришини кузатадиган махсус жой.

Чоряккор – Ўтмишда бойларнинг ерини ижарага олиб, унинг от-улови ва иш қуролларидан фойдаланиб, ҳосилнинг тўртдан бир қисмини олиш шарти билан ёлланиб ишлайдиган ерсиз деҳқон.

Чочий, Бадриддин – 1285-1344 йилларда яшаб ўтган шоир ва мутафаккир. Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Кейинчалик Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилиб, Кичик Осиё ва Арабистон ярим оролида бўлган. 1333 йили Маккадан қайтишда Ҳиндистонда Дехли султони Тўғулук Муҳаммад саройида хизматга қолган. 1344 йили Тўғулук Муҳаммад Бадриддин Чочийнинг адабий қобилияти ва зукколигини муносиб баҳолаб, унга “Фахр уз-замон” (“Замона фаҳри”) деган унвон берган. Бадриддин Чочий “Малик уш-шуаро” (“Шоирлар шоҳи”) деб ҳам эъзозланган. Бадриддин Чочий форсий ва туркий

тилларда “Бадр”, “Чочий” (“Шоший”) тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Бадриддин Чочий 1334 йилда Дехлида вафот этган.

Чошницгор – Ўтмишда Шарқ мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиё хонликларида, ҳукмдорларни захарланишдан сақлаш ва таом таъмини билиш мақсадида уларга тортилган таомларни биринчи бўлиб татиб кўрадиган мансабдор шахс.

Чустий (тахаллуси, асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) – 1904-1983 йилларда яшаб ўтган шоир.

“Чучхе ғояси” – Шимолий Кореянинг собиқ ҳукмдори Ким Ир Сен (1912-1994 йиллар) томонидан ишлаб чиқилган Корея Халқ демократик Республикаси ва корейс халқининг миллий ғояси ва мафқураси. “Чучхе ғояси”га кўра, Ким Ир Сен “миллат куёши”, “қудратли республика маршали”, “инсоният ҳурлиги устун”, ХХ асрнинг буюк қаҳрамони”, “аср дохийси” деб улуғланиши керак. Бу ғоянинг асосини эса “ўз кучимизга таяниб, бошқа бировлардан ёрдам олмасдан корейс диёрини жаннатга ва бахтли мамлакатга айлантирамыз” мақсади ташкил этади.

Чуют – Ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бири. Чуютлар кенаси қабиласи таркибида Қашқадарё вилоятининг юқори оқимида яшаганлар.

Чухра – Ўтмишда ҳукмдорларнинг шахсий сарой соқчиларидан иборат бўлган ҳарбий бўлинма. Ушбу ҳарбий бўлинмага хизмат қилиш учун зодагон, аслзода ва юқори табақа вакиллариининг фарзандлари саралаб олинган. Чухранинг шахсий таркиби ҳукмдор ҳокимиятини сақлаш ва унга содиқ бўлиш руҳида тарбияланган.

Чўбдор – Салжуқийлар давлатида калтак билан қуролланган соқчи.

“Чўлдаги тўфон” операцияси – 1990 йилда Ироқ президенти Садам Ҳусайн Қувайтга ҳужум қилишга буйруқ берган. Бунга қарши АҚШ “чўлдаги тўфон” (“буря в пустыне”) деб ном олган ҳарбий операциясини ўтказиб, Ироқ кўшинларини Қувайтдан ҳайдаб чиқарган. Бу урушда бирорта араб мамлакати Ироқни қўллаб-қувватламаган.

Чўлпон, Абдулҳамид – 1897-1938 йилларда яшаб ўтган шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби. 1897 йилда Андижонда туғилган. Чўлпоннинг асл исм-шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов бўлиб, “Чўлпон” (Венера юлдузи) унинг тахаллусидир. Чўлпон 1908-1912 йилларда мадрасада, сўнгра 1912-1914 йилларда рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1914 йилда Тошкентга келган ва газета ва журналларда турли вазифаларда ишлаган. Чўлпон Кўқонда Туркистон мухториятининг ташкил этилишида фаол қатнашган. 1924-1934 йилларда Чўлпон асосан Москва шаҳрида яшаган ва Ўзбек драма студиясида адабий маслаҳатчи ҳамда Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон лавозимларида ишлаган. 1935-1937 йилларда Ўзбекистонда “Муштум” ва “Гулистон” журналларида адабий ходим бўлиб ишлаган. Чўлпон 1937 йилнинг 14 июлида “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинди, 1938 йилда отиб ташланган. Қамоққа олиндиши арафасида ва қамоққа олингандан кейин ҳам Чўлпоннинг кўплаб асарлари ёндириб ташланган. Чўлпоннинг бизгача етиб келган адабий мероси шеърят, насрий асарлар, драмалар, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар ҳамда

таржималардан иборат. Унинг ижодида “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола” каби ҳикоялари, “Кеча ва кундуз” романи ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллайди. Чўлпон рус тилини яхши билган ва кўплаб рус адибларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Мустақиллик йилларида Чўлпоннинг фаолиятига юксак баҳо берилган. Унга 1991 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1999 йилда эса “Мустақиллик” ордени берилган. 1997 йилда Чўлпоннинг 100 йиллик юбилеи кенг нишонланган. Андижон шаҳрида Чўлпон уй-музеи ташкил этилган, Андижон Тиллар педагогик институти унинг номи билан аталган.

Чўппули – 1866 йилда Қўқон хони Худоёрхон томонидан жорий этилган солиқ тури. Ушбу солиқ аҳоли ёқилғи учун тайёрлаган ўтин, ғўзапоя, хашак ва шу кабилар юзасидан олинган.

–Ш–

Шабак – Қадимги Миср ҳукмдори. Аслида Куша (Эфиопия) ҳукмдори бўлган. Мил. ав. VIII асрда Мисрни ишғол этишга муваффақ бўлган.

Шажара – Кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи.

Шайбонийлар – Шайбонийлар давлатида ҳукмдорлик қилган сулола.

Шайбонийлар давлати – 1500-1601 йилларда мавжуд бўлган давлат. Асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон. Шайбонийлар сулоласининг энг йирик ҳукмдорлари: Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510 йиллар), Қўчқинчихон (1510-1530 йиллар), Убайдуллохон (1533-1539 йиллар), Абдуллахон II (1534-1598 йиллар).

Шайбонийхон, Муҳаммад – 1451-1510 йилларда яшаб ўтган шайбонийлар сулоласининг биринчи хони (1500-1510 йиллар). Ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхоннинг набираси, Шохбудоғ Султоннинг ўғли. Абулхайрхон Муҳаммад Шайбонийхонга “Шохбахт” деб лақаб қўйган. Муҳаммад Шайбонийхон Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган, ўзининг диний эътиқоди ва уддабуронлиги туфайли руҳонийлар ва зодагонларнинг эътиборларини ўзига жалб этган. У ўзбек ва форс тилларида “Шохбахт”, “Шайбок”, “Шайбек”, “Шебоний”, “Шоҳибек” тахаллуслари билан ғазал ва рубоийлар ёзган. Муҳаммад Шайбонийхон XV асрнинг 80-йилларида Дашти Қипчоқнинг ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга киришган. Айни шу даврда Амир Темур вафотидан кейин у тузган йирик салтанат таназзулга учраган. Шундай бир шароитда Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини ўрнатиш мақсадида ҳарбий юришлар бошлаган. У 1487-1488 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясси (Туркистон), Сигноқ шаҳарларини босиб олган. Шундан сўнг у 1499 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хоразм ерларига таҳдид сола бошлаган. Шайбонийлар тажовузига Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзо, кексайиб қолган Ҳирот ҳукмдори Султон Ҳусайн, Тошкент ҳокими Маҳмудхон ҳам дош бера олишмаган. 1499 йилда Муҳаммад Шайбоний Самарқанд тахтини эгаллаб, у ерда темурийлар ҳукмронлигига барҳам берган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаршилигига барҳам бергач, Муҳаммад Шайбо-

нийхон қисқа вақт ичида Бухоро, Хисор, Хоразм, Хуросон, Дашти Қипчоқнинг жанубий худудлари, Эроннинг шимолий-шарқий худудларини эгаллашга муваффақ бўлган. Натижада шайбонийлар давлатининг худудлари Каспий денгизидан Хитой чегаралари, Афғонистоннинг жанубий худудларигача етган. Муҳаммад Шайбонийхон “Имом уз-замон, халифат ур-рахмон” унвонини олиб, ўз кўлида дунёвий ва диний ҳокимиятларни бирлаштирган. У мамлакатда сиёсий парокандаликка барҳам берган, нисбатан тинчлик ва осойишталик ўрнатган. 1510 йилда Шайбонийхон Эронга ҳарбий юришни амалга ошириб, Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, уларни талон-торож қилиб орқага қайтаётганда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий катта кўшин билан уни таъқиб қилган ва Марв шаҳри яқинида унга етиб олган. Муҳаммад Шайбонийхон Эрон кўшинлари билан жангга киришга мажбур бўлган. Бу жангда сон жиҳатдан устунликка эга бўлган “қизилбошлилар”, яъни Исмоил Сафавий кўшинлари, ғалаба қозонган. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи ҳам бу жангда ҳалок бўлган. Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг буйруғига кўра, Муҳаммад Шайбонийхон жасаидан калласи жудо этилиб, унинг териси шилинган ва ичи сомон билан тўлдирилиб Сафавийларнинг ғарбдаги душманлари бўлган Усмонли турклар ҳукмдори Султон Боязид II (1481-1512 йиллар)га ўз қудратини кўрсатиш мақсадида жўнатилган. Шайбонийхоннинг бош чаноғи эса олтин билан қопланиб, Исмоил Сафавий ундан базми жамшидларда май куйиб, қадах сифатида фойдаланган. Шайбонийхоннинг калласиз жасади эса Самарқанддаги “Баланд Суфа” деган жойга дафн этилган. Кейинчалик Баланд Суфада бошқа шайбонийлар ҳам дафн этилган. Дашти Суфа Регистон майдонида бўлиб, Тиллакори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакда жойлашган.

Шайтанат – Шайтонлар, шайтонлар макони.

Шайтон – Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ иродасига бўйсунмайдиган жин, инс, ҳайвон, инсон ва бошқа махлуқларни саркашлик йўлига бошловчи, инсон кўзи кўролмайдиган, лекин мавжудлиги муқаддас китобларда билдирилган махлуқ. “Шайтон” номи дастлаб жаннатдан ҳайдалган Азозил номли фариштага берилган. Қуръони Каримда талқин қилинишича, Шайтонни Аллоҳ оловдан яратган, кейинчалик амрига итоат қилмагани учун олий даргоҳдан қувилган ва “ражим” деб лаънатланган. Лекин Аллоҳ бандаларини синаб кўриш учун шайтонга муҳлат берган. Шунинг учун, у барчани йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Одамлар томонидан эътироф этилган маънавий кадриятларга, диний ва дунёвий, жисмоний ва руҳий муносабатларга тўғри келмайдиган, ахлоқ нормаларини бузувчи кўпол одамларга нисбатан ҳам “шайтон”, “шайтоннинг малайи” каби сўз ва иборалар ишлатилади. Қуръонда “шайтон” сўзининг синоними сифатида “иблис” сўзи ҳам ишлатилган.

Шайх – Ислом дини тарқалган мамлакатларда, дастлаб, билимдон кишиларга, сўнгра уламолар, фақиҳларга берилган ном. Кейинчалик суфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойлар мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган. Ҳозирги даврда шайх олий диний мактабларнинг мударрислари ва йирик уламоларига нисбатан қўлланилади.

Шайх ул-ислом – 1. Ўрта Осиё хонликларида ва ҳозирги баъзи Шарқ мамлакатларида энг олий диний лавозим. 2. Шиалик мазҳабига мансуб Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарининг номланиши. Суннийлик мазҳабида ушбу раҳбар “муфтий” деб аталади.

Шак – Рамазон ойи киришидан олдинги кун, рўза арафаси.

Шамдон – Шам ўрнатиб қўйиладиган мослама.

Шамс – Қуёш.

“Шамс ан-наҳор” – 1873 йилдан Афғонистонда чоп этила бошланган биринчи газета.

Шамсиддин Табрзий – 1188-1248 йилларда яшаб ўтган сўфий, Жалолоддин Румийнинг дўсти ва маслакдоши.

Шамсиддин Элгутмиш – Дехли султонлиги ҳукмдори (1211-1236 йиллар).

Шамсия – *Қар.: Ҳижрий- шамсий тақвим (йил ҳисоби).*

Шамшир – Қилич.

Шанг-Инь давлати – Мил. ав. 1766-1122 йилларда ҳозирги Хитойнинг марказий ҳудудида мавжуд бўлган қадимий давлат. Шанг ҳукмрон қабилянинг номи. Қўшни қабилялар Шанг давлатини “Инь давлати” деб аташган. Кейинчалик бу давлатни “Шанг-Инь давлати” ёки “Инь давлати” деб атай бошлашган. Шанг-Инь давлатида ҳунармандчилик, чорвачилик, деҳқончилик ривожланган. Унда тут дарахти баргларида шоҳи тайёрлаш кашф этилган. Шанг-Инь давлатининг диний эътиқодлари бўйича кўплаб қулларни қурбонликка келтириш расм бўлган. Хитой ой тақвим (календар)и ва ёзувининг дастлабки шакллари Шанг-Инь давлатида яратилган. Шанг-Инь шоҳлиги мил. ав. 1122 йилда Чжоу шоҳлиги томонидан босиб олинган.

Шантаж – Ўз мақсадига эришиш, бирон фойда кўриш учун қилинадиган иғво, дўқ уриш, кўрkitиш каби ёмон ниятдаги ҳатти-ҳаракатлар.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг вужудга келиши “Шанхай бешлиги” (“Шанхай форуми”) деб аталган уюшма билан боғлиқ. Ушбу бешлик – Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари биринчи маротаба 1996 йилда учрашиб, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш (1996 йили) ва чегараларда қурол-яроғлар сонини камайтириш тўғрисида (1997 йили) битимлар имзолашган. 2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Шанхай форумига аъзоликни қабул қилинган. Шу муносабат билан унинг номи “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)” деб ўзгартирилган. ШХТнинг таъсис ҳужжати – Хартияси 2002 йил 7 июнда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинган. ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш унинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган. ШХТнинг котибияти Пекинда жойлашган. ШХТ фаолиятида террорчилик, айирмачилик (сепаратизм) ва экстремизмга қарши курашдаги амалий ҳамкорлик алоҳида ўринга эга. 2004 йилдан бошлаб Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият юритмоқда.

Шариат – Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан жорий этилган амалий ҳукмлар мажмуаси. “Шариат” сўзи маъно жиҳатидан “фиқҳ” сўзининг маъносига яқин туради. Шариатда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари, ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Ислом дини шариати ҳукмлари Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Ислом шариатининг мақсадлари дин, жон, ақл, насл ва молни асрашдан иборат. Шариат Муҳаммад Пайғамбар раҳбарлигида ташкил этилган давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Кейинчалик тўрт халифа, умавийлар, аббосийлар ва усмонийлар давлатлари вақтида ҳам шариат давлатнинг қонуни бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги кунда Ислом дини тарқалган давлатларда шариат аҳкомлари қисман амал қилади.

Шарль де Монтескьё – 1689-1755 йилларда яшаб ўтган француз файласуфи ва маърифатпарвари.

Шарль де Голл – 1890-1970 йилларда яшаб ўтган француз сиёсатчиси ва давлат арбоби.

Шаррумкен – *Қар.: Саргон.*

“Шарқий Покистон” – 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон давлатлари вужудга келган вақтда Шарқий Бенгалиянинг номланиши.

Шарқий славянлар – Рус, украин ва белоруслар.

Шарқий Франк қироллиги – Ўрта асрларда ҳозирги Германия ҳудудларининг номи. Бу ҳудудда сепаратистик кайфиятда бўлган қиролликлар мавжуд бўлган.

Шарқий Хань империяси – *Қар.: Сўнгги Хань империяси.*

Шарқий Хитой темир йўли – Россия темир йўлининг Чита шаҳридан Владивосток шаҳригача Хитойнинг Манжурия вилоятидан ўтадиган қисмининг номи.

Шарқ ренессанси – Шарқ маънавий-маърифий, маданий ҳаётидаги Уйғониш, яъни Шарқ халқлари ривожланишининг юксалиш даврлари. Шарқ ренессансини икки даврга бўлиш мумкин: Марказий Осиё мўғуллар истилосигача ва Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган даврлар.

Шарҳ – Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиқ бериш, тушунтириб бериш, изоҳлаш.

Шастри, Лаъл Баҳодур – Ҳиндистон бош вазири. 1966 йил 11 январда Тошкентда тўсатдан вафот этган.

Шатранж – 1. Шахмат ўйинига ўхшаш қадимий ўйин. 2. Шахмат.

Шахс – Ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одам. “Шахс” тушунчаси хилма-хил талқин этилади. Шахснинг шаклланиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ: а) биологик (насл); б) табиий муҳит; в) маданий муҳит; г) ижтимоий тажриба; д) одамлар билан муносабат. Шахс жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. Лекин ҳар бир одамга нисбатан “шахс” сўзини қўллаб бўлмайди. Ҳар бир шахс нимаси биландир бошқа шахслардан ажралиб турадиган, ўз маънавий қиёфасига эга одамдир.

Шахсга сиғиниш – Муайян шахсни илоҳийлаштириш, унга сиғиниш, жамият ривожига унинг хизматларини ҳаддан ташқари улуғлаш. Мас., совет

ҳокимияти даврида И.В.Сталин шахсига сиғинишган ва бу салбий оқибатларга олиб келган.

Шаъбон – Ҳижрий-қамарий тақвимдаги саккизинчи ойнинг номи.

Шашвар (шашпар) – Учида юмалоқ ва ғадир-будур темир ўрнатилган таёқ, узун дастали енгил гурзи.

Шашмақом – Олтита йирик мақомлар (Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ирок)ни ўз ичига олган классик мусиқий-вокал асарлар.

Шағовул – Ўрта Осиё хонликларида ажнабий элчиларни қабул қилиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланадиган сарой ходими.

Шаҳбоз – 1. Шунқор, лочин. 2. Мард, жасур йигит.

Шаҳзода – Шоҳнинг ўғли, шоҳ наслига мансуб.

Шаҳид – Ислом таълимотига кўра, жиҳод урушида ҳалок бўлган мусулмон.

“Шаҳидлар хотираси майдони” – Ўзбекистон мустақилликка эришгач, XX аср бошларида юртимизда рўй берган қатағонлар оқибатида қурбон бўлган халқимиз фарзандларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган меъморий мажмуа. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ташкил этилиб, “шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси” тузилди. Эрксевар аждодларимиз қатл қилинган Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйидаги масканда 2000 йилда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси қад ростлади.

Шаҳоб – “Учар юлдуз”, метеорит.

Шаҳристон – Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида шаҳарнинг ҳукумат бинолари ва юқори табақа вакиллари жойлашган асосий қисми, ички шаҳар. Шаҳристон мустаҳкам девор билан ўралган, атрофида ҳунармандлар, савдогарлар ва бошқа касб эгалари яшайдиган маҳаллалар бўлган. Унда сарой, жоме масжиди, бозор, бош майдон, яъни регистон, муҳим маъмурий бинолар ҳам қурилган. Шаҳристонда иккитадан тўрттагача дарвоза бўлиб, дарвозадан шаҳар ичкарасига қараб чўзилган асосий кўчалар шаҳарни катта-катта даҳа (квартал)ларга ажратган. Ҳар бир даҳа ичида майда кўчалар бўлган. Кейинги асрларда шаҳристон атрофида ташқи шаҳар – работ қурилган. Шаҳристонларни “мадина” деб ҳам аташган.

Шаҳсувор – Ҳашаматли ва дабдабали отлик, мохир чавандоз.

Шекспир, Вильям – 1564-1616 йилларда яшаб ўтган инглиз драматурги ва шоири. Шекспир 30 дан ортиқ сахна асарларини ёзган. Уларнинг энг машҳурлари “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезарь”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра” ва бошқалар.

Шер Алихон – Афғонистон ҳукмдори (1869-1879 йиллар). Афғонистон шоҳи Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли. Шер Алихоннинг ҳукмронлиги даврида Афғонистон марказлашган давлатга айланган, ҳарбий, маориф ва маданият соҳаларида ислохотлар ўтказилган, Вазирлар Маҳкамаси таъсис этилган, Англиянинг ҳарбий низоми пушту ва дари тилларига таржима қилинган, Кобулда биринчи босмаҳона очилган, 1873 йили Афғонистонда биринчи газета – “Шамс ан-наҳор” чоп этила бошланган, Кобулда биринчи дунёвий мактаб очилган. 1878 йил ноябрь ойида иккинчи инглиз-афғон уруши

бошланган. 1879 йилда эса Шер Алихон вафот этган ва Афғонистон тахтига унинг ўғли Якубхон ўтирган.

Шермухаммадбек (Кўршермат) – 1893-1970 йилларда яшаб ўтган Фарғона водийсида совет ҳукуматига қарши маҳаллий халқ томонидан олиб борилган истиклолчилик ҳаракатининг кўзга кўринган раҳбарларидан бири. Мадаминбек вафотидан кейин Фарғона водийсида совет ҳукуматига қарши истиклолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган. Олтиариқ тумани Ғойибота қишлоғида бўлиб ўтган кўрбошиларнинг навбатдаги қурултойида “Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти” тузилганлиги ҳақида эълон қилинган ва 1920 йил 3 майда Шермухаммадбек бошчилигида “Туркистон муваққат ҳукумати” тузилган. Шермухаммадбек ҳукумат раиси ва ислом кўшинлари Олий бош қўмондони – “Амир ул-муслимин” этиб сайланган. 1921 йил охирида истиклолчилар мунтазам қизил армияга қарши жангларда катта талафотлар кўришган. Шермухаммадбек бошчилигида тузилган “Туркистон муваққат ҳукумати” 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетган. Шермухаммадбек 1922 йил охирида Бухорога, 1923 йил баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кетган. Шермухаммадбек турли хорижий мамлакатларида яшаб 1970 йилда вафот этган.

Шерозий, Саъдий – 1203/1210-1292 йилларда яшаб ижод этган буюк шоир ва мутафаккир. У 1203-1210 йиллар мобайнида Шероз шахрида туғилган. Саъдий Шерозий дастлаб Шероз мадрасаларида таҳсил олган. Кейинчалик халифалик пойтахти Бағдодга келиб, замонасининг буюк мутафаккирлари кўлида таҳсилини давом эттирган. Саъдий Шерозий 20 йил давомида Шарқ мамлакатларини кезиб чиққан (Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон ва бошқалар). Шундан сўнг Саъдий Шерозий Шерозга қайтиб келиб, умрининг охиригача фақирона умр кечирган. Саъдий Шерозийни бутун жаҳонга машҳур қилган асарлари “Бўстон” ва “Тулистон” ҳисобланади. У ғазални мустақил назмий жанр сифатига кўтарган. Унинг ватандоши Ҳофиз Шерозий эса ғазални юксак чўққига олиб чиққан. Кейинчалик Алишер Навоий Саъдий Шерозийни “ғазал мулкининг султони” деб эъзозлаган. Саъдий Шерозий 1292 йили Шероз шахрида вафот этган.

Шешоик – Қадимги Миср ҳукмдори. Ливиялик жангчиларнинг қўмондони бўлган. Мил. ав. X аср ўрталарида Мисрда ҳокимиятни ўз қўлига киритган ва Мисрда ливиялик ҳукмдорлар сулоласининг ҳукмронлигини бошлаб берган.

Шиалик – Ислом динидаги асосий йўналишлардан бири. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. Шиалар суннийлар каби Қуръони Каримни илоҳий, муқаддас китоб деб эътироф этадилар, лекин Абу Бакр, Умар ва Усмон ҳукмронлиги даврида унинг халифа Алига бағишланган айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Суннада шиаликлар фақат Али номи билан боғлиқ ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат “Ахбор” деб номланган ҳадислар тўпламини тузганлар.

Шива – Браҳманизм динида бош худолардан бири. Ҳамма мавжудотни нобуд этувчи сифатида эъзозланадиган худо.

Шиллер, Фридрих – 1759-1805 йилларда яшаб ўтган немис шоири, драматурги, тарихчиси.

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) – 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Канада, Италия, Португалия, Норвегия, Дания, Исландия (12 давлат) вакиллари томонидан тузилган ҳарбий-сиёсий ташкилот. Кейинчалик НАТОга Греция, Туркия (1952 йили), Германия Федератив Республикаси (1955 йили), Испания (1982 йили), Венгрия, Польша, Чехия (1997 йили), Латвия, Литва, Словакия ва Руминия (1999 йили) қабул қилинган. 1966 йили Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмаларидан чиққан. НАТОнинг асосий мақсади – Ғарб давлатларнинг ялпи хавфсизлигини таъминлаш ва собиқ Совет Иттифоқи томонидан туғиладиган хавф-хатарга қарама-қарши туриш деб белгиланган. НАТОнинг олий сиёсий органи Шимолий Атлантика шартномасининг Кенгаши ҳисобланади. Ундан ташқари НАТОда куйидаги органлар мавжуд: Мудофаани режа-лаштириш комитети, Ядровий режалаштириш гуруҳи, Халқаро котибият, Ҳарбий комитет (НАТОнинг олий ҳарбий органи). НАТОда энг юқори лавозим НАТОнинг Бош котиби ҳисобланади. 1994 йилдан бошлаб НАТОнинг “тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури амалга оширила бошлаган.

“Шимолий уруш” – 1700-1721 йилларда бўлиб ўтган Россиянинг Швецияга қарши уруши. 1700 йилда Пётр I Болтик денгизи орқали Европага чиқиш мақсадида Швецияга қарши уруш бошлаган. Бу уруш тарихда “Шимолий уруш” номи билан аталади. Бу урушнинг бошида Россия мағлубиятга учраган. Россия армияси 8 минг кишидан ва 145 тўпи (пушкаси)дан маҳрум бўлган. Жангнинг бошидаёқ Россия деярли артиллериясиз қолган. Шунда Пётр I черковлардан зангула (колокол)ларни ечиб, улардан тўплар ясаш учун эритишни буюрган. Шундан кейин Пётр I ни халқ ичида “шоҳ-кофир” (“царь-антихрист”) деб аталган. Шимолий урушнинг биринчи мағлубиятларидан кейин Пётр I буйруғи билан 1701-1704 йилларда Россияда мунтазам армия тузишга киришилган. Пётр I ҳукмронлиги даврида Россияда армияда хизмат қилиш умрбод бўлган, ҳарбий хизматчилар бир хил ҳарбий кийим-кечак билан таъминланган, ҳарбий тайёргарлик тизими жорий этилган, офицерларни ўқитиш учун махсус гарнизон мактаблари очилган, кўплаб дворянлар тоифасига мансуб кишилар ҳарбий ишни ўрганиш учун хорижий олий-ҳарбий ўқув муассасаларига юборилган. 1716 йилда Россияда Ҳарбий Низом, кейинчалик Ҳарбий-денгиз Низоми қабул қилинган. Ҳарбий хизматчиларнинг сони 40 мингтадан 113 минггага ошган, 900 дан ортиқ ҳарбий кемалар қурилган. Ушбу ислохотлар натижасида Россия Европада буюк ҳарбий ва ҳарбий-денгиз кучларига эга бўлган мамлакатлардан бирига айланган. 1721 йилда Россия Шимолий урушда Швеция устидан ғалаба қозонган ва Россия ва Швеция ўртасида “Ништадт сулҳ шартномаси” имзоланган. Унга кўра, Болтикбўйи соҳиллари Россия ихтиёрига ўтган. 1721 йилда Россия империя деб эълон қилинган. Пётр I Россиянинг биринчи императори бўлган.

Шинак – Ўтмишда кўрғон ва қалъа деворларида душманни кузатиш ва унга қарши ўқ узиш учун қурилган махсус тўйнуқ

Ширк – Ислом таълимотига кўра, Аллоҳнинг шериги бор, деб эътиқод қилиш, Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишлари ва ҳукмларида шериги бор, деб залолатга йўл қўйиш.

Широқ – Аҳмонийлар қўшинларига қарши мардонавор курашган Ўрта Осиёлик сак қабиласидан бўлган қаҳрамон. У ҳийла ишлатиб, аҳмонийларга катта талафот етказган. Аҳмонийлар Широқни қийнаб ўлдиришган.

Шихлар – Туркий қабила. Шихларнинг асосий қисми ҳозирги Туркменистоннинг ғарбий қисмида, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бухоро ва Навоий ҳудудларида яшаганлар.

Шиғовул (Шағовул) – Ўтмишда Ўрта Осиё хонликларида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс. Шиғовул саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган.

Шляхта – Марказий Европанинг бир нечта мамлакатлари (айниқса, Польша, Литва)да ҳукмрон табақанинг номланиши. Шляхталар дворянлик мансабига мос келган. XVI–XVII асрларда Польша-Литва давлатида шляхта республикаси давлат тузуми қарор топган.

Шоввоз – Ҳар қандай ишни эплай оладиган киши.

Шовинизм – Бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти, ўтакетган тажовузкор миллатчилик. Бир миллат манфаатларини бошқа барча миллатларнинг манфаатларига қарама-қарши қўйиб, халқлар ўртасида низо ва душманлик туғдириб, уларни асоратда ушлаб туришга қаратилган сиёсат. “Шовинизм” сўзи Наполеон I боқинчилик сиёсатининг мухлиси, француз армияси оддий аскарлари Н.Шовен номи билан боғлиқ.

Шолохов, Михаил Александрович – 1905-1984 йилларда яшаб ўтган рус адиби.

Шом – Қуёш ботиб, қоронғилик туша бошлаган пайт.

Шомонизм (Шаманизм) – Анимизм динига асосланган ибтидоий дин шакли. Шомонлар қабила руҳонийлари бўлиб, улар илоҳий кучга эга деб ҳисобланган. Шомонизм диний таълимотига кўра, шомонлар турли ўйинлар, ҳаракатлар қилиб, руҳлар билан пичирлашиб гапиришга эришади ва беморларни даволайди. Шомонизм асосан Сибирь халқлари орасида тарқалган.

Шоп – Учи орқага қайрилган тигли қилич.

Шопенгауэр, Артур – 1788-1860 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи.

Шопен, Фридерик – 1810-1849 йилларда яшаб ўтган поляк композитори ва пианиночиси. Илк мусиқий асарини 7 ёшида ижод этган, 8 ёшида эса пианиночи сифатида концерт берган. 1927 йилдан Варшавада Шопен номидаги халқаро пианиночилар кўрик-танлови ўтказилиб келинади.

Шопур I – Сосонийлар давлатининг шоҳаншоҳи (239-272 йиллар). Ардашир I нинг ўғли. Шопур I ҳукмронлиги даврида Сосонийлар давлатининг ҳудудлари янада кенгайтирилган. 260 йилда Сосонийлар давлати қўшинлари Эдесса шаҳри остонасида Рим қўшинларини тор-мор этиб, император Валериан ва унинг катта қўшинини асир олган. 262-263 йилларда Шопур I

Шарқ томон юришни амалга ошириб, Ҳирот, Сеистон, Марв ва бошқа шаҳарларни эгаллаган, Суғд ва Чоч воҳаларини талон-торож қилган. Шопур I ҳукмронлиги даврида ҳозирги Эрон ҳудудида кенг миқёсда ирригация ва қурилиш ишлари олиб борилган, кўплаб шаҳарларга асос солинган.

Шотир – 1. Аслида “чокар” сўзининг арабча варианты. Кўпинча кўпчилик маъносида, яъни “шуттор” шаклида ишлатилади. “Шуттор” сўзи таловчилар, қароқчилар маъноларини англатади. XIV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган сарбадорлар ҳаракатининг аъзоларини баъзи тарихий асарлар муаллифлари “шуттор” деб аташган. 2. *Қар.: Жиловдор.*

Шоу, Бернард – 1856-1950 йилларда яшаб ўтган инглиз адиби, драматурги.

Шоший, Қафғол (тўлиқ исм-шарифи: Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафғол Шоший ал-Кабир) – 903-976 йилларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик қомусий олим. Тилшунослик, қонуншунослик, ҳадисшунослик, мантиқ каби соҳаларда нодир асарлар яратган. Шофиъийлик мазҳаби етакчиларидан бири. Қафғол Шоший шеърят соҳасида ҳам ўз услуби ва йўлига эга етук ижодкор бўлган. “Қафғол” Шошийнинг таҳаллуси бўлиб, “қулфчи”, “қулфсоз” маъноларини англатади. “Ҳазрати Имом”, “Имом ал-Кабир” деб эъзозланган. Ҳазрати Имом Тошкентнинг Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласидаги Қафғол Шоший мақбарасида дафн этилган. Ҳазрати Имом маҳалласида Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла Шайх ва Намозгоҳ масжидлари ҳам қурилган.

Шоқул – Бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига тош боғланган ипдан иборат асбоб.

Шоҳ – Ўтмишда баъзи Шарқ мамлакатларида олий ҳукмдор. “Шоҳ”, “подшоҳ” ва “шоҳаншоҳ” сўзлари дастлаб қадимги Эронда қўлланилган. Шоҳлар чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлишган.

Шоҳаншоҳ – Эрон шоҳларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

Шоҳ Жаҳон – 1627-1658 йилларда Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатининг шоҳи. Жаҳонгиршоҳнинг ўғли. Асл исми Хуррам бўлган. 1622 йилда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши урушиб, мағлубиятга учраган ва узр сўрашга мажбур бўлган. Отасининг вафотидан кейин 1627 йилда тахтга ўтирган. Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида пойтахт Аградан Деҳлига кўчирилган, унга қарши қаратилган бир нечта исёнларни бостирган, адабиёт, санъат, мусиқа ривожланган, кўплаб муҳташам обидалар бунёд этилган (Аграда Тож Маҳал, Қизил Қалъа, Деҳлида Жоме Масжиди ва ҳ.к.). Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг охирги йилларидан бошлаб Бобурийлар давлати таназулга юз тутта бошлаган. Айнан шу даврда Европа савдо компанияларининг Бобурийлар салтанатига суқилиб киришлари кучайган, Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олган. Бу курашда унинг учинчи ўғли Аврангзеб ғолиб чиқиб, 1658 йилда тахтни ўз отаси Шоҳ Жаҳондан тортиб олган. 1666 йилда ўғли Аврангзеб томонидан уй қамоғида бўлган Шоҳ Жаҳон вафот этган ва Тож Маҳал мақбарасида суюкли хотини Мумтоз Маҳал ёнига дафн этилган.

“Шоҳ йўли” – Мил. ав. VI-IV асрларда Эронда аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўрнатилган давлатлараро савдо йўллари. Бу йўлнинг бир тармоғи Кичик Осиё ҳамда Ўрта ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрон-Бактрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва ҳозирги Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган.

Шоҳрухбий – Қўқон хонлигининг биринчи хони (1709-1721 йиллар).

Шоҳрухия – Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида бўлган шаҳар. Унинг дастлабки номи “Банокат” (“Фанокат”) бўлиб, у мўғуллар истилоси даврида вайронага айланган. Амир Темур уни тиклаб ўғли Шоҳрух шарафига “Шоҳрухия” деб атаган.

Шоҳрух Мирзо – 1377-1447 йилларда яшаб ўтган Амир Темурнинг кенжа ўғли. Ёшлиги Самарқандда ўтган, шу ерда диний ва дунёвий таълим олган. Амир Темур ҳарбий юришларда бўлганда, Самарқандни бошқаришни асосан Шоҳрухга топширган. Амир Темур вафотидан кейин темурийлар давлатининг ҳукмдори бўлган. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Темурийлар салтанатида шаҳарсозлик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган, илм-фан, маданият ривожланган, Темурийлар салтанатининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошган. Шоҳрухнинг ҳузурига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа, Дашти Қипчоқ ҳукмдорларидан элчилар келган ва у ҳам кўплаб хорижий мамлакатларга ўз элчиларини юборган. Шоҳрух 1447 йилда вафот этган ва Самарқанднинг Гўри Амир мақбарасида дафн этилган.

Штрейкбрехерлар – Европа давлатларида корхона эгалари томонидан ишчиларнинг ҳамкорлигини бузиш ва иш ташлашда қатнашишдан бош тортиш, ишчилар ўрнига ишлатиш учун жалб этилган шахслар.

Шудрлар – Қадимги Ҳиндистондаги тўртта ижтимоий табақа (варна)нинг энг қуйиси. Шудрлар таркибига жангларда мағлуб бўлиб ватансиз қолганлар, ўз қабилаларидан турли сабаблар билан ажралиб қолганлар кирган. Шудрнинг асосий бурчи “қайта туғилганлар” деб аталадиган юқори варна вакиллари (Брахман, кшатрий, вайши)ларга хизмат қилишдан иборат бўлган. Шудрнинг деярли ҳақ-хуқуқи бўлмаган.

Шукурый, Абдуқодир Абдушукур ўғли (Абдушукуров) – 1875-1943 йилларда яшаб ўтган маърифатпарвар. Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб янги усулда мактаб очган.

Шукуров, Аҳмаджон –1909-1990 йилларда яшаб ўтган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Курск остонасида бўлган жангларда қатнашган. Золоторёвка қишлоғи учун қаттиқ жангларда Аҳмаджон Шукуров фашистларнинг 110 та аскар ва офицерларини ер тишлатган ва 15 тасини асирга олган. Бу жасорати учун унга Қаҳрамон унвони берилган ва Золоторёвка қишлоғи ўша пайтдан бошлаб “Шукуровка” деб аталган.

Шукурчи – Ўтмишда подшоҳ ёки бирон бир бошқа ҳукмдорнинг соябон тутувчи хизматкори.

Шумер давлати – Тахм. мил. ав. 3 минг йиллик–XXIV асргача Месопотамия ҳудудида мавжуд бўлган давлат тузилмаси.

Шурта – Ўтмишда ҳарбий миршаб вазифасини бажарувчи шахс. “Шурта” сўзининг кўплик шакли “шурат”дир. Амир Темур салтанатида “амири шурат” лавозими мавжуд бўлган.

Шуур – Онг, тушунча.

Шухрат (тахаллуси, асл исм-шарифи Алимов Ғулом Аминжонович) – 1918-1993 йилларда яшаб ўтган адиб.

Шўро – Совет.

“Шўрои исломия” жамияти – 1917 йил 14 мартда Тошкентда тузилган жамият. Унинг таркибига Убайдулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби жадиличлик ҳаракатининг атоқли арбоблари киришган. “Шўрои исломия”нинг Таъсис мажлисида жамиятнинг муваққат Низоми қабул қилинган. Унда жамиятнинг мусулмонлар орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий ислохот ўтказиш ғояларини тарқатиш, Туркистон мусулмонларини ғоя ва мақсадлар бирлиги асосида жипслаштириш каби мақсадлар белгиланган. Тез орада Туркистон ўлкасининг турли жойларида “Шўрои исломия”нинг кўйи шўъбалари тузилган. Россия Муваққат ҳукумати-нинг Туркистон кўмитаси, Ишчи, аскар депутатлари совети қаторида “Шўрои исломия” халқ оммаси орасида таъсири кучайиб борган ва ўлкада учинчи ҳокимият даражасида кўтарилган. 1917 йилнинг ўрталарида “Шўрои исломия” таркибидан “Шўрои уламо” ажралиб чиқиб, алоҳида жамият тузилган. *Яна қар.: Шўрои уламо.*

“Шўрои уламо” жамияти – 1917 йилнинг ўрталарида “Шўрои исломия” жамияти таркибидан ажралиб чиққан жамият. “Шўрои исломия” жамиятида “қадимчилар”деб ном олган гуруҳ пайдо бўлган. Улар “Шўрои исломия” жамиятининг мустақилликка тинч йўл билан, сиёсий воситалар орқали, беҳуда қон тўкмасдан, босқичма-босқич эришиш тактикасига қарши чиқишган. 1917 йилнинг июль ойида “қадимчилар” “Шўрои исломия” жамияти таркибидан чиққанликларини эълон қилишган. Улар Шерали Лапин, Абдумалик ҳожи Набиев ва бошқалар раҳбарлигидаги “Шўрои уламо” жамиятини тузишган. “Уламочи”лар ўлка мустақиллигини мустамлакачиларга қарши фақат ғазовот, яъни куруллий кураш йўли билан қўлга киритишни ёқлаб чиқишган. “Шўрои уламо” жамияти ўз ғояларини аҳоли орасида тарғибот қилиш учун “Ал-изоҳ” журналинини чиқара бошлаган (муҳаррири Абдумалик ҳожи Набиев). Натижада ўлкада мусулмон ташкилотлари ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашган.

Шўрот – Сомонийлар давлатида олий ҳукмдорни ҳимоя қиладиган турк ғуломларидан тузилган махсус сарой гвардияси.

Шўъба – Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир қисми, бўлими.

–Э–

Эвакуация – Кўшинларни, аҳолини, ҳарбий мулк-анжом ва саноат ускуналарини, асир ва ярадорларни жанг майдонидан, жанг ҳаракатлари кетаётган ҳудуддан, душман ҳужуми ёки табиий офат хавфи остида қолган жойлардан мамлакат ичкарасига, бехатар ерларга олиб чиқиш, кўчириш.

Эвдемонизм – Бахт-саодат, роҳат-фароғатни кишилар ҳаётининг олий мақсади деб ҳисоблайдиган ахлоқий йўналиш.

Эволюционизм – 1. Барча мавжудот узлуксиз ривожланиб туради деб таъкидлайдиган таълимот. 2. Фалсафа ва фанда ривожланиш жараёнида сакраш йўли билан бўладиган инқилобий сифат ўзгаришларини инкор этувчи назарий оқим.

Эволюция – Революция (инқилоб)га ва инқилобий йўлга қарши бўлган тадрижий ривожланиш усули тўғрисидаги фалсафий таълимот. Табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг узлуксиз, тадрижий ва секин-аста содир бўладиган микдор ўзгариши.

Эгоцентризм – Эгоизмнинг ўта кескин шакли. “Эгоцентризм” атамаси индивид шахсий манфаатларини бошқалар манфаатларидан устувор билиб, бошқа объект, кишилар фикр-мулоҳазаси ёки тасаввурларига нисбатан муносабатини ўзгартиришга қодир эмаслигини англатади.

Эдесса графлиги – Биринчи салиб юришлари вақтида салибчилар томонидан Фаластин ҳудудида ташкил этилган давлат. Қуддус қироллигининг вассали ҳисобланган. 1144 йилда салжуқийлар Эдесса графлигини босиб олишган ва унга барҳам беришган.

Эдил – Қадимги Римда мансабдор шахс, умумжамоа ўйинларини бошқарган, ибодатхоналар қурилиши ва таъминоти, сув қувурлари, фуқароларга нон улашиш устидан назорат қилган.

Эдо қалъаси – Токугава томонидан бунёд этилган қалъа. Кейинчалик бу қалъа атрофида ҳозирги Токио шаҳри вужудга келган.

Эзид – Ўтмишда худонинг номи.

Эзоп – Мил. ав. VI асрда Қадимги Юнонистонда яшаб ўтган масалнавис адиб. Ривоятларга кўра, Эзоп қул бўлган ва оғир ҳаёт кечирган. Антик даврда маълум бўлган деярли барча масалларнинг сюжети Эзопники ҳисобланади.

Эйфель, Александр Гюстав – 1832-1923 йилларда яшаб ўтган француз қурувчи-муҳандиси. Эйфель асосан металл конструкцияларидан фойдаланиб ҳашаматли кўприкларни лойиҳалаштирган ва қурдирган. Эйфелни жаҳонга машҳур қилган қурилмаси 1889 йилда Парижда қад кўтарган Эйфель минораси ҳисобланади. Унинг баландлиги 300 метрга яқин, ҳажми 9 минг тонна бўлиб, шундан 7,3 тоннаси металл конструкцияларидир.

Эйзенхауэр – 1890-1969 йилларда яшаб ўтган Америка Қўшма Штатларининг 34-президенти (1953-1961 йилларда).

Эйнштейн, Альберт – 1879-1955 йилларда яшаб ўтган йирик физик олим.

Экология – Тирик организмларни ўраб турган тирик ва нотирек табиат билан муносабатлари тизимида антропоген (инсон ва техника) омил ролини ўрганувчи фан. Экологиянинг умумий экология, биоэкология, зооэкология, геоэкология, тиббий экология, муҳандислик экологияси, инсон экологияси ва бошқа йўналишлари мавжуд.

Экспансия – Ўзга ҳудуд ва бозорларни, хомашё манбаларини босиб олишга, ўз сиёсий ва иқтисодий таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган тажовузкор сиёсат.

Экспедиция – Бирор илмий мақсад ёки алоҳида топшириқ билан уюштирилган сафар ва унинг қатнашчилари, мас., илмий экспедиция, ҳарбий экспедиция.

Экспорт – Чет элларга мол чиқариш ва четга чиқарилган мол. Акси – импорт.

Экспроприация – 1. Бирор ижтимоий синф ёки табақанинг иккинчи бир ижтимоий синф ёки табақа томонидан ишлаб чиқариш воситаларидан ва илгариги ҳуқуқларидан маҳрум этилиши. 2. Инқилобий ташкилотларнинг эҳтиёжи учун қурол ёки давлат муассасалари ва банкларнинг зўрлик билан босиб олиниши.

Экстремизм – Сиёсатда ашаддий, кескин қараш ва чора-тадбирларга мойиллик. Экстремизмни вужудга келтирадиган омиллар кўп ва хилма-хил. Экстремистик ташкилотлар Конституция ва бошқа қонуний ҳужжатларга зид тарзда фаолият юритадилар. Экстремизм сиёсий, психологик, маиший ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Сиёсий экстремизмнинг ашаддий кўриниши терроризмдир.

Экю – Француз тангаси.

Эл – Вилоят ёки унинг бир қисмида истиқомат қиладиган одамлар. Мас., Хоразм эли, Қашқар эли. “Эл” сўзи бир қабилага мансуб кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Мас., қипчоқ эли, манғит эли. “Эл” сўзи миллат, халқ маъносини ҳам англатади. У юрт, мамлакат маъноларида ҳам қўлланиши мумкин.

Элам давлати – Тахм. мил. ав. 3 минг йиллик-мил. ав. VI аср ўрталарида ҳозирги Эрон Ислом Республикасининг жанубий-ғарбий қисмидаги Хузистон ва Луристон вилоятлари ҳудудларида жойлашган қадимий давлат. Ушбу давлатнинг пойтахти Суза шаҳри бўлган. Элам маданиятига Месопотамиянинг таъсири катта бўлган. Элам давлати мил. ав. VI асрнинг биринчи ярмида Мидия томонидан, кейинчалик аҳмонийлар томонидан босиб олинган.

Эл Арслон – Хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдори (1156-1172 йиллар). Хоразм мустақиллигини кучайтириш йўлида қорахитойлар билан жанглар олиб борган.

Элат – Кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Элатга кўп жиҳатдан бир-бирига яқин қабилалар бирлашади. “Элат” тушунчаси “миллат” тушунчаси билан маъно жиҳатидан яқин туради. Кўпинча “элат” деганда, нисбатан камсонли, маданий-маърифий, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан сустривожланган халқлар тушунилади. Собиқ Иттифокда 1926 йилда аниқланган аҳоли рўйхатида 230 дан ортиқ миллат ва элат яшайди, дейилган бўлса, 1959 йилги аҳоли рўйхатида бу рақам 129 тага тушиб қолган. Демак, совет ҳокимияти даврида 100 дан ортиқ элат, асосан, кам сонли халқлар ўз миллий қиёфаларини йўқотиб, кўп сонли халқларнинг миқдорини оширган.

Элбарс – Хива хонлигининг ҳукмдори. Акаси Ҳабаш Султон билан бирга 1621 йилда оталари Араб Муҳаммадхонга қарши урушиб, Хива тахтини эгаллашган. Ҳабаш ва Элбарслар 1623 йилда укалари Асфандиёр томонидан тахтдан ағдарилган ва қатл эттирилган.

Электорат – Сиёсий партиялар нуқтаи назаридан парламент, президент ёки давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ва фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларда муайян сиёсий партия, партияларнинг сайловолди блоки ёки мустақил номзодлар бирлашмалари кўрсатилган номзодлар учун овоз берувчи сайловчилар гуруҳи. Ўзбекистонда амалга оширилган парламент ислоҳоти ва икки палатали Олий Мажлисга ўтказилган сайловларида сиёсий партиялар ўртасида сиёсий рақобатнинг кучайиши туфайли электорат масаласи ўта долзарблик касб этди. Мазкур масала сиёсий партиялар учун нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлди. Чунки, ўз электоратини билмайдиган, у тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлмаган, унинг ижтимоий таркиби, манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганмаган сиёсий партия ўз мақсад-муддаосини белгилай олмайди, истиқболдаги ва жорий вазифаларини аниқлашда қийналади.

Элита – Ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият ва фанни ривожлантириш вазифаларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами.

Эликбоши – Ўрта Осиё хонликларида юзбошидан кейин турадиган ҳарбий мансаб. 50 аскардан иборат ҳарбий қисм кўмондони ёки 50 нафар аскар ажрата олувчи маҳалла, қишлоқ ёки овул раҳбари. Эликбоши мингбоши томонидан тайинланган.

Эллинизм даври – “Эллин” деб қадимий юнонликларни аташган. Эллинизм даври бу – Юнонистон, Македония, Ўрта ер денгизининг шарқида жойлашган давлатлар, Эрон ва Ўрта Осиёнинг баъзи давлатларининг қарийб 300 йиллик давридир. Бу давр македониялик Александрнинг вафоти (мил. ав. 324 йили)дан бошланиб, охириги эллинистик давлат ҳисобланган Птоломей шоҳлиги (ҳозирги Миср давлати ҳудудида жойлашган) мил. ав. 33 йилда Рим томонидан забт этилгани билан тугалланган. Юнонларнинг Шарқ мамлакатларидаги ҳукмронлиги ва улар маданиятининг Шарқ халқлари маданияти билан уйғунлашиб ҳосил бўлган янги маданиятни “эллинизм маданияти” деб аташади. Тарихда қуйидаги эллинистик давлатлар мавжуд бўлган: Птоломей шоҳлиги, Селевкидлар шоҳлиги, Бактрия (Юнон-Бактрия) шоҳлиги, Парфия шоҳлиги, Пергам шоҳлиги. (Селевкидлар шоҳлиги билан бир вақтда Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Пойтахти Пергам шаҳри бўлган), Понт шоҳлиги (Кичик Осиёда, Қора Денгизнинг жанубий соҳилида жойлашган), Македония, Юнонистон, Родос (Родос жазирасида жойлашган. Родос қулай географик мавқеи мавжудлиги учун минтақада савдо маркази сифатида жуда ривожланган. Эллинистик давлатлар ўртасида энг ривожланганлари Селевкидлар ва Птоломей шоҳликлари бўлган. Улар Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларидаги ерларда ҳукмрон бўлиш учун ўзаро кураш олиб борганлар. Мил. ав. I асрга келиб эллинистик давлатлар таназзулга юз тута бошлаган. Уларнинг аксарияти Рим томонидан забт этилган. Охириги эллинистик давлат ҳисобланган Птоломей шоҳлиги мил. ав. 33 йилда Рим томонидан забт этилган ва эллинистик давр ниҳоясига етган. Эллинизм даврида юнон-македонияликлар Шарқ мамлакатларига ўзларининг ишлаб чиқариш малакаларини, ўз давлат ва ҳуқуқ меъёрларини, урф-одат ва маданиятларини тарқатганлар. Шу билан бирга, юнонликлар Шарқ мамлакат-

ларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганишган. Эллинистик мамлакатлар ўртасида кўплаб урушлар бўлиб турган. Шунга қарамай улар ривожлана борган. Шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида юксалган. Эллинистик мамлакатларда математика фани, кemasозлик, ҳарбий санъат ва шаҳарсозлик ривожланган. Мисрнинг Александрия шаҳрида ҳозирги фанлар академиясига ўхшаш муассаса ташкил этилган. Бу муассасанинг номи “Музей” (“музалар кошонаси”) бўлган.

Эллинизм маданияти – Қадимги Юнонистон маданиятининг Шарқ мамлакатлари маданияти билан уйғунлашгани натижасида пайдо бўлган маданият. Асосан эллинистик давлатларда тарқалган.

Элогиялар – Қадимги Римда машҳур кишилар вафотидан сўнг улар шарафига битилган қисқа қайдлар.

Элоқхон – Қорахонийлар давлатида бош хоннинг вилоятлардаги ноиб. Мазкур унвон эгаси нуфуз ва даражасига кўра қорахондан кейинги иккинчи ўринда турган.

Элтутмиш, Шамсиддин – Деҳли султонлиги ҳукмдори (1211-1236 йиллар).

Элфуруш – Қар.: Ватанфуруш.

Элхон – XIII–XIV асрларда Эрондаги мўғул ҳукмдорлари унвони.

Элчи – 1. Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юқори мартабали киши. 2. Ҳукмдор томонидан бирор жойга махсус топшириқ билан юборилган киши.

Элчихона – Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлат ҳукумати қошидаги дипломатик ваколатхонаси.

Элшунослик – Элат ва халқларнинг келиб чиқиши ва жойлашиши, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, маданий-маиший ҳаёти, ижтимоий ва оилавий турмуш тарзи, маънавий дунёси каби муаммоларни ўрганувчи фан соҳаси, этнология, этнография.

Эль Греко – 1541-1614 йилларда яшаб ўтган испаниялик машҳур рассом.

Эльдорадо – Испан босқинчилари Лотин Америкасида излаган олтин ва қимматбаҳо тошларга бой афсонавий мамлакат.

Эмакдош – Бир аёлни эмишган оға-ини, кўкалдош, ширхўра.

Эмансипация – 1. Жабр-зулм, қарамлик, тутқунлик, турли бидъатлардан қутулиш, мас., хотин-қизлар эмансипацияси. 2. Вояга етмаган кишини муомалага лаёқатли деб эълон қилиш.

Эмбарго – Бирор давлат томонидан бошқа давлатларга олтин ёки хорижий валюталар, айрим маҳсулот турлари (мас., қурол) олиб чиқиш ёхуд олиб киришга тақиқлаб қўйилиши.

Эмблема – Бирор тушунча ёки ғоянинг шартли белгиси, рамзи, мас., каптар – тинчлик эмблемасидир.

Эмигрант – Қар.: *Муҳожир*.

Эмиграция – Қар.: *Муҳожирлик*.

Эмиссар – Давлатнинг сиёсий ташкилоти томонидан норасмий, махфий топшириқ билан чет мамлакатга юборилган киши.

Эмпиризм – Ҳиссий идрокни, тажрибани билишнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган, назарий умумлашга ва мантиқий тафаккурга етарли баҳо бермайдиган ёки уларни бутунлай рад этадиган фалсафий оқим.

Энгельс, Фридрих – 1820-1895 йилларда яшаб ўтган немис мутафаккири. Марксизм таълимотининг асосчиларидан бири.

Энг янги давр тарихи – Инсоният цивилизацияси (тамаддуни)нинг Биринчи жаҳон уруши охири (1918 йил)дан ҳозирги кунгача бўлган давр тарихи.

Эндиль – Месопотамия халқлари ўртасида машҳур бўлган ҳаво худосининг номи. Месопотамия халқларининг тасаввурларига кўра, Эндиль осмон худоси Ан ва ер худоси Кидан таваллуд топган. Эндиль катта бўлгандан кейин унга дунё торлик қилган ва у пичоғи билан осмон билан ерни боғлаб турган тоғни кесиб ташлаган ва Осмон (яъни отаси)ни Ер (онаси)дан ажратиб қўйган. Шундан кейин ерда кўплаб худолар пайдо бўла бошлаган.

Эндогамия – Биронта ижтимоий гуруҳ (қабила, уруғ, табақа ва бошқалар)нинг ўз ичидан уйланишини тақозо этувчи одат.

Энеолит даври – Ибтидоий-жамоа тузумининг мил. ав. 4-3 минг йилликни қамраб олувчи даври. Энеолит даврини ”мис-тош даври” деб ҳам аташади.

Энтузиазм – Бирон-бир ғоя, идеал ёки мақсадга завқ-шавқ билан, жондилдан берилиш, олий қадриятларга интилиш.

Энциклика – Рим папасининг барча католиклар ёки католик руҳонийларига диний ақидалар, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича йўллаган мактуби. Одатда, лотин тилида, баъзан замонавий тилларда ёзилади.

Энциклопедия – Билимнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор фан соҳасида тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзида битилган илмий қўлланма, қомус, мас., Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

Эпарх – Византияда вилоят (епархия)ларнинг маъмурий-ҳарбий раҳбари ва пойтахт Константинополда шаҳар ҳокими.

Эпарх китоби – – Византияда Константинополдаги савдо-ҳунармандчилик корхоналари фаолиятини тартибга солиб турган қарорлар тўплами. Йигирма икки бобдан иборат. X асрда тузилган деб тахмин қилинади.

Эпиграфика – Қаттиқ жисмлар: тош, металл, сопол ва бошқалардаги, асосан, Қадимги ва Ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани.

Эпиктет – Тахм. 50-140 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон файласуфи.

Эпикур – Мил. ав. 344-270 йилларда қадимги Юнонистонда яшаб ўтган файласуф. Эллинизм даврида Юнонистонда вужудга келган эпикурлар фалсафий оқимининг асосчиси.

Эпикурлар оқими – Эллинизм даврида Юнонистонда вужудга келган фалсафий оқим. Асосчиси Эпикур. Бу фалсафий оқим тарафдорларининг фикрича, яшашнинг чин маъноси ҳаёт гаштини сурмоқдир. Ҳар инсон ҳақиқий ҳаёт роҳатини ташқи оламдан эмас, балки ўз ички дунёсидан, руҳий эркинлик ва дилнинг осойишталигидан қидириши лозим. Эпикур оқимидагилар коинот

ҳақидаги нотўғри тушунчалар одамни кўрқув ва таҳликага солади, уларнинг осуда ҳаёт кечирishiга халақит беради, деб уқтирганлар. “Ўлим – энг даҳшатли ёвузлик. Аммо бунинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки биз тирик эканмиз, ўлим ҳам бўлмайди, ўлим етиб келгач, биз ғойиб бўламиз”, деб айтган эди Эпикур.

Эпитафия – Қабр устидаги ёзув, асосан, шеърда ифодаланади. Реал ва тўқима эпитафиялар яратилган. Эпитафия кичик ҳажмда, марҳумга қаратилган ёки марҳумнинг ўзгаларга қаратилган фикридан иборат бўлади. Туркий халқларда Ўрхун-Энасой ёдгорликларида эпитафия намуналари бор. Бўлиб ўтган бирор воқеа ёки афсонавий воқеа-ҳодиса билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган.

Эпопея – Муҳим тарихий воқеаларни, халқнинг бой, ранг-баранг ҳаётини тарихий нуқтаи назар билан ва кенг ёритган йирик бадиий асар, мас., Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеяси.

Эпос – 1. Халқ оғзаки ижодиётида – қаҳрамонлик ва қаҳрамонлар ҳақидаги халқ дostonлари мажмуи. 2. Адабиёт назариясида – баён тарзидаги асар: повесть роман, эпопея.

Эра – 1. Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи. 2. Тарихий ва ижтимоий хусусиятлари билан бошқа тарихий даврлардан фарқ қиладиган давр. 3. Йирик тарихий давр.

Эргастул – Қадимги Римда кулларга мўлжалланган хусусий қамоқхона. Улар асосан кулдорлар томонидан қишлоқ чорбоғлардаги ертўлаларда курдирилган. Эргастулларда занжирбанд этилган куллар тепасига назоратчилар қўйилган. Эргастуллар император Адриан томонидан тақиқланган.

Эржар жанги – 1868 йилнинг май ойида Бухоро амирлиги ва рус қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг. Бу жанг Жиззах ва Ўратепа ўртасида жойлашган Эржар деган жойда бўлиб ўтган ва унда Бухоро амирлиги қўшинлари мағлуб бўлишган.

“Эрк” демократик партияси – 1990 йилнинг апрель ойида тузилган. “Эрк” партияси раҳбарлари жамиятни янгилаш учун бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш заруриятини, қандай ислохотлар ўтказиш кераклигини ва унинг мазмун-моҳиятини, одамлар онги ва руҳиятини ўзгартириш лозимлигини, бунинг учун машаққатли ўтиш даврини босиб ўтиш заруриятини тушуниб етолмадилар. Шу боисдан “Эрк” партияси халқ орасида таянчга, ишончга эга бўла олмай, тарқалиб кетган.

Эркинлик – Кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши. Эркинликнинг виждон эркинлиги, фикр эркинлиги, матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги ва бошқа турлари мавжуд.

Эркин шаҳар – Халқаро ҳуқуқда мустақил, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бетарафлаштирилган ва ҳарбийсизлаштирилган тузилма. Унинг ҳуқуқий тузуми халқаро шартномалар билан ўрнатилади ва давлатлар ёки халқаро ташкилотлар томонидан кафолатланади. Краков (1815 йилги Вена битимида кўра), Данциг (1919 йилги Версаль шартномаси бўйича) эркин шаҳар деб эълон қилинган.

Эркин шаҳарлар – XIII аср охири XIV аср бошларида феодал, сеньор ҳокимиятидан қутулган ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган шаҳарлар.

Эровул – Ўтмишда асосий лашкардан илгари борувчи отлик аскар, отлик разведкачи.

Эрон-Ироқ уруши – 1979-1987 йилларда Эрон ва Ироқ ўртасида бўлиб ўтган уруш.

Эрцгерцог – Австриядаги габсбурглар сулоласи вакиллари олган унвон. Германиядаги Ўрта асрлар ва Янги даврда тузилган унвонлар таснифида эрцгерцог герцогдан юқори, курфюрист ва қиролдан қуйида жойлашган.

Эрши – Ҳозирги Марҳамат шаҳрининг қадимги номи.

Эсдалик – *Қар.: Мемуар.*

Эсерлар – *Қар.: Социалист-инқилобчилар.*

Эскадрон – XX аср ўрталарига қадар мунтазам кавалериядаги тактик бўлинма; икки-тўрт взводдан иборат бўлган.

Эсперанто – XIX асрнинг 70-йилларида варшавалик врач Л.Земенооф томонидан таклиф этилган ва асосан роман тилларига асосланган халқаро сунъий тил. Бу тил халқаро истеъмолга кирмай қолган.

Эсхил – Мил. ав. 525–456 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистон драматурги. “Трагедия жанрининг отаси”, деб эъзозланган.

Эта – Японияда париялар (ҳуқуқсиз кишилар) кастаси. Этага буддизм ақидалари бўйича “нопок” касблар (мол сўйиш ва ҳоказолар) билан шуғулланган кишилар киритилган. 1871 йили бекор қилинган.

Этика – Ахлоқ ва ахлоқ меъёрлари. Ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва шаклларини ўрганувчи фалсафий таълимот.

Этикет – Жамиятда, ижтимоий гуруҳ ва шу қабиларда қабул қилинган ўзаро муомала, одоб-ахлоқ, маросимлар ўтказиш тартиби, қоидалари, мас., дипломатия этикети.

Этник гуруҳ – Умумий ном ва маданият белгиларига эга бўлган ҳамда бошқа жамоалар билан мунтазам алоқаларга киришувчи инсонлар гуруҳи. “Этник гуруҳ” тушунчаси кўпинча кенг маънода, яъни бир-бирлари билан ўзаро яқин ва бир неча халқлар гуруҳини, мас., туркийлар, славянлар ва ҳоказолар) англатади. Бу атама тор маънода бирор-бир халқ (қабилалар уюшмаси, элат)нинг парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келган инсонлар уюшмасини англатади.

Этногенез – Муайян халқнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлиши. Этногенез этник тарихнинг маълум босқичларида вужудга келиб, маълум бир этноснинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврида давом этадиган тарихий ва этномаданий жараёнدير. Бирон-бир халқнинг этногенезини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги ҳақида бирор илмий тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас.

Этногеография – Этнографиянинг ер шари, алоҳида мамлакатлар ва улар аҳолисининг таркиби ва жойлашишини ўрганадиган бўлими.

Этнография – Тарих фанининг халқларнинг таркиби, келиб чиқиши, тарқалиши, урф-одатлари, моддий ва маънавий маданияти, маданий-тарихий алоқаларини ўрганадиган бўлими, элшунослик.

Этноним – Уруғ, қабила, элат, халқ, миллат ва бошқа хил этник уюшмалар номи. Бирор тилдаги этнонимлар мажмуи “этнонимия” деб юритилади.

Этрусқлар – Мил. ав. биринчи минг йилликда Апеннин ярим оролининг шимолий-ғарбида, қадимда Этрурия (ҳозирги Тоскана) деб аталган вилоятда яшаган қадимий қабилалар. Этрусқлар – Рим маданиятидан аввалги юксак маданият ижодкорлари.

Эфебия – Қадимги Юнонистон (Спарта, Афина)да эркин туғилган 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирларни ҳарбий ва фуқаролик хизматга тайёрлайдиган давлат ташкилоти. Ўқиш казарма шароитида икки йил давом этган. Биринчи йили эфеблар гимнастика, камондан отишни ўрганганлар, ҳарбий машқлар ўтқазганлар. Иккинчи йили ҳарбий кўрғонлар қуриш, ҳарбий гарнизонларни кўриқлаш, ҳарбий-денгиз ишларини ўрганиш билан шуғулланишган, халқ сайил ва байрамлари ҳамда йиғилишларида тартиб сақланишини назорат қилишган. Эфебияни тугатганлар тўла ҳуқуқли фуқаро ҳисобланган.

Эфесдаги Артемида ибодатхонаси – Қадимги дунёнинг “етти мўъжиза”си сифатида эътироф этилган иншоот.

Эфорлар (Эфорат) – Қадимги Спартада сайлаб қўйиладиган олий мансабдорлар жамоаси (беш нафар). Ҳар йили кузги тенгқунлик куни сайланишган. Сайловларда 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган спартиантлар қатнашиши мумкин бўлган. Бир кишининг икки марта мазкур лавозимга сайланиши тақиқланган. Бора-бора эфорлар Спарта жамиятининг деярли барча соҳалари устидан назоратни қўлга олганлар. Эфорлар милодий II асргача мавжуд бўлган.

Эфталийлар (Эфталитлар) – Ўрта Осиё ва унга яқин мамлакатлар халқларининг этногенези ва тарихида муҳим роль ўйнаган йирик қабилалар уюшмаси. Эфталийларнинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд.

Эфталийлар давлати – 457-567 йилларда мавжуд бўлган, энг ривожланган даврида таркибига Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Эрон ҳудудлари кирган давлат. Асосчиси Вахшунвор Эфталон. Эфталийлар давлатининг пойтахти Пойкенд (Пойканд, Бойкент) ёки Балх бўлган. Сосонийлар давлати билан мунтазам урушлар олиб борган. V аср охирлари VI аср бошларида эфталийлар давлати ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан кучайган. 502-506 йилларда эфталийлар ҳатто сосонийлар билан иттифоқ тузиб, Византия империясига қарши юришлар уюштирган. Эфталийлар давлатида зироаткорлик, деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда хунармандчиликнинг кулолчилик, шишасозлик, чилангарчилик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик каби турлари ривожланган. Чоч ўқ-ёйи “камони чочий” номи билан машҳур бўлган. Эфталийлар давлатида етиштирилган пахта Хитойда ҳам машҳур бўлган. Фарғона водийсида зотли отлар етиштирилган. Пойканд шаҳрида юқори сифатли зирхли пўлат қуроллар ишлаб чиқарилган. Шишасозлик ривожланган. Рангли ойналар ишлаб

чиқариш кенг йўлга қўйилган. Эфталийлар давлатида кўплаб шаҳарлар вужудга келган. Уларда қаср ва кўрғонлар қурилган. Биноларнинг деворлари расм, бўртма тасвир, ҳайкаллар, ёғоч ўймакорлиги ва ганч нақшлари билан безатилган. Эфталийлар давлати Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар билан савдо-сотик алоқаларини ўрнатган. Эфтал ёзуви ҳам мавжуд бўлган. У Бақтрия ёзуви асосида яратилган. Ёзув 25 та ҳарфдан иборат бўлиб, хат чапдан ўнгга қараб ёзилган. Эфталит ёзуви намуналари Зангтепа, Қоратепа, Афросиёб харобалари ҳамда Кофирқалъадан топилган. 563-567 йилларда Турк ҳоконлиги ва Сосонийлар зарбалари оқибатида эфталитлар давлати заифлашган ва барҳам топган.

Эхнатон – *Қар.: Аменхотеп IV.*

Эшикоғабоши (Эшик оғаси) – Ўрта Осиё хонликларида хон саройидаги бош хизматкор, олий ҳукмдорнинг турли қабул маросимларини ўтказиш ишларига мутасадди бўлган шахс. Хива хонлигида “эшик оқоси” дейилган.

Эшон – 1. Луғавий маъноси “улар”, “у киши”. 2. Сўфийлик оқимларида диний раҳнамоларнинг фахрий унвони. Дарвишларнинг пири. 3. Мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, мураббийси. 4. Исмоилийлар мазҳабига эътиқод қилувчи жамоасининг бошлиғи.

Эшонзода – Отаси эшон бўлиб ўтган, эшонлардан тарқалган шахс, эшон боласи.

Эшон Раис – Бухоро амирлигида олий мансабдор шахс. Уни “Раёсатпаноҳ” деб аташган. Бухоро амири томонидан хўжа ва саййидлардан тайинланган. Эшон Раис зиммасига оғирлик ва узунлик ўлчовларини қўпол равишда бузганлик, диний урф-одатларга тўғри риоя қилмаслик каби масалалар бўйича жазолаш вазифаси юклатилган.

Эътиқод – Муайян мақсад, кадриятга ишонч.

Эҳром – 1. Пирамида. 2. Пирамида шаклида қурилган бино, иншоот. 3. Ҳажга бориш олдидан маълум давр давомида атир сепиш, соқол-мўйлов олиш каби дунёвий ишлардан воз кечиш ва Миср, Ироқ каби мусулмон давлатлари чегараларига етгандан сўнг оқ кийимга, одатда, тикилмаган оқ матога ўралиш ва шундай матонинг ўзи.

–Ю–

Юань давлати – 1260-1368 йилларда ҳозирги Мўғулистоннинг жанубий ва Хитойнинг шимолида мавжуд бўлган давлат. Хитой Чингизхон ва унинг вориси Ўқтойхон томонидан XIII асрнинг 20-30-йилларида босиб олинган. XIII асрнинг 50-йиллари охирида Мўғуллар давлати бир неча мустақил давлатларга парчаланиб кетган. Шулардан бири Хубилай давлати бўлган. Хубилай Чингизхоннинг набираси. У парчаланиб кетган Мўғуллар давлатининг Мўғулистон ва Шимолий Хитой ҳудудида давлат тузган ва 1260 йилда ўзини ҳокон деб эълон қилган. 1271 йилда Хубилай ўз сулоласига хитойча “Юань” номини берган. Шундан кейин Хубилай давлати “Юань давлати” деб атала бошланган. Хубилай вафотидан кейин (1294 йили) саройда тахт учун курашлар бошланган. Тўғон Темур ҳукмронлиги даври (1333-1368 йиллар)да

Хитойда Юань сулоласи ҳукмронлигига қарши кўзғолонлар кучайган. 1368 йилда Юань сулоласи ағдарилиб хитойликларнинг Мин сулоласи ҳокимиятни қўлга киритишган. *Яна қар.: Хубилай.*

Юань Шикай – Хитой президенти. Яна қар.: Сунь Ятсен.

Югнакий, Аҳмад – XII аср охири-XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир ва мутафаккир. Аҳмад Югнакий Самарқанд атрофидаги Югнак маҳалласида таваллуд топган. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) достони Югнакий қаламига мансуб. У ушбу дostonда тил одоби, сир сақлаш, сахийлик, камтарлик, шукроналик, таъзим-тавозе, инсонпарварлик, касб-корга меҳр қўйиш, ризо ва қаноат, ҳалоллик ҳақида панд-насихатлар келтирган.

Юечжи қабиласи – Хунн қабиласи сиқуви остида Шарқий Туркистон орқали ғарб томон ҳаракат қилган қabila. Юечжилар Довон ва Суғдни эгаллагач, мил. ав. 140-130 йилларда жануб томон ҳаракат қилишган ва инқирозга юз тута бошлаган Юнон-Бақтрия давлатини босиб олишган ҳамда унинг худудларида “Катта Юечжи” давлат уюшмасини ташкил этишган. Бу уюшмага бешта юечжи ҳокимлигидан иборат бўлган. Мил. ав. I асрга келиб Гуйшуан ҳокимлигининг қудратли ҳокими Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) Катта Юечжида мавжуд бўлган барча ҳокимликларни ўзига бўйсундириб, ягона давлат тузган. Бу давлат Хитой ёзма манбаларида “Гуйшуан”, маҳаллий ёзма манбаларда эса “Кушон” деб аталган.

Юз – 1. Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Юзлар асосан Сурхон водийсида яшашган. Юзлар ваҳтамғали ва жилантамғали гуруҳлардан иборат. Бу гуруҳларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча гуруҳларга бўлинган. 2. Йўлбарсдан кичикроқ бўлган йиртқич ҳайвон.

Юзбоши – Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий мансаб. 100 аскардан иборат ҳарбий қисм қўмондони ёки 100 нафар аскар ажрата олувчи маҳалла, қишлоқ ёки овул раҳбари.

“Юз йиллик уруш” – 1337–1453 йилларда Франция ва Англия ўртасида бўлиб ўтган уруш. Урушда Франция ғалаба қозонган.

Юлиан тақвими – Рим императори Юлий Цезарь кўрсатмаси билан жорий этилган тақвим. Унга кўра, Ой тақвими ўрнига мил. ав. 45 йилдан бошлаб йилларни Қуёш тақвими бўйича ҳисоблашадиган бўлишган. Ушбу тақвим бўйича бир йил 365,6 кундан иборат бўлган. Ҳар тўрт йилда йилнинг охири ойи ҳисобланган февраль ойига бир кун қўшишган. Бу тақвим “Юлиан тақвими” деб номланган. У кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида тарқалган. Россияда бу тақвим 1918 йилгача қўлланган.

Юм, Дейвид – 1711-1776 йилларда яшаб ўтган инглиз файласуфи, тарихчиси, иқтисодчиси.

ЮНЕСКО – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилотининг қисқартирилган номи. 1946 йилда ташкил этилган. ЮНЕСКО-нинг асосий мақсади маориф ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб қувватлаш, маданий ва илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек, таълим масаласида турли чеклаш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳамда миллий маданиятни ҳимоя қилиш ва ҳоказо. Ташкилотнинг олий

органи – унинг бош конференцияси ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг штаб-квартираси Париж шаҳрида жойлашган.

ЮНИСЕФ – *Қар.: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси.*

ЮНИТАР – *Қар.: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўқув ва илмий-тадқиқот институти.*

Юнкер – XVIII-XIX аср биринчи ярмида Россияда ихтиёрий суратда армия сафига кирган ва офицерлар тайёрлаш қисмида қабул қилинган ёш дворян. 1864 йилдан ҳарбий билим юрти тарбияланувчиси (курсанти).

Юнон-Бақтрия давлати – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат.

Юнонистон – Македониялик Александр вафотидан кейин вужудга келган эллинистик давлат.

Юнон-форс урушлари – Эроннинг аҳмонийлар давлати Юнонистонни ўз сатрапига айлантириш мақсадида Юнонистонга қарши мил. ав. 492, 490 ва 480- йилларда уюштирган ҳарбий юришлари. Бу урушларда юнонликларнинг қўллари баланд келган.

Юрисдикция – Суд қилиш, ҳуқуқ масалаларини кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эгалик.

Юриспруденция – Ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ меъёрларининг амалий суратда қўлланиши билан алоқадор бўлган билимларнинг мажмуи.

Юрт – Мулк, турар жой, мамлакат, ватан, ер маъносида қўлланиладиган атама.

Юрт тинчлиги – Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти.

Юртовул – Марказий Осиё кўчманчи халқлар томонидан ҳарбий юришга чиқишдан олдин атрофдаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан ундириб ёки тортиб олинадиган бир ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари.

Юртчи – 1. Ўтмишда ҳарбий сафарлар чоғида қўшиннинг тўхташи ва жойлашиши учун қулай ўрин излаб топувчи, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг лашкаргоҳда тартиб ва интизом билан жойлашувини таъминловчи мутасадди. Юртчидан лашкаргоҳнинг текис, кенг ва қисмларни жойлаштиришда қулай, ичимлик сув манбаига яқин бўлиши талаб қилинган. 2. Бухоро амирлигида амир ўтадиган кўчаларни тозалашни уюштирадиган мансабдор шахс.

Юртчи ясовул – Марказий Осиё кўчманчи халқларида кўчиш вақтида жойлаштириш масалалари билан шуғулланувчи мансабдор шахс.

Юстиниан I – Византия императори (527-565 йиллар). Юстиниан I ҳукмронлиги даврида Византияда кўплаб қалъа ва истеҳкомлар, ҳаммомлар, театрлар, турли ҳукумат бинолари қурилган. 532-537 йилларда Истанбулда қурилган авлиё София ибодатхонаси ҳозиргача сақланиб қолган. Юстиниан I илм-фан ривожига эътибор берган. Шу билан бирга ҳукмрон доиралар томонидан православ черковининг таълимотига қўшилмаган еретиклар кескин таъқиб қилинган. 529 йилда Юстиниан I Мисрнинг Филе оролида жойлашган Исида ибодатхонасини ёпишга буйруқ берган ва ундаги мавжуд қадимги Миср худолари ҳайкаллари Констинианополга олиб келинган. 532 йилда Констан-

тинополда Юстиниан I ҳукмронлигига қарши кучли кўзғолон бўлиб, беш кун давом этган. Ушбу кўзғолон Юстиниан I нинг саркардаси Валезарий томонидан шавқатсизлик билан бостирилган. 30 минг кўзғолончилар ўлдирилган.

Юсуфий – XV аср охири-1544 йилда яшаб ўтган шоир, луғатшунос, табиб.

Юсуф Хос Ҳожиб – XI асрда яшаб ижод этган буюк олим, дostonнавис, давлат арбоби. Болосоғунда тахм. 1020 йилда туғилган. Қорахоний ҳукмдор Буғраҳон саройида “хос хожиб”лик мансабида ишлаган. Шоир умрининг охириги йиллари муҳтожлик ва зорликда ўтган. Бизгача етиб келган асари “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) достонидир. Унда сўзлаш одоби, илм ўрганишнинг фойдаси, олимларнинг жамиятдаги ўрни, ҳалоллик, ростгўйлик, садоқат, дўстлик, адолат, иймон, қаноат, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси тўғрисида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Юқори давлат органи – Вазифа, масъулият, мавқе ва шу кабилар жиҳатидан давлатда етакчи бўлган орган, ташкилот.

–Я–

Ябғу – Қар. *Жабғу*.

Яда тоши (Йада, Жада, Санги жади, хажар ул-мутур) – Ривоятларга кўра, қадимда туркий халқларда махсус тош ёрдамида тегишли афсун-дуо ўқиш йўли билан қор, ёмғир, шамол, бўрон чиқариш ёки уларни тўхтатиш удуми. Яда тоши XX асргача амалиётда бўлган.

Язак – 1. Ўтмишда лашкарнинг олд қисми, авангард. 2. Темурийлар даврида душман ҳақида ҳарбий маълумот йиғиш билан шуғулланадиган ҳарбий гуруҳ.

Яздигард I – Сосонийлар давлатининг ҳукмдори (399-420 йиллар).

Яздигард III – Сосонийлар давлатининг сўнги шоҳаншоҳи (632-651 йиллар). Яздигард III ҳукмронлиги даврида Сосонийлар давлати ички зиддиятлар ва урушлар оқибатида таназзулга юз тутган. Шунинг учун сосонийлар арабларнинг ҳужумларига қаршилиқ қила олмаганлар. Яздигард III шарққа томон чекинган ва 651 йилда Марв атрофида ўлдирилган. *Яна қар.: Сосонийлар давлати.*

Яздон – Ўтмишда худонинг исми.

Яккахудолик – Қар.: *Монотеизм.*

Ялавоч – 1. Таржимон, тилмоч. 2. Чопар, хабар элтувчи.

Ялавоч, Масъуд – 1239-1289 йилларда Мовароуннаҳрни мўғуллар номидан бошқарган амалдор. Асли хоразмлик бой савдогар Маҳмуд Ялавочнинг ўғли. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Масъуд Ялавоч Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулихоннинг беваси Суюрқўктан бека (гарчи ўзи христиан динида бўлса ҳам) эҳсонларини сарфлаб Бухоро шаҳрида “Хония” ва “Масъудия” мадрасаларини қурдирган. Мадрасаларнинг ҳар бирида 1000 тагача талаба таҳсил олишган. “Хония” мадрасасининг мударриси машҳур сўфий Сайфиддин Бохарзий бўлган. Бу мадрасалар Бухоронинг Регистонига яқин жойда бўлганлиги тахмин қилинади. Ҳозиргача улар сақланмаган.

Масъуд Ялавоч ҳам отаси Маҳмуд Ялавоч каби Чиғатой улуси аҳолисидан ундириладиган бир йиллик солиқ ва ўлпонларни олдиндан мўғулларга бериб, кейин йил давомида уларни аҳолидан кўпайтириб йиғиб олган. Мўғул аслзодалари Мовароуннаҳрда лавозим ва бойликка эгалик қилиш учун олиб борилган ўзаро курашларида кўпинча Масъуд Ялавочга суянишган. 1271 йилдан бошлаб Масъуд Ялавоч пул ислоҳотини ўтказишга киришган. Унга кўра, ҳар бир киши зарбхоналарга бориб, ўз тангаларини ўрнатилган бир ҳажм ва хилда қайтадан зарб этишган. XIII асрнинг 80-йилларига келиб ушбу соф кумушдан бир хил вазнда зарб этилган тангалар улуснинг кўплаб шаҳар ва вилоятларида муомалага киритилган. Бу тангалар юқори қийматга эга бўлган. Шундан кейин мамлакатда товар ва пул муносабатлари тиклана бошлаган. Масъуд Ялавочнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Термиз каби шаҳарларда савдо-сотик, ҳунармандчилик ривожлана бошлаган. 1273 йили Чингизхоннинг набираси (Тулихоннинг ўғли) Хулоку ўз кўшинлари билан Бухорони босиб олиб, кўплаб аҳолини ўлдирган, шаҳарни 7 кун давомида талон-торож қилган, сўнг шаҳарга ўт қўйган. Бухоро шаҳрини қайта тиклашда Масъуд Ялавоч ўзи шахсан раҳбарлик қилган. Масъуд Ялавоч 1289 йилда вафот этган ва ўзи қурдирган Масъудия мадрасасига дафн этилган.

Ялавоч, Маҳмуд – Чингизхон хизматида бўлган хоразмлик савдогар. Хоразмда туғилиб, 1254 йилда Пекин шаҳрида вафот этган. 1218 йилда Чингизхон томонидан Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига юборилган элчи (ялавоч)лар раҳбари бўлган. Мўғуллар истилосидан сўнг Маҳмуд Ялавоч Хўжанд шаҳрига кўчиб келиб, Мовароуннаҳрни Чингизхон номидан бошқарган. Чингизхон вафотидан кейин Маҳмуд Ялавочнинг Чиғатой билан муносабатлари кескинлашган. 1238 йилда мўғуллар зулмига қарши Бухорода бўлиб ўтган Маҳмуд Таробий кўзғолонида Чиғатой Маҳмуд Ялавочни қўли борлигини баҳона қилиб, уни Пекинга чақиртириб олган. Лекин Маҳмуд Ялавоч жавобгарликка тортилмаганга ўхшайди. Хитой манбаларига кўра, Маҳмуд Ялавоч мўғуллар саройида катта лавозимларда фаолият кўрсатган.

Ялов – Байроқ, туғ.

Яловбардор – Ўрта Осиё хонликларида байроқ кўтариб борувчи.

Ялпи – Умумий.

Янги Бобил шоҳлиги (Бобил шоҳлигининг халдей даври) – Мил. ав. 628-мил. ав. 538 йилларда Месопотамия ҳудудида мавжуд бўлган давлат тузилмаси. Мил. ав. VII асргача Бобил оссурияликларга тобеъ бўлган. Мил. ав. 626 йилда халдей қавмидан бўлган Бобил ҳукмдори Набопаласар ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилган ва шундан сўнг тарихда “Янги Бобил шоҳлиги” ёки “Бобил шоҳлигининг Халдей даври” деб номланган давр бошланган. Янги Бобил шоҳлиги даврида Бобил шаҳри ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий топган, савдо, ҳунармандчилик, бинокорлик ривожланган ва Месопотамияда энг йирик давлатларидан бирига айланган. Эроннинг аҳмонийлар шоҳи Кир II мил. ав. 538 йилда Бобил давлатини забт этган. Ундан кейин мил. ав. 331 йилда Бобил шаҳрини македониялик Александр ўз тасарруфига ўтказган. Мил. ав. II асрга келиб Бобил шоҳлиги тарих сахна-сидан тушиб кетган.

Янги давр тарихи – Инсоният цивилизацияси (тамаддуни)нинг XVII аср ўрталари (Буюк инглиз инқилоби)дан Биринчи жаҳон уруши охири (1918 йил)гача бўлган давр тарихи.

Янги иқтисодий сиёсат – Россияда “ҳарбий коммунизм” сиёсати ўрнига 1921 йил март ойида Совет ҳукумати томонидан жорий этилган иқтисодий-ижтимоий сиёсат. Янги иқтисодий сиёсатни кўпинча НЭП деб аташади. “НЭП” русча “**новая экономическая политика**” атамасининг биринчи ҳарфларидан олинган сўз. Янги иқтисодий сиёсатга кўра, мулкчиликнинг кўп хиллиги эътироф этилган, эркин тижорат жорий этилган, концессия (давлатга тегишли табиий бойликлар, корхоналар ва бошқа объектларни хорижий давлатларга, компанияларга ва айрим шахсларга маълум муддатга фойдаланиш учун бериш)лар орқали хорижий сармоянинг мамлакатга кириш йўли очилган, хусусий майда тижорат авж олган, турли соҳадаги қосиблар фаолияти жонланган. Янги иқтисодий сиёсат жорий этилгандан кейин Россияда саноат жонланган, қишлоқ жойларда “озик-овқат развёрсткаси” (деҳқонларнинг ортиқча озиқ-овқатларини куч билан тортиб олиш) озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилган, кам миқдорда бўлса ҳам хусусий мулкка эга бўлишга ижозат берилган, қишлоқ ва шаҳар ўртасида савдо-сотик муносабатлари ўрнатилган, 8 соатлик иш куни жорий этилган, аёллар иш ҳақини эркаклар иш ҳақи билан тенглаштирилган, ишчи ва хизматчилар учун бепул тиббий хизмат жорий этилган, нафақалар, ҳақ тўланувчи таътиллар белгиланган. Шу билан бирга янги иқтисодий сиёсат даврида большевиклар ҳукумати барча йирик корхона, завод, фабрика, ер, савдо ва молия ташкилотларини тўлиқ миллийлаштириш (национализация) сиёсатини ҳам олиб борган. *Яна қар.:* “**Харбий коммунизм**” сиёсати.

Янги Карфаген – Иберия (Испания) ҳудудида мавжуд бўлган шаҳар. Карфагенга қарашли бўлган.

Янги мустамлакачилик – *Қар.:* **Неоколониализм**.

“Янги Низом” (“**Низоми жадид**”) – Усмонли турк империяси султони Салим III ҳукмронлиги даврида Туркияда бошланган ислохотларнинг номланиши.

Янги Сарой-Боту – Олтин Ўрданинг кейинги пойтахти.

Янги тарих – XVII аср ўрталаридан Биринчи жаҳон уруши охиригача (1918 йил) бўлган давр тарихи.

“Янгича фикрлаш” концепцияси – “Қайта қуриш” даврида собиқ СССР ташки сиёсатида шаклланган концепция. Унинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат бўлган: жаҳонни икки қарама-қарши тизимга бўлиш назариясини инкор этиш, жаҳоний муаммоларни куч ишлатиб ҳал этиш усулларидан воз кечиш, умуминсоний қадриятларнинг синфий, миллий ва мафкуравий қадриятлардан устунлигини эълон қилиш ва ҳ.к. “Янгича фикрлаш” принципларини амалда татбиқ этиш натижасида 1987 йилда собиқ СССР ва АҚШ ўртасида ўрта ва қисқа масофада учадиган ядровий қуроолларни йўқ қилиш тўғрисида шартнома имзоланган, 1989 йил 15 февралда совет қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилиши яқунланган. 1989 йилдан бошлаб СССР қўшинлари Варшава шартномасига аъзо Шарқий Европа мамлакатлари

худудларидан ҳамда Эфиопия, Мозамбик ва Никарагуа давлатларидан чиқарила бошланган, 1989 йил октябрь ойида Берлин девори қулатилган. 1990 йилда Германиянинг бирлашуви амалга оширилган, 1991 йил баҳорида Варшава шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (Совет Экономических Взаимопомощи –СЭВ) ўз фаолиятларини тўхтатишган, “совуқ уруши” охирига етган, собиқ СССРда умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва кадрларига риоя қилиш бошланган, СССРда амалга оширилган ошқоралик ва демократлаштириш сиёсати таъсирида социалистик лагер мамлакатларида ҳуқуқий демократик жамият қуриш, Совет Иттифоқи тазйиқи ва назоратидан озод бўлишга иштирилишлар кучайган. Қар.: “Қайта қуриш” сиёсати.

Янги шоҳлик даври – Қадимги Миср тарихининг тахминан мил. ав. 1600-1100 йилларни ўз ичига олган даври. Янги шоҳлик даврида Мисрда иқтисодиёт ривожланган, Аменхотеп IV мамлакатда диний ислохотлар ўтказишга уринган. Мил. ав. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб мисрлик фиръавнларни ер юзидаги эҳромларда эмас, ер қаърида қурилган қабргоҳ (эҳром)ларга кўмиш одат бўлган. Уларни махфий тарзда кўмган бўлсалар-да, ҳозирги кунда бу қабргоҳларда мавжуд бўлган жихоз ва буюмларнинг кўпи ўғирланган. Ўғирлардан омон қолган энг машҳур қабргоҳ Тутанхамон қабргоҳи ҳисобланади. Мил. ав. 1301-1235 йилларда яшаб ўтган фиръавн Рамсес II даврида Мисрнинг шимолий-шарқий қисми хеттлар қўлига ўтган.

Яничарлар – Усмонли турк империясида давлат хазинасидан маош олиб ҳарбий хизмат ўтайдиган махсус мунтазам сипоҳий ва отлик қўшинлар. 1360 йилда Туркия султони Мурад I томонидан тузилган. “Яничар” сўзи туркча бўлиб, “янги қўшин” маъносини англатади. Яничарлар асосан Усмонли турк империясининг христиан аҳолиси орасидан жамланган. Улар турк ҳукмдорлар қўшинининг асосини ташкил этган. Яничарлар 1826 йил 15 июнда Туркия султони Маҳмуд II томонидан ўтказилаётган ҳарбий ислохотларга қарши фитна уюштирганлар. Фитна бостирилган, Маҳмуд II яничар қўшинларини тарқатиб юборган.

Ярим ой – Мусулмонларнинг рамзи.

Яровул – Ўтмишда махсус ҳарбий разведка қисми.

Ярослав I Мудрый – Қадимги Киев Руси давлатининг ҳукмдори (1019–1054 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида Киев Руси ривожланган, мамлакатда кирил алифбосига асосланган ёзув жорий этилган, Византияда муомалада бўлган рақамлар қўлланила бошлаган.

Яроғ (яроқ) – Хужум ва ҳимояда ишлатиладиган қурол.

Ясовул (Йасавул) – 1. Чингизхон даврида Ясоқ (Ячо) қонунларини фуқаролар томонидан қандай бажарилаётганини назорат қилиб турувчи мансабдор шахс. 2. Ўрта Осиё хонлиқларида олий ҳукмдорнинг шахсий ва махсус амру фармойишларини бажарувчи шахсий хизматкори.

Ясовулбоши – Ясовуллар бошлиғи.

Ясовулхона – Ясовуллар, соқчилар турадиган ва қурол-яроғ сақланадиган бино ёки махсус хона.

Ясол – Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиёда қўшиннинг ҳарбий сафар ҳамда жанг майдонида эгаллаган жанговар тартиби. Ҳар бир ҳарбий

қисм ва бўлинмаларнинг ясолдаги доимий ўринлари олдиндан белгилаб қўйилган.

Ясоқ (Ясо) – 1206 йили Чингизхон буюк қурултойда улуғ хон этиб сайланганда, эълон қилинган қонунлар тўплами. 2. Мўғуллар давлатида (XIII–XV асрлар) мавжуд қонун-қоидаларни бузган, уларга итоат қилмаган шахсларга бериладиган жазо. 3. Олтин Ўрда хонлиги томонидан истило қилинган мамлакатлардан, кейинчалик Москва давлати ва чор Россияси томонидан мазлум халқлардан натура билан ундириладиган солиқ. Ясоқ оз миқдорда 1917 йилдаги Февраль инқилобига қадар сақланиб қолган.

Ясриб – 622 йилда Муҳаммад Пайғамбар Маккадан ҳижрат қилган шаҳар. Кейинчалик Ясриб шаҳри “Мадинат ун-наби” (қисқача “Мадина”), яъни “Пайғамбар шаҳри” деб атала бошланган.

Яссавий, Аҳмад – 1096-1167 йилларда яшаб ижод қилган буюк тасаввуф шоири, мутафаккир. XI аср ўрталарида Сайрамда шайх Иброҳим ота оиласида дунёга келган. Бухорода у фикх илмининг устози Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Кейинчалик Ясси (ҳозирги Туркистон шаҳри)га қайтиб, кўплаб тарафдорлар, шогирдлар орттирган. Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавий 63 ёшга, яъни Пайғамбар ёшига киргач, ер остига, ертўлага кириб, қолган умрини тоат-ибодат, худо йўлида ўтказиб, 125 ёки 133 ёшида, 1166-1167 йиллар орасида вафот этган. Унинг мақбараси пештоқида ҳазрати Расулulloҳнинг “Талабул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин” – “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз”, деган ҳадиси битилган. Бизга қадар Яссавийдан “Девони ҳикмат” номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асарда муаллиф инсонни асл комилликка элтадиган дин, имон, худо, йўлида фидойилик, эътиқодда собитлик, ҳалоллик, покликка тарғиб этган. Яссавий кишиларни асл мақсад – худога эришмоқ пайида машаққат чекишга, маърифат касб этишга, исломий ва дунёвий ахлоқларни эгаллашга чорлаган. Яссавий ҳикматларида тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибон бўлиш, инсоф, мурувват ғояларини тарғиб қилган, нодонлик, жаҳолат ва разолатни каттиқ қоралаган.

Яссавийлик – Исломдаги сўфийлик тариқатларидан бири. Аҳмад Яссавий асос солган.

Ясси – Қозоғистон ҳудудидаги ҳозирги Туркистон шаҳрининг олдинги номи.

Яхва (Яхве, Ягве, Иегова) – Иудаизм дини худоси. Дастлаб иуда қабиласининг худоси бўлган. Кейинчалик Исроил – Яҳудия давлатининг бош худоси деб эълон қилинган. Яҳудий манбаларига кўра, Сулаймон Пайғамбар Қуддусда унга атаб ибодатхона қурдирган. Мил. ав. VII асрда яхва ягона худо деб эълон қилиниб, бошқа худоларга сиғиниш ман этилган.

Яшин тезлигидаги уруш – *Қар. Блицкриг.*

Яқубхон – Афғонистон ҳукмдори (1879-1880 йиллар). Шер Алихоннинг ўғли. Яқубхон тахтга ўтирганда Иккинчи инглиз-афғон уруши давом этаётган эди. Яқубхон инглизларга ён бера бошлаган. 1879 йилнинг майида Яқубхон инглизлар билан Гандамак сулҳ шартномасини имзолаган. Унга кўра, Афғонистон ўзининг ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқидан

махрум бўлган, Афғонистоннинг ички сиёсатини эса Британиянинг Афғонистондаги элчиси белгилайдиган бўлган, Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳри, Курам, Сиби, Пишин вилоятлари инглиз ҳукмронлиги остига ўтган, Хайбар ва Мичин доволари инглизлар назоратига ўтган. Шунга қарамасдан Якубхоннинг “содиклиги” инглизларга ёқмаган ва у Ҳиндистонга юборилган (сурғун қилинган). 1880 йилда Тошкентда Россиянинг Туркистон генерал-губернаторлиги назоратида бўлган Шер Алихоннинг укаси, Муҳаммад Афзалхоннинг ўғли Абдурахмонхон Афғонистонга қайтиб келиб тахтни эгаллаган. Иккинчи Англия-Афғонистон уруши эса 1880 йилгача давом этган. Унда ҳам инглизлар мағлуб бўлишган.

Яҳудийлик – *Қар.: Иудаизм дини.*

Яхудия шоҳлиги – Мил. ав. 935 йилда Исроил-яхудия шоҳлиги бўлиниб кетгандан кейин унинг жанубида вужудга келган давлат.

–Ў–

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши – 1949 йилда социалистик давлатларнинг иқтисодий фаолиятларини бирлаштириш ва ривожлантириш мақсадида тузилган ташкилот. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашини қисқача СЭВ деб ҳам аташади. “СЭВ” атамаси русча “Совет Экономических Взаимопомощи” атамасининг биринчи ҳарфлардан олинган. Ушбу ташкилотнинг марказий идоралари собиқ СССРнинг пойтахти Москва шаҳрида жойлашган. Дастлаб Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига Албания, Болгария, собиқ Чехословакия, Венгрия, Руминия, Польша ва собиқ СССР кирган. Кейинчалик унга собиқ Германия Демократик Республикаси (1950 йили), Мўғулистон (1962 йили), Куба (1972 йили) ва Вьетнам (1978 йили) аъзо бўлишган. Собиқ СССР ва социалистик лагеръ мамлакатлари тарқалиб кетгандан кейин Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ҳам 1991 йилда ўз фаолиятини тугатган.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган партия.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси – 1995 йил 3 июнда ташкил топган партия.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни) – 1992 йил 8 декабрда 12-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган. Ўзбекистон Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат. У ўзбек халқининг тарихи, маданий мероси, миллий анъаналари, кадриятлари, азалий удумлари, илдизларига таянган жаҳон тажрибаси, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар, қоидалар билан ҳамоҳанг тарзда яратилган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида қабул қилинган.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонуни – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлда бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида қабул қилинган.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонуни – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Қонун қабул қилинган. Мадҳиянинг матнини Ўзбекистон қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов, муסיқасини эса бастакор Мутал Бурҳонов ёзган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонуни – 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинган. Унинг биринчи моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлат, Ўзбекистон халқи суверендир”, деб таъкидланган. Ушбу қонун орқали Ўзбекистон ўз мустақиллигини бутун жаҳонга эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий органи (парламенти). 1994 йил 22 сентябргача “Олий Кенгаш” деб аталган. Олий Мажлисга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадилар. 2005 йилда Ўзбекистоннинг Олий Мажлиси икки палатали, яъни Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилган. Олий Мажлисга депутат сайлаш нормаси Олий Мажлис томонидан 250 киши қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати 100 сенатордан иборат. Улардан 84 сенатор Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Кенгашларига сайланган депутатлар орасидан қайтадан сайланади. Сенатнинг 16 нафар сенаторлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан тайинланади.

“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида”ги қонуни – 1990 йил 23 мартда қабул қилинган.

“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонуни – 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий Ижроия Қўмитаси (Ўз. ССР МИК) – Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўз. ССР)нинг қонун чиқарувчи олий органининг дастлабки номи. 1925 йилнинг февраль ойида Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси советларининг биринчи курултойида тузилган. Унинг биринчи раиси этиб Йўлдош Охунбобоев сайланган. Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи 1937 йилдан “Ўзбекистон ССР Олий Совети” деб атала бошлаган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Халқ Комиссарлари Совети (Ўз. ССР ХКС) – Ўзбекистон Совет Социалистик Республи-каси

(Ўз. ССР)нинг ижро этувчи олий органининг дастлабки номи. 1925 йилнинг февраль ойида Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси советларининг биринчи қурултойида тузилган. Унинг биринчи раиси этиб Файзулла Хўжаев сайланган. Ўзбекистоннинг ижро этувчи олий органи 1946 йилдан “Ўзбекистон ССР Министрлар Совети” деб аталган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР) – 1925 йил февраль ойидан 1991 йил август ойигача мавжуд бўлган давлат. 1925 йил 13 февралда Бухорода Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси советларининг биринчи қурултойи ўз ишени бошлаган. 17 февралда қурултой “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида декларация”ни қабул қилган. 1925 йил 13 майда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР СССР таркибига қабул қилинган. Ўзбекистон ССР таркибига Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси кирган. 1929 йилгача Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибидан чиқиб, алоҳида республика мақомига эга бўлган ва СССР таркибига киритилган. 1925 йил февраль ойидан март ойигача Бухоро шаҳри, 1925 йил май ойидан 1930 йил декабрь ойигача Самарқанд шаҳри, 1930 йилнинг охиридан бошлаб Тошкент шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти бўлган. 1936 йил 5 декабрда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниб, унга кўра Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилган. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини кўлга киритган ва давлатнинг номи “Ўзбекистон Республикаси” бўлган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 1991 йил 1 ноябрда ташкил топган партия.

Ўзбекистон тарихи – Ижтимоий-сиёсий фан. Бу фан предметини Ўзбекистон халқининг энг қадимги замонлардан бугунги кунгача кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнларни ўрганиш ташкил этади. Ўзбекистон тарихи фани мамлакатимиз ҳудудида содир бўлган сиёсий жараёнлар, халқимизнинг турли босқинчиларга қарши курашлари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, илм-фан ва маданият ривожини, халқимизнинг маънавий ҳаёти, дини, буюк олим ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганади.

Ўзбек тили – Туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансуб тил, янги уйғур тили билан биргаликда қарлуқ-хоразм гуруҳчасини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. 1989 йил 21 октябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонунга мувофиқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган.

Ўзбек улуси – 1428 йилда Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида, яъни жанубий-ғарбий Сибирда, Абулхайрхон томонидан асос солинган давлат тузилмаси. Пойтахти Чинги Тура (ҳозирги Тура) шаҳри бўлган. Ушбу давлатнинг “Ўзбек улуси” деб номланиши 1312-1342 йилларда Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган Ўзбекхон номи билан боғлиқ. Абулхайрхон Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Мўғулистон ва Темурийлар салтанатида ички низолар кучайиб кетганидан фойдаланиб, 1431-1435 йилларда ҳозирги Марказий ва Шарқий Қозоғистон ерларини, Сирдарё бўйидаги бир нечта шаҳарлар ва Хоразмни босиб олган. 1447 йилда Ўзбек улуси пойтахти Турадан Сигноққа кўчирилган.

Натижада Ўзбек улусининг жанубий сарҳадлари темурийлар салтанати сарҳадларига яқинлашган. Абулхайрхон темурий зодагонларнинг ўзаро курашларига аралаша бошлаган. 1468 йилда Абулхайрхон вафот этган. Ўзбек улуси давлати тахтига Абулхайрхоннинг ўғли Ҳайдархон ўтирган. Абулхайрхоннинг душманлари Ибокхон бошчилигида иттифоқ тузиб, Ҳайдархонга қарши курашган ва ғалабага эришган. Ҳайдархон ўлдирилган, Абулхайрхоннинг қариндош-уруғлари ва тарафдорлари қирғин қилинган. Бу қирғиндан Абулхайрхоннинг баъзи яқинлари, шу жумладан набираси Муҳаммад Шайбонийхон, қочиб қутулишга муваффақ бўлган.

Ўзбекхон – Олтин Ўрданинг хони (1312-1342 йиллар). Ўзбекхон ҳукмронлиги даврида Олтин Ўрдада пойтахт Сарой Ботудан Сарой Беркага кўчирилган, Ислом дини давлат динига айланган, ҳокимият марказлашган, кўшинлар салоҳияти кучайган. Сарой Берка шаҳрида кўплаб масжидлар, мадрасалар, саройлар, мақбаралар қурилган, кўплаб шоир, олим, муסיқашунослар яшашган.

Ўзини-ўзи бошқариш социализми – Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ Югославияда барпо этилиши эълон қилинган жамият. Унга кўра, корхоналар устидан ишчи кенгашлар раҳбарлик қилган. Улар ўзлари ишлаб чиқариш режаларини тузишган, корхона даромадларини ўзлари ишчилар ўртасида тақсимлашган (собиқ СССРда барча корхоналар давлат тасарруфида бўлган), жойларда демократик сайланган ўзини-ўзи бошқариш органларининг бошқаруви йўлга қуйилган, колхозлар тарқатиб юборилган, савдо-сотик эркинлаштирилган, коммунистик партия сиёсий ва мафкуравий ишлар устидан раҳбарликни ўзида қолдириб, мамлакатнинг иқтисодий ва давлат ишларини бошқариш Иттифоқ халқ скупшина ихтиёрига топширилган.

Ўлжа – 1. Душман устидан ғалаба қозониб, қўлга киритилган нарса. 2. Овда қўлга тушириладиган, тутиб ёки отиб олинладиган нарса, ов.

Ўлка – 1. Мамлакат. 2. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликка эга бўлган бирор қисми, вилоят.

Ўлпон – Ердан фойдаланганлик учун олинладиган солиқ тури. Йилига бир марта ундирилган.

Ўлпончи – Ер солиғини йиғувчи мансабдор шахс.

Ўнбоши – Ҳарбий унвон, 10 кишидан иборат ҳарбий бўлинма бошлиғи. Энг қадимги туркий давлатларда илк марта жорий қилинган. У бевосита юзбошига бўйсунган. Ўнбоши Россияда “десятник” деб аталган.

Ўнгут – Қадимги қабилаларнинг бири. Ўнгутлар Чингизхонга тобе бўлиб, унинг босқинчилик юришларида иштирок этишган. Уларнинг кичик гуруҳлари Хоразмга келиб ўрнашган, кейинчалик маҳаллий халқлар билан аралашиб, этник номларини унутиб юборишган.

“Ўн икки дастур” – Бобурийлар давлатининг ҳукмдори Жаҳонгиршоҳ томонидан давлатни бошқариш бўйича эълон қилинган дастур.

Ўн икки худо – Қадимги Римда олий худолар гуруҳи, юнонлардан ўзлаштирилган: Юпитер, Нептун, Марс, Аполлон, Вулкан, Меркурий, Юнона, Венера, Минерва, Диана, Веста ва Церера. Улар Юпитер томонидан йиғиладиган худолар кенгашини ташкил этишган.

“Ўн саккизлар гуруҳи” – Ўзбек халқининг асл фарзандларини қатағон қилиш учун совет ҳокимияти томонидан тўқиб чиқарилган сиёсий ишнинг номи. 1925 йил 19 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон коммунистик большевиклар партияси Марказий Комитети пленумида 18 та юқори лавозимларни эгаллаб турган шахслар совет ҳокимияти томонидан Ўзбекистонда ер-сув ислохотини ўтказиш натижасида хусусий мулкнинг йўқ қилинишига ва юқори раҳбарларни тайинлашда синфийлик тамойилларига ортиқча эътибор берилмаётганлигига норозилик билдириб, истефога чиқишлари тўғрисида ариза берганлар. Улар орасида Ер ишлари халқ комиссари И.Хидиралиев, Ички ишлар халқ комиссари Р.Рафиқов каби миллий раҳбар кадрлар ҳам бўлган. Бир қанча вақтдан сўнг “ўн саккизлар гуруҳи”дан 8 таси ўз аризаларини қайтариб олишган. Қолган 10 киши Ўзбекистон компартиясига қарши гуруҳ деб баҳоланган. Уларни мавжуд тузумга қарши ҳаракат қилувчилар, янги ҳаётга қарши бўлган, бой-қулоқларга, буржуазияга ён босувчи гуруҳ, деб қоралашган ва эгаллаб турган вазифаларидан озод қилишган.

Ўрда – Туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа. Олтин ўрда, Нўғай ўрданинг номи шундан келиб чиққан. Турли тарихий даврларда ўрда “арк” деб ҳам аталган. 2. Қўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўрда атрофи хандақ билан ўралган.

Ўрду – Қўшин, лашкар.

Ўрдугоҳ – Қўшин турадиган жой, лагерь.

Ўрта асрлар тарихи – Инсоният цивилизацияси (тамаддуни)нинг милодий V аср (Ғарбий Рим империяси тугатилиши)дан XVII аср ўрталари (Буюк инглиз инқилоби)гача бўлган давр тарихи. Ўрта асрлар феодализм тузуми давридир. Йирик ер эгалари бўлган феодаллар синфи феодал жамиятининг ҳукмрон синфи бўлишган. Деҳқонлар феодал ерларида яшаб, уларга хизмат қилишган. Уларнинг феодал ерлари(поместье)дан ташқарига чиқишга ҳуқуқлари бўлмаган. Яъни, улар феодал ерлари (мажозий маънода “крепост”-қалъа)га қарам ҳолда яшашган. Помешчиклар ҳуқуқсиз крепостной деҳқонларни хоҳлаганларича истисмор қилишган. Ўрта асрлар тарихи қуйидаги уч асосий даврга бўлинади: 1. Илк Ўрта асрлар тарихи (ёки Ўрта асрлар тарихининг биринчи даври) – V асрдан тахм. XI аср охирларигача. Бу давр феодал тузумнинг ташкил топиши, феодал ерлари(поместье)нинг шаклланиши, феодал иерархиясининг вужудга келиши, феодализмнинг идеологик кучи бўлган католик черковининг бутун Ғарбий Европада ёйилиши, Ислом динининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши давридир; 2. Ўрта асрлар тарихи (ёки Ўрта асрлар тарихининг иккинчи даври) – XI-XV асрлар. Бу феодализмнинг раванқ топган даври бўлиб, феодал ишлаб чиқариш усуллари қишлоқ жойларда тўла ривожланган, цех ҳунармандчилиги ва ўзига хос феодал шаҳарлар пайдо бўлган. Кейинчалик бу шаҳарлар феодаллар ҳукмронлигидан халос бўлиб эркин шаҳарларга айланган. Бу даврда Салиб юришлари амалга оширилган, меҳнат тақсимотининг ўсиши натижасида мамлакатлар ўртасида савдо ривожланган. 3. Сўнгги Ўрта асрлар тарихи (ёки Ўрта асрлар тарихининг учинчи даври) – XVI аср охири XVII асрнинг биринчи ярми. Бу давр феодализмнинг чириши ва феодализм ичида капитализм элементларининг

етилиши давридир. Бу даврни “Европа реформацияси даври” ёки “Европа уйғониш даври”, деб ҳам аташади. Бу даврда дехқонларнинг кучли қўзғолонлари ва илк буржуа инқилоблари бўлиб ўтган.

Ўрта Осиё давлат университети – Туркистон давлат университети 1923 йилдан бошлаб “Ўрта Осиё давлат университети” деб номланган. Бу олий таълим муассасасини қисқача “САГУ” деб ҳам аташган. “САГУ” атамаси русча “Среднеазиатский государственный университет” сўзларининг бош ҳарфларидан ташкил топган. Ўрта Осиё давлат университети Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг асосий маркази бўлган ва ўзбек зиёлиларининг таркиб топишида муҳим роль ўйнаган. 1928 йилдан бошлаб Ўрта Осиё давлат университети факультетлари асосида Ўрта Осиёда мустақил институтлар ташкил топа бошлаган. Улар жумласига Ўрта Осиё пахтачилик ва ирригация политехника институти (ҳозирги Тошкент ирригация ва мелиорация институти), Ўрта Осиё тиббиёт институти, Тожикистон қишлоқ хўжалиги институти, Туркменистон зооветеринария институти, Ўрта Осиё ирригация муҳандислари ва техниклари институти, Ўрта Осиё геология-қидирув институти, Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Тошкент техника университети), Ўрта Осиё молия-иқтисод институти (ҳозирги Тошкент иқтисодиёт университети) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Ўрта Осиё давлат университети 1960 йилдан бошлаб “Тошкент давлат университети” деб номланган.

Ўрта Осиё қўзғолони (“Мардикорлар қўзғолони”) – 1916 йилда Ўрта Осиёда Россия мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган қўзғолон. Биринчи жаҳон уруши йилларида Россияда оддий халқнинг аҳволи оғирлашган. Мамлакатдаги ғайрирус халқларидан расмий солиқлардан ташқари уруш эҳтиёжи учун турли йиғим ва солиқлар ундирилган. 1916 йил 25 июнда Россия императори Николай II “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” ҳақида фармон эълон қилган. Ушбу фармонга кўра, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказorti худудларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг кишини мардикорликка олиш буюрилган. 400 минг кишидан 200 минг 470 киши Туркистон ўлкасидан мажбуран мардикорликка сафарбар қилиниши режаланган. Бунинг учун Туркистон ўлкасидаги ҳар беш хонадондан бир мардикор ажралиши керак бўлган. Бунга жавобан Ўрта Осиё халқлари 1916 йилда қўзғолон бошлашган. Ушбу қўзғолонни “Мардикорлар қўзғолони” деб ҳам аташади. Дастлабки мардикорлар қўзғолони 1916 йил 4 июлда Самарқанд вилоятига қарашли Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган. 6 минг кишидан иборат оломон Россия маъмурларидан мардикорликка олишни тўхтатишни талаб қилишган. Бунга жавобан мустамлакачилар аскарлари қўзғолончиларга қарата ўқ узишган. Натижада 3 киши ўлдирилган, 4 киши яраланган. Қўзғолон бостирилган. Шунга ўхшаш қўзғолонлар Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Еттисув, Каспийorti вилоятларининг турли худудларида ҳам бўлиб ўтган. Тошкент шаҳри аҳолисининг қўзғолони ҳам мустамлакачилар аскарлари томонидан ўққа тутилиб, 11 киши ўлдирилган, 15 киши жароҳатланган.

Туркистондаги мустабид ҳокимият фармонлари билан юзлаб қўзғолончилар ҳибсга олиниб, каттиқ жазоланган. Мардикорликка қарши қўзғолонларнинг энг каттаси Самарқанд вилоятининг Жиззах уезди ва унинг атрофларида бўлиб ўтган. Яна қар.: Жиззах қўзғолони.

Ўрта тош даври – Қар.: *Мезолит даври*.

Ўрта шоҳлик даври – Қадимги Миср тарихининг тахм. мил. ав. 2100-1800 йилларни ўз ичига олган даври. Ўрта шоҳлик даврида Миср иқтисоди ривожланган, ташқи ва ички тижорат тараққий топган. Шунга қарамасдан Ўрта шоҳлик даври фиръавнлари Қадимги шоҳлик давридаги фиръавнларидек чекланмаган ҳокимиятга эга бўлишмаган. Улар мамлакатни бошқаришда вилоятлар ҳокимлари ва номарх – дин пешволари билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Мил. ав. 1700 йилда Мисрни шимолий-шарқ (Фаластин ва Сурия) томондан келган гиксослар босиб олганлар. Мисрда гиксослар ҳукмронлиги мил. ав. 1700 йилдан 1580 йилларгача давом этган.

Ўтарчи – Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Ўтарчилар Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбекларидан иборат бўлиб, XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрга келиб жойлашишган. Фарғона водийсида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаб, XVIII-XIX асрлар давомида маҳаллий халқлар таркибига сингиб ўз номларини унутиб юборганлар.

“Ўттиз йиллик уруш” – 1618-1648 йилларда Европа қитъасида христиан динининг католик ва протестантизм тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган урушлар. Бу урушда икки блок (гурух) – габсбургчилар ва габсбургчиларга қаршилар ўзаро урушишган. Габсбурглар бу – Австрияда ҳукмронлик қилган сулоланинг номи. Габсбурглар блоки (Муқаддас Рим империяси)га Рим папаси, Испания ва Австрия габсбурглари, Германиянинг католик князлари кирган. Бу блок католицизм тарафдорлари бўлишган. Габсбургларга қарши блокка Англия, Голландия, Россия, Германия протестантлари ҳамда Франция, Швеция, Дания кирган. Габсбургларга қарши блок асосан протестантизм тарафдорлари бўлишган. Ўттиз йиллик уруш Чехия (1618-1623 йиллар), Дания (1625-1629 йиллар), Швеция (1630-1635 йиллар), Франция-Швеция (1635-1648 йиллар) даврларига бўлинган. Ўттиз йиллик урушда протестантизм тарафдорлари бўлган габсбургларга қарши блок ғалаба қозонган. Ўттиз йиллик уруш натижасида габсбург (католик)ларнинг “жаҳоншумул империя” тузиш ва унда католицизмни қатъий жорий этиш режалари барбод бўлган. Ўттиз йиллик урушда қатнашган мамлакатлар томонидан 1848 йил 24 октябрда Германиянинг Мюнстер шаҳрида Вестфалия сулҳи имзоланган. Унга кўра, Ўттиз йиллик урушга барҳам берилган, Муқаддас Рим империясида диний муносабатлар, сиёсий тузумлар ҳамда худудий ўзгаришларга оид масалалар ҳал этилган.

Ўтов – Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг асосий турар жойи, чорвачилик билан шуғулланадиган аҳолининг кўчма бошпанаси.

Ўтрор фожиаси – 1218 йилда Чингизхон томонидан Мовароуннаҳрга юборилган 450 савдогар 500 туяга ортилган қимматбаҳо моллар қарвони Ўтрор шаҳри ҳокими Инолчиқ томонидан талон-торож қилинган, савдогарлар ва қарвон билан келган кишилар эса жосусликда айбланиб қириб ташланган.

Карвондаги қимматбаҳо буюмлар Самарқанд ва Бухоро савдогарларига тақсимлаб берилган. Уларни сотиш натижасида қўлга киритилган маблағнинг кўп қисми Муҳаммад Хоразмшоҳ хазинасига тушган. “Ўтрор фожиаси”дан сўнг Чингизхон ва Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасидаги муносабатлар кескинлашган.

Ўтроқ – Бир жойда муқим яшайдиган.

Ўтсочар – Душманга ёниб турган суюқлик сочадиган курол.

Ўғлон – Мўғуллар давлатида тахт вориси, валиаҳд.

Ўғрук (Уғрук) – Мўғул ҳамда туркий халқлар қўшинида асосий жанговар қисмлардан бир неча кунлик масофада ортда борадиган оғир карвон (обоз). Ўғрукни ҳукмдор ҳарами, вояга етмаган мирзолар ташкил этган. Ўғрукда лашкар учун турли касб эгалари, чунончи, новвойлар, ошпазлар, қассоблар, тақачилар, камончилар, эгарчилар, озиқ-овқат, мева билан савдо қилувчилар ва ҳоказолар хизмат қилган.

Ўғуз – 24 қабиладан ташкил топган йирик халқ. Ўғузлар VIII-X асрларда Сирдарё соҳилларида, унга туташ чўлларда, Орол денгизининг жанубий, жанубий-шарқий минтақаларида, ислом динини қабул қилганлари эса Нурота тоғ олди ҳудудларида яшашган ва чорвачилик билан шуғалланишган. IX аср охири-X аср бошларида улар Ўғуз давлатини барпо этганлар.

Ўғузхон – Барча туркий-мўғул қабилаларининг афсонавий асосчиси.

–Қ–

Қабила – Этник бирлик. Қон-қариндошлик алоқаларининг мавжудлиги, уруғ ва бўғинларга бўлиниши, бир ҳудудга эга эканликлари, иқтисодий бирлик ва ягона тилнинг мавжудлиги ва ҳ.к.лар қабиланинг асосий белгиларидир.

Қавм – 1. Бир авлоддан тарқалган, ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар бирлашмаси, уруғ, аймақ, қабила. 2. Ислом таълимотига кўра, ҳамиша бир масжидда ибодат қилувчи кишилар.

Қавс – 1. Ўн икки буржнинг бири. 2. Ҳижрий шамсий йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи.

Қавчин – Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Қавчинлар XIII аср ўрталарида арлот, барлос, жалойирлар билан бирга Мўғулистон ҳудудидан Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида ҳамда Фарғона водийсига кўчиб келишган. Қавчинлар, асосан, ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Улар, ўз навбатида, бир қанча уруғларга бўлинган.

Қадамжой – *Қар.: Зиёратгоҳ.*

Қадимги Бақтрия – Таркибига ҳозирги Сурхондарё, Тожикистоннинг жануби, Афғонистоннинг шимолий шарқий ҳудудлари кирган қадимий давлат. Олимларнинг таъкидлашича, Бақтрия (“Бақтрия подшолиги”) давлати 2800-3000 йил илгари юзага келган. Юнон тарихчиси Ктесий Бақтрия давлатидаги кўплаб шаҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар Бақтро (Балх), Бақтрия подшоси Оксиарт, унинг битмас-туганмас бойликлари ҳақида хикоя қилган. Юнон

мутафаккири Герадот эса Бактрияни Миср ва Бобил каби йирик қадимги давлатлар қаторида тилга олган.

Қадимги дунё тарихи – *Қар.: Антик дунё тарихи.*

Қадимги икки дунё оралиғи (Месопотамия) – Қадимда Тигр (Дажла) ва Ефрат (Фурот) оралиғидаги жойнинг умумий номи.

Қадимги Русь давлати – *Қар.: Қадимги Киев Руси.*

Қадимги Хоразм – *Қар.: Катта Хоразм.*

Қадимги шоҳлик даври – Қадимги Миср тарихининг тахм. мил. ав. 2700-2250 йилларни ўз ичига олган даври. Бу даврда Мисрда фиръавн (подшоҳ)лар деспотга айланиб, чегараланмаган ҳокимиятга эга бўлганлар. Фиръавнларни Европада “фараонлар” деб аташади. Мисрликлар фиръавнларни “раҳмдил худодлар”, куёш худосининг ўғли деб аташган. Фиръавнлар мамлакатни улкан бюрократик аппарат орқали бошқаришган. Қадимги подшоҳлик даврида Миср эҳром (пирамида)лари қурилган. Қадимги мисрликлар тасаввурларига кўра, фиръавнлар гўё ўлмайдиган зотлар бўлган. Улар ўлганларида фиръавн ўлди демасдан, “фиръавн куёшнинг нариги уфқига ўтди”, деб айтганлар. Шунинг учун фиръавнлар ўзларини умрбоқийлигини таъминлаш мақсадида ҳаётлик давридаёқ ўзларига улкан қабргоҳлар қурдиришган. Ердан тахминан 14 метр юқорида олимлар эҳромлар ичига қирадиган жойни топишган. Эҳромлар ичидаги кўплаб хоналарда фиръавнларнинг саркофаглари, улар яқинларининг мозорлари мавжуд. Саркофаг ва тобутлар қимматбаҳо жавҳару тошлар билан безатилган. Миср эҳромлари қадимги дунёнинг “етти муъжиза”лари орасида энг муҳими сифатида эътироф этилган.

Қадоқ – Ўтмишда оғирлик бирлиги. Бир қадоқ 409, 512 граммга тенг бўлган.

Қадриятшунослик – *Қар.: Аксиология.*

Қазағон – Чиғатой улусининг хони (1346-1358 йиллар).

Қазбион – Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Қашқадарё вилояти билан чегараси ҳудудларини ўз ичига олган қадимий вилоятнинг номи.

Қаззофий, Муаммар – 1969 йилнинг 1 сентябрида Ливияда бир гуруҳ офицерлар томонидан амалга оширилган давлат тўнтаришининг раҳбари.

Қайроқ – Кесувчи асбобларнинг тиғини ўткирлашда ишлатиладиган силик тош.

“Қайта қуриш”сиёсати – 1985-1990 йилларда собиқ Совет Иттифоқида амалга оширилган сиёсат. “Қайта қуриш” сиёсатининг ташаббускори ўша вақтда давлат раҳбари М.С.Горбачев бўлган. “Қайта қуриш”нинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида мамлакат иқтисодиёти тараққиётини жадаллаштириш ва инсон омилини фаоллаштиришга қаратилган. Лекин кўп ўтмай иқтисодиётни бошқаришнинг эски усуллари (марказлашган режалаштириш, маъмурий-буйруқбозлик, ишчиларнинг ишлаб чиқаришга нисбатан бефарқлиги ва ҳоказо) билан иқтисодиётни жонлантириш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолган. 1987 йилга келиб собиқ СССРда ошқоралик ва демократлаштириш сиёсати эълон қилинган, коммунистик партиянинг турли ахборотларга нисбатан монополияси тугатилган, корхона-

лар мустақилликлари кенгайтирилган, уларни тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш бошланган, миллий республикаларнинг Совет Иттифоқи таркибидан чиқиш кайфиятлари кучайиб борган. “Қайта қуриш” сиёсати даврида собиқ СССРда бирпартиявийлик тугатилиб, жойларда турли йўналишдаги партия ва ҳаракатлар пайдо бўла бошлаган, коммунистик партиянинг роли жамиятда кескин пасайган, коммунистик мафкура таназзулга учраган, диннинг жамиятдаги маъқеи тиклана бошлаган. 1988 йилдан бошлаб Болтиқбўйи, Кавказорти Республикаларида “халқ фронтлари” (“народные фронты”) деб ном олган ҳаракатлар пайдо бўла бошлаган. Улар ўз миллий республикаларини СССР таркибидан чиқариб, мустақил давлат тузиш учун кураш бошлаганлар. 1990 йилда собиқ СССРда “суверенитетлар паради” бошланган: мартда Грузияда, 11 мартда Литвада, 30 мартда Эстонияда, 4 майда Латвияда, 12 июнда Россия Федерациясида, 20 июнда Ўзбекистонда, 23 июнда Молдавияда, 16 июлда Украинада, 27 июлда Белоруссияда мустақиллик ҳақида декларациялар қабул қилинган. Бу шароитда миллий республикаларни собиқ СССР таркибида сақлаб қолиш учун М.С.Горбачев тезроқ Иттифоқининг янги шартномасини тузишга кўрсатма берган. Янги Иттифоқ шартномасида миллий республикаларга кўпроқ мустақиллик бериш назарда тутилган. 1990 йилнинг охирида Литвада вазият кескинлашган. Литва Олий Кенгаши Литвани мустақил давлат ҳисоблаб, СССР Олий Кенгаши қарорларига қарама-қарши қарорлар қабул қила бошлаган. Бундан ғазабланган М.С.Горбачев Литвада СССР Конституциясини тўлалигича амал қилинишини талаб қилган. Рад жавобини олгач, 1991 йилнинг январь ойида Литвага қўшимча ҳарбий кўшинлар юборилган. Вильнюсда армия ва халқ ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Натижада 14 киши ҳалок бўлган. Бу воқеалардан кейин марказнинг обрўи янаям пасайиб кетган. 1991 йил 17 мартда собиқ СССРда референдум бўлиб ўтган. Референдум натижаларига кўра, 76% аҳоли собиқ СССРни сақлаб қолиш бўйича овоз берган. Ўша йилнинг 19 августда Россия Федерацияси президенти этиб Б.Н.Ельцин сайланган. Кўп ўтмай М.С.Горбачев ва Б.Н.Ельциннинг турли масалалар бўйича рақобатлари кучайган. 1991 йил август ойига келиб янги иттифоқ шартномасининг лойиҳаси тайёр бўлган. Унга кўра, бўлғуси иттифоқ конфедерация принципларида яратилган Суверен Давлатлар Иттифоқи бўлиши назарда тутилган. Ушбу шартнома Москвада 1991 йил 20 августда миллий республикалар раҳбарлари томонидан имзоланиши кўзда тутилган. 1991 йил 19 августда собиқ СССРнинг бир гуруҳ олий раҳбарлари янги иттифоқ шартномасини имзоланишига тўсқинлик қилиш мақсадида Фавкулудда ҳолат бўйича Давлат Комитетини тузишган. Ўша вақтдаги Россия Президенти Б.Ельцин ва Россия Федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик кайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан Фавкулудда ҳолат Давлат Кўмитасининг фитнаси бостирилган. Фитначилар қамоққа олинган. М.С.Горбачёв Фаросдан Москвага қайтиб келган ва ўз вазифаларини бажаришга киришган. Ушбу воқеалардан кейин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг обрўси тушиб кетган, собиқ СССР оғир таназзулга учраган ва тарқалиб кетишига муҳим туртки бўлган. 1991 йил 21 августда Латвия ва Эстония, 24 августда Украина, 25 августда Белоруссия, 27

августда Молдавия, 30 августда Озарбайжон, 31 августда Ўзбекистон ва Қирғизистон, 9 сентябрда Тожикистон, 23 сентябрда Арманистон, 27 октябрда Туркманистон ўз мустақилликларини эълон қилишган. 1991 йил 29 августда Россия Федерацияси парламенти мамлакатда коммунистик партия фаолиятини ман этган. 1991 йил 27 декабрда СССР президенти М.С.Горбачев истеъфога чиққани ҳақида эълон қилган.

Қайт-Бей қалъаси – Александрия маёғи қолдиқларидан Мисрнинг Форос оролида қурилган қалъа.

Қаландар – *Қар.: Дарвиш.*

Қаландархона – Қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой.

Қалачи – 1. Ўзбек халқи таркибига кирган туркий уруғлардан бирининг номи. 2. Хива хонлигида рус шаҳарларидан мол келтирувчи савдогар.

Қалин – Ўрта Осиё худудларида келин олиш билан боғлиқ бўлган тўлов одати.

Қаллоб – Ўз манфаатини кўзлаб, бошқаларни алдаш мақсадида турли найранглар ишлатувчи, қинғир ишлар қилувчи.

Қалъа – Стратегик жихатдан қулай жойда мудофаа мақсадида қурилган мустаҳкам истехком. Тарихий манбаларда қалъа кўрғон, истехком, хисор ва шаҳар маъноларида ҳам келган. Қалъаларнинг дастлабки оддий кўринишлари ибтидоий-жамоа тузуми даврида пайдо бўлган. Қалъалар доира, тўғри тўрт-бурчак, квадрат ёки овал тархли бўлиб, атрофи баландлиги ўртача 9-10 метр, қалинлиги 3-4 метр мудофаа девори билан ўралган. Қалъа деворининг атрофида хандақлар қазилган.

Қалъабон – *Қар.: Қутвол.*

Қалқон (Сипар) – Жангчининг танасини турли тигли қуруллар зарбидан ҳимоя қилувчи ташқи томони бўртиқ қилиб ишланган мослама. Тош давридан бошлаб XVII асргача амалиётда қўлланилган. Энг қадимги қалқонлар ёғоч ва теридан, кейинчалик эса бронза ва темирдан ясалган.

Қамар – Ойнинг арабча номи.

Қамария – *Қар.: Ҳижрий-қамарий тақвим (йил ҳисоби).*

Қандил – Кўп шамли чироқ, чилчироқ.

Қанғар – *Қар.: Қанғли.*

Қанғ (Қанхха) давлати – Мил. ав. III-милодий V аср ўрталарида асосан Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган қадимий давлат. Қанғ (Қанхха) Хитой манбаларида Кангкин, Кангжюй, рус манбаларида Кангюй шаклида келтирилган. Мил. ав. II аср бошларида Қанғ давлатининг ерлари бирмунча кенгайган. Бу даврда унинг асосий ерларини Тошкент воҳаси, Талас водийси ва қисман Чу дарёсининг қуйи оқими ташкил этган. Мил. ав. II-I асрларда қанғликлар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерлар ва Хоразмни ҳам ўзларига бўсундирган. Қанғ давлатининг ҳукмдорлари ёзни Ўтрор (ҳозирги Арис ва Туркистон оралиғи)да, қишни эса Қанғда (унинг харобалари ҳозирги Тошкент вилояти, Оккўрғон туманида мавжуд)да ўтказганлар.

Қанғли – Қадимий туркий қабилалар уюшмаси. Ўрхун-Енисей ёзувларида “конхарас” деб аталган. Қанғликларнинг илк авлодлари Сирдарё соҳилларида яшаган саклар бўлиб, улар мил. ав. III асрда йирик Қанғ давлатини барпо

қилганлар. Бу давлат мил. ав. II-I ва милодий I-II асрларда кучайиб, унинг таркибига Тошкент воҳаси, ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий-шарқий, Мовароуннаҳр, Хоразм, Орол денгизининг жанубий, жанубий-шарқий ва шимолий-ғарбий ҳудудлари кирган. Сакларнинг хун, усун ва бошқа халқлар билан аралашishi натижасида мил. ав. II-I-милодий I-II асрлар давомида Сирдарёнинг ўрта оқимларида янги халқ, элат, яъни қанғар (қанғли) халқи вужудга келган. Қанғарларнинг ўзига хос маданияти ҳам вужудга келган. Археологлар бу маданиятни “Кангюй маданияти” деб аташади. X аср охирида қанғарларнинг катта бир қисми шимолий-ғарбга силжиб, Эмба ва Урал (Ёйиқ) дарёлари оралиғига жойлашган. XI асрда уларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, ҳозирги Болгария ва Венгрия ҳудудларига ўтиб маҳаллий аҳолига, айрим гуруҳлари эса Волга бўйларида қолиб, бошқирд, татар халқларига қўшилиб кетишган. XI аср охири-XII аср бошларида қанғлиларнинг катта гуруҳи Сирдарё бўйларига қайтиб келган. Қанғлилар ярим ўтроқ ҳолда яшаб деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Уларнинг сари-қанғли, қора-қанғли, қизил-қанғли, бобо-қанғли, олтмиш-қанғли, бўка-қанғли ва бошқа уруғлари мавжуд бўлган. Қанғлиларнинг кейинги авлодлари ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, бошқирд ва Сибирда яшовчи олтойликлар, тувинлар таркибига кириб, уларга сингиб кетганлар.

Қанхха давлати – *Қар.: Қанг давлати.*

Қараний, Увайс – 657 йилда вафот этган Яманнинг Қаран қасабасидан чиққан сўфий, увайсия тариқатининг асосчиси.

Қарам – Бошқа кишига тобе, эрксиз.

Қари – 1. Кекса, ёши катта киши. 2. Хива хонлигида мавжуд бўлган узунлик ўлчови. Бир қари тахминан 2,5 метрга тенг бўлган.

Қариндош-уруғ – *Қар.: Уруғ-аймоқ.*

Қарич – Ёзилган панжанинг бош бармоқ учидан жимжилоқ учигача бўлган узунлик ўлчови.

Қарлуқлар – Қадимий туркий қабилалардан бири. IV-V асрларда Олтойнинг ғарбида яшашган. VI-VII асрларда қарлуқлар Турк ҳоқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қарлуқларнинг бир қисми Еттисув ҳудудига келиб жойлашган. VIII аср охирида бу ерда Қарлуқлар давлати вужудга келган. X асрда Қорахонийлар давлатида қарлуқларнинг вакиллари ҳукмрон мавқега эга бўлган. X аср охирида қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, қарлуқлар Тошкент воҳаси, Фарғона ва Зарафшон водийсига кўчиб келишган. Кейинчалик қарлуқлар маҳаллий халқлар таркибига киришган. Ўзбеклар таркибидаги қарлуқлар XIX аср охири-XX аср бошларида Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларида, ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Шўрчи туманларида яшаганлар.

Қарматийлар – IX аср иккинчи ярмида вужудга келган сиёсий ҳаракат аъзолари. Қарматийлар араб халифалигига қарши чиққанлар.

Қаровулбеги (қоровулбеги) – 1. Посбонлар бошлиғи. 2. Хива хонлигида чегара қўшинларининг бошлиғи.

Қарол – Қул, хизматкор.

Қароргоҳ – 1. Тош ва бронза даврларида яшаган одамларнинг турар жойи. 2. Давлат бошлиғи ёки ҳукуматнинг, шунингдек катта мансаб эгаларининг доимий турар жойи, саройи. Резиденция. 3. Ҳарбий бошлиқ ёки саркарданинг жанг пайтидаги сафар чодирининг номи.

Қарочурий – Салжуқийлар давридаги қиличларнинг бир нави.

Қароқчилик (Денгиз қароқчилиги) – Очиқ денгизда савдо ва **куқаро** кемаларини хусусий ёки давлат кемалари томонидан ғайриқонуний равишда эгаллаш, талон-торож қилиш ёки чўктириш.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати – Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ Югославия, Франция, Италия, Польша, собиқ Чехословакия, Греция, Албания, Хитой, Вьетнам, Корея, Индонезия, Филиппин, Бирма ва бошқа мамлакатларда авж олган Германия, Италия, Япония ва уларнинг иттифоқчилари ва маҳаллий сотқин агентларига қарши антифашистик миллий-озодлик ҳаракати. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати фаолиятининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат бўлган: фашистларга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш, босқинчилар маъмуриятида хизмат қилувчи ходимлар, Ватан хоинларини ўлдириш, партизанлик урушлари олиб бориш ва ҳоказо.

Қарғу – Қорахонийлар кўшинида ҳарбий юришлар вақтида душман кўшинига қарши пистирма қўйиш, душман ҳужумидан сақланиш учун баланд ва қулай жойларга ҳарбий истехкомлар қуриш вазифасини бажарадиган махсус ҳарбий бўлинма.

Қаттол – 1. Одам ўлдирувчи, қотил. 2. Ашаддий, ёвуз.

Қашшоқлик орденлари (жамоалари) – XIII асрнинг биринчи ярмида папаликнинг кўмаги билан ташкил топган католик монархик жамоаси. Қашшоқлик орденлари тузишдан қашшоқликни тарғиб этишда ва ўз аъзоларининг тақводорликда намуна бўлиши билан халқнинг ишончига сазовор бўлиш, шу йўл билан тез тарқалаётган бидъат (ересь)нинг олдини олиш кўзда тутилган. Қашшоқлик орденлари монархларнинг низомномаларига кўра хусусий мулкка эга бўла олмас, хайр-эҳсонлар ҳисобидан овқатланишлари лозим бўлган.

Қаъда – Ўтмишда, асосан, Ўрта Осиё мусулмонлари томонидан вафот этган кишини “еттиси” ёки “йигирмаси”дан кейин марҳумнинг яқин қариндошлари уйда ўтказиладиган диний маросим.

Қаҳрамонлик – Мардлик, ботирлик, довюраклик.

Қаҳҳор, Абдулла – 1907-1968 йилларда яшаб ўтган Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Қибла – Макка шаҳридаги Масжид ул-ҳаром ичидаги Каъба. Ҳижрий йилининг иккинчи йилида, яъни 624 йилда, Маккадаги Каъба барча мусулмонлар учун қибла қилиб белгиланган. Ҳар бир мусулмон қаерда бўлмасин, қибла томонга қараб намоз ўқийди. Масжидларда меҳроб қибла томонга қараб қурилади. Марҳум кўмилганда ҳам, юзи қиблага қаратиб қўйилади.

Қиёмат – Дунёнинг тугаши ҳақидаги диний таълимот. Ислом таълимотига кўра, дунё тамом бўлгандан кейин барча ўлган кишилар тирилиб, сўроққа тўпланиш, гуноҳларнинг ўлчаниши куни, маҳшар.

Қиёс – Ислом таъдимотиға кўра, ислом асосларидан бири. Қиёсда дастлабки икки манба – Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масалаға таққослаш йўли билан шарҳ этилади ва ҳукм чиқарилади. Мас., арокнинг шайтон иши эканлиги, ундан уруш-жанжал, адоват чиқиши сабабидан Қуръони Каримда ман этилган. Ароқдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида Қуръонда ҳеч нарса айтилмаган. Уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам ароқ каби салбий оқибатлар бўлишини инобатга олиб, ароққа қиёс қилганлар ва уларни ҳам ҳаром деб ҳукм чиқарганлар.

Қиёт – Қадимги туркий қабилалардан бири. Ўғузлар таркибида бўлган. Қиётлар VIII-X асрларда Дашти Қипчоқда яшашган. Ўғузлар давлати емирилгач, XI асрда қиёт қабилалари ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг катта қисми Туркменистон ҳудудига силжиб, маҳаллий аҳолиға, бошқа бир қисми эса Болқон ярим оролидаги халқлар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқ чўлларида қолган қиётлар кейинчалик ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоқлар таркибидаги қиётлар учға бўлинган: учтамғали, тароқли ва болғали. Қиётлар XX аср бошларида ўтроқлашиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган.

Қизил армия – Совет ҳокимияти ҳарбий кучларининг 1918-1946 йиллардаги расмий номи. Дастлаб Россия ишчи-деҳқон қизил армияси деб номланган. Қизил армия 1918 йил февраль ойида ташкил топган.

Қизилбошлилар (Қизилбошлар) – Кичик Осиё, Сурия, Эрон ва Озорбайжондаги кўчманчи турк қабилаларининг бирлашмаси. Улар 12 шиа мазҳаби имомлари шарафига ўн икки йўлак қизил матодан салла ўраб юришган. Қизилбошлилар сафавий тариқатининг асосий ҳарбий таянчи бўлиб, сафавия шайхлари бошчилигида кўшни мусулмон мамлакатларига ҳужум қилиб туришган.

“Қизил ва Оқ гуллар уруши” – 1455-1485 йилларда Англияда қироллик тахти учун бўлиб ўтган урушлар. XIV аср ўрталарида Англиянинг қироли касалманд Генрих VI бўлган. Унга қарши Йорклар хонадони вакиллари урушишган. Генрих VI гербида қизил гул расми, йоркларда эса оқ гул расми тасвирланган. Шунинг учун ҳам бу урушларни “Қизил ва Оқ гуллар жанги” деб аташган. Мамлакат икки қарама-қарши сиёсий кучларға бўлинган. Бу урушлар натижасида Англиянинг тўртдан бир қисм аҳолиси қирилиб кетган, кўплаб феодал сулолалари нобуд бўлишган. Бу урушлар ниҳоясида Генрих VI нинг узоқ қариндоши бўлган Генрих VII Тюдор ғолиб чиқиб Англия қироли бўлган. У Англияда янги – тюдорлар сулоласи қироллигиға асос солган.

“Қизиллар” – Россияда 1917 йилда Октябрь давлат тўнтаришидан кейин пайдо бўлган совет ҳукуматини сақлаб қолиш учун “оқлар”-аксиланкилобчиларға қарши курашганларнинг умумий номи.

“Қизил қошлилар кўзғолонлари” – Қадимги Хитойда мавжуд бўлган Биринчи Хань империясига қарши бўлиб ўтган кўзғолончиларнинг рамзий номи. Кўзғолончилар ажратувчи белги сифатида ўз қошларини қизил рангға бўяшган. *Яна қар. Биринчи Хань империяси.*

Қизил Ҳоч (мусулмон мамлакатларида – Қизил Ярим ой) – Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мавжуд бўлган ва уруш вақтида касал ва ярадорларга, уларнинг қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатувчи кўнгилли жамият. Тинчлик вақтида Қизил Ҳоч жамиятлари аъзолари дунёнинг турли нуқталарида табиий офатга дучор бўлганларга ёрдам кўрсатишади.

Қимматбаҳо қоғоз – Ўз эгасига эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари – акция, облигация, аккредитив, вексель, чек ва ҳоказолар.

Қипчоқлар – Туркий халқларнинг йирик қабилаларидан бири. Қипчоқлар рус солномаларида “половецлар”, Европа ва Византия солномаларида эса “кумонлар” деб аталган. Қипчоқлар ҳақида Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида батафсил маълумот берилган. Қипчоқлар мил. ав. III-II асрларда ва милодий I-II асрларда Олтой тоғларининг шимолий-ғарбий ҳудудларида, Иртиш дарёси бўйларида яшашган. VI асрнинг иккинчи ярмида қипчоқларнинг катта қисми Турк ҳоконлиги тасарруфида бўлишган. Қипчоқларнинг бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашган. Яна бир қисми эса Иртиш дарёсининг атрофидаги даштларга ўтиб, кимақларга тобе бўлишган. X асрнинг охири-XI аср бошида кимақлар давлати емирилган, қипчоқлар Иртиш дарёсининг ғарбидаги чўлларда, Урал ва унга яқин ерларда яшовчи туркий қабилаларнинг бирлашуви натижасида кучайиб, “Мафазат ал-Ғуз” (“Ўғузлар ери”)ни ишғол этишган. XI асрнинг 60-йилларида қипчоқларнинг бир қисми Қора денгиз ва Азов денгизи яқинидаги чўлларда ҳамда Шимолий Кавказ, Шимолий Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларидаги даштларда жойлашганлар. Натижада Тяньшаннинг ғарбий тармоқларидан Дунай соҳилларигача бўлган улкан ҳудудлар қипчоқлар кўлига ўтган ва бу ерлар “Дашти Қипчоқ” деб атала бошлаган. Кейинчалиқ қипчоқларнинг катта бир қисми Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида жойлашган. Қипчоқларнинг кейинги авлодлари Самарқанд вилоятида, Фарғона водийсида, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида яшаб, ўз этник номларини сақлаб қолишган. *Яна қар.: Дашти Қипчоқ.*

Қироат – Қуръонни баланд овоз билан таъсирли ва ифодали ўқиш.

Қирол – Ғарбий Европа мамлакатларида олий ҳокимиятни мерос тариқасида ўз қўлида тутувчи шахс, шоҳ.

Қиролича – 1. Аёл қирол. 2. Қиролнинг хотини, малика.

Қирқ – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшашган. Кўчманчи ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири – юзлар билан аралашган ҳолда яшашган. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда улар “қирқ-юз” номи билан аталган. Қирқ, юз ва минг қабилалари “марқа” деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган, шулардан энг йириклари оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмасаун, чапарашли ва бошқалар.

Қирғиз-Қайсоқ – XVIII-XIX асрларда рус тадқиқотчилари ва давлат маъмурлари томонидан ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларига берилган ном. Маҳаллий аҳоли эса ушбу ҳудудлар ва унга туташ бўлган ерларни “Дашти Қипчоқ” деб аташган.

Қисмат – *Қар.: Тақдир.*

Қитъа – Ер юзини ташкил этган қуруқликнинг океанлар билан қуршалган катта бўлақларидан бири, мас., Евросиё (Европа ва Осиё), Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка.

“Қитъа қамали” – Наполеон I томонидан 1806 йили эълон қилинган Буюк Британияни иқтисодий қамал қилиш режаси. Францияга қарам ёки иттифоқдош бўлган давлатларга Буюк Британия билан савдо-иқтисодий ва бошқа алоқалар олиб бориш тақиқланган. Расман 1816 йилнинг апрель ойида, Наполеон I тахтдан ағдарилгандан кейин бекор қилинган.

Қодирий, Абдулла (Жулқунбой) – 1894-1938 йилларда яшаб ўтган ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси, жамият арбоби. “Жулқунбой” тахаллуси билан ижод этган. Тошкент шаҳрида туғилган. Абдулла Қодирий 1904-1906 йилларда мусулмон мактабида, 1908-1912 йилларда рус-тузем мактабида, 1916-1917 йилларда Абулқосим шайх мадрасасида таҳсил олган. У 1925-1926 йилларда Москвадаги адабиёт курсида ўқиган. Абдулла Қодирий адабий меросида унинг 1919-1920 йилларда ёзилган “Ўтган кунлар” романи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу роман ўзбек адабиётида илк роман ҳисобланади. 1928 йилда Абдулла Қодирий ўзининг иккинчи йирик асари – “Меҳробдан чаён” романини ёзиб тугатган. Ушбу романлардан ташқари у кўплаб ҳикоялар, мақолалар ҳамда “Бахтсиз куёв” драмасини ёзган. 1937 йилнинг 31 декабрида Абдулла Қодирий ҳибсга олинган ва тўққиз ойлик қамоқдаги сўров-тергов, қийноқ, хўрликлардан сўнг 1938 йилда қатл этилган. Абдулла Қодирий ҳибсга олингандан кейин унинг асарларини ўқиш тақиқланган, уларни кутубхоналардан олиб ёқиб юборилган. Мустақиллик йилларида Абдулла Қодирийга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. 1991 йилда Абдулла Қодирий Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1994 йилда эса у “Мустақиллик” ордени билан тақдирланди. 1991 йилда бадиий ижод соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Тошкентдаги маданият институтига, Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғига Абдулла Қодирий номи берилди.

Қодирий, Абулбаракот – XVI аср иккинчи ярми-XVII аср бошларида яшаб ўтган тарихчи-олим.

Қози – Шариатда судья, ҳуқуқий ишларни ҳал этувчи вазифасини бажарувчи мансабдор. Қози, шунингдек, васийликка, васиятларнинг бажарилишига, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширган. Вақф ҳам қозилар назоратида бўлган. Қозилар ҳукми қатъий бўлиб, улар устидан фақат хон ёки амирга шикоят қилишган. Қозикалон энг юқори даражадаги қози ҳисобланган.

Қози ал-қуззоб – 1. Қозикалон ўринбосари. 2. Сомонийлар даврида Девони қозиянинг бошлиғи.

Қозикалон – 1. Қар.: Қози. 2. Бухоро амирлигида диндорлар ва мулларнинг бошлиғи, яъни раиси. Қозикалон ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган.

Қозихона – Қози томонидан судлов ишларини амалга оширадиган маҳкама.

Қозоқ – 1. Миллатнинг номи. 2. XIV-XVI асрларда тахт учун курашда енгилиб ўз халқи ва қавмидан ажралган, аммо ўз ҳуқуқидан воз кечмаган, ўз тарафдорларига эга бўлган ва мухолифларини мағлуб этиш учун қулай фурсат пойлаб юрган ҳукмрон сулола вакили. Масалан, Султон Бойқаро ва айрим бошқа темурийлар ушбу ҳолатларга тушиб қолганлари учун уларни “қозоқ” деб аташган.

“Қонли якшанба” – Россия пойтахти Петербургда 1905 йил 9 январда бўлиб ўтган воқеалар. 1905 йил 8 январда Петербургнинг Путилов номли заводида ишчиларнинг иш ташлаши бўлиб ўтган. 9 январда эса уларга Петербург шахрининг бошқа ишчилари қўшилган. Иш ташлаш раҳбарларидан бири руҳоний Гапон Россия императори Николай II билан учрашиб, унга ишчилар илтимосномасини топширмақчи бўлган. Ушбу илтимосномада Таъсис мажлисини ўтказиш, ишчиларга демократик озодликлар бериш ва императорнинг ўз халқига қарши тазйиқларига барҳам бериш каби талаблар баён этилган. 250 минг кишидан иборат бўлган оломон Россия императори Николай II қароргоҳи томон йўл олишган. Лекин уларнинг йўлини ҳукумат қўшинлари тўсишган. Қўшинлар оломонга қараб ўқ отишган. Кўплаб ишчилар ҳалок бўлган. Петербург шифохоналарига 5 мингдан ортиқ яраланганлар тушган. Шунинг учун 9 январь куни Россия тарихида “Қонли якшанба” номи билан кирган. “Қонли якшанба” воқеалари ва, айниқса, Россиянинг Япония билан урушда мағлубиятидан кейин мамлакатнинг барча ҳудудларини иш ташлашлар, намойишлар, инқилобий чиқишлар қамраб олган. Инқилобий вазият, айниқса, 1905 йилнинг октябрь ойида кескинлашган.

Қонун – Давлатларнинг парламенти томонидан қабул қилинган расмий ҳужжат.

Қонунийлик – Жамиятдаги барча фуқаролар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига тўла риоя қилиниши.

Қонқа – Ҳозирги Тошкент шаҳридан 70 км. Жанубий-шарқий томонда жойлашган қадимий шаҳарнинг номи.

“Қора кийимликлар ҳаракати” – Қар.: *Абу Муслим қўзғолони.*

“Қора кўйлаклилар” – Қар.: *СС.*

Қораунос – XV асрнинг иккинчи ярмида Абулхайрхон ташкил этган кўчманчи ўзбеклар давлатида кўчманчи ўзбеклар мўғулларни “қораунос”, яъни метислар деб аташган. Бир вақтлар мўғуллар ҳам Мовароуннахрнинг XIII–XIV асрлардаги аҳолисини шундай ном билан атаганлар. Кўчманчи ўзбекларнинг мўғулларни бундай ном билан аташининг сабаби шуки, XV асрда Мўғулистонда мўғул қабилаларидан ташқари қалмоқлар ва қирғизлар, XV аср 40-50-йилларидан бошлаб эса кўчманчи ўзбеклар ҳам яшаган. Мана шунинг учун кўчманчи ўзбеклар мўғулларни қораунос деб аташган.

Қорахонийлар – Қорахонийлар давлатида ҳукмдорлик қилган сулола. Асосчиси – Абдулкарим Сотик Буғрохон (Қорахон).

Қорахонийлар давлати – 999-1211 йилларда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Қорахонийлар давлатининг вужудга келишида Еттисув ва Қашқар ҳудудларида яшовчи қорлуқ, чиғил ва яғмо туркий қабилаларнинг бирлашув жараёни муҳим роль ўйнаган. Бу давлатнинг ташкил топишини Сатук Буғрохон номи билан боғлайдилар. Баъзи маълумотларга қараганда, Сатук Буғрохон Қорахонийлар давлатига 930 йилдан вафоти (955 йили, бошқа маълумотларда кўра 959 йили)гача ҳукмронлик қилган. Унинг номига унвон сифатида “қора” сўзи қўшилиб “Сатук Буғра Қора” ҳокон деб аталган. “Қора” сўзи қадимги туркий тилларда “буюклик”, “улуғлик” маъноларини англатган. Дастлаб 992 йилда қорахонийлар ҳукмдори Ҳасан Хорун Буғрохон Мовароуннахр ҳудудларига қўшин тортган. У сомонийлар пойтахти Бухорони эгаллаган. Лекин касалланганлиги туфайли Бухорони тарк этган ва юртига қайтиш чоғида йўлда ҳалок бўлган. Қорахонийлар ҳукмдори Наср Буғрохон 996 йилда Мовароуннахрга хужум қилиб, 999 йилда сомонийлар давлатига барҳам берган. 1001 йилда ғазнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмуд қорахонийлар хони Наср билан шартнома тузиб, Амударёни икки давлат ўртасидаги чегара қилиб белгилаб олишган. Кейинчалик қорахонийлар давлатининг ҳудудлари Қашғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона водийсини ўз ичига олган. XI асрнинг 40-йилларига келиб қорахонийлар ўртасидаги сулолавий курашлар оқибатида хонлик иккига бўлиниб кетган. Ғарбий хонлик маркази Бухоро бўлиб, унга Мовароуннахр ва Фарғонанинг ғарбий ҳудудлари кирган. Шарқий хонлик маркази эса Боласоғун бўлиб, унинг таркибига Талас, Исфижоб, Шош, Фарғонанинг шарқий қисми, Еттисув ва Қашқар ерлари кирган. 1130 йилда қорахонийлар давлати салжуқий ҳукмдор Султон Санжарга бутунлай қарам бўлиб қолган. 1211 йилда Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад қорахонийлар қўшинлари устидан ғалаба қозониб, қорахонийлар сулоласи ҳукмронлигига барҳам берган. Қорахонийлар давлатида ҳунармандчилик (кулолчилик, тўқувчилик, шишасозлик, темирчилик, заргарлик), шунингдек зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар ривожланган, қимматбаҳо тошлар, олтин, мис, темир қазиб олинган. Шаҳарларда иншоотлар пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Савдо-сотик ривожланган. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент, Марв, Исфижоб ва бошқа шаҳарларнинг халқаро қарвон савдосидаги роли ва мавқеи ошган.

Қорача – 1. Ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси. 2. Айрим туркий халқларда уруғ номи (мас., қирғиз ва қозоқларда, ўзбекларнинг катағон, лақай, қирқ, сарой қабилалари таркибида қорача уруғи бўлган). XIII аср бошларида Чингизхон давлатидаги оддий кўчманчи аҳоли “қорача” деб аталган. Сўнгги Ўрта асрларга келиб Зарафшон воҳаси ва бошқа айрим жойларда қорача атамаси ўтроқ дехқончилик билан шуғулланиб келган, оқсуяк ҳисобланмаган (сайид, хўжа, эшонлар авлоди бўлмаган) аҳолига нисбатан қўлланган.

Қора черик – Бухоро амирлигида мунтазам қўшин билан бирга уруш ёки тинчлик чоғида хизматда бўлган номунтазам лашкар. Эҳтиёж бўлмаган кезларда қора черик уйларига тарқалиб кетган. Қора черикни тўплаш учун ҳукмдор (амир) фармони чиққан ва у бозорларда жарчилар томонидан эълон қилинган. Ҳар бир қишлоқ, шаҳар, вилоятдан йиғиладиган қора черик микдори илгаридан аниқ бўлганлиги боис, амир буйруғига биноан номунтазам лашкар етказиб беришда муаммолар туғилмаган. Мунтазам қўшин отлар билан таъминланган бир пайтда, қора черик шахсий улови билан ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши мажбурий ҳисобланган.

“Қора ўлат” эпидемияси – 1347 йилда Европа мамлакатларида тарқалган эпидемия. Қора ўлат (чума) касаллиги дастлаб Италиянинг Сицилиясида, кейинчалик тез суръатлар билан бутун Европада тарқалиб кетган. Маълумотларга қараганда, бу касалликнинг вируслари шарқ мамлакатларидан келган Европа кемалари трюмларида мавжуд бўлган. Уч йил мобайнида Европа аҳолисининг учдан бир қисми қора ўлат касаллигига чалиниб вафот этган. Бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усуллари ўша вақтда ҳеч ким билмаган. Мутаассиб христиан диндорлари эса бу касалликни яҳудийлар қудуқларни заҳарлаш орқали вужудга келтирганлар, деб миш-мишлар тарқатишган. Шу баҳона билан минглаб яҳудийлар христианлар томонидан ўлдирилган, баъзи яҳудий оилаларининг барча аъзоларини ўтда тириклайин ёндиришган.

Қорақурум (мўғулча Хара-Хорин) – 1206 йилда Чингизхон томонидан ташкил этилган Буюк мўғул давлати (Эке Мўнғул улус)нинг пойтахти. Қорақурум шаҳри қолдиқлари Хангай тоғи шарқий этакларида, Урхун дарёси юқори оқими этакларида сақланиб қолган.

Қори – Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва уни қироат билан айта оладиган киши.

Қори Ниёзий – 1897-1970 йилларда яшаб ўтган математик олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти (1943-1947 йиллар).

Қорихона – Мусулмонларнинг диний ўқув юрти. Қорихоналарда қори (Қуръонни тўлалигича ёддан билладиган)лар тайёрланган. Дастлаб араб мамлакатларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Қорихоналар, одатда, мадрасалар қошида ёки катта мазорлар ёнида қурилган. Қорихонага эски мактабни тугатган, 10 ёшдан катта бўлган ўғил болалар қабул қилинган. Қорихоналарда, асосан, Қуръон суралари ёдлатилган. Қуръондаги барча сураларни ёд айта оладиган бола қорихонани тугатган ҳисобланиб, унга “қори” фахрий унвони берилган.

Қоровул – 1. Олий ҳукмдорлар қароргоҳларини кўриқловчилар. 2. Темур ва темурийлар даврида ҳамда кўчманчи ўзбек хонлари даврида қўшиннинг олдида кўриқчилик мақсадида борган ҳарбий бўлинма. Қоровул биринчи бўлиб жангга кирган.

Қоровулбеги – Ўрта Осиё хонликларида қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи.

Қосимовчилик – Ўзбек халқининг асл фарзандларини қатағон қилиш учун совет ҳокимияти томонидан тўқиб чиқарилган сиёсий ишнинг номи. Қосимов Саъдулла Рашидович 1901 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1925-1926 йилларда Тошкент вилоят суди, 1926-1929 йилларда эса Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий судининг раиси лавозимларида ишлаган. Ўз фаолияти давомида С.Р.Қосимов СССР марказий ҳокимиятининг шовинистик сиёсатига қарши ўз танқидий фикрларини баён этган. 1929 йилда С.Р.Қосимов ва унинг еттита тарафдорлари қамоққа олинган. 1930 йил июнь ойида Самарқанд шаҳрида С.Р.Қосимов ва унинг тарафдорлари устидан СССР Олий суди жиноят-судлов коллегиясининг сайёр сессияси томонидан суд жараёни ўтказилиб (суд раиси М.И.Васильев-Южин, қораловчи П.Катанян), уларга “қосимовчилик” тамғаси босилган. Улар “босмачилар” билан алоқада бўлганликлари ва уларни қўллаб-қувватлашгани, ислом динини ҳимоя қилганликлари учун айбланганлар. Суд қарорига кўра С.Р.Қосимов ва унинг уч нафар тарафдори отиб ташланган, қолганлари 10 йилдан қамоқ жазосига маҳкум этилган.

Қоф (Кўҳи қоф) – Афсонавий тоғ. Ривоятларда келтиришича, Кўҳи Қоф ер чеккасини ўраб туради.

Қочоқлар ва кўчирилган шахслар – Бирон-бир ижтимоий ҳолат (мас., уруш, миллий озодлик ҳаракати) оқибатида ўзининг доимий яшаш жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган шахслар. “Қочоқлар” атамаси халқаро ҳуқуқда илк бор биринчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлиб, уруш даврида душман босиб олиши хавфи бўлган ёки эгаллаб олган ҳудудларни ташлаб чиққан ёхуд мазкур ҳудудлардан ҳарбий, фуқаровий ҳукумат фармойиши асосида жўнатиб юборилган шахсларни англатиш учун ишлатилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун миллионлаб кишиларнинг бошқа мамлакатларга мажбурлаб олиб кетилиши натижасида “ўчирилган шахслар” деб аталган одамлар тоифаси вужудга келган. Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси (1948-1949, 1956, 1967 йиллардаги урушлари) туфайли пайдо бўлган фаластинлик қочоқлар масаласи ғоят кескин тус олиб, Яқин Шарқдаги вазиятни кескин чигиллаштирган. Қочоқлар ва кўчирилган шахслар муаммолари манфаатдор давлатлар ўртасида махсус битимлар тузиш ёки халқаро ҳамкорлик натижасида ҳал этилади. Қочоқлар масалалари билан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой ҳаракати, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар шуғулланади.

Қошғарий, Маҳмуд – XI асрда яшаб ўтган туркшунослик илмининг асосчиси, филолог, этнограф. Машҳур “Девони луғотит турк” асарининг муаллифи.

Қоғозбоз – Ўз вазифасини расмиятчилик билан бажариб, ишни барбод қилувчи давлат идоралари ходими, бюрократ, расмиятчи.

Қоғозбозлик – Давлат ходимларининг ишга, ўз вазифаларига юзаки қараши, ҳаётдан, кишилар манфаатларидан ажралган ҳолда қуруқ расмиятчилик билан ишлаши, бюрократизм.

Қрим конференцияси – 1945 йилнинг 4-11 февralида Қрим оролининг Ялта шаҳрида (шунинг учун Қрим конференциясини “Ялта конференцияси” деб ҳам аташади) собиқ СССР (И.В.Сталин), Америка Қўшма Штатлари (Ф.Рузвельт) ва Буюк Британия (У.Черчилль) давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари, штаб бошлиқлари ва уларнинг маслаҳатчилари иштирокида бўлиб ўтган конференция. Қрим конференцияси қуйидаги масалаларни кўриб чиққан: иттифоқчиларнинг ҳарбий режалари, урушдан кейин мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик тизимини барпо этиш бўйича иттифоқчилар сиёсатининг асосий принциплари, собиқ СССР, АҚШ, Буюк Британия (рози бўлса, Франция)нинг мағлуб бўладиган Германия худудларининг оккупацион зоналарини белгилаш ва иттифоқдош давлатлар томонидан умумгерман назорат органини тузиш, нацистлар партиясини тарқатиб юбориш, урушни бошлаган жиноятчиларни одил жазога тортиш, Германиядан жанг товони ундириб олиш, Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ)ни тузиш ва ҳоказо. Қрим конференциясида ҳам собиқ СССР Германия мағлуб бўлгандан кейин Японияга қарши урушишини маълум қилган.

Қрим уруши – 1853-1856 йилларда бўлиб ўтган Россия-Туркия уруши. Унда Туркияга Буюк Британия, Франция каби давлатлар ёрдам беришган. Қрим урушида Россия мағлубиятга учраган. Ушбу урушдан кейин Туркияда Европа маданияти, иқтисодиётига қизиқиш кучайган. “Қрим уруши”идаги мағлубиятдан кейин Россиянинг халқаро нуфузи кескин пасайган. Бу уруш Россия иқтисодиёти ва ҳарбий салоҳиятининг ривожланган Европа мамлакатларига нисбатан нақадар ночор эканлигини кўрсатган. Россиянинг ҳукмрон доиралари ҳарбий соҳада Европадаги ривожланган мамлакатлар билан яқин йилларда рақобат қила олмасликларига ишонч ҳосил қилганлар ва ташқи сиёсатда шарқ минтақасига алоҳида эътибор берганлар. “Қрим Уруши”дан кейин 1857-1858 йилларда Чор Россиясининг Н.П.Игнатъев бошчилигидаги сафорати Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига, Ч.Ч.Валиханов бошчилигидаги сафорати Шарқий Туркистон (Қошғария)га, Н.В.Хаников бошчилигидаги сафорати эса Хуросон (Афғонистон)га юборилган. Ушбу сафоратларнинг асосий вазифаси шарқ мамлакатларида Россиянинг сиёсий ва иқтисодий таъсирини кучайтириш йўллари таҳлил қилишдан иборат бўлган.

Қубба – 1. Ярим шар шаклидаги гумбаз. 2. Турли нарса ва буюмларнинг шарсимон ёки ярим шарсимон безаги. 3. Тўртта ёнғоқни пирамида шаклида тикиб, узокдан соққа билан уриб йиқитиш ўйини.

Қуббат ул-ислом – 1. Ислом гумбази. 2. Балх шаҳрига берилган таъриф.

Қувбош – Айёр.

Қувват ул-ислом – 1. Ислом қуввати. 2. Бухоро шаҳрига берилган таъриф.

Қубо – Ҳозирги Қува шаҳрининг қадимги номи.

Қуддус – Қадимги Фаластинда мавжуд бўлган шаҳар. Ҳозирги Иерусалим.

Қуддус кироллиги – Салибчилар томонидан Сурия ва Фаластин ерларида тузилган давлат тузилмаси. 1099–1189 йилларда мавжуд бўлган.

Қудрат кечаси – *Қар.: Лайлат ул-қадр кечаси.*

Қуйи палата – Парламентларда вакиллар палатаси.

Қулдорлик жамияти – Инсоният тарихида ибтидоий жамият ўрнига келган тузум. Қулдорлик жамиятида қулдорлар ва қуллар билан бир пайтда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган. Энг қадимги қулдорлик давлатлари (Миср, Шумер) мил. ав. тўртинчи мингйиллик охири-мил. ав. учинчи мингйиллик бошида вужудга келган. Қулдорлик жамияти Юнонистон (мил. ав. V–IV асрларда) ва Қадимги Римда (мил. ав. II аср-милодий II аср) юксак даражада ривожланган.

Куллик – Эксплуатациянинг тарихан дастлабки ва энг кўпол шакли, унда қул ишлаб чиқариш қуроллари қаторида ўз хўжайини – қулдорнинг мулки ҳисобланган. Кулликнинг манбаи уруш ёки қароқчилик пайтида асир олинган бегона қабила аъзолари, жиноят қилган ёки қарзларини тўлай олмаган қабиладошлар, шунингдек қулларнинг табиий кўпайиши, қуллар савдоси ва бошқалар бўлган.

Қулоқлаштириш (“Қулоқлар”) – Мустабид совет тузумининг бадавлат ва ўртаҳол деҳқонларнинг қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929-1933 йиллар). Шўролар даврида ер-сув ислоҳоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни “муштумзўр” (“қулоқ”) сифатида бадарға қилиш бошланган.

“Қулоқлар кўзғолонлари” – XX асрнинг 30-йилларида собиқ Совет Иттифоқида жамоалаштириш сиёсатига қарши бўлиб ўтган деҳқонлар кўзғолонларини большевиклар ҳукумати томонидан аталиши.

Қумбул (Қунбул, Қанбул) – Ўтмишда қўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи суворий ҳарбий қисм.

Қумғон – Чой қайнатиш учун кўзача шаклида ясалган идиш.

Қупчур – Кўчманчи халқлардан ҳайвон миқдорига қараб ундириладиган солиқ.

Қурама – Ўзбек халқи таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Қурамаларнинг айрим гуруҳлари қозоқ, қирғиз ва туркман халқларининг таркибига ҳам кирган. Қурамаликларнинг аجدодлари XV аср охири - XVI асрнинг биринчи ярмига қадар Дашти Қипчоқда яшаб келганлар. Уларнинг катта қисми Ўрта Осиёга кўчиб ўтган. Дашти Қипчоқда қолган қурама гуруҳлари қозоқ халқи таркибига кириб, уларга аралашиб кетган. Қурамаларнинг кичик бир қисми Чу дарёсининг юқори оқимларига кўчиб бориб, қирғиз халқи билан, бошқа бир қисми эса Амударё қирғоқларига бориб, туркманлар таркибига кириб, аралашиб кетган. Ўзбек халқи таркибига кирган қурамаларнинг асосий қисми Тошкент вилоятидаги Окқўрғон, Бўка, Охангарон ва бошқа туманларда яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган.

Қурбонжон додхоҳ бошчилигидаги кўзғолон – 1875-1876 йилларда Олой воҳаси ва Фарғона водийсида Қурбонжон додхоҳ бошчилигида Россия мустамлакачиларига қарши бўлиб ўтган кўзғолон. Қурбонжон додхоҳ (1811-1907 йиллар) Қўқон хони ҳарбий саркардасининг хотини бўлган. У Нодирабегим, Увайсий каби шоиралар билан мулоқотда бўлган. Қурбонжон додхоҳ беш ўғил ва икки қизнинг онаси бўлган. Эри суиқасд оқибатида ўлдирилгандан кейин Қурбонжон додхоҳ болаларини олиб ўз овулига жўнаб кетган. Жасур ва довьораклиги учун унга юқори сарой унвони ҳисобланган

“додхоҳ” унвони берилган. 1865 йили Қурбонжон додхоҳ Қўқон хони Худоёрхон томонидан Олой воҳасининг ҳокими этиб тайинланган. Шундан сўнг у “Олой маликаси” деб эъзозланган. Қурбонжон додхоҳ ўз ўғиллари билан Қўқон хони ва чор Россияси мустамлакачилари зулмига қарши курашган “Пўлатхон” кўзғолонида кўзғолончилар томонида бўлган. “Пўлатхон” кўзғолони бостирилгандан кейин Қурбонжон додхоҳ Олой воҳаси худудида ўз ўғиллари билан чор Россияси мустамлакачиларига қарши курашни давом эттирган. 1876 йилнинг март ойида Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман Олой воҳасига генерал М.Д.Скобелев қўмондонлиги остида қўшинлар юборган. Мустамлакачилар кўзғолончиларга уч кун ичида таслим бўлиш ва ҳар бир ўтов солиқ тўлашини буюрган. Бу талаблар бажарилмагандан кейин рус қўшинлари ҳужумга ўтган. Мустамлакачилар ва кўзғолончилар ўртасида бўлиб ўтган жангларда Қурбонжон додхоҳнинг ўғли Абдуллабек алоҳида жонбозлик кўрсатган. Кучлар тенг бўлмагани сабабли кўзғолончилар Помир томон чекинишга мажбур бўлишган. 1876 йилнинг сентябрь ойида рус қўшинлари ва Қурбонжон додхоҳ бошчилигидаги кўзғолончилар ўртасида Сўхнинг Айланма деган жойида ҳал қилувчи тўқнашув бўлиб ўтган. Кўзғолончилар мардонавор курашишган бўлсалар-да, чекинишга мажбур бўлишган. Улар дастлаб Шуғнон ва Қашқарга, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетишган. Фарғона вилояти губернатори М.Д.Скобелев Ўш уезди ҳокими П.П.Ивановни Қурбонжон додхоҳ билан музокаралар олиб бориш учун юборган, лекин Қурбонжон додхоҳ уни рад этиб, ўз мавқеимга тенг саркарда билан музокара олиб бораман, деган. Шундан сўнг генерал М.Д.Скобелевнинг ўзи Қурбонжон додхоҳ олдида боришга мажбур бўлган. Натижада 1876 йил охирида генерал М.Д.Скобелев ва Қурбонжон додхоҳ ўрталарида сулҳ тузилган ва Фарғона водийсида нисбатан тинчлик ўрнатилган. Сулҳ шартлари асосида Қурбонжон додхоҳнинг ўғиллари Афғонистон (Кобул)дан чақириб олинган ва янги тузилган бўлисларга бошчилик қилишган. Умрини ўз халқининг тинч яшашига бағишлаган Қурбонжон додхоҳ 1907 йили 97 ёшида вафот этган.

Қурбонлик – Ислом ва бошқа баъзи динларда кенг тарқалган эътиқод шакли. Турли илоҳлар ва бошқа ғайритабиий кучга эга деб билинган мавжудотлар билан алоқа ўрнатиш ёхуд улардан мадад олиш ниятида қандайдир буюм ёки жониворни унга бағишлаш, қатл этиш. Қадимдан турли-туман қурбонлик кўринишлари мавжуд бўлган. Турли совға-саломлардан тортиб ҳаттоки одамларни ҳам қурбонлик келтиришгача боришган. Замонавий динларда ҳам сақланиб қолган.

Қуров – Яйловдаги йилқилар учун қурилган ёзлик отхона.

Қуролли кучлар – Ҳарбий ҳаракатлар (ҳужум ёки мудофаа) олиб бориш ҳамда давлат хавфсизлигини сақлаш мақсадида тузилган ва давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган бирлашмаси, армия.

Қуртава – Қурт ёки сузмани қайнаган сувда эзиб тайёрланадиган айрондан иборат қуюқ овқат.

Қуртуба (Қордова) халифалиги – Ҳозирги Испания худудида 756 йилда умавий халифа Абдурахмон томонидан асос солинган халифалик. 1031 йилда майда амирликларга бўлиниб кетган.

Қурултой – Туркий ва мўғул халқларида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номи.

Қутб – Сўфийлик тариқатида ҳақиқат мақомидаги орифнинг даражаси.

Қутб минораси – Дехли шаҳрида Дехли султонлиги ҳукмдори Қутбиддин Ойбок шарафига қурилган минора.

Қутвол – Ўрта Осиё хонликларида хонликнинг чегара ҳудудларида жойлашган қалъа ва истехкомларнинг ҳоқими. Қутвол, одатда, чегара ҳудудларидаги ҳарбий-маъмурий, хирож ва бож ишларига, чегарани муҳофаза қилиш ишларига жавоб берган. Қутволни “қалъабон” деб ҳам аташган.

Қуръон (Қуръони Карим) – Мусулмонларнинг муқаддас китоби. Муҳаммад Пайғамбарнинг Макка ва Мадинада олиб борган оғзаки диний тарғиботлари тўпламидан иборат. Қуръонда Ислом дини ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. Ислом таълимотига кўра, Қуръон Аллоҳ томонидан Муҳаммад Пайғамбарга рамазон ойининг 27 куни кечаси ваҳий қилинган. Шунинг учун ҳам рамазон ойи муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган. Рамазон ойининг 27 куни кечаси “лайлат ул-қадр”, яъни қудрат кечаси, илоҳиёт қудрати намоён бўлган кеча деб улуғланади. Қуръон 30 пора (қисм), 114 сура, 6236 оят, 77 439 калима, 325 743 ҳарфдан иборат. Қуръони Карим маккавий ва мадинавий сурраларга бўлинади. Унда олдинги пайғамбарлар ҳаётидан ибрат ва сабоқлар келтирилиб, одамларни тавҳид (яккаҳудолик)га чақиради. Қуръони Карим халифа Усмон даврида китоб шаклида келтирилган ва ҳозирги кунгача унга бирон ўзгариш киритилмаган. Ҳазрати Усмон даврида битилган Қуръони Каримнинг асл нусхаларидан бири Тошкент шаҳрида мавжуд.

Қутайба ибн Муслим – 704 йилда умавий халифа Абдулмалик ибн Марвон томонидан Қутайба ибн Муслим Хуросон ноибни этиб тайинланган ва унга Хитойнинг чегараларигача бўлган ҳудудларни босиб олиш вазифаси топширилган. Араб қўшинлари Ўрта Осиё ҳудудлари Қутайба ибн Муслим раҳбарлигида забт этилган. Қутайба ибн Муслим 715 йилда халифа Сулаймон ибн Абдумалик тарафдорлари томонидан Фарғонада ўлдирилган.

Қутбиддин Ойбок – Дехли султонлигининг асосчиси (1206-1211 йиллар).

Қутчи – Қадимги туркий қабилалардан бири. Қутчиларнинг илк аجدодлари жанубий Сибирда, X–XIII асрлар давомида эса Қашғар ва Еттисувда яшаб келганлар. XIII–XIV асрларда қутчиларнинг катта бир қисми ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашганлар ва ўзбеклар таркибига кирганлар. Қутчиларнинг бир қисми қирғизлар таркибида ҳам мавжуд бўлган. Ўзбеклар таркибидаги қутчилар аллақачон ўтроқлашиб, ўзбек халқи билан аралашиб кетган. Қутчиларнинг озроқ қисми эса ўз этник номларини XX аср бошларигача сақлаб келганлар. Булар, асосан, Зарафшон тизма тоғ этакларида, Ургут атрофларида, Шаҳрисабз воҳасида, Қашқадарёнинг юқори оқимларида жойлашган. Қутчилар бир неча уруғларга бўлинган. Улардан энг йириклари ших-саёт, моли, мовар, қашқари ҳисобланган. Қутчилар, асосан, деҳқончилик билан шуғулланишган.

Қушчи – Ўрта Осиё хонликларида подшоҳ ва хонлар қушхонасининг мутасаддиси. Қушчининг зиммасига овни ташкил қилиш ва ўтказиш вазифалари юклатилган.

Қўбиз – Қисқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби.

Қўзғолон – Ижтимоий тузумга, ҳукмронларга қарши кўтарилган оммавий ҳаракат.

Қўноқ – Бирор кишининг уйда тўхтаган йўловчи, меҳмон.

Қўнғирот – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Қўнғиротлар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, нўғой ва бошқа туркий халқлар таркибига ҳам кирганлар. XIV асрда қўнғиротларнинг катта бир қисми Хоразм ҳудудига кўчиб ўтган ва Хоразмнинг сўфийлар сулоласи фаолиятида фаол иштирок этган. XIV–XV асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми–XIX аср бошларида Хива хонлигини ўзбек қўнғиротлари сулоласи бошқарган.

Қўпорувчилик – Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларига бузиш, уларга путур етказиш мақсадида бошқа давлатнинг агентлари томонидан олиб бориладиган қўпориш ишлари, диверсия.

Қўрбоши – Ўтмишда Шарқ мамлакатларида шаҳарни тунда қўриқловчи мансабдор шахс, кейинчалик зиндон бошлиғи, қурол-яроғ омбори мутасаддиси. 2. Туркистонда мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, большевиклар партияси вакиллари томонидан Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатининг бошлиқлари “қўрбоши” деб аталган.

Қўриқ – 1. Ҳимоя остига олинган, ихоталанган жой. 2. Ўтмишда бегона кишиларнинг кириши мумкин бўлмаган яйловлар, дам олиш масканлари, ов қилиш жойлари, хонлар ва подшоларнинг моллари боқиладиган яйловлар, қўриқхона. 3. Бухоро амирлигида ҳукмдорларнинг баҳордан кузгача турадиган яйлови. Яйловларда амирнинг оила аъзолари ва уларни қўриқлаб турадиган ҳарбий қисмлардан ташқари бошқа кишиларнинг кириши мумкин бўлмаган.

Қўрхона – 1. Қурол-аслаҳа сақланадиган омбор, қуролхона. 2. Қимматбаҳо нарсалар, бойликлар сақланадиган омбор, хазина. 3. Қўрчиларнинг қурол-яроғлари сақланадиган жой.

Қўрчи – 1. Ўтмишда Ўрта Осиё ва айрим Шарқ мамлакатларида туркий қабилаларнинг эътиборли кишиларидан тузилган ва ҳукмдор ёки амалдорларнинг шахсий ҳимояси билан шуғулланадиган гвардия. 2. Темурийлар даврида экинзорларни қўриқловчи шахслар.

Қўрғон – 1. Душман ҳужумидан сақланиш учун қурилган истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, қалъа ва шу қабилар. 2. Шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой ва унинг ичидаги бинолар.

Қўшбеги – 1. Ҳарбий лагерь, қароргоҳнинг бошлиғи. 2. Хива ва Қўқон хонликларида биринчи вазир. 3. Бухоро амирлигида қўшбегига барча вилоятларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган.

Қўшилмаслик ҳаракати – Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда шакллана бошланган халқаро ташкилот. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар бирон-бир ҳарбий-сиёсий блоклар ва гуруҳларда қатнашмасликни

ўз ташқи сиёсатларида асосий тамойил сифатида қабул қилишган. 1961 йилнинг сентябрь ойида Белград (собиқ Югославия)да бўлиб ўтган конференцияда Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар “қўшилмасликнинг беш тамойили”ни эълон қилишган. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат: турли тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, қўшилмаслик, халқларнинг мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш; буюк давлатлар ўртасидаги низоларга тааллуқли ҳарбий иттифокларда қатнашмаслик, ҳарбий келишувларда қатнашмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий базаларни жойлаштирмаслик.

Қўшин – Уруш хавфи туғилганда ёки ҳарбий юриш олдидан шаҳар, вилоятларда тўпланган ҳарбий қисм. Қўшин сўзи баъзан кўп сонли ҳарбий қисм (корпус, армия)ни англатади. Темурийлар даврида минг ёки ундан оз жангчилардан иборат асарий гуруҳ қўшин деб номланган.

Қўшинлар паради (Қўшинлар кўриги) – Расмий байрамларда қўшинларнинг жанговар техника билан тантанали марш садолари остида майдондан саф тортиб ўтиши. Қўшинлар паради қадимги Миср, Эрон, Рим ва бошқа армияларда ҳам ўтказилган. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий юришдан олдин тўпланган қўшин кўриқдан ўтказилган.

Қўшхона – 1. Ўтмишда вақтинчалик турар жой. Мардикорлар, хизматкорлар яшашган. 2. Сафарда юрган савдогарлар ва бошқа йўловчилар истикамат қиладиган жой, ётоқхона. 3. Бугунги кунда тўйларда узоқдан келган меҳмонлар учун, асосан, тўй эгаси қўшнилари уйлари ҳисобидан бериладиган жой.

Қўшчи – 1. Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. 2. Бир жуфт ўз моли билан бадавлат ер эгаси хўжалигида ишловчи одам.

Қўқон хонлиги – 1709-1876 йилларда мавжуд бўлган давлат тузилмаси. 1709 йилда Фарғона музофотида қарашли Поп ҳудудида Чодак хўжалари (ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида) аштархонийлар давлатида вужудга келган парокандалиқдан фойдаланиб, ўзбекларнинг минг қабиласидан бўлган Шохрухбийни ўзларига хон қилиб кўтарганлар. Янги ташкил этилган давлат дастлаб “Фарғона давлати” деб аталган. Бу давлат таркибига дастлаб Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара кирган. Шохрухбий 1721 йилда вафот этган ва тахтга унинг 21 ёшли катта ўғли Муҳаммад Абдурахимбий (Раҳимбий) ўтирган. Қўқон хонлигининг машҳур хонлари Олимхон (1801-1810 йиллар), Умархон (1810-1822 йиллар), Мадалихон (1822-1842 йиллар), Худоёрхон (1845-1858, 1863 (3 ой) ва 1865-1875 йиллар). Қўқон хонлигида маданий ҳаёт ривожланган. Бу соҳада Қўқон хонлари Умархон ва Муҳаммад Алихонларнинг хизматлари катта бўлган. Қўқон хонлигида бир қанча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган ва янги китоблар ёзилган. Қўқон хонлигида Машраб (1640-1711 йиллар), Гулханий (тахм. XVIII аср охири-XIX асрнинг 20-йиллари), Махмур (1844 йилда вафот этган), Фазлий Намангоний (XVIII асрнинг иккинчи ярми-XIX асрнинг биринчи ярми), Увайсий (1779-1845 йиллар), Нодира (1792-1842 йиллар) ва бошқалар яшаб ижод этишган. 1876 йили Қўқон хонлиги чор Россияси

кўшинлари томонидан босиб олиниб, “Фарғона вилояти” номи билан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган.

“Кўғирчоқ ҳукумат” – Чет давлат кўрсатмалари билан иш тутувчи, хориж кўмагида ҳокимиятга келган ҳамда мустақил равишда қарорлар қабул қилишга қодир бўлмаган ҳукуматга нисбатан қўлланиладиган ибора.

–Ғ–

Ғаддор – 1. Сотқин, хоин, золим. 2. Хиёнаткор, маккор, фирибгар.

Ғазаба – Қадимий тарихий-маданий вилоят. Илк бор македониялик Александр мил. ав. 328 йилда Наутакада ҳарбий юриши муносабати билан тилга олинган. Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Дорбанд кишлоғи ва Темир дарвоза ҳудудлари ҳамда Қашқадарё вилоятининг Ертепа ва Ғузор ҳудудларини ўз ичига олган.

Ғазавот – Ислом таълимотига кўра, дин учун кураш.

Ғаззолий, Абу Ҳомид – 1058-1111 йилларда яшаб ўтган файласуф, ислом илоҳиётчиси.

Ғазна – Ҳазина.

Ғазнавийлар – X-XII асрларда мавжуд бўлган Ғазнавийлар давлатини бошқарган сулоланинг номи.

Ғазнавийлар давлати – 962-1040 йилларда мавжуд бўлган давлат. Асосчиси асли турк ғуломи, кейинчалик сомонийлар лашкарбошиси бўлган Алптакин. У 962 йилда Ғазна шахрининг ҳокимини ағдариб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Ғазнавийлар давлати Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги даври (998-1030 йиллар)да мусулмон дунёсининг энг кучли давлатларидан бирига айланган. Унинг давлати таркибига ҳозирги Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Эроннинг шимолий-шарқий қисми ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари кирган. Мамлакат пойтахти Ғазна ва бошқа шаҳарларда кўплаб олий иморатлар, масжиду мадрасалар, кўркам карвонсаройлар барпо этилган. Деҳқончиликни ривожлантириш учун каналлар, ариқлар қазилган, тўғонлар қурилган. Ислом уламолари катта имтиёзларга эга бўлганлар. Султон Маҳмуднинг ўзи адолатпарвар ҳукмдор бўлиб, илм-маърифатга катта эътибор берган. Султон Маҳмуд шимолий Ҳиндистонга 17 марта ҳарбий юришлар уюштирган. 1019 йилда Ҳиндистоннинг Канаужа шахрини забт этганда у ердан 20 млн. дирҳам, 57 минг қул ва 350 та филни ўлжа қилиб олиб Ғазна шахрига қайтганлиги таърихий манбаларда келтирилган. 1017 йилнинг ёзида Султон Маҳмуд Хоразмга юриш қилиб, уни ўзига бўйсундирган. Хоразм 1040 йилгача, яъни Ғазнавийлар давлати инқирозга юз тутишига қадар, ғазнавийларга тобе бўлган. Маҳмуд Ғазнавий вафотидан сўнг (1030 йили) унинг ўғли Масъуд ҳукмронлиги даври (1030-1041 йиллар)да ғазнавийлар давлати, бир томондан, ички зиддиятларнинг кучайиши ва, иккинчи томондан, салжуқийларнинг кетма-кет ҳужумлари ҳамда 1040 йилда Данданакон жангида салжуқийлар томонидан берилган зарбадан сўнг ўзини ўнглаб ололмаган ва ўз мустақиллигини бутунлай йўқотган.

Ғазнавий, Масъуд – Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори (998-1030 йиллар).

Ғазнавий, Маҳмуд – Ғазнавийлар давлатининг энг йирик ҳукмдори (1030-1041 йиллар). Унинг ҳукмронлиги даврида ғазнавийлар давлати мусулмон дунёсининг кучли давлатларидан бирига айланган. *Яна қар.: Ғазнавийлар давлати.*

Ғазот – Ислом динини ёйиш мақсадида ёки ислом юртига бостириб кирувчиларга қарши, яъни ватан ҳимоясига чиқиш. Мустамлакачиларга қарши кураш ҳам ғазот деб аталган (мас., Шимолий Кавказ тоғлиқларининг XIX асрнинг 20-, 50-йилларида чор Россиясига қарши кураши, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осий халқларининг рус кўшинларига қарши мудофаа жанглари, XIX асрнинг 90-йилларида Суданда мухлисларнинг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган кураши ва ҳоказо).

Ғалаён – Норозилик билдирилиб кўтарилган исён.

“Ғалати уруш” – Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки тўққиз оyi (1939 йил сентябрь-1940 йил май) давомида ғарбий фронтдаги вазиятни англатувчи атама. Инглиз-француз ва немис кўшинлари ҳаракатсиз бўлган. Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари фашистлар Германиясини тинчлантиришга уринишда давом этганлар. Германия эса Ғарбий Европа давлатларига ҳужум қилишга тайёрланган.

Ғалтакарава – 1. Бир ғилдиракли қўл аравача. 2. Уч ёки тўрт ғилдиракли, кўпинча шифохоналарда беморларни кўчириш учун ишлатиладиган аравача.

Ғалча (ғалча-тожик) – Этник атама. Ўтмишда Самарқанд ва Бухородан шарқий, шимолий-шарқий ва жанубий-шарқий томондаги турли тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолининг умумий номи.

Ғаниева, Зебохон – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Москва остонасидаги жангларда мерган қиз Зебохон Ғаниева 28 фашистни қириб ташлаган.

Ғарбий славянлар – Чехлар, поляклар, словаклар ҳамда Болтиқ денгизи бўйида яшаган поморлар.

Ғарбий Хань империяси – *Қар.: Биринчи Хань империяси.*

Ғафс – 1. Ёрдам, мадад. 2. Тасаввуфда ориф ва тариқат муршидининг мақом ва мартабаси.

Ғиждувоний, Абдухолиқ (тўлиқ исм-шарифи Хожа Абдухолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний) – 1103-1179 йилларда яшаб ижод қилган буюк мутассаввиф олим, хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси, нақшбандия тариқати асосчиларидан бири. “Хожаи жаҳон” (“Жаҳон хожаси”) номи билан ислом дунёсида машҳур бўлган. Хожа Абдухолиқ Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган ва шу ерда дафн этилган. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний Ҳазрат Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий (бу киши “Бобойи Лақлақати” номи билан машҳур)лардан таълим олган. Машҳур асарлари: “Рисолаи соҳибия”, “Рисолаи Шайх уш-шуох хазрат Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” ва бошқалар. Ғиждувоний маънавий фарзанди Авлиёи Кабирга ёзиб қолдирган насихатлари бир неча асрлардан бери нақшбандия тариқати муршиду муридларига йўлчи юлдуз каби хизмат қилиб келмоқда. Хожаи

жаҳон тариқат йўлига кирмоқчи бўлганларга ҳеч қандай мансаб, ҳатто имомлик, муаззинлик мансабларини тамаъ қилмасликни тайинлаган. Шунингдек амир, шаҳзодалар, бойлар билан ҳамсуҳбат бўлмоқ, уларнинг кошоналарига бориб келмоқни манъ қилган. Ғиждувоний: “Бойларнинг уйига камроқ боринглар, акс ҳолда Тангрининг сизга берган неъматини писанд қилмайдиган бўласиз”, – деб таъкидлаган. Хожа Абдуҳолиқнинг руҳлари Ҳазрат Баҳоуддинни тарбия қилган.

Ғозий – Ислом таълимотига кўра, Ислом дини учун ғайридинларга қарши муқаддас уруш – ғазавот қатнашчиси.

Ғорат – Талон-торож, бузғунчилик.

Ғофил – Ғафлатда қолган, ҳеч нарсадар беҳабар.

Ғоя – Объектив борлиқни, воқелиқни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқелиққа муносабатини ифодаловчи дунёқарашлари асосини ташкил этувчи тушунча, тасаввур, идея. Ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улуғвор фикр маъносини англатади. “Ғоя” сўзи арабча бўлиб, ниҳоя, интиҳо, охир, поён ҳамда орзу мақсад, ният, мурод, режа маъноларини ҳам англатади. Ғоялар бунёдкор (эзгуликка қаратилган) ва вайронкор (бузғунчи) бўлади. Ғоялар асосида жамият, давлатнинг мафкураси шаклланади.

Ғоявий бўшлиқ – Муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати.

Ғоявий тажовуз – Муайян бир жамият, миллат, ижтимоий қатлам ёки гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий хуруж, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган ғоявий босқинчилик.

Ғоявий қарамлик – Миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунуши. Ғоявий қарамлик ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади.

Ғул – 1. Ўтмишда турк-мўғул қўшинининг марказида ва томонлари олдида турувчи махсус ҳарбий қисм. Марказда турувчи ғул “катта ғул”, томонлардагиси эса “кичик ғул” деб аталган. Ҳарбий юришлар вақтида ҳировул олдида ҳам ғул қўйилган. 2. Айбдорнинг бўйин, оёқларига кийгизиб қўйиладиган асбоб, кишан.

Ғуломлар – 1. Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларидаги қуллар. 2. Аббосийлар ҳалифалигида халифа Маъмун даври (813-833 йиллар)да чет эллардан сотиб олинган ёш қуллар (асосан, турклар)дан тузилган отлик гвардия. *Қар. Мамлуклар. Қул.* 3. Ўрта асрларда Усмонли турк империясида зодагонлар кўнгилли қўшинининг аскарлари. 4. Деҳли султонлигида турк қул навкарлари ҳамда улар орасидан чиққан Деҳли султонлари.

Ғунчачи – Шоҳ ёки хонга гўзал қизларни танлаб, ҳарамга келтириб берувчи аёл.

Ғуруб – Қуёшнинг ботиш пайти, кун ботиши.

Ҳабаш Султон – Хива хонлигининг ҳукмдори. Укаси Элбарс билан бирга 1621 йилда оталари Араб Муҳаммадхонга қарши урушиб, Хива тахтини эгаллаганлар. Ҳабаш ва Элбарслар 1623 йилда укалари Асфандиёр томонидан тахтдан ағдарилиб, қатл эттирилганлар.

Ҳабибуллохон – Афғонистон шоҳи (1901-1919 йиллар).

Ҳабл – Ўтмишда узунлик ўлчови. Танобнинг олтмишдан бир қисмига тенг бўлган.

Ҳаворийлар – Ислом таълимотига кўра, Исо Масиҳнинг энг яқин издошлари. Христианларда “апостоллар” деб аталиб, христиан динининг тарғиботчилари ҳисобланишади. Янги аҳдда 12 апостол тилга олинади. *Яна қар. Апостоллар.*

Ҳадаф – Мўлжалга олинган нарса, нишон.

Ҳадис – Ислом таълимотига кўра, Қуръони Каримдан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, унда саҳобалар томонидан баён этилган Муҳаммад Пайғамбарнинг айтган гаплари, қилган ишлари, бошқалар қилган ишларга муносабатлари, диний ва ахлоқий кўрсатмалари келтирилган. Муҳаммад Пайғамбар бирор гап айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг ўзларига қилаётган бирор ишни кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шу хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят “ҳадис” деб юритилади. Ҳадисларда ислом дини аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар ҳам талқин этилади. IX-X асрларда диндорлар орасида обрўли деб танилган Ҳадиснинг олти тўплами вужудга келган. Улардан энг мўътабари Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Саҳиҳ ал-Бухорий” (“Саҳиҳи Бухорий”) асаридир. Ҳадисларни йиғувчи, тарғиб этувчи шахсларни “муҳаддис” деб аташади.

Ҳадиси саҳиҳ – Тўғри ҳадис.

Ҳаё – Ножўя, номаъкул хатти-ҳаракатдан тийилиш ҳисси, уят, шарм. Ҳаё ҳисси “ор”, “андиша”, “ибо” каби маънавий фазилатлар билан маъно жиҳатдан яқиндир.

Ҳаёт фалсафаси – Ҳаётнинг мазмуни, мақсади ва кадр-қимматини тадқиқ этувчи фалсафий оқим.

Ҳаж – Ислом динининг беш асосий рукнларидан бири. Ҳаж – муқаддас шаҳар ҳисобланган Маккага бориш, у ердаги муқаддас жойларни зиёрат қилиш, турли диний урф-одат ва маросимларни бажариш ҳамда қурбонлик қилишдан иборат. Амалда Мадинага бориб Муҳаммад Пайғамбарнинг қабри-ни зиёрат қилиш ҳам ҳаж қилишга кўшиб бажарилган. Ҳаж сафарини бажо келтириш барча мусулмонлар учун эмас, балки ҳаж қилиш имкониятига эга бўлганлар учун мажбурий ҳисобланган. Ҳаж қилмоқчи бўлган шахснинг ўзи саломатлиги ёки бошқа бирор сабаб билан сафарга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлса, барча харажатларни тўлаган ҳолда, ўрнига бошқа кишини юбориши мумкин бўлган. Ҳажга бориб келганларнинг исмига “ҳожидир” сўзи

кўшиб айтилган ва улар мусулмонлар орасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлганлар.

Ҳажжож – 661-714 йилларда яшаб ўтган умавийлар даврида Ҳижоз ва Ироқ ҳокими. У ўта золим ва шафқатсизлиги билан донг таратган.

Ҳажар ул-асвад – Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган, ҳажга борган мусулмонлар ўпиб ёки қўл теккизиб зиёрат қиладиган қора тош.

Ҳажр – Яқин ёки сеvimли кишидан айрилиқ, жудолик, фирок.

Ҳазора – Бухоро хонлигида суғориладиган ердан олган даромади ҳисобига минг кишидан иборат лашкарни ўз қарамоғида ушлаб, уни таъминлаб турадиган туман.

Ҳазрат – Аллоҳ ҳамда пайғамбарлар ва энг улуғ зотларни улуғлаш учун уларнинг исми олдидан қўлланадиган фахрли лақаб, мас., ҳазрат Алишер Навоий.

Ҳазрати Имом – *Қар.: Шоший, Қафқол*

Ҳайдамаклар (Гайдамаклар) – Украинада Дунайнинг ўнг соҳили халқларининг XVIII асрдаги халқ озодлик ҳаракати қатнашчилари. Ҳайдамаклар поляк ва украин шляхтичлари (зодагонлари) мулкларини талон-торож этишган. Ҳайдамаклар отрядлари украин дехқонлари, Запорожье казакларининг энг камбағал қатлами, ёлланма батрақлар, хунармандлардан таркиб топган. Чор Россияси ҳайдамаклар ҳаракатини бостиришда фаол қатнашган. 1734, 1750 ва 1768 йилларда бу ҳаракат йирик халқ кўзғолонига айланган. Ҳайдамаклар ҳаракатининг энг юқори нуқтаси 1768 йилдаги кўзғолон бўлган. Ўнг соҳил Украина Россия таркибига киргач (1783 йил), ўлкадаги кураш бошқача тус олган. 1918-1920 йиллардаги фуқаролар уруши даврида қизил армия билан курашган украин кўзғолончилари ҳам ўзларини ҳайдамаклар деб аташган.

Ҳайит – Мусулмонларнинг диний байрамлари. Ҳайит араб тилида “ийд” деб аталади. Мусулмонлар орасида кенг тарқалган ҳайитлар Қурбон ҳайити (Ийд ал-қурбон) ва Рўза ҳайити (Ийд ал-фитр) ҳисобланади.

Ҳайитлик – Ҳайит муосабати билан қилинадиган совға.

Ҳайит намози – *Қар.: Намоз.*

Ҳаким – 1. Ўткир табиб. 2. Донишманд, файласуф.

Ҳамавий, Ёқут – 1179-1229 йилларда яшаб ўтган Кичик Осиёлик машҳур сайёҳ, географ, адиб, тарихчи. Ёшлигида асирликда бўлган. Бағдодлик савдогар Асқар ал-Ҳамавий уни Сурия бозорларидан бирида сотиб олган. Унга Ёқут исмини берган ва Ҳамавий насабаси билан атаган. Ёқут Ҳамавий хўжайинининг савдо ишлари билан боғлиқ юмушларни бажариб, кўплаб мамлакатларда бўлган. 20 ёшида кулликдан озод бўлган. Бағдод шаҳрида илм ўрганган. Кейинчалик Марв шаҳрига келиб яшаган. 1213 йилда сафарга чиқиб 16 йил давомида Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон ярим ороли, Ироқ, Эрон, ҳозирги Афғонистон, Мовароуннаҳрда бўлган ва бу ўлкалар ҳақида кўплаб маълумотлар тўплаган. Машҳур асарлари “Муъжам ул-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) ва етти жилдли “Муъжам ул-удабо” (“Адиблар луғати”). “Муъжам ул-удабо” асарида Ёқут Ҳамавий VII-XIII аср бошларида яшаб ўтган

1100 та араб тилида ижод қилган адиб ва олимлар ҳақида маълумотлар келтирган.

Ҳамадоний, Юсуф – 1048-1141 йилларда яшаб ўтган тасаввуфнинг йирик намояндаси. Эроннинг Ҳамадон вилоятида туғилган. “Шайх ул-шуюх” (“Шайхларнинг шайхи”), “Қутб ул-аср”, “Шоҳ Ҳамадоний” деб эъзозланган. Эрон ва Ҳиндистон мадрасаларида ўқиган. Хуросону Мовароуннаҳрга келиб Марв, Самарқанд, Ҳирот, Балх, Бухоро шаҳарларида фаолият кўрсатган. 30 марта ҳаж зиёратини бажо келтирган. Узоқ муддат Бухорода яшаган. Накш-бандия тариқатининг айрим қоидаларини ишлаб чиққан. Ҳамадоний умрининг охирида Марв сафари жараёнида 1140 йилда Бомийнда вафот этган. Шогирдлари унинг жасадини Марвга олиб келиб дафн этганлар.

Ҳамият – Ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бошқаларнинг тажовузидан ҳимоя қилишга бўлган интилиш, ор-номусни пок сақлаш туйғуси.

Ҳанафийлик (Ханафия) – Ислом дини суннийлик йўналишидаги мазҳаблардан бири. Унга Абу Ханифа ан-Нўмон асос солган.

Ҳандаса – Геометрия.

Ҳанифлар – Ислом дини вужудга келмасдан илгари араблар орасида яккахудолик ғоясини тарғиб қилган шахслар. Ислом таълимотига кўра, ҳанифлар исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этганлар, якка худога астойдил ишонишган, лекин христианликка ҳам, яҳудийликка ҳам қўшилишмаган. Муҳаммад Пайғамбар ўз тарғиботини ҳанифлардан бири сифатида бошлаган. VIII–IX асрлардан бошлаб мусулмон адабиётида ҳанифлар кўпинча “мусулмонлар”, ислом эса “ҳанифлик дини” маъносида ишлатилган. Сўфийлар ҳам дастлаб ўзларини ҳанифлар деб аташган.

Ҳанбалийлик (Ҳанбалия) – Ислом дини суннийлик йўналишидаги мазҳаблардан бири. Ҳанбалийлик энг мутаассиб мазҳаб ҳисобланади. Тажовузкор ваҳҳобийлик диний-сиёсий оқими XVIII асрда ҳанбалийлик мазҳаби негизида пайдо бўлган. Унга Ибн Ҳанбал асос солган.

Ҳарам – 1. Муқаддас ҳисобланиб, кириш таъқиқланган жой. 2. Ўтмишда ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми, ичкари ҳовли.

Ҳарб – Уруш, жанг.

Ҳарбий блок – Давлатларнинг умумий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазифаларни ҳал этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида тузган ҳарбий-сиёсий иттифоқи ёки шартномаси, мас., Варшава шартномаси, НАТО ва ҳоказо.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати – Россияда 1918-1920 йилларда бўлиб ўтган фуқаролик уруши йилларида большевиклар ҳукумати томонидан амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий сиёсат. “Ҳарбий коммунизм” сиёсатининг асосий мақсади мамлакат аҳолисини очликдан қутқариб қолиш бўлган. Бу сиёсат остида қуйидаги тадбирлар ўтказилган: 1. Продразверстка (яъни озиқ-овқат (дон)ни тарқатиш). Фуқаролик уруши йилларида Россияда дон учун “ҳарбий юриш” эълон қилинган. Деҳқонларда дон мавжуд бўлган, лекин давлатда уни сотиб олиш учун маблағ бўлмаган. Шунда давлат маъмурлари деҳқонларнинг “ортикча” донларини тортиб олишган. “Дон топиш” учун

махсус курулган гуруҳлар тузилган. Донни давлатга топширишдан бош тортган “кулаклар” аёвсиз жазоланган. 2. Йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва кичик саноатни ҳам миллийлаштириш (яъни давлат тасарруфига ўтказиш) ва шу тариқа хусусий мулкни умуман йўқ қилиш. 3. Бозорларни ёпиш, савдони ман этиш. Тижорат давлат томонидан амалга оширилиб, ишчилар иш ҳақи ўрнига жамоат озиқ-овқатини олиш ҳуқуқини берувчи омонат дафтарчалари билан таъминланган. Пул бекор қилинган. Барча хизматлар (почта, транспорт, телефон, сув, ёқилғи, уй-жой ҳақи ва ҳ.к.) бепул бўлган. 4. Ялпи меҳнат мажбурияти. Мамлакатнинг 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча фуқаролари меҳнат қилишга мажбур бўлишган. “Ким ишламаса, емайди” шиори амалда бўлган. Меҳнат интизоми ҳарбийлаштирилган. 5. Партия ва давлат органларининг бирлашуви амалга оширилган ва бошқалар. “Ҳарбий коммунизм” сиёсатининг жорий этилиши Россиянинг иқтисодиётига катта зарар етказган. Мамлакатнинг қишлоқ жойларида деҳқонларнинг Совет ҳукумати сиёсатига қарши кўплаб кўзғолонлари бўлиб ўтган. Уларни бостириш учун ҳарбий қўшинлар юборилган. Совет ҳукуматининг “ҳарбий коммунизм” сиёсатига норозиликнинг энг баланд нуқтаси 1921 йилнинг 2 мартда бошланган Кронштадтдаги матросларнинг кўзғолони бўлган.

Ҳарбий топография – Топографиянинг жойни топография ва тактик жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш ҳамда ҳарбий машқ ва жанг ҳаракатлари маҳалида харита ва фотосуратлардан фойдаланиш ишларини ўз ичига оладиган бўлими.

Ҳариф – 1. Шерик, улфат. 2. Бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, қарши курашувчи, рақиб.

Ҳасан Басрий – 642-728 йилларда яшаб ўтган йирик илоҳиёт олими.

Ҳассақаш – Аза ёки тўйларда эшик олдида туриб келувчиларни кутиб олувчи ва кузатиб қолувчи киши.

Ҳассос – Зеҳни ўткир, сезгир.

Ҳафта – Етти кундан иборат вақт ўлчов бирлиги. Дастлаб қадимги Шарқ мамлакатларида вужудга келган.

Ҳафтяк – Қуръони Каримнинг еттидан бир қисмидан иборат диний китоб. Эски мактабда дарслик вазифасини ўтаган. Мактаб ўқувчилари Ҳафтякни ўзлаштиргандан кейин Қуръони Каримни ўқишга киришганлар.

Ҳаштяк – Вафот этган кишидан қолган мероснинг саккиздан бир қисми. Шариат қонунлари бўйича уни марҳумнинг хотини олган.

Ҳақ – Аллоҳ исмларидан бири, худо. Адл, адолат, ростгўй, тўғрисиўз маъноларини англатади.

Ҳидоя – Ислом дини суннийлик йўналиши ҳанафийлик мазҳабида кенг тарқалган шариат масалалари зикр этилган китоблар. Биринчи “Ҳидоя” китобини Абулҳасан ал-Қудурий ёзган. Лекин Бурҳониддин Марғиноний ёзган “Ҳидоя” ҳанафийлик мазҳаби тарқалган мамлакатларда жуда машҳур ҳисобланади. “Ҳидоя”ларда шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва мулоҳазалари билан бирга, Ислом динининг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, шунингдек оила масалалари билан боғлиқ меъёрлар баён этилган.

Ҳидоят – Ислом таълимотига кўра, тўғри йўл. Ҳақ таоло даъват этган, амр этган йўл, ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш, залолатнинг қарама-қаршиси.

Ҳижрат (Ҳижра) – Муҳаммад Пайғамбар ва унинг тарафдорларининг 622 йил 16 июлда Маккадан Ясриб шаҳри (кейинчалик бу шаҳар “Мадина” деб аталган)га кўчиши, ҳижрат қилиши. 638 йили эса халифа Умар буйруғи билан мусулмонлар ўртасида Ҳижрат йили, яъни 622 йили муҳаррам ойидан мусулмон (ҳижрий) йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган.

Ҳижрий йил ҳисоби – Мусулмонларнинг йил ҳисоби. Ушбу йил ҳисобининг пайдо бўлиши Муҳаммад Пайғамбарнинг Маккадан Ясриб шаҳрига кўчиши билан боғлиқ. Ҳижрий йил ҳисоби ҳижрий-қамарий тақвим (йил) ва ҳижрий-шамсий тақвим (йил)га бўлинади.

Ҳижрий-шамсий тақвим (йил ҳисоби) – Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган, 365 ёки 366 кундан иборат, 21 мартдан бошланадиган йил ҳисоби, шамсия. 622 йил баҳорги тенгкунлик куни, яъни 21 мартдан бошлаб ҳисобланади. Ҳижрий-шамсий тақвими ойлари: номлари: ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жаддий, даль.

Ҳижрий-қамарий тақвим (йил ҳисоби) – Ойнинг 12 мартаба “янгилашиши”га қараб белгиланадиган йил ҳисоби. 355 ёки 356 кундан иборат. Ҳижрий-қамарий йил ҳисобини қисқа қилиб “қамария” деб ҳам аташади. 622 йил 16 июлдан бошланган бўлиб, 12 ойдан иборат. Ҳижрий-қамарий тақвими ойлари: муҳаррам, сафар, рабби ул-аввал, рабби ус-соний, жумодий ул аввал, жумодий ус-соний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа.

“Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ташкилоти – Шайх Тақиюддин Набахоний томонидан 1953 йили Йорданияда ташкил этилган тажовузкор диний-сиёсий ташкилот. “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” (“Ислом озодлик партияси”) партияси аъзоларини қисқача қилиб “таҳрирчилар” деб ҳам аташади. Бу ташкилот аъзолари дунёвий давлатни қоралашади, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий тартиб-қоидаларни инкор этишади, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда Муҳаммад Пайғамбар ва Чорёрлар даврида мавжуд бўлган халифалик каби ягона халифалик давлат шаклини қуриш ғояларини илгари суришади. “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” партияси аъзолари томонидан дунёдаги кўплаб мамлакатларда террористик ҳаракатлар амалга оширилган (шу жумладан Ўзбекистонда ҳам). Жаҳондаги кўп мамлакатларида бу партиянинг фаолияти ман этилган. Шунга қарамадан, ҳозирги вақтда бу партия аъзолари кўплаб мамлакатларда махфий, ноқонуний равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг 1999 йил 16 июндаги “Дин ниқоби остидаги динбузарлик ҳақида”ги фатвосида “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ва бошқа бузғунчи диний оқим ва ҳаракатлар фаолияти қаттиқ қораланган.

Ҳикматёр, Гулбиддин – Афғонистондаги Савр инқилобига қарши кучлар раҳбарларидан бири.

Ҳиммат – Одамгарчилик, мурувват юзасидан қилинадиган яхшилик, яхши иш, ёрдам. Ҳиммат мурувватлилик, олижаноблик, мардлик, тантилик,

сахийлик, қўли очиклик, саховатлилик, улуғворлик, бағрикенглик, буюклик, хотамтойлик каби тушунчаларни ўз ичига камраб олади.

Ҳиндистонга қуруқликдан экспедиция амалга ошириш лойиҳаси (Проект сухопутной экспедиции в Индию) – 1800 йилда Франция императори Наполеон I Бонапарт томонидан Россия императори Павел I га Ҳиндистонга қуруқликдан ҳужум қилиш режасининг лойиҳаси. Ҳиндистон Англиянинг энг бой мустамлакаси бўлган. Англия Ҳиндистонга қачонлардир шимолдан, яъни қуруқликдан бирон бир давлат хавф солиши мумкинлигини умуман ўйламаган. Бундан олдин Европа мамлакатлари Осиё ва Африка мамлакатларига фақат денгиздан ҳужум қилишган. Наполеон I Бонапартнинг Ҳиндистонга қуруқликдан ҳужум қилиш режаси Европада, айниқса Англияда, катта шов-шувларга сабаб бўлган. Наполеон I Бонапартнинг режаси шунчаки бир хаёлий режа бўлмаган. Наполеон I Бонапарт Россия императори Павел I га мурожаат қилиб, ўз режасини биргаликда, яъни Россия билан бирга, амалга оширишни таклиф этган. Павел I га бу режа маъқул тушган. Бу ҳақда у 1800 йил декабрда Наполеон I Бонапартга ёзган мактубида маълум қилган. Шундан кейин Наполеон I Бонапарт Павел I га “Ҳиндистонга қуруқликдан экспедиция амалга ошириш лойиҳаси” (“Проект сухопутной экспедиции в Индию”)ни юборган. Ушбу “экспедиция”нинг асосий мақсади Ҳиндистонни инглизлардан тортиб олиш бўлган. Наполеон I Бонапартнинг режасига кўра, Ҳиндистон томон 70 минг кишилик қўшин (ҳар томондан 35 минг кишидан) юборилиши лозим бўлган. Россия 35 минг кишидан иборат қўшинини Эроннинг Астробод шаҳрига юбориб, ўша ерда француз қўшинларини кутиб туриши назарда тутилган. Француз қўшинлари Астрободга етиб келиши билан Россия қўшинлари билан биргаликда Ҳирот ва Қандаҳор орқали Ҳиндистонга шимол томондан ҳужум қилишлари керак бўлган. Павел I нинг фармонида биноан Россия қўшинлари Оренбургда тўпланиб, 1801 йили март ойининг бошларида Волга дарёсидан кечиб ўта бошлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, Наполеон I Бонапартнинг Ҳиндистонга қуруқликдан ҳужум қилиш режаси амалга ошира бошланган. Лекин 1801 йил март ойида Россияда суиқасд натижасида Павел I ўлдирилган. Шундан кейин Наполеон I Бонапарт ўз режасини амалга оширишни Россиянинг янги императори бўлган Александр I га таклиф қилган, аммо ундан рад жавобини олган ва Наполеон I Бонапартнинг Ҳиндистонга қуруқликдан ҳужум қилиш режаси амалга ошмаган.

“Ҳиндистон ҳокимиятини топшириш тўғрисида”ги фармон – Ҳиндистон вице-короли лорд Маунтбеттен томонидан имзоланган фармон. Унга кўра, мамлакат ҳиндлар давлати – Ҳиндистон ва мусулмонлар давлати – Покистонга бўлиниши назарда тутилган. 1947 йил 15 августда мамлакатни иккита давлатга бўлиш жараёни бошланган.

Ҳиндуийлик (Ҳиндуизм) – Дунёда кенг тарқалган динлардан бири. Асосан Ҳиндистонда тарқалган. Милоднинг биринчи мингйиллигида шакланган. Ҳиндуийлик веда дини ва брахманизм ривожланиши ва унга кейинчалик халқ эътиқоди, урф-одатлари, маросимлари сингиб кетиши жараёнида пайдо бўлган. Ҳиндуийликнинг асосида жоннинг янги шаклга кириши (сансара) ҳақидаги таълимот ётади. Унга кўра, киши ўлгандан кейин, жони

(руҳи) янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олади ва қайта туғилади. Янги руҳнинг қай даражада бўлиши карма қонунига, яъни кишининг ҳаёт давридаги хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатига боғлиқ. Ҳиндуийликнинг асосий мақсади – инсонни мана шу қайта туғилиш занжиридан, азоб-укубатидан халос қилиш, яъни мокшага эришиш. Ҳиндуийликнинг муқаддас китоби ведалар, “Махабхарата” (айниқса, унинг “Баҳа-гавадгита” ва “Рамайна” қисмлари ва бошқалар. Ҳиндуийликда асосий худолар: Шива, Вишну, Брахма саналади. Ҳиндуийликда тоғлар, дарёлар (хусусан, Ганг), ўсимлик (мас., нилуфар), ҳайвонлар (маймун, фил, илон, айнақса, сигир) муқаддас саналади. Турли ғайритабиий ҳодисалар ҳам сиғиниш объекти ҳисобланади. Ҳозирда ҳиндуийлик икки оқим – вишнуизм ва шиваизм шаклида мавжуд.

Ҳировул – Ўтмишда қўшиннинг олд томони, авангарди.

Ҳисор – Ўрта Осиё хонликларида қалъа девори, девор билан ўралган шаҳар, тоғли ҳудудлардаги муҳофаа истехкоми, тепалик.

Ҳовли пули – Хива хонлигида мавжуд бўлган солиқ тури. Уни “тутун пули” деб ҳам аташган.

Ҳожи – Ҳажга борган, исломда энг муқаддас ҳисобланган Каъбани зиёрат қилган шахснинг фахрий унвони.

Ҳожиб – 1. Сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар давлатларида ҳукмдор қабулхонаси бошлиғи, эшикоға. Сарой котиблари, хазиначи ва бошқалар унга бўйсунганлар. Хорижий юртлардан келган элчилар ҳукмдор қабулига киришдан олдин ҳожиб билан учрашган. Салтанат, ҳукмдор олдидаги салмоқли хизмати эвазига ҳожибга хос ҳожиб ёки улуғ ҳожиб унвонлари берилган. Мўғуллар давридан бошлаб ҳожиб вазифасини бажарувчи шахс “шиғавул” атамаси билан аталган. 2. Хива ва Қўқон хонликларида сарой дарвозабони.

Ҳоким – Маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Ўрта Осиё хонликларида муайян бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан раҳбарликни амалга ошириш учун тайинланган амалдорлар ҳоким деб аталган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий анъаналаримизга мос ҳокимлик институти жорий этилган. Ўрта Осиё хонликларида олий ҳукмдорнинг вилоятлардаги бошлиғи.

Ҳокимият бўлиниши – Мамлакатларда мавжуд қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг алоҳида-алоҳида, бир-бирига бўйсунмасдан фаолият кўрсатиш принципи. Демократик давлатларнинг асосий хусусиятларидан бири.

Ҳокимиятсизлик – *Қар.: Анархизм.*

Ҳотамтой – 1. Той шахрида яшаб ўтган Ҳотам исмли афсонавий араб. 2. Сахий, саховатли, олижаноб.

Ҳофиз – 1. Ўткир зехли, Қуръони Каримни ёддан, жозоба билан ўқийдиган киши. 2. Истеъдодли кўшиқчи.

Ҳоч – *Қар.: Салиб.*

Ҳубал – Қадимги араб мифологиясида курайш қабиласининг худоси. Авлод-аждодлар, ой ёки осмон худоси, қабиланинг ҳомийси ҳисобланган. Ҳубал Каъбанинг бош худоси деб эътироф этилган, у ўнг қўли олтидан,

қолган аъзолари тошдан қилинган одам қиёфасида тасвирланган. Ислом дини пайдо бўлгандан кейин, мушриклар хубални Макканинг бош худоси сифатида Аллоҳга қарши кўйишган. Макка фатҳидан сўнг хубал санами Каъбадан чиқарилиб, парчаланиб ташланган.

Хувайдо – Аниқ кўриниб турадиган, равшан.

Хувайдо – 1780/81 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) шоир.

Худайчи – *Қар.: Удайчи.*

Худуд – Чегара, ҳад.

Хужра – Мадраса, қорихона ва масжидларда шогирдлар, домлалар яшайдиган кичик хоналар. Хужралар асосан жамоат бинолари (масжид, мадраса ва бошқа зиёратгоҳлар)нинг ташқари қисмида қурилган.

“Хужум” ҳаракати – XX асрнинг 20-йилларида совет ҳокимияти томонидан асосан Ўрта Осиё худудларида олиб борилган хотин-қизларнинг эски турмуш тарзига барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларнинг умумий номи. “Хужум” ҳаракатининг асосий мақсадларидан бири паранжи ташлаш бўлган. Бу тадбир маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олмасдан, зўравонлик, мажбурлаш ва жазолаш усуллари орқали амалга оширилган. Паранжи ташлашга қарши бўлган шахсларни синфий душман сифатида таъқиб этишган. Кўчаларда аёлларнинг паранжиларини юлиб олиб, ёқиб юбориш ҳолатлари жуда кўп бўлган. Ҳатто Ўзбекистон ва Туркменистон ўрталарида паранжи ташлаш бўйича социалистик мусобақа ташкиллаштирилган. Бундай ўзгаришларга маҳаллий халқ тайёр бўлмаган. Хотин-қизларнинг паранжи ташлаб, очик юз билан юриши маҳаллий халқ томонидан уларнинг урф-одатларини поймол қилиш, деб баҳоланган. Хужум компанияси давоми (асосан 1927-1928 йиллар)да 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар ўлдирилган. Шундай бўлсада, “хужум” компаниясининг ижобий томонлари ҳам бўлган. Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ошиб, минглаб аёллар саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсата бошлаганлар.

Хукмдор – Бирор худуд ёки мамлакатнинг ҳуқуқи чекланмаган ҳокими, хон, подшо.

Хумайний, Оятулло (асл исми Рухулло) – 1900-1989 йилларда яшаб ўтган ислом дини шиа мазҳаби пешвоси. Хумайний катта ер эгаси бўлган. Унинг ерларида 3 мингга яқин киши ишлаган. Унинг катта даромади бўлса ҳам, аскетик ҳаёт кечирган. Хумайний саййид, яъни Муҳаммад Пайғамбарнинг бевосита авлодидан бўлган. Хумайний Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Муҳаммад Пайғамбар авлодидан бўлмагани учун мамлакатни бошқаришга ҳуқуқи йўқ, ҳокимиятни зўрлаб қўлга киритган ва шунинг учун у ағдарилиши керак, деб ваъзлар айтган. 1961 йили Рухулло шиа мазҳабининг энг буюк лавозими бўлган оятулло мансабини эгаллаган ва “Оятулло” деб аталадиган бўлган. Оятулло Хумайний Эрон шоҳининг аёлларга мусулмон либосларини кийиб юришлари шарт эмаслиги, мамлакат аҳолисининг европача кийим кийиб юришини рағбатлантириши, баъзи диний маросимларнинг ўтказилишини ман этгани, шиа мазҳаби руҳонийларининг ер мулклари ва даромадларини ҳисобга олиш каби фармонларига қарши курашган. 1964 йил 4

ноябрида Анкарага жўнатилган. Ҳумайний 1979 йилгача Туркия, Ироқ ва Францияда яшаган. 1979 йили Эронга қайтиб келгандан кейин Оятулло Ҳумайний ўзини ислом подшолигини ўрнатиш учун юборилган 12-имом (махдий) деб эълон қилган. 1979 йил 1 апрелдан бошлаб мамлакат “Эрон Ислом Республикаси” деб номланган. Оятулло Ҳумайний ҳукмронлиги даврида (1979-1989 йиллар) Эронда 1979 йил сентябрь ойида арзимаган чегара муаммолари бўйича Эрон-Ироқ уруши бошланган. Бу уруш 8 йил давом этиб, ҳар икки мамлакат иқтисодийига катта зарар етказган, минглаб кишилар ҳалок бўлган. Мамлакат аҳолиси мусулмонча кийим кийиб юриши мажбуран жорий этилган, барча олий ўқув юртлари исломий-лаштирилган. 1982 йил ёздан бошлаб Эронда шиа мазҳаби раҳбарияти ва мафқурасига қаршиларни осиб ўлдиришлар бошланган. 1984 йилнинг ўзида 30 минг киши ўлдирилган. Ҳатто ҳомиладор аёллар ва кичик ёшдаги болалар ҳам жазога тортилганлар. Партиялар, сиёсий ташкилот ва ҳаракатлар тарқатиб юборилган. 1989 йил 3 июнда Оятулло Ҳумайний вафот этган.

Ҳумо – Кимнинг бошига қўнса ёки унинг сояси тушса, у киши энг бахтли бўлади, деб эътиқод қилинган афсонавий қуш.

Ҳумоюн – 1. Буюк подшоларга хос, олий даражадаги, энг муқаддас. 2. Бобурийлар давлатининг ҳукмдори (1530-1556 йиллар). Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич ўғли.

Ҳурмузд – *Қар.: Аҳура Мазда.*

Ҳурмузд IV – Сосонийлар давлатининг ҳукмдори (579-590 йиллар).

Ҳурфикрлик – Муайян ақидаларга эътиқод қилиб, у ҳақда эркин фикр юритиш, бирон бир ғояни мутлақлаштиришга қарши бўлган, маънавий тазйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатга эришиш йўлида ақлга асосланувчи ижтимоий тафаккур йўналиши.

Ҳуррият – Сиёсий ва иқтисодий зулмдан халос бўлганлик, эркинлик, озодлик.

Ҳусайний – Тахм. XV асрнинг 40-йиллари-1513 йилда яшаб ўтган адабиётшунос, шоир.

Ҳуқуқий маданият – Кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш.

Ҳуқуқий онг – Ижтимоий ва индивидуал онгга тегишли бўлган, ҳуқуқий билимларни ўз ичига олган ғоялар мажмуи. Ҳуқуқий онг билиш, баҳолаш ва тартибга солиш вазифаларини бажаради.

Ҳуқуқлар билли (Ҳуқуқлар ҳақида қонун) – 1689 йили Англия парламенти томонидан қабул қилинган ҳужжат. Унга кўра, қиролнинг ҳокимияти кескин чегараланган-у парламент томонидан қабул қилинган қонунларни бекор қилиш, янги солиқлар жорий этиш, қўшинлар жамлаш ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Ҳуқуқат қирол олдида эмас, парламент олдида масъул бўлган, парламент қабул қилган қонунларни Англиянинг барча фуқаролари, шу жумладан қирол ҳам, бажаришлари шарт бўлган, яъни Англияда парламентли монархия тузуми жорий этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Т., Каримов Т. Маънавият сарчашмаларидан. Ўқув қўлланма. - Т.: “ЎАЖБНТ” Маркази, 2004. 173 б.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. - Т., 1977.
3. Бекмуҳамедов Ҳ.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т., “Ўқитувчи”, 1978.
4. Бобоева М.Қ., Қурбонғалиева Р.С. Қадимги дунё тарихи изоҳли луғати. - Т., “Ўқитувчи”, 1992.
5. Всемирная история. - М., “Большая Российская энциклопедия”, 2003.
6. Древний Восток.; учеб. пособие / Н.В. Александрова, И. А. Ладынин, А. А. Немировский, В.М. Яковлев; рук. проекта А.О. Чубарьян.- М.; Астрель; АСТ, 2008.
7. Игамбердиев И.Р. Ислом динидан 100 саволга 100 жавоб (савол-жавоб усулидаги ўқув қўлланма). - Т.: ТОҲТБЮ, 2006. 62 б.
8. Ислом энциклопедияси. Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. - Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 670 б.
9. История древнего мира: Античность / А. И. Немировский. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Русь-Олимп, 2007.
10. Масъудхон Исмоилов, Абдулла Шаропов. Тарих атамалари луғати. - Т., “Академнашр”, 2013. 556 б.
11. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Фафур Ғулوم, 2009. 756 б.
12. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Учинчи тўлдирилган нашри. - Т.: “Шарқ”, 2006. 527 б.
13. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. (Монография). - Тошкент. Чулпон, 2002. 216 с.
14. Нуриддинов Э.З. Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) и Республика Узбекистан. (Ўқув қўлланма). – Ташкент, ТГПУ имени Низами. 2008. 31 с.
15. Нуриддинов Э.З. Европейский Союз (ЕС) и Республика Узбекистан. (Ўқув қўлланма). - Ташкент, ТГПУ имени Низами. 2008. 27 с.
16. Нуриддинов Э.З. Международные отношения 1918-1939 гг. Хронология событий. Учебно-методическое пособие (по курсу «Международные отношения и интеграционные процессы в XX столетии»). - – Ташкент, ТГПУ имени Низами. 2009. 19 с.
17. Нуриддинов Э.З., ва бошқалар. Жаҳон тарихи 1 қисим (Қадимги ва ўрта асрлар тарихи). Дарслик. - Тошкент. 2016. Низомий номидаги ТДПУ. 435 б.
18. Олим Усмон, Ренат Дониёров. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирама сўзлар изоҳли луғати. - Т., “Фан”, 1965. 565 б.
19. Нуриддинов Э.З. Республика Узбекистан - Япония: грани сотрудничества. (Монография). - Ташкент 2017. ТГПУ им. Низами. 154 с.
20. Nuriddinov E.Z., Zokirov Sh.Sh., Ismatullayev F.O. JAHON TARIXI (eng yangi davr). Darslik. - Toshkent. “INNOVATSIYA-ZIYO”. 2019. 376 b.

21. Ражабов Қ., Ҳасанов Ф., Шоймардонов И., Тожибоев Б. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва тузатилган учинчи нашри. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 124 б.
22. Русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғати. Тузувчилар: Панасенко Э.Д., Мадвалиев А.П. - Т.: Фан, 1989.
23. Фортунатов В.В. История мировых цивилизаций. - СПб: Питер, 2011.
24. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Т.: Академия, 2002. 313 б.
25. Қисқача русча-ўзбекча луғат. Тузувчи Игамбердиев И.Р. - Т.: ТОҲТБЮ, 2004. 148 б.